

159.9/67)

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Педагогика олий билимгоҳларининг
талабалари учун дарслик

Қайта ишланган ва тўлдирилган русча учинчи нашрдан
таржима

оп-93

РЕЛИСТ
ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ — УЎҚИТУВЧИ — 1992

Дарслик қуйидаги муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган:

*А. В. Петровский, А. В. Брушлинский, В. П. Зинченко, П. И. Зинченко,
Т. П. Зинченко, Л. Б. Ительсон, Н. С. Лейтес, В. С. Мухина, Е. Б. Пирогов,
Г. С. Серeda, М. Г. Ярошевский*

Таржимон Болтабой Юсупов

Таржиманинг тақризчиси, психология фанлари доктори Э. Ғозиев

Дарсликда психологиянинг умумий масалалари, билиш жараёнлари, шахснинг хиссий-
даврий жihatлари, унинг индивидуал хусусиятлари психология-педагогика фанининг ҳа-
пайтдаги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда қараб чиқилади. Дарслик педагогика оли-
билимгоҳларининг талабалари учун ўқув дастурига мувофиқ тарзда ёзилди.

Учинчи нашрда иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларнинг баълари жиддий тарзда қа-
ишланди.

П $\frac{0303010000-165}{353(04)-92}$ 47—91

ISBN 5-645-01174-0

© Изд-во «Просвещение», 1986
© Ўзбек тилига таржима, «Ўқи-
тувчи» нашриёти, 1992 й.

Муҳаррирдан

«Ҳозирги даврда иқтисодиёт ҳамда маданиятни тез ва уйғун ривожлантириш, социал муносабатларни тартибга солиш, сиёсий устқурмани такомиллаштириш, жамиятнинг асосий ишларида раҳбарлик ва талаб чиқарувчи кучи ва олий бойлиги бўлмиш инсоннинг ўзини янада камол топтириш манфаатлари ёш авлодларга таълим ва тарбия беришга янги янги, яна ҳам кенг кўламда ёндашиш ва талаб қилади. Ёш авлодларга таълим ва тарбия беришга ёш авлодларнинг кўламда ёндашув фақат умумий таълим ва ҳунар мактаблари эмас, балки педагогика олий ўқув юртларида ва университетларда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш системасини ҳам жиддий равишда қайта қуришни тақозо этади. Шу мақсадда, педагогика олий билимгоҳларининг ўқув режалари ва дастурлари қайта ишлаб чиқилди. Студентлар психологик-педагогик тайёргарлигининг аҳамияти, улар педагогика практикасининг роли кучайтирилди. Психология ва педагогикага оид барча фанлар, шу жумладан, умумий психология бўйича дастурлар қайта кўриб чиқилди ва янги қабул қилинди. Психология бўйича «Оилавий ҳаёт психологияси ва этикаси» (педагогика олий билимгоҳларининг барча факультетлари учун), «Социал психология» (ўқиш муддати беш йил бўлган бир қатор факультетлар учун) каби янги ўқув курслари жорий этилди. Шундай бир шароитда психологияга оид фанлар (ёш психологияси ва педагогик психология, оилавий ҳаёт психологияси ва этикаси социал психология бўйича махсус курслар) ни ўрганишни бошловчи умумий психология билан бирга педагогикага оид фанларнинг, энг аввало, педагогиканинг, тарбиявий иш методикаси ва хусусий методикаларнинг ҳам аҳамияти янада ошиб бормоқда. Шу муносабат билан умумий психология, бир томондан, ўзига хос равишда психология фанига кириш вазифасини бажарса, иккинчи томондан студентларни аввало шахс психологияси, унинг фаолияти ва коллективдаги муносабати ҳақида, уни тадқиқ қилиш методлари тўғрисида, асосий психик жараёнларнинг қонуниятлари ҳақида тегишли билимлардан хабардор этган ҳолда уларни профессионал ишга назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашдан иборат конкрет вазифани ўз зиммасига олади. Бу билимларни эгалламай туриб ўқувчиларнинг ўқиши ва меҳнат фаолиятига, уларга таълим ва тарбия бериш ишига раҳбарлик

қилишга лаёқатли профессионал педагогни муваффақиятли тарзда вояга етказиб бўлмайди.

Ана шуларнинг ҳаммаси мазкур дарсликнинг учинчи (биринчиси 1970 йилда, иккинчиси 1976 йилда босмадан чиққан), қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини тайёрлашга асос бўлдики, бу нашрда ҳозирги замон психология фанининг аҳволи ва бўлғуси ўқитувчи шахсини камол топтириш вазифалари ўз аксини топгандир.

«Умумий психология» авторлар жамоаси томонидан ёзилган бўлиб, 1-бобни *А. В. Петровский* билан *М. Г. Ярошевский*; 2, 5, 6, 7, 13, 14, 15, 17, 18-бобларни *А. В. Петровский*; 3-бобни *В. С. Мухина*; 4-бобни *Л. Б. Ительсон* билан *А. В. Петровский*; 8-бобни *Е. Б. Пирогова*; 9-бобни *Т. П. Зинченко*; 10-бобни *В. П. Зинченко* билан *Т. П. Зинченко*; 11-бобни *П. И. Зинченко* билан *Г. С. Середа*; 12-бобни *А. В. Брушлинский*; 16-бобни *Н. С. Лейтес* ёзди.

Тавсия этилган адабиётларни *З. В. Кузьмина* тайёрлади.

Авторлар коллективи мазкур янги китобдан фойдаланишларига тўғри келган ўқитувчилар ва студентлардан фикр ва мулоҳазалари учун миннатдор бўлур эди.

А. В. Петровский

БИРИНЧИ ҚИСМ

ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ

1-БОБ

ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ

I. 1.1. Психология ҳақида тушунча

Ҳар қандай конкрет фан бошқа фанлардан ўз предметининг хусусиятлари билан фарқ қилади. Жумладан, геология ҳам, геодезия ҳам Ер ҳақида баҳс юритади, аммо уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, геология Ернинг таркиби, тузилиши ва тарихини ўрганса, геодезия Ернинг кўлами ва шаклини ўрғанади. Психология ўрғанадиган ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш янада қийинроқ. Бу ҳодисаларни тушуниш кўп жиҳатдан психология фанини эгаллаш заруратига дуч келган одамларнинг дунёқарошига боғлиқдир.

Қийинчилик энг аввало шундан иборатки, психология ўрғанадиган ҳодисалар кишилар ақлида аллақачонлардан буён алоҳида ҳодисалар сифатида бўрттирилиб ва ҳаётдаги бошқа кўринишлардан ажратилиб келинди. Чиндан ҳам шу нарса мутлақо равшанки, менинг ёзув машинкасини *идрок этишим* қаршимдаги стол устида турган ёзув машинкасининг ўзидан, яъни реал нарсадан мутлақо бошқа ва фарқ қиладиган нарса ҳисобланади; менинг чанғида юришга бўлган *истагим* ҳақиқатда чанғида юришга нисбатан аллақандай бошқа бир нарсасадир; менинг Янги йилни кутиб олиш ҳақидаги *хотирам* Янги йил арафасида реал тарзда юз берганига қараганда фарқ қиладиган аллақандай бир нарса ҳисобланади ва ҳоказо. Шу тариқа аста-секин турли хил ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурлар таркиб топади ва улар *психик ҳодисалар* (психик функциялар, хусусиятлар, жараёнлар, ҳолатлар ва бошқалар) деб номлана бошлади. Бу ҳодисаларнинг алоҳида характерга эгаллиги уларнинг одамларни қуршаб турган ташқи оламдаги ҳодисалардан фарқ қилишида, инсоннинг ички дунёсига тегишли эканлигида кўзга ташланади. Уларни реал ҳодисалар ва фактларга қарама-қарши қўйиладиган руҳий ҳаёт («психика» деган терминнинг ўзи юнонча «псюхе» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «руҳ» деган маънони билдиради) соҳасига тааллуқли деб ҳисоблашарди. Бу ҳодисалар «идрок», «хотира», «тафаккур», «ирода», «ҳиссийёт» ва бошқа шу каби номлар билан гуруҳларга ажратилиб, ҳаммаси биргаликда *психика*, *кишининг психик*, *ички дунёси*, *унинг руҳий ҳаёти* ва ҳоказолар деб аталадиган тушунчаларни ҳосил қилади.

Гарчи кундалик мулоқот давомида бошқа одамларни кузатиб борган кишилар хулқ-атворнинг турли хил факлари (ҳаракатлар, қилиқлар, иш бажариш ва ҳоказолар) билан бевосита муносабатда бўлсалар ҳам, амалда ўзаро биргаликда ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж уларни *ташқи хулқ-атвор ортида яшириниб ётган психик жараёнларни фарқлай билишга* мажбур қилган. Кишининг хатти-ҳаракатлари замирида ҳаммиша унга дастуриламал бўлган мақсадлар, майллар, у ёки бу воқеадан таъсирланиш замирида эса характерига хос асосий белгилар тушунилган. Шунинг учун ҳам психик жараёнлар, хусусиятлар, ҳолатлар илмий таҳлил предметиға айланишидан анча илгари кишиларда бир-бирлари тўғрисида содда психологик билимлар тўплана бошлаган. Бу билимлар авлоддан авлодга ўтган ҳолда тилда, халқ ижодиёти ёдгорликларида, санъат асарларида ўз ифодасини топа борди. У, жумладан, мақол ва маталларда мужассамлаша бошлади: «Ўн марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал» (кўз билан кўрган ҳолда идрок этиш ва хотирада сақлаб қолишининг эшитишга қараганда афзалликлари ҳақида); «Одат — кишининг иккинчи табиидир» (туғма хулқ-атвор турлари билан раҳобат қила оладиган барқарор одатларнинг роли ҳақида) ва ҳоказолар.

Кишининг шахсий ҳаёт тажрибаси ҳам унга психика ҳақида муайян тасаввур бера олади: бирон-бир текстни қайтадан ўқиб чиқиш унинг киши хотирасида яхшироқ сақланиб қолишиға ёрдам беришини, гарчи «Такрорлаш — илмнинг онаси» деган мақол унга таниш бўлмаса ҳам, ўз шахсий тажрибасидан билиб олади.

Ижтимоий ва шахсий тажрибада юзага келган содда психологик маълумотлар *илмий психологиягача яратилган психологик билимларни* ташкил этади. Улар анча кенг миқёсли бўлиши, маълум даражада теварак-атрофдаги кишиларнинг хулқ-атворига қараб иш қилишға ёрдам бериши, бир мунча тўғри бўлиши ва воқеликка мос келиши мумкин. Лекин, умуман олганда, бу билимлар системалиликдан, теранликдан, исботлиликдан маҳрумдир ва шунга кўра ҳам билимлар киши психикаси тўғрисида одамлар билан уларнинг у ёки бу хилда кутилаётган ҳолатлардаги хулқ-атворини таҳмин қилиш имконини берадиган ҳамда *илмий*, яъни объектив ва ишонарли билимларни талаб қиладиган жиддий (педагогик, даволаш, ташкилий ва бошқа шу каби) иш олиб бориш учун мустаҳкам негиз бўла олмайди.

Хўш, илмий психологиянинг предмети нималардан иборат? Илмий психологиянинг предмети дейилганда, аввало, *психик ҳаётнинг конкрет факлари* назарда тутилади, психик ҳаётга доир ҳар бир факт эса ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан характерли хусусиятларға эга. Масалан, психология фани инсоннинг теварак-атрофдаги нарсаларни идрок қилиш процессини текшириб, жуда муҳим фактни аниқлаган: идрок шароитлари ўзгариб турса ҳам, идрок қилинган предметнинг инсон онги-

даги образи нисбатан ўзгармай қолаверар экан. Масалан, ушбу сатрлар битилган саҳифа ёруғ куёш нурида ҳам, қоронгиликда ҳам, электр билан ёритилган жойда ҳам қоғоздан синиб қайтувчи нурларнинг физикавий характеристикаси гарчанд ҳар хил ёритилиш чоғида шу қадар хилма-хил бўлишига қарамай, оппоқ шаклида идрок қилинаверади. Мазкур ҳолатда тасаввуримизда психологик фактнинг сифат характеристикаси ҳосил бўлади. Психологик фактнинг миқдорий характеристикасига мисол бўлиб муайян бир кишининг таъсир кўрсатувчи кўзгатувчидан таъсирланиш вақтининг ўлчови хизмат қилиши мумкин (агар синовдан ўтказилаётган кишига лампочканинг ёнишига жавобан тугмачани иложи борича тезроқ босиш тавсия этиладиган бўлса, бирининг таъсирланиш тезлиги 200 миллисекунд, бошқасиники эса 150 миллисекунд, яъни анча тезроқ бўлиши мумкин). Таъсирланиш тезлигининг экспериментда кузатиладиган индивидуал фарқлари илмий тадқиқотда аниқланадиган психологик фактлар ҳисобланади. Улар синовдан ўтаётган турли кишилар психикасининг баъзи бир хусусиятларини миқдорий жиҳатдан баҳолашга имкон беради.

Лекин психологик факт қанчалик қизиқарли бўлишидан қатъи назар, илмий психология уни таърифлаш билангина чеклана олмайди. Илмий жиҳатдан билиш ҳодисаларни *тасвирлашдан* уларни *тушунтириб беришига* ўтишни муқаррар талаб қилади. Кейингиси ана шу ҳодисалар бўйсунадиган қонунлар моҳиятининг очиб берилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам психологик фактлар билан биргаликда *психологик қонунлар* психологияда ўрганиладиган предмет бўлиб юзага чиқади. Жумладан, баъзи бир психологик фактларнинг юзага келишида ҳар гал бунинг учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлиги муқаррар, яъни *қонуниятли* бўлиши кузатилади. Масалан, идрок этишнинг юқорида келтирилган нисбий барқарорлиги қонуниятли характерга эгаки, бунда фақат рангни идрок этишгина эмас, балки нарсанинг катта-кичиклиги ва шаклини идрок этиш ҳам барқарордир. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, идрокнинг барқарорлиги кишида аввал бошданок, яъни туғилиши биланок мавжуд бўлган эмас. У аста-секинлик билан, қатъий қонунларга биноан шакллана боради. Агар идрокнинг барқарорлиги мавжуд бўлмаганида, киши ташқи муҳитда мулжални туғри ола билмасди — теваарактрофидаги нарсаларга нисбатан унинг ҳолати салгина ўзгариши билан кўз ўнгида турган оламнинг манзараси кескин ўзгариб кетаверар, нарсалар нотўғри идрок этилаверарди.

Қонуниятли алоқаларни билишнинг биргина ўзи қонуниятнинг намоён бўлиши учун восита ҳисобланган конкрет механизмларни тушунтириб бера олмайди. Шунинг учун психологиянинг вазифаси психологик фактлар ва қонуниятларни ўрганиш билан бир қаторда *психик фаолиятнинг механизмларини* аниқлашдан иборатдир.

Масалан, кўзнинг тўр пардасига таъсир ўтказиш натижасида рўй берадиган жараёнлар билан кўз соққаларини туташтирадиган ва қочирадиган мушакларнинг зўриқиши натижасида ҳосил бўладиган ҳаяжонланишнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати нарсадан узоқлашиш чоғида унинг ҳажмини идрок этишнинг нисбий барқарорлигини таъминловчи механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади. Гарчи нарса узоқлашганда унинг кўз тўр пардаларининг таъсирчан тўқималаридаги тасвири тегишли тарзда кичраяди, ammo кўзнинг соққалари бир-бирдан қочиши чоғида кўз мушакларининг зўриқиши ўзгараётди, нарсанинг кичрайдигани эмас, балки унинг узоқлашгани ҳақида ахборот беради.

Психик фаолият механизмлари у ёки бу психик жараёни амалга оширадиган конкрет анатомик-физиологик аппаратларнинг ишлашини тақозо қилгани учун ҳам психология бу механизмларнинг табиати ва ҳаракатини бошқа фанлар (физиология, биофизика, биохимия, кибернетика ва бошқалар) билан биргаликда очиб беради.

Шундай қилиб, *психология фан сифатида психиканинг фактларини, қонуниятларини ва механизмларини ўрганади.*

Аmmo шу нарса равшанки, келтирилган таъриф ҳам психологиянинг предмети тўғрисида сўз юритилганда бу психик жараёнлар, хусусиятлар, ҳолатлар ва шу кабиларни ўрганадиган фан эканлиги ҳақидаги анъанавий таърифлар каби жуда муҳим изоҳ талаб қилади. Психик ҳодисаларнинг «алоҳида ҳодисалардан» эканлиги, уларнинг «ички дунёни» ташкил этиши ҳақидаги таъкидлари ўз ҳолича психиканинг моҳиятини, унинг ўзига хос хусусиятини очиб бера олмайди. Психика нима деган саволга жавоб беришдан олдин, энг аввало, психик ҳодисаларнинг моҳияти ва характери ҳақидаги тасаввурлар асрлар давомида қандай ўзгариб борганлигига, қисқача бўлса-да, назар ташлаш шарт.

Психологик таълимотлар тарихидан

Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари қадим замонлардан буён кишини теварак-атрофидаги одамларнинг психик жиҳатдан тузилиш хусусиятларини фарқлай билишга ва уларни ўз хатти-ҳаракатларида ҳисобга олишга мажбур этиб келган. Дастлаб бу хусусиятларга жоннинг таъсири деб изоҳ берилган. «Жон» тушунчасининг пайдо бўлиши ибтидоий халқларнинг *анимистик* қарашлари билан боғлиқдир. Ибтидоий одамнинг тасавурида руҳ танадан батамом ажратилмаган бўлади. Бундай тасаввурлар ҳаёт ҳодисалари ва онгни, шу жумладан, уйқу, ўлим, ҳушдан кетиш ва шу кабиларни ноилмий, примитив-материалистик тарзда талқин қилиш оқибатида таркиб топгандир. Ибтидоий одам бу хилдаги ҳодисаларнинг сабабларини тушунтириб бериш воситаларига эга бўлмасдан, бевосита идрок қилинадиган юзадаги нарсани ҳақиқий моҳият сифатида қабул қилиб келган. Жумладан, туш кўриш ухлаётганда танани тарк этиб, ер юзида кезиб юрвучи руҳнинг таассуротлари деб тасаввур қилинган. Ибтидоий одам ўлимни ҳаётий жараённинг охири босқичи деб тушунмаган. Шу боис ўлим уйқунинг бир тури сифатида идрок этилиб, бунда руҳ аллақандай сабабларга кўра танага қайтиб

келмайди деб изоҳланган. Ибтидоий одам бу ҳодисаларни таҳминан қуйидагича тушунган: руҳ — кишининг айнан ўзи; унинг эҳтиёжлари ва одатлари, ҳаёт кечириш шарт-шароитлари тирик одамларникидекдир. Марҳумларнинг руҳлари ҳам гуё одамларники каби машғулотлар ва социал тартиб мавжуд бўлган ҳамжамиятни ташкил этармиш. Тирик одамлар ва марҳумларнинг руҳи ўзаро алоқада бўлиб, моддий ва ҳужалик жиҳатидан бир-бирига боғлиқдир.

Эввойи одамнинг табиат қаршисидаги ожизлиги сабабли индивид (шахс)нинг ҳам, жамиятнинг ҳам руҳдан ана шу тарзда тобелиги ҳақидаги тасаввурлар натижасида руҳга тоатибодат тарзидаги муносабатлар таркиб топди. Бу эса диннинг дастлабки шакли эди.

Кейинчалик жамият тараққий эта борган сари, планлаштириш ва ижронинг, жисмоний меҳнат ва «ишлаб чиқаришнинг маънавий кучлари»нинг табақалашуви, синфий жамиятнинг пайдо бўлиши ва кишининг мавҳумлаштириш қобилияти ривожлана бориши муносабати билан жоннинг моддийликдан ҳоли табиати ҳақидаги ғоялар пайдо бўлди. Шу билан бирга олдинги антимистик, афсонавий тасаввурлар ўрнини руҳни борлиқнинг натурфилософик манзараси нуқтаи назардан тушунтиришга уринишлар эгаллай бошлади. Ионий натурфилософлари — *Фалес* (эрамиздан олдинги VII—VI асрлар), *Анаксимен* (эрамиздан олдинги V аср) ва *Гераклит* (эрамиздан олдинги VI—V асрлар) руҳни оламнинг ибтидосини ташкил этувчи нарса (сув, ҳаво, олов)нинг одамлар ва ҳайвонларга жон ато этувчи шакли тарзида талқин қилишган. Қадимги юнон файласуфларининг бу ғояни изчиллик билан ўтказишлари материализмнинг ўзига хос шакли — материянинг жонлилиги (*гилозоизм*) тўғрисидаги хулосага олб келди. Бу материалистик ғояларнинг *Демокрит* (эрамиздан олдинги V—IV асрлар), *Эпикур* (эрамиздан олдинги IV—III асрлар) ва *Лукреций* (эрамиздан олдинги I аср) каби *атомистлар* томонидан ривожлантира бориши оқибати ўлароқ руҳ танага жон бағишловчи моддий жисм, шунингдек моддий асос ҳисобланмиш ақл, яъни, бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг бутун жараёнини бошқариш вазифасини бажарувчи идрок билан идора этиладиган аъзо сифатида талқин этила бошлади. Руҳ билан ақлнинг ўзи тананинг аъзолари бўлгани учун уларнинг ўзи ҳам тана ҳисобланади ва, атомистларнинг фикрига кўра, шарсимон, кичик ва шунинг учун ҳам анча ҳаракатчан атомлардан таркиб топади. Бу фикрнинг соддалигига қарамай унда жонли нарса — тананинг энг содда функцияларидан тортиб то психикага, ақл-идрокка қадар жонлилиги хусусиятининг материягагина хос хусусият эканлигининг тасдиқланиши прогрессив ҳол эди.

Шундай қилиб, психик фаолиятни илмий тушуниш йўлидаги дастлабки йирик муваффақиятлар унинг физикавий олам қонунларига бўйсунини иббот қилиш билан, унинг кўриниш-

лари организмнинг анатомик-физиологик тузилишига боғлиқлигини кашф этиш билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга ўша давр материализм намоёндалари ихтиёридаги маълумотлар ёрдамида кишига хос маъхум мантиқий тафаккур қандай бўлишини, шахснинг маънавий фазилатлари қай тариқа таркиб топишини, кишининг мақсад кўзлаши ва гавдани ўз измига бўйсундира билиш қобилияти қай йўсинда таъмин этилишини ва шу қабилирни тушунтириб бериш қийин эди.

Чинакамига инсоний хулқ-атворга оид ушбу аломатларни атомлар ҳаракати доирасидан ташқарига олиб чиқиш, «шарбатлар» аралашмаси ёки миянинг ташқи тузилиши билан тушунтириш мумкин эмас эди. Бу эса қулдорлик жамияти манфаатларини ҳимоя қиладиган файласуфларнинг психика ҳақидаги идеалистик қарашларнинг ривожланиши учун — шароит яратиб берди. Бу файласуфлар орасида *Афлотун* (эрамиздан олдинги 428/427—347 йиллар) алоҳида ажралиб туради. У жоннинг қисмлари тўғрисидаги тушунчани яратди. Шундай қисмлардан: а) ақл-идрокни, б) жасоратни, в) орзу-истакни алоҳида ажратиб кўрсатди ва улар тананинг турли қисмлари (бош, кўкрак, қорин бўшлиғи)га жойлашган бўлади деган фикрни илгари сурди. Афлотуннинг фикрича, жоннинг қисмлари одамларда бир хил тақсимланган бўлиб, улардан бирининг бошқаларига қараганда устун бўлиши индивиднинг у ёки бу социал гуруҳга мансублигини белгилайди. Жумладан, оддий меҳнатчилар жон қуйи қисмининг, яъни нафснинг устунлиги билан ажралиб турадилар. Уларнинг азалий қисматлари — ўзларида руҳнинг ақл-идрокли, олий қисм ҳукмрон бўлган аристократ (аслзода)ларга — файласуфларга хизмат қилиш эмиш. Бу ўринда Афлотун дунёқарашларининг синфий моҳияти яққол намоён бўлади. Унинг «ғоялар» кўринмас, лекин табиатнинг нариги томонидаги олий дунёни ташкил этувчи азалий ва ўзгармас моҳиятлар эканлиги тўғрисидаги таълимоти катта аҳамиятга эга бўлди. Жоннинг ақл-идрокли қисми омонат танага жо бўлгунга қадар ана шу дунёга даҳлдор. У танага жо бўлиб олгач, туғилишга қадар кўрилган нарсаларни эслай бошлайди. Хотиралар қанчалик ёрқин бўлса, унда ҳақиқий билимлар шунчалик кўп очилиб бораверади.

Афлотун, психологияда *дуализмнинг*, яъни моддий ва руҳий оламни, тана билан психикани иккита мустақил ва антагонистик ибтидолар тарзида тушунтирадиган таълимотнинг асосчиси дир. Афлотуннинг дуализмига қараганда унинг шогирди *Арасту* (эрамизга қадар 384—322 йиллар)нинг таълимоти анча муваффақиятли равишда илгарилаб кетдики, у психологик фикрларни табиий-илмий асосга қайта қуриб, уни биология ва тиббиёт билан боғлади. Арастунинг «Жон тўғрисида»ги асари психологиянинг бу даврга келиб ўзига хос билимлар соҳаси сифатида ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Унинг ютуқлари ҳам ҳайвонлардаги, ҳам одамлардаги конкрет ҳаётий кўринишларни кузатиш, тасвирлаш ва таҳлил қилиш

билан боғлиқ эди. Арасту руҳий фаолиятни ўрганишнинг тажриба методини, объектив методни ҳимоя қилиб чиққан эди.

Искандар Зулқарнайнинг юришлари даврида унинг тарбиячиси бўлмиш табиатшунос Арастунинг кўз ўнгида турли табиий шароитларга мувофиқлашган ранг-баранг ҳайвонот дунёси намоён бўлди. Бу эса Арастунинг жон ҳақидаги таълимотни яратиши учун шарт-шароит яратди. Арастуга қадар материалистлар ҳам (улар руҳни материянинг бир тури деб ҳисоблашарди), идеалистлар ҳам (улар руҳни танадан ҳоли деб изоҳлашарди) руҳ ва тана бир-биридан алоҳида яшаши мумкин, деб ҳисоблашарди. *Арасту кишилик тафаккури тарихида биринчи бўлиб руҳ ва жонли тананинг ажралмас эканлиги ғоясини илгари сурди.* «Руҳ дарғазаб бўлаётир деб айтиш бирон-бир кимсанинг руҳ мата тўқияпти ёки уй қуряпти дейиши билан баробардир»,— деб ёзган эди Арасту. Жон қисмларга бўлина олмайди, лекин у фаолиятнинг озиқланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл-идрок каби турларига сид қобилиятларда намоён бўлади. Биринчи қобилият ўсимликлар учун, иккинчиси ва учинчиси ҳайвонлар учун, тўртинчиси одам учун хосдир. Ўсимликлар, ҳайвонлар руҳи ва ақл-идрокли зот руҳи тўғрисидаги таълимотлари билан Арасту олий қобилиятлар содда қобилиятлардан ва уларнинг негизида пайдо бўлишини билдирадиган ривожланиш принципини жорий этди; одамда ҳаёт ва психика ривожланишининг ибтидо даражаси мавжуддир. Сизги дастлабки билиш қобилияти ҳисобланади. У «мум темир ва олтиндан ясалмаган бўлса-да, муҳрнинг изини қабул қилганидек», предметларнинг материясиз ҳолида ҳис этилган шаклини қабул қиларди. Сизги тасаввурлар шаклида из қолдиради. Арасту илгари сезги аъзоларига таъсир ўтказган нарсалар образларининг тасаввур тарзида мавжудлигини кашф этди. У шунингдек бу тасвирлар ўхшашлиги, турдошлиги ва кескин фарқланиши каби учта йўналишда бирлашувини ҳам кўрсатди, бу билан психик ҳодисалар *ассоциацияси* (боғланиши)нинг асосий турларини очиб берди. Арасту организмнинг табиатдан олган имкониятларни фақат ўзининг хусусий фаоллиги орқали рўёбга чиқаришига асосланган *ҳолда характернинг реал фаолиятида шаклланиши тўғрисидаги назарияни* илгари сурди. Кишининг адолатпарвар ва кўнгилчан бўлиши унинг адолатли ва меъёридаги ҳаракатларни тез-тез такрорлайвериши натижасида рўй беради.

Гераклит, Демокрит, Афлотун, Арастуларнинг таълимотлари кейинги асрда психологик ғояларнинг ривожланишида таянч нуқта, асос бўлди. Аста-секин руҳ ҳақидаги тушунча ҳаётнинг барча кўринишларига (ўсимликларни, яъни соф биологик жараёнларни ҳам қўшиб) нисбатан қўлланилавермасдан, фақат ҳозир биз психика деб атаётган даражага нисбатан қўлланила бошланди. Психика категориясининг замирида *онг* ҳақидаги тушунча майдонга келди. Киши фақат идрок ва тафаккурга эга бўлиб қолмасдан, балки *уларнинг унга мансублигини* эъти-

роф этишга, ихтиёрый ҳаракатлар қилибгина қолмасдан, балки бу ҳаракатларни унинг ўзи қилаётганини билишга ҳам қодирдир.

Бир вақтлар ягона ҳисобланган руҳ ҳақидаги тушунча организмнинг тузилиши ва функцияларини тажриба тариқасида тадқиқ этиш борасидаги тараққиётнинг, шунингдек социал эҳтиёжларнинг таъсири остида бир қанча майда тушунчаларга бўлиниб кетди. Эрамыздан олдинги III асрда александриялик врачлар *Герофил* ва *Эразистрат* нервларни кашф этишди ва уларнинг пай ва чандирлардан фарқини аниқлаб беришди. Бу врачлар психик функциялар (сезгилар ва ҳаракатлар) миянинг қўзғатилишига боғлиқ эканлигини мунтазам равишда ўрганиб боришди. Умуман гавда эмас, балки тананинг айрим аъзоларигина (нervлар, мия) психика билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди. Ҳаётнинг ҳар қандай кўринишига асос бўладиган руҳ билан сезгилар ва ҳаракат (нervлардан ажралмайдиган)ларнинг асоси сифатидаги руҳ иккита ҳар хил гуруҳлар бўлиб чиқди.

Эрамыздан олдинги II асрда румолик врач *Гален* физиология ва тиббиётнинг ютуқларини умумлаштириб, психиканинг физиологик негизи ҳақидаги тасавурларни бойитди ва онг тушунчасига яқинлашиб келди. У диққат, хотира, мулоҳаза иштирок этадиган ҳаракатларнинг киши, масалан, уйқусида бажарадиган ҳаракатлардан чегараланишини кўрсатиб берди. Униси ҳам, буниси ҳам руҳ билан идора қилинади, лекин биринчи ҳолда қўшимча моментлар иштирок этади. Онг тўғрисида пайдо бўлган тушунча идеалистик фалсафа томонидан фойдаланилди. Идеалистик фалсафа қуллар революцияси ва граждандлар уруши Рим империясини ларзага келтириб турган шароитда дин ва мистика билан тил бириктирган ҳолда гуллаб-яшнаётган идеалистик философия томонидан фойдаланилган эди. Олдинига *Плотин* (эрамызнинг III асри), сўнгра эса *Августин* (эрамызнинг IV—V асрлари) онг ҳақидаги тушунчага фақат идеалистик тус беришган эди. Барча билимлар руҳда мужассамлашган, у эса ўзига қайтиш қобилиятига эга бўлиб, ўз хусусий фаолиятини ва унинг қўзғалмайдиغان маҳсулини ҳаддан зиёд аниқлик билан эгаллайди деб, ҳисобланади. Руҳнинг ўз-ўзини бу хилдаги билиши одамнинг ички тажрибаси ҳисобланади ва бу тажриба одамнинг ташқи сезги аъзолари орқали ҳосил қилинадиган тажрибасидан тубдан фарқ қилади. Кейинчалик бу нуқтаи назар *интроспекционизм* номи билан атала бошлади.

Ҳукмрон диний идеология одамда реал оламга нисбатан салбий муносабат уйғотди, худонинг руҳсориға етишмоқ учун уни дарвешликка даъват этди. Путури кетган, реал тажрибадан маҳрум бўлган психологик билимларнинг тараққиёти тухтаб қолди. У янги ижтимоий-тарихий шароитлардагина янгидан бунёдга келиши мумкин эди. Бундай шарт-шароитлар ишлаб чиқариш кучлари юксала бориши, янги ижтимоий муносабат-

ларнинг пайдо бўлиши билан таркиб топа бошлади. Ҳали феодализм заминидеяқ илғор психологик таълимотлар пайдо бўла бошлади; феодализм сиртмоғидан қутилган шахснинг онги руҳнинг черков-диний концепциясига қарши кескин кураш жараёнида қарор топди. Ҳар қандай таълимотнинг умумий характери ана шу концепцияга нисбатан муносабат билан белгиланади. Аллақайси дорулфунуннинг студентлари биринчи лекциядаёқ профессорни баҳоламоқчи бўлган бир пайтларда улар профессорга: «Бизга руҳ ҳақида гапириб беринг!» — деб мурожаат қилар эдилар.

Инквизициянинг гулханлари янги социал кучлар илгари сурган ва озодликка чиқаётган тафаккурни яқсон қила олмади. Олдин Нидерландияда, кейинчалик Англияда буржуа революциялари юз берди. Ижтимоий эҳтиёжлар тафаккур тарзининг ўзида тўнтариш ясади. Қишининг ҳаёт фаолиятини ҳам қўшган ҳолда табиатни тажрба йўли билан ўрганиш ва механистик тушунтириш тафаккур тарзи амал қиладиган принцип бўлиб қолди.

XVII аср биологик ва психологик билимлар тараққиётида янги даврни очиб берди. Танага нисбатан ҳам, руҳга нисбатан ҳам қарашларда туб бурилиш юз берди. Инсон танаси машинага ўхшатилади, техника қурилмаларининг тузилиши қандай принципларга асосланган бўлса, тана тузилиши ҳам шундай принципларга асосланган деб тасаввур этилади, бинобарин тана ҳам машина сингари руҳнинг бошқаришига муҳтож эмас деб қаралади. Француз олими *Декарт* (1596—1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайрихитийрий) табиатга эғалигини кашф этилиши ана шу ғоя билан узвий боғлангандир. Буюк француз мутафаккири юракдаги мушакларнинг ишлаши қон айланишининг ички механикаси билан бошқариб турилгани каби хулқ-атворнинг ҳамма даражаларидаги бошқа мушакларнинг ишлаши ҳам худди соат механизмида миллиларнинг айланишига ўхшаса керак, деб таҳмин қилган эди.

Рефлекс ҳақидаги тушунча организмнинг ташқи таъсирга қонуний жавоб реакцияси сифатида пайдо бўлди. Декарт мушаклар ташқи турткиларига руҳнинг ҳеч қандай аралашувисиз, нерв системасининг тузилиши эътибори билан ҳам жавоб қайтаришга қодирлигини исботлаб берди. Ахир биз соат механизмининг ёки жисм юзасидан қайтаётган нурнинг ҳаракатини руҳнинг иши деб айтмаймиз-ку. Ҳайвонлар ҳам ўзига хос механизмлар бўлиб ҳисобланади, нервлардаги жараёнлар эса нурнинг қайтиши каби миядан мушакларга ўтиб акс этади (лотинча «рефлекс» сўзи акс этиш деган маънони англатади).

Бу нуқтан назар чинакамига революция бўлиб, нерв-мушак фаолиятини объектив равишда билиш воситасига айланди. Декарт ўзининг «нerv машинаси» ҳаракатларидан бунга қадар руҳагина хос деб ҳисоблаб келинган кўп сонли психик ҳодисаларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилган эди. У сезилар, ассоциациялар, кучли эҳтирослар қандай юзага чиқиши мум-

кинлигини тушунтириб берди. Лекин у ўз рефлектор схемасини бутун психик фаолиятга жорий эта олмади. Унинг таълимотида руҳ танадан аллақандай мустақил ва алоҳида моҳият сифатида, рефлекс билан баб-баравар тарзда қўйилгандир.

Декартнинг дуализмини XVII асрнинг буюк мутафаккирлари — бировлари материалистик нуқтаи назардан, бошқалари идеалистик нуқтаи назардан рад этишди. Қонунлари психологиянинг ҳам қонунлари ҳисобланган механик ҳаракатни ягона реаллик деб эълон қилган инглиз материалисти Гоббс (1588—1679) руҳни бутунлай рад этди. Психология тарихда биринчи марта руҳ ҳақидаги таълимот бўлмасдан, балки у танاداги жараёнларнинг сояси каби рўй берадиган руҳий ҳодисалар ҳақидаги таълимотга айланди. Психикани аллақандай ғайри моддий кўринишдаги нарсага айлантириш эвазига оламнинг яхлитлигига эришилди. Бу нуқтаи назар *эпифеноменализм* деб ном олди. Шунини унутмаслик керакки, у ўз даври учун илғор нуқтаи назар ҳисобланарди, негаки, бу нуқтаи назар ўша пайтларда ҳукмрон бўлган аллақандай руҳий моҳият ёки руҳий кучлар ҳақидаги ишончларни пучга чиқарганди.

Нидерландиялик материалист файласуф Спиноза (1632—1677) ҳам, Гоббс каби, оламнинг бир бутунлиги тўғрисидаги ғоянинг астойдил ҳимоячиси эди. У онгни катта кўламга эга материядан сира кам бўлмаган реал нарса деб ҳисобларди. Унинг шоҳ асари бўлмиш «Этика»нинг теоремаларидан бирида «Ғоялар тартиби ва алоқаси қандай бўлса, нарсаларнинг тартиби ва алоқаси ҳам шундайдир» дейилади. Тана ҳам, унинг ғоялари ҳам табнатнинг ўша мутлақ тартибига киритилгандир. Бу ўринда Спиноза худди Гоббс каби (рефлекс ҳақидаги таълимотида Декартга ҳам ўхшаб) илмий психологиянинг асосий принципларидан бири — *детерминизм принципининг* жарчиси бўлиб чиқди. Бу принципга кўра барча ҳодисалар моддий сабаблар ва қонунларнинг таъсири остида рўй беради. Кишининг ҳис-туйғуларини, хатти-ҳаракатини идора этувчи қонунлар ўзларининг қатъийлиги ва аниқлиги жиҳатидан геометрия қонунларига ўхшайди, деб тасдиқланади. «Этика» геометрик трактат шаклида ёзилгани, унда бир қонданинг муқаррар равишда иккинчи қондандан келиб чиқиши ҳам бежиз эмас. Механика, оптика, геометрия соҳасида эришилган ютуқлар психологик фикрлар ривожига самарали таъсир кўрсатди.

Фан тарихида биринчи бўлиб онгсизлик психикаси ҳақидаги тушунчани илғари сурган XVII асрдаги йирик немис мутафаккири Лейбниц (1646—1716)нинг таълимотига математика, жумладан, интеграл ва дифференциал ҳисоблар кашф этилиши таъсир этган эди. Психик ҳаёт манзараси арифметик йиғинди тариқасида эмас, балки интеграл тарзида намоён бўлди. Лейбниц тасаввурларнинг узлуксиз чегараланиши ғоясига таянган ҳолда *перцепция* (бевосита онгсиз идрок) ни *apperцепция* (диққат ва хотирани ўз ичига олган англанилган идрок)дан фарқлаган эди. Лейбниц идеалист бўлгани учун ҳам оламни кўплаб руҳ-

лар — «монад»лардан («монада» — ажралмайдиган дегани) таркиб топган деб ҳисоблади. Шу билан бирга у психологияга жуда кўп янгиликларни, энг аввало, психиканинг фаоллиги табиати ва узлуксиз ривожланиши, ҳамда психиканинг онглилик ва онгсизлик кўринишлари ўртасидаги мураккаб нисбат ҳақидаги ғояни олиб қирди.

XVII асрда фанда ва ҳаётда *рационализм* ҳукмрон эди. Унга кўра ҳаққоний билимга фақат ақл-идрок орқали эришиш мумкин. Илғор мамлакатларда юз бераётган туб иқтисодий ўзгаришлар, индустриал революция, илмий билимларни амалиётга татбиқ этиш учун интилишлар XVIII асрда *эмпиризм* ва *сенсуализмни* — тажриба ва ҳис этиладиган билишнинг «соф» ақл-идрокдан афзаллиги ҳақидаги таълимотнинг, яъни ақлда ҳеч қандай тугма ғоялар ва принциплар бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таълимотнинг олдинги маррага кўтарилишига олиб келди. Бу таълимотни инглиз файласуфи ва педагоги *Жон Локк* (1632—1704) астойдил ҳимоя қилиб чиққан эди. Уни *эмпирик* (тажриба) *психология*нинг асосчиси деб ҳисоблаш қабул қилинган. Барча билимларнинг тажрибадан келиб чиқиши ҳақидаги қоида психология учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки у руҳий ҳаётнинг конкрет фактлари, оддий ҳодисалардан мураккаб ҳодисаларга ўтиш йўллари пухта ўрганилишини тақозо этади. Локкнинг фикрича, тажрибанинг иккита манбаи бор: бири ташқи сезги аъзоларининг фаолияти (ташқи тажриба) ва иккинчиси ўзининг хусусий ишини идрок этувчи ақлнинг ички фаолияти (ички тажриба)дир. Киши ҳеч қандай ғояларга эга бўлмаган ҳолда дунёга келади. Унинг руҳи — «тоза тахта» (*tabula rasa*) бўлиб, кейинчалик унга тажриба ёзувлари битилади. Тажриба оддий ва мураккаб ғоялардан таркиб топади. Бу ғоялар ё сезгилардан, ё ички идрок (рефлексия)лардан ҳосил бўлади. Иккинчи ҳолатда онг реал нарсаларга эмас, балки ўз хусусий маҳсулига йўналтирилиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Локкнинг рефлексия таълимоти («рефлекс» тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик керак) киши психологик фактларни (физика фактлардан фарқли ўлароқ) интроспектив тарзда билиб олади, деган таҳминга асосланган эди. Бу билан яна дуализм илгари сурилади. Онг ва ташқи оламни принципал жиҳатдан турлича усуллар ёрдамида билиш мумкинлиги вазидан ҳам улар бир-бирига қарама-қарши қўйилар эди.

Локкнинг ташқи ва ички тажриба тўғрисидаги таълимоти икки хил ҳарактерга эга эканлиги ҳам материалистик, ҳам идеалистик таълимотларнинг тараққиётига тўртки беришига сабаб бўлди. Материалистлар *Гартли* (1705—1757) бош бўлган инглиз, *Дидро* (1713—1784) бош бўлган француз, *А. Н. Радищев* (1749—1802) бош бўлган рус материалистлари олами билишда ташқи тажрибани асос қилиб олиб, инсон психикасининг ички мазмуни асосида одамнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати ётади, деган эдилар. Идеалистлар (*Беркли* бошчилигида) бу моҳиятни бирламчи ва ҳеч нарсадан келиб чиқмай-

ди деб эълон қилишди. Кишининг мураккаб психик фаолияти қай тариқа алоҳида ғоялардан таркиб топади? Локкдан кейин ғоялар ассоциацияси (боғланиши) қонуни психологиянинг асосий қонуни ҳисобланади, деган фикр мустаҳкам ўрнашиб қолган эди. Ассоцианизм психологияда ҳукмрон йўналиш бўлиб қолди. Психиканинг моҳиятини билишдаги тафовутларга монанд тарзда ассоцианизмда ҳам икки йўналиш — материалистик ва идеалистик йўналишлар бир-бирига қарама-қарши эди.

XVIII асрдаги ассоциатив психологияда материалистик йўналишнинг энг йирик намоёндаси *Давид Гартли* эди. У Ньютоннинг физикасига, шунингдек физиология ва тиббиёт (Гартли амалиётчи врач эди) соҳасидаги ютуқларга таяниб, рефлекс ҳақидаги тушунча билан ассоциация ҳақидаги тушунчани бирлаштирди. Унинг таълимотида нерв системасига сезги аъзоларидан мия орқали мушакларга етказиладиган ташқи таъсир бутун психик ҳаётнинг илк манбаи сифатида қабул қилинган эди. Бу таъсир мияда сезгилар тарзида ва уларнинг излари — ғоялар тариқасида сақланиб қолади. Бир-бирига яқин сезгиларнинг тез-тез такрорланавериши шунга олиб келадикки, нерв системасида бошқа сезгилар қолдирган изларнинг бутун занжири тиклаш учун биттагина сезги (у илгари ҳаммаси билан боғлиқ бўлган)нинг ўзи кифоя қилади. Қачонки, ушбу занжирга янги қўзғатувчи — сўзнинг қўшилиши билан ирода ва тафаккур пайдо бўлади. Илгари бевосита ҳиссий таъсир ўтказишни тақозо қиладиган ҳаракатларнинг ўрнини ассоциациясига кўра сўз эгаллайди. Гартлининг таълимоти ғоят изчиллиги билан ажралиб турарди. Унинг таълимоти детерминизм принципига асосланган эди. Психик ҳаётнинг ассоциация қонунига биноан талқин этилмаган биронта ҳам соҳаси қолмади. Бу қонун инсон руҳиятини тушунишда худди бутун олам тортишиш қонуни каби универсал қонун бўлиб қолди.

Ассоциатив психология одамда исталган фазилатларни таркиб топтириш истиқболлини очиб берадиган, уларнинг нерв системасига таъсир кўрсатиш йўли билан хулқ-атворини бошқариш имкониятини яратадиган назария сифатида кутиб олинди. Бунда нерв системасининг ўзи ҳар қандай мойиллик ва туғма хислатлардан ҳоли бўлади, деб тасаввур қилинди.

Бу нуқтаи назарга қарама-қарши ўлароқ, XVIII аср психологик фанлар тарихида *қобилиятлар психологияси* деган бошқа бир йўналиш ҳам бор эди (унинг лидерлари Германияда *Христиан Вольф*, Англияда *Томас Рид* эди). Қобилиятлар психологиясининг тарафдорлари руҳга ички кучлар (энг аввало билим ва истак тарзида намоён бўладиган тасаввур қилиш қобилияти) олдинданок хос бўлган деб даъво қилишган эди. Бу кучлар учун асосли бирон-бир далил келтирилмасди. Улар сира ҳам асосланмаган ҳолда аллақандай бирламчи нарса сифатида қабул қилинарди. Шу тариқа қобилият психик ҳодисаларнинг ҳақиқий илмий моҳиятини очиб бермай, сохта тушунча бўлиб қолган эди.

XVIII аср нерв системасини тадқиқ қилишда янги улкан ютуқлар билан нишонланди (*Галлер, Прохазка*). Шу аснода психика механик ҳаракат андазаси бўйича эмас, балки организмнинг бошқа ҳаётий функциялари андазаси бўйича тасаввур қилиниши керак деган фикр туғилади. *Психика миянинг функцияси эканлиги ҳақидаги таълимот* таркиб топади. У XVIII асрдаги француз материалистлари томонидан илгари сурилган эди. Улар ташқаридан ҳосил қилинадиган таассуротлар тафаккур жараёнининг бошланғич моменти, фикрнинг сўз ёки имо-ишора орқали ифода этилиши пировард моменти ҳисобланади, ҳар иккала момент орасида эса мияда нервнинг номаълум жараёнлари рўй беради, деб исботлашарди. Кўрииб турибдики, бу ҳолда ҳам принципиал схема рефлексни эслатади. Лекин француз материалистлари «рефлекс» терминини фақат ташқи кўзғатувчига жавобан онгсиз қилинадиган ҳаракатга нисбатан ишлатишади. Масалан, Конвентнинг жодиди қатл этилганларда мушакларнинг қандай тортилиши саволига Кабанис жодининг тиғи қатл этилганларга азоб бермайди, чунки уларнинг ҳаракатлари соф рефлекслардангина иборатдир, деб ахборот берган экан.

Организмга ҳаракатларнинг икки хил тури — ихтиёрий (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз, рефлектор) турлари ҳосилдир, деган фикр ўтган асрнинг биринчи ярмида кенг тарқалган эди. Бу фикрнинг тўғрилигини физиологияда инглиз *Чарльз Белл* ва француз *Франсуа Мажанди* томонидан сезувчи ва ҳаракат нервлари ўртасидаги тафовутларнинг кашф этилишига олиб келган ажойиб ютуқлари ҳам тасдиқлайди. Орқа мия нерв томирларини кўзғатиш турлича натижаларга олиб келди. Мушаклар фақат олдиндаги томирлар кўзғатилгандагина ўзгаргани кузатилди. Орқа томирларга келганда шуни айтиш керакки, уларнинг сезувчанлик функцияси борлиги эътироф этилди. Сезувчи нервнинг учлари кўзғатилганда бу нервдан орқа миядаги нерв маркази орқали импульс ҳаракатлантирувчи нерв бўйлаб мушакка ўтади. Ана шу йўлнинг ҳаммаси *рефлектор ёйи* деган ном олди. Рефлекс ҳодисаси фалсафий таҳминдан тажрибада синалган фактга айланиб қолди. Лекин рефлектор ёйи механизми фақат содда формадаги ҳаракат реакцияларни тушиниш имконини беради. Биолог *Пфлюгер*нинг ўтган асрнинг 50-йилларида ўтказган тажрибалари рефлекс ҳақидаги тушунча фақат одамнинг эмас, балки тевааратрофдаги шарт-шароитларга мослашишга лаёқатли ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам изоҳлаб беришга ожизлик қилиб қолишини кўрсатган эди. Кўпгина фактлар рефлекс ҳақидаги тушунча ёрдамида хатти-ҳаракатни бутунлайича изоҳлаб бериш мумкинлигига шубҳа билдиришга мажбур этди. Лекин шунга қарамай бу тушунчада қимматбаҳо бир ғоя мужассамлашган эдики, унга кўра организмнинг фаоллиги моддий аъзога моддий таъсир кўрсатиш билан белгиланади. Бу ғоядан воз кечиш руҳнинг танани ҳаракатга келти-

рувчи куч эканлиги ҳақидаги эски тасаввурларга қайтишдан иборат бўлур эди. Фанда мураккаб вазият вужудга келди: бир томондан, тирик мавжудотларнинг фаоллиги сабабларини фақат рефлекс ҳақидаги тушунча изоҳлаб берар эди. Иккинчи томондан, ушбу фаолликни кузатиш уни нервларнинг оддий механик алоқаларидан ташқарига олиб чиқиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Бу боши берк кўчадан чиқиш йўлини XIX асрнинг иккинчи ярмида буюк рус олими *И. М. Сеченов* (1829—1905) топди. Унинг материалистик этиқоди *Н. Г. Чернишевский* (1828—1889) бошчилигидаги революцион-демократлар томонидан тайёрланган фалсафий негиз асосида юзага келган¹.

Психиканинг рефлекторлик характери *И. М. Сеченов* «Бош мия рефлекслари» (1863) асарида «онгли ва онгсиз ҳаётнинг барча ҳаракатлари рўй бериш усулига кўра рефлекслардан иборатдир», деган хулосага келган эди².

Шундай қилиб, онгнинг ҳаракати (психик ҳодиса) руҳнинг танасиз моҳият хусусияти эмас, балки Сеченов тили билан айтганда, «рўй бериш усулига кўра» (тузилишига, рўй бериш типига қараб) рефлексга ўхшаш жараён дур. Психик ҳодиса кишига ўз сезгиларини, гоёларини, ҳис-туйғуларини кузатиш чоғида бериладиган нарсалардангина иборат эмас. У худди рефлекс каби ташқи қўзғовчининг таъсирини ва унга жавобан ҳаракат реакциясини ҳам ўз ичига олади. Олдинги назарияларда онгимизда образлар, тасаввурлар, фикрлар тарзида юз берадиган ҳодисаларни психологиянинг предмети деб ҳисобланарди. Сеченовнинг таъкидлашича, бу организмнинг муҳит билан ўзаро ҳаракати («ҳаётий учрашувлари»)нинг алоҳида шаклидан иборат бўлиб, яхлит психик жараёнларнинг айрим моментларидур. Психик жараёнлар онгнинг ўзида пайдо бўлиб, онгнинг ўзида тугалланади, деган фикрини Сеченов мутлақо нотўғри фикр деб ҳисоблаган эди.

И. М. Сеченов рефлексининг мия қисмини унинг табиий бошланғич (сезги аъзоларига таъсир) ва тугалловчи манба (жавоб ҳаракати)ларидан алоҳида бир нарса, деб ҳисоблаш нотўғрилигини уқдирган эди. Психик ҳодиса яхлит рефлектор ҳаракатда юз берган ва унинг маҳсули бўлган ҳолда айни пайтда ҳали юзага келмаган натижа (таъсир ўтказиш, ҳаракат қилиш) дан дарақ берувчи омил вазифасини ҳам бажаради.

Психик жараёнларнинг роли нимадан иборат? Бу организмнинг *сигнал* ёки *бошқарув* функцияси бўлиб, ҳаракатни ўзгарувчан шарт-шароитларга мослаштиради ва шу билан фойдали, мослашувчан самарага эришилишини таъминлайди. *Психик жараён, маълумки, ўзича эмас, балки мианинг моҳия-*

¹ Психология тараққиётининг ҳозирги даврдаги қисқача характери-каси ушбу китобнинг 2- бобида баён этилган.

² *Сеченов И. М.* Рефлексы головного мозга.— Избранные философские и психологические произведения. М., Госполитиздат, 1974, 176- бет.

ти, унинг тегишли бўлмалари функцияси сифатида ташқи олам ҳақидаги ахборотнинг қадққа кетиши, қаерда сақланиши ва қайта ишланишини кўрсатувчи жавоб фаолиятининг бошқарувчисидир. Шундай қилиб, кишининг билимлари, теварак-атроф ҳақидаги тасаввурлари, яъни индивидуал тажрибанинг бутун бойликлари рефлектор ҳаракатга киради. Психик ҳодисалар — бу миянинг ташқи (теварак-атрофдаги муҳит) ва ички (физиологик системаси сифатидаги организмнинг ҳолати) таъсирларга жавобидир. *Психик ҳодисалар — бу фаолиятнинг ҳозир таъсир этаётган (сезгилар, идрок) ёки қачонлардир, яъни ўтмиш тажрибада (хотира) юз берган қўзғатувчига жавоб тарзида рўй берадиган, ана шу таъсирни умумлаштирадиган, улар пировардида олиб келадиган натижаларни (тафаккур, хаёл) олдиндан кўра билишга ёрдам берадиган, бир хил таъсиротлар натижасида фаолиятни (ҳис-туйғу, ирода) кучайтирадиган ё сусайтирадиган, умуман активлаштириб юборадиган ва бошқа хилдаги таъсиротлар оқибатида уни тормозлаштирадиган, одамлар хулқ-атворидаги (темперамент, характер, характер ва бошқалар) тафовутларни аниқлайдиган доимий бошқарувчиларидир.*

И. М. Сеченов психиканинг рефлекторлиги ва фаолиятнинг психик жиҳатдан бошқарилиши ғоясини илгари сурди. Бу муҳим назарий қондалар *И. П. Павлов* (1849—1936) томонидан тажриба йўли билан тасдиқланди ва конкретлаштирилди. У ҳайвонларнинг, шунингдек, одамнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати мия томонидан бошқарилиши қонуниятларини кашф этган эди. *И. П. Павлов*нинг ушбу қонуниятларга нисбатан жами қарашлари одатда *икки хил сигнал системаси ҳақидаги таълимот* деб аталади.

Нарсанинг тимсоли (кўриниши, эшитилиши, ҳид тарқатиши ва шу кабилар) ҳайвонлар учун бирон-бир шартсиз қўзғатувчи сигнал бўлиб хизмат қиладики, бу улар хатти-ҳаракати шартли рефлекс тарзида ўзгаришига олиб келади.

Маълумки, шартли рефлекс бирон-бир шартли қўзғатувчининг таъсири (масалан, ёниб-учиб турадиган лампочка) бошқа шартсиз қўзғатувчининг таъсири (жумладан, озуқа берилиши) билан боғланганда ҳосил бўлади. Натижада бош мияда иккала марказ (кўриш ва озиқланиш) ўртасида вақтли нерв боғланиши рўй беради, ҳайвонларнинг икки хил фаолияти — кўриш ва озиқланиш фаолиятлари бирлашади. Лампочканинг ёниб-ўчиши ҳайвонлар учун озиқланиш сигнали бўлиб, уларда сўлак ажралишига туртки беради.

Ҳайвонлар ўз хатти-ҳаракатларида *И. П. Павлов биринчи сигнал системасининг сигналлари* («биринчи сигналлар») деб атаган сигналларга амал қилади. Ҳайвонларнинг бутун психик фаолияти биринчи сигналлар системаси даражасида юз беради. Одамда ҳам биринчи сигнал системасининг сигналлари (конкрет тимсоллар, тасаввурлар) унинг хулқ-атворини бошқариш ва йўналтиришда жуда муҳим роль ўйнайди. Масалан, светофорнинг қизил чироғи автомашина ҳайдовчиси учун *сигнал қўзғатувчи* бўлиб, қатор ҳаракатлантирувчи жараёнларни ҳосил қиладики, натижада шофёр тормозни босиб, машинани

тўхтатади. Шу нарсани таъкидлаш муҳимки, одамнинг хатти-ҳаракатини сигнал қўзғатувчилар (мисол учун светофорнинг қизил, сариқ ва яшил чироқлари) ўзича механик тарзда бошқармасдан, балки ўша қўзғатувчиларнинг миядаги *тимсоллари* — *сигналлари* бошқаради. Бу тимсолий сигналлар предметлар ҳақида сигнал юбориб, шу билан одамнинг хатти-ҳаракатини бошқариб туради.

Хайвонлардан фарқли ўлароқ, одамда биринчи сигналлар системаси билан бир қаторда унинг алоҳида бойлиги ва афзаллиги бўлган *иккинчи сигналлар системаси* ҳам мавжуддир. Иккинчи сигналлар системасининг сигналлари талаффуз этилган, эшитилган, ўқилган сўзлар («иккинчи сигналлар»)дан иборатдир. Биринчи сигналлар системасининг сигналлари, тимсолий сигналлар, сўз билан хабар қилиниши ва алмаштирилиши мумкин. Сўз уларнинг ўрнини босади, умумлаштиради ва биринчи сигналлар ҳосил қиладиган барча ҳаракатларни ҳосил қилиши мумкин. Шундай қилиб, сўз — «сигналлар сигнали»дир. Сигнал қўзғатувчилар (нутқ товуши, ёзма ахборот матни) билан уларнинг мияда сўзларнинг маъноси тарзида акс эттирилишини бир-биридан фарқ қилиш зарур. Агар сўз маъноси одамга тушунарли бўлса, унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради, теварак-агрофдаги муҳитга мувофиқлашувида ёрдам беради. Агар сўз маъноси тушунарсиз бўлса, одамга у фақат биринчи сигналлар системасининг сигналлари тарзида таъсир қилади ёки одам учун батамом аҳамиятсиз нарса бўлиб қолаверади.

Айтилганларнинг ҳаммаси психикани *объектив оламнинг субъектив тарзи, воқеликнинг миядаги акси* деб ҳисоблаш имконини беради.

Идеализм психикани материядан ажратиб олиб, уни қуршаб турган воқеликка боғлиқ бўлмаган ёпиқ ички оламга айлантиради. Механицизм психиканинг материядан сифат жиҳатидан фарқ қилишини кўрмайди, психикани асабий жараёнлардан иборат нарса деб ҳисоблайди. Гносеология — билиш назарияси, билиш манбалари, форма ва методлари, ҳақиқатни аниқлаш йўллари ҳақидаги таълимот бўлиб, психикани ўрганишга субъект ва объектнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини (кишининг олам тўғрисидаги билимларининг чинлиги проблемаси, инъикоснинг ўхшашлиги проблемаси ва бошқалар) аниқлаш нуқтаи назаридан ёндашади.

Психология психикани ўрганишнинг ўз конкрет илмий вазифаларига, ўзининг конкрет тадқиқот мавзусига эгадир. Психология таъсир кўрсатувчи объектлари бўлган субъектнинг ички, психик ҳолатига ташқи таъсиротлар натижасида рўй берадиган ўзгаришлар жараёни қандай кечишини ўрганади. У акс этувчи нарсанинг субъектнинг фаолиятини бошқаришни, режалаштиришни, жавоб фаолиятини йўналтиришни таъминлайдиган ўша инъикосга айланиш жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган механизмларни тадқиқ қилади.

Психика *фаоллиги* билан ажралиб туради. Унинг зарур жиҳати *майлар*, энг мақбул ечимни *фаол излаш*, эҳтимолдаги хатти-ҳаракат вариантларини *хаёлдан ўтказишдан* иборатдир. Психик инъикос айнан ўзини акс эттирадиган, суст нарса эмас, балки у ҳаракатнинг турли вариантларини изланиш, танлаш, солиштириш билан боғлиқ бўлган шахс фаолиятининг зарур жиҳати ҳисобланади.

Хулқ-атворнинг фаол тарзда бошқарилиши *тескари алоқа* аппаратининг ишлашини тақозо этади. Тескари алоқа тушунчаси ҳозирги замон психологиясида, физиология ва кибернетикада кенг қўлланилади. Психология билан физиологияда бу ҳар бир жавоб ҳаракати ҳал қилинаётган вазифа нуқтаи-назаридан мияда баҳоланишини билдиради. Демак, организмда маълум цикл билан иш бажарувчи яхлит система мавжуд деб тахмин қилинади. Бу системада марказдан жавоб ҳаракатига буйруқ берилишининг биронтаҳам моменти тескари йўналишда (перифериядан марказга қараб) ҳаракатнинг натижаси ҳақида зудлик билан ахборот (тескари алоқа) юборилмагунча тугалланмайди. Тескари алоқа аппарати ёрдами билан организм ўз ҳаракати натижасини образ билан таққослаб кўради. Образ бу натижага нисбатан олдинроқ пайдо бўлиб, воқеликнинг ўзига хос модели сифатида унинг юз бериши ҳақида *олдидан* хабар беради.

Психиканинг мавжудлиги изчил ҳаракат программасини тузиш, олдинга ички планда иш бажариш (масалан, хулқ-атворнинг эҳтимолдаги вариантларини танлаш) ва шундан кейингина ҳаракат қилиш имконини беради.

Биологик эволюция жараёнида киши психикаси хулқ-атворни бошқаришнинг алоҳида аппарати сифатида пайдо бўлиб, сифат жиҳатидан ўзгариб кетади. Одамлар ижтимоий ҳаёт қонунларининг таъсири остида шахслар бўлиб етишади, уларнинг ҳар бирида уларни вояга етказган тарихий шароитнинг излари сақланиб қолган бўлади. Аслини олганда *кишининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ҳам шахсий характер касб этади*.

Айтилганларнинг ҳаммаси эндиликда психология фанига юқорйда берилган таърифни бир қадар конкретлаштириш имконини беради: *психология — воқеликнинг миядаги образи сифатида содир бўлувчи психик фактлари, қонуниятлари ва психика механизмлари тўғрисидаги фандир. Кишининг шахсий характерга эга бўлган хулқ-атвори ва фаолияти воқеликнинг миядаги образи асосида ва шу образ ёрдамида бошқарилади*.

I. 1.2. Мия ва психика

Психика миянинг хусусиятидир. Сезги, фикр, онг махсус тарзда ташкил топган материянинг олий маҳсулидир. Организмнинг психик фаолияти тананинг кўп сонли махсус аъзолари воситасида амалга оширилади. Улардан баъзи бирлари

таъсиротларни қабул қилса, бошқаси уларни сигналларга айлантиради, хатти-ҳаракат режасини тузади ва унинг ижросини назорат қилади, учинчи бир хили хатти-ҳаракатга куч-ғайрат ва шиддат бағишлайди, тўртинчи хили мушакларни ҳаракатга келтиради ва ҳоказо. Ана шу мураккаб ишнинг ҳаммаси организмнинг ташқи муҳитга фаол мувофиқлашувини ва ҳаётини вазибаларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

Органик дунёнинг амёбалардан то одамга қадар узоқ давом этган эволюцияси давомида хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг физиологик механизмлари тухтовсиз мураккаблашиб, табақаланиб ва шулар туфайли организм муҳит ўзгаришларига тез реакция қила оладиган ва мослашувчан бўла борди.

Нерв системасининг тузилиши ва психика Бир ҳужайрали, масалан, амёба каби организм на овқатни идрок этиш учун, на уни излаш учун, на уни ҳазм қилиш учун ҳеч қандай ихтисослашган аъзоларга эга эмас. Ёлғиз биттагина ҳужайранинг ўзи ҳам сезувчи, ҳам ҳаракатланувчи, ҳам овқат ҳазм қилувчи аъзо бўлса керак. Қўриниб турибдики, амёбанинг ҳаёт кечирish имкониятлари — унинг овқат қидириб топиш ва ўз ҳаётини саҳлаб қолиш қобилияти ўта чеклангандир. Юксак тараққий этган ҳайвонларда аъзоларнинг ихтисослашуви озиқани фарқлаш, хавф-хатарни жуда тез ва аниқ сезиш имконини беради. Ихтисослашувнинг *яккаю-ягона функцияси сигналларни идрок этишдан иборат ҳужайраларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади*. Бу ҳужайралар *рецепторлар* (ташқи муҳитнинг таъсирини қабул қилувчи аппарат) деб аталмиш ҳужайралар гуруҳини ташкил этади. Бошқа ҳужайралар мушак тўқималари ишини ёки турли хил безларнинг шира чиқаришини ўз зиммасига олади. Бундай ҳужайралар *эффекторлар* дейилади. Аммо ҳаёт аъзолар ва функциялар ўртасида узлуксиз алоқа бўлишини, ҳаракатларнинг теварак-атрофдаги нарсалардан ва организмнинг ўзидан бўладиган сигналлар оқими билан келишилган бўлишини тақозо этаётган бир пайтда ихтисослашув аъзолари ва функциялари бир-биридан ажратади. Бунга организмнинг асосий «бошқарув пульти» — яхлит бир бутун нарса сифатида ҳаракат қиладиган *марказий нерв системаси* воситасида эришилади.

Нерв системаси тузилишининг умумий плани барча умуртқалиларда бир хилдир. Унинг асосий элементлари *нерв ҳужайралари* ёки *нейронлар* бўлиб, уларнинг вазифаси қўзғатишдан иборатдир. Нейрон *ҳужайра таначасидан* ва таначанинг шохлаб кетган ўсимталари — қўзғатишни қабул қилувчи *дендритлардан* ва қўзғатишни бошқа нейронларга ўтказадиган *толлалар* — *аксондан* таркиб топади. Аксоннинг дендритлар билан ёки бошқа нейронларнинг ҳужайра танаси билан боғланидиган нуқта *синапс* деб аталади. Шу нуқтада нейронлар ўртасида функционал боғланиш юз беради. Нерв системасидаги янги боғланишларнинг ҳосил бўлиш механизминини тушунтириб беришда синапс ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу боғланишларни

ҳосил қилишда синапслардаги ўзгаришлар (кимёвий ёки структуравий ўзгаришлар) туфайли қўзғатиш импульсларини муайян йўналишда танлаб ўтказиш таъминланади. Синапс — қўзғалиш бўйича қўйилган ўзига хос тўсиқ бўлиб, қўзғалиш уни енгиб ўтishi керак. Баъзи тўсиқларни енгиш осонроқ, бошқаларини эса қийинроқ, айрим ҳолларда иккала йўлдан бирини танлашга тўғри келади.

Нейронларнинг бир қисми қўзғалишни рецепторлардан марказий нерв системасига, бошқа қисми ундан эффекторларга ўтказадилар, лекин нейронларнинг аксарият кўпчилиги марказий нерв системасининг ўзида унинг турли жойлари ўртасида алоқа боғланишига хизмат қилади. Марказий нерв системасининг ўзи эса икки қисмдан — *бош мия* ва *орқа миядан* ташкил топгандир.

Бош миянинг юқори қисми олти қават нейронлар (10 миллиардга яқин) билан қопланган ҳамда пўстлоқ деб аталадиган катта ярим шарларни ҳосил қилади. Пўстлоқ — психика фаолиятнинг энг муҳим (лекин яккаю-ягонаси эмас) органидир. Ярим шарлардан пастроқда, энса қисмида *мияча* жойлашган бўлиб, унинг функциялари ҳали етарлича ўрганилмаган. Унинг мушаклар ҳаракатини уйғунлаштиришда жиддий роль ўйнаши маълум. Катта ярим шарларга *мия найчаси* келиб тақалади. Найчанинг юқори қисми — *таламус* орқа миядан катта ярим шарларга борадиган барча нерв йўллари учун «оралиқ станцияси» вазифасини бажаради. Найчанинг пастки қисми — *гипоталамус* сув алмашинувини, овқатланиш эҳтиёжини ва организмнинг бошқа функцияларини бошқариб турадиган марказлардан таркиб топгандир.

Марказий нерв системасининг тилга олинган барча қисмлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни ўрганиш ва таърифлаш билан *анатомия* ва *гистология* шуғулланади.

Ҳозирги замон фанида мавжуд тасаввурларга қараганда, *орқа мия* ва *мия найчаси* рефлектор фаолиятининг асосан тугма (шартсиз рефлекслар) ҳисобланган шаклларни амалга оширади, катта ярим шарларнинг қобиғи эса ҳаёт кечирishi жараёнида орттириладиган ва психика томонидан бошқариладиган хулқ-атвор шакллари органи ҳисобланади.

Тананинг ҳар бир сезувчи аъзоси (тери, кўзнинг тўр пардаси ва шу қабилар) ва ҳар бир ҳаракат аъзоси мияда ўзининг хусусий марказларига эгадир. Фақат рецепторларга ва эффекторларга эмас, балки периферияда рўй берадиган нарсаларнинг тасвирини йириклаштириб хабар қиладиган мия хужайраларига ҳам хос бўлган ихтисослашув ҳозирги замон жарроҳлик техникаси ва қобиқни электр ёрдамида қўзғатиш методи (унга жуда ҳам нафис электродларни киритиш йўли билан) орқали батафсил ўрганилган.

Шу хилдаги кўплаб тажрибалар ҳайвонларда ўтказилди. Одамга келганда шуни айтиш керакки, соғлом кишиларнинг миясида жарроҳлик билан боғлиқ биронта ҳам эксперимент

Ўтказилмайди, албатта. Фақат айрим операциялар чоғида нейрхирурглар мияни электродлар ёрдамида текшириб кўриш имкониятига эга бўлишади. Мияда оғриқ нуқталар йўқлиги сабабли бундай тажриба чоғида беморда ҳеч қандай ёқимсиз сезги рўй бермайди. Айни чоғда у эс-хушини йўқотмаган ҳолда қўзғатиш жараёнида нималарни хис этганини врачга айтиб бериши мумкин. Бу метод ёрдамида шу нарса аниқландики, бир хил нуқталарни қўзғатиш натижасида тортилиши, бошқаларида кўриш, эшитиш, тери сезгиларига таъсир қилиши кузатилади. Сезувчи ва ҳаракат нервларининг «охирги станциялари» мияда муайян бир тартибда жойлашганлиги, шу билан бирга организмнинг барча қисмлари ҳам мияда бир хилда ўрин эгалламаганлиги аниқланди.

Инсон катта ярим шарлар қобиғининг анчагина қисмини қўл бармоқлари, айниқса унинг одамдаги бошқа барча бармоқларга қарама-қарши қўйилган бош бармоқ фаолияти билан боғлиқ хужайралар, шунингдек нутқ органлари — лаб ва тил мушаклари функцияси билан боғлиқ хужайралар эгаллайди. Шундай қилиб, одамнинг катта ярим шари қобиғида меҳнатда ва муомалада асосий функцияни бажарадиган ҳаракат аъзолари анча кўп жойлашгандир.

Мия катта ярим шарлари ишининг умумий қонунлари *И. П. Павлов* томонидан аниқлаб берилган. Павлов ўтказган классик тажрибаларда итларда олдинлари фақат тегишли шартсиз қўзғатувчи (масалан, овқат)нинг бевосита таъсири остида юз берадиган физиологик реакцияга (масалан, сўлак оқишига) олиб кела бошлайдиган жуда ҳам хилма-хил сигналлар берадиган шартли рефлекслар ҳосил қилинган эди. Лекин *И. П. Павлов*нинг таълимотини шу схема билангина чеклаб қўйиш нотўғри бўлур эди. Реал вазиятда (лаборатория шароитида эмас) ҳайвонлар озиқа қачон оғзига тушишини кутиб турмайди, балки уни излашга уринади, ҳаракат қилади, ҳаракатининг самарадорлигини текширади, хуллас шароитга актив мувофиқлашади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ва чет элларда олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олий нерв фаолиятининг умумий қонуниятлари ҳайвонларнинг фаол хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Масалан, тугмачани чўқиганда дон тўкилган емакхонанинг эшиги очилдиган тажриба қутисига солиб қўйилган кабутар бир қанча вақт ўтмай бу вазифанинг улдасидан чиқа оладиган бўлиб қолади. Тугмача қуш учун шартли қўзғатувчи бўлиб қолади. Бу сигналга жавобан чўқиш ҳам *И. П. Павлов*нинг тажрибаларидаги итнинг миясида қўнғироқ ёки нурга жавоб тариқасида сўлак безида ўзгариш юз бергани каби мажбурий зарурат билан содир бўлади.

Бош суяги қопқоғининг остига микроэлектродлар қўйиш йўли билан миядаги нерв тўқималарини бевосита қўзғатиш методи ёрдамида мия найчаларининг функцияларини ўрганишда эришилган ютуқлар кейинги йилларда психик фаолиятнинг

физиологик механизмлари туғрисидаги масалани янгича ёритишга олиб келди. Жумладан, мия найчаларининг қатор бўлмалари миянинг юқорида жойлашган бўлимлари учун энергия манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

Мия найчаларини электр ёрдамида қўзғатиш билан бир қаторда унда эксперимент ўтказувчининг аралашувисиз, беихтиёр равишда ҳосил бўладиган биотокларни ёзиб олиш методи ҳам қўлланилади. Бу тажрибалар миянинг электр активлиги бир хил эмаслигини кўрсатди. Биотоклар ёзувининг характерига қараб одамнинг психик ҳолатидаги ўзгаришлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин. *Мияда ҳосил бўладиган тўлқинлар турли частотадаги электромагнит тебранишларига ўхшайди.* Уларнинг энг секинлари киши тинч-осойишта пайтида, кўзларини юмиб ўтирган, бетоқат бўлмасдан ва диққат-эътибори бўшашган ҳолатида кузатилади. Лекин бундай ҳолатда бўлган киши бирон-бир топпириқ (масалан, арифметикадан масала ечиш) берилса борми, унинг биотоклари дарҳол ўзгара бошлайди ва унда тўлқинлар тезлиги анча ошганлигини кўрсатадиган излар пайдо бўлади.

Мияда *электроэнцефалограмма* кўринишидаги кучайтиргич ёрдамида ёзиб олиш мумкин бўлган электр тоқлари пайдо бўлишининг кашф этилиши физиологлар ва врачлар учун ҳам, психологлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Электроэнцефалограммалар миянинг фаоллиги қандай ўзгаришини кузатиш, бу ўзгаришларни психик жараёнлар билан таққослаш имконини беради. Биотоклар ёзуви гарчи мия ишининг мазмуни ҳақида эмас, балки фақат *миянинг умумий* биофизик ва биохимик *фаоллиги* ҳақида гувоҳлик берса ҳам, бу тадқиқотлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Шубҳасиз, улар мия ва психика ҳақидаги фанга бундан кейин ҳам жуда кўп янги ва қизиқарли нарсалар беради. Шунинг учун ҳам фаолиятнинг турли хил шароитларида, жумладан, космик фазога учиб каби мураккаб шароитларда бўлган одамнинг миясидаги биотоклар синчковлик билан ўрганилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Космонавт миясининг биотоклари ёзуви унинг марказий нерв системасида юз берадиган ўзгаришлар кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Биотоклар ёзувининг характерига қараб одамнинг уйқуси ва уйғоқлиги ҳақида, киши онгининг фаоллиги даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Одамдаги психик жараёнларнинг мияга оид механизмлари билан ҳайвонлар психикаси механизмлари ўртасида ўхшашлик кўп. Барча сут эмизувчиларнинг нерв системаси ва иши бир хил характерга эгадир. Шунинг учун ҳайвонларнинг миясини ўрганиш фақат физиологияни эмас, балки психологияни ривожлантиришда ҳам фавқуллодда муҳим аҳамият касб этади. Аммо шунинг ҳам унутмаслик керакки, одам билан ҳайвоннинг психик фаолияти ўртасидаги тафовутлар фақат *миқдор* характерга эмас (бу етарлича аниқ-равшандир), балки *сифат* ха-

рактерга ҳам эгадир¹. Бу тафовутлар киши организмнинг бутун тузилиши ва функциясини тубдан ўзгартирган қудратли моддий омил — меҳнатнинг таъсири остида табиий йўл билан пайдо бўлгандир. Психиканинг органи — бош мия ҳам ўзгарди. Унинг жайвонлар миясидан сифат жиҳатдан фарқи юксак билиш жараёнлари ва, аввало, тафаккур механизмларини ўрганиш пайтида яққол намоён бўлади. Бу жараёнлар сезги ва идрок жараёнлари сингари миянинг муайян қисмлари доирасида чекланиб қолмайди. Агар одамда қобиқнинг энса қисми шикастланган бўлса, унинг кўриш сезгиларини йўқотиши турган гап. Миянинг юксак билиш жараёнлари билан боғлиқ қисмлари шикастланиши бошқача характер касб этади. Бу ҳолда шикастланган қисмнинг функциясини бошқа бир қисм бажариши мумкин. *Пластиклик, бир-бирининг ўрнини босиш аклий ва нутқ* фаолиятининг асосини ташкил этувчи нерв тўқималарига хос хусусиятдир.

Одамнинг психик ҳаётида катта ярим шарлар қобиғи сиртининг ўттиз процентини эгаллайдиган *пешана қисмлари* алоҳида роль ўйнайди. Пешана қисмларининг (касаллик, яраланиш ва шу кабилар оқибатида) шикастланиши хулқ-атворнинг оддий формаларига эмас, балки юксак формаларига таъсир кўрсатади. Масалан, пешана қисмлари шикастланган беморлар кўриш, нутқ, ёзиш қобилиятларини сақлаб қолиб, арифметика масалаларини ечган ҳолда унинг шартларини таҳлил этишга уринмайдилар. Масалани ечиш планини тузганларида охириги саволни тушириб қолдирадилар. Улар масаланинг ечимини унинг шарти билан солиштириб чиқмайдилар, ўз хатоларини сезмайдилар ва ҳоказо. Кўпгина клиник фактлар шуни кўрсатадики, миянинг пешана қисмлари шикастланиши ақлий қобилиятни сусайтириши билан бирга кишининг шахсияти доирасида, унинг характерида ҳам қатор бузилишларга сабабчи бўлади. Касалга чалинганига қадар хушмуомалалиги, вазминлиги билан ажралиб турган беморлар енгилтак, қизиққон, кўрс бўлиб қоладилар.

Психик функциялар муайян тарзда чап ва ўнг ярим шарлар ўртасида тақсимланган бўлиши аниқланди. Ҳар иккала ярим шарлар ахборотни образлар тарзида ҳам, сўзлар тарзида ҳам қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилиятига эга, аммо чап ва ўнг ярим шарларда у ёки бу функцияларнинг турлича даражада ифодаланиши — *бош миянинг функционал асимметрияси* ҳам юз беради. Чап ярим шарнинг функцияси ўқш ва ҳисоблашдан, умуман кўпроқ белгиларга асосланган ахборот (сўзлар, белгилар, рақамлар ва шу кабилар)га таянишдан иборатдир. Чап ярим шар мантиқий тузилишлар имкониятини таъминлайди, бусиз изчил аналитик тафаккур бўлиши мумкин эмас. Чап ярим шар фаолиятининг издан чиқиши, одатда нутқнинг бузилишига (сўзлаш қобилиятининг йўқолишига) олиб

¹ Бу ҳақда китобнинг 3- бобида батафсилроқ сўз юрнтилади.

келади, нормал муомала имкониятини йўққа чиқаради, нерв тўқималари огирроқ шикастланганда — фикрлаш фаолиятида жиддийроқ нуқсонлар содир бўлади. Унг ярим шар образи ахборотни ишга солиб, бўшлиқда мўлжал олиш, муסיқани ид-рок этилаётган ва тушунилаётган объектларга нисбатан ҳис-ҳаяжонли муносабатда бўлишга имкон беради. Ҳар иккала ярим шар ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Функционал асимметрия фақат одамга хосдир. У одамда чап ёки ўнг ярим шарнинг нисбатан кўпроқ ишлашига олиб келаётган ва оқибатда унинг индивидуал-психологик характеристикасига таъсир кўрсатадиган муомала жараёнида шаклланади.

Бош мия юксак тараққий этган ҳайвонлар ва одам психикасини белгилайдиган даражада фаолият кўрсатадиган орган ёки, тўғрироғи, органларнинг мураккаб системасидир. Психиканинг мазмуни тирик мавжудот ўзаро муносабатда бўладиган ташқи олам билан белгиланади. Ташқи олам киши мияси учун шунчаки оддий биологик муҳит (ҳайвон мияси учун бўлгани каби) эмас, балки одамлар томонидан уларнинг ижтимоий тарихи давомида яратилган ҳодисалар ва нарсалар оламидир. Ҳар бир алоҳида одам ҳаётининг дастлабки қадамларидан бошланган психик ривожланишининг илдизлари тарихан таркиб топадиган маданиятнинг энг қадимий, энг чуқур даврларига бориб тақалади.

Миянинг ишидаги психик ва нерв-физиологик хусусиятлар Психик ва нерв-физиологик жараёнларнинг ўзаро муносабати масаласи анча мураккаб масалалардандир. Урганиш жараёнида психиканинг ўзига хос хусусиятлари нерв-физиологик хусусиятлардан қанақа муҳим белгилари билан фарқ қилишини аниқлаш мумкин. Агар бундай ўзига хослик мавжуд бўлмаганида психология мустақил билим соҳаси сифатида ўрганилиши ҳам мумкин эмасди. Уни нерв системаси физиологияси билан айнан бир хил деб қаралган бўларди.

Психиканинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш анчагина қийинчиликлар билан боғлиқ. Гарчи психик хусусиятлар нерв-физиологик фаолият заминида юзага келиб, унинг натижаси ҳисобланса ҳам, лекин бу нерв-физиологик жараёнлар, аслини олганда, психик ҳодисаларда ҳеч бир кўринмайди, ёки унда аллақандай тарзда «яширинган» бўлади. Психик жараёнлар ўзида *ички*, физиологик жараёнларнинг *эмас*, балки *ташқи объектларнинг* характеристикасини (нарсаларнинг шаклини, катта-кичиклиги, ўзаро муносабатларини) мужассамлаштиради. Психик жараёнларнинг ана шу ўзига хос белгилари, яъни *ташқи дунёнинг тана системаси ҳолатида акс этиши, урин олиши юз беради ва намоён бўлади.*

Психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш психиканининг мазмуни ва тузилишида нейрофизиологик жараёнлар мавжуд бўлмагани ёки сезилмаслиги сабабли жиддий қийинчилик туғдирарди. Бунинг устига психик ҳодисалар ўз негизидан маҳрум ҳолда, «танасиз», номоддий ҳисобланар

эди. Бундан идеалистлар алоҳида танасиз руҳнинг мавжудлиги хусусида турли хил таълимотларни тўқиб чиқариш учун зўр бериб фойдаланишарди. Ана шунинг учун ҳам психик ҳодисаларга нисбатан изчил материалистик ёндашувни сақлашга интилишлар айрим ҳолларда бошқа жиддий хатога, яъни психиканинг физиологик ҳодиса билан алмаштирилишига ва психологиянинг физиология билан алмаштирилишига уринишларга олиб келди. Психик ҳодисаларнинг рефлектор характерга эга эканлиги ҳақидаги назария бундай уринишларнинг хатолигидан далолат беради. Бу назария рефлектор актда психиканинг реал, фаол ва бошқарувчанлик ролини кўрсатади.

I. 1.3. Онг ҳақида тушунча

Психика воқеликнинг киши миясидаги акси сифатида ҳар хил даражалари билан фарқланади.

Психиканинг одамга хос бўлган олий даражаси онгни ташкил этади¹. Онг психиканинг олий, уни, яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб, кишининг меҳнат фаолиятида, бошқалар билан (тил ёрдамида) доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишининг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари натижаси ҳисобланади. Шу маънода онг, марксизм классикларининг таъкидлашича, «ижтимоий маҳсул»² бўлиб, анланган борлиқдан бўлак бошқа нарса эмасдир.

Онгнинг структураси, унинг муҳим психологик таърифи қандай?

Унинг биринчи таърифи номининг ўзидаёқ берилган бўлиб, онг деганидир. Кишининг онги бизнинг теварак-атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуасидан таркиб топди. К. Маркс «Онгнинг яшаш усули ва онг учун ниманингдир борлиги — билимдир», — деб ёзган эди.³ Шундай қилиб, онгнинг структурасига муҳим билиш жараёнлари кирадики, улар ёрдамида одам ўз билимларини доимо бойитиб боради. Бу жараёнлар қаторига сезгилар ва идрокни, хотирани, хаёл ва тафаккурни қўшиш мумкин. Сезгилар ва идрок ёрдамида мияга таъсир ўтказувчи қўзғатувчиларнинг бевосита акс этиши натижасида онгда борлиқнинг ўша моментда киши тасавурида ҳосил бўлган ҳиссий манзараси гавдаланади. Хотира онгда ўтмиш образларини қайтадан гавдалантирса, хаёл эҳтиёж объекти бўлган, аммо ҳозирги пайтда йўқ нарсанинг образли моделини ҳосил қилади. Тафаккур умумлашган билимлардан фойдаланиш йўли билан масаланинг ҳал этилишини таъмин-

¹ Онгнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида ушбу китобнинг 3-бобида батафсилроқ ҳикоя қилинади.

² Маркс К. ва Энгельс Ф. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, Т., «Ўзбекистон», 1980, 22-бет.

³ Маркс К. Экономическо-философские рукописи 1844 года.— Маркс К. и Энгельс Ф. Из ранних произведений. М., Госполитиздат, 1956, 633-бет.

лайди. Айтиб ўтилган психик билиш жараёнларидан исталган бирининг батамом барбод бўлиши у ёқда турсин, бузилиши ё издан чиқиши ҳам онгнинг барбод бўлишига олиб келади.

Онгнинг иккинчи таърифи — унда *субъект билан объект* ўртасида аниқ фарқлигининг ўз ифодасини топиши, яъни одам «мен» деган тушунча билан «мен эмас» деган тушунчага нима тегишли эканини аниқ билади. Тирик организмлар дунёси тарихида биринчи бўлиб ундан ажралиб чиққан ва ўзини атроф-муҳитга қарама-қарши қўйган инсон ўз онгида ушбу қарама-қаршилиқ ва тафовутни сақлаб келмоқда. Жонли мавжудотлар ичида унинг ўзигина *ўзини билишга*, яъни психик фаолиятни ўзини тадқиқ этишга йўналтиришга қодирдир. Одам ўз хатти-ҳаракатларини ва умуман ўзини ўзи онгли равишда баҳолайди. «Мен»нинг «мен эмас»дан ажратилиши — ҳар бир киши болалигида бошдан кечирадиган йўл бўлиб, унинг ўзини ўзи англаши жараёнида юз беради.

Онгнинг учинчи таърифи — *одамнинг мақсадни кўзловчи фаолиятини* таъминлашдир. Фаолиятнинг мақсадларини яратиш онгнинг функциясига киради. Бунда фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб чиқилади, иродавий қарорлар қабул қилинади, ҳаракатларни бажаришнинг қандай бориши ҳисобга олинади, унга тегишли тузатишлар киритилади ва ҳоказо. К. Маркс «Киши табиат томонидан берилган нарсанинг формасини ўзгартириш билангина чекланмайди, табиат томонидан берилган нарсалар билан бирга ўзининг онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, кишининг иш усулини ва бу ишнинг характерини белгилаб беради ва киши ўз иродасини ана шу мақсадга буйсундириши лозим»¹, — деб таъкидланган эди. Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга оширилишида, унинг мувофиқлаштирилишида ва йўналишида касаллик оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра ҳар қандай бузилишнинг юз беришини онгнинг бузилганлиги деб қарамоқ керак.

Ниҳоят, онгнинг тўртинчи таърифи — унинг таркибига муайян муносабатнинг кирганлигидир. «Менинг ўз муҳитимга бўлган муносабатим менинг онгимдир»², — деб ёзган эди К. Маркс. Киши онгига муқаррар равишда *ҳис-туйғулар* олами кириб келади. Унда мураккаб объектив ва энг аввало одамнинг ўзи ҳам жалб этилган ижтимоий муносабатлар ўз аксини топади. Бу ўринда ҳам, бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби патология нормал онгнинг моҳиятини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради. Айрим руҳий касалликларга чалинганда онгнинг бузилганлиги айнан ҳис-туйғулар ва муносабатлар соҳасидаги бузилиш билан белгиланади: бемор бунга қадар беҳад севган онасини суймайдиган бўлиб қолади, яқин кишилари тўғрисида зарда билан гапирди ва ҳоказо.

¹ Маркс К. Капитал, 1- том. Биринчи китоб, Т., «Ўзбекистон», 1983, 181-бет.

² Маркс К. ва Энгельс Ф. Танланган асарлар, 1- том, 22- бет.

Онгнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусу-сиятлари шаклланиши ва намоён бўлишининг муқаррар шarti тил ҳисобланади. Нутқ фаолияти жараёнида одам билимлар ҳосил қилади, киши дунёга келгунга қадар унинг учун инсоният яратиб берган, тилда мустаҳкамлаб, унга етказган инсон тафаккури бойликлари билан ўз ҳаётини бойилади А. И. Герцен шундай деб ёзган эди: «Ҳар бир киши илдиэлари сал бўлмаса Одам ато замонларига бориб етадиган даҳшатли шажарага таянади; соҳил бўйидаги тўлқин каби орқамизда бутун бошли океан — бутун бир дунё тарихининг шиддати ҳис этилади; шу дақиқада бизнинг миямизда барча асрларнинг ғоялари...»¹. Тил алоҳида объектив системаки, унда ижтимоий-тарихий тажриба ёки ижтимоий онг акс этгандир. Конкеррт одам томонидан ўзлаштирилар экан, тил маълум бир маънода унинг реал онги бўлиб қолади. Маркс «тил — амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва худди шу туфайли мен учун ҳам *мавжуд* бўлган онгдир...»² — деб қайд этган эди.

«Онг» тушунчаси психологияда, психиатрияда ва бошқа фанларда унинг юқорида келтирилган асосий таърифларига мос келадиган маънода ишлатилади. Психиаторларни беморда онг бор ёки йўқлиги, ё бўлмаса бузилганлиги масалалари доим қизиқтиради, шу туфайли улар онг деганда беморнинг ўз-ўзига қаердалиги, вақт қачонлиги, теварак-атрофдаги вазият қандайлиги тўғрисида ўз шахсий ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида ҳисоб бера олиш имкониятларини тушунадилар. Онги яхши сақланиб қолган одам мияга келаётган янги ахборотга ўзидаги мавжуд билимларни ҳисобга олган ҳолда баҳо беради ва ўзини теварак-атрофдаги муҳитдан алоҳида ажратиб, бошқа одамларга ва фаолият вазиятига нисбатан таркиб топган муносабатлар системасини сақлаб қолади ҳамда ана шу барча маълумотлар асосида ўз хатти-ҳаракатини идора қилади.

Онг ижтимоий маҳсул бўлиб, фақат одамларга хосдир. Ҳайвонларда эса онг бўлмайди.

Психиканинг қуйи даражаси онгсизликдан иборатдир. *Онгсизлик — кишини ўзини тута олмайдиган қилиб қўядиган таъсиротлар билан боғлиқ психик жараёнлар, ҳаракатлар ва ҳолатлар йигиндисидир.* Психик ҳолат (бундан шу нарса равшанки психика тушунчаси «онг», «онгли»³ тушунчаларига қараганда кенгроқдир) сифатидаги онгсизлик воқеликни акс эттиришнинг шундай бир шакли ҳисобланадики, бунда ҳаракат вақти ва ўрнини мўлжал қилиш яхлитлиги йўқолади, хатти-ҳаракатнинг нутқ ёрдамида бошқарилиши бузилади. Онгсизликда, онглиликдан фарқли ўлароқ, киши ўзи бажараётган

¹ Герцен А. И. Былое и думы. т. 3. М., Художественная литература, М., 1973, 225-бет.

² Маркс К. ва Энгельс Ф. Танланган асарлар, 1-том, 22-бет.

³ «Онгли» тушунчаси баъзан яна ҳам тор маънода — «ижтимоий онг нормаларига мувофиқ» деган тарзда ҳам ишлатилади.

ҳаракатларни мақсадга мувофиқ тарзда назорат қила олмайди, уларнинг натижасини баҳолай олиши ҳам амри маҳолдир.

Онгсизликка қуйидаги психик ҳодисаларни киритиш мумкин: уйқу пайтида юз берадиган психик ҳодисалар (туш кўриши); сезилмайдиган, лекин ҳақиқатан ҳам таъсир кўрсатадиган қўзғатувчиларга («субсенсор» ёки «субцептив») жавоб реакциялари: олдинлари онгли ҳаракат бўлиб, лекин тақрорланавериб автоматлашиб кетган ва шунга кўра эндиликда англанилмайдиган бўлиб қолган ҳаракатлар; фаолиятга ундовчи, аммо мақсад ҳиссидан англанимайдиган айрим майллар ва ҳоказо. Онгсизлик ҳодисаларига бемор кишининг психикасида рўй берадиган баъзи бир патологик ҳодисаларни — алаҳлаш, кўзига йўқ нарсалар кўриниши ва шу кабиларни ҳам қўшиш мумкин. Шуларга асосланиб, онгсизликни онгга қарама-қарши деб ҳисоблаш, уни ҳайвонлар психикасига тенглаштириш нотўғри бўлур эди. Онгсизлик — бу кишининг худди онг каби ўзига хос психик қиёфасидирки, у киши миясида борлиқнинг етарли даражада бир хил бўлмаган, қисман акси тарзида инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгандир.

Психиканинг мияга нисбатан муносабатини психиканинг теварак-атрофдаги муҳитга ҳамда психик фаолиятга муносабати (булар психик мослаштириш, программалаштириш ва бошқариш ёрдамида амалга оширилади) сифатида бундан кейинги ўрганиш психиканинг ривожланиши проблемасига мурожаат қилиш заруратини туғдиради. Психик акс эттириш қандай пайдо бўлганини, ривожланганини, эволюция пиллапоясининг турли босқичларида қандай ўзгариб борганини, киши онги қандай пайдо бўлгани ва шаклланганини тушуниб олгандагина психиканинг энг муҳим қонуниятларини очиб бериш ва жиддий психик фактларни аниқлаш мумкин бўлади.

Адабиётлар

- Бассин Ф. В. Проблема бессознательного. М., 1968.
Выготский Л. С. Вопросы теории и истории психологии.— Собр. соч., 1-том, М., Педагогика, 1982, 78-99, 132-148, 156-174-бетлар.
Леонтьев А. Н. Проблемы развития психики. 3-нашр. М., МДУ нашриёти, 1972.
Ломов Б. Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. М., Наука, 1984.
Павлов И. П. Условный рефлекс.— Полн. собр. соч., 2-нашр., III том, М.—Л., СССР ФА нашриёти, 1951.
Рубинштейн С. Л. Бытие и сознание. М., СССР ФА нашриёти, 1957.
Сеченов И. М. Рефлексы головного мозга.— В кн.: Избранные философские и психологические произведения. М., Политгиздат, 1947.
Узнадзе Д. Н. Психологические исследования. М., Педагогика, 1966.
Ярошевский М. Г. История психологии. М., Мысль, 1985.
Хрестоматия по психологии, М., Просвещение, 1977, 7—74, 121—150-бетлар.
Хрестоматия по истории психологии. М., МДУ нашриёти, 1980.
Коломинский Я. Л. Беседы о тайнах психики. М., Молодая гвардия, 1976.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АҲВОЛИ, ТУЗИЛИШИ ВА МЕТОДЛАРИ

I. 2.1. Психологиянинг методологик негизи

Психология инсон шахсини ва кишилар ўртасидаги муносабатларни билишнинг фақат умумий назарий муаммоларини эмас, балки конкрет масалаларини ишлаб чиқишга тўғри фалсафий ёндашувнинг аҳамиятини аниқ белгилаб берадиган фанлар қаторига киради. У бир жиҳати билан табиий фанлар (зоопсихология, психофизиология ва бошқалар) соҳасини ўз ичига олса, бошқа бир жиҳати билан ижтимоий фанлар (социал психология, педагогик психология ва шу кабилар) соҳасига кириб боради ва шунинг учун ҳам унда диалектик ва тарихий материализмнинг қонунларидан фойдаланишнинг кенг имкониятлари мавжуддир.

XX асрда психология идеалистик ва метафизик фалсафадан ажралиб чиқди. Психология ҳар қандай фалсафадан ҳам узоқлашавермайди, албатта. Ҳозирги замон илмий психологиясининг негизини *илмий фалсафий тасаввурлар*, миянинг объектив реалликни акс эттиришдан иборат хусусияти сифатидаги психикага нисбатан илмий диалектик-материалистик нуқтаи назар ташкил этади. Фалсафа ва унинг таркибий қисми — билиш назарияси (ёки гносеология) психиканинг теварак-атрофдаги дунёга нисбатан муносабати тўғрисидаги масалани ўрганadi ва материянинг бирламчи, онгнинг иккиламчи эканлигини таъкидлаган ҳолда психикани оламнинг акс эттирилиши сифатида талқин қилади. Психология *инсон фаолиятида ва унинг ривожланишида психиканинг қандай роль ўйнашини аниқлайди*.

Марксча фалсафа классикларининг асарларида психология назариясининг асослари тайёр ҳолда мужассамлаштириб берилган эмас. Уларни бу асарлардан уқиб олиш ва психология фани тузилишининг назарий пойдеворига айлантириш учун жуда катта ижодий иш олиб борилиши даркор. Бу ҳол назариятчи психологлар (*Л. С. Виготский, С. Л. Рубинштейн, А. Н. Леонтьев* ва бошқалар) дан марксизмнинг бой меросини чуқур ўрганишни ва шу билан бирга психологиянинг ривожланиши йўлида кундаланг бўлиб турган ва тўғри фалсафий мулжалсиз бартараф этиб ҳамда ҳал қилиб бўлмайдиган асосий қийинчиликлар ва вазифаларни англаб олишни талаб

қилди. Собиқ совет психологияси К. Маркс асарларига мурожаат қиларкан, энг аввало психологик тадқиқотларнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш ва киши онгини тушуниш учун беҳад муҳим аҳамиятга эга бўлган учта фалсафий ғояни алоҳида ажратиб кўрсатган.

1. Онгининг моҳияти шундан иборатки, *кишининг онгида муҳитга нисбатан муносабат унинг амалда тил билан амалга ошириладиган бевосита ифодаланган бевосита акс этиши* бўлиб ҳисобланади. Бу бевосита акс этиш бевосита мавжуд вазият билан ҳаракат орасида юз бериб, бунда ушбу вазиятнинг ўзгариши, кенгроқ қилиб олинадиган бўлса — умуман теварак- атрофдаги оламнинг ўзгариши рўй беради. «Меҳнат процессининг охирида бу процесс бошланмасдан олдиноқ кишининг тасаввурда, яъни фикран мавжуд бўлган натижа ҳосил бўлади»¹. К. Маркснинг онгининг бевосита ифодаланган характерга эга эканлиги ҳақидаги ғоялари илмий психологиянинг назариялари қаторига киради ва психиканинг бевоситалиги (киши ўзини ўзи психология предмети деб ҳисоблайдиган бевосита тажриба) ҳақидаги идеалистик психология (интроспектив) таълимотларга принципиал тарзда қарши чиқади. Психика, онг бевосита кишининг фаолияти орқали объектив тарзда билиб олинади ва улар ана шу фаолиятнинг маҳсулидир.

2. *Кишининг фаолияти* (ҳам амалий, ҳам назарий) унинг *психикаси шаклланишида* шу даражада ҳал қилувчи роль ўйнайдими, киши фаолияти орқали яратиладиган ашёвий олам киши психикасининг бутун тараққиётини белгилаб беради. Меҳнатда субъектив фаолияти мужассамлашгандир ва ушбу фаолият предмети, меҳнат маҳсули ўзаро бир-бирига ўтади. Модомики, меҳнат маҳсули киши фаолияти туфайли яратилган экан, демак бу фаолиятнинг ўзи ҳам тамомила унинг объекти, меҳнат маҳсули билан белгиланади. Маркс «Капитал» да одам «ташқи табиатга таъсир қилиб ва уни ўзгартириб», шу билан бирга «ўз табиатини ҳам ўзгартиради»², деб ёзган эди. Бундан психологик назария учун муҳим аҳамиятга молик хулоса келиб чиқади: «кишининг ҳаётий кучлари», инсон психологияси, унинг ҳис-туйғулари, мақсадлари, фикри киши фаолиятининг маҳсули билан белгиланади. Кишининг ишлаб чиқариш заруратини келтириб чиқарадиган эҳтиёжлари ўзидан-ўзи пайдо бўлади ва ишлаб чиқариш жараёнида ривожлана боради; уларнинг пайдо бўлиши киши эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришда яратиладиган маҳсулотлар билан белгиланади. Маркс дастлабки фалсафий асарларида саноатнинг кўргазмали ҳаёти «*киши ҳаётий кучларининг очиб қўйилган китоби* бўлиб, қаршимизда хаёлан намоён бўлган одам психологиясидир...»², деб ёзган эди. «*Кишининг субъектив ҳис-туйғу қобилиятининг ранг-баранглиги: мусиқий оҳангни фарқлай билиш*

¹ Маркс К. Капитал, 1- том, 181- бет.

² Маркс К. Капитал, 1- том, 180- бет.

қобилияти, кўзнинг гузалликини ҳис қила олиши, қисқаси, инсоний завқланишга лаёқати ва ўзлигини *кишининг* ҳаётий кучлари тарзида қарор топтирувчи *ҳис-туйғулар* фақат инсон ҳаётининг кенг кўргазмали бойлиги туфайли ривожланади, баъзи ҳолларда биринчи марта ҳосил бўлади. Чунки фақат бешта ташқи ҳис-туйғу эмас, балки маънавий ҳис-туйғулар деб аталмиш туйғу, амалий ҳис-туйғулар (ирода, муҳаббат ва шу каби-лар) — бир сўз билан айтганда, инсоний ҳис-туйғу, туйғуларнинг инсонийлиги фақат *тегишли* предметнинг мавжудлиги туфайли, *одамийлашган* табиат туфайли ҳосил бўлади»¹

3. *Кишининг фаолияти* ва, десмак, *унинг психологияси ижтимоий характерда бўлиб, инсон психологияси — тарих маҳсулидир*: «...ижтимоий одамнинг *ҳис-туйғулари* ноижтимоий одамнинг *ҳис-туйғуларига* қараганда моҳият-эътибори билан бошқача *ҳис-туйғулардир*»²; «*ижтимоийлик* бутун ҳаракатга хос хусусиятдир; жамият *одамни* қандай қилиб *одам сифатида* вояга етказган бўлса, одам ҳам жамиятни шу тарзда *яратади*. Фаолият ва унинг самараларидан фойдаланиш, ўз мазмунига кўра ҳам, *ўзининг рўй беришига кўра* ҳам *ижтимоий* характерда бўлади: *ижтимоий* фаолият ва *ижтимоий* фойдаланиш»³.

Маркснинг ғоялари психология учун онг ва фаолият фактларини уларнинг социал негизда юзага чиқиши нуқтаи назардан таҳлил қилиш имкониятини яратиб берди. Чунончи, шахснинг қобилиятларидаги табиийлик билан ижтимоийликнинг нисбатига оид мураккаб проблема марксизмга асосланган ҳолда ўз илмий ечимини топди. XVIII асрдаги инглиз иқтисодчиси А. Смитнинг одамлардаги хилма-хил майллар тақсимотининг сабаби бўлишдан кўра кўпроқ унинг натижаси эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилган ҳолда Маркс шундай деб таъкидлаган эди: «Ҳаммол билан файласуф ўртасидаги дастлабки фарқ кўппак ит билан този ит ўртасидаги фарқдан ҳам кам бўлган. Улар ўртасидаги катта тафовутни кейинчалик меҳнат тақсимоти юзага келтирди»⁴. Кишининг қобилиятлари табиий ўзига хослик негизда пайдо бўлса-да, киши меҳнатининг ўзгарувчан, тарихий жиҳатдан тақозо этилган шакллариغا, жамият моддий ҳаётининг шарт-шароитларига боғлиқдир. «Рафаэлга ўхшаган индивид ўз истеъдодини ривожлантира олади-ми,— бу ўз навбатида меҳнат тақсимотига боғлиқ бўлган талабга ҳамда одамларнинг ўқиши учун улар томонидан яратилган шарт-шароитларга тамомила боғлиқдир»⁵,— деб ёзишган эди К. Маркс билан Ф. Энгельс.

¹ Маркс К. Экономико-философские рукописи 1844 года.— Маркс К. и Энгельс Ф. Из ранних произведений. М., Госполитиздат, 1956, 594-бет.

² Уша жойда, 593-бет.

³ Уша жойда, 589-бет.

⁴ Маркс К. Философия қашшоқлиги. Т., «Ўзбекистон», 1984, 113-бет.

⁵ Маркс К. и Энгельс Ф. Немецкая идеология.— Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., 3-том, 392-бет.

Ўз-ўзидан равшанки, Маркснинг психология фани назарий асосини ташкил этадиган ғояларининг бойлиги психологик фикрларни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берадиган ва юқорида келтирилган фалсафий қондалар билангина чекланмайди. Фалсафий таълимот сифатидаги марксизм психология назарияси ва методологиясини яратиш учун чексиз имконият туғдиради.

Ф. Энгельснинг асарларида қатор муҳим фалсафий қондалар баён этилганки, улар ҳозирги замон илмий психологиясида кенг қўлланилмоқда. Киши онгининг тарихий тараққиётини ва одам билан ҳайвоннинг психикасидаги туб фарқларни тушуниб етишда Энгельснинг одамнинг пайдо бўлишида меҳнатнинг роли ҳақидаги ғоялари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Маркснинг инсон психологиясининг тарихий характерга эга эканлиги ҳақидаги фикрини яна ҳам ривожлантирган ҳолда Ф. Энгельс эҳтиёжни киши фаолигининг манбаси тариқасида таҳлил қилади. Психологиянинг марказий тушунчаларидан бири — фаолиятни тушуниб етишда Энгельснинг киши тафаккурига фаолиятнинг таъсири тўғрисидаги ғоялари муҳим роль ўйнайди. «Табиатшунослик ҳам, философия ҳам одам фаолиятининг одам тафаккурига таъсирини текширишни ҳозирга қадар мутлақо менсимай келди. Бу фанлар, бир томондан, фақат фикрни билади. Лекин инсон тафаккурининг энг муҳим ва энг яқин асоси табиатнинг ёлғиз ўзигина эмас, балки нақ *инсоннинг табиатни ўзгартиришидир*, инсоннинг ақли ҳам унинг табиатни ўзгартиришни ўрганишига мувофиқ суратда ривожланиб борган»¹.

1. 2.2. Ҳозирги замон психологияси ва унинг фанлар системасидаги ўрни

XX асрда психология ўзининг энг муҳим проблемаларини тадқиқ қилишнинг илмий асосларини яратиш даврига киришди. Ҳозирги вақтда психология ўзи ўрганадиган алоҳида предмети-га, ўзининг алоҳида вазифаларига, ўзининг махсус тадқиқот методларига эгадир; унинг психологик муассасалари тармоғи (институтлари, лабораториялари, психолог кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари), журналлари ва ихтисослаштирилган китоб нашриётлари мавжуд. Мунтазам равишда халқаро психологик конгресслар ўтказилиб туради, психологлар илмий уюшмаларга ва жамиятларга бирлашмоқдалар. Ҳозирги вақтда психологиянинг киши ҳақидаги энг муҳим фанлардан бири сифатидаги аҳамиятини ҳамма тан олмоқда.

Психология ва табиатшунослик

Психологиянинг табиатшунослик билан тобора мустаҳкамланаётган иттифоқи унинг мустақил фанга айланишига ёрдам берди. Бу жараён XIX

¹ Энгельс Ф. Табиат диалектикаси. Т., «Ўзбекистон» ,1983, 119- бет.

асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди. Эксперимент методининг (Г. Фехнер) психологияга жорий этилганлиги ана шу жумладан бўлиб, бу И. М. Сеченовнинг «Бош мия рефлекслари» китоби босмадан чиққанидан кейин айниқса кенг тус олган эди. Бу китобда психик ҳодисалар ҳам худди одам организмининг бошқа барча функциялари каби табиий ҳодисалар эканлиги, улар сабабсиз юз бермасдан, балки нерв системасининг рефлектор акс этиш фаолияти натижаси эканлиги кўрсатиб берилган эди. *И. М. Сеченовнинг рефлектор назарияси психологик билимларнинг табиий-илмий негизини ташкил этди. Бу назария кейинчалик шартли рефлекслар ҳақидаги И. П. Павловнинг таълимотида, Павловнинг шогирдлари — Л. А. Орбели, П. К. Анохин, К. М. Биков, Н. И. Красногорскийларнинг асарларида, шунингдек А. А. Ухтомский, Н. А. Бернштейн, И. С. Бериташвили ва бошқаларнинг асарларида янада ривожлантирилди.* Ҳозирги пайтда психология фанининг табиий-илмий жиҳатдан бу хилда асосланганлиги олимлар томонидан мия фаолиятининг нейрофизиологик механизмлари чуқур ўрганилаётганлиги ҳисобига тобора кучайтирилмоқда. Шу тариқа психик фаолиятнинг мураккаб физиологик механизмлари системасини тадқиқ қилиш борасидаги ютуқлар психология ва табиатшунослик ўртасидаги алоқаларнинг конкрет натижаси сифатида юз берди.

Ҳозирги замон психологиясининг асосий проблемаларини тадқиқ қилишда буюк табиатшунос Ч. Дарвиннинг «Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши тўғрисида, ёки яшаш учун курашда қулайликка эга бўлган турларнинг сақланиб қолиши» (1859) китобида баён этилган эволюцион ғоялари жуда катта таъсир кўрсатди. Бу ғоялар жонли мавжудотларнинг муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашувчи жараёнида психиканинг ролини аниқлаш, психик фаолиятнинг олий формалари қўйи, анча содда формаларидан келиб чиққанлигини англаб етиш имконини берди. Дарвин бутун жонзотнинг эволюцияси ғоясини ҳайвонларда сезгининг пайдо бўлишига нисбатан қўллашга муваффақ бўлди. У биологик ривожланиш жараёнида тананинг тузилишидаги ва унинг айрим аъзоларидаги ўзгаришлар (айнан ана шу табиий танлашнинг таъсири)га олиб келадиган ўша асосий омилларни кўрсатиб бердики, бу филогенездаги психик тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб ҳисобланади.

Психологияда Дарвиннинг ҳайвонлар психикасининг эволюцияси ҳақидаги ғоялари кўпгина олимларнинг ва энг аввало А. Н. Северцов билан В. А. Вангернинг илмий ишларида ривожлантирилди. Бу ҳайвонлар психик фаолиятнинг турли хил шаклларини уларнинг келиб чиқишидан бошлаб тадқиқ этиш имконини берди. А. Н. Северцовнинг тасдиқлашича, ҳайвонларда организмлар тузилиши ўзгармаган ҳолда уларнинг фақат хатти-ҳаракатини ўзгартириш йўли билан муҳитга мослаштиришнинг эволюцияси бир-бирига қўшилмайдиган икки асосий

йўлдан борган ва ҳайвонат оламининг иккита типиди ўзининг юксак тараққиёти даражасига эришган. Бўғимоёқлилар турида хатти-ҳаракатнинг (сезгининг) ирсий ўзгаришлари (инстинктлар) прогрессив тарзда эволюциялаша бошлади, уларнинг юксак тараққий этган вакиллари бўлган ҳашаротларда эса ҳаёт тарзининг барча икир-чикирларига мослашган, гоят мураккаб ва мукамал инстинктив ҳаракатлар пайдо бўла бошлади. Лекин инстинктив фаолиятнинг бу мураккаб ва мукамал аппарати айни чоғда ўта қолоқ ҳамдир: ҳайвонлар муҳитнинг тез ўзгаришларига мослаша олмайдилар. Хордалилар турида эволюция бошқа йўлдан борди: инстинктив фаолият жуда катта юксакликка эришмаса ҳам, лекин хатти-ҳаракатни индивидуал тарзда ўзгартириш орқали мослашув жадалроқ ривожлана бошлади ва организмнинг ўзгарувчанлигини жуда ҳам ошириб юборди. Ирсий мослашувчанлик устиди хатти-ҳаракатнинг индивидуал тарзда ўзгарувчанлигидан иборат устқурма пайдо бўлди.

Шундай қилиб, эволюцион таълимот хулқ-атворнинг ирсият билан программалаштириладиган инстинктив шакллариининг ҳам, ҳаёт кечириш давомида шартли рефлекслар мураккаб системасининг пайдо бўлиши натижасида орттириладиган шакллариининг ҳам келиб чиқишини тушунтириб бериш имконини туғдиради.

Ҳайвонлар ва одам психикасига эволюцион таълимот нуқтаи назаридан ёндашув, психиканинг диалектик материализмга қарама-қарши позицияда турган баъзи бир физиологлар ва психологлар даъво қилганларидек, физиологик жараёнларнинг шунчаки ҳаракатсиз ўсимтаси (эпифеномени) эмаслигини тушуниб етишга ёрдам беради. Психик ҳодисалар мураккаб оламининг киши ҳаёти ва фаолиятида ҳеч қандай роль ўйнамайдиган физиологик жараёнлар эпифеномени тарзида мавжуд бўлиши эволюция принциплари ва қонунларига очиқдан-очиқ зид бўлур эди (табиий танлаш, маълумки, тирик мавжудотга кераксиз барча ҳаракатсиз, самарасиз нарсаларни бартараф этади).

Тиббиёт психологияси асосларини тадқиқ этган клиницист психологлар (*В. М. Бехтерев, С. П. Боткин, С. С. Корсаков, А. Р. Лурия, В. Н. Мяснишев* ва бошқалар) тадқиқотларининг киши хулқ-атворида психиканинг қандай роль ўйнашини аниқлашдаги ўрни каттадир. Психология билан тиббиётнинг туташган жойида пайдо бўлган тиббиёт психологияси психология фанининг ютуқларини касалликларни диагностика қилиш ва даволашда, сихат-саломатликни тиклаш ва касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қўлланиб келаётир. Касалликнинг зўрайиши, бир томондан психик омилларга (тушқунликка берилиш, васвасага тушиш, ҳадиксираш ва шу кабиларга) боғлиқ бўлса, иккинчидан, дарднинг ўзи ҳам, жумладан терапевтик муолажанинг самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин бўлган алоҳида психик ҳолатларни кел-

тириб чиқарадики, бу ҳол врач ва психологнинг куч-ғайратлари бирлаштирилишини зарурат қилиб қўяди. Шу билан баробар мия қобиғининг баъзи бир жойлари, масалан, чакка қисми лат еганда психиканинг бузилишини клиник-психологик тадқиқ қилиш натижасида идрок ва хотиранинг қонуниятларини тушуниш имконини берадиган янги маълумотлар олинди. Психолог-клиницист беморнинг оғзаки ёки ёзма нутқи психологик жиҳатдан бузилиши хусусиятини аниқлаб, дарднинг манбаи киши бош мияси катта ярим шарларининг муайян бўлмасида эканлигини қайд қилади ва бу билан нейрохирургга кўмаклашади.

Шу тариқа ҳозирги замон психологияси ўз тараққиётида мустақил фан сифатида мустаҳкам табиий-илмий негизга эга бўлди. Табиатшуносликнинг қонуниятлари (умумий биология, физиология, неврология, эволюцион таълимот ва бошқалар)ни билиш психология томонидан жиддий ўрганишни тақозо этади. Психологиянинг қатор соҳалари ва, энг аввало, қиёсий психология, зоопсихология, этология, тиббиёт психологияси, патопсихология ва яна баъзи бир хил соҳалари айни чоғда табиатшунослик ва табобатнинг ҳам бўлимлари бўлиб ҳисобланади.

Психология ва фан-техника тараққиёти XX аср ишлаб чиқаришнинг, техниканинг янги турлари, алоқа воситаларининг беқиёс тараққий этганлиги билан, электроника ва автоматиканинг

кенг қўлланилиши билан, транспортнинг товуш тезлигидан ҳам ортиқ тезликда юрадиган янги турлари ўзлаштирилганлиги ва шу кабилар билан белгиланади. Буларнинг ҳаммаси замонавий техника билан иш кўрадиган киши психикасига жуда катта талаблар қўяди. Ҳозирги пайтда саноатда, транспортда, ҳарбий ишда психологик омил деб аталмиш омилларни, яъни психик билиш жараёнлари — идрок, хотира, тафаккурда, шахс психикасининг хусусиятлари — характери хусусиятларида, темперamentiда, таъсирланиши тезлиги ва шу кабиларда мужассамлашган имкониятларни ҳисобга олиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, жуда қисқа вақт ичида ўта масъулиятли ечим (қарор) лар қабул қилиш зарурати билан юз берадиган асабий-психик танглик шароитида (кўп жиҳатдан замонавий товушдан тез учар авиация учун, йирик энергетика системаларининг диспетчер-операторлари иши учун хос бўлган вазиятларда ва ҳоказоларда) шахсда фаолиятни жиддий камчилик ва бузилишларга йўл қўймасдан амалга ошириш имконини берадиган айрим фазилатларнинг мавжудлиги ғоят муҳимдир. Бу каби фазилатларнинг етишмаслиги эса аварияларга олиб келади. Меҳнат фаолиятининг мураккаб турлари киши олдига қўяётган талаблари муносабати билан кишининг психологик имкониятларини ўрганиш ҳозирги замон психологиясининг муҳим роль ўйнаётганлигини билдиради. «Инсон — машина» муаммосини (одам билан техниканинг ўзаро муносабатлари масаласини қисқача шундай деб аташади) ўрганиш билан шуғулланадиган инженерлик психологияси умуман меҳнат

психологияси каби техниканинг кўпгина бўлимлари билан одам ва ЭҲМ нинг ўзаро муносабати ва бошқа шу кабилар билан жуда ҳам яқинлашиб кетади.

Психология ва педагогика

Психология фанини ривожлантиришнинг омили бўлган фан-техника тараққиёти ва бу фаннинг мушоҳадага асосланган метафизик тасаввурлардан ҳоли бўлишига кўмаклашган ҳолда ҳозирги пайтда психологиянинг педагогика билан ўзаро энг яқин алоқада эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай алоқа ҳамиша ҳам мавжуд бўлиб келган эди ва буни илғор психологлар ва педагоглар тушунишарди. Буюк рус педагоги К. Д. Ушинский (1824—1870) педагогика учун ўз аҳамиятига кўра психология барча фанлар ичида биринчи ўринда туради, деб таъкидлаган эди. Кишини ҳар жиҳатдан тарбияламоқ учун, деб қайд этган эди К. Д. Ушинский, уни ҳар жиҳатдан ўрганмоқ даркор.

Ҳозирги пайтда психология билан педагогика ўртасидаги алоқалар ўзгача тус олмақда. Бу алоқалар қатор йиллар мобайнида аслида кўп ҳолларда психологиянинг педагогикага ташқи мослашуви ва педагогика томонидан психологиянинг «тайёр маълумотларини» ташқи томондан ҳисобга олиниши билан чекланиб келди. Масалан, кўпинча аллақачон таркиб топган ва мустақкам ўрин олган педагогик усуллар ва қоидаларни «психологик жиҳатдан асослаб беришлар»ни, уларнинг яхшиланишини ва такомиллаштирилишини психологиянинг вазифаси деб ҳисоблаб келинар, педагогика эса айрим, амалда догматик тарзда тушунилган «психологик формулалар» (кичик ёшдаги ўқувчининг тафаккури гуё мавҳумликдан маҳрум ва шу сабабли у фақат мутлақо конкретдир, деган даъволар) га таянар эди.

Эндиликда фан-техника тараққиётининг анча жадаллаштирилганлиги шароитида шахсни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ва конкрет психологик тадқиқотларни ривожлантириш соҳасида ҳозирдаёқ эришилган ютуқлар ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш жараёнида психологиянинг имкониятлари ва унинг иштирокига янгича мазмун бахш этмоқда. Илғор психологлар психологияни фани олдида турган ва ҳал этилиши педагогикадаги энг муҳим проблемаларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилишини белгилаб берадиган вазифаларни аниқ ифодалаб бермоқдалар.

Биринчи вазифа психологик тадқиқотларнинг тайёр ва қарор топган қоидаларни (таълим ва тарбия мазмуни, методлари ва усулларини) асослаб беришга қаратилганидан кўра кўпроқ ана шу қарор топган педагогик тажрибадан ўзиб кетадиган, бунинг учун янгидан-янги йўллارни очиб берадиган, таълим ва тарбия ишида янгиликнинг кенг миқёсда қидирилишини таъминлайдиган йўналишда олиб борилишини тақозо этади. А. В. Запорожец, Л. В. Занков, В. В. Давидов, П. Я. Гальпе-

рин, Н. А. Менчинская, Д. Б. Эльконин, Ш. А. Амонашвили ва бошқаларнинг педагогик психология соҳасидаги тадқиқотлари айнан ана шундай характерга эгадир.

Биринчи вазифадан келиб чиқадиган психологиянинг иккинчи вазифаси фан-техника тараққиётининг педагогика фани олдига қўйган талаблари билан боғлиқдир. Ўзлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотнинг ҳажми жуда тез суръат билан ортиб бормоқда. Шу нарса аниқланганки, ахборот тездаёқ эскириб, янгиланиши лозим бўлиб туради. Бундан шу нарсани тушуниш керакки, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга мўлжалланган ўқитиш ҳозирдаёқ замонавий талабларга фақат қисман жавоб бериши мумкин. *Тафаккур сифатларини шакллантириш* муаммоларини ҳал этиш биринчи галдаги вазифалардан бўлиб чиқмоқдаки, бу ўқувчиларга доимо янгилашиб турувчи ахборотни ўзлари мустақил равишда ўзлаштириб бориш имконини берган бўлур эди. Ўқишни тугатганидан кейин ҳам сақланиб қоладиган бундай қобилиятларнинг ривожлантирилиши кишининг тобора жадаллаштирилаётган фан-техника тараққиётидан орқада қолмаслиги учун имконият туғдирган бўлур эди. Бизда жадал суръатлар билан ривожлантирилаётган халқ маорифи психология олдига қўлгина долзарб вазифаларни: психиканинг онтогенезда ривожланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш, ҳар бир ёш босқичида кишининг фаолияти ва шахсининг психологик характеристикасини бериш, киши томонидан фан асосларида, маънавиятда, идеологияда маълум бир тарзда системалаштирилган ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг психологик механизмларини аниқлаш, кишининг тарбияси ва психик жиҳатдан ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб берган ҳолда таълим ва тарбия жараёнида унинг шахсини шакллантиришнинг психологик асосларини кўрсатиб бериш; одамларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш; айрим одамларнинг психикаси ривожланишида умумий ривожланиши жараёнига нисбатан фарқлар юз беришининг психологик сабабларини аниқлаш ва ана шу фарқларни аниқлаш методларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни қўйди.

Юқорида айтиб ўтилган умумий ва улар билан боғлиқ жузъий вазифаларни бажара бориб, ҳозирги замон психологияси педагогика билан мустаҳкам боғланган ҳолда иш кўради. Психологиянинг ушбу вазифаларини ҳал этиш билан банд бўлган қатор конкрет соҳалар (энг аввало педагогик психология ва ёш психологияси) илмий педагогиканинг бўлимлари, тарбия назарияси ва методикаси, дидактика, айрим фанлар (математика, тарих, жуғрофия ва бошқалар) ни ўқитишга доир хусусий методикалар билан ўзаро муносабатдадир.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарор муносабати билан ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва таълими, уларни касбга йўналтириш, уларнинг унумли меҳнатда баҳоли-қудрат ишти-

рокининг психологик жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этди. Мактаб ислоҳоти ҳужжатларида шахснинг энг муҳим фазилатларини ёшликдан ривожлантира боришнинг аҳамияти таъкидланиб ўтилганки, коллективизм, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, меҳрибонлик ва принципиаллик, барқарорлик ва матонатлилиқ ана шулар жумласига киради. Мактабларимизда ўқитишни компьютерлаштиришнинг кенг тус олаётганлиги педагоглар олдида ўқувчиларни ЭҲМ билан иш бажаришга психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда тегишли малака ва кўникмаларни шакллантириш, уларнинг «иккинчи савод» чиқаришларига эришиш проблемасини қўйди.

Фанлар системасида психологиянинг ўрни Юқорида айтилганларнинг барчаси ҳозирги замон психологиясининг бир қанча фанлар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. У, бир томондан философия фанлари, иккинчи томондан табиий фанлар, учинчи томондан социал фанлар ўртасида жойлашган оралиқ мавқега эга бўлган фандир. Унинг бу фанларга яқинлиги ва ҳатто улардан баъзилари билан биргаликда тадқиқ қиладиган соҳаларнинг мавжудлиги ҳам унинг мустақиллигига ҳеч бир путур етказа олмайди. Психология ўзининг барча соҳаларида ўз тадқиқот предметини, ўз назарий принципларини, ўша предметни ўрганишининг ўз йўлларини сақлаб келаётир. Фақат психология учун эмас, балки у билан турдош фанлар учун шу қадар аҳамиятга эга бўлган психологик проблемаларнинг кўп қирралиги психологларнинг диққат марказида ҳаммиша жаҳон тараққиётининг бош ижросиси ҳисобланмиш одам турганлиги билан изоҳланади. Барча фанлар ва билим соҳалари одамга хизмат қиладиганлигига, уни қуроллантираётганига, унинг ўз томонидан яратилгани, инсон назарияси ва амалиёти сифатида пайдо бўлгани ва ривожланаётганлиги учун ҳам моҳият ва мазмунга эгадир. Психологик билимларнинг бундан кейинги бутун тараққиётини психологиянинг ўз мустақил текшириш предметини сақлаб қолгани ҳолда бошқа турдош фанлар билан алоқаларининг жуда ҳам кенгайиши сифатида тасаввур қилмоқ керак.

1. 2.3. Ҳозирги замон психологиясининг принциплари ва тузилиши

Таъкидлаб ўтилганидек, психик ҳодисаларни билиш ва уларга нисбатан ёндашув олимларнинг дунёқарошига боғлиқ бўлиб, пировард натижада уларнинг синфий курашда эгаллайдиган позицияси билан белгиланади.

Ҳозирги замон психологияси чет эл психологлари муайян бир қисмининг психик ҳаётнинг моҳияти ва характерида нисба-

тан реакцион қарашлари билан психологиянинг предмети ва вазифаларига нисбатан собиқ совет олимлари ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари, шунингдек Ғарбий Европа ва АҚШ нинг илғор психологлари (улар қаторида француз психологлари *А. Валлон*, *Ж. Политцер*, *А. Пьерон*, швейцариялик психолог *Ж. Пиаже*, америкалик психолог *Ж. Брунер* ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин) ҳимоя қилишган қарашлар ўртасидаги тўқнашув майдонига ўхшайди.

Капиталистик мамлакатларда психология

Асримизнинг бошларидаёқ, гарчи ўтган элликетмиш йил мобайнидаги тарихий тараққиёт жараёнида ҳолатини ўзгартирган бўлса ҳам, капиталистик мамлакатлардаги ҳозирги замон психологиясининг қиёфасини у ёки бу даражада белгилаб берадиган асосий йўналишлар ўзини кўрсата бошлаган эди. Булар жумласига биринчи навбатда бихевиоризм ва психоанализни киритиш мумкин.

Бихевиоризм — психологияда даставвал АҚШ да ҳайвонларда ўтказилган кузатишларнинг (*Э. Торндайк*, *Д. Уотсон* ва бошқалар) натижаси сифатида пайдо бўлган йўналишдир. Бихевиоризмнинг негизини психологик тадқиқот предмети сифатида психикани ва онгни инкор этиш ётади. Фақат хулқ-атворгина тадқиқот предмети деб тан олинар, психологияга эса хулқ-атвор ва муҳитнинг ўзаро нисбати қонуниятларини тадқиқ этиш тавсия қилинар эди. Бихевиористнинг фикрича, психологиянинг вазифаси ҳиссиёт органларига таъсир қиладиган омил — стимул (S) ни, яъни қўзғатувчи (гап қистириш, ўқ отиш, картина кўрсатиш ва шу кабилар) ни билган ҳолда унга жавоб, таъсир — реакция (R) қандай бўлишини ёки таъсиротни билган ҳолда унинг қайси бир омилга жавоб тариқасида юз берганини олдиндан айтиб беришдан иборат эмиш. Классик бихевиоризмнинг формуласи — $S \rightarrow R$ дир. Бихевиористик психологиянинг механистиклиги изчилдир: одам — бу худди ҳайвонлар каби, психикага эгами, ё йўқлигидан қатъи назар, у қўзғатувчиларга жавоб берадиган ўзига хос бир машинадир.

Стимул билан реакция ($S \rightarrow R$) ўртасидаги, яъни мияга «кириш» билан «чиқиш» да юз берадиган нарсалар ўртасидаги нисбатни рўкач қилиб, бихевиоризм «кириш» билан «чиқиш» ўртасида нима бору, нима йўқлигини бевосита кузатиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, уларни илмий таҳлил қилиб бўлмайдиган («қора қути») соҳа деб эълон қилган эди. Бихевиористлар ўз экспериментларини асосан ҳайвонларда (ҳаммадан кўпроқ оқ сичқонларда) ўтказиб, сўнгра шу тариқа чиқарилган хулосаларни одамга нисбатан жорий этишарди. Шунинг учун ҳам киши шахсининг фаоллиги амалда инобатга олинмасди. Бихевиоризм ўргатиш жараёнини ҳам худди шу хилда механистик тарзда таърифлаган эди. Бихевиористлар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатини (масалан, экспериментда лабиринтдан чиқиш йўлини излашини) ўрганиб, проблеманинг ечимига «синаш ва адашиш» йўли билан эришилиши ҳақидаги хулосага (*Э. Торн-*

дайк ва бошқалар) келишади. Бундай йўл кўпгина вариантларни танлаб чиқилгандан кейин исталганига эришилишини таъминлайдиган битта варианты қолмагунча тусмоллаб қилинган ҳаракатларнинг «кўр-кўрона танланиши» деб талқин қилинади. Бу хулоса одамнинг ҳайвондан сифатий фарқларини инкор этиш учун инсон ҳақидаги таълимотнинг таърифига ҳам жорий қилинган эди.

XX аср ғарб психологиясининг яна бир нуфузли йўналиши— *психоанализ*дир. У кўпинча австриялик психиатр ва психолог З. Фрейднинг номи билан фрейдизм деб ҳам юритилади.

Фрейдизм нуқтаи назаридан олганда, одам амалда ижтимоий ҳодиса эмас. Киши хулқ-атвори иккита принципга: «ҳузур-ҳаловат принципи» (бу ўринда асосан жинсий майлларнинг акс этиши назарда тутилади) ва «реаллик принципи» (жамиятнинг уятли ва тақиқланган нарса сифатида шахвоний ҳавасни бостириб туриш зарурлиги ҳақидаги талабларидан келиб чиқадиган) га бўйсундирилади. «Хузур-ҳаловат принципи» билан «реаллик принципи»нинг тўқнашуви натижасида англанилмаган соҳага «қондирилмаган майллар» ажралиб чиқиши рўй беради ва улар одамнинг хулқ-атворини шу ердан идора қилиб туради. Бихевиористларда бўлгани каби бу ўринда ҳам онгнинг роли озгина тан олинади, онг эса ҳар томонлама обрўсизлантирилади. Психоаналитиклар англанилмаган психик қўзғатувчилар билан аввал бошда ноқ одамга душман бўлган социал муҳит ўртасидаги доимий қарама-қаршилик тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, индивид, бир томондан, виждон, номус, қўрқув ва шу кабилар («онг цензураси») шаклида ўзи бошидан кечирадиган қатағонларни яратувчи муҳитнинг талаблари, иккинчи томондан эса ҳукмини ўтказувчи англанилмаган майлларнинг бири-бирини сиғиштирмаслиги билан боғлиқ ички конфликт ҳолатига муқаррар тушади, деб даъво қилишган эди. Киши бундай вазиятлар оқибатида вужудга келган тангликдан шахвоний ғайратни социал жиҳатдан мақбул йўлга буриб юборадиган ҳимоя меҳанизмларини ишга солган тарзда қўтилади. Катта ёшдаги одамнинг англанилмаган ҳолда йўналтирувчи хатти-ҳаракати унинг илк болалик даврида шаклланган мақсад-истагининг қарамлигида бўлади ва амалда унинг бутун умри бўйи сира ўзгармасдан, фақат онгнинг «цензураси» билан муроса қилиш заруратидан ниқобланиб қолиб кетади.

Фрейд психологларнинг эътиборини англанилмаганлик ва психологик ҳимоя муаммоларига, катта ёшдаги кишининг хулқ-атворига, болаликдаги воқеаларнинг таъсирига ва бошқаларга жалб қилди, лекин бу муаммоларни тубдан нотўғри, шахс психологиясини биологиялаштирган, шахсни ҳатто ноижтимоий куч деб таърифланган ҳолда англанилмаганликнинг ондан усунлиги ва киши хулқ-атворининг шахвоний майлларга бўйсунуши тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқиб талқин этган эди. Фрейд ўзининг психологик назариясини одам ҳақидаги,

жамият ва маданият ҳақидаги умумий таълимотга айлантириб, фарб мамлакатларида катта эътибор қозонди.

Психоаналитик асарларнинг номарксистик характери гўё ичидан туриб кишини идора қиладиган, уни инстинктив майларнинг бошқарилмайдиган ҳолатидаги ўзини эълай олмайдиган қўғирчоққа айлантириб қўядиган қоронғи, онгсиз кучлар ҳақидаги фрейдистик таълимот хуш келадиган капиталистик жамиятнинг идеологик қуролига айланишига имкон яратиб берди.

Ҳозирги пайтда бихевиоризм ва фрейдизм ибтидоий «классик» шаклидаги ўрнини аниқ-равшан ифодаланган бирон-бир фарқли белгиси бўлмаган турли хилдаги «шўъба» оқимларга (необихевиоризм, неофрейдизм ва шу кабиларга) бўшатиб берди. Улардаги механицизм ва идеализм ўз қиёфаларини жуда пухталиқ ва уддабурролик билан ниқоблаб олишган. Лекин бу оқимлар ташқи қиёфасини ўзгартирган бўлсалар-да, ўзларининг идеологик кўрсатмалари характерини сақлаб қолгандир.

**Психология
фани ва унинг
асосий прин-
циплари**

Собиқ совет психология фани ўз предметини марксча диалектик-материалистик нуқтаи назардан тушуниш учун курашда ривожланди. Бу йўлда унинг кўпгина жиддий хатолар ва янглиш фикрлар (29-йилларда кўп жиҳатдан бихевиоризмга яқин бўлган таълимот — рефлексология билан қизиқишлар) ни бартараф этишига тўғри келди.

1923 йилда Психоневрологларнинг биринчи съездида *К. Н. Корнилов* (1879—1957) психологияни марксизм негизида тузиш вазифасини илгари сурди. Марксистик психологларнинг психологияни диалектик материализм негизида тузиш учун олиб борган курашининг натижаси ҳисобланган гоёвий-назарий кураш жараёнида психологиянинг предмети ва унинг методлари илмий тушунчаси таркиб топди, психологик тадқиқотларнинг энг муҳим принциплари ва асосий проблематикаси аниқлаб олинди, билимнинг турдош соҳаларига муносабат ойдинлашди. Психология фанининг тараққиётида буюк роль ўйнаган *Б. Г. Ананьев, П. П. Блонский, Л. С. Виготский, А. В. Запорожец, К. Н. Корнилов, Г. С. Костюк, А. Н. Леонтьев, А. Р. Лурия, С. Л. Рубинштейн, А. А. Смирнов, Б. М. Теплов, Д. Н. Узнадзе* ва бошқа илмий кадрлар етишиб чиқди. Москва, Киев ва Тбилисидаги психология илмий-тадқиқот институтлари, Москва, Ленинград, Тбилиси, Пермь, Рязань, Владимир ва бошқа шаҳарлардаги университетлар ва педагогика институтларининг психология кафедралари илмий психологик гоёларнинг марказига айланиб қолди.

30-йилларнинг ўрталарига келиб психология фанининг асосий принциплари: *детерминизм принципи, онг ва фаолиятнинг бирлиги принципи, психиканинг фаолиятда ривожланиши принципи* аниқ ифодалаб берилди.

Детерминизм принципи *психиканинг турмуш тарзи билан белгиланишини ва турмуш тарзи ўзгаришига қараб ўзгариши-*

ни англатади. Агар ҳайвонлар психикаси ҳақида гапириладиган бўлса, у ҳолда бу психиканинг ривожланиши биологик қонун тарзидаги табиий танлаш билан белгиланади. Агар одамнинг психикаси ҳақида гапириладиган бўлса, у ҳолда кишида онг шакллариининг пайдо бўлиши ва ривожланиши пировард натижада тирикчиликнинг моддий воситаларини ишлаб чиқариш усулини ривожланиш қонунлари билан белгиланади. Киши онгининг ижтимоий-тарихий характерга эга эканлигини тушуниш киши онгининг ижтимоий борлиққа боғлиқлиги ҳақидаги умумий материалистик принципидан келиб чиқадиган энг муҳим хулосадир.

Онг ва фаолият бирлигининг психологияда қабул қилинган принципи *онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш ҳам эмас, аммо бирликни ташкил этишини билдиради. Онг фаолиятнинг ички планини, унинг программасини ташкил этади.* Воқеликнинг ўзгарувчан модели айнан онгда ҳосил бўладики, одам ўзини қуршаб турган муҳитда шунинг ёрдамида мўлжал олади.

Собиқ совет психологиясининг позицияси онг тўғрисидаги идеалистик тасаввурлардан, яъни илдизлари Декартга бориб тақаладиган ва ички психик оламни жисмоний сабабият қонунларига бўйсунадиган фаолиятдан, ҳаракатдан, қилиқлардан ажратилган тарзда тушунадиган тасаввурлардан тубдан фарқ қилади. Бу психологиянинг позицияси психологик тадқиқот предмети сифатида хулқ-атворнинг кўринишларнигина тан оладиган ва ҳаракат қилаётган кишининг миясида оламнинг бирон-бир манзараси борми, ё йўқлиги, онги борми, ё йўқлиги муҳим аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблайдиган бихевиористик қарашлардан ҳам тубдан фарқ қилади.

Онг ва фаолиятнинг бирлиги принципи психологларга хулқ-атвори, фаолиятни урганаётиб, ҳаракатнинг мақсадларига эришишнинг муваффақиятини таъминловчи ички психологик механизмларни аниқлаш, яъни психиканинг объектив қонуниятларини очиш имконини берди.

Психика ва онгининг фаолиятда ривожланиши принципи шунинг англатадики, *психика агар фаолият самараси ва ривожланиш маҳсули сифатида қараладиган бўлсагина, у тўғри тушунилиши ва айнан бир хил тарзда изоҳлаб берилиши мумкин. Бу принцип психологлардан П. П. Блонский, Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, С. Л. Рубинштейн, Б. М. Теплов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топди.*

Психиканинг тараққиётини диалектик-материалистик нуқтаи назардан тушуниш психик тараққиёт одамнинг меҳнат фаолиятига, таълимга, ўйин фаолиятига боғлиқ эканлигини аниқлаб берди. Бунда *ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг юз бериши одам учун айнан хос бўлган психик тараққиётнинг шакли сифатида хизмат қилади. Л. С. Виготский, таълим психиканинг ривожланишини йўналтиради, деган фикрни айтиб, шу билан бирга бу жараёнда онгли фаолиятнинг янги, мутлақо бошқача*

шакллари яратилади, деб таъкидлайди. П. П. Блонский тафаккурнинг кичик мактаб ёшида ўйинлар билан, ўспиринлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланишини таҳлил қилди. С. Л. Рубинштейн онг фаолиятда пайдо бўлиб, ана шу фаолиятда шаклланади, деб ёзган эди. Б. М. Теплов одамнинг энг муҳим индивидуал-психологик фазилатларидан бўлган қобилиятни тадқиқ қиларкан, қобилият фақат ривожланишда мавжуд бўлади, деб таъкидлайди. Лекин ривожланиш фаолият жараёнидан бўлак бошқача муҳитда юз бермаганидек, «қобилият тегишли конкрет фаолиятдан ажралган ҳолда пайдо бўла олмайди»¹.

Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши Ҳозирги замон психологияси шаклланишининг турли bosқичларида бўлган ва амалиётнинг ҳар хил соҳалари билан боғлиқ илмий фанларнинг жуда ҳам кенг тармоқли системасини ташкил этади.

Психологиянинг кўп сонли тармоқларини қай тарзда таснифлаш мумкин? Тасниф имкониятларидан бири юқорида баён қилинган психиканинг фаолиятда ривожланиши принципида мужассамлашгандир. Ана шунга таянган ҳолда психология тармоқларини тасниф қилиш учун қуйидаги психологик жиҳатлар асос қилиб олиниши мумкин: 1) конкрет фаолият, 2) ривожланиш, 3) одамнинг (ривожланиш ва фаолият кўрсатувчи объект сифатида) жамиятга (кишининг фаолияти ва ривожланиши рўй берадиган муҳитга) нисбатан муносабатлари.

Агар тасниф учун биринчи асос қабул қилинадиган бўлса, у ҳолда психологиянинг киши фаолиятининг турларига тааллуқли психологик проблемаларни ўрганадиган қатор соҳаларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Меҳнат психологияси киши меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш (МИТ) нинг психологик жиҳатларини ўрганади. Кишининг касбкорлик хусусиятларини, меҳнат малакалари ривожланишининг қонуниятларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқаришдаги вазиятнинг, асбоб-ускуналар ва станокларнинг, сигнализация воситаларининг конструкциялари ва жойлаштирилиши ҳамда шу кабиларнинг меҳнат аҳлига таъсирини аниқлаш меҳнат психологиясининг вазифалари жумласига киради. Меҳнат психологияси қатор бўлимларга эга бўлиб, бу бўлимлар гарчи бир-бири билан ва психологиянинг бошқа соҳалари билан маҳкам боғланган бўлса ҳам, айни чоғда мустақил ҳисобланади. Жумладан, асосан автоматлаштирилган бошқарув системалари операторининг фаолиятини ўрганадиган, одам билан машина ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда шу каби бошқа проблемаларни ҳал этадиган *инженерлик психологияси*; кишининг учини ўрганиш ва учини жараёнидаги фаолиятининг

¹ Теплов Б. М. Проблемы индивидуальных различий. М., РСФСР ПФА нашриёти, 1961, 14-бет.

психологик қонуниятларини тадқиқ қиладиган *авиация психологияси*; вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмга жуда кўп ортиқча таъсиротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психик зўриқиши билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қиладиган *космик психология* ва шу кабилар.

Педагогик психология кишига таълим ва тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади. У ўқувчиларда тафаккурнинг шаклланишини тадқиқ қилади, ақлий фаолда усуллари ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёнини бошқариш масалаларини ўрганади, ўқитиш жараёнининг муваффақиятлилигига, педагог билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ва ўқувчилар коллективидаги муносабатларга таъсир қилувчи психологик омилларни, ўқувчилардаги индивидуал-психологик фарқларни, психик ривожланишида орқада қолувчи болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хос хусусиятларини, катта ёшдагиларни ўқитиш жараёнида улар билан ишлашнинг психологик хусусиятларини ва шу кабиларни аниқлайди. *Таълим психологияси* (дидактиканинг, хусусий методикаларнинг, программалаштирилган ўқитишнинг, ақлий ҳаракатларни шакллантиришнинг психологик асослари ва бошқалар), *тарбия психологияси* (коммунистик тарбиянинг психологик асослари, ўқувчилар коллективи психологияси, ахлоқ тузатиш-меҳнат педагогикасининг психологик асослари), *ўқитувчи психологияси*, *ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш психологияси* педагогик психологиянинг бўлимлари ёки тор соҳалари ҳисобланади.

Тиббиёт психологияси врач фаолиятининг ва бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади. У психик ҳодисалар билан миядаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган *нейтропсихологияга*, доривор моддаларнинг кишининг психик фаолиятига таъсирини ўрганадиган *психофармокологияга*, беморни даволаш учун психик таъсир воситаларини ўрганувчи ва қўлланувчи *психотерапияга*, одамларнинг психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чора-тадбирлари системасини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи *психопрофилактика* ва *психогигиенага* бўлинади.

Юридик психология ҳуқуқ системасининг амал қилиши билан боғлиқ психологик масалаларни ўрганади. У жиноий жараён иштирокчиларининг хулқ-атворининг психик хусусиятларини (гувоҳлик кўрсатмаларининг психологияси, айбланувчи хулқ-атворининг хусусиятлари, терговга қўйиладиган психологик талаблар ва шу кабиларни) тадқиқ қилувчи *суд психологиясига*; жиноятчининг хулқ-атвори, шахснинг шаклланишига доир психологик проблемалар, жиноятнинг мотивлари ва шу кабилар билан шуғулланувчи *криминал психологияга*; ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида қамалиб ётганларнинг психологиясини, ишонтириш ва мажбурлаш методлари билан тарбия-

лашнинг психологик проблемаларини ва шу каби масалаларни ўрганадиган *пенитенциар ёки ахлоқ тузатиш-меҳнат* психологиясига бўлинади.

Ҳарбий психология кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитидаги хулқ-атворини, бошлиқлар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик жиҳатларини, психологик пропаганда ва контр-пропаганда методларини, ҳарбий техникани бошқаришнинг психологик муаммоларини ва шу каби бошқа масалаларни тадқиқ қилади.

Спорт психологияси спортчилар шахси ва фаолиятининг психологик хусусиятларини, уларни психологик жиҳатдан тайёрлашнинг шарт-шароитлари ва воситаларини, спортчининг машқий чиниққанлиги ва сафарбарликка тайёрлигининг психологик мезонларини, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ психологик омилларни ўрганади.

Савдо психологияси асосан капиталистик мамлакатларда кенг ривожланган бўлиб, тижорат таъсирининг психологик шарт-шароитларини, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид ва бошқа хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси ва бошқа масалаларни тадқиқ қилади.

Кейинги вақтларда *илмий ижодиёт психологияси* масалаларини (ижодкор шахснинг хусусиятлари, ижодий фаолликни рағбатлантирувчи омиллар, илмий кашфиётлар қилишда ички сезги ҳиссининг роли ва бошқалар) ўрганиш бошланди. Илмий ижодиёт психологиясининг ўзига хос бўлимини *эвристика* ташкил этадики, унинг вазифаси фақат ижодий (эвристик) фаолиятнинг қонуниятларини тадқиқ қилишдан эмас, балки эвристик жараёнларни бошқариш методларини ишлаб чиқишдан ҳам иборатдир.

Ва, ниҳоят, *бадиий ижодиёт* (адабиёт ва санъат соҳасида) ва *эстетик идрок* (шубҳасиз аҳамиятга эга бўлган, лекин ҳали жуда суст ўрганилган соҳа) *психологияси* ҳам мавжуд.

Агар психологиянинг шохобчаларини тасниф қилишда *ривожланишнинг психологик жиҳатлари* асос қилиб олинадиган бўлса, у ҳолда биз унинг ривожланиш принципи амал қиладиган қатор соҳаларига дуч келамиз.

Ёш психологияси турли хилдаги психик жараёнларнинг онтогенезини ва ривожланаётган киши шахсининг психологик фазилатларини ўрганади. У *болалар психологиясига*, *ўсмирлар психологиясига*, *ёшлик психологиясига*, *катта ёшдаги одам психологиясига*, *геронтопсихологиясига* бўлинади. Ёш психологияси психик жараёнларнинг ёшга оид хусусиятларини, билимларни ўзлаштиришнинг ёшга боғлиқ имкониятларини, шахс камолотининг омиллари ва бошқа масалаларни тадқиқ қилади. Ёш психологияси ўрганадиган асосий масалалардан бири *ўқитиш ва ақлий жиҳатдан камол топтириш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги проблемаси* бўлиб, у психологлар томонидан кенг муҳокама қилиб келинаётир. Психологлар ақлий камолотнинг

ишончли мезонларини қидириб топиш ва ўқитиш жараёнида ақлий ривожланиш самарадорлигига эришиш имконини берадиган шарт-шароитларни аниқлаш билан банддирлар.

Аномал (ногўғри) тараққиёт психологияси ёки «*махсус психология*» ривожланиш жараёнида психиканинг айниши, миёдаги касалликнинг турли хилдаги кечиши жараёнида психиканинг тамомила издан чиқиши каби ҳолларни ўрганадиган *патопсихологияга*, психик ривожланишнинг миёдаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси туғрисидаги фан бўлган *олигофренопсихологияга*, қулоқ эшитишининг бутунлай кар бўлиб қолишга қадар жиддий камчиликлари бўлган болани вояга етказиш психологияси бўлмиш *сурдопсихологияга*, яши кўрмайдиганлар ва кўрлар ривожланиши психологияси — *тифлопсихологияга* бўлинади.

Қиёсий психология — психологиянинг психик ҳаётнинг филогенетик шаклларини тадқиқ қиладиган соҳасидир. Қиёсий психологияда ҳайвонлар ва одам психикаси қиёсланади, уларнинг характерлари, феъл-атворидаги мавжуд ўхшашлик ва фарқларнинг сабаблари аниқланади. *Зоопсихология* қиёсий психологиянинг бўлими бўлиб, у турли систематик гуруҳларга мансуб (турларга, туркумларга, оилаларга мансуб) ҳайвонлар психикасини, хатти-ҳаракатининг энг муҳим шакллари ва механизмларини ўрганади. Қиёсий психологиянинг классик объектлари (ўргимчак, чумоли, асалари, қушлар, итлар, отлар, маймунлар) сафига ҳозирги пайтда китсимонлар (дельфинлар) ҳам қўшилди. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатидаги туғма механизмлар биология ва психологиянинг нисбатан янги соҳаси — *этология*нинг махсус тадқиқот объекти ҳисобланади.

Агар психологиянинг шохобчаларини *шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатлари* нуқтаназаридан тасниф қилинадиган бўлса, у ҳолда психология фанининг *социал психология* тушунчаси замирида бирлашадиган соҳаларининг яна бир қатори ажралиб чиқади.

Социал психология одамларнинг турли хилдаги уюшган ва уюшмаган ижтимоий гуруҳлардаги ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида вужудга келадиган психик ҳодисаларни ўрганади. Ҳозирги пайтда социал психология структурасига қуйидаги учта соҳага оид проблемалар киради.

Катта группаларда (макромуҳитда)ги *социал-психологик ҳодисалар*. Уларга оммавий коммуникация (радио, телевидение, матбуот ва бошқалар) проблемалари, оммавий коммуникация воситаларининг одамларнинг турли хилдаги жамоаларига таъсир қилиш механизмлари ва самарадорлиги, моддаларнинг, миш-мишларнинг, умумий қабул қилинган дид, расм-русмлар, сохта фикрлар, ижтимоий кайфиятларнинг тарқалиш қонуниятлари, синфлар ва миллатлар психологияси проблемалари, дин психологияси киради.

Кичик деб аталмиш гуруҳлардиги (микромуҳитдаги) *социал-психологик ҳодисалар*. Буларга тор доирадаги гуруҳлардаги

психологик сиғишувчанлик, гуруҳлардаги шахслараро муносабат, гуруҳ вазияти, гуруҳда лидер ва етакчилар мавқеи, гуруҳ турлари (ассоциация, корпорация, жамоалар) проблемалари расмий ва норасмий гуруҳларнинг нисбати, кичик гуруҳларнинг миқдорий чегараланганлиги, гуруҳлар жипслиги даражаси ва сабаблари, гуруҳда кишиларнинг бир-бирини тушуна билиши, гуруҳдаги қадриятлар ва шу каби кўпгина масалалар киради. Агар, масалан, оилани кичик гуруҳ сифатида назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда муҳим муаммолар қаторига ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлар ривож, катта ёшдагиларнинг обрў-эътиборини сақлаш муаммоси ва бошқалар кiritилиши мумкин.

Киши шахсичиғ социал-психологик жиҳатдан ўзлигини намоён қилиши (шахснинг социал психологияси). Инсон шахси социал психологиянинг объекти ҳисобланади. Шу аснода катта ва кичик гуруҳларда шахснинг социал мақсадларга қанчалик мос келишини, ушбу гуруҳларнинг таъсирини қандай қабул қилишини, гуруҳларнинг қадриятли мўлжалларини қай тарзда ўзлаштиришини, шахснинг ўзига-ўзи берадиган баҳо шахснинг ўзи кирадиган гуруҳга нисбатан баҳосига қанчалик боғлиқлигини ва бошқа масалаларни тадқиқ қилади. Шахснинг социал психологияси муаммолари жумласига шахснинг бирор мақсад сари интилганлигини, унинг ўзига-ўзи берадиган баҳони, кайфияти ва ўзини ҳурмат қилишини, шахснинг барқарорлиги ва панд-насиҳатга кўнишини, жамоатчилик ва шахсиятпарастликка муносабатини ўрганиш билан, шахснинг дастурларини, уларнинг ўзгарувчанлиги суръатларини, шахснинг келажаги бор-йўқлигини ўрганиш билан боғлиқ масалалар киради.

Социал психологиянинг юқорида айтиб ўтилган учта соҳага оид муаммолари бир-бирига қарама-қарши ёки бири иккинчисидан кейин қўйилиши мумкин эмас. Улар шахс ва жамиятнинг бирлиги билан, шахснинг моҳиятини очиб берадиган муносабатлар мажмуаси билан белгиланадиган яхлит ҳолида тушунилади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, *табақаланиш* ҳозирги замон психологиясига хос жараён бўлиб, у психологиянинг соҳалари анчагина шохобчаларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бу шохобчаларнинг тадқиқот предмети— психиканинг фактлари, қонуниятлари ва механизмлари гарчи умумий бўлиб қолса ҳам, улар ҳар хил турдош фанлар (социология, техника, зоология, медицина ва бошқалар) га, табиийки, ўрталарида умумийликнинг кам бўлишига қарамай, яқинлашуви оқибатида психологиянинг бу шохобчалари кўпинча бир-биридан анча узоқлашган бўлади ва жиддий фарқ қилади. Психологиянинг *табақаланиши яхлит тарзда бирлашишдек* муқобил жараён билан тўлдирилади. Натижада, биринчидан, психологиянинг барча турдош фанлар (инженерлик психологияси орқали техника билан, педагогик психология орқали педагогика билан)

туташуви юз беради, иккинчидан, психология фанининг ўзида ҳам илгари ўзаро боғланмаган соҳаларни бирлаштирадиган ички имкониятлар борлиги аниқланмоқда. Жумладан, совет психологиясида шахс бевосита меҳнат фаолиятида эмас, балки меҳнат коллективи орқали шаклланади деган нуқтаи назарнинг қарор топаётганлигига асосан социал психологиянинг меҳнат психологияси билан яқинлашуви кутилаётир.

Умумий психология ҳақида тушунча Психологиянинг бошқа соҳалари орасида *умумий психология* деб аталадиган соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. У психология фанининг педагогик, юридик, тиббий, ҳарбий, қиёсий психология ва шу каби шохобчалари билан бир қаторга қўйилиши мумкин бўлган шохобчаси эмас. *Умумий психология* — бу психология томонидан аниқланадиган энг умумий қонуниятларни, бу фанда қўлланиладиган тадқиқот методларини, у амал қиладиган назарий принципларни, унда ишлатиладиган асосий илмий тушунчаларни таърифлаш учун қўлланиладиган махсус номдир. Психологиянинг юқорида айтиб ўтилган соҳаларида амалга оширилдиган конкрет тадқиқотлардан фикран мавжумлашган ҳолдагина бу принциплар, методлар, қонуниятлар ва тушунчаларни аниқлаш ва изоҳлаб бериш мумкин. Умумий психология баъзан *назарий ва экспериментал психология* деб ҳам аталади. Унинг вазифалари психологиянинг методологияси ва тарихини психик ҳодисаларнинг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва сақланиб қолишининг энг умумий қонуниятларини тадқиқ қилиш назарияси ва методларини ўрганишдан иборатдир. Умумий психология билиш ва амалий иш фаолиятини, сезгиларнинг, идрокнинг, хотиранинг, хаёлнинг, тафаккурнинг умумий қонуниятларини, психик жиҳатдан ўзини-ўзи идора қилишни, киши шахсининг дифференциал-психологик хусусиятларини, характер ва темпераментни, хулқ-атворнинг устунлик қилувчи мотивларини ва шу кабиларни ўрганади. *Умумий психология соҳаларидаги тадқиқотларнинг натижалари* — психология фани барча соҳалари ва бўлимларини ривожлантиришнинг асосий негизидир.

Мазкур китоб *умумий психология курси* ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, унда психологиянинг умумий назарий принциплари ва энг муҳим методлари ҳақида илмий тушунча берилади, психологиянинг асосий илмий тушунчалари баён қилинади. Уларни таҳлил қилишда муаллифлар психологиянинг энг муҳим қонуниятларини очиб беришга ҳаракат қилишди. Ўрганишда қулай бўлиши учун бу тушунчалар *психик жараёнлар, психик ҳолатлар, шахснинг психик хусусияти ёки фазилатларидан* иборат учта асосий категорияга бирлаштирилгандир.

Психик жараёнларга одатда *билиш жараёнларини*; сезги органларига бевосита таъсир қиладиган нарсаларнинг, яъни кўзғатувчиларнинг инъикос сифатидаги *сезгилар ва идрокни*, воқеликнинг янгиланиб турадиган акси сифатида *хотирани*, воқелик хусусиятларининг киши онгида умумлашган ва қайтадан

инъикос қилинган ҳамда бевосита билиш қийин бўлган *хаёл ва тафаккурни*; *иродавий жараёнлар* (эҳтиёжларнинг туғилиши, муайян тарзда ҳаракат қилиш мотивлари ёки истагининг пайдо бўлиши, бирдан-бир қарорга келиш ва ижро этиш) ни; *эмоционал ёки ҳиссий* (ҳис-туйғуларнинг ҳосил бўлиши, эҳтиёжнинг қондирилишига қараб уларнинг кучайиши ва бошқалар)ни кiritишади. Психик ҳолатларга ҳис-туйғулар (кайфият, қаттиқ ҳаяжонланиш ё жазава тутиши) нинг, диққат (диққатнинг бирор нарса устида тўпланиши, диққатнинг тарқоқлиги) нинг, ирода (ишонч, ишончсизлик)нинг, тафаккур (шубҳаланиш)нинг намоён булиши ва бошқалар киритилади. Шахснинг психик хусусиятлари ёки фазилатларига киши ақлининг ва тафаккурининг белгилари, унинг характерида, темпераментда, қобилиятларида барқарор бўлиб қолган иродавий хусусиятлар, муайян тарзда ҳаракат қилишдан иборат барқарор ва янгидан ҳосил бўлиб турадиган хоҳиш-истаклар, ҳис-туйғу хусусиятлари (қизиққонлик, сертакаллуфлик) ва шу қабилар киради.

Психиканинг барча кўринишларини юқоридаги тарзда уч категорияга ажратилиши шартли характерга эга. «Психик жараён» тушунчаси психология аниқлайдиган *фактнинг қонунийлигига, ўзгарувчанлигига* ишора қилади. «Психик ҳолат» тушунчаси психик *фактнинг статик моментини, нисбий барқарорлигини* билдиради. «Психик хусусият» ёки «психик фазилат» тушунчаси *психик фактнинг барқарорлигини, унинг шахс тузилишида ўрнашиб қолганлиги ва такрорланиб туришини* ифода этади. Битта психик фактнинг ўзи, масалан, қаттиқ ҳаяжонланиш ё жазава тутиши, яъни жуда қизғин ва қисқа муддатли ҳиссий тўлқинланиш ҳақли равишда ҳам психик жараён деб (негаки унда ҳис-туйғу ривожланишининг ўзгаришга бойлиги ифодаланган, бир-бирини изчил равишда алмаштириб турадиган босқичлар аниқланган), ҳам психик ҳолат деб (чунки у психик фаолиятнинг муайян бир вақт мобайнидаги таърифидан иборат), ҳам кишининг психик хусусиятлари намоён бўлиши деб (негаки, бу ўринда шахснинг қизиққонлик, аламзадалиги, ўзини тута билмаслиги каби хислатлари намоён бўлади) талқин этилиши мумкин.

Юқорида бутун ҳозирги замон психологиясининг тузилишини аниқлаб олиш учун тавсия қилинган *шахснинг ривожланиши унинг муносабатлари ва фаолияти жараёнида юз бериши принципи* умумий психологиянинг асосий масалаларини тадқиқ қилиш учун энг тўғри йўлни очиб беради. Умумий психологияни баён этишда айнан ана шу принцип асос қилиб олинishi керак. У *шахсни муносабат ва фаолият жараёнида тадқиқ қилиши* ва энг муҳим психик хатти-ҳаракатлар таҳлилини, шахснинг билиш, ҳиссийёт ва иродавий жиҳатларини ҳамда кишининг энг муҳим индивидуал-психологик ўзига хослиги (темпераменти, характери, қобилиятлари) билан тугалланувчи фаолиятини ўрганишни биринчи галдаги вазифа қилиб қўяди.

I. 2.4. Ҳозирги замон психологиясида тадқиқот методлари

Психологик тадқиқот методлари психология амал қиладиган асосий назарий принципларга ва психология ҳал этаётган конкрет вазифаларга боғлиқ эканлигини кўрсатиб беради.

Психологиянинг назарий негизини диалектик ва тарихий материализм ташкил этади, шунинг учун ҳам психологик тадқиқотга принципиал ёндашув *диалектик метод* талабларидан келиб чиқади. Диалектик метод предмети унинг барча алоқалари ва бевосита ифодалари орқали ўрганишни ва энг аввало ҳодиса ва қонуниятларнинг муҳим алоқалари ва муносабатларини аниқлашни, ўрганилаётган нарсани ривожланиш жараёнида деб қарашни, зиддиятларнинг, бирликнинг ва қарама-қаршиликлар курашининг, миқдорнинг сифатга ўзгаришининг очиб берилишини тақозо қилади. Психология методларига тарихий жиҳатдан ёндашмоқ даркор. Шу жиҳатдан психология методлари унинг предмети каби тарихан анчагина ўзгаришларга дуч келди. Психологик тадқиқотлар предметининг алоҳида хусусиятга эгаллиги унинг алоҳида тадқиқот методларига эга бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмасдан қўймасди.

Илмий психологик методларнинг объектив характери

Идеалистик психология ягона бир методни тавсия эта олган ва у шу метод ёрдамида киши «руҳи»га кириб боришга уринган. Ўз-ўзини кузатиш (ёки интроспекция, яъни ичкаридан қўриш) ана шундай метод эди.

Руҳий ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг амалда ягона методи сифатида ўз-ўзини кузатишнинг танланганлиги «руҳ» (психика, онг) нинг ташқи олам билан боғланмаган ва шунинг учун ҳам ичкаридан туриб қўришдан бўлак бошқа биронта ҳам усул билан ўрганиб бўлмайдиган алоҳида бир тор ички олам, алоҳида бир руҳий субстанция (бирламчи асос) эканлиги ҳақидаги тасаввурлар билан изоҳланади. Бунда субъектив метод сифатидаги ўз-ўзини кузатиш методи бошқа ижтимоий ва табиий фанлар қўлланиб келяётган методларга қарши қўйилади. Идеалист психологлар психик ҳодисаларни киши фақат ўзининг кузатиши орқалигина билиши мумкин, деб даъво қилишарди.

Шу аснода ўз-ўзини кузатиш психологиянинг ягона методи сифатида тан олинishi гўё фаолияти табиат қонунларига бўйсунмайдиган алоҳида номоддий руҳнинг психология ўрганадиган предмет сифатида тан олинishi хом хаёлдир. Фақат ўз-ўзини кузатиш йўли билан олинган маълумотлар, ҳатто бундай кузатиш махсус тайёрланган психологларга топширилган тақдирда ҳам, илмий аниқликдан маҳрумдир. Катта ёшдаги маълумотли кишининг ўз-ўзини кузатиш маълумотларига асосланиб, кичик ёшдаги боланинг ёки ҳайвоннинг психикаси ҳақида мулоҳаза юритишга уринишлари эса илмийликдан яна ҳам узоқроқдир. Билъакс энг изчил интроспективист психологлар

томонидан шундай уринишлар ҳам қилинган эди. Жумладан, америкалик олим *Титченер* ёзган эдики, психолог «қанчалик имконият туғилиши билан ўзини ҳайвоннинг ўрнига қўйиб, ўзининг хусусий ифодали ҳаракатлари умуман ўшанақа тоифада юз бериши мумкин бўлган шароитни топишга интилади ва, сўнгра у ўзининг инсоний онги хусусиятларига қараб ҳайвон онгини тиклашга ҳаракат қилади».

Интроекция методининг хом ҳаёллигини тасдиқлаш имконияти нималар бериши мумкин? Психикани диалектик-материалистик нуқтаи назардан талқин қилиш шундан далolat берадики, у психологияда бошқа табиий ва ижтимоий фанларда қўлланиладиган тадқиқот усулларидан принципиал равишда фарқ қилмайдиган объектив методларга йўл очиб берган ҳолда тадқиқотнинг субъектив методларига сира ўрин қолдирмайди.

Илмий психологияда қабул қилинган онг билан фаолиятнинг бирлиги принципи психологик тадқиқотда объектив методнинг негизини ташкил этади.

Психологияда психиканинг психик ҳодисалар ҳосил бўлишининг объектив шарт-шароитларини ва уларнинг объектив тарзда кўринишини тадқиқ қилиш объектив методга биноан амалга оширилади. Шундай қилиб, тадқиқотнинг объектив принципи психик ҳодисаларни аллақандай ички кўзлар билан бевосита кўриш методи бўлмай, балки уларни бевосита билиш (яъни уларнинг фаолиятда объектив тарзда кўринишларини таҳлил қилиш орқали тадқиқ этиш) йўлидир. Кишининг аниқ ҳисобга олинмаган шароитларда кечадиган фаолиятини ўргана эканмиз, биз психик жараёнлар ҳақида хулоса чиқариш имкониятига эга бўламиз. Бунда хусусий психик жараёнларнинг объектив тарзда ўрганилиши ҳам принципиал жиҳатдан худди бошқа кишининг психик жараёнларига (ёдлаб олиш жараёни қандай кечгани ҳақида гап хусусий хотира ёки бошқа бировнинг хотираси хусусида бораётганлигидан қатъи назар, биз эслаш натижаларига қараб хулоса чиқарамиз) баҳо берилмагани каби бевосита йўл билан амалга оширилади.

Индивидуал психологик хусусиятлар (характернинг хусусиятлари, ақл сифатлари ва шу кабилар) ҳақидаги билимларга интроекция йўли билан эришаётганлигимиз ҳақидаги тасаввурлар ҳам худди шу хилдаги хом ҳаёлликдан бошқа нарса эмас.

Қўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон шахсининг тўғри характеристикасини кишининг ўзи эмас, балки унинг атрофидаги ёки уни анча вақтдан буён билмайдиган одамлар беради. Бу фикрни, жумладан, ўсмирлик ёшидаги болаларни ўрганишдан олинган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бундан шундай хулоса чиқадики, ўсмир олдин ўз ўртоқлари ва яқин кишиларининг индивидуал-психологик хусусиятларини объектив баҳолашга ўрганади, сўнгра эса эмпирик тарзда эгаллаб олинган психологик билимлар тажрибасини иложи борича ўзига сингдириб, ўз фазилатлари ва хислатларини анчагина тўғри баҳолай бошлайди.

Шундай қилиб, қатор фактлар психологиянинг ўз билимлари фондини ўз-ўзини кузатиш ёрдамида эмас, балки объектив методлар ёрдамида бойтаётганлигини тасдиқлаб турибди.

Интроспекция имкониятларининг пуч хаёл эканлиги психик инъикос фаолиятининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятини тушунишдан ҳам келиб чиқади. Одам интроспектив равишда «ўзига назар ташлаш» га, ўзидаги психик жараёнларни, уларнинг алоқаларини, боғлиқлигини, механизмларини кўришга уринаркан, психик хусусиятлари билан миyanинг ўзини эмас, барибир, «ташқарини», миyада акс этган объектив оламни кўради. Шунинг учун интроспекция ҳам идеалист психологлар тилга олишган руҳ каби хом хаёлга айланиб қолади.

Психикани *тадқиқ қилишнинг махсус бевосита методи* сифатида ўз-ўзини кузатишни инкор этиш умуман ўз-ўзини кузатишни батамом инкор этишга олиб келмайди. Одам нимани кўраётгани, эшитаётгани, ҳис қилаётгани, бошдан кечираётгани, истаётгани ва шу кабилар ҳақида *оғзаки ҳисобот бера олади*. Бу шаклдаги кузатиш тамомила ўринлидир. Бу хилдаги оғзаки ҳисобот киши психик ҳолатининг ҳар қандай ташқи объектив ифодаси ва кўриниши сифатида қайд қилинади. Лекин шунини таъкидлаш жоизки, бундай ҳолда биз *тадқиқот методига эмас, балки объектига дуч келамиз*. Шунингдек *ўз-ўзини кузатиш йўли билан ўз қилиқларимизни ва хатти-ҳаракатларимизни кузатиш*, яъни принцип жиҳатидан уларни бундай қилиқларни ўрганувчи бошқа одамлар ихтиёридаги каби воситалар ёрдамида *тадқиқ* ва таҳлил қилиш имконияти ҳам мавжуддир. Бироқ бу хилдаги ўз-ўзини кузатиш *тадқиқотнинг бевосита эмас, балки бевосита методи бўлганлиги* важидан уни интроспекция билан айнан бир хил деб бўлмайди. У субъектив талқинларга йўл қўйилиши эҳтимоли борлиги сабабли оддий кузатишга нисбатан фақат ишончлилиги даражасининг камлиги билан ажралиб туради. Ва ниҳоят, интроспекцияни ўз навбатида бавоситалик характериға эға бўлган ва оғзаки ҳисобот, хусусий қилиқларни ва шу хусусдаги хулосаларнинг таҳлили маълумотларини ўрганишдан, хусусий фикрни бошқа одамларнинг фикрлари билан солиштириб кўришдан ва шу кабилардан иборат *рефлексия* (ўзининг психикасига хос хусусий ҳолат ва хислатлар ҳақида мулоҳаза юритиш ва ташвишланиш) билан аралаштириб юбормаслик керак.

Психологияда *тадқиқотнинг субъектив ва объектив методлари бир-бирини инкор этишади*. Ҳақиқий илмий психология психикани ўрганишнинг объектив методларидан фойдаланиш ва фанда бундан бошқа методларнинг бўлиши мумкин эмаслигини тушуниш негизига қурилиши керак.

Ҳозирги замон психологиясининг илмий *тадқиқотга нисбатан яна бир муҳим талаби психик фактларни генетик (тарихий) жиҳатдан ўрганиш принципиға* амал қилишни тақозо этади. Генетик принципнинг моҳияти шундан иборатки, *ўрганилаётган психик ҳодисаға жараён деб*

қаралади ва тадқиқотчи унинг диалектик ривожланишининг барча моментларини тиклашга, улар бир-бирларини қай йўсинда алмаштиришларини кўриш ва тушуниб етишга ҳаракат қилади, ўрганилаётган психик фактни унинг конкрет тарихи жиҳатидан тасаввур этишга уринади.

Психологияда генетик принципдан фойдаланиш зарурати П. П. Блонский, Л. С. Виготский, С. Л. Рубинштейн, А. Н. Леонтьевларнинг асарлари туфайли келиб чиқди. Л. С. Виготский таъкидлаганидек, бу принципнинг ички моҳиятини киши психикаси ҳодисаларининг «ҳодисаларни тадқиқ қилишга ривожланиш категориясининг қўлланилиши» сифатидаги тарихий тушунча ташкил этади.

Л. С. Виготский асарларида психологик тадқиқотда генетик принципти қўлланиш намуналари келтирилади. Унинг «боланинг эгоцентрик нутқи» деб аталмиш ва кичик ёшдаги болалар нутқининг муомала мақсадларига хизмат қилмайдиган, бола хулқ-атворида ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган, балки фақат унинг фаолияти ва ташвишларига жўр бўлган тарзда кузатиб борадиган алоҳида бир турини ўрганиши айнан ана шундай характерда бўлди. Эгоцентрик нутқ — бу кичик ёшдаги болани ўзигагина қаратилган нутқидир. Йилдан-йилга ривожлана бorgan сари бу нутқ атрофдагиларга тобора тушунилмайдиган бўлиб, мактаб ёши бошланишига қадар болаларнинг нутқий ўзгаришларидаги улуши («эгоцентрик нутқ коэффициенти») нулга қадар тушиб қолади. Баъзи бир психологлар (жумладан, швейцариялик таниқли психолог Ж. Пиаже) эгоцентрик нутқ мактаб ёшига етиш арафасида ўзидан-ўзи ўлиб, йўқолиб кетади, деб ҳисоблашарди. Л. С. Виготский бу масалага бошқача ёндашди. У генетик принципти қўлланиб, эгоцентрик нутқнинг йўқолиши эмас, балки ички планга кўчиб, кишининг хулқ-атворини идора қилишда муҳим роль ўйнайдиган *ички нутққа* айланиши ҳақидаги фаразни илгари сурди. Шундай қилиб ички нутқнинг энг муҳим хусусиятлари (уларни экспериментлар ёрдамида ўрганиш жуда ҳам қийин) генетик йўл билан, эгоцентрик нутқнинг ривожланиши ва ўзгаришларини таҳлил этиш орқали тушунилиши мумкин.

Тадқиқотларни амалга оширишнинг генетик принципи кейинги йилларда болалар психологиясида *бола шахсини бўйлама кесими бўйича ўрганиш методи (лонгитюд методи)* деб аталмиш метод сифатида анча кенг қўлланилмоқда. Бу метод ёрдамида психик ривожланиш пайтларга бўлиш йўли билан (яъни ривожланишнинг алоҳида ёш босқичларини таърифлаш ва уларни ўзаро бир-бирига таққослаш) эмас, балки бола шахсини унга таълим беришнинг махсус ташкил этилган шароитларида қатор йиллар мобайнида узоқ вақт ўрганиш натижасида аниқланади.

Психологиянинг
асосий метод-
лари

Барча табиий ва ижтимоий фанлар сингари психология ҳам бундан кейинги таҳлилни тақозо қилувчи фактларни тўплашнинг иккита методига — ўз навбатида қатор шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг моҳиятини ўзгартирмайдиган *кузатув* ва *эксперимент ўтказиш методларига* эгадир. Психологияда илмий билишнинг ушбу воситалари мавжудлиги (гарчи бу ҳар қандай фанда, умуман олганда, тамомила ва ўз-ўзидан тушунарли деб ҳисобланса ҳам) ни алоҳида таъкидлаш зарурати шундан келиб чиқадики, идеалистик психология юқорида баён этилган сабабларга кўра, кузатувни ўз-ўзини кузатиш (интроспекция) билан чеклаб, психологик тадқиқотда, айниқса олий даражадаги психик жараёнларни ўрганишда, экспериментнинг бирон-бир жиддий роль ўйнашини инкор этиб келди.

Кузатув агар у *ташқи ҳодисаларни тасвирлаш билан чекланибгина қолмасдан*, балки ушбу ҳодисаларнинг психологик табиатини *изоҳлаб бериш* даражасига кўтарилса, психик тадқиқот методи бўла олади. Кузатувнинг моҳияти психологик фактларни фақат ҳисобга олишдан эмас, балки бу психологик фактларнинг сабабларини илмий нуқтаи назардан *изоҳлаб беришдан* иборатдир. Фактларни ҳисобга олиш билан *турмушдаги оддий кузатувлар* деб аталмиш кузатишлар чоғида шуғулланиладики, киши у ёки бу ишлар, хатти-ҳаракатларнинг сабабларини тусмол билан *изоҳлайди*. Турмушдаги кузатувлар илмий кузатувлардан аввало ўзининг тасодифийлиги, уюлмаганлиги ва режасизлиги билан фарқ қилади. Унда психик фактнинг ҳосил бўлиши ва унинг кечишига таъсир қиладиган барча муҳим шарт-шароитлар камдан-кам ҳисобга олинади. Бироқ турмушдаги кузатувлар сон-саноксиз равишда ўтказилиб туриши ва мезон сифатида ихтиёрида кундалик тажрибанинг мавжудлиги вазидан оқибат натижада баъзан психологик донишмандликнинг рационал маъзини ҳадея этади. Турмушдаги сон-саноксиз психологик кузатувларнинг натижалари мақол ва маталларда мужассамлашган ва ўрганиш учун муайян қизиқниш туғдиради.

Илмий психологик кузатув турмушдаги кузатувдан фарқли ўлароқ, хулқ-атвор ва фаолиятнинг кузатилаётган фактини *тасвирлашдан* унинг ички психологик моҳиятини *тушунтириб беришига* муқаррар ўтилишини тақозо этади. Кузатув жараёнида ҳосил бўладиган *гипотеза* ана шу ўтишнинг шакли ҳисобланади. Уни текшириш ёки рад этиш эса кейинги кузатувларда ҳал бўлади. Психологик кузатувларнинг жиддий муҳим талаблари аниқ *планнинг* бўлиши ва шунингдек олинган натижаларнинг *махсус кундаликда* қайд этилишидан иборат.

Фаолият маҳсулини психологик жиҳатдан таҳлил этиш кузатув турларидан ҳисобланади. Бу ҳолда фаолиятнинг бамисоли ўзи эмас, балки унинг маҳсули ўрганилаётгандай бўлади, лекин амалда ҳаракат натижасида юзга чиқадиغان психик жараёнлар ўрганиш объекти ҳисобланади. Жумладан, болалар

психологиясида болалар чизган расмларни ўрганиш катта роль ўйнайди. Шахсни турли хилдаги фаолият жараёнида кузатувда ҳосил бўлган *эркин характеристикаларни умумлаштириш* методи ҳам шулар жумласига киради.

Янги психологик фактларга эга бўлишнинг ва объектив тарзда илмий билишнинг асосий воситаси — *эксперимент методидир*. Фақат кейинги юз йил мобайнида психологиядаги мактабга эга бўлган бу метод ҳозирги пайтда психологик билимларнинг бош таъминотчиси ва кўпгина назариялар учун негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Кузатишдан фарқли ўлароқ, психологик эксперимент тадқиқотчининг синалаётган фаолиятга фаол аралашуви мумкинлигини назарда тутди. Жумладан, тадқиқотчи психологик факт аниқ намоён бўлишига, унинг экспериментчи хоҳлаган йўналиш бўйича ўзгартирилишига, ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш учун бир неча мартабала такрорланишига имкон берадиган шарт-шароитни яратади.

Эксперимент методидининг иккита асосий тури фарқланади: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент.

Лаборатория экспериментининг характерли белгиси фақат унинг лаборатория шароитларида махсус психологик асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказишларида ва синалувчининг хатти-ҳаракатлари йўл-йўриққа биноан содир бўлиши билангина эмас, балки синалаётганлигини биладиган синалувчи (гарчи, одатда, синалаётган киши экспериментнинг моҳияти нимадан иборатлигини, конкрет нимани ва нима мақсадда тадқиқ қилишаётганини билмас ҳам) кишининг муносабати билан ҳам белгиланади. Лаборатория эксперименти ёрдамида диққатнинг хоссаларини, идрок, хотира ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда лаборатория экспериментини кўпинча шундай тарзда ўтказишадикки, унда одам одатдаги шароитларда бажариши мумкин бўлган фаолиятнинг баъзи психологик жиҳатлари моделлаштирилиб қўйилади. Жумладан, экспериментда анчагина ҳиссий зўриқиш вазияти моделлаштирилиб, унинг жараёнида синалувчи, масалан, касби-кори учувчи бўлган киши англанилган ечимлар қабул қилиши, юсак даражадаги уйғунликни тақозо этадиган мураккаб ҳаракатлар қилиши, приборлардаги кўрсаткичларга муносабат билдириши ва ҳоказолар белгилаб қўйилган бўлиши мумкин.

Табиий эксперимент (биринчи марта 1910 йилда *А. Ф. Лазурский* таклиф этган) мўлжалланганига кўра, эксперимент ўтказилаётганини биладиган синалувчида ҳосил бўладиган зўриқишга йўл қўймаслиги ва тадқиқотни одатдаги, табиий шароитларга (дарс, суҳбат, ўйин, уй вазифаларини бажариш ва бошқалар) кўчириши лозим.

Материални ёдлашнинг самарадорлиги уни узоқ вақт хотирада сақлаб қолиш тўғрисидаги кўрсатмага боғлиқлигини тадқиқ қилиш табиий эксперимент-

га мисол бўла олади. Ўқувчилардан бир гуруҳи ўрганилиши лозим бўлган материал билан таништирилади ва бунинг устига ўқитувчи ушбу материал юзасидан эртасига сўраллини айтади. Бошқа бир гуруҳда эса ўқув материали худди шундай тарзда ўтирилиб бўлгач, ўқувчиларга ўтилган дарс бир haftaдан сўнг сўраллини айтилади. Ҳақиқатда эса ҳар иккала гуруҳда ҳам ўқувчилардан икки haftaдан кейин сўралган. Ана шу табиий эксперимент жараёнида материални узок вақт хотирада сақлаб қолишга мўлжалланган йўл-йўриқнинг афзалликлари аниқланди.

Психологик-педагогик тадқиқот вазифаларини бажарадиган табиий эксперимент *психолого-педагогик эксперимент* деб аталади. Ҳар хил ёш босқичларида ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ўрганишда, ўқувчи шахсини шакллантиришнинг конкрет йўлларини аниқлашда унинг роли бениҳоя каттадир.

Ҳозирги пайтда лаборатория эксперименти билан табиий экспериментнинг бир-биридан фарқи жуда ҳам шартли бўлиб, улар мутлақлаштирмаслиги керак.

**Психологик
тестлар** Ҳозирга қадар биз тадқиқий методлар ҳақида сўз юритдик. Бу методлар ёрдамида олим илмий билиш учун муҳим *фактларни* аниқлаши, у ёки бу *қонуниятларнинг* мавжудлигини кашф этиши, психик ҳодисаларнинг сирли *механизмини* топиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ушбу методлар воситасида амалга ошириладиган тадқиқотлар предмети психология фанининг предметига мос келади.

Психологик методлар фақат тадқиқот мақсадлари учун эмас, балки *синов мақсадлари* учун ҳам қўлланилиши мумкин. Кейинги маънода вазифа илмий билимларнинг янада чуқурлаштирилиши учун зарур бўлган бирон-бир янги маълумотларни олишдан эмас, балки синалувчининг психологик белгилари илгари аниқланган психологик нормалар ва стандартларга қанчалик мувофиқ келишини аниқлашдан иборат бўлади. Психологик шахснинг муайян психологик фазилатларини аниқлаш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қиладиган бундай методлар *тестлар* бўлиб ҳисобланади.

Тест — бу қисқа муддатли топшириқ бўлиб, унинг бажарилиши баъзан бир психик функциялар мукамаллигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тестлар ёрдамида айрим қобилиятларнинг, кўникмаларнинг, малакаларнинг бор ё йўқлигини аниқлашга, у ёки бу касб соҳасида ишлаш учун лаёқатлилик даражасини ва ҳоказоларни билишга ҳаракат қилинади. Психологик тестлар, жумладан, космонавтнинг космик парвозга психологик жиҳатдан тайёрлиги даражасини аниқлаш лозим бўлиб қолганида, синалувчилар ўқишнинг алоҳида усуллари қўлланилган экспериментал группаларда билимларни қандай ўзлаштирганликларини билиш зарурати туғилган пайтларда, шунингдек бошқа кўпгина ҳолларда қўлланилади. Тестнинг диагностик қиммати илмий экспериментнинг даражасига ва тест учун асос қилиб олинган психологик факт-

нинг ҳақиқийлигига, яъни манзур тест қай тарзда тузилганига — унинг олдиндан ўтказилган жуда катта экспериментал ишнинг натижаси ҳисобланадими, ёки тахминий, тасодифий ва юзаки кузатувлар натижасими эканлигига қўп жиҳатдан боғлиқдир. Етарли даражада асосланмаган ва текширилмаган психологик тестлар педагогика ишида, касб танлаш соҳасида, психик ривожланишдаги нуқсонлар ва вақтинчалик кечкишларни аниқлашда анчагина зиён келтириши мумкин бўлган жиддий хатоларга сабаб бўлиши мумкин.

**Психологик
тадқиқотлар-
нинг конкрет
методикалари**

«Психологик тадқиқот методи» тушунчаси кон-
крет илмий психологик проблемани ҳал этиш-
нинг махсус методикаси маъносида ҳам ишла-
тилиши мумкин. Ана шу конкрет методикаларда,
ўз-ўзидан равшанки, методологик принциплар амалга ошири-
лади ва фақат мазкур проблема учун эмас, балки билишнинг
бошқа қўлаб проблемалари учун ҳам умумий бўлган усулла-
ри юзага чиқади. Лекин конкрет методикаларнинг ўзига хос-
лиги энг аввало улар воситасида ҳал этилаётган илмий вазн-
фанинг қандай характерида бўлиши билан белгиланади. Ҳо-
зирги замон психологиясида қўлланилиб келаётган конкрет
психологик методикалар ҳаддан ташқари қўпдир. Уларнинг
шакллари ҳам жуда турли-туман бўлиб, психологиянинг ва
проблеманинг муайян тадқиқот усулини, яъни конкрет методи-
касини талаб қилган соҳасининг ўзига хос хусусиятлари бил-
лан белгиланади.

Шу билан бирга конкрет психологик методикаларнинг қўп-
чилиги учун хос бўлган баъзи умумий белгиларни ҳам алоҳи-
да ажратиб кўрсатиш мумкин. Буни нормал ривожланган ва
ақлий жиҳатдан заиф болаларда (олигофренларда) диққатнинг
барқарорлигидаги ёшга тааллуқли тафовутларни ўрганиш вазн-
фаси қўйилган тадқиқот мисолида кўриб чиқамиз.

Тадқиқот одатдагидек тўрт босқичга ажратилади.

Биринчи босқич — тайёргарлик босқичи. Бунда ҳар хил
воситалар ёрдамида материал ўрганилади, дастлабки маълумотлар
тўпланади (ўқув машғулотлари ва меҳнат фаолияти
чоғида, турмушда, атайлаб уюштирилган суҳбатлар жараёни-
да *кузатувдан* фойдаланилади, баъзан махсус танланган са-
воллар ёзилган *анкеталар* қўлланилади, биографик маълумот-
лар аниқланади, *анамнез* тўпланади, яъни тадқиқ қилинаётган
фактнинг ҳосил бўлишига қадар мавжуд шарт-шароитлар таъ-
рифланади ва ҳоказолар).

Биз кўриб чиқаётган тадқиқот давомида нормал ривожланган ва мия-
нинг ишида туғма камчиликлари бўлган ҳамда ёрдамчи мактабларда ўқиб-
ган болаларда диққатнинг барқарорлиги (яъни топширилган ҳаракатни деяр-
ли хатосиз ва алаҳсимасдан бажариши) кузатилади. Бу кузатишлар турли хил
вазиятларда ўтказилиб, қўшимча маълумотлар йиғиш билан қўшиб олиб
борилади. Тадқиқотчи, одатда тайёргарлик босқичи давомида материални
тушуна бошлайди, сигналувчи билан тегишли алоқа ўрнатади, энг муҳими
эса эксперимент ўтказувчида кейинги ўрганиш жараёнида текишириб кўрили-
ши ва тасдиқдан ўтиши лозим бўлган психологик фактларнинг моҳияти ҳақида

гипотеза пайдо бўла бошлайди. Мазкур тадқиқотда нормал ривожланган болалар ва ақлий жиҳатдан заиф болаларда диққатнинг барқарорлиги миқдор жиҳатдан кўра кўпроқ сифат жиҳатдан фарқ қилиши тўғрисидаги тахмин ана шундай гипотеза ҳисобланади.

Иккинчи босқич — хусусан экспериментал босқич бўлиб, тадқиқотнинг конкрет методикаси амал қилади ва ўз навбатида бу босқич бирин-кетин қўлланиладиган қатор бўғинларга — *эксперимент серияларига* бўлинади.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлаётган тадқиқотда *корректур* намунаси аталмиш усул ана шундай методика ўрнида ишлатилди. Бунда синалувчилар босма-хонада турли ҳарфлар қалаштириб босилган саҳифада сатрларни бирин-кетин кўздан кечиради ва «с» ҳамда «в» ҳарфларини ўчириб чиқади. Экспериментда ҳар минут сайин сигнал берилиб турар ва синалувчи шу пайтда уқиётган сатридаги қайси ҳарфга кўзи тушган бўлса, ўшанинг устига ўзи белги қўйиб борар эди. Шу тарзда ҳар бир минут мобайнида кўздан кечирилладиган сатрлар ва ҳарфлар миқдорини, шунингдек йўл қўйилган хатоларнинг сонини аниқ қайд этиш мумкин эди. Биринчи серия ана шундан иборат бўлиб, олигофренлар гарчи нормал ривожланаётган болаларга қараганда кўздан кечирилган сатрлар миқдори жиҳатидан орқада қолиб, кўпроқ хатога йўл қўйишса ҳам, бироқ бу тафовутлар жуда ҳам муҳим ҳисобланмайдн. Иккинчи серия шундан иборатки, ўша кўрсатма («с» ва «в» ҳарфларини ўчириш) сақлангани ҳолда барча синалувчиларга маъноли текст — кичик ҳикоя тавсия қилинди. Бунда шу нарса аниқландики, нормал ривожланган болалар (бе-шинчи синф ўқувчилари) олигофренларга қараганда кўпроқ хатога йўл қўйишар экан. Ҳайритабий бўлиб туюладиган бу факт шундай изоҳланади: нормал ривожланган болалар текстини ўқимасдан ўтиб кетишса олмади ва шу билан алаҳсиб, хатога йўл қўйишди, олигофренларда эса бундай «ҳавас» уйғонмаган эди. Иккинчи сериядан сўнг эса учинчиси, тўртинчиси, бешинчиси ўтказилди ва натижада янги маълумотлар олинди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи — *тадқиқот маълумотларини сифат жиҳатидан қайта ишлашдир*. У психологиянинг математик аппаратини — дастлаб илгари сурилган гипотезанинг тасдиғи тарзида олинган хулосаларнинг ҳаққонийлиги ҳақида ҳукм чиқариш имконини берадиган турли хилдаги статистик усулларни ва эҳтимоллик назариясининг асосий қоидаларини қўлланишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг тўртинчи босқичи — *олинган маълумотларни изоҳлаб бериш*, уларни психологик назария асосида талқин қилиш, гипотезанинг тўғри ёки нотўғрилигини узил-кесил аниқлашдан иборатдир.

Шундай қилиб, корректур намунаси деб аталган мазкур конкрет методиканинг қўлланилиши объектив психологик тадқиқотнинг кўпгина характерли белгиларини ўз ичига олади. Бундай тадқиқотнинг принципиал жиҳатдан методологик асосланганлиги ҳақида юқорида сўз юритилган эди. Кузатув, фаолият маҳсулини таҳлил этиш, суҳбатлар ўтказиш, анамнестик маълумотларни аниқлаш, эксперимент ўтказиш ва унинг натижаларини математик йўл билан қайта ишлаш, хулосалар чиқариш ва уларни изоҳлаб бериш — буларнинг ҳаммаси тадқиқот ишининг таркибига сингиб кетади ва унда ўз ифодасини топади.

Психологик проблемаларнинг илмий жиҳатдан ҳал этилиши зарурат туғилганда тегишли конкрет психологик методикани қўллана билишни талаб қилади (ана шундай бир қатор методикалар умумий психология курсининг асосий бўлимларини баён қилиш жараёнида кўриб чиқилади). Психологик тадқиқотнинг объектив методларидан кенг фойдаланилиши, турли хилдаги конкрет методикаларнинг қўлланилиши ҳозирги замон психологиясида тадқиқотларнинг юксак даражада олиб борилишини таъминлайди.

Адабиётлар

Петровский А. В. Вопросы истории и теории психологии. Избранные труды. М., Педагогика, 1984.

Психологическая диагностика. Проблемы и исследования. К. М. Гуревич таҳрири остида. М., Педагогика, 1981.

Рубинштейн С. Л. Проблемы общей психологии. М., Педагогика, 1973.

Смирнов А. А. Развитие и современное состояние психологической науки в СССР. М., Педагогика, 1975.

Ярошевский М. Г. Психология в XX столетии. Теоретические проблемы развития психологической науки. 2-нашри. М., Политиздат, 1974.

Ярошевский М. Г. Анцыферова Л. И. Развитие и современное состояние зарубежной психологии. М., Педагогика, 1974.

Анастаси А. Психологическое тестирование. М., Педагогика, 1982

3-БОБ

ПСИХИКА ВА ОНГНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

I. 3.1. Психиканинг филогенезда ривожланиши

Психика материя эволюциясининг маҳсулидир

Киши психикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб, табиат қонунларининг моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қиладиган тадқиқотчиларни бу муаммо ҳамма вақт қизиқтириб келган. Материалистик йўналишдаги олимлар психиканинг пайдо бўлишини материянинг узоқ давом этган ривожланишининг натижаси деб изоҳлашади. Улар материянинг табиатини тадқиқ қилишаркан, *ҳаракат материянинг ҳаёт кечириш усули, унинг таркибан ўзига хос ажралмас хусусияти* эканлиги учун ҳам материя ҳаракатининг турли хил шаклларини ўрганадилар. Ҳаракатсиз, ҳамиша мутлақо ҳаракатсизликдаги материя умуман бўлмайди. Оламдаги бутун материя жами ноорганик ва органик табиат ҳаракатланиш, ўзгариш ва ривожланиш ҳолатида бўлади.

Жонсиз, ноорганик материядан тортиб то энг олий ва мураккаб материя ҳисобланмиш киши миясига қадар барча материялар моддий оламнинг ялпи хусусияти — *инъикос этиш хусусиятига*, яъни таъсиротларга жавоб қайтариш қобилиятига эгадир. Инъикос материянинг мавжуд бўлиш шаклларига боғлиқ бўлади: инъикос ташқи таъсиротларга материянинг таъсир қилиш характери ва мавжуд бўлиш тарзига мувофиқ жавоб қайтаришга қодирлиги билан намоён бўлади.

Жонсиз табиатда ҳаракат жисм ва моддаларнинг механик, физикавий ёки кимёвий таъсири тарзида юз бериши мумкин. Ноорганик табиатдаги ҳаракатнинг оддий мисолларига эътибор қилинг: денгиздаги қоя сувнинг таъсирига муайян қаршилик кўрсатади — тўлқинлар қояга урилиб қайтади, лекин қоянинг ўзи ҳам секин-аста емирила бошлайди; қуёш нури сув юзасига келиб урилгач, синиб қайтади; электр разрядлари натижасида озон молекулалари ҳосил бўлади. Жонли материяга ўтишда унинг ҳаракати тарзи ҳам сифат жиҳатидан ўзгаради. Жонли материяга *инъикоснинг биологик шакллари хос* бўлиб, жонли материянинг маълум бир босқичида эса *инъикоснинг янги шакли сифатидаги психика* пайдо бўлади.

Материя ҳаракатининг биологик шакли — ҳаёт — табиат ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Улик материядан тирик материяга ўтишни изоҳлайдиган қатор гипотезалар мавжуддир. Улардан бири *А. И. Опаринга* тегишли бўлиб, унга кўра органик моддалар — атомлари турли шаклларда азотнинг, кислороднинг, водороднинг, фосфор ва олтингуртнинг атомлари билан боғланган модда — углерод негизда ҳосил бўлган бирикмаларнинг пайдо бўлиши жонли материя пайдо бўлишининг зарур шарти ҳисобланади. Ҳозирги пайтда фанда *А. И. Опариннинг* гипотезасини тасдиқлайдиган жуда кўп маълумотлар мавжуддир.

Опариннинг гипотезасига кўра, тахминан икки миллиард йил илгари атмосферада эркин кислород ажралиб чиқиб, органик моддаларда фотохимиявий реакциянинг ва фотосинтезнинг юз беришига олиб келди. Биринчи галги океан бамисоли худди органик моддалардан тайёрланган аллақандай «шўрва» га ўхшаш бўлган. Органик бирикмаларнинг ривожланиши жараёнида углероднинг жуда ҳам мураккаб бирикмалари — бениҳоя катта молекулалар¹ пайдо бўлди. Молекулалар шуниси билан ажралиб туришардики, улар таркибий қисмларга осонгина парчаланишарди. Бу бирикмаларнинг мавжуд бўлиб туришини таъминлаш учун *муҳит билан доимий модда алмашинуви* бўлиб туриши, яъни бу молекулалар муҳитдан янги моддаларни танлаб олиб, чатиштиришлари (ўзлаштиришлари) ва парчаланиш маҳсулини ўзга тусга киритган ҳолда ташқи муҳитга ажралиб чиқаришлари лозим эди. Шундай қилиб, бу бениҳоя катта молекулалар муҳит билан модда алмашинувини автокаталитик тарзда йўналтириб, *ўзини-ўзи қайтадан ҳосил қилувчи системага* айланиб қолишди. Оқсилли молекула билан муҳит ўртасидаги модда алмашинуви аввал бошданоқ фаол жараён эди. Бу бениҳоя катта молекулалар *коацерватлар* деган ном билан атала бошлади. Коацерват томчилари маълум маънода тўйимли моддалар учун курашда ўзаро рақобат қилишарди, деган тахминлар ҳам бор. Бу томчиларнинг анча қулай кимёвий таркибига ёки структурага эга бўлган баъзи бирлари бошқаларига нисбатан тезроқ ўсди. Улар эртароқ катталашиб, беқарор бўлиб қолишар ва анча майда заррачаларга парчаланиб кетишарди. Сўнгра жараён яна такрорланарди: ўсиш, парчаланиш ва ҳоказо. Кимёвий таркиби бир мунча фарқ қиладиган томчиларнинг қўшилиши ҳам содир бўлиб турарди. Шундай қилиб, коацерватлар бир қанча хусусиятларга

¹ Ҳозирги пайтда бунга қарама-қарши нуқтан назар ҳам мавжуд: ҳодисалар одатдагича кечган тақдирда молекулалар бирикмаларининг тартиби кўпайиш эмас, балки камайиш тенденциясига эга бўлади. Шунинг учун ҳам Ер юзида органик бирикмаларнинг пайдо бўлиши тасодифий ҳисобланади (унинг эҳтимоллиги ўта кам — тахминан 10^{-255} га тенг). Молекулаларнинг тасодифий бирикуви натижасида Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши амалда мумкин эмаслиги шундан келиб чиқади. Шу сабабдан, гипотеза муаллифи *Г. Кастлернинг* фикрича, ҳаёт космосда пайдо бўлган эмиш.

эга эди, шу туфайли уларни тирик модданинг структураси сифатида қабул қилиш мумкин.

Хўш, бу хусусиятлар нимадан иборат эди?

Коацерватлар ҳаёт кечиришни қўллаб-қувватлаш учун зарур моддаларга нисбатан маълум даражада *қўзғалувчанлигини* намоён қилган ва ўзларининг ҳаётий фаолиятида бевосита иштирок этишининг ҳожати бўлмаган моддаларга нисбатан *индефферент (лоқайд)* бўлиб қолган ҳолда ташқи муҳитдаги «озуқа» моддаларни танлаб ўзлаштиришарди. Модда алмашинувидаги бундай эҳтиёж *ўзини тартибга солиш қобилиятининг* самараси бўлди. Коацерватлар кимёвий таркиби турлича бўлган молекулаларни ажратиб ва қўшишга, яъни табиий танлаш чоғида эволюцияда ўзининг ролини ўйнаган турфа материални яратишга лаёқатли бўлиб чиқди. Бундан ташқари, бу ўринда ташқи таъсиротларнинг *инъикоси* бу таъсиротларнинг фақат кучи ва характерига эмас, балки шунингдек *органик бирикмалар* — коацерватларнинг *ички ҳолатига* ҳам боғлиқ бўлган эди.

Инъикоснинг ўзига хос қолдиқ шакллари мавжуд бўлган бундай органик структуралар бир қанча геологик даврлар давомида фаолият кўрсатган ҳолда ҳозирги замон жонли системалари аجدодларнинг пайдо бўлишига олиб келганлигини фемалар қилиш учун асос бор.

Ҳозирги тирик организмларнинг эҳтимолдан узоқ бўлмаган прототиплари — коацерватларда бўлгани каби ҳар қандай жонли материяда инъикос жонсиз табиатдаги инъикосга қараганда сифат жиҳатидан янги шакл касб этади. У фақат ташқи таъсиротнинг кучи ва характерига эмас, балки организмнинг ички ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. *Ҳар қандай жонли организм барча ташқи қўзғатувчиларга нисбатан танланган ҳолда (фаол) муносабатда бўлади ва бу билан жонли материянинг сифат жиҳатидан янги хусусиятини — ўз-ўзини тартибга солиш хусусиятини намоён қилади.*

Узоқ вақт давом этган эволюция натижасида ҳозирги организмларда инъикоснинг *қўзғалувчанликдан* тортиб то унинг анча юксак даражадаги шакллари — *психик ҳаётнинг ифодаланиши шакллари бўлмиш сезгилар, идрок, хотира, тафаккур*га қадар турли хилдаги шаклларини кўрамиз.

Қўзғалувчанлик. Усимлик ва ҳайвонларга мансуб шакллар эволюциясининг барча босқичларида жампик жонли организмлар инъикоснинг алоҳида, биологик шакли — таъсирланувчанликка эга бўлади. *Таъсирланувчанлик тирик организмнинг биологик аҳамиятига эга бўлган (биотик) таъсиротларнинг таъсирига жавоб бериш қобилияти* демакдир.

Оддий таъсирланувчанлик содда, бир ҳужайрали тирик организмдаёқ сезилади. Улар муҳитнинг таъсирига ҳаракатланиш билан жавоб беради. Муҳит биотик таъсир ўтказиши мумкин бўлиб, бунинг натижасида жонли организмда протоплазманинг хоссаси ўзгаради. Қўзғатиш таъсирига учрайдиган ўзини тартибга солувчи система сифатидаги тирик ҳужайрада

қидирув ҳаракатлари ҳосил бўлади. Агар муҳит таъсири мазкур ҳужайрага хос кимёвий таркиб ва протоплазма структура-сини қайта тиклашга ёрдам берса, ҳужайранинг излаш ҳаракати тўхтайд.

Биотик омилларга нисбатан ўзига хос ҳаракатлар билан жавоб бериш усуллари тропизмлар ёки таксислар деб аталади. Унинг фототропизм — жонли организмнинг ёруғлик таъсири остида ҳаракатланиш тенденцияси; *термотропизм* — иссиқлик таъсири остида ҳаракатланиш тенденцияси; *хемотропизм* — муайян физикавий-кимёвий муҳитни танлаш тенденцияси; *топотропизм* — механик усул билан қўзғатувчининг таъсири остида ҳаракатланиш тенденцияси каби турлари ва бошқа бир қанча тропизмлар мавжуддир. Ўсимликларнинг биологик инъи-кос этиш шакли ўзини тартибга солишга ёрдам берадиган тропизмларнинг мавжудлиги билан мукамаллик касб этади.

Ҳайвонларга мансуб шаклларда таъсирланувчанликнинг янги тури — *сезувчанлик* пайдо бўлади. А. Н. Леонтьевнинг гипотезасига кўра, сезувчанлик «генетик жиҳатдан қараганда, муҳитнинг организмни бошқа таъсиротлар билан боғловчи, *организмни муҳитда мўлжал олишига* ёрдам берувчи, сигналлик вазифасини ўтовчи таъсирларга жавоб таъсирдан бўлак нарса эмас»¹. Таъсирланувчанликдан сезувчанликка ўтилиши ҳаёт тарзининг ўзгачалиги билан боғлиқдир. Юксак тараққий этган ҳайвонларда сезувчанлик ошиб, сезги органлари шаклланади. Нарсаларнинг ўзича (бирон бир органик эҳтиёжни улар ёрдамида қондириб бўлмаслиги маъносида) аҳамиятсиз белгилари (ҳиди, шакли, ранги) *сигналлик аҳамиятига* эга бўлади. Шунинг учун ҳам маълум бир шароитларда ҳатто оддий ҳайвонлар ҳам биотик таъсиротлардан эмас, балки мазкур конкрет вазиятда турли хилдаги биотик таъсиротлар рўй бераётгани ҳақида сигнал бериши мумкин бўлган абиотик, индифферент таъсиротлардан ҳам таъсирлана бошлаши мумкин.

Ҳайвонларнинг организмларида биотик ва абиотик омилни сезувчанликнинг мавжудлиги туфайли ўсимликларга қараганда ҳам анча кўпроқ таъсиротларни акс эттириш имконияти вужудга келади.

Жумладан, инфузорияларда улар учун нейтрал (бефарқ) белги ҳисобланган ёруғликда таъсирланишнинг ҳосил бўлиши кузатилди. Тажриба қуйидагича тарзда ўтказилди: найча ичига сув билан бирга бир ҳужайралилар жойлаштирилди. Найчанинг бир томони иситилди. Бир ҳужайралилар дарҳол найчанинг илиқроқ қисмига ўтишди, негаки уларда ижобий термотропизм тенденцияси мавжуддир. Найчанинг иситилган қисми ёритилиб ҳам турди. Оддий шароитларда ёруғликка аҳамият бермайдиган инфузориялар ўзларига хуш келадиган ҳароратнинг ёруғлик билан қўшилиши бир неча марта такрорланганидан кейин, ҳарорат қандайлигидан қатъи назар, ёруғлик тушган жойда тўпланиша бошлади.

Шундай қилиб, содда ҳайвонларда ташқи муҳитда ёруғлик билан иссиқлик қўшилиб, муваққат боғланишлар ҳосил қили-

¹ Леонтьев А. Н. Проблемы развития психики. 3-нашри, МДУ нашриёти, 1972, 45—46-бетлар.

нишига нисбатан ҳам *фаол мулжал ола билиш* тенденцияси мавжудлиги намоён бўлади.

Шубҳасиз, бу ўринда гап фақат муваққат боғланишларнинг ҳосил қилинишига нисбатан юз берадиган *тенденция* ҳақида бориши мумкин, холос. Чунки бир ҳужайралиларда мустаҳкам шартли боғланишлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас: бундай боғланишлар ҳосил бўлишга улгурмасиданоқ йўқолиб кетади. Бунинг устига инъикоснинг йўқолган шакллари қайтадан тикланмайди ва инъикоснинг бундай шаклларида маҳрум бўлган ҳайвонлар биологик эҳтиёжларига мос келадиган шарт-шароитларни қидиришга янгитдан урина бошлаши керак.

Инъикос этиш даражаси кўп ҳужайрали ҳайвонларда анча юксакроқдир. Бир ҳужайралиларга ўхшаб сувли муҳитда ҳаёт кечирадиган ковакичакликлар (масалан, ўтроқ ҳолда яшайдиган гидроид полиплар, медузалар) энг содда кўп ҳужайралилар жумласига киради. Лекин бу организмларнинг тузилиши бир ҳужайралиларга нисбатан анчагина мураккаброқдир. Мураккаблиги бу ҳайвонларнинг кўп ҳужайрали эканлигида эмас, балки улардаги ҳужайраларнинг *нисбатан бир хил эмаслиги*дадир: масалан, танасининг ташқи қисмида санчиладиган (чақадиган) ҳужайралар жойлашган бўлса, ички қисми эса овқат ҳазм қиладиган ҳужайралар билан қопланган бўлади. Кўп ҳужайралиларнинг организмда, шунингдек организмнинг бирон-бир қисмида рўй берган қўзғалишнинг ўтказгичи функциясини бажарадиган алоҳида сезувчан протоплазмали ҳужайралар ҳам бўлади. *Алоҳида сезувчан (нерв) ҳужайралари* ўзаро бирикиб, ҳайвоннинг бутун танасига ёйилган *нерв шоҳобчасини* ташкил этади. Ковакичакликлардаги қисқичлар — ўлжани ушлаб туриш органлари юксак даражада сезувчандир.

Ковакичакликларнинг хатти-ҳаракатлари қисман мерос тариқасида хотира, яъни эволюция жараёнида муайян қўзғатувчилар билан организмнинг тегишли реакциялари ўртасидаги боғланишлар орқали ҳосил бўлган ва мерос қолган (асосан таксислар шаклида), шунингдек алоҳида бир организмнинг муваққат боғланишлари ёрдамида ҳаёт кечирishi жараёнида таркиб топадиган шартли рефлекслар билан белгиланади.

Аниқ ифодаланган боғланишларнинг ҳосил бўлишини қуйидаги мисолда кузатиш мумкин. Агар актинияга бир парча қоғозни яқинроқ келтириб тutilса, ҳайвон уни қисиб олиб, ютиб юборади; бу жараён бир неча бор такрорлангандан кейин актиния қоғозни ониз тешигига хатто яқин келтирмасдан отиб юбора бошлайди. Ҳосил бўладиган боғланишлар, афсуски, қисқа муддатли бўлиб, одатда улар уч-тўрт соатдан кейин сўниб қолади.

Эволюцион занжирда ковакичакликлардан юксак турадиган ва ерда ҳаёт кечирадиган кўп ҳужайралиларда ҳаёт тарзининг ўзгарганлиги муносабати билан тананинг тузилиши мураккаблашади, қўзғатувчиларнинг маълум бир турларини *акс эттира-*

диган ўзига хос органлар — сезги аъзолари ривожланади, акс эттириш шакллари ҳам анча мураккаблашади. Эндиликда чувалчангларда ҳам тананинг мураккаблашган (сегмент) тузилишини, шунингдек сезги аъзолари (кўз муртаклари, сезиш, ҳид ва таъм билиш аъзолари муртаклари) ни кўrsa бўлади. Чувалчангнинг ҳар бир сегментида нерв ҳужайраларининг тўдалари — ганглийлари мавжуд бўлади. Ганглийлар (асосий-сидан ташқари) ўзларининг акс эттириш имкониятларига кўра бир хил эмас. Ҳар бир сегментдаги ганглий ўша сегментни мустақил бажариладиган айрим функцияларнинг бир мунча автоном ташувчисига айлантиради. Агар айрим сегментлар кўзгатиладиган бўлса, улар қимирлаб, бесаранжом бўла бошлайди.

Шундай қилиб, кўп сонли нерв тугунчаларининг пайдо бўлиши ҳали-вери яна ҳам нафисроқ акс эттириш ва, демак тева-рак-атрофдаги ташқи муҳитга мослашиш учун шароит туғдириши мумкин бўлган ўша ҳақиқий фойдали мураккабликни таъмин эта олмайди. Лекин ҳозирдаёқ анча мураккаб акс эттириш имкониятлари пайдо бўла бошлади — улар асосий ганглийда мужассамлашгандир. Асосий ганглий функциялари ва боғланишларига кўра бир хил бўлмаган нерв ҳужайраларининг бирикувидан таркиб топади. Бу ганглий ганглийлар занжирида асосий етакчи уч ҳисобланади. У ҳайвон танасининг исталган қисмида юз берадиган кўзғалишларни жамлайди, уларни таҳлил қилади, бошқа ҳужайраларга ўтказди, импульсларни сегментларнинг мушак аппаратага йўналтиради. Судралувчи ва кавловчи ҳайвонлар сифатидаги чувалчангларда асосий ганглийлар мавжуд бўлганлиги туфайли тананинг бош қисмида ихтисослашган сезувчи органлар: пайпаслаш имконини берадиган тукчалар, мўйловчалар, кўз муртаклари пайдо бўлади.

Хатти-ҳаракат-
нинг инстинктив
шакллари
хосдир.

Чувалчангларнинг хатти-ҳаракатлари коваки-чаклилардан кўра анча мураккаброқдир. Чувалчангларга фаол тарзда қидириш хусусияти

Масалан, ёмғир чувалчанглари ерга тушган барглари олдин ўткир учларидан қисиб олиб, сўнгра уларни инига торта бошлашади. Бир қанча олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, чувалчангларнинг барг шаклидан бевосита таъсирланишидан кўра кўпроқ барг учид мавжуд бўлган кимёвий моддалардан таъсирланиши уларнинг «мақсадга мувофиқ» хатти-ҳаракати ҳисобланади. Чувалчанг жинс хотираси анча аниқ ифодаланган бўлиб, у туғма шартсиз рефлексларда намоён бўлади. Чунончи халқали чувалчангларнинг айрим турларида она чувалчанглар ўз насабини парварши қилади, бу хусусият уларда туғма бўлади. Negeis туркумига мансуб чувалчангнинг урғочиси ўзи яшайдиган найчасига тухум қўйиб у ёқдан-бу ёққа фаол ҳаракат қила бошлайди. Бу билан у эмбрионларнинг нафас олиши учун зарур бўлган теза сувни кўпайтиришга эришади. Чувалчангларнинг баъзи бир турлари ўзига жуфт топшиш учун, маълум бир вақт давомида узоқ йўл босиб ўтади.

Бироқ шартсиз рефлекслар фақат ташқи муҳитнинг муқаррар тарзда қатъиян барқарорлиги шароитида ҳосил бўлади;

муҳит эса доимо ўзгариб туради ва шунинг учун ҳам туғма таъсиротларнинг генетик жиҳатдан программалаштирилган ҳолда ёйилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Ганглий функцияли нерв системасига эга бўлган ҳайвонларнинг акс эттириш имкониятлари шартсиз рефлекслар билангина чекланмайди. Ҳаёт кечириш жараёнида уларда туғма реакцияларга нисбатан янги, анча ҳаракатчан реакция шакллари — *шартли рефлекслар* пайдо бўлади.

Кўрсатиб ўтилганидек, ковакичаклилар ҳам муваққат боғланишлар, шартли рефлекслар ҳосил қила оладилар, бироқ чувалчангларда шартли рефлекслар даражаси юқорироқ бўлади. Гарчи уларнинг ҳосил бўлиши учун ҳамон катта миқдордаги қўзғатувчиларнинг бирикуви зарур бўлса ҳам, лекин муваққат боғланишлар муайян даражада мутаносибликни намоён этади.

Чувалчанглар эксперимент шароитида Т шаклидаги лабиринтдан уяларга йўл топиб чиқиб кетишлари керак эди. Агар биринчи қисми эркин чиқа оладиган бўлса, чап томондагиларига электр токи билан таъсир қилинар эди, 120—180 та тажрибадан сўнг чувалчанг ўнга буриладиган бўлиб қолди. Агар шартли боғланишлар ҳосил қилинганидан кейин электр токи бор ўтказгичлар ўнг томонга қўйилиб, уяга борадиган йўл чап томондан қўйилган тақдирда эса чувалчанглар қайтадан ўрганишга тушишарди. Айтиш керакки, қайтадан ўрганиш илк бор ўрганишга қараганда икки-уч баравар тезроқ юз берарди.

Шундай қилиб ганглий функцияли нерв системасининг ўзиёқ, чекланмаган миқдордаги таъсирларга жавоб қилишнинг етарли даражада мураккаб воситасидан иборатдир. Етакчи ганглий билан идора қилинувчи ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвоннинг хатти-ҳаракати диффузияли, турли нерв системасига эга бўлган ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларидан жиддий равишда фарқ қилади. Чувалчангларда хатти-ҳаракатларнинг наслий йўл билан қарор топган, программалаштирилган шакллари (генезисига кўра, инстинктлардан ҳам аввал пайдо бўлган) юзага чиқади ва айни пайтда акс эттиришнинг анча нафис шакли — шартли рефлекслар намоён бўла бошлайди.

Ганглий функцияли нерв системасининг анча мураккаб тузилганлиги акс эттиришнинг имкониятларини шунга мувофиқ равишда оширади. Ганглий функцияли нерв системасига эга бўлган ҳайвонлар орасида биз ўргимчаксимонлар ва ҳашаротларда акс эттириш даражасининг анча юксаклигини кўрамыз. Бу ҳайвонларда тузилиши жиҳатидан турлича, жуда мураккаб сезги органлари мавжуддир. Ҳайвонот олами эволюциясида рецепторларнинг ихтисослашуви, муайян қўзғатувчилардан таъсирланишга мослашш кузатилади. Жумладан, бўғимоеқлиларнинг кўпчилигида хеморецепция ҳид ва таъм билиш йўналишида табақалашган бўлади. Тегишли рецепторлар ўртасида сифатли тафовутлар қарор топади: таъм рецепцияси қўзғатувчи билан бевосита туқнашув натижасида рўй беради, ҳид сезиш эса маълум масофадан туриб ҳам юзага келади.

Бундан ташқари, ҳашаротларда фоторецепторлар — яқин жойлашган кичик нарсаларнинг (йирик ва узоқда жойлашган нарсалар бундай органлар билан салпал фарқланади) ранг-баранг тасвирини акс эттирадиган мураккаб фасет кузлар тобора ривожланиб бормоқда. Шунингдек, бошқа ўзига хос рецепторлар, масалан, тегиб кетишни билдирадиган мосламалар ҳам мавжуд.

Бўғимоёқлиларда, айниқса ҳашаротларда, муҳитнинг муайян шароитларига муносабат билдиришнинг мураккаб туғма шакли — *инстинктлар* мавжуддир. Инстинктлар изчил равишда бир қанча мослашувчи ҳаракатларни келтириб чиқарган ҳолда халқасимон характер касб этади.

Жумладан, ўргимчакларнинг баъзи турларида урғочилари ўз тухуми учун толалардан пилла ясайди. Бу пиллани урғочи ўргимчак қўриқлаб ва тез-тез кўчириб юради. Ўргимчак болалари пайдо бўлиши билан урғочи ўргимчак уларнинг ёнидан силжимасдан қўриқлаб туради, Наёл катталашган сари урғочи ўргимчак ҳам уларга шунча бефарқ бўла боради ва сўнгра эса ўргимчак болалари мустақил ҳаракат қиладиган бўлиб қолгандан кейин уларни ташлаб кетади.

Асалиларда биз группавий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган энг мураккаб инстинктларни кўрамыз.

Маълумки, асалилар уясида битта она ари, бир неча ўнлаб эркек ва бир неча юзлаб бепушт ишчи ари (жинсий органлари етилмаган) лар бўлади. Ишчи ариларнинг хатти-ҳаракатлари жуда ҳам мураккабдир. Ривожлана боргани сари ҳар бир ишчи асалари уядаги вазифасини ўзгартира боради. Олдинига у асалари болаларини (ғумакларни) боқади, уяни тозалайди, сўнгра уяни қўриқлайди, озиқа топиб келади, катакчалар ясайди. Ерда яшайдиган арининг инстинктлари ҳам жуда мураккаб ҳаракатлар занжиридан иборатдир. У ўзига уя қазиб олиб, учиб кетишдан олдин ҳар гал уни озгина тупроқ билан ниқоблайди. Ўлжани олиб келгандан кейин ари уни уяга кираверишга қўйиб, ҳалғи тупроқни четга суриб, уяни текшириб кўради, шундан кейингина уни уяга олиб киради.

Бўғимоёқлиларнинг бундай хатти-ҳаракатлари гуё мақсадга мувофиқдай бўлиб кўриниши билан кишини ҳайратга солади. Лекин бу «мақсадга мувофиқлик» мақсадни англашдан холидир. У муайян ташқи қўзғатувчига ёки маълум бир қўзғатувчилар бирикмасига жавоб тариқасида рўй беради ва мазкур турнинг барча вакилларида бир хилда амалга оширилади. Инстинктив хатти-ҳаракат сақланади, лекин ҳар гал бирон-бир муҳим бўғинда бузилиш юз бериши билан мақсадга мувофиқлигини йўқотади.

Рус зоопсихологи В. А. Вагнер (1849-1934) урғочи ўргимчакнинг номаъқул бўлиб қолган инстинктлари шароитида унинг хатти-ҳаракатларини кузатган ва тавсифлаб берган эди.

Чунончи, қўпинча ўргимчак пилласининг ичидагини зараркунандалар еб кетган бўлади, лекин урғочи ўргимчак бўшаб қолган пиллани қўриқлашда ва у ёқдан-бу ёққа кўчиришда давом этади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, урғочи ўргимчак пиллани ясаб ва одатда тухум қўйиш чоғида бажариладиган ҳаракатларни бир неча марта такрорлаб, амалда тухум қўймаслиги ҳам мум-

кин. Шундай бўлса-да, у келгуси босқичга, яъни буш пиллани қуриқлашга ва уни у ёқдан-буёққа кўчиришга ўтади. Асаларилар реакцияларининг мақсадга мувофиқлиги ҳам нисбийдир. Агар мумкатакнинг орқа томони тешиб қўйилса, асалари яроқсиз уяга маълум миқдордаги ширани тукиб бўлгач, гарчи унинг иккинчи томонидан шира оқиб кетаётган бўлса ҳам, мум билан бекитиб кетади.

Француз тадқиқотчиси К. Фабр арининг бир қолипдаги, мақсадга мувофиқ бўлмаган хатти-ҳаракатини кузатган эди. Ер араси уясининг олдига чалажон чигирткани келтириб, барча ариллар сингари уясини текшириш учун кириб кетганида тадқиқотчи унинг ўлжасини четроққа суриб қўйди. Ари уясида чиқиб, уни излаб топиб, яна уясининг олдига қўяди ва текшириш учун яна уясига кириб кетди. Фабр арининг уяси олдидан чигирткани қирқ марта четга суриб қўйди ва ари қирқ мартасида ҳам ўлжасини топиб, уни олиб кириш учун уясини текширган.

Бу мисоллар инстинктнинг чекланганлигини кўрсатади. *Инстинктив ҳаракатлар муайян шарт-шароитларга қатъий боғлиқ бўлади.* Инстинктнинг амал қилиш механизми шундан иборатки, ташқи шарт-шароитлар рефлектор муносабат билдиришга ундайди, энг охирида эса навбатдаги муносабат билдириш учун қўзғайди ва ҳоказо. Шу тарзда рефлексларнинг бутун бир занжирини ҳаракатга келтиради ва бу билан наслий йўл билан мустаҳкамланган ирограммани амалга оширади. *Инстинктив ҳаракатлар стандарт шарт-шароитлар ўзгариши биланоқ ўзининг мақсадга мувофиқлигини йўқотади* Шундай қилиб, хатти-ҳаракатларнинг инстинктив шакллари фақат доимий шароитлардагина мақсадга мувофиқдир.

Шуни қайд қилиш керакки, баъзи бир инстинктлар мазкур турнинг барча вакиллариغا хос бўлса ҳам, лекин уларнинг намоён бўлиши айримларида биров бошқачароқ тарзда кечади. Инстинктнинг бу тарздаги нисбий ҳар хиллиги турнинг ҳаёт кечириш шароитлари кескин ўзгариб кетган тақдирда ҳам сақланиб қолишини таъминлайди. Ёш ҳайвонларда инстинктив ҳаракатларни кузатаётиб, бу ҳаракатларнинг стереотип тарзда, олдиндан ўргатилмасдан юз бераётганини кўриш мумкин. Бироқ бу ҳаракатлар ёш ҳайвонларда қариларига нисбатан анча бесўнақай тарзда юз беради. Жонзотнинг *индивидуал ҳаёт кечириши жараёнида орттирилган* ва туғма хатти-ҳаракат программасининг пухта бажарилишини таъминлайдиган *тажриба* инстинктларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Табиатшуносларнинг кузатувлари шуни кўрсатдики, ҳашаротларнинг ҳаёти давомида кўплаб шартли боғланишлар ҳосил бўлади. Бу боғланишлар турли хилдаги рецепторларнинг амал қилиши негизда пайдо бўлиши мумкин. Масалан, бу ҳаракат сигналлари асосидаги табиий таъсирлар хотираси, нарсаларнинг ранги ёки шаклига нисбатан кўриш хотираси бўлиши ҳам мумкин.

Чунончи, агар асалари уяларини шарқдан ғарбга қараб икки метр нарироққа кўчириб қўйилса, асаларилар шира йиғиб қайтганларидан кейин илгари ўзлари кириб-чиқиб юрган тешиклар ўрнида ҳавода тўпланишади. Улар шу тарзда бир неча минут давомида ўша жойда айланишиб, шундан кейингина уялар кўчирилган янги жойга қараб учиб боришади, яъни асала-

рилар олдинга бўшлиқда фақат ҳаракатлантирувчи сигналларга биноан мўлжал олишган бўлса, эндиликда муваффақиятсизликка учрагандан кейин кўриб мўлжал олиш қобилиятини ишга солишди. Мўлжал олиш ҳашаротларда бениҳоя муҳим роль ўйнайди. Улар ўзлари озиқ оладиган гулларнинг шакли билан шартли боғланишга осонгина муваффақ бўлишади, шунингдек ёруғликларнинг нисбатларига, ёруғликнинг спектридаги маълум бир қисмига боғланишлар ҳам тез ҳосил бўлади (асаларилар, жумладан, сариқ, яшил-кўк, яшил ва ультрабоинафша нурларни яхши ажратади).

Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳашаротларда шартли боғланишлар хатти-ҳаракатнинг инстинктив программаларини («ишга тушириш сигналлари») ҳаракатга келтириш ҳақида хабар берувчи қўзғатувчилар яхшироқ ҳосил бўлади.

Қуйидаги тажриба диққатга сазовордир. Бир хилдаги допрасмон текшикчалари бўлган қутиларга сув ёки қанд эритмаси қуйилган бир неча банка жойлаштирилди. Бир ҳолда қанд эритмаси қуйилган банка жойлаштирилган қутига учбурчак расми, сувли банка жойлаштирилган қутига эса тўртбурчак расми туширилди. Бошқа бир ҳолда қанд эритмаси қуйилган банка жойлаштирилган қутига гулга ўхшайдиган жимжимадор безак расми туширилди, сувли банка жойлаштирилган қутига эса олтибурчакли юдуз сурати туширилди. Маълум бўлишича, асаларида содда геометрик шакллари (учбурчак, квадрат) ажрата билиш қобилиятини ҳосил қилиш анча қийинроқ ва аксинча анча мураккаброқ шакллари ажрата билиш қобилиятини ҳосил қилиш осонроқдир. Биринчи қарашда кутилмагандек бўлиб туюладиган бу натижалар мураккаб геометрик шаклларнинг биологик жиҳатдан аҳамиятига кўра тамомла асослидир — улар асаларилар қўнадиган гулларнинг шаклига ўхшайди.

Бинобарин, ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвонларда биологик жиҳатдан аҳамиятга молик хабар етказувчи белгилари бўлган предметларга нисбатан муваққат боғланишлар анча осон юзага келади; *шартли боғланишлар фақат феъл-атворнинг инстинктив хатти-ҳаракатлар программалари доирасида ҳосил бўлади*. Шунини ҳисобга олиш керакки, ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвонларда акс эттиришнинг асосий шакли инстинктив ҳаракатлар билан боғлиқдир.

Ҳаракатнинг инстинктив шакллари фақат бўғимёқлиларда эмас, балки юксак тараққий этган барча умуртқали ҳайвонлар (балиқлар, амфибиялар, судралиб ёки ўрмалаб юрадиган ҳайвонлар, қушлар, сут эмизувчилар) да кузатиш мумкин. Балиқларнинг айрим турларида, жумладан, наслини қўриқлашдек жуда мураккаб инстинкт намоён бўлади.

Чунончи, колюшка деб аталувчи балиқнинг эркаги сув остида чуқурча ҳосил қилиб, унга майда сув ўтларини тўшайди, ён атрофига йирикроқ ўсимликлардан девор ясайди ва уни танасининг шиллимиши билан сувайди. Сўнгра эркак балиқ ургочи балиқнинг уруғ ташлаши учун шу ерга хайдайди ва уруғдан балиқчалар очкилиб чиққунга қадар ин атрофини қўриқлайди.

Умуртқалиларнинг кўпчилигида наслини парвариш қилиш, шунингдек жинсий урчиш, озиқланиш, ҳимояланиш билан боғлиқ жуда мураккаб инстинктларни учратиш мумкин. Қушлар ва сут эмизувчилардаги уя қўриш ва наслини парвариш қилиш бениҳоя мақсадга мувофиқдай туюлади. Лекин бундай мақсадга мувофиқлик фақат ташқи омиллар оқибати сифатида келиб чиққанлиги сабабли ҳайвоннинг хатти-ҳаракати муҳит ўзга-

риши натижасидагина бир оз ўзгаради. Инстинктив ҳаракатларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларнинг маълум бир комплекси сал ўзгариши биланоқ бу ҳаракатларнинг бир текис бориши дарҳол бузилади — қушлар жужаларини ташлаб кетишлари, сут эмизувчилар болаларини ғажиб ташлашлари мумкин.

Ҳайвонларнинг муҳофаза ҳаракатлари, агар фақат инстинктив тарзда юз берадиган бўлса, ўта тўмтоқлиги билан ажралиб туради. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мана шулардан бири:

Америкада терисининг усти қора жун билан қопланган унча катта бўлмаган бир йиртқич ҳайвон яшайди. У амалда барча турдаги йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан сақлангандир — ҳайвонлар уни орқасидаги узун чизигидан таниб олади. Бу ҳайвон скунс деб аталади. Табиат скунсга бир безни ато этганки, у бениҳоя заҳарли ҳид тарқатувчи суюқлик чиқаради. Салгина хавф туғилиши биланоқ скунс душманига орқасини ўгириб, думини кўтарди ва ҳавога суюқлик пуркайди. Натижада энг катта йиртқичлар ҳам бир неча соат давомда «хушидан кетиб қолади». Америка қитъасидаги барча ҳайвонлар скунсини четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Бу ҳайвонни янги иқлимга мослаштиришга қарор қилишди. Еш ҳайвонларни олдинга ўралган майдонда сақлашди. Йиртқичларни парвартиш қилишда хизматчилар қийналмасликлари учун ҳайвонлардаги мушк безлари олиб ташланди. Эркинликка қўйиб юборилган скунслар ўрмонларда бемалол юришарди. Қачонки, скунсларга ҳужум қила бошлаганида улар қочмасдан, орқаларини ўгириб туришаверди ва душманларининг енгилгина улжасига айланишди. Шундан кейин скунсларнинг безлари кесиб ташланмади — уларни боқининг бошқа усуллари топилди.

Инстинктив реакциялар хатти-ҳаракатларнинг туғма шакллари ишга туширишга олиб келадиган оддий омиллар туфайли содир бўлади. Шу жиҳатдан ҳайвонлар хатти-ҳаракатининг туғма шакллари ўрганаётган этологларнинг тадқиқотлари катта қизиқиш уйғотади. Мазкур фаннинг вакиллари инстинктив ҳаракатлар мутлақо аниқ шаклланган сигналлар орқали қўзғатилишини кўрсатиб бердилар.

Жумладан, қурбақа агар рўпарасида ҳашарот кўринса, уни туттиш учун отилади. Тез ҳаракат қилувчи қўзғатувчига нисбатан реакция қилиш фактини текшириб кўриш осон. Агар қурбақанинг рўпарасига ингичка илга боғланган қоғоз осиб қўйиладиган бўлса ва уни силкитиб, уёқдан-бўёққа суриб турилса, қурбақа албатта қоғозга отилади. Сут эмизувчиларда ҳам инстинктив ҳаракатлар бирон-бир қўзғатувчига жавобан юз беради, бунинг устига ҳар хил турларнинг вакилларида бир хилдаги муносабат турли хилдаги ташқи омиллар орқали ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, эндигина туғилган кучукча ҳам, эндигина туғилган қўзичоқ ҳам, маълумки, онасининг эмчагини излай бошлайди, уни топганидан кейин эса зўр бериб эма бошлайди. Шу нарса аниқландики, бу ҳаракатлар программаси сигналлар орқали келиб чиққандир. Кучук боласи *жуннинг иссиқлигига* реакция билдиради. Агар унга онасининг ўрнига бошқа иссиқ нарса тутилса, қидирув реакцияси содир бўлмайди. Агар унга иситилган мўйна тутилса, у шу заҳотиёқ қидирувни бошлайди. Қўзичоқ эса *бош суягининг усти қисмида қоронғилик бўлишига* муносабат билдиради; агар қўзичоқнинг оғзига мугузча тутилса, у сўришга онд бирон-бир ҳаракат қилмайди, лекин унга мугузча туттиш билан бирга бош суягининг устида қоронғилик ҳосил қилиниши ҳамона у эма бошлайди.

Шундай қилиб, инстинктив ҳаракатлар турли хилдаги кўп сонли қўзғатувчиларнинг акс этишини таъмин эта олмайди ва шунга кўра умуртқалиларнинг акс эттириш имкониятларини чеклаб қўяди. Умуртқалиларда *найчали нерв системаси* (орқа ва бош мия билан қўшилиб) ривожланган бўлиб, шу туфайли уларда ташқи муҳитни аслига анча ўхшайдиган тарзда акс эттиришнинг потенциал имкониятлари ошади. Ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвонларга нисбатан умуртқали ҳайвонларда рецепторлар янада такомиллашиб, тобора кўпроқ махсусланиб боради. Эволюция натижасида эришиладиган ана шу барча ички имкониятлар атиги биргина инстинктив ҳаракатларни келтириб чиқариш учун фойдаланилмайди, албатта.

Хатти-ҳаракат-нинг инстинктив тарзда ҳосил қилинадиган шакллари

Юксак тараққий этган ҳайвонларда, айниқса, сут эмизувчиларда, хатти-ҳаракатнинг янги, анча нафис шакллари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Бир турга мансуб ҳайвонларда муваққат боғланишларнинг ҳосил бўлишидаги индивидуал фарқлар инстинктивнинг намён бўлишидаги индивидуал фарқларга қараганда анча сезиларли бўлиб бормоқда. Бир хил ҳайвонларда шартли боғланишлар нисбатан тез, бошқаларида секин ҳосил бўлиши мумкин. Соддароқ ҳайвонга қараганда умуртқали ҳайвонларда шартли боғланишлар мислсиз кўп ҳосил бўлади. *Ҳайвон эволюцион тараққиётнинг юқори босқичига кўтарилган сари, ҳосил бўладиган шартли боғланишлари ҳам шунча мураккаброқ ва яна ҳам нафисроқ бўлиши мумкин.*

Балиқларда шартли боғланишлар анча тез ҳосил бўлади. Шартли боғланишнинг ҳосил бўлиши учун ёруғлик, ранг, нарсанинг шакли, шунингдек товуш ва таъм белгилари сигнал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин бу боғланишлар тез ўзгармайдиган бўлади. Чунончи, чўртанбалиқда майда балиқларни овлашга оид шартли рефлекс осонгина ҳосил бўлади. Лекин бу рефлексни сусайтириш жуда қийин. Экспериментда майда балиқлар чўртанбалиқдан шиша билан алоҳида ажратиб қўйилганда йиртқич балиқ янгитдан вақтинчалик боғланиш ҳосил қилмагунга қадар узоқ вақт давомида шишага урилиб турди, шиша олиб қўйилгандан кейин эса янги боғланиш ҳам ўз навбатида узоқ вақт сақланиб турди. Шундан кейин чўртанбалиқ ёнида сузиб юрган майда балиқларга умуман аҳамият бермай қўйди.

Шундай қилиб, шартли боғланишлар ҳам ҳолатлар ўзгарганда ҳайвон хатти-ҳаракатини нисбатан кам ўзгартириши мумкин.

Жонли материя акс эттиришнинг ривожланишида навбатдаги босқич — *хатти-ҳаракатнинг янги белгиларини мустақил ҳосил қилишга асосланган нафис индивидуал хатти-ҳаракатнинг янада мураккаброқ шакллари чиниқтиришидир*. Нафис индивидуал ҳаракат учун муҳитнинг айрим хусусиятларигина (ҳарорат, ранг, хид) эмас, балки бутун бир конкрет вазиятлар таҳлил ва синтез қилиниши шарт.

Чунончи, агар товукнинг олдида дон сеппиб, уни турли рама билан тўсиб қўйилса, товук ушбу тўрга ўзини ура бошлайди. Ҳолбуки, тараққиётнинг

анча юксак босқичида турувчи қушлар (масалан, қарға, зағизгон ёки кузгун) бундай вазиятда ўзларини бошқача тутишади: тўр орқасидаги донни олиш учун уринишда дастлабки муваффақиятсизликка учрагач, улар тўсиқни айланиб ўтиб, донни чуқий бошлашади.


Биринчи ҳолатда хатти-ҳаракат инстинктив программага асосан бўлган бўлса, иккинчи ҳолда хатти-ҳаракат бевосита вазиятнинг таҳлил қилиш натижасида руй берди.

Хатти-ҳаракатнинг иккинчи типини айниқса сут эмизувчиларда яққолроқ намоён бўлади. Бундай ҳайвонлар энди бутун бир вазиятларни идрок этиб, таҳлил қила бошлайди, ўз хатти-ҳаракатларини тўғрилаб, ўзгараётган шарт-шароитларга мослаша бошлайди. Юксак тараққий этган ҳайвонларда хатти-ҳаракатнинг инстинктив шакллари билан бир қаторда ўзгарувчан индивидуал шакллари — *малакалар ва интеллектуал хатти-ҳаракатлар* ҳам мавжуд бўлади. Малакалар деганда ҳайвонларнинг шартли боғланишларига асосан бажарадиган ва автоматик тарзда такрорланадиган хатти-ҳаракат тушунилади. Малакалар худди инстинктларга ўхшаб ривожланишнинг нисбатан кўпи босқичларида ҳам бўлади, лекин аниқ ифода этилган малакалар фақат бош мия қобиғи бўлган ҳайвонлардагина намоён бўлади.

Ҳайвонларнинг малакалари таркибига кирадиган ҳаракатлантирувчи элементлар турнинг ўзига хос тажрибасини такрорлайдиган туғма ҳаракатлардан иборат бўлиши ҳам, шунингдек тасодифий ҳаракат намуналарининг такрорланиши жараёнида кўникма ҳосил бўлган ҳаракатлардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Қуйидаги факт биринчи турдаги ҳаракатларга мисол бўла олади.

Ўргатувчи қуённинг ноғора чалишга осонгина ўргата олади. Бу ҳаракат турнинг ўзига хос бўлган ҳаракати ҳисобланади: йилнинг маълум бир пайтида барча қуёнлар ўрмонда тўнкаларни, ерда ағдарилиб ётган дарахтлар ва бошқа нарсаларни «чата бошлашади». Занжирдаги итнинг ҳаракат реакцияларини иккинчи хилдаги ҳаракатларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тажриба қуйидаги тарзда ўтказилди. Ит бўйини чўзса ҳам олмаслигини билган ҳолда унинг олдига бир парча гўшт ташлашди. Гўшт парчаси ипга боғланган бўлиб, иккинчи учини ит панжалари билан тортиши мумкин эди. Ит бир неча муваффақиятсиз ҳаракатлардан сўнг тасодифан ипнинг учидан тортиб, гўштни эгаллаб олишга эришади. Бу ҳаракат эслаб қолинди ва кейинчалик ҳар гал ит гўшт боғланган ипни ўзига тортадиган бўлиб қолди. Бир гал гўшт боғланган ипнинг учига итнинг олдинги оёқлари етмайдиган қилиб ташланди. Ит олдинги оёқлари билан ипни тортишга бир неча бор муваффақиятсиз уринганидан кейин орқасига ўтирилиб, ипни орқа оёғи билан тортиб олди (1-расм).

Бу факт ҳайвонларда ҳосил бўлган малакалар ўзгартирилган вазиятда ҳам такрорланиши мумкинлиги ҳақидаги қоидага тасдиқлайди. Мисол қилиб кўрсатилган ҳолатда экспериментнинг шарт-шароитлари мураккаблаштирилиб, ит бу янги вазиятга ипга қадар етишга имкон туғдириши мумкин бўлган малакани олдинги оёғидан орқа оёғига кўчириш билан муносабат билдиради.



1- расм.

Шундай қилиб, малакалар бир-биридан жиддий равишда фарқ қилиши мумкин: бир хил ҳолатда улар автоматик такрорланишига кўра инстинктларга яқин турса, бошқа бир ҳолда интеллектуал хатти-ҳаракатларга яқинлашиб кетади.

Айрим нарсалар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг акс эттирилиши интеллектуал хатти-ҳаракатлар негизини ташкил этади. Қуйидаги тажриба интеллектуал хатти-ҳаракатга мисол бўла олади.

Тажриба ўтказилган асбоб иккита буш найчадан иборат эди. Найчадан биттасига қарғанинг кўз ўнгидан ипга боғланган хўрак — бир парча гушт жойлаштирилди. Қарға хўрақнинг найча ичига киритилганини, иккинчи найчага ўтадиган жойдаги ёриқдан бир лаҳза пайдо бўлиб, иккинчи найча ичига кириб кетганини кўрди. Қарға шу заҳотиёқ иккинчи найчанинг охирига сакраб борди ва хўрақнинг пайдо бўлишини кутиб турди. (Бошқа йиртқич қўшлар, мушуклар, итлар ҳам худди ана шу тарзда хатти-ҳаракат қилишди.)

Келтирилган мисол шуни кўрсатадики, юксак тараққий этган ҳайвонлар нарсалар ўртасидаги муносабатларни пайқаш қобилиятига ва мазкур вазиятнинг натижасини олдиндан билиш,

яъни ўша нарса агар у ҳаракат қилаётган бўлса, қаерда пайдо бўлишини ҳисобга олиш қобилиятига эгадир. Бундай хатти-ҳаракатни энди *ақлий хатти-ҳаракат* деб айта оламиз.

Олимлар юксак тараққий этган ҳайвонлар орасида приматларни (одамсимон маймунларни) алоҳида ўринга қўядилар. Приматлар кўплаб бошқа сут эмизувчилардан фарқли ўлароқ, фақат озиқа эмас, балки турли хилдаги нарсалар воситасида қилинган хийлаларга ҳам бепарқ қараб туришмайди. Бу хилдаги қизиқишни «қатъий» ва «беғараз» қизиқиш (*И. П. Павлов*), «тадқиқот импульси» (*Н. Ю. Войгонис*) деб аташади. Маймунларда бу хилдаги фаолиятнинг фаоллиги кўриш қобилиятининг юксак даражада ривожлангани билан қўшилиб, уларнинг идрок этиш доирасини беқиёс кенгайтириб, тажрибасини беҳад ошириб юборади ва малакаларнинг ҳосил қилиниши учун, хатти-ҳаракатларнинг мураккаб турлари пайдо бўлиши учун бошқа ҳайвонлардагига қараганда анчагина кучли негиз яратади.

Маймунлар интеллекти (ақли) улар бажарадиган вазифаларнинг фақат мураккаблиги билан эмас, балки улар фаолиятининг йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Маймунлар қўлига тушган нарсани соатлаб титиб ўтириши, одамни қафасига ҳар хил усуллар билан маҳлиё этиши, судралиб кетаётган қурт-қумурсқаларни кузатиши мумкин ва ҳоказо. Маймунлар хатти-ҳаракатининг бундай хусусиятларига эга эканлиги уларнинг ҳаёт кечириш усули билан изоҳланади. Табиий шароитларда маймун озиқа излаб, узлуксиз равишда «текшириш» фаолияти билан машғул бўлади. Ёввойи шимпанзеларда «таомларнинг» саксон битта хили мавжуд. Уларнинг ярмиси меваларнинг турли-туман шаклга ва тусга эгаллиги улар томонидан фақат фарқ қилинадигина эмас, балки шартли рефлекслар ҳосил бўлиши натижасида тегишли таъм белгилари билан ҳам боғланади. Маймун овқат излаётиб, меваларнинг истеъмол қилиш мумкин бўлганларини истеъмол қилиб бўлмайдиганларни ва заҳарлиларидан бехато ажратади.

Маймунлар овқатининг ранг-баранглиги уларнинг анализаторлик қобилиятини оширади. Маймун шу қадар ранг-баранг овқатлана бошлагач, энди озиқанинг қатъиян белгилаб кўйилган турларига ёки овқатланишнинг муайян бир вазиятига инстинктив равишда муносабат билдириб қола олмайди. Ҳар гал у



2- расм.

ҳаммасини ва атрофдаги ҳамма нарсани текшириши ва шу тарзда ўзига керакли озиқани топиши лозим бўлади.

Маймунларнинг бу хилдаги хатти-ҳаракатларининг бошқа ҳайвонларга нисбатан юксак даражада ривожланганлиги приматларда қўл типигаги олдинги оёқларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Қўли борлиги учун ҳам маймунлар атрофдаги нарсалар билан жуда ҳам мураккаб муносабатларга киришиш имкониятига эгадир. Ана шунинг учун ҳам маймунларда қолган бошқа ҳайвонларда мавжуд бўлмаган жуда кўплаб муваққат боғланишлар (ассоциациялар) ҳосил бўлади. Фаол мўлжал олиш-тадқиқотчилик хатти-ҳаракати замирида маймунларда

да акс эттиришнинг турли-туман воситалари пайдо бўлади. Маълум шароитларда маймунларда хатти-ҳаракатнинг инстинктив шакллари намоён бўлади. Бошқа умуртқалиларда бўлгани каби маймунларда инстинктив реакциялар оддий омил туфайли юз бериши мумкин. Америкалик олимлар *Г. Харлоу*, *М. Харлоу*, *С. Суомиларнинг* тадқиқотлари янги туғилган маймун боласи сунъий онанинг айрим турларигагина ҳаддан зиёд ихлос қўйиши мумкинлигини кўрсатди.

Тажриба қуйидаги тарзда олиб борилди. Макака маймунининг янги туғилган болаларини худди ҳақиқий онасининг катталигида қилиб ишланган сунъий она билан бирга қафасга солиб қўйилди. Маймунчаларнинг бирнга металл қаркасдан ясалган «она», иккинчисига ёғоч цилиндрдан ясалиб, тукли мато билан ўралган «она» тўғри келди. Юмшоқ оналик маймунча кўп вақтнинг унинг ёнида ўтказди, уни гоҳ қучоқлар, гоҳ унинг устига ҳам чиқиб кетарди (2-расм). У ҳар гал бирон хавф туғилса онасининг ҳимоясига қочиб борган. Металл она теккан маймунча эса жуда қийналди. Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, маймунларнинг болалари сут берган симли онадан кўра сут бермаса ҳам матодан ясалган онани афзал кўриши аниқланди. Матодан ясалган оналар маймунчаларда бадастирлик ҳиссини — хавфсизлик ва ишонч ҳиссини уйғотади.

Бироқ юксак тараққий этган катта маймунларнинг инстинктив хатти-ҳаракати бир ҳужайрали тубан ҳайвонлар инстинктдан жиддий фарқ қилади. Юксак тараққий этган маймунлар (жумладан, шимпанзе) да хатти-ҳаракатнинг уя қуришдек туғма шакли мавжуддир. Табиий шароитларда улар ҳар кунни дарактларда шох-шаббалардан уя қуришади. Кузатишлар шунини кўрсатдики, маймунлар уя қуришда материалларни танлаш чоғида *амалий таҳлилга* биноан иш қуришади.

Тадқиқот жараёнида маймунларнинг бинокорлик «фаолияти» кемирувчилар (каламуш)нинг уя қуриши билан таққослаб қўрилди. Қаттиқлиги турлича материаллар, жумладан, дарахт шохлари ва қоғоз мавжуд бўлган ҳолда шимпанзе ҳам, каламушлар ҳам уяни бир хил типда, яъни уянинг асосий қисмини қаттиқ материалдан ясаб, ичига анча юмшоқроқ материал тўшайди. Агар шимпанзегга ва каламушга фақат юмшоқ материал берилса, у ҳолда иккаласи ҳам уяни шу материалдан қуришга киришади. Лекин улар тавсия қилинган материалдан уяларини ясаб бўлганларидан кейин уларга анча дағалроқ материал берилса, у ҳолда ҳайвонларнинг реакцияларида дарҳол сифат фарқ қўринади. Шимпанзе анча дағал материалга эга бўлганидан кейин шу заҳотиёқ уясини қайта қуришга киришади. Юмшоқ материалдан қурилган иншоотни қўли билан бир чеккага суриб қўяди ва анча дағал материалдан уянинг асосини қўра бошлайди. Шундан кейингина у юмшоқ материалдан фойдаланади, уни уясининг ички юзларига тўшайди. Каламушлар худди шунга ўхшаш вазиятда қурилишни давом эттирадilar, дағал материални юмшоқ материал устидан тўшай берадилар.

Шундай қилиб, уя қуриш маймунларда гарчи инстинктив ҳаракатлар натижасида амалга оширилган бўлса ҳам, бу ҳаракатлар ташқи шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда юз бери.

Маймунларнинг индивидуал тажрибада ҳосил қилган хатти-ҳаракатлари ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Маймунларда ва анча тубан ҳайвонларда малакаларнинг ҳосил бўлишини кузатган тадқиқотчи баъзан шундай ажаблاندиган фактга дуч келиши мумкинки, анча тубан умуртқали ҳайвонларда малакалар маймунларга қараганда тезроқ пайдо бўлади. Бу факт малака тезроқ ҳосил бўладиган ҳайвонларга қараганда маймунлар анча содда деган маънони англатмайди. Гап шундаки, маймунлар у ёки бу нарсаларни ва уларнинг атроф-муҳитдаги нисбатини сезишга лаёқатли бўлиб, уларга таъсир кўрсатиш имкониятига эгадир. Уларнинг хатти-ҳаракатлари эса кўпинча ушбу қобилият билан белгиланади. Шундай ҳам бўладими, маймуннинг «беғараз» қизиқувчанлиги диққатини унинг ўзи экспериментдан ўтказилаётганига жалб қилишга қўймайди. Кўпинча уни «проблема қутиси»га яшириб қўйилган хўракдан кўра истеъмол қилиб бўлмайдиган нарсалар кўпроқ қизиқтириб қолади. Лекин маймунларда мустаҳкам шартли боғланишлар ҳосил бўлаётган ҳолда улар худди бошқа юксак тараққий этган ҳайвонлардаги каби бир хилда юз беради.

Рафаэль исмли шимпанзедга ўтказилган қатор тажрибалардан бир жihatини кўриб чиқамиз. Қўтига яшириб қўйилган мевалар олдида спирт лампаси ёқиб қўйилган. Рафаэль мевани олиш учун неча бор уринишларидан бирида тасодифан шамчироқ устида турган сувли идишнинг жўмрагига тегиб кетди. Жўмракдан тушган сув алангани ўчирди. Ҳаракат хотирада сақлаб қолинди. Янги вазиятда сувли идиш бир чеккага қўйилади. Бир неча марта уринганидан сўнг Рафаэль бу вазифанинг ҳам улдасидан чиқди: у оғзига сув тўлдириб, уни алангага қараб сепди. Навбатдаги вазиятда хўрак солинган қўти сув ҳавзасининг ўртасида жойлашган солининг устига қўйилди. Сувли идиш эса яна бошқа бир сол устига қўйилди. Рафаэль алангани ўчириш учун омонат кўприкдан иккинчи солга қараб отилди.

Ҳайвон ҳаракатнинг ўзлаштирилган усули (малака) ни янги вазиятга кўчирди. Тўғри, бу хилдаги ҳаракат номақбул (сол атрофида сув бор!) ҳисобланади. Лекин у биологик жиҳатдан ўринлидир. Омонат кўприкчадан ҳаракат қилиш маймун учун ортиқча жисмоний қийинчилик туғдирмайди. Шу бонсдан ҳам экспериментда содир қилинган вазият шимпанзе учун ҳал этилиши ақл-идрокнинг ишга солинишини талаб қиладиган проблемали вазият бўлгани йўқ. Муносабат билдиришнинг анча бир хил усули сифатида инстинктлар ва малакалар ҳайвон организмни ортиқча зўриқшдан сақлайди. *Ҳайвон қаторасига бир неча бор муваффақиятсизликка дуч келгандан кейингина масалани ҳал қилишнинг юксакроқ даражадаги усулига, яъни интеллект (ақл-идрок) билан иш кўриш усулига мурожаат қилади.* Бироқ вужудга келган вазият ҳайвонлар учун камдан-кам ҳолда проблемага айланади ва, бинобарин, анча юксак, идрокни ишлатиладиган даражада акс эттириш алоҳида зарурат сифатида намоён бўлмайди. *Интеллектуал хатти-ҳаракат ҳайвонларнинг кўпинча яширин имконияти сифатида қолиб кетади.*

Совет психологи *Н. Н. Ладигина-Котс* (1889—1963) нинг тажрибаларида Парис деган шимпанзе ичига хўрак солинган найчани олиши биланоқ, найчанинг ичига киритиш учун яроқли бўлган, ишлатишга қулай қурулни танлашга тушарди. Бунда Парис турли белгиларни — нарсаларнинг шакли, узунлиги, кенглиги, қалинлигини ажрата биларди. Агар мос келадиган нарса топилмаса, Парис ёнида ётган дарахт шохларидан ён шохларини юлиб олар, энли тахтадан пайраҳалар ажратиб чиқарар, букланган симларни тўғрилар, хуллас, маймун «қурул» ясар эди.


Бироқ юксак тараққий этган маймунлардаги «қурул яшаш» фаолиятининг аҳамиятини ошириб юбориш ярамайди. *В. Келлер, Э. Г. Вацура, Н. Н. Ладигина-Котслар* ўтказган тажрибалардан маълумки, шимпанзелар айнан бир хилдаги вазиятда, яъни мақсадга эришиш учун иккита таёқни бирлаштириш зарур бўлган пайтда ўзларини йўқотиб қўйишди. Бу шундоқ ҳам тушунарли: шохларни ғажиж, пайраҳаларни ажратиш — булар маймуннинг табиатда бажарадиган табиий ҳаракатларидир. Лекин маймунлар табиий шароитларда таёқларни бир-бирига улаб иш кўрмайди. Бу хилдаги вазифаларни бажариш учун кўп уриниш, синаб кўриш талаб қилинади. Шунга қарамай, маймунлар баъзан иккита анча қисқа таёқдан битта узун таёқ яшашга, яъни «қурул» яшашга муваффақ бўлишарди. Аммо улар тайёрланган «қурулни» сақлашмайди, нафи тегади деб ўйлашмайди. Маймунда «қурул» унинг бевосита ҳаракати жараёнида пайдо бўлади ва шу заҳоти йўқолади. Шу сабабдан ҳам одамнинг меҳнат фаолияти билан маймунларнинг тегишли ҳаракатлари ўртасида фақат шартли ўхшашлик бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан *И. П. Павлов*нинг хўрак яширилган қути билан ўтказган тажрибалари қизиқарлидир. Маймун учбурчак шаклидаги тешикдан хўракни кўради. Агар ана шу тешикка учбурчак шаклида йўниланган таёқни

киритиб, қутининг ичидаги дастакни босилса, қутини очиб мумкин. Экспериментчи бу жараёни маймуннинг кўз ўнгида бажаради. Маймуннинг қаршисида ҳар хил — думалоқ, квадрат, учбурчак қилиб йўнлган таёқлар қалаштириб ташланган. Олдига барча маймунлар қўлига илган таёқни ҳар қандай тешикка киритишга уринишади. Сўнгра эса улар таёқларни пайпаслаб, ҳидлаб, уёқ-буёғини ағдариб кўришди ва навбатма-навбат тешикка киритишга урина бошлашди. Пировардида туғри мулжал олинди.

Шундай қилиб, *маймунларнинг интеллектуал ҳаракатлари тахминий ҳаракатлар жараёнида конкрет амалий тафаккур шаклида юз беради.*

Юксак тараққий этган маймунлардаги хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг *тақлидчилигидир.*



3-расм. Шимпанзе расм чизаётган одамнинг қўл ҳаракатларига тақлид қилмоқда.

Масалан, маймун полни супуриши ёки латтани ҳўллаши, унинг суви ни сиқиши ва полни артиб чиқиши мумкин. Бундай тақлидий ҳаракатлар кўпинча жуда оддий тарзда бўлади: одатда маймунлар ҳаракатнинг натижасига эмас, балки ўнинг ўзига тақлид қилишади (3-расм). Шунинг учун ҳам маймун полни «супураккан», кўпинча ахлатни бир жойдан иккинчи жойга кўчиради ва уни полдан батамом олиб ташламайди. (Туғри, баъзи бир туғри ўргатилган ҳайвонлар бу вазифани ҳам уйдalayди.) Маймунларда интеллектуал тақлиднинг мавжудлиги исботланмаган.

Шундай қилиб, акс эттиришнинг барча шакллари (тропизмлар, инстинктлар, малакалар, интеллектуал хатти-ҳаракатлар) кескин чегараланмайди. Ҳайвонот оламида ривожланишнинг ягона узлуксиз яқинлиги мавжуддир: инстинктлар, жумладан, малакаларни ҳосил қилади, малакалар инстинктларга айланади.

Лекин ривожланишнинг узлуксизлиги конкрет ифодаланмиш жараёнида узилишнинг мавжудлиги ҳам кўриниб қолади: ҳайвонларнинг бир хил турларида инстинктлар устун бўлса, бошқаларида шахсий тажриба жараёнида орттирилган боғланишлар устунроқ бўлади.

Ҳайвонларнинг «Ижтимоий ҳайвонларнинг ўзаро муносабат-муносабатлари лари баъзан жуда ҳам мураккаблашиб кетади. ва «тили» Ганглиоз нерв системасига эга бўлган ва катта-

катта тўдаларга бирлашиб ҳаёт кечирадиган ҳайвонлардаёқ фақат мураккаб индивидуал инстинктив хатти-ҳаракатларни-

гина эмас, балки ўша тўданинг алоҳида бир вакили «тили»га¹ нисбатан инстинктив реакциялари ҳам ривожланганини кўриш мумкин.

Чунончи, асалари шира тўплаб, уясига қайтаётганида муайян бир шаклда ҳаракатлар ясаб («рақсга тушиб»), бу билан асалга бой гуллар қаерда жойлашгани ҳақида бутун асаларилар тўпни хабардор қилиши аниқланди. Чумолиларнинг «тили» жуда мураккабдир. Маълум бир ҳаракатлар қатъий бир хабарни аңлатади. Ҳаракат реакциялари биргалликдаги ҳаракатга чақириқни, овқат бериш ҳақидаги илтимосни ва шу қабиларни аңлатиши мумкин.

Ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвонлардаги «тил» гавдасини маълум бир қиёфада тутиш билан, акустик сигналлар, кимёвий («ҳид билиш») ахборотлар, турли хилдаги суйкавишлар орқали ифода этилади.

Тўплашиб юрган ҳашаротлар хатти-ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлиги ва уйғунлиги кузатувчини ҳайратга солади. Лекин ушбу уйғун равишдаги мақсадга мувофиқлик ахборотни қабул қилувчи ҳайвонлар реакциясининг бир хилда эканлиги билан белгиланади. Уларнинг реакцияларида озгина бўлса ҳам аңлашилганликдан, ахборотни қайта ишлашдан асар йўқ бўлади; сигнал олинishi биланоқ эволюцияда ҳосил қилинган хатти-ҳаракат содир бўлади.

Юксак тараққий этган ҳайвонлар (қушлар, сут эмизувчилар) нинг тўдасида ҳам ўзаро муносабатларнинг муайян шакллари мавжуддир. Ҳайвонларнинг ҳар қандай тарзда бирон-бир тўдага бирлашуви муқаррар равишда тўдадагиларнинг бир-бири билан алоқа қилишлари учун зарур бўлган «тил» нинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳар қандай тўдада биологик жиҳатдан тенгсизлик қарор топади: кучли ҳайвонлар кучсизларини ўзига бўйсундиришади. Кучлиларига овқатнинг яхшироқ жойи тегади, улар ўзларини тўданинг бошқа аъзолари орасида анча эркин ҳис қилишади. Кучсиз ҳайвонлар бошқа турларга мансуб ҳайвонлар учун ўлжа бўлиб, ўзи мансуб бўлган турнинг энг яхши вакиллари сақланиб қолиши учун гаров бўлиб хизмат қилади. Кучсиз ҳайвонлар, ўз навбатида, тўда ичида ўзларини нисбатан ҳимоя қилиш имконини берадиган воситаларга эгадир (4-расм). «Бўйсунishi қиёфаси» аталмиш алоҳида бир ҳолатга кириб туриш ана шундай воситалар жумласидан бўлиб, анча кучлироқ ҳайвон билан тўқнашувда мағлубиятга учраётган ҳайвон ўзининг олишувни давом эттиришга қодир эмаслигини шундай ҳолат воситасида хабар қилади.

Масалан, австриялик этолог К. Лоренц қуйидагича вазиятни кузатишга муваффақ бўлди. Ёш бўри ўзининг куч-қувватга тўлиб кетганини сезиб, тўданинг бошлиғига ташланади. Лекин катта бўри етақчилики даъво қилган ёш бўрига тишларининг ҳали етарли даражада мустаҳкам эмаслигини бир

¹ «Тил» деганда биз сигнал беришнинг ҳар қандай системасини, хабар беришнинг ҳар қандай воситасини тушунаимиз.



4- расм. Товуқларда устунлик ва буйсунганлик ҳолатлари: 1 ва 2— товуқ ва хўрознинг устунлиги ҳолати; 3— жуда ҳам тажовузкорона ҳолат; 4—тажовузкорлик нияти бўлмаган ҳолда тўдага қўшилишга тай- ёрлик ҳолати; 5— буйсунганлик ҳолати; 6— таклиф қилиш ҳолати.

пастдаёқ кўрсатиб қўйди. Еш бўри дарҳол буйсунганлик ҳолатига кирди: ваҳ- шиёна тусга кирган рақибнинг оғзи остига буйинини қўйди. Одатда ҳайвон- лар олишув пайтида буйинини муҳофиза қилади. Катта бурининг ҳужумкор- лик важоҳати шу заҳотиёқ сўнди — минглаб авлодлар ҳаёти давомида ҳосил бўлган инстинкт ўз таъсирини кўрсатди. Тобелик ҳолатига кириш одати тўда бўлиб яшайдиган барча ҳайвонларда бор. Маймунларда бундай ҳолатни бил- дирадиган қиёфалар аниқ ифода этилган бўлади.

Ҳайвонларда қиёфа, суйканиш «тили» дан ташқари эшити- ладиган сигналлар «тили» ҳам бор. Сайроқи қушларда, дель- финларда, маймунларда мураккаб товуш сигнали борлиги ба- ён қилиб ўтилди. Чиқариладиган товуш ҳайвоннинг ҳиссий ҳолатини акс эттиради. Шимпанзенинг овоз реакцияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, маймуннинг ҳар бир чиқар- ган товуши муайян рефлексор фаолияти билан боғлангандир. Товушларнинг бир неча гуруҳи: овқатланиш пайтида чиқари- ладиган товушлар, мўлжал олиш ва мудофаа қилиш, тажовуз солиш товушлари, жинсий функцияларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ товушлар ва ҳоказолар маълумдир.

Битта тўдадаги ҳайвонлар бир-бирининг товуш реакцияла- рига қараб мўлжал олишади. Товуш реакциялари тўданинг вакилларига ўз шерикларининг қандай ҳолатдалиги ҳақида қў- шимча ахборот етказди ва шу йўсинда тўданинг ичида ҳа- ти-харакатни йўналтириб туради. Очиққан ҳайвонлар бирон- бир нарсани истеъмол қилаётган ҳайвонларнинг иштаҳали то- вуши эшитилган томонга қараб силжишади; соғлом ва тўқ ҳайвонлар ўз қабиладошларининг ўйини ёки мўлжал олишга оид товушларига эътибор беради ва шу тарзда ҳаракат қилиш

ёки хатти-ҳаракатини йўналтириш эҳтиёжини қондиради; урушаётган маймунларнинг овозини эшитиши билан серка маймун тўдада тартиб ўрнатиш учун чопиб келади; хавф-хатар ҳақидаги ваҳимали сигнал бутун тўдани безовталантириб қўяди. Ҳайвонларнинг «тили» да фақат битта нарса етишмайди — *ҳайвонларнинг «тили» одамларнинг тилидан фарқли ўлароқ, тажрибани ифода этиш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди.* Шунинг учун ҳам бирон бир алоҳида буюк жонзот вакили ўзининг индивидуал тажрибасида анчагина осон овқат топишининг бир қатор усулларини топди деб тахмин қилганимизда ҳам, у ўз тажрибасини ҳайвонлар ихтиёридаги «тил» да мавжуд бўлган воситалар билан (ҳатто унда шундай эҳтиёж пайдо бўлган тақдирда ҳам) ифодалашга қодир эмас.

I. 3.2. Психиканинг муҳитга ва аъзоларнинг тузилишига боғлиқлиги

Психика ва муҳит

Агар жонли мавжудотларнинг ҳаёт кечирishi муҳити ҳамма жойда мутлақо бир хил бўлганида, эҳтимол, Ер юзи бир хил турдаги ҳайвонлар билан тўлиб кетган бўларди. Ҳақиқатда эса муҳит иқлим жиҳатидан ҳам, яшаш шароити жиҳатидан ҳам ғоят ранг-баранг бўлиб, бу организмларнинг табақаланишини тақозо этади. Ер юзида бир миллиондан зиёдроқ турдаги ҳар хил ҳайвонлар яшайди. Ер юзидаги ҳодисалар жуда ранг-баранг бўлса ҳам, уларнинг циклли алмашинуви — йиллик цикллари, кун ва туннинг алмашинуви, ҳароратнинг алмашинуви ва ҳоказолар мавжуддир. Барча жонзот мавжуд шарт-шароитларга мослаша боради.

Оддий таъсирланувчанликдан бошланган ўз-ўзини бошқариш қобилияти одамнинг ижодий ақл-идрокида юксак даражадаги тараққиётига эришди.

Акс эттириш усуллари қанчалик юксалган сари ҳайвонларнинг мазкур тури муҳитнинг бевосита таъсиридан шунчалик озод бўла боради. Муҳитнинг ўзгаришига тропизмлар билан муносабат билдирадиган бир ҳужайрали организм муҳит шарт-шароитларига тамомила боғлиқ бўлади.

Мисол учун, жумладан, муҳитнинг ҳарорати ўзгариши билан организмдаги кимёвий реакцияларнинг тезлиги ҳам ўзгара бошлайди: ҳарорат кўтарилиши билан реакциянинг тезлиги ошади, пасайган тақдирда пасаяди, ҳарорат ҳаддан зиёд ошиб ёки пасайиб кетганда эса бир ҳужайрали организм ҳалок бўлади. Агар жуда паст ҳароратли шароитга жойлаштирилса, шубҳасиз, бошқа ҳар қандай жонли организм ҳам шундай қисматга учрайди. Лекин мана шундай шароитларда юксак тараққий этган ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларида жиддий тафовут бўлади.

Яшаш шаронтларининг кескин ўзгариши ҳайвонларни жойини ўзгартиришга мажбур этиши азалдан маълум. Ҳайвонларнинг бу хилдаги хатти-ҳаракатлари шаронтга кўпроқ ёки камроқ даражада мос бўлиши мумкин. Чул тошбақаси ва майда кемирувчилар иссиқ кунлар бошланиши ва қишқи совуқ тушиши олдидан ўзларининг нормал ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шаронтларга анча мос келадиган ҳарорат сақланадиган чуқур ин қазиб, ер тагига кириб кетади. Бу ўринда инстинктлар ҳаракат қилади. Фил ўзига сув сепи бошлайди, қалин сояга яширинади, маймун ҳам иссиқдан яхши сақланиши учун имкон берадиган жойни танлашга ва тайёрлашга уринади. Бу ўринда инстинктлардан ташқари ҳайвонлар индивидуал ҳаёт кечириш жараёнида орттирган тажриба — шартли боғланишлар таъсир қилади.

Шундай қилиб, ҳайвонлар муҳитга бевосита боғлиқликдан секин-аста қутила боради. Лекин жонли мавжудотлар ривожланишининг ҳар қандай даражасида ҳам бундай боғлиқликдан ҳеч қачон батамом қутила олмайди. Муҳит — жонли организмнинг ҳаёт кечириш шарт-шаронти, жонли мавжудотлар ҳаёт кечиришининг бош омил, бошқачасига айтганда, *жонли организмларнинг ҳаёт кечириши муҳитнинг шарт-шаронтлари билан аниқ белгилаб қўйилгандир* (сабабли боғлиқликдир).

Психика ва нерв системасининг эволюцияси

Акс эттиришнинг бир-бирига ўхшашлиги энг аввало сезги аъзолари ва нерв системасининг тузилишига боғлиқдир. Рецептор муайян турдаги қўзғатувчиларга қанчалик нафис жавоб қилса, реакция ҳам шунчалик бир-бирига ўхшаш бўлади. Бунда маълум даражада туғридан-туғри боғланиш бор. Масалан, кўриш рецептори Қуёшнинг тарқоқ нурини акс эттиришга мослашув муносабати билан ривожланди.

Худди оддий кўп ҳужайралли ковакичкалиларда бўлгани каби бир ҳужайраллиларда ҳам ёруғликка фақат умумий реакцияни — фототропизмни кузатиш мумкин. Ер чувалчангида унинг эпидермисида жойлашган ёруғликни сезувчи ҳужайралар мавжуддир. Бу ҳужайралар ёруғликнинг бор ё йўқлигини қайд этиш қобилиятига эгадир. Моллюсканинг «ликочасида» унинг танасига ботган ҳолда бамисоли қопчиқ сингари ёйилган ёруғликни сезувчи бир гуруҳ ҳужайралар учрайди. Кўриш организм бундай тарзда жойлашуви ҳайвонга ёруғликнинг фақат бор ё йўқлигини эмас, балки унинг қайси томондан тушаётганини ҳам пайқаш имконини беради. Ҳашаротларда кўзнинг фасет тарзида тузилиши майда нарсаларнинг шаклини ажрата олиши учун имконият туғдиради. Умуртқали ҳайвонларнинг кўпчилигида кўз ёруғликни синдирувчи махсус линза (кўз гавҳари) га эгадир. Шу туфайли предметнинг тасвирини аниқ кўриш имкони туғилади.

Рецепторларнинг ривожланиши маълум даражада муайян турдаги нерв системасининг ривожланиши билан бирга боради. Сезги аъзолари ва нерв системасининг ривожланиши дара-

жаси муқаррар равишда психик акс эттиришнинг даражаси ва шаклини белгилаб беради. Ривожланишнинг куйи босқичида (масалан, ковакичаклиларда) нерв системаси бутун организм бўйлаб тарқалган ва ўзаро чапишиб кетган ўсимталари бўлган нерв хужайраларидан таркиб топган нервдан иборат булади. Бу *тўрсимон нерв системасидир.* Тўрсимон нерв системасига эга бўлган ҳайвонлар, юқорида айтиб ўтилганидек, асосан тропизмлар орқали реакция билдиради. Уларда муваққат боғланишлар қийинчилик билан ҳосил булади ва яхши сақланмайди.

Ривожланишнинг кейинги босқичида нерв системаси сифат жиҳатидан бир қатор ўзгаришларга учрайди. Невр хужайралари фақат тўрлар эмас, балки тугунлар (ганглийлар) ҳам ҳосил қилади. *Тугунли ёки ганглийли нерв системаси* энг кўп миқдордаги қўзғатувчиларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имконини беради. Негаки, сезувчан нерв хужайралари қўзғатувчиларга бевосита яқин жойлашган булади ва қўзғалишни таҳлил этиш сифатини ўзгартириб юборади. Ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвонларда етакчи ганглий нерв системасининг бошқа барча тугунларига қараганда анча мураккаб тузилишга эга. Чувалчанглардаги ганглиоз нерв системаси анча соддароқдир: улардаги сегмент ганглийлар ўзларининг акс эттириш имкониятларига кура бир хил ва шунга биноан янада сезгирлик билан акс эттиришга имкон бермайди. Фақат асосий ганглий ўз функциялари ва боғланишлари жиҳатидан бир хил бўлмаган нерв хужайралари қўшилиувидан таркиб топганлиги учун анча ранг-баранг қўзғатувчиларни қабул қилади ва қайта ишлайди.

Тугунли нерв системасининг мураккаблашуви юсак тараққий этган умуртқасиз ҳайвонларда — ҳашаротларда кузатилади. Тананинг ҳар бир қисмида ганглийлар қўшилиб, бир-бири билан *невр йўллари* орқали боғланган *невр марказларини* ҳосил қилади. Айниқса бош қисмида жойлашган марказ мураккаб тузилгандир. Ҳашаротларнинг нерв системаси муҳит билан етарли даражада мураккаб тузилишга эга бўлган рецепторларнинг ёрдамида боғланади. Ганглиоз нерв системасига эга бўлган ҳайвонлар ташқи муҳитнинг таъсирини ҳам туғма, ҳам индивидуал тажрибада орттирилган рефлексларни ишлатган ҳолда акс эттиради. Бироқ бу ўринда кўп сонли *туғма рефлекслар устунлик* қилади.

Невр системасининг олий типини — *найчасимон нерв системасидир.* У найчасимон қилиб бирлашган нерв хужайраларидан ташкил топган булади (хордалиларда). Умуртқалиларда эволюция жараёнида орқа ва бош мия — *марказий нерв системаси* пайдо булади ва ривожланади. Ҳайвонларда нерв системаси ривожланиши билан бир пайда *сезги органлари ривожлана ва такомиллаша* боради. Невр системаси ва рецепторларнинг ривожланишига мувофиқ равишда *психик акс эттириш шакллари* ҳам *мураккаблашади.* Ҳайвонларда янги

психик функциялар пайдо бўлади ва эволюциянинг анча қуйи босқичида пайдо бўлганлари (*сезгилар, идрок, хотира* ва *ниҳоят, тафаккур*) такомиллашади. *Нерв системаси қанчалик мураккаб бўлса, психика ҳам шунчалик мукаммал бўлади.* Умуртқалилар эволюциясида бош миянинг ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Бош мияда турли хилдаги функцияларни ўз зиммасига оладиган алоҳида чекланган марказлар ҳосил бўлади. Бу марказлар махсус нерв бирикмалари — *ассоциатив зоналар* орқали ўзаро боғланади. Ҳайвон қанчалик юксак тараққий этган бўлса, бу зоналар ҳам шунчалик мукаммал бўлади. Марказий нерв системасига эга бўлган Ҳайвонлар муҳитнинг таъсирини анча ўхшаш ҳолда акс эттиради. Бунда юксак даражада уюшган Ҳайвонлар нерв фаолиятининг асосий фондини *шартли рефлекслар йиғиндиси* ташкил этади.

Шундай қилиб, *психиканинг эволюцияси рецепторлар функциялари шакллари*нинг, *шунингдек сигнал фаолиятининг мураккаблашуви*да ифодаланади.

Ҳайвонларда тана тузилишининг, нерв системаси ва сезги органларининг прогрессив ривожланиши акс эттириш шаклларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариши туфайли жонли организмнинг муҳит билан тобора мураккаб ва кўп томонлама боғланишлари ҳосил бўлишини тақозо этади. Психик функциялар Ҳайвоннинг ҳаёт кечирадиган муҳитига ва ўзининг тузилиши хусусиятларига боғлиқ ҳолда ривожланади. Жумладан, кўриш рецепторининг тузилиши Ҳайвоннинг ҳаёт кечирадиган муҳитда кўзи ёрдамида яхшироқ мўлжал олишга имкон беради. Чуқур сув тагида яшайдиган балнқларнинг кўзлари оз миқдордаги ёруғликнинг кўзғалишларини илғайди. Улар кўзининг тўр пардасида юксак даражада сезувчан махсус аъзолар — *таёқчалар* бўлади. Кўз қорачиғи ва гавҳари нисбатан каттадир. Ер устида яшайдиган юксак тараққий этган Ҳайвонларнинг кўзи шундай тузилганки, мугуз пардаси ва гавҳари ультрабинафша нурларни тўр пардага қадар ўтказмайди. Кундузи ва тунда ҳаёт кечирадиган Ҳайвонларнинг кўзи ҳам яшаш шароитига боғлиқ махсус аъзога эгадир. Кўзларнинг ҳар хил тузилишда бўлишининг ўзи ҳам муайян муҳит шароитларида кўзғатувчиларнинг анча ўхшаш тарзда акс эттиришини таъминлайди.

Бироқ бир хилдаги муҳит шароитларида Ҳайвонларда фақат бир типдаги рецепторлар ривожланади ва етакчи бўлиб қолади, деб ўйлаш ярамайди. Ҳайвонларда сезувчанликнинг филогенетик ривожланиши улар учун қайси бир кўзғатувчи биологик жиҳатдан кўпроқ аҳамиятга эга эканлигига боғлиқдир. Ургимчак бир хилдаги муҳитнинг ўзида тебранишга қараб мўлжал олади; қурбақа — киши эшитадиган шитирлашга, кўршапалак — ультратовушларга, ит кўпроқ хидга (барча хидларга ҳам эмас, балки органик кислоталар хидига, хид сезгиси пасайган кезларда — ҳушбуй нарсалар — гуллар, ўтлар хидига) қараб мўлжал олади ва ҳоказо.

Психиканинг эволюцияси бир текисда юз бермайди. У бир-бирдан фарқ қиладиган йўналишда бўлади. Бир хилдаги муҳитнинг ўзида акс эттириш даражасига кўра турлича ҳайвонлар ёки аксинча, ҳаёт кечирининг турли хил шароитларида акс эттириш даражасига кўра бир-бирига яқин бўлган ҳар хил турга мансуб ҳайвонлар яшайди. Масалан, дельфинлар, филлар ва айиқлар шу жиҳатдан бир хилда юксак даражада ривожланган ҳайвонлар деб ҳисобланади.

Муҳит аллақандай доимий нарса эмас. Ҳар қандай материя сингари муҳит эволюциялашади. Ушбу эволюциялашувчи муҳитга унда яшайдиган ҳайвонот тури мослашади. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, ҳайвонлар туридан бири учун, афсус, муҳит тубдан ўзгариб, бу психик функцияларининг ривожланишига таъсир қилади, аynи чоғда эса бу ўзгариш бошқа ҳайвонларнинг функцияси ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмайди. Жумладан, яшаш шароитининг тубдан ўзгарганлиги ибтидоий одамсимон маймунларнинг хатти-ҳаракатлари сифат жиҳатидан қайта ўзгаришига сабаб бўлдики, бу оқибат натижада Ерда одамнинг пайдо бўлишига олиб келди.

I. 3.3. Меҳнат фаолияти жараёнида онгнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-тарихий моҳияти

Ҳайвонлар ва одам психикаси ўртасидаги фарқнинг моҳияти

Шубҳа йўқки, одам психикаси билан энг юксак тараққий этган ҳайвоннинг психикаси ўртасида жуда катта тафовут мавжуддир.

Масалан, ҳайвонларнинг «тили» билан одамнинг тилини бир-бирига таққослаб бўлмайди. Ҳайвон ўз қабиладошларига муайян, бевосита вазият билан чекланган ҳодисалар ҳақида фақат хабар беришигина мумкин бўлган бир пайтда *киши тил воситасида* бошқа одамларга ўтмиш, ҳозирги пайт ва келажак ҳақида ахборот бериши, уларга *социал тажрибани етказиши мумкин.*

Инсоният тарихида тил туфайли акс эттириш имкониятларининг қайта қурилиши юз берди: борлиқ киши миёсида янада равшан акс этади. Алоҳида ҳар бир киши тил туфайли жамиятнинг кўп асрлик тажрибасида ортирилган тажрибадан фойдаланади, у ўзи шахсан ҳеч қачон учратмаган ҳодисалар ҳақидаги билимларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тил кишига кўплаб ҳиссий таассуротларнинг мазмуни тўғрисида ўзига ҳисоб бериш имкониятини яратди.

Ҳайвонларнинг «тили» билан одамнинг тили ўртасидаги тафовут тафаккурдаги тафовутни ҳам белгилайди. Бу шу нарса билан изоҳланадики, алоҳида ҳар бир психик функция бошқа функцияларнинг ўзаро таъсирида ривожланади.

Тадқиқотчилар ўтказган кўплаб экспериментлар юксак тараққий этган ҳайвонларга фақат амалий тафаккур (Павловнинг ибораси билан айтганда, «қўл» тафаккури) хослигини

кўрсатди. Маймун фақат тусмоллаб мўлжал олиш жараёнидагина у ёки бу вазият келтириб чиқарган вазифани ҳал этишга ва ҳатто «қурол» ҳам ясашга қодирдир. Ҳайвонларнинг психикасини ўрганган бирорта ҳам тадқиқотчи маймунларда тафаккурнинг мавҳумлашган йўсинда юз берганини ҳали кузатган эмас. *Ҳайвон фақат кўриниб турган тарзида идрок этиладиган вазият чегараларидагина ҳаракат қилиши мумкин*, у бундан ташқарига чиқиши, шу вазиятни мавҳумлашган ҳолда акс эттириб, мавҳум принципти ўзлаштириши мумкин эмас. Ҳайвон — бевосита идрок қилинадиган вазиятнинг қулидир.

Кишининг хулқ-атвори мазкур конкрет вазиятдан абстракциялашишга (мавҳумлашишга) ва ушбу вазият муносабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни олдинроқ пайқаш лаёқатига кўра ажралиб туради. Жумладан, денгизчилар кемадаги кичиккина тешикни шошилинч тарзда тузата бошлайдилар, учувчи эса ёнилғи озайиб қолиши биланоқ яқинроқдаги аэродромни излай бошлайди. Одамлар муайян вазиятнинг сира ҳам қули эмас, улар келажакни кўра билишга қодирдилар.

Шундай қилиб, *ҳайвонларнинг конкрет, амалий тафаккури уларни муайян вазиятдан бевосита таъсиротга бўйсундиради*, одамнинг мавҳумлашган тарзда тафаккур юритишга бўлган қобилияти унинг ушбу муайян вазиятга бевосита боғлиқлигини бартараф этади. Киши муҳитнинг бевосита таъсиринигина эмас, балки уни ҳали кутаётган таъсирларни ҳам қайтаришга қодирдир. *Киши хусусан ўзи англаган заруратга кўра — онгли хатти-ҳаракат қилиш қобилиятига эга.* Бу — инсон психикасининг ҳайвон психикасидан энг биринчи муҳим фарқидир.

Одамнинг ҳайвондан иккинчи фарқи унинг *қуролларни яратишга ва сақлашга лаёқатли эканлигидир.* Ҳайвон қуролни конкрет кўриниб ва таъсир этиб турган вазиятда яратади. Ҳайвон конкрет вазиятдан ташқарида қуролни ҳеч қачон қурол сифатида ажратмайди, уни бирон наф келтиради, деган мақсад билан сақлаб қўймайди. Муайян вазиятда қурол ўз ролини бажариб бўлганидан кейин у маймун учун қурол сифатида мавжуд бўлмай қолади. Жумладан, агар маймун ҳозиргина таёқдан мевани ўзига тортиб олиш учун фойдаланган бўлса, бироз вақт ўтгач, ҳайвон уни ғажиги ёки бошқа бир маймуннинг уни ғажигганига бамайлихотир қараб ўтиравериши мумкин. Шу тариқа *ҳайвонлар доимий нарсалар оламида яшашмайди.* Нарса фақат конкрет вазиятда, фаолият жараёнидагина муайян аҳамият касб этади¹. Бундан ташқари, *ҳайвонларнинг қуролсозлик фаолияти ҳеч қачон коллектив тарзда рўй бермайди*, маймун, нари борса, ўз қабиладошнинг фаолиятини кузатиб боради, лекин улар ҳеч қачон биргаликда, бир-бирига ёрдам берган ҳолда ҳаракат қилишмайди.

¹ «Фаолият» тушунчаси ҳайвонларга татбиқан фақат шартли равишда, «ҳаётий фаолият» маъносидagina қўлланилиши мумкин, холос.

Одам ҳайвондан фарқли ўлароқ, олдиндан ўйланган режага биноан қурол яратади, уни белгиланган мақсадда фойдаланади ва сақлайди. Инсон нисбатан доимий нарсалар оламида яшайди. Киши қуролдан бошқа одамлар билан биргаликда фойдаланади, биридан қуролдан фойдаланиш тажрибасини ўзлаштира, бошқа одамлар билан уни баҳам кўради.

Инсон психик фаолиятининг ажралиб турадиган учинчи белгиси — *ижтимоий тажрибанинг* биридан иккинчисига *ўтказилиб туришидир*. Ҳайвон ҳам, одам ҳам қўзғатувчининг муайян турига, аждодларнинг инстинктив хатти-ҳаракатлари тарзидаги маълум бир тажрибага эгадир. Униси ҳам, буниси ҳам ҳаёт инъом этган турли вазиятларда шахсий тажриба орттиради. Лекин *фақат одамгина ижтимоий тажрибани ўзлаштиради*. Алоҳида бир кишининг хулқ-атворида ижтимоий тажриба асосий уринни эгаллайди. *Киши психикасини кўпроқ даражада у эгаллаб оладиган ижтимоий тажриба ривожлантиради*. Бола туғилган чоғиданоқ қуролларни ишлатиш йўларини, муносабат воситаларини эгаллай бошлайди. Кишининг психик функциялари алоҳида субъект томонидан инсониятнинг маданий ривожланиши қуролларини эгаллаб олиши туфайли сифат жиҳатидан ўзгаради. Кишида олий, хусусан инсоний функциялар (ихтиёрий хотира, ихтиёрий диққат, абстракт тафаккур) ривожлана боради.

Ҳис-туйғуларнинг ривожланишида, худди абстракт тафаккурнинг ривожланишида бўлгани каби, воқеаликни кўпроқ даражада адекват (бир хилда) акс эттириш воситаси мужассамлашгандир. Шунинг учун *ҳис-туйғулардаги тафовут* ҳайвон билан инсон ўртасидаги тўртинчи, жуда муҳим тафовут ҳисобланади. Тўғри, одам ҳам, юксак тараққий этган ҳайвон ҳам атрофида юз бераётган нарсаларга бефарқ бўлиб қола олмайди, албатта. Нарсалар ва воқелик ҳодисалари ҳайвонларда ҳам, кишиларда ҳам нима таъсир кўрсатаётган бўлса, шунга нисбатан муносабатнинг маълум бир турини — ижобий ёки салбий ҳиссиётни қўзғатиши мумкин. Бироқ фақат одамгина бошқа кишининг ғам-ғусасини ва қувончини биргаликда баҳам кўришдек етук қобилият мавжуд, фақат одамгина табиат манзараларидан завқланиши ёки бирон бир ҳаётий фактни англаб етган тақдирда ақл-идрокли ҳис-туйғуни бошдан кечириши мумкин.

Инсон психикасининг ҳайвон психикасидан энг муҳим фарқи уларнинг ривожланиш шарт-шароитларида кўринади. Агар ҳайвонот дунёсининг ривожланиши давомида психиканинг тараққиёти биологик эволюция қонунларига биноан руй берган бўлса, хусусан *инсон психикасининг, киши онгининг ривожланиши ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунларига бўйсунди*. Инсоният тажрибасини ўзлаштирмасдан, ўзига ўхшайдиганлар билан мулоқотда бўлмасдан туриб, ривожланган, хусусан инсоний ҳис-туйғулар бўлмайди, ихтиёрий диққат ва

хотира қобилияти, абстракт тафаккур юритиш қобилияти ривожланмайди, кишининг шахси шаклланмайди. Одам болаларини ҳайвонлар орасида тарбиялаш ҳоллари шундан далолат беради.

Чунончи, барча болалар-мауглилар ҳайвонларга хос сода реакцияларни намоён қилишди ва уларда одамни ҳайвондан фарқлайдиган хусусиятларни топиб бўлмади. Маймун боласи тақдир тақозоси билан якка ўзи тўдадан ажралиб қолган тақдирда ҳам барибир ўзини маймун сифатида намоён қилган бир пайтда, *одам ҳам фақат унинг ривожланиши одамлар орасида юз берган тақдирдагина одам бўлиб етишади.*

Инсон психикаси материя эволюциясининг бутун жараёни давомида тайёргарликдан ўтди. Психика ривожланишининг таҳлили бизга *онг бўлишининг биологик шарт-шароитлари* ҳақида гапиршимизга имкон беради. Одамнинг аждоди, шакшубҳасиз, конкрет хатти-ҳаракат тафаккурига лаёқатли бўлган, кўплаб боғланишлар ҳосил қила олган. Одамдан олдинги мавжудот қўлга ўхшаган оёқлари бўлгани ҳолда оддий қуролларни ясаб ва улардан конкрет вазиятларда фойдалана олган. Буларнинг ҳаммасини биз ҳозирги одамсимон маймунларда ҳам кўришимиз мумкин.

Лекин онгни бевосита ҳайвонларнинг эволюциясидан келтириб чиқариш мумкин эмас: *инсон — ижтимоий муносабатлар маҳсулидир.* Ижтимоий муносабатларнинг биологик шарт-шароити тўдадан иборат бўлган эди. Одамнинг аждодлари тўдалашиб яшарди, бу барча зотларга душмандан ўзини анча пухта ҳимоя қилиш, бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маймуннинг одамга, тўданинг жамиятга айланишига таъсир кўрсатган омил — бу *меҳнат фаолияти, яъни қуролларни биргаликда яратиш ва қўлланиш жараёнида одамлар томонидан амалга ошириладиган тарздаги фаолият бўлди.*

Меҳнат фаолияти — ижтимоий муносабатлар ривожланишининг шарт-шароити ва натижасидир Ривож топаётган меҳнат фаолияти ижтимоий муносабатларнинг, жамиятнинг ривожланишига, ижтимоий муносабатларнинг ривожини эса меҳнат фаолиятининг такомиллашувига таъсир кўрсатди. Одамнинг аждоди тараққиётидаги бу силжиш яшаш шарт-шароитлари кескин ўзгарганлиги оқибатида рўй берди. Муҳитнинг ҳалокатли тарздаги ўзгариши эҳтиёжларни қондиришда катта қийинчиликлар туғдирди — озиқ-овқатни осонгина топиш имкониятлари камайиб, иқлим ёмонлашиб кетди. Одамнинг аждодлари ё йўқ бўлиб кетиши, ё ўз хатти-ҳаракатини сифат жиҳатидан ўзгартириши лозим эди. Одамнинг маймунсимон аждодлари зарурат туғилиши билан биргаликда мубошир меҳнат ҳаракатларини бажаришга мажбур бўлди. Ф. Энгельс таъкидлаганидек, «дарахтларга тирмашиб яшайдиган маймунлар галасидан кишилиқ жамияти пайдо бўлгунча, эҳтимол Ер тарихида одам-

лар турмушидаги бир секунддан ортиқ аҳамиятга эга бўлмаган юз минг йиллар ўтгандир»¹.

Одам аждодларининг тўда ичидаги инстинктив муомаласи аста-секин «ишлаб чиқариш» фаолияти негизидаги муомала билан алмаша борди. Тўданинг аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши биргаликдаги фаолият, фаолият маҳсулини ўзаро айирбошлаш — тўданинг жамиятга айланишига ёрдам беради. Шундай қилиб, меҳнатнинг пайдо бўлиши ва кишилик жамиятининг тузилиши одамнинг одамсимон аждодларининг одамга айланиш сабаби бўлиб ҳисобланади.

Меҳнатда кишининг онги — акс эттиришнинг эволюцион йўналишидаги энг олий шакли — ашъвий фаолиятнинг объектив барқарор хусусиятларини ажрата олиш ва шу асосда атрофдаги реалликни тубдан ўзгартира олиш хусусиятига эга бўлган шакли ҳам ривожлана борди.

Қуроолларни улар кейинчалик наф келтиришни ўйламасдан тайёрлаш, қўлланиш ва сақлаш — бу ҳаракатларнинг ҳаммаси инсонни муҳитнинг бевосита таъсирига бўйсунушдан анча халос қилди. Авлоддан авлодга ўта борган сари ибтидоий одамларнинг қурооллари ўткир қиррали тош парчаларининг омад ёр келиб топилишидан тортиб, то коллектив тарзда тайёрланиб, ихтисослашганларига қадар тобора кўпроқ мураккаб тус ола борди. Бундай қурооллар билан донмий иш жараёнлари — санчиш, кесиш, чопиш жараёнларини бажариш одат тусига киради. Айнан шу муносабат билан одам яшайдиган муҳитнинг ҳайвон яшайдиган муҳитдан сифат жиҳатидан фарқланиш юз берди. Юқорида айтиб ўтилганидек, *ҳайвонлар тасодифий нарсалар оламида яшайди, одам эса ўзига доимий нарсалар оламини яратади*. Одамлар яратган ўзидан олдинги авлодлар бажарган иш жараёнлари, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятнинг моддий ифодаси ҳисобланади. Қурооллар орқали бир авлод иккинчи авлодга иш жараёнлари, хатти-ҳаракатлар, фаолият тарзида ўз тажрибасини отказади.

Меҳнат фаолияти давомида одамнинг диққат-эътибори яратилаётган қуролга ва, бинобарин, хусусан ўз фаолиятига қаратилган бўлади. Алоҳида бир кишининг фаолияти бутун жамиятнинг фаолиятига қўшилган бўлиб, шу билан ҳам киши фаолияти жамият эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Таркиб топган шароитларда кишининг ўз фаолиятига танқидий нуқтан назардан муносабатда бўлиши зарурлиги намойён бўлади. *Кишининг фаолияти онгли фаолиятга айланади*.

Ижтимоий тараққиётнинг илк босқичларида одамлар тафаккурининг ривожланиши одамлар ижтимоий практикисининг ҳали паст даражадалиги муносабати билан чекланган характерда бўлади. Қурооллар ишлаб чиқариш қанчалик юқори даражада бўлса, акс эттириш даражаси ҳам шунга мувофиқ ра-

¹ Энгельс Ф. Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли. — Табиат диалектикаси. Т., «Ўзбекистон», 1983, 174- бет.

вишда юқори бўлади. Қуроллар ишлаб чиқаришнинг юксак даражасига эришилган шароитда қурол ясашга онд яхлит фаолият қатор бўғинларга ажратилади, ҳар бир бўғин жамиятнинг турли аъзолари томонидан бажарилиши мумкин. Операцияларнинг тақсимлиши пировард мақсадни — овқатнинг топиллигини янада орқага суриб юборади. Бу қонуниятни фақат абстракт тафаккурга эга бўлган одамгина англаб етиши мумкин. Демак, меҳнатнинг ижтимоий ташкил этилиши жараёнида қурол ишлаб чиқариш даражасининг юксалиши ва онгли фаолиятни шакллантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Табиатга таъсир кўрсатган ва уни ўзгартирган ҳолда одам шу билан бир қаторда ўзининг хусусий моҳиятини ҳам ўзгартиради. «Меҳнат,— деган эди Маркс,— аввало одам билан табиат ўртасида юз берадиган процессдир; одам бу процессда ўз фаолияти орқали ўзи билан табиат ўртасида моддалар айирбошланишига воситачилик қилади, бу айирбошланишни тартибга солади ва назорат қилади. Одамнинг ўзи, табиат кучи сифатида, табиат моддасига қарама-қарши туради. Одам табиат моддасини ўз ҳаёти учун яроқли формада ўзлаштириб олиш учун ўз танасидаги табиий кучларни: қўл ва оёқларини, бош ва бармоқларини ҳаракатга келтиради. Шу ҳаракат воситаси билан ташқи табиатга таъсир қилиб ва уни ўзгартириб, одам, шу билан бирга, ўз табиатини ҳам ўзгартиради. У ўз табиатининг мудроқ кучларини тараққий эттириб, бу кучларнинг фаолиятини ҳам ўз ҳукмига бўйсундиради»¹.

Меҳнатнинг таъсири остида *қўлнинг янги функциялари* қарор топди: қўл ҳаракатлар қилишда ғоят даражада эпчиллик кашф этди, анатомик тузилиш секин-аста такомиллаша борган сари елка ва билакнинг ўзаро нисбати ўзгара борди, барча бўғимларнинг, айниқса қўл бармоқларининг ҳаракатчанлиги ошди. Бироқ *қўл фақат ушлайдиган қурол сифатида эмас, балки объектив воқеликни билиш органи сифатида* ҳам ривожланди. Меҳнат фаолияти шунга олиб келдики, фаол ҳаракат қилувчи қўл секин-аста фаол (пайпаслаб) сезишга ихтисослашган органга айлана бошлади. Пайпаслаб сезиш — оламни билишнинг одамга хос бўлган алоҳида хусусиятдир. Қўлнинг бармоқлари,— деб ёзган И. М. Сеченов,—«нафис сезги органидир, ва бу орган қўлда на фақат қисқаришга, узайишга ва турли хил йўналишда бир жойдан иккинчисига қараб кўчишга, балки шу хилдаги ҳар бир кўчишни муайян тарзда ҳис этишга ҳам қодир бўлган асосий илдизга ўрнатилгандек туюлади»². Қўл фақатгина кафт билан бармоқ учлари сурканиши ва эзилиши тананинг бошқа қисмлари (масалан, орқа, ел-

¹ Маркс К. Капитал, 1- том, 180- бет.

² Сеченов И. М. Участие органов чувств в работе рук у зрячего и слепого.— Избранные философские и психологические произведения. М., Госполитиздат, 1974, 396—397- бетлар.

ка, болдир) га қараганда анча кучли сезувчанлиги сабабли эмас, балки меҳнат жараёнида шаклланган ва нарсаларга қараганда таъсир кўрсатишга мучал бўла туриб, фаол сезишга қодир эканлиги учун ҳам сезги аъзоси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам қўл бизга моддий дунёдаги нарсаларнинг муҳим хоссалари ҳақида қимматбаҳо билимлар беради.

Шундай қилиб, кишининг қўллари унинг аждодлари оёқ-қўлларига мутлақо хос бўлмаган турли хилдаги функцияларни бажариш қобилиятига эга бўлди. Худди шунинг учун ҳам Ф. Энгельс қўлнинг фақат меҳнат қилиш мучали эмас, балки меҳнатнинг маҳсули ҳам эканлиги ҳақида гапирган эди.

Қўлнинг ривожланиши бутун организмнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда давом этди. Қўлнинг иш мучали сифатидаги ихтисослашуви *туғри юришининг ривожланишига* ёрдам берди.

Ишлайдиган қўлларнинг ҳаракати доимо кўз билан назорат қилиб турилди. Оламни билиш жараёнида, меҳнат фаолияти жараёнида кўриш ва сезиш органлари ўртасида қўплаб боғланишлар ҳосил бўлади ва бунинг натижасида қўзғатувчининг таъсир этиш самараси ўзгаради — у киши томонидан анча чуқур ва анча ўхшаш тарзда англаб олинади.

Қўлнинг фаолияти *миянинг ривожланишига* айниқса катта таъсир кўрсатди. Ривожланаётган ихтисослашган мучал тарзидаги қўлнинг бош миядаги ваколати ҳам шаклланган бўлиши лозим эди. Бу миянинг фақат ҳажми ортишига эмас, балки унинг тузилиши мураккаблашувига ҳам сабаб булди.

Меҳнатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишининг овқатга, бошпанага ва шу қабиларга бўлган эҳтиёжларининг беқийс даражада муваффақиятли тарзда қондирилишига олиб келди. Лекин *одамларнинг ижтимоий муносабатлари* биологик эҳтиёжларни сифат жиҳатидан ўзгартириб юборди ва янги, хусусан, *инсоний эҳтиёжларни* келтириб чиқарди. Меҳнат маҳсулотларининг ривожланиши меҳнат маҳсулотларига эҳтиёжни яратди.

Шундай қилиб, меҳнат кишилик жамияти тараққиётига, инсоний эҳтиёжларнинг шаклланишига, фақат акс эттирувчи эмас, балки дунёни ўзгартирувчи инсон онгининг ривожланишига сабаб булди. Одамнинг эволюциясидаги ана шу барча ҳодисалар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шаклининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Ўзидан олдинги авлодлар тажрибасини кейинги авлодга етказиш, ўз қабиладошларига меҳнат ҳаракатларини ўргатиш, айрим ҳаракатларни улар ўртасида тақсимлаш зарурати одамларда ўзаро бир-бирлари билан *алоқа боғлаш эҳтиёжини* туғдирди. Инстинктлар тили бу эҳтиёжни сира ҳам қондира олмасди.

Меҳнат жараёнида меҳнат билан бирга *алоқа боғлашнинг киши тили ёрдамида амалга ошириладиган олий шакли* ривож топди.

Онгнинг ва воқеликни акс эттиришнинг онгга хос шакллари ривожланиши билан биргаликда шахс сифатида одамнинг ўзи ҳам ўзгармоқда.

Адабиётлар

Энгельс Ф. Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли.— Энгельс Ф. Табиат диалектикаси. Т., «Ўзбекистон», 1983.

Выготский Л. С. Проблемы развития психики.— Собр. соч., 3-том. М., Педагогика, 1983.

Ладыгина-Котс Н. Н. Развитие психики в процессе эволюции организмов. М., Наука, 1968.

Леонтьев А. Н. Избранные психологические произведения, 1-том, М., Педагогика, 1983.

Спиркин А. Г. Сознание и самосознание. М., Политиздат, 1972.

Хрестоматия по психологии. М., Просвещение, 1977, 84, 113-бетлар.

Бўлғуси педагог умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳоти туфайли илгари сурилган вазифаларни ҳал этиши, ўқувчилар билан муносабатда бўлиб уларнинг ўқиши ва ижтимоий фойдали фаолиятини уюштирган ҳолда ўқувчилар шахсини жамоада шакллантириши лозим. Бу вазифаларни ҳал этишга тайёрланаркан, у маълум даражада ўқувчи шахсининг таълим ва тарбия остида синфдан-синфга ўтган сари ўзгариб борадиган индивидуал хусусиятлар соҳиби бўлган конкрет киши эканлиги ҳақидаги тушунчага таянади. Бу ўринда ўқувчи шахсини шакллантиришда жамоанинг роли тушунарли — яхши жишлашган жамоада ўсмир ўз қобилиятини қулф ёздириши, ўқишда, меҳнатда ва ижтимоий фойдали фаолиятда шахсининг фазилатларини ривожлантириши осондир. Муносабатнинг, яъни ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида, шунингдек мактаб ўқувчилари жамоасининг ичида билимлар, ғоялар ва фикрлар алмашишининг аҳамияти ҳам аниқ-равшандир. Педагогик фаолият ва педагогик муносабат — бу ўқитувчи касби йўналишининг тамал тошидир. «Фаолият», «муносабат», «шахс» тушунчалари кундалик муомалада ҳаммага аён, доимо ва умуман тўғри ишлатиб келинаётир. Лекин педагог шахс, муносабат, фаолият нималиги ҳақидаги жўн тасаввурлар билангина кифояланиб қолиши мумкин эмас; унинг бу тушунчаларни чуқур билиши зарур, у бу тушунчаларнинг илмий, психологик жиҳатдан асосланган талқинига таяниши керак. Кейинги тўрт боб ана шуларни ўз ичига олади.

4. БОБ

ФАОЛИЯТ

II. 4.1. Фаоллик ва фаолият

Эҳтиёжлар
фаоллик ман-
баидир

Тирик мавжудотларнинг атрофдаги олам билан ҳаётий аҳамиятга молик боғланишлар бўлиши-ни таъминлайдиган фаолияти уларга хос ялпи хусусият ҳисобланади. Фаоллик — бу тирик мавжудотда «ўз кучи билан жавоб қилиш» қобилиятининг борлигидир (Ф. Энгельс).

Жонли мавжудотни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга ундайдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи бўлиб ҳисобланади. *Эҳтиёж — жонли мавжудотнинг ҳаёт кечирishiнинг конкрет шарт-шароитларига унинг қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатидир.*

Кишининг фаоллиги эҳтиёжларнинг қондирилиши жараёнида намоён бўлади. Ҳудди шу ўринда одамнинг фаоллиги шакллари билан ҳайвоннинг хатти-ҳаракатлари фаоллиги ўртасидаги тафовутлар аён бўлади. Ҳайвон ўз эҳтиёжларининг объекти бўлиши ҳамда унда уларни эгаллаб олиш учун фаол интилишга даъват этиши эҳтимоли борлигини ўзининг табиий тузилишига (танасининг ва аъзоларининг тузилишига, инстинктларининг бойлигига) кўра бамисоли олдиндан билиши туфайли фаоллик билан ҳаракат қилади. Ҳайвонлар эҳтиёжининг қондирилиши жараёни уларнинг муҳитга яхшироқ мослашувини таъминлайди. Масалан, қундуз хатти-ҳаракатининг туғма равишда ҳосил бўлган программаси унинг қурувчилик эҳтиёжларини қамраб қолмасдан, балки бу эҳтиёжларни қондириш объектлари: тўғон қуриладиган дарахтларнинг навлари, дарахтларнинг сувга яқинлиги, «ўрмон кесиш» усуллари (қундузлар дарахтнинг шохи айнан сувга тушишини мўлжаллаб, унинг сувга қарши томонини кемиради) ва ҳоказолар ҳам ақс этган бўлади.

Шундай қилиб, *ҳайвоннинг эҳтиёжларида унинг фаоллиги омили сифатида табиатдан олинган буюм бевосита иштирок этади.*

Одамнинг фаоллиги ва фаолликнинг манбаи бўлган инсоний эҳтиёжлар тамомила бошқача манзара касб этади. *Кишининг эҳтиёжи уни тарбиялаш жараёнида, яъни кишилиқ мада-*

нияти олами билан яқинлаштириш жараёнида шаклланади. Табиатдан олинадиган буюм шунчаки оддий ўлжа, яъни фақат биологик маънога эга овқат тарзидаги буюм бўлмай қолади. Одам қуроллар ёрдамида буюмни тарихий тараққиёт маҳсули ҳисобланмиш хусусий эҳтиёжларига мослаштирилган ҳолда тубдан ўзгартиришга қодирдир. Шунинг учун ҳам *кишининг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тараққиёт билан белгиланадиган фаолият шаклини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилган жараёни сифатида алоҳида ажралиб туради.*

Эҳтиёжлар қондирилиши жараёнида ривожланиб ва ўзгариб боради. Улар ҳозирги замон кишисида унинг аждодларида бўлганига қараганда бошқачадир, унинг авлодларида ҳам бошқача бўлади. Кишининг эҳтиёжларини тула-тукис қондириш уни ҳар томонлама ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, лекин бу яккаю ягона шарт эмас, албатта. Бунинг устига камолотга эришишнинг бошқа шарт-шароитлари (ва биринчи навбатда меҳнат) мавжуд бўлмаса, ўз эҳтиёжларини осонгина қондириш имконияти кишини кўпинча инқирозга учратади. Меҳнат билан йўналтирилмайдиган текинхўрлик эҳтиёжлари зид хулқ-атвор (баъзан эса жинойи хатти-ҳаракат) нинг манбаи бўлиб қолиши мумкин ва айрим кишиларда шундай бўлмоқда.

Социалистик жамият совет кишисининг тарбиясига нисбатан қўяётган энг муҳим талаблардан бири *меҳнат қилиш эҳтиёжини тарбиялашдан* иборатдир. Меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжнинг янада ривожланиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини максимал даражада автоматлаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, иш вақтини қисқартириш натижасида, фақат ижтимоий фойдали меҳнатдагина ўзини намоён эта оладиган бунёдкорлик кучларини жонлантириш оқибатида юз беради, деб ҳисоблаш учун асос бор. Ҳозир баъзан оғир ва зерикарли бўладиган меҳнат соғлом, ҳар томонлама камолга етган киши учун қувонч ва роҳат-фароғат манбаига айланади.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» да ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва касбга йўналтирилиши қандай роль ўйнаши таъкидлангандир.

Эҳтиёжларни танлаш ва шакллантириш масаласи коммунистик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. А. С. Макаренко бунини аниқ-равшан тарзда таъкидлаган ҳамда инсоний эҳтиёжларни танлаш ва тарбиялаш, уларни кишини янада баркамоллик сари курашга одатлантирадиган ўша маънавий чуққига кўтариш лозимлиги ҳақида ёзган эди.

Эҳтиёжларнинг турлари

Кишининг эҳтиёжлари ҳам ижтимоий, ҳам шахсий характерга эгадир. Бу, биринчидан, ҳатто шунчаки тор маънодаги шахсий харак-

терга эга бўлиб туюладиган (масалан, озиқ-овқат билан боғлиқ) эҳтиёжларни қондириш учун ҳам ижтимоий меҳнат тақсимотининг маҳсулидан (дастурхонга нон селекциячилар, агрономлар, тракторчилар, комбайнчилар, элеваторларнинг ходимлари, тегирмончилар, новвойлар, сотувчилар ва бошқа шу каби одамлар меҳнат ғайрат-шижоатларининг моддийлашган маҳсули сифатида келиб тушади) фойдаланилишида ўз ифодасини топади. Иккинчидан, киши ўз эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий муҳитда тарихан таркиб топган воситалар ва усуллардан фойдаланади ҳамда муайян шарт-шароитларга эҳтиёж сезади. (Бир парча гўштни истеъмол қилиш учун ҳеч бўлмаганда ўша гўшт тегишли усулда тайёрланган бўлиши лозим. Кишида ликобча, пичоқ ва вилка, баъзи бир гигиена талабларига риоя қилиш ва шу кабиларга эҳтиёж туғилади.) Ва ниҳоят, учинчидан, кишининг кўпгина эҳтиёжлари унинг тор маънодаги шахсий талаб-эҳтиёжларидан кўра кўпроқ киши ўзи мансуб бўлган ва биргаликда меҳнат қиладиган жамиятнинг, жамоанинг, гуруҳнинг эҳтиёжларини ифодалайди — *жамоа эҳтиёжлари кишининг шахсий эҳтиёжлари туси касб этади.*

Бу жараён қуйидаги мисолда ўзининг ёрқин ифодасини топиши мумкин. Йигилишда доклад қилишдан иборат жамоат топшириғига эга бўлган ўқувчи маърузага уни тайёрлашнинг ўзи, айтишлик, қизиқарли китобни ўқишга қараганда ҳам жозибалироқ машғулот эканлиги сабабли эмас, балки у жамоанинг талабини бажаришга ўзида жуда зўр эҳтиёж сезаётганлиги учун ҳам ғоят пухталиқ билан тайёргарлик кўради.

Эҳтиёжлар келиб чиқишига ва предметиға кўра фарқланади.

Келиб чиқишига кўра эҳтиёжлар табиий ва маданий бўлиши мумкин.

Табиий эҳтиёжларда кишининг фаоллик касб этаётган фаолияти, унинг ҳаёти ва унинг авлоди ҳаётини сақлаш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларга бўйсунганлик ифодаланади. Барча одамларда овқатланишга, сув ичишга, қарама-қарши жинснинг мавжуд бўлишига, ухлашга, совуқдан ва ҳаддан зиёд иссиқдан сақланишга ва ҳоказоларга табиий эҳтиёж бўлади. Агар табиий эҳтиёжлардан қайси бири бирон даражада узоқ вақт давомида қондирилмасдан қолса, одам муқаррар равишда ҳалок бўлади ёки сулоласини давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Гарчанд табиий эҳтиёжлар (уларнинг сонига кўра) одамнинг ҳайвон аждодларидаги ва ибтидоий одамлардаги каби тарзда қолган бўлса ҳам, лекин улар ўз психологик моҳиятига кўра ҳайвонларнинг табиий эҳтиёжларидан тубдан фарқ қилади. Эҳтиёжларни қондиришнинг усуллари ва қуроллари ўзгарибгина қолмасдан, энг муҳими, эҳтиёжларнинг ўзи ўзгариб бормоқда, эндиликда ҳозирги замон кишиси уни милоддан олдинги аждодларга қараганда бошқача тарзда ҳис этмоқда.

«Очлик бу очлик демакдир, лекин пиширилган гўшти пичоқ ва вилка ёрдамида истеъмол қилиш орқали қондириладиган очликка нисбатан хом гўшти қўллар, тирноқлар ва тишлар ёрдамида ямлаб ютиладиган очлик бошқача тарздаги очликдир»¹. Шундай қилиб, кишининг табиий эҳтиёжлари ижтимоий-тарихий характерга эгадир.

Маданий эҳтиёжларда одамнинг фаол фаолияти инсоният маданиятининг маҳсулига боғлиқ эканлиги ифодаланadi; унинг илдизлари бутунлай кишилик тарихининг сарҳадларига бориб тақалади. У ё бу хилда таркиб топган маданият шароитларида бирон-бир табиий эҳтиёжни қондириш воситаси бўлиб хизмат қиладиган нарсалар (вилка ва қошиқ, овқатни ейиш учун ишлатиладиган чўплар) ҳам, шунингдек бошқа одамлар билан меҳнат ва маданий муносабат боғлаш учун, кишининг мураккаб ва ранг-баранг ижтимоий ҳаёт кечириши учун зарур бўлган нарсалар ҳам маданий эҳтиёжлар объекти ҳисобланади. Турли иқтисодий ва ижтимоий тузум шароитида кишида унинг тарбиясига ва хулқ-атворнинг кенг ёйилган ҳамда удум бўлган одатлари ва шаклларини ўзлаштиришига боғлиқ ҳолда турли хилдаги маданий эҳтиёжлар туғилади. Агар кишининг маданий эҳтиёжлари қондирилмаса, у ҳалок бўлмайди (табиий эҳтиёжлари қондирилмаган шароитда ана шунақа бўлиши мумкин эди), лекин *ундаги одамийлик сифатлари* жиддий зарарланади.

Маданий эҳтиёжлар ўзининг даражасига кўра, кишига нисбатан жамият томонидан қўйилаётган талаблар билан боғлиқлигига кўра жиддий фарқланади. Бир ёш кишининг мазмунига кўра қизиқарли ва сермазмун китобни топишдан иборат эҳтиёжи билан бошқа бировнинг алоҳида башанг қилиб безатилган галстук топишдек эҳтиёжини бир хил деб қараш мумкин эмас. Бу эҳтиёжларнинг ўзи ҳам, улар туфайли юз берадиган фаолият ҳам ўз даражасига кўра турлича баҳоланади. *Маънавий жиҳатдан ўринли бўлган эҳтиёж* — одам яшаётган жамиятнинг талабларига жавоб берадиган, ана шу жамиятда қабул қилинган дидлар, баҳолар ва, муҳими, *дунёқарашга* мос келадиган эҳтиёжлардир. Бизнинг социалистик жамиятимизда коммунистик ахлоқ принциплари ва марксча-ленинча дунёқараш ана шундай дунёқараш ҳисобланади.

Эҳтиёжлар ўз предметининг характерига кўра моддий ва маънавий бўлиши мумкин.

Моддий эҳтиёжларда кишининг моддий маданият предметларига қарамлиги (овқатланишга, кийинишга, уй-жойга, маший турмуш ашёларига ва бошқа нарсаларга эҳтиёж сезиши),

¹ Маркс К. Из экономических рукописей 1857—1858 годов.— Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., 12- том, 718- бет.

маънавий эҳтиёжларда эса ижтимоий онг маҳсулига тобелиги ифодаланади. Маънавий эҳтиёжлар маънавий маданиятни яратиш ва ўзлаштиришда ўз аксини топади. Киши ўз фикр-мулоҳазалари ва туйғуларини бошқалар билан баҳам кўришга, газеталар, китоблар ва журналлар ўқишга, кинофильмлар ва спектакллар кўришга, музика тинглашга ва шу кабиларга эҳтиёж сезади.

Маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлар билан узвий боғлиқдир. Маънавий эҳтиёжларни қондириш учун, моддий эҳтиёжлар предмети ҳисобланмиш моддий нарсалар (китоблар, газеталар, ёзув ва нота қоғозлари, бўёқлар ва шу кабилар) талаб қилиниши, шубҳасиз.

Шу тариқа, келиб чиқишига кўра, табиий, шу билан бирга предметга кўра моддий, келиб чиқишига кўра маданий ҳисобланган эҳтиёж ё моддий бўлиши, ё предметга кўра маънавий бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бу ҳилда таснифлаш эҳтиёжларнинг киши онгининг тараққиёти тарихига нисбатан ва уларнинг ўзлари қаратилган объектга нисбатан муносабатини кўрсатган ҳолда жуда ҳам ранг-баранг турларини ўзига қамраб олади.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи ва унинг йўналишини белгиловчи сабаблар мотивлар деб аталади. Унда субъектнинг фаоллиги намоён бўлади. Эҳтиёжларда субъектнинг шахс ҳаёт кечириши лозим бўлган конкрет шарт-шароитларга қарамлиги хулқ-атвори ва фаолиятни мотивлаштириш тарзида ўзининг фаоллигини кўрсатади. Модомики, эҳтиёжлар киши фаоллиги барча турларининг моҳиятини, асосий ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этаркан, у ҳолда мотивлар ушбу моҳиятнинг конкрет, ранг-баранг кўринишлари сифатида намоён бўлади. Мотивлар ёки мотивлаштириш психологияда субъектнинг хулқ-атвори ва фаолияти йўналишини белгилаб берадиган сабаблар сифатида қаралади.

Киши эҳтиёжларининг ривожланиши хусусиятлари

Ҳайвоннинг хатти-ҳаракати ҳамиша у ё бу эҳтиёжни қондиришга бевосита йўналтирилган бўлади. Эҳтиёж ҳайвонни фақат фаолликка ундаб қолмасдан, балки ушбу фаолликнинг шакллари ҳам белгилайди. Мисол учун овқатланиш эҳтиёжи (очлик) ҳайвонда, жумладан, овқатланиш фаоллигини вужудга келтиради — оғзида сўлак ажратила бошланади, овқатни излаш ёки ўлжани пойлаш, эгаллаш ва уни истеъмол қилиш каби жараёнлар юз бера бошлайди. Шартли рефлекс — бу фаолликни янги қўзғатувчилар (масалан, қўнғироқ чалиниши) билан ёки янги ҳаракатлар (масалан, тепкини босиш) билан боғланиши мумкин. Лекин бунда ҳайвоннинг хатти-ҳаракати тузилиши шундайлигича қолади. Қўнғироқнинг чалиниши ташқи қўзғатувчилар оқимидан айнан овқатланиш ҳақида хабар берувчи сигнал сифатида ажралиб туради. Ҳайвон тепкини босишни айнан овқатнинг берилишига олиб келувчи

хатти-ҳаракат тарзида бажаради. Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳайвон энг мураккаб шартли рефлекслар орқали фаолият кўрсатган тақдирда ҳам эҳтиёжлар тўғридан-тўғри унинг психикасининг ҳам акс эттириш, ҳам йўналтириш функцияларини белгилайди. Ҳайвон организмнинг талаб-эҳтиёжлари психика теварак-атрофдаги оламга нималарни инъом этиши ва қандай жавоб хатти-ҳаракатларини келтириб чиқаришини белгилаб беради.

Одамнинг хулқ-атвори эса бутунлай бошқача таркиб топгандир. Стулчада ўтириб, овқат ея оладиган кичкинагина боланинг хатти-ҳаракатларини ҳам унинг табиий эҳтиёжлари туфайли ҳосил бўлган деб айтиш мумкин эмас. Овқатланиш эҳтиёжини қондириш учун ўзича қошиқнинг сира ҳожати йўқ. Лекин тарбиянинг таъсирида бу хилдаги предметлар бола учун юқоридагидек эҳтиёжни қондиришнинг зарур шarti бўлиб қолади. Асл маънодаги эҳтиёжнинг ўзи эмас, балки уни қондиришнинг жамиятда қабул қилинган усуллари хатти-ҳаракатнинг шакллари келтириб чиқара бошлайди.

Шундай қилиб, боланинг фаоллигини ривожлантиришнинг дастлабки босқичларидаёқ биологик жиҳатдан аҳамиятга молик буюмлар эмас, балки уларнинг киши томонидан истеъмол қилиниши усуллари, яъни *ушбу буюмларнинг ижтимоий тажрибадаги вазифалари* унинг омиллари сифатида майдонга чиқади. Боланинг шу йўсинда орттирадиган хатти-ҳаракат шакллари — *бу буюмлар билан муносабатда бўлишнинг жамият томонидан* уларнинг кишилар амалиётдаги вазифаларига мувофиқ тарзда *ишлаб чиқилган усуллари*дир: столнинг атрофида ўтирилади, қошиқ билан овқат ейилади, кроватчада ухланади ва ҳоказо.

Барча ота-оналар ва тарбиячилар бунга эришиш шунчаки оддий бир нарса эмаслигини билишади. Бола столнинг устига чиқишга ёки стулнинг тагига киришга уринади, қошиқ билан столни уради, қўли билан ликобчадаги овқатдан олишга ҳаракат қилади, тувакка ўтқозишларини сўраш лозимлигини унутиб қўяди ва ҳоказо. Бундай «шухликлар» ва «тарбиясизлик» ка қарши астойдил олиб бориладиган кураш катта ёшдагилар томонидан болага тегишли буюмлар билан ижтимоий жиҳатдан қабул қилинган муомала усуллари, ўз эҳтиёжларини муайян буюмлар воситасида қондириш ва улар билан иш бажаришнинг инсоний шакллари ургатишдан бўлак ҳеч нарса эмас. Ҳақиқатан ҳам бола эҳтиёжи қондириладиган инсоний шарт-шароитлар таъсири остида унинг хулқ-атвори буюмларнинг аҳамияти билан эмас, балки уларнинг ижтимоий аҳамияти билан белгилана бошлайди.

Бу боланинг нимани устун қўйишини ҳам, унинг уларга қандай муносабатда бўлишини ҳам тубдан ўзгартириб юборади.

Фаолият ва унинг мақсадлари ҳақида тунчунча

Агар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати бутунлай атроф-муҳит билан белгиланса, кишининг фаолияти унинг илк ёшлариданоқ бутун инсоният тажрибаси ва жамият талабларига кўра йўналтириб борилади. Хатти-ҳаракатнинг бу тури шу қадар ўзига хосликка эгаки, психологияда уни аташ учун махсус термин — *фаолият* термини қўлланилади. Фаолликнинг бу, алоҳида махсус инсоний турининг фарқ қилувчи психологик белгилари нималардан иборат?

Бу фарқ қилувчи белгилардан бири шундан иборатки, фаолиятнинг мазмуни тамомила *уни келтириб чиқарган эҳтиёж билан белгиланмайди*. Башарти мотив сифатидаги эҳтиёж фаолиятга туртки бериб, уни рағбатлантираётган экан, у ҳолда фаолиятнинг шакллари ва мазмуни ижтимоий шарт-шароитлар, талаблар ва тажриба билан белгиланади. Масалан, кишини ишлашга ундаган мотив (сабаб) овқатга нисбатан эҳтиёж туғилишидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Лекин одам станокни, масалан, унинг очлигини бартараф этиш учун эмас, балки бу унга топширилган детални тайёрлаш имконини бергани учун ҳам бошқаради. Унинг фаолияти мазмуни шунчаки *эҳтиёж билан* эмас, балки *мақсад билан* — ундан жамият талаб қилаётган муайян маҳсулотни тайёрлаш учун белгиланади. Кишининг *нима учун* муайян тарзда ҳаракат қилаётгани унинг *нимани кўзлаб* иш қилаётганига мос келмайди. Уни фаолиятга ундовчи хоҳиш-истаклар, сабаб билан ушбу фаолиятни йўналтирувчи бевосита *мақсад* бир-бирига тўғри келмайди.

Биобарин, фаолиятнинг биринчи фарқли белгиси шундан иборатки, у фаоллик манбаи бўлган эҳтиёж сифатида юзага чиққан ҳолда фаолликнинг йўналтирувчиси бўлган англанилган мақсад билан башқарилади. К. Маркс фаолиятнинг ушбу энг муҳим белгисини қайд этаркан, шундай деб ёзган эди: «Ўргимчакнинг иши туқувчининг ишини эслатади, асалари ҳам мумдан уя ясаб, баъзи кишиларни — меъморларни уятга қолдиради. Лекин энг ёмон меъмор ҳам энг яхши асаларидан аввало шу билан фарқ қиладики, у мумдан уя ясашдан олдин, бу уяни миясида кўради. Меҳнат процессининг охирида бу процесс бошланмасдан олдиноқ кишининг тасаввурида, яъни фикран мавжуд бўлган натижа ҳосил бўлади. Киши асаларидан табиат берган нарсанинг формасини ўзгартириш билангина фарқ қилиб қолмайди; табиат берган нарсада у ўз онгли мақсадини ҳам амалга оширади, бу мақсад, қонун сифатида, кишининг иш усулини ва бу ишнинг характери билан белгилаб беради ва киши ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим»¹.

Маркс юқорида келтирган сўзларида фаолиятнинг психик жиҳатдан бошқарилишининг яна бир муҳим белгисини қайд этади. Фаолият муваффақиятли бўлиши учун психика *нарса-*

¹ Маркс К. Капитал, 1- том, 181- бет.

ларнинг хусусий объектив хоссаларини акс эттириши ва улар билан (организмнинг эҳтиёжлари билан эмас) олдига қўйилган мақсадга эришиш усулларини ҳам белгилаб бериши лозим. Ва ниҳоят, фаолият кишининг хулқ-атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, хусусан олганда эса юзага келган эҳтиёжларни, ўзича зудлик билан қондира олмайдиган, яъни бевосита мададга таянмайдиган фаолликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш имконини берадиган даражада бошқаришга қодир бўлиши керак. Бундан кўриниб турибдики, фаолият билиш ва ирода билан чамбарчас боғлиқ бўлади, уларга таянади, билиш ва иродавий жараёнларсиз юз бериши мумкин эмас.

Демак, фаолият — кишининг англанилган мақсад билан бошқариб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир.

Шундай қилиб, фаолият ҳақида гапириш мумкин бўлиши учун киши фаоллигида англанилган мақсаднинг мавжудлигини аниқлаш лозим. Фаолиятнинг барча қолган жиҳатлари — унинг мотивлари, бажарилиш усуллари, тегишли ахборотни танлаш ва қайта ишлаш англанилган бўлиши ҳам, англанилмаган бўлиши ҳам мумкин. Улар шунингдек чала-ярим тарзда англанилган ва ҳатто нотўғри англанилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги бола уни ўйнашга мажбур қиладиган эҳтиёжни камдан-кам тарзда англаб етгани каби кичик ёшдаги мактаб ўқувчиси ўз ўқиш фаолиятининг мотивларини англамаган ҳолда иш кўради. Интизомсиз ўсмир ўз хатти-ҳаракатларининг ҳақиқий мотивларини чала-ярим ва кўпинча нотўғри англайди. Ҳатто катта ёшдаги одамлар ҳам ўзларининг нотўғри ва номуносиб хатти-ҳаракатлари ва қилиқларини оқлаш учун уларга иккинчи даражали, «ниқобланган» мотивларни тўғри деб даъво қилишади.

Фақат мотивлар эмас, балки фаолиятнинг у ёки бу режаларини танлашга олиб келган кўпгина фикрлаш жараёнлари ҳам киши томонидан тўла-тўқис англанилган бўлавермайди. Фаолиятни амалга оширишнинг усулларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги одатда онгдан ташқари ҳолда йўналтирилади. Бунга одатланиб қолинган ҳар қандай ҳаракат: юриш, сўзлаш, хат ёзиш, автомобилни бошқариш, мусиқа асбобида куй чалиш ва шу кабилар мисол бўлиши мумкин.

Фаолиятнинг ана шу барча жиҳатлари онгда акс этиш даражаси ва тўлақонлилиги тегишли фаолиятнинг англанилганлиги даражасини белгилайди.

Фаолиятнинг англанилганлиги даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, мақсадни англаш ҳамиша унинг муқаррар белгиси бўлиб қолаверади. Ушбу белги бўлмаган ҳолларда киши тушунчасидаги фаолият ҳам бўлмайди, балки импульсив (беихтиёр) хатти ҳаракат юз беради. Фаолиятдан фарқли ўлароқ, импульсив хатти-ҳаракат бевосита эҳтиёжлар ва ҳиссиёт билан

идора қилинади. У индивиднинг қаттиқ ҳаяжонга тушиши (аффекти) ни ва майлинигина ифода этади ва шунинг учун ҳам кўпинча эгоистик ва жамиятга зид характерга эга бўлади. Жумладан, газабнок ёки тўхтатиб бўлмайдиган даражада эҳтиросга берилган киши импульсив ҳаракат қилади.

Хатти-ҳаракатнинг импульсивлиги унинг англанилмаганлиги деган маънони билдирмайди. Лекин бу ҳолатда киши шахсий мотивининг мақсадда ифодаланган ижтимоий мазмуни эмас, балки фақат унинг *шахсий мотиви* англанилган бўлади, уша мотив унинг хатти-ҳаракатини йўналтиради.

II. 4.2. Фаолиятнинг структураси

Фаолият — воқеликка нисбатан фаол муносабат билдиришнинг шундай бир шаклидирки, у орқали киши билан уни қўршаб турган олам ўртасида реал боғланиш ҳосил қилинади. Одам фаолият орқали табиатга, нарсаларга, бошқа кишиларга таъсир кўрсатади. Фаолиятда у ўз ички хусусиятларини ишга солиб ва намоён қилиб, нарсаларга нисбатан *субъект сифатида*, одамларга нисбатан эса *шахс сифатида* гавдаланади. Ўз навбатида уларнинг жавобий таъсиротини ҳис қилган ҳолда, у шу йўл билан одамларнинг, нарсаларнинг, табиат ва жамиятнинг ҳақиқий, объект, муҳим хусусиятларини билиб олади. Унинг қаршисида нарсалар *объектлар сифатида*, одамлар эса *шахс сифатида* гавдаланди.

Харакатлар ва
саъй-ҳаракатлар

Тошнинг оғирлигини билиш учун уни кўтариб кўрмоқ, парашютнинг чидамлилигини аниқлаш учун эса унда самолётдан сакраб кўрмоқ керак. Киши тошни кўтараётиб ва парашютда тушаётиб, фаолият орқали уларнинг реал хусусиятларини билиб олади. У ана шу реал ҳаракатларни тимсолий ҳаракатлар билан алмаштириши, яъни «тош оғир» деб айтиши ёки парашютда тушиш тезлиги ва траекториясини тегишли формула бўйича ҳисоблаб чиқиши мумкин. Лекин ҳамиша ҳам иш, амалий фаолият биринчи галда туради. Ушбу фаолиятда фақат тош ёки парашютнинг эмас, балки кишининг ҳам ўз хусусиятлари (у нима учун тошни кўтарди, парашютдан фойдаланди ва ҳоказо) ҳам намоён бўлади. Амалиёт кишининг нимани билиши ва нимани билмаслигини, унинг оламда нимани кўраётган ва нимани кўрмаётганини, нимани танлаб олаётгани ва нимани рад этаётганини белгилайди ва кўрсатади. Бошқача сўзлар билан айтганда, у киши психикасининг мазмунини ва унинг механизмларини белгилаб беради ва шу билан баробар уларни намоён қилади.

Фаолиятга йўллаган мақсад, одатда, ё кўпроқ, ё озроқ даражада узоқлашган бўлади. Шунинг учун ҳам унга эришиш киши ана шу мақсад йўлида ҳаракат қила борган сари унинг олдида пайдо бўладиган қатор *жузъий вазифалар*нинг киши томонидан изчилик билан ҳал этила боришидан таркиб топади.

Мисол учун, ишчининг меҳнат фаолияти, жумладан, умуман муайян бир маҳсулотни талаб қилинган сифат даражасида ишлаб чиқаришдан иборат ягона мақсадга ва мўлжалланган меҳнат унумдорлигига эришишга қаратилган дейлик. Бу мақсадини амалга ошириш учун вақтнинг ҳар бир булаги мобайнида маълум бир жорий вазифаларни бажариш, масалан, детални йўниш, заготовка (танавор)ни ўлчаб чиқиш, хом ашёни аппаратга солиш ва шу кабиларни муваффақиятли ҳал этиш зарур бўлади.

Фаолиятнинг ёлғиз битта оддий жорий вазифани бажаришга йўналтирилган нисбатан тугалланган ҳар бир шундай қисмини ҳаракат деб аташади.

Биз юқорида келтирган меҳнат ҳаракатлари *нарсалар билан амалга ошириладиган ишлардан* иборат. Ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳолатини ёки хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларни шундай деб аташади. Нарсалар билан бажариладиган ҳар қандай иш (ҳаракат) макон ва замонда боғланган муайян саъи-ҳаракатлардан таркиб топди.

Масалан, «а» ҳарфини ёзиш ҳаракати ручка (қалам) га ва бир-биринга нисбатан муайян тарзда жойлашган бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқлар билан ручка (қалам) ни босишдан: сўнгра ручка (қалам) ни қоғоз устида ушлаб туриш ва маълум бир жойда перо қоғозга теккунга қадар пастга туширишдан; кейин эса перони юқоридан ўнгдан чап томонга қараб ва сўнгра соат милларига қарши йўналишда доира шаклида юргизиб, юқорида ёзув бошланган нуқтада тўхташ, эгилган чизик бўйлаб пастга хуруж қилдириш, довранинг қуйи қисмига етган жойда ўнгга қараб буриш ва чапдан ўнгга қараб ёйсимон шаклни чизиб билан тугаллашдан таркиб топади.

Кишининг нарсалар билан қиладиган саъи-ҳаракатлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси ҳам, ташқи ранг-баранглигига қарамасдан, қоида тариқасида гавданинг, оёқларнинг ва бошнинг ёрдамчи саъи-ҳаракатлари билан бирга қўшилган учта оддий қисмдан— «олиш», «кўчириш», «қўйиб юбориш»дан таркиб топади. Саъи-ҳаракатларнинг ҳар хил турларида бу қисмлар ўз траекторияси, қанчалик давом этиши, кучи, тезлиги, суръати (маълум бир вақт мобайнида такрорланиш сони) билан ва улар тананинг қайси бир қисми билан бажарилишига қараб фарқланади. *Сифат* нуқтан назаридан саъи-ҳаракатлар аниқлиги, нишонга тегиши, эпчиллиги ва уйғунлашганлиги билан белгиланади.

Киши фаолиятида нарсалар билан қилинадиган саъи-ҳаракатлардан ташқари тананинг ўзини тутишини ва қиёфанинг сақланишини (тик туриш, утириш ва шу кабилар), *бир жойдан иккинчи жойга кўчишини* (юриш, югуриш ва шу кабилар), *алоқа боғлашини* таъминлайдиган саъи-ҳаракатлар ҳам иштирок этади. Алоқа қилиш воситаларига *ифодали* саъи-ҳаракатлар (имо-ишора ва пантомимика), маъноли *ишоралар* ва, ниҳоят, *нутқий саъи-ҳаракатлар* киради. Саъи-ҳаракатларнинг зикр этилган турларида қўл ва оёқлардан ташқари танадаги ва юздаги мушаклар, хиқилдоқ, товуш пайчалари ва бошқалар иштирок этади.

Шундай қилиб, нарсалар билан бажариладиган (ёки бошқа хилдаги ташқи) ҳаракатнинг амалга оширилиши *муайян саъи-ҳаракатлар системасининг амалга оширилишидан* иборатдир. Бу ҳаракатнинг мақсадига, ушбу ҳаракатга тортилган нарсанинг хусусиятларига ва ҳаракатнинг шарт-шароитларига боғлиқ бўлади.

Жумладан, стаканни олиш учун қаламни олишга қараганда бошқачароқ тарзда саъи-ҳаракат қилиниши керак. Чанғида юриш лиёда юришга нисбатан бошқача саъи-ҳаракат қилишни тақозо этади. Оғир юкнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши мушакларнинг энгилгина пакетни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйишдагига қараганда бошқача тарзда ишлашнинг шарт қилиб қўяди. Катта миҳнинг қоқилиши майда миҳнинг қоқилишига қараганда бошқача тарзда рўй беради, миҳни шифтга қоқиш уни полга қоқишга қараганда саъи-ҳаракатларнинг бошқача системасини талаб қилади.

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчасида ҳаракатнинг мақсади битта, лекин унинг *объектлари* ҳар хилдир. Объектнинг айни ана шу ҳар хиллиги саъи-ҳаракатларнинг ва мушак фаолиятининг турли хилда тузилган бўлишини тақозо этади. Совет физиологлари *П. К. Анохин, Н. А. Бернштейн, Э. А. Асратянларнинг* тадқиқотлари мушакларнинг иши бевосита саъи-ҳаракат вазифалари билангина эмас, балки ҳамиша ушбу саъи-ҳаракат рўй бераётган *шарт-шароитлар* билан ҳам бошқарилишини кўрсатади. Мушаклар саъи-ҳаракатларнинг мулжалдаги йўналишини ва тезлигини таъмин этиш учун ўз фаоллигини кўтарилаётган оғирлик ҳажмига, сурилаётган буюмнинг қаршилигига, бўғимларнинг пишангларидаги орқага уриш кучига «мослайди».

Ҳаракатни бошқариш ва назорат қилиш Саъи-ҳаракатларнинг бажарилиши узлуксиз равишда назорат қилиб ва унинг *натижалари ҳаракатнинг пировард мақсади билан таққосланган ҳолда* тўғрилаб (корректировка қилиб) борилади.

Ана шундай назорат ва корректировка бузилган тақдирда беморлар ҳатто энг содда ҳаракатларни ҳам муваффақиятли бажара олмайдиغان бўлиб қоладилар. Улар стол устидаги стаканни қўлига олишда ҳамниша адашиб, қўлини бошқа томонга қўзадилар, сув ичиш учун стаканни оғизларига тўғри олиб бора олмайдилар, уни кейин ўрнига қўя олмайдилар. Улар стулга тўғри ўтириша олмайди, нонни кесаман деб қўл бармоқларини кесиб юборишади, сатрларга риюя қилган ҳолда чизиқлар ўтказишга қодир эмаслар ва ҳоказо.

Ҳаракат қай йўсинда назорат қилиб борилади? Бу ўринда ҳали қўп нарса аниқланган эмас. Бу, шубҳасиз, сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, мушаклар сезгиси) воситасидагина рўй бериши мумкин. Саъи-ҳаракатларни *сенсор назорат қилиш* (сезги аъзолари ёрдамида назорат қилиш) нинг роли синаб кўрилаётган киши геометрик шаклнинг, масалан, олти бурчакли юлдузнинг тасвирини унинг ойнадаги аксига қараб туриб чишиши лозим бўлган тажрибаларда дурустгина исбот этилади.

Одатда буни олдинга сира бехато бажариб бўлмайди, чунки киши ойнада қаламнинг одам қўли ҳаракат қилаётган томонга эмас, балки қарама-қарши томонга қараб юргизилаётганини кўради. Синалаётган киши фақат

машқ қилнш туфайлигина кўриш натижасида олннган маълумотлардан фойдаланишни ва уларни қўлнинг ҳаракати билан тўғри мувофиқлаштиришни ўрганади.

Синаб кўрилаётган одамга тажриба жараёнида нарсаларнинг ва қўл ҳаракатларининг амалдаги ҳолатини жиддий равишда бузиб кўрсатадиган призмали кўзойнак тақилиб ўтказилган тажрибалар шу нуқтаи назардан олганда янада қизиқарлироқдир.

Бундай ҳолатда киши ўзининг саъи-ҳаракатларини тўғри бошқариш (нарсаларни ушлаш, уларга яқинлашиш, белгиланган жойга куйиш ва шу каби жараёнларни бажариш) қобилиятини мутлақо йўқотиб қуйиши маълум бўлди. Фақат узоқ вақт мобайнида машқ қилганидан кейингина у бундай бузилишларни тўғрилашга ўрганди. Агар кўриш сигналлари яна тахминан 0,27 секундга кечика бошлаган бўлса, бузилишларга кўникишига ҳеч қанақа машқ билан эришиб бўлмасди. Ҳа, айтганча, фаол саъи-ҳаракат қилнш имкониятидан маҳрум бўлган ҳайвонлар ҳам агар олдинги оёқларининг ҳаракатларини кўриб турмасалар, уни бошқара олмайдилар.

Бундан маълумки, саъи-ҳаракатларни бошқариш тескари алоқа принципига биноан амалга оширилади. Сезги аъзолари ана шундай алоқа воситаси, нарсалар ва саъи-ҳаракатларнинг муайян гидрок этиладиган ва ҳаракат мўлжаллари (ориентирлари) ролини ўйнайдиган белгилари ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Тескари алоқанинг бундай шаклини П. К. Анохин тескари афферентация деб атади.

Шундай қилиб, ашёвий (ёки бошқа хилдаги ташқи) ҳаракатнинг бажарилиши маълум бир системага оид саъи-ҳаракатларни амалга ошириш билангина чекланмайди. У муқаррар равишда саъи-ҳаракатларнинг жорий натижалари ва ҳаракатлар объектининг хусусиятларига мувофиқ тарзда саъи-ҳаракатларни сенсор (ҳиссий) назорат ва коррективовка қилишни ўз ичига олади. Мияга ташқи муҳитнинг ҳолати, унда саъи-ҳаракатлар қандай рўй бераётгани ва унинг натижалари ҳақидаги ахборотни етказиб турадиган ҳиссий ориентирларини ўзлаштириш ана шу жараённинг негизи ҳисобланади.

Чунончи, темирчи темирнинг қиздирилиши даражасини унинг рангига қараб чамалаб кўриб, болгани уриш кучини шунга мутаносиблаштиради. Дурадгор рандани босиш кучини ва саъи-ҳаракат тезлигини ёғочнинг қаршилигини ўзгарувчан мушаклар сезгиси орқали мослаштиради. Кранчи юкни қўл ва оёқларининг қатъий равишда бир-бирига мутаносиб ва узлуксиз саъи-ҳаракатлари билан траекториясини кўриш орқали назорат қилган ҳолда уйғунлаштириб, мураккаб ва энг қулай траектория буйлаб ўтказади. Шофер машинани тўхтатаркан, тормоз тепкисини босиш кучини машинанинг ҳаракати тезлиги, йўлнинг ҳолати, машинанинг вазни ва шу кабилар билан уйғунлаштиради.

Кўриб турганимиздек, ушбу барча мўлжаллар саъи-ҳаракатларни алоҳида ўзича эмас, балки ҳаракат мақсадига мувофиқ тарзда белгилайди. Масалан, паргардан доира чизиги чизиш ва бўлак чизиқларни ўлчаш учун фойдаланиш уринишларнинг турли хил системасини тақозо этади. Қалам билан «а»

ҳарфини ёзишда «о» ҳарфини ёзиш чоғидагига қараганда бошқача уриниш бўлади. Кечиқиб қолиб автобус орқасидан чопаётган йўловчининг саъи-ҳаракатлари системаси рекорд қўйишни ният қилган енгил атлетикачини сира ҳам қаноатлантирмайди. Ушбу барча ҳолларда айнан бир хил ҳаракат объектларини (паргар, қалам, қоғоз) ёки ҳатто ўшандай ҳаракатларни (югуриш) кўриб турибмиз, лекин бу ҳаракатларнинг мақсадлари ҳар хил ва шунинг учун бу ҳаракатлар таркибига кирадиган саъи-ҳаракатлар системаси ҳам ҳар хилдир.

Бундан кўриниб турибдики, ҳаракат таркибига кировчи саъи-ҳаракатлар системаси пировард натижасида ушбу ҳаракатнинг мақсади билан бошқарилади ва йўналтирилади. Қилинаётган саъи-ҳаракатларнинг натижалари айнан шу мақсад нуқтаи назаридан баҳоланади ва тўғрилаб турилади. Айнан шу ҳаракатнинг мақсади уни бажаришда, назорат қилиш ва яхши изга солишда нарсаларнинг қайси бир хусусияти ва ҳолати мўлжал бўла олишини белгилаб беради.

Кишининг мақсади кўпинча муайян вақт ичида йўқ ва ҳаракатлар ёрдамида эришилиши мумкин бўлган нарсалардан иборат бўлади. Демак, мақсад *мияда фаолиятнинг бўлажак натижасининг тилсоли, ўзгариб турадиган андазаси тарзида намоён бўлади*. Айнан ўша орзу қилинган (эҳтиёж сезилган) бўлғуси андаза билан ҳаракатнинг амалдаги натижалари таққосланади, айнан ўша андаза саъи-ҳаракатларнинг шакл-шамоилини белгилаб ва тўғрилаб туради. Чунончи, киши сув ичиш учун стаканни олиб, лабларига яқинлаштирилгандаги каби оддий бир ҳолда ҳам унинг ҳаракатлари орзу қилинган натижа (чанқоқни босиш), шунингдек қўл стаканга чўзилиши ва сўнгра стакан билан бирга лабларга қадар бориши андазалари орқали идора қилинади. Бўлғуси ҳаракат моделлари (саъи-ҳаракат программаси) ва унинг натижаси (мақсаднинг программаси)ни, мияда ушбу ҳаракатнинг ўзини олдиндан ҳосил қиладиган андазаларни физиологлар «ҳаракат акцептори» ва «олдиндан акс эттириш» (П. К. Анохин), «ҳаракатлантирувчи вазифа» ва «бўлғуси эҳтиёж андазаси» (Н. А. Бернштейн), «зарурий моҳият» ва «келажак андазаси» (Миттельштед, У. Эшби), «намуна», «ўзгариб турадиган андаза» ва шу кабилар деб айтадилар.

Номларнинг ранг-баранглиги ушбу моделлар моҳияти нимадан иборатлиги, улар мияда қандай таркиб топиши ва амал қилиши ҳақида тавсия этилаётган гипотезаларнинг ранг-баранглигини акс эттиради. Буларнинг ҳаммасини ҳозирча биз аниқ билмаймиз. Лекин бўлғуси ҳаракатлар ва улардан кутулаётган натижа мияда олдиндан аллақандай тарзда тасаввур қилинишининг ўзи шакл-шубҳасиздир. Акс ҳолда, юқорда кўриб ўтганимиздек, фаолиятнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Фаолиятни ин-
териоризация-
лаш ва эксте-
риоризациялаш

Лекин мия келажакни қандай қилиб «олдиндан кўриши» ва ҳали бажарилмаган ҳаракатларнинг натижаси психикасида қандай қилиб акс этиши мумкин? Бунинг учун атрофдаги оламнинг битта принципиал хусусияти — унинг қонунияти туфайли имконият туғилади. Бундан ундаги турли хил ҳодисалар муайян доимий боғланишлар ва муносабатлар орқали боғланган, ундаги нарсалар эса маълум бир шарт-шароитларда намоён бўладиган муайян муқаррар хусусиятларга ва тузилишга эга бўлади (олов доимо куйдиради; тундан сўнг ҳамиша кундуз келади; жисмнинг тезлиги ишлатилган кучга мутаносиб бўлади; қўшилувчи сонларнинг ўрни алмаштирилгани билан йиғиндиси ўзгармайди ва ҳоказо).

Объектлар билан ҳодисалар ўртасидаги бундай барқарор (инвариант) муносабатлар объектларнинг муҳим хусусиятлари ва ҳодисаларнинг қонуниятлари деб аталади. Айнан объектлар ва ҳодисаларда муайян муҳим ва барқарор хусусиятлар ҳамда қонуниятларнинг мавжудлиги маълум бир шароитларда уларнинг «фёэли-атвориши», яъни у ёки бу таъсиротлар остида уларнинг бўлғуси ўзгаришларини олдиндан билиш ва шу асосда ҳаракатларни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб туриш имконини беради. Ташқи, конкрет фаолият бу ҳолда гўё ички, тимсолий фаолият тарзида ҳис этилади. Объектлар устида бўладиган конкрет ҳаракатлар ушбу объектларнинг муҳим хусусиятлари устида олиб бориладиган тимсолий (психик) жараёнлар билан алмаштирилади, яъни нарсалар билан бажариладиган жисмоний жараёнлар уларнинг моҳиятини тасаввур қилган ҳолда юз берадиган хаёлий жараён билан алмаштирилади.

Ташқи, реал ҳаракатдан ички, тимсолий ҳаракатга бу хилдаги ўтиш жараёнини *интериоризация* (том маъноси билан айтганда, ички тарзга айланиш) деб аташади. Интериоризация туфайли киши психикаси маълум бир вақт ичида унинг назари этиборида бўлмаган нарсаларнинг тимсолида фойдаланиш қобилиятига эга бўлади. Киши муайян дақиқа чегараларидан ташқарига чиқиб, «хаёлида» ўтмишга ва келажакка, вақтга ва бушлыққа эркин кўчиб ўтади. Қишининг ҳаракати ҳайвоннинг бутун хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган оқоридагидек ташқи вазиятга худди кул каби қарамликдан қутулади.

Психология интериоризациянинг қандай юз беришини барча жиҳатларига қадар тўла билмайди. Лекин шу нарса аниқ исбот қилинганки, бундай ўзгаришнинг муҳим қуроли бўлиб *сўз*, ўзгариш воситаси бўлиб эса нутқий фаолият хизмат қилади. Сўз буюмларнинг муҳим хоссаларини ва ахборотдан фойдаланишнинг инсоният амалиётида юзага келган усулларини белгилайди ва ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам сўзларни тўғри ишлатишга ўрганиш аини чоғда буюмларнинг муҳим хусусиятларини ва ахборотдан фойдаланишнинг усулларини ўзлаштиришдан иборатдир. Киши сўз орқали бутун инсониятнинг, яъни ўзидан олдинги ўнлаб ва юзлаб авлодларнинг,

шунингдек ўзидан юзлаб ва минглаб километр узоқдаги кишилар ва коллективнинг тажрибасини ўзлаштириб олади.

Сўзларни ва умуман нарсаларнинг муносабатини билдирадиган реал тимсолларни қўллаш *нарсаларнинг ўзи бевосита бўлмаган ҳолларда* тегишли муносабатлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга шунинг учун ҳам имконият яратади, жамият амалиётида шаклланган тажриба ва билимлар, тимсоллар ва талаблар ёрдамида киши фаолияти ва хулқ-атворини йўналтириб туришга кўмак беради.

Шундай қилиб, киши фаолияти жуда мураккаб ва ўзига хос жараёндир. У шунчаки эҳтиёжларни қондиришдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки кўпроқ даражада жамиятнинг мақсадлари ва талаблари билан белгиланади. Мақсаднинг англанганлиги ва унга эришиш юзасидан ижтимоий ҳаракатлар тажрибаси билан боғлиқ эканлиги киши фаолиятининг ўзига хос белгисидир.

Киши фаолиятининг ташқи (жисмоний) ва ички (психик) жиҳатлари чамбарчас боғлиқдир. Ташқи жиҳат — одам ташқи оламга таъсир кўрсатиш учун қиладиган саъй-ҳаракатлар — мотивлаштирувчи, билишга ундовчи ва бошқарувчи ички (психик) фаолият билан белгиланади ва йўналтирилади. Иккинчи томондан, бутун ана шу ички, психик фаолият буюмлар ва жараёнларнинг хусусиятларини ўзида намоён қиладиган, уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширадиган, психик андозаларнинг ўхшашлик даражасини, шунингдек эришилган натижалар ва ҳаракатларнинг қутилганларига мувофиқлиги даражасини кўрсатадиган ташқи жиҳат томонидан йўналтирилиб ва назорат қилиниб туради.

Биз ички, психик фаолиятни ташқи, конкрет фаолиятнинг интериоризациялашуви натижаси деб ҳисоблаш мумкинлигини кўриб чиқдик. Шунга мувофиқ тарзда ташқи, конкрет фаолиятни ҳам ички, психик Фаолиятнинг *экстеризациялашуви* (том маъноси билан айтганда, ички тарзга айланиши) деб қараш мумкин.

II. 4.3. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши. Малакалар

Ҳаракатларнинг
автоматлашти-
рилиши ва ма-
лакаларнинг
ҳосил бўлиши

Ҳар қандай ҳаракатнинг таҳлил этилган жиҳатларини тегишли тарзда унинг *мотор* (ҳаракат), *сенсор* (ҳиссий) ва *марказий қисмлари* деб аташ мумкин. Шунга мувофиқ ушбу қисмларнинг ҳаракатни амалга ошириш жараёнида бажарадиган вазифаларни *ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариб туриш*дан иборат бўлиши мумкин. *Киши фаолият жараёнида ҳаракатларни ижро этишда, назорат қилиш ва бошқариб туришда фойдаланадиган йўл-йўриқлар ушбу фаолиятнинг усуллари деб аталади.*

Айтиб ўтилган вазифаларнинг ҳар бирини киши англанилган тарзда ҳам ва англанилмаган тарзда ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, сўзни талаффуз этиши учун зарур бўлган ҳиқилдоқ ҳаракатлари системаси киши томонидан мутлақо англанилмаган ҳолда ишлайди. Лекин киши айтмоқчи бўлаётган иборанинг грамматик шакллари ва мазмуни ҳамиша онгда олдиндан аён бўлади. Ҳар қандай саъи-ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган ўша мушаклар қисқариши ва чўзилишининг мураккаб бирикувчи қонда тариқасида англанилмаган бўлади. Афтидан, саъи-ҳаракатлар онгнинг иштирокисиз, шунчаки физиологик тарзда идора этилади. Бироқ, одатда, ҳаракатларнинг пировард мақсадлари, шунингдек уларнинг умумий характери ҳамиша англанилган бўлади. Масалан, киши велосипедда мутлақо онгсиз ҳолатида юриши мумкин эмас. У қаёққа бораётганини, қайси йўл билан ва қанақа тезлик билан бораётганини ва шу кабиларни умуман тасаввур қилиши лозим. Бу ҳар қандай меҳнат, ўйин ва бошқа хил ҳаракат жараёнларига ҳам тааллуқлидир. Ва, ниҳоят айрим саъи-ҳаракатлар онгли тарзда йўналтирилган ҳолда ҳам, англанилмаган ҳолда ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, юриш саъи-ҳаракатларнинг анчагина қисми англанилмаган ҳолда амалга ошириладиган фаолиятнинг шундоққина кўриниб турган мисоли ҳисобланади. Лекин шу хилдаги саъи-ҳаракатларнинг арқон устида юриш чоғида бажарилиши, сенсор назорат қилиниши ва марказдан бошқарилиши (айниқса уқувсиз дорбозда) энг жиддий даражада англанилиши зарур бўлган объектга айланади.

Тескари ҳолат юз бериши ҳам мумкинки, бунда ҳаракатнинг маълум бир жиҳатлари олдинга майда-чуйдаларига қадар онгли равишда идора қилинишини тақозо этади, сўнгра эса онг борган сари кам иштирок этгани ҳолда бажарила бошлайди, бундай ҳолларни ишнинг бажарилиши *автоматлаша бошлаганига* ўхшатишади.

Кишида мақсадга мувофиқ тарздаги саъи-ҳаракатларни ижро этиш ва бошқаришнинг айнан шу тарзда қисман автоматлашуви малака деб аталади.

Биз айнан *саъи-ҳаракатларнинг англанилмаган ҳолдаги бошқарилиши* тўғрисида сўз юритаётирмиз, негаки, *ҳаракатларни бошқариш билан саъи-ҳаракатларни бошқариш* бир хилдаги нарса эмас. Саъи-ҳаракатларнинг тобора кўпроқ даражада автоматлашуви айни чоғда ушбу саъи-ҳаракатларни ҳам ўз таркибига олган ҳаракатларнинг онгли равишда бошқариш билан қўшилган ҳолда юз беради.

Чунончи, велосипедчи ўз мувозанатини сақлаш учун ишлатадиган саъи-ҳаракатларнинг автоматлашуви унинг диққат-эътиборини атрофидаги кўча ҳаракатига, йўлнинг ҳолатига ва шу кабиларга қаратишига ва шу асосда ўз ҳаракатларини янада англанилган тарзда бошқаришига ёрдам беради. Урганувчи пианиночининг керакли клавишларни топиш чоғидаги саъи-ҳаракатларининг шу тарздаги автоматлашуви умуман ҳаракатларни бажаришни англанилган ҳолда бошқариш даражасини кескин оширишга, куйнинг чалинишини

асарнинг ижодий режасидан кам фарқ қиладиган даражага кўтаришга имкон беради.

Умуман олганда, «соф» малака ҳақида, чамаси, фақат ҳайвонларга таъриф берилаётганда гапириш мумкин. Одамда патологик ҳолатлардан бўлак барча хилдаги фаолият пировард натижада онг билан бошқарилади. Ҳаракатнинг у ёки бу қисмлари автоматлашуви эса онгли равишда йўналтириладиган объектни фақат алмаштиради, ҳаракатнинг умумий мақсадларини, унинг ижро этилиши шарт-шароитларини, унинг натижаларини назорат қилиш ва баҳолашни онг унинг тасарруфи доирасига олиб киради.

**Мадаканинг
тузилиши**

Ҳаракатнинг шу тарзда қисман автоматлашуви туфайли унинг тузилишида рўй берадиган ўзгаришлар қуйидагилардан иборатдир.

1. *Саъи-ҳаракатларнинг ижро этилиши усуллари ўзгаради.* Бунга қадар ўз ҳолича юз бериб келган қатор жузъий саъи-ҳаракатлар *ягона жараёнга*, таркибига кирувчи алоҳида содда саъи-ҳаракатлар ўртасида тўсиқлар ва узилишлар мавжуд бўлмаган битта мураккаб саъи-ҳаракатга қўшилиб кетади. Масалан, ўқувчи босқичли ҳаракат сифатида бажарадиган ҳаракатни ўзгартириш жараёни тажрибали шофёр томонидан бир марта қўлни силлиққина ишлатган ҳолда бажарилади. *Ортиқча ва кераксиз саъи-ҳаракатлар бартараф этилади.* Жумладан, ўқувчи ёзувни ўргана бошлаган пайтда бу жараёни бажараркан, кўплаб ортиқча ҳаракатлар қилади: тилини чиқаради, гавдасини қимирлатади, бошини энгаштиради ва ҳоказо. Ҳаракат жараёни ўзлаштириб олингандан кейин барча ортиқча саъи-ҳаракатлар йўқолиб кетади. *Мужассамлашув юз беради*, яъни саъи-ҳаракатларни иккала қўл (оёқ) билан бир вақтнинг ўзида бажариш бошланади. Агар бошловчи токарь кескични олдинга узунасига қараб, сўнгра эса кўндалангига қараб юргизса, тажрибали токарь кескинчи деталга бир вақтнинг ўзида бир қўли билан моховикни узунасига, бошқаси билан эса суппортни кўндалангига айлантираркан, диагонал чизиқ бўйлаб қисқа масофадан олиб боради. Пировардида саъи-ҳаракатларни бажариш суръати тезлашади. Шундай қилиб, ҳаракатларни ўзлаштириш жараёнида унинг ҳаракатлантирувчи барча жиҳатлари: саъи-ҳаракатлар таркиби (у содалашади), саъи-ҳаракатларнинг изчиллиги (у узлуксиз бажариладиган бўлади) ва саъи-ҳаракатларнинг уйғунлиги (улар бир вақтнинг ўзида бажариладиган бўлади), шунингдек уларнинг тезлигини мумкин қадар режали бўлишига имкон туғилади.

2. *Ҳаракатни сенсор назорат қилиш усуллари ўзгаради.* Саъи-ҳаракатларнинг бажарилишини *кўриш орқали назорат қилиш* кўпроқ *мушаклар ёрдамида* (кинестетик) назорат билан алмашади. Бунга тажрибали машинистканинг ҳарфларга қарамасдан ёзиши, малакали слесарнинг исқананинг устидан болға билан ураётганда кўриш назоратини ишга солмаслиги (слесарь

болгани ураётиб, искананинг қалпоғига эмас, балки унинг тигига қараб туради) ва шу кабилар оддий мисол бўлиши мумкин. Саъи-ҳаракатларнинг характерини белгилайдиган турли хилдаги ўлчамларнинг нисбатини баҳолаш имконини берадиган махсус *сенсор синтезлар* ҳосил бўлади. Масалан, шофёрда тезликни кўз билан чамалаш ва сезиш, дурадгорда ёғочни ҳис қилиш, токаръ ва силлиқловчида ўлчовларни жуда яхши фарқ қилиш, учувчида фазода ҳолатни ҳис қилиш туйғуси ўткир бўлади. Ҳаракат натижаларини назорат қилиш учун муҳим бўлган *мўлжалларни тез фарқлаш ва ажратиш қобилияти* ривожланади. Жумладан, шофёрда моторнинг шовқинида унинг қанчалик куч билан ишлаётганини билдирадиган белгиларни ажратиш қобилияти, пўлат эритувчида металлнинг таркибини, унинг ҳаракатини, рангининг товланишига қараб ажратиш қобилияти ривожланган бўлади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ҳаракатлар ўзлаштирила борган сари унинг натижаларини ва бажарилиш шароитларини янада аниқроқ ва тезроқ бевосита сифатли назорат қилиш учун имкониятлар туғилади.

3. *Ҳаракатни марказдан туриб бошқариш усуллари ўзгариб бормоқда. Дикқан ҳаракат усулларини* идрок этишдан холи бўлиб, у ҳаракатнинг асосан *вазияти* ва *натижасига* қаратилган бўлади. Баъзи ҳисоб-китоблар, ечимлар ва ақлий меҳнат талаб қиладиган бошқа жараёнлар тез ва бирга қўшилган ҳолда (фаҳмланган тарзда) амалга оширила бошлайди. Жумладан, шофёр двигателнинг ортиқча куч билан ишлаётганини унинг товушиданоқ сезиб, ўйлаб-нетиб ўтирмасданоқ, унинг ҳаракатини қанақа тезликка кўчириш кераклигини дарҳол тушуниб етади; аппаратчи асбобларнинг кўрсаткичларини ўқибоқ, уларнинг ишлашида рўй бераётган бузилишларни ва уларни бартараф этиш учун нималар қилиш кераклигини фаҳмлайди. Навбатдаги саъи-ҳаракатларга тайёргарлик бундан олдинги саъи-ҳаракатлар амалга ошириладиган пайтдаёқ юз бера бошлайдики, натижада реакция учун сарфланадиган вақт кескин камаяди. Чунончи, учувчи қўнишни бошлаётганидаёқ муайян шароитлардаги қўнишнинг ушбу турини бажариш учун қўлланиладиган барча стандарт усулларни ишга солишга ўзича тайёр бўлади. Шунинг учун ҳам биринчи усулни бажаришдан иккинчисига ўтиш махсус плаңлаштирилмаган тарзда ҳам амалга ошириладиган веради. Фақат қўнишнинг қандай усулини танлаш режалаштирилади, холос. *Қўлланилиши лозим бўлган усулларнинг бутун бошли занжирини ёки турларини* ана шу тарзда онг ёрдамида олдиндан кўра билиш *антиципация* деб аталади.

Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва машқлар Ҳаракат усулларидаги бу ўзгаришлар қандай юз беради ва уларнинг психологик механизми қандай?

Ўз негизи эътибори билан бу *тадқиқот қилишга уринишларни ва танлашни* ўз ичига оладиган механизмдир. Киши муайян ҳаракатни бажаришга уриниб кўради ва унинг натижасини на-

зорат қилиб туради. Муваффақиятли саъи-ҳаракатлар, ўзини оқлаган мўлжаллар ва бошқа усуллари аста-секин танланади ва мустаҳкамланади, муваффақиятсиз чиққанлари ва ўзини оқламаганлари эса қўлланишдан чиқарилиб, бошқалари билан алмаштирилади. *Муайян ҳаракатлар ёки фаолият турларини ўзлаштириш мақсадида уларни англаган тарзда ҳамда онгли равишда назорат қилишга ва тузатишга асосланган ҳолда кўп марта такроран бажариш фаолияти машқ деб аталади.*

Машқ қила борган сари киши ҳаракатлари характерининг ўзгариши бу ҳаракатларни бажариш чоғида унинг психик фаолиятини тузлишида юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради. Онгли тарзда назорат қилиниб ва тузилиб туриладиган ҳар бир янги уриниш ҳаракат усуллари ва вазифаларини фақат эслаб қолишдагина акс этмайди. Одатда у *вазифани текшириш усуллари*нинг, *уни ҳал қилиш ва тузатиш йўллари*нинг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Мисол учун бир хилдаги бир неча деталларга белги қўйиш жараёнини такроран бажариб машқ қилаётганда ўқувчи фаолиятининг тузилиши қандай ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Биринчи деталь. Ўқувчи ўзи учун янги бўлган фаолият олдидан турибди. Ҳозирча у бу иш қандай бажарилишини кўриб ва тушуниб олди, холос. Жараёни ўзи бажариши учун у ўқитувчининг оғзаки кўрсатмаларини, намойиш чоғида идрок этилган шаклларни ҳаракат тилига айлантириши (яъни ўзининг хусусий саъи-ҳаракатларини тартибга солиши) талаб қилинади. Ўқувчи ишни бажаришга уринаркан, ўз хатоларини пайқаган ва тўғрилаган ҳолда вазифанинг «ҳаракатлантирувчи моҳияти» ни биринчи марта чинакамга пайқайди ва уни бажариш усуллари «мушаклари билан ҳис қила бошлайди». Ҳаракат манзарасига, унинг тимсолига саъи-ҳаракатларни тартибга солиб туриш учун зарур мушаклар сезгиси қўшилади. Айни шу йўсинда энг асосий қийинчилик енгиб ўтилади, ҳаракатни қай тарзда бажариш ҳақидаги тимсолий-мантиқий тасаввурлар билан унинг амалда бажарилиши ўртасида боғланиш ҳосил бўлади. Шу тарзда иш жараёнининг ҳиссий-ҳаракат тимсоли ҳосил қилинади ва конкрет-ақлий жиҳатдан англанади, яъни ҳаракатнинг бажарилишини бошқариб ва назорат қилиб борадиган психик модели таркиб топади.

Иккинчи деталь. Ўқувчи ишга энди ҳаракатларни бажариш ва бошқариш усуллари ҳақида ҳиссий ҳаракат тасаввурига эга бўлган ҳолда киришади. Шунинг учун ҳам сўздан ишга, тимсолдан ҳаракатга ўтиш билан боғлиқ қийинчиликларнинг кўпчилигига дуч келинмайди. Жараёнларни бажаришда сезиларли даражада силжиш, кескин бурилиш ва жадаллик одатда ана шу туфайли содир бўлади.

Учинчи ва тўртинчи деталлар. Деталдан-деталга ўтган сари жараёнларни бажариш усулларида унчалик катта ўзгариш рўй бермайди. Бу ўзгаришлар ортиқча саъи-ҳаракатларни истисно этиш, нотўғри саъи-ҳаракатларни тўғрилаш, бир-бирига


боғлиқ бўлганларини бирга қўшиб бажаришга кўчиш, ишни бажариш йўлларини тобора кўпроқ даражада стандартлаштириш билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Уларнинг бажарилиш усуллари ана шундай тарзда стандартлаштирилиши муносабати билан уларни бажариш тобора автоматлашиб, онгнинг назоратидан халос бўлади, шартли рефлекс реакцияси системаси каби юз беради.

$N+N+1+$...деталлар. Ишни назорат қилиш ва бошқариб боришнинг асосий усулларини автоматлаштириш ҳаракатининг шарт-шароитларини янада кенгроқ ҳисобга олиш учун онгни холи қолдиради. Ҳаракатларнинг тезлигини ихтиёрий бошқариш, уларни ўзгариб турувчи вазифаларга мослаштириш, янги вазиятларга ва деталларга кўчириш имконияти туғилади.

Машқларнинг эгри чизиқлари Агар ҳаракат белгиларидан биронтаси (масалан, хатолар миқдори, тўғри ҳал этилган масалалар миқдори, сарфланган вақт, маҳсулот миқдори)нинг машқлар (уринишлар) сонига боғлиқ ҳолда қандай ўзгариши ўлчанадиган бўлса, у ҳолда ҳаракатнинг ўзгариш жараёнини миқдор жиҳатидан тасвирлаб бериш мумкин. Машқлар сони горизонтал ўқ (абсцисса) бўйлаб, ҳаракатнинг ўлчанаётган белгиси эса вертикал ўқ (ордината) бўйлаб чиқарилади. Графикда ҳосил бўлган нуқталарни бирлаштирадиган чизиқ машқлар эгри чизиғи, яъни ўргатиш эгри чизиқлари деб аталади. У ҳосил қилинаётган малаканинг ошиб бораётганлигини билдиради.

Конкрет экспериментлар натижасини тасвирлаш жараёнида ҳосил бўладиган эгри чизиқлар жуда хилма-хилдир. Ҳатто битта кишининг ўзи бир хилдаги вазифаларни бажарган тақдирда ҳам эгри чизиқ бир хилда бўлмайди. Лекин умуман олганда машқнинг барча эгри чизиқларини икки турга ажратиш мумкин: а) салбий тезликка эга бўлган эгри чизиқлар (малаканинг ҳосил бўлиши олдиниға тезлик билан давом этган ҳолда, сўнгра тобора секинлаша боради, тезликнинг маълум даражада сўнгги чегарасига, хатоларнинг ҳаддан зиёд кўп такрорланишиға қадар бориб қолади ва ҳоказо); б) ижобий тезликни ифода этадиган эгри чизиқлар (олдиниға ҳаракатнинг ўзлаштирилиши секинлик билан давом этади, сўнгра эса тобора тезлашади).

5-расмда катта ёшдаги кишилар (А) ва болалар (С) да чалкашликлардан ўтиш кўникмасининг ҳосил бўлишини белгилайдиган ўргатиш эгри чизиқлари тасвирлангандир. Графикдаги ордината ўқи бўйлаб йўл қўйилган хатолар ва сарфланган вақт ёки босиб ўтилган масофанинг унинг биринчи уринишдаги ҳолатига нисбатан процент ҳисобидаги узунлиги чиқарилади. Барча эгри чизиқларнинг салбий тезликка эга бўлган эгри чизиқларга тааллуқли эканлигини пайқаш қийин эмас. 6-расмда ўқувчиларнинг бир хилдаги арифметик масалаларни ечишға оид машқлари эгри чизиғи кўрсатилган: ордината—хатоларнинг (нотўғри қўйилган саволлар ва нотўғри бажар




5-расм. Чиниқтириш эгри чизиқлари: абсцисса — уринишлар сони; ордината—биринчи уринишга нисбатан процент ҳисобида ўлчанадиган вақт (масофа).

рилган амаларнинг) бошланғичга нисбатан процент ҳисобидаги миқдорини билдиради.

Эгри чизиқларнинг биринчи тури синовлари ва хатолар қилиш йўли билан ўргатиш (номаълум чалкашликлардан ўтиш, масалан, одам учун ана шундай ўрганиш ҳисобланади) кўпроқ ўрин олган жараёнларга хосдир. Эгри чизиқларнинг иккинчи тури амалларнинг тўғри бажарилиши учун кўпинча англаб етиш талаб қилинадиган масалаларга хос бўлади. Масалаларни ҳал этиш йўллари тушуниб стилган бундай ҳолларда у тўғри ҳал қилинади ва хатолар такрорланмайди.

**Малака англа-
нилган ҳолдаги
автоматлашти-
рилган ҳара-
катдир**

Такрорланиб турадиган амалий уринишларсиз ҳеч қандай малакани ҳосил қилиб бўлмайди. Баъзи бир психологлар, жумладан, бихевиористлар ана шу фактга таянган ҳолда ҳайвонларда ва одамларда малакалар ҳосил бўлиши жараёнини айнан бир хил нарса деб ҳисоблашга уринадилар. Лекин физиологик механизмнинг ўхшашлиги бу жараёнларнинг бир-биридан принципал жиҳатдан фарқини йўққа чиқармаслиги керак. Одам-



а-расм. Машқлар эгри чизиғи: абсцисса— бир хил турдаги масалалар миқдори; ордината— хатоларнинг бошланғичга нисбатан процент ҳисобидаги миқдори.

ларда ҳаракатларнинг бажарилиши, кўриб ўтганимиздек, ҳамisha онг билан идора қилиб турилади. Шунинг учун ҳам ҳайвонларда юз берадиган жараёнларнинг ўзи одамда принципиал жиҳатдан ўзгача тарзда бўлади. Унинг амалий синовлари муайян саъи-ҳаракатларни онгли тарзда бажариш учун уриниш тусини касб этади. Натижаларни назорат қилиш, шарт-шароитларни баҳолаш, ҳаракатларни тўғрилаб туриш ҳам у ёки бу тарзда англанилган ҳолда юз беради. Буни танқидий уринишлар манбалари тўғрилаб боради. Масалан, тақлид қилиш ўзлаштирилаётган ҳаракатларнинг намунасини англанилган тарзда собитқадамлик билан *кузатишга* таяна бошлайди. Энг муҳими, усулларнинг танланиши ва бошқарилиши улар мақсадининг *англанилиши ва мазмунининг тасаввур этилиши* орқали бошқарилади.

Малакани шакллантиришда *кузатилаётган* ва *бажарилаётган* ҳаракатларнинг киши томонидан сўз билан ифода этилиши — *нутқ фаолияти*, шунингдек бажарилиши лозим бўлган ҳаракат тимсолининг «хаёлдаги» ифодаси — *идеал фаолият* етакчи восита бўлиб хизмат қилади. Кишида малакаларни шакллантириш механизмининг принципиал жиҳатдан фарқ қилдиган ушбу хусусиятлари малакаларни шакллантириш жараёнининг қонуниятларини ҳам белгилаб беради.

Кишининг малакаси *онгли* равишда автоматлаштирилган ҳаракат сифатида ҳосил бўлади. У ҳаракатни бажаришнинг *автоматлаштирилган усули* тарзида амалга оширилади. Унинг роли онгли ҳаракат усуллари бажарилишини назорат қилишдан холи қилишдан ва уни ҳаракатнинг мақсади ҳамда шарт-шароитларини идрок этишга йўналтиришдан иборатдир. Бу жараённинг асосий бошқичларини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин.

Малаканинг ривожланиш бошқичлари	Малаканинг хараكتери	Малаканинг мақсади	Ҳаракатни бажариш усуллари
1. Таништириш	Ҳаракатларни тушуниб етиш ва тасаввур қилиш	Ҳаракатларни бажариш усуллари билан танишиш	Мақсадни аниқроқ, унга эришиш усуллари эса сат-патгина тушуниш; ҳаракат чоғида жуда кўп қўпол хатоларга йўл қўйиш
2. Тайёргарлик кўриш (таҳлил қилиш)	Англанилган тарзда, лекин нуноқлик билан бажариш	Ҳаракатларнинг баъзи қисмларини ўзлаштириб олиш; уларни бажариш усуллари таҳлил қилиш	Ҳаракатни бажариш усуллари аниқ тушунуб етиш, лекин уни ноаниқ ва тугуруқсиз бажариш; кўп-кўп ортиқча уринишлар диққатни жуда ҳам кучайтиришлар; ўз ҳаракатларига эътиборни қаратиш; сўз назарат қилиш
3. Стандартлаштирувчи (синтез қилиш)	Ҳаракат қисмларини автоматлаштириш	Оддий уринишларни яхлит битта ҳаракатга қўшиш ва бирлаштириш	Ҳаракатлар сифатини ошириш, уларни қўшиш ортиқчасини бартафат этиш, натижага эътиборни қаратиш; назорат қилишни яхшилаш мушаклар билан назорат қилишга кўчиш
4. Ўзгарувчан (вазиятга боғлиқ бўлган)	Вазиятга муносиб тарзда мослашиш	Ҳаракат хусусиятини ихтиёрий бошқаришни ўрганиш	Ҳаракатларни мақсадга мувофиқ тарзда нафислик билан бажариш; махсус сенсор синтезлари асосида назорат қилиш, ақлий (интуитив) тарзда синтез қилиш

Алоҳида битта малаканинг шакллантирилиши ҳеч қачон мустақил, ажратиб олинган ҳолдаги жараён ҳисобланмайди. Унга одамнинг бундан олдинги бутун тажрибаси таъсир кўрсатади ва унда иштирок этади.

Ҳар қандай малака ҳам киши аллақачон эгаллаб олган малакалар ситемасида амал қилади ва таркиб топади. Уларнинг бири янги малаканинг таркиб топишига ва амал қилишига ёрдам берса, бошқалари ҳалақит беради, учинчи бир хили эса уни ўзгартиради ва ҳоказо. Бундай ҳодиса психологияда *малакаларнинг ўзаро таъсири* деб юритилади.

Бу қандай юз беради. Эслатиб ўтамизки, ҳаракат унинг мақсади, объекти ва шарт-шароитлари (вазият) билан белгиланади. Унинг ўзи эса ҳаракатлантирувчи ижронинг, сенсор назорат қилиш ва марказий бошқарувнинг муайян усуллари системаси сифатида амалга оширилади. Ҳаракатнинг муваффақиятлилиги, яъни малаканинг самарадорлиги ана шу усулларнинг ҳаракат мақсадларига, объектига ва шарт-шароитларига қанчалик мувофиқ келишига боғлиқдир.

Малака ҳосил қилинишининг умумий қонуни шундан иборатки, киши янги вазифага дуч келганда олдинига фаолиятнинг ўзида шу чоқда мавжуд бўлган усулларини фойдаланишга уринади. Бунда у, ўз-ўзидан равшанки, шу хилдаги масалаларни ҳал этиш учун унинг ўз тажрибасида қўлланишга тўғри келган усулларни мазкур масалани ечишга ҳам татбиқ этиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда иш тутади. Бундан кўриниб турибдики, *фаолият усулларини кўчиришнинг муваффақиятлилиги* масалаларнинг уларни ҳал этиш усуллари ўхшашлиги қанчалик тўғри баҳоланишига боғлиқдир. Бу ўринда бир-биридан фарқ қиладиган иккита ҳолат мавжуд бўлиши мумкин.

Биринчиси — бажарилиши, назорат қилиниши ва марказдан бошқарилиши усулларига кўра гарчи амалда ҳар хил бўлса ҳам, иккита ҳаракатнинг мақсади, ёки уларнинг объектлари, ё шарт-шароитлари киши томонидан ўхшаш деб тасаввур қилинишидир. Бундай вазиятда ҳаракатнинг самарасиз усуллари бошланғич нуқта бўлиб қолади. Уларнинг нотўғрилигини пайқаб олиш, бартараф этиш ва янги тўғри усуллар билан алмаштириш вақт ва кўп марталаб уринишларни тақозо этади. Малаканинг шакллантирилиши қийинлашади ва секинлашади. Бундай ҳолларда *малакаларнинг тескари кўчирилиши*, яъни *интерференцияси* юз бериши тўғрисида гапирилади.

Масалан, расм дарсларида болаларга қаламни юқоридан пастга қараб ҳаракат қилдирган ҳолда вертикал тўғри чизик ўтказиш ўргатиляпти. Чизмачилик дарсларида эса уларга худди шу вазифани пастдан юқорига қараб бажариш ўргатилади. Мақсадига кўра бир хил бўлган бу ҳаракатларни бажариш усулларининг қарама-қаршилиги ўқувчиларда чизмачилик малакаларини эгаллашда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Худди шундай қийинчиликларнинг юз бериши токарь ричагни юқорига қараб бурганда автоматик равишда ишлаб бошлайдиган станокдан ричагни пастга қараб бураладиган станокка ўтиб ишлаган пайтида ҳам кузатилади. Ишчи узоқ вақтга қадар адашади — ричагни эскичасига, юқорига қараб бурайверади. Малакалар интерференцияси механизмининг драматик шаклдаги намоиши бундан бир неча йил муқаддам Швецияда оммавий тарзда юз берди. Бу ерда бугун транспортнинг чап томондан ҳаракат қилиши ўнг томондан ҳаракат қилиш билан алмаштирилиши ҳақида эълон қилинган эди. Шунинг натижаси ўлароқ, шахарлардаги кўчалар «аралаш-қуралаш» бўлиб кетди ва ҳаддан зиёд кўп фалокатлар юз берди.

Эҳтимолдаги иккинчи бир қарама-қарши ҳолат — иккита масаланинг тўғри ҳал этилиши учун зарур бўлган ҳаракатларнинг бажарилиши, назорат қилиб ва марказдан бошқариб бо-

рилиши усуллари жиҳатидан ўхшаш бўлган бир пайтда уларнинг мақсади, объектлари ва шарт-шароитлари *ташқаридан қараганда турлича* эканлигидир.

Чунончи, ўқувчида темирни эговлаш бўйича яхши малака орттирилганлиги одатда унинг темирни қўларра билан кесиш усулларини эгаллашини анча енгиллаштиради. Бу ўринда ҳаракат объектлари ва мақсадлари ҳар хил бўлгани ҳолда уни бажариш ва сенсор назорат қилиш усуллари ўхшашдир. Ҳар иккала вазиятда иш қуролининг горизонтал ҳаракат қилишини таъминлаш учун иккала қўл амалда баб-баравар уриниши лозим. Шундай қилинганда ишнинг тўғри ҳаракатлар қилишдан бошланишига эришилади ва малаканинг ҳосил бўлиши анча енгиллашади. Шундай пайтларда *малакаларнинг ижобий кучириши ёки индукцияси* ҳақида гапирилади.

Тажрибанинг ва мавжуд малакаларнинг янги малака ҳосил қилинишига таъсири ҳаракатларнинг ўзига ва уларнинг объектларига тааллуқли хусусиятлар билангина эмас, балки кишининг ушбу ҳаракатлар ва объектларга нисбатан муносабати билан ҳам белгиланади. Агар интерференциялаштирувчи масалалар вақтларга бўлиб қўйилса ва уларни бир-биридан жиддий фарқ қилдирадиган белгилари ўқувчилар онгига сингдирилса, ўқитиш ва айниқса қайта ўганиш чоғида ғоят кўп халақит берадиган тескари кўчиш анча сусайиши мумкин. Агар ўқувчига ташқаридан қараганда турлича бўлиб кўринадиган вазифалардаги муҳим ўхшашлик белгилари атайлаб намойиш этиладиган бўлса, малакаларнинг ижобий кўчиши анча енгил бўлиб, ўргатиш эса тезлашади.

Ҳаракатни унинг шаклланган шароитларидан ажратиб олиш ва янги шарт-шароитларга, яъни объектларга кўчириш келажакда яхши оқибатларга олиб келадиган жуда муҳим воқеа ҳисобланади. Биз ҳозирдаёқ шуни биламизки, ҳаракатнинг бундай кўчирилиши кўп ҳолларда вазифаларнинг янги турларини шу заҳотиёқ, синовларсиз ва беҳато, муваффақиятли бажариш имконини бермоқда, яъни хатти-ҳаракатнинг принципнал жиҳатдан янги тур — *ақл-идрок* билан иш кўришга йўл очиб бермоқда. Унинг ана шундай муҳим аҳамиятга эга эканлиги муносабати билан *узи ҳосил бўлган конкрет шарт-шароитлардан ажратилган ҳолдаги бундай ҳаракатни операция* деган термин билан атаймиз.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, ҳаракатни фақат муайян психик фаолият, яъни ўхшаш деб ҳисоблаш, умумлаштириш ва шу кабилар асосидагина операцияга айлантириши мумкин. Ҳаракатнинг марказдан бошқарилиши усуллари ҳам кўчирилиши, яъни психик ҳаракатлар операцияларга айлантирилиши ҳам мумкин.

Жумладан, ташқи кўриниши бўйича ойнага қараб туриб расм чизиш тажрибаларида чап қўл билан расм солиш чоғида орттирилган малакалар унг қўл билан расм солишга ўтиш чоғида ҳам саъи-ҳаракатларни бошқа-

ришга ўз таъсирини кўрсатди. Киши дастхатининг ўзига хос белгилари у қанақа ҳарфни ёзаётганига қарамай сақланиб қолиши ҳам шу нарса билан изоҳланади. Буниси тугул, бу белгилар чап қўл билан ёзаётганда ҳам, қаламни тиш ва ҳатто оёқ бармоқлари орасига қисиб ёзилган чоқда ҳам сақланиб қолади.

Марказий бошқарувнинг тузилишидаги ўхшашлик грамматик тузилишига ва луғат составига кўра бир-бирига яқин тиллар (масалан, инглиз ва немис, рус ва украин тиллари) нима учун бошқа тилларга қараганда осонроқ ўзлаштирилиш сабабларини тушунтириб беради. Кўчиришнинг ушбу тури ўзлаштирилган ҳисоб усулларини хилма-хил сонларга нисбатан қўлланиш, турли хил масалаларни ечишда умумий формулалардан фойдаланиш имконини беради ва ҳоказо. Пировард натижада кўчириш принципи ҳар қандай ахборотнинг киши томонидан англаб олиниши ва қайта ишланиши чоғида мантиқий тафаккур усулларини автоматик равишда қўлланишнинг негизини ташкил этади.

Кўчиш проблемаси педагогик психологиянинг марказий проблемаларидан бири бўлиб ҳисобланишининг ажабланидиган жойи йўқ. Ўзлаштирилган ҳаракатларнинг янги вазифаларга тўғри ва муваффақиятли кўчишини амалга ошириш — бу фаолиятнинг янги турларини тез ва энг кам хато қилган ҳолда ўзлаштириш демакдир. Киши ўзлаштирилган ҳаракатларни тўғри татбиқ этиши мумкин бўлган объектлар қанчалик кўп бўлса, унинг ўзида орттирилган малакаларга таянган ҳолда ҳал этиши мумкин бўлган масалалар доираси ҳам шунчалик кенг бўлади. Соддароқ қилиб айтганда, кишида ўзлаштирилган ҳаракатлар қанчалик кенгроқ ва аниқроқ кўчириладиган бўлса, у шунчалик кўп нарса ўрганган, унинг олган таълими шунчалик самарали натижага эга бўлган, булар унинг фаолиятида шунчалик самарали ёрдам берган бўлади.

Кўникмалар Ҳар қандай хулқ-атвор янги шароитларда ёки янги объектларга нисбатан жараёнларнинг кўчиши асосида таркиб топади. Кўчиш эса шарт-шароитлар ёки нарсаларнинг фаолият мақсадлари учун муҳим бўлган белгилари бўйича ўхшашлигига таянади.

Бу ўхшашлик англанилган ёки англанилмаган бўлиши мумкин. Фаолият қанчалик мураккаб, мақсадлар қанчалик узоқроқ вақтга мўлжалланган ҳамда улар объектларнинг қанчалик кўпроқ ўзгартирилишини талаб қиладиган бўлса, муваффақиятли кўчишни таъминлаш учун зарур бўлган оралиқ ақлий фаолияти шунчалик кенг тус касб этади. Лекин ҳар қанақа ҳолда ҳам бундай кўчиш кўникма, яъни *қўйилган мақсадга мувофиқ тарзда ҳаракат усулларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билимлар ва малакалардан фойдаланиш* деб ҳисоблаш мумкин.

Кўникма экстериоризация қилишни — билимларнинг жисмоний ҳаракатга мужассамлашувини тақозо этади. Унинг бошланиш нуқтаси ахборотнинг юксак даражада, яъни онгда қай-

та ишланишидан иборатдир. Амалий ҳаракатларнинг ана шу юксак даражадаги фаолияти натижалари билан йўналтириб турилиши эса унинг якуини ташкил этади. Масалан, маълум бир жисмнинг ҳажмини аниқлашдан иборат вазифа қўйилган, дейлик. Уни ҳал этиш учун аввало унинг геометрик жисмларининг қайси бир турига мансублигини аниқлаш лозим. Сўнгра бунақа жисмларнинг ҳажми қандай ҳисоблаб чиқилишини эсга туширмақ керак. Шундан кейин қанақа ўлчовлар қилиниши кераклиги маълум бўлади. Сўнгра тегишли ўлчовларни амалга ошириш керак. Пировардида зарур ҳисоблаш жараёнларини бажариш лозим. Булардан кўриниб турибдики, билимларни кўникмаларда рўёбга чиқариш бир қатор малакалар ва жараёнларнинг ўзлаштирилган бўлишини тақозо қилади.

Шундай қилиб, «кўникма» атамаси *фаолият субъектнинг ўзида мавжуд билимлар ва малакалар билан мақсадга мувофиқ бошқарилиши учун зарур психик ва амалий ҳаракатларнинг мураккаб системаси эгаллаб олинишини* ифодалайди. Бу система вазифа билан боғлиқ билимларнинг танланишини, вазифа учун муҳим бўлган хусусиятларнинг ажратилишини, шу асосда вазифанинг бажарилишига имкон берадиган туб ўзгартиришлар системаси аниқланишини, ана шу ўзгартиришларнинг амалга оширилишини, қўйилган мақсад билан унинг натижаларини таққослаган ҳолда назорат қилиб ва шу асосда баён этилган жараён тўғрилаб борилишини ўз ичига олади.

Кўникмаларнинг таркиб топиши билимларда мужассамлашган ахборотни ва нарсадан олинадиган ахборотни қайта ишлаш жараёнларининг, ана шу ахборотни аниқлаш, уни ҳаракат билан таққослаш ва ўзаро боғлаш жараёнларининг бутун бир системаси эгалланишини билдиради.

Бу хилдаги шакллантириш, яъни кўникмаларга ўргатиш жараёни турли йўллар билан амалга оширилиши мумкинлигини қайд қилиб ўтиш зарурдир. Бу йўлларни *бир-биридан фарқ қилувчи иккита ҳолатга* ажратиш мумкин. Биринчи ҳолатда ўргатилаётган киши зарур билимга эга бўлади. Унинг олдида бу билимлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси қўйилади ҳамда кишининг ўзи синаб кўриш ва хатоларга йўл қўйиши орқали тегишли мўлжал олган, ахборотни қайта ишлаш воситалари ва фаолият усулларини топган ҳолда унинг ечимини излайди.

Гарчи бу йўлнинг самарадорлиги паст бўлса ҳам, бугунги кунда у таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган йўл эканлигини қайд қиламиз. Иккинчи йўл шундан иборатки, таълим бераётган киши ўқувчининг билимларни қўллаш учун зарур бўлган психик фаолиятини бошқариб боради.

Бу ҳолда педагог ўқувчини белгилар ва жараёнларни танлаш мўлжаллари билан таништиради, қўйилган вазифаларни бажариш учун олинган ахборотларни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш юзасидан ўқувчининг фаолиятини уюштиради. Бу йўл ҳозир педагогик психологияда жадал гадқиқ қилинмоқда.

II. 4.4. Фаолиятнинг асосий турлари ва одамда уларнинг ривожлантирилиши

Киши фаолияти онгли равишдаги фаоллик сифатида унинг онги шакллана ва ривожлана бориши туфайли таркиб топади ва ривожланади. Унинг ўзи онгининг шаклланиши ва ривожланиши негизи, унинг моҳияти манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятнинг шакллантирилиши Фаолият ҳамиша кишининг бошқа одамлар билан муайян муносабатлари системасида юз беради. У бошқа одамларнинг ёрдами ва иштирокини тақозо этади, яъни *биргаликдаги фаолият* хусусиятига эга бўлади. Унинг натижалари теварак-атрофдаги оламга, бошқа кишиларнинг ҳаёти ва тақдирига муайян таъсир кўрсатади. Шунинг учун фаолиятда кишининг фақат нарсаларга муносабати эмас, балки унинг бошқа одамларга бўлган муносабати ҳам доимо ўз ифодасини топади.

Бошқача сўзлар билан айтганда, фаолиятда кишининг *шахси ифодаланади* ва айни чоғда фаолият унинг *шахсини шакллантиради*.

Аҳил, уюшган коллективнинг собитқадамлик билан олиб борилаётган ижтимоий фойдали фаолиятида иштирок этиш кишида коллективчиликни, уюшқоқликни, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан боғлаш кўникмасини ривожлантиради. А. С. Макаренко фаолиятнинг шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги тушунчани тарбиявий ишнинг ўзи яратган назарияси ва амалиётига асос қилиб олган эди. У шундай деб ёзган эди: «...мен болаларнинг ҳаёти маълум бир одатлар туркумини тарбиялайдиган тажриба тарзида йўлга қўйилишини талаб қиламан...»¹. Ушбу талабга биноан тарбияланувчилар коллективининг бугун ҳаёти шундай ташкил этилдики, у болаларни фаолиятнинг шахсда муайян фазилатлар (собитқадамлик, интизомлик, софдиллик, масъулиятлик, қатъиятлик) нинг намоён бўлишини тақозо этадиган ҳар хил турларга жалб қилган эди. Масалан, тунги походлар ва навбатчиликлар колониячилардан қўрқувни енгишни, матонат кўрсатиш ва ўзини тута билишни талаб қиларди. Хулқ-атвордаги жасурликлар такрорланавериб, одат тусига кириб қоларди. Маълум бир шароитларда содир бўладиган муайян хатти-ҳаракатлар шахс фазилати даражасига кўтариладиган одатларни келтириб чиқаради.

Кишида хилма-хил фаолият турларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мураккаб ҳамда узоқ давом этадиган жараён-дир.

Боланинг фаоллиги фақат аста-секинлик билан, ривожланиш жараёнида, тарбия ва таълим таъсири остидагина онгли

¹ Макаренко А. С. Мои педагогические воззрения. Соч. в 7-ми т. М., Изд-во АПН РСФСР, 1958, т.V, 284-бет.

равишда мақсадга йўналтирилган фаолият шаклини касб этади.

Бу фаоллик олдинга *импульсив хатти-ҳаракат* хусусиятига эга бўлади. Туғилганидан кейинги дастлабки кунларда боланинг хулқ-атвори бир нечтагина оддий туғма реакция — ҳимояланиш (нур ёруғлашганда ёки баланд товуш чиққанида кўз қорачиғининг торайиши, оғриқ сезган пайтида инграши ва безовталана бошлаши), овқат сўраш (тамшаниши), чалкаш-чулкаш (тебратилганда жимиб қолиши) ва бирмунча кейинроқ эса мўлжаллаш-изланиш (қўзғатувчига бошини ўгириши, нарсаларга қарashi ва бошқалар) каби реакциялар билан чекланади. Ун биринчи-ўн иккинчи кунлигидан тортиб чақалоқда дастлабки шартли рефлекслар шакллана бошлайди. Шу туфайли бир ёши мобайнида болада изланиш хулқ-атвори (ушлаш, кўздан кечириш, ҳар хил шаклда айлантириш) ривожлана боради, бунинг натижасида у ташқи дунёдаги нарсаларнинг хоссалари ҳақида маълумот йиғади ва ҳаракатлар уйғунлигини ўзлаштиради. Таълим олиши ва тақлид қилиши таъсирида бир ёшидан бошлаб болада *амалий хулқ-атвор* шакллана боради. Бунинг ёрдамида бола буюмларни ишлатишнинг инсоний усулларини ва уларнинг ижтимоий амалиётдаги аҳамиятини ўзлаштира бошлайди (ухлаш учун каравотга ётадиган, стулчага ўтирадиган, тўпни уйнайдиган, қалам билан расм соладиган бўлади).

Фаолликнинг ушбу шакллари билан бирликда *коммуникатив хулқ-атвор* болага ўз эҳтиёжлари ва истакларини қондириш, ижтимоий талабларни ва ахборотни ўзлаштириши учун ёрдам берадиган асосий восита ривожлана бошлайди.

Дастлабки кезларда бу хулқ-атвор нутқгача даври шакллари (бақариш, имо-ишора қилиш, мимика) орқали рўёбга чиқарилади. Етти-саккиз ойлигидан бола олдинга сустроқ, кейинроқ эса фаол равишда инсоний мулоқот, ҳамжиҳатлик ва ахборот айирбошлашнинг асосий воситаси — *нутқий хулқ-атворни* ўзлаштира бошлайди. Нутқнинг ўзлаштирилиши тимсолларни буюмлардан ва ҳаракатлардан ажратиш учун, маъноларни бўрттириб кўрсатиш, уларни қайд этиш ва хулқ-атворни идора қилишда уларга таяниб иш тутиш учун ҳал қилувчи негиз яратади.

Ҳаётининг биринчи йилларидаёқ болада *фаолиятнинг* оддий шаклларини ўзлаштириши учун дастлабки шарт-шароитлар таркиб топа бошлайди. Улардан биринчиси *ўйин* фаолияти ҳисобланади.

Маълумки, ўйин фаолиятини ҳайвонларнинг болаларида ҳам кузатилади. Бу — уларнинг турли хилдаги хархашаларидан, уришишни тақлид қилиши, уёқдан-буёққа чопиши ва ҳоказолардан иборатдир. Баъзи бир ҳайвонларнинг буюмларни ўйнашлари ҳам кузатилади. Жумладан, мушукча думалаётган ил коптогидан кўзларини узмай қараб ўтиради ва унга ташланади, уни думалатади ва ҳоказо. Кучукча топган латтасини пол устида судраб юриб, титкилай бошлайди. Ҳайвон болаларининг ўйин жараёнидаги қилиғини аввало уларнинг организмидаги фаолликка, жамланган куч-қувватни сарфлашга бўлган эҳтиёжни қондириши деб қараш мумкин. Улар оч қолганларида ёки камроқ озиқа бечилганда, юксак ҳароратли муҳитнинг таъсири остида

ва, ниҳоят, ҳайвоннинг танаси ҳароратини ошириб юборадиган ёки миянинг фаоллигини сусайтириб қўядиган кимёвий моддалар таъсири остида ўйинни тўхтатишлари ана шундан далолат беради. Агар ҳайвон бирмунча вақт мобайнида ўйнайдиган шеригидан маҳрум этиб қўйилса, кейинчалик унинг қўзғалиши ва ўйин фаолияти кескин кучаяди, яъни гўё тегишли куч-қувват тўплангани каби ҳодиса рўй беради. Бу ҳодиса «ўйинга тўймаслик» деб аталади.

Ўйин фаолияти билан организмда куч-қувват алмашинуви ўртасидаги боғланиш ўйинга нисбатан майлнинг тўғилишига олиб келади. Лекин ўйин фаолиятини рўёбга чиқарадиган феъл-атвор шакллари қандай ва қаёқдан пайдо бўлади? Кузатишлар шуни кўрсатадики, булардан баъзи бирлари, масалан, мушукчадаги «сичқон овлаш» иштиёқи ҳайвоннинг туғма инстинктив ҳаракатлари жумласига киради. Бошқа бир хиллари эса, масалан, шимпанзе боласининг катта ёшдаги маймунлар ва одамларнинг ҳаракатларини такрорлаши тақлид қилиш орқали юз беради. Учинчи бир хили теварак-атрофдаги олам билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш жараёнида ҳайвонларнинг ўзлари томонидан топилади. Шундай қилиб, ҳайвон болалари ҳаракатларининг манбаи ҳам худди катта ёшдаги ҳайвонларда бўлгани каби турларга хос инстинктларда, тақлид қилишда, ўрганишда мужассамлашгандир. Шунинг учун ҳам ҳайвон болаларининг хатти-ҳаракатлари катта ёшдаги ҳайвонларнинг турларига оид феъл-атворга ўхшамаслиги мумкин эмас. Лекин бу ҳаракатлар катта ёшдаги ҳайвонларда овқатланишга, душманлардан ўзини ҳимоя қилишга, муҳитда тўғри мўлжал олишга, хавф-хатардан сақланишга ва шу кабиларга бўлган муайян реал биологик эҳтиёжларни қондириш учун хизмат қилади. Ҳайвон болаларида эса худди ана шу ҳаракатлар шунчаки «фаолият» ўрнида содир бўлади ва ўзининг реал биологик мақсадларидан ажралгандир. Улар ўйин фаолиятининг ўзига хос туб хусусияти ана шунда мужассамлашгандир. *Унинг мақсади ўзининг ёрдами туфайли муваффақ бўлинадиган амалий натижаларга эришишдан эмас, балки амалга ошириладиган «фаолият» нинг ўзидан иборатдир.*

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўйин болаларда ҳам ўз фаоллигини рўёбга чиқариш шакли, ҳаёт кечириш ва фаолият кўрсатиш шакли бўлиб хизмат қилади. Шу тарзда у функционал мамнунлик билан боғлиқдир. Фаолликка бўлган эҳтиёж унинг қўзғатувчиси бўлса, тақлид қилиш ва тажриба эса манбаи ҳисобланади. Лекин боланинг ўйин ҳаракатлари аввал бошданок буюмлардан фойдаланишнинг инсоний усуллари ва амалий ҳулқ-атворнинг катта ёшдагилар билан мулоқот жараёнида ва катта ёшлилар раҳбарлигида ўзлаштириб олинадиган инсоний шакллари замирида ривожлана боради. Бу ҳол болалар ўйин фаолиятининг принципиал жиҳатдан муҳим хусусиятларини белгилаб беради, унинг шакллари, манбалари, механизмлари, функциялари ва натижалари ҳайвонларнинг ўйинидан тубдан фарқ қилишига олиб келади.

Бола ўз тажрибасида *қурол буюмлар* билан бир вақтнинг ўзида бошқа турдаги буюмлар — *ўйинчоқларга* дуч келади. Ҳайвонларнинг ишлатишнинг инсоний усули — ўйин, яъни улар ёрдамида аллақандай бошқа, ҳақиқий буюмлар ва ҳаракатларни ифода этишдир. Катта ёшдагилар болаларни ўйинчоқлардан ана шу тарзда фойдаланишга ўргатади. Улар болага қўғирчоққа сув қандай ичирилишини, уни қандай қилиб тебратиш кераклигини, сайр қилдиришни, ўйинчоқ айиқ боласини қандай овқатлантиришни, машинани қандай қилиб ҳайдаш кераклигини кўрсатишади ва ҳоказо.

Лекин болада ўйинчоққа нисбатан «ҳақиқий» буюмнинг тасвири сифатидаги муносабатнинг ўзи ўйин фаолиятига фақат *сўз* аралашуви муносабати билан ҳосил бўлади.

Кичкина бола (бир ёшдан икки ёшга қадар) ҳали, масалан, тебратиш, овқатлантириш ва бошқа шу каби ҳаракатларни қўғирчоқдан чўпга кўчира олмайди. У тегишли буюмсиз ҳаракатни тасвирлашни ёки бу ҳаракатни бир буюмдан иккинчисига кўчиришни уддалай олмайди. Бундай жараёнлар у фақат нутқни эгаллагандагина юз бериши мумкин. Бола пайрахага қўғирчоқ сифатида муомала қила бошлаши учун уни қўғирчоғим деб (масалан, «Катя» деб) атайдиган бўлиши керак. У овқатлантириш ҳаракатини қўғирчоқдан тойчага кўчириши учун унга катта ёшдаги кишилар «тойчани овқатлантир» ва ҳоказо деб айтиши керак. Кейинроқ *сўз* катталар «ҳақиқий» буюмларда кузатадиган ҳаракатларни боланинг ўзи ҳам мустақил равишда ўйинчоққа кўчиришига имконият яратади. Бола *сўз*нинг аҳамиятини амалий ҳаракатлар орқали ёки катта ёшдагиларнинг ҳаракатларини кузатиш натижасида ўзлаштириб олган ҳолда *сўз* билан биргаликда бу ҳаракатларни ўйнайдиган буюмларига кўчиради. Бу ўринда ўйин фаолияти буюмнинг аҳамиятини белгилайдиган ҳаракатларни ўша буюмнинг ўзидан ажратишдан ва бу ҳаракатларни бошқа буюмга — ўйинчоққа кўчиришдан иборат бўлади. Ҳайвон фаолияти тўғрисида *сўз*нинг аҳамиятини буюмнинг ташқи кўринишидан амалда ажратилди ва бу моҳият буюм устидаги ҳаракатлар билан, унинг киши фаолиятидаги вазифаси билан боғланади.

Бу жараён қанчалик чуқурлаша борган сари *сўз* буюмлар билан бевоҳита боғланишидан ҳоли бўла боради. *Сўз*нинг аҳамияти ташқи ҳаракатларда, *сўз*га эса ҳаракат тўғрисидаги тасавурда борган сари кенгроқ ифодалана бошлайди. Буюмлар билан бажариладиган реал ҳаракатларни нутқ ҳаракатлари билан алмаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Тўрт-беш ёшга етганда ўйинчоқлар билан ўйнаш чоғидаги реал ҳаракатлар борган сари йўқола боради ва нутқ ҳаракатларга айлана бошлайди. Бола қўғирчоқни овқатлантириш жараёнини батафсил тасвирлаш ўрнига энди қошиқчани унинг оғзига бир мартагина тутиш ва «Овқатлантиряпман... Энди бас, тўйиб қолдинг», дейиш билан кифояланади ва ҳоказо.

Учинчи ёшнинг урталарига бориб болада ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатларига қарши қўйиш пайдо бўлади, бола фаолияти ва истакларининг ташқи оламга ҳамда бошқа одамларга эътирозини ифода этувчи «мени» ажралиб туради. Буюмларга бўлган муносабат одамларнинг буюмларга нисбатан функциялари сифатида намоён бўла бошлайди. *Ролли ўйинлар* пайдо бўлади. Ролли ўйинларда бола катта ёшдаги кишиларнинг ўзи кузатган ижтимоий функцияларини, уларнинг шахс сифатидаги хулқ-атворини айнан такрорлайди. Жумладан, икки яшар қизча қўғирчоқни овқатлантираркан, овқат едириш ўйини билан овора бўлса, тўрт яшар бола қўғирчоқни овқатлантираётганда қизини овқатлантираётган она бўлиб ўйнайди. Боланинг социал тажрибаси кенгая борган сари маиший мавзуга оид сюжетлар («она», «тарбиячи», «кино», «болалар боғчаси», «ҳайвонат боғи»), ишлаб чиқаришга оид сюжетлар («учувчилар», «космонавтлар», «трамвай», «завод») ва сўнгра ижтимоий-сиёсий («уруш», «пионерлар» ва шу каби) сюжетлар билан бойитила боради. Бунда ўйин мазмуни конкрет ҳаракатларни тасвирлашдан одамлар ўртасидаги муносабатларини тасвирлашга тобора кўпроқ кўчирилади.

Аслида бу ўринда сўзлар ва теварак-атрофдаги ҳодисаларнинг моҳиятини амалда эгаллаш жараёни яна ҳам ривож топади. Ушбу жараён эса ўз доирасига инсон функциялари ва муносабатларининг социал моҳиятини, уларнинг бола томонидан кузатилаётган хулқ-атворда қай тариқа мужассамлашувини ўз доирасига жалб этади. (Бугунги боланинг — радио тингловчининг, кино ва телевидение томошабинининг шу хилдаги кузатув доираси ҳам жуда кенгдир.)

Бола врач бўлиб ўйнаркан, ўзини худди «врач каби» тутайди. У қаламни худди стетоскоп сингари ушлайди, қўғирчоқни ётқи-заётиб, бошини чайқаб қўяди ва «Сенга укол қилиш керак экан» дейди ва ҳоказо. *Унинг ҳаракатлари мазкур пайтда бола ишлатаётган буюмлар хоссаси билан эмас, балки врачнинг вазифалари тўғрисидаги тасаввурлар билан бошқарилади.* Бошқача сўзлар билан айтганда, болада ўз хулқ-атворини социал роль ва унга тегишли ҳаракатлар тўғрисидаги тасаввурлар билан бошқариш қобилияти шакллана бошлайди. Ролли ўйинларнинг ривожланган босқичига етганда бола бошқа болалар билан ўзаро ҳамкорликка кириша бошлайди. Болалар ўйин пайтида ролларни тақсимлар ва бир-бири билан қабул қилинган ролларга мос келадиган тарзда муомала қиларкан (она-бола, врач-бемор тарзида) социал хулқ-атворни, коллектив талабларига бўйсундирилган ҳаракатларни келишиб олишни ўзлаштиришади.

Қоидалар ўйинлар ўйналадиган кейинги босқичда хулқ-атворнинг бу белгилари яна ҳам ривожлана боради. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, эндиликда ҳаракатлар мавҳум талаблар ёки қоидалар билан бошқарилади. Теварак-атрофдаги кишилар, ўйин иштирокчилари ана шундай қоидаларнинг соҳиб-

лари сифатида намоён бўладилар. Фаолиятнинг ўзидан кўзланган мақсад унинг социал жиҳатдан мустақамланган натижасига кўчирилади, яъни ютиб чиқишга қаратилган бўлади. Амалда ана шу ўринда ўйиндан чиқиш бошланади. *Ижтимоий белгиларига кўра ўйин бўлиб қоладиган* (фаолият ҳамон бирон-бир фойдали маҳсул бермайди) бу *фаолият психологик тузилиши жиҳатидан* меҳнатга (мақсад фаолият кўрсатишнинг ўзидангина эмас, балки натижага эришишдан иборат) ва *таълимга* (мақсад ўйинни ўзлаштириб олишдан иборат) *яқинлашади*.

Шундай қилиб, ўйин болани буюмлар ва ҳодисаларнинг нутқ амалиётда мужассамлашган моҳиятларини ўзлаштириб олишини ва ушбу моҳиятларни ишлата билишни машқ қилдиради. Ўйин бажарилаётган ҳаракатларни айнан жараён сифатида англанишини («жўртгага») ривожлантиради, бу жараёнларнинг ўзини ўзи идора қилиш (қоидалар) асосида бажарилишини ўргатади, пировардида эса ўзини конкрет ҳаракатлар субъекти сифатида идрок этишдан социал ролни бажарувчи, яъни инсоний муносабатлар қилувчи субъект сифатида идрок этиш даражасига қадар ривожланганлигини англаб етишига имконият яратади.

Таълим

Боланинг хулқ-атвори ва фаолияти ривожини ўрганадиган эканмиз, битта энг муҳим фактга дуч келамиз. *Болада* бир нечтагина оддий шартли рефлекслардан ташқари унда кейинчалик кузатиладиган бошқа барча хулқ-атвор шакллари ва фаолият турлари *олдинига йўқ бўлади*. Амалий ва коммуникатив хулқ-атвор, мўлжал олиш ва изланиш фаолияти, ушлаш ва у ёқ-бу ёққа суриш, эмаклаш, юриш, гапириш ва ўйнаш, меҳнат қилиш ва социал жиҳатдан биргаликда ҳаракат қилиш бола туғилганидан сўнг маълум бир вақт ўтгач пайдо бўлади ва ривожлана бошлайди. Бунинг устига хулқ-атворнинг ҳар қандай шакли ва фаолиятнинг ҳар бир тури ўзининг пайдо бўладиган муайян даврларига, шаклланиш субъектларига ва ўзининг қайта қурилиш ҳамда мураккаблашиш босқичларига эга бўлади. Уларнинг ҳаммаси *боланинг ривожланиш* фактлари ҳисобланади, бу фактлар эса ундаги муайян туғма асос ва наслий программалар билан, организмнинг ривожланиши ва анатомик-физиологик жиҳатдан етилиши, унинг олий нерв фаолияти функционал механизмларининг шаклланиши ва мураккаблаша бориши билан боғлиқ бўлади.

Шундай бўлса-да на хулқ-атворнинг бу шаклларида биронтаси, на шу фаолият турларидан биронтаси ташқи муҳит шарт-шароитларидан мустасно ҳолда, ўзича автоматик тарзда пайдо бўлмайди. Уларнинг барчаси боланинг амалий ва социал тажрибаси асосида, унинг теварак-атрофдаги одамлар ва буюмлар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати туфайли пайдо бўлади ва ривожлана боради. Бола «одамга айланиши» жараёнида қандай тажриба орттирган бўлса, *ўрганиш* фактлари, яъни тажрибанинг ўзлаштирилиши ҳисобланади.

Киши хулқ-атвори биологик тажриба билан эмас, балки социал тажриба билан белгиланади. Социал тажриба эса биологик йул билан ўтказилиши мумкин эмас. У организмнинг хоссалари билан эмас, балки киши яшаётган хусусиятлари билан белгиланади. Биологик йул билан наслдан-наслга фақат организмнинг социал тажрибани, хулқ-атвор ва фаолиятнинг инсоний шаклларини амалда ўзлаштириш учун зарур бўлган айрим хусусиятларигина ўтиши мумкин. *Бола хулқ-атворининг туғма биологик хусусиятларга олдиндан қатъий ҳоли эканлиги унинг ҳайвон боласига нисбатан энг муҳим афзаллиги ҳисобланади.* Ана шундай афзаллик туфайли киши хулқ-атвори турлари ва фаолияти усуллари эволюциясининг бошланиши унинг организмнинг биологик ривожланиши билан эмас, балки жамиятнинг тарихий ривожланиши билан бегилана бошлади.

Шундай қилиб, ўргатиш болада хулқ-атворнинг ва борлиқни аке эттиришининг инсоний шаклларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган етакчи ривожланиш омили сифатида амал қилади.

Лекин бола хулқ-атвори ва фаолиятининг биз ҳозирга қадар кўриб чиққан барча турларида ушбу пировард натижа, яъни ижтимоий тажрибанинг ўзлаштирилиши фаолиятнинг айнан ўз мақсадларига тўғри келгани йўқ. Бола оуюмларни бирон-бир нарсани ўрганиш учун уёқдан-бу ёққа сурмайди. У дастлабки қадамлар қўяётганида ва илк бор гапиришга уринаётганида юриш ва гапиришни ўрганишни мақсад қилиб қўймаган бўлади. Унинг хатти-ҳаракатлари текшириб кўришга, фаоллик кўрсатишга, буюмларга эгаллик қилишга, теварак-атрофдагиларга таъсир ўтказишга ва шу кабиларга бўлган бевосита эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Тегишли ҳаракатларнинг ва ахборотнинг ўзлаштирилиши шу сабабдан ҳам бола учун мақсад эмас, балки тегишли эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Фаолиятнинг алоҳида тури бола ҳаётида содир бўладиган вақт ҳам етиб келади. Бу мақсади бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, хулқ-атвор шаклларини ўзлаштиришга қаратилган фаолиятдир. *Субъектнинг ўрганишни ўзига мақсад қилиб олган бундай ўзига хос фаолияти таълим деб аталади.* У қуйидагилардан таркиб топади: а) идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши (бу жараённинг маҳсули — *билимлардир*); б) фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топадиган усуллар ва жараёнларнинг ўзлаштирилиши (бу жараён маҳсули — *малакалардир*); в) қўйилган вазифа ва илгари сурилган мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган ахборотдан фойдаланиш йулларининг эгалланиши (бу жараён маҳсули — *қуникмалар* хосил қилинишидир).

Шундай қилиб, *таълим кишининг ҳаракатлари муайян билимлар, малакалар, қуникмаларни ўзлаштириб олишга қара-*

тилган онгли мақсад билан идора қилинган жойдагина юз беради.

Бундан кўриниб турибдики, таълим — ўзига хос инсоний фаолиятдир. Ҳайвонларда эса фақат ўрганиш бўлиши мумкин. Лекин одамда ҳам фақат у ўз хатти-ҳаракатларини англаб етилган юксак ҳаёлий мақсадга (идеалга) кўра йўналтириш лаёқатига эга бўлгандагина таълим фаолияти юз бериши мумкин. Бундай лаёқатнинг етарли даражадаги ривожланишига фақат олти-етти ёшга чиққан пайтга келиб, фаолиятнинг олдинги турлари — ўйин, нутқ, амалий хулқ-атвор ва шу кабилар негизда шакллана борган ҳолда эришилади. Уқув фаолиятини шакллантиришнинг энг биринчи асосий шартини — болада муайян билимларни, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун *англанилган мотивлар* туғилиши ҳисобланади.

Катта ёшли кишилар боланинг ривожланишига фаол ижтимоий таъсир кўрсатувчилар сифатида намоён бўладилар. Улар унинг фаолияти ва хулқ-атворини уюштирадилар, уларни инсониятнинг ижтимоий практикаси доирасида йўналтирадилар. *Бола фаолияти ва хулқ-атворини уларнинг инсоният ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш сари йўналтиришдан иборат ушбу фаол жараён ўқитиш деб аталади.* Бола шахсининг ривожланишига унинг таъсир нуқтани назардан олинганда бу жараён тарбия деб аталади. Таълим ва тарбияни амалга оширишга ёрдам берадиган асосий воситалар — бу бажарилиши лозим бўлган ишни кўрсатиш ва тушунтиришдан, рағбатлантириш ва жазолашдан, вазифалар ва талаблар қўйишдан, текшириш ва тузатишдан иборатдир. Катта ёшли кишилар ушбу таъсирлар ёрдамида болада билимларни эгаллашга ва фаолият кўрсатишга истак туғдирган, уни йўналтирган, назорат қилган, туғрилаб борган ва шу йўсинда уни шакллантирган ҳолда бу фаолиятни бошқариб турадилар.

Буларнинг ҳаммаси қай тарзда, қандай воситалар билан, қандай материалда ва қайси мақсадда бажарилади, қанақа ахборот маълум қилинади ва қандай ҳаракатлар ўзлаштирилади — бу масалаларнинг ҳаммаси билан алоҳида фан — педагогика фани шуғулланади.

Уқув фаолияти кишини ижтимоий фойдали фаоллик кўрсатишнинг ҳар хил турлари учун зарур билимлар, малакалар ва кўникмалар билангина қуроллантириб қолмайди. У кишида шунингдек ўзидаги психик жараёнларни идора қилиш, ўз хатти-ҳаракатлари ва операцияларни танлай билиш, уюштириш ва йўналтира билиш малакаларини, бажарилаётган вазифага мос келадиган кўникмалар ва тажрибани ҳам шакллантиради. Уқув фаолияти шу тариқа кишини меҳнатга тайёрлайди.

Меҳнат — бу маълум бир ижтимоий фойдали (ёки ҳеч бўлмаганда жамият томонидан истез-мол қилинадиган) моддий ёки маънавий маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолият демакдир. Меҳнат фаолияти — кишининг энг етакчи, асосий фаолиятидир. Инсоният агар меҳ-

нат қилишни тўхтадиган бўлса, у (тур сифатида) ўз ҳаёт-мамотини тугаллаган бўлур эди. Шунинг учун ҳам меҳнат фаолияти кишининг ҳаёт кечиршини, бошқа турлар устидан ғалаба қозонишини ҳамда табиат кучлари ва моддаларидан фойдаланишини таъмин этадиган ўзига хос *турга оид хулқ-атвори* деб ҳисобланиши мумкин.

Меҳнат фаолияти одамлар истеъмол қиладиган буюмларни ва ана шундай истеъмол қилинадиган буюмларни ишлаб чиқариш учун зарур буюмларни — дон ва машиналарни, мебель ва қуролларни, кийим-кечак ва автомобилларни ҳамда шу кабиларни ишлаб чиқариш мақсадни кўзлаган бўлиши мумкин. Булар энергиядан (иссиқлик, ёруғлик, электр, ҳаракат) ва ахборот воситаларидан (китоблар, чизмалар, фильмлар) иборат бўлиши мумкин. Пировардида бу идеология маҳсулотлари (фан, санъат, ғоялар) ва кишиларнинг хулқ-атворини ҳамда меҳнатини уюштирувчи (бошқарув, назорат қилиш, муҳофаза қилиш, тарбиялаш) ҳаракатлар бўлиши ҳам мумкин.

Бу ўринда киши томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот унинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарурлиги ёки зарур эмаслигининг аҳамияти йўқ. Агар бу маҳсулот умуман жамиятга керак бўлса, шунинг ўзи kifоя. Хусусан, киши фаолиятининг мақсадлари унинг шахсий эҳтиёжлари билан белгиланмайди. Бундай мақсадларни унга жамият белгилаб бераётир, фаолиятнинг ўзи эса муайян ижтимоий топшириқни бажариш шаклини кашф этмоқда. Шундай қилиб, *кишиларнинг меҳнат фаолияти ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланади*. У жамият эҳтиёжлари билан шаклланади, белгиланади, йўналтирилади ва бошқарилади.

Бу фаолият ўз характериға кўра ҳам ижтимоий ҳисобланади. Ҳозирги жамиятда меҳнат тақсмоти туфайли киши ўзи учун талаб қилинган барча нарсаларни фақат ишлаб чиқармайдигина эмас, балки биронта ҳам маҳсулотни ишлаб чиқаришда деярли ҳеч қачон бошидан охириға қадар иштирок этмайди. Шунинг учун ҳам киши ҳаёт учун талаб қилинадиган барча нарсаларни ўз меҳнатига айирбошланган тарзда жамиятдан олиши керак. Шахснинг эҳтиёжлари ташқаридан қараганда унинг ўз меҳнати билан эмас, балки жамият томонидан қондириляётгандек бўлиб туюлади. Бунинг қандай юз бериши жамиятда ҳукмрон бўлган *ишлаб чиқариш муносабатлари* системаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам жамиятда ҳар қандай маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши айни пайтда *меҳнат қилиш, унинг маҳсулини тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида одамларнинг муайян муносабатларини рўёбга чиқариш* бўлиб ҳам ҳисобланади.

Шу тариқа киши меҳнат жараёнида бажарадиган ҳаракатлар биологик эҳтиёж билан эмас, балки илгари сурилган ишлаб чиқариш *мақсади* ва бу мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида унинг бошқа одамларға нисбатан *муносабатлари* билан белгиланади. Бу хилдаги ҳаракатларни бажариш ва бошқариш

учун ахборотни қайта ишлашнинг олий жараёнларидан фойдаланиш ва, энг аввало, тасаввур ва тафаккурни ишга солиш зарурдир.

Булардан шу нарса равшанки, киши психикасининг бу ажойиб хусусиятлари манбаини исбот қилиш мақсадида «руҳ» нинг қандайдир алоҳида хусусиятларини уйлаб топишга ҳожат йўқ. Буларга бўлган зарурат инсон фаолияти қонуниятлари билан белгиланади, яъни кишининг ижтимоий-меҳнат моҳиятига эга бўлган жонзот сифатида мавжудлиги шаклининг ўзидан келиб чиққандир.

Рўёбга чиқарилиши учун юсак психик функциялар бажарилишини тақозо этаркан, коллектив меҳнат фаолияти айни чоғда инсониятнинг ривожланиш жараёнида уларнинг шаклланиши учун асос ва шарт-шароитлар яратади.

Мисол учун ибтидоий овчилар ўрдасидаги ҳуркитувчиларнинг хатти-ҳаракатларини олиб кўрайлик. Уларнинг ҳаракатлари ўз ҳолича ўлжани ушлашга қаратилган бўлмайди. Буниси тугул, агар у ёлғиз ўзи ҳаракат қиладиган бўлса, у ҳолда унинг бу ҳаракатлари ўлжанинг осонгина қочиб кетишига олиб келган бўларди — унинг ўзи эса қоларди. Шунинг учун унинг бутун фаолияти фақат бошқа кишиларнинг — овчиларнинг фаолияти билан уйғунлашган тарздагина бирон-бир маъно касб этади. Ҳайвон ҳуркитувчи мақсадга эришиш учун овчиларнинг ҳаракатларини ҳисобга олиши, яъни буғуни дуч келган томонга ҳайдамасдан, балки овчилар томонга ҳайдаши керак. Шу тариқа унинг хатти-ҳаракатлари биологик моҳиятга эга бўлган мақсадга қаратилган бўлмасдан, аксинча ижтимоий моҳият касб этади. У ички инстинктив кечинмалар шаклида эмас, балки ташқи реал объектлар билан бўладиган ҳаракатларнинг идрок этилиши орқали акс этади. Шу тарзда объектлар ва улар билан бажариладиган ҳаракатларнинг тинчоллари фаолиятга ундайдиган биологик эҳтиёжнинг ҳаёлдаги кечинишидан амалиётнинг ўзи билан ажратилади.

Меҳнатни унинг табиат маҳсулини шунчаки ўзлаштиришидан фарқ қилдирадиган энг муҳим белгиси шундан иборатки, *у қуролларни тайёрлаш ва қўлласиш билан*, яъни буюмларнинг бирининг иккинчисига таъсирдан фойдаланиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам меҳнат жараёнида буюмларнинг бир-бирларига нисбатан объектив хоссалари намоён бўлади. Ҳар қандай меҳнат ҳам буюмларнинг биологик моҳиятига эмас, балки ана шу объектив хоссаларига амал қиладиган фаолият ҳисобланади. Масалан, найзага суякдан учлик яшаш учун суякни ҳазм қилиб бўлиши ё бўлмаслиги эмас, балки унинг нисбатан қаттиқлигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Суякдан буюмларни яшашга оид бундай ҳаракатлар ҳам суякнинг таъми ёки тўйимлилиги билан эмас, балки унинг ана шу объектив хоссалари билан бошқарилади.

Шундай қилиб, одамларнинг амалий ижтимоий меҳнат билан кечадган турмушининг ўзи улар учун буюмларнинг янги

моҳиятлари ва уларга нисбатан янги муносабатни яратади. Коллектив фаолиятнинг ўзи буюмларда уларнинг объектив хоссаларини алоҳида кўрсатиб беради. У бошқа одамлар билан ахборот айирбошлашга ва бу ахборотни алоҳида коммуникатив ҳаракатларда — нутқда мустаҳкамлашга мажбур этади. Айнан коллектив фаолият бошқа одамларни ҳам шу фаолият иштирокчилари деб қарашга мажбур қилади. Пировардида у шахс хатти-ҳаракатларини идеал мақсадларга йўналтиришга ва уларни ижтимоий тажриба билан белгилашга ўргатади.

Воқеликка нисбатан бундай муносабатда бўлиш эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, онгнинг негизини ташкил этади. У кишини буюмларга нисбатан фаолият *субъектига* ва одамларга нисбатан эса *шахсга* айлантиради. У кишини теварак-атрофдаги оламнинг қулидан унинг соҳиби даражасига кўтаради, кишига бу оламни қайта ўзгартириш ва узоққа мўлжалланган мақсадларга эришиш учун интилиш имконини беради, кишининг хатти-ҳаракатларини онгли равишда режалаштирилган фаолиятга ва унинг Ер куррасида мавжудлигини эса мослашган ҳолда ҳаёт кечиришдан маълум бир мазмун ва юксак мақсадга эга бўлган фаол ҳаёт кечиришга айлантиради.

Адабиётлар

- Асмолов А. Г. Деятельность и установка. М., МДУ нашриёти, 1979.
- Виноградова М. Д., Первин И. Б. Коллективная познавательная деятельность и воспитание школьников. М., Просвещение, 1977.
- Запорожец А. В. Развитие произвольных движений. М., РСФСР, ПФА нашриёти, 1960.
- Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. М., Политиздат, 1975.
- Ломов Б. Ф. Человек и техника. Иккинчи нашри. М., Сов. радио, 1966.
- Милерян Е. А. Психология формирования общетрудовых политехнических умений. М., Педагогика, 1973.
- Эльконин Д. Б. Психология игры. М., Педагогика, 1972.

МУОМАЛА

II. 5.1. Муомала ҳақида тушунча

Муомаланинг
кўп қирралиги

Инсоннинг ўзини қуршаб турган олам билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати одамлар ўртасида уларнинг ижтимоий ҳаёти ва, энг аввало, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида таркиб топадиган *объектив муносабатлар* системасида юз беради. К. Маркс ишлаб чиқариш муносабатларининг жамиятнинг асоси тарзидаги моҳиятини очиб бераркан, шундай деб ёзган эди: «Ишлаб чиқаришда кишилар табиатгагина эмас, балки бир-бирларига ҳам таъсир этадилар. Улар биргалашиб ишламоқ ва ўз фаолиятларини ўзаро айирбошламоқ учун маълум тарзда бирлашмасдан туриб ишлаб чиқара олмайдилар. Ишлаб чиқармоқ учун одамлар бир-бирлари билан муайян алоқа ва муносабат боғлайдилар ва фақат шу ижтимоий алоқа ва муносабатлар орқали уларнинг табиатга нисбатан муносабатлари мавжуд бўлиб туради, ишлаб чиқариш воқе бўлади»¹.

Объектив муносабатлар ва алоқалар (боғланганлик, бўйсунганлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари ва бошқалар) ҳар қандай реал гуруҳда муқаррар ва қонуниятли тарзда юзага келади. Гуруҳ аъзолари ўртасидаги ушбу ўзаро объектив муносабатларнинг инъикоси шахслараро субъектив муносабатлардирки, уларни ўрганиш билан социал психология шуғулланади.

Гуруҳ ичида шахслараро биргаликдаги ҳаракат ва ўзаро муносабатларни тадқиқ қилишнинг асосий йўли — турли хилдаги социал фактларни, шунингдек, ўша гуруҳ таркибига кирадиган одамларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини чуқурроқ ўрганишдан иборатдир. В. И. Ленин айрим одамларнинг реал мақсадлари ва ҳис-гуйғулари ҳақида қанақа белгиларига қараб хулоса чиқариш кераклиги тўғрисидаги саволга жавоб бераркан, шундай деб ёзган эди: «Маълумки, бундай аломат фақат битта бўлиши мумкин, у ҳам бўлса шахсларнинг *ҳара-*

¹ Маркс К. Елланма меҳнат ва капитал. Маркс К. ва Энгельс Ф. Икки томлик танланган асарлар, 1-том, Ўздавнашр, 1959, 69-бет.

катларидир, — аммо фақат ижтимоий «Фикр-зикр ва ҳислар» ҳақида сўз бораётганидан, бунга яна, шахсларнинг *ижтимоий ҳаракатларидир*, яъни *социал фактлардир*, деб илова қилмоқ лозим»¹.

Демак, ҳар қандай ишлаб чиқариш одамларнинг бирлашувини тақозо этади. Ишлаб чиқармоқ учун одмлар бирлашмоғи лозим — марксизм шундай таълим беради. Лекин кишиларнинг ҳеч қандай бирлиги унга жалб этилган одамлар ўртасида боғланиш ўрнатилмаган ва улар ўртасида тегишли хажмиҳатликка эришилмаган бўлса, биргаликдаги тўлақонли фаолият юритма олмайди. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга бирон-бир нарсани ўргата олиши учун, улар билан муносабатга киришиши шарт.

Муносабат — одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир.

Муносабат биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошланишини ўз ичига олади. Бундай ахборот айирбошланиши муносабатнинг *коммуникатив жиҳати* сифатида таърифланиши мумкин. Одамлар муносабатга киришаркан, муносабатнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатидаги тилга муурожаат қиладилар.

Муносабатнинг иккинчи жиҳати — *муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати* — нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар, хатти-ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборат. Универмаг кассаси олдида ҳисоб-китобни амалга ошираркан, харидор билан сотувчи ҳатто улардан биронтаси ҳеч қандай сўз ишлатишмаса ҳам ўзаро муносабатга киришади; харидор кассирга харид қилинган нарса учун товар чеки ва пул тақдим этса, сотувчи чек уриб, қайтимини санаб беради.

Ниҳоят, муносабатнинг учинчи жиҳати *муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларини* тақозо қилишидир. Масалан, муносабат бўйича шериклардан бири бошқасини ишонса бўладиган, ақлли, тушунадиган, тайёргарлик кўрган киши сифатида идрок этиши ё идрок этмаслиги, ёки олдинданоқ у ҳеч нарсани тушунмайди ва хабар қилинган нарсанинг фаҳмига етмайди, деб ҳисоблаши жуда муҳимдир. Шундай қилиб, ягона муносабат жараёнида шартли равишда учта жиҳатни — *коммуникатив (ахборот узатиш)*, *интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш)* ва *перцептив (ўзаро биргаликда идрок этиш)* жиҳатларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Ана шу учта жиҳатнинг бирлиги ҳолида ўрганилаётган муносабат биргаликдаги фаолиятни ва унга жалб этилган одамларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этиш

¹ Ленин В. И. Народникликнинг иқтисодий мазмуни. — Тўла асарлар тўплами, 1-том, 475-бет.

усули сифатида майдонга чиқади. Муносабат қонуниятларини билиш ҳамда муносабат ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш педагог учун айниқса муҳимдир. Негаки, унинг касбига кўра вазифаси ҳам агар у ўқувчиларни ўзи билан биргаликдаги фаолиятга унумли жалб қила билган, тарбиянинг мақсадлари ва вазифаларига жавоб берадиган тарздаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат ва ўзаро ҳамжиҳатликни йўлга қўя олган, яъни тўлақонли педагогик муносабатни ўрната олган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Амалга оширилиши шакллари жаҳатидан қараладиган педагогик муносабат — педагог ва таълим олаётганларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати усуллари системасидир. Бунда, аввало, ахборот айирбошлаш, ўқитувчи томонидан турли хилдаги коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчи билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва ўзаро муносабатлар ўрнатилиши муносабатнинг мазмунини ташкил этади.

Педагог фаолиятининг дидактик ва хусусан тарбиявий вазифаларини ўқитувчи билан ўқувчилар коллективи ўртасидаги сермахсул муносабат жараёнини ташкил этмасдан туриб етарли даражада унумли тарзда амалга ошириб бўлмайди. Шу тариқа педагог фаолиятида муносабат, биринчидан, хусусан ўқув вазифаларини ҳал этиш воситаси сифатида, иккинчидан тарбиявий жараёнини социал-психологик жиҳатдан таъминловчи система сифатида, учинчидан, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида тарбия ва таълимнинг муваффақиятли олиб борилишига имкон берадиган ўзаро муносабатларнинг муайян системасини ташкил этиш усули сифатида ва, ниҳоят, тўртинчидан, бунингсиз мактаб ўқувчисининг индивидга хос хусусиятларини тарбиялаб бўлмайдиган жараён сифатида майдонга чиқади. Педагогик муносабат деганда педагог ва ўқувчилар коллективи ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмунан ахборот айирбошлашдан, ўқув-тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат системаси, усуллари ва малакалари тушунилади. Педагог ушбу жараённинг ташаббускори сифатида майдонга чиқади ва уни ташкил этади ҳамда унга бошчилик қилади.

Педагогик муносабат, бир томондан, ўқув-тарбия жараёнининг ҳиссий-ҳолати бўлиб, иккинчидан эса, унинг бевосита мазмуний таърифи сифатида намоён бўлади.

Муносабат ва фаолиятнинг бирлиги Муносабатнинг биргаликдаги фаолият билан алоқаси аниқ-равшандир. Лекин шундай савол туғилади: муносабат биргаликдаги фаолиятнинг бир қисми, томони, жиҳати ҳисобланадими ёки муносабат ва фаолият иккита мустақил, тўлақонли жараёнми?

Қиши биргаликда фаолият кўрсатаётганда заруриятга кўра бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан муомалага киришиши, яъни алоқа ўрнатиши, ўзаро ҳамжиҳатликка эришиши, керакли ахборот олиши ва жавоб тариқасида ахбо-

рот бериши лозим ва ҳоказо. Бу ўринда муносабат фаолиятнинг бир томони, бир қисми, унинг энг муҳим информатив жиҳати, *коммуникация (биринчи турдаги муносабат)* сифатида намоён бўлади.

Лекин одам коммуникация сифатида муносабатни ўз таркибига олган фаолият жараёнида бирон нарса яратиб (асбоб яратиб, фикр билдириб, ҳисоблар қилиб, машинани тузатиб ва шу кабиларни амалга ошириб), шу билангина чекланиб қолмайди; у яратилган буюм орқали ўзини, ўзининг хусусиятларини, ўзининг индивидуаллигини бошқа одамларга «узатади», ўзини бошқа одамларда (шу жумладан, фаолият мақсадларига эришиш учун у алоқа боғлайдиган одамларда ҳам ва ҳатто «ўзга одам» сифатида ўзида ҳам) давом эттиради.

Яратилган нарса (қурилган бино, аниқ шеърин сатр, ўтқазилган дарахт, яратилган ёки ижро этилган қўшиқ)— бу, бир томондан, фаолият мавзуи бўлса, иккинчи томондан эса восита сифатида намоён бўладиган, киши унинг ёрдами билан ижтимоий ҳаётда ўзини қарор топтиради. Негаки, бу нарса бошқа одамлар учун яратилгандир. Шу нарса орқали одамлар ўртасидаги муносабат бевосита ўз аксини топади, ижод қилаётганларга ва бажараётганларга ҳам, истемол қилаётганларга ва ўзлаштираётганларга ҳам баб-баравар тегишли бўлган *умумий нарсани ишлаб чиқариш* тарихидаги *муносабат* ҳосил бўлади.

Капиталистик жамиятда, ундан илгарироқ феодал ва қулдорлик жамиятларида меҳнат самаралари ажратиб олиниши натижада одамлар ўртасидаги умумий нарсани ишлаб чиқариш сифатидаги муносабат тўсилиб ва емирилиб турганлигини қайд этиш керак. Яратилган нарсада ўз меҳнатини акс эттирган ҳолда унинг бунёдкори бу нарса кимга мўлжалланган бўлса, ўшанда ўзини давом эттиришга умид боғлай олмасди. Негаки, бу нарса орқали бошқаларга унинг ўзи эмас, балки унинг хўжайини ўзини кўрсатар эди. Кишиларнинг муносабати, ўзаро бир-бирини тушуниши, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиши ана шу тариха бошиданоқ бузиларди. Эксплуатация ва киши шахсини аллакимларнинг иқтисодий режалари ва манфаатларини кўзлаган ҳолда эзиш йўқ бўлган ва меҳнат самаралари уларни бунёд этувчиларники бўлган жамиятда аҳвол тамомила ўзгариб кетади.

В. А. Сухомлинский шундай деб ёзган эди: «Инсон ўзини аввало инсонда қолдиради. Бизнинг умрбоқийлигимиз ҳам ана шундадир. Ҳаёт кечиришнинг олий бахт-саодат эканлиги ва моҳияти ҳам ана шундадир... Инсон руҳи хайвоннинг ҳаёт кечиришидан шуниси билан ҳам фарқ қиладики, биз ўз наслимизни давом эттирарканмиз, унга ўз гўзаллигимизни, идеалларимизни, юксакликка ва олижанобликка содиқлигимизни қолдирамиз. Сиз ўзингизни одамда қанчалик чуқур акс эттира ва намоён қила олсангиз, сиз гражданин сифатида шунчалик

бой-бадавлат эурсиз ва сизнинг шахсий ҳаётингиз шу қадар бахтиёр бўларди»¹.

Ўзлигини бошқаларда давом эттириш сифатидаги муносабат эса *иккинчи турга оид муносабат* ҳисобланади. Агар бир турга оид муносабат (коммуникация тарзидаги муносабат) биргаликдаги фаолиятнинг бир томони сифатида юз берган бўлса, ўзининг муҳим томон эканлиги сифатида иккинчи турга муносабат ижтимоий қимматга эга бўлган ва шахсан аҳамиятга молик нарсани ишлаб чиқариш бўйича биргаликдаги фаолиятни юзага чиқаради. Бу ўринда боғлиқлик ўзгаради ва энди фаолиятнинг ўзи муносабатнинг бир жиҳати, қисми, зарур шарти сифатида майдонга чиқади.

II. 5.2. Ахборот айирбошлаш тарзидаги муносабат

Муносабат ва тил

Муносабатнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш ва фаолият кўрсатиш жараёнида одамларни бирлаштирадиган умумий нарса ишлаб чиқариш тарзида тушунилиши ана шу умумий нарса аввало *муносабат воситаси сифатидаги тилдан* иборат эканлигини билдиради. Тил муносабатга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Негаки, уни бу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра кодлаштирган ҳолда ахборотни маълум қилаётган киши ҳам, бу моҳиятнинг кодини очган, яъни унинг маъносини ошкор этган ва ана шу ахборот асосида ўз хулқ-атворини ўзгартирган ҳолда бу ахборотни қабул қилаётган киши ҳам тушунади.

Ахборотни бошқа кишига йўллаётган киши (*коммуникатор*) ва уни қабул қилаётган киши (*реципиент*) муносабат ва биргаликдаги фаолият мақсадларига эришиш учун моҳиятларни кодлаштириш ва кодини очишнинг битта ягона системасидан фойдаланишлари, яъни «битта тилда» сўзлашишлари керак. Агар коммуникатор ва реципиент кодлаштиришнинг турли хил системаларини қўллайдиган бўлсалар, бу ҳолда улар ўзаро ҳамжиҳатликка ва биргаликда фаолият борасида муваффақиятга эриша олмайдилар. Вавилония минораси қурилаётган пайтида қурувчилар кутилмаганда «аралаш-қуралаш тилда» гаплаша бошлаганликлари оқибатида унинг ағдарилиб тушганлиги ҳақида Инжилда келтирилган афсона кодлаштириш ва кодларни очиш жараёнларини бир-бирига боғлаш чоғида ўзаро биргаликда ҳаракат қилинмаслигини акс эттиради. Негаки, турли хил тилларда сўзлашадиган кишилар бир-бирлари билан муросага кела олмайдилар, бу эса биргаликдаги ҳаракатнинг амалга оширилишини амри маҳол қилиб қўяди. Қўлланиладиган белгилар (сўзлар, имо-ишоралар, цероглифлар ва ҳоказо-

¹ Сухомлинский В. А. Мы продолжаем себя в детях.— Изб. под. со. в 3-х т. М., Педагогика, 1981, 3- том, 517—518- беглар.

лар) замиридаги моҳият муносабатда иштирок этаётган шахсларга таниш бўлган тақдирдагина ахборот айирбошлаш мумкин бўлади.

Моҳият — белгининг теварак-атрофдаги воқеликни билишни ифода этадиган қисм сифатидаги мазмунга эга бўлган жиҳатидир. Қурол одамларнинг меҳнат фаолиятини ифодалагани сингари белгилар ҳам уларнинг билиш фаолияти ва муносабатини намоён қилади.

Сўзлар белгилари системаси ҳаёт кечирishi, ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва узатиш воситаси сифатидаги тилни таркиб топтиради.

Ижтимоий тажрибани жамғариш ва узатиш воситаси сифатидаги тил меҳнат жараёнида пайдо бўлиб, ҳали синфсиз жамият тонготаридаёқ ривожлана бошлаган эди. Одамлар бир-бирларига бирон муҳим аҳамиятга молик ахборотни узатиш учун аниқ товушлардан фойдалана бошладилар.

Қўлларида бирон меҳнат қуролини ушлаб, қўзлари эса ушбу нарсаларга қараб турган вақтда бир-бирлари билан муносабатга киришиш учун аниқ товушлардан фойдаланиш кишиларга айниқса мойиллик туғдирган. Муносабатга киришадиган одамлар ўртасидаги масофа анчагина олис бўлган кезларда ҳам, худди шунингдек қоронғиликда, туман тушганда, чакалакзорда ўй-фикрни товушлар воситасида етказиш қулай бўлган.

Тил ёрдамида муносабатга киришиш туфайли борлиқнинг алоҳида бир кишининг миёсидаги инъикоси бошқа одамларнинг миёсида акс этаётгани ёки акс этгани билан донмий равишда тўлдирилиб туради — ўй-фикрларни айирбошлаш, ахборот бериш рўй беради.

Муносабат чоғида киши доимо муҳим нарсани номуҳимидан, зарур нарсани тасодифийсидан ажратишга, якка-ёлғиз нарсаларнинг тинсолидан уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган хоссаларни сўзлар ёрдамида барқарор акс эттиришга ўтишга ўрганади. Бутун бошли нарсалар доирасига хос ва шу аснода сўз юритилаётган конкрет нарсага ҳам тааллуқли муҳим хусусиятлар шу сўз орқали ўз ифодасини топади. Биз «газета» деб айтадиган бўлсак, қўлимизда ушлаб турган газета варақларинигина назарда тутмасдан, мазкур нарсанинг бошқа босма маҳсулотдан фарқини ҳисобга олган ҳолда унинг қайси тоифадаги нарсаларга тегишли эканлигини уқдирамиз.

Сўзлар муайян бир моҳиятга эга, яъни ашёвий оламга аллақандай тарзда тегишли бўлади. Уқитувчи у ёки бу сўзни ишлатганда унинг ўзи ҳам, унинг тингловчилари ҳам ёлғиз ўша битта ҳодисани назарда тутишади ва уларда англашилмовчилик юз бермайди. Моҳиятлар системаси кишининг бутун ҳаёти давомида ривожланиб ва бойиб боради. Уни собитқадамлик билан шакллантириш ўрта таълимнинг ҳам, олий таълимнинг ҳам марказий бўғини ҳисобланади.

Оғзаки комму-
никация. Нутқ.

*Нутқ — бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёр-
далида муносабат қилиш жараёни демакдир.*

Ижтимоий тажрибада бирон-бир моҳиятни ан-
глатадиган сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади.
Сўзлар эшиттириб ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйи-
лиши, ёки кар-соқов кишиларда бирон-бир моҳиятга эга бўл-
ган имо-ишоралар билан алмаштирилиши (буни ҳар бир ҳарф
бармоқлар ҳаракати билан ифода этиладиган *дактилология* ва
имо-ишора бутун бир сўз ёки сўзлар туркумини англатадиган
имо-ишорали нутқ деб аталади) мумкин.

Қуйидаги нутқ *турлари* фарқ қилинади: *ёзма* ва *оғзаки* нутқ.
Ўз навбатида оғзаки нутқ диалогик ва монологик нутқларга
ажратилади. Оғзаки нутқнинг энг содда тури *диалог*, яъни
аллақандай масалаларни биргаликда муҳокама қилаётган
ва ҳал этилаётган ҳамсуҳбатлар томонидан олиб бориладиган
суҳбат ҳисобланади. Гапиришаётганларнинг бир-бирларига
луқмалари, суҳбатдошидан кейин ибораларни ва айрим сўз-
ларни такрорлаш, саволлар бериш, қўшимчалар қилиш, изоҳ
бериш, фақат сўзлашаётганлар тушунадиган шаъмалар қи-
лиш, турли хил ёрдамчи сўзлар ва ундовлар сўзлашув нутқи
учун хос хусусиятдир. Бу нутқнинг ўзига хос хусусиятлари кўп
жиҳатдан ҳамсуҳбатларнинг ҳамжиҳатлиги даражасига, улар-
нинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Аксарият ҳамма
жойда ҳам педагог оилавий муҳитдаги диалогни ҳеч қачон
синфда ўқувчилар билан муносабатда бўлгани каби олиб бор-
майди. Сўзлашув чоғида ҳиссий ҳаяжонланиш даражаси кат-
та аҳамиятга эга бўлади. Ийманган, ҳайратланган, қувонган,
қўрққан, жаҳли чиққан киши хотиржам ҳолатидаги каби га-
пирмайди, ўзгача оҳангдагина гапириб қолмасдан, балки кў-
пинча бошқа сўзларни, ибораларни ишлатади.

Оғзаки нутқнинг иккинчи бир тури *монолог* нутқ бўлиб, уни
битта киши бошқасига ёки уни тинглаётган кўплаб кишилар-
га қарата гапиради: бунга ўқитувчининг ҳикояси, ўқувчининг
кенгайтирилган жавоби, доклад ва шу кабилар киради. Моно-
логик нутқ тузилиши жиҳатидан жуда ҳам мураккаб бўлиб,
фикрнинг тугалланганлигини, грамматик қоидаларга анча
қатъий амал қилинишини, монолог айтаётган кишининг баён
этомқи бўлган фикрда қатъий мантиқ диалогик ва изчиллик
бўлишини тақозо этади. Монологик нутқни эгаллаш нутққа
нисбатан катта қийинчиликлар туғдиради, унинг кенгайтирил-
ган шакллари онтогенезида (юзага кела бошлаганидан тако-
миллашувига қадар) кечикиброқ ривожланади, ўқувчиларда
бу нутқни шакллантириш махсус вазифа ҳисобланади ва педа-
гоглар уни таълимнинг қатор йиллари мобайнида бажариш-
ларига тўғри келади. Қийналмасдан, бемалол суҳбатлаша ола-
диган, лекин олдиндан ёзилган текстдан фойдаланмасдан мо-
нологик характерга эга бўлган оғзаки ахборот (доклад, кенг
маъруза ва шу кабилар) билан чиқишга қийналадиган катта
ёшли одамлар ҳам учраб туриши тасодифий ҳол эмас. Кўпинча

бу ўқитувчиларнинг ўқувчиларда монологик нутқни шакллантириш ишига етарли эътибор бермаганликлари оқибати ҳисобланади.

Ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлди. У бир-бирларидан макон ва замон билан ажралиб турувчи одамлар ўртасида муносабат қилиш эҳтиёжининг натижаси сифатида пайдо бўлди ва фикр шартли схематик суратлар ёрдамида ифода этиладиган пайтлардаги *пиктографиядан* минглаб сўзлар бир неча ўнлаб ҳарфлар ёрдамида ифода этилаётган ҳозирги замон ёзувига қадар ривожланди.

Ёзув тухайли одамлар тўплаган тажрибани авлоддан авлодга энг яхши тарзда етказиш имкони туғилди. Негаки, оғзаки нутқ ёрдамида ўтказилган тақдирда у бузилиши, ўзгариб ва ҳатто беиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Ёзма нутқ фанда фойдаланиладиган мураккаб умумлашмаларнинг ривожлантирилишида, бадий тимсоллар (образлар) ни етказишда муҳим роль ўйнайди. Болага таълим беришнинг дастлабки кунлариданоқ ривожлантирилиши мактабнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланадиган ёзув ва ўқув боланинг ақлий савиясини кенгайтиради ҳамда билимларни эгаллаш ва баён қилишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ёзма нутқдан фойдаланиш мумкин қадар тўғри таъриф берилишига эришиш, логика ва грамматика қоидаларига қатъийроқ амал қилиш, мазмун ва фикрларни ифода этиш усули устида чуқурроқ мулоҳаза юритиш имкониятини яратади. Қўпинча бирон-бир нарсани ёзиб қўйиш — бу уни яхши англаб олиш ва эслаб қолиш демакдир.

Нутқ механизми Нутқ ўзининг физиологик негизига кўра эшитиш ва ҳаракат анализаторлари фаолиятини бажаради. Мия қобиғида ташқи олам томонидан бўладиган турли хил қўзғатувчилар билан сўзларнинг талаффуз қилинишини бошқариб турадиган товуш пайчалари, ҳақилдоқ, тил ва бошқа аъзолар ҳаракати ўртасидаги муваққат боғланишлар ўрнатилади. Нутқ иккинчи *сигналлар системаси* негизидан амал қилади. Сўз, И. П. Павлов айтганидек, «сигналлар сигнали» дир. Сўзлар биринчи сигналлар системаси сигналларини, оламнинг тимсоллари тарзида мавжуд бўлган турли-туман таассуротларни хабар қилган ҳолда бевосита қўзғатувчилар келтириб чиқарадиган таъсирларга туртки бериши мумкин. Сўзлар ва уларнинг бирикмалари ҳар доим миёда биринчи сигналлар системаси сигналларининг мавҳумлаштирилиши, умумлаштирилиши ва қайта ишланиши натижаси ҳисобланади. Оғзаки муносабатдек мураккаб жараён уни таъмин этувчи механизмларнинг изчиллик билан ҳаракатга келтиришга таянади. *Нутқни программалаштириш* — нутқий ифоданинг, яъни киши билдирмоқчи бўлган фикрнинг маънавий ўзагини тузиш — биринчи босқич ҳисобланади. Бунинг учун инсон муҳим деб ҳисоблайдиган ахборот ажратиб олиниб, яроқсизлари, яъни иккинчи даражалилари бир четга суриб қўйилади. Иккинчи босқич — жумланинг *синтактик структурасини тузишдан* иб-

ратдир. Иборанинг умумий тузилиши, унинг грамматик шакли тахмин қилиб кўрилади, керакли сўзларнинг қидириб топилишини, уларни энг аниқ талаффуз этадиган товушларнинг танланишини таъмин этадиган механизмлар ишга солинади. Ваниҳоят, жумлани овоз чиқариб айтила бошлайди, яъни *нутқ реал тарзда* рўёбга чиқади. Шундай қилиб, «гапириш» жараёни бошланади. Бу жараён давомида коммуникатор узатилиши лозим бўлган ахборотни кодлаштиради. Ҳамсуҳбат (реципиент) тинглаш жараёнида олинган ахборотнинг кодини очади. Бу ўз навбатида эшитилган нутқнинг товушларини босқичма-босқич сўзлар моҳиятига айлантиришдан иборат бўлиб, коммуникаторнинг айтмоқчи бўлган сўзи англаб етилишини таъминлайди. Тингловчининг унга хабар қилинган нарсани тўғри тушунганлиги коммуникатор учун фақат реципиентнинг ўзи коммуникаторга айланиб (коммуникатив роллар алмашган ҳолда), унга хабар қилинган нарсани қабул қилгани ва тушуниб еганини маълум қилганидан кейингина аниқ-равшан бўлади. Диалогик муносабатда коммуникатив роллар навбатма-навбат ўзгариб туради, натижада секин-аста ҳамжиҳатлик таркиб топади. Мулоқат қилаётганларнинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори мувофиқлашган бўлиш эҳтимоли туғилади. Бунингсиз биргаликда фаолият кўрсатишда бирон натижага эришиб бўлмайди.

Нутқий фикр-мулоҳазани кодлаштириш ва кодини очиш жараёнлари оғзаки муносабатда муваффақият келтирадиган ақлий марказлар ва системалар сақланиб қолган тақдирдагина юз беради. Мабодо ушбу системалар ишида бузилишлар рўй берса, киши нутқида турли хилдаги бузилишлар — *афазиялар* (сўзлашиш ва тушуниш қобилиятининг йўқотилиши) содир бўлади. Баъзи ҳолларда жумла тузиш қобилияти йўқолиб қолади-ю, лекин нутқни тушуниш қобилияти сақланган бўлади, бошқа бир ҳолларда гарчи бемор сўзларини тўғри танласа ҳам нутқи аниқ бўлмайди, яъни дизатрия (талаффуздаги бузилиш) пайдо бўлади, учинчи бир ҳолда фикрни баён қилиш имкониятлари сақланиб қолган тақдирда ҳам нутқий фикр-мулоҳазани идрок этиш имконияти йўқолади ва ҳоказо.

XIX асрнинг ўрталаридаёқ иккита олим миянинг баъзи бир қисмлари ишидаги бузилиш нутқнинг ҳам бузилишига олиб келишини кашф этган эди. Жумладан, *П. Брока* беморларда чап ярим шарнинг пастки пешана қисмидаги бурмалари орқа томоннинг учдан бир улуши шикастланган ҳолда сўзларни талаффуз этишда бузилиш рўй беришини аниқлади. Кейинроқ *К. Вернике* чап ярим шарнинг устки чакка қисмидаги бурмалари орқа томонининг учдан бир улуши шикастланганда сўзларни тушунишнинг бузилиши ҳолларини тавсиф қилган эди. Мия тўқималарининг ушбу қисмлари ҳаракатлантирувчи нутқ («Брока маркази») ва нутқни тушуниш («Вернике маркази») «марказлари» деб юритила бошлади. Лекин кейинчалик, асосан совет психологларини (*А. Р. Лурия, Н. А. Берштейн,*

П. Қ. Анохин ва бошқалар) нинг илмий ишлари туфайли нутқнинг физиологик негизи мианинг алоҳида қисмлари («нутқ марказлари») фаолиятдан кўра кўпроқ яхлит ҳолидаги мия фаолиятининг мураккаб тарзда ташкил топишидан иборат эканлиги аниқ-равшан бўлди. Шундай қилиб, нутқ функцияларининг жўшқин (яъни қатъиян анатомик тарзда эмас, балки ҳаракатчан) тарзда чекланиши тўғрисидаги тасаввур таркиб топдики, бу марказий нерв системасининг кенг равишда компенсациялаб туриш имкониятларидан фойдаланилиши муносабати билан нутқнинг бузилишини тўғрилашида жуда катта аҳамият касб этади.

Нутқсиз коммуникация

Одамлар ўртасидаги муносабатни телеграф орқали ахборот беришга ўхшатиш мумкин эмас. Телеграф орқали ахборот берилганда коммуникатор билан реципиент оғзаки муомалага киришадилар. Одамлар муносабатига алоқа боғловчиларнинг ҳис-ҳаяжони ҳам қонуний равишда жалб этилган бўлади. У коммуникациянинг мазмуни ҳисобланмиш нарсага ҳам, муносабатга киришганларга нисбатан ҳам муайян тарзда тааллуқли бўлиб, нутқий фикр-мулоҳазалар билан қўшилган ҳолда юзага чиқадиган бу ҳис-ҳаяжонли муносабатда ахборот айирбошлашнинг алоҳида, нутқсиз жиҳати, ўзгача, *нутқсиз коммуникация* таркиб топади. Нутқсиз коммуникация воситаларига *қул, бармоқ ва юз ҳаракатлари, имо-ишора, оҳанг, пауза, турқ-тароват, кулги, кўз ёши қилиш* ва шу кабилар кирадик, булар оғзаки коммуникация воситалари — сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар системасини ҳосил қилади. Ўртоғининг бошига тушган кулфатдан хабар топиб, унга ҳамдарлик билдираётган суҳбатдоши нутқсиз коммуникация белгиларини ишлатади: юзларини ғамгин тутади, паст оҳангда, қўлларини юзига ё пешанасига қўйган ва бошини чайқанган ҳолда чуқур хўрсиниб гапиреди ва ҳоказо.

Нутқсиз коммуникация воситалари бамисоли ўзига хос ҳистуйғу тили бўлиб, сўз билан ифодаланадиган тил каби у ҳам ижтимоий тараққиёт маҳсули ҳисобланади ва турли миллий маданиятларда бир-бирларига ўхшамаслиги мумкин. Болгарлар рус кишиси маъқуллаш ва розилик белгиси сифатида қабул қиладиган бош ирғаш билан ҳам — суҳбатига қўшилмаганини ифода этишса, русларда рад этиш маъносида қабул қилинган бош чайқашни эса ҳеч иккиланмай розилик белгиси сифатида қабул қилиши мумкин.

Нутқсиз коммуникацияни амалга ошириш учун турли хил ёш гурупларида турлича воситалар танланади. Жумладан, болалар йиғидан кўпинча катта ёшдагиларга таъсир қилиш ва уларга ўз истаклари ҳамда кайфиятини етказиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Болаларнинг йиғисида ифода этилган коммуникатив характер уларда кўпинчи учрайдиган «Мен сенга эмас, балки онамга қараб йиғлаяпман!» деган огоҳлан-тиришини ҳам яхши англатади.

Оғзаки коммуникация таъсирини кучайтиришда муносабатга киришувчиларнинг фазода жойлашуви муҳим аҳамиятга эгадир. Сира ўйланмасдан ташланган луқма коммуникаторнинг реципиентга муносабатини аниқ ифодалайди. Таълимнинг баъзи турларида (жумладан, чет тилларда «сўзлашувга» ўргатишда) ўқитувчи ўқувчиларни синфда қабул қилинганидек бир-бирининг орқасидан эмас, балки доира шаклида, бир-бирларига юзма-юз ўтқизишни афзал кўради. Бу муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини тушунишларини жиддий равишда енгиллаштиради ва чет тилда муомала қилиш борасида малака орттирилишини тезлаштиради.

Нутқсиз коммуникацияда қўлланилаётган воситаларнинг ахборотни сўз билан етказиш мақсадларига ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятининг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бундай мувофиқлик ҳам оғзаки ва ҳам нутқсиз коммуникация воситалари касб фаолиятининг қуроли ҳисобланган педагог учун жуда муҳимдир. А. С. Макаренко педагог битта сўзнинг ўзини унга гоҳо буйруқ, гоҳо илтимос, гоҳо насихат ва ҳоказо маъно бахш этган ҳолда турли оҳангда талаффуз эта билиши керак, деб таъкидлаган эди.

**Нутқнинг
ри-
вожланиши**

Киши эҳтиёжлари азалдан агар у бошқа одамлар билан биргаликда ҳаракат қилган ҳолда ўзаро муносабатга киришган тақдирдагина қондирилиши мумкин бўлиб келган. Бу ҳол субъектда унинг учун нима муҳим ва аҳамиятли эканлигини айтиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бола аниқ-равшан нутқни эгаллай бошлайди, биринчи ёшининг охирига етганда бунинг дастлабки белгилари пайдо бўлади. Мураккаб талаффузни талаб қилмайдиган ва осон айтиладиган «о-ла», «да-да», «бу-ви» ва шу каби оҳангдош сўзлар жумласидандир. Катта ёшдагилар бу ҳамоҳангликни конкрет шахсларга — она, ота, бувига боғлайдилар ва болада ана шу оҳангдош сўзларнинг унинг яқин-атрофидаги конкрет шахслар билан боғланиши қарор топишига («бу сенинг бувинг») ёрдамлашадилар.

Шундан кейин ана шу оҳангдошларнинг ҳар бири бола учун сўзга айланади. Ушбу сўзни у катталар билан биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этиш учун қўллайди. «Буви» сўзи энди унинг кундалик эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида ишлатилади. Бола сўзни талаффуз қиларкан, истаганига эришишга — эътибор қилинишига, эркалатилишига, ўйинчоқ ва шу кабиларга эришишга интилади. Сўз алоқа воситасига айланади. Қўлланиладиган сўзлар сони борган сари тўхтовсиз орта боради ва икки ёшга тўлган кезида болаларнинг сўз бойлиги ҳаддан зиёд кенгайибгина қолмасдан, балки уларнинг грамматик шакллари тўғри ишлатиши ҳам мумкин бўлиб қолади, жумлалар мураккаблашиб ва узунроқ қилиб тузила бошлайди. Боланинг тили мактаб ёшигача бўлган йиллар давомида бойиб боради.

Айни пайтда нутқсиз коммуникация — имо-ишора, панто-

мимика, нутқнинг оҳангидаги ранг-баранглик ҳам ривожлана боради. Шу йилларда коммуникация жараёнида тескари алоқалар шаклланади — бола ҳамсуҳбатининг юзларидаги ифодани уқишга, унинг оҳангида маъқуллаш ёки маъқулламаслик аломатини пайқашга, катта ёшдаги кишининг сўзларига илова бўладиган ва кучайтирадиган қўл-бармоқлари ва юз ҳаракатининг маъносини тушунишга ўрланади. Буларнинг ҳаммаси унга ўз ҳаракатларини тўғрилаб бориш, муносабат жараёнида тегишли даражада ҳамжиҳатликка эришиш имконини беради.

Мактабда ўқиш ва ёзиш, кейинроқ эса тил ва адабиёт дарсларида болаларда муомала воситаси сифатида тилга ва муносабат жараёни сифатида нутққа онгли муносабат шакллантирилади. Тил ўқитувчи томонидан махсус уюштирилган таҳлил предметиға айланган ҳолда ўқувчилар олдида социал жиҳатдан шаклланган қонунлар таъсирига бўйсунадиган мураккаб белгилар системаси сифатида намоён бўлади. Бу қонунларни ўзлаштириш ўқувчига фақат саводли ёзиш, ўқиш ва гапириш эмас, балки тил ёрдамида унга қадар ва унинг учун инсоният томонидан яратилган маънавий қадриятларга эгаллик қилиш имконини беради. Совет психологларининг тадқиқотлари асосига қўрилган ҳозирги замон савод чиқариш методикалари ўқувчиларда нутқни онгли равишда товушларга ажратиб таҳлил қилиш кўникмаларининг шакллантирилишини етакчи принцип сифатида қабул қилади. Нутқнинг бу хилда таҳлил этилиши саводли ёзишнинг унумли эгалланишиға ўтишни жуда осонлаштиради. Ўқувчиларда синтаксисни ўзлаштириш жараёнида анчагина қийинчиликлар юз беради. Жумладан, рус тилида пунктуация (тиниш белгиларини қўйиш) нинг икки юзга яқин қоидаси мавжуддир.

Москва университети психологларининг тадқиқотлари шунинг кўрсатдики, ана шу барча қоидалар жумладаги сўзлар боғланишининг атиги учта функциясини — уларнинг бириктирилишини, бўлинишини ва ажратилишини кўрсатади. Аниқланишича, ўқувчилар пунктуациянинг биронта ҳам қоидасини ёд олмаган ҳолда тиниш белгиларини беҳато қўя билишлари учун уларга конкрет жумлаларда бу функцияларни муайян белгиларига қўра таҳлил этиш ва аниқлашни ўргатиш кифоя экан.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ва ўқувчиларда нутқий муносабатга киришиш малакасини ҳосил қилишда педагогиканинг роли бениҳоя каттадир. Бу ўринда ҳам ўқитувчининг эркин ва аниқ-равшан нутқи ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг биринчи даражали муҳим шартларидан ҳисобланади. В. А. Сухомлинский шундай деб ёзган эди: «Педагогика маданиятининг яна бир жиҳати борки, у ҳақда ташвишланмай гапириб бўлмайди, у ҳам бўлса ўқитувчининг нутқ маданиятидир. Йигирма йил муқаддам мен бир ўқитувчининг дарсида болалар янги материалнинг баёнини эшитиб ўтириб жуда чарчаганларига, дарсдан ҳолдан тойиб чиқаётганларига эътибор берган эдим. Мен ўқитувчининг сўзларини (у биологиядан дарс бераётган эди) диққат билан

эшта бошладим. Унинг нутқи пала-партиш, мантиқан ноизчил, маъноси шу қадар ноаниқ эдики, у ёки бу тушунчани биринчи марта қабул қилаётган бола бирор нарсани тушуниб олиши учун бутун кучини туплаши керак эди»¹.

В. А. Сухомлинский «Ўқитувчининг нутқ маданияти ўқувчиларнинг дарсдаги ақлий меҳнатининг самарадорлигини ҳал қилувчи даражада белгилайди»², деб таъкидлаган ва бундай маданиятни шакллантириш — ўқитувчи сўз ёрдамида ҳосил қилишга уринадиган ва буларсиз оддийликдан мураккабликка, яқиндан олисликка, конкретликдан умумийликка ўтиб бўлмайдиган тушунчалар тафсилотидаги ноаниқликни, тасавурлар тарқоқлигини бартараф этиш, ўқувчилар қўлланадиган дарсликлардаги матн (текст) ларни чуқур таҳлил қилиш, матндаги мантиқий изчиллик ва сабаб-оқибат боғланишларни аниқлаш йўлларини кўрсатиб берган эди. Юксак нутқ маданияти — ўқитувчи томонидан вақтдан оқилона фойдаланилишининг муҳим шартидир. «Предмет, ҳодиса, тушунча ўқитувчи нутқида болага тушунарли даражада ёрқин, қулай сўз қобиғига ўраб берилмагунга қадар беҳисоб такрорлашларга зарурат туғилган пайтларда қанчадан-қанча вақт зое кетади»,— деб ёзган эди В. А. Сухомлинский.

II. 5.3. Муносабат шахслараро биргаликда ҳаракат қилишдир

Одамлар муносабатга киришаркан, яъни бирон кимсага савол, илтимос, буйруқ билан мурожаат қиларкан, бирон нарсани тушунтираркан ёки таърифларкан, бошқа бир кишига таъсир ўтказишни, ундан ўзи хоҳлагандек жавоб олишни, топиширининг ижро этилишини, шу пайтга қадар тушунмаганини тушуниб етишни зарурат тарзида ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Муносабат мақсадлари одамларнинг биргаликдаги фаолияти эҳтиёжларини акс эттиради. Бу ҳол қуруқ сафсатабозликнинг, яъни *фатик муносабатнинг* (лотинча *fatuus*, яъни нодон сўзидан олинган), коммуникация воситаларининг биргина муносабат жараёнининг ўзини ҳосил қилишдан иборат ягона мақсад йўлида тутуруқсизлик билан фойдаланилишини мустасно этмайди. Гоголнинг Хлестакови томонидан ўйлаб топилган ва унинг «Пушкин билан» бемаъниларча «диалоги» айни ана шундайдир: «Хўш, Пушкин жўра, ишлар қалай энди?»—«Шунақа жўра,— баъзан ўзига ўзи жавоб қайтаради у,— энди ҳаммасини айтаверсам...» Агар муносабат фатик характерда бўлмаса, у албатта баъзи натижаларга эришилишини бошқа одамлар хулқ-атвори ва фаолиятининг ўзгартирилишини кўзлайди ёки, ҳар ҳолда, эҳтимолда тутади. Бу ўринда муносабат *шахслараро биргаликдаги ҳаракат*, яъни *одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида таркиб топадиган алоқа-*

¹ Сухомлинский В. А. Ёш мактаб директорлари билан суҳбат; «Ўқитувчи», 1989, 69- бет.

² Уша жойда, 71- бет.

лари ва ўзаро бир-бирларига таъсирининг йиғиндисини сифатида юзага чиқади. Шахслараро ўзаро биргаликдаги ҳаракат одамларнинг бир-бирларига таъсирига жавобининг вақтга изчил ёйилган тарзини ифода этади: А. индивиднинг Б. индивид хулқ-атворини ўзгартирадиган хатти-ҳаракати унда жавоб реакциясини пайдо қилади, ўз навбатида бу А. нинг хулқ-атворига ҳам таъсир кўрсатади.

Социал назорат ва ижтимоий қондалар

Биргаликдаги фаолият ва муносабат ижтимоий қондалар — одамларнинг биргаликдаги ҳаракати ва ўзаро муносабатларини қатъиян белгилаб қўядиган ҳамда жамиятда удум бўлган хулқ-атвор намуналари асосида амалга ошириладиган социал назорат шароитида юз беради.

Жамият ижтимоий қондалар сифатида қабул қилган, маъқул топадиган, удумга айланган ва тегишли вазиятда турган ҳар бир кишидан бажарилишини кутаётган намуналарнинг ўзинга хос системасини яратади. Уларнинг бузилиши қондадан четга чиқадиганларнинг хулқ-атвори тўғрилианишини таъминлайдиган социал назорат механизмлари (маъқулламаслик, таъна қилиш, жазолаш) ни ўз ичига олади. Қондаларнинг мавжудлиги ва қабул қилиниши ҳақида бирон кишининг барча бошқа одамлар хулқ-атворидан фарқ қилувчи хатти-ҳаракатига атрофдагиларнинг бир хилда муносабат билдириши далолат беради. Ижтимоий қондалар доираси беҳад даражада кенгдирки, улар меҳнат интизоми, ҳарбий бурч ва ватанпарварлик талабларига жавоб берадиган хулқ-атвор намуналаридан то одоблилик қондаларига қадар ҳаммасини ўз ичига олади. Ижтимоий қондага мос келадиган хулқ-атворга пулат эритувчининг ўз иш жойидаги энг юқори унумга эришуви ҳам, биринчи синф ўқувчисининг ўқитувчи синфга кириб келиши билан ўрнидан туришга одатланган қондасининг бажарилиши ҳам қиради.

Одамларнинг ижтимоий қондаларга мурожаат қилиши уларда ўз хулқ-атвори учун масъуллик ҳиссини уйғотади, ҳаракатлари ва қилиқларининг ушбу қондаларга мос келиши ёки мос келмаслигини баҳолаган ҳолда уларни тўғрилаб бориш имконини туғдиради. Қондаларга қараб мўлжал олиш кишига ўз хулқ-атворининг шаклларини андазага қараб мослаш, кераклиларини, социал жиҳатдан мақбулларини танлаб олиш, номақбул шаклларига амал қилмаслик, ўзининг бошқа одамлар билан муносабатларини йўналтириб ва бошқариб бориш имконини беради. Ўзлаштирилган қондалардан одамлар ўзларининг хусусий хулқ-атворини ўзгаларнинг хулқ-атвори билан таққослайдиган мезон сифатида фойдаланадилар.

Муносабат жараёнларидаги роллар ва роллар эҳтимоли

Ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнларида социал назорат муносабатга киришадиган одамлар «бажарадиган» роллар репертуарига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Психологияда роль деганда хулқ-атворнинг норматив жиҳатдан маъқул бул-

ган муайян ижтимоий мавқени (лавозимга, ёши ёки жинсий белгиларига, оиладаги мавқенга ва бошқаларга кўра) эгаллаб турган ҳар бир кишидан теварак-атрофдагилар кутаётган намунаси тушунилади. Субъект ўқитувчи ёки ўқувчи, врач ёки бемор, катта ёшли киши ёки бола, бошлиқ ёки бўйсунувчи, она ёки буви, эракк ёки аёл киши, меҳмон ёки мезбон ва шу каби ролни бажаради. Ҳар қандай роль мутлақо аниқ талабларга ва атрофдагиларнинг муайян орзу-истакларига жавоб бериши керак.

Ёлғиз бир кишининг ўзи муносабатнинг турли хил вазиятларига дуч келаркан, қонда тариқасида ҳар хил ролларни бажаради. Ўзининг хизматдаги ролига кўра директор бўлиб турган киши бетоб бўлиб қолганида бемор ролига кирган ҳолда врачнинг барча кўрсатмаларини бажаради; шу билан бирга уй шароитида у кекса онасининг мўмингина ўғли родини сақлаб қолади; меҳмонларни қабул қилаётган кезде меҳмоннавоз мезбон бўлиб чиқади ва ҳоказо. Роль мавқеларининг кўплиги баъзида уларнинг тўқнаш келишига — роль конфликтларига (зиддиятларга) сабаб бўлади. Ўқитувчи педагог сифатида ўз ўғлининг характеридаги камчиликларни сезмаслиги мумкин эмас ва унга нисбатан талабчанликни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди, лекин ота сифатида у баъзан раҳмдиллик қилиб, боланинг салбий қилиқларини ҳаспўшлаб, уларнинг авж олишига кўмаклашади. Интизомсиз ўқувчининг ота-оналари ҳузурига келганда педагог меҳмон сифатида уларнинг фарзанди ноҳўя хатти-ҳаракат қилгани ҳақидаги нохуш хабар билан мезбонларни ранжитмаслиги лозим эди, лекин ўқитувчи сифатида шундай қилишга мажбурдир.

Турли хил ролларни бажараётган одамларнинг ўзаро бир-галликдаги ҳаракати *роллар эҳтимоли* билан бошқарилади. Киши буни истайдими ёки истамайдими, лекин атрофдагилар ундан муайян намунага мос келадиган хулқ-атворни талаб қилади. Ролнинг қондай бажарилиши социал назорат остида бўлади, ижтимоий жиҳатдан муқаррар равишда баҳоланади ва намунадан салгина четга чиқилиши эса қораланади.

Жумладан, ота-оналар меҳрибон, хушмуомала, болаларнинг айбларига нисбатан шафқатлироқ бўлишлари керак — бу роллар эҳтимолига мос бўлиб тушади ва ижтимоий жиҳатдан маъқулланади, ҳар қандай рағбатга лойиқ деб тан олинади. Лекин атрофдагиларга ота-онанинг хушмуомалалиги ҳаддан ошиб кетаётгани, ҳамма нарса ҳам кечирилаётгани сезилиб туради ва қатъиян қораланади. «Онажониси ўғлини эркалатиб юборди, кўп ўтмай у ҳали онаси тугул, бошқаларнинг ҳам бошига чиқиб олади» — бу қатъий, эҳтимол, ноҳақ, лекин онанинг меҳрибонлигига нисбатан роллар эҳтимолининг энг охириги чегарасини аниқ белгилаб берадиган ҳукмдир. Ота-оналар болаларига нисбатан қаттиққўл ва талабчан бўлишлари керак. Бу ҳам ота-оналар ролига оид йўл-йўриқдир. Бу ўринда ижтимоий баҳо ана шу йўл-йўриқларнинг иккинчи бир мутлақ чегарасини белгилаб беради «У онасининг олдида миқ эта олмайди, у болани тамомила эзиб ташлабди». — «орқаворатдан» қоралаш шундоққина сезилиб турибди. Шу тариқа она ролининг бажарилиши ижтимоий жиҳатдан маъқул деб топиладиган муайян диапазон мавжуд. Худди шу нарса оналарнинг катта ёшдаги авлодга мансуб бошқа аъзоларига ҳам тааллуқлидир.

Болага келганда шунинг айтиши керакки, унинг ролдан гапга албатта қулоқ солиши, катталарни ҳурмат қилиши, аъло ўқиши, саранжом-сарништа, тиришқоқ бўлиши ва шу қабиладан билан боғлиқ ҳолда кутиладиган мақсадлар ҳаммага аён. Атрофдагиларнинг барчаси — фақат оилада эмас, балки ундан ташқари ҳамма жойда болага (мактаб ўқувчиси, ё ўспирини, бундан қатъи назар) сира ҳам «орқаворатдан» эмас, балки, айтиши мумкинки, «очиқ текст» билан, унинг ўз ролига лойиқми ёки лойиқ эмаслигини айтаверади.

Шундай қилиб, *узуро биргаликда ҳаракат қилаётган одамлар хулқ-атворининг бир-бирларидан кутган таҳминларига мослиги муносабат жараёнида муваффақиятга эришишнинг зарур шарти ҳисобланади.*

Муносабатга киришаркан, ҳар бир киши ўзи билан муносабатга киришадиган одамларнинг хулқ-атвори, сўзлари ва ҳатти-ҳаракатлари кўпроқ ёки озроқ даражада муайян бир тарзда бўлишини кутади. *Кишининг бошқалардан эшитишга ёки уларда кўришга тайёр бўлган нарсани улардан кутиш мумкинлигини беҳато ва аниқ тахмин қилиш қобилияти ва малакаси одоб дейилади.*

Бундан одобли киши ҳар доим ва барча ҳолларда бундай эҳтимолга амал қилавериши керак, деган маъно келиб чиққанди, албатта. Борди-ю, субъектнинг принциплари ва этиқоди унинг назарида атрофдагилар ундан кутишадиганига нисбатан кескин равишда зид бўлган вазият вужудга келгудек бўлса, у принципиаллик кўрсатиб, ўз хулқ-атворининг одобга қай даражада тўғри келиш-келмаслиги ҳақида қайғуриб ўтирмаслиги ҳам мумкин. Галилейнинг «у барибир айланяпти!» деган машҳур ибораси ундан ўз сўзидан тамомила ва қатъиян воз кечишни кутаётган инквизиторларга нисбатан одобсизлик деб қаралиши мумкин эмас, албатта. Балки бу юксак принципиаллик, илмий ҳалоллик ва граждандлик матонат далили, холос.

Лекин кундалик ҳаётнинг вазиятларда нотўғри тахмин қилиш ёки буни инкор этиш одобдан эмас. *Одобсизлик — бу муносабат жараёнида муносабатга киришганларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатларининг издан чиқишига олиб келадиган ва баъзан можароли вазиятларни вужудга келтирадиган даражада бузилиши демакдир.* Одобсиз хулқ-атвор нисбатан беғараз характерга эга бўлади. Масалан, агар иккита таниш одам учрашганда жуда ҳам расмий тарзда берилган «Ишлар қалай?» деган саволга улардан бири хонадондаги барча кишилар соғлиғи тўғрисида, кейинги кунлардаги унча аҳамиятсиз воқеалар хусусида батафсил ҳикоя қила бошласа, бу маълум даражада одобсизлик деб қаралиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда одоб талабларига фройя қилмаслик жиддий салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Бу айниқса, педагогик муносабат чоғида одобсизлик кўринишларининг содир бўлишига тааллуқлидир.

Конкрет бир мисол келтирамиз. Ўқитувчи туққизинчи синфда ифодали ўқиш тўғрисидаги ташкил этиб, уни анча муваффақиятли равишда олиб борди.

Лекин кулардан бирнда қуйдаги ҳол юз берди. Тугарак раҳбари И. А. Криловнинг «Синчков келин» масали устида ишлашни таклиф этади. У ҳали ўқишни бошламасиданоқ, тугарак қатнашчилардан бири ўрнидан туриб, бошқа масални танлашни илтимос қилади: «Бошқа хоҳлаган масални олайлик, фақат бунисини эмас!» — «Нима учун, тушунтириб беринг» — эътироз билдиради ўқитувчи. «Айта олмайман...» — ўқувчи секингина жавоб беради. Ўқитувчи бунинг ҳаммасини аксликка йўғриб, ўз сўзнда туриб олади. Йигитча лабларини тишлаганча ўрнига утиради. Ўқитувчи масалнинг тугалловчи

Мамнун эди, у жуда бахтиёр;

Топгани-чун мажруҳ бир ёр,

сатрларини ўқиб ва деган сўзларига истехзоли оҳанг бахш этганини биладикки, ҳамма ёққа сув сепгандек жимлик чўкканидан, болаларнинг ҳаяжонли ва дарғазаб юзларидан ва, ниҳоят, кизлардан бирининг кўзлари ёшланганидан нима содир бўлганини тушуниб етган эди. Бирданига у тугаракда қатнашаётганлар орасида бундан бир неча йил муқаддам поезд тагига тушиб кетиб, оёғидан ажралган бир йигитча ва у кўпдан буён севадиган қиз ҳам шу ерда ўтирганни эслаб қолди.

Ўқитувчи ўқувчилар коллективининг одамлардан таркиб топганлигини ва ҳатто ёппасига, ҳаммаси билан иш олиб бораётган бўлишига қарамай ҳар бирининг шахсини эътиборга олиш кераклигини эсдан чиқармаслиги шарт. Ўқувчилар билан психологик боғланиш ҳатто вақтинча йўқолса ҳам катта зиён етказиши аниқ, бу ақл бовар қилмайдиган салбий оқибатларга олиб келади. Мабодо ҳамжиҳатликнинг бу тарзда бузилишлари истисно тариқасида бўлмасдан, балки қоидага айланиб қолса, у ҳолда педагог билан ўқувчилар ўртасида тездаёқ бартараф этиш мушкул бир жарлик ҳосил бўлади, деб баралла айтавериш мумкин.

Педагогик одобнинг тегишли алоқа ўрнатиш чоғида тарбиячига инъом этадиган имкониятларидан фойдаланиш ўқувчининг ривожланиши учун истиқбол яратиб берган ҳолда унинг шахсини шакллантириш жараёнини анча қулай шароитларда амалга ошириш имконини беради.

Педагогик муносабатда психологик боғланиш Боғланиш (латинча *contactus* яъни «яқинлашиш» деган сўздан олинган) — муносабатга кирувчилар ўртасида икки томонлама алоқа бўлиши тақозо этади. Бунга эришиш ва уни кўнгилдагидек ривожлантириш шарт муносабатга киришувчи шахсларнинг ўзаро бир-бирларига ҳурмати ва ишончидан иборатдир. Педагог ўқув-тарбия иши жараёнида ўқувчилар билан алоқа боғларкан, улардан ўқитувчи ролининг ўзи тақозо этадиган даражада иззат-иқром кутади. Бу ўрнили роль тахминлари «Ўқувчилар учун қондалар» билан, мактаб анъаналари, ўқитувчилар коллективининг яқдил талаблари билан қўллаб-қувватланади. Лекин муносабатда одамларнинг алоқалари икки томонлама характерга эга эканлиги ўз навбатида ўқитувчидан ҳам ўқувчиларга нисбатан ҳурмат ва ишонч билдирилишини талаб қилади. А. С. Макаренконинг номи билан боғлиқ «Шахсга нисбатан иложи борича талабчанлик ва унга нисбатан иложи борича ҳурмат ҳамда ишонч бўлиши керак», деган машҳур педагогик таърифни жуда яхши билган ҳолда айрим

Ўқитувчилар унинг фақат биринчи қисмини қўллайдилар, гарчи А. С. Макаренко булар иккита ҳар хил нарса эмас, балки ёлғиз биргина нарса, деб таъкидлаган бўлса ҳам, таърифнинг иккинчи қисмига риюя этишни ўзлари учун шарт деб ҳисобламайдилар.

Агар педагог ўз тарбияланувчиларига нисбатан ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлса, у ҳар қанча принципиал ва талабчан бўлган тақдирда ҳам, унинг энг арзимас танбеҳлари ҳам таъсирли бўлади. Айни чоғда ўспирин ўқитувчининг сўзларида, борди-ю, ўзига нисбатан ҳурмат-эътиборни сезмаса, жуда асосли ва мантиқан тўғри панд-насиҳатларни ҳам қўпинча лоқайд қолдириши турган гап.

Педагоглар билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳавосиз бўшлиқда рўй бермайди. У озми ё кўпми даражада мактабдаги умумий муҳитда юз беради, ўқувчилар психологиясини тушунишнинг педагогик коллективга хос даражасига, унинг педагогик ва психологик маданиятига боғлиқ бўлади. Алоқаларнинг бу объектив боғлиқлигини мактаб ҳаётида бошланғич синф ўқувчисининг ноҳўя иш қилиб қўйганидан тортиб то бутун мактабни ҳаяжонлантирган фавқулодда ҳодисага қадар юз берадиган исталган бир ҳодисани психологик таҳлил қилиш жараёнида кўриш мумкин. Ўқувчига нисбатан талабчанликни уларга нисбатан ҳурмат билан уйғун тарзда йўлга қўя биладиган педагог коммунистик тарбиянинг мақсадларини рўёбга чиқариш учун энг қулай педагогик муҳитни ярата олади. Улар ўқувчилар билан муносабат чоғида уларга ҳурмат кўрсатаркан, ўспиринларда *ўзини-ўзи ҳурмат қилишни* шакллантирадилар. Бу эса болалар билан бўладиган бундан кейинги алоқаларнинг шартига айланади. Ўқувчилар билан, айниқса, ўсмирлар билан муносабатда уларнинг ўзини-ўзи ҳурмат қилишига таяниш уларга самарали педагогик таъсир кўрсатишда ишончли воситадир.

Ўспиринда катта ёшли кишидан фарқли ўлароқ, ўзига ўзи берадиган баҳо, одатда барқарор бўлмайди. Шунинг учун ҳам у ўз юриш-туришларига турли хилдаги нуфузли шахслар томонидан берилиши эҳтимол тutilган баҳоларга — ота-оналарнинг, педагогларнинг, тенгдошларнинг, ўзидан каттароқ ёшдаги болалар ва бошқаларнинг баҳоларига қараб мўлжал олишга мажбурдир. Ушбу ташқи баҳолар ўзгариб қолган тақдирда у бошқа одамлар билан уни қаноатлантирадиган даражадаги муносабатни давом эттириш учун мустаҳкам негиз сифатида ҳурматини сақлаб қолишга интилади, бошқа одамлар уни ўзини қандай тутишни хоҳлаётганларидек қиёфада улар кўз ўнгидан намоён бўлишга ҳаракат қилади. Тажрибали педагоглар ўспиринлар билан муваффақиятли тарзда муносабат боғлаётиб, уларнинг ўзини ўзи ҳурмат қилишига таяниш ва бунинг ёрдамида мустаҳкам психологик алоқа боғланишига эришиш қанчалик муҳимлигини билдиради.

Конкрет бир мисол келтирамиз. Валерий П. ёмон ўқир, синфдагилардан орада қолиб келарди. Афтидан, у ландовурликка куникиб кетган ва иккиларга, синфдагиларнинг хазар қилшига, ўқитувчиларнинг танбеҳларига, отаналарнинг таъналарига эътибор қилмайдиган бўлиб қолган эди. Унинг синф раҳбари бўлган ва физикадан дарс берадиган муаллима унга ёрдам беришга ҳаракат қилиб кўрди. У бола билан кўшимча равишда шуғуллана бошлади ва бу борада психологик жиҳатдан обдон режални усулни қўллади: у Валерий билан биргалашиб синфнинг орқасидан қувмади, аксинча унга янги материални дарсга қадар тушунтириб, барча ўқувчиларни жўрттага орта қолдириб борарди. Янги материал юзасидан масалаларни ҳал этиш чоғида ҳатто синфдаги илгор ўқувчилар ҳам нуноқлик қилиб қолишганида ўқитувчи Валерийни чақирар ва у топшириқни муваффақиятли уддалар эди. Бу ҳол ўртоқларининг унга нисбатан муносабатини жиддий тарзда ўзгартириб юборди. Валерий буни пайқамасдан қолмади. Кўп ўтмай ўқитувчи унга янги мавзунини ўзлаштира олмаётган қизчани «шатакка олиш»ни топширди. У бу ишга гурур билан ва бажонидил киришди. Кейинроқ у ўқувчи қизча олдиди уялиб қолмаслик учун ўз ташаббуси билан фақат янги материални эмас, балки эски материални ҳам беками-кўст ўзлаштиришга киришди. Валерийда ўзини ўзи ҳурмат қилиш ҳисси туғилиб, умуман ўқишга нисбатан муносабати ўзгариб қолди. Энди у бошқа фанлар бўйича ҳам яхши ўқишга интиларди. Ниҳоят эгаллаган нарсасини — бошқа одамлар ҳурматини ва шу билан боғлиқ ўзини-ўзи ҳурмат қилишини энди у йўқотишни истамасди.

Ўзини ўзи ҳурмат қилиш туйғуси — бу аниқ, лекин мўрт қуролдир. Бордию катга ёшдаги кишилар эҳтиётсизлик қилиб, билмасдан ёки жўрттага ўсмирда ўзига нисбатан ҳурмат туйғусини барбод қилгудек бўлса, бу ҳолда улар уни нохуш таъсирларга қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум этган, ибратомуз нарсаларга лоқайд қолдирган бўладилар. Бола қанчалик ёмон бўлмасин, агар унда ўзига нисбатан ҳурмат сақланиб қолса, бу ҳол уни бошқа одамларни ҳам ҳурмат қилишга, ўзи яшаётган жамиятнинг ҳурмат қилишга ўргатиш мумкинлигига умид боғлаш имконини беради. Демак, бундай ўспириндан умидвор бўлиш мумкин. Психологик боғланишнинг бузилиши эса шахслараро можарога сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Шахслараро можаро

Муносабат жараёнларини ҳар доим ва барча вазиятларда ҳам сип-силлиққина ва ички қарама-қаршилиқларсиз юз беради деб тасаввур қилиш ярамайди. Айрим вазиятларда бир-бирини инкор этувчи қадриятлар, вазифалар ва мақсадларнинг мавжудлигини акс эттирувчи позициялар антагонизми юзага чиқадики, баъзан бу ўзаро адоватни келтириб чиқаради — *шахслараро можаро* содир бўлади. Можаронинг ижтимоий моҳияти турлича ва шахслараро муносабатлар негизини ташкил этадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Баъзан йиғитчанинг диққат-эътиборига баб-баравар даъвогарлик қилиб, рақибларга айланиб қолган юқори синфда ўқийдиган иккита қизнинг ўзаро муносабатлари ҳам можаровий бўлади. Можаро биттаси ноинсофлик қилган иккита ўртоқнинг тўқнашуви тусини олади. Шубҳасиз, бу можароларнинг сабаблари ва характери хусусидаги ижтимоий баҳо бир-биридан жиддий равишда фарқ қилади.

Бу ҳол шахслараро можаронинг келиб чиқиш сабабларига, унинг сабабий боғланишларига (детерминизмига) эътиборни жалб қилиши шарт.

Биргаликдаги фаолият жараёнида можароларнинг сабаблари урнида икки хил тоифадаги детерминант, яъни *ашёвий-амалий келишмовчиликлар ва шахсий-прагматик манфаатлар ўртасидаги тафовут* майдонга чиқади.

Агар биргаликдаги яхши уюштирилган, ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошираётган ўзаро биргаликдаги ҳаракатида ашёвий-амалий зиддиятлар устунлик қиладиган бўлса, у ҳолда юз берган можаро одатда шахслароро муносабатларнинг узилишига олиб бормади ва ҳис-ҳаяжоннинг кескинлиги ва душманчиликнинг кучайишига сабаб бўлмайди. Мактаб комсомол комитетида комсомол аъзолари микрорайондаги ишни йўлга қўйиш хусусида кескин мунозара бошлашиб, бир-бирлари билан етарлича можаровий муносабатда бўладилар, лекин бу тортишаётганларнинг ўзаро дўстона алоқалари ва бир-бирга яқинлигида акс этиши умуман шарт эмас. Позицияларнинг кескин қарама-қаршилиги натижасида қабул қилинган қарор ва ана шу қарама-қаршиликнинг мунозара чоғида бартараф этилиши умумий муваффақиятини таъминлайди.

Айни чоғда шахсий-прагматик манфаатлар жабҳасидаги зиддиятлар тезда хушқўрмасликка ва душманликка олиб келади. Умумий ишнинг йўқлиги ўзларининг тор доирадаги эгоистик (шахсиятпарастлик) мақсадлари билангина яшайдиган одамларни рақобат вазиятига солиб қўяди, бундай вазиятда бир кишининг ютуғи иккинчисининг мағлубиятини англади. Бу ҳол шахслароро муносабатларни кескинлаштирмаслиги мумкин эмас.

Шахсий-прагматик манфаатлардаги тафовутларга ашёвий-амалий келишмовчиликлар туси берилган ёки аксинча узоқ давом этган ашёвий-амалий келишмовчиликлар секин-аста шахсий хушқўрмасликка олиб келадиган вазиятлар ҳам бўлади. Бундай ҳолларда шахсий манфаатлардаги тафовутлар ҳам «ўтиб кетган сана билан» излаб топилади ва қайд қилинади.

Можароларнинг келиб чиқишига, шунингдек, муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларига ғов бўлган ва бартараф этилмаган *маънавий англашилмовчиликлар* ҳам сабаб бўлади. *Муносабатдаги маънавий англашилмовчилик — бу айтилган талабнинг, илтимоснинг, буйруқнинг маъноси муносабат боғлашган шериклар учун мувофиқ эмаслигидир. Бу ҳол уларнинг ўзаро ҳамжихатлиги ва биргаликда ҳаракат қилиши учун тўсқинлик туғдиради.*

Мисол учун катта ёшдагилар билан боланинг ўзаро муносабатларида маънавий англашилмовчилик шу сабабли юз бердики, бола катта ёшдагиларнинг талаблари туғрилигини тушунган ҳолда бу талаблар унинг тажрибасига, қарашлари ва муносабатларига ёт бўлгани учун ҳам уларни қабул қилмайди. Маънавий англашилмовчилик катта ёшдагилар — ўқитувчилар

ва ота-оналарнинг болалар ва ўсмирлар билан бўладиган муносабатиди айниқса муҳим роль ўйнайди. Бу уларнинг ёшларидаги фарқ билан, бировларида ҳаётий тажрибанинг мавжудлиги ва бошқаларида бунинг йўқлиги, манфаатлардаги тафовутлар билан ва, шунини таъкидлаш жуда ҳам муҳимки, тарбиявий таъсирларни қўллашда катта ёшдаги кишиларнинг қўлингача хатоларга йўл қўяётганлиги билан изоҳланади.

Агар педагог ўқувчилар психологиясини билса ва уни эътиборга ола борса, ўқувчининг қизиқишларини ва эътиқодини, ёшига хос хусусиятларини, илгари эгалланган тажрибасини инобатга олса, унинг истиқболи ва қийинчиликлари билан ҳисоблашган ҳолда иш тутадиган бўлса, маънавий англашилмовчиликларни бартараф этиши мумкин.

Болалар билан катта ёшдаги кишиларнинг тегишли ҳамжиҳатлигига эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифа қуйидаги тарзда баён этилиши мумкин: *болаларни катта ёшдаги одамларнинг тилини қўллашга ва катта ёшдагиларни болаларнинг тилини тушунишга ўргатиш керак.* Бу ўринда юқоридаги параграфда сўз юритилган бола нутқини ривожлантириш вазифаси, унинг сўз бойлигини ривожлантириш ёки талаффуз қилиш ва тўғри ёзиш қоидаларини ўзлаштириши назарда тутилаётгани йўқ. Моҳиятларнинг ифодаси сифатидаги тилни бола мактабгача ёшида эгаллаб олади ва мактабда ўқиган йиллари давомида уни такомиллаштириб, бойитиб боради. Лекин тилни қўллаш ва ривожлантириш моҳиятларнинг шакллантирилиши билан чекланмайди. Сўзлар киши онгининг бошқа фактлари каби моҳиятларнинг умумий тарзда қабул қилинган системасидан ташқари алоҳида ҳар бир киши учун хос маълум даражадаги шахсиятга оид мазмун, қандайдир алоҳида аҳамият касб этади. Моҳиятлар билан шахсиятга оид мазмуннинг нисбати А. Н. Леонтьевнинг асарларида чуқур тадқиқ этилган эди. «Шахсиятга оид мазмунлар моҳиятлардан фарқли ўлароқ... ўзининг ортиқча индивидуаллигига, «нопсихологик» тарзда мавжудлигига эга эмас. Агар ташқи сезувчанлик субъект онгида моҳиятларни объектив оламнинг реаллиги билан боғлаб турса, шахсиятга оид мазмун эса уларни унинг ушбу оламдаги ҳаёти реаллиги билан, унинг сабаблари билан боғлайди. Шахсиятга оид мазмун инсон онгининг фарзлилигини юзага чиқаради»¹. Нимаки фаолиятнинг мақсадларини уни амалга ошириш сабаблари билан боғлайдиган бўлса, унинг эҳтиёжлари нимада аксини топган бўлса, шахсиятга оид мазмун, яъни алоҳида аҳамият касб этади. К. Маркс капиталистик жамиятда ёлланма ишчилар меҳнатини таърифларкан, шундай деб ёзган эди: «Унинг учун ўн икки соатлик иш кунининг мазмуни туқиш, йиғириш, пармалаш ва ҳоказо-

¹ Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. 2-нашр. М., Политиздат, 1977, 153-бет.

лардан иборат эмас, балки бу унга ейиш, майхонага бориш, ухлаш имкониятини берадиган *пул топиш* усулидир¹.

Ёлғиз биттагина сўзнинг, ҳаракатнинг, ҳолатнинг ўзи ҳар хил одам учун ҳар хил мазмун касб этиши мумкин. Ҳуқуқчиликнинг ўқувчига «Танаффусда сен яна Петров билан муштлашибсан» деган танбеҳи уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам бир хил мазмунни англатади. Муносабатга киришувчиларнинг ўзаро бир-бирларини англаб етишларида моҳиятлар даражасида ҳеч қанақа қийинчилик йўқ — униси ҳам, буниси ҳам гап нима ҳақда бораётганлигини тушунишади. Лекин уларнинг шахсиятига оид мазмуни турлича бўлиши мумкин. Мактабдаги муштлашиш ўқитувчи учун интизомнинг бузилиши ҳисобланади. Ҳуқуқчи учун, эҳтимол, Петровнинг анча ожиз бола сифатида уни хўрлашларига барҳам бериш учун яна бир уриниб кўришидир.

Катта ёшдаги кишилар бола тилни фақат унинг ўзига хос моҳиятлари билан қўшиб эмас, балки улар тегишли маънавий ва дунёқараш қадриятларини кўзда тутган ҳолда қабул қилган шахсиятга оид мазмунлар системасини ҳам қўшиб эгаллашига эришишлари учун барча асосга эгадирлар ва бу истак болалар билан умумий тил топиш борасидаги вазифа эътибори билан ўринлидир. Бунингсиз келишиш ва можаролардан ҳоли бўлиш қийин. Катта ёшдаги кишилар бу мақсадни (болаларнинг катта ёшдагиларнинг тилини уларнинг шахсиятига оид мазмуни системасига кириб борган ҳолда ўзлаштириб олишларини) эътиборсиз қолдирмаган ҳолда боланинг шахсиятига оид мазмунни чуқур англаб олишлари керак. Бунда ким билан *муносабатга киришган бўлсанг, ўзингни ўша кишининг ўрнига қўя билиш*, унга ўхшаш бўлиш муҳим роль ўйнайди. Педагогнинг ўқувчи шахсиятига оид мазмунлар системасига кира билмаслиги ва шундай қилишни истамаслиги педагогик муносабат жабҳасидаги шахслараро можароларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шахслараро Биринчи тоифадаги муносабат (фаолиятдан ўзаро биргалликдаги ҳаракат) кўзланган мақсадга эришиш учун ахборот айирбошлаш, коммуникация ўрнатиш) билан бир қаторда иккинчи тоифадаги муносабатнинг (ўзлигинини бошқа кишиларда давом эттириш, ўзининг ўзига хослигини «трансляция қилиш» кабиларнинг) ҳам мавжудлиги ҳар бир кишининг иккинчисига кўрсатадиган таъсирга эътиборни жалб қилади. Бу таъсир таъсир кўрсатилаётган киши томонидан ҳам, таъсир кўрсатаётган киши томонидан ҳам англаниши мумкин ва, аксинча, англанилмаслиги ҳам мумкин.

Социал таъсир масаласи таълим ва тарбиянинг психологик жиҳатларини ўрганишда алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Таълим — бу аввало ахборот жараёнидир. Ҳуқуқчи ўқувчига

¹ Маркс К. Ёлланма меҳнат ва капитал. Маркс К. ва Энгельс Ф. Иккинчи томли танланган асарлар, 1- том, Ўздавнашр, 1959, 62- бет.

билимларни маълум қилади (тегишли ахборот беради) ва ўз навбатида тескари алоқа тарзида ундан маълум қилинган билимлар қандай ўзлаштирилганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган ахборот олади (жавобни тинглайди, контрол ишни текширади ва ҳоказо). Ўзаро биргаликдаги ҳаракат моҳиятлар даражасида амалга оширилади. Бироқ, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, педагог тушунчаларни ҳосил қилган ҳолда фақат моҳиятларни етказиб қолмай, балки ўқувчиларга бу тушунчалар унинг учун эга бўлган мазмунни «трансляция қилади» (етказди). У Улуғ Ватан уруши ҳақида ҳикоя қиларкан, ўқувчиларга, масалан, фақат Брест қалъаси ҳимоясига оид фактларни маълум қилиб қолмайди ва уларни ана шу фактлар хусусида хулоса ясашга ўргатиш билангина чекланмайди, балки уларга ўзининг ана шу воқеаларга шахсий муносабатини, Брест қалъаси ҳимоячиларининг қаҳрамонлиги совет ватанпарвари сифатида унинг учун қандай мазмунга эгаллигини хабар қилишга интилади. Мазмунларнинг ўқитувчидан ўқувчига ўтказилиши, «трансляция қилиниши» тарбиянинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Мазмунни моҳиятдан ажратиб бўлмагани сингари тарбияни ҳам таълимдан ажратиб бўлмайди, албатта.

Педагог тарбия вазифаларини амалга ошираркан, ўқувчиларга кўрсатадиган таъсир тарбияланувчилар кўриб, эшитиб ва бажариб бораётган мазмунларнинг муайян даражада ўзгаришини тақозо қилади. Ҳар хил педагог уларга турлича даражада жуда ҳам хилма-хил тусда таъсир кўрсатади.

Қуйидагича эксперимент ўтказилди. Синаб кўриляётган бошланғич синф ўқувчиларига ҳар хил ўйинчоқларни таклиф қилишди, лекин улардан бирини, яъни қизил рангли матрешкани ҳеч бири сира ҳам қўлга олмасликлари ва уни бурамасликлари кераклиги ҳақида қатъий равишда огоҳлантиришди. Ўйинчоқлар билан яққа ўзлари қолдирилган болаларнинг ҳар бирини зимдан кузатиб туришди. Синаб кўриляётганларнинг умумий сонидан баъзи бир қисми таққини ҳамиша бузарди. Экспериментнинг иккинчи даврасида болаларга бошқа нарсалар билан ўйнашга рухсат берилгани ҳолда қизил қутичани очиш ман этилди. Лекин шу билан биргаликда сеновдан ўтаётганларнинг рўпарасида кўрinarли қилиб уларнинг педагоги портретини қўйишди. Эксперимент шунинг кўрсатдики, битта тарбиячининг портрети қўйилганда «тартиббузарлар» сони камаяди, иккинчисини қўйилганда ҳам биринчи даврадагидек даражада бўлади, учинчисининг портрети қўйилганда эса улар сони сезиларли даражада ошади. Ўқитувчининг борлиги ҳақида биргина огоҳлантиришнинг ўзи (биринчи ва учинчи ҳолларда) вазиятнинг мазмунини турлича ўзгартириб юборди. Битта педагогнинг «ништироки» болаларнинг «қонунга риоя этишини» оширса, иккинчисининг қўшилиши таққини бузишга интилишни кучайтириб юборди.

Педагог кўрсатадиган таъсирнинг турлича самара касб этиши замирида унинг шахсиятига оид хусусиятлар, гарчи турлича бўлса-да, унинг ўзини давом эттириш, ўзининг шахсиятига оид мазмунларни болаларга ўткази билиш қобилияти, унинг педагогик муносабати характери ва самарадорлиги акси мужассамлашгандир.

Дўстона
муносабат

Муносабатга киришувчиларнинг ўзаро яқинлиги билан, бир-бирлари билан муносабатдан қониқиш ҳосил қилганлигининг юксак даражаси, жавоб тариқасидаги ҳис-туйғулар ва афзалликнинг ўзаро тахмин қилиниши билан белгиланадиган ўзаро муносабатлар ва ўзаро биргалликдаги ҳаракатнинг барқарор индивидуал-танлаш системаси сифатидаги дўстлик одамлар муносабатининг алоҳида шакли сифатида юз беради. Дўстликнинг ривожланиб бориши унинг ўзаро ҳамжиҳатликнинг зарурлигини, ошкоралик ва очиқликни, ишончни, ўзаро фаол ёрдамлашувни, бир-бирларининг ишларига ўзаро қизиқишни, самимийликни ва ҳис-туйғуларнинг беғаразлигини қарор топтирувчи ёзилмаган қонун-қоидага амал қилишини тақозо этади. Дўстлик қонун-қоидасининг жиддий равишда бузилиши ё унинг тўхтатиб қўйилишига, дўстликнинг шунчаки юзаки ошначилик муносабатларидан иборат қилиб, ёки ҳатто тамомила бунга зид нарсага — душманликка айлантириб қўйилишига олиб боради.

Дўстона муносабат ўрнатиш ва дўст тутиниш проблемаси ўспиринлик ёшида айниқса долзарб масалага айланиб қолади. Педагогларнинг кузатишлари, ўспиринларнинг сир сақланадиган кундаликлари, уларнинг «Дўстлик ва муҳаббат тўғрисида»ги мавзуларда ўтказиладиган суҳбатларга қизиқишлари ана шундан далолат беради. Лекин бу изланишлар муваффақиятли чиқаверади деб тасдиқлаш учун асос йўқ. Чунки ўспиринлар ўзаро муносабатларининг ҳақиқий характерини дўстлик қонун-қоидаларининг юксак мезони билан таққослаш чоғида юз берадиган қийинчиликларга дуч келадилар. Баъзан таркиб топаётган муносабатларнинг дўстлик андасасига мос келмаслиги билиниб қолган тақдирда юз берадиган кўнгил совишлар ўспиринлар орасида жанжалларга ҳам олиб келади. Буниси кўпроқ қиз болаларнинг бир-бирлари билан муносабатларига хосдир.

Дўст орттиришга бўлган эҳтиёж ўспиринлик ёши учун хос хусусият ҳисобланади. Ўспирин одатда дўстона муносабатнинг ўлчови ҳақида етарли даражада аниқ-равшан тасаввурга эга бўлади, лекин бу ёшда у кўпроқ интиладиган алоҳида жуфтлашган ҳолда дўстлашувдан кўра кўпроқ ўз тенгдошлари билан кенгроқ маънодаги муносабатга киришишни тақозо этадиган ўртоқлик анча кенг тарқалган бўлади. Ўртоқлик муносабатлари ўспирин ўзи учун аҳамиятли хислатлар ва фазилатлари билан ўзини кўплаб тенгдошларида давом эттириш имконига эга бўла оладиган тарздаги муносабатни кенгайтиришга ёрдам беради: унинг учун биров билан ўқилган китобларни муҳокама қилиш қизиқарли бўлса, бошқаси билан стол тенниси ўйнаш ва учинчиси билан бўлғуси касб ҳақида гурунглашиш қизиқарли бўлиб туюлади.

Ўспиринлик даврига хос ўртоқликни юзаки муносабатларга ўхшатиш мумкин эмас. Чунки ўртоқчилик муносабатининг субъекти ўз тенгдошларининг ҳаёти ва фаолиятига ўзи учун

аҳамиятли индивидуаллик жиҳатлари билан таъсир ўтказишга интилади, шу боис у фақат ўзи учун эмас, балки ўша тенгдошлари учун ҳам муҳим ва қимматли бўлган нарса билан бошқаларда ўзини давом эттириш имкониятларини қидиради. Усмирларнинг дўстлиги — бу дўстона муносабатни ривожлантириш йўлидаги бир босқичдирки, бу дўстлик социал етуклик даражасига эришган катта ёшдаги кишиларда ўзининг теранлик даражасига етади.

Катта ёшдаги ўқувчилар ўртасидаги дўстона муносабатлар характери тўққизинчи ва айниқса ўнинчи синфда сезиларли даражада ўзгариши экспериментларда исботланган. Тўққизинчи синфда ўқишни давом эттиришмоқчи бўлган ўқувчилар ўртасида агар саккизинчи синфдаликларида ўзаро афзал кўриш билан ҳаёт йўлини танлаш ўртасидаги боғланиш ҳали сезилмаган бўлса, тўққизинчи ва ўнинчи синфларда дўстлик туйғуларининг қайтадан кучайиши юз беради. Ўзаро дўстона яқинлик белгисига кўра бирлашган улфатлар, тадқиқотлардан маълум бўлдики, муайян бир касб атрофида гуруҳларга ажрала бошлайди. Агар бу кичик гуруҳда аввалига қизиқиши бошқача синфдош қўшилиб юрган бўлса ҳам, кўпинча (гарчанд ҳар доим бўлмаса ҳам) у бир қанча вақт ўтгандан кейин улфатдан чиқиб ёки унинг учун анча хуш келадиган касб йўналишига эга бўлган бошқа улфатга қўшилиб кетади, маълум даражада ёлғизланиб қолади.

Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ қилиниши муносабати билан ўқувчиларга касб жиҳатидан ўзларининг кимлигини аниқ белгилаб олишда уларга ёрдам бериши лозим бўлган педагог учун бу жараён анча қизиқish туғдиради. Дўстлик муносабати ўрнатган ва таърифланган бўғинларда, экспериментлар натижасида олинган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўқувчиларнинг ўзлари қайси касбни эгаллаш ниятида эканликларини аниқлаган, бўлгуси касб ҳақидаги, унинг имкониятлари ва истиқболлари, унга тайёрланиш йўллари ва ҳоказолар ҳақидаги ахборот билан бир-бирларини бойитган ҳолда олиб борадиган *яширин касб танлаш иши* юз беради. Бунинг устига кимки шу касбларга қизиқмайдиган бўлса, муносабат доирасидан ўзидан-ўзи сурилиб четга чиқиб қолади.

Ўспиринларда жуфтлашган тарздаги дўстона муносабат андасаси, гарчи фақат шундай бўлмаса ҳам, кўпинча жинслар ўртасида юз берадиган ишқий муносабатларда, илк ёшлик муҳаббатининг дастлабки кўринишларида куртак ёзади.

II. 5.4. Муомала одамларнинг бир-бирларини тушунишидир

Муомаланинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ва коммуникатив жиҳатидан ташқарида унинг *перцептив жиҳати* — муносабат иштирокчиларининг унинг жараёнида амалга ошириладиган ўзаро идрок этиши юзага чиқади.

Ўзаро биргаликда ҳаракат қила бошлайдиган одамлар ўзаро ҳамжиҳатлик даражасини баҳолаб оладиган ва муомалага киришган шеригининг кимлиги ҳақида ўзига ҳисоб бера оладиган бўлсагина муомала юз бериши мумкин. Муомала иштирокчилари ўз онгида бир-бирларининг ички дунёсини қайта тиклашга (асли ҳолида акс эттиришга), ҳис-туйғуларини, хулқ-атворининг сабабларини, аҳамиятга молик объектларга нисбатан муносабатини фаҳмлаб етишга ҳаракат қилади. «Муомала чоғида сиз энг аввало кишидаги қалбни, унинг ички дунёсини изланг»¹,— деб ёзган эди К. С. Станиславский.

Лекин бошқа кишининг ички дунёсини бундай тарзда қайта тиклаш жуда ҳам мураккаб вазифадир. Субъектга бошқа одамларнинг фақат ташқи қиёфаси, уларнинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари, улар қўлланадиган коммуникатив воситаларгина бевосита инъом этилган ва у ана шу маълумотларга таянган ҳолда ўзи билан муомалага киришган одамларнинг кимлигини тушуниб етиш, уларнинг қобилиятлари, ўй-фикрлари, ниятлари ва шу кабилар ҳақида хулоса қила олиш учун муайян ишни бажаришига тўғри келади. Таниқли совет психологи С. Л. Рубинштейн шундай деб ёзган эди: «Қундалик ҳаётда, одамлар билан муомалага киришарканмиз, биз уларнинг хулқ-атворига қараб мўлжал оламиз. Негаки, биз уларнинг ташқи маълумотлари моҳиятини гўё «ўқиб», яъни «мағзини чақиб» чиқамиз ва шу йўсинда контекстда мужассамлашадиган матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз. Бундай «ўқиш» наридан-бери тез юз беради, чунки теварак-атрофдагилар билан муомала жараёнида бизда муайян даражада уларнинг феъли-атворига нисбатан автоматик тарзда амал қиладиган психологик ички маъно ҳосил бўлади».² Алоҳида бир хатти-ҳаракат ўзича унинг замиридаги ички психологик жиҳат билан узил-кесил боғлиқ эмас ва бу ҳол шахслараро идрокни психологик вазифанинг бажарилишига айлантиради. Муомаланинг *перцентив жиҳати* — *бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва баҳоланиши демакдир*. Индивид бошқа одамларни ўрганаркан, улар билан биргаликда фаолият кўрсатиш истиҳболларини яхшироқ ва янада ишонарлироқ аниқлаб олиш имкониятига эга бўлади. Келишиб олинган ҳаракатларнинг муваффақиятлилиги улар ички дунёсининг аниқ-равшан «ўқиб чиқилганлиги»га боғлиқдир.

Кишининг
киши томонидан
идрок этилиши
механизмлари

Муомала жараёнига кам деганда икки киши жалб этилган бўлади. Уларнинг ҳар бири бошқасининг ташқаридан сезиладиган феъл-атвор белгиларига қараб унинг ўзи тўғрисидаги, унинг ички дунёси тўғрисидаги тасаввурни қай тариқа ҳосил қила

¹ Станиславский К. С. Работа актера над собой. М., Искусство, 1961, 271-бет.

² Рубинштейн С. П. Принципы и пути развития психологии. М., РСФСР, ЦФА нашриёти, 1961, 180-бет.

олади? Үзаро бир-бирини билиш борасида шахслараро идрок этишнинг учта муҳим механизмнинг таъсирини — *идентификациялаш (айнан ўхшатиш), рефлексия (фикрни таҳлил этишга мойиллик)* ва *стереотиплаштириш (бир хил қолипга солиш)*ни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Иденфикациялаш — бир кишининг иккинчи кишини унинг таърифини субъектнинг ўз таърифига англанилган ёки англанилмаган тарзда ўхшатилиши орқали тушуниш усулидир. Одамлар ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш вазиятларида бошқа кишини ўзининг ўрнига қўйиб кўришга уринган ҳолда унинг ички ҳолати, ниятлари, ўй-фикрлари, майллари ва хис-туйғулари ҳақида таҳмин қиладилар. Август оғи кунлардан берида институт қошида ғоят ҳаяжонланган ҳолда дарсликни варақлашаётган иккита қизни учратиб қолган студент ўзининг абитуриент сифатида институт эшиклари олдида имтиҳонга киришга таклиф қилишларини кутиб турган пайтларини эслаб, бир зумдаёқ ушбу қизларнинг руҳий ҳолатини хаёлан ўз бошидан кечира бошлайди.

Аммо субъектга муносабат бошқа кишини фақат ундан ўзини четлаштирган ҳолда, ташқаридан туриб тушуниши эмас, балки ўзи билан муомалага киришган индивиднинг уни қандай қабул қилиши, унинг ўзини қай тарзда идрок этиши ва тушуниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. *Субъектнинг у билан муносабатга киришган шериги томонидан қай тарзда идрок этилишини англаб етиши рефлексия деб аталади.* Рефлексия бошқа кишини идрок этиш таркибига киради. Бошқа одамни идрок этиш, жумладан идрок этиш субъекти сифатида ўзига нисбатан унинг муносабатини англаб етиш деган маънони билдиради. Шундай қилиб, кишининг киши томонидан идрок этилишини кўзгудаги қўшалоқ аксга ўхшатиш мумкин. Киши бошқа бировни акс эттираркан, ўша кишининг идрок этиш кўзгусида ўзини ҳам акс эттиради¹. Муомала жараёнида идентификациялаш ва рефлексия биргаликда юз беради.

Агар ҳар бир киши ўзи муносабатга киришган одамлар тўғрисида доимо тўлиқ, илмий асосланган ахборотга эга бўлганида борми, улар билан бўладиган ўзаро ҳаракат тактикасини беҳато ва аниқ ишлаб чиқиши мумкин бўларди. Лекин субъект кундалик ҳаётда, одатда бунақа аниқ ахборотга эга бўлавер-

¹ Шахслараро идрок этиш жараёнидаги кўзгуда кўп марталаб акс этиш С. Я. Маршак томонидан таржима қилинган шеърда ҳазиломуз шаклда қўйидагича тарзда баён этилгандир:

- Афтидан, у сизни ўпган ўхшайди?
- Аниқ билмадим, шунга ўхшайди.
- Лекин қанақасига бўлдингиз рози?
- Эҳ, у шунақа тентакдир ўзи!
- У мени ухлаб қолгану
Уйқумда сезмайди деб,
Ё мен нима ўйласам, шуними,
Билмадим, мени ухлаяпти, деб ўйлади!

майди, бу эса уни уларнинг қилган ишлари ва ҳатти-ҳаракатларининг сабабларини бошқаларга тўнқашга мажбур қилади. Бошқа кишининг ҳатти-ҳаракатлари сабабини ҳис-туйғуларни, ниятларни, ўй-фикрларни ва хулқ-атвор мотивларини унга тўнқаш йўли билан тушунтириш каузал атрибуция (латинча causa — сабаб ва attributio — қўшиб қўяман, инъом этман деган сўзлардан олинган), яъни сабабий белгилар ёки сабабий изоҳлаш деб аталади. Педагогнинг боланинг ҳатти-ҳаракатларини сабабий жиҳатдан нотўғри изоҳлаши мактабда кўнгилдагидек педагогик муносабат ўрнатилишини қийинлаштириб, баъзан эса умуман йўққа чиқариб қўяди. Н. К. Крупская шундай деб ёзган эди: «Болаларнинг ҳатти-ҳаракатларига ёмон сабабларни қўшиб қўйишидан ҳам жаттароқ жиноят йўқдир»¹. Каузал атрибуция кўпинча англанмаган ҳолда — ё бошқа кишига ўхшатиш негизда, яъни субъектнинг ўзи худди шундай вазиятда у пайқаш мумкин деб ҳисоблайдиган мотивлар ёки ҳис-туйғуларнинг бошқа бировга хослиги таъкидланган пайтда, ё муомалага киришган шерикни ўзларига нисбатан баъзи бир қолипдаги тасаввурлар ҳосил бўладиган шахсларнинг муайян тоифасига киритиш йўли билан юз беради.

Стереотиплаштириш — хулқ-атвор шакллари таснифлаш ва уларни ҳозиргача маълум ва машҳур деб саналган, яъни ижтимоий қолипларга мос келадиган ҳодисалар жумласига киритиш йўли билан уларнинг сабабларини (баъзан ҳеч қанақа асоссиз) изоҳлашдан иборатдир. Бу ўринда кишининг шаклланган ва андоза (штамп) сифатида қўлланиладиган тимсоли қолип тарзида хизмат қилади. Стереотиплаштириш шахсларо идрок субъектининг китоблардан, кинофильмлардан ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар, танишларнинг айтганларидан эслаб қолинган фикрлар ҳам қўшилган тарздаги шахсий тажрибасини умумлаштириш натижаси сифатида таркиб топиши мумкин. Бунинг устига бу билимлар фақат шубҳали бўлибгина қолмай, балки умуман нотўғри бўлиши, тўғри хулосалар билан бир қаторда ҳаддан зиёд нотўғри хулосалар қилиниши ҳам мумкин. Шу билан бирга ана шу негизда таркиб топган шахсларо идрок этиш қолиплари нуқул бошқа одамларни тушуниб этишнинг гўё ишончли намуналари сифатида қўлланиб келади.

Жумладан, А. А. Бодалев томонидан ўтказилган сўров кишининг ташқи кўриниши билан унинг характериға хос белгилари бир хиллиги ҳақидаги жуда ҳам нотўғри стереотип тасаввурларнинг кенг тарқалганлигини кўрсатди. Сўралган 72 кишидан 9 таси ияги квадрат шаклидаги одамларнинг иродаси кучли бўлади, деб айтган, 17 киши кенг пешанали одам ақлли бўлади, деб таъкидлаган. Учтаси дағал сочли одамларни табиатан бўйин эгмайдиган бўлишади, деб тахмин қилган. Бештаси бўйин ўрта бўйликдан паст одамлар ҳаммаша ҳукмини ўтказишга уриниши билан, серғайратлиги билан, ҳаммага

¹ Крупская Н. К. На некоторые злободневные темы.— Пед. соч., М., Изд-во АПН РСФСР, 1959, 3-том, 343-бет.

буйруқ қилиш истаги билан ажралиб туради, дейишган. Бешта одам чиройли кишилар ё аҳмоқ, ё ўзига бино қўйган бўлишади, деган фикрдадир. Иккитаси эса агар одамнинг лаблари юпқа ва бўзарган бўлса, у мунофиқ ва ичи қора бўлади, деб таъкидлашди.

Ўз-ўзидан равшанки, ана шу барча қолиплар шахслараро идрок жараёнига киритилган ҳолда одамларни нотўғри тарзда билишга ва улар билан муомала жараёнининг жиддий бузилишига олиб келди.

Америкалик ирқчилар томонидан негрларнинг шахвоний жиҳатдан тажовузкор, маккор, каромат қилиб бўлмайдиган ва ҳоказо феъли-атворга эга деб анъанавий тарзда талқин этилиши сабабий белгилар (каузал атрибуция)нинг механизми сифатида бир хил қолипга солиш билан боғлиқдир. Мазкур ҳолатда стереотиплаштириш олдиндан пайдо бўладиган фикр тарзида рўй беради: этник жиҳатдан бу хилда олдиндан пайдо бўладиган фикрлар кенг тарқалган ва бевосита буржуа жамиятга хос нарса ҳисобланади.

Каузал атрибуциянинг хусусияти психология томонидан яхши ўрганилган турли хилдаги шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Масалан, нотаниш кишини идрок этиш чоғида, жумладан, идрок субъекти эга бўлган илк ахборот катта роль ўйнайди.

А. А. Бодалев ўтказган тажрибаларида икки гуруҳдаги студентларга битта одамнинг фотосурати кўрсатилган. Биринчи ҳолда тажриба ўтказувчи уни таниқли олим сифатида, иккинчи ҳолда эса жиноятчи сифатида таърифлаган. Уни ташқи қиёфасига қараб таърифлаш тавсия қилинган. Синаб кўрилаётганларнинг биринчи гуруҳи («таниқли олим» ахбороти варианты) суратда тасвирланган кишини жонини фидо қилиб ишлайдиган, меҳрибон, сезгир, ақлли одам деб таърифлайди. Иккинчи гуруҳдагилар («жиноятчи» варианты) кўз олдиларида бераҳм, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва маккор кишининг портрети турибди, деб таъкидлашди. Портретдаги ёлғизгина бир деталнинг — кўзнинг ўзи бир ҳолда меҳрибон ва доно деб изоҳланса, бошқа бир ҳолда ёвуз ва раҳм-шафқатсиз деб изоҳланди.

Эҳтимол, олинган ахборот идрок этиш жараёнини киши қиёфасига бериладиган баҳони олим ёки жиноятчи образи қолипларига мослаган ҳолда қатъий йўналтириб қўйган бўлиши керак.

Ўқувчиларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни юзага келтирадиган қолиплар педагогик муносабатда ўқитувчининг субъективизмига айланиб қолади.

Америкалик психологлар қуйидагича тажриба ўтказиб кўрган эдилар. Тажрибали эксперт ўқитувчилардан катта бир гуруҳига (улар 400 киши эди) студентларнинг ксерода нусхаланган шахсий делолари (анкеталари, таржима ҳоллари, фотосуратлари, ёзма ишларидан намуналар ва бошқалар) тарқатилди. Ҳар бир эксперт студентнинг шахсий делосини ўргангач, студентни муайян схема бўйича ҳар томонлама таърифлаши лозим эди. Барча студентларга характеристика олингандан кейин текшириш материални иккита гуруҳга ажратиш мумкинлиги аён бўлди. Бир гуруҳ экспертлар умуман ижобий баҳоланиши лозим бўлган студентларга, бошқа бир гуруҳи салбий баҳоланиши лозим бўлган студентларга таъриф беришди. Шуниси ҳам борки, айрим экспертлар бир хил тоифага, яъни ё фақат ижобий, ё салбий деб ажратиш мумкин бўлмаган жавоб беришди.

Тажрибадан кутилган гоё нимадан иборат эди? Ҳақиқатда 400 экспертнинг барчаси ксерода нусхаланган бир хил дағи шахсий делоларни олишган эди. Фарқ қиладиган томони шунда эдики, шахсий делолардан 200 тасида ёқимтойгина, жиддий ва ўйчан йигитчанинг фотосурати, қолган 200 тасида эса худди шу ёшдаги олифтароқ, бироз ёқимсизроқ йигитчанинг фотосурати илова қилинган эди. Биринчи хил фотосуратлар ижобий таърифлашга туртки берган бўлса, иккинчи хили салбий таърифлашга сабаб бўлган. Шундай қилиб, экспертлар кўплаб объектив маълумотларга эга бўлсалар ҳам, фотосурат «ўз ишини кўрсатди». Ҳеч ким экспертлардан студентнинг ташқи кўринишига баҳо беришни сўрамаган эди, лекин, маълум бўлдики, айнан ана шу ташқи кўриниш аҳамиятлироқ бўлиб чиқди ва экспертизанинг натижаларида фарқларни келтириб чиқарди.

Афсуски, педагогик ишда баҳолашнинг субъективлиги кўпинча кишининг ташқи кўринишига бериладиган баҳо билан боғлиқдир.

Педагогнинг идрок этиш объекти ҳақида *олдиндан билиб оладиган ахбороти янглиш фикр ва субъективизмнинг таркиб топшии учун жиддий асос ҳисобланади.*

60-йилларнинг охирида америкалик психологлар *Розенталь* ва *Джекобсон* янглиш фикр таркиб топишининг юқорида кўрсатилган омили қандай роль ўйнашини аниқлашга қаратилган психологик тажриба ўтказишган эди.

Маълумки, Ғарбда бир қатор ўқув юртларида текстга (ўлчовга) кўра ўрганиш қўлланилиб келмоқда, яъни ақлий истеъдод даражасини махсус тестлар (*IQ* — истеъдод коэффициенти) ёрдамида аниқлашга уряниб кўрилмақда. Мазкур тест ўқишга кирувчиларнинг кейинчалик турли ўқув гуруҳларига ажратиб юборилган иккита контингентига ўтказилди. Ўтказилаётган тестнинг натижалари ҳақида студентларнинг ўзлари хабардор қилинмаган эди, лекин тажриба ўтказаетганлар ўқитувчиларни бундан хабардор қилиб, мисол учун уларга Смитнинг истеъдодлилиги коэффициенти жуда паст, Джонсники эса юқори эканлигини айтиб туришди. Ҳар бир гуруҳда тестга кўра баҳоланган студентлардан 2-3 та бор эди. Айни пайтда ўқитувчилар тажриба ўтказувчилардан жўрттага сохта маълумотларни олишди, негаки, тестга кўра баҳоланаётганлар ақлий истеъдоди коэффициенти юксак ёки паст деб тасодифан (рўйхатда биринчи тургани «истеъдодли» деб, иккинчиси — «лаёқатсиз» деб, учинчиси — «истеъдодсиз», тўртинчиси — «лаёқатсиз» ва ҳоказо тарзида) айтилган эди. Бироз вақт ўтгандан кейин тажриба ўтказувчилар тестга кўра баҳоланган шахсларнинг ўқишда эришган ютуқлари билан танишишди. Гўё юксак *IQ* коэффициентига эга бўлган студентлар асосан яхши ўқишарди, улардан ўқитувчилари ҳам мамнун эди ва улар тўғрисида яхши фикрлар билдиришди. Қимки *IQ* коэффициенти пастга «киритилган» бўлса, улар ўта ночор аҳволда эди — айримлари ўқишни ташлаб кетган, бошқалари жуда қўйналлиб ўқишарди. Гарчи бу ўринда истиснолар бўлса ҳам, лекин аллақандай қонуният мавжудлиги сезилиб турарди. Қишилар тақдир учун аламсиз бўлмаган бу тажрибанинг натижалари нималардан далолат беради? Ўқитувчилар қаршисида истеъдодли киши ўтирганини «билган ҳолда» бу киши истеъдод соҳиб сифатида ўзини намоён қилиши учун мумкин бўлган барча имкониятни ишга солишди ва бошқасининг «истеъдодсиз» эканлигини «билган ҳолда» униси билан «овора» бўлишни исташмади, унга илтифот қилишмади ва бу унинг аҳволига ҳамда ўқишга таъсир этмасдан қолмади. Педагогларда олдиндан олинган ахборотга биноан студентга маълум бир нуқтаи назардан қарашга тайёрлик шаклланди ва улар бу фикрни тасдиқлаш учун барча ишларни қилишди.

Шу муносабат билан бир савол туғилади: ўқувчининг яхши ўқимаслигини унга атайин ўзлаштирмовчи сифатида, ё озода

кийинмаган, ё гапга қулоқ солмайдиган деб муносабатда бўлиш эвазига баъзан педагогларнинг ўзлари келтириб чиқаришмай-дими? Ғарзгўйлик юз беради, субъективизм намоён бўлади, кейинчалик эса бундай позициянинг тўғрилигини исботлаш учун муайян ишлар қилинади.

Идрок этиш субъекти ижобий муносабатда бўлган шахсларга ижобий, хуш кўрмайдиган шахсларга салбий нисбат берилиши каузал атрибуцияга хос типик ҳоллардан бири ҳисобланади. Масалан, тажриба шароитларида педагоглар ўзларига нотаниш болаларга ўқув топшириқларини бажарганликлари учун қўйган баҳолар қайд этиб борилди. Болаларнинг қайси бирлари уларга анча ёқимли, қайси бирлари камроқ ёққандай бўлганлиги олдиндан аниқлаб қўйилди. «Ёқимли» болалар (тажриба ўтказувчи билан келишилганига кўра) «ёқимсизроқ» ларига қараганда ҳатто кўпроқ хатога йўл қўйганларида ҳам биринчилари юқорироқ баҳолангани ва уларга ижобий фазилатлар хослиги қайд қилингани, айни чоғда «ёқимсизроқларига» салбий хислатлар берилгани маълум бўлди. Тажрибада аниқланган бундай боғлиқлик *ореол эффекти* (самараси) номи билан юритилади.

Ореол эффектининг моҳияти шундан иборатки, киши томонидан қолдириладиган умумий ижобий таассурот субъектининг идрок этиш чоғида берилмаган фазилатларни ҳам ижобий баҳолашига сабаб бўлади: шу билан бирга умумий номақбул таассурот тегишлича салбий баҳоларга олиб келади. Ореол эффекти кўпинча идрок объекти идрок этилаётган нарса ҳақида жуда кам ахборотга эга бўлган пайтда намоён бўлади. Лекин бу эффект таниш кишини идрок этиш чоғида ҳам, лекин унга нисбатан ёрқин намоён бўладиган ҳиссий муносабат билдирилган шароитларда юз беради. Шундай қилиб, айрим ўқитувчилар томонидан синфда педагогика нуқтаи назаридан номақбул ҳисобланган «эркатойлар»нинг бўлишига йўл қўйилиши ўқувчиларнинг баҳоларини кўра-била туриб субъектив тарзда сохталаштиришга ва уларнинг шахсиятига оид фазилатларнинг нотўғри идрок этилишига олиб келади.

Шахслараро идрокнинг ижтимоий қимматга молик биргаликдаги фаолият жараёнига қўшиб юборилиши унинг характерини ўзгартиради, уни каузал атрибуцияга айнан ўхшаш қилиб қўяди, ореол эффектининг салбий таъсирини бартараф этади. Ҳақиқий коллективда кишининг киши томонидан тушуниб етилиши айнан ана шундай характерда бўлади.

Муомалада тес- Юқорида айтиб ўтилганидек, муомала шунчаки кари алоқа ахборотни етказиш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. У муваффақиятли тарзда юз бериши учун муқаррар равишда *тескари алоқанинг мавжуд бўлишини* — субъект томонидан ўзаро биргаликдаги ҳаракат натижалари ҳақида ахборот олиб турилишини тақозо этади.

Индивид бирон бошқа кишига нима ҳақдадир хабар қиларкан, буюрар ёки илтмос, ё савол билан мурожаат қилар экан,

умуман у билан ўзаро биргаликда ҳаракат қиларкан, ҳар доим ўзининг бошқа кишига мурожаат қилишининг самарадорлиги тўғрисида зарур ахборот олади — зарурат билан муомала қилиш рефлексияни тақозо этади. У ўзини тўғри тушунишларига ва тегишли натижага эришиш мақсадида ана шу ахборот асосида ўзининг ҳаракатлари ва нутқий коммуникацияси воситалари системасини қайта қура бориб, ўз феъл-атворини тўхтовсиз тўғрилаб боради. Субъектив равишда сўзлаётган киши тескари алоқага эътибор қилмаслиги мумкин, лекин у ўзи англамаган ҳолда ҳамиша уни қўллайди.

Мабодо тескари алоқанинг имкониятлари аллақандай сабабларга қўра чекланган бўлса ҳам, унинг муомаладаги роли жуда ҳам аниқ-равшан англонади. Мактаб радиоси орқали гапираётган юқори синф ўқувчиси тингловчилар билан одатдагидек тескари алоқага эриша олмай жуда ҳам қийналади — унинг нутқи ишонарли бўлмайди, ўхтин-ўхтин тугилиб қолади, тезлашади ёки кечирилмайдиган даражада секинлаб қолади, одатдаги оҳанг йўқолган бўлади ва ҳоказо. Агар ҳамсуҳбатни кўриш орқали идрок этиш имконияти бўлмаса, қўл бармоқлари ва юз ҳаракати орқали бўладиган имо-ишоралар камбағаллашиб, ҳаракатлар эркинлигини йўқотиб қўяди. Ҳамсуҳбатнинг феъли-атворини идрок этиш чоғида олинадиган сигналлар субъектнинг кейинги ҳаракатлари ва фикрларини тўғрилаб бориш учун асос бўлади.

Умуман ҳамсуҳбатни ёки тингловчини идрок этиш муомала вақтида ўзаро ҳамжиҳатликка эришишнинг муҳим шarti бўлиб хизмат қилади. Агар педагог ўқувчилар уни қандай тушунишлари ва қабул қилишлари ҳақида унга тескари алоқа тарзида юбориладиган ахборотни қабул қила билмаса, ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш амри маҳол бўлиб, педагогик алоқа узилиб қолади. Муомаланинг монологик шаклларида фойдаланишда унинг диалогик шаклларига нисбатан кўпроқ қийинчиликлар туғилиши ана шу билан изоҳланади; ўқитувчининг лекцияда тескари алоқага эга бўлиши семинар ёки лаборатория машғулотларидагига қараганда жуда қийин. Тажрибали педагог дарс ҳолатларида жуда қисқа вақт ичида бир неча ўнлаб ўқувчиларнинг юзларидаги ифоданинг, мимиканинг, сўзлаш оҳангининг, қўлларини ва гавдасини қимирлатган ҳолдаги имо-ишораларининг «калитини топади» ва уларнинг психик ҳолатлари, ҳадиксирашлари, орзу-умидлари, қайғу-аламлари, уй-ниятлари тўғрисида хулоса чиқарган ҳолда уларнинг ички дунёси тўғрисидаги тушунчага мувофиқ тарзда ўз хулқ-атворини тўғрилаб боради, тарбиявий таъсир кўрсатиш усуллари ва йўллари танлайди. Шундай қилиб, шахслараро идрок этиш жараёнида тескари алоқа хабар берувчи функцияни ва ўзини ўзи бошқариш функциясини бажаради.

Кишининг жисмий қиёфасидаги айрим белгилар (юзлари, қўллари, елкалари), ўзини тутишлари, қўлларини ва гавдасини қимирлатиб имо-ишора қилишлари, сўзлаш оҳанги ахборот

ташувчилар сифатида хизмат қилади. Муомала жараёнида буларни эътиборга олиш даркор. Ҳамсуҳбат ёки тингловчининг юзлари тескари алоқа сигналларининг алоҳида ахборот ташувчиси ҳисобланади. Педагог ўқувчининг юзларидаги ифодага қараб уни ўта диққат билан тинглашаётганликлари ёки тамомила эшитмаётганликлари («юзларида ифоданинг йўқлиги»), унга ишонч билдираётганликлари ёки шубҳаланиб қараётганликлари («юзларидаги шубҳаомуз ифода») ва ҳоказолар тўғрисида хулоса чиқаради.

Шуниси ҳам борки, бошқа одамлар билан муомала субъектининг идроки тўғрисидаги етарли даражада тўлиқ тасаввур олиш идрок этувчидан келадиган сигналларнинг бутун комплексини ва энг аввало улар хатти-ҳаракатларининг таҳлилини юзага чиқаради. Шунақа ҳоллар ҳам учрайдики, педагогнинг панд-насиҳатларини эътибор билан тинглаётгани «шундоққина кўриниб турган» ўқувчи айнан шу пайтнинг ўзида ўйнаб юрган ўртоқларига иложи борича тезроқ қўшилишни сабрсизлик билан кутаётган бўлади.

Муомалани машқ қилиш

Одамларда самарали муомала ўрнатиш малакалари тасодифий равишда таркиб топади ёки таълимнинг ёрдамчи маҳсули сифатида юз беради (биринчи синф ўқувчиси «тўлақонли жавоб» қайтаришга, катта ёшдаги киши унга мурожаат қилаётганда ўрнидан туришга ва ҳоказоларга ўргатилади). Катта мактаб ёшида ўқувчилар хулқ-атвор қоидаларига бағишланган оммабоп адабиётлари (қисман оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси курсида) ўқиркан, муомала маданиятининг баъзи жиҳатлари билан танишади. Лекин муомала малакаларининг махсус ўргатилиши алоҳида бир вазифа бўлиб, педагог учун унинг канчалик муҳим эканлигини таърифлаш шарт эмасдир. *Социал-психологик тренинг* ёки *муомала тренинги*, яъни муомаланинг машқ қилиниши бу вазифани ҳал этиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади.

Социал-психологик тренинг мазмунан икки хил вазифани: биринчидан, муомаланинг ва, шу жумладан, педагогик муомаланинг умумий қонуниятларини ўрганишни, иккинчидан, педагогик коммуникациянинг «технологияси»ни эгаллаш, яъни профессионал педагогик муомала кўникма ва малакалари шакллантирилишини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, социал-психологик тренинг проблемасининг назарий ва амалий томонлари ажратиб кўрсатилади. Амалий томони ўқувчилар билан бўладиган муомала кўникмалари ва малакаларини эгаллашга ва уларни чиниқтиришга қаратилган *машқлар*: дарснинг барча босқичларида изчиллик билан ҳаракат қилиш малакаларини (асосан мактабдаги педагогик практика жараёнида тобига етказилади), педагогик иш давомида мушакларнинг зўриқишини сўндириш малакаларини, ихтиёрий диққатни тақсимлаш малакасини шакллантиришга, кузатувчанликни намоён қилишга қаратилган машқларни тақозо этади.

Магнитофон ёзуви ёрдамида тескари алоқадан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган нутқ техникаси ва маданиятига доир машқлар, тобора расм бўлиб бораётган видеомагнитофон техникаси бор жойларда эса ўқувчилар билан муомалага киришилган шароитларда адекват мимика ва пантомимиканинг ривожлантирилишини таъминлайдиган машқлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзининг магнитофон лентасига ёзилган овозини тинглаётган ва бунинг устига яна ўзини видеомагнитофон экранда кўраётган кишининг ўз нутқини, мимикасини ва пантомимикасини тўғрилаш учун қулай имкониятларга эга бўлиши, ўзини «ташқаридан туриб» худди бошқа кишини идрок қилгандай идрок этиши ҳаммага маълум.

Психологик-педагогик тренинг шаклларида яна бири типик педагогик вазиятларни, мисол учун имтиҳонларни моделлаштирувчи *амалий ўйинлардир*. Муомала тренинги, яъни муомалани машқ қилиш ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш системасида педагогик ишнинг янги шакли бўлиб, педагогик таълим учун жуда ҳам истиқболли ҳисобланади.

Адабиётлар

Андреева Г. М. Межличностное восприятие в группе. МДУ нашриёти, М., 1981.

Бодалев А. А. Восприятие человека человеком. М., МДУ нашриёти, 1982.

Выгодский А. С. Мышление и речь. Собр. соч. 2-том, М., Педагогика, 1982, 6—361-бетлар.

Жинкин Н. И. Механизмы речи. М., РСФСР, ПФА нашриёти, 1958.

Добрович А. Общение: наука и искусство. М., Знание, 1978.

Коломинский Я. Л. Психология общения. М., Знание, 1974.

Кон И. С. Дружба. М., Политиздат, 1980.

Леонтьев А. А. Педагогическое общение. М., Знание, 1979.

II. 6.1. Гуруҳлар ва уларнинг таснифи

Педагог ўз иши давомида фақат алоҳида ҳар бир ўқувчи билан иш олиб бормасдан, балки ўз таркибида ўқувчиларни бирлаштирган турли хилдаги гуруҳлар — синф жамоаси, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси, оила ва баъзан эса ўспиринни ўз таъсирига тортган кўча улфатлар ёки синфнинг ўзида бирон-бир етакчи теварагида бирлашган болалар тўдаси билан иш олиб боришига ҳам тўғри келади. Шу муносабат билан ўқитувчи гуруҳлар ва жамоаларнинг асосий социал-психологик қонуниятларини билиши шарт.

Гуруҳ — бу муайян белгига, масалан, синфий мансубликка, биргаликда фаолият кўрсатишнинг мумкинлигига ва унинг характериغا, ташкил топиш хусусиятлари ва шу кабилар асосида ажралиб турадиган инсоний умумийликдир. Гуруҳларнинг таснифланиши ҳам шунга мувофиқ тарзда бўлиб, *кичик* ва *катта* гуруҳларга бўлинади — ўз навбатида улар ҳам *реал* (боғланган), *шартли формал* (расмий) ҳамда *ноформал* (норасмий) гуруҳларга, ривожланиш даражаси турлича бўлган, яъни *ривожланган* (жамоалар) ва *етарли даражада ривожланмаган* ёки *кам ривожланган* гуруҳларга (уюшмаларга, бирлашмаларга, аралаш гуруҳларга) бўлинади.

Катта гуруҳлар умумий макон ва замонда ҳаёт кечираётган анчагина одамларни ўз таркибига олган социал умумийликни ташкил қиладиган *реал* (боғланган) гуруҳлар шаклида бўлиши мумкин. Бу хилдаги катта гуруҳларга корхонанинг меҳнат жамоаси ёки кўпгина ўқитувчилар бир-бирлари билан бевосита ўзаро алоқада бўлмасалар ҳам, лекин айти чоғда ягона битта раҳбарга (директорга, илмий мудирга) бўйсунадиган, битта партия ва касаба союз ташкилотига қирадиган, мактаб ҳаётига онд ҳамма учун умумий ҳисобланган ички тартибнинг барча қондаларига амал қиладиган каттагина бир мактабнинг педагоглар жамоаси киритилган бўлиши мумкин. Катта гуруҳлар баъзи бир белгилари (синфий, жинсий, миллий, ёш ва бошқа белгилари)га биноан ажратиладиган ва бирлаштириладиган *шартли* гуруҳлар шаклида бўлиши ҳам мумкин. Катта шартли

гуруҳга киритилган кишилар ҳеч қачон бир-бирлари билан учрашмаган бўлсалар ҳам, лекин бу хилдаги гуруҳга ажратилгани учун асос бўлган белгиларига кўра умумий социал ва психологик таърифга эга бўлишлари мумкин. Жумладан, ўспиринлар турли шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда битта катта шартли гуруҳга бирлаштирилиши, эҳтимол, улар турли халқларнинг тилларида сўзлашишлари, ҳеч қачон бир жойга йиғилмаган бўлишлари мумкин ва ҳоказо. Уларнинг умумий социал (ўрта мактаб ўқувчилари), ёш (12—15 яшар пайти), психологик (шакланиб келаётган улғайиш туйғуси, ўспиринлик пайтида ўзлигини намоён этиши ва ҳоказо) таърифлари асосий белгиларига кўра бир-бирига ўхшаш бўлади. Катта шартли гуруҳларни ўрганиш (ёш психологиясида, социал психологияда ва бошқаларда) уларнинг умумий хусусиятлари фарқланиши натижасида гуруҳларда иш олиб боришнинг илмий асосланган стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради. Шартли (ёш) гуруҳ сифатидаги ўспиринлар шахсияти ривожланишининг умумий қонуниятларини билган ҳолда педагог мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда тарбиявий ишни собитқадамлик билан ва самарали тарзда олиб боради.

Кичик гуруҳлар — ҳамisha боғланган умумийлик бўлиб, унга кирувчи шахсларнинг ўзаро биргаликдаги реал ҳаракати ва улар ўртасидаги реал ўзаро муносабатлар билан боғлангандир. Бу гуруҳлар *расмий* (формал) бўлиши, яъни юридик жиҳатдан қайд этилган ҳуқуқ ва бурчларга, норматив асосида ўрнатилган структурага, тайинлаб ёки сайлаб қўйилган раҳбарликка эга бўлиши мумкин. Ижтимоий меҳнат тақсмоти шароитларида бу гуруҳлар социал жиҳатдан тақозо этилган фаолият кўрсатиши билан боғлангандир. Мактаблардаги синфда комсомол гуруҳи ана шундай расмий гуруҳ ҳисобланади, ўқувчиларнинг социал жиҳатдан муҳим бўлган фаолиятини йўлга қўйишда уларнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир.

Шунингдек, юридик жиҳатдан қайд этилган статусга эга бўлмаган, аммо таркиб топган шахслараро муносабатлар (дўстлик, хайрихоҳлик, ҳамжиҳатлик, ишонч ва шу кабилар) системаси билан ифодаланадиган *норасмий* (кўпинча уларни *ноформал* деб ҳам аташади) гуруҳлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Улар алоҳида ажралиб турадиган умумийлик (масалан, турли мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг мотоцикл спортига қизиқишлари умумийлиги негизда бирлашган бир қанча ўқувчиси) сифатида юзага чиқиши ва расмий гуруҳлар ичида етарли даражада барқарор тус касб этиши (синфдаги дўстона улфат тарзига кириши) мумкин. Ниҳоят расмий гуруҳ ўзининг барча таърифларини сақлаб қолган ҳолда норасмий гуруҳларнинг барча фазилатлари (мустаҳкам дўстлик алоқалари, гуруҳ аъзоларининг ўзаро хайрихоҳлиги ва шу кабилар)га ҳам эга бўлишлари мумкин. Шундай қилиб,

расмий ва норасмий гуруҳлар ўртасидаги чегаралар шартли ва нисбийдир. Ўқувчиларнинг бу хилдаги норасмий гуруҳларини шакллантириш ўқитувчи олиб бориши лозим бўлган тарбиявий ишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай гуруҳларнинг мавжудлиги мактаб ўқувчилари кирадиган ўша расмий гуруҳларни мустақкамлаган ва уларнинг фаолиятини бойитган бўлур эди.

Ҳар қандай (катта ва кичик) гуруҳлардаги муомала ва фаолият ана шу гуруҳларга кирадиган одамларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган ҳамда уларнинг қадриятларини, идеалларини, эътиқодларини, дунёқарашини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар билан белгиланади ва йўналтириб туради. «Индивид — бу ижтимоий мавжудотдир. Шунинг учун унинг ҳаёт кечириши қандай кўринишда бўлмасин ва агар у ҳатто бошқалар билан биргаликда кечирладиган бевосита коллектив ҳаёт кечириш шаклида юз бермаган тақдирда ҳам ижтимоий ҳаётнинг ифодаси ва тасдиғи бўлиб ҳисобланади»¹.

Гуруҳлар ривожланишининг даражаси ёки савияси уларни таснифлашнинг энг муҳим негизи ҳисобланади. *Гуруҳий ривожланиш даражаси — шахслараро муносабатлар шаклланганлигининг белгиси, гуруҳлар шаклланиши жараёнининг натижасидир.* Гуруҳнинг бу хилдаги ўлчови (параметри) совет психологиясида алоҳида ажратиб кўрсатилгандир. Ҳарб психологиясида гуруҳнинг ҳаёт кечириш даври, коммуникациялар миқдори (гуруҳ аъзоларининг муайян вақт мобайнида бир-бирларига мурожаат қилганликлари сони), ҳокимият ва бўйсунувнинг таркиб топган муносабатлари ва бошқалар гуруҳлар шаклланганлигининг ўлчови сифатида хизмат қилади. Совет психологияси гуруҳнинг фаолиятини, ундаги шахслараро муносабатлар характерини белгилайдиган қадриятлар ва мақсадларни гуруҳ тарзидаги ривожланиш даражасини аниқлаш учун асос сифатида қабул қилгандир. Ривожланиш даражасига кўра фарқланадиган гуруҳларнинг — *коллективлар, социал йўналишдаги уюшмалар, аралаш гуруҳлар, социал йўналишга зид уюшмалар ва бирлашмаларнинг* психологик тоифаси ана шу аснода таркиб топади. Гуруҳ тарзида ривожланишнинг юксак даражаси жамоаларга хос фаолиятда ва шахслараро муносабатларда намоён бўлади.

II. 6.2. Жамоа гуруҳий ривожланишнинг энг юксак формасидир

Шахсни камол топтирадиган ва тарбиялайдиган жамоа ўзи билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Меҳнат жамоаси ўзининг юксак кўринишларида (зарбдорлик ҳаракатида, ёшларнинг меҳнат бригадаси ва шу кабиларда) киши шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароит яратади.

¹ Маркс К. Экономическо-философские рукописи 1844 года.— Маркс К. и Энгельс Ф. Из ранних произведений. М., Госполитиздат, 1956, 590-бет.

Жамоанинг психологик муаммоларини ҳал этишга педагогик жиҳатдан тўғри ёндашув шахслараро муносабатларнинг умумий назариясини яратишнинг энг муҳим шартидир.

Ғарб психологияси тушунчасидаги кичик гуруҳ

Ғарбдаги ва, аввало АҚШ даги, психологларнинг диққат-эътиборини кичик гуруҳ — бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган одамларнинг бирлашмаси жалб этгандир. Кичик гуруҳга асосан ҳис-ҳаяжонга оид боғланишлар (хайрихоҳлик, ёқтирмаслик, бефарқлик, кўнгилчанлик ва ҳоказо) орқали ҳосил бўладиган умумийлик деб қаралади. Кичик гуруҳларнинг жипслиги, улар тузилишининг гуруҳ ичидаги алоқаларни узишга қаратилган кучлар таъсирига қарши барқарорлиги, гуруҳ фаолиятининг унинг ҳажмига, унга раҳбарлик қилиш услубига боғлиқ ҳолдаги самарадорлиги, шахснинг гуруҳдагиларга мослашуви (конформлилиги) ёки унинг гуруҳдан мустақиллиги, шунингдек шахслараро муносабатларнинг бошқа муаммолари — буларнинг ҳаммаси экспериментал тадқиқот мавзуси қилиб олинди ва психологиянинг махсус бўлимига — *гуруҳ динамикаси* (group dynamics)га асос солди.

Турли хил социал-психологик ҳодисани тушуниб етиш учун ягона назарий асоснинг йўқлиги Америка социал психологиясига хос хусусият ҳисобланади. Ҳар хил гуруҳлардаги одамлар хулқ-атворининг қонуниятларини аслини олганда билиб-билмасдан бўладиган боғланишга бориб тақалади: гуруҳ тазйиқ ўтказади, гуруҳ аъзолари эса гуруҳий тазйиққа бўйсунадилар ёки бўйсунмайдилар (конформизм мослашув, нонконформизм — мослашмаслик); гуруҳ бир хил индивидларга яқинлашади, бошқаларидан эса ўзини четга олади ёки, аксинча, уларни ўз муҳитидан чиқариб юборади; агар гуруҳ ичидаги алоқалар сони кўпая борса, у ҳолда гуруҳий алоқалар нафислашиб боради ва узилиб қолади (жипслик, мослик) ва ҳоказо.

Америка психология фанининг анча таъсирли оқимларидан бири — бихевиоризм бир вақтлар кишини асосан ҳар хил омиллардан таъсирланувчи механизм сифатида таърифлашга шай турган эди. Бихевиоризмнинг ва социал психологиядаги бошқа назарий йўналишларнинг ворислари эндиликда ҳар қандай ижтимоий гуруҳда бир-бири билан ташқаридан боғланган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қилаётган индивидларнинг худди ана шундай механик агрегатини кўришга тайёрдир. Жумладан, гуруҳнинг тазйиқи таъсири остида индивидларнинг кам деганда учдан бир қисми ўз фикрини ўзгартириши ва хусусий фикрининг тажрибада иштирок этаётган бошқа кишиларнинг баҳоларига тўғри келмай қолган шароитларида ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилишни хоҳламаётганлигини сезгач, яъни келишувчиликни намоён қилган тарзда кўпчилик томонидан тикиштирилган фикрга қўшилиши тажрибаларда (40-йилларда АҚШ да) аниқланган деб келинади. Кейинги барча тадқиқот-

лар ушбу хулосани тасдиқлаш тусини касб этган эди. Гуруҳнинг йириклашуви натижасида мослашувчанликнинг кучайиши ё кучаймаслиги, синаб кўрилатганларнинг ўзлари мослашувчанлик феъл-атворини қандай изоҳлашлари аниқланди, мослашувчанлик таъсиротларининг жинсга ва ёшга хос хусусиятлари кабилар ўрганилди.

Мазкур альтернатива (мумкин бўлган икки ҳолдан бири) ё тарбиянинг мазмунини ижтимоий муҳитнинг, гуруҳ ва жамоанинг таъсирига қаршилик кўрсатишга қодир шахсни шакллантиришдан иборат деб билиш, ёхуд ҳамини бошқаларнинг фикрига қўшилишга мойил бўлган, гуруҳнинг таъсирига қаршилик кўрсата олмайдиган ва бундай қилишни истамайдиган индивидларни, яъни конформистлар (мослашувчилар) ни тарбиялашдек аниқ-равшан педагогик муаммога айланиб қолади. Масаланинг бу тарзда қўйилишидан қаноатланмаслик дастлаб асос қилиб олинган альтернативанинг нотўғрилиги ҳақидаги мулоҳазага сабаб бўлди. Америкалик психологларнинг тажрибаларида индивидларга таъсир кўрсатувчи гуруҳнинг ўзи қандай пайдо бўлган? Бу одамларнинг тасодифий бирлашуви натижасида таркиб топган бўлиб, «аралаш группа» (латинча *diffusio* — сочилиб кетиш, тўкилиш сўздан, «жипслик»ка тескари сўздан олинган) деб аталиши ҳам мумкин. Тажриба шартларига кўра гуруҳнинг бир-бирлари билан ҳозир бўлишнинг умумий ўрни ва вақтидан бўлак бирон бошқа нарса орқали боғланмаган индивидларнинг шунчаки оддий йиғиндиси сифатида шахсга беихтиёр таъсирини ўрганиш мўлжалланган эди. Чамаси, шахс билан гуруҳнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати моҳиятини тушунишнинг ўзида психологни боши берк кўчага киритиб қўядиган аллақандай жиддий бир хатога йўл қўйилган бўлса керак. Бундай вазиятдан қутулиш учун, эҳтимол, гуруҳнинг ривожланиш назариялари моҳиятини қайта кўриб чиқиш ва коллектив психологиясини тушуниб етиш борасида гуруҳий таъсир кўрсатиш моделидан фойдаланиш қанчалик ўринли эканлигини аниқлаш лозимдир.

Жамоада шахслараро муносабатларнинг амалий фаолияти орқали фойдаланиши

Совет психологияси шахслараро муносабатлари — жамоанинг жипслигини, ундаги психологик муҳитни, жамоанинг унинг аъзолари томонидан идрок этилишини, шахснинг жамоадаги аҳволи ва ўзини ўзи ҳурмат қилишини, бир-бирларига тўла ишонишларини, хусусан жамоанинг

истиқболлари муносабати билан шахснинг жамоадаги истиқболларини ва шу кабиларни тушуниб етиш учун коллективларни шакллантириш борасида ўтмишда орттирилган тажрибадан ва, энг аввало, А. С. Макаренконинг тажрибасидан муваффақиятли равишда фойдаланди. Жамоа фаолиятининг жамият мақсадларига бўйсундирилган умумий мақсадларига кўра бирлашган одамлар гуруҳи эканлиги ҳақида А. С. Макаренко асослаб берган тушунча совет психологияси учун анъана бўлиб қолди.

Лекин шундай бир савол туғлади: жамоадаги шахслараро муносабатларнинг ўзи нимадан иборат? У Ғарб психологияси кичик гуруҳларда кашф этган қонуниятларга бўйсунди, кейингилари эса ҳар томонлама таъсир қила оладими? Совет психологлари Америка психологияси кичик гуруҳларда кашф этган ва ўринсиз равишда ялпи, гўё ҳар томонлама деб эълон қилганига қараганда бошқача қонуниятлар амал қилишини аниқлади. Бу реал жамоаларда шахслараро муносабатларни ўрганиш жараёнида исботланди.

Жамоанинг Америка психологияси ўрганадиган анъанавий объектда — аралаш бирлик хусусиятига эга бўлган кичик гуруҳда мавжуд бўлмаган ва кашф этилиши ҳам мумкин бўлмаган, лекин жамоадаги шахслараро муносабатларни ўрганиш жараёнида аниқланган биринчи психологик ҳодисаси *жамоанинг ўзини ўзи белгилаши бўлди*. Жамоа ўзини ўзи белгилаши мослашувчанлик ва мослашмаслик ҳодисаларини тажриба йўли билан ўрганиш жараёнида аниқланди. Одатда бундай тажриба *қалбаки гуруҳ* деб аталмиш гуруҳлар ёрдамида ўтказилади. Бунинг учун ё бегона «гўл» индивидни чалғитиш ҳақида келишиб қўйган одамлар гуруҳидан фойдаланилади, ёхуд эксперимент ўтказаетган киши гуруҳдан келаётган ахборотни гуруҳ билан «таъсир ўтказилаётган» индивид ўртасидаги алоқалар устидан бўладиган назорат ёрдамида жўрттага сохталаштиради. Методика синовдан ўтказилаётганлар учун аҳамиятсиз вазибаларнинг ҳал этилишини кўзда тутган эди. Масалан, уларга тўғри чизиқдан бир қисмининг узунлигини, вақтнинг қисқа оралиқлари давомлилигини ва шу кабиларни аниқлаш таклиф этиларди.

Мисол учун синалувчиларни маълум бир вақт давомида соатдан фойдаланмаган ва секундларни ичида санаган ҳолда бир минутнинг давомлилигини аниқлаш бўйича машқ қилдиришди. Тезда улар минутнинг давомлилигини 5 секундга қадар аниқлиқ билан ҳисоблай оладиган бўлишди. Сўнгра синалувчиларни махсус тажриба хоналарига олиб киришиб, минутнинг давомлилигини аниқлашни ва тугмачани босиш орқали тажриба ўтказувчига ва шунингдек бошқа синалувчиларга минут туггани ҳақида хабар беришни таклиф қилишди (тугмача босилганида тажриба ўтказувчининг қаршисидаги пультада ва бошқа барча хоналарда лампочкалар ёнишини синалувчилар билишарди). Тажриба жараёнида тажриба ўтказувчи барча хоналарга гўё битта ёки бир неча синалувчи томонидан бўлаётгандек сигнал бериш (масалан сигнал барча хоналарга 35 секунддан сўнг юборилди), кимда-ким таъсирни сезиб (конформилик — мослашувчанлик) унинг сигналига жавоб тариқасида тугмани босишга шошилиб қолганини ва кимга бу таъсир қилмаганини қайд этиш имкониятига эга эди. Таъсирнинг даражаси ҳақида дастлабки тажрибаларда ва сохта сигналлар берилиши шароитларидаги тажрибаларда минутнинг давомлилигини баҳолашдаги фарқларга қараб ҳукм чиқариш мумкин эди.

Тажриба кўп ёки оз даражада мослашувчанлик қилган шахслар сони жуда кўплигини кўрсатди.

Бир-бирлари билан фақат ташқаридан қараганда ўзаро биргаликда ҳаракат қилувчи одамлар гуруҳида, бунинг устига уларнинг реал фаолияти ва ҳаётий қадриятлари билан боғланмаган объектлар хусусида бошқача натижа бўлиши ҳам

мумкин эмасди — гуруҳ аъзоларининг мослашувчиларга ва мослашмайдиганларга ажралиши муқаррар бўлиб қолган эди. Лекин мослашувчанликнинг бундай таҳлитда тадқиқ қилиниши бунинг ҳар қандай гуруҳда, шу жумладан, фаолияти шахс учун аҳамиятли ва ижтимоий жиҳатдан арзигулик мазмунга эга бўлган жамоада ҳам ўзаро муносабатлар модели бўлган эди, деб хулоса чиқаришга имкон берганмиди?

Шу муносабат билан *одамларни биргаликдаги, ижтимоий аҳамиятга молик фаолияти негизда бирлаштирадиган умумийликларда одамларнинг ўзаро муносабатлари унинг мазмуни ва қадриятлари орқали юзага чиқади деган гипотеза* илгари сурилди. Борди-ю, шундай экан, у ҳолда мослашувчанликка чинакам альтернатива сифатида мослашмаганлик (негативизм, мустақиллик ва бошқалар) эмас, балки ж а м о а ч и л и к н и н г тажриба йўли билан ўрганилиши лозим бўлган баъзи бир алоҳида белгиси юзага чиқиши керак.

Гипотеза тажриба йўли билан тадқиқотлар ўтказиш тактикасини белгилаб берди. Агар «қалбаки гуруҳ» методикасини қўллаб, жамоага мансуб шахсни унинг номидан қабул қилинган қадриятли мўлжаллардан воз кечишга ундаладиган бўлса, у ҳолда мослашувчанлик қилаётган индивидларни ва ўзларининг ички қадриятларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилишга лаёқатли индивидларни ажратиб юборадиган можароли вазият юзага келади.

Шахслараро муносабатларнинг бу хусусияти жамоанинг ўзини ўзи белгилаши деб номлана бошлади. *Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши жамоа аъзосининг билвосита омилларга — эътиқодлар, принциплар, идеаллар, биргаликдаги фаолият мақсадларига боғлиқ ҳолда ҳар қандай таъсирларга (шу жумладан, ўзининг умумийлигига ҳам) танлаб, яъни бир хилини қабул қилган ва бошқаларини рад этган ҳолда муносабатда бўлишида кўринади.*

Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши гуруҳий тазйиқ табиий равишда пайдо бўлган ёки махсус уюштирилган шароитларида шахснинг феъл-атвори гуруҳнинг бевосита таъсирига ва кишининг мослашувчанликка шахсан мойиллигига қараб эмас, балки асосан фаолиятнинг гуруҳда қабул қилинган мақсадлари ва вазифаларига, барқарор қадриятли мўлжалларга боғлиқ бўлган ҳолларда юз беради. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши аралаш гуруҳдан фарқли ўлароқ, жамоадаги гуруҳ тарзида тазйиққа нисбатан шахснинг жавоб тарзида таъсирланишининг устунлик қилувчи усули ҳисобланади ва шунинг учун ҳам шахслараро муносабатларнинг алоҳида белгиси сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, одамларни ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштирадиган жамоаларда мослашувчанликнинг чинакам альтернативаси салбий феъл-атвор (мослашмаслик ва бошқалар) эмас, балки ҳақиқий жамоачиликнинг гуруҳда шахснинг ўзини ўзи белгилаши каби хусу-

сиятга эга бўлган алоҳида белгиси эканлиги ҳақидаги гипотеза тасдиқланди.

Жамоанинг ўзини ўзи белгилаш ҳодисаси ўзига хос шундай бир «ҳужайрача» бўлиб чиқдики, унда жонли социал организм ҳисобланган жамоанинг энг муҳим социал-психологик хусусиятлари намоён бўлади. Иккита ёки бир нечта индивид ўртасидаги муносабатларни улар ўртасидаги бевосита алоқадангина иборат деб бўлмайди. Биргалашиб фаолият кўрсатадиган гуруҳларда бундай муносабатлар муқаррар равишда биргаликдаги фаолият мазмуни, қадриятлари ва мақсадлари билан белгиланади. Нисбатан бевосита ўзаро муносабатлар аралаш гуруҳларда қайд этилиши мумкин, жамоада эса улар асосан жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолияти туфайли келиб чиққан билвосита хусусиятга эга бўлади. Шундай қилиб, жамоа ўзининг психологик хусусиятларига кўра гуруҳий ривожланиш доирасида оширилган тадқиқотлар доимий объект бўлиб қолган ўша кичик гуруҳлардан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Шунинг учун уларни ўрганиш жараёнида ҳосил қилинган хулосаларни жамоага татбиқ этишга уринишлар муваффақиятсизликка маҳкум этилгандир.


**Жамоадаги
шахслараро
муносабатлар-
нинг кўп дара-
жали тузилиши**

Агар аралаш гуруҳда ўзаро муносабатлар нисбатан бевосита бўлса, жамоада эса гуруҳий жараёнлар билвосита рўй беради ва *даражалар иерархияси* (старт)ни ҳосил қилади.

Гуруҳий тузилишнинг марказий бўғини (А) гуруҳий фаолиятнинг ўзидан, унинг мазмунли ижтимоий иқтисодий ва социал-сиёсий таърифидан таркиб топади (7-расмга қаранг).

Биринчи қатлам (Б стартидаги) гуруҳ аъзоларидан ҳар бирининг гуруҳий фаолиятга, унинг кўзлаган мақсадларига, вазифаларига, принципларига муносабатини, фаолиятнинг сабабларини, унинг ҳар бир иштирокчи учун социал моҳиятини қайд этади.

Иккинчи старт (В)да шахслараро муносабатларининг бир-



7-расм.

галикдаги фаолият мазмунидан (унинг мақсадларидан, вазифаларидан, амалда юз беришининг боришидан), шунингдек гуруҳда қабул қилинган ва пировард натижада жамиятда мавжуд идеологик қурилмаларнинг акси ҳисобланган принциплар, ғоялар ва қадриятли мўлжаллардан билвосита келиб чиқадиган таърифи ўрин олади. Афтидан, шахслараро муносабатларнинг турли хил ҳодисаларини, масалан, жамоанинг ўзини-ўзи белгилаши ва сал кейинроқ суз юритиладиган бошқа ҳодисаларни

айнан шунга киритиш керак. Фаол равишда билвосита ифода этиш — мавжудлик принципи ва иккинчи психологик стратни англаб етиш принциpidир.

Ниҳоят, шахслараро муносабатларнинг сўнгги, юзадаги қатлами (Г) фаолиятнинг *на* жамоа мақсадлари, *на* жамоа учун умумий аҳамиятга эга бўлган қадриятли мўлжаллар гуруҳ аъзоларининг шахсий алоқаларини билвосита ифодалайдиган асосий омил сифатида юзага чиқмайдиган боғланишлар (асосан ҳис-ҳаяжонли боғланишлар)нинг мавжудлигини тақозо этади. Бу дегани бунақа боғланишлар, том маъноси билан айтганда, бевосита мазмунни англабмайди. Хоҳлаган иккита одамнинг муносабатлари у ёки бу манфаатлар, дидлар ва бошқалар шаклида билвосита бўлганга эга бўлмаганлигини тасаввур қилиш қийин. Лекин гапнинг сирасини айтганда, гуруҳий фаолиятнинг мазмуни бундай боғланишларга таъсир кўрсатмайди, ёхуд жуда ҳам суст даражада сезилади.


Аралаш гуруҳга хос қонуниятларни жамоага татбиқ этиш мумкин бўлмагани сингари жамоадаги шахслараро муносабатларнинг юзадаги қатлами ҳодисаларини ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган хулосаларни ҳарёқламалаштириш ва ундаги шахслараро муносабатларни моҳият жиҳатидан таърифлаш учун зарур деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Худди шунингдек В стратидаги боғланишлар, гарчи етарли бўлмаса ҳам, Б стратидаги маълумотларни ҳисобга олмасдан, яъни фаолиятда иштирок этаётганлар фаолиятининг социал моҳиятини, фаолиятнинг сабабларини ва шу кабиларни аниқламасдан туриб, жамоага таъриф бериш учун муҳим ҳисобланади.

Жамоа ва унинг бошқа гуруҳларга нисбатан психологик жиҳатдан фарқлари

Жамоа — шахслараро муносабатлар биргалликдаги фаолиятнинг ижтимоий қийматлари ва шахсий жиҳатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳдир. Унинг психологик жиҳатдан бошқа гуруҳларга қараганда фарқи

ҳам мана шундадир. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши кўришларининг устунлиги ва мослашувчанлик таъсиротларининг сусайишигина эмас, балки кейинроқ айтиб ўтиладиган қатор бошқа психологик ҳодисалари ҳам уни бошқа умумийлардан фарқ қилдиради.

Қуйидаги расм (8-расм) *гуруҳлар типологияси* ҳақида яққол тасаввур беради. Унда исталган гуруҳни жойлаштириш мумкин бўлган маконни ташкил этувчи векторлар, бир томондан, шахслараро муносабатлар (С)нинг билвоситалиги даражасини кўрсатса, иккинчи томондан эса билвоситаликнинг бир-бирига қарама-қарши иккита йўналишда (умумий тарзда айтганда); ижтимоий-тарихий тараққиётга мос келадиган А йўналишида ва унга қаршилик қиладиган В йўналишида ривожлана борадиган мазмуний жиҳатини ифода этади. А векторни билвосита омилларнинг социал йўналишдаги ривожланиши деб, В векторини эса носоциал йўналишдаги ривожланиши деб белгилаймиз.



8- расм.

Энди учала вектор (А, В, С)ни қўллаган ҳолда шакл ясай- миз ва унинг қисмларини кўриб чиқамиз.

1 рақамли шакл *жамоанинг* ижтимоий тараққиёт талаб- ларига жавоб берадиган тегишли белгиларини ифода этади. Омил- ларнинг социал жиҳатдан юксак аҳамиятга эга эканлиги шахс- лараро муносабатларни мумкин қадар юксакроқ даражада белгилаб беради ва билвосита ифода этади, жамоани юксак даражада жипслаштиради.

2-шакл социал қадриятларининг юксак даражада ривож- ланганлиги гуруҳий жараёнларни фақат жуда сустр ифода эта- диган бирликни кўрсатади. Эҳтимол, бу эндигина барпо этил- ган ва ҳали яхши таркиб топмаган биргаликдаги фаолиятга эга бўлган гуруҳдир. Бунда бир кишининг муваффақияти бошқалар фаолиятининг муваффақиятлилигини белгиламайди ва бир кишининг муваффақиятсизлиги бошқасининг натижаларига таъсир этмайди. Маънавий қадриятлар ана шундай гуруҳ бўлади, лекин улар муомала ва биргаликдаги меҳнат жараё- нида пухталанмаган, балки кенг социал муҳитдан жалб этил- ган бўлади. Уларнинг бундан кейинги тақдири уларни кун сайин бунёд этаётган ва мустаҳкамлаётган жамоа фаолияти йўлига қўйилиши ё қўйилмаслигига боғлиқдир. Бунини *социал йўналишдаги уюшма* деб айтилади.

3-шакл индивидларнинг ўзаро муносабатлари юксак дара- жада билвоситаликка эгаллиги рўй-рост бўлган, лекин уларни билвосита ифода этадиган омиллар ўтакетган даражада реак-

цион ва социал тараққиётга душман ҳисобланадиган гуруҳни билдиради. Кўриб чиқиладиган шаклнинг мавқеини исталган бир жамиятга қарши бирлашма (корпорация) эгаллаши мумкин.

4-шакл одамларнинг ўзаро муносабатлари амалда биргаликдаги фаолиятнинг умумий омиллари билан билвосита ифода этилмайдиган, балки носоциал қарашлар ва тасаввурларни намоён қиладиган умумийликни акс эттиради. Бу носоциал уюшмадир.

Ва ниҳоят 5-шакл оддий аралаш гуруҳни акс эттирадики, унда билвосита ифода этувчи омилларнинг социал қиммати ҳам, уларнинг шахслараро биргаликдаги ўзаро ҳаракат системасида ифодалилиги даражаси ҳам бўлмайди. Масалан, тасодифий одамлардан тўпланган ва унга социал жиҳатдан аҳамиятсиз топшириқ таклиф этиладиган экспериментал гуруҳ ана шу тарздадир.

Демак, гуруҳий ривожланишнинг тегишли равишда анча ифодаланган даражаларини кўрсатадиган (ҳар бир конкрет гуруҳ бошидан кечириши мумкин бўлган сон-саноқсиз оралиқ ҳолатлари билан бирга) қатъиян бешта позиция алоҳида ажралиб туради:

1. Билвоситаликнинг мумкин қадар юксак даражаси ва фаолиятнинг шахслараро муносабатларни билвосита ифода этувчи омилларининг энг юксак социал қиммати. Бу жамоадир.

2. Агар гуруҳда тегишли тарзда биргаликдаги фаолият мавжуд бўлса, шахслараро муносабатларни билвосита ифода эта оладиган энг юксак даражадаги социал йўналишга эга омиллар мавжуд бўлган тақдирда билвоситаликнинг энг паст даражаси. Бу — социал йўналишдаги уюшма (мисол учун студентларнинг дўстона компанияси)дир.

3. Биргаликдаги фаолиятнинг йўқлиги билан боғлиқ билвоситаликнинг мавжуд эмаслиги. Бу — аралаш гуруҳ (мисол учун автобусдаги йўловчилар ёки умумий палатадаги беморлардир).

4. Шахслараро муносабатларнинг энг юксак даражада носоциал йўналишга эга бўлган билвосита омиллар мавжуд шароитлардаги қандайдир биргаликдаги фаолиятнинг паст даражада билвосита ифода этилиши (мисол учун безорилик қилувчи ўспиринлар гуруҳи). Бу — носоциал уюшмадир.

5. Фаолият воситасида ифода этишнинг энг юксак даражаси ва билвосита ифода этувчи омилларнинг энг юксак даражада аксимижтимоий, реакция характерга эгаллиги. Бу — бирлашма (мисол учун мафия)дир.

Жамоанинг юксак даражада ривожланган гуруҳ сифатида бошқа барча гуруҳларга нисбатан принципиал жиҳатдан фарқлари тажриба йўли билан қайд этилди.

Чунончи, психологияга оид ғарб адабиётида қарор топган фикрга кўра социал-психологик қонуниятлар гуруҳ учун «уму-

ман» тўғри келади, деб тасаввур қилинишига қарама-қарши ўлароқ, жамоаларда аралаш гуруҳлардагига қараганда сифат жиҳатидан бошқача, кўпинча бамисоли «тўнкарилган», «қарама-қарши белги билан» ифодаланган қонуниятлар амал қилади. Масалан, америкалик социал психологлар гуруҳдаги ҳис-ҳаяжонли муносабатнинг жадаллиги билан унинг иши самарадорлиги ўртасидаги боғланишни аниқлашаркан, бир-бирига зид хулосаларга келишган эди: бир хил тадқиқотчилар кўрсатилган омиллар ўртасидаги ижобий алоқа мавжуд дейишса, бошқалари тескари алоқа мавжуд дейишади. Гуруҳларнинг биргаликдаги фаолият мазмунига кўра билвосита ифодаланишига қараб ажратилиши натижаларининг қарама-қарши бўлиб туюлишига барҳам беради. Жамоада фаолиятнинг самарадорлиги билан ўзаро ҳис-ҳаяжонли психологик муносабатларнинг мақбул характери ўртасидаги нисбат ижобий, суст ривожланган гуруҳларда эса салбий бўлади. Паст даражада ривожланган гуруҳларда гуруҳнинг миқёси билан унинг аъзоларидаги умумий ишга энг кўп ҳисса қўшиш истаги ўртасидаги тескари боғланиш мавжудлиги аниқланди, гуруҳнинг миқёси йириклаша бориши билан жамоада биргаликдаги фаолият иштирокчиларининг мотивлари сусаймайди. Тасодифий гуруҳда ёрдамга муҳтож кишига ёрдам кўрсатилиши эҳтимоли гуруҳнинг миқёси кенгайиши билан сусая боради, жамоада эса бундай қонуният намойён бўлмайди ва ҳоказо.

Шундай қилиб, биргаликдаги социал қимматга эга ва шахс учун аҳамиятга молик фаолиятнинг амалга оширилиши ўзаро жамоачилик муносабатлари ўрнатилишини, индивидуал муносабат билан жамоа муносабатлари ўртасидаги зиддиятлар барҳам топишини таъминлайди. Бундай фаолият жараёнида шахслараро муносабатларда бошқа шароитларда қайд этилиши мумкин бўлмаган алоҳида ҳодисалар юз берадики, гуруҳ ривожланишининг алоҳида белгиси сифатидаги жамоачилик ҳосил бўлади. Айнан жамоа шахснинг жамиятга боғлиқлигини ифода этади. Шахс ана шу боғлиқлик орқали эркинликка муваффақ бўлади. «Ҳақиқий коллективлик шароитида индивидлар уюшиб туриб ва шу уюшма орқали озодликка эришади», деб ёзишган эди К. Маркс ва Ф. Энгельс «Немис идеологияси»да¹.

II. 6.3. Гуруҳларда ва жамоаларда табақаланиш

Гуруҳга кирувчи одамлар бир-бирларига нисбатан ва гуруҳ банд бўлган фаолиятга нисбатан бир хил нуқтаи назарда тура олмайдилар. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ишчанлик ва шахсий фазилатларига, ўз *статусига*, яъни унинг гуруҳда тут-

¹ Маркс К., Энгельс Ф. Немис идеологияси.— Марксча-ленинча философия хрестоматияси, 1-том, Т., «Ўзбекистон», 1971, 73-бет.

ган ўрни ҳақида далолат берадиган қилиб, мустаҳкамланиб қўйилган ҳуқуқлари ва бурчларига, унинг хизматлари ва фазилатлари гуруҳ томонидан тан олиниши ёки олинмаслигини акс эттирадиган *нуфузига* биноан гуруҳдаги шахслараро муносабатлар системасида муайян маъқега эга бўлади. Ўқувчилардан бирига спортга тааллуқли барча соҳаларда донг таратган обрў-эътиборли киши сифатида муносабатда бўлишса, бошқасига кулдиришда ва бирон-бир ҳазилкашликни уюштиришда устаси фаранг сифатида муносабатда бўлишади: биттаси билан жиддий масалалар хусусида жуда яхши ва самимий суҳбат қуриш мумкин, бошқаси билан эса умуман ҳеч нарса ҳақида гаплашиб бўлмайди; биттасига худди ўзингга ишонгандек ишониш мумкин, бошқасига эса ҳеч нарсани ишониб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир ўқувчи муайян статусга ва нуфузга эга бўлган мактаб синфида *гуруҳнинг* етарли даражада ранг-баранг *табақаланишига* олиб келади.

Масалан, синфга янги педагог келганида мактаб директори ёки илмий мудир ўша заҳотиёқ уни айрим ўқувчилар статусининг табақалаштирилган манзарасини тасвирлаб берган, аълочиларни ва улгурмовчиларни, синфнинг фаоллари ва «ланжларини», ашаддий тартиббузарларни, энг яхши спортчиларни ва шу кабиларни ажратиб кўрсатган ҳолда синфда «кимнинг қанақалиги» билан таништириб қўяди. Педагог буларнинг ҳаммасини билиши шарт. Лекин ташқаридан қараганда осонгина фарқланадиган бундай табақаланиш замирида ё узоқ вақт мобайнида, мунтазам равишда ва диққат-эътибор билан олиб бориладиган педагогик кузатув, ёхуд тажриба йўли билан аниқланадиган шахслараро хайрихоҳлик ва танлашнинг, нуфуз ва статуснинг кўзга кўринмайдиган манзараси мужасамлашгандир.

Психологияда гуруҳ ичидаги табақаланишнинг иккита асосий системаси — *социометрик* ва *референтометрик* афзал кўриш ва танлашлар алоҳида ажралиб туради.

Шахслараро танлаш. Яхши ўқувчи бўлиш мумкин ва лекин ўртоқларига ёқмаслиги, синфдаги энг интизомсизлар сифатида бўлиши ва лекин кўпчилик учун азиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Хуш кўриш — ҳиссиётга кўра афзал кўриш — гуруҳдаги табақаланишнинг яширин манзарасини тушуниб етишда ғоят муҳим омилдир.

Америкалик психолог *Ж. Морено* гуруҳларда шахслараро афзал кўришларни аниқлаш усулини ва ҳиссий афзал кўришларни қайд қилиш техникасини таклиф этди. Бунини у *социометрия* деб атади. Социометрия ёрдамида шахслараро биргаликдаги ҳаракат жараёнида гуруҳ аъзоларида намоён бўладиган афзал кўришнинг, бефарқлик ёки хуш кўрмасликнинг миқдорий меъёрини аниқлаш мумкин. Социометрия гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини хуш кўриши ёки хуш кўрмаслигини аниқлашда кенг қўлланилади. Гуруҳ аъзоларининг ўзлари бундай муносабатларни англаб ола олмасликлари ва уларнинг мавжудлиги



9- расм. Мактаб синфининг гуруҳий табақаланиши ҳолати (Я.Л. Коломинскийга кўра). Қизлар доирачалар билан, ўғил болалар учбурчаклар билан кўрсатилган.

ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ўзларига ҳисоб бермасликлари мумкин. Социометрия методи жуда ҳам тезкор бўлиб, унинг натижалари математик усул билан қайта ишланиши ва ёзма шаклда ифода этилиши мумкин (гуруҳда табақаланишнинг социометрик ҳолатини 9- расмдан кўринг).

Социометрик усулнинг негизида «Сен ким билан бирга бўлишни хоҳлардинг?» деган тўғридан-тўғри савол туради. У кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хоҳлаган жабҳасига татбиқан қўйилиши мумкин: сен ким билан бирга битта партада ўтиришни, дам олишни, вақтичоғлик қилишни, ишлашни хоҳлардинг ва ҳоказо. Қонда тариқасида танлашнинг икки йўналиши — биргаликда меҳнат қилиш соҳасидаги ва вақтичоғлик қилиш соҳасидаги йўналишлари тавсия қилинади. Бу ўринда танлашнинг мақбуллиги даражасига (бениҳоя истак борлиги, бажонудиллиги, бефарқлиги, унчалик исталмаётган-

лиги, сира ҳам истак йўқлиги) аниқлик киритилиши ва танлаш учун тавсия қилинадиган шахслар сони чекланган бўлиши ҳам мумкин. Танлашларни танлаш матричасига тушириш чоғида янада таҳлил этиш ўзаро хуш кўриш ва хуш кўрмасликларнинг мураккаб тарзда чатишиб кетганлигини, социометрик «юлдузлар» (уларни кўпчилик танлайди), «бас бойлаш»ларнинг (улардан ҳамма ўзини четга тортади) мавжудлигини ва бу қарама-қарши томонлар ўртасидаги оралиқ бўғинларнинг бутун иерархиясини кўрсатиб беради.

Социометрия методининг жуда ҳам тезкор эканлигига шубҳа йўқ ва унинг ёрдами билан гуруҳ ичидаги ҳиссий интилишлари манзараси етарли даражада аниқ-равшан кўрсатилган бўлиши мумкин. Уни кузатишлар йўли билан аниқлаш учун узоқ вақт сарфлашга тўғри келган бўларди.

Ҳар қандай гуруҳни унинг аъзоларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида ҳосил бўладиган коммуникатив шаҳобча сифатида талқин қилиш мумкин.

Лекин социометрик таҳлил бу коммуникатив шаҳобчага жуда ҳам умумий тарздаги таъриф бериши мумкин. У нима учун индивид бир хил бирликларда гуруҳга қарама-қарши қўйилганлигини, бошқаларида эса коммуникатив шаҳобчадаги бундай узилиш пайқамаслигини тушуниб етишга олиб бормайди.

Социометрик техника ёрдамида қайд этиладиган боғланишлар системасини муқаррар деб ҳисоблаб бўлмайди. Бугунги «юлдуз» эртага яққаланиб қолиши мумкин.

Социограммалар бизга бундай ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида маълумот бера олмайди. Шунингдек, гуруҳ аъзолари бировларни рад этиб, бошқаларини танлаганларида нималарга асосланганликлари, гуруҳнинг ҳар хил аъзоларига хос хуш кўриш ва хуш кўрмасликлар замирида қандай маъно борлиги мавҳумлигича қолади.

Социометрик тадқиқотлар негизини ташкил этувчи ҳиссий-психологик ҳодиса сифатидаги гуруҳнинг модели одамларнинг шахслараро муносабатларини ижтимоий жиҳатдан қарор топган муайян қондалар, қадриятли мўлжаллар ва баҳолар асосида таҳлил этиш имконини бермайди. Негаки, у ҳаммасини ўзаро биргаликдаги ҳаракатларнинг, ўзаро ҳиссий баҳолар ва майлларнинг қайд этилишидан иборат қилиб қўяди.

Афтидан, бундай ёндашув чоғида гуруҳ ва унинг аъзолари собитқадамлик билан амалга ошираётган фаолият шунчаки эътиборга олинмасдан қолиб кетади.

Кишининг шахс сифатида атроф муҳит билан ўзаро биргаликдаги фаолияти унинг ишлаб чиқариш ва социал ҳаётидаги объектив муносабатлари системасида таркиб топади ва амалга оширилади. Одамларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида объектив тарзда таркиб топадиган реал боғланишлар замирида биз шахслараро кўрсатмалар қарор топадиган ниятларнинг ўзаро бир-бирига қизиқишининг, турли хилдаги вазиятларининг

мураккаб шаҳобчасини кўрамиз. Шубҳасиз, объектив тарзда таркиб топаётган боғланишларнинг характери ва аҳамиятига бериладиган баҳо, энг аввало, реал фактларни, одамларнинг характерлари ва хати-ҳаракатларини, уларнинг биргаликдаги фаолиятининг объектив натижаларини тадқиқ этиш туфайли маълум бўлади.

Гуруҳдаги ўзаро ёқтириш ва ўзаро ёқтирмасликнинг аён бўлган манзарасига таянган ҳолдагина олисни кўзлайдиган хулосалар чиқариб бўлмайди. Боғланишларнинг фақат ташқи жиҳатини қайд қиларкан, социометрия ўз моҳияти эътибори билан бундай афзал кўришларнинг хусусиятини очиб беришга қодир эмас.

Социометрия билан танишув синалувчиларнинг жавоблари танлашнинг ҳақиқий негизини акс эттирмаслиги ҳам мумкинлигини пайқаб олишга имкон беради ва шунинг учун ҳам кўпинча унинг ҳақиқий сабабларини топишга ёрдам бермайди, улардан четга чалғитади.

Шундай савол туғилади: гуруҳдаги ўзаро муносабатларнинг социометрия методи учун яширин бўлиб қоладиган, лекин бу муносабатларнинг фақат ташқи жиҳатини оддий кузатувга қараганда анча тез ва аниқроқ кўрсатиб бера оладиган ҳақиқий ички ривожланишни қандай аниқлаш мумкин? Гуруҳ ичидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ташқи манзараси гуруҳ аъзолари ўртасидаги теран муносабатларнинг оқибати сифатида қаралиши мумкин, лекин социометрия афзал кўриш ва яққаланиб қолишнинг сабабларини аниқламайди.

Шахслараро муносабатларда танлашнинг сабабий моҳияти Шу муносабат билан муҳим психологик вазифа — шахснинг гуруҳнинг бир хил аъзолари билан ҳиссий (шунингдек амалий) алоқа боғлашига ва бошқаларини рад этишга туртки берадиган сабабларни аниқлаш вазифаси ўртага қўйилади. Уни *шахслараро муносабатларда танлашнинг сабабий моҳияти* тарзида белгилаш мумкин.

Савол туғридан-туғри қўйилган тақдирда ҳар доим ҳам салибий жавоб олишга умид қилиш қийин. Бундан ташқари индивиднинг ўзи ҳам нимага бир кишини ёқтириши ва бошқасини суймаслиги ҳақида ўзига ҳамиша ҳам ҳисоб беравермайди. Шу муносабат билан бундай мақсадларни амалга оширишда шахслараро танлашнинг сабабиятларни тажриба йўли билан билвосита маълумотларга асосланган ҳолда аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Танлашнинг сабабий моҳиятини аниқлаш методикасини ишлаб чиқишда куйидаги мулоҳазалар эътиборга олинди. Ларионов деган ўқувчига партада бирга ўтирадиган ўртоғини ўзи танлаш ҳуқуқи берилди, деб тахмин қилайлик. У нега Носовни ёки Смирновни танламасдан, балки Ковалёвни танлаганида қандай сабабларга асосланган эди? Ҳамма нарса у амал қилмоқчи бўлган сабабга боғлиқдир. Ларионовнинг ҳаёлидан ўтиши мумкин бўлган фикрларни эслаб кўрайлик-чи: «Ковалёв — хушчақчақ, тиниб-тинчимас... У билан зерикмайсан, у ҳатто юракни зил қиладиган дарсада ҳам биронта аломат нарсани топади, кулдиради, у билан бирга бўлсанг, вақтнинг қандай ўтганини

билмайсан. Лекин ҳақиқатини айтганда, у бирон нарсани билмай қолганингда секингина айтиб ҳам юбора олмайди ва ундан кўчириб олиш ҳам бефойда у менга қараганда ҳам кўпроқ хатога йўл қўяди. Носов-чи? У ҳамиша ҳамма нарсани билади, дафтарини сўрасам, йўқ демайди, ҳамма нарсани кўчириб олиш, тушунмаган барча нарсаларни сўраб билиш мумкин, лекин у билан дарс вақтида кулиша олмайсан... Қимни танлаш керак? Уз-Узидан равшанки, агар Ковалёвни танланадиган бўлса, у ҳолда афзал кўришнинг сабаби вақтининг хушчақчақлик билан ўтказилишидан, агар Носовни танланадиган бўлса — билмагани секингина айтиб юборишдан иборат гаразли манфаатдорликка бориб тақалади.

Буларнинг ҳаммаси тажрибанинг программасини белгилаб беради. Уқувчига дастлаб *тартибга солинган социометрик қаторни* тузиш таклиф қилиниши (йўлланма: «Партада сен биринчи навбатда ким билан, иккинчи навбатда ким билан, учинчи навбатда ким билан бирга ўтиришни исташингни кўрсат ва ҳоказо»), сўнгра эса ундан уқув фаолиятида ва муносабатга киришишда муҳим бўлган *сифат жиҳатидан тартибга солинган қаторларни* тузишни илтимос қилиш (йўлланма: «Синфда ким билан сенга ҳамиша завқли бўлишини кўрсат (биринчи навбатда ким билан, иккинчи навбатда ким билан ва ҳоказо)»). Бу қаторни тузиб бўлгандан кейин янги йўлланма берилади: «Ўқишнинг қийин вазиятларида синфда ким сенга ёрдам бериши мумкинлигини кўрсат (биринчи навбатда ким, иккинчи навбатда ким ва ҳоказо)». Агар социометрик қатор сифатларига кўра тартибга солинган биринчи қаторга мос келса (ёки шунга яқинроқ бўлса), у ҳолда танлашнинг сабабий моҳиятига унгайлик туғдирадиган муносабат сабаблари ҳам киради, социометрик танлаш иккинчи қаторга яқин бўлган тақдирда эса танлашнинг сабабий моҳиятига ўқишда ёрдам берилишини кутиш сабаби ҳам киритилган бўлади. Даражаларнинг бир-бирига боғлиқлиги коэффицентини қўллаган ҳолда сифатларга кўра тартибга солинган қаторлардан бирининг социометрик қаторга қанчалик яқинлашувини, бошқача сўзлар билан айтганда, уларнинг қайси бири шахсларо танлашнинг сабабий моҳиятига киришишини аниқлаш мумкин.

Дарҳақиқат, шахснинг турли хилдаги фазилатларига қиёсан тартибга солинган қаторларни тузиш мумкин. Агар кейинчалик бу қаторларни даражаларига қараб тартибга солинса ва социометрик йўлланма асосида ҳосил бўлган қатор билан таққосланса, гуруҳ аъзоларининг тегишли шахсий фазилатлари социометрик тажрибада танлашнинг сабабий моҳиятига қай тарзда кириши аниқ-равшан бўлади.

Танланган қаторларнинг баҳоси, биринчидан, индивидуал афзалликнинг даражаси шахсий фазилатларнинг асосан қайси биридан таркиб топишини аниқлаш, иккинчидан, боғлиқлик коэффицентларини бир-бирига таққослаган ҳолда юқорида келтирилган шахсий фазилатлардан ҳар бирининг nisбий салмогини аниқлаш, учинчидан, боғлиқликнинг юксак коэффицентларига мос келадиган шахсий таърифлар группасини белгилаш имконини беради. Шахсларо муносабатлар системаси-

да танлашнинг сабабий моҳияти айнан ана шулардан иборат-дир Буни аниқлаган ҳолда танлаш чоғида шахснинг эҳтиёжларидан қайси бири устунлик қилиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Афзал кўришнинг сабабий моҳиятини аниқлаш ҳар гал муайян бир гуруҳда социометрик манзара нима учун айнан мана шунақа, неча гуруҳнинг фалончи аъзоси, фалончини хуш кўради, нима учун гуруҳнинг маълум бир қисми «юлдузлар» тоифасига, бошқалари эса «бечоралар» тоифасига ажратилади, деган саволлар юзага чиққан пайтда ўзаро муносабатларни тушуниб етишга ёрдам беради. Бу саволларнинг жавоблари педагог учун бебаҳо аҳамиятга эгадир.

Таъриба йўли билан шу нарса аниқландики, шахслараро муносабатлар системасида шерикни танлашнинг сабабий моҳияти мазмунан муайян гуруҳ жамоа сифатида эришган даражанинг кўрсаткичи вазифасини бажаради. Гуруҳни шакллантиришнинг дастлабки босқичида танлаш бевосита ҳиссий тусдан бўлиб, шерикни танлашда мўлжал кўпроқ унинг ташқи қиёфасига (дилкашлигига, ташқаридан қараганда ёқимлилигига, кийимнинг хушбичимлигига ва ҳоказоларга) қаратилган бўлади. Анча юксакроқ ривожланиш даражасига эга бўлган гуруҳларда эса танлаш дастлабки таассуротга биноан ҳосил бўладиган ҳис-туйғуларгагина эмас, балки биргаликдаги фаолият давомида ва шахс учун аҳамиятли хатти-ҳаракатлар оқибатида ҳосил бўладиган анча теран шахсий фазилатлар ҳақидаги фикрларга асосланади.

Гуруҳ жамоа сифатида ривожлана борган сари шахснинг бундай фазилатлари «баҳоси» орта боради. Бу фазилатлар дунёқарашни ва меҳнатга муносабатни, яъни биргаликдаги фаолият давомида шаклланадиган ва намоён бўладиган хусусиятларни ўзида акс эттиради.

Шахслараро танлаш. Рефепентометрия

Гуруҳга социометрик жиҳатдан ёндашилган тақдирда хайрихоҳлик ва ёқтирмаслик шахслараро муносабатлар системасида танлашнинг асосий омили ҳисобланади. Киши бирон кишини айнан шу киши билан бирга бўлишни, муносабат боғлашни, ишлашни, дам олишни, вақтичоғлик қилишни хоҳлагани учун танлайди. Лекин хайрихоҳликка бир киши бошқасини алоҳида ажратиб кўрсатишига, гуруҳни ўзи учун энг муҳим белгилар бўйича табақалаштирган ҳолда кўпчилик орасидан танлаб олишга ягона асос сифатида қарамаслиги керак.

Кишининг ўз гуруҳи ўзини қуршаб турган воқеликда мўлжал олиш манбаи сифатида муносабатда бўлиши унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу тенденция меҳнат тақсимотининг қонуниятли оқибати ҳисобланади. Биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси ушбу фаолиятнинг аҳамиятига молик шарт-шароитларига, мақсадлари ва вазифаларига, умумий ишга ҳар бир кишининг ва унинг ўзи қўшган ҳиссасига бериладиган баҳодан, ўз шахсининг умумий фикр кўзгусида

акс этган баҳосидан манфаатдордир. Буларнинг ҳаммаси шахслараро муносабатлар умумий иш воситасида, унинг жамоа олдига жамият томонидан қўйилаётган талаблардан, ижтимоий идеологиядан келиб чиққан мазмуни ва қадриятлари орқали намоён бўладиган жамоага кўпроқ хос бўлади.

Индивид гуруҳ аъзолари билан биргаликда ўзаро фаол ҳаракат қила бораган ва унинг олдига қўйилган конкрет вазифаларни ҳал эта бораган ҳолда ўзининг қимматли ниятларига эга бўлади. Уларнинг ўзлаштирилиши шахс фаолияти устидан гуруҳ томонидан реал амалга ошириладиган ёки шахс гуруҳга мансуб деб ҳисоблайдиган ўзига хос назорат олиб боришни тақозо қилади. Гуруҳнинг қадриятларига, унинг фикрига қараб мўлжал олиш индивидни нуқтаи назари ва баҳоси унинг учун жуда ҳам муҳим бўлган кишилар доирасини алоҳида ажратиб олишга мажбур қилади. Бундай одамлар ўзига хос призма бўлиб хизмат қиладики, у шу туфайли ўзи учун аҳамиятга молик объектларни, мақсадларни, вазифаларни ва бошқа одамлар фаолиятининг усуллари кўришга ва баҳолашга — *социал перцепция* амалларини бажаришга интилади. Булар унинг учун бамисоли ўзини кўра бошлайдиган кўзгуга айланади. Афтидан, буларнинг ҳаммаси шахслараро муносабатларда афзал кўриш ва танлашнинг социометрик тадқиқотда учрамайдиган муайян принципини тақозо этиши керак.

Субъект ўзига ва бошқа одамларга баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қиладиган фикрлари ва баҳоларини ўзлаштириш учун индивид томонидан танланадиган одамлар *муносабатининг референт доираси ёки референт гуруҳ* деб қаралади. Киши ўз хатти-ҳаракатларига, шахснинг фазилятларига, фаолиятининг жиддий муҳим ҳолатларига, шахсан қизиқадиган нарсаларига ва шу кабиларга унинг референт гуруҳи томонидан бериладиган баҳога қараб иш кўради. Индивид ҳатто ўз референт гуруҳи томонидан ўз шахсига берилган баҳо ҳақида ахборотга эга бўлмаган ҳолларда ҳам унинг томонидан билдирилиши мумкин бўлган фикр тўғрисида тахмин қилиб кўрмаслиги мумкин эмас. Референт гуруҳнинг қоидалари ва қадриятлари индивид учун доимий таъсир курсатувчи мўлжал бўлиб қолиши учун унинг реал хулқ-атвори ҳамisha ўша қоидалар ва қадриятлар билан ўзаро боғланган бўлиши керак. У атрофдаги кўп-лаб кишилар орасидан унинг учун субъектив тарзда алоҳида фазилятга, алоҳида хусусият — *референтлик хусусиятига* эга деб ҳисобланганларини танлайди.

Референтлик субъектнинг ўзи учун аҳамиятли объектларга (фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек уларни рўйбга чиқаришдаги объектив қийинчиликларига, можароли вазиятларга, биргаликдаги фаолиятда иштирок этувчиларнинг ва, шу жумладан, шахсан ўзининг шахсий фазилятларига) нисбатан муносабати аниқ белгиланган вазиятда намоён бўлади.

Субъект билан мўлжал олиш объектлари ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқлаш бошқа шахсга, жамоанинг бошқа аъзоси ёки

аъзоларига мансуб қадриятли мўлжалларга мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади. Аҳамиятга эга бўлган ўша «бошқа биров» индивиднинг ўзи ва уни қуршаб турган барча кишиларни акс эттирувчи ўзига хос кўзгуга айланади. Табиийки, гуруҳ аъзолари турли даражадаги референтлик фазилатларига эга бўладилар ва танлашнинг йўналтирилганлиги, бировларнинг афзал кўрилиши ва бошқаларнинг унчалик афзал кўрилмаслиги ана шу ҳол билан изоҳланади.

Референтлик белгисига кўра афзал кўриш социометриядаги афзал кўришдан жиддий равишда фарқ қилади. Референтлик гуруҳ ичидаги фаолликнинг мазкур коллективда қабул қилинган қадриятлар орқали намоён бўладиган анча чуқурроқ қатламларида мужассамлашгандир. Индивид ўзини қуршаб турган дунёни фақат ўртоқларининг қадриятли мўлжаллари (эътиқодлари, нуқтаи назарлари, ўй-фикрлари) орқали идрок этиш имкониятига эга бўлиб қолмасдан, балки шу туфайли теварак атрофга нисбатан ўз муносабатини тўғрилаб олиш, ўзини яхшироқ тушуниб етиш ва баҳолаш имкониятига ҳам эга бўлади. Шахс ўз референт доираси билан муносабатга киришган шароитларида билиш субъекти тарзида унга ўзи муҳим деб ҳисоблаган ўлчовлар бўйича баҳо беришга лаёқатли индивидларни англаган ёки англамаган ҳолда алоҳида ажратиб оларкан, ўзини ўзи билиш объектига айланиб қолади.

Шу тариқа гуруҳда танлаш ва афзал кўришга тамомила социометрик нуқтаи назардан ёндашиш — шахслараро муносабатлар талқинини ва гуруҳ ичидаги табақаланишнинг моҳиятини очиқдан-очиқ камситиш, гуруҳ жараёнларга ва гурӯпада шахснинг тушуниб етилишига фаолиятлилик нуқтаи назардан ёндашувини инкор этиш билан баробардир. Референт афзал кўришини ҳисобга олинмас экан, шахслараро муносабатлар психологияси ўта торайиб қолади.

Демак, ҳар бир кишининг ўз референт гуруҳи мавжуд бўлиб, унинг талаблари билан у сўзсиз ҳисоблашади, унинг фикрига қараб мўлжал олади. Одатда у биттагина гуруҳ бўлмасдан, балки уларнинг муайян йиғиндисидир. Уқувчилардан бири учун оила ва шу билан бир қаторда ҳовлидаги болалар улфати, спорт жамиятидаги гимнастика секцияси, шунингдек отасининг дўсти ана шундай референт гуруҳи бўлиши мумкин, бошқа бир ўспирин учун эса ўқийтган синфи, ўқитувчилари, иккита ошнасиси, ишқивоз филателистлар референт гуруҳи ҳисобланади.

Агар мазкур шахс учун референт ҳисобланган барча гуруҳларнинг талаблари, орзу-истаклари, манфаатлари, идеаллари ва бошқа барча қадриятли мўлжаллари у ёки бу даражада мос келса, ёхуд яқинроқ бўлса ва энг муҳими, ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлар ва идеаллар билан боғлиқ бўлса дуруст. Лекин кўпинча шундай бўладики, жумладан, ўспиринларнинг улфати уқувчининг оила учун мутлақо мақбул бўлмаган, отанаси йўналтириб келаётган барча мўлжалларга қарама-қарши баҳоларини, манфаатларини, хатти-ҳаракатларини ва хоҳиш-

истакларини маъқул кўради ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Ҳолбуки, бола унис билан ҳам, буниси билан ҳам ҳисоблашган ҳолда иш кўради. Натижада иккита бир-бирига қарама-қарши йўналишдаги референт гуруҳларга мансуб бўлган шахс жиддий ички ихтилофни бошдан кечиради. Тарбиячининг бу ихтилоф моҳиятини англаб олишигина унинг бар-тараф этилишини енгиллаштиради.

Боланинг, масалан, оила учун ёки синф учун қимматли, муҳим ва аҳамиятли бўлган барча нарсаларга кўп ҳолларда бифарқ эканлиги фактлари референт гуруҳнинг тарбиячи учун яширин, номаълум бўлиб қолаётган фикрига қараб мўлжал олаётгани билан изоҳланади. «У ҳеч ким билан ҳисоблашмайди, унинг учун бирорта ҳам муътабар одам йўқ, унга ҳеч ким таъсир ўтказа олмайди»,— таъкидлайди боланинг онаси ўқитувчи билан суҳбат қилаётиб. Баъзан педагог бундай нуқтаи назарга қўшиладики, бу жиддий психологик ва педагогик хатога айланиб қолиши мумкин. Шахсда зимдан оилага ва мактабга нисбатан салбий фикрни шакллантириши эҳтимол тутилган таъсирчан референт гуруҳларнинг мавжудлиги аниқ бўлмагунча бундай деб эътироф қилиш мумкин эмас.

Референтларнинг афзал кўриши фактини аниқлаш учун совет психологиясида ишлаб чиқилган алоҳида методик усул — *референтометрия* қўлланилади.

Референтометрия гоёси, бир томондан, синалувчига гуруҳнинг ҳар қандай аъзоси олдиндан танлаб олинган ва шубҳасиз аҳамиятли ҳисобланган объект ҳақида қандай фикрда эканлиги билан (шу жумладан, синалувчининг шахсий фазилатлари хусусидаги баҳо билан ҳам) танишиш имконияти берилишидан, иккинчидан эса, бу ҳилда танланадиган шахслар сонининг қатъиян чекланганлигидан иборатдир. Бу ҳол синалувчиларни фикри ва баҳоси илгарилари бошқа барча одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган шахслар доирасининг юксак даражада танланган бўлиши ҳақида қайғуришга мажбур қилади.

Референтлик ҳодисаларини референтометрик тадбир ёрдамида тадқиқ қилиш жуда қизиқарли натижаларга олиб келди. Уларнинг ҳар бир коллективда афзал кўришлар ва танлашларнинг замирини референтлик белгиси ташкил этадиган алоҳида система мавжудлиги ҳақидаги гипотезани тамомила тасдиқлаб турганидан билса ҳам бўлади. Боғланишнинг бу системаси ҳам худди социометрик системага хос бўлгани каби расмий таърифларга эгадир. Референтометрик тадбир ниҳоят даражада тезкор ва қулай бўлиб, статусларнинг тузилиши (гуруҳда кимнинг қанақалиги) ҳақида, афзал кўришларнинг ўзаро баҳамжиҳатлилиги ёки бунақа ҳамжиҳатликнинг йўқлиги ҳақида тасаввур туғдиради, танлашнинг сабабий моҳиятини аниқлаш, шунингдек *аутореферентометрик эксперимент* деб аталмиш тажрибани амалга ошириш (бунда синалувчи танлашлар системасида ўзининг ўрнини тахминан аниқлаб олади) имкониятини туғдиради, маълумотларни математик усуллар билан қайта иш-

лашга, уларни ёзма шаклда ифода этишга, танлашнинг харитаси ва матрицаларини тузиб чиқишга ёрдам беради ва ҳоказо. Лекин социометрик тармоқдан фарқли равишда танлашга хайрихоҳлик ёки хуш кўрмаслик эмас, балки қадриятли о м и л а с о с қ и л и б о л и н а д и .

Жамоанинг социал аҳамиятга молик фаолиятининг туб негизини ташкил этувчи қадриятлар айна пайтда гуруҳ ичидаги афзал кўриш ва референтлик белгисига кўра танлаш учун асос бўлади. Бу гуруҳий табақаланишнинг социометрияга қараганда, шубҳасиз, анча мазмунлироқ таърифи ҳисобланади. Агар социометрия гуруҳга нисбатан боғланишлар ташқаридан ва асосан ҳиссиётга оид (мен буниси билан бирга бўлишни истайман — буниси билан бирга бўлишни истайман, у менга хуш ёқади — унисини ёқтирмайман) бўлган қандайдир бирлик сифатидаги шахсларо муносабатларнинг нуқталар билан белгиланган хомаки кўринишини тақдим этса, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар мазмунан намоён бўладиган жамоани психологик жиҳатдан ўрганиш референтлик кўрсаткичлари муқаррар равишда ҳисобга олинишини тақозо этади.

Референтометрик топшириқда бизни қизиқтирган субъект (ёки субъектлар) учун аҳамиятли бўлган, унинг фикри ва нуқтаи назари билан ҳисоблашни зарурат деб биладиган шахслар доирасини аниқларкан, психология педагогга танланган таъсир мақсадларини айтиб бериши мумкин. Референтлик фазилатига эга қилиб қўйилганлар учун референт ҳисобланган индивидга ўтказилган педагогик таъсир шахсларнинг мазкур бутун гуруҳига билвосита, лекин етарлича кучли таъсир кўрсатишга кўмаклашади. Бу тарбиявий таъсир ўтказиш жараёнида сохта, лекин шу билан бирга умумий (бутун синф билан иш олиб бориш) ва индивидуал (ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаш) ёндашувга альтернатива учун ўрин қолдирадиган йўллардан бири бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гуруҳнинг пешқадами

Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва статусининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жиҳатдан суриб чиқарилган индивидлар туришади. Мазкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади.

Пешқадам — бу шундай шахсдирки, гуруҳнинг қолган барча аъзолари учун ўзларининг манфаатларига даҳлдор бўлган ҳамда бутун гуруҳ фаолиятининг йўналишини ва характерини белгилаб берадиган энг масъулиятли ечимларни қабул қилишга ҳақли деб ҳисоблайдилар. Шундай қилиб, пешқадам гуруҳнинг энг муҳим муаммоларига қиёсан ундаги энг кўпроқ даражадаги референтлик эгаси бўлган шахсдир. Пешқадам социометрик «юлдуз» бўлиши ҳам ва, аксинча, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин — у теварак-атрофдагиларнинг шахсий хайрихоҳлигига са-

зовор бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин агар у пешқадам бўлса, у ҳолда унинг теварак-атрофдагилар учун референтлилиги шубҳасиздир. Пешқадам расман гуруҳнинг раҳбари бўлиши ҳам ва, аксинча, бўлмаслиги ҳам мумкин. Пешқадам билан раҳбарликнинг ягона битта шахсга тўғри келиши мақбул ҳодиса ҳисобланади. Борди-ю, агар бундай мувофиқлик бўлмаса, у ҳолда гуруҳ фаолиятининг самарадорлиги расмий раҳбар (масалан, синфбоши) билан норасмий пешқадам ёки пешқадамлар ўртасидаги муносабатлар қай тарзда юз беришига боғлиқ бўлади.

Успирилик ёшида ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлар системаси доирасида бир-бирларига нисбатан талаблари ва орзу-умидлари айниқса кескин тусга киради. Ана шундай ҳолларда юқори синф ўқувчилари жамоасидаги пешқадам кўпинча намуна, синфда юқори даражадаги референт шахс бўлиб ҳисобланади, бошқа барча ўқувчилар ўзларининг ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини шуларга қараб баҳолашади. Баъзан педагоглар ва ота-оналар аълочи ўқувчилар синф жамоаси мавқеини эгаллайдилар, деган янглиш фикрга таянган ҳолда иш тутадилар. Агар қуйи синфларнинг ўқувчилари ҳақида сўз кетганда шундай хулосага келиш учун маълум даражада асос бўлса ҳам, юқори синфларда аълочи ўқувчи билан жамоанинг пешқадами мақомлари ўртасида бевосита боғланиш сезилмайди. Яхши ўқишнинг ўзи таҳсинга лойиқ нарса, лекин аълочи ўқувчи ўз синфдошлари орасида пешқадамлик мавқеига фақат ўзи билан бирга ўқийдиганларнинг ўқув фаолиятига фаол қўмаклашган тақдирдагина эга бўлиши мумкин. Бу айниқса дарсда мунтазам жамоа тарздаги ўқув ишини ташкил этиш жараёнида намоён бўлади¹.

Синф жамоасидаги пешқадам ўз ўртоқлари қаршисида таҳлил қилиш ва эришиш учун намунага айланиб қолаётган шахсий фазилатлар соҳиби сифатида намоён бўлади. Бундай пешқадамнинг шахсига мансуб фазилатлар мазкур ёшдаги гуруҳда қабул қилинган ва тан олинадиган қадриятларга мос келади. Тажриба йўли билан шу нарса аниқланганки, юқори синф ўқувчилари ўз тенгдошларига фақат шу ёшда алоҳида қимматга эга деб тан олинадиган фазилатлардан эмас, балки уларнинг ўзларида суст ривожланган ёки умуман мавжуд бўлмаган фазилатлардан келиб чиққан ҳолда ҳам баҳо берадилар. Бу хилдаги фазилатларга эга бўлган ўртоқларнинг таъсири анча кучли бўлади ва улар обрў-эътибор қозониш учун, синф жамоасида пешқадамликка эришиш учун кўпгина асосга эгадирлар.

«Биз у билан бирга қайин ширасини йиғиш учун ўрмонга бориб турардик. Ушанда оёғим шунчалик лат еган эдики, юролмасдан қолгандим. У ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, мени елкасига опичтириб, ўрмондан олиб чиққан эди.

¹ Жамоа ўқув фаолиятини ташкил этишга доир педагогик тажриба бир неча йиллар давомида Эстониядаги мактабларда ва СССР Педагогика фанлари академиясининг Москвадаги экспериментал мактабларида ўтказиб келинмоқда.

Ҳолдан тойиб қолса ҳам, барибир мени элтиб қўйганди.. Синфимизда кеча ўтказган эдик. Ҳаммаси жуда яхши ўтаётганди. Лекин болалар тарқалиша бошлаган ҳам эдик, маст-аласт кишилар бир қизга тегажонлик қилиша бошлади. Ким биринчи бўлиб қизни ҳимоя қилишга ўтди, денг? Соловьёв».

«...Мен Валяга ўхшаган бўлишни хоҳлайман. Менда унинг очиқлиги, ҳаётдаги собитқадамлиги етишмайди. Лекин у ёнимда бўлса, юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳамиша оқилона баҳолашимга ёрдам беради»¹ (ўқувчилар ёзган иншолардан).

Синф жамоасига расмий раҳбарлик системаси (синфбоши, ёшлар ташкилотчиси ва жамоатчилик ишларининг айрим соҳалари учун масъул кишилар) унда норасмий нуфузнинг тақсимланиши ва норасмий пешқадам сифатида танилиш, билан тўғри келиши ҳам, тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Агар пировард натижада шахслараро муносабатлар умумий мақсадга бўйсундирилган бўлса, норасмий гуруҳлардаги пешқадамларнинг мавжудлиги жамоага халақит қилмайдигина эмас, балки ҳатто ёрдам бериши ҳам мумкин. Чунончи, 30—40 ўқувчидан иборат гуруҳ ҳисобланадиган синфда синфбоши ва ёшлар ташкилотчисидан ташқари одатда бир неча пешқадамлар мавжуд бўлиб, улар теварагида бир неча пешқадамлар мавжуд бўлиб, улар теварагида бир неча норасмий гуруҳлар уюшади. Педагог уларда таркиб топган шахслараро муносабатлардан огоҳ бўлгани ҳолда ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ушбу гуруҳларни битта йўналишда мўлжал олдира билиши керак. Тажрибали педагог алоҳида гуруҳлар орасида юз берадиган зиддиятлардан ҳамиша умуман жамоани ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фойдалана олади.

Агар алоҳида гуруҳлар фаолиятининг мақсадлари синфнинг умумий мақсадларига бўйсундирилмасдан ва ана шу гуруҳларнинг ичкарисида чекланиб қоладиган бўлса, иш бошқача бўлади. У ҳолда синф жамоаси, аслини олганда, фақат ўз ичидаги пешқадамлар эмас, балки барча аъзолар ҳам озми-кўпми даражада шахслараро антагонистик муносабатларга киришадиган бир қатор гуруҳлар билан алмаштирилади.

Агар педагог бунни ўз вақтида пайқай билса, у шахслараро муносабатларни ўзгартира олади ва бузила бошлаган жамоа яна жипслаша бошлайди.

II. 6.4. Гуруҳлар ва жамоалардаги алоҳида гуруҳларнинг бирга қўшилиши

Жамоанинг интеграциялашуви (ундаги алоҳида гуруҳларнинг бирга қўшилиши), яъни унда юз берадиган ички бирлик жамоалардаги муносабатлар учун хос бўлган *жамоани идентификациялаш (айнан бир хил қилиш), қадриятли-мўлжалланган бирлик сифатида жипслаштириш, биргаликдаги фаолият жараёнида муваффақият қозониши ва муваффақиятсизлик учун жавобгарликнинг юкланиши ва қабул қилиниши* ҳодисаларида юз

¹ Межличностное восприятие в группе (Под редакцией Г. М. Андреевой, А. И. Донцова). М., МДУ нашриёти, 1981, 238-бет.

беради. Шахснинг муносабат ва фаолият жараёнида жамоанинг бошқа аъзолари билан *сиғишувчанлиги* унинг жамоадаги бирга қўшилиши натижаси сифатида рўй беради.

Жамоани айнан бир хил қилиш

Жамоани айнан бир хил қилиш — бу хатти-ҳаракатларга ундовчи майлларнинг алоҳида бир хусусияти, бунда субъект маънавий принципларга таянган ҳолда жамоанинг бошқа барча аъзоларига ўзига қандай бўлса, шундай тарзда, ўзига ҳам ўз жамоасидаги бошқа барча кишиларга бўлганидек муносабатда бўлади. Жамоадаги бир хиллик шароитида «мен» ва «улар» деган зиддият «биз» деган тушунча орқали барҳам топади.

Жамоани айнан бир хил қилиш альтрустик тарздаги ёпла сига яхшилик қилишдан ҳам ва теварак-атрофдагиларга нисбатан худбинларча истеъмолчилик муносабатидан ҳам баб-баравар воз кечишни тақозо этади. Инсонларварлик, ўртоғига нисбатан талабчанлик кўрсатиш билан бирга унинг тўғрисида ғамхўрлик қилиш (А. С. Макаренкони бир эсланг: энг кўп даражада ишонч ва энг кўп даражада талабчанлик — бу иккита ҳар хил нарсалар эмас, балки айнан битта нарсадир) — жамоачиликка асосланган ўзаро муносабатлар мезонидир. Шахснинг ҳар томонлама ва уйғун тарзда вояга етиши учун қулайлик туғдирадиган психологик муҳит ана шундай пайдо бўлади.

Индивиднинг айнан бир хил ёки шунга ўхшаш вазиятда ўзига ва бошқаларга нисбатан турли хилдаги маънавий қондаларни татбиқ этадиган ва ўз хатти-ҳаракатларини худди шу хилдаги қондалар асосида содир қиладиган хулқ-атвори жамоани бир хил қилиш принципларининг бузилиши демакдир. Шахслараро муносабатларнинг тажриба йўли билан аниқлаш ва миқдорий нуқтаи назардан баҳолаш учун қулай конкрет психологик ўлчови бу соҳадаги кўрсаткич вазифасини бажаради. Унинг ифодаланиши жадаллигини ўлчаш гуруҳларда жамоани айнан бир хил қилишнинг юз бериши ҳақида аниқ хулоса чиқариш имконини берди. Бу ўлчов *таъсирчан гуруҳ тарзидаги ҳиссиётли бир хилликни ҳосил қилиш ёки аралашиб кетиш сифатидаги хайрихоҳлик* деган ном олгандир.

Шундай экан, аралашиб кетиш сифатидаги *хайрихоҳлик* — бу жамоанинг айнан бир хил бўлиши демакдир. Бунда бирмунча ноқулай ҳодиса, шунингдек гуруҳ аъзоларидан бирининг у билан боғлиқ кечинмалари бошқаларга уларнинг айнан бир вақтда гуруҳ тарзидаги мақсадлари рўёбга чиқарилишига ва мазкур ҳодиса (фрустратор) таъсирининг муҳосара қилинишига қаратилган, *хусусан ўз фаолиятини ташиқил этувчи хулқ-атвор майллари сифатида берилгандир.*

Аралашиб кетишни аниқлаш учун алоҳида тажриба тадбири қўлланилдики, у гуруҳ тарзидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат орқали жамоани айнан бир хил қилишнинг замирида яширинган чуқур шахслараро муносабатларини кўриш имконини беради.

Шу мақсадларда гуруҳнинг барча аъзоларига, шу жумла-

дан, унга жазо берилиши (*интеграл санкциялар*) хавфи туғилган ва тажрибада иштирок этаётган ўртоқларидан кимнингдир жазоланиш (*парциал санкциялар*) хавфи туғилган шароитларда ҳар бир синалувчи ўзини қандай тутишини қайд этиш имконини берадиган махус аппаратлар қўлланилади. Бунда топшириқнинг шундай туридан фойдаланиш назарда тутиладнки, уни ҳал этиш тезлиги, шошилиңчлиги жазога лойиқ қўлаб хатоларга йўл қўйилишини олдинданок шарт қилиб қўяди. Бошқа гуруҳ билан мусобақада фақат топшириқни бажариш тезлигининг кўрсаткичи ҳисобга олинади, ҳушмуомалалик билан, беҳато ишлаш зарурлиги эса назарда тутилади, ҳолос. Шундай қилиб, топшириқни бажариш тезлигининг оширилиши — гуруҳий фаолиятнинг мақсадидир. Лекин шунинг тезлиги хатоларга йўл қўйиш эҳтимолини ва, демак, жазоланиш мумкинлигини ҳам оширади. Бу ҳол эса келгусида гуруҳда аралашиб кетишнинг ривожланиш даражасини таснифлаш учун асосий заминни ташкил этади. Синалувчилар томонидан бошқа гуруҳлар билан мусобақаланиш шароитларида фаолиятнинг фақат келишилганлиги ва самарадорлигига оид топшириқ сифатида қабул қилинадиган экспериментнинг ҳақиқий мақсади синалувчи учун ҳаминча я ш и р и н б ўлиб қолади.

Тадқиқот гипотезаси шундан иборат эдики, ривожланиш даражаси турли хил бўлган гуруҳлар замирида шахслараро муносабатлар яшириниб ётганлиги намоён бўладиган гуруҳ тарзидаги ҳулқ-атвор интеграл ва парциал санкциялар қўлланилган ҳолларда сифат жиҳатидан турлича бўлади ва бу сифат тафовутларни миқдор жиҳатдан ифода этиш ва ўлчаш мумкин бўлади. Агар гуруҳда бирон бир даражада алоҳида ажралиб турадиган аралашиб кетиш мавжуд бўлмаса, у ҳолда парциал жазолаш вазиятида (ҳамма учун биттаси жазоланадиган бўлса) гуруҳ интеграл санкция шароитидагига нисбатан анча жадал ишлаши керак. Иш юзасидан гуруҳдаги шерик фрустрацияга дучор қилинган ҳолат бошқа барча одамлар ва алоҳида ҳар бир киши хавф-хатардан ҳоли бўлганлиги учун ҳам бундай ҳолда ҳисобга олинмайди. Тажрибанинг биринчи босқичида фрустраторни муҳосар қилиш учун (интеграл санкция шароитида) сарфланадиган куч-ғайратларга ҳожат қолмайди. Бунинг эвазига ҳаракат (иш) ни бажариш тезлиги ошади.

Агар топшириқни бажаришга интеграл ва парциал жазолаш вазиятларида тахминан баравар вақт сарфланадиган бўлса, у ҳолда бу гуруҳда аралашиб кетишнинг, таъсирчан ҳиссиётли бир хил қилиш ҳодисасининг ифодалилигидан далолат беради. Негаки, ҳамманинг ичида фақат биттаси жазо олиш хавфи туғилган тақдирда ҳам гуруҳ аъзоларининг барчаси йўл қўйилган хато учун бамисоли ўзлари бевосита жазолангандек ҳаракат қилишади. Бундай ҳолатда ўзаро муносабатларнинг бошқа бировнинг кайфиятини шахсан ўзиникидек хаёлдан ўтказиш хусусиятига эга бўлган тури намоён бўлади, деб фараз қилиш мумкин.

Ўтказилган тажрибалардан олинган биринчи ва асосий хулоса гуруҳнинг хоҳлаган бир аъзоси билан қайғудош бўлиш қобилиятини кўрсатадиган ва ундаги жамоачилик муносабатларининг ривожланиш даражасини ўлчаш имконини берадиган ўзига хос социал-психологик ҳодиса сифатида аралашиб кетишнинг реаллигини тасдиқлашдан иборат бўлди. Иккинчи хулоса: бу ҳодисанинг юз бериши учун энг қулай шарт-шароитлар ўз турига кўра жамоага яқин турадиган гуруҳларда мавжуд бўлади. Аралаш гуруҳларда ва, мисол учун, ҳуқуқбузарлардан иборат гуруҳларда аралашиб кетиш суст намоён бўлади ёки умуман бўлмайди. Жамоа аъзолари эса ўртоқлари билан айнан бир хил бўлишга интиладилар, бу ҳол уларнинг феъл-атворини ўзгартириб юборди. Асосий тажрибанинг биринчи ва иккинчи босқичларида топшириқнинг бажарилиш вақти бараварлаштирилганлиги, шунингдек, синалувчиларнинг тажриба ўтказувчи томонидан қайд этилган ҳиссий фикрлари, ифодали иш ҳаракатлари ва ҳоказолар шундан далолат беради.

Жамоада аралашиб кетиш сифатидаги хайрихоҳлик даражаси жамоанинг «ветерани»га жазоланиш хавфи туғилган ҳолда ҳам ва коллективга янги қўшилган аъзога худди шундай хавф туғилган ҳолда ҳам сақланиб қолади. Маълумки, ривожланиш даражаси паст бўлган гуруҳларда янги келганлар олдинданок «балого қоладиганлар» ролида бўладилар. Янги келган болага муносабат кўп жиҳатдан жамоадаги инсонпарварлик муносабатларининг мезони сифатида талқин этилиши мумкин. Жамоада инсонпарварлик гуруҳга ҳали номаълум бўлган, лекин жамоа аъзосининг фақат бурчлари эмас, балки ҳуқуқлари ҳам жорий этиладиган индивиднинг жазоланиш хавфи туғилган ҳолларда аралашиб кетишнинг тажриба йўли билан олинган кўрсаткичлари доимийлигида намоён бўлади. Экспериментал тадқиқотларда бу нарса ишончли тарзда тасдиқланди.

Шундай қилиб, аралашиб кетиш жамоа айнан бир хил бўлиб қолишининг кўринишларидан бири сифатида гуруҳдаги шахслараро муносабатлар ривожланиш даражасининг ўзига хос кўрсаткичи ҳисобланади. Совет кишисининг ахлоқий идеалларига мос келадиган маънавий қадриятларни ва хулқ-атвор қондаларини ўз ичига олган ҳолда жамоанинг айнан бир хил бўлиши социалистик жамиятнинг асосий бўғини сифатидаги жамоа типиди мавжуд бўлган гуруҳларда жамоанинг интеграциясига кўмаклаша бориб, юсак даражада ривож топади.

Гуруҳнинг қадриятларга мўлжалланган бирлиги сифатидаги жипслашуви

Гуруҳнинг жипслиги масаласи аввало у ёки бу ишлаб чиқариш, ҳарбий ёки ўқув топшириқларини яхшироқ қилиб бажаришга лаёқатли гуруҳларни танлашда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Америкалик психологлар гуруҳни бир-бирлари билан бево-сита (юзма-юз) алоқада бўлган ва ўзаро биргалашиб ҳаракат қиладиган одамларнинг муайян кўпчилиги тариқасида механис-

тик тарзда тушунган ҳолда гуруҳнинг жипслигини амалда унинг аъзолари ўртасида алоқа ўрнатилганлиги билан айнан бир нарса деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига қараганда, гуруҳдаги коммуникациялар (ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиши ва алоқалари)нинг миқдори, такрорланиб туриши ва жадаллиги билан унинг жипслиги ўртасида бевосита боғланиш мавжуд эмиш — ижобий ёки салбий танлашларнинг миқдори ва кучи гуруҳдаги жипсликнинг маълум бир даражасини кўрсатармиш. Гуруҳдаги жипслик коэффициенти кўпинча унда мавжуд бўлган ўзаро алоқалар сонини мазкур гуруҳда мавжуд бўлиши мумкин деб ҳисобланган алоқалар сонига бўлиш натижасида ҳосил бўлган сон тариқасида белгиланадиган ўлчов принципи ҳам шундан келиб чиқади. Лекин бундай усул билан албатта жипсликни эмас, балки фақат гуруҳдаги муносабатнинг жадаллигини аниқлаш мумкин, холос. Алоқаларнинг жонланиши, масалан, объектив тарзда гуруҳнинг жипслигини таъминлашга эмас, аксинча унинг тарқалиб кетишига ва тугатилишига йўналтирилган кучларнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлиб қолиши мумкин. Бундай усул билан аралаш гуруҳлардаги ҳиссиётга асосланган алоқалардан бўлак ҳеч қандай восита орқали боғланмаган ва амалда социал мазмунидан узиб олинган аллақандай жипсликни эслатадиган ҳодисанинг аниқланишини фараз қилиш мумкин. Лекин бундай методикалар аралаш гуруҳларни эмас, балки жамоаларнинг жипслигини аниқлаш йўлини кўрсатади деб ҳисоблаш хато бўлур эди.

Жипслашган жамоа қийинчиликларни осонгина бартараф этишга, аҳиллик билан ишлашга, ҳар бир киши шахсни камол топтириш учун энг қулай имкониятларни яратиб беришга, турли хил, шу жумладан, ноқулай шароитларда ҳам яхлитлигини сақлаб қолишга лаёқатли бўлади. Масалан, гуруҳда жипсликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тажриба методлари билан қандай аниқланишида ва унинг гуруҳда намоён бўлиши қандай ўлчанишидадир. Жамоанинг социал-психологик ўлчовларини экспериментал жиҳатдан тадқиқ қилишда унинг энг муҳим хусусияти — унда таркиб топадиган гуруҳ шаклидаги ўзаро таъсирнинг билвоситалиги ҳисобга олиниши шарт.

А. С. Макаренконинг издошлари бўлган педагоглар ва психологлар шахсда ўз жамоасини раҳбарлик қилиш ҳамда мўлжал олиш манбаи тарзида идрок этишдек муайян тенденция мавжудлиги ҳақидаги хулосага келишган эди. Ўз навбатида бу жамоа аъзоларининг йўл-йўриқларида биргаликдаги фаолиятнинг мазмуни жиҳатини баҳолашда анчагина бир хилликка олиб келади. Буларнинг ҳаммаси ўзлари учун умумий бўлган вазифалар асосида етарли даражада узоқ вақт фаолият кўрсатиб келган гуруҳларда уларнинг қадриятларга мўлжалланган бирлиги сифатида жипслашуви жараёни кучаяди, деб фараз қилиш имконини беради. Қадриятларга мўлжалланган бирлик сифатидаги жипслашув гуруҳ ичидаги алоқаларнинг умуман гуруҳ учун анча аҳамиятли объектларга (шахсларга,

топшириқларга, ғояларга, воқеаларга) нисбатан гуруҳнинг баҳолари, йўл-йўриқлари ва нуқтаи назари тўғри келиши даражасини кўрсатадиган системасига оид хусусият ҳисобланади.

Гуруҳ тарзидаги жипсликнинг миқдор кўрсаткичи (индекси) ни топиш юзасидан ўтказиладиган тажрибанинг программаси хусусан ана шундан келиб чиқади. Умуман гуруҳ учун жиддий аҳамиятга молик объектларга нисбатан гуруҳ аъзоларининг баҳолари ёки нуқтаи назарларининг тўғри келиш даражаси жипслик индекси ўрнида хизмат қилади. Гуруҳнинг қадриятларга мўлжалланган бирлиги унинг жипслиги кўрсаткичи сифатида гуруҳ аъзоларининг баҳолари ва нуқтаи назарлари бarchа жиҳатларда бир-бириникига тўғри келишини, гуруҳда шахсининг, масалан, дидлар, эстетик қадриятлар, китобхонлик қизиқишлари ва ҳоказо соҳалардан бараварлаштирилишини асло тақозо этмайди. Бу хилдаги мўлжал олишлар манзарасининг ҳар томонламалиги ва ранг-баранглиги гуруҳнинг жипслигини сақлашга ҳалақит бермайди. Жамоадаги қадриятларга мўлжалланган бирлик — бу энг аввало, маънавий ва амалий соҳадаги, бирликдаги фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларига ёндашишдаги баҳоларнинг яқинлигидир. Масалан, борди-ю, гуруҳ аъзоларидан баъзи бировлари зиммаларига юкланган топшириқни бажариб бўлмайди ёки гуруҳ раҳбари унинг бажарилишини таъминлашга лаёқатли эмас (раҳбарлик қила олмайди), деб ҳисобласа, гуруҳнинг бошқа аъзолари эса бошқача фикрда бўлишса (ва бундай келишмовчиликлар мазкур гуруҳга хос бўлса), у ҳолда гуруҳнинг ҳеч қандай жипслиги ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Умумий иш юзасидан бирлашган одамлар жипслигининг ишонарли ва нафис психологик таҳлили А. И. Герценнинг «Утмиш ҳикоялари ва орзулар» китобида берилгандир: «...аслини олганда, шу бугун ҳам чинакамига қалин муносабатларда дин айнан бир хил бўлиши, яъни асосий назарий эътиқодларда бир хиллик бўлиши лозимлигига имоним комил. Ўз-ўзидан равшанки, одамлар ўртасидаги алоқалар яқин бўлиши учун ёлғиз бир назарий муросанинг ўзи камлик қилади; мен, масалан, хайрихоҳлик юзасидан ўзимизникиларнинг кўпларига нисбатан И. В. Киреевский билан қалинроқ эдим. Бўлмасам-чи, бир муайян ишни биргаликда бажарган ва лекин фикрлар бир хил бўлмаган ҳолда яхши ва содиқ иттифоқчи бўлиш мумкин; мен ўзим чексиз ҳурмат қиладиган лекин улар билан кўп масалаларда келиша олмайдиган одамлар, масалан, Маццини билан, Ворцель билан ана шундай муносабатда бўлганман. Мен уларни ишонтириш йўлини излаган эмасман, улар ҳам мени ишонтиришга уринишмасди; жанжаллашиб қолмасдан битта йўлдан боришимиз учун бизнинг орамизда етарлича умумийлик мавжуд эди. Лекин битта онладаги ака-укалар, битта ҳаётни бошдан кечираётган эгизаклар бўлмиш бизларнинг орамизда бу қадар жид-

дий келишмовчилик бўлиши мумкин эмасди»¹. Аслида бу ўринда гап одамларнинг ҳиссий яқинлиги сифатидаги жипсликнинг иттифоқчилар ва пировард натижада маслакдошларнинг қадриятларга мўлжалланган бирлиги сифатидаги жипсликка қарама-қарши қўйилиши хусусида бормоқда. Кейингилари учун А. И. Герценнинг изоҳ беришига кўра, «асосий назарий эътиқодлардаги бир хилликни билдирадиган (кишининг атеистик қарашлари исбот талаб қилмайди) дин айнан бир хил бўлиши» зарур.

Конкрет экспериментал гадқиқотлар ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида жамоаларда қадриятларга мўлжалланган бирлик коэффициенти аралаш гуруҳлардаги нисбатан юқорироқ бўлади, деган асосли хулосага келинди.

Масъулиятнинг Жамоанинг бир хил бўлиб қолишини ва қадри-
юкланиши ва ятларга мўлжалланган бирликни аниқлашдан
қабул қилиниши ташқари биргаликдаги фаолият натижалари
учун масъулият юкланишининг айнан бир хиллиги ҳодисаси
мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига қараб ҳам жамоадаги
алоҳида гуруҳларнинг бирлашуви ҳақида фикр юритиш мумкин.
Масъулиятни юклаш хусусиятлари биргаликдаги фаолият
жараёнида ютуқ ёки муваффақиятсизлик учун маъқуллаш ёки
жазолаш шаклидаги ҳар хил социал санкцияларни шахснинг
ўзига ёки гуруҳдаги бошқа шахсларга нисбатан қўллашнинг
тўғрилигини тан олишда намоён бўлади.

Масъулият юклаш ҳодисаси Ғарб социал психологиясида кишига муваффақиятсизлик учун масъулият юкланиши ва ютуққа эришгани учун ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиши мумкин бўлган бошқа бир индивиднинг кимлигига ва фаолиятнинг қанақа вазиятда содир бўлишига — унинг кооператив ёки рақобат асосидами эканлигига боғлиқ тарзда намоён бўладиган ёки намоён бўлмайдиган индивидуал-психологик хусусияти сифатида ўрганилди.

Жумладан, канадалик психологлар масъулият юкланиши бошқа шахснинг ташқи жозибасига боғлиқ эканлигига ишора қилишди. Яхши хатти-ҳаракатлар ва муваффақиятли ишлар учун масъулият дилбар аёлларга хос деб, ташқи қиёфаси кўримсиз аёллар эса муваффақиятсизлик ва хунук хатти-ҳаракатлар учун масъул деб ҳисобланиши маълум бўлди. Масъулиятнинг юкланиши ҳодисасини одатда конкрет социал муҳитга, гуруҳларда биргаликда олиб бориладиган аҳамиятга молик фаолиятга боғлиқ бўлмаган ўйин шароитларида ўрганишарди.

Совет психологларининг тажрибалари масъулият юкланишининг хусусияти гуруҳнинг жамоа сифатида ривожланиши даражасига боғлиқ эканлигидан далолат беради. Жамоада масъулиятнинг юкланиши асосан объектив характерда бўлади, ҳар бир кишининг шахсий хоссаси эса биргаликдаги фаолиятнинг пировард муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалда тўғри баҳоланади. Яхши ри-

¹ Герцен А. И. Ўтмиш ҳикоялари ва орзулар.— Собр. соч. в 30-ти т., М., 1956, 9- том, 211—212- бетлар.

вожланмаган гуруҳда тескари манзара кузатилди. Унда синалувчи биргаликдаги фаолиятда муваффақиятга эришилган ҳолда кўпинча ўзининг хизматларини таъкидлайди, муваффақиятсизлик юз берган ҳолда эса, аксинча, айбни бошқа барча кишиларга, ёки ҳеч бўлмаса, «объектив ҳолатларга» юклашга уринади. Бундай гуруҳда масъулиятни юклаш ходисалари асосан баҳоланиш субъектининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан белгиланади, деб фараз қилиш мумкин. Бу эса айнан Фарбдаги социал психологлар томонидан тажриба йўли билан аниқланган ва умуман кичик гуруҳлар таърифига тааллуқли деб ноҳақ хулоса қилинган ўша қонуниятлар ва боғлаНИШлар намоён бўладиган соҳадир.

Реал тарзда бажариладиган ва социал жиҳатдан баҳоланадиган фаолият жараёнида эришиладиган ютуқлар ва муваффақиятсизликлар учун масъулиятнинг қайд этилишидаги ҳар хиллик гуруҳда можаролар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳамма жойда ҳам биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўзларининг умумий ишга қўшган хиссаларини объектив равишда баҳолашга қадир бўлмаганликлари сабабли уларнинг баҳолари ҳеч шубҳасиз субъектив руҳда бўлади. Коллективнинг субъективизм ҳолларига тўсқинлик қилувчи маънавий кучлари коллектив аъзоларининг унинг барча аъзолари томонидан қабул қилинган ахлоқий қоидалар асосида бир-бири билан сиғишуви учун шарт-шароитлар яратади. Агар айбдор бўлсанг, масъулиятни соқит қилмаслик, «ўз айбнингни бировга тўнкамаслик», эришилган ютуқни ўзингники қилиб олмаслик, умумий муваффақиятларга эришилганда бошқаларнинг роли ва аҳамиятини камситмаслик, «объектив ҳолатларга» ишора қилмаслик ва ҳоказолар ана шундай қоидалар жумласига киради.

II. 6.5. Тарбиявий жараёндаги жамоа ва жамоачилик

Мактабда жамоачиликнинг шакллантирилиши

Жамоа ўспиринлар ва ёшларнинг шахсини шакллантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиладиган бирлик ҳисобланади. Оила жамоаси, мактабдаги ўқув-тарбия жамоаси, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси, ниҳоят кечаги мактаб ўқувчилари ўрта маълумот олгандан кейин бориб қўшиладиган меҳнат жамоалари шундай бир социал муҳит ҳисобланадики, унда шахснинг вояга етиши ва ҳар томонлама ривожланиши юз беради, совет кишининг энг муҳим фазилати — «коллективда яшаш ва ишлаш ўқувини» (Н. К. Крупская) тақозо этадиган *жамоачилик* таркиб топади. Жамоачилик — бу ижтимоий муносабатларнинг шунчаки оддий белгиси эмас, бу коммунистик ахлоқнинг, совет жамияти кишиси маънавий хулқ-атворининг принципларидан биридир. Жамоачилик, Н. К. Крупская таъкидлаганидек, бу ўртоқчилик, ўзаро ёрдам кўрсатиш, уюшқоқлик, интизом сақлаш демакдир. «Биз боланинг шахси фақат коллективдагина

кўп ва ҳар томонлама камол топа олади, деб ҳисоблаймиз. Коллектив боланинг шахсини ўз қомига тортиб олмайди, лекин тарбиянинг сифатига, мазмунига таъсир кўрсатади»¹. «...Мактаб болаларни бирлашишга, умумий мақсадларни ва умумий вазифаларни белгилаб олишга ҳамда бу вазифаларни умумий куч-гайрат билан ҳал этишга ўрнатиши шарт... Уртоқларча мустаҳкам жипслик, коллектив бўлиб ҳаракат қилиш одати янги кишиларни — коллектив бўлиб ташвиш қиладиган, коллектив бўлиб фикрлайдиган болаларни вужудга келтиради... Уюшган тарзда яшай билиш ва уюшган тарзда ишлай билиш керак, лекин билимларсиз, мактабларсиз бунга эришиб бўлмайди»².

Совет ўқитувчиларига мурожаат қиларкан, Н. К. Крупская, тарбия ҳақида сўз юритилаётганда ўртоқчилик тўғрисида, жамоачилик иши ҳақида, биргаликдаги меҳнат ва умумий иш учун кураша билиш ҳақида гапирмасдан ўтиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаган ҳолда жамоачиликни, яъни ўз шахсий манфаатини ижтимоий манфаатларга бўйсундира оладиган кишини тарбиялаш зарурлигини айтган эди. Коммунистик муносабатлар негизининг ўзида биргаликдаги ижтимоий фойдали фаолият гоёси мижасамлашгандир. Мактаб ҳаёти мактабдаги бошланғич жамоалар (синфлар, отрядлар, звенолар)нинг фаолиятида иштирок этиш айнан шундай кўникма ҳосил қилинадиган ва шакллантириладиган соҳалардан бири ҳисобланади. Болалар ташкилоти мавжудлигининг ўзи ҳам жуда муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бола, кейинроқ эса ўспирин, ёш йигит ва қиз ҳам умумий иш манфаатларини, бутун бир жамоанинг, айтиш жоизки, ўзининг бошланғич жамоасининг ҳам, худди шунингдек, бутун мактабнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олишга кўникади. Н. К. Крупская қайд этганидек, энг муҳими, боланинг мумкин қадар эртароқ жамоа билан ҳамнафас ҳаёт кечира бошлашидадир. Н. К. Крупская вожатийлар ва педагоглар, ота-оналар билан суҳбат қиларкан, ўқувчининг чин инсон бўлиб етишиши унинг синф ва мактаб жамоасидаги ҳаёти қандай уюштирилганига боғлиқ эканлигини тақрорлашдан чарчамасди.

Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шундан иборатки, *ўқувчилар фаолиятининг барча турлари жамоачилик руҳида бўлиши керак*. Ўйин, меҳнат, ўқув фаолиятлари ва фаолиятнинг бошқа турларига шундай тарзда ташкил этилиши керакки, ҳамиша ва ҳамма соҳада жамоачилик принциплари шакллантириладиган, дўстона мададкорлик, ўзаро бир-бирига ёрдам кўрсатиш мустаҳкамланиб ва ривожланиб борадиган, лозим бўлиб қолган тақдирда ўз шахсий манфаатини жамоа манфаатига

¹ Крупская Н. К. Танланган педагогик асарлар. «Ўқитувчи», 1974, 554-бет.

² Крупская Н. К. Советская школа.— Пед. соч. в 10-ти т., М., Изд-во АПН РСФСР, 1958, 2- том, 198—199-бетлар.

бўйсундира олиш малакаси тарбияланадиган бўлиши шарт. Умумий иш натижалари алоҳида ҳар бир кишининг иш сифатига боғлиқ бўлмаслиги мумкин эмас (ва ўқув-тарбия жараёнида ҳар бир ўқувчи буни ҳис қилиши ҳамда кўриб бориши шарт).

Ўқувчилар жамоасининг аҳил бўлиши учун, таъкидларди Н. К. Крупская, болаларнинг фанлар бўйича олимпиадалар, спорт беллашувлари, сборлар, эрталиклар, кечалар уюштириш ва ўтказиш жараёнида биргалашиб ташвиш тортишлари ғоят муҳимдир. Ўқувчиларнинг турли хилдаги ижтимоий фойдали фаолияти билан бир вақтда жамоада юз берадиган ҳиссий ташвишланиш ҳоллари жамоанинг шаклланишига ёрдам беради, ўқувчиларни ўзаро бир-бирлари билан яқинлаштиради, уларни бир-бирининг дарди ва қувончини ҳис этишга ўргатади.

Успиришлик ёшини шахс ўзлигини намоён қилиш учун интиладиган ёш сифатида таърифларкан, Н. К. Крупская педагоглар ва тарбиячиларни синфда жуда катта ташкилий, ғоявий-тарбиявий иш олиб боришга алоҳида эътибор беришга, ишларни, биринчидан, у ўқувчиларга ўз қобилиятлари ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари, эришилган ютуқни мустаҳкамлашга ва янада куч-ғайрат сарфлашга сафарбар этиш учун ёрдам берадиган, иккинчидан, унда барча ўқувчилар қамраб олинадиган даражада ташкил этишга даъват қилади.

Жамоачиликнинг тажриба йўли билан аниқланиши мумкин бўлган психологик кўрсаткичлари (жамоанинг ўзини-ўзи белгилаши ва бир хил бўлиб қолиши, биргаликдаги фаолият жараёнида ютуқлар ёки муваффақиятсизликлар учун масъулиятнинг юкланишидаги бир хиллик, аралашиб кетиш тарзидаги хайрихоҳлик ва ҳоказолар) оиладаги ва мактабдаги муваффақиятли тарбиявий ишнинг натижаси сифатида таркиб топадиган жиплашган жамоаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Шахснинг мактаб шароитида шаклланиши ўқувчиларнинг ўқув ва ижтимоий фойдали фаолиятида юз беради. Ўқув фаолиятининг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлари таркиб топиш хусусиятларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ташқи кўринишидан биргаликдаги фаолият каби туюладиган ўқув фаолияти (негаки, ўқитувчи бутун синф билан ёппасига иш олиб боради) билимларни ўзлаштиришнинг асосан индивидуал тарздаги жараёнини тақозо этади ва шунинг учун ҳам амалда ўқишда эришиладиган индивидуал муваффақиятлар йиғиндисидан иборат бўлади. Ўқув фаолиятининг умумий тарзда қабул қилинган шакллари шароитида ўзаро биргаликда амалий ҳаракат қилишга жуда ҳам оз даражада эҳтиёж сезилади ва бу онда-сонда юз беради. Бу айниқса мактаб ишида муҳим бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб келадиган бўғин ҳисобланган дарсга тааллуқлидир. Дарсда ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш (ўқувчиларнинг бирон бир даражадаги кенгашлари, билмаганини

айтиб туриши, вазифаларни коллектив бўлиб ечишлари ва ҳоказолар номақбул иш деб, кўп ҳолларда эса ўқувчилар хулқ-атворининг жазога маҳкум шакли деб ҳисобланади. Тўғри, дарсдан ташқари пайтда ўзаро ёрдамлашишнинг турли хил усуллари қолоқ ўқувчиларнинг аълочилар ёрдамида илғорлар сафига олиб чиқилиши, имтиҳонларга биргалашиб тайёрланиш ва шу кабилар рағбатлантиришга лойиқ ва бу тамомила ўринлидир. Бу борада биргаликдаги ўқув фаолиятини ташкил этишнинг кўплаб қизиқарли усуллари топилди. Мисол учун қўйи синфда яхши ўқимайдиган ўқувчига юқори синфда ўқийдиган қолоқ ўқувчи ёрдам беришнинг олдинроқ ҳикоя қилиб ўтилган ва психологик жиҳатдан асосланган усулини кўрсатиш мумкин. Шундай қилиниши натижасида фақат ўргатишда муайян самарага эришилиб қолмасдан, балки шахсиятга даҳлдор соҳада ҳам сезиларли силжиш юз беради — юқори синф ўқувчисининг ўқув фаолияти соҳасида интилишлари ва ўзи ҳақидаги фикрлари даражаси ошади ва айни шу ҳолда кичик ёшли ўқувчининг ўқишда ожизлигини англаши кучаймасдан қолади. Лекин барибир, дарс, юқорида айтилганидек, мактабдаги таълим-тарбия ишининг етакчи усули бўлиб қолади. Ваҳоланки, ўқувчининг айнан шу дарс вақтидаги ўқув фаолияти ҳозирги пайтда энг кам даражада жамоачилик хусусиятига эгадир.

Дарсда амалга ошириладиган ўқув фаолияти жамоа тузилмасининг юксак натижаларга эришишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти билан таққосланганда устунлик қила олмайди, албатта. Ишлаб чиқариш фаолияти, аввало, биргаликдаги, умумий фаолиятдир. Меҳнат тақсмоти жараёнида ва унинг натижаларида акс этадиган умумийлик реал хусусиятга эгадир. Меҳнатнинг моддийлашган маҳсулида ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги намоён бўлади. Бир кишининг муваффақияти бошқасининг ютуғини таъминлаш шарти бўлса, биттасининг муваффақиятсизлиги умумий ишнинг барча иштирокчиларига таъсир қилади. Ҳар бир киши фаолиятининг жами маҳсулида унинг ҳиссаси меъёрини аниқлашнинг объектив мезонлари мавжудлиги ўзаро бир-бирига баҳо беришнинг объектив негизи бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш жараёнидаги шахсларро муносабатлар реал амалий фаолиятда рўй берган ҳолда билвосита хусусиятга эга бўлади ва шу тарзда жамоанинг таркиб топиш жараёнига замин яратади.

Ўз навбатида етарлича юксак даражада ривожланган ва кўйгина ўлчовларига кўра жамоалар қаторига қўшиш мумкин бўлган гуруҳлар ҳосил бўладиган ва фаолият кўрсатадиган ўрта мактабда жамоаларнинг юзага келиши ва шаклланиши қандай юз беради? Бу ерда ҳам жамоани таркиб топтирадиган омиллардан бири ўқувчиларнинг жамоа хусусиятига эга бўлган унумли меҳнатда, ижтимоий фойдали фаолиятда, тўғаракларда, пионер ва комсомол ишида ва, ниҳоят, реал тарзда ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш ва бир-бирига

ёрдам кўрсатиш мумкин бўлган синфдан ташқари ўқув фаолиятининг ҳар хил турларида баҳоли қудрат иштироки тариқасидаги *меҳнат фаолияти* бўлиб ҳисобланади.

Дарсдан ва унда рўй берадиган ўқув фаолиятдан ўқувчилар жамоаларини ҳамда жамоада биргаликдаги фаолиятнинг мазмуни ва қадриятлари орқали намоён бўладиган шахсларро муносабатларни шакллантириш вазифаларининг бажарилишини таъминлаш учун фойдаланиш социал-психологик жиҳатдан асосланган масала ҳисобланади.

Кейинги йилларда совет мактабида, гарчанд ҳалига қадар экспериментал текширув босқичидан нари ўтмаган бўлса ҳам, синфда *гуруҳ шаклида иш олиб бориш* деб аталадиган янги усул тажриба қилина бошлади. Ўқув материали устида иш олиб бориш жараёнида «ўқувчиларнинг бевосита ўзаро биргаликда ҳаракат қилиши, уларнинг биргаликдаги келишилган фаолияти»¹ни ташкил этади.

Гуруҳ шаклида иш олиб бориш ўқувчиларни фақат ўқитиш жараёнига эмас, балки уларни тарбиялаш жараёнига ҳам жиддий ўзгаришлар киритади. Ўқувчиларнинг фаолият неъматлари айирбошланишини ва шу аснода ўзаро бир-бирларини назорат қилишдан иборат муносабатлар юзага келишини тақозо этадиган ўзаро келишилган ҳолда биргаликда ҳаракат қилиши вазиятда олиб бориладиган гуруҳ тарзидаги иш туфайли *бундай шароитлардаги ўқиш жараёни ҳақиқий жамоачилик тусини касб этиши мумкин*. Тенгдошлар ўртасида ўрнатиладиган ва ўқувчилар шахсини ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлган ва одатда болаларнинг ўқув фаолиятдан ташқарида бўладиган муносабат янги шароитларда унинг а ж р а л м а с қ и с м и г а, дарсдаги меҳнат маҳсули, яъни ўқувчилар эришган қадриятлар, билимлар ва қизиқишлар эса бевосита муносабат мавзусига айланиб қолади.

Ўқувчининг ҳаётида энг муҳим ўрин эгаллайдиган фаолиятда, ўқишда ва муомалада юз берадиган бундай туб ўзгаришлар гуруҳ ҳаётида ва унинг ривожланиш даражасида сифат жиҳатидан янги социал-психологик ҳодисаларнинг юз беришига олиб келмаслиги мумкин эмас. Чиндан ҳам гуруҳ шаклида ишлашни тажриба қилиб келаётган педагоглар унинг ўқувчи шахсининг таркиб топишига сўзсиз таъсир этишини қайд қиладилар.

Шуниси диққатга сазоворки, гуруҳ шаклидаги ўқув фаолиятини ташкил этиш чоғида ўқитишнинг жамоачилик хусусиятидан маҳрум шакли учун характерли бўлган боғланишларнинг ўзига хос тарздаги «ағдарилиш» ҳодисаси рўй беради. Чунончи, бордию гуруҳнинг ўқув фаолияти самарадорлиги билан унинг

¹ Лийметс Х. И. Групповая работа на уроке. М., Знание, 1975, 13-бет; Қаранг, шунингдек: **Виноградова М. Д., Первин И. В.** Коллективная познавательная деятельность и воспитание школьников. М., Просвещение, 1977; **Фридман Л. М., Волков К. Н.** Психологическая наука — учителю. М., Просвещение, 1985.

миқёси ўртасида одатдаги тескари боғланиш мавжуд бўлса (ўқувчилар сони қанча кўп бўлса, педагогнинг ҳар бир болага эътибор бериши шунча қийинлашади), у ҳолда *гуруҳ тарздаги йқув шишида бу боғланиш намоён бўлмайди*, муайян чегараларда эса гуруҳнинг самарадорлиги билан миқёси ўртасида тескари боғланиш эмас, аксинча, бевосита боғланиш кузатилади.

Мактабда жамоачиликни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилиши билан бир қаторда оиланинг ўзи ҳам бу муҳим фазилатларни ривожлантириш омили бўлиб ҳисобланади.

Оилани жамоа деса бўладими? Агар оила аъзоларининг ҳаммаси учун умумий ва оила ичидаги ўзаро муносабатларнинг билвосита ифодаси бўла оладиган социал жиҳатдан қимматга эга, шахс учун аҳамиятга молик фаолият юз бераётганлиги аниқ бўлса, бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин.

Оилада жамоачиликнинг шакллантирилиши Оила — социалистик жамиятнинг ёш авлодини тарбиялаш ва одамларнинг ўзаро ахлоқий жавобгарлигини ҳамда бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишини тақозо этадиган шахсий бахт-саодатини таъминладиган иборат энг муҳим социал вазифани бажарадиган бўғиндир. Ҳар бир оила аъзосининг шахсий бахт-саодатини таъминлаш ва социалистик жамиятнинг баркамол гражданини вояга етказиш — оила аъзоларининг ҳаммаси учун умумий фаолият айнан ана шундай хусусиятга эга бўлиши керак. Оила фаолиятининг мақсади оила ичидаги муносабатлар доирасидан ташқарига чиқади ҳамда социал жиҳатдан даъват этилади ва социал қимматга молик бўлади. Агар бу муайян оилага хос хусусият ҳисобланадиган бўлса, бу ҳолда унда юксак даражада ривожланган гуруҳ сифатидаги жамоани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар таркиб топади деб тахмин қилишга барча асослар бор. Бундай оилада жамоани психологик жиҳатдан тадқиқ қилишда бир неча марталаб аниқланган социал-психологик ҳодисалар, мисол учун оила барча аъзоларининг жамоадаги шахслараро муносабатларга таъриф беришда муҳим ҳисобланган қадриятларга мўлжалланган бирлиги сифатидаги жипсликдан иборат социал-психологик ҳодисалар ўзини муқаррар равишда намоён қилади, деб фараз қилиш мумкин. Бу оила аъзоларининг оила учун энг муҳим ҳисобланган фикрлари, нуқтаи назарлари, мавқеи, қарашлари бир мунча яқин бўлади, мос келади, деган маънони англатади. Унинг жипслиги моҳияти ҳам ана шундадир. Айни пайтда бу болаларни оилада тарбиялаш самарадорлигининг, яъни унинг энг муҳим вазифаларидан бирини муваффақиятли амалга оширишнинг муқаррар шарти ҳамдир.

Қадриятларга мўлжалланган бирликнинг мавжудлиги оила тарбиясининг энг муҳим принципи, оиланинг жамоа тариқасидаги жиддий хусусияти ҳисобланади.

Биргаликдаги фаолиятда эришилган ютуқ ва муваффақиятсизлик учун масъулият юклашдаги адолатлилик умуман жамоачилик муносабатлар ва шу жумладан, оиладаги муноса-

батларнинг алоҳида ажралиб турадиган хусусиятларидан биридир. Масъулиятнинг айнан ўзига ўхшаш белгилари фақат оиладаги қулай психологик муҳитнинг белгиси бўлиб қолмасдан, балки оилавий жамоа аъзолари сиғишувчанлигининг шарти ҳамдир. Агар одамлар биргаликдаги фаолиятга ҳар бир кишининг қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолашга лаёқатли бўлмаса, бу албатта можаро чиқишига олиб боради, оила жипслигининг негизларини бўшаштириб юборади. Айтилган гаплар оиланинг ҳар қандай аъзосига — қарияларга ҳам, ёшларга ҳам баббаравар тааллуқлидир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, жамоанинг айнан бир хил бўлиб қолиши юксак даражада ривожланган гуруҳ сифатидаги жамоанинг ғоят муҳим белгисидир.

Оилада жамоанинг айнан бир хил бўлиб қолиши болага ҳадеб раҳмдиллик қилаверишдан ва унга ҳамма нарсани раво кўраверишдан ҳам, болага нисбатан худбинларча, ғаразғўйлик билан муносабатда бўлишдан ҳам баббаравар воз кечилишини тақозо этади. Бунда болалар тўғрисида ва уларнинг роҳат-фароғати ҳақида амалий ғамхўрлик ҳамда шу билан бирга ота-оналар мабодо уларнинг ўрнида бўлганларида ўзларига нисбатан қандай талаб қўйишса, худди ана шундай талаблар қўйилиши кўзда тутилади.

Коммунистик ахлоқ принципларига таянадиган ягона маънавий тартиб-қоидалардан келиб чиқилиши керак: уйда ҳам, ишда ҳам ўзингга бошқаларга нисбатан бўлгани каби, бошқаларга эса ўзингга нисбатан бўлгани каби муносабатда бўлиш керак — совет кишининг чинакам коллективчилигига ва ҳақиқий инсонпарварлигига энг юксак даражада мос келадиган муносабатлар тури ана шундан иборатдир.

Социалистик жамиятда ва унинг бўғини сифатидаги оила жамоасида «мен» ва «улар» деган азалий бир-бирига қарама-қарши сўзлар «биз» деган тушунча воситасида чиндан ҳам барҳам топади.

Адабиётлар

Меҳнат коллективлари тўғрисида СССР қонуни. М. Юридическая литература, 1983.

Донцов А. И. Психология коллектива. М., МДУ нашриёти, 1984.

Коллектив и личность. М., Наука, 1975.

Коломинский Я. Л. Психология взаимоотношений в малых группах. Минск, В. И. Ленин номли БДУ нашриёти, 1976.

Психологическая теория коллектива (Под ред. А. В. Петровского). М., Педагогика, 1979.

Коломинский Я. Л. Человек среди людей. Молодая гвардия, 1970.

Левин В. Л. Я и Мы. М., Молодая гвардия, 1969.

7-БОБ
ШАХС

II. 7.1. Психологияда шахс тушунчаси

Меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривож топаётган, бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолиятни амалга ошираётган ва улар билан муносабатга киришаётган киши секин-аста шахсга айланиб бормоқда — моддий дунёни, жамиятни ва хусусан ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгартириш субъектига айланмоқда.

Индивид ва шахс Одам дунёга одам бўлиб келади. Бу таъкид юзаки қарагандагина исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб ва такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган ибора бўлиб туюлади. Гап шундаки, бу ўринда хусусан инсоний белгилар ва фазилатларнинг ривожлантирилиши учун табиий шарт-шароитлар пайдо бўлиши генетик жиҳатдан олдиндан белгилаб қўйилганлиги таъкидланади. Дунёга келаётган чақалоқнинг гавда тузилиши унда тик юриш учун имкониятнинг мавжудлигини тақозо этса, миясининг тузилиши ақли-хушининг ривожланиши учун имконият туғдиради, қўлларининг шакл-шамойили меҳнат қуролларидан фойдаланиш истиқболнинг мавжудлигини кўрсатади ва ҳоказо. Булар билан чақалоқ ўз имкониятлари йиғиндисига биноан одам ҳар қандай ҳолатда ҳам бу хилдаги фазилатлар йиғиндисининг соҳибига айлана олмайдиган ҳайвон боласидан фарқ қилади. Шундай қилиб, юқорида айтилганлар орқали чақалоқнинг инсон зотига мансублиги тасдиқланади ва бу факт *индивид* тушунчасида қайд этилади (бундан фарқли ўлароқ, ҳайвон боласи дунёга келиши биланоқ ва ҳаётининг охирига қадар жонзот деб юритилади). «Индивид» тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашгандир. Янги туғилган чақалоқни ҳам, катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам, ақли заиф овсарни ҳам, ёввойилик босқичидаги қабиланинг вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, конкрет кишини индивид деб атаганда биз жуда кўп нарсаларни айтган бўламиз. Аслини олганда, бу билан унинг потенциал равишда инсон эканлиги айтилгандир.

Унинг бундан кейинги ва ҳатто жуда ҳам умумий тарздаги таърифи фазилатларининг баён этилиши ва изоҳланишини тақозо қилади. Бундай фазилатларсиз у фақат бошқаларга ўхшамайдиган эмас, балки улар каби ҳаракат қилмайдиган, фикрламайдиган, изтироб ҳам чекмайдиган, жамият аъзоси сифатида, тарихий жараённинг иштирокчиси сифатида социал алоқаларга жалб ҳам этилмаган реал киши эмас, балки демографик маълумотномалардаги жонсиз бирлик ҳолида қолади, холос. Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида *социал фазилат* кашф этади, *шахс бўлиб етишади*. Индивид ҳали болалигидаёқ тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар системасига жалб этилади. У бу системани аллақачон тайёр ҳолда учрагади. Кишининг жамиятдаги бундан кейинги ривожланиши муносабатларнинг шу қадар чигалликларини вужудга келтирадигани, бу ҳол уни шахс сифатида шакллантиради.

Психологияда индивид томонидан амалий фаолият ва муносабат жараёнида ҳосил қилинадиган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг индивидга таъсир ўтказиш даражаси ва сифатини белгилайдиган системали тарздаги социал фазилат *шахс* тушунчаси билан ифода этилади.

Индивиднинг алоҳида социал фазилати сифатидаги шахснинг ўзи нима? Энг аввало, агар биз шахс индивиднинг *фазилати* эканлигини тан оладиган бўлсак, бу билан биз индивид ва шахснинг бирлигини тасдиқлаган ва айни пайтда бу тушунчаларнинг бир-бирига ўхшашлигини инкор этган бўламиз (мисол учун, ёруғликни сезувчанлик фотопленканинг хусусияти ҳисобланади, лекин фотопленка — бу ёруғликни сезувчанлик, ёки ёруғликни сезувчанлик — бу фотопленка деган маънони англатмайди). «Шахс» ва «индивид» тушунчаларининг бир-бирига ўхшашлигини барча етакчи совет психологлари — *Б. Г. Ананьев, А. Н. Леонтьев, Б. Ф. Ломов, С. Л. Рубинштейн* ва бошқалар инкор этишади. «Шахс ≠ индивид; бу жамиятда индивид жалб этиладиган ва ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланган муносабатларнинг бутун бир йиғиндиси ичида индивид томонидан эгаллаб олиннадиган алоҳида фазилат, шу муносабатлар «тўлқини» — (Маркс)даги шахснинг моҳияти, демакдир... гарчи тамомила сезгир, жисмий индивид ўзининг барча туғма ва ҳосил қилинган хусусиятлари билан «ғайриҳиссий» фазилатлар соҳиби бўлса ҳам шахс — системали тарздаги ва шунинг учун ҳам «ғайриҳиссий» фазилат ҳисобланади»¹.

Шундай қилиб, шахс социал фазилатни тавсифлаб бера оладиган алоҳида таърифга муҳтождир. Энг аввало, нима сабадан шахс ҳақида индивиднинг «ғайриҳиссий» фазилати тўғрисида гапирилгандек гапириш мумкин эканлигига аниқлик киритиш керак (системали тарзда ва шунинг учун ҳам «ғайри-

¹ Леонтьев А. Н. Избранные психологические произведения. М., Педагогика, 1983, 1-том, 385-бет.

ҳиссий»дир). Ҳз-Ҳзидан равшанки, индивид тамомила ҳиссий (яъни сезги аъзолари ёрдамида идрок этиладиган) хусусиятларга — жисмийликка, индивидуал хулқ-атвор, нутқ, имо-ишора ва бошқа хусусиятларга эгадир. Кишида бевосита Ҳзининг сезгиси шаклида қайд этилиши мумкин бўлмаган фазилатлар қай тарзда намоён бўлади? Қўшимча қийматга — К. Маркс бунни жуада ҳам аниқ-равшан кўрсатиб берган эди — маълум даражадаги «ғайриҳиссий» фазилати бўлиб, уни тайёрланган буюмда ҳеч қанақа микроскоп орқали кўриб бўлмаслиги, лекин унда ишчининг капиталист томонидан ҳақ тўланмаган меҳнати мужассамлашган бўлгани каби шахс Ҳз моҳиятига кўра, ижтимоий ҳисобланган ва индивиднинг ҳаёт фаолияти жабҳаларидан унинг системали тарздаги (ички қисмларга бўлинган, мураккаб) фазилати сифатида Ҳрин оладиган ижтимоий муносабатлар системасини Ҳзида мужассамлаштиради. Улар фақат илмий таҳлил йўли билан топилиши мумкин, уларни ҳис-туйғу билан идрок этиб бўлмайди.

Социал муносабатлар системасини Ҳзида мужассамлаштириш субъект бўлиш деган маънони англатади. Катта ёшдаги кишилар билан Ҳзаро муносабатларга жалб этилган бола даставвал улар фаоллиги объекти тарзида, лекин унга катта ёшдагилар унинг ривожланишидаги етакчи омил сифатида тавсия қиладиган Ҳша фаолият таркибини эгаллаган, масалан, таълим олган ҳолда иш кўради, Ҳз навбатида ана шу Ҳзаро муносабатларнинг субъектига айланади.

Ижтимоий муносабатлар улар субъектининг аллақандай ташқи моҳияти эмас, балки индивиднинг социал фазилати тарзидаги шахснинг бир қисми, йўналиши, жиҳати сифатида намоён бўлади.

К. Маркс шундай деб ёзган эди: «Инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолида у барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир»¹. Агар бошқа барча жонли мавжудотлардан фарқли Ҳлароқ, инсон насл-насабининг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат бўлса, у ҳолда ҳар бир конкрет кишининг моҳияти, яъни шахс тарзидаги алоҳида индивидга хос абстракт субъект сифатида у жалб этиладиган конкрет социал боғланишлар ва муносабатлар мажмуасини ташкил этади. Улар, Ҳша боғланишлар ва муносабатлар, ундан ташқаридадир, яъни ижтимоий ҳаётдадир ва шунинг учун ҳам шахсиз, ҳам обьективдир (қул қулдорга батамом қарамдир) ва шу билан бирга улар шахс сифатида унинг ичкарасида, унинг Ҳзида мужассамдир ва шунга кўра субъективдир (у қулдорни ёмон кўради, унга итоат қилади ёки унга қарши исён кўтаради, умуман унга нисбатан муносабат билдиради, у билан социал жиҳатдан тақозо этиладиган алоқалар Ҳрнатади).

¹ Маркс К. Фейербах ҳақида тезислар, — Маркс К. ва Энгельс Ф. Уч томлик танланган асарлар, 1- том, Т., Ўзбекистон, 1980, 2- бет.

«Индивид» ва «шахс» тушунчаларининг ўхшашлиги эмас, балки бирлиги ҳақидаги фикр қўйидагича тарзда ўртага қўйилиши мумкин бўлган саволга жавоб берилишини тақозо қилади: шахс бўлиб ҳисобланмаган индивиднинг мавжуд бўлиши ёки аксинча индивиднинг конкрет соҳиби сифатида ундан ташқарида ва усиз мавжуд бўлиш факти кўрсатилиши мумкинми? Тахминий тарзда фикр юритилган тақдирда униси ҳам ва буниси ҳам бўлиши мумкин. Агар кишилик жамиятидан ташқарида вояга етган индивидни ҳаёлан тасаввур қилинадиган бўлса, бу ҳолда у биринчи бор одамларга дуч келиб, биологик жонзотга хос индивидуал хусусиятлардан бўлак ҳеч қандай, юқорида айтилганидек, келиб чиқиши жиҳатидан ҳамиша ижтимоий-тарихий характер касб этадиган шахсий фазилатларга эга эканлигини намоён қила олмайди балки теварак-атрофдаги одамлар мабодо уни биргаликдаги фаолият ва муносабат жараёнига «торта олишган» тақдирда уларнинг пайдо бўлиши учун зарур табиий шарт-шароитларгагина эга бўлади. Ҳайвонлар орасида тарбияланган болалар тажрибасини ўрганиш бу вазифани амалга оширишнинг ғоят даражада мураккаблигидан далолат беради. Қаршимизда ҳали шахс сифатида камолатга эришмаган индивид бўлади. Реал индивидни гавдалантирмайдиган шахснинг пайдо бўлиш имкониятлари мавжудлиги муайян истиснолар билан тан олиниши ҳам мумкин.

Мисол учун А. К. Толстой ва ака-ука Жемчужниковларнинг ҳамкорликдаги ижодлари туфайли яратилган Козьма Прутков ана шулар жумласига киради. Э. Войничнинг «Сўна» романидаги қаҳрамон реал индивидни акс эттирмаса ҳам, революцион ёшларда жасурликни, сабот-матонатни, мустаҳкам принципалликни шакллантира борган ҳолда жуда катта таъсир ўтказди.

«Шахсиз индивид» ёки «индивидсиз шахс» вазиятига мурожаат қилиниши шахс ва индивиднинг бирлиги ва айнан бир хил эмаслиги проблемасини тушуниб етиш учун фойдадан ҳоли бўлмаган ҳаёлий экспериментдир.

Шахс индивидлараро муносабатлар субъектидир «Индивид» ва «шахс» тушунчаларининг бир-бирига мос келмаслиги ва айнан ўхшаш эмаслиги фактидан шу нарса аёнки, шахс тушунчаси биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси учун ушбу фаолиятнинг мазмуни, қадриятлари ва моҳияти орқали намоён бўладиган шахслараро барқарор боғланишлар системасидагина англанилиши мумкин. Бундай шахслараро алоқалар реалдир, лекин улар табиатан «ғайриҳиссий»дир. Улар жамоага кирадиган одамларнинг конкрет индивидуал хусусиятлари ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади, лекин уларнинг сабабчиси бўла олмайди. Улар ҳар бир индивидлараро алоқалар системасида ва ундан кенгроқ миқёсда — ижтимоий муносабатлар системасида эгаллайдиган алоҳида мавқеени белгилаб берадиган ана шу шахсий ҳислатларини намоён қила

диган гуруҳ шаклидаги ўша фаолиятнинг алоҳида фазилатини ташкил этади.

Шахсни жамоада шакллантирадиган шахслараро алоқалар, ташқаридан қараганда, конкрет фаолиятга хос муносабат ёки *субъект* — *субъект муносабати* қабилда ёнма-ён мавжуд бўлган *субъект-объект муносабати* шаклида юзага чиқади. Лекин билвосита намоён бўлиш momenti, факти фақат конкрет фаолиятнинг эмас, балки муносабатнинг ҳам энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади. Чуқурроқ ёндашиладиган бўлса, бевосита субъект-субъект алоқаси шунчаки ўзича мавжуд бўлишдан кўра кўпроқ аллақандай объектлар (моддий ёки ҳаёлий объектлар) воситасида намоён бўлиши аниқланади. Бу индивиднинг бошқа индивидга муносабати фаолият объекти (субъект — объект — субъект) орқали намоён бўлади, демакдир.

Ўз навбатида индивиднинг конкрет фаолиятига оид тўғридан-тўғри иши бўлиб кўринган нарса аслида билвоситалик ҳосиласи ҳисобланади. Бунинг устига шахс учун билвосита ифодаланиш бўғини эндиликда фаолият объекти ҳам эмас, унинг конкрет моҳияти ҳам эмас, балки фаолиятда биргаликда иштирок этаётган бошқа бир кишининг шахси ҳисобланадики, у бамисоли фаолият объектини яхшироқ идрок этиш, англаб олиш, ҳис қилиш мумкин бўлган нурнинг аксини синдириб қайтарадиган ускуна сифатида хизмат қилади. Ўзимни безовта қилаётган саволга жавоб топиш учун мен бошқа бировга мурожаат қиламан.

Айтилганларнинг ҳаммаси *шахсни* фаолиятда ва муносабатда таркиб топадиган *индивидлараро* (*субъект — объект — субъектлараро* ва *субъект — субъект — объектлараро*) *муносабатларнинг нисбатан барқарор системаси субъекти сифатида* англаб етиш имконини беради.

Шахс ва индивидуаллик Ҳар бир кишининг шахси унинг индивидуаллигини вужудга келтирадиган ҳислатлар ва фазилатларнинг фақат унга хос бирикувидан таркиб топгандир. *Индивидуаллик — кишининг ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир.* Индивидуаллик темперамент ва характер хусусиятларда, одатларда, устун даражадаги қизиқишларда, билиш жараёнларига оид фазилатлар (идрок, хотира, тафаккур, тасаввур)да, қобилиятларда, фаолиятнинг шахсга хос услубда ва ҳоказоларда намоён бўлади. Зикр этилган психологик хусусиятларнинг бир хилдаги бирикмасини ўзида мужассамлаштирган одам йўқ — инсон шахси ўз индивидуаллиги жиҳатидан бетакрордир.

«Индивид» ва «шахс» тушунчалари бир-бирига ўхшаш бўлмагани сингари, ўз навбатида, шахс ва индивидуаллик ҳам бирликни ташкил қилади, лекин улар бир-бирига ўхшаш эмасдир. Кишининг катта сонларни «ичида» жуда тез қўша олиш ва кўпайтириш каби қобилияти, эпчиллиги ва қатъиятлилиги,

ўйчанлиги, тирноқларини тишлаш одати, бўлар-бўлмасга кула-
вериши ва бошқа хислатлари унинг индивидуаллиги белгиси
сифатида намоён бўлади, лекин булар биргина фаолият ва му-
носабатнинг ана шундай белгиларга эга бўлган индивид кирган
гуруҳ учун муҳим ҳисобланган шаклларида мавжуд бўлмасли-
ги мумкинлиги важдан ҳам унинг шахсига бериладиган таъ-
рифга муқаррар тарзда кирмайди. Агар индивидуаллик белги-
лари шахсларо муносабатлар системасида ифодаланмаган
бўлса, у ҳолда индивид шахсига баҳо беришда муҳим аҳамия-
ят касб этмайди ва ривожланиш учун шарт-шароитларга эга
бўлолмайди. *Муайян социал бирлик учун етакчи фаолиятга*
кўпроқ даражада «жалб қилинган» индивидиал фазилатларги-
на шахснинг хусусан ўзига хос фазилатлари сифатида юзага
чиқади. Мисол учун эпчиллик ва қатъийлик ўспириннинг инди-
видуаллиги белгилари бўлган ҳолда, жумладан, у спортда ра-
йон биринчилигига даъвогар командага қўшилмагунга қадар,
ёки узоқ жойларга туристик саёҳат пайтида у тезоқар ва муз-
дек дарёдан кечиб ўтилишини таъминлаш вазифасини ўз зим-
масига олмагунга қадар унинг шахсини таърифлайдиган белги
сифатида юзага чиқмасдан келди. Кишининг индивидуал ху-
сусиятлари уларга шахс сифатида мазкур киши субъект ҳисоб-
ланган шахсларо муносабатлар системасида зарурат туғил-
гунча маълум бир вақтга қадар «соқов»лигича қолиб кетади.

Шундай қилиб, индивидуаллик инсон шахсига хос фазилат-
ларнинг фақат битта жиҳати бўлиб ҳисобланади, холос¹.

Айнан шу сабабли ҳам педагог учун аҳамиятли бўлган ўқув-
чига *индивидуал ёндашишни* амалга ошириш вазифасини аж-
ратиб кўрсатиш керак. Бу эса ўқувчининг дифференциал-пси-
хологик хусусиятлари (хотираси, диққати температури типи,
у ёки бу қобилиятларининг ривожланганлиги ва ҳоказолар)ни
ҳисобга олишни, яъни ўқувчининг ўз тенгдошларидан н и м а с и
б и л а н фарқ қилиши ва шу муносабат билан тарбиявий
ишни қ а н д а й ташкил этиш кераклигини аниқлашни тақозо
этади. Шу билан бирга индивидуал ёндашув ўқувчига бир-
мунча умумий, шахсий ёндашувнинг бир жиҳати эканлигини
унутмаслик керак. Ўқувчига шахсий ёндошиш ўспириннинг,
ёхуд ёш йигитча, ё қизнинг катта ёшдаги кишилар билан, ўқи-
тувчилар ва ота-оналар билан, ҳар иккала жинсдаги ўз тенг-
дошлари билан, бирга ўқийдиган болалар, кўчадаги ошнолари
ва бошқалар билан индивидларо муносабатлар системасига
жалб этилиши шарт-шароитлари ва ҳолатларини ўрганиш
асосида таркиб топади. Ўқувчилар билан ўқитувчи ўртасида
яхши йўлга қўйилган педагогик муносабат жараёнидагина ўқи-
тувчи у ёки бу боланинг синф жамоасига қанчалик «қўшилиб
кетгани»ни, улар индивидларо муносабатлар иерархиясида

¹ Индивидуалликнинг психологик хусусиятларини кенгроқ тадқиқ қилишга дарсликнинг «Темперамент», «Характер», «Қобилият» деган кейинги учта боби бағишлангандир — А. П.

қандай ўрин эгаллашини, уларнинг у ёки бу тарзда иш тутиш-ларига сабаб нималигини, жамоага жипслашиб кетган ёки унда умуман мослаша олмаган ўқувчи шахсида қандай ўзгаришлар юз бераётганини аниқлаб олади. Ўқувчи шахсига нисбатан унинг муносабатлари системаси субъекти сифатидаги ёндашув ҳам айнан ана шундай шарт-шароитларда рўй беради. Ўқувчининг тафаккури, иродаси, хотираси, ҳис-туйғуларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш билангина чекланмасдан, балки *индивиднинг жамоадаги ва жамоанинг эса унинг шахсидаги мавқеини аниқлашга йўналтирилган ёндашув*гина инсоннинг социал боғланишлар системасининг шахсда намоён бўлиши сифатидаги моҳиятини марксчасига англаб олишга мос келадиган шахсий ёндашув тарзида талқин қилиниши мумкин. Жамоа ўқув фаолияти ва шунингдек, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида меҳнат қилишда иштирок этиш шахсий ёндашувни амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратади.

Агар педагогика ва психологияда индивидуал ёндашув шахсий ёндашувдан ажратилган бўлса, бу ҳолда у боланинг индивидуаллиги хусусиятлари «коллекциясининг тўпланиши»га олиб келадик, бундай «коллекцияни тўплаш» асосида қандай хулосалар чиқариш мумкинлиги тегишли даражада англанилмаган бўлади. Тарбия соҳасида шахсий ёндашувни моҳирона қўллана билган А. С. Макаренко шундай деб ёзган эди: «...инсонни ўрганишди, билиб олишди ва унинг иродаси — А, ҳиссиёти — Б, туйғуси — В деб ёзиб ҳам қўйишди, лекин шундан кейин бу ўлчовларни нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмайди»¹.

Ўқувчининг ҳақиқий муносабатлар системасига кирадиган шахси ҳамisha педагогнинг диққат марказида туриши керак. Ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш эса педагогнинг доимий вазифаси бўлиб қолиши зарур. «...Индивиднинг чинакам маънавий бойлиги тамомила унинг ҳақиқий муносабатлари бойлигига боғлиқдир...»².

II. 7.2. Шахснинг тузилиши

Индивидуаллик билан шахснинг тузилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

«Шахс» ва «индивидуаллик» тушунчалари қанчалик даражада бирликдан иборат бўлганига қарамай, бир-бирига мос келмаслигининг ўзи ҳам шахснинг тузилишини кишининг индивидуал-психологик хислатлари ва фазилатларидан таркиб топадиган аллақандай шакл сифатида тасаввур қилиш имкониятини бермайди. «Шахс» ва «индивидуаллик» тушунчалари (худди «индивид» ва «шахс» тушунчалари сингари) ай-

¹ Макаренко А. С. Художественная литература о воспитании детей.— Соч. М. РСФСР ПФА нашриёти, 1958, V том, 363-бет.

² Маркс К. ва Энгельс Ф. Немис идеологияси.— Маркс К. и Энгельс Ф. Сочинения, 3- том, 36-бет.

нан бир-бирига ўхшайди, деб тан олинадиган ва шахсга табиатан ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида, индивиднинг системаси тарзидаги социал фазилат сифатида қараладиган Ғарб психология фанининг номарксистик йўналишларида шахс билан индивидуалликнинг структураси (яъни тузилиши, ташкил топиши) бир-бирига тамомила мослиги тан олинади. Бундай психологик мактаблар ва йўналишларнинг вакиллари индивидуалликнинг тузилиши аниқ таърифлаб берилса бас, бу кишининг шахсини тўлалигича ўз ичига олади ва таърифлаб беради, деган нуқтаи назарни илгари суришади. Жумладан, психологлар махсус шахсий сўроқномаларни қўллашади (булар синалувчининг ўзига, ўзининг индивидуал-шахсий фазилатларига ўзи баҳо беришини таклиф этадиган саволлардан ташкил топган ўзига хос анкеталардир). Улардаги жавоблар мазмунини таҳлил қилган ва сўроқ натижаларини математик амаллар воситасида қайта ишлаган ҳолда тадқиқотчи бирон бир ҳислатнинг (типнинг) ана шу ҳислатга мос келадиган даражасида намоён бўлишининг соңлар билан ифодаланадиган белгисига эга бўлади. Лекин бундай методлар ёрдамида нари борса кишининг индивидуаллиги тавсифланишини тасаввур қилиш мумкин. Бироқ киши жалб этилган ижтимоий муносабатларнинг «яхлит бирлигида» шахсни ҳар томонлама тавсифлаб бўлмайди.

Ҳақиқатда эса, агар шахс ҳамиша ўзининг конкрет социал муҳити билан «ҳақиқий муносабатлари» субъекти сифатида намоён бўлиши инobatга олинадиган бўлса, «шахснинг тузилишига конкрет социал гуруҳлар ва жамоалар фаолияти ва муносабатида таркиб топадиган ана шу «ҳақиқий муносабатлар» ва алоқалар муқаррар тарзда киритилиши шарт. Сўроқномалар эса кишининг ўзига ҳали шаклланиб бўлмаган социал муҳит шароитидаги, «умуман мавҳум муҳитда»ги ҳолати бўйича берадиган баҳосига мўлжаллангандир. Шахснинг индивидлараро реал муносабатларидан иборат жиҳатини сўроқномаларда акс эттириб ва аниқлаб бўлмайди. Айтиб ўтилганидек, сўроқномалар шахснинг тузилишига умумий таъриф бериш ҳуқуқига даъвогарлик қилар экан, аслида индивидуалликни тавсифлашга, индивидуаллик ҳислатларининг унинг бир асосий белгилари (*омиллари*) атрофида ташкил бўлиш принципларини топишга уринишлар билан чекланади. Мажозий маънода айтганда, индивидуал-психологик ҳислатларининг кенг «коллекцияси» ёрлиқлар тақиладиган («шизотимия — циклотимия», «интроверсия — экстрроверсия», «ҳиссиётлилик — вазминлик» ва ҳоказо) бир қанча «витриналарда» жойлаштирилади.

Жумладан, психологияда индивидуалликнинг кўпгина ҳислатлари — мослашувчанлик, тажовузкорлик, майиллик даражаси, ташвишланиш ва шулар кабилар аниқлангандир. Булар жамланиб индивиднинг ўзига хослигини кўрсатади. Бу психологик ҳодисалар ўз моҳиятига кўра ўзаро муносабатда бўлиб, ошкора ёки ошкора бўлмаган ҳолда аллақандай муҳитнинг

мавжудлигини тақозо этади. Шахс айнан ана шундай муҳитга нисбатан мослашувчанлик, тажовузкорлик ташвишланиш ва ҳоказоларни намоён қилади. Бордию, агар одамларнинг индивидуал фазилатлари бу тадқиқотларда изчил, ўзгарувчан, ранг-баранг мазмунли тарзда намоён бўлса, у ҳолда социал муҳит ўзгармайдиган, шаклланмаган (аморф), мазмунсиз, «умуман муҳит» сифатида тасаввур қилинади. Социал муҳитнинг «шахс — муҳит»дан иборат ўзаро муносабатига қиёсан анъана бўлиб қолган механистик тарзда талқин қилиниши муҳитни ё фаол шахснинг ўз куч-ғайратларини ишга соладиган майдон сифатида, ё худ гуруҳ тарзида шахсга тазйиқ кўрсатувчи куч сифатида изоҳлайди. Шахснинг ва уни қуршаб турган социал муҳитнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг фаол хусусияти тўғрисидаги тасаввур ғарб фанида на шахс психологиясининг назарий қисмлари тўқималарига ва на шахсни тадқиқ этишнинг психологик методларига киритилмагандир.

Лекин социал муҳитга нисбатан «умуман муҳитга» бўлгани каби ёндашув шахс яшайдиган, ҳаракат қиладиган ва ривожланадиган ҳамда социал жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ўзаро муносабатлар системасига даҳли бўлмаган умуман шахс ҳақидаги назарий тасаввурни келтириб чиқарди. Ғарбнинг анъанавий шахс психологияси қурол қилиб олган барча шахсий сўроқномалар ўша шаклланмаган (аморф) социал муҳитга қараб тузилган бўлади.

Шу билан бирга конкрет социал гуруҳ шароитларида индивидуал-психологик фазилатлар шахснинг унга ҳамиша ҳам мос келавермайдиган феъл-атвори шаклида мавжуд бўлади. Кишининг индивидуаллиги биргаликдаги конкрет фаолият ва муносабатнинг гуруҳ ривожланишининг муайян даражаси учун характерли бўлган шароитларида жиддий равишда қайта ўзгаради. Бундай шароитларда индивидуал-психологик хусусият шахсий фазилат, шахслараро муносабатнинг жиҳати сифатида ўзгаради. Бу гипотеза ҳозирги пайтда текширилган ва қатор конкрет илмий ишларда тасдиқланган.

Бир тадқиқотнинг вазифаси, жумладан, юқорида кўрсатилган гипотезани шахснинг ҳислати сифатидаги гапга кўниш (мослашувчанлик) одатига мослаб, шунингдек бунда қарама-қарши ҳодисага гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг ҳодисаси сифатида жамоанинг ўзини ўзи белгилашига мослаб текширишдан иборат қилиб қўйилган эди (II.6.га қarang). Гипотеза тажрибанинг қуйидагича тартибда конкретлаштирилди. Реал тарзда мавжуд бўлган бир қанча гуруҳлар гуруҳ тарзида ривожланишнинг ҳали уюшмаган гуруҳдан тортиб то жамоага қадар даражалар иерархиясини ҳосил қилади. Ҳар бир гуруҳда сингалувчиларнинг учдан бир қисмига яқини, тажриба маълумотларига қараганда, гуруҳнинг уюшганлиги даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда аҳамиятсиз вазиятда мослашувчанликка майиллик кўрсатишди. Шахсий сўроқномаларнинг маълумотлари ҳам ана шундан далолат беради. Ҳамма гап сингалувчилар ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган гуруҳларда жамоанинг ўзини-ўзи белгилаш ҳодисасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тажриба шароитида ўзларини қандай тутишларида эди. Тажриба маълумотлари ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган ва ўзларига нисбатан унча аҳамиятсиз таъсир ўтказилганда гуруҳ тарзидаги тазйиққа кўнади деган хулосага ке-

линган гуруҳларга кирадиган индивидлар жамоанинг ўзини-ўзи белгилаш каби хусусияти борлигини, яъни жамоа қадриятларни ҳимоя қила бориб, гуруҳ тарзидаги таъйиққа ён бермаслик каби қобилияти мавжудлигини кўрсатишини тасдиқлади. Бошқача сўз билан айтганда, гапга кўниш каби индивидуал-психологик фазилат жамоа аъзоси сифатида индивиднинг шахсида тубдан ўзгариб қолиши мумкин.

Бошқа тадқиқотларда киши индивидуаллигининг *экстрапунитивлиги* (ўзининг хусусий муваффақиятсизликлари учун айбни бошқа одамларга ағдариб майли) каби белгиси яхши жамоа аъзосининг феъл-атворига хос бўлиш-бўлмаслиги, яъни бу унинг шахсида муқаррар намоён бўлиш-бўлмаслиги аниқланди. Олдинига махсус шахс тести ёрдамида экстрапунитивлиги яққол сезилиб турган спортчилар (спортнинг ўйналадиган турларига оид командаларнинг аъзолари орасида улар жуда ҳам кўпчилик эди) гуруҳи аниқланди. Индивидуаллигининг ушбу белгиси улар учун етакчи ҳисобланмиш спорт фаолиятида уларнинг шахсига оид фазилатларни аниқ кўрсатиб берадигандек туюлади. Ҳақиқатда эса спортчиларнинг яхши уюшган гуруҳларида (ҳақиқий жамоаларда), шахсий тест маълумотларига биноан экстрапунитив шахслар ўз командаси аъзоларига нисбатан жамоанинг айнан бир хил бўлиб қолишига қаратилган муносабатда бўла бошлашибди (II. 6. га қаранг), яъни шахснинг экстрапунитив белгисига тамомила қарама-қарши фазилатни намоён қилишибди.

Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши индивидуаллигининг тузилишига қараганда кенг эканлиги шубҳасиздир. Шу бонсдан бунга, биринчи навбатда, унинг индивидуаллигини кўрсатадиган ва фақат эҳтиросда, ички қиёфада, қобилиятларда ва ҳоказоларда анча кенг ифодаланадиган фазилатлари ва умумий тузилишининггина эмас, балки шахснинг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган гуруҳларда, ана шу гуруҳ учун етакчи ҳисобланган фаслият орқали ифодаланадиган индивидлараро муносабатларда ўзини намоён этишини ҳам қўшиш шарт. Совет психологияси нуқтан назаридан олганда, *индивидуаллик тарзидаги шахсни* тадқиқ этиш натижасида олинган маълумотлар *индивидларо муносабатлар субъекти сифатидаги шахснинг таърифига бевосита кўчирилиши мумкин эмас*: индивидуал-типик хусусият шахс яшаётган ва шаклланаётган бирлигининг ривожланишига ва индивидлараро муносабатларнинг билвосита ифодаси ҳисобланган фаолиятнинг характери, қадриятлари ва мақсадларига боғлиқ тарзда жиддий равишда турли хил кўринишда намоён бўлади.

Шахсининг тузилишидаги биологик ва ижтимоий омиллар

Инсон шахси тузилишида биологик (табиий) ва ижтимоий омилларнинг ўзаро нисбати масаласи ҳозирги замон психологиясидаги энг мураккаб ва мунозарали масалалардан биридир.

Номарксистик психологияда шахсида иккита омил — *биологик* ва *ижтимоий* омиллар таъсири остида шаклланган иккита асосий кичик структура борлигини алоҳида таъкидлайдиган

назария сезиларли ўрин эгаллайди. Инсон шахсининг ўзи «эндопсихик» ва «экзопсихик» тузилишга бўлинади, деган фикр ҳам илгари сурилди. Шахс тузилишининг кичик структураси сифатидаги «эндопсихика» бамисоли кишининг нерв-психик тузилишига ўхшаш бўлган инсон шахсининг ички механизми каби психик қисмлар ва функцияларнинг ўзаро ички боғлиқлигини ифода этади. «Экзопсихика»нинг ташқи муҳитга муносабати билан, яъни шахс қандай бўлмасин, барибир муносабатга киришиши мумкин бўлган ва шахсга қарама-қарши турадиган тузилишларнинг барчасига нисбатан муносабати билан белгиланади.

«Эндопсихика» мойиллик, хотира, тафаккур ва ҳаёл хусусиятлари, иродавий зўр бериш, ташқи таъсирларга берилувчанлик каби бошқа ҳислатларни, «экзопсихика» эса киши муносабатлари системасини ва унинг тажрибасини, яъни қизиқишларини, мойилликларини, идеалларини, устун даражадаги ҳис-туйғуларини, шаклланган билимлари ва бошқа белгиларини ўз ичига олади. Табиий асосдаги «эндопсихика», ижтимоий омил билан белгиланадиган «экзопсихика»га қарама-қарши ўлароқ, биологик жиҳат билан боғлиқдир. Шахсининг серомиллиги тўғрисида чет элларда мавжуд бўлган замонавий назарияларда шахсининг тузилишини пировард натижада яна ўша асосий ҳисобланмиш биологик ва ижтимоий негизларга боғлиқ қилиб қўйилади.

Икки омилнинг юқорида баён қилинган концепциясига нисбатан қандай ёндашиш керак? Тарихий жараённинг айни бир вақтда ҳам маҳсули, ҳам субъекти бўлган инсон шахси ижтимоий тузилиш билан ёнма-ён жойлашган ва тенг ҳуқуққа эга бўлган биологик тузилишни сақлаб қола олмасди. Индивид ривожланишининг табиий шарт-шароитлари, унинг жисмий тузилиши, нерв ва ички секреция безлари системаси, жисмоний тузилишидаги афзалликлари ва нуқсонлари унинг индивидуал-психологик фазилатлари шаклланишига қатъий таъсир кўрсатади. *Лекин биологик хусусият киши шахсининг таркибига сингиб, ижтимоий омилга айланиб қолади* ва кейинчалик ижтимоий шаклда (психологик жиҳатдан) мавжуд бўлади. Жумладан, мия патологияси индивидда, унинг тузилишида унинг биологик жиҳатлар билан боғлиқ, лекин шахсий белгилари ҳисобланмиш индивидуал психологик ҳислатларни келтириб чиқаради. Улар ижтимоий сабабиятларга (детерминацияга) кўра шахсининг конкрет фазилатларига айланиб қолиши ҳам, айланмаслиги ҳам мумкин. Табиий, таркибий фазилатлар ва ҳислатлар шахс тузилишида унинг қисмлари билан ижтимоий жиҳатдан боғланган тарзда юзага чиқади.

Инсон шахсининг индивидуаллигида унинг табиий, биологик тузилиши ўзининг изини қолдиради, албатта. Гап шахсининг тузилишида биологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиш керакми, ё йўқлиги ҳақида эмас (уларни эътиборга олиш шарт, албатта), балки улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қан-

дай тушунинг кераклиги ҳақидадир. Иккита омил назарияси ижтимоий ва биологик омилларни, муҳит ва биологик тузилишни, «экзопсихика»ни беихтиёр равишда бир-бирига қарама-қарши қўяди. Ҳақиқатда эса бундай ташқи, ўзидан-ўзи бўладиган қарама-қарши қўйиш самарасиздир ва шахснинг тузилишини англаб олиш учун ҳеч бир наф келтирмайди. Лекин шахснинг шаклланиши ва тузилишидаги табиийлик ва ижтимоийлик масаласига бошқача ёндашиш ҳам мумкин.

Бунн бўйи 80—130 сантиметрдан ошмайдиган одамлар шахсига хос белгиларнинг шаклланишини ўрганишга бағишланган тадқиқот мисолида кўриб чиқамиз. Бўйининг пастлигидан бошқа бирон-бир патологик чекланишлари бўлмаган бу одамлар индивидуаллигининг тузилишида анчагина ўхшаш жиҳатдан мавжудлиги аниқланди. Уларда ўзига хос бачкана юмор, мулоҳазасиз некбинлик, самимийлик, анчагина ҳиссий зўриқишни тақозо этадиган вазиятларга юксак сабр-бардошлик, бирон-бир даражада ийманиб ўтирмаслик ва шу каби нарсалар кузатилди. *Шахснинг бу хислатлари пақана кишиларнинг табиий хувусиятлари нағижаси ҳисобланган ҳолда, йўқ деганда, пақаналар билан уларнинг тенгдошлари ўртасида бўйларининг ўсишидаги фарқ билиниб қолган пайтдан бошлаб, пақаналар мавжуд бўлган социал вазият шароитларидагина пайдо бўлиши ва шаклланиши мумкинлиги учун ҳам уларни на «эндопсихика»га, на «экзопсихика»га қўшиб бўлмайди.* Айнан теварак-атрофдагилар пақаналарга нисбатан ўйинчоқ сифатида муносабатда бўлиб, улар ҳам бошқалар сингари сезишлари ва фикр юритишлари мумкинлигини кўриб хайратланишаркан, уларга бошқа одамларга қараганда ўзгача муносабатда бўлишлари сабабли пақаналарда индивидуаллигининг ўзига хос тузилиши юзага келади ва қайд этилади. Агар пақана кишининг бўйи худди шунақа одамлар орасида шаклланади, деб бир дақиқа тасаввур этилади деганда, у ҳолда унда ҳам шахснинг атрофидаги бошқа одамлардаги каби тамомила бошқа белгилари шакллана бошлаши мутлақо равшан бўлиб қолади.

Табиий, таркибий жиҳатлар ва белгилар киши шахсининг индивидуаллиги тузилишида унинг ижтимоий жиҳатдан тақозо этилган қисмлари сифатида мавжуд бўлади. Табиий (анатомик, физиологик ва бошқа фазилатлар) ва ижтимоий хислатлар бирликни ташкил топтиради ва шахснинг мустақил кичик тузилиши сифатида бир-бирига ўзидан-ўзи қарама-қарши қўйилиши мумкин эмас.

Бинобарин, индивидуаллигининг тузилишида табиий, биологик омилларнинг ҳам, ижтимоий омилларнинг ҳам ролини тан олган ҳолда, киши шахсидаги биологик кичик тузилишни фақат шунга асосланиб излаш мумкин эмас. Негаки, унда улар ўзгарган ҳолда аллақачон мавжуддир.

Шахс тузилишининг уч таркибий қисми Шундай қилиб, шахснинг тузилишига, биринчи навбатда, унинг индивидуаллигининг киши эҳтиросининг, ички қиёфасининг, қобилиятларининг тузилишида мужассамлашган, шахс психологиясини англаб етиш учун зарур, лекин етарли бўлмаган *системали тарзда тузилиши* киради. Шу тариқа шахс тузилишининг биринчи таркибий қисми — унинг *индивид ичкарисидаги (интериндивид) кичик система* алоҳида намоён бўлади.

Шахс ўзи бирикиб кетган жамият билан, гуруҳлар билан ҳақиқий муносабатлар системасида субъект бўлиб, индивиднинг органик гавдаси ичидаги аллақандай ёпиқ бўшлиқдагина жой-

лашган бўлиши мумкин эмас, балки у ўзини индивидлараро муносабатлар бўшлиғида намоён қилади. Индивид ўз ҳолича эмас, балки шахслараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ҳеч бўлмаганда иккита индивид (амалда бирлик, гуруҳ, жамоа) жалб этиладиган жараёнлари ана шу ўзаро биргаликдаги ҳаракат иштирокчиларидан ҳар бирининг шахси намоён бўлиши сифатида талқин қилиниши мумкин.

Бунда шахс ўзининг «ҳақиқий муносабатлари» (К. Маркс) системасида бамисоли ўзининг индивиднинг жисмий борлигидан фарқ қиладиган алоҳида борлиғига эга бўлади. Марксча фалсафа нуқтаи назаридан қараганда, шахснинг реал тарздаги мавжудлиги индивидларнинг фаолияти орқали ифода этиладиган конкрет ўзаро муносабатлари мажмуида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам шахс тузилишининг таърифларидан бирини *шахснинг интериндивид кичик системасини* ташкил этиладиган индивиднинг органик тарздаги гавдасидан ташқаридаги «бўшлиқдан» қидириш керак.

Шуниси диққатга сазоворки, шахснинг тадқиқ этилишини индивидлараро «бўшлиққа» кўчириб, юқорида баён этилган жамоага тааллуқли ҳодисалар — жамоанинг ўзини-ўзи белгилаши, жамоанинг айнан бир хил бўлиб кетиши ва ҳоказолар нималардан иборатлиги ҳақидаги саволга жавоб оламиз. Хусусан, булар ўзи нима: гуруҳ тарзидаги кўринишларми, ёхуд шахсий кўринишларми. Шахснинг таърифи ва мавжудлигининг ўзи индивиднинг «териси ичида» қолмасдан, балки индивидлараро «бўшлиққа» олиб чиқилиши биланоқ «индивид» ва «шахс» (ёхуд шахсий, ё гуруҳ тарзидаги) тушунчаларни айнан бир-бирига ўхшатиш нагижасида ҳосил бўладиган сохта альтернативага барҳам берилган бўлади. Шахсий фазилатларнинг намоён бўлиши гуруҳ тарзидаги ўзаро муносабатларнинг намоён бўлиши сифатида, гуруҳ тарзидаги намоён бўлиш эса шахснинг ўзини намоён қилишининг конкрет шакли сифатида юзага чиқади.

Интраиндивид ва интериндивид кичик системалари шахснинг ўзини намоён қилишининг барча жиҳатларини акс эттира олмайди. Шахснинг тузилишини таркиб топтирадиган учинчи бир қисми — *метаиндивид (индивиднинг устки кўриниши)* кичик тузилишини ҳам алоҳида кўрсатиш имконияти мавжуддир. Бунда шахс индивиднинг органик гавдасидан ташқарига чиқарилиб қолмасдан, балки унинг бошқа индивидлар билан «шу ерда ва эндиликда» мавжуд бўлган алоқаларидан ҳам ташқарида жойлаштирилади. Бундай ҳолда субъектнинг ўз фаолияти ёрдамида билиб ё билмасдан бошқа кишиларга ўтказадиган «жамғармалари» психологнинг диққат марказида бўлади. Бу билан индивид шахс сифатида ўзи билан у ёки бу даражада боғлиқ одамларнинг ақлий ва ҳиссий-иродавий жиҳатларида фаол тарзда ҳосил қилинадиган туб ўзгаришлар субъекти бўлиб хизмат қилади. Гап субъектнинг бошқа индивидларга таъсир ўтказиши чоғидагина эмас, балки бевосита бир лаҳзалик

Ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш чегараларидан ташқарида ҳам ўзлигини бошқаларда ўзига хос давом эттиришдек фаол жараён ҳақида бормоқда. Субъектнинг ўзлигини бошқа индивидда давом эттиришдан, бошқа кишиларга ўтказилган «жамғармалар» ҳисобига ўзининг шахс сифатида бошқалар «кўнгилдагидек» ўрнашиб қолишни таъминлашдан иборат бўлган бу жараён персонализация (персонажлаштириш) деган ном олгандир.

Персонажлаштириш ҳодисаси инсониятни ҳаминша тўлқинлантириб келган шахснинг инсонийлиги масаласини изоҳлаб бериш имкониятини туғдиради. Агар инсон шахси унинг гавда сифатидаги субъектда мужассамлашганлиги билан чекланиб қолмай, балки бошқа одамларда давом этадиган бўлса, у ҳолда индивид ўлиши билан шахс ҳам батамом «ўлмайди». А. С. Пушкиннинг «Ой балқиган дунёда бирор банда тирикки... ҳали замон бутун вужудим билан ўлиб кетмасмен», деган сўзларини бир эслаб кўринг-а. Шахснинг ифодачиси сифатидаги индивид ҳаётдан кўз юмади, лекин у бошқа одамларда индивиднинг ҳаёлда мавжудлиги билан унинг моддий жиҳатдан йўқ бўлиб кетганлиги ўртасидаги узилишнинг фожиалилиги изоҳланиши мумкин бўлган қайғу-ҳасратларга олиб келган ҳолда персонажлашган тарзда давом этаверади. «Ўлимидан кейин ҳам у бизнинг орамызда қолади», деган сўзларда ҳеч қандай мутасаввуф нарса, ҳеч қандай соф мажозий маъно яширинган эмас — бу яхлит психологик тузилишнинг бўғинларидан бирининг сақлаб қолингани ҳолда унинг бузиб ташланиши — фактини қайд қилиш демакдир.

Агар биз мазкур индивид ўзининг реал конкрет фаолияти ва муносабати орқали бошқа индивидларда содир қилган ҳамда бошқаларда унинг кўнгилдагидек из қолдирадиган — шахсга хосликни такрорлайдиган даражада жиддий ўзгаришларни қайд эта олган бўлсак, у ҳолда биз унинг айнан шахс сифатидаги анча тўла таърифига эга бўлур эдик. Индивид шахснинг тарихдаги ролига оид марксча концепцияда тасвирлаб берилган муайян ижтимоий-тарихий вазиятдаги тарихий шахс даражасига борди-ю, бу ўзгаришлар фақат замондошларнинг эмас, балки пировард натижада ижтимоий амалиётга жамғарма ҳисобланадиган ана шу шахсний жамғармаларни етарлича аниқ чамалаб кўриш имкониятига эга бўлган тарихнинг ҳам баҳосини олган ҳолда одамларнинг етарли даражада кенг доирасига таъсир кўрсатган тақдирдагина кўтарилиши мумкин.

Агар ҳақиқий шахсни мажозий маънода фаолият орқали ўзлигини намоён қилиш шароитларида ушбу шахс билан боғлиқ одамларни ўзгартириб юборадиган аллақандай кучли радиация манбаи деб (маълумки, радиация фойдали ҳам, зарарли ҳам бўлиши мумкин, даволаши ҳам, дардманд қилиб қўйиши ҳам, тараққиётни жадаллаштириши ҳам, секинлатиб қўйиши турли хилдаги янги аломатларнинг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин ва ҳоказо) талқин қилиш мумкин бўлса, у

ҳолда шахсий таърифи камбағал бўлган индивидни на фойдали ва на зарарли бирон-бир ўзгариш қилмасдан ҳар қандай қалин муҳитга ҳам кириб бора оладиган нейтрон заррачага ўхшатиш мумкин. «Шахснинг қиёфасизлиги» бошқа одамлар учун аҳамияти бўлмаган индивиднинг, уларни «на иситмайдиган ва на совутмайдиган», борлиги ёки йўқлиги уларнинг ҳаётини, хулқ-атворини ҳеч қандай тарзда ўзгартира олмайдиган, на бойитмайдиган ва на қашшоқлаштира олмайдиган, бу билан кўп жиҳатдан уни шахсиз қилиб қўядиган кишининг таърифидир.

Персонажлаштириш ҳодисаси тажриба йўли билан аниқлашиши мумкин. Бу кўплаб тадқиқотларда исботланди.

Масалан, ўқувчига ўзига нотаниш бўлган тенгдошининг фотосуратини кўриш имкониятини бериб, унинг, жумладан, ақлий, иродавий, маънавий ва бошқа ҳислатларига баҳо бериш таклиф этилади. Суратга туширилган номаълум киши бўлиб, унинг юзларидаги белгилар хулосалар чиқариш учун етарли даражадаги ахборотга бой эмаслиги вазидан синалувчилар берадиган баҳолар ҳам тугал ва аниқ бўлмайди. Уни ақлли деб ҳам ҳисоблашмайди, айни пайтда аҳмоқ деб ҳам тасдиқлашмайди ва ҳоказо. Тажрибанинг иккинчи марта такрорланишида бошқа бир ўқувчининг айнан шундай фотосурати тақдим этилади. Лекин энди бунда шу педагогнинг овози ёзилган фонограмма эшиттирилади. Бунда у нимани гапираётгани синалувчи томонидан амалда англаб олинмайди, бунинг устига унинг айтганлари билан портретни баҳолаш юзасидан берилган топириқ ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ. Шундай бўлса ҳам бир педагогнинг овози баҳоларнинг кескин фарқ қилишига олиб келади — нотаниш киши аҳмоқ, жоҳил, айёр ва ҳоказо, ёки аксинча ақлли, меҳрибон, оқ кўнгил ва ҳоказо тарзда баҳоланса, бошқасининг овози баҳоларнинг биринчи тажрибадаги каби аралаш-қуралаш бўлиб қолишига олиб келади. Афтидан, биринчи педагог ўзини шахс сифатида кўпроқ даражада намоён этган, ўз ўқувчиларига персонажлашган бўлса керак.

Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши учта таркибий қисмдан, учта кичик системадан иборатдир: шахснинг индивидуаллиги, унинг шахслараро муносабатлар системасида ва бошқа одамларда гавдаланганлиги ҳамда шахснинг ўзи келиб чиқишига кўра индивидлараро, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлишига барча, учала жиҳатнинг бирлигида таърифланган бўлиши шарт.

Шахсни унинг барча учала кичик тузилиши жиҳатидан таҳлил этишнинг бирлигини унинг *обрў-эътиборлилиги* каби муҳим таърифи мисолида кўриб чиқамиз.

Обрў-эътибор индивидлараро муносабатлар системасида таркиб топади ва гуруҳнинг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда бир хил жамоаларда қатъий авторитаризм, кучлининг ҳуқуқи тан олиниши сифатида афзаллигига кўра «ҳокимият обрў-эътибори» сифатида намоён бўлса, бошқаларида, яъни юксак даражада уюшган гуруҳларда эса «обрў-эътиборнинг» демократик «ҳокимияти» сифатида юзага чиқади. Бунда шахсий хусусиятлар гуруҳга хос хусусият, гуруҳнинг хусусиятлари эса шахсга хос хусусиятлар сифатида (шахснинг *интериндивид* кичик системаси) хизмат қилади. Шахснинг *метиндивид* кичик системаси доирасидаги обрў-эътиборлилик — бу

индивидларнинг аҳамиятга молик ҳолатларда ўзлари учун аҳамиятли қарорлар қабул қила олиш ҳуқуқининг бошқалар томонидан тан олинishi, у ўз фаолияти билан қўшган ҳиссанинг шахсга тегишли фаолиятлари натижасидир. Яхши ривожланмаган гуруҳларда бу унинг аъзолари мослашувчанлигининг натижаси бўлса, жамоа тусидаги гуруҳларда жамоанинг ўзини ўзи белгилаши самараси ҳисобланади. Шундай қилиб, жамоадаги обрў-эътиборлилик — бу субъектнинг аввало бошқаларда (баъзида у ўз обрў-эътиборининг қай даражада эканлигини билмаслиги ҳам мумкин) ва фақат шу муносабат билан субъектнинг ўзида юксак даражада гавдаланганлиги демакдир. Ниҳоят, шахснинг индивид ичидаги «бўшлиғи»да — субъектнинг психологик фазилатлари комплексидир: биринчи ҳолда ўзбошимчалиги, қаттиққўллиги, ўзига ортиқча бино қўйиши, танқидни ёқтирмаслиги бўлса, бошқа ҳолларда — принципаллиги, беҳад ақллилиги, хайрихоҳлиги, меъёрида талабчанлиги (шахснинг интериндивид кичик системаси) ва ҳоказолардир.

Шахснинг метаиндивид кичик системаси кишининг энг муҳим маънавий эҳтиёжларидан бири — *шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжини, яъни ўз фаолияти билан бошқа одамларнинг ақлий ва ҳиссий жабҳаларида улар учун аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар ясашини* бошқалардан кўпроқ даражада ифода этади. Бундай эҳтиёж субъект томонидан англанган ёки англанмаган бўлиши мумкин, бир кишида у анча тезроқ, бошқа бировида эса секинроқ бўлиши, унинг рўёбга чиқарилиши бошқа одамлар учун ижобий ёки салбий оқибатлар келтириши мумкин, ниҳоят, бир кишида бу эҳтиёжларни қондириш учун воситалар мавжуд бўлиши (юксак даражада билимдонлиги, ёхуд ҳиссий оламининг бойлиги, ёхуд турли хилдаги кўплаб малакаларга эгаллиги, ёхуд беҳад мардлиги ва қатъийлиги, ёхуд ана шу фазилатларнинг ҳажми эвазига) мумкин, бошқасида эса бундай воситалар анча чекланган бўлади.

Индивиднинг шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжи конкрет-тарихий шаклда мавжуд бўлиб, синфий мазмунга эгадир. Социализмга қадар бўлган ижтимоий формацияларда бу эҳтиёж фақат ҳукмрон синфларнинг вакиллари томонидан батамом қондирилган бўлиши мумкин эди ва меҳнатқашшларнинг бу каби эҳтиёжи барча усуллар билан тийиб қўйиларди.

Корпоратив тусдаги гуруҳлар ҳар бир киши деперсонализациялаш ҳисобига, бошқа барча одамлардаги шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжи ва қобилиятларини тийиб қўйиш эвазига «шахс» бўлиб етишишга интилади. Тажриба йўли билан ўтказилган тадқиқотлар шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжининг қондирилиши персонажлашган, бошқа кишиларда гавдаланган бўлиш учун қулай шарт-шароитлар ривожланишининг юксак даражасига эришган гуруҳ сифатидаги жамоада яратилишини кўрсатади.

Жамиятда яшаётган кишида таълим ва тарбия бериш тўғри йўлга қўйилган тақдирда ижтимоий фойдали фаолиятда шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжининг шаклланиши ва қондирилиши учун зарур барча шарт-шароитлар таркиб топади. Ўқувчининг шахсини англаб етиш учун педагог ўқувчини синф ва мактаб таркибида бекиниб ётган индивидуал фазилатларнинг «заррачалари»ни қатъий бириктиришда ҳосил бўлган «молекула» сифатида эмас, балки унинг тенгдошлари билан, ота-оналар ва ўқитувчилар билан ҳақиқий муносабатлар системасида ўрганиши керак. Ўқувчи кирган, у ҳаракат қиладиган ва муносабатга киришадиган бошқа одамларнинг ақлий ва ҳиссий жабҳаларини ўзлаштирган ҳолда «ҳиссалар» қўшадиган ва қабул қиладиган ҳамда ўз навбатида улардан «ҳиссалар» қабул қилган ҳолда ўзини ҳам ўзгартирадиган гуруҳни ўрганмай ва англамай туриб, унинг шахсини ўргана олиши ва англаб етиши амримаҳолдир. Шахснинг фаоллиги ва унинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик йўналтирилганлиги хусусияти масалалари ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак.

II. 7.3. Шахснинг фаоллиги ва йўналтирилганлиги

Шахснинг фаоллиги ва унинг ҳаётини позицияси

Кишининг теварак-атрофда муносабат, биргалликдаги фаолият ва ижодий иш жараёнида намоён бўладиган ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришлар қилиш лаёқати шахснинг фаоллиги сифатида тушунилади. Шахс фаоллигининг анча умумий тарздаги, бирикма ҳолидаги таърифи унинг *ғоявий принципаллигида, ўз нуқтаи назарини изчил ҳимоя қила боришида, сўзи билан ишининг бирлигида ифодаланадиган фаол ҳаётини позициясини билдиради.* Жамиятда фаол ҳаётини позиция ижтимоий бурчга нисбатан онгли муносабатда бўлишни, гражданликни, жамоачиликни, фаолиятга нисбатан ижодий муносабатда бўлишни, илмий дунёқарашга таянадиган эътиқодни, ижтимоий-ахлоқий қоидаларнинг бузилишига муросасизликни тақозо этади.

Ижтимоий фойдали фаолиятда *меъеридан ортиқча* деб аталмиш *фаоллик* кишиларга хос фаол ҳаётини позицияда туришнинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Меъеридан ортиқча фаоллик — шахс фаоллигининг ҳали биринчи коммунистик шанбалик учун ва кейинчалик меҳнат зарбдорлари учун, стахановчилик ҳаракати, коммунистик меҳнат бригадалари ва шу кабиларга хос ҳолда намоён бўлишининг социалистик жамиятда рўй берадиган туридир. *Меъеридан ортиқча фаоллик муайян шахс учун қатъиян мажбурий бўлмаган, лекин социалистик жамиятнинг олий мақсадларига ва қадриятларига мос келадиган фаолият кўрсатилишини тақозо этади.* Ҳеч ким ишчига меҳнат ҳуқуқи тартиб-қоидаларига биноан ўзининг кунлик топширигидан ошириб юбориш, келгуси йил ҳисобига иш-

лаш, фақат ўз нормасини эмас, балки цехда ўзи билан бирга ишлаган ва Ватанни ҳимоя қилиш чоғида мардларча ҳалок бўлган ўртоғининг нормасини ҳам бажариш, ўз жамғармаларини Тинчлик фондига, ёдгорлик ўрнатиш учун ҳадя қилиш каби талабларни қўймайди. Буларнинг ҳаммаси меъёридан ортиқча фаоллик туфайли юз беради. Шахс меъёридан ортиқча фаоллик кўрсатган ҳолда ўзининг ижтимоий орзу-истаклари сари олға қадам ташлайди. Шу аснода педагог меъёридан ортиқча фаолликни унинг хўжакўрсин учун намойиш қилинадиган туридан фарқлай билиши керак. Ўзи учун мажбурий бўлган, яъни қоида тарзидаги фаолият ўқишда, меҳнат тайёргарлиги ва ҳоказода етарли даражада фаоллик кўрсатмасдан, баъзи ҳолларда ҳамманинг кўз ўнгиде «меъёридан ортиқча» фаоллиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун уринади. Жумладан, у деворий газета чиқаришни ўз зиммасига олаётиб, эҳтимол, бу билан ўзининг бутун коллективга маълум бўлиб қолаётган фаолиятсизлигини яширишга уринган бўлиши ҳам мумкин. *Меъёридан ортиқча фаоллик меъёридаги (норматив) фаолликдан ҳоли ва ундан ташқарида юз бериши мумкин эмас.*

Шахснинг мослашувчанликка ҳам, хулқ-атворнинг салбий (ноконформлиги) турига ҳам зид бўлган жамоа тарзида ўзини-ўзи белгилаши ҳам унинг фаол ҳаётий позициясидан далолат беради.

Ёш йигит ва қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш ахлоқий тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳозирги пайтда ғарб психологиясида шахсни тадқиқ қилиш ва тушуниш борасида «*инсонпарварлик психологияси*» деб аталмиш психология вакилларининг психоаналитик назариялари ва қарашлари (шахснинг *экзистенциалист* назариялари) энг нуфузли йўналишлар бўлиб ҳисобланади.

Асримиз бошларидаёқ веналик психиатор ва психолог З. Фрейд киши шахси фаоллиги манбаи ва характерининг ўзича талқинини тавсия қилган эди. Унинг кўпчиликл издошлари томонидан маъқулланган нуқтаи назарига кўра, киши унда ҳайвонот дунёсига мансуб аждодларидан мерос қилиб олган инстинктив майллар ва, энг аввало, жинсий инстинкт ва ўзини ҳимоя қилиш инстинкти мавжуд бўлганлиги туфайли фаол эмиш. Лекин жамиятда инстинктлар ўзини ҳайвонот оламида бўлгани каби намоён қила олмайди, негаки, жамият кишини кўплаб чеклашлар турига ўраб ташлайди, унинг инстинктлари ва майлларини «цензура»га рўбарў қилади, бу эса кишини уларни чеклашга, тайилишга мажбур этади. Инстинктив майллар шу тариқа шахснинг англанилган ҳаётидан шармандали бўлган, ман этилган ва обрў-эътиборга путур етказадиган ҳодисалар сифатида чиқариб ташланади ва англанилган соҳасига айланади, «яширин ҳолатда яшай бошлайди», лекин йўқолиб кетмайди. Улар ўзининг ҳаракатланувчи кучини, ўз

фаоллигини сақлаб қолган ҳолда англанилганлик соҳасидан секин-аста кишилиқ маданиятининг турли шакллари ва инсон фаолияти маҳсули тусига кириб (*қисмларга ажратган ҳолда*) шахснинг хулқ-атворини йўналтиришни давом эттираве-ради. Англанилганлик соҳасида инстинктив майллар ўзининг келиб чиқишига боғлиқ ҳолда турлича «*комплекслар*»га бирлашади, бу эса, Фрейднинг ва фрейдчиларнинг таъкидлашларича, шахс фаоллигининг ҳақиқий сабаби бўлиб ҳисобланади. Психологиянинг вазифаларидан биригина мувофиқ тарзда англанилган «комплекслар»нинг аниқланиши ва уларнинг англанишига ёрдам бериши, гўё бу шахснинг ички зиддиятлари юзага чиқиши эҳтимолини (*психоанализ* деб аталмиш метод) барта-раф этади. Масалан, «эдипча комплекс»ни ана шундай қўзғатувчи сабаблар қаторига киригишар эди.

Бунинг маъноси шуки, ҳар бир болада ҳали ёшлигидаёқ гўё қадимги юнон драматурги Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедиясининг асосий мазмунини ташкил этадиган можарони боланинг гафлат остида ўз онаси билан жинсий алоқа қилиб қўйиши ва отасини ўлдиришини эслатувчи фожиали вазият рўй берармиш. Фрейднинг таъкидлашича, тўрт яшар ўғил боланинг онасига нисбатан шахвоний ҳирс қўйиши ва отасининг ўлимини орзу қилиши («эдипча комплекс») бошқа бир куч — яқин киши билан жинсий алоқада бўлганлиги учун даҳшатли жазога тортилиш хавфи («ахталаниш комплекси») билан тўқнаш келади.

Шахснинг бундан кейинги бутун ривожланишини фрейдчилар англанилганлик соҳасига мажбурий тарзда олиб кирилган турли хил «комплекслар» ўртасидаги тўқнашувлар сифатида талқин қиладилар.

Фрейднинг шахс фаоллиги ҳақидаги концепцияси (барча хатоликларга қарамай, унинг ютуғи англанилмаганлик ва мойилликлар жабҳасига эътиборни жалб этганлигида эди) ни хатто боланинг шахвоний истаклари ва қўрқинчлари ҳақида ҳеч нарсага асосланмаган ҳаёлий уйдирмаларини бир чеккага суриб қўйган ҳолда диққат билан қараб чиқилиши бу ерда фаолликнинг ўзи ҳам биологик табиий куч деб тушунилаётганини пайқаб олиш имконини беради. У ҳайвонлар инстинктига ўхшаш, яъни ўзининг барча ўлчовларига, «сублимация»лари («қисмларга ажратилиши») ва унга қарама-қарши қўйилган жамият билан можаролари бўлгани ҳолда ўша ҳайвонлар инстинкти сингари англанилмаган бўлади. Бунда жамиятнинг вазифаси майлларни чеклашдан ва «цензура» остига олишдан иборат бўлиб қолади. Шахс ва унинг фаоллигини бундай тарзда талқин қилиш шахснинг ижтимоий мавжудот эмас, балки биологик жонзот эканлиги ҳақидаги баҳони келтириб чиқаради. Бунда инсон ва жамият бир-бирларига принципиал жиҳатдан ётдир ва уларнинг «уйғун тарзда» муносабат ўрнатишлари фақат бирини иккинчисининг кучи билан бостирилган тақдирдагина, бирининг иккинчиси устидан абадий зўрлиги бўлгандагина, англанилган жабҳанинг исён кўтариши, тажो-

вузга юз тутуши, ички аъзоларнинг касалланиши ва ҳоказолар доимий ҳавф солаётган тақдирдагина мумкин деб фараз қилинади.

Фрейднинг шахс фаоллигини бутунлайича фақат шахвоний хирсга боғлиқ қилиб қўйишга интилиши марксча йўналишда бўлмаган психологларнинг ҳам кўпчилигида эътироз тўғдирди. Бу ҳол классик фрейдизмнинг ва ундан муайян чеклинишларнинг бирикувидан иборат хусусиятга эга бўлган *неофрейдизм* (А. Кардинер, Э. Фромм, К. Хорни ва бошқалар)нинг келиб чиқиш сабабларидан бири бўлган эди. Неофрейдчилар шахснинг фаоллигини тушуниш борасида шахвоний майлларнинг устунлиги фикридан воз кечишади ва инсоннинг биологик мавжудотлигидан четга чиқишади. Шахснинг муҳитга боғлиқлиги биринчи ўринга қўйилади. Бунда шахс гўё уни бенхтиёр белгилайдиган ижтимоий муҳитнинг шунчаки оддий тасвири сифатида намоён бўлади. Муҳит шахсга ўзининг энг муҳим хусусиятлари аксини сингдиради. Улар ана шу шахс фаоллигининг кўринишларига айланади. Масалан, қандай бўлмасин меҳр қўйишларига ва маъқуллашларига муваффақ бўлиш учун интилиш, ҳокимиятнинг, обрў-эътиборнинг ва соҳибликнинг орқасидан қувиш, обрў-эътиборли одамлар гуруҳининг фикрига бўйсунушга ва қабул қилишга интилиш, жамиятдан ўзини олиб қочиш ана шундай кўринишлардир. Бу концепцияларда ҳам шахснинг фаоллиги ҳақиқатга тўғри келмайдиган фикрлигича қолади.

Шахсни ва унинг фаоллигини тушуниш борасида ғарб психологияси (асосан америкапараст психология)нинг бошқа бир назарий йўналиши *«инсонпарварлик психологияси»* биринчи қарашда психоаналитик йўналишга нимаси биландир зид бўлиб кўринади. Лекин кейинчалик улар ўзларининг асосий таърифларига кўра бир-бирларига яқинлашиб кетгани аниқ-равшан бўлиб қолади. Фаолликнинг манбаини кашф этишга уринаркан, ўтмишга боланинг «англанилмаган ҳолатга суриб чиқарилган» таассуротлари ва кечинмаларига мурожаат қиладиган психоаналитиклардан фарқли улароқ ривожланиши К. Роджерс, А. Маслоу, Г. Олпорт ва бошқаларнинг илмий ишлари билан боғлиқ бўлган *«инсонпарварлик психологияси»* келажакка, ўзлигини энг кўп даражада намоён қилишга (ўзини фаоллаштиришга) интилишни шахс фаоллигининг асосий омилли деб ҳисоблайди.

Маслоу, Роджерс ва «инсонпарварлик психологияси»нинг бошқа вакиллари ўзини фаоллаштиришни ўз моҳияти эътибори билан эгоцентрик (ўзини ҳаммадан устун қўйиш) жараёнга айлантириб юборишади. Ўзлигини фаоллаштириш, А. Маслоунинг фикрича, ўзини ва фақат ўзини рўёбга чиқариш учун интилишдирки, бу ижодий фаоллик ва «хусусий Мен»ини тўлақонли намоён қилиш учун интилиш каби фазилатларга эга бўлган «ўзини фаоллаштирувчи шахслар»нинг (А. Маслоунинг фикрича, уларнинг сони унчалик кўп эмас—1 процент атро-

фида бўлади) ўта индивидуаллиги ҳақида далолат беради. Ҳақиқатда эса агар ўзлигини фаоллаштирувчи шахсни ўз ҳатти-ҳаракатлари ва ишлари билан ўзини ижтимоий жиҳатдан шарт қилиб қўйилган алоқалар орқали боғланган бошқа одамларнинг ҳиссий ва ақлий жиҳатларидаги ўзгаришларни таъминловчи сифатида персонажлашувини амалга оширадиган фаолият ва муносабат субъекти тарзида тушуниладиган бўлса, у ҳолда А. Маслоу ва бошқалар томонидан эълон қилинган ўзини фаоллаштириш уйдирмалигидан нари ўтмайди. Ҳайкални ясаётган ҳайкалтарош мрамарда ўз режасини мужассамлаштиришдек ижодий интилишини рўёбга чиқаради ва аввалом бор ўша интилишнинг ўзини англаб етган бўлади. Шахснинг А. Маслоу концепциясига ўхшаш тарзда «ўзлигини намоён этиши» ва «ўзини фаоллаштириши» каби ҳар хил назариялар айнан ана шу моментни ушлаб олади ва шу билан ўралашиб қолади. Бу ҳолда санъаткор нима учун ўз ижодининг маҳсулини иложи борича кўпроқ одамларга ва, айниқса, ўзича «қадрига етмаганлар» деб ҳисоблайдиганларга, яъни ўзининг референт гуруҳига намоён қилишга интилади? Шунчаки ўзлигини намоён қилиш, буюмда рўёбга чиқариш, ниҳоят бунинг учун пул олиш билан ўзининг фаоллаштириш ҳам тугаллангандай бўлиб туюлади. Шубҳасиз, ижодий фаолият субъект-объект (рассом — картина) иши билан тугалланмайди ва мақсад расссомнинг ўзи «бошқалар» ҳисоблайдиганлар учун аҳамиятли бўлган муқаррар персонажлашувини амалга ошириш имконини берадиган субъект-объект-субъектга оид боғланиш (рассом — картина — томошабин) нинг навбатдаги бўғини ҳосил қилинмагунга қадар рўёбга чиқмаган бўлиб қолади.

Лекин, умуман олганда, «инсонпарварлик психологияси» шунингдек, психоанализ назарияси инсон шахсининг моҳиятини унинг фаоллигини ва ҳаракатлантирувчи кучларини изоҳлаб бера олмайди, чунки номарксистик психологиядаги бу йўналишлар нотўғри фалсафий нуқтаи назарларга таянади, бундай нуқтаи назарга таянган ҳолда психология фанининг энг муҳим назарий ва методологик муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Ёлғиз индивиднинг ўзини унга душман бўлган жамиятга қарама-қарши қўйиш шахснинг психоаналитик концепцияларига ҳам, экзистенциалистик концепцияларига ҳам хос хусусиятдир. Ҳақиқатдан ҳам агар шундай бўлса (капиталистик жамиятда эса бу унинг моҳиятига мос келади), у ҳолда шахс учун абадий можародан қутилиш жуда ҳам амри маҳолдир: ёхуд барча шаклларда мослашувчанлик, ёхуд муҳитни хуш кўрмаслик (ундан ўзлигини четга олиш ёки неконформизм юз бериши керак), ёхуд бамисоли бирон бир ташқи нарсага мутелик қилинмаган ҳолда ўзлигини намоён қилишдан иборат ҳаётий режани амалга ошириш мақсадида ўзлигида сақланиб қолиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, бутун куч-ғайратлар шахс яшайдиган ва ҳаракат қиладиган муҳитни ўзгартиришга эмас, балки шахс-

нинг ўзини ўзгартиришга сафарбар этилган бўлади. Шахс билан жамият ўртасидаги зиддиятни абадий сақлаб қолиш йўлидаги номарксча фикрлайдиган барча психологларга хос уринишлар тарихан тушунарли, лекин оқибати асоссиздир.

Дунёни одамларнинг ўзлари ўзгартиришади, лекин бунинг оли равишда амалга ошириш учун *даставвал уни ўзгартиришда, уни қуришда иштирок этишга йўналтирилган бўлиш керакки, бу иш жараёнида шахснинг ўзи ҳам ўзгаради.* Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, совет психологияси марксча-ленинча назарияга таянган ҳолда киши ўз фаоллигини фаолият жараёнида ва, энг аввало, биргаликда фаолият жараёнида намоён қилиши тўғрисидаги қоидани қабул қилади.

Шахснинг йўналтирилганлиги Агар биз киши нима учун фаоллашиб қолаётгани ҳақидаги масалани ҳал этаётиб, нимагадир ёки кимгадир зарурат мавжудлиги ҳолатини ифодалайдиган эҳтиёжнинг фаолликка олиб борадиган моҳиятини таҳлил қилар эканмиз, у ҳолда бундай фаоллик нималар эвазига юз беришини аниқлаш учун унинг йўналиши нима билан белгиланишини, бу фаоллик қаяёққа ва нимага қаратилганлигини таҳлил қилиб чиқамиз.

Масалан, ўқувчи олий ўқув юртига кириб ўқишни давом эттиришни орзу қилади. Лекин бу (кўпчилик ўқувчилар учун умумий бўлган) эҳтиёжнинг ўзи унинг сабаблари ҳақида, яъни ўқувчининг нима учун у ёки бу ҳаракатни (масалан, олий ўқув юртига обрўсизланиб қолмаслик ё ота-онасини ранжитмаслик, ёхуд ўзи ёқтирган ихтисослик бўйича билим ва малакаларни эгаллаш ёки қаерда бўлишидан қатъий назар, ўқишни давом эттириш мақсадида) қилиши ҳақида ҳали бирон маънони аниқламайди. Олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик ҳаракатлари ташқаридан қараганда айнан бир хилда бўлиб туюлиши мумкин, лекин психологик жиҳатдан улар ҳар хил бўлади, негаки уларнинг сабаблари турличадир. Шубҳасиз, шахснинг бундан кейин профессионал камолатга эришиш мотивларининг аҳамияти ҳам келажакда турлича бўлади: бир хил студентлар учун ўқиш ўз шахсини теранлаштириш, билим ва малакаларни эгаллаш йўлидаги босқич бўлиб ҳисобланса, бошқалари учун эса ўқиш истаги шунчаки, ўткинчи майл бўлгани вазидан бирон бир сезиларли из қолдирмасдан ўтиб кетади.

Шахснинг фаолиятини йўналтириб турадиган ва мавжуд вазиятларга нисбатан боғлиқ бўлмаган барқарор мотивлар мажмуи киши шахсининг йўналтирилганлиги деб аталади.

Электр пайвандчи касбининг эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган юқори синф ўқувчиси бу мақсадга юксак даражада мойиллик билдирган ҳолда бундай мойилликни ҳар қандай ва ҳатто бунинг рўёбга чиқарилиши учун ноқулай шароитларда (масалан, ота-оналари фарзандининг мўътабар тасаввурларга мос келадиган бошқа касбни эгаллаши керак, деб ҳисоблаб, мутаассиблик қилишган пайтларда) ҳам сақлаб қолади.

Ўқувчининг хулқ-атворини яхлит ҳолда қараб чиққан ва унинг психологиясини таҳлил этган ҳолда унинг барқарор майлларини аниқлаш лозим. Фақат шундай қилган тақдирда ўспириннинг муайян ҳатти-ҳаракатни тасодифан ёки қонуний

тарзда қилгани ҳақида ҳулоса чиқариш, унинг такрорланиш эҳтимолини олдиндан кўра билиш, шахснинг ҳислатларидан бири пайдо бўлишининг олдини олиш ва бошқаларининг ривожланишини рағбатлантириш мумкин бўлади.

Мотивлар оз ё кўп даражада *англанган* бўлиши ёки умуман *англанилмаган* бўлиши ҳам мумкин.

Шахснинг йўналтирилганлигида *англанган* мотивлар асосий роль ўйнайди.

Киши эҳтиёж объектини мақсад деб англаган ҳолда ўзининг шахсий мақсадларини ўзи кирган жамоанинг мақсадлари билан боғлайди ва ўз мақсадларини тегишли равишда ўзгартиради, мазмунга тузатишлар киритади, ёхуд жамоанинг, жамиятнинг мақсадларига мос келмай қолган тақдирда уларни ниқоблайди.

Киши фаолиятининг натижасини ҳаёлан олдиндан белгилаб берадиган мақсаднинг ўзигина эмас, балки ушбу мақсад аҳамиятига молик объектда рўёбга чиқишининг реаллиги ҳам англанилган бўлса, бу ҳол шахснинг истиқболи деб қаралади. А. С. Макаренко шундай деб ёзган эди: «Ўз хулқ-атворини жуда ҳам яқин истиқболга қаратиб белгилайдиган киши энг ожиз киши ҳисобланади. Агар у гарчанд узоқни кўзлайдиган бўлса ҳам, фақат хусусан ўзининг истиқболи билан қаноат ҳосил қиладиган бўлса, уни кучли деб фараз қилиш мумкин, лекин у бизда шахснинг гўзаллиги ва унинг ҳақиқий кадр-қиймати ҳақидаги ҳис-туйғуни ўйғота олмайди. Истиқболлари киши учун шахсий истиқбол ҳисобланадиган жамоа қанчалик улкан бўлса, киши ҳам шунчалик гўзал ва улугвор бўлади»¹.

Жамоа билан ва шу аснода алоҳида ҳар бир ўқувчи билан иш олиб борадиган педагогнинг вазифаси шунга кўра мавжуд истиқболлардан фойдаланиш ва уларни аста-секин янада қимматлироқлари билан алмаштириш йўли билан янги истиқболлар яратишдан иборат бўлади.

Истиқболи англайдиган кишига хос таъби хиралик, кечинмаларга қарама-қарши ўлароқ руҳсизлик ҳолати *фрустрация* деб аталади. Бу *киши мақсадига эришиш йўлида реал тарзда бартараф этиб бўлмайди деб ҳисобланган ёки шундай деб идрок этиладиган тўсқинликларга, ғовларга дуч келган ҳолларда* юз беради.

Фрустрациянинг юз бериши шахснинг хулқ-атворида ва унинг ўзини англашида турли хил ўзгаришларга олиб келади.

Кизиқишлар *Кизиқиш — бирон бир соҳада тўғри мўлжал олишга, янги фактлар билан танишишга, воқеликни анча тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир.* Индивид учун кизиқиш, субъектив тарзда олганда,

¹ Макаренко А. С. Методика организации воспитательного процесса.— Соч., М., Изд-во АПН РСФСР, 1958, V том, 74-бет.

билиш жараёни тусини кашф этадиган ижобий ҳиссий оҳангда, объект билан чуқурроқ танишишга, у ҳақда кўпроқ билиш, уни англаб етишга бўлган истакда намоён бўлади.

Қизиқишнинг фаолият жараёнларидаги роли бениҳоя каттадир. Қизиқишлар шахсни ўзида билим олиш ва англаб етиш борасида ҳосил бўлган иштиёқни қондириш йўллари ва усуллари фаол тарзда излашга мажбур этади. *Шахснинг йўналтирилганлигини ифодалайдиган қизиқишнинг қондирилиши, одамда, унинг сўнишига олиб келмайди*, аксинча, уни қайта қурган, бойитган ва чуқурлаштирган ҳолда билиш фаолиятининг янада юксак даражасига мос келадиган янги қизиқишларни келтириб чиқаради.

Тарихга қизиқадиган ўқувчи тўғарақда ўз шахрининг ўтмиши ҳақида маъруза билан чиқаркан, маърузасининг мазмунини ташкил этган фактларнинг муайян гуруҳига нисбатан қизиқишнинг шу билан чеклаб қўймайди, балки бу қизиқиш янада ортади, у ўлкашунослик муаммолари асосий ўрин олган анча кенг доирадаги масалаларга ҳам қизиқа бошлайди.

Шундай қилиб, *қизиқишлар билишнинг доимий қўзғатувчи механизми сифатида намоён бўлади*.

Қизиқишлар мазмунига, мақсадларига, миқёси ва барқарорлигига кўра тасниф қилиниши мумкин.

Қизиқишларнинг мазмун жиҳатидан фарқи билиш эҳтиёжларининг объектларини ва уларнинг мазкур фаолият мақсадлари учун ва, кенгроқ қилиб олганда, шахс мансуб бўлган жамият учун реал аҳамиятини кўрсатади. Кишида кўпроқ нимага қизиқиш пайдо бўлиши ва унинг билиш эҳтиёжлари объектининг ижтимоий қиммати психологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Мактабнинг энг муҳим вазифаларидан бири— ўсмирлик ёки ёшларнинг фаол билиш ва меҳнат фаолиятига рағбатлантирадиган ва мактабдан ташқарида ҳам сақланиб қолиши мумкин бўлган жиддий ва сермазмун қизиқишларини уйғотишдан иборатдир.

Қизиқишларнинг мақсад жиҳатидан фарқи *бевоСИТА ва билвосИТА* намоён бўладиган қизиқишларнинг борлигини аниқлайди. Билвосита қизиқишлар аҳамиятга молик объектнинг ҳиссий жиҳатдан жозибалилиги туфайли юзага келади. («Буни билиш, кўриш, англаб етиш мен учун қизиқарли» — дейди киши.) Билвосита қизиқишлар бирон бир нарса (масалан, таълим олиш)нинг реал ижтимоий аҳамияти билан унинг шахс учун субъектив аҳамияти бир-бирига мос келган. (Бундай ҳолда киши: «Бу мени қизиқтиргани учун ҳам қизиқарлидир!» — дейди) тақдирда пайдо бўлади. Меҳнат ва ўқиш фаолиятида ҳамма одам ҳам бевоСИТА ҳиссий жозиблага эга бўлавермайди. Шунинг учун ҳам меҳнат жараёнини онгли ташкил этишда етакчи роль ўйнайдиган билвосита қизиқишларни таркиб топтириш муҳимдир.

Қизиқишлар ўзининг кенглиги бўйича ҳам фарқ қилади. Бир хил одамларда қизиқишлар бир соҳага қаратилган бўли-

ши мумкин, бошқаларда эса барқарор аҳамиятга эга бўлган кўплаб объектларга бўлинган бўлади. Қизиқишларнинг тарқоқлиги кўпинча шахснинг салбий ҳислати сифатида юзага келади, лекин айни чоғда қизиқишларнинг кенг миқёслилигини камчилик тариқасида талқин қилиш нотўғри бўлур эди. Шахснинг кўнгилдагидек ривожланиши, кузатишлар кўрсатганидек, қизиқишлар миқёсининг тор эмас, аксинча кенг бўлишини тақозо этади.

Қизиқишлар барқарорлиги даражасига кўра ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Қизиқишнинг барқарорлиги унинг нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши узоқ давом этиши билан ифодаланади. Шахснинг асосий эҳтиёжларини энг кўпроқ даражада намоён қиладиган ва шу боисдан ҳам унинг психологик тузилишига хос ҳислатларга айланиб қоладиган қизиқишлари барқарор ҳисобланади. Барқарор қизиқиш каби қобилиятлари уйғонишининг бир кўриниши бўлиб, шу жиҳатдан ҳам муайян даражада муҳим қимматга эгадир.

Қизиқишларнинг баъзан барқарор бўлмаслиги катта ёшдаги ўқувчиларнинг ёш хусусияти ҳисобланади. Уларда қизиқишлар кўпинча гоёт эҳтиросли, лекин қисқа муддатли бўлади. Масалан, бир вақтнинг ўзиде улар математика, тарих, фалсафа, психология ва логикага қизиқишлари мумкин. Бундай болалар ҳамма нарсага қизғин киришиб, масалага ҳали чуқур кириб бормасдан, бошқа нарсалар билан қизиқиб кетадилар. Ҳар хил машғулларга нисбатан ўспиринлик ва ёшлик чоғида гоҳ алангаланиб, гоҳ сўниб турадиган қизиқишлар ёшларнинг ўз истеъдодларини жадал рўёбга чиқаришини таъминлайди ва қобилиятларининг намоён бўлишига ҳамда ўз самарасини кўрсатишига ёрдам беради. Педагогларнинг вазифаси ёшларни албатта аввал қизиқиш уйғотган иш билангина машғул бўлишга мажбур этишдан иборат эмас, балки унинг қизиқишларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришдан, уларнинг таъсирчанлигига эришишдан, уларни умуман бола қизиқишларининг ўзагини ташкил этадиган фаолият билан машғул бўлишга интилишга, майлга айлантиришдан иборат бўлиши керак.

Қизиқишлар — шахс фаолиятини асослашнинг бирдан-бир эмас, лекин муҳим жиҳатидир. Хулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири эътиқоддир.

Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши — *Эътиқод — шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда иш кўришга даъват этадиган мотивлар системасидир. Эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни — бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиши демакдир. Бу билимлар нуқтаи назарлар (фалсафий, эстетик, ахлоқий, табиий-илмий ва ҳоказолар) нинг тартибга солинган ва ички уюшган системасини ташкил этган тақдирда кишининг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мумкин.*

Дунёқараш синфий характерга эга. Марксча дунёқараш — чинакам илмий дунёқараш бўлиб, у одамларнинг ижтимоий ҳаёт қонунларини тўғри тушунишни таъминлайди.

Совет психологияси коммунистик тарбиянинг таъсири остида дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини ўрганади, ижтимоий тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланиши секин-аста қандай таркиб топишини, ахлоқий принципларнинг, дидларнинг, табиат ҳодисаларига асосий қарашларнинг шаклланиши қандай юз беришини ва ҳоказоларни аниқлайди.

Эътиқодларнинг эволюцияси энг аввало уларнинг мазмуни томонларига тааллуқлидир. Уларда шахснинг дунёқарашини ифода этадиган хислатлар кўпроқ даражада намоён бўла бошлайди. Кишининг фикрлари ва ғоялари, принциплари унинг бутун ҳаёти мазмуни билан, унинг ўзлаштирган билимлари билан белгиланади, унинг қарашлари системасига зарур таркибий қисм сифатида кирган бўлади, киши учун алоҳида шахсий моҳият касб этади ва шунинг учун ҳам у бу фикрлар ва принципларни қарор топтиришга, уларни ҳимоя қилишга, уларни бошқа одамлар ҳам маъқул кўришларига эришиш учун қатъиян эҳтиёж сезади.

Ўз мазмунига кўра коммунистик дунёқарашнинг қисмлари бўлган адабиёт, санъат, ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш фаолияти соҳасидаги кенг доирадаги масалаларни ўз ичига оладиган эътиқодларнинг мавжудлиги киши шахсининг фаоллиги даражасининг юксаклиги ҳақида далолат беради.

Шахс фаоллигининг ривожланиш даражаси ва йўналтирилганлиги характери ҳар хил одамларда ҳар хил бўлади. Кўпинча киши у ёки бу можаровий вазиятларда ўзини қандай тутиши кераклигини билади, мунозарада қандай нуқтаи назарни маъқуллаш зарурлигини билади ва лекин бундай билимни ҳаётида қарор топтиришга эҳтиёж сифатида ҳаёдан ўтказмайди. Шахс билимларининг, эҳтиёжларининг ва мотивларининг бир-бирига мувофиқ келмай қолиши эътиқодлар соҳасидаги нуқсонга айланади. Бундай кишининг сўзи билан иши кўпинча бир бўлмайди: унинг билимлари билан хулқ-атворида бирлик бўлмайди, позицияси ўзига хос «иккиёқлама ахлоқ» дан таркиб топганлиги учун у фаол ҳаётий позицияда тура олмайди. Бошқача сўз билан айтганда, унинг ҳақиқий эътиқоди у теварак-атрофдагиларга эълон қилгани ва намоёиш этганидан тамомила фарқ қилади. Бунинг англаган ҳолда у ўзини баркамол, принципиал киши қилиб кўрсатиш учун куч-ғайрат сарфлаши мумкин.

Ҳозирга қадар сўз юритилаётган мотивлар, аввало, а н г л а н и л г а н л и г и билан характерланади. Бошқача қилиб айтганда, мотив (сабаб)лар пайдо бўладиган киши уни фаоллигига нималар даъват этаётганини, унинг эҳтиёжлари қандай маъно касб этишини билади. Лекин барча мотивлар ҳам бу катего-

рияга киравермайди. Инсон ишлари ва хатти-ҳаракатлари сабабиятининг анчагина аҳамиятга молик жабҳаси англанилмаган мотивлардан таркиб топади. Энди ана шуларни кўриб чиқамиз.

Шахснинг йўл-йўриқлари

Психологияда шахснинг йўл-йўриқлари унинг у ёки бу эҳтиёжи қондирилишига ёрдам бериши мумкин бўлган фаолиятга тайёрлигининг, мойиллигининг ўзи томонидан англанилмайдиган ҳолатини белгилайди. Йўл-йўриқ объектни айнан муайян тарзда идрок этиш, тушуниб етиш ва англаб олиш ёки у билан иш куришга утмишдаги тажрибада шаклланган шайлик ва мойилликдан иборатдир. Д. Н. Узнадзе ва унинг ходимлари ўтказган ажойиб тадқиқотлар шахс хулқ-атворини белгилайдиган қайд этилган йўл-йўриқларнинг шаклланиш жараёнини кўрсатиб берди.

Масалан, биринчи синф ўқувчиларининг муаллимага нисбатан унинг ҳар қандай кўрсатмасини бажаришга шайлиги шаклида намён бўладиган йўл-йўриқлари ана шундайдир. Бунда муаллиманинг ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, бирон бир бошқа кишида намён бўлганида болаларнинг қарши ҳаракатини кўзғатиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам ҳеч қандай танқидий ёндашиш бўлмайди.

Кўпгина йўл-йўриқларнинг моҳиятини ташкил этадиган ноҳолслик ё кишининг шахсий тажрибасидаги баъзи фактлардан шошилиш ва етарли даражада асосланмаган хулосалар чиқарилишининг оқибати ҳисобланади, ёхуд бу тафаккур стереотипларининг — муайян ижтимоий гуруҳда қабул қилинган стандартлаштирилган мулоҳазаларнинг натижаси бўлади.

Ижтимоий ҳаётнинг турли фактлари (ҳодисалар, одамлар ва бошқалар)га нисбатан йўл-йўриқлар *ижобий* бўлиши ҳам (врачнинг барча кўрсатмаларини бажонидил ва аниқ бажарадиган бемор умуман тиббиётга ва қолаверса, уни даволаётган докторга нисбатан ижобий муносабатга асосланадиган йўл-йўриққа амал қилади) ва нотўғри тушунча тусини олган ҳолда *салбий* бўлиши ҳам мумкин.

Негрларнинг маънавий фазилатлари, уларнинг ақлий қобилиятлари, «шаҳвоний тажовузкорлиги» ва ҳоказолар хусусидаги баҳолар Америка Қўшма Штатларида негр аҳолиси таққирланиб келаётганлиги вазияти нотўғри тушунчаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлгандир. Бу ҳилдаги нотўғри тушунчалар ирқчиларнинг хулқ-атвори ва тафаккурига хос нарсалардир. Бунда ирқчи ўзининг нотўғри фикр юритаётганини, одатда, англаб етмайди, балки ўз хулқ-атворининг унга маълум бўлган қандайдир фактларни ҳолисона ва мустақил тарзда баҳолаш оқибати сифатидаги натижаси деб қарайди. Айрим ҳолларда ушбу англанилмаган йўл-йўриқ (янглиш фикр) эътироз билдириб бўлмайдиган бирон бир факт (масалан, негр ўз ҳаётини хавф остида қолдирган ҳолда ўша ирқчининг фарзанди ҳаётини сақлаб қолади) билан очиқдан-очиқ зид қилиб қолади, лекин бу негрларга қарши тарғиботнинг бутун системасига биноан ўтказиб келинаётган ирқчилик йўл-йўриқларининг ўзгариши учун ҳали асос бўла олмайди (боланинг халоскорига мустасно тарзда қаралади ҳолос).

Йўл-йўриқлар кўп ё оз даражада англанилмаган бўлиши мумкин. Киши аввалига англанилмаган йўл-йўриқ сифатида хизмат қилиб келган нуқтаи назарини яхшироқ англаб олиши ва уни баён этиб бериши лозим бўлган айрим пайтларда у эътиқод, яъни фаолиятнинг тамомила англанилган мотиви сифатида намоён бўлади.

Психологик тадқиқотлар йўл-йўриқнинг тузилиши учта таркибий қисм (кичик тузилиш) дан иборатлигини кўрсатди, Булар: кишининг билиб олишга ва идрок этишга тайёр қиёфа (образ) дан иборат бўлган *когнитив* (лотинча *cognitio* — билиш деган сўздан олинган) *кичик тузилиш*, йўл-йўриқ объектига нисбатан хайрихоҳлик ва хуш кўрмаслик ҳислатлари комплексидан иборат бўлган *ҳиссий-баҳолаш кичик тузилиши*, йўл-йўриқ объектига нисбатан муайян тарзда ҳаракат қилишга, иродавий куч-ғайратларни сафарбар этишга шайликдан иборат бўлган *хулқ-атвор кичик тузилишидир*.

II. 7.4. Шахснинг ўзини англаб етиши

«Мен»нинг кашф этилиши Киши ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланган муносабатлар системасига кирган, одамлар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилган ва муносабатда бўлган ҳолда ўзини атроф-муҳитдан алоҳида ажратиб кўрсатади, ўзининг жисмоний ва психик ҳолати, ҳаракатлари ва жараёнларининг субъекти сифатида ҳис этади, ўзи учун «бошқаларга» қарши турган ва айни чоғда улар билан узвий боғлиқ бўлган «Мен» сифатида намоён бўлади. Субъектив равишда хусусий «Мен»нинг мавжудлигини ҳис қилиш, аввало, кишининг ҳозирги пайтда, ўтмишда ва келажақда ўзига айнан ўхшаш бўлишини тушуниб етишида ифодаланади. Бугунги «Мен» менинг ҳолатимнинг ҳар қандай янги ва кутилмаган вазиятларда ҳар қанча ўзгариши мумкин бўлган тақдирда ҳам, менинг ҳаётим, менинг онгим, қарашларим ва йўл-йўриқларим ҳар қанча қайта қурилган тақдирда ҳам ўшакеча яшаган ва эртанги кунга қадам қўйгандан кейин бўлажак кишининг ўзини билдирадиган «Мен» нидемақдир. Айрим психик касалликларнинг аломатларидан бири кишининг ўзига айнан ўхшамай қолишидан, хусусий «Мен» ини йўқотиб қўйишидан иборатдир.

Ўз «Мен»ининг мавжудлигини ҳис қилиш шахснинг ҳали чақалоқлиги пайтидаёқ бошланадиган ва узоқ давом этадиган ҳамда совет социологи ва психологи И. С. Кон «Мен»нинг кашф этилиши» деб жуда ўринли атаган шаклланиш жараёнининг натижаси ҳисобланади. Бир яшарли бола ўз танасининг сезгирлиги undan ташқаридаги буюмлар туфайли ҳосил бўладиган сезгилардан фарқини англай бошлайди. Сунгра 2—3 ёшида бола буюмлар билан ўз хусусий ҳаракатлари жараёни ва натижасида ҳосил бўладиган хурсандчиликнинг катта ёшдагиларнинг конкрет ҳаракатларидан фарқини ажратади ва

катталарга қарата: «Йўқ, мен ўзим қиламан!» дейди. У энди ўзини атрофдаги муҳитдан фақат алоҳида ажратиб олган ҳолда эмас, балки ўзини бошқаларнинг ҳаммасига қарама-қарши («Бу сеники эмас, меники!») қўйган ҳолда ўзини биринчи марта ўзининг хусусий ҳаракатлари ва хатти-ҳаракатлари субъекти (боланинг нутқида шахсий олмош пайдо бўлади) сифатида англай бошлайди. Болаларда боғча билан мактабга бориши оралиғида ва бошланғич синфларда катта ёшдагилар, ота-оналар ва ўқитувчилар ёрдамида ҳали ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларининг сабабларини англаб етиш даражасида («Мен ҳаммасидан «беш» олиб келганман, математикадан эса «уч» қўйишган, сабаби мен доскадан нотўғри кўчирарканман. Эътиборсизлигим учун Анна Петровна неча марталаб менга «икки» қўйган») ўзининг психик ҳислатларига баҳо бера олиш имкониятлари (хотира, тафаккур ва ҳоказолар) пайдо бўлади. Ниҳоят, ўспиринлик ва ёшлик даврида ижтимоий ҳаётга ва меҳнат фаолиятига фаол қўшилиб кетиш натижасида ўзига ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан баҳо беришнинг кенгайтирилган системаси шакллана бошлайди, ўзини англаб етиши тугалланади ва «Мен»нинг сиймоси асосан таркиб топади.

«Мен»нинг сиймоси

Маълумки, ўспиринлик ва ёшлик йилларида ўзини тарбиялашга, ўзининг ҳаётдаги ўрнини ва теварак-атрофдагилар билан муносабатлар субъекти сифатида ўзини англаб етишга интилиш кучаяди. Ўзини англашнинг юзага чиқа бошлаши ана шу билан боғлиқдир. Катта ёшдаги ўқувчиларда ўз хусусий «Мен»нинг сиймоси шакллана боради («Мен-сиймо», «Мен-концепция»). *«Мен»нинг сиймоси — индивиднинг ўзи ҳақидаги нисбатан барқарор, кўпроқ ёки озроқ даражада англанилмаган, бетакрор деб ҳис қилинадиган тасаввурлар системасидирки, индивид бошқалар билан ўзаро биргалликда ҳаракат қилишда ана шунга асосланади.* «Мен» сиймосига кишининг ўзига нисбатан муносабати ҳам қўшилади: киши ўзини иззат қилган ёки ўзидан нафратланган, севган ва ёмон кўрган, ҳатто ўзини тушунган ва тушунмаган ҳолда ўзига амалда бошқа бировга қандай бўлса, худди шундай муносабатда бўлиши мумкин — индивид ўзида ўз ҳаракатлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқа бировда мужассамлашгани сингари мужассамлашади. Шу аснода «Мен»нинг сиймоси шахс тузилишининг таркибига қўшилиб кетади. У кишининг ўзига нисбатан йўл-йўриғи сифатида юзага чиқади. Ҳар қандай йўл-йўриқ каби «Мен»нинг сиймоси учта компонент (таркибий қисм)ни ўз ичига олади. Биринчидан, *когнитив таркибий қисм:* кишининг ўз қобилиятлари, ташқи қиёфаси, ижтимоий аҳамияти ва ҳоказолар ҳақидаги тасаввури. Буюмларга ҳирс қўйган оилада вояга етган ўспирин ўзининг «Мен-сиймоси»да унинг тасаввурида кўзга ташланиб турадиган фирма ёрлиғи бўлган джинси шим туфайли орттириладиган савлатлиликни биринчи ўринга қўяди. Унинг бошқа бир тенг-

доши стол тенниси бўйича район биринчилиги учун мусобақаларда эришилган унутилмас ғалабани ана шундай деб ҳисоблайди. Учинчиси эса ўша мусобақаларда унинг учун фожиали мағлубиятни ҳамда ҳақиқатан ҳам қийналиб ўқийдиган физика ва математикани ўзлаштиришда қийналаётганлигини биринчи ўринга қўяди. Иккинчидан, *ҳиссий баҳолаш таркибий қисми*: ўзини ҳурмат қилиши, ўзига танқидий нуқтаи назардан ёндашиши, ўзинигина севиши, ўзини ерга уриши ва ҳоказолар, Учинчидан, *хулқ-атвор (иродавий) таркибий қисми*: сени тушунишлари учун интилиш, ўртоқларининг ва ўқитувчиларнинг хайрихоҳлигини, ҳурмати қозониш, ўз мавқеингни кучайтириш ёки сезилмасдан қолиш истаги, баҳо бериш ва танқид қилишдан тийилиш, ўзининг камчиликларини бекитиш ва ҳоказолар.

«Мен»нинг сиймоси» — ижтимоий муносабатнинг ҳам шартшароити ва ҳам оқибатидир. Психологлар кишида амалда биргина унинг «Мен»и сиймосини эмас, балки навбатма-навбат гоҳ ўзини англашни, гоҳ муайян вазиятда ўзининг аҳамиятини йўқотадиган ижтимоий ўзаро биргалликдаги ҳаракатни қўядиган ва бир-бирининг ўрнини эгаллаб турадиган кўплаб «Мен-сиймо»лар бўлишини қайд этишади. «Мен-сиймо» индивид шахсининг турғун ҳолатда эмас, балки жадал ҳолатда таркиб топишини билдиради.

«Мен-сиймо» киши ҳис қилиши чоғида ўзининг ўзи тўғрисидаги тасавури тарзида ҳис этилиши мумкин. Психологияда бу одатда «реал тарздаги Мен» деб белгиланади, лекин, эҳтимол, уни субъектнинг бир лаҳзалик ёки «одатдаги Мени» деб аташ тўғрироқ бўлур эди. Успирин пайти келиб «Мен ўзимни ўзим ёмон кураман» деб гапирганда ёки ўйлаганда, баҳо беришда ўспиринликка хос ҳаддан зиёд талабчанликнинг бундай кўриниши ўқувчининг «Мен-сиймоси»га бериладиган барқарор таъриф сифатида тушунилмаслиги керак. Салгина вақтдан кейин унинг ўзи ҳақидаги тасавури қарама-қарши томонга ўзгариб қолиши ҳам эҳтимолдан кўра ҳақиқатга яқинроқдир.

«Мен-сиймо» шу билан бир қаторда субъектнинг «идеал Мени» ҳамки, бу унинг фикрича, жамиятнинг тартиб-қондаларига ва теварак-атрофдагиларнинг истақларига мос келадиган бўлиб етишишини англатади. Ўқувчининг «идеал Мени» бадний адабиёт, кино, телевидение таъсири, ўз замондошлари — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлари, Гражданлар ва Ўлуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳикоялари таъсири остида жуда эрта шакллана бошлайди. «Идеал Мен» шахсининг ўзини-ўзи тарбиялашда муқаррар ориентир бўлиб хизмат қилади. Педагог ушбу ориентирнинг характери ва таъсирчанлигини аниқлай борган ҳолда тарбияланувчига жиддий таъсир ўтказиш имконига эга бўлади. Бунда ёш йигитча ёки қизча ўз ҳаётини йўлга қўйиш учун идеал сифатида қандай

идеалга қараб мўлжал олишини билиш муҳимдир. Чунки бу намуналарнинг ижтимоий қиймати жуда ҳам фарқ қилади ва уларнинг сабабий аҳамияти эса жуда буюқдир.

«Мен-сиймо» ҳосил бўлишининг яна бир кўриниши «*ҳаёлий Мен*» дан иборат эканлигини, яъни субъектнинг агар иложи бўлса, орзу қилгани каби даражага етиш, умуман ўзининг тасаввур қилганидек бўлиб қолиш истагида эканлигини айтиб қўйиш керак. «Мен»нинг бу хилдаги сиймоси айниқса ўспиринлик ва ёшлик даврида жуда катта аҳамиятга эга. Негаки, юқори синф ўқувчиларида келажак учун режалар тузишга мойиллик мавжуд бўлиб, орзу-умид тусини оладиган ҳаёлларсиз бундай режаларни тузиш мумкин эмас.

Ўзининг ҳаёлий «Мен»ини яратиш фақат ёшларга эмас, балки катта ёшдаги одамларга ҳам хосдир. Бундай «Мен-сиймо»нинг сабабий аҳамиятини баҳолашда индивиднинг ҳаётдаги ҳамда теварак-атрофдагилар билан ўзаро муносабатдаги ўз мавқеи ва ўрнини объектив тарзда ўзининг «ҳаёлий мен»и сифатида тушунилишидан иборат бўлиб қолган-қолмаганлигини билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шахснинг тузилишида унинг ўзи тўғрисида орзу қилинганларнинг рўёбга чиқишига ёрдам берадиган хатти-ҳаракатлар билан мустаҳкамланмайдиган ҳаёлий тасаввурларнинг устунлиги киши фаолиятини ҳамда ўзини англаб етишини чалғитиб қўяди ва оқибат натижада орзу қилинган нарсалар билан ҳақиқатда рўёбга чиққан нарсалар бир-бирига мос келмаганлиги важдан унга шикаст етказиб қўяди.

«Мен-сиймо»нинг айнан ўхшашлик даражаси унинг энг муҳим жиҳатларидан бири — шахснинг ўзига ўзи баҳо беришини ўрганиш жараёнида аниқланади.

Ўзига-ўзи баҳо бериш ва унинг шахснинг ўзини-ўзи англаб етишининг шаклланишидаги роли

Ўзига ўзи баҳо бериш — шахснинг ўзи томонидан ўзига, ўз илкониятларига, бошқа одамлар орасидаги фазилатларига ва ўрнига баҳо берилишидир. Бу шахснинг ўзини англаб етишининг психологиясидаги анча муҳим ва энг кўп ўрганилган жиҳати ҳисобланади. Ўзига ўзи баҳо бериш орқали шахснинг хулқ-атвори тўғрилиниб, тартибга солиб турилади.

Шахс ўзига ўзи баҳо беришни қай тарзда амалга оширади? Киши, юқорида айтиб ўтилганидек, биргаликдаги фаолият ва муносабат натижасида шахс бўлиб етишади. Шахсда таркиб топган ва барқарор бўлиб қолган жамики ҳислатлар бошқа одамлар билан биргаликда фаолият кўрсатиш ва улар билан муносабат қилиш жараёнида пайдо бўлган ҳамда ана шундай мақсадлар учун мўлжаллангандир. Киши фаолиятга ва муносабатга жалб этиларкан, ўзининг хулқ-атвори учун баъзи муҳим мўлжалларни ўша жабҳаларда танлай олади, ўзининг барча ҳаракатларини теварак-атрофдагилар ундан кутаётгани хатти-ҳаракатлар билан таққослаб туради, уларнинг фикрлари, ҳис-туйғулари ва талабларига мувофиқ иш кўради. Пировард

натижада, агар табиий эҳтиёжларнинг қондирилишини бир четга суриб қўядиган бўлсак, киши ўзи учун нимаки нарса қиладиган бўлса (у ўқийдими, бирон-бир нарсага ёрдам берадими, ё тўсқинлик қиладими), у буни шу билан бирга ва бошқалар учун ҳам қилади ва хатто ўзи учун қилаётгандек бўлиб туюлаётган бўлса ҳам, эҳтимол, аксинча ўзидан кўра кўпроқ бошқалар учун қилиши мумкин.

К. Маркс шундай фикр билдирган эди: «Одам... энг аввал... ўз аксини кўриш учун кўзгу ўрнига бошқа одамга боқади. Бир одам, масалан, Петр, бошқа одамга, масалан, Павелга ўзига ўхшаган одам деб қарагандагина ўзини одам деб ҳисоблай бошлайди»¹. Бошқача қилиб айтганда, шахс бошқа бир кишининг фазилатларини била бориб, ўзининг хусусий баҳосини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган зарур маълумотларга эга бўлади. Хусусий «Мен»нинг аллақачон таркиб топган баҳолари шахс ўзида кузатганларини бошқа одамларда кўрганлари билан доимий равишда таққослаб боришининг натижаси ҳисобланади. Киши ўзи ҳақида баъзи нарсаларни аллақачон билгани ҳолда бошқа кишига разм солиб боради, ўзини у билан солиштириб кўради, у ҳам унинг шахсий фазилатларига, хатти-ҳаракатларига, фаоллигига нисбатан бефарқ қола олмайди, деб тахмин қилади; ана шуларнинг ҳаммаси шахснинг ўзига ўзи баҳо беришига киради ва унинг психологик кайфиятини белгилайди. Бошқача сўзлар билан айтганда, шахсда ҳамиша референт гуруҳ (реал ёки ҳаёлий) бўлиб; у билан ҳисоблашган ҳолда иш кўради, ундан ўзига қадриятли мўлжаллар олади, гуруҳнинг идеаллари унинг идеаллари, унинг идеаллари эса гуруҳнинг идеаллари ҳисобланади ва ҳоказо.

Агар шахс ўз хатти-ҳаракатларини референт гуруҳнинг нуқтаи назари ва қадриятли мўлжаллари билан доимо таққослаб бориши шу қадар аниқ-равшан бўлса, у ҳолда киши ўзида бор бўлган фазилатларни, унинг учун бирон қийматга ва аҳамиятга эга бўлган нарсалар билан таққослаб кўриш муҳимдир. Шахс муносабат жараёнида ўзини ҳамиша аллақандай андаза билан таққослайди ва текшириш натижаларига кўра ўзидан мамнун бўлади, ёхуд қониқмайди. Бундай текширишнинг психологик механизми нималардан иборат бўлади?

Психологияда кишининг ўзига ўзи берадиган баҳони, унинг миқдорий ва сифатий таърифини аниқлашнинг бир қатор экспериментал методлари мавжуддир.

Жумладан, даражаларнинг узаро боғлиқлик коэффициенти ёрдами билан индивидуинг шахсига оид андазавий фазилатлари (яъни унинг «идеал Мен» и аниқлангани) нинг унинг «оддий Мен»идан, яъни муайян кишининг ўзида у қандай гавдаланган бўлса, шу йўсинда жойлашган фазилатлар фарқидан изчила фарқи ҳақидаги тасавури таққосланган бўлиши мумкин.

Муҳими, тажрибада синалаётган киши эксперимент ўтказаётган кишига ўзининг реал ва идеал «Мен»и ҳақидаги маълумотларни бермайди, балки

¹ Маркс К. Капитал, 1 том, Т., «Ўзбекистон», 1983, 61-бет.

тавсия қилинган формула бўйича тегишли ҳисобларни мустақил равишда ўзи бажаради. Бу унга ўзи ҳақида хоҳлаганига қараганда кўпроқ нарсани айтиб қўйишдан, ўзини ортиқча ошкор қилиб қўйиши хавфидан халос қилади. Шахснинг ўзига ўзи берадиган баҳонинг коэффициенти¹ «Мен сиймо»нинг миқдорий жиҳатдан қандай ифодаланиши ҳақида фикр билдириш имконини беради.

Ҳар бир киши ўзига хос «ички манометр»га эга деган тасаввур ҳосил бўлади. У киши ўзини қандай баҳоланаётганини, кайфиятининг қандайлигини, ўзидан мамнун ё мамнун эмаслигини кўрсатиб туради. Ўз фазилатларидан мамнунлигининг умумий баҳоланиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўзига ўзи томонидан беҳад юқори ва беҳад паст баҳо берилиши шахс можароларининг ички манбаи бўлиб чиқиши мумкин. Бундай можаровий ҳоллар турлича намоён бўлиши шубҳасиз, албатта.

Ўзига ўзи томонидан юксак баҳо берилиши кишини ҳеч қандай асос бўлмаган вазиятларда ҳам ўзининг баҳосини ошириб юборадиган қилиб қўяди. Натижада у кўпинча теварак-атрофдагилар томонидан унинг даъволари рад этилиб, қаршилик кўрсатилишига дуч келади, жаҳли чиқади, ҳадиксирайдиган, ҳар нарсадан гумонсирайдиган, ёхуд атайлаб такаббурлик қиладиган, тажовузкор бўлиб қолади ва оқибат натижада тегишли даражадаги шахслараро алоқаларни йўқотиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолиши мумкин.

Ўзига ҳаддан зиёд паст баҳо бериш *норасолик* деб аталмиш ҳислатлар *комплексининг*, ўзига қатъиян ишончсизликнинг, ташаббускорликдан воз кечишнинг, бепарқликнинг, ўзини ўзи қойишнинг ва қўрқувнинг кучайишидан дарак бериши мумкин.

Ўзига ўзи баҳо бериш реал «Мен»нинг «идеал Мен» даги ўзига хос аксининг шахс томонидан ҳамшиша ҳам аниқ англанилмаганлиги натижаси эканлиги, шубҳасиз ўзига ўзи баҳо беришнинг мураккаб, йиғма тусини тушуниб етишга, ўзини ўзи баҳолаш бевосита эмас, балки шахснинг қадриятли мўлжалларидан, тимсоларидан таркиб топган намуна ёрдамида аниқлашга имкон беради.

Лекин шахснинг нуқтаи назарини таърифлаш учун, афтидан, биргина ўзига ўзи баҳо беришни билиш старли эмас. Муайян шахснинг фикрига кўра, гуруҳда унга ўртоқлари бериши мумкин деб тахмин қилинган (*кутилмаган баҳо*), унинг ўзи гуруҳда сазовор бўлган баҳонинг қандайлигини билиш муҳимдир. Бу баҳо шунга ўхшаш тажриба тадбири ёрдамида аниқланиши ва шунингдек у юксак, ўртача, паст бўлиши мумкин, ўзига ўзи берадиган баҳо даражасига кўпроқ ёки камроқ яқинлашган бўлиши, ниҳоят турли референт гуруҳларига нисбатан турлича бўлиши мумкин. Кутилган баҳо ўз жамоасига нисбатан барқарор бўлиб қолгани ҳолда шахс бошқа жамоага қўшилган, янги алоқалар ўрнатаётган пайтда жиддий ўзгаради, барқарорлигини йўқотиб, сусайиб қолади.

¹ Шахснинг ўзига-ўзи берадиган баҳонинг коэффициентини ҳисоблаб чиқиш усули умумий психология курси практикумларида келтирилгандир.

Жумладан, оила шароитида, ўртоқлари ва синф жамоаси шароитида ўзига ишонган ўспирин янги, уни билмайдиган, унга нисбатан муайян нуқтан назар ва баҳога ҳам эга бўлмаган, унинг туғрисида кўпинча тасодифий ва ташқи кузатишга таянган ҳолда хулоса чиқарадиган одамлар дуч келадиган пионерлар лагериди бундай ишонччи маълум даражада йўқотиб қўяди.

Янгича ҳаётий ҳолатларда бўлган шахснинг илк бор қўйилган баҳога қайтиш фактини аниқлаш билан биз шахснинг янги гуруҳга кириш даражасини, унинг гуруҳ билан ҳамжиҳатлиги ҳаружасини, шу билан бирга унинг гуруҳдаги кайфиятининг хусусиятини ҳам аниқлай оламиз. Гуруҳ тарзидаги ўзаро муносабатларни йўналтириб турадиган баҳолар системасининг таъсирини намойиш қиладиган экспериментал маълумотлар олинди. Масалан, *шахснинг ўзига ўзи берадиган баҳонинг бир-мунча ошириб юборилиши кутилган баҳо кўрсаткичларининг камайиши билан боғланган бўлади.* Ўзига ўзи берган баҳонинг ва теварак-атрофдагиларнинг унга нисбатан амалда мавжуд муносабатнинг бир-бирига мос келмаслигига ишонч ҳосил қилган индивид уларнинг баҳолари юксак бўлишига ортиқ умид қилмайди. Бундан ташқари, шахс теварак-атрофдагиларга берадиган баҳонинг ошириб юборилиши бошқалар томонидан бериладиган реал баҳонинг, яъни шахсга гуруҳ томонидан бериладиган баҳонинг ошиб кетишига олиб бориши аниқланди. Шахс томонидан гуруҳга бериладиган баҳонинг юқори бўлиши индивиднинг ҳақиқатан ҳам тез қовушиб кетадиганлигига, гуруҳнинг ташвишлари билан яшаётганлигига, унинг қадриятларини авайлаб асраётганлигига, жамоачилик туйғуларининг мавжудлигига боғлиқ эканлиги ҳақида тамомила асосли таҳмин айтилди. Ўз навбатида коллектив ўз аъзоларидан бирининг унга нисбатан яхши муносабатини бамисоли жамлайди ва *бу юксак баҳони унга кўпайтирилган ҳолида қайтаради.* Бу ўринда жамоанинг бирлаштирувчилик кучининг таъсири сезилиб туради.

Шахсга бериладиган баҳолар системасидаги бошқа ўзаро боғланишларни қараб чиқамиз. Қаршимизда ўзига ўзи юксак баҳо берган, теварак-атрофдагилар томонидан паст баҳоланган ва кутилган баҳоси ҳам паст бўлган киши — бошқа одамлар билан муносабатларда ҳойнаҳой можароли, теварак-атрофдагиларни тошбағирликда айблашга мойил шахс турибди, дейлик. Бошқа бир киши кутилган баҳоси асоссиз равишда ошириб юборилганлиги билан фарқ қилади. Унинг теварак-атрофдагиларга нисбатан илтифотлик билан муносабатда бўлишини, ўзини катта олишини кузатиш мумкин. Ҳар ҳолда агар бу ҳислатлар хулқ-атворда намоён бўлмаган тақдирда ҳам улар потенциал жиҳатдан, аста-секин таркиб топади ва қулай ҳолларда шахс хулқ-атворининг ялпи тузилишида намоён бўлиши мумкин. Негаки, бунинг учун уларда қулай замин мавжуддир.

Учта кўрсаткич — *ўзига ўзи баҳо бериши, кутилган баҳо, гуруҳнинг шахс томонидан баҳоланиши* — шахснинг тузилишига киради ва киши буни хоҳлайдими-йўқми, бундан қатъий назар,

у ўзининг гуруҳдаги кайфиятини, ўзи эришган натижаларнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз эканлигини, ўзига ва те-варак-атрофдагиларга нисбатан нуқтаи назарларни белгилай-диган субъектив воситаларни ҳисобга олишга объектив равиш-да мажбурдир. У ҳатто бу кўрсаткичларнинг мавжудлигини сезмаган, баҳолар ва ўзига ўзи берадиган баҳоларнинг психологик механизми кўрсатадиган таъсир тўғрисида ҳеч нарсани билмаган тақдирда ҳам улар билан ҳисоблашиши керак. Ўз моҳиятига кўра бу механизм *ижтимоий алоқаларнинг, мул-жаллар ва қадриятларнинг инсон шахси дилига жо қилинган (интероризациялашган) механизмдир*. Киши муносабатга ки-ришаркан, фаол ҳаракат қилган ҳолда унинг бу кўрсаткичлари билан ўзини солиштириб кўради. Бу текшириш асосан англа-нилмаган ҳолда юз беради, шахс эса ана шу воситалар билан белгиланадиган хулқ-атвор тартибларига мослаша боради.

Англанилмаганлик — бу назорат қилинмаслик дегани эмас. *Жиддий аҳамиятга молик барча баҳолар шахснинг англанил-ган ҳаёти жараёнида таркиб топишини* унутмаслик керак. Улар интериоризациялашмасидан олдин шахслараро алоқаларда яққол намоён бўлиб келган эди. Масалан, оила, ўқитувчилар, ўртоқлари, китоблар, фильмлар болада унинг «идеал Мен»ини фаол тарзда шакллантирди ва айни чоғда унинг «реал Мен»и уларни таққослашга ўргатди. Бола олдинга ўзини бошқалар-га тенглаштиришга ўрганиб, теvarак-атрофдагиларга ўзини баҳоллагани каби кўрсаткичлар бўйича баҳолашга ўрганди. «Онадан туғилганда кўлида кўзгу бўлмаган» одам (К. Маркс) социал гуруҳга худди кўзгуга боққандай қарашга одатланиб қолган ва сўнгра унинг ички дунёсини ўз шахсига кўчирган-дир.

Шахсни тарбиялаш жараёнини онгли равишда бошқариш учун шахснинг ўз хулқ-атворини бошқаришнинг англанилмаган тарзда таркиб топадиган шаклларининг таъсирини аниқ-рав-шан тасаввур этиш, киши ўз ўзини ва бошқаларни таърифлай-диган баҳоларнинг бутун системасига эътибор бериш, ана шу баҳоларнинг ўзгариш суръатини кўра билиш керак; кишини яхшироқ англаб етишга интилган ҳолда уни доимо ўзи учун референт ҳисобланмиш жами гуруҳлар билан муносабатлар жабҳасида кўра олиш, шахснинг ижтимоий моҳияти кўриниш-лари қанчалик даражада ўта яширин ва индивидуал эканли-гига қарамай, уни эътибордан қочирмаслик лозим.

Ўзига-ўзи баҳо бериш ва шахс-нинг интилиш-лари даражаси

Ўзига ўзи баҳо бериш шахснинг интилишлари даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. *Инти-лишларнинг даражаси шахс ўзига ўзи беради-ган баҳонинг индивид ўз олдига қўядиган мақ-садларнинг қийинчиликлари даражасида намоён бўладиган ку-тилган даражаси («Мен» сиймоларининг даражаси)дир.*

Киши навбатдаги ҳаракатнинг қийинчилик даражасини бемалол танлаш имкониятига эга бўлган пайтда ўзига ўзи берадиган баҳони ошириб юборишга интилиш иккита тенден-

ция ўртасида можаро келиб чиқишига сабаб бўлади: бир томондан энг кўп ютуққа эришиш учун интилишни кучайтириб юборишга ҳаракат қилинса, иккинчидан муваффақиятсизликка учрамаслик учун интилишларни камайитиришга ҳаракат қилинади. Муваффақиятга эришилган тақдирда интилишлар даражаси одатда оша боради, киши яна ҳам қийинроқ вазифаларни бажаришга шайлигини кўрсатади, муваффақиятсизликка учраган пайтда бундай шайлик тегишли равишда сусаяди.

Шахснинг конкрет фаолиятидаги интилишлари даражаси деярли аниқ белгиланиши мумкин.

Мисол келтирамиз. Энгил атлетика билан эндигина шуғуллана бошлаган спортчи баландликка сакрашда 1 м 70 см белгида ўрнатилган таёқчани тушириб юборган тақдирда муваффақиятсизлик туйғусини сезмайди ва хафа бўлмайди — у сакрашда рекорд қўя олмаслигини билади. Худди шунингдек, агар 1 м 10 см баландликка сакраган тақдирда ҳам у хурсанд бўлмайди — бундай маррани эгаллаш жуда осон. Лекин ҳалиги таёқчани секин-аста юқорироқ кўтариб ва зачёт учун етарли бўлган баландлик йиғитчани қаноатлантириши ё қаноатлантирмаслигини суриштира бориб, унинг интилишлари даражасини аниқлаш мумкин.

Бу соддагина модель шунни кўрсатадики, шахс ўзини ўзи баҳолашни етарлича юксак даражада сақлаш учун ўз интилишлари даражасини ҳаддан зиёд қийин вазифалар ва мақсадлар билан ҳаддан ташқари енгил вазифа ва мақсадларнинг қандайдир ўртасида белгилайди.

Интилишлар даражасининг шаклланиши фақат ютуққа эришилиши ёки муваффақиятсизликка учраш мумкинлигини олдиндан сезиш билан эмас, балки энг аввало ақл-идрок билан, баъзан эса ўтмишдаги ютуқлар ва муваффақиятсизликларни сал бўлса-да англанилган тарзда ҳисобга олиш ва баҳолаш билан белгиланади. Интилишларнинг шаклланишини ўқувчининг ўқишдаги ишларида, тўғаракда қиладиган маърузанинг мавзусини, жамоат топшириғини танлаш жараёнларида ва ҳоказоларда кўриш мумкин.

Чет элларда ўтказилган тажрибалардан бири синалувчилар орасида хавф-хатар бўлган тақдирда муваффақият қозониш эмас, балки муваффақиятсизликка учрамаслик учун кўпроқ интиладиган шахсларнинг борлигини кўрсатди. Агар уларга қийинлик даражаси ҳар хил бўлган вазифалардан бирини танлаш топшириладиган бўлса, бу ҳолда улар ёхуд энг енгил вазифаларни, ёки энг қийин вазифаларни танлайдилар. Биринчилари муваффақиятга эришилишига ишонганлари (хавф-хатар жуда кам бўлади) учун шундай қилишса, бошқалари муваффақиятсизликка дуч келганда буни вазифанинг гоят даражада қийин эканлиги билан изоҳлаш мумкинлиги учун шундай қилишади. Бунда нафсониятга ҳам путур етмайди ва «Мен»нинг сиймоси ҳам бузилмайди.

Шахснинг интилишлари даражасини фақат уларнинг таъсирчанлиги жиҳатидан эмас, балки уларнинг мазмуни юзасидан, коллективнинг мақсадлари ва вазифалари билан алоқа-

дорлиги юзасидан олиб борилган тадқиқотлар киши хулқ-атвори мотивларини яхшироқ англаб етиш ва шахсда энг яхши фазилағларни шакллантиришга қаратилган таъсир ўтказиш имкониятини беради. Бир хил ҳолларда педагог учун шахснинг интилишлари даражасини ошириш вазифаси жуда муҳим бўлиб чиқади; агар мактаб ўқувчиси ўзига ва ўз имкониятларига унчалик юқори баҳо бермайдиган бўлса, бу муайян даражада энг кўрилишига, муваффақиятга эришишга ишончнинг тамомила йўқолишига олиб боради. Кетма-кет муваффақиятсизликка дуч келишлар ўзига ўзи берадиган баҳонинг ҳиссий ишқалликлар ва можаролар келиб чиқишига олиб келадиган даражада умуман пасайиб кетишига, ўқувчининг ҳафсаласи пир бўлишига олиб келиши мумкин. Бу ўқувчининг журналдаги фамилияси қаршисига гўё унинг билимларини тўғри баҳолаган ҳолда мунтазам равишда «икки» қўяверадиган ўқитувчи, агар бундай аҳволга кўниқиб кетган ўқувчининг психологиясини эътиборсиз қолдирадиган бўлса, жиддий хатога йўл қўяди.

Интилишларнинг даражасини ошириш йўллари турлича бўлиб, ўқувчининг индивидуаллигига, фрустрация хусусиятига, педагогнинг реал имкониятларига ва ҳоказоларга боғлиқдир. Бу ўринда ўқитувчи ва синф жамоаси томонидан кўрсатиладиган бевосита ёрдам ҳам, шахс истиқболини яратишнинг турли хил усуллари ҳам иш беради. Бу истиқболлар олдинга фрустрация намоен бўладиган соҳа билан боғланмаган бошқа жабҳада аниқланади. Сўнгра шу тариқа вужудга келган фаоллик шахснинг интилишлари даражасини ошириш ва ўзига ўзи берилган баҳонинг пасайиб кетган даражасини асли ҳолига кўтариш лозим бўлган жабҳага кўчирилади. Инсон шахсига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, унинг истиқболларига оқилона ишонч билан ёндашув педагогга ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг ёрдамига таянган ҳолда бола ёки ўспирин билан унда ўзига нисбатан ҳурмат ва ўз имкониятларига ишончнинг уйғонишига ёрдам берадиган индивидуал иш олиб бориш стратегиясини топиш имконини беради. Бошқа кўпгина соҳалардаги каби бунда ҳам тарбия системасининг нисонпарварлиги намоен бўлади.

Педагог учун бола ёки ўспириннинг интилишлари даражасини бошқа ҳолларда, айниқса ўқувчи ўз олдига қўйган вазифалар реал вазиятга тўғри келмасдан, унинг ўз имкониятларига берадиган баҳоси асоссиз равишда ошириб юборилиши сабабли унда манманлик, ўзини устун тутишнинг ўзига хос комплекси пайдо бўладиган жойларда биров пасайтириш муҳимдир. Бундай вазифани ҳал этишнинг зарурлиги ўқувчининг интилишлари даражаси асоссиз равишда ошиб кетганлиги натижасида жамоада қатъиян қаршилиқка дуч келиши (мақтанчоқ деган ном олиши) дангина эмас, балки унинг ўзига ўзи оширилган баҳо бериши реал муваффақиятсизликлар билан кўп марта зиддиятга учрагани ҳолда кескин ҳиссий ўқинчларга сабаб бўлганлигидан ҳам келиб чиқади. Бунда ўқувчи шахсий

муваффақиятсизликларининг ўзига ўзи берган ва аниқ кўриниб турган оширилган баҳо билан мувофиқ келмайдиган фактларини инкор этишга уринаркан, ўжарлик қилади, хафа бўлади, ўзини тамомила қониқиш сезаётган киши қилиб кўрсатаркан, бир қолипда турмайди, ёхуд ўзининг муваффақиятсизликларини аллакимнинг қаршилиги билан, гумонсирайдиган, жаҳл қиладиган, тажовузкор бўлиб қолган ҳолда аллакимнинг ёвуз ниятлилиги билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Бундай психологик ҳолатлар тез-тез такрорланавериши оқибатида барқарор хусусиятлар тарзида мустаҳкамланади.

**Шахснинг
психологик
муҳофазаси**

Шахснинг ўзини англаши ўзига ўзи баҳо бериш механизмини қўллаган ҳолда хусусий интилишлари ва реал ютуқлари ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқ қайд этади. Америкалик психолог У. Джемс ўзининг психологик назариясида инсонга нисбатан америкача утилитар муносабатга хос прагматизми учун марксча психология томонидан адолатли танқид қилингандан қатъий назар, ҳали XX асрнинг бошларидаёқ шахс «Мен»и сиймосининг энг муҳим таркибий қисми — ўзини ҳурмат қилиши ҳақиқатан ҳам эришган ютуқларининг киши даъвогарлик қилган, мўлжаллаган нарсаларга муносабати билан белгиланиши ҳақида умуман тўғри фикр билдирган эди. У сурати индивиднинг реал муваффақиятларини, махражи эса унинг интилишларини ифода этадиган формулани:

$$\text{ўзини ҳурмат қилиши} = \frac{\text{муваффақият}}{\text{интилишлар}}$$

таклиф этган эди. Маълумки, сурати ошиб, махражи камайганда каср каталашади. Шу сабабли киши ўзини ҳурмат қилишини сақлаб қолиши учун бир хил ҳолларда энг кўп куч ва ғайрат сарфлаши ва ўзини ҳурмат қилишини сақлаб қолиши шарт бўлиб, бу кўпинча мураккаб вазифа ҳисобланса, бошқа бир йўли интилишларнинг даражасини пасайтиришдан иборатки, бунда ҳатто жуда ҳам камтарона муваффақиятларга эришганда ҳам ўзини ҳурмат қилиш ҳисси йўқолмайди.

Тўғри йўлга қўйилган тарбиявий жараён шахсни ўзини ҳурмат қилишини сақлаб қолишнинг биринчи усулига биноан иш тутишга даъват этади, албатта. Киши ўз фаолиятида (ўқишда, ишда ва ҳоказоларда) қийинчиликлар олдида бўш келмаслиги, аксинча ўзининг иродавий фазилатлари ва матонатлигини намоён қилган ҳамда шу орқали муваффақият билан реал интилишлар ўртасидаги ўзаро мақбул нисбатини сақлаб қолган ҳолда уларни енгиши керак. Лекин айрим одамларнинг интилишлар даражасини пасайтириб юборган ҳолда ўзини ҳурмат қилишни сақлаб қолишнинг иккинчи йўлини танлаб олишга, яъни ўзининг «Мен-сиймоси»ни психологик жиҳатдан суғ муҳофаза қилишга уринаётганлигига дуч келинаётганлиги билан ҳам ҳисоблашмоқ керак.

Психологик муҳофаза фақат интилишлар даражасини пайсайтириш ҳолларидан иборат қилиб қўйилиши мумкин эмас. Бу психологик қулайликнинг бузилишини, «Мен-сиймо»нинг мавжуд бўлишига хавф туғдирадиган ҳис-туйғуларни бартараф этиш ва уни мазкур ҳолатлар учун мақбул ва мумкин бўлган даражада сақлаб қолиш мақсадида шахс томонидан қўлланиладиган алоҳида йўналтирувчи системадан иборатдир. Психологик муҳофаза тушунчасига яқин «муҳофаза механизмлари» тўғрисидаги тушунчани психоанализ мактабининг етакчиси З. Фрейд ишлатган эди. У бу тушунчани шахсни биологик мавжудот деб ҳисоблайдиган механистик фалсафа нуқтаназаридан талқин қилган эди. З. Фрейд кишининг онгсиз инстинктлари (асосан, шахвоний ҳирси) онгли «Мен»нинг «муҳофаза механизмлари», шахснинг «ички цензураси» билан тўқнашиб қолади ва бунинг натижасида турли хилдаги ўзгаришларга учрайди, деб тахмин қиларкан, психологик муҳофазанинг нотўғри талқин этилишига йўл қўйган эди. Лекин Фрейдни «муҳофаза механизмлари» ва «психологик муҳофаза»нинг мавжудлигини биринчилардан бўлиб кашф этган деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Психологик муҳофаза ундан анча илгари буюк ёзувчилар, инсон психологиясининг билимдонлари Ф. М. Достоевский, Л. Н. Толстой ва бошқалар томонидан тавсифланган эди.

Мисол учун, психологик муҳофазанинг механизмларидан бири, киши ўз мақсадига эришиш йўлидаги ғовларни бартараф эта олмаган ва фрустрацияга тушган пайтида рўй берадиган тажовузкорликдан иборатдир. Тажовузкорлик баъзида бошқа одамларга тўғридан-тўғри ҳужум қилиш шаклида юз беради, баъзан эса фақат тўсиқ пайдо бўлишига олиб келган холлар ёки шахсларга нисбатан дўқ-пўписа, қўполлик, душманлик қилишдан эмас, балки теварак-атрофдаги барча кишиларга нисбатан «жаҳлдорлик»да ифодаланади. Айрим ҳолларда фрустрация кишининг ҳаёлида яшириниб қолган тажовузкорликка олиб келади. Ҳафа бўлган одам амалда ҳеч қандай чора-тадбирни бошламаган ҳолда ўч олиш манзарасини тасаввур қилади. Баъзан фрустрация кишининг ўзига қарши қаратилган тажовузкорлик билан ҳал қилинади. Ниҳоят, фрустрация шахснинг бартараф этиб бўлмайдиган (ёхуд ўтиб бўлмайди) деб фараз қилинган) тўсиқ билан боғланган фаолиятини унинг учун анча энгил, истиқболли (ёхуд шундай деб тасаввур қилинган) фаолият билан алмаштиришга олиб келиши мумкин. Бу ўринда биз психологик муҳофазанинг яна бир механизми — *кучириш* ҳолатига дуч келамиз. Л. Н. Толстойнинг «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик» трилогиясида психологик муҳофазанинг *мақбуллаштириш ва сиқиб чиқариш* каби турлари жуда ажойиб тарзда баён қилинган. Улар трилогия бош қаҳрамонининг қуйидаги дилрозида ўз аксини топгандир:

«Мен жуда ҳам иззатталаб эдим, ўз мавқеъмга кўникиб кетиш мақсадида тулкига ўхшаб ўзимни узум ҳали ғўр деб

ишонтириш билан қаноат ҳосил қилардим, яъни кўз ўнгимда Володя фойдаланиб келган ва мен унга самимий ҳавас қиладиган, ташқи кўринишидан хуш ёқадиган барча роҳатижон нарсалардан жирканишга уринардим ва мағрурона ёлғизлик гаштини суриш учун ўз ақлим ва тасаввурим кучини ишга солардим».

Сиқиб чиқариш механизми «қумга бошини яшириб олиш» ва «оёғининг остидагини кўрмаслик» каби машҳур ибораларда ўз аксини топади.

II.7.5. Шахснинг шаклланиши

Шахс кишининг конкрет-тарихий ҳаёт кечириш шароитларида, фаолият (меҳнат қилиш, ўқиш ва ҳоказолар) жараёнида шаклланади. Шахснинг шаклланиши жараёнида гуруҳларда ва жамоаларда амалга ошириладиган таълим ва тарбия етакчи роль ўйнайди.

Психология ва педагогикада шахснинг шаклланиши тушунчаси «Шахснинг шаклланиши» икки хил маънода қўлланилади. Биринчиси — *шахснинг шаклланиши унинг ривожланиши, ана шу ривожланиш жараёни ва унинг натижаси эканлигидир*. Шу маънодаги шахсни шакллантириш тушунчаси психологик тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Унинг вазифаси бирор мақсадга қаратилган тарбиявий таъсирлар ўтказиш шароитида ривожланаётган шахсда нималар мавжудлигини (мавжуд бўлган, тажриба йўли билан аниқланадиган, намоён бўладиган) ва нималар бўлиши мумкинлигини аниқлашдан иборатдир. Бу шахснинг шаклланишига нисбатан хусусан *психологик ёндашув* ҳисобланади.

Иккинчи маъноси — *шахсни мақсадга йўналтирилган тарзда тарбиялаш сифатидаги шакллантириш* (агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, «қолипга солиш», «ясаш», «тузаш»; А. С. Макаренко бу жараёни «шахсни лойиҳалаш» деб жуда топиб атаган эди) *дан иборат*. Хусусан бу шахсни шакллантириш вазифалари ва усуллари ажратиб олишга *педагогик ёндашувдир*. Педагогик ёндашув шахснинг жамият унга қўяётган ижтимоий жиҳатдан тақозо этилган талабларга жавоб берадиган бўлиши учун унда *нималар ва қандай қилиб шакллантирилиши* кераклигини аниқлаш зарур деб ҳисоблайди.

Шахсни шакллантиришга психологик ва педагогик ёндашувнинг аралаштириб юборилишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда орзу қилинган нарса ҳақиқатда рўй берган нарса қилиб кўрсатилиши мумкин. «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да уқдирилганидек, «илк болалик йиллариданоқ коллективизм, ўзига ва бошқаларга талабчанлик, софдиллик ва ростгўйлик, меҳрибонлик ва принципааллик, матонатлилик ва жасоратлилик руҳида тарбиялашда жуда муҳимдир». Ислоҳот ҳужжатлари ўқитувчиларнинг диққат-эътиборини ҳозирдаёқ барча ўқувчиларда ри-

вожланган тарзда мавжуд бўлган нарсаларга эмас, балки уларда шакллантирилиши лозим бўлган нарсаларга қаратади, мактаб ходимларини бартараф этилиши керак бўлган қийинчиликларни аҳамиятсиз қолдирмаган ҳолда ўқувчилар билан катта ва масъулиятли иш олиб боришига сафарбар этади. Шу ўринда ёшлар шахсини шакллантириш жараёнига тўғри педагогик ёндашув вазифалари аниқ белгилаб берилади, тарбия жараёнида нима шакллантирилган бўлиши кераклиги аниқланади. Педагогика тарбиявий иш методикасини яратаркан, илгари сурилган мақсадни рўёбга чиқариш юзасидан ўз усуллари ва воситаларини тавсия қилади, шахснинг принципаллик, ростгўйлик, меҳрибонлик ва бошқа шу каби энг муҳим фазилатлари қандай шакллантирилиши лозимлиги ҳақида сўз юритади.

Психологиянинг вазифаси — конкрет жамоа (ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларидаги касбий-меҳнат жамоаси, ўқувчилар жамоаси, оилавий жамоа ва шу қабилар)даги конкрет ўқувчиларда ана шу шахсий фазилатлар *шаклланганлигининг бошланғич даражасини* ўрганишда, тарбиявий ишда мактаб ислоҳотининг руҳига мос келадиган қандай натижаларга эришилганини, яъни реал тарзда нималар шаклланганини-ю, нималар яна вазифа бўлиб қолганини ўспирин шахснинг амалдаги қайси бир ўзгариши самарали ва ижтимоий жиҳатдан қимматли бўлиб чиққани-ю, қайси бирлари самарасизлигини, шахсни шакллантириш жараёни қай йўсунда рўй берганлигини (қандай қийинчиликларга дуч келганини, у қанчалик муваффақиятли бўлганлигини ва ҳоказоларни) аниқлашдан иборатдир.

Шахснинг шаклланишига нисбатан педагогик ва психологик ёндашувлар бир-бирларига айнан ўхшамаса ҳам ажралмас бирликни ташкил қилади. Агар педагогларнинг қандай методларни қўллаганликлари ва қандай мақсадни кўзлаганликларини билиб бўлмаса, агар бу методлар қандай такомиллаштирилиши кераклиги ҳақида хулосага келинмаса шахснинг шаклланишини психолог нуқтан назаридан ўрганиш хомҳаёлдан бўлак нарса эмас. Агар педагог ўқувчининг реал хусусиятини аниқлаб берадиган психологнинг имкониятларидан фойдаланмаса, агар у ўз ўқувчиларида тарбиянинг шубҳасиз бўлиб туюлган шакллари ва методларини қўлланиш билан бир вақтнинг ўзида ва ундан мустасно тарзда пайдо бўладиган нохуш ҳислатларнинг сабабларини психологик жиҳатдан билиб олмаса, агар у ўзининг конкрет педагогик фаолиятининг айрим ҳолда бир-бирига зид бўлган психологик оқибатлари ранг-баранглигини фаҳмлай олмаса, унинг педагогик иши ҳам унга истиқболли бўлавермайди ва ҳоказо.

Шакллантирувчи психологик-педагогик экспериментда (мисол учун грузиялик психолог ва педагог Ш. А. Амонашвили олиб борган тадқиқот ишларидан бири кичик ёшдаги ўқувчиларда меҳрибонликни шакллантириш вазифасини ҳал этишга

бағишланган эди) педагог билан психологнинг нуқтаи назарлари бирлашиши мумкин, яъни педагог ва психолог уша битта тадқиқотчи сифатида чиқиши мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳам ўқувчининг шахсида педагог сифатидаги психолог нимани ва қандай қилиб шакллантириши кераклиги (тарбиянинг мақсадлари ва психология эмас, балки жамият белгилайди, методларини эса педагогика ишлаб чиқади) билан психолог сифатидаги педагог педагоглик таъсир ўтказиш натижаси сифатида ривожланаётган шахснинг тузилишида нималар борлигини ва нималар рўй берганини аниқлай бориб, нимани тадқиқ қилиши лозимлиги уртасидаги фарқни йўққа чиқармаслик керак.

Шахснинг ривожланишидаги ҳаракатлантирувчи кучлар

Шакллантирувчи педагогик таъсир шаронтида шахснинг ривожланиши, унинг энг муҳим психологик хусусиятлари ва фазилатларининг тақомиллашуви рўй беради. Шахснинг ижтимоий камолотга эришувига ёрдам берадиган ҳаракатлантирувчи кучлари нималардан иборат?

Психология тарихида шахс ривожланиши ва тақомиллашувини ҳаракатлантирадиган кучлар ва манба масаласини ҳал этишнинг иккита йўналиши мавжуд бўлган. Бу йўналишлар *ривожланишнинг биогенетик ва социогенетик концепциялари* номини олгандир.

Биогенетик концепция инсон шахсининг ривожланиши биологик, асосан, наслий омиллар билан белгиланишига асосланади. Шунинг учун ҳам шахснинг ривожланиши ички сабаб натижасида (ўз-ўзидан) содир булиш хусусиятига эгадир. Шу нуқтан назарга биноан киши табиатан ҳиссий таъсиротларнинг рўй беришидаги баъзи бир хусусиятларга, ҳаракат суръатининг хусусиятларигагина эмас, балки сабабиятларнинг муайян комплексига ҳам мойил (бировларда жиноят қилишга, бошқаларда маъмуриятчилик фаолиятида ютуқлар қозонишга мойиллик ва ҳоказо) бўлади. Кишида гўё унинг психик фаолияти шаклларигина эмас, балки унинг мазмуни ҳам табиат томонидан программалаштирилган, психик ривожланиш босқичлари ва уларнинг рўй бериш тартиби олдиндан белгилаб қўйилган эмиш.

Инсон шахсини хусусий фаоллигидан маҳрум бўлган нарса деб, пешанага ёзиб қўйилган биологик омиллар таъсирининг маҳсули деб ифодалайдиган биогенетик концепция педагогикани шахснинг қисматига кўра олдиндан белгилаб қўйилган ушбу фазилатлари пайдо бўлишининг сусткаш шохиди қилиб қўйган эди. Биогенетиклар педагогларни болага кучи етгунга қадар худбинлик қилишга қўйиб беришга, ёлғон гапиришга, алдашга имкон беришга даъват этишаркан, ёрқин худбинлик хатти-ҳаракатлари болада унинг «Мени» ғоясини ҳосил қилади, дейишарди. Улар педагогларнинг ҳуқуқ доирасини болада шахснинг қанақа фазилатлари пешанасига ёзиб қўйилган ҳолда пайдо бўлишини билишдан ва мажбуриятларини уларнинг пайдо бў-

лишига тўсқинлик қилмасдан, аксинча, унга ёрдам беришдангина иборат деб ҳисоблашарди.

Социогенетик концепция шахсни теварак-атрофдаги ижтимоий муҳитнинг бевосита таъсири натижаси деб, муҳитдан олинган нусха деб ҳисоблайди. Бунда ҳам худди биогенетик концепциядаги каби ривожланиб бораётган кишининг хусусий фаоллиги инobatга олинмайди, унинг теварак-атрофдаги вазиятга мослашаётган мавжудотга хос суст роль ўйнашигина мумкин деб ҳисобланади. Агар социогенетик концепцияга амал қилинадиган бўлса, нима учун баъзи вақтларда бир хилдаги ижтимоий муҳитларда ҳар хил одамлар етишиб чиқишини тушунтириб бўлмайди.

Шундай қилиб, на биогенетик ва на социогенетик концепциялар шахс ривожланишининг қонуниятларини тушуниб етишга асос қилиб олиниши мумкин эмас. Униси ҳам буниси ҳам психик ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаб олмайди. Буни амалга оширишга иккала омилнинг (муҳит ва ирсиятнинг) механик тарздаги ўзаро биргаликдаги ҳаракати, ёхуд *конвергенция* (бир хил ташқи муҳитда ўхшаш белгиларнинг ҳосил бўлиши) назарияси ҳам ёрдам бера олмайдики, бунда ривожланишнинг иккала концепцияси хатолари бартавраф этилишидан кўра кўпроқ орта борди.

Шахс ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари муаммосини ҳал этишдаги диалектик-материалистик нуқтаи назар ечими ривожланишда амалга ошириладиган қўйдан (оддийдан) юқорига (мураккабга) ўтишни таъминлайдиган зиддиятлар таърифига мувожаат қилинишини муқаррар тақозо этади. Шахснинг фаоллиги кишини англанилган ва англанилмаган сабаблар системаси орқали фаолиятга ундовчи эҳтиёжларнинг мажмуи билан белгиланади. Лекин эҳтиёжларнинг қондирилиши жараёни замирида зиддият мавжуддир. Эҳтиёжлар одатда пайдо бўлиши биланоқ дарҳол қондирилмайди. Уларнинг қондирилиши учун моддий маблағлар, шахснинг фаолиятга муайян даражада тайёрлиги, билимлар, малакалар ва ҳоказолар зарур. *Шахснинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлар кишининг фаолиятда ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда аниқланади.*

Эҳтиёжларнинг қондирилиши яна ва яна шундай бир вазиятни келтириб чиқарадики, бунда киши эҳтиёжлари ривожланишининг эришилган даражаси билан уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасидаги зиддият намоён бўлади. Зиддиятларнинг шахс ривожланишига олиб борадиган даражада ҳал этилиши фаолиятда уни амалга оширишнинг муайян воситаларини (усулларини, воситаларини, жараёнларини, малакаларини, билимларини ва ҳоказоларни) таълим жараёнида эгаллаш орқали юз беради. Бунинг устига эҳтиёжларнинг жўшқин фаолият воситасида қондирилиши қонуний тарзда янги, юксакроқ даражадаги эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Шунинг учун ҳам ривожланиб бораётган шахс доимо янги ва янги эҳтиёжларни (ва, демак, сабабларнинг кенг шаҳобчали системасини ҳам) келтириб чиқараркан, ўз навбатида эҳтиёжлар ривожланишининг натижаси бўлиб ҳам ҳисобланади. *Эҳтиёжларни ривожлантириш, танлаш ва тарбиялаш, уларни ҳозирги жамият кишисига хос бўлган маънавий юксаклик даражасига олиб чиқиш киши шахсини шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.*

Шахснинг шаклланиши унинг жамоага қўшилганлиги шароитларида рўй беради. А. С. Макаренко таъкидлаганидек, шахс юксак даражада ривожланган гуруҳдан иборат ва шахснинг қимматли фазилатларини шакллантириш учун энг қулай шароитларга эга бўлган жамоада ва жамоа воситасида ривожланади. Индивиднинг шахс бўлиш, янги жамиятни қуришнинг фаол иштирокчиси бўлиш каби эҳтиёжи айнан жамоадагина тўлақонли қондирилади.

Шахснинг шаклланишида унга мақсадга йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш — тарбия етакчи роль ўйнайди. *Тарбия шахснинг ривожлантирилишини жамият томонидан қўйилган мақсадларга мувофиқ тарзда йўналтириб боради ва уюштиради.* Шу билан бирга тарбия бола ҳаёти ва фаолиятини муайян тарзда уюштириб ва тартибга солиб қолмасдан, балки мавжуд педагогик принципларга биноан конкрет шахс имкониятларини энг яхши даражада кўрсатадиган ривожланишнинг махсус муҳитини, ёхуд вазиятини вужудга келтиради, уни шакллантирган ва йўналтириб борган ҳолда фаоллигини намоён қилиш учун шарт-шароит яратади. Шу ўринда шахс психологияси шахсни тарбиялаш педагогикаси, ахлоқий тарбия методикаси билан ўрин алмашади. Уларнинг вазифаси шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий онгни шакллантириш, онгли интизомни, ватанпарварлик ва байналмилалликни тарбиялаш воситалари ва йўлларини аниқлашдан иборатдир. Бу юксак вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши шахснинг такомиллашувини таъмин этади.

Адабиётлар

Маркс К. Фейербах тўғрисидаги тезислар.— Маркс К. ва Энгельс Ф. Уч томлик танланган асарлар, 1-том. Т., Ўзбекистон, 1980.

Ананьев Б. Г. Избранные психологические труды. М., Педагогика, 1980, 1-том.

Абульханова-Славская К. А. Деятельность и психология личности М., Наука, 1980.

Бодаев А. А. Личность и общение. М., Педагогика, 1983.

Божович Л. И. Личность и ее формирование в детском возрасте. М., Просвещение, 1968.

- Кон И. С. В поисках себя: личность и самосознание. М., Политиздат, 1984.
- Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. М., Политиздат, 1982.
- Петровский А. В. Личность. Деятельность. Коллектив. М., Политиздат, 1982.
- Рубинштейн С. Л. Проблемы общей психологии. М., Педагогика, 1973, 241—385- бетлар.
- Узнадзе Д. Н. Экспериментальные основы психологии установки. В книге: Узнадзе Д. Н. Психологические исследования. М., Наука, 1966. 135—327- бетлар.
- Психология личности. Тексты. М., МДУ нашриёти, 1982.
- Кон И. С. Открытие «Я» М., Политиздат, 1978.
- Михайлов Ф. Т. Загадка человеческого Я. 2- нашри. М., Политиздат, 1976.
- Петровский А. В. Популярные беседы о психологии, 2- нашри. М., Педагогика, 1983.

УЧИНЧИ ҚИСМ

БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

8-БОБ

ДИҚҚАТ¹

III. 8.1. Диққатнинг умумий хусусияти

Диққат — киши фаолияти барча турлари, энг аввало меҳнат ва ўқув фаолияти самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир. Меҳнат қанчалик мураккаб ва масъулиятли бўлса, у диққатга шунчалик катта талаблар қўяди. Зийраклик кишига унинг кундалик ҳаётида — турмушида, бошқа одамлар билан муносабатга киришишида, спортда зарурдир. Ўқувчиларнинг диққат-эътибори ўқув-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил этишнинг асосий шартларидан биридир. Таълим олишда диққатнинг ролини таъкидларкан, буюк рус педагоги К. Д. Ушинский «... диққат айнан шундай бир эшики, ташқи оламдан киши қалбига кириб келадиган жамики нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали киради»²,— деб ёзган эди. Болаларни бу эшикни очиқ сақлашга ўргатиш биринчи даражали аҳамиятга молик иш эканлиги тушунарли. Бутун таълимнинг муваффақияти ана шу иш муваффақиятига таянади.

Диққатнинг таърифи

Билиш жараёнлари кечилишининг энг муҳим хусусияти унинг т а н л а й д и г а н, йўналтирилган тусдалигидан иборатдир. Теварак-атрофдаги оламнинг кўплаб таъсирлари орасидан киши ҳамиша ниманидир идрок этади, ниманидир фараз қилади, нима ҳақдадир фикр юритади, ўйлайди. Онгнинг бу хоссасини унинг диққат каби хусусияти билан ўзаро боғлиқ деб ҳисоблашади. Диққат билиш жараёнларидан фарқли ўлароқ, ўзининг алоҳида мазмунига э г а э м а с, у барча билиш жараёнларининг жўшқин жиҳатидир. *Диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бир нарсага қаратилганлигидир.*

¹ Бобда «Умумий психология» (1977) дарслигининг иккинчи нашри материалларидан қисман фойдаланилди

² Ушинский К. Д. Программа педагогического курса для женских учебных заведений.— Собр., соч., М.,— Л., РСФСР, ПФА нашриёти, 1950, 10- том, 22- бет.

Йўналтирилганлик субъектнинг эҳтиёжларига, унинг фаолияти мақсадлари ва вазифаларига мос келадиган объектларнинг танланганлигида, ихтиёрий ёки ихтиёрсиз танлашда, ажратишда намоён бўлади. Диққат-эътиборнинг бир хил объектларда тўпланганлиги (концентрацияланиши) айни пайтда барча бегона нарсалардан чалғишни, бошқа объектларнинг вақтинча инкор этилишини тақозо қилади. Шу туфайли инъикос аниқ-равшан бўла боради, тасаввурлар ва ўй-фикрлар фаолият тугалланмагунга қадар, ундан кўзланган мақсадга эришилмагунча онгда сақланиб қолади. Шу йўсинда фаолиятнинг назорат қилиб ва бошқариб борилиши таъминланади.

Олий шакллардаги диққатни психик жараёнлар ва кишининг англанилган хулқ-атвори кечилишининг бошқарилиши билан боғлиқ деб ҳисоблашади.

Диққат сезги, хотира, тафаккур ва ҳаракат жараёнларида намоён бўлиши мумкин. Шу сабабли диққатни бирор нарсага қаратиш объектига (идрок этиладиган буюм, хотира, тафаккур, ҳаракат тасаввурлари) боғлиқ ҳолда диққатнинг намоён бўлишининг қуйидаги шакллари: *сенсор (перцептив), ақлий, ҳаракатлантирувчи* шакллари ажратиб кўрсатадилар.

Ҳозирги вақтда сенсор (кўриш ва эшитиш) диққати кўпроқ ўрганилгандир. Диққатга таъриф берадиган маълумотларнинг кўпчилиги амалда уни тадқиқ этиш натижасида қўлга киритилган. Диққат бамисоли билиш (идрок, хотира ва тафаккур) жараёнлари орасида намоён бўлиб, улар самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Жумладан, идрокнинг аниқ-равшанлиги ва тўлақонлиги диққатга боғлиқ, диққатнинг сусайиши перцептив жараёнларнинг бирмунча даражада бузилишига ва шаклланаётган сиймонинг ўзгариб кетишига олиб бориши мумкин.

Ҳосил бўлиш хусусиятига ва амал қилиш усулларига кўра диққатнинг иккита асосий тури — *ихтиёрсиз ва ихтиёрий* турлари мавжуд деб ҳисоблашади. Ихтиёрсиз диққат кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади ва қўллаб-қувватланади. Ихтиёрий диққат онгли равишда бошқариладиган ва тартибга солинадиган диққат-эътибордир. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат замирида ҳосил бўлади. Диққатнинг бу турлари диққатнинг даражалари сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин. Диққатнинг турларидан ҳар бир (сенсор, ақлий ва ҳоказолар) турли даражаларда намоён бўлиши мумкин.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат Ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлиши жисмоний, психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Қўзғатувчиларнинг сифати, аввало, уларнинг субъект учун янгилиги ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлишидаги асосий шартлар жумласига киритилган бўлиши мумкин.

Янгилиги илгари мавжуд бўлмаган қўзғатувчининг юзага келишидан, мавжуд қўзғатувчиларнинг жисмий хусусиятлари

Ўзгаришидан, улар таъсирининг сусайиши ёки йўқолиб қолишидан, таниш қўзғатувчиларнинг йўқлигидан, қўзғатувчиларнинг фазода кўчиб юришидан (ҳаракатланувчи буюмлар, одатда диққатни ўзига жалб этади) иборат бўлиши мумкин. Одатдагидан бошқача барча нарсалар диққатни ўзига тортади. Амалда биттагина умумий хусусияти — янгилиги билан ажралиб турадиган хилма-хил қўзғатувчилар мослашиб қолингани оқибатида улардан таъсирланиш сусаймаганлиги натижасида диққатни жалб қилади.

Диққатни кучли қўзғатувчилар: баланд овоз, ёрқин нур ва бўёқ, кучли ҳид жалб этади. Бунда қўзғатувчининг абсолют жадаллигидан кўра нисбий жадаллиги, яъни қўзғатувчининг ўша пайтда таъсир қилаётган бошқа қўзғатувчилар билан куч жиҳатдан ўзаро нисбати аҳамият касб этади; шундай қилиб улар ўртасидаги кескин фарқ ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу қўзғатувчининг фақат кучига эмас, балки унинг бошқа хусусиятларига ҳам тааллуқлидир. Жумладан, кичкина буюмлар йирик нарсалар орасида, учбурчак эса тўртбурчаклар орасида тезроқ пайқалади.

Индивиднинг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган, унинг учун аҳамиятга эга бўлган қўзғатувчилар ихтиёрсиз диққатни қўзғайди. Чунончи, синалувчи тажриба шароитларида диктор ўқиётган хабарни идрок этиш бўйича кўрсатмага мувофиқ диққатини жамлаган ва бошқа бир кишининг шу билан бир вақтда эшитилаётган овозига етарли даражада эътиборни қаратмаган бўлса ҳам, ўша бошқа биров синалувчининг номини тилга олганида унга дарҳол диққатини қаратади.

Ихтиёрсиз диққатда бевосита қизиқишнинг роли бениҳоя каттадир. Нимаики қизиқарли, мароқли, ҳиссиётга бой, завқли бўлса, диққатнинг узоқ вақт мобайнида тўпланиб туришини тақозо этади.

Ихтиёрсиз диққат шахснинг умумий йўналганлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, театр билан қизиқадиغان киши, эҳтимол футбол бўйича бўлажак мусобақа ҳақидаги эълонга эътибор бермасдан, айни чоғда театрға оид янги эълонни тезроқ пайқаш мумкин. Ихтиёрсиз диққат субъектнинг англашилган ниятларидан мустасно тарзда, унинг бирон бир иродавий уринишларисиз рўй беради. Ихтиёрсиз диққатнинг асосий вазифаси муҳитнинг доимий равишда ўзгариб турадиган шароитларида тез ва тўғри мўлжал олишдан, унинг мазкур пайтда энг кўп даражада ҳаётий мазмун касб этиши мумкин бўлган объектларни алоҳида ажратишдан иборатдир.

Ихтиёрий диққат диққатнинг олий тури сифатида меҳнат жараёнида таркиб топгандир. К. Маркс шундай деб ёзган эди: «Меҳнатни бажарадиган аъзоларнинг ишлашидан ташқари, меҳнат қилинган бутун вақт ичида маълум бир мақсадни кўзда тутувчи ирода ҳам бўлиши зарур, бу ирода эса ишга диққат қилишдан иборатдир»...¹

Ихтиёрий диққат агар киши фаолияти жараёнида ўз олдига маълум бир вазифа қўйган ва ҳаракат программасини онгли тарзда ишлаб чиққан бўлса юз беради. Унинг диққатини жалб этадиган объектларнинг алоҳида ажратиб кўрсатилиши ана шу ҳол билан белгиланади. Диққат анча янги, қизиқарли, мароқли бўлмаган нарсаларга қаратилмасдан, аксинча фаолиятнинг мақсади билан боғлиқ нарсаларга, уни амалга ошириш учун муҳим ва зарур бўлган нарсаларга жалб этилган ша-роитларда кўпинча иродавий куч-ғайратларни ишга солиш та-лаб қилинади.

Диққатни маълум объектга қаратиш учун иродавий куч-ғайрат сарфлаш зарурати ишга тушаётган пайтда, бинобарин, қийинчиликлар пайдо бўлганида, билишга оид қизиқиш сусайганида ва шунингдек, тўсиқлар (яни, кучли ёхуд хиссий жи-ҳатдан аҳамиятга молик қўзгатувчилар) мавжуд бўлган кез-да аниқ-равшан намоён бўлади.

Ихтиёрий диққат жараёнида шахснинг фаоллиги намоён бўладигани, бундай вақтда қизиқишлар билвосита хусусият (бу фаолият мақсади ва натижасининг эҳтиёжлари) касб этади. Ихтиёрий диққатнинг асосий вазифаси психик жараёнларнинг кечишини фаол бошқариб туришдан иборатдир. Киши айнан ана шу ихтиёрий диққатнинг мавжудлиги туфайли хотирадан ўзи учун зарур маълумотларни фаол тарзда, танлаб «ажратиб олиш»га, муҳим ва жиддий нарсаларни алоҳида ажратиб кўрсатишга, тўғри қарорлар қабул қилишга, фаолият жараёни-да пайдо бўладиган вазифаларни амалга оширишга лаёқатли бўлади.

Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатдан ташқари унинг яна бир алоҳида турини — *ихтиёрийдан сўнгги* диққатни алоҳида кўр-сатиш мумкин. Бу тушунча психологияга *Н. Ф. Добринин* то-монидан жорий этилгандир.

Агар мақсадга йўналтирилган фаолиятда шахс учун диқ-қатнинг ихтиёрий тўпланганидаги каби фақат фаолият нати-жаси эмас, балки унинг мазмуни ва жараёнининг ўзи қизи-қарли ва аҳамиятли бўлса, бу ихтиёрийдан сўнгги диққат тўғрисида мулоҳаза юритишга асос беради. Бу ҳолда фаолият кишини шу қадар қизиқтириб юборадики, у диққатни объектга қаратиш учун сезиларли иродавий куч-ғайрат сарфламаса ҳам бўлаверади. Шундай қилиб, ихтиёрийдан сўнгги диққат ихтиё-рий диққатдан кейин намоён бўлган ҳолда шунинг ўзидангина иборат деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бу диққат англанилган ҳолда илгари сурилган мақсад билан боғлиқ бўлганлиги са-бабли у ихтиёрсиз диққатдангина иборат қилиб қўйилиши ҳам мумкин эмас. Масалан, юқори синф ўқувчиси имтиҳонга тай-ёрланаётиб, қийин китобнинг қисқача мазмунини ёзиб чиқар-кан, олдинга ўзини диққат-эътиборли бўлишга, алахсимас-ликка мажбур қилади. Лекин кейинчалик у ишга шундай қи-зиқиб кетади-ки, оқибатда уни китобдан чалғитиш қийин бўлиб қолади. Даставвал иродавий куч-ғайратлар мададига таянган

диққат ихтиёрийдан сўнгги диққатга айланади. Ихтиёрийдан сўнгги диққат бирор нарсага узоқ вақт давомида жуда ҳам барқарор қаратилиши билан белгиланади, кўпроқ юқори даражадаги жадал ва унумли ақлий фаолиятни, барча турдаги меҳнатнинг юксак унумдорлигини асосли равишда ана шундай диққат тури билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

**Ўқув жараёни-
да диққат**

Мактаб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда диққатнинг барча турларига хос хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Ўқув жараёнида ихтиёрсиз диққат муҳим роль ўйнайди. Ихтиёрсиз диққатнинг бошланғич синфлардаги роли айниқса каттадир. Негаки, кичик ёшдаги ўқувчиларда диққатни ихтиёрий равишда бирор нарсага қаратиш қобилияти сустривожланган бўлади. Лекин ҳатто қуйи синфларда ҳам ўқув-тарбия жараёнини диққатнинг фақат ана шу турига асосланган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳали К. Д. Ушинский қайд этиб кетганидек, «ўз дарсингизни мароқли ўтказар экансиз, болаларни зериктириб қўйишдан қўрқмаслигингиз мумкин, лекин шуни эсда тутингки, машғулотда ҳамма нарса ҳам мароқли бўлавермаслиги мумкин, аксинча муқаррар зерикарли нарсалар ҳам бўлади ва шундай бўлиши ҳам керак. Болани уни қизиқтирган ишнинггина эмас, балки қизиқтирмайдиган ишни ҳам бажаришга — завқшавқ олиш мақсадида ўз бурчини адо этишга ўргатинг¹. Мактаб иш тажрибасида шунинг учун ҳам ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатни бирга қўшиб олиб бориш ва ихтиёрсиз диққатга таянган ҳолда ихтиёрий диққатни тарбиялаш зарур.

Диққатни иродавий куч-ғайратлар ёрдами билан доимо бир маромда сақлаб туриш ўта зўриқишни талаб қилади ва кишини жуда ҳам толиқтириб қўяди. Ўқитиш жараёнида ихтиёрийдан сўнгги диққатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги худди шу ҳолат билан белгиланади. Даставвал у ихтиёрий диққат сифатида пайдо бўлиши муносабати билан фаолиятнинг, ишга «тортиш» жараёнининг илк босқичларини пухта ташкил этиш шарт. Ихтиёрийдан сўнгги диққатга хос бўлган қизиқиш шахнинг фаоллигига боғлиқдир. Бундай фаолликнинг шаклланиши эса фаолиятда ижодкорлик аломатларининг гавдаланганлигига боғлиқ бўлади. Мактаб тажрибасида бунга таълимнинг проблемалилиги, ижодий топшириқлардан фойдаланиш ва ҳоказолар ёрдам беради.

Бутун ўқитиш жараёнини тўғри ва пухта уюштириш ўқувчи диққатини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Диққат таълимнинг муваффақиятлилиги шартларидан бири бўлгани ҳолда унинг шаклланиши ҳам ушбу жараённинг ўзида юз беради.

Ўқув фаолияти айниқса ихтиёрий диққатни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Мактаб ёши унинг фаол шаклланиши

¹Ушинский К. Д. Родное слово.— Собр. соч. М. Л., РСФСР, ПФА нашриёти, 1949, 6- том, 252- бет.

даври бўлиб ҳисобланади. Ўқувчиларнинг дарс пайтидаги диққати дарснинг тузилиш хусусиятлари билан белгиланади, ўрганилаётган материалнинг мазмунига ҳам, унинг ўқитувчи томонидан баён қилинишига ҳам боғлиқ бўлади. Мазмуни бой ва ўзлаштирилиши жиҳатидан осон материалнинг жонли, ёрқин, жўшқин ва айна чоғда изчил, мантиқан уйғун тарзда баён этилиши ўқувчиларнинг дарсдаги диққати барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ўқувчилар диққатининг сафарбар этилиши ўқитувчи нутқининг хусусиятларига, унинг аниқлиги ва ифодалилигига, суръатига ва шу кабиларга ҳам боғлиқдир. Овознинг меъёрадаги баланд-пастлиги, унинг дарс ўтиш мобайнидаги педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириб турилиши диққатнинг бир нарсага қаратилишига ёрдам беради (баланд овоз ҳам, шунингдек тингловчиларни зўриқтириб қўядиган ўта оҳиста нутқ ҳам болаларни толиқтиради). Нутқ оҳанги воситаларидан оқилона фойдаланиш (психологик жиҳатдан ўринли тўхтаб олишлар, ўрнида ишлатиладиган иборавий урғулар ва ҳоказолар) муҳим роль ўйнайди.

Диққатни жалб этишда кўرғазмалилик (картиналар, мум нусхалар, жадваллар, чизмалар ва бошқалар)дан мақсадга мувофиқ фойдаланиш тажрибаларнинг намоёиш қилиниши ва мустақил равишда ўтказилиши, таълимда техника воситаларини қўлланиш катта аҳамият касб этади. Муҳими, бир хилдаги, узоққа чўзилиб кетадиган, ижодий бўлмаган иш диққатнинг тўпланишини сусайтириб юборишини, унинг барқарорлигини пасайтиришини ҳисобга олиш керак. Ҳали К. Д. Ушинский ҳам «... Битта йўналишдаги беҳад узоқ давом этадиган ва доимий фаолият болага жуда ҳам оғир таъсир қилади»,— деб ёзган эди. Шунинг учун ҳам айниқса бошланғич синфларда ўқитишнинг ҳар хил шакллари ва методларини қўлланиш лозим.

Диққатни сақлаш ва синчковлик, тийрақлик одатларини сингдиришда дарснинг ташкил этилиши: машғулотларнинг пухталики билан боғланиши, ишлаш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги ва ҳоказолар катта аҳамиятга эга. Бу ўринда дарс ўтишнинг суръатини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Жонли, жадал суръат диққатни яхшироқ сафарбар этади. Ҳаддан зиёд тез суръат чоғида шошиш оқибатида «диққатнинг нотўғри жалб этилиши» содир бўлади, секин суръат эса ўқувчида иштиёқ уйғотмайди ва чалғиши учун шароит туғилади. Таълим суръати материалнинг мазмунига, уни ўзлаштиришнинг қийин ва енгиллигига, ўқувчиларнинг ёшига албатта боғлиқ бўлади. Ўқувчиларнинг диққатини уюштиришда ўқитувчининг изчил ва мунтазам талабчанлиги муҳим роль ўйнайди. Диққатни уюштиришда уни узоқ вақт мобайнида эшитишга қаратиш диққатни кўришга жамлашдан кўра кўпроқ қийинчилик туғдиришини ҳисобга олиш шарт. Диққатнинг тўпланишини сақлаш учун «кўриш таянчлари» ва ташқи амалий таъсирлардан фойдаланиш, масалан, материални идрок этиш да-

вомида план тузиш керак. Ихтиёрий диққат шахснинг йўналганлиги билан боғлиқ эканлиги учун ҳам уни тарбиялашда барқарор қизиқишларнинг шакллантирилиши, ироданинг, ўқув фаолиятига нисбатан англашилган ва масъулиятли муносабатнинг тарбияланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўқувчиларни меҳнат фаолиятининг ҳар хил турларига жалб этиш — ихтиёрий диққатни шакллантиришнинг энг яхши йўлидир.

Баъзи совет психологлари (*П. Я. Гальперин* ва бошқалар) диққатни *назоратнинг* алоҳида психологик *таъсири* деб тушунадилар. Ўқувчиларнинг диққати тарқоқлилиги назорат функциялари стихияли тарзда таркиб топаётган шароитларда бу функцияларнинг нотўлиқ шаклланиши билан боғлиқ деб ҳисобланади. Шу муносабат билан ақлий назоратнинг ихтиёрийсиз таъсир этишини доимий равишда мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантириш диққатни планли тарзда тарбиялаш вазифаси сифатида тасаввур қилинади.

Ўқувчилар диққатининг ёш давр хусусиятларини ҳам, индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Масалан, кичик мактаб ёшида диққатнинг етарли даражада объектга тўпланмаганлигига, жумладан, ақлий фаолликнинг етарли эмаслигига, ўқув фаолияти кўникма ва малакаларининг шаклланмаганлигига, бола иродасининг кучсизлиги сабаб бўлиши мумкин. Педагогик фаолиятда диққатнинг ташқи кўринишидаги индивидуал хусусиятларни ҳам инобатга олиш муҳимдир. Ташқи белгиларига — афт-ангорнинг ўзгачалигига, юзларнинг ифодасига ва нигоҳининг қаратилганлигига қараб диққатнинг йўналтирилганлигини ва унинг тўпланганлиги даражасини аниқлаш мумкин. Масалан, агар ўқувчининг нигоҳи ўқитувчига қаратилган, гавдаси бир оз олдинга интилган, пешанаси салгина тиришган, лаблари эса бир-бирларига ёпишиб турган бўлса, уни барқарор диққатли деб таҳмин қилиш мумкин. Лекин бу ташқи кўрсаткичлар диққатнинг ҳақиқатда қай йўналишда жамланганлигига мос келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳақиқий синчковлик» билан бир қаторда «синчковликка ўхшашлик», шунингдек, «ҳақиқий паришонхотирлик» ва «паришонхотирликка ўхшашлик» (*И. В. Страхов*)ни алоҳида ажратиб кўрсатишади. Жумладан, ташқи кўринишдан диққат-эътиборли, синчков бўлиб кўринган сохта синчков ўқувчи баъзан ўқитувчи томонидан ҳозиргина қўйилган саволни такрорлашга, ўртоғининг жавобини давом эттиришга қодир эмас ва ҳоказо. Ана шу паришонхотирликка ўхшаш ўқувчи синчков тингловчи қиёфасига кириб, ёхуд онгли равишда бошқа ишлар билан шуғулланиб ўтирган бўлиши, ё диққат-эътиборини беихтиёр ўзининг хусусий фикрларига, хотираларига қаратган бўлиши мумкин. Паришонхотирликка мойил деб аталмиш хусусиятга эга ўқувчининг эътиборсизлиги ҳаддан зиёд ҳаракатчанлигида ҳам, сусткашлигида ҳам, дарсга нисбатан ташқи лоқайдлигида ҳам

намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам ўқувчи етарли даражада синчковли бўлиши ва синфдаги ишда амалда иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолда ўқувчи, гарчи ўқитувчининг назарида чалғиган бўлиб туюлса ҳам, масалан, унинг саволига эркин жавоб бериши мумкин.

III. 8.2. Диққатнинг физиологик механизмлари

Диққатнинг физиологик асосларини тушуниб етишда буюк рус физиологлари *И. П. Павлов* ва *А. А. Ухтомскийларнинг* илмий ишлари катта аҳамиятга эгадир.

Нерв системасининг алоҳида реакциялари — ориентир рефлекслар ҳақида *И. П. Павлов* илгари сурган тасаввурда (*И. П. Павлов* уни «бу нима?» рефлекси деб атаган эди) ихтиёрсиз диққатнинг ғайри ихтиёрий (рефлексив) табиати ҳақидаги тахмин бор эди. «Биз пайдо бўлаётган сиймога нигоҳимизни қаратамиз, эшитилган товушга қулоқ солаамиз, димоғимизга урилган ҳидни зўр бериб ютамиз...» деб ёзган эди *И. П. Павлов*¹. Ҳозирги замон маълумотлари (*Е. Н. Соколов* ва бошқалар)га қараганда, ориентир рефлекслар жуда ҳам мураккабдир. Улар организм анчагина қисмининг фаоллиги билан боғлангандир. Ориентир комплексга ташқи сай-ҳаракатлар (масалан, кўзларнинг ва бошнинг қўзғатувчи томонга бурилиши) ҳам, муайян анализаторлар сезувчанлигининг ўзгариши ҳам киради: модда алмашинуви хусусияти ўзгаради; нафас олиш, юрак-қон томирлари ва тери-гальваник реакциялар ўзгаради, яъни вегетатив ўзгаришлар юз беради; аини пайтда миянинг электр фаоллиги ўзгариши ҳам содир бўлади. *И. П. Павлов* ва *А. А. Ухтомскийларнинг* ғояларига биноан диққатнинг ҳодисалари қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати натижасида муайян мия тузилишларининг қўзғалувчанлиги билан боғлиқдир.

И. П. Павловнинг ҳисоблашича, вақтнинг ҳар бир лаҳзасида мия қобиғида қўзғалиш учун анча қулай ва мақбул шартларга эгаллиги билан ажралиб турадиган бирон бир қисм мавжуд бўлади. Бу қисм нерв жараёнлари индукцияси қонунига биноан пайдо бўлади. Бош мия қобиғининг битта қисмида тўпланган нерв жараёнлари шунга мувофиқ тарзда унинг бошқа қисмларида тормозланишга (ва аксинча) олиб келади. Қўзғалишнинг энг мақбул марказида янги шартли рефлекслар осонгина пайдо бўлади, табақаланиш муваффақиятли равишда юз беради. Мазкур ҳолда бу «катта ярим шарларнинг ижодий бўлмаси»дир. Энг мақбул қўзғалиш маркази ўзгарувчандир. *И. П. Павлов* шундай деб ёзган эди: «Агар бош суяк косаси орқали кўриш мумкин бўлганда ва агар энг мақбул қўзғала-

¹ Павлов *И. П.* Двадцатилетний опыт объективного изучения высшей нервной деятельности (поведения) животных. Пол. собр. соч., М.—Л., СССР ФА нашриёти, 1951, III том, 1- китоб, 309- бет.

диган катта ярим шарлар ўрни ёритилганда борми, бу холда биз фикрлайдиган онгли одамда унинг катта ярим шарлари бўйлаб доимо ўзгариб турадиган, шакли ва катталиги ғалати кўринишга эга бўлган ҳамда ярим шарларнинг қолган барча бўшлиғида кўпроқ ёки озроқ даражадаги соя билан ўралган оч рангли доғнинг у ёқдан-бу ёққа қай тарзда кўчиб юришини кўрган бўлардик»¹. Ушбу оч рангли «доғ» худди ўша энг мақбул қўзғалиш марказига мос келади, унинг «у ёқдан-бу ёққа кўчиб юриши» диққатнинг жўшқинлигини таъминлайдиган физиологик шарт ҳисобланади. И. П. Павлов қўзғалиш марказининг бош мия пўстлоғи бўйлаб ҳаракат қилиши ҳақидаги қондаси ҳозирги замондаги экспериментал тадқиқотлар (*Н. М. Ливановнинг маълумотлари*) билан исботланди.

Диққатнинг физиологик механизмларини тушуниб етишда *доминанта* (наслед-наслга ўтувчи асосий белги) *принципи* алоҳида аҳамиятга эгадир. А. А. Ухтомскийнинг фикрига кўра, мияда ҳамиша қўзғалишнинг устун ва ҳукмронлик қилувчи маркази мавжуд бўлади. А. А. Ухтомский доминантани «юксак даражадаги қўзғалиш марказлари» констелляцияси (мавжуд аҳволи) деб таърифлайди. Доминантанинг ҳукмронлик қилувчи сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у қўзғалишнинг янги ҳосил бўладиган марказларини фақат тийиб қўя қолмайди, балки суст қўзғалишларни ўзига жалб этишга («тортишга») ва шу туфайли уларнинг ҳисобига янада кучайишга, улар устидан янада кўпроқ даражада устунлик қилишга ҳам қодирдир. Доминанта қўзғалишнинг барқарор маркази ҳисобланади. А. А. Ухтомский: «Доминанта» деган ном замирида юксак даражадаги қўзғалишнинг кўпроқ ё озроқ барқарор маркази тушунилади», деб ёзган эди. А. А. Ухтомскийнинг доминанта тўғрисидаги тасаввурлари узоқ вақт давомида диққатнинг ҳаракатлантирувчи механизмини тушуниш имконини беради.

Юксак даражадаги қўзғалиш марказларида миянинг фаолияти учун яратиладиган энг қулай шарт-шароитлар, шубҳасиз, диққатнинг йўналтирилган тарзда жамланганлиги ҳолатида барча билиш жараёнларининг юксак самарали бўлишини белгилаб беради.

Кейинги йилларда совет ва чет эл олимларининг тадқиқотларида диққатнинг нейрофизиологик механизмларини очиб берадиган янги натижаларга эришилди. Диққат организмнинг фаол мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда умумий тарздаги сергаклиги вазиятида пайдо бўлади. Агар фаол диққат мақбул сергаклик ҳолатида юз бериши мумкин бўлса, у ҳолда диққатни тўплашдаги қийинчиликлар сустлашган ва аралаш-қуралаш вазиятда ҳам, ҳаддан зиёд сергаклик пайтларида ҳам рўй бе-

¹ Павлов И. П. Двадцатилетний опыт объективного изучения высшей нервной деятельности (поведения) животных.— Полн. собр. соч. М.—Л., СССР ФА нашриёти, 1951, III том, 1- китоб, 248- бет.

ради. Сустралган ҳолатдан (диққатдан) фаол тарздаги сергаклик вазиятига (диққатга) кўчилиши мианинг ялли фаоллашуви билан таъминланади. Диққат мия фаоллигининг муайян даражасида юз бериши мумкин. Ҳозирги пайтда психофизиология *мианинг носпецифик системасига* оид турли хил тузилишдаги диққат ҳодисалари (ретикуляр формация, аралаш-қуралаш таламик система, гипоталамик тузилишлар, гиппокамп ва бошқалар)га нисбатан бевосита муносабат ҳақида далолат берадиган анатомик, физиологик ва клиник маълумотларга эгадир. Мианинг носпецифик фаоллашувига оид турли хил шакллари (қисқа муддатли ва узоқ муддатли, ялли, умумий ва жузъий, чекланган) бошқариш носпецифик системанинг асосий физиологик функцияси ҳисобланади. Ихтиёрсиз диққат мианинг носпецифик фаоллаштирилишининг энг аввало умумий, хусусийнинг яллига айлантирилган шакллари билан боғлиқ деб тахмин қилинади. Ихтиёрий диққат мия фаоллашувининг умумий даражасини ошириш билан ҳам, мианинг муайян тузилишлари фаоллигининг анчагина жузъий силжишлари билан ҳам боғлиқдир.

Кейинги йилларда диққатнинг нейрофизиологик механизмлари системасида катта ярим шарлар пўстлоғининг етакчи роль ўйнаши ҳақидаги тасавурлар тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. Катта ярим шарлар пўстлоғи даражасида нейронларнинг алоҳида турлари мавжудлигини (диққат нейронлари — янгилек детектори ва қурилма тўқималари — кутиш тўқималари) диққат жараёнлари билан боғлайдилар.

Жумладан, соғлом одамларда диққатни зўр бериб бир нарсага қаратиш пайтида (масалан, турли хил ақлий ва мотор ҳаракат топшириқларни бажаришда) мианинг пешана қисмларида биоэлектрик фаолликнинг ўзгарishi юз бергани аниқланди. Мианинг пешана қисмидаги айрим бўлмалари лат еган беморларда нутқий кўрсатма ёрдамида барқарор ихтиёрий диққатни юзага келтириш амалда мумкин эмас. Мианинг пешана қисми лат еган тақдирда ихтиёрий диққатнинг сустрлиги билан айна бир пайтда диққатнинг ихтиёрсиз шакллари патологик жиҳатдан кучайishi қайд этилади.

Шундай қилиб, диққат бир қатор мия тузилишлари фаолияти билан боғлиқдир, лекин диққатнинг ҳар хил шакллари ва турларини тартибга солишда уларнинг роли турличадир.

III. 8.3. Диққатнинг тузилиши

Диққат турлича сифат кўринишлари билан таърифланади. Диққатнинг бу кўринишларини диққатнинг сифати ёки *диққатнинг хусусиятлари* деб аталади. Диққатнинг барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва кўлами шулар жумласига киради. Диққатнинг ҳар хил сифатлари бир-бирларига боғлангандир. Диққат асосий хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги туфайли ҳосил бўлган мураккаб функционал структураси билан белгиланади.


**Диққатнинг
барқарорлиги**

Барқарорлик — диққатнинг замон ичидаги таърифидир. У жадал диққатни сақлаб туришнинг давомлилиги билан белгиланади. Фаолиятнинг нисбатан узоқ вақт мобайнида юксак унумлилиги барқарорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Шундай қилиб, диққатнинг барқарорлиги унинг давомлилиги билан ҳам, у юз берган бутун вақт мобайнида қаратилганлиги даражаси билан ҳам белгиланади.

Диққатнинг барқарорлиги диққат қаратиладиган объектларнинг хусусиятларига ва диққати йўналтирилган шахснинг фаоллигига боғлиқ бўлади. Диққат жалб қилинадиган объектларнинг ўзгарувчанлиги, ҳаракатчанлиги диққатни узоқ вақт мобайнида жалб этишнинг муҳим шартларидир. Агар объектнинг ўзи ўзгармайдиган бўлса ва агар уни турли жиҳатдан ўрганиб бўлмаса, у ҳолда бундай объектларга узоқ вақт мобайнида диққатни жалб қилиб туриш ўта мушкулдир. Барча бир хиллик диққатни сусайтириб қўяди.

Объект мураккаблаша борган сари диққатнинг барқарорлиги орта боради. Мураккаб объектлар фаол фикрлаш фаолиятини тақозо этади. Диққатни жалб этишнинг давомлилиги ҳам ана шунга боғлиқдир. Лекин бу мураккаблик мақбул даражада бўлиши керак, акс ҳолда диққатнинг жалб этилиши кишини тез толиқтириб қўйиши ва унинг диққати сусайиб қолиши мумкин. Фаолиятга қизиқиш қанчалик кучли бўлса, кишини ўзига қанчалик кўп жалб этса, диққатнинг қаратилиши ҳам шунча узоқ ва жадал давом этади. Киши бажарилаётган ишнинг муҳимлигини, аҳамиятини англаб етган тақдирда диққат ғоят барқарор бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам билишга оид барқарор қизиқишларни шакллантириш — ўқувчиларнинг таълимдаги синчковликларини оширишнинг, ўқув жараёни муваффақиятлигининг муҳим шартларидан биридир.

Диққатнинг барқарорлигини сақлашда шахснинг фаоллиги катта аҳамиятга эгадир. Фаоллик объектлар билан юз берадиган ташқи ифодага эга бўлган амалий ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин. Диққат жалб этиладиган объектларнинг анча тўлароқ акс эттирилишини тақозо қиладиган турли хилдаги перцептив ва тафаккурга оид вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ ички фаоллик ҳам муҳим роль ўйнайди. Объектларнинг ҳар томонлама ўрганилишини, уларда янги хусусиятлар ва белгиларнинг алоҳида кўрсатиб берилишини, улар мазмунининг баён қилинишини, боғланишларининг аниқланишини тақозо этадиган вазифалар қўйилиши ва уларнинг ҳал этилиши — диққатнинг узоқ вақт давомида тўпланишини сақлашнинг муҳим шартидир. К. С. Станиславский актёрнинг сахнавий диққати ҳақидаги масалани талқин қила туриб, шуни қайд этган эди: «Объектга жалб этилган диққат-этибор у билан бирон нарса қилишга табиий эҳтиёжни қўзғайди. Ҳаракат эса диққатни объектга янада кўпроқ жалб этади. Шундай қилиб,



10- расм.

диққат ҳаракатга қўшилиб ва у билан ўзаро чатишиб, объект билан мустақкам боғланиш ҳосил қилади»¹.

Диққатнинг барқарорлиги унинг статиклиги дегани эмас. Диққатнинг барқарорлиги унинг ҳаракатчанлик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир.

Диққатнинг ҳаракатчанлик хусусиятларидан бири унинг *ўзгарувчанлиги (флуктуацияси)* дир. Ҳзгарувчанлик деганда диққатнинг жадаллиги даражаси вақти-вақти билан беихтиёр равишда қисқа муддатли ўзгариб

туриши, — унинг вақти-вақти билан беихтиёр равишда кучайиб ёки сустлашиб кетиши тушунилади. Жумладан, соатнинг жуда ҳам оҳиста, зўрга эшитилиб турган чиқиллашига қулоқ соларканмиз, биз товушни гоҳ сезамиз, гоҳ уни сезмай қоламиз. Бу алмашинув сакраш тарзда, қисқа вақт ичида содир бўлади.

Диққатнинг ўзгариб туриши *иккиланувчи* тасвир деб аталмиш тасвирларни идрок этишда осонгина кузатилади. Агар бир неча минут давомида кесик пирамида (10-расм)нинг тасвирига тикилиб қаралса, унинг устки томони бамисоли олдинга сурилиб чиққансимон, гоҳ бизга қараб тургандай, гоҳида эса биздан узоқлашиб кетаётгандай бўлиб туюлади. Диққатнинг вақти-вақти билан тез-тез қисқа муддатли ўзгариши асосан аранг пайқаладиган, жуда содда ибтидоий ва ҳаракатсиз объектларни султ идрок этиш жараёнида аниқланди (*Н. Н. Ланге* ва бошқаларнинг тадқиқотлари). Бундай ҳолларда диққатнинг тўла қаратилганлик вақти 2—3 секунддан ошмайди (кўпи билан 12 секундга тенг бўлади), кейин тахминан худди шундай давомлилик билан унинг сусайиши содир бўлади. Шубҳасиз, диққатнинг барқарор қаратилганлиги доирасида унинг анчагина, қисқа муддатли ўзгариши субъектив равишда кўпинча сезилмай қолади ва фаолиятнинг кўпгина турлари юз бериши ва самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмайди. Ҳозирги пайтда ўтказилаётган инженерлик психологиясига оид тадқиқотларнинг маълумотларига мувофиқ диққатнинг ўз-ўзидан рўй берадиган флуктуациясини сенсор системалари «ўтказиш қобилияти»нинг йўналтириб борилишини таъминлайдиган ўзини ўзи бошқариши билан боғлиқ ўзгариш жараёни деб ҳисоблаш мумкин.

Диққатнинг қаратилганлиги узоқ давом этадиган иш мобайнидаги барқарорликнинг ўзгаришида ҳам намоён бўлади. Бундай ўзгаришлар диққатнинг қаратилганлик босқичлари деб ҳисобланади. Булар — ишга илк бор киришиш, диққатнинг

¹ Станиславский К. С. Работа актера над собой. Собр. соч. в 8-ми т. М., Искусство, 1954, 2- том, 102- бет.

қаратилганлигига эришиш ва сўнгра ундаги кичик ўзгаришларнинг иродавий куч-ғайратлар эвазига бартараф этилиши, чарчоқ кучайган пайтда диққатни қаратишнинг ва ишлаш қобилиятининг сусайишидир. Диққатнинг қаратиш босқичларига эгаллиги ҳақидаги маълумотлар меҳнат психологияси соҳасида ўтказилган тадқиқотларда олингандир. Диққатнинг барқарорлигидаги бундай ўзгаришлар ўқувчиларнинг дарс давомидаги диққатида ҳам намоён бўлади: дарснинг бошланишида диққатни бирор нарсага қаратишнинг қийинлиги ва етарлича барқарорлигига эришилмаслик, сўнгра диққатнинг мумкин қадар узоқ вақт қаратилиши ва дарснинг тугалланишига яқин қолганда чарчаганлик оқибатида диққатнинг бир оз сусайиши кузатилади. Диққатнинг қаратилишига хос бўлган бу хусусиятларни педагогик иш тажрибасида ҳисобга олиш зарур.

**Диққатнинг
кўчиши**

Диққатнинг кўчиши *субъектнинг бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга, бир объектдан иккинчи объектга, бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга атайлаб ўтишида намоён бўлади.* Диққатнинг кўчиши ё онгли равишдаги хулқ-атворга, фаолиятнинг талабларига (муайян фаолиятнинг ўзида бир объектдан, бир ҳаракатдан бошқаларига ўтиш чоғида), ёхуд ўзгариб кетаётган шарт-шароитларга мувофиқ тарзда янги фаолиятга киришиш заруратига боғлиқ бўлади ёки дам олиш (қачонки, олдинги иш кишини чарчатиб қўйган кезларда) мақсадида амалга оширилади. Фақат объектлар ва жараёнлар ўзгариб, фаолият эса узоқ вақт давомида ўзгармасдан қолган ҳолларда диққатнинг барқарорлиги доирасида унинг кўчиши юз беради. Бундай кўчиш узоқ давом этадиган иш пайтида чарчашнинг олдини олади ва шу билан диққатнинг барқарорлигини оширади. Лекин бу тез-тез такрорланавермаслиги лозим, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Диққатнинг кўчишида қатор кўрсаткичлар алоҳида ажра-тиб кўрсатилади. Бу, энг аввало, битта фаолият ёки жараён-дан бошқа бирига ўтиш учун сарф бўладиган вақт; ишнинг унумдорлиги ёки маҳсулдорлиги (унинг ҳажми ёки ҳажми жиҳатидан муайян материални диққатни кўчирмасдан бажаришнинг фаолиятга таққосланган вақти); ишнинг сифати, аниқлиги (унинг бехатолиги ёки кўчириш билан боғлиқ ҳолдаги хатоларнинг мавжудлиги) дир. Диққатнинг *тўла*, тугалланган ҳолдаги кўчирилиши, ёхуд *чала*, тугалланмаган кўчирилиши тўғрисида сўз юритилиши мумкин. Диққати чала, тугалланмаган ҳолда кўчирилган киши янги ишни бажаришга киришган тақдирда олдин бажариб келган ишига бўлган диққатини батамом бўлиб қўя олмайди. Диққатнинг чала кўчирилиши натижасида унинг йўналишидаги ўзгариш диққатнинг янги фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш, янги вазифани бажариш учун зарур бўладиган даражада жамланишининг юз беришига олиб келмайди. Диққатнинг чала кўчишида олдинги фаолиятнинг тормозловчи таъсири, масалан, янги ишнинг

эски ишга хос тартиб-қоидалар бўйича бажарилаётганлигида намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам дарсда ўқувчиларнинг диққатини уюштиришда унинг кўчирилиши учун кетадиган вақт ҳам, ишнинг диққатни кўчирилгандан кейин бажарилишига хос хусусиятлар ҳам инобатга олинishi керак. Диққатни кўчиришнинг тезлиги унинг тугалланмаганлиги билан уйғунлашиб кетган ҳолларда янги фаолият янги вазифалар ва та-лабларга бўйсундирилиши шарт.

Диққатни кўчиришнинг муваффақияти бир қанча шарт-шароитларга боғлиқдир. Кўчириш олдинги ва кейинги фаолиятнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Жумладан, диққатни кўчиришнинг муваффақиятлилиги кўрсаткичлари енгил-елпи фаолиятдан машаққатли фаолиятга ўтишда анча камаяди. Кўчиришнинг муваффақиятлилиги кишининг олдинги ва янги фаолиятга бўлган муносабати билан белгиланади. Олдинги фаолият қанчалик қизиқарли ва кейингиси ўзига қанчалик камроқ жалб этадиган бўлса, диққатнинг кўчиши ҳам шунчалик қийин бўлади. Агар олдинги фаолият тугалланмаган бўлса, янгисини бошлаш анча қийинроқдир. Диққатни кўчиришнинг муваффақиятлилиги олдинги фаолиятга диққатнинг қанчалик жалб этилганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Агар диққат гоят даражада қаттиқ жалб этилган бўлса, кўчирилиши жуда ҳам қийин бўлади. Диққатнинг кўчирилиши кўп жиҳатдан янги фаолият мақсадининг шахс учун аҳамияти, унинг аниқ-равонлиги ва соддалиги билан белгиланади.

Диққатнинг кўчирилишида анчагина индивидуал фарқлар мавжуддир. Баъзи одамлар бир фаолиятни қўйиб, иккинчисини бажаришга тез ва осонгина киришиб кетса, бошқаларига бундай тарзда ўтиш учун узоқ вақт ва анчагина куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Диққатни кўчиришнинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари нерв жараёнлари ўзгарувчанлиги хусусиятлари билан боғлиқ, деб тахмин қилинади. Шу билан бирга машқ қилиш йўли билан ҳам диққатни кўчириш кўрсаткичлари оширилиши мумкин.

Ҳозирги кўпгина касблар айнан диққатнинг кўчувчанлигига, нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Диққатнинг кўчиши ўқув жараёнида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар диққатини кўчиришнинг зарурлиги ўқув жараёнининг ўзи қандай олиб борилаётганлиги хусусиятларидан: мактабда кечадиган кун мобайнидаги турли ўқув фанларининг алмашишидан, дарсларда материални ўрганиш босқичларининг изчиллигидан (бу ўқувчилар фаоллиги турлари ва шаклларининг алмашишини тақозо этади) келиб чиқади. Диққатнинг оқилона кўчирилиши ақлий меҳнат гигиенаси нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга ва ишга лаёқатлиликини тегишли даражада сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Диққатнинг кўчиши билан бир қаторда унинг бўлинишини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Диққатнинг бўлиниши деганда унинг асосий фаолиятдан уни муваффақиятли тарзда

бажариш учун аҳамиятсиз объектларга ихтиёрсиз кўчирилиши тушунилади.

Индивиднинг «шовқинга чидамлилиги»да, яъни унинг алаҳситадиган қўзғатувчилар таъсир қилиб турган шароитларда ҳам хотиржам ишлаш қобилиятида анчагина индивидуал фарқлар бор. Бу фарқлар нерв системасининг кучи билан боғлиқ, деб фараз қилинади. Жумладан, кучли асаб системасига эга бўлган шахсларда турли хилдаги ақлий топшириқларни бажариш чоғида ҳатто диққатнинг бўлинишига олиб келиши мумкин бўлган шароитларда ҳам фаолиятнинг самарадорлиги бирмунча ошиши мумкин. Невр системаси заифлигида қўзғатувчиларнинг чалғитувчи таъсир этиши бошқа бир хил шарт-шароитлар (фаолиятга нисбатан муносабат, мотивлар ва ҳоказолар) фаолиятнинг кўрсаткичлари пасайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Диққатнинг тақсимланиши

Диққатнинг тақсимланиши — *иккита ва ундан кўпроқ фаолият турларининг (бир қанча ҳаракатларининг) айни бир вақтнинг ўзида (бирга қўшиб) муваффақиятли бажариши* имконияти билан боғлиқ хусусиятдир. Диққатнинг юксак даражада тақсимланиши — кўпгина ҳозирги замон меҳнат турлари муваффақиятлилигининг муқаррар шартларидан биридир. Операторлар, кўплаб дастгоҳларда ишловчилар, транспорт ҳайдовчилар ва бошқаларнинг иши ана шуни талаб қилади. Масалан, ҳаракатдаги объектларни бошқараётган оператор асбоб-ускуналар кўрсаткичларини кузатиб бориши ва айни чоғда ўзгариб турадиган вазиятга қараб иш тутуши, назорат ва бошқариш жараёнларини амалга ошириши керак.

Диққатнинг тақсимланиши педагогик фаолиятда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Дарсда материални тушунтираётган ўқитувчи ўз нутқининг мазмунига эътибор бериши, баённинг мантигини, изчиллигини назорат қилиб бориши ва шу билан бирга ўқувчилар материални қандай идрок этишаётганликларини кузатиб туриши шарт. У бутун синфнинг ва алоҳида ҳар бир ўқувчининг ишини назорат қилиб бориши, ўқувчилар диққатининг бўлинишига, улар томонидан интизомнинг бузилишига ўз муносабатини билдириши лозим. Диққатнинг тақсимланиши ўқитувчи учун ўқувчилардан ўтилган темани сўраётганида ҳам зарур. Бунда битта ўқувчининг жавобини эшитаётиб, айни пайтда бутун синфни диққат марказида тута билиш муҳимдир. Педагогик фаолиятда диққатни тақсимлай билиш малакаси ўқитувчининг профессионал тайёргарлигига, ўқитилаётган фанни яхши ўзлаштириб олганлигига, дарс планининг пухталигига ва бошқаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Диққатнинг тақсимланиши мумкинлиги бир қанча шарт-шароитларга боғлиқдир. Фаолиятнинг биргаликда бажариладиган турлари ёки ҳал этилаётган вазифалар қанчалик мураккаб бўлса, диққатнинг тақсимланиши ҳам шунчалик қийин бўлади. Агар фаолият жуда мураккаблашиб кетса амалда уни

бошқа яна биттаси билан қўшиб бажариш мумкин бўлмайди. Ақлий фаолиятнинг иккита турини бирга қўшиб олиб бориш ҳам қийин. Ҳаракат фаолиятини ва ақлий фаолиятни биргалликда бажарилган тақдирда диққатнинг тақсимланиши анча самарали бўлади. Уларнинг бирга қўшиб бажарилишида ақлий фаолиятнинг самарадорлиги ҳаракат фаолиятга нисбатан анча камайиб кетиши мумкин. Барча ҳолларда бирга қўшиб бажарилаётган фаолият турларидан ҳеч бўлмаганда биттасининг автоматлаштирилиши диққатни муваффақиятли равишда тақсимланишининг асосий шarti ҳисобланади.

Диққатни тақсимлаш малакаси ўқув фаолиятини эгаллаб олиш жараёнида шаклланади, у машқ қилиш ва тегишли кўникмаларни орттириш орқали ривожлантирилиши мумкин.

Диққатнинг кўлами

Диққатнинг хусусиятлари қаторига айна бир вақтнинг ўзида аниқ-равшан идрок этиладиган объектлар сони билан белгиланадиган кўлами ҳам киради. Кўплаб содда объектлар (ҳарфлар, шакллар ва ҳоказолар) 0,07—0,1 секунд вақт оралиғида идрок этилган тақдирда катта ёшдаги кишида диққатнинг кўлами ўртача 5—7 элементга тенг бўлиши аниқлангандир. Диққатнинг кўлами идрок этиладиган объектларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Жумладан, англанилган матн тақдим этилганда 14 ҳарфли сўзлар осонгина илғаб олинади. Шу билан бирга идрок этувчи субъект объектни умуман илғаб оларкан, шунинг учун ҳам ундаги хатоларни пайқамаслиги мумкин. Кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг кўлами жуда ҳам чекланган бўлади. Ёш улғайган сари у кенгая боради. Идрок этилаётган материални мазмунига кўра гуруҳларга ажрата билиш, системага сола билиш, бирлаштира олиш малакаларининг шакллантирилиши диққатнинг кўламини кенгайтиришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Тез ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар қилишни тақозо этадиган меҳнат фаолиятида диққатнинг кўчирилиши, тақсимланиши ва кўлами бир бутун, яхлит бўлади. Кўчиш тақсимлашга айланиб қолиши, тақсимлаш ҳодисаси тездаёқ кўчиш билан тўлдирилиши ва алмаштирилиши мумкин. Кўлам, тақсимланиш, кўчиш ўртасидаги чегараларни амалда пайқаб олиш қийин, улар ягона диққат ҳодисасининг ҳар хил қирраларидир.

Диққатнинг бузилиши

Диққатнинг салбий жиҳатларидан бири *паришонхотирликдир*. Паришонхотирлик диққатни узоқ вақт давомида жадал бир нарсага қаратишга лаёқатсизликда, диққатнинг осонгина ва тез-тез бўлиниб туришида намоён бўлиши мумкин. Паришонхотирликнинг бу кўриниши кўпинча иш қобилияти сусайиб кетишининг ва хулқ-атвордаги уюшмаганликнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Паришонхотирликнинг сабаблари ҳар хилдир. Паришонхотирлик шахснинг барқарор хислати сифатида ихтиёрий диқ-

қатчинг сустлиги — кўрсаткичи ҳисобланади ва нотўғри тарбия натижаси (боланинг эркалатиб юборилиши, жазоланмасдан қолиши, таассуротларнинг ҳар хиллигига одатланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бу хилдаги паришонхотирликка қарши, аввало, шахсда иродавий фазилатларни шакллантириш йўли билан кураш олиб бориш керак. Доимо паришонхотирликни бола саломатлигининг яхши эмаслиги, нерв системасининг умуман бузилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Паришонхотирлик ҳаддан ташқари, ҳиссий ҳаяжонланиш ёхуд чарчаш оқибати сифатида қисқа муддатли бўлиши ҳам мумкин. Сўнгги ҳолатда у кўпинча ўқиш куни ва ҳафтасининг охирида намоён бўлади. Педагогик иш тажрибасида диққатни тарбиялаш мақсадида паришонхотирликнинг барча сабаблари ва хусусиятлари инobatга олинishi шарт.

Қачонки, киши ишга берилиб кетиб, ўз ўй-хаёли, кечинмалари билан бўлиб, машғул бўлган ишидан бошқа ҳеч нарсани кўрмаётган ва эшитмаган ҳолларда ҳам «паришонхотирлик» ҳақида сўз юритилади. У, масалан, теварак-атрофдагиларга эътибор бермайди, ўзига қаратилган саволларга парво қилмайди. Бундай «паришонхотирлик» диққатнинг ёрқин ифодаланган ҳолдаги танланганлигидан, унинг беҳад жамланганлиги ва жадаллигидан ҳосил бўлади. Диққатнинг энг кўп даражада жамланганлиги, юқорида қайд этиб ўтилганидек, фаолиятда муваффақият қозонишнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Лекин диққатнинг фақат бир объектга қаратилганлиги унинг тақсимланиши ва кўчирилишида қийинчиликлар туғдириши мумкин. Бу хилдаги паришонхотирлик кундалик ҳаётда, амалий фаолиятда кишининг теварак-атрофдаги олам билан муносабатини мушкуллаштириб қўяди ва шунинг учун ҳам унга диққатнинг нуқсони сифатида қаралади.

Мақтаб ҳаётида паришонхотирлик «қондага сиғмайдиган» деб аталмиш хатоларда (кўчириб олаётганда ҳарфларни ва сўзларни тушириб қолдириш, математик ҳисоблашларда белгиларнинг алмаштириб қўйилиши ва ҳоказолар), дарс пайтида ўқувчида тегишли мактаб анжомлари йўқлигининг маълум бўлишида (керакли дафтар уйда эсдан чиқиб қолдирилган, мактабга бошқа дарслик олиб келинган ва ҳоказо), ўқувчининг дарс жараёнига етарлича жалб этилмаганлигида ва шу каби бошқа ҳолларда намоён бўлади. Болаларда, айниқса кичик ёшдаги болаларда паришонхотирлик жуда кўп учрайди.

Диққатнинг паришонхотирликдан ташқари бошқа хилдаги бузилишлари ҳам борлиги эътироф этилади. *Диққатнинг* ҳаддан зиёд *ҳаракатчанлиги*, бир объектдан ва фаолият туридан бошқаларига донмий равишда ўтиб туриш ёки аксинча, *ҳаракатсизлиги*, диққатнинг суст ҳаракат қилиши, унинг тор доирадаги тасаввурлар ва фикрларга паталогик тарзда қайд этилиши шулар жумласига киради. Диққатнинг бу хилдаги бузилишлари миянинг баъзи бир органик касалликлари, энг аввало,

унинг пешана қисмидаги касалликлари юз берган пайтларда кузатилади.

Диққатнинг фазилатлари билан бир қаторда унинг бузилиши ва нуқсонлари бўлиши мумкинлигини психологик жиҳатдан асосланган тарзда ҳисобга олиш диққатни ўзида акс эттирадиган билиш жараёнларини тадқиқ этишнинг зарур шартидир.

Адабиётлар

Гальперин П. Я., Кабилицкая С. Л. Экспериментальное формирование внимания. М., МДУ нашриёти, 1974.

Добрынин Н. Ф. Произвольное и непроизвольное внимание.— В кн.: Уч. записки МГПИ им. В. И. Ленина. М., 1958. 18-том.

Нейрофизиологические механизмы внимания (Под ред. Е. Д. Хомской). М., МДУ нашриёти, 1979.

Страхов И. В. Воспитание внимания школьников. М., Учпедгиз, 1958.
Хрестоматия по вниманию. М., МДУ нашриёти, 1976.

Билалов
46-46-15
НАСНИА

9-БОБ

СЕЗГИЛАР

III. 9.1. Сезгилар ҳақида тушунча

Сезгиларнинг
киши ҳаёти ва
фаолиятидаги
роли

Теварак-атрофдаги оламнинг бойлиги ҳақида, товушлар ва ранглар, ҳидлар ва ҳарорат, миқдор ва кўплаб бошқа нарсалар тўғрисида биз сезги органлари туфайли биламиз. *Киши вужуди сезги аъзолари ёрдамида сезгилар шаклида ташқи ва ички муҳитнинг ҳолати ҳақида ранг-баранг ахборот олиб туради.*

Сезги — бу оддий психик жараён бўлиб, у моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари аксидан, шунингдек моддий қўзғатувчилар тегишли рецепторларга бевосита таъсир этган тақдирда организмда ҳосил бўладиган ички ҳолатлардан таркиб топади. Материя бизнинг сезги органларимизга таъсир этиб сезги ҳосил қилдиради.

Сезги аъзолари ахборотни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва миёга етказиб беради. Миё бундай ахборотнинг бениҳоя катта ва туганмас оқимини ҳар дақиқада қабул қилиб ва қайта ишлаб туради. Натижада теварак-атрофдаги оламнинг ва организмнинг хусусан ўз ҳолатининг айнан бир хил акси ҳосил бўлади. Шу аснода киши танасининг ҳаракатини тўғрилаб туришга, овқат ҳазм қиладиган аъзоларнинг, ҳаракатлантирувчи мучалларнинг, ички секреция безларининг ишига, сезги аъзоларининг хусусан ўзларини йўналтириб туришга масъул бўлган ижро органларга келиб турадиган нерв сигналлари ва шу кабилар шаклланади. Бир зумда юз берадиган кўп минглаб жараёнлардан таркиб топадиган ана шу ғоят мураккаб иш сурункали давом этади.

Сезги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йўллариدير. Бир модданинг ҳеч қандай формасини, ҳаракатнинг ҳеч қандай формасини сезгилардан бошқача йўл билан била олмаймиз. Сезги аъзолари кишига теварак-атрофдаги оламда мўлжал олиш имконини беради. Агар киши барча сезги аъзоларидан маҳрум бўлиб қолса борми, у ўзининг атрофида нималар юз бераётганини била олмас, теварак-атрофдаги одамлар билан муносабатга кириша олмас, овқатни

қидириб топа олмас, хавф-хатардан қутилиб қола олмас эди. Таниқли рус врач *С. П. Боткин* (1832—1889) бемор аёл бир кўзи билан кўришидан ва қўлининг озгина қисми сезишидан бўлак барча сезги турларидан маҳрум бўлгани каби кам учрайдиган ҳодисани баён этиб берган эди. Бемор аёл кўзларини юмса ва унинг қўлларига ҳеч ким тегмаса, ухлаб қолаверган.

Киши теварак-атрофдаги олам ҳақида ҳамиша ахборот олиб туриши керак. Организмнинг теварак-атрофдаги оламга мослашуви, бу сўзни жуда ҳам кенг маънода тушунадиган бўлса, муҳит билан организм ўртасида доимий равишда қандайдир ахборот мувозанати мавжуд бўлишини тақозо этади. Организмда жиддий функционал бузилишларга олиб келадиган ахборот ортиқчилиги ва ахборот танқислиги (*сенсор изоляция*) ахборотнинг мувозанатига зид бўлиб чиқади. Шу жиҳатдан кейинги йилларда сенсор ахборотни чеклаш юзасидан олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларнинг натижалари диққатга сазовордир. Бу тадқиқотлар космик биология ва медицина муаммолари билан боғлиқдир. Синалувчиларни уларнинг деярли тўла сенсор изоляцияни таъмин этадиган (доимий равишда бир хилдаги товуш, салгина ёруғлик берадиган қора кўз ойнак, қўл ва оёқлардаги тактил сезувчанликдан маҳрум қиладиган цилиндр кийдириб қўйиш ва ҳоказолар) махсус камераларга жойлаб қўйилган тақдирда бир неча соат вақт ўтгандан кейин улар ваҳимали ҳолатга тушиб, тажрибанинг тўхтатилишини қатъиян илтимос қила бошлаганлар. Қисман сенсор изоляцияланиш юзасидан ўтказилган тажрибалар, масалан, гавданинг айрим қисмлари ташқи таъсирдан ҳоли қилиб қўйилиши шунини кўрсатадики, кейинги ҳолатда ана шу жойларда бирон нарсанинг териға тегишини сезиш, оғриқни ва ҳароратни сезувчанликнинг бузилиши кузатилади. Узоқ муддат давомида бир хил рангдаги ёруғлик таъсири остида бўлган кишиларда йўқ нарсалар кўзга кўриниши ҳодисаси (галлюцинация) пайдо бўлган эди. Мана шу ва бошқа кўплаб фактлар кишида теварак-атрофдаги олам ҳақида сезгилар тарзида таассуротларга эга бўлиш эҳтиёжининг қанчалик кучли эканлигидан далолат беради.

Кишининг ҳаёти ва фаолиятида сезгиларнинг роли жуда катта, негаки, улар бизнинг олам ҳақидаги ва ўзимиз тўғримиздаги билимларимиз манбаи ҳисобланади. Моҳияти жиҳатидан сезгиларнинг ўзи нима? Сезгиларнинг моҳияти ҳақидаги масаланинг бирдан-бир тўғри талқини *инъикос назариясида* ўз ифодасини топган.

Сезгиларнинг инъикос назарияси нуқтаи назаридан изоҳланиши Сезгилар ҳақидаги материалистик таълимотга кўра *ҳодисалар ва уларнинг хоссалари бирламчи, сезгилар эса материянинг сезги аъзоларига таъсирининг натижасидир*. Бунинг устига сезгилар бизга объектив воқеликнинг ҳаққоний суратини беради, яъни оламни у қандай мавжуд бўлса шундайлигича акс эттиради. *Субъектнинг амалий тажрибаси, фао-*

лияти воқеликни акс эттиришнинг бошқа ҳар қандай тури каби сезгиларнинг ҳақиқийлиги мезони бўлиб хизмат қилади.

Инъикос назарияси сезгилар ҳақида ғайри илмий, идеалистик таълимотларга қарама-қаршидир. Бир томондан, бу сезгиларнинг *субъектив идеалистлар* (Беркли, Юм, Мах ва бошқалар) томонидан якка-ю ягона реаллик тарзида изоҳланишидирки, бунинг натижасида улар оламни бор-йўғи сезгиларнинг йиғиндиси сифатида талқин қиладилар. Иккинчидан, бу концепция бўлиб, унинг учун сезгилар фақат шартли белгилар, *ташқи таъсирлар тимсоли* (И. Мюллер, Гельмгольц) холос. Бу назария рецепторлар қўзғатувчиларнинг маълум бир турларига ва бир хилдаги қўзғатувчилар ҳар хил сезги аъзоларига таъсир этган ҳолда турлича сезгилар ҳосил қилиши мумкинлигидан иборат айрим хусусий фактларга нисбатан ихтисослашишидан келиб чиқади. Масалан, кўзнинг тўр пардасига нур таъсир қилганда ҳам, электр токи ёки босим орқали таъсир қилинганда ҳам нур сезгиси ҳосил бўлади. Айни чоғда механик қўзғатувчи теригами, қулоққами ёки кўзгами таъсир этишига боғлиқ тарзда босим, товуш ёки нур сезгисини ҳосил қилиши мумкин. И. Мюллер ана шу фактларга асосланиб, *сезги аъзоларининг ўзига хос қуввати* (энергияси) ҳақидаги нуқтаи назарини илгари сурган эди. Мюллернинг ғоясига кўра, сезги қўзғатувчининг сифатига эмас, балки ана шу қўзғатувчи таъсир кўрсатаётган сезги аъзоларининг ўзига хос қувватига боғлиқдир. Демак, бизнинг сезгиларимиз билан ташқи олам ҳодисалари ўртасида ўхшашлик йўқ ва сезгилар фақат қувватларнинг тимсоллари, шартли белгилари ҳисобланади, деб хулоса қилади Мюллер.

Ҳақиқатда эса, гарчи Мюллер томонидан келтирилган фактлар тўғри бўлса ҳам, улар ялпи аҳамиятга эга эмас. Биринчидан, барча қўзғатувчилар ҳам электр токи ёки механик қўзғатувчи каби ҳар ёқлама (универсал) бўлиб ҳисобланмайди. Товушлар, ҳидлар ва бошқа қўзғатувчилар кўзга таъсир қилганда кўриш сезгиларини ҳосил қилмайди. Худди шунингдек, нур ва ҳид ҳам эшитиш сезгисини қўзғата олмайди. Демак, электр токи ва механик қўзғатувчи каби нисбатан ҳар ёқлама қўзғатувчилар камдан-кам учрайдиган ҳодисалардир. Иккинчидан, бир хилдаги фақат битта рецепторнинг ўзига таъсир қилаётган турли хилдаги қўзғатувчилар туфайли ҳосил бўладиган сезгилар ўз сифати жиҳатидан бир хил бўлмайди. Жумладан, механик зарб ёки электр токи қулоққа таъсир этадиган, дағал эшитиш сезгисини ҳосил қиладикки, уни ҳавонинг тебранишлари туфайли юз берадиган эшитиш сезгиларининг бойлиги билан қиёслашга ҳам арзимайди.

Муайян сезги аъзолари учун бир хилдаги қўзғатувчиларни ва унинг учун бир хилда бўлмаган қўзғатувчиларни фарқ қила билиш керак. Шу фактнинг ўзи ҳам сезги аъзоларининг воқелик ашёлари ва ҳодисаларининг хусусиятлари билан белгиланган қувватнинг у ёки бу турини акс эттиришга нафис ихти-

сослашуви ҳақида далолат беради. Сезги аъзоларининг ихтисослашиши — узоқ давом этадиган эволюция маҳсули, *сезги аъзоларининг ўзи эса — ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлик маҳсулидир* ва шунинг учун ҳам ўз тузилиши ва хусусиятларига кўра ана шу таъсирлар билан айнан бир хил бўлиб ҳисобланади.

Кишида сезгилар соҳасидаги нафис табақаланиш кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти билан, ижтимоий-меҳнат тажрибаси билан боғлиқдир. Сезги аъзолари организмнинг муҳитга мослашуви жараёнига хизмат қиларкан, улар унинг объектив хусусиятларини аниқ акс эттирган тақдирдагина ўз функциясини муваффақиятли бажариши мумкин. Шундай қилиб, бу ўринда «сезги аъзоларининг ўзига хос қуввати» принципи эмас, балки «ўзига хос қувватларнинг органлари» принципи амал қилади. Бошқача қилиб айтганда, сезгиларнинг ўзига хослигини сезги аъзоларининг ўзига хослиги билан ҳосил қилинмайди, балки *ташқи оламнинг ўзига хос хусусиятлари сезги аъзоларининг ўзига хослигини келтириб чиқаргандир*. Сезгилар тимсоллар ё иероглифлар эмас, балки субъектнинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатадиган, лекин ундан мустасно тарзда амал қиладиган моддий олам ашёлари ва ҳодисаларининг ҳақиқий хусусиятларини акс эттиради.

Сезгилар ва перцептив фаолият

Сезгилар моҳиятига кўра объектив оламнинг субъектив сиймосидир. Лекин сезгиларнинг ҳосил бўлиши учун организм моддий қўзғатувчининг тегишли таъсирига берилиши кифоя қилмайди, балки организмнинг ўзи ҳам қандайдир иш бажариши даркор. Бу иш ё фақат ички жараёнлардан, ёхуд шунингдек, ташқи иш ҳаракатларидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Лекин у ҳамиша бўлиши шарт. *Сезгилар муайян пайт давомида рецепторга таъсир ўтказайтган қўзғатувчининг ўзига хос қувватини нерв жараёнлари қувватига айланиш натижасида ҳосил бўлади*. Шундай қилиб, *сезгилар* фақат ҳиссий сиймо ёки, аниқроғи, унинг таркибий қисмигина эмас, балки шунингдек, *фаолият* ёки унинг таркибий қисми ҳамдир. Сезгиларнинг ҳосил бўлишида кучли таъсир қиладиган жараёнларнинг иштирокини ўрганишга бағишланган кўплаб ва кўп қиррали тадқиқотлар психик ҳодиса сифатидаги *сезги организмнинг жавоб реакцияси бўлмаган ёки у айнан бир хилликка эга бўлмаган тақдирда ҳосил бўла олмайди*, деган хулосага олиб келди. Шу маънода худди ҳаракатсиз қўл билиш қуроли бўла олмагани каби ҳаракат қилмасдан турган кўз ҳам кўрдир. *Сезги аъзолари* фақат мослашувчанлик, ижро қилиш функцияларини бажарибгина қолмасдан, балки ахборот олиш жараёнларида бевосита иштирок этадиган **ҳаракат органлари билан мустаҳкам боғлангандир**. Масалан, ушлаб кўриб сезиш билан ҳаракатнинг боғлиқлиги ўз-ўзидан равшандир. Ҳар иккала функция битта мучалда — қўлда бир-бири билан қўшилган бўлади. Шу билан биргаликда қўлнинг ижро этиш ва пайпаслаб ушлаш ҳаракатлари ўртасида фарқ бор-


лиги ҳам шубҳасиздир. *И. П. Павлов* кейингиларини ижрочилик хатти-ҳаракатига эмас, балки хатти-ҳаракатнинг алоҳида тури — перцептив хатти-ҳаракатга тааллуқли *мўлжалий-тадқиқий реакцияларидир*, деб атаган эди. Бу хилдаги перцептив бошқарув ахборотни олиб киришни кучайтиришга, сезги жараёнини мақбуллаштиришга қаратилгандир.

Анализатор Сезги нерв системасининг у ёки бу қўзғатувчидан таъсирланувчи реакциялари тарзида ҳосил бўлади ва ҳар қандай ҳодиса каби *рефлекторлик хусусиятига эгадир*. Қўзғатувчининг ўзига айнан ўхшайдиган анализаторга таъсири натижасида ҳосил бўладиган нерв жараёни сезгининг физиологик негизи ҳисобланади.

Анализатор уч қисмдан таркиб топади: 1) ташқи қувватни нерв жараёнига ўтказадиган махсус трансформатор ҳисобланган *периферик бўлим (рецептор)*;

2) анализаторнинг периферик бўлимини марказий анализатор билан боғлайдиган йўллари очадиган *афферент (марказга интилувчи) ва эфферент (марказдан қочувчи) нервлар*; 3) *анализаторнинг периферик бўлимлардан келадиган нерв сигналларининг қайта ишланиши содир бўладиган қобиқ ости ва қобиқ (миянинг ўзи билан тугайдиган) бўлимлари (11-расм)*.

Ҳар бир анализаторнинг *қобиқ бўлимида* рецептор ҳужайраларнинг асосий қисми жамланган *ўзак*, яъни *марказий қисм* ва қобиқнинг турли жойларида у ёки бу миқдорда ўрнашган тарқоқ ҳужайра қисмларидан таркиб топган *ташқи қисми* бўлади. Анализаторнинг ўзак қисми рецептордан марказга интилувчи нервлар жойлашган бош мия қобиғининг ўша жойида ўрнашган кўплаб ҳужайралардан иборатдир. Ушбу анализаторнинг тарқалиб кетган (периферик) қисмлари бошқа анализаторларнинг ўзаклари билан ёнма-ён соҳаларга киради. Шу билан алоҳида сезги жараёнида бутун бош мия қобиғининг каттагина қисми иштирок этишига эришилади. Анализаторнинг ўзаги нафис анализ ва синтез қилиш функциясини бажаради,



11-расм.

масалан, товушларни баландлигига қараб табақалаштиради. Тарқоқ қисмлар дағал анализ функциялари, масалан, мусиқий оҳанг ва товушларни фарқлаш билан боғлиқ бўлади.

Анализатор периферик бўлимларининг муайян ҳужайралари мия қобиғидаги ҳужайраларнинг айрим қисмларига мос бўлади. Жумладан, кўз тўрпардасининг турли нуқталари қобиқда ҳар хил нуқталарда ёйилган ҳолда гавдаланган бўлади; эшитиш аъзоси ҳам қобиқда турли ҳужайралар ёйилганига мутаносиб тарзда гавдаланади. Бу бошқа сезги органларига ҳам тааллуқлидир.

Сунъий қўзғатиш методлари бўйича ўтказилган кўплаб тажрибалар ҳозирги пайтда у ёки бу сезги турларининг мия қобиғидаги маълум бир жойда чегараланиб қолишини етарлича аниқ қилиб белгилаш имконини беради. Жумладан, кўриш сезгилари жойлашган қисм, асосан бош мия қобиғининг энса қисмида жойлашгандир. Эшитиш сезгилари мия қобиғи тепа бурмасининг ўрта қисмига жойлашган. Туйиш-ҳаракат сезгилари мия қобиғи марказий бурмасининг орқа қисмига жойлашган ва ҳоказо.

Сезгининг ҳосил бўлиши учун ҳамма анализаторлар яхлит бир нарса сифатида ишлаши даркор. Қўзғатувчининг рецепторга таъсири қўзғалишнинг юз беришига олиб келади. Ана шу қўзғалишнинг бошланиши ташқи қувватнинг рецептор ёрдамида нерв жараёнига айланишидан иборатдир. Бу жараён рецептордан марказга интилувчи нерв орқали анализаторнинг ўзак қисмига қадар етиб боради. Қўзғалиш анализаторнинг қобиқдаги ҳужайраларига бориб етганда организмнинг қўзғатувчига жавоби ҳосил бўлади. Биз нурни, товушни, таъмни ёхуд қўзғатувчиларнинг бошқа белгиларини сезамиз. Шундай қилиб, сезги ташқи қўзғалиш энергиясининг онг фактига айланиши демакдир.

Анализатор нерв жараёнларининг ёхуд *рефлектор ёйининг* бутун йўли манбаи ва энг муҳим қисмини ташкил этади. *Рефлектор ёйи рецептордан, таъсиротни мияга олиб борувчи нерв йўллари ва эффлектордан таркиб топгандир.* Рефлектор ёйи элементларининг ўзаро муносабати мураккаб организмнинг теварак-атрофдаги оламда тўғри мўлжал олишининг, организмнинг яшаш шароитларига мувофиқ тарздаги фаолиятининг негизини таъминлайди.

Сезгиларда
фойдали ахборатнинг танла-
ниши

Кўриш сезгиси жараёни фақат кўзда бошланиб қолмасдан, балки кўзда тугалланади ҳам. Бу бошқа анализаторларга ҳам хос хусусиятдир. Рецептор билан мия ўртасида фақат тўғри (марказга интилувчи) боғланиш эмас, балки *тескари* (марказдан қочувчи) алоқа ҳам мавжуддир. *И. М. Сеченов* томонидан кашф этилган тескари алоқа принципи *сезги аъзосининг галма-галдан* ҳам рецептор, ҳам эффлектор бўлиб туришлигини тан олишини тақозо этади. Сезги фақат марказга интилувчи жараённинг натижаси эмас, унинг замирида ўзининг ҳосил бўлишида

ва кечишида рефлектор фаолиятининг умумий қонунларига бўйсунадиган тўлақонли ва бунинг устига мураккаб рефлектор ҳодисаси намоён бўлади.

Бу хилдаги рефлектор ҳалқасида юз берадиган жараёнларнинг ҳаракати ташқи таъсирнинг хусусиятларига ўзига хос равишда ўхшатилишидан иборатдир. Масалан, пайпаслаб сезиш худди ана шунақа жараёндирки, бунда қўлларнинг ҳаракати бамисоли муайян объектнинг тузилишига ўхшаган ҳолда унинг шаклини такрорлайди. Кўз худди шундай принципга кўра ўз оптик «прибори» фаолиятини кўзни ҳаракатлантирувчи таъсирлар билан уйғунлаштириш орқали таъсир кўрсатади. Товуш пайчаларининг ҳаракати ҳам объектив тарзда овознинг йўғонингичкалиги каби хусусиятга эгадир. Тажрибаларда вокал ҳаракат бўғинни (звеносини) тўхтатиб қўйилган бўлса, муқаррар равишда ўзига хос карлик ҳодисаси рўй беради. Шундай қилиб, *сенсор (ҳиссий) ва мотор (ҳаракат) қисмларнинг уйғунлашуви туфайли сенсор (анализатор) аппарат рецептор таъсир қилаётган қўзғатувчиларнинг объектив хусусиятларини айнан акс эттиради ва шуларнинг хусусиятларига ўхшаб қолади.*

Сезги аъзолари амалда, қувватнинг муҳитдаги тегишли ўзгаришларини ўзи орқали ўтказадиган филтёрдир. Сезгиларда фойдали ахборотнинг танланиши қайси принципга кўра амалга оширилади? Бир қанча гипотеза тавсия қилинди.

Биринчи гипотезага кўра сигналларнинг чекланган даражасини аниқлайдиган ва ўтказадиган механизмлар мавжуд бўлади, шу билан бирга ушбу даражаларга мос келмайдиган ахборотлар қабул қилинмайди. Буни оддий муҳаррирлик иш тажрибасига ўхшатиш мумкин: бир хил вақтли нашрлар, масалан, фақат спорт ва спортчилар ҳақидаги ахборотни эълон қилса, бошқа биттаси оригинал илмий мақолалардан бўлак ҳаммасини рад этади. Бу хилдаги *селекциялаш танлаб олиш вазифасини солиштириш механизмлари бажаради.* Масалан, ҳашаротларда бу механизмлар ўз турига мансуб шерикни қидириб топишдан иборат мураккаб вазифани ҳал этишга қаратилган бўлади. Кечалари ялтираб турадиган қуртларнинг имо-ишораси, капалакларнинг «маросим рақси» ва ҳоказолар наслдан-наслга бирин-кетин мерос бўлиб ўтаверадиган рефлекслар занжири ҳисобланади. Бундай занжирнинг ҳар бир босқичи ҳашарот томонидан «ҳа», «йўқ» тарзидаги икки хил жавоб системаси билан изчил ҳал қилинади. Мода (урғочи) бошқача ҳаракат қилса, рангли доғ бошқача жойлашган бўлса, қанотларидаги жим-жимаси ўхшамаса, ўйинга тушаётганда мутаносиб жавоб қилмаса, демак у бегона, бошқа турга мансуб мода ҳисобланади. Босқичлар бир-бирига тобе изчилликни ташкил қилади: олдинги саволга «ҳа» жавоби олингандан кейингина янги босқичга ўтилиши мумкин бўлади.

Иккинчи гипотеза ахборотларнинг қабул қилинганлиги ёхуд қабул қилинмаганлиги, жумладан, тирик мавжудотнинг эҳти-

ёжини ифода этадиган махсус мезонлар асосида йўналтирилиб туришини кўзда тутати. Барча ҳайвонлар, одатда ўзларига таъсир қиладиган омиллар олами билан қўршаб олингандир. Лекин *тирик организмларнинг аксарияти фақат организмнинг эҳтиёжлари билан бевосита боғланган омиллардан таъсирланади*. Очлик, ташналик, жуфтлашишга тайёрлик ёхуд қандайдир бошқа бир ички мойиллик омилбахш қувватни танлаш билан шуғулланадиган йўналтирувчилар, мезонлар вазифасини бажариши мумкин.

Учинчи гипотезага кўра, сезгиларда ахборотнинг танланиши янгилик мезонига асосан юз беради. Ҳақиқатан, барча сезги аъзолари ишида қўзғатувчиларнинг ўзгаришига қараб мўлжал олиш кузатилади. Сезувчанлик доимий қўзғатувчининг таъсири остида бамисоли сусайиб қолади ва рецепторлардан марказий нерв аппаратиغا сигнал бермай қўяди. Жумладан, қўлнинг салгина тегиб кетиши натижасида ҳосил бўладиган сезги сусайиш хусусиятига эгадир. Агар қўзғатувчи тери юзасидан ҳаракат қилишини бирданга тўхтатиб қўйгудай бўлса, бундай сезги тамоман йўқолиб кетиши мумкин. Сезувчан нервнинг пировард нуқтаси қўзғалишнинг мавжудлиги ҳақида мияга ҳатто у терини кучли ёхуд кучсиз босиб турган вақт қисқа бўлса ҳам фақат қўзғалиш кучи ўзгарган тақдирда хабар қилади.

Эшитишда ҳам шундай ҳолат юз беради. Хонанда ўз овозини бошқариб бориши ва унинг авжини юқори даражада сақлаб қолиши учун вибратор, яъни оҳанг авжи бирмунча тебраниб туриши мутлақо зарур эканлиги маълум бўлди. Ана шундай атайлаб қилинадиган ўзгаришларга омил бахш этмай туриб, хонанданинг мияси овоз авжи аста-секин ўзгариб боришини сезмайди.

Доимий қўзғатувчининг таъсирини сезишнинг сусайиши кўриш анализатори учун ҳам хос хусусиятдир. Агар қўрбақанинг диққат марказида ҳаракатланувчи буюм бўлмаса, унинг кўзлари мияга бирон жиддий ахборот юбормайди. Бундан чиқадики, қўрбақанинг кўриш олами худди тоза синф доскаси каби бўм-бўш бўлса ажаб эмас. Лекин ҳаракатланувчи ҳар қандай ҳашарот ана шу бўшлиқда алоҳида ажралиб туради.

Е. Н. Соколов ўтказган тажрибаларда доимий қўзғатувчига нисбатан тушуниб олиш реакциясининг сусайиши ҳақида далолат берадиган фактлар олинган эди. Нерв системаси сезги аъзоларига таъсир қиладиган ташқи объектларнинг нервдаги моделини ҳосил қилган ҳолда уларнинг хусусиятларини нафис андазалайди. Бундай моделлар танлаб таъсир қиладиган филтёрлик вазифасини бажаради. Муайян пайтда рецепторга таъсир қиладиган қўзғатувчи илгари таркиб топган нерв модели билан мувофиқ келмаган тақдирда тахминий таъсиротни ҳосил қиладиган мувофиқлаштириш сигналлари пайдо бўлиши

мумкин. Ва аксинча, илгари тажрибаларда қўлланилган қўзғатувчи тахминий таъсиротни йўқотиб қўяди.

Шундай қилиб, *сезги жараёни ташқи таъсирнинг ўзига хос қувватини саралаш ва қайта ўзгартиришга қаратилган ҳамда теварак-атрофдаги оламнинг айнан бир хилда акс этишини таъминлайдиган сенсор таъсир ўтказиш системаси сифатида юз беради, деб хулоса чиқариш мумкин.*

Сезгиларнинг
таснифланиши

Сезгилар маълум бир қўзғатувчининг муайян рецепторга таъсири натижасида ҳосил бўлгани учун ҳам сезгиларнинг таснифи уларни ҳосил қиладиган қўзғатувчиларнинг ва ана шу қўзғатувчилар таъсир қиладиган рецепторларнинг хусусиятларига асосланади. Акс этиш хусусиятига ва рецепторларнинг жойлашган ўрнига қараб сезгилар одатда, уч гуруҳга ажратилади: 1) *ташқи муҳитдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттирадиган ҳамда тананинг юзасида рецепторлари бўлган экстероцентив сезгилар*; 2) *тананинг ички аъзоларида ва тўқималарида жойлашган ҳамда ички аъзоларнинг ҳолатини акс эттирадиган рецепторларга эга бўлган интероцентив сезгилар*; 3) *рецепторлари мушакларда ва пайларда ўрнашган проприоцентив сезгилар*; улар *гавдамизнинг ҳаракати ва ҳолати ҳақида ахборот бериб туради. Ҳаракатни сезувчан проприоцентив сезги тури, шунингдек кинестезия деб, тегишли рецепторлар эса кинестезик ёки кинестетик деб аталади.*

Экстроценторларни иккита гуруҳга алоқа боғлайдиган *контакт ва дистант* рецепторларга ажратиш мумкин. Алоқа боғлайдиган рецепторлар уларга таъсир қиладиган объектлар билан бевосита алоқа боғлаган пайтда қўзғатади; баданнинг тегиши орқали сезиш, таъм билиш рецепторлари шулар жумласидандир. Дистант рецепторлар узоқдаги объектдан келадиган қўзғатишдан таъсирланади; дистант рецепторларга кўриш, эшитиш, ҳид билиш рецепторлари киради.

Биз сезгиларнинг ҳали *Арасту* томонидан алоҳида ажратиб кўрсатилган турли: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, баданнинг тегиши орқали сезиш ва таъм билиш кабиларга мос келадиган бешта рецепторни тилга олдик. Арасту икки минг йилдан зиёдроқ вақтдан буён амал қилиниб келаётган ушбу ҳис-туйғулар схемасини (оддий тажрибада «сезгилар» тушунчаси ўрнида кўпинча «ҳис-туйғу» сўзини ишлатишади) берган эди. Ҳақиқатда эса сезгиларнинг турлари анчагина кўпдир.

Пайласлаб кўриш орқали сезиш таркибига тактил тери туюш сезгилар (терининг баданга бирон нарса тегишини туюши) билан бир қаторда сезгиларнинг тамомила мустақил тури — *ҳарорат* сезгиси ҳам киради. У алоҳида ҳарорат анализаторининг функцияси ҳисобланади. Ҳарорат сезгилари фақат бадан тегиши орқали сезишга кириб қолмасдан, балки мустақил ва бутун терморегуляция жараёни учун ҳамда организм билан атроф-муҳит ўртасидаги иссиқлик алмашуви учун кўпроқ умумий аҳамиятга эгадир.

Тактил сезгилар билан эшитиш сезгилари ўртасида оралиқ ҳолатини *вибрация (тебраниш)* сезгилари эгаллайди. Кишининг атроф-муҳитда мўлжал олишидан иборат умумий жараёнда *мувозанат сақлаш* ва *тезлашиш* сезгилари катта роль ўйнайди. Бу сезгиларнинг мураккаб системали механизми вестибуляр аппарат (бош ва гавда мувозанатини идора қиладиган орган) ни, вестибуляр нервлар ва қобиқнинг, қобиқ остининг ва мячанинг турли бўлимларини ўз ичига олади. Қўзғатувчининг вайрон этувчи кучи ҳақида ахборот берадиган *оғриқ* сезгилари ҳам турли анализаторлар учун умумий хусусиятга эгадир.

Ҳозирги замон фани маълумотлари нуқтаи назаридан қараганда, сезгиларни ташқи (экстероцепторларга) ва ички (интероцепторларга) сезгиларга бўлиш етарли эмас. Сезгиларнинг баъзи бир турларини ташқи-ички деб ҳисобласа ҳам бўлади. Уларга ҳарорат ва оғриқ, таъм билиш ва тебраниш, мушак-бўғим ва статик-ҳаракат сезгилари киради.

III. 9.2. Сезгиларнинг умумий қонуниятлари

Сезгиларнинг умумий хусусиятлари

Сезгилар — айнан бир хил қўзғатувчиларнинг акс эттириш шаклларидан иборатдир. Жумладан, электр магнитлари нурланишини кўриш сезгисининг қўзғатувчиси ҳисобланади. Бу нурланиш тўлқини узунлиги 380 дан 770 миллимикрон доирасида бўлади ва кўриш анализаторида нерв жараёнига айланади. Ўз навбатида бу жараён кўриш сезгисини ҳосил қилади. Эшитиш сезгилари — рецепторларга тебраниш тезлиги 16 дан 20000 га қадар бўлган товуш тўлқинлари таъсирининг акс этиш натижасидир. Тактил сезгилар механик қўзғатувчининг тери юзасига таъсири остида ҳосил бўлади. Тебраниш сезгилари карлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, нарсаларнинг тебраниши натижасида юз беради. Бошқа хилдаги сезгилар (ҳарорат, ҳид ва таъмни билиш) нинг ҳам ўзига хос қўзғатувчилари мавжуд. Лекин сезгиларнинг ҳар хил турлари фақат ўзига хослиги билан эмас, балки улар учун умумий бўлган хусусиятлар билан ҳам ифодаланади. Сезгиларнинг *сифати, жадаллиги, узоқ давом этиши* ва *кўп жойларда юз бериши* ана шундай хусусиятлар жумласига киради.

Сифат — мазкур сезгининг асосий хусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайди ва айни шу сезги тури доирасида ўзгартириб туради. Жумладан, эшитиш сезгиси паст-баландлиги, майинлиги, зўрлиги билан, кўриш сезгиси бойлиги, рангларнинг туси билан фарқ қилади ва ҳоказо. Сезгиларнинг сифат жиҳатидан ранг-баранглиги материя ҳаракатининг шакллари ранг-баранглиги, чексизлигини акс эттиради.

Сезгининг *жадаллиги* унинг миқдорини ифода этадиган хусусияти бўлиб, *таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучи ва ре-*

цепторнинг функционал ҳолати билан белгиланади.

Сезгининг давомийлиги унинг вақтинчалик хусусияти ҳисобланади. У ҳам сезги аъзосининг функционал ҳолати билан, лекин асосан қўзғатувчининг таъсир қилиш вақти ва бу таъсирнинг жадаллиги билан белгиланади. Қўзғатувчи сезги аъзосига таъсир қилиши биланоқ сезги ҳосил бўлмайди, балки бир оз вақт ўтгач ҳосил бўлади. Бу сезгининг латент (яширин) даври деб аталади. Латент даври ҳар хил сезги тури учун ҳар хил: масалан, тактил сезгилари учун у 130 миллисекунддан иборат бўлса, оғриқ сезгиси учун 370 миллисекунддан иборатдир. Таъм билиш сезгиси эса тилнинг устига кимёвий қўзғатувчи сурилгандан кейин 50 миллисекунд ўтгач ҳосил бўлади.

Сезги қўзғатувчи таъсир қила бошлаши билан бир пайтда ҳосил бўлмаганидек қўзғатувчининг таъсири тўхташи биланоқ йўқолиб кетмайди. *Сезгиларнинг бу хилдаги сустиги оқибат аталмиш ҳодисада намоён бўлади.*

Кўриш сезгиси бирмунча суст бўлиб, уни қўзғатган қўзғатувчи таъсир қилишни тўхтатиши биланоқ дарҳол йўқолиб кетмайди. Қўзғатишнинг асорати кетма-кет келувчи образлар деб аталадиган ҳодиса сифатида сақланиб қолади. *Ижобий* ва *салбий кетма-кет келувчи* образлар бўлади. Кетма-кет келувчи ижобий образ равшанлиги ва ранглилиги жиҳатидан илк қўзғатувчига монанд бўлади. Кинематограф принципи кўринишнинг бир қанча муддат давомида сустигига, кўриш таассуротининг кетма-кет келувчи ижобий образ шаклида сақланиб қолишига асослангандир. Кетма-кет келувчи образ вақт давомида ўзгариб туради, бунда ижобий образ салбий образ билан алмашади. Рангли нур манбалари мавжуд бўлган тақдирда кетма-кет келувчи образ қўшимча рангга кўчиши юз беради.

И. Гёте «Ранг тўғрисидаги таълимотнинг очерки» да шундай деб ёзган эди: «Бир куни кечга яқин меҳмонхонага борганимда, хонамга юзлари оппоқ ёниб турган, қоп-қора сочли ва оч-қизил рангли корсаж кийиб олган буйдоргина қиз кириб келди. Мендан салгина нарида ярим қоронғиликда турган қизга тикилиб қарадим. У турган жойидан четга ўтиб олганидан кейин эса мен рўпарамдаги ёруғ деворда унинг ёруғ камалак ранги билан чўлланган қорамтир юзлари тасвирини кўрдим. Ростмана одамсимон қиёфа устидаги кийимлар эса менга зангори ранг денгиз тўлқинига ўхшаб кўринди»¹.

Кетма-кет келувчи образларнинг ҳосил бўлишини илмий жиҳатдан изоҳлаб бериш мумкин. Маълумки, кўз тўрпардасида уч хил тусдаги рангни сезувчи қисмлар мавжуд деб фараз қилинади. Қўзғатиш жараёнида улар чарчайди ва сезгирлиги анча камайиб қолади. Қачонки, биз қизил рангга қараб тур-

¹ Гёте И. Избранные сочинения по естествознанию. Л.—М., СССР, ФА нашриёти, 1957, 288-бет.

ганимизда унга тегишли элемент бошқаларига нисбатан кўпроқ чарчаб қолади. Шу боисдан ҳам кўз тўрпардасининг ўша қисмига қизил рангдан сўнг оқ ранг таъсир этадиган бўлса, қолган иккита ранг қабул қилувчи элемент ортиқ сезгирликка эга бўлади ва кўз қарашимизда кўкиш зангори рангни кўра-миз.

Эшитиш сезгилари худди кўриш сезгиларига ўхшаб, кетма-кет образларга эга бўлиши мумкин. Бунда анча таққосланадиган ҳодиса «қулоқлардаги шингиллаш», яъни кўпинча қулоқларни қоматга келтирадиган товушларнинг таъсиридан кейин давом этадиган ёқимсиз жаранглаш сезгисидир. Бир қанча қисқа товуш сигналлари бир неча дақиқа мобайнида эшитиш анализаторига таъсир этганидан сўнг улар яхлит ёки сал босиқ ҳолида идрок этила бошлайди. Бу ҳодиса товуш сигнални таъсир этиши тўхтагандан кейин кузатилади ва сигналнинг жадаллигига ҳамда қанчалик узоқ давом этганлигига боғлиқ тарзда бир неча дақиқа мобайнида содир бўлиб туради.

Худди шундай ҳодиса бошқа анализаторларда ҳам учрайди. Масалан, ҳарорат, оғриқ ва таъм сезгилари ҳам кўзғатувчининг таъсиридан кейин анча вақтга қадар давом этади.

Ниҳоят, сезгилар *кўзғатувчининг муайян жойларда юз бериш хусусиятига* эгадир. Дистант рецепторлар томонидан амалга ошириладиган фазовий таҳлил кўзғатувчининг муайян жойда юз бериши ҳақида ахборот беради. Боғланишли сезгилар (тактил, оғриқ, таъм билиш) тананинг кўзғатувчи таъсир қиладиган қисми билан муносабатга киришади. Бунда оғриқ сезгилари тактил сезгига қараганда кўпроқ даражада тарқоқ жойлашиб, унча аниқ бўлмайди.

Сезувчанлик ва унинг ўлчови Бизга теварак-атрофимизни қуршаб турган ташқи оламнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни етказиб берадиган ҳар хил сезги аъзолари ўзлари акс эттирадиган ҳодисаларни кўпроқ ё озроқ даражада сезувчан бўлиши мумкин, яъни бу ҳодисаларни кўпроқ ёки камроқ аниқлик билан акс эттириши мумкин. *Сезги аъзоларининг сезувчанлиги муайян шароитларда сезгини ҳосил қилишга лаёқатли бўлган энг кучсиз кўзғатувчи ёрдамида аниқланади. Билинар-билинмас сезги ҳосил қиладиган кўзғатувчининг энг кам кучи сезувчанликнинг қуйи абсолют чегараси деб аталади.*

Энг кам кучга эга бўлган ва қуйи чегарадаги кўзғатувчилар сезги ҳосил қилмайди ва улар ҳақидаги сигналларни бошмня қобиғига ўтказмайди. Қобиқ алоҳида ҳар бир пайтда барча сигналларни, шу жумладан, ички органлардан келадиган сигналларни ҳам ушлаб қолган ҳолда беқиёс кўп сонли сигналлар орасида фақат ҳаётий фаолларини идрок этади. Бундай ҳолат биологик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Катта ярим шарлар қобиғи барча сигналларни бир хил тарзда қабул қилиб, уларга жавоб реакцияси билдириши мумкин бўлган организмнинг яшашини тасаввур этиш мумкин эмас. Бу организмни

муқаррар ҳалокатга олиб борган бўлур эди. Айнан катта ярим шарлар қобиғи организмнинг ҳаётий манфаатларини муҳофаза қилади ва ўзининг қўзғалиши бошланишини ҳам кучайтирган ҳолда фаол бўлмаган сигналларни қуйи чегарадаги сигналларга айлантиради, шу тариқа организмни кераксиз таъсирланишлардан халос этади.

Лекин бу пўстлоқ ости сигналлари организмга нисбатан лоқайд қола олмайди. Нерв касалликлари клиникасида олинган кўп сонли фактлар бунинг исботи сифатида хизмат қилади. Тажрибада айнан ташқи муҳитдан бўладиган суст, пўстлоқ ости қўзғатувчилари катта ярим шарлар қобиғида доминант ўчоқ яратади ҳамда галлюцинациялар ва «ҳис-туйғулар алданиши»нинг юз беришига имконият туғдиради. Беморлар қуйи чегарадаги товушларни мияга ўрнашиб қолган товушлар тўплами тарзида қабул қилишлари мумкин, айти чоғда ҳақиқий инсон нутқиға тамомила бефарқ бўлади; ёруғликнинг суст, зўрға сезиладиган шуъласи ҳар хил мазмундаги галлюцинатив кўриш сезгиларини ҳосил қилиши мумкин; терининг кийимга тегишидан ҳосил бўлган билинар-билимас тактил сезгилар бир қатор сохта тери сезгилари ҳосил қилиши мумкин.

Сезгиларнинг қуйи чегараси муайян анализаторнинг мутлақ сезувчанлиги даражасини белгилайди. Мутлақ сезувчанлик билан қуйи чегара ўлчами ўртасида тескари боғланиш мавжуд: қуйи чегара ўлчами қанчалик кичик бўлса, муайян анализаторнинг сезувчанлиги шунчалик юксак бўлади. Бу муносабатни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$E = \frac{1}{P},$$

бунда E — сезувчанлик, P — қўзғатувчининг таъсир чегараси меъёри.

Бизнинг анализаторларимиз ҳар хил сезувчанликка эгадир. Кишининг биргина ҳид билиш ҳужайрасининг чегараси тегишли ҳид тарқатувчи моддалар учун 8 молекуладан ортмайди. Таъм сезгисини ҳосил қилиш учун ҳид билиш сезгисини ҳосил қилишга сарфланадиганига қараганда камида 25000 марта кўп молекула талаб қилинади.

Кўриш ва эшитиш анализаторянинг сезувчанлиги жуда юксакдир. *С. И. Вавилов* (1891—1951) нинг тажрибалари кўрсатганидек, кишининг кўзлари тўрпардага бор-йўғи 2—8 квант атрофида нур тушган тақдирда ҳам ёруғликни кўра олади. Бу деган сўз шуки, биз тим қоронғиликда 27 километр масофада ёниб турган шамни кўриш қобилиятига эгамиз. Айти пайтда биз баданимизга бирон нарса текканини сезишимиз учун кўриш ва эшитиш сезгилари ҳосил бўлишига сарфланадиганига нисбатан 100—10000000 баравар зиёд қувват талаб қилинади.

Анализаторларнинг мутлақ сезувчанлиги сезгининг фақат

қуйи эмас, балки юқори чегараси билан кифояланади. Сезгининг мутлақ юқори сезувчанлиги деб қўзғатувчининг энг кўп даражадаги куч билан таъсир қилишини айтилади. Бунда таъсир кўрсатаётган қўзғатувчига айнан ўхшайдиган сезги ҳосил бўлади. Бизнинг рецепторларимизга таъсир қилаётган қўзғатувчилар кучининг яна ҳам оширилиши (масалан, ҳаддан зиёд қаттиқ товуш, кўзни қамаштирадиган даражадаги ёруғлик) оғриқ сезгисини ҳосил қилади, холос.

Ҳам қуйи ва ҳам юқори мутлақ чегаранинг ўлчами турли хилдаги шарт-шароитларга: киши фаолиятининг хусусиятига ва ёшига, рецепторнинг функционал ҳолатига, қўзғалишининг кучига, унинг давом этиши ва ҳоказоларга қараб ўзгариб туради.

Сезги аъзолари ёрдамида биз у ёки бу қўзғатувчининг фақат бор ё йўқлигини қайд этмасдан, балки қўзғатувчиларни кучига ва сифатига қараб фарқлай олишимиз ҳам мумкин. Сезгилар ўртасидаги билинар-билинмас фарқни ҳосил қилувчи иккита қўзғатувчи ўртасида мавжуд бўлган минимал фарқ фарқ ажратиш чегараси ёки айирма чегараси деб аталади. Немис физиологи Э. Вебер (1795—1878) кишининг ўнг ва чап қўлларида кўтариб турган иккита нарсанинг қайси бири оғирроқ эканлигини аниқлай билиш қобилиятини текшираркан, фарқ ажратиш сезгирлиги мутлақ эмас, балки нисбийлигини қайд этган эди. Бундан қўшимча қўзғатувчининг асосий қўзғатувчига нисбатан доимий ўлчам бўлиши керак, деган маъно келиб чиқади. Жумладан, қўлда 100 грамм оғирликдаги юк турган бўлса, юкнинг билинар-билинмас ошганлигини пайқаш учун оғирлик 3,4 грамм атрофида оширилиши керак. Юкнинг оғирлиги 1000 грамм бўлган тақдирда эса сезги ҳосил қилинишида салгина фарқ сезилиши учун оғирлик 33,3 грамм чамаси оширилиши керак. Шундай қилиб, илк бор қўзғатувчининг ўлчами қанчалик катта бўлса, унга қўшимча ҳам шунчалик катта бўлиши лозим.

Фарқланишнинг бошланиши мазкур анализатор учун доимий бўлган нисбий ўлчам билан белгиланади. Кўриш анализатори учун бу нисбат тахминан $\frac{1}{100}$ ни, эшитиш анализатори учун $\frac{1}{10}$ ни, тактил анализатори учун $\frac{1}{30}$ ни ташкил этади. Бу ҳолатни тажриба йўли билан текшириш унинг фақат ўртача кучга эга бўлган қўзғатувчилар учун ўринли эканлигини кўрсатади.

Немис физиги Г. Фехнер (1801—1887) Вебер ўтказган тажрибаларда олинган маълумотларга асосланиб, сезгиларнинг жадаллиги қўзғатувчининг кучига боғлиқлигини қуйидагича,

$$S = K \lg J + C$$

яъни шаклида ифодалаган эди. Бунда S — сезгининг жадаллигини, J — қўзғатувчининг кучини, K ва C — константалар ўзгармас,

доимий сон ва миқдорлар) ни билдиради. *Асосий психофизик қонун* номи билан юритиладиган бу қондага биноан сезгининг жадаллиги қўзғатувчи кучининг логарифмига пропорционалдир. Бошқача қилиб айтганда, қўзғатувчининг кучи геометрик прогрессия йўли билан оша борган тақдирда сезгиларнинг жадаллиги арифметик прогрессия йўли билан ошади (*Вебер-Фехнер қонуни*).

Айирма сезувчанлик ёхуд фарқ ажратиш сезувчанлиги ҳам фарқланиш чегарасининг ўлчамига нисбатан тескари боғланишда бўлади: *фарқланиш чегараси қанчалик катта бўлса, айирма сезувчанлик ҳам шунчалик кам бўлади.*

Айирма сезувчанлик тушунчаси фақат қўзғатувчиларнинг жадаллигига кўра эмас, балки сезувчанликнинг баъзи турларига хос бошқа хусусиятларга кўра ҳам фарқланишини таърифлаш учун қўлланилади. Масалан, кўриш орқали идрок қилинадиган нарсалар шаклларининг, ҳажмларининг ва рангининг фарқланишини сезиш тўғрисида ва товушнинг йўғон ё ингичкалигини сезиш ҳақида гапирилади.

Адаптация Сезгилар чегарасининг абсолют меъёри билан белгиланадиган анализаторларнинг сезгирлиги барқарор бўлмасдан қатор физиологик ва психологик шарт-шароитлар таъсири остида ўзгариб туради. Ушбу шарт-шароитлар орасида *адаптация* (мослашиш) ҳодисаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Адаптация ёхуд мослашув — сезги органлари сезгирлигининг қўзғатувчи таъсири остида ўзгариши демакдир.

Бу ҳодисанинг уч хил турини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. *Қўзғатувчининг узоқ муддат давомида таъсир этиши жараёнида сезгининг тамомила йўқолиб қолишига ўхшайди.* Биз бу ҳодиса ҳақида мазкур бобнинг биринчи қисмида анализаторларнинг қўзғатувчилар ўзгаришига нисбатан ўзига хос мослашуви ҳақида гапириб ўтган эдик. Доимий қўзғатувчилар таъсир қилган тақдирда сезги йўқолиб қолиш хусусиятига эга. Масалан, терининг устига қўйилган енгилгина юк тездаёқ сезилмайдиган бўлиб қолади. Ҳид билиш сезгилари атроф-муҳитга ёқимсиз ҳид ёйилганидан кейин кўп ўтмай батамом йўқолиб қолиши ҳам оддий бир ҳодисадир. Агар тегишли моддани оғизда бир оз вақт сақлаб туриладиган бўлса, таъм билиш сезгисининг жадаллиги сусая бошлайди ва пировардида сезги умуман йўқолиб кетиши мумкин.

Доимий ва ҳаракатсиз қўзғатувчи таъсир қилиб турган тақдирда кўриш анализаторининг тўла кўникиши юз бермайди. Бу қўзғатувчининг ҳаракатсизлиги рецептор аппаратининг ўзи ҳаракатланиши ҳисобига қопланиши билан изоҳланади. Кўзларнинг доимий равишда ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаракат қилиши кўриш сезгисининг сурункалигини таъмин этади.

Таъсирнинг кўзлар тўрпардасига нисбатан барқарорлашув¹ шароитлари сунъий равишда ҳосил қилинган экспериментлар бундай шароит яратилгандан кейин 2—3 секунд вақт ўтиши биланоқ кўриш сезгиси йўқолиб қолишини, яъни тўла кўниқиш юзага келишини кўрсатди.

2. *Адаптация* деб шунингдек, юқорида баён этилган ҳодисаларга яқинроқ бўлган, кучли қўзғатувчининг таъсири остида сезгининг заифлашиб қолиши билан ифодаланадиган яна битта ҳодисага айтилади. Масалан, совуқ қўзғатувчи ҳосил қиладиган сезгининг жадаллиги қўлни совуқ сувга солганда сусаяди. Биз ярим қоронғи хонадан ёрқин ёритилган жойга чиққанимизда олдинига кўзларимиз қамашади ва теварак-атрофдаги бирон-бир нарсанинг фарқига ета олмайдиган бўлиб қоламиз. Бирмунча вақт ўтгандан кейин эса кўриш анализаторининг сезувчанлиги кескин сусайиб, биз одатдагидек кўра бошлаймиз. Ёруғликнинг жадал қўзғатиши натижасида кўзнинг сезувчанлиги сусайиб кетишини ёруғлик адаптацияси деб аталади.

Адаптациянинг баён қилиб ўтилган бу иккита турини негатив адаптация атамаси билан бирлаштириш мумкин негаки, бунинг оқибатида *анализаторларнинг сезувчанлиги сусайиб кетади*.

3. Ниҳоят, *кучсиз қўзғатувчининг таъсири остида сезгирликнинг ортиши ҳам адаптация* деб айтилади. Айрим сезги турларига хос бўлган адаптациянинг бу турини *позитив адаптация* деб таърифлаш мумкин.

Кўриш анализаторига татбиқан буни қоронғилик адаптацияси дейилади. Бунда қоронғиликда узоқ вақт бўлганлик таъсири остида кўзнинг сезувчанлиги ортади. Эшитиш кўникмасининг шунга ўхшайдиган шакли сокинлик адаптацияси ҳисобланади. Ҳарорат сезгиларида позитив адаптация олдинига бир хил ҳароратдаги сувга солинганида совитилган қўл иссиқликни ва, аксинча, олдинига иситилган қўл эса совуқни сезган пайтда маълум бўлади. Оғриққа нисбатан негатив адаптациянинг мавжудлиги масаласи узоқ вақтгача мунозарали бўлиб келди. Маълумки, оғриқ қўзғатувчисининг кўп марталаб қўлланилиши негатив адаптацияга олиб келмасдан, аксинча вақт ўтиши билан борган сари кучлироқ таъсир қилади. Лекин янги фактлар игнанинг санчилишига ва жадал тарзда иссиқлик нури ўтказилишига тўла негатив адаптация мавжудлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар бир хил анализаторларда адаптация тез, бошқаларида секин ҳосил бўлиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Масалан, тактил рецепторлари жуда тез адаптацияланади. Узоқ давом этадиган бирор қўзғатувчи терига теккизилганда унинг сезувчи нервлари бўйлаб қўзғатувчи таъсир қила бошлаганда ундан унчалик катта бўлмаган сигналлар зарби

¹ Барқарорлашувга кўз билан бирга ҳаракат қилувчи тасвир жойланган махсус сўргич ёрдамида эришилди.

Ўтгандай бўлади. Кўриш рецептори (қоронғилик адаптацияси бир неча ўнлаб минут вақт ўтгандан кейин содир бўлади), ҳид билиш ва таъм билиш рецепторида адаптация нисбатан секин юзага келади.

Рецепторларга қанақа қўзғатувчилар (кучсиз ёки кучли)нинг таъсир қилишига боғлиқ ҳолда сезувчанлик даражасини адаптация тарзда бошқариш биологик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Адаптация сезги аъзолари воситасида кучсиз қўзғатувчиларни пайқашга ёрдам беради ва одатдан ташқари кучли таъсир қилинган тақдирда сезги аъзоларини ҳаддан зиёд қўзғалишдан сақлайди.

Адаптация ҳодисасини қўзғатувчининг давомли таъсири натижасида *рецепторнинг* амал қилишида рўй берадиган *периферик ўзгаришлар* билан тушунтириш мумкин. Жумладан, кўзнинг тўрпардасидаги таёқчаларда бўлган кўриш бўёғи нурнинг таъсири остида тарқалиб кетиши (ўчиши) маълум. Қоронғиликда эса кўриш бўёғи аксинча тикланади, бу эса сезувчанликнинг ортишига олиб келади. Бошқа сезги аъзоларига татбиқан уларнинг рецепторларида қўзғатувчи таъсир қилганида кимёвий парчаланадиган ва бундай таъсир йўқолган тақдирда тикланадиган бирон бир модданинг мавжудлиги ҳозирга қадар исботланган эмас. Адаптация ҳодисаси *анализаторларнинг марказий бўлмаларида* юз берадиган жараёнлар билан ҳам изоҳланади. Бош мия қобиғи узоқ вақт мобайнида қўзғатилганда сезувчанликни сусайтирадиган *ички муҳофазаловчи тормозланиш* билан жавоб қайтаради. Тормозланишнинг ривожланиши бошқа манбаларнинг кучли равишда қўзғалишига олиб келади, бу эса сезувчанликнинг янги шароитларда ортишига ёрдам беради (изчил ўзаро индукция ҳодисаси).

Сезгиларнинг ўзаро муносабати Сезгиларнинг жадаллиги фақат қўзғатувчининг кучи ва рецепторнинг адаптацияланиш даражасига эмас, балки муайян пайтда бошқа сезги аъзоларига таъсир кўрсатадиган қўзғалишларга ҳам боғлиқ бўлади. *Анализатор сезувчанлигининг бошқа сезги аъзоларининг қўзғалиши таъсири остида ўзгариши сезгиларнинг ўзаро муносабати деб аталади.*

Адабиётларда сезгиларнинг ўзаро муносабати туфайли сезувчанликнинг ўзгаришига оид кўплаб фактлар баён этилган. Жумладан, кўриш анализаторининг сезувчанлиги эшитиш қўзғатувчисининг таъсирида ўзгаради. *С. В. Кравков* (1893—1951) бу ўзгаришнинг эшитиш қўзғатувчиларнинг баландлигига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берган эди. Кучсиз товуш қўзғатувчилар кўриш анализаторининг рангни сезувчанлигини оширади. Айни пайтда эшитиш қўзғатувчиси сифатида, масалан, авиацияда ишлатиладиган моторнинг баланд шовқини қўлланилганда кўзнинг фарқловчи сезувчанлиги кескин равишда ёмонлашиб кетиши кузатилган.

Кўриш сезувчанлиги шунингдек, баъзи хид қўзғатувчиларнинг таъсири билан ҳам ошади. Лекин кескин ифодаланган

салбий ҳис туғдирадиган ҳид кўриш сезгирлигини пасайтиради. Худди шу сингари сусти ёруғлик қўзғалишида эшитиш сезгилари кучаяди, жадал ёруғлик қўзғатувчилари таъсири остида эшитиш сезувчанлиги ёмонлашади. Сусти оғриқ қўзғалишлари таъсири остида кўриш, эшитиш, тактил ва ҳид билиш сезгилари ошишини биламиз.

Бошқа анализаторларга қуйи чегарадаги қўзғатувчиларнинг таъсир этишида ҳам бирон-бир анализаторнинг сезувчанлиги ўзгариши мумкин. Жумладан, *П. П. Лазарев* (1878—1942) тери ультрабинафша нурлар билан нурланиши натижасида кўриш сезувчанлигининг сусайиб кетишини аниқлади.

Умуман, бизнинг бутун анализатор системаларимиз кўпроқ ё озроқ даражада бир-бирига таъсир кўрсатишга қодирдир. Бунда *сезгиларнинг ўзаро муносабати* худди адаптация каби иккита бир-бирига қарама-қарши жараёнларда: *сезувчанликнинг ортиши ва пасайишида намоён бўлади*. Бу ўринда умумий қонуният шундан иборатки, *анализаторларнинг ўзаро муносабатларида кучсизлари анализаторларнинг сезувчанлигини оширади, кучлилари эса сусайтиради*.

Сенсибилизация *Анализаторлар ўзаро муносабати ва машқ қилиш натижасида сезувчанликнинг ортиши сенсибилизация деб аталади.*

Анализаторларнинг марказий бўлмалари жойлашган бош миёза қобиғида қўзғалишнинг иррадиациялашуви (тарқалиши) ва концентрациялашуви (тўпланиши) жараёнлари сезгилар ўзаро муносабатининг физиологик механизми бўлиб ҳисобланади. *И. П. Павловнинг* фикрича, кучсиз қўзғатувчи катта ярим шарлар қобиғида осонгина тарқаладиган қўзғалиш жараёнини ҳосил қилади. Қўзғалиш жараёнининг тарқалиши (иррадиациялашуви) натижасида бошқа анализаторнинг сезувчанлиги ошади. Кучли қўзғатувчи таъсир қилганда қўзғалишнинг аксинча тўпланиш хусусиятига эга бўлган жараёни юзага келади. Ўзаро индукция қонунига биноан бу марказий бўлмаларда бошқа анализаторларнинг тормозланишига ва улар сезувчанлигининг сусайиб кетишига олиб келади.

Анализаторларнинг сезувчанлиги иккинчи сезгиларга мансуб қўзғатувчилар таъсири остида ҳам ўзгариши мумкин. Жумладан, синалувчиларга эшиттириб «лимон каби нордон» деган сўзларга жавобан кўзларнинг ва тилнинг электр сезувчанлигини ўзгартириб юборгани кузатилади. Бу ўзгаришлар тилнинг лимон суви билан қўзғатилиши пайтида ҳосил бўлган ўзгаришларга айнан ўхшаш бўлган.

Сезги аъзолари сезувчанлигининг ўзгариши қонуниятларини билган ҳолда махсус танланган қўшимча қўзғатувчиларни қўлланиш йўли билан у ёки бу рецепторни сенсибиллаштириш, яъни унинг сезувчанлигини ошириш мумкин.

Сенсибиллаштиришга машқ қилиш натижасида ҳам эришиш мумкин. Масалан, мусиқа билан шуғулланадиган бола-

ларда паст-баланд оҳанглари эшитиш қобилияти қандай ривожлана боришини биламиз.

Синестезия Сизгиларнинг ўзаро муносабати *синестезия* деб аталмиш яна бир ҳодисада намоён бўлади.

Синестезия — бир анализаторнинг қўзғалиши таъсири остида бошқа анализаторга хос сезгининг ҳосил бўлишидир. Синестезия сизгиларнинг ҳар хил турларида кузатилади. Товуш қўзғатувчилари таъсир қилганда субъектда кўриш образлари пайдо бўлганида кўпинча кўриш-этиш синестезияси учрайди. Ҳар хил одамларда бу синестезияларда мувофиқлик бўлмайди, лекин улар алоҳида ҳар бир одам учун айтарлича турғун ҳисобланади. Айрим композиторлар (Н. А. Римский-Корсаков, А. Н. Скрябин ва бошқалар)да «рангни эшитиш» қобилияти бўлганини биламиз. Бу хилдаги синестезиянинг ёрқин намунасини литвалик рассом М. К. Чюрлениснинг ижодида, унинг ранглар симфониясида кўрамиз.

Кейинги пайтларда товуш образини ранг образига айлантирадиган ранг-муסיқавий соزلарнинг яратилаётганлиги ва ранг-мусиқанинг жадал тадқиқ қилинаётганлиги синестезия ҳодисасига асослангандир. Кўришни қўзғатувчилар таъсир қилганда эшитиш сизгиларининг ҳосил бўлиши, эшитиш қўзғатувчиларига жавобан таъм билиш сизгиларининг ҳосил бўлиши каби ҳоллар камдан-кам учрайди. Синестезия жуда кенг тарқалган бўлса-да, у ҳамма одамларда ҳам учрайвермайди. «Ўткир дид», «антиқа ранг», «ширин товуш» ва шу каби ибораларни ишлатиш мумкинлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Синестезия ҳодисалари киши организмдаги анализатор системалари ўзаро доимий боғланганлигидан, объектив оламни ҳиссий акс эттиришнинг яхлитлигидан яна бир далолатдир.

Сезувчанлик ва машқлар Сизги аъзолари биргина қўшимча қўзғатувчиларни қўлланиш йўли билангина эмас, балки машқлар қилиш йўли билан ҳам сенсбиллашуви мумкин. Сизги аъзоларини машқ қилдириш ва уларни такомиллаштириш имкониятлари жуда ҳам каттадир. Сизги аъзолари сезувчанлигининг ошишига олиб борадиган икки соҳани ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) *сенсор нуқсонлар (кўрлик, қариллик) нинг ўрнини тўлдириш заруратидан стихияли тарзда келиб чиқадиган сенсбилизация* ва 2) субъект *фаолияти туфайли* касбига хос талаблардан келиб чиқадиган *сенсбилизация*.

Кўриш ёки эшитиш сезгисининг йўқотилганлиги маълум даражада сезувчанликнинг бошқа турларини ривожлантириш ҳисобига тўлдирилади.

Шундай ҳоллар маълумки, кўра олмай қолган кишилар ҳайкалтарошлик билан шуғулланганлар. Уларда туйиш сезгиси жуда юксак ривожланган бўлади. Қулоғи қар одамларда ҳавонинг тебранишига қиёсан сезишнинг ривожланганлиги ҳам ана шундай ҳодисалар жумласига киради. Баъзи бир қулоғи қар одамларда тебранишни сезувчанлик шу қадар кучли бўладики, улар ҳатто музика оҳангини ҳам эшита олишлари мумкин. Бунинг учун улар

қўлини созга теккизиб ёки оркестрга орқасини ўгириб ўтиришади. Кўзи ожиз ва қулоғи қар О. Скороходова гапираётган ҳамсухбатининг томоғига қўлини яқин келтириб, уни овозидан таниши ва нима ҳақда гапираётганини билиши мумкин. Кўзи ожиз ва қулоғи қар Элен Келлер деган аёлнинг ҳидни сезувчанлиги шу қадар юксак даражада ривожланган эдики, у кўпгина дўстлари ва ўртоқларини улардан келадиган ҳидларга кўра таниб олиши мумкин эди. Кўпчилик одамларда кишини овозига қиёслаш одат бўлгани каби унда ўз танишлари ҳақидаги эсдаликлар ҳидни сезиш билан боғлангандир.

Кишида айнан ўхшайдиган рецептори бўлмаган қўзғатувчиларга нисбатан сезувчанликнинг пайдо бўлиши алоҳида қизиқиш туғдиради. Масалан, кўрлардаги тўсиқларга нисбатан масофа сезгирлиги шундайдир.

Сезги аъзолари сезувчанлигининг кучайиш ҳодисаси баъзи махсус касблар билан узоқ вақтдан буён шуғулланадиган шахсларда кузатилади.

Пардозловчилар кўзи одатдан ташқари ўткир бўлиши маълум. Машқ қилиб юрмаган одамлар бор-йўғи 0,1 миллиметрга қадар гадир-будурни кўргани ҳолда улар 0,0005 миллиметргача бўлган нотекисликни кўрадилар. Газмолларни бўяш бўйича мутахассислар қора рангнинг 40 тадан 60 тага қадар тусини фарқ қиладилар. Машқ қилмаган кўзга улар мутлақо бир хил бўлиб кўринади. Тажрибали пўлат эритувчилар эритилган пўлат рангининг тусига қараб туриб унинг ҳароратини ва ундаги аралашмалар миқдорини етарлича аниқ айтиб беришга қодирлар.

Чой, пишлоқ, вино, тамакининг сифатини аниқловчиларда ҳид ва таъм билниш сезгилари юксак даражада мукаммаллашган бўлади. Дегустаторлар винонинг фақат қайси навга мансуб узумдан тайёрланганини эмас, балки ўша узумнинг етиштирилган жойини ҳам аниқ айтиб бериши мумкин.

Рассомлик санъати нарсаларни тасвирлашда шакллари, мутаносиблики ва ранглар нисбатини идрок этишга алоҳида талаблар қўяди. Тажрибалилар шунини кўрсатадики, рассомнинг кўзлари мутаносибликларни баҳолашда фоят сезувчан бўлади. У нарсалар ўлчамининг $\frac{1}{60} - \frac{1}{150}$ миқдоридан юз берган ўзгаришларини фарқлайди. Рангларни сезишнинг нафислиги ҳақида Римдаги кошникорлик устахонасига қараб ҳам ҳукм чиқариш мумкин — у ерда асосий рангларнинг киши томонидан яратилган 20 000 дан зиёд тусини кўрамиз.

Эшитиш аъзосининг сезувчанлигини ошириш имкониятлари ҳам анча каттадир. Жумладан, скрипкада ижро этиш оҳангларнинг ингичка ё йўғонлигини сезиш алоҳида ривожланган бўлишини талаб қилади ва у скрипкачиларда пиониночиларга қараганда анча тараққий этган бўлади. Тажрибали учувчилар двигателнинг товушига қулоқ солиб, унинг қанчалик куч билан ишлаётганини осонгина аниқлай олади. Улар минутига 1340 та оборотдан 1300 тасини бемалол фарқлай билишади. Машқ қилмаган одамлар фақат 1300 билан 1400 айланиш ўртасидаги фарқни сезадилар.

Буларнинг ҳаммаси *сезгиларимиз ҳаёт шароитлари ва амалий меҳнат фаолияти талаблари таъсири остида ривожланишининг далилидир.*

Бундай фактларнинг кўплигига қарамай, сезги аъзоларини машқ қилдириш муаммолари ҳали етарлича ўрганилмаган. Сезги аъзоларининг машқ қилдирилиши негизи нималардан иборат? Ҳозирча бу саволга бирон-бир тўлиқ жавоб бериб бўлмайди. Кўрларда туйиш сезгирлигининг ортиқлигини изоҳлаб беришга эришилди. Чунончи, тактил рецепторларни кўр-

ларнинг бармоқлари терисидаги мавжуд пачиниев таначаларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Таққослаш учун худди шундай тадқиқот турли касбдаги соғлом кўзи одамларда ҳам ўтказилади. Кўрларда тактил рецепторлари сони ортиқчалиги маълум бўлди. Жумладан, кўзи соғлом кишиларнинг биринчи бармоғида тирноқ олди терисида таначалар сони ўртача 186 тага етган бўлса, кўр бўлиб туғилганларда улар 270 тани ташкил этди.

Шундай қилиб, рецепторларнинг тузилиши ўзгармайдиган нарса эмас, у нафис ҳаракат қилиб, доимо ўзгариб туради, маъян рецептор вазифасини яхши бажаришга мослашиб боради. Рецепторлар билан биргаликда ва улардан ажралмаган ҳолда умуман анализаторлар тузилишининг ўзи ҳам янги шарт-шароитларга ва амалий фаолият талабларига мувофиқ тарзда ўзгариб боради.

Техника тараққиёти кишининг ташқи муҳит билан алоқа қиладиган асосий йўллари — кўриш ва эшитиш аъзоларига беқиёс даражада кўп ахборот юкланишига олиб келаётир. Бундай шароитларда кўриш ва эшитиш анализаторларининг юкини энгиллаштириш зарурлигини муқаррар равишда бошқа алоқа системаларига, жумладан, тери системасига мурожаат этишни тақозо қилади. Ҳайвонларда тери тебранишига кўра сезувчанлик миллионлаб йиллардан буён ривожланиб келатган бир пайтда сигналларни тери орқали ўтказиш ғоясининг ўзи одам учун ҳам янгилик бўлиб ҳисобланади. Бу борадаги имкониятлар эса жуда кўп: киши танасининг ахборотни қабул қилиши мумкин бўлган сатҳи етарлича катта.

Бир қанча йиллар давомида қўзғатувчиларнинг тебраниши сезувчанлигига ўхшаш бўлган ва қўзғатувчининг жойлашган ўрни, унинг жадаллиги, давомлиги, тебранишининг тезлиги каби хусусиятлардан фойдаланишга асосланган «тери тили»ни яратиш учун уринишлар бўлди. Қўзғатувчиларнинг айтиб ўтилган хусусиятларидан дастлабки учтасидан фойдаланиш кодлаштирилган тебраниш сигналлари системасини яратиш ва муваффақиятли қўзғалашга имкон берди. Синалувчи «тебраниш тили»ни ўрганиб, бирмунча машқ қилгандан кейин минутига 38 сўз тезлиги билан юбориладиган жумлаларни идрок эта оладиган бўлди. Айтиш керакки, бу натижа охириг чўққи эмас эди. Кишига ахборот етказиб бериш учун тебраниш ва сезувчанликнинг бошқа турларидан фойдаланиш имкониятлари шубҳасиз ҳали тугаган эмас ва бу соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш бебаҳо аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

- Ананьев Б. Г. Теория ощущений. Л., ЛДУ нашриёти, 1961.
Кравков С. В. Взаимодействие органов чувств. М.—Л., СССР ФА нашриёти, 1948.
Леонтьев А. Н. Проблема возникновения ощущений.— В кн.: Леонтьев А. Н. Проблемы развития психики, 3-нашри, М., МДУ нашриёти, 1972.
Лурия А. Р. Ощущение и восприятие. М., МДУ нашриёти, 1978.
Фресс П., Пиаже Ж. Экспериментальная психология. Вып. I, II (Французчадан таржима). М., Прогресс, 1966.
Хрестоматия по ощущению и восприятию. М., МДУ нашриёти, 1975.

10-Б ОБ

ИДРОК

III. 10.1. Идрокнинг таърифи ва унинг хусусиятлари

Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгида акс этишига идрок деб айтилади. Идрок этиш жараёнида алоҳида ҳолдаги сезгиларнинг тартибга солиниши ҳамда нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг яхлит образларига бирлашуви юз беради.

Қўзғатувчининг алоҳида хусусиятлари акс этадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, *идрок нарсаларни умуман, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради.* Бунда идрок алоҳида сезгилар йиғиндисидан иборат тарзда эмас, балки ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари билан сифат жиҳатидан юқори босқичи сифатида тасаввур қилинади. Идрокнинг анча муҳим хусусиятлари *предметлилик, яхлитлилик, структуралилик, барқарорлик ва англанилганликдан* иборатдир.

Идрокнинг предметлилиги, яхлитлиги ва структуралилиги

Идрокнинг предметлилиги *объективлаштириш ҳодисаси* деб аталмиш ҳодисада, яъни *ташқи дунёдан олинадиган ахборотнинг ўша дунёга мансублигида* ифода этилади. Бу ҳилдаги мансублик бўлмаса, идрок кишининг амалий фаолиятида ўзининг мўлжал олдириш ва йўналтиришдан иборат вазифасини бажара олмайди. Идрокнинг предметлилиги туғма хислатга кирмайди; субъектга оламнинг предметлилигини кашф этиш имконини туғдирадиган муайян ҳаракатлар системаси мавжуддир. Бу борада туйиш ва ҳаракат сезгилари ҳал қилувчи роль ўйнайди. *И. М. Сеченов* предметлилик нарсанинг ўзи билан алоқа боғланишини таъмин этадиган жараёнлар негизида, оқибат натижада ҳамини ташқаридан ҳаракатлантирувчи жараёнлар негизида шаклланишини таъкидлаган эди. Ҳаракатлар иштирок этмаган тақдирда бизнинг идрокимиз ҳам предметлилик белгисига, яъни ташқи дунё объектларига мансубликка эга бўла олмасди.

Б. Г. Ананьев (1907—1972) бемор кишида кўриш анализатори сезгирлигининг ва оддий фарқ ажратиш сезгиларининг чала қисмлари сақланиб қолган ҳолда нарсаларни кўриш идрокининг бузилиш ҳодисаларини баён қилиб

берган эди. Бу беморда контузия оқибатида бош мия жароҳатланган бўлиб, кўз соққалари батамом ҳаракатсизлиги кузатилган эди. Бемор кўринадиган бутун бушлиқни субъектив тарзда ё батамом нурли оқим каби, ё ёруғлик нурни ўтаётган туман каби сезарди. Кўриш сезгисини тиклашнинг биринчи босқичида батамом бушлиқдан тарқоқ ва тутуруқсиз, ўз ёруғлиги ва ҳажмига кўра турлича доғлар фарқлана бошлади. Беморнинг кўриши сезгилар даражасида сақланиб қолган бўлса ҳам, у бирон-бир объектни нарса сифатида на оғзаки ва на ёзма шаклда ифода этолмади ва унинг хусусиятларини айтиб бера олмади. Уч ой давомида саломатлигини тиклаш юзасидан олиб борилган муолажадан кейингина беморнинг кўзлари фақат сезадиган эмас, балки идрок қиладиган ҳам бўлиб қолди.

Шундай қилиб, кўриш сезгисининг ўзи нарсаларнинг акс эттирилишини таъмин эта олмайди.

Масалан, бир қатор муаллифлар қурбақадаги турпардани «ҳашаротлар детектори» сифатида таърифлашади. Бу «детектор» турпардага, масалан, пашшанинг кичкинагина сояси тушган пайтида тилдаги рефлекторни ишга солади. Қурбақанинг кўзи объектнинг бир нечтагина белгиси, асосан унинг ҳаракати ва унда бурилишларнинг мавжудлиги ҳақидагина ахборот беради, бошқа ҳамма нарсалар рад этилади ва мияга юборилмайди. Бундай ҳолда қурбақада унинг кўзига кўринган нарсанинг предметли образи пайдо бўладими? Шубҳасиз, пайдо бўлмайди. Негаки, бундай ҳолда жонсиз пашшалар қуршовида қолган қурбақа очликдан ўлиши мумкин.

Предметлилик идрокнинг белгиси сифатида *ҳатти-ҳаракатни бошқаришда алоҳида роль ўйнайди*. Гишт ва портловчи модда боғлами пайпаслаб кўрилганда бир-бирига жуда ҳам ўхшаш бўлиб кўриниши ва идрок этилиши мумкин, лекин уларнинг «ўзларини тутиши» жуда ҳам турлича тарзда юз беради. Одатда, биз нарсаларга уларнинг кўринишига қараб эмас, балки уларни амалиётда қай тарзда ишлатишимизга мувофиқ ҳолда ёки уларнинг асосий хусусиятларига қараб баҳолаймиз. Бунга эса идрокнинг предметлилиги ёрдам беради.

Предметлилик *перцептив жараёнларнинг* ўзини, яъни *идрок жараёнларининг* бундан кейинги шаклланишида ҳам катта роль ўйнайди. Ташқи олам билан унинг инъикоси ўртасида тафовут юз берган пайтда субъект идрокнинг анча тўғри акс эттирилишини таъмин этадиган даражадаги янги усулларини қидиришга мажбур бўлади.

Идрокнинг яна бир хусусияти унинг *яхлитлигидир*. Сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсанинг айрим хусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, *идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади*. Ўз-ўзидан равшанки, бу яхлит образ нарсанинг айрим хусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинадиган билимларни умумлаштириш негизида таркиб топади.

Идрокнинг яхлитлиги унинг *структураллиги* билан боғлангандир. Идрок маълум даражада бизнинг бир лаҳзалик сезгиларимизга жавоб бермайди ва уларнинг шунчаки оддий йиғиндиси ҳам эмас. Биз ана шу сезгилардан амалда мавҳумлашган ва бирмунча вақт довомида шаклланадиган умумлашган структурани идрок этамиз. Агар киши биронта куйни тинглаётган

бўлса, олдинроқ эшитган оҳанги янгиси эшиттирила бошлагандан кейин ҳам унинг қулоғига чалинаётгандай туюлаверади. Одатда, тингловчи мусиқавий асарни тушунади, яъни умуман унинг структурасини идрок этади. Афтидан, эшитилган оҳанглардан энг сўнггиси алоҳида ҳолида бундай тушуниш учун асос бўла олмайди: тингловчининг ҳаёлида куйнинг бутун тузилиши таркибига кирувчи ранг-баранг ўзаро боғланишлар билан қўшилган ҳолда эшитилиб туради.

Худди шундай жараён мақомни идрок этиш чоғида кузатилади. Ҳар бир лаҳзада фақат битта зарбни эшитиш мумкин, лекин мақом бу якка-ёлғиз зарблар эмас, балки бутун зарблар системасининг давомли тарзда эшитилишидан иборатдир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, зарблар ўзаро муайян даражада боғланган бўлиб, ана шу ўзаро боғланганлик мақомнинг идрок этилишини белгилаб беради.

Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилиги манбалари, бир томондан, *акс эттириладиган объектларнинг ўзига хос хусусиятларида* ва, иккинчи томондан, инсоннинг конкрет фаолиятида *гавдаланади*. И. М. Сеченов таъкидлаганидек, идрокнинг яхлитлиги ва структуралилиги анализаторларнинг рефлексатор фаолиятининг натижасидир.

Идрокнинг константлиги Қўршаб турган объектларнинг идрок қилаётган объектга нисбатан мавқенинг эркинлиги даражалари қўплиги ва уларнинг юзага чиқиши шарт-шароитлари беқиёс ранг-баранглиги оқибатида бу объектлар ўз қиёфасини тўхтовсиз равишда ўзгартириб, идрок қилаётган кишига турли жиҳатлари билан ўгирилиб намоён бўладилар. Шу билан баробар перцептив жараёнлар ҳам ўзгариб боради. Лекин *перцептив системанинг* (перцептив система — муайян идрок этиш жараёнини содир этадиган анализаторлар йиғиндисидир) *бу ўзгаришларни қоплашга лаёқатлилигини таркиб топтирадиган константлик хусусиятига* эга эканлиги сабабли биз ўзимизни қўршаб турган нарсаларни шаклига, ўлчамига, тусига ва ҳоказоларга кўра нисбатан ўзгармайдиган тарзда идрок этамиз.

Идрокнинг бу хусусиятини катталиқ константлиги мисолида баён қиламиз. Маълумки, нарсаларнинг тасвири (шу жумладан, унинг кўз тўрпардасидаги тасвири ҳам) унга қадар бўлган масофа қисқарган пайтда йириклашади ва аксинча. Лекин масофаси ўзгарган пайтда объектнинг кўз тўрпардаларидаги тасвирининг катталиги гарчи ўзгарса ҳам, унинг идрок этиладиган катталиги қарийб ўзгармасдан қолади. Театрдаги томошабинларга бир разм солинг: узоқроқдаги одамларнинг юзлари тасвири яқинроқда ўтирганларникига қараганда анча кичик бўлиб кўринса ҳам, ҳаммасининг ҳажми баб-баравардек туюлади. Ўз қўлингизнинг бармоқларига бир қаранг: бир хиллари қўлингизни узатиб турганингиз каби масофадан, бошқалари эса яқинроқдан кўринаётгандай бўлади: узоқроқ чўзилган қўлингиз бармоқлари тасвири кўз тўрпардаларида яқинроқдаги қўл

бармоқлари тасвирининг ярмига тенг бўлган бир пайтда бармоқларнинг ҳажми бир хил бўлиб туюлади.

Идрокнинг константлиги нималарга асосан ҳосил бўлади? Бу, эҳтимол туғма механизмдир?

Текшириш учун қалин ўрмонзорда муқим яшаб келаётган одамларнинг идроки тадқиқ қилиб кўрилди. Бундай одамларнинг идроки улар илгари узоқ масофадаги нарсаларни кўрмайдиган бўлганликлари учун қизиқиш туғдиради. Бу одамларга анчагина узоқда жойлашган объектлар кўрсатилганида улар бу объектларни ўзларидан узоқда жойлашган объект сифатида эмас, балки кичик объект сифатида идрок этишган эди. Идрок константлигининг бу хилдаги бузилиши текис ерда яшовчилар баландликда туриб пастга қараганларида ҳам кузатилади. Кўп қаватли уйнинг юқори қаватидаги деразасидан қараганда ҳам объектлар (одамлар, автомобиллар) жуда кичик бўлиб кўринадди. Шундай бўлса ҳам ҳавозаларда ишлаётган қурувчилар пастда жойлашган объектларни ҳажми кичраймаган ҳолда кўраётганликларини айтишди.

Нихоят, идрокнинг константлиги туғма тарздалиги ҳақидаги фикрга эид бўлган яна бир мисол. Болалигида кўр бўлиб, ёши улғайгандан кейин жарроҳлик йўли билан кўзлари кўрадиган бўлиб қолган одам кузатувдан ўтди. Операциядан кейин кўп ўтмай бемор шифохонанинг ердан 10—12 метр баландликдаги деразасидан ўзига ҳеч қанақа зиён етмайдиган қилиб сакрай олиши мумкин деб ўйлади. Эҳтимол, пастда жойлашган объектлар узоқда жойлашган бўлиб эмас, балки кичик бўлиб кўрингандир ва бу баландликни аниқлашда хатога олиб келгандир.

Перцептив системанинг фаол таъсир кўрсатиши идрок константлигининг ҳақиқий манбаидир. Субъект рецептор аппаратлари ҳаракатларининг ва жавоб сезгиларнинг ранг-баранг ва ўзгарувчан оқимидан идрок этиладиган объектнинг нисбатан ўзгармас, *инвариант*ли тузилишини алоҳида ажратиб кўрсатади. Айнан бир хилдаги объектларни ҳар хил шароитларда қайта-қайта идрок этавериш ана шу ўзгарувчан шарт-шароитларга нисбатан *перцептив образнинг инвариант*лигини ва шунингдек, рецептор аппаратининг ўз ҳаракатларини таъмин этади, демак ана шу образнинг константлигига сабаб бўлади. Бунда идрокнинг шарт-шароитлари ўзгариши ва кузатувчининг сезги аъзолари фаол ҳаракат қилиш натижасида ҳосил бўладиган янги кўринишлар ўзича бирон-бир даражада сезилмайдди; бор-йўғи қандайдир нисбий инвариантлик, масалан, қандайдир нарсанинг шакли, унинг ўлчамлари ва ҳоказолар тарзида идрок этилади.

Перцептив системамизнинг нарсаларни қуршаб турган оламнинг ҳаёт шароитлари чексиз ранг-баранглиги оқибатида муқаррар мавжуд бўладиган хатоларни тўғрилаш ва идрокнинг айнан ўхшаш образларини ҳосил қилиш қобилиятига эга эканлиги тасвирларни тўнқариб қўйиш, тўғри изларни қийшайтириш ва шу каби йўллар билан кўриш орқали идрокни сохталаштирадиган кўзойнаклар қўлланилган тажрибаларда жуда яхши намоён бўлади. Киши нарсаларни сохталаштириб кўрсатувчи кўзойнак тақиб, нотаниш хонага кириб қолганида кўзойнакдаги бузилган аксни тўғрилашни секин-аста ўрганиб олади, гарчи бундай бузилишлар кўзларнинг тўрпардасида акс этса ҳам уларни сезмай қўяди.

даражада фаоллик ҳам, яъни идрок этиш жараёнида ўз гавдасини жойидан фаол кўчириб туриш имкониятига эга бўлиш ҳам зарурдир.

Апперцепция *Идрок фақат кўзғалишга эмас, балки идрок этаётган субъектнинг ўзига ҳам боғлиқдир.* Алоҳида ҳолида кўз ҳам, қулоқ ҳам идрок этмайди, балки конкрет тирик киши идрок этади ва *идрокда ҳамиша идрок этувчи киши шахсининг хислатлари*, унинг идрок этилаётган нарсаларга муносабати, кишининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари, истаклари ва ҳис-туйғулари у ёки бу тарзда *акс этади. Идрокнинг киши психик ҳаёти мазмунига, унинг шахсига хос хусусиятларга боғлиқлиги апперцепция номи билан юритилади.*

Кўп сонли маълумотлар шуни кўрсатадики, субъект томонидан идрок этиладиган манзара бир лаҳзалик сезгиларнинг шунчаки оддий йиғиндиси эмас; у кўпинча муайян пайтда ҳатто кўзнинг тўрпардаларида йўқ бўлган, лекин киши гўё олдинги тажриба асосида кўриб тургандек туюладиган қисмларни ҳам ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Идрок ахборотни гипотезаларни илгари суриш ва текшириб кўриш учун ишлатадиган фаол жараён ҳисобланади. Бу гипотезаларнинг хусусияти эса шахснинг олдинги тажрибаси мазмуни билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, синалувчиларга тўғри ва эгри чизиқларнинг ихтиёрий бирикмасидан иборат нотаниш қадди-қомат кўрсатилганда идрок этишнинг биринчи босқичидаёқ идрок қилинаётган объектни солиштириб кўриш мумкин бўлган андазалар қидирила бошланади. Идрок этиш жараёнида объектнинг у ёки бу категорияга мансублиги ҳақидаги гипотезалар илгари сурилади ва текширилади.

Шундай қилиб, *бирон нарсани идрок этаётганда бундан олдинги идрокнинг излари ҳам фаоллашади.* Шунинг учун айнан бир нарсанинг ҳар хил одамлар томонидан турлича идрок этилиши ва тасвирлаб берилиши табиийдир.

Жумладан, тажриба давомида синалаётганларнинг иккита гуруҳига нисбатан кўп маъноли шакллар кўрсатилди. Бу шаклларнинг ҳар бирига сўз билан ифодаланадиган иккита белги қўйилди. Гуруҳлардан бирига шакл кўрсатилганда номларнинг биринчи рўйхати, иккинчи гуруҳга эса иккинчи рўйхати берилди. Синалувчилар барча шакллар тақдим этилиб бўлгач, уларни қайта тасвирлаб беришлари керак эди. Шаклларнинг сўз билан ифода этиладиган белгилари уларнинг тасвирланишига жиддий таъсир кўрсатиши аён бўлди. Синалувчиларнинг биринчи гуруҳи учун тасвирлаб берилган шаклларнинг 74 фоизи биринчи рўйхатда қайд этилган объектларга ўхшарди. Синалувчиларнинг иккинчи гуруҳи учун тасвирланган шаклларнинг 73 фоизи иккинчи рўйхатда қайд этилган объектларни эслатарди.

Идрок этиш жараёнига шахснинг бундан олдинги тажрибаси таъсир кўрсатиши эксперимент чоғида тасдиқ бўлди. Эксперимент чоғида синалувчиларнинг кўзойнақларига тўрпардалардаги тасвири тик йўналишда 180° га ўзгартириб юборадиган призмалар ўрнатилган эди. Тажриба ўтказилаётган биринчи кунларда синалувчилар атрофдаги барча нарсаларни тўнкарилган ҳолатда кўришган эди. Табиий жиҳатдан тўнкарилган ҳолда кўрсатиб бўлмайдиган нарсаларгина бундан мустасно эди. Масалан, ёндирилмаган шам тўнкарилган ҳолатда идрок этилади, лекин уни ёқишлари биланоқ нормал

Шундай қилиб, идрокнинг константлиги унинг тескари алоқа механизми мавжуд бўлган ва идрок этилаётган объектнинг хусусиятларига ҳамда унинг ҳаёт шарт-шароитларига мослашадиган ўзини-ўзи тартибга солувчи ўзига хос ҳодиса эканлиги билан изоҳланади. Идрокнинг нарсалар билан қилинадиган фаолият жараёнида шаклландирилган константлиги — киши ҳаёти ва фаолиятининг зарур шартидир. Бусиз инсон чексиз ранг-баранг ва ўзгарувчан оламда мўлжал ола билмасди. Константлик хусусияти нарсанинг ва унинг яшаш шаротининг бирлигини акс эттираркан, теварак-атрофдаги оламнинг нисбатан барқарорлигини таъминлайди.

Идрокнинг англанган бўлиши

Гарчанд идрок қўзғатувчининг рецепторларга бевосита таъсири натижасида ҳосил бўлса ҳам, *перцептив образлар ҳамини муайян маъноли аҳамиятга эга бўлади. Кишининг идроки унинг тафаккури билан, нарсанинг моҳиятини тушуниб етиши билан чамбарчас боғлиқдир. Нарсани онгли идрок этиш — унга фикран ном бериш, яъни идрок этилган нарсани нарсаларнинг муайян гуруҳига, синфга киритиш, уни сўз воситасида умумлаштириш демакдир.* Ҳатто ўзимизга нотаниш нарсани кўрганимизда ҳам унинг бизга таниш объектлар билан ўхшашлик жиҳатларини пайқаб олишга, уни қандайдир тоифага киритишга уринамиз. Идрок шунчаки сезги аъзоларига таъсир қиладиган қўзғатувчиларнинг оддий йиғиндиси билан белгиланмайди, балки мавжуд маълумотларни яхшилаб талқин қилиш, изоҳлаб бериш йулларини жадал излаш бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтан назардан олганда гоҳ шакл, гоҳ фон (икки қиёфа ва ваза) навбатма-навбат идрок этиладиган (12-расм), «икки мазмунли» деб аталмиш расмлар диққатга сазовордир. Бу расмларда идрок қилинган объектнинг алоҳида кўрсатилиши унинг англаб етилиши ва номланиши билан боғлиқдир.

Фикримизга яқун ясарканмиз, идрок фаол жараён эканлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин. Идрок этиш жараёнида киши нарсанинг айнан ўзига ўхшаш образини яратиш учун кўплаб перцептив ҳаракатлар қилади. Идрокнинг фаоллиги энг аввало идрок этиш жараёнида (пайпаслаб сезиш пайтида қўлларнинг ҳаракати, кўз билан кўриш орқали идрок этишда кўзларнинг ҳаракати ва бошқаларда) анализаторларнинг эффектор (ҳаракатлантирувчи қисмлари) иштирок қилишидан иборатдир. Бундан ташқари кўз билан кўриш мумкин бўлган



12- расм.

тик ҳолатда кўринади, яъни шам тепага қараб алангаланиб ёниб турган ҳолда идрок килинади.

Америкалик психолог А. Эймсинг «қийшайган хона» билан боғлиқ тажрибалари ҳам қизиқарлидир. Бу хона шу тарзда қурилганки, перспектива қоидаларини қўлланиш туфайли у кўз тўрпақдасида худди одатдаги тўғри бурчакли хона каби образ ҳосил қилади. «Қийшайган хона»га аллақандай нарсалар жойлаштирилган тақдирда кузатувчи уларни нотўғри ҳажмда идрок қилади (масалан, катта ёшдаги киши кичкина боладан ҳам кичик бўлиб туюлади). Афтидан, одамлар меъёридаги тўғри бурчакли хоналарга шу қадар ўрганиб кетишганки, «қийшайган хона»нинг ўзидан кўра кўпроқ унда жойлашган объектлар қийшайган тарзда идрок этилади. Лекин шуниси ажабланарлики, бундай хонада аёллар ўз эрларини ўзгармаган ҳолда кўришади; уларни одатдаги тарзда идрок этишади, хонани эса қийшайган ҳолида кўришади. Шу хилдаги вазиятда перцептив система қарама-қарши ахборот мавжуд бўлган бир пайтда бир тўхтамга келиши керак. Тўхтамнинг натижаси субъектнинг бундан олдинги тажрибаси билан белгиланади: яхши таниш бўлган нарсаларни хона бузиб кўрсатмайди. Хонани пайпаслаб танишиб чиқиш бошқа нарсалар сохталашувининг таъсир кучи секин-аста қамайишига олиб боради ва пиروардида хонанинг ўзи тўғри, яъни қийшайган тарзда идрок этила бошлайди.

Шундай қилиб, *идрок субъектнинг бундан олдинги тажрибасига боғлиқ бўлади*. Кишининг тажрибаси қанчалик бой бўлса, унинг билимлари қанчалик кўп бўлса, унинг идроки ҳам шунчалик бой бўлади, буюмда у шунчалик кўп нарсаларни кўра олади.

Идрокнинг мазмуни киши олдига қўйилган вазифа билан ҳам, унинг фаолияти сабаблари билан ҳам белгиланади. Масалан, оркестр ижросида мусиқавий асарни тинглар эканмиз, биз ҳар бир сознинг товушини алоҳида ажратмаган ҳолда мусиқанинг бутун мазмунини яхлит ҳолида идрок этамиз. Бирон-бир сознинг товушини алоҳида ажратишни мақсад қилиб қўйгандагина бунинг уддасидан чиқиш мумкин. Бундай пайтда ўша сознинг товуши биринчи ўринга қўйилиб, *идрок этиш объектига* айланади, бошқа барча товушлар эса *идрок этиш фонини* ташкил қилади.

Субъектнинг установкаси (йўл-йўриғи) идрокнинг мазмунига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Объектнинг идрок этилиши худди Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида юқори мартабали шахснинг келиши кутилаётган бир пайтда шаҳарда Хлестаков пайдо бўлганида юз берганидек установканинг (йўл-йўриқнинг) таъсири остида ўзгариб қолгани каби жуда кўп ҳодисалар баён қилингандир.

Идрок этиш жараёнида *идрокнинг мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган ҳис-ҳаяжонлар* ҳам иштирок этади. Идрок этишда ҳис-ҳаяжонли таъсиротларнинг муҳим роль ўйнаши турли хилдаги бир қатор экспериментларда тасдиқланади.

Идрок этишга субъектнинг бундан олдинги тажрибаси, унинг фаолияти сабаблари ва вазифалари, йўл-йўриқлари, ҳис-ҳаяжонли ҳолати (бунга кишининг эътиқодини, дунёқарашини, унинг қизиқишларини ва шу кабиларни киритиш мумкин) таъсир этиши ҳақидаги айтилганларнинг барчаси *идрокнинг бошқариш мумкин бўлган фаол жараён* эканлигини кўрсатади.

Идрокнинг
физиологик
асослари

Идрок ҳам сезги каби рефлектор жараёндир. *И. П. Павлов идрокнинг негизини теварак-атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисалар рецепторларга таъсир этиши натижасида бош миянинг катта ярим шарлари қобнигида ҳосил бўладиган шартли рефлекслар, муваққат нерв бошланишлари ташкил этишини кўрсатиб берган эди. Ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисалар комплекс қўзғатувчилар сифатида хизмат қилади. Анализаторларнинг қобиқ бўлмалари ўзагида ана шу комплекс қўзғатувчиларнинг мураккаб таҳлили ва синтези амалга оширилади. «... Шартли қўзғатувчилар сифатидаги омиллар узлуксиз ва ранг-баранг тарзда ўзгариб турадиган табиат билан уйғунлашган ҳолда гоҳо организм учун ўта майда қисмлар тарзидаги ярим шарлар бўлиб ажралиб туришар (таҳлил этилар), гоҳо кўплаб турли-туман комплексларга қўшилиб кетишар (синтез қилинар) эди»¹ Таҳлил идрок этиш объектининг фон ажратилишини таъмин этади. Таҳлил асосида идрок объектининг барча хусусиятлари яхлит образга умумлаштирилади.*

Идрок сезгиларга қараганда миянинг анча юксак даражадаги таҳлил қилиш-умумлаштириш фаолияти ҳисобланади. Таҳлил қилмасдан туриб идрокнинг анланган бўлиши мумкин эмас. Жумладан, нотаниш ҳорижий тилда айтилган нутқ бошдан-оёқ товушлар оқими тарзида идрок этилади. Нутқнинг англанилган ҳолда идрок этилиши, яъни у тушунилиши учун нутқни алоҳида ибораларга, моҳият-эътибори билан сўзларга ажратиш шарт. Айни пайтда нутқни идрок этиш жараёнида таҳлил билан баб-баравар тарзда синтез ҳам қилинади, шу туфайли биз алоҳида тарқоқ товушларни эмас, балки сўзларни ва ибораларни идрок этамиз. Муваққат нерв боғланишларининг ўрнатилиши синтезнинг негизини ташкил этади.

Идрокнинг негизи нерв боғланишларининг иккита туридан — битта *анализатор доирасида* ҳосил бўладиган *боғланишлардан* ва *анализаторлараро боғланишлардан* таркиб топади. Биринчи ҳолат организмга битта модалликдаги комплекс қўзғатувчи таъсир этганда кузатилади. Эшитиш анализаторларига таъсир қиладиган алоҳида товушларнинг ўзига хос бирикмасидан иборат куй ана шундай қўзғатувчи бўлиши мумкин. Ушбу комплекснинг ҳаммаси битта мураккаб қўзғатувчи сифатида таъсир қилади. Бунда нерв боғланишлари фақат қўзғатувчиларнинг ўзларида эмас, балки уларнинг вақтга, фазога ва ҳоказоларга татбиқан муносабатида пайдо бўлади (бу *муносабатда бўладиган рефлекс* деб юритилади). Натижада катта ярим шарлар қобнигида бирикиш жараёни, мураккаб синтез юз беради.

Комплекс қўзғатувчининг таъсири остида ҳосил бўладиган

¹ Павлов И. П. Лекции о работе больших полушарий головного мозга. Полн. собр. соч. 2-е изд. доп. М.—Л., Изд-во АН СССР, 1951, IV том. 163-бет.

нерв боғланишларининг бошқа бир тури ҳам борки, улар турли хилдаги анализаторлар доирасидаги боғланишлардан иборатдир. *И. М. Сеченов* нарсани ёки фазони кўриш, кинестезик, пайпаслаш ассоциациялари орқали ва бошқа *сезгиларнинг* ассоциацияси орқали идрок этилишини изоҳлаб берган эди. Кишидаги бу боғланишларга албатта *сўзнинг эшитилиши образи* ҳам қўшиладики, унда муайян нарса ёки фазога муносабат гавдаланган бўлади.

Кўриш ҳодисасида нарсаларнинг ҳажмини, уларнинг олислигини ва бошқаларни идрок этишда ҳамиша соф кўриш сезгилари мускул билан боғланган бўлади. Муайян доривор моддалар таъсири остида кўздаги мушакларнинг кучайтирилиши ёки сусайтирилиши йўли билан ушбу боғланишлар бирмунча бузилиши мумкин. Бунда *макрония* (нарсаларнинг йириклашгандек туюлиши) ёки *микрония* (нарсаларнинг кичрайгандек туюлиши) кузатилади.

Идрок негизида ҳосил бўладиган муваққат нерв боғланишлари ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисалар хусусиятларининг объектив боғланишлари асосида таркиб топади.

Анализаторлар ўртасида ҳосил бўладиган боғланишлар туфайли биз идрокимизда нарсалар ва ҳодисаларнинг бунинг учун махсус мослашган анализаторлар бўлмаган хусусиятларини (масалан, нарсанинг ҳажми, солиштирма оғирлиги) ҳам акс эттирамайз. Шунинг учун ҳам биз идрок қилганимизда оламни сезгиларимизга нисбатан чуқурроқ билиб оламиз.

Шундай қилиб, *идрок образининг тузилишидаги мураккаб жараён негизини анализаторлар ичида ва анализаторлар ўртасида қўзғатувчиларни алоҳида билдирадиган энг яхши шартшароитлар яратилишини ҳамда мураккаб яхлит ҳолдаги нарса хусусиятларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг ҳисобга оладиган боғланишлар системаси ташкил этади.*

Идрокнинг классификацияси

Идрокнинг классификация қилинишида ҳам худди сезгилардаги каби идрок қилишда иштирок этувчи анализаторлардаги мавжуд фарқларга асосланилади. Идрок этишда қайси бир анализатор устунроқ келганига мувофиқ тарзда *кўриш, эшитиш, пайпаслаб кўриш, кинестезик, ҳидлаш ва таъм билиш йўли билан идрок қилиниши фарқланади.*

Идрок қилиш жараёни, одатда ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган бир қанча анализаторлар воситасида содир бўлади. *Ҳаракат сезгилари у ёки бу даражада идрокнинг барча турларида иштирок этади.* Мисол тариқасида тери туюши ва кинестезик анализаторлар иштирок этадиган пайпаслаб туриб идрок этишни кўрсатиш мумкин. Шунга ўхшаб эшитиш ва кўриш орқали идрок этишда ҳаракат анализаторлари ҳам иштирок этади.

Идрокнинг ҳар хил турлари соф ҳолида камдан-кам учрайди, одатда улар бир-бирлари билан уйғунлашиб кетади ва натижада идрокнинг мураккаб турлари ҳосил бўлади. Жумла-

дан, ўқувчининг дарс пайтида матнни (текстни) идрок қилиши кўриш, эшитиш, кинестезик идрокларни ўз ичига олади.

Материянинг мавжуд бўлиш шакллари — фазо, вақт ва ҳаракат идрокни таснифлашнинг бошқа тури учун асос бўлади. Бундай тарздаги таснифлашга (классификациялашга) биноан фазони идрок этиш, вақтни идрок этиш ва ҳаракатни идрок этиш алоҳида ажратиб кўрсатилади.

III. 10.2. Идрок ҳаракат сифатида

Идрок қилишда ҳаракат компонентларининг роли

Идрок — идрок этилаётган объектни текшириш ва унинг ўзига айнан ўхшайдиган нусхасини яратишга йўналтирилган ўзига хос ҳаракатдир.

Идрокнинг муҳим қисми ҳаракатлантирувчи (мотор) жараёнлардан иборатдир. Нарсани пайпаслаб ҳис этадиган қўлларнинг ҳаракатлари, нарсанинг кўринадиган шаклини кузатувчи кўзларнинг ҳаракати, эшитиладиган, овоз чиқарадиган ҳиқилдоқнинг ҳаракати ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Ҳаракат компонентлари пайпаслаш ҳодисасида катта роль ўйнайди. Маълумки, терининг суст даражадаги туюши киши организмнинг бутун устки тери қисмига хос хусусият ҳисобланади. Терининг фаол туюши юксак даражадаги аниқлиги билан ажралиб туради — нарсанинг акс этиши билан бир хиллиги ҳаракатланаётган қўлнинг идрок этилаётган нарсага нисбатан кўчишига қараб юз беради.

Қўл ва кўзларнинг ишида кўпгина умумийликлар мавжуд. Кўзлар худди қўллар каби суратни ва нарсанинг шаклини изчиллик билан текшириб чиқади, «ушлаб кўради». *И. М. Сеченов* бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «... Гап нарсаларнинг шакли ва ҳажми ҳақида боряптими ёки уларнинг олислиги ва нисбий жойлашганлиги ҳақида боряптими, бундан қатъи назар, кўзнинг кўриш пайтидаги ва қўлларнинг пайпаслаш чоғидаги ҳаракатланувчи таъсиротлари моҳият эътибори билан мутлақо бир хилдир...»¹ Қўл кўзларга ўзининг пайпаслаб ҳис этиш усулларига «ўргатади», бундай пайпаслаб ҳис этишнинг ўзига хос стратегияси ва тактикасидан «сабоқ» беради.

Қўлнинг пайпаслаб сезиш ва кўзнинг кўриш жараёнидаги ҳаракат функцияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар иккита катта соҳага ажралади. Биринчисига қидирувчи, йўловчи ва тузатувчи ҳаракатлар киради. Улар ёрдамида идрок этиш учун тайинланган объектни қидириш, кўзни (ёки қўлни) «бошланғич марра»га қаратиш, ана шу маррани тўғрилаш амалга оширилади. Иккинчи соҳага образни ҳосил қилишда,

¹ Сеченов И. М. Осозание как чувство, соответствующее зрению.— Избранные философские и психологические произведения. М., Госполитиздат, 1947, 555-бет.

объектларнинг фасодаги таърифини аниқлашда, таниш объектларни топилган ва шу қабиларда иштирок этадиган ҳаракатлар киради. Бу хусусан, гностик ҳаракатлар, перцептив ҳаракатлардан иборатдир.

Воқеликни идрок этишда образларнинг бир хиллиги мезони ҳаёт ва таълим-тарбия шарт-шароитлари таъсири остида яратилади. Қўзи кўрмайдиган бўлиб туғилганларнинг, жумладан, кўз гавҳари яллиғланиши даволангандан кейинги дастлабки кунлардан идрок эта бошлаганликлари ана шундан далолат беради. Қўзи кўрмайдиган бўлиб туғилган ва 51 йилдан кейин кўриш қобилияти тикланган кишини кузатиш шуни кўрсатадики, операциядан кейин беморнинг кўзидан бойлагич олиб ташланганда у ғира-шира шарпадан бўлак ҳеч нарсани илғамасди. У кўзимизни очганимиздан бизга кўринадиган жамик нарсалар оламини кўра олмасди. Унинг кўриши секин-аста тиклана бошлади, лекин оламини хира ва ғира-шира идрок этарди. Анча вақт мобайнида унинг кўриш орқали идрок этиши шу даражада чекланган эдики, у олдинга нарсаларни қўли билан пайпаслаш орқали билиб оларди. У кўзи билан кўриб ўқишни ўргана олмаганича қолди, лекин кўзи ожизлар мактабида ўқиганлиги важидан у босмашаклдаги бош ҳарфларни ва сонларни кўриб ажрата оларди, негаки унга айнан бош ҳарфларни ўқишни ўргатишган эди. Унинг чизган расмлари илгари у қўли билан пайпаслаш орқали била олмаган бирон нарсани тасвирлашга лаёқатсизлигидан далолат беради. Ҳатто унинг кўриш қобилияти тиклангач, орадан бир йил ўтгандан кейин ҳам, мураккаброқ нарсани агар қўли билан пайпаслаб чиқмаса расмини сола олмасди.

Қўзи ожиз бўлиб туғилиб, етуклик ёш даврида кўриши тикланган кишиларни кузатишлар биз *идрок этишга ўрганмагунимизга қадар идрок қила олмаймиз* деб хулоса чиқаришимизга асос беради.

Идрок — перцептив ҳаракатлар системасидир ва уни эгаллаш махсус ўқитишни ва тажрибани талаб қилади.

Ихтиёрий идрок этишининг муҳим шакли — *кузатиш* *кузатишдирки, у нарсаларни ёки теварак-атрофдаги олам ҳодисаларини кўра-била, режали тарзда идрок этишдан иборатдир.*

Кузатишда идрок этиш мустақил фаолият сифатида намоён бўлади. Сизги аъзоларини ишлатишни, тери орқали сезишни, кўра билишни, эшитишни ва ҳоказоларни ўрганиш керак. Биз чет тиллардаги айрим сўзларни кўп ҳолларда фарқлай олмаймиз, мусиқавий асарларнинг бузиб ижро этилаётганини пайқамаймиз ёки картиналарнинг бўёқ ранглари тасвиридаги ана шундай бузилишларни кўрмаймиз. Кузатишни ўрганиш мумкин ва лозим. Нутқ маданияти ҳақида сўз юритилиши каби идрок этиш, кузатиш маданияти ҳақида ҳам гапириш мумкин. Шу муносабат билан голландиялик таниқли аст-

роном М. Миннартнинг мана бу сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир: «Кўра бошлаш сизларнинг ўзларингизга боғлиқ — ўз кўзларингизга «нимага қарашни бил» деб аталадиган сеҳрли асо билан тегиб қўйсангиз кифоя»¹.

Ҳақиқатан ҳам, кузатишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан *вазифанинг аниқ қилиб қўйилишига* боғлиқдир. Кузатувчи учун кузатишнинг йўналишини кўрсатадиган «компас» бўлиши керак. Кузатувчи олдига қўйиладиган вазифа, кузатиш плани ана шундай «компас» ҳисобланади.

Кузатишнинг муваффақиятли олиб борилишида кузатувчининг *унга олдиндан тайёргарлиги, бунга қадар орттирган тажрибаси*, билимлари катта аҳамиятга эгадир. Киши қанчалик бой тажрибага эга бўлса, унинг билими шунчалик катта, идрок этиши шу қадар бой бўлади. Уқитувчи ўқувчиларнинг фаолиятини уюштираркан, кузатишнинг ана шу қонуниятларини ҳисобга олиши шарт. Уқитувчи янги ўқув материалининг муваффақиятли тарзда идрок этилишини таъминлаш учун ўқувчиларни бунга тайёрлаши, уларнинг бундан олдин орттирган тажрибасини фаоллаштириши ва уни янги материал билан боғлашга ёрдам бериши, ўқувчилар олдига янги вазифалар қўйган ҳолда уларнинг идрокини йўналтириши керак.

Пировардида, худди ана шу мақсадга — ўқувчиларнинг кузатишини уюштирган ва янги билимларнинг анча самаралироқ ўзлаштирилишини таъминлаш ишига педагогикада кўндан буён ишлаб чиқиляётган *таълимнинг кўргазмалилиги принципи* ҳам хизмат қилади. Ҳали К. Д. Ушинский (1824—1870) ҳам таълим беришдаги кўргазмалилик ҳақида сўз юритаркан, кўргазмали тарзда таълим бериш «бу шундай таълимки, у мавҳум тасаввурлар ва сўзлар негизида эмас, балки бола бевосита идрок этган конкрет образлар (бу образлар ўқиш давомида ё мураббийнинг раҳбарлиги остида идрок этиладими, ё худ улар олдинроқ, боланинг мустақил кузатиши натижасида идрок этилганми, бундан мустасно ҳолда) негизида ташкил этиладиган бўлиши керак...»²

Таълимнинг кўргазмалилигига ўқитувчининг сўзи билан уйғунлаштирилган тарзда махсус воситалар (кўргазмали қуроллар, усқуналар, намоён қилинадиган тажрибалар, турли хил экскурсиялар ва ҳоказо) дан фойдаланиш йўли билан эришилади.

Бу воситалар ҳозирга қадар ёрдамчи роль ўйнайди, деб ҳисоблаб келинарди: улар билимларнинг ўзлаштирилишини осонлаштирадиган ва ўқувчиларда ўрганиляётган материалга қизиқиш уйғотишга ёрдам берадиган иллюстратив материал сифатида ишлатиларди. Лекин кейинги пайтларда ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари таълимда кўр-

¹ Минарт М. Свет и цвет в природе. М., Наука, 1969, 14- бет.

² Ушинский К. Д. Родное слово. Книга для учащихся.— Собр. соч.. М.—Л., РСФСР, ПФА нашриёти, 1949, 6- том, 265—266- бетлар.

газмалилик принципига бошқача ёндашиш имконини беради.

Афтидан, ўқитиш жараёни ўқувчилар дарс вақтида ўқитувчи томонидан хабар қилинадиган ахборотни қабул қилиши билан чекланадиган принцип асосида ташкил этилмаслиги керак; ўқитиш жараёни ўқувчиларнинг *фаол фикрлаш фаолияти* тарзида ташкил этилиши керак. Бундай фаолиятдан кўзланган пировард натижа ўқувчилар учун янги билимларга йўл очиб беришдан иборат бўлиб, ўқитиш жараёни ҳам ана шу мақсадга қаратилгандир. Билимларнинг анча пухтароқ эгалланишини таъминлаш учун бу мақсадга қандай воситалар орқали эришиш мумкин? Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чамалаб текшириш перцептив фаолият негизида таркиб топган вазиятнинг образини у ёки бу тарзда ўзгартириш ечимни қабул қилиш жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу босқич — реал вазиятдан мавжумликка ўтиш босқичи — образ илгари сурилган вазифага мувофиқ тарзда қайта қуришдан иборат фаолиятдан бўлак ҳеч нарса эмас.

Қарор қабул қилиниш жараёни учун муаммоли вазиятни ички жиҳатга ўтказиш (дилга жо қилиш) заруратининг туғилиши ўқитишдаги кўргазмалилик принципининг қўлланилишига тўғри ёндашувнинг фавқулодда муҳимлигидан далолат беради. Кўргазмали қуроллар баён этилаётган материалнинг фақат тасвирдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Янги билимларни кашф этиш ҳодисаси ўқувчи учун ҳам фанда ёки санъатда ижодий муаммоларни ҳал этиш жараёни каби машаққатли ишга айланиб қолмаслиги учун таълимда кўргазмалиликнинг қўлланилиши фақат вазиятнинг образини яратиш жараёнини эмас, балки ушбу образнинг галдаги вазифаларга мувофиқ тарзда қайта яратилиши жараёнини ҳам йўналтириб юбориши лозим. Бундай тарзда ёндошилганда қўлланиладиган кўргазмали қуролларнинг қандай характерга эгаллиги, уларнинг танланиши билан бирга уларнинг дарсда қанчалик кўп кўрсатилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дарсда кўргазмали қуролларни қўлланишнинг изчиллиги ўқувчиларнинг ўрганилаётган материал андасасини яратиш юзасидан фаолиятини йўналтириб туриши керак.

Таълим беришда кўргазмалилик принципини қўлланишга бундай тарзда ёндошилиши у ўқувчиларнинг фаол кузатишига ва фаол ақлий фаолиятига таянадиган бўлса, билимларнинг самарали ва пухта ўзлаштирилишини таъмин этади.

III. 10.3. Фазони идрок қилиш

Фазонинг идрок қилиниши кишининг ўзини қуршаб турган муҳитни чамалашининг муқаррар шартларидан бўлиб, унинг ушбу муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатида катта роль ўйнайди. У объектив равишда мавжуд бўлган фазонинг аксини ифода этади ва объектларнинг *шакли, ҳажми ва ўзаро бирга-*

ликда жойлашуви, улар сатҳи, олислиги ва йўналишларининг идрок этилишини ўз ичига олади.

Қишининг муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати унинг учун хос бўлган координатор системаси билан биргаликда *қиши гавдасининг ўзини* ҳам қамраб олади. Сезувчан одамнинг ўзи фазода муайян ўрин эгаллайдиган ва маълум бир фазовий белгилари (ўлчами, шакли, гавданинг учала ўлчови, ҳаракатларнинг фазодаги йўналиши) мавжуд бўлган моддий гавда ҳам демекдир.

Нарсаларнинг шаклини, ўлчамини, бир-бирларига нисбатан эгаллаган ўрнини, у ёқдан-бу ёққа кўчишини аниқлаш ва аини пайтда хусусий гавданинг теvarак-атрофдаги нарсаларга нисбатан ҳолатини таҳлил қилиш организмнинг ҳаракатланувчи фаолияти жараёнида юз беради ва *фазодаги таҳлил* деб аталувчи аналитик-синтетик фаолиятнинг алоҳида юксак даражада намоён бўлишидан иборатдир. Шу нарса аниқландики, фазодаги таҳлилнинг турли хилдаги шакллари *анализаторлар комплекс фаолиятининг* негизида вужудга келади, уларнинг бирортаси ҳам муҳитнинг фазовий омилларини таҳлил қилишда асосий роль ўйнамайди.

Фазони чамалашда *ҳаракат анализатори* алоҳида роль ўйнайди. Турли хилдаги анализаторлар ана шу анализатор воситасида ўзаро биргаликда ҳаракат қила бошлайди. Фазонинг чамалашнинг махсус қуроллари қаторига анализаторлар фаолиятида *ҳар иккала ярим шарлар ўртасидаги нерв боғланишларини: бинокуляр кўришни, бинаураль эшитишни, терининг бимануаль туюшини, дириник ҳид билишни* ва шу кабиларни киритиш лозим. Нарсаларнинг маконий хусусиятларини акс эттиришда *функционал симметрия* муҳим роль ўйнайди. У барча жуфт анализаторларга хос бўлган хусусиятдир. Функционал асимметрия шундан иборатки, анализаторнинг томонларидан бири маълум бир жиҳатдан етакчилик қилади, устун бўлади. Анализаторларнинг томонлари ўртасидаги муносабатлар уларнинг устунлик қилиши жиҳатидан олганда ҳаракатчан ва бир хил эмаслиги аниқланди. Жумладан, ўткирлигига кўра устунлик қиладиган кўз кўриш майдони ўлчами жиҳатидан етакчи бўла олмаслиги мумкин ва ҳоказо.

Нарсалар шаклининг идрок қилиниши Нарсаларнинг шакли, одатда кўриш, терининг туюши ва кинестезик анализаторлар ёрдамида идрок қилинади. Баъзи ҳайвонларда маълум бир шаклдаги объектлар таъсирига жавобан туғма реакциялар, *фезл-атвори* ҳаракатлантирувчи туғма механизмлар деб аталмиш механизмлар кузатилади. Бу туғма механизмлар қатъиян ихтисослашган бўлади. Товуқларнинг картон қоғоздан йиртқич қушнинг суратини эслатадиган қилиб қирқилган шаклни кўриб жўжаларини ҳимоя қилишга урина бошлашлари бунга мисол бўла олади.

Шакл билан танишиш чоғида алоҳида ажратиб кўрсатилиши лозим бўлган ва кўпроқ даражада ахборот берадиган бел-

ги ташқи кўринишдир. Айнан ташқи кўриниш иккита реаллики, яъни шакл билан муҳитни бир-биридан ажратадиган чегара вазифасини бажаради. Кўз микроҳаракатлар орқали объектларнинг чегаралари (ташқи кўриниши ва майда-чуйда деталлари) ни фарқлай олиши мумкин. Кўриш системаси объект билан фон ўртасидаги чегарани фақат ажрата билишга эмас, балки шу чегара бўйлаб силжиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу кўзлар ҳаракати воситасида амалга оширилади. Кўзлар нарсанинг ташқи кўринишини бамисоли иккинчи бор фарқлайди ва унинг шакли образини ҳосил қилишнинг муқаррар шартни ҳисобланади.

Айни шундай жараёни биз тери туюши орқали идрок этишда ҳам кузатамиз. Кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсанинг шаклини пайпаслаб туриб аниқлаш учун нарсени қўлга олиш, айлантириш ва турли хил томонларини пайпаслаб чиқиш зарур. Бунда қўл енгил иш-ҳаракатлар қилиб нарсени пайпаслаб чиқади, унинг у ёки бу қисми қанчалик тўғри идрок этилганини текширган ҳолда қўллар уни гоҳо-гоҳо орқага айлантириб туради. Нарсанинг шаклланаётган образи тактил ва кинестезик сезгиларни яхлит комплекс қилиб бирлаштириш туфайли ҳосил бўлади.

Нарса шаклининг кўриш орқали идрок этилиши кузатишнинг шарт-шароитлари: нарсанинг катта-кичиклиги, унинг кузатувчи кўзларидан узоқ-яқинлиги, ёритилганлиги, объектнинг ёрқинлиги ва фони ўртасидаги кескинлик ва ҳоказолар билан белгиланади.

Нарсанинг катта-кичиклигини идрок қилиш

Нарсаларнинг идрок қилинаётган катта-кичиклиги уларнинг кўз тўрпардасида тасвирланган ўлчами ва кузатувчининг кўзларидан олис-яқинлиги билан белгиланади. Кўзларнинг турли олисликдаги нарсаларни аниқ-равшан кўришга мослашуви иккита механизм — *аккомодация* ва *конвергенция* ёрдамида юз беради.

Аккомодация — *кўз гавҳарининг эгрилигини ўзгартириш йўли билан унинг аксини синдириб қайтариш қобилиятини ўзгартириш демакдир*. Жумладан, яқинроқда жойлашган нарсаларга қараганимизда мушакларимизда қисқариш юз беради, натижада кўз гавҳари таранглашиш даражаси камаяди ва у янада қавариқ шаклга киради. Ёш улғая борган сари кўз гавҳари секин-аста кам ҳаракат қиладиган бўлиб қолади ва мослашув, яъни турлича узоқликдаги нарсаларга қараганда ўз шаклини ўзгартириш қобилиятини йўқотади. Натижада яқинроқдаги нарсалардан кўра узоқдаги нарсалар яхшироқ кўрина бошлайди, бу аниқ-равшан кўринадиган яқинроқдаги нуқта ёш ўтиши билан тобора узоқлаша боришида ўз ифодасини топади.

Аккомодация, одатда *конвергенция* билан, яъни *кўриш ўқларини қайд қилинаётган нарсага йўналтириш* билан боғлиқдир (13-расм). *Аккомодациянинг* муайян ҳолати кўриш ўқлари тортишишининг муайян даражада бўлишини тақозо этади ва



13- расм.

аксинча, кўриш ўқларининг у ёки бу тарзда тортишиши аккомодациянинг муайян даражасига мос келади.

Конвергенция бурчаги бевосита масофа индикатори, яъни ўзига хос масофа ўлчигич сифатида фойдаланилади. Муайян масофа учун конвергенция бурчагини объект олдида жойлаштирилган призмалар ёрдамида ўзгартириш мумкин. Бунда агар конвергенция бурчаги катталашадиган бўлса, объектнинг кўришиб турган ўлчами ҳам катталашади, унгача бўлган идрок этилаётган масофа эса қисқаради. Агар призмалар конвергенция бурчаги кичрайдиган тарзда жойлаштирилган тақдирда объектнинг кўринадиган ҳажми ҳам кичраяди, унгача бўлган масофа эса ортади.

Иккита қўзғатувчи — нарсанинг кўз турпардасидаги тасвири аккомодация ҳамда конвергенция натижасида кўздаги мушакларнинг зуриқиши ўлчамлари бир-бирига мосланган ҳолда бирга қўшилиши идрок этилаётган нарсанинг ҳажми ҳақидаги шартли рефлекс тарзидаги сигнал ҳисобланади.

Нарсаларнинг чуқурлиги ва узоқлигини идрок этиш

Аккомодация ва конвергенция фақат жуда кичик доирада, унча катта бўлмаган масофада, масалан, аккомодация 5—6 метр атрофида, конвергенция 450 метрга қадар амал қилади. Ваҳоланки киши ўзи идрок этаётган нарсаларнинг чуқурлигини ва улар эгаллайдиган бўшлиқни 2500 метрга қадар масофадан туриб фарқлай олади.

Чуқур (ичкари) жойлашганликни баҳолай билишга оид бундай қобилият биринчи қарашда туғма хислатга ўхшайди.

Экспериментда эмаклайдиган болани қолдириладиган жойга тўшак ёзилган бўлиб, унинг ёнидаги чуқурликнинг усти қалин шиша билан ёпиб қўйилган эди (14-расм). Эксперимент шунини кўрсатдики, тўшак устида бемалол эмаклаб кетаётган бола шиша ёнига келиб тўхтаб қолади.


Яна ҳам асослироқ тадқиқ қилинганда шу нарса аниқланадиги, болада чуқурликда кўринган ичкариликка дуч келганига эмас, балки ўзи учун янги, ҳали нотаниш юзага кўчиш зарурати билан боғлиқ вазиятнинг янгилигига жавоб реакцияси рўй берди. Болани чуқурлик эмас, балки ориентир реакцияни ва ҳаракатнинг тўхтатилишини юзага чиқарадиган янгилик тўхтатади. Тўшакнинг ҳудудидан ташқарида шиша тагига ялтироқ зар қоғоз қўйилганда ҳам худди шундай натижа рўй берди — бола бу гал ҳам иккита ҳар хил юзалар ҳудудида эмаклашни тўхтатган эди.

Нарсаларнинг чуқурлиги ва олислиги, асосан *бинокуляр кўриш* орқали идрок қилинади. Олисдаги объектларни (масалан, осмондаги юлдузлар) бинокуляр тарзда қайд этиш чоғида ҳар иккала кўзнинг кўриш чизиқлари параллель бўлади. Бунда узоқдаги нарсаларнинг тасвирлари ўнг ёки чап кўзнинг ёхуд иккала кўзнинг тўрпардаларига баравар тушиш-тушмаслигидан қатъи назар фазонинг ёлғиз бир жойида кўринаверади. Бинобарин, битта кўзнинг тўрпардасидаги баъзи нуқталарга бошқа бир кўзнинг тўрпардасидаги муайян нуқталар тўғри келади. *Ҳар иккала кўз тўрпардаларининг симметрик тарзда жойлашган ушбу нуқталари ахборот етказувчи нуқталар деб аталади. Тўрпардалардан бирини иккинчисига қўйганда вертикал ва горизонтал ўқлар бир-бирига мос келадиган нуқталари ахборот етказувчи нуқталардир.*

Тўрпардадаги ахборот етказувчи нуқталарнинг кўзғатилиши кўриш майдонида битта объект ҳақида сезги ҳосил қилади. Кўзларнинг ҳар бир ҳолатида тўрпардаларнинг ахборот етказувчи нуқталарига ташқари фазодаги муайян нуқталар мос келади. Фазодаги нуқталарнинг кўзнинг муайян ҳолатида битта объектни кўриш имконини берадиган чизма тасвирини *горонтер* деб аталади (15- расм).




14- расм.



15- расм.

Агар нарса тасвири ҳар иккала кўзнинг тўрпарда марказидан ҳар хил олисликда жойлашган ахборот етказмайдиган, ёхуд диспарат нуқталарга тушса, у ҳолда иккала самарадан бири — ё қўшалоқ тасвирлар (агар нуқталарнинг диспаратлиги етарлича катта бўлса) пайдо бўлади, ёхуд муайян объектнинг қайд этилаётган объектга нисбатан кўпроқ ёки озроқ даражада олислиги (агар диспаратлилик кичикроқ бўлса) ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.




16- расм.

Кейинги ҳолатда ҳажмдорлик тасаввури ёки *стереоскопик самара* ҳосил бўлади.


Бу самарани стереоскоп (икки манзарани чап ва ўнг кўзга алоҳида ажратиб кўрсатишга мўлжалланган аппарат) ёрдамида кузатиш мумкин. Бу манзаралар кўзлар ўртасидаги масофага барабар олисликда жойлашган иккита фотокамера билан алоҳида суратга олиш чоғида юзага келадиган бўрттириб кўрсатилган қўшалоқ тасвири ҳосил қилади. Шундай қилиб, диспарат тасвир юзага келадигани, уни кўраётганда қавариқ тасвир пайдо бўлади.

Агар стереоскопда ўрталарида тасвирларнинг бир-бирига қўшилиб кетишини таъмин эта олмайдиган даражада фарқ бўлган иккита тасвир бериладиган бўлса, у ҳолда ўзига хос бир самара пайдо бўлади: шаклларнинг гоҳ биттаси, гоҳ бошқаси бирин-кетин алмашган ҳолда гавдаланади. Бу ҳодиса *бинокуляр мусобақа* деган ном билан аталади. Бунда иккала объект баъзан иккала шаклнинг бирга қўшилишидан ташкил топган шаклдай кўринади. Масалан, битта кўзга кўриниб турган панжаранинг сурати ва бошқа кўзга кўринадиган отнинг сурати гўё от панжара устидан сакраётгандек тасаввур туғдириши мумкин.

Чуқурликнинг икки хил идрок этилишини таъминлайдиган расмлар яхши таниш (16, 17, 18- расмлар). Айрим вазиятлар-



17- расм.



18- расм.

да чуқурликнинг талқини тамомила тескарисига айланиши мумкинлиги ҳодисаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, самолёт ерга қўнаётганда учувчи томонидан қўниш майдонининг идрок этилиши чуқурлиги бўйича тескари бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳодиса тунда ёки туман босган пайтда, яъни учувчи учун нарсаларнинг олислигини айнан акс эттиришга ёрдам берадиган шартли сигналлар вазифасини берадиган вазиятнинг икир-чикирлари кўринадиган бир шароитда кузатилади.

Масалан, қўниш майдонидаги чироқларнинг ёрқинлиги (маълумки, ёруғ нур манбалари сустроқ нурга нисбатан яқинроқда жойлашгандек туюлади) ана шундай сигналлардан бири ҳисобланади ва чуқурликни идрок этишнинг тескари бўлиши учун нурлар воситасидаги сигналларнинг нотўғри уйғунлаштирилишининг ўзи кифоадир.

**Йўналишнинг
идрок этилиши**

Фазонинг фарқини ажратишдаги муҳим жиҳатлардан бири объектнинг бошқа объектларга ёки кузатувчига нисбатан жойлашган йўналишининг идрок этилишидир. Биз объектни кўриб турган йўналиш унинг кўзимиз тўрпардасидаги тасвирининг ўрни ва гавдамизнинг те-варак-атрофимизда турган нарсаларга нисбатан ҳолатига кўра белгиланади. Одам учун Ернинг горизонтал сатҳига нисбатан гавданинг тик ҳолатда бўлиши характерли хусусиятдир. Кишининг ижтимоий-меҳнат маҳсули эканлигига кўра ҳосил бўлган ҳолат унинг ўзини қуршаб турган нарсаларни билиб оладиган йўналишни белгилашда асосий манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фазони кўришда, шу жумладан йўналишни идрок этишда ҳам кўриш сезгиларидан ташқари фақат кўз ёки қўл ҳаракатларини кинестезик сезиш эмас, балки статик сезгилар, яъни гавданинг мувозанати ва ҳолатини сезиш ҳам катта роль ўйнайди.

Бинокуляр кўришда кўринадиган нарсанинг йўналиши бир-биринга айнан ўхшаш йўналиш қонунин билан аниқланади. Бу қонунга биноан кўз тўрпардасининг ахборот етказувчи нуқталарига тўғри келади қўзғатувчилар бизга айнан бир хил йўналишда кўринади. Бу йўналиш ҳар иккала кўзнинг кўриш чизиқлари кесишган жойни ҳар иккала кўз оралиғининг ўртасига мос келадиган нуқта билан боғлайдиган чизиқни ҳосил қилади. Бошқача қилиб айтганда, ахборот етказувчи нуқталарга тушадиган тасвирларни биз бамисоли пешананинг ўртасида жойлашган биргина «циклопик кўз»дан келаётган тўғри чизиқда кўраётгандай бўламиз.

Маълумки, кўзнинг тўрпардасида биз кўриб турган нарсаларнинг тўнкарилган тасвири ҳосил бўлади. Кузатилаётган объектнинг жойидан кўчирилиши тўрпардадаги тасвирнинг тескари йўналишда кўчишига олиб келади. Лекин биз ҳаракатланувчи нурларни ҳам, ҳаракатланмайдиган нарсаларни ҳам бузилган ҳолда эмас, балки кўзларимизнинг оптик системаси уларни тўрпардага қандай етказиб берса, айнан ўшандай тарз-

да идрок этамиз. Бу кўриш сезгиларининг тактил, кинестезик ва бошқа хилдаги сигналлар билан уйғунлашуви туфайли юз беради.

Синалувчиларнинг кўзлари тўрпардасидаги тасвирларнинг мўлжали махсус оптик мосламалар ёрдамида атайлаб бузилган тажрибаларда қизиқарли маълумотлар олинди. Ана шундай мосламалар ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишда тўнқарилган тасвирларни кўриш имконини бериди: маълум бўлишича, бирмунча вақт ўтгандан кейин мослашув юз беради ва синалувчига кўрниб турган олам гарчанд тўла бўлмаса ҳам яна ўзгара бошлайди.

Ҳайвонлар бу тарзда мослаша олмади. Жумладан, товуқларнинг кўзларига тасвирни чапдан ўнгга айлантириб кўрсатадиган призмалар ўрнатилиб, паррандаларнинг донни чуқиш қобилиятини ўрганилди. Товуқларда бу кўникма кескин издан чиқиб қолди ва ҳатто «кўзойнак»ни уч ой мобайнида тақиб юрилгандан кейин ҳам малаканинг бирон даражада сезиларли ўзлаштирилиши юз бермади. Сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонларда ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинди. Афтидан ҳайвонлар инстинктив таъсирланишга қарама-қарши таъсиротни ўзлаштириши тақозо этилган тақдирда уларда нарсаларнинг жойлашишига қараб туғма равишда таъсирланиш ўргатиш таъсири остида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Объектлар жойлашган йўналишларни фақат кўриш анализатори ёрдамида эмас, балки эшитиш ва тактил анализаторлари ёрдами билан ҳам идрок этиш мумкин. Ҳайвонлар учун товуш ва ҳид кўпинча узоқдан таъсир қилувчи ва хавф-хатар ҳақида хабар берувчи якка-ю ягона сигналлар бўлиб ҳисобланади.

Товушнинг йўналиши *биноураль эшитиш* орқали идрок қилинади. Товушнинг йўналишини фарқлаш негизини ҳар иккала қулоқдан бош мия қобиғига сигналлар етиб келиши вақтидаги фарқ ташкил этади. Товушлар горизонтал чизиқ бўйлаб фақат чап ва ўнг йўналишда эмас, балки юқорига ва пастга қараб ҳам эшитилиши мумкин. Эксперимент маълумотлари шунини кўрсатадики, кейинги ҳолатда товушнинг фазода жойлашувини идрок этиш учун синалувчининг боши ҳаракат қилиши зарурдир.


Шундай қилиб, товушнинг жойлашуви механизми фақат эшитиш сигналларини эмас, балки бошқа анализатор системаларининг маълумотларини ҳам ҳисобга олади.

**Кўриш
иллюзиялари**


Идрок ҳамиша ҳам объектив оламдаги нарсаларнинг айнан ўзини акс эттирадимми? Идрок этишдаги кўплаб хатоларга ва уларга йўл қўйилган шарт-шароитлар асосан *кўриш иллюзияларига* изоҳлар берилган.

1. Қамон ўқининг иллюзияси (19-расм). Бу бир-бирига тўғри келадиган ва бир-биридан фарқланувчи чизиқлар принципига асослангандир: гарчи иккала ўқ амалда баравар узунликда бўлса ҳам бир-биридан фарқланувчи учлар узунроқ бўлиб туюлади.


2. Темир йўл изларининг ҳаёлий кўриниши (20-расм). Гарчи ҳар иккала из ҳам аслида баравар бўлса ҳам, бир-бирига тўғри келадиган иккала тўғри из оралиғидаги бўшлиқнинг анча тор қисмидаги чизиқлар узунроқ бўлиб туюлади.



19- расм.



20- расм.




21- расм.


3. Тик чизиқларнинг бошқача кўриниши (21-расм). Цилиндрнинг устки қисми гарчи унинг кенглиги тик бўйича баб-баравар бўлса ҳам кенгроқдай туюлади.

4. Елпиғич иллюзияси (22-расм). Параллель ўтадиган чизиқлар марказга яқинроқда муҳитнинг таъсири остида қабариқ бўлиб, марказдан узоқроқда эса ичкари-сига эгилгандек туюлади.

5. Кесишишнинг иллюзияси (23-расм). Битта тўғри чизиқда эҳтимол ВХ чизиқлари эмас, балки АХ чизиқлари ўтади.




22- расм.



23- расм.

6. Умумий марказли доираларнинг иллюзияси (24- расм). Расмда акс этирилган умумий марказли доиралар тўғри чизиқларнинг қисқа бўлаклари (оқ рангда тасвирланган) ушбу доираларни уларнинг муҳит билан кесишган жойидан кесиб ўтганлиги сабабли бурама чизиқ сингари идрок этилади.



24 - расм.

Иллюзиялар ҳайвонларда ҳам кузатилади. Узини яшириш кўришдаги хомҳаёлларнинг амалда қўлланилишига асосланган бўлиб, бу кўплаб йиртқич ҳайвонлар, балиқлар, паррандалар ва ҳашаротлар учун муҳофаза мосламаси ҳисобланади. Узини яширишнинг самарали усулларида бири *мимикрия* (ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг улар яшаётган муҳитдан фарқ қилмайди-ган тусга ёки шаклга кириши) бўлса, иккинчиси *қиёфанинг бузилишидан*, яъни ҳайвоннинг ташқи кўриниши шундай ўзгарадики уни сира ҳам билиб ва фарқ қилиб бўлмайди. Зебранинг ёрқин тарғил чизиқлари унинг кўриниши бузилишини кўрсатадиган мисол бўлиб, ана шу тарғиллик туфайли муайян масофадан туриб ҳайвоннинг ташқи кўринишини аниқ ажратиб олиш қийин бўлиб қолади.

Ушбу ҳодисаларнинг ҳаммаси иллюзиялар юз беришига олиб келадиган умумий омиллар мавжудлигига ишонч туғдиради. Кузатиладиган қатор ҳаёлий кўринишларга турли хилдаги изоҳлар берилиб келинди. Жумладан, камон ўқининг ҳаёлий кўриниши идрокнинг яхлитлиги хусусияти билан изоҳланади: биз кўриб турган шаклимизни ва унинг қисмларини алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки бир-бири билан уйғунлашган тарзда идрок этамиз ва бутун шаклнинг хусусиятларини унинг қисмларига нотўғри тарзда кўчирган ҳолда (агар яхлит нарсанинг ҳажми катта бўлса, у ҳолда унинг қисмлари ҳам катта деб) идрок қиламиз. Елпиғичнинг хаёлан кўринишини ҳам ана шу тарзда изоҳлаш мумкин. Тик чизиқларнинг аслидан бошқача тасвирланиши шу ҳол билан изоҳланадики, кўзларнинг тик текисликдаги ҳаракатлари мушакларнинг горизонтал текисликдагига нисбатан кўпроқ зўриқишини тақозо этади. Мушаклар зўриқишининг жадаллиги босиб ўтилган йўлнинг ўлчови сифатида хизмат қилганлиги учун ҳам вертикал масофа бизга горизонтал масофага нисбатан узоқроқ туюлади. Лекин ҳаёлий кўринишларнинг барча турлари учун ҳам ишонарли тарзда изоҳ топилганича йўқ.

III. 10.4. Вақт ва ҳаракатнинг идрок қилиниши

Вақтнинг идрок қилиниши

Вақт ҳам макон сингари материянинг асосий ҳаёт кечириш шаклларида биридир. *Вақтнинг идрок қилиниши воқелик ҳодисаларининг объектив равишда давоийлигини, тезлигини ва изчиллигини акс эттириш демакдир.* Объектив реалликни акс эттираркан, вақтнинг идрок этилиши кишига ўзини қуршаб турган муҳитдан мўлжал олиш имконини беради.

Вақт сарҳисоби фақат инсон учун эмас, балки ҳайвонлар учун ҳам мослашувчанлик фаолиятининг фавқулудда муҳим қисми ҳисобланади.

Одамда вақт чамалаш *мия қобиғи бўлмалари* ёрдамида рўй беради. Клиник кузатувларда олинган кўплаб маълумотлар вақтни идрок этиш қобиғининг маълум бир жойида рўй беради,

вақтни сарҳисоб қилишнинг махсус маркази мавжуд, деб тахмин қилишга асос йўқлигини ишонарли равишда тасдиқлади. Вақтни идрок этишнинг бузилишлари қобиқнинг турли бўлмалари лат еганда кузатилади. Вақт яхлит бирлик сифатида амал қиладиган системага бирлашган бир қатор анализаторлар ёрдамида идрок қилинади. *Вақтнинг идрок этилиши негизини қўзғалиш ва тормозланишнинг ритмик тарзда алмашинуви, марказий нерв системасида, бош миянинг катта ярим шарларида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг сусайиши ташкил этади.*

Вақтни идрок қилишда турли хил анализаторлар иштирок этади, лекин вақтнинг оралиқларини *кинестезик ва эшитиш сезгилари* жуда ҳам аниқ ҳисоб-китоб қила олади. *И. М. Сеченов* кинестезик анализаторларни макон ва вақтга оид муносабатларни идрок этиш органи деб атаган эди. Ҳаракат сезгилари фаолиятнинг ҳодисалар тезлиги ва изчиллигининг етарли даражада аниқ акс эттирилишини таъминлайди. Кинестезик анализатор ритми идрок этишда алоҳида роль ўйнайди. Ритм деганда психологик нуқтан назардан бир қатор объектларнинг бир қатор омиллар гуруҳи сифатида идрок қилинишини тушунилади. Изчил гуруҳлар, одатда битта намуна бўйича ҳосил бўлади ва такрорланиш сифатида идрок этилади. Идрок этилаётган гуруҳларнинг характери кўп жиҳатдан бир қанча омилларга хос хусусиятлар: омилларнинг нисбатан жадаллиги, уларнинг абсолют ва нисбий давомийлиги, вақтдаги ўрни билан белгиланади.

Агар ўша стимуллар жисмонан бир хил ва вақт оралиғида бир хил тарзда жойлаштирилган бўлса, у ҳолда ритмнинг идрок этилиши субъектив омиллар билан белгиланәди. Синалувчи одатда ҳар бирида муайян қисмлар алоҳида диққатга молик деб ҳисобланган гуруҳларнинг бир қанчасини идрок этади. Бунда идрок этиладиган ритм *субъектив ритм деб*, урғу эса *субъектив урғу* деб аталади.

Ритм одатда бир қатор ҳаракатларнинг бир хил меъёр билан давом этиши орқали идрок этилади. «*Ритми ҳис қилиш ўз моҳиятига кўра ҳаракатлангирувчи мазмунга эгадир*». Ритмнинг ҳис қилиниши ўз моҳияти жиҳатидан фаол ҳисобланади. Шунчаки, «ритми эшитиб» бўлмайди. Тингловчи қачонки ритми «ўз ичида қайта тиклаб такрорлаганда», «биргаликда юзага чиқарганда» ҳис қилади. «Ритмнинг идрок этилиши психологик жиҳатдан шунинг учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгаки, унда идрокнинг фаол таъсир қиладиган жараён эканлиги жуда ҳам ёрқин намоён бўлади»¹.

Эшитиш сезгилари таъсир қилаётган қўзғатувчининг вақтга оид хусусиятларини: унинг давомийлигини, ритмик хусусиятини ва шу кабиларни акс эттиради. *И. М. Сеченов* эшитишни вақт

¹ Теплов Б. М. Проблемы индивидуальных различий. М., РСФСР, ПФА нашриёти, 1961, 205, 209, 210-бетлар.

Ўлчови, эшитиш хотирасини эса вақт хотираси деб атаган эди.

Вақтнинг давомли даврларини идрок этиш куп жиҳатдан ички кечинмаларнинг хусусияти билан белгиланади. *Қизиқарли, чуқур асосланган фаолият билан банд қилинган вақт ҳаракатсизлик билан ўтган вақтга нисбатан одатда қисқароқ бўлиб туюлади.* Сенсор ахборотни чеклаш юзасидан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, сенсор чекланиш шароитида субъектив тарзда вақт ҳаддан зиёд секин ўтади. Жумладан, доимий равишда бир хилдаги товуш эшитиладиган, сусти сунъий нур тушиб турган, тактил ва ҳаракат сезгилар ҳосил бўладиган шароитларда маҳсус тушак устидаги баксимон респираторга жойлашган синалувчи минутларнинг соати каби чўзилиб кетгандек туюлганлигини айтган. Лекин кейинчалик берилган ҳисоботга нисбатан бунинг тескариси бўлиши ҳам мумкин: ишсизликда ва зерикарли ўтган вақт бир қанча вақтдан кейин эслганда қисқароқ бўлиб туюлиши мумкин.

Вақтнинг идрок этилиши ҳиссий ҳолат билан боғлиқ равишда ҳам ўзгаради. Маъқул келадиган ҳис-ҳаяжонлар ҳаёлда вақтни тез ўтаётгандай қилиб кўрсатади, салбий ҳиссиётлар эса субъектив тарзда вақтни бир оз чўзиб юборади.

Болаларнинг вақтни идрок этиши ривожланишда каттагина йўл босиб ўтган ҳолда анча кеч таркиб топади. Психик ривожланишнинг умумий бориши, таълим жараёнини билимларни эгаллаш вақт бўлақларининг тақсимланиш борасидаги аниқликнинг оширилиши билан ҳам боғлиқдир. Уқувчилар ўзларининг кундалик фаолияти билан боғлиқ вақт оралиқларида яхшироқ мўлжал оладилар.

Ҳаракатнинг идрок қилиниши

Ҳаракатнинг идрок қилиниши — объектларнинг фазода эгаллаган ҳолати ўзгаришининг акси этирилишидир. Ҳаракатнинг идрок этилиши ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳайвонларнинг баъзилари учун ҳаракат қилувчи объектлар хавф-хатар ёки озиқланиш имконияти пайдо бўлгани ҳақида сигналлар вазифасини бажаради ва жавоб тариқасидаги таъсиротнинг тездаёқ рўй беришига сабаб бўлади. Кўриш системаси эволюцион ривожланишининг баъзи хусусиятлари инсон кўзининг тўрпардаси тузилишида сақланиб қолгандир: тўрпарданинг периферик бўлимлари фақат ҳаракатларни сезувчан бўлади. Объект кўриш майдонида пайдо бўлганда кўзнинг рефлектор бурилиши юз беради, нагнжада объектнинг тасвири кўриш майдонининг марказига кўчади, объект ана шу жойда фарқланади ва аниқланади.

Ҳаракатни идрок этишда кўриш ва кинестезик анализаторлар асосий роль ўйнайди. Тезлик, тезланиш, ҳаракатнинг йўналиши ҳаракатдаги объектнинг параметри ҳисобланади. Киши объектнинг фазода у ёқдан-бу ёққа кўчишига оид маълумотларни иккита ҳар хил йўл билан, яъни кўчиш ҳодисасининг ўзини бевосита идрок этиш ва бирмунча вақт мобайнида бошқа жойда турган объектнинг ҳаракати ҳақида хулоса чиқариш

асосида олиши мумкин. Ҳаракатланаётган объектнинг ҳаракатсизлиги, агар у муайян вақт бирлигидаги кўзнинг муайян ўткирлиги ва кузатишнинг олислигида фарқлаш мумкин бўлган масофадан кўпроқ масофани ўтса, ҳаракатни бевосита идрок этиш мумкин бўлади. Акс ҳолда биз ҳаракатнинг ўзини эмас, балки унинг натижасинигина идрок этамиз. Соатлардаги минут ва соат миллари ҳаракати ҳақида ана шундай хулоса чиқариш мумкин.

Кўриш орқали биз объектлар ҳаракати ҳақидаги ахборотни иккита ҳар хил усул билан: қайд этилган нигоҳ ва кўзларнинг кузатувчи ҳаракати ёрдами билан олишимиз мумкин. Кўз нисбатан ҳаракатсиз бўлиб турадиган биринчи ҳолда ҳаракатланувчи объект тўрпардада тезлик билан жойини ўзгартирадиган тасвири ҳосил қилади. Бунда объектнинг тўрпардадаги тасвири фақат бир жойдан иккинчи жойга кўчиб қолмасдан, балки донмо ўзгариб ҳам туради. Лекин объектни ҳар бири алоҳида тарзда бир оз бошқача ҳолатда акс эттирадиган бир қатор тасвирлардан иборат ҳолда эмас, балки ҳаракатланиш ҳолатида бўлган ёлғиз ўша битта объект сифатида идрок этамиз.

Шуларга кўра ҳаракатни идрок этиш учун кўринаётган тасвирларнинг кўз тўрпардаси бўйлаб жойини ўзгартириб туриши лозим деган хулосага келиш ҳам мумкин эди. Кўз тўрпардасида тасвирларнинг худди шу тарздаги кўчиши биз нигоҳимизни, айтайлик, хонанинг бир бурчагидан иккинчисига кўчирган пайтимизда ҳам содир бўлади. Лекин бу ҳолда биз атрофимиздаги нарсаларнинг ҳаракатини сезмаймиз. Киши хонада юрганда, тасвирлар кўз тўрпардаси бўйлаб жойидан кўчиб туришига қарамасдан, хонани ҳаракатланмайдиган нарса сифатида, ўзини эса ҳаракатланувчи объект сифатида идрок этади. (Вестибуляр аппаратнинг биронта жойи лат еган бўлса бу хилдаги тузатиш рўй бермайди ва ҳаракат қилаётган одамга бутун борлиқ ҳаракат қилаётгандек бўлиб туюлади.)

Ҳаракатни идрок қилишнинг мумкин бўлган иккинчи усули — ҳаракатланувчи объектни нигоҳи билан кузатиб боришдир. Бунда ҳаракатланувчи объектнинг тасвири тўрпардага нисбатан озми-кўпми даражада ҳаракатсиз бўлиб қолади, лекин биз барибир объектнинг ҳаракатланганини кўраемиз. Афтидан, кўзларнинг кузатувчилик ҳаракатлари тўрпарда бўйлаб жойини ўзгартириб турадиган сигналлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам ҳаракатнинг идрок этилшига олиб келиши мумкин.

Лекин юқоридега айтилганидек, кўзларнинг ихтиёрий ҳаракати натижасида тасвирларнинг тўрпардада силжишининг ўзи ҳаракат ҳақида таассурот ҳосил қила олмайди. Бир кўзни қўл билан тўсиб, иккинчи кўз устидан панжаларимизни секин юргизсак, аксинча одам кўзнинг пассив ҳаракатига тескари йўналишда ҳаракат қилаётгандек бўлиб туюлади. Демак, кўриниб турган борлиқнинг барқарорлиги кўзнинг пассив ҳаракати билан эмас, аксинча ихтиёрий ҳаракати билан таъминланади. Клиника шароитида беморларнинг кўз мушаклари ёки нерв ап-

паратиди бирон-бир бузилиш рўй берган тақдирда улар кўзларини ҳаракат қилдиришга уринганларида кўринаётган борлиқ айланаётгандек сезги пайдо бўлади. Турпардадаги образларнинг жойидан кўчиши киши кўз ва бошнинг ҳаракатга келишидан кинестезик тарзда қўзғалмаган ва ўз хусусий гавдасининг ҳаракатга келаётганини сезганда ҳаракат сигнали бўла олади.

Субъект теварак-атрофидаги нарсалар ҳам ва ўзи ҳам ҳаракат қилаётганини ҳис қилган ҳоллар учраши мумкин. Агар кузатувчи юриб ёки югуриб кетаётган бўлса, у жуда кўплаб кинестезик ва бошқа сигналлар оладики, бу уни хатолардан сақлайди. У машинада кетаётган ёки самолётда учиб бораётган тақдирда бошқача бўлади. Бунда кўриш анализатори ахборот етказувчи асосий манба бўлиб хизмат қилади ва бу ахборот кўпинча икки хил моҳиятга эга бўлади. Масалан, киши тўхтаб турган поездда унинг ёнидан бошқа бир поезд ўтиб кетаётганини дераза орқали кўриб ўтирган бўлса, олдинига унга ўзи ўтирган поезд юриб кетаётгандек туюлади. Лекин тебраниш ва силкинишлар сезилмаётганлиги туфайли орадан бирмунча вақт ўтгач кишида тескари идрок пайдо бўлади.

Ҳаракат қилиб бораётган нарсаларга узоқ вақт қараб турилса, ҳаракатнинг салбий изчил образи пайдо бўлади. Жумладан, юриб кетаётган поезд деразасидан жойга узоқ вақт қараб турилганидан кейин нигоҳни вагон ичидаги ҳаракатсиз нарсаларга кўчириладиган бўлса, бундай ҳолда ушбу нарсалар поезд йўналишига тескари йўналишда ҳаракат қилаётгандек бўлиб кўринади.

Ҳақиқий ҳаракатлар ва туюлма ҳаракатлар фарқ қилинади. Теварак-атрофдаги нарсаларни ҳаракатланаётган тарзда зоҳирий сезиш кишида чарчаган ёки маст-аласт ҳолатида пайдо бўлади.

Стробоскопик ҳаракат ҳам туюлма ҳаракатга мисол бўлиши мумкин. Кинематограф ана шу ҳаракат принципига асосланади. Маълумки, кўз инерция хусусиятига эгадир. Бу шундан иборатки, кўриш сезгиси қўзғатувчи таъсир қила бошлаши билан дарҳол ҳосил бўлмайди ва шунингдек, қўзғатувчининг таъсир этиши тўхтаганидан кейин бирмунча вақт ўтгач йўқолади. Кўзнинг унга қаратилган нур таъсирини бирмунча вақт мобайнида сақлаб қолиш қобилиятига эга эканлиги туфайли кинода секундига 24 кадр алмашгани ҳолда биз лип-лип ўтиб турадиган манзаралар туркумини эмас, балки маълум даражада барқарор тасвири кўрамиз. Бунда ҳаракатланадиган нарса ҳақида таассурот бир-бирларидан қандайдир макон оралиқлари билан ҳам, қандайдир вақтинча тўхтатилиш билан ҳам ажратилган нарсаларнинг айрим ҳолатларини изчил идрок этиш натижасида ҳосил бўлади.

Туюлма ҳаракатлар лаборатория шароитларида бирин-кетин изчил ёндириладиган иккита нур манбаи ёрдамида тадқиқ қилинади. Нур манбалари ўртасидаги муайян масофани ва ёндиришлар ўртасидаги муайян вақт оралиғини сақлаган тақдир-

да биринчи нур манбаидан иккинчисига қараб нур доғининг ҳаракатини кўриш мумкин. Бу ҳодиса «фи-феномен», яъни ғайри табиий, фақат ҳаракатни идрок қилишда кўринадиган ҳодиса деб ном олган.

Ҳаракат эшитиш анализаторлари ёрдамида идрок этилиши мумкин. Бунда товушнинг эшитилиб турадиган даражада баландлиги товуш манбаи бизга яқинлашган сари ошиб, узоқлашган сари эса сусая боради.

Адабиётлар

Ананьев Б. Г. Психология чувственного познания. М., РСФСР, ПФА нашриёти, 1960.

Запорожец А. В. ва бошқалар. Восприятие и действие. М., Просвещение, 1967.

Восприятие и деятельность (А. Н. Леонтьев таҳрири остида). М., МДУ нашриёти, 1976.

Кравков С. В. Глаз и его работа. 4-нашри, М.—Л., СССР ФА нашриёти, 1950.

Грегг Дж. Опыты со зрением. М., Мир нашриёти, 1970.

Рок И. Введение в зрительное восприятие. М., Педагогика, 1960.

Фресс И., Пиаже Ж. Экспериментальная психология. Выпуск VI (Француз тилидан таржима). М., Прогресс, 1978.

Хрестоматия по психологии. М., Просвещение, 1977. 247—263-бетлар.

Артамонов И. Д. Иллюзии зрения. М., Физматгиз, 1961.

Грегори Р. Л. Разумный глаз. М., Мир, 1972.

11-БОБ

ХОТИРА

III. 11.1. Хотира ҳақида умумий тушунча

Психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, индивид ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги хатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади. Индивидуал тажриба орта бориши ҳисобига хулқ-атвор секин-аста мураккаблашди. Агар ташқи дунёнинг мия қобиғида ҳосил бўладиган образлари беиз йўқолиб кетаверса, тажрибанинг шаклланиши мутлақо мумкин бўлмай қолур эди. Бу образлар бир-бири билан ўзаро турли хил алоқалар боғлаган ҳолда мустаҳкамланиб, сақланиб қолади ҳамда ҳаёт ва фаолият талабларига мувофиқ тарзда яна бошқатдан намоён бўлади.

Хотиранинг таърифи

Индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади. Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унуттиш каби асосий жараёнлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади. Муайян бир материални эсда олиб қолиш ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажриба орттирилишига боғлиқдир. Эсда олиб қолинган нарсани кейинчалик бўладиган фаолиятда қўлланиш учун уни эсга тушириш тақозо этилади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унутилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг хулқ-атвори унинг бутун ҳаётий тажрибаси билан белгиланади.

Шундай қилиб, хотира шахс психик ҳаётининг энг муҳим, белгиловчи хусусияти ҳисобланади. Хотиранинг роли «ўтмишда юз берган» нарсани акс эттириш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. (Психологияда ўтмиш образлари *тасаввурлар* деб юритилади. Бирон-бир фаол таъсир хотира жараёнида ташқарида бўлиши мумкин эмас. Негаки, ҳар қандай, ҳатто энг содда психик ҳодиса ҳам ўзининг ҳар бир қисми кейингилари билан «боғланиши» учун сақлаб қолинишини муқаррар тақозо

этади. Бу хилдаги «боғланиш» учун лаёқат бўлмаса, ривожланиш бўлиши мумкин эмас: киши «мангу чақалоқлик ҳолатида» қолиб кетган бўлур эди (*И. М. Сеченов*).

Хотира барча психик жараёнларнинг энг муҳим характеристикаси бўлиш билан бирга инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Хотира психологиянинг энг кўп ўрганилган бўлимларидан бири ҳисобланарди. Лекин ҳозирги пайтда хотиранинг қонуниятлари янада ўрганилиши уни фаннинг тағин ҳам муҳимроқ муаммосига айлантириб қўйди. Жуда ҳам ранг-баранг, шу жумладан, психологиядан ғоят йироқ туюлган билимлар соҳаси (биринчи галда техника)нинг тараққиёти кўп жиҳатдан хотира муаммоларининг ўрганилишига боғлиқдир.

Хотирани тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган ҳозирги илмий ишларда унинг механизмларини аниқлаш масаласи марказий ўринда туради. Эсда олиб қолиш механизмлари ҳақидаги у ёки бу хилдаги тасаввурлар хотиранинг турли хилдаги назариялари негизини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда фанда хотиранинг ягона ва тугалланган назарияси мавжуд эмас. Гипотетик тарздаги концепциялар ва моделларнинг беқийёс даражада ранг-баранглиги ҳар хил фанларнинг вакиллари томонидан айниқса кейинги йилларда олиб борилаётган изланишларнинг фаоллашиб қолаётганлиги билан боғлиқдир. Хотиранинг механизмлари ва қонуниятларини ўрганишнинг иккита эски даражаси — психологик ва нейрофизиологик даражасига эндиликда учинчиси — биохимик даражаси ҳам қўшилди. Хотирани ўрганишга, шунингдек кибернетик жиҳатидан ёндашув ҳам таркиб топмоқда.

**Хотиранинг
психологик
назариялари**

Хотира механизмларини ўрганишнинг *психологик* даражаси хронологик жиҳатдан бошқаларидан устунроқ бўлиб, фанда жуда кўп турли хилдаги йўналишлар ва назарияларнинг илгари сурилганлиги билан маълумдир. Бу назарияларни улар хотира жараёнларининг шакллантирилишида *субъектнинг фаоллиги* қандай роль ўйнашига ва бундай фаолликнинг моҳиятига қандай ёндашувга боғлиқ ҳолда таснифлаш ва баҳолаш мумкин. Ё ўз ҳолича *объект* («материал»), ёхуд субъект ва объектнинг *ўзаро биргаликдаги ҳаракати* мазмунидан қатъи назар, яъни индивиднинг фаолиятига қийёс бўлмаган ҳолдаги (*субъект*) онгнинг «соф» фаоллиги хотира ҳақидаги кўпгина психологик назарияларнинг диққат марказида бўлади. Кўриб чиқиладиган концепцияларнинг муқаррар бир ёқламалиги ана шундандир.

Назарияларнинг биринчи гуруҳи *ассоциатив йўналиш* деб аталмиш йўналишни ташкил этади. Унинг марказий тушунчаси — *ассоциация* тушунчаси — алоқа қилишни, боғланишни англатади ва барча психик ўзгаришларнинг муқаррар принципи вазифасини бажаради. Бу принцип қуйидагилардан иборатдир: агар муайян психик ҳосилалар онгда бир вақтнинг ўзида ёки бевосита бирин-кетин пайдо бўлса, у ҳолда бу ҳосилалар

ўртасида ассоциатив алоқа таркиб топади ва бу алоқанинг бирон-бир қисми такроран пайдо бўлиши онгда унинг барча элементлари муқаррар равишда гавдаланишига олиб келади.

Шундай қилиб, ассоциационизм ҳар иккала тасаввур ўртасида алоқа боғланиши учун уларнинг онгда *айни бир вақтда* пайдо бўлишини зарур ва етарлича асос деб ҳисоблайди. Шу сабабдан ассоционистлар олдига ёдлаб қолиш механизмларини тобора чуқурроқ ўрганишни умуман вазифа қилиб қўйилмаган эди ва улар «айни бир вақтдаги таассурот»ларнинг пайдо бўлиши учун зарур *ташқи шарт-шароитларга* таъриф бериш билан чекланишди. Бундай шарт-шароитларнинг бутун ранг-баранглигини қуйидаги учта туркумга ажратиш мумкин: а) тегишли объектларнинг фазо ва вақтдаги турдошлиги; б) уларнинг ўхшашлиги; в) уларнинг фарқланиши ёки қарама-қаршилиги.

Ташқи оламда юз берадиган ҳодисалар ўртасидаги муносабатларнинг ана шу учта турига мувофиқ тарзда боғланишларнинг учта тури *ўхшашлиги, ёндошлиги ва қарама-қаршилиги* бўйича боғланишларни алоҳида ажратиб кўрсатиларди. Айтиб ўтилган боғланишлар негизини тасаввурлар «боғланиши»нинг *Арасту* (эрамузга қадар 384—322 йиллар) томонидан баён этилган учта принципи ташкил қилади. Ассоциационистлар боғланишларнинг барча турларини, шу жумладан, сабаб-оқибат боғланишларини ҳам бирмунча зўрма-зўракиликдан холи бўлмаган ҳолда ана шу учта принципга қиритишади. Уларнинг фикрига қўра, сабаб ва оқибат вақтга оид муайян муносабат билан боғлиқ бўлмаганлиги учун ҳам («шу сабабли» ҳаммиша «шундан кейин» бўлгани учун ҳам) сабабий-оқибатли боғланишлар турдошлиги бўйича боғланишлар тоифасига киради.

Ассоциация тушунчасининг ўзи гарчи кейинчалик унинг мазмуни жиддий равишда англанилган ва чуқурлаштирилган бўлса ҳам психологияда мустаҳкам ўрин эгаллади. Эсда олиб қолиш — бу чиндан ҳам янги нарсани аллақачон тажрибада мавжуд нарса билан боғлашдир. Хотиранинг навбатдаги жараёнини қисмма-қисм кенг авж олдира олганимизда, яъни биронта материални эсламоқчи бўлганимизда, боғланиш жараёни тамомила аниқ-равшан бўлади. Масалан, биз «эсдан чиқмасин деб дастрўмолчанинг учини тугиб қўйиш» усулидан фойдаланиб, бирон-бир нарсани қандай қилиб хотирамузга туширамуз? Биз рўмолчани қўлга олаётиб тугунга дуч келамиз; тугун бизни ўша тугун тугилаётган вазиятга ҳавола қилади; вазият эса ҳам-суҳбатимизни эсга солади; ҳамсуҳбатдан эса суҳбат мавзуга равона бўламиз ва, ниҳоят, изланган нарсага дуч келамиз. Лекин бундай боғланишлар занжирини ҳосил қилиш учун, агар ҳодисалар макон ва вақтга қиёсан турдошлигининг бир ўзи кифоя бўлган тақдирда, айни бир хил вазиятда турли хил одамларда бир хил боғланишлар занжири ҳосил бўлиши мумкин эди. Аслида эса боғланишлар *танланган* ҳолда ҳосил бўлади, ассоциационизм бу жараёнга *нималар туртки бериши* (нима-

ларга боғлиқ бўлиши) ҳақидаги саволга жавоб берганича йўқ, у фактларни қайд этиш билангина чекланиб қолди. Бу фактлар анча кейинроқ илмий жиҳатдан изоҳлаб берилди.

Психологияда ассоциационизмни танқид қилиш асосида хотиранинг қатор янги назариялари ва концепциялари пайдо бўлди. Уларнинг моҳияти кўп жиҳатдан уларнинг ассоциатив психологияда айнан нималарни танқид қилгани билан, уларнинг ассоциация тушунчасининг ўзига нисбатан муносабати қанақалиги билан белгиланади.

Хотиранинг ассоциатив назарияси *гештальтизм* (немисча Gestlt, яъни образ деган сўздан олинган) деб аталмиш нуқтаи назардан жуда кескин танқид қилинган эди. Бу янги назариянинг асосий тушунчаси — *гештальт* тушунчаси — яхлит бир бутун ташкилотни, уни таркиб топтирадиган қисмлар йиғиндисидан иборат бўлмайдиган тузилишни (структурани) англатади. Шундай қилиб, гештальтизм онг ҳодисаларига нисбатан ассоциационистларнинг қисмларга ажратган ҳолда ёндашувига аввало қисмларни синтез қилиш принципини, унинг қисмларига нисбатан яхлитликнинг бирламчилиги принципини қарама-қарши қилиб қўйди. Шунга биноан боғланишлар ҳосил бўлишнинг негизи сифатида бу ўринда изоморфизм принципига кўра, яъни шаклига ўхшашлиги бўйича миёдаги изларнинг айнан ўхшайдиган тарзда тузилишини ҳам белгилайдиган *материалнинг ташкил этилиши* тан олинади.

Материалнинг муайян ташкил этилиши эса олиб қолишда шубҳасиз катта роль ўйнайди, лекин унинг функцияси фақат субъектнинг фаолияти натижасида рўёбга чиқиши мумкин. Гештальчилар эса яхлитлик принципини аввал бошдан оқ берилган принцип сифатида намоён бўлади, гештальт қонунлари (худди ассоциация қонунлари каби) субъектнинг фаолиятидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади, деб айтишади. Шу нуқтаи назардан олганда, гештальтизм амалда ассоциационизм назарияси билан бир қаторда туради.

Онг қандайдир *пассив* тарзда намоён бўладиган ассоциационизмга ва бошқа назарияларга қарама-қарши ўлароқ, хотира жараёнларида онгнинг фаоллиги ва ишчанлигига урғу бериш психологиядаги бир қанча йўналишлар учун хос хусусиятдир. Бунда эса олиб қолиш, қайта эсга тушириш ва шу каби жараёнларда диққатнинг, мақсаднинг англаб етишнинг муҳим роль ўйнаши қайд этиларди. Лекин бу ўринда ҳам хотира жараёнлари амалда субъектнинг фаолияти билан боғланмаган бўлиб, шунинг учун ҳам тўғри тушунтириб берилмасди. Масалан, эзгу ният эса олиб қолиш ёки эсга тушириш жараёнининг ўзини қайта қуришга олиб келмайдиган шунчаки оддий иродавий зўриқиш сифатида, онгнинг «соф» фаоллиги сифатида намоён бўлади.

Хотиранинг фаоллиги, онглилиги ва англаб етилганлиги унинг ривожига юксак босқичларига боғлиқ деб қаралганлиги сабабли, унинг қўйи босқичларига татбиқан яна ўша тур-

дошлиги бўйича боғланиш тушунчаси қўлланилиб келди. Боғланишларнинг икки тури — ассоциатив ва маънавий боғланишлар борлиги ҳақидаги концепция ана шу тариқа яратилди. Хотиранинг иккита тури: механик («материя билан боғлиқ хотира») ва мантиқий («материядан тамомила мустақил тарзда» ги, «руҳ билан боғлиқ хотира») хотиралар мавжудлиги ҳақидаги назария ҳам шунга боғлиқ ҳолда юзага келгандир. Анчагина яшовчи бўлиб чиққан бу идеалистик концепция совет хотира психологияси томонидан батамом бартараф қилинди.

Ҳозирги замон фанида шахснинг барча психик жараёнлари, шу жумладан хотира жараёнларини таркиб топтиришга сабабчи бўлган омил шахс фаолияти деб қарайдиган назария тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Ушбу концепцияга биноан эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш жараёнларининг амалга оширилиши муайян материалнинг субъект фаолиятида қандай ўринда туриши билан белгиланади.

Экспериментларда энг самарали боғланишлар тегишли материал *ҳаракат мақсади* сифатида юзага чиққан ҳолда таркиб топиши ва фаоллашуви аниқланди ва исботланди. Бу боғланишларнинг таърифи, масалан, уларнинг мустаҳкамлиги ва ўзгарувчанлиги (ҳаракатчанлиги ва тезлиги) *тегишли материалнинг субъектнинг кейинги фаолиятида қай даражада иштирок қилиши, бу боғланишларнинг келгусидаги мақсадларга эришишида қандай аҳамият касб этиши* билан белгиланади.

Шундай қилиб, бу концепциянинг асосий тезиси (юқорида қараб чиқилганларига қарама-қарши ўлароқ) қуйидагича тарзда ифодаланиши мумкин: *турли хилдаги тасавурлар ўртасидаги боғланишларнинг ҳосил булиши эсда олиб қолинадиган материалнинг ўз ҳолича қандайлиги билан эмас, балки энг аввало бу материалнинг субъектга нима учун кераклиги билан белгиланади.*

Хотиранинг физиологик назариялари Хотиранинг механизмлари ҳақидаги физиологик назариялар *И. П. Павловнинг* олий нерв фаолияти қонуниятлари ҳақидаги таълимотининг энг муҳим қондалари билан чамбарчас боғлиқдир. Муваққат шартли боғланишларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги таълимот — бу субъектнинг индивидуал тажрибаси таркиб топиши механизмлари ҳақидаги таълимот, яъни аслида «физиологик даражада эсда олиб қолиш» назариясидир. Чиндан ҳам, шартли рефлекс янги мазмун билан илгари ўзлаштириб мустаҳкамланган мазмун ўртасида ҳосил қилинадиган боғланиш акти сифатида эсда олиб қолиш жараёнининг физиологик негизини ташкил этади.

Бу ҳодисанинг сабабий боғлиқлигини тушунтириш учун *мустаҳкамлаш* тушунчаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Мустаҳкамлаш дегани (соф маънода оладиган бўлсак) — бу индивиднинг бевосита *мақсадга эришиш борасидаги ҳаракатларидан* бошқа нарса эмас. Бошқа бир ҳолда эса мустаҳкамлаш ҳаракатга ундайдиган ёки уни (масалан, салбий мустаҳкамланган

тақдирда) тўғрилайдиган *омил* бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, мустақамлаш янги ҳосил бўлган боғланишнинг ҳаракат мақсади билан мос келишини англатади, «боғланиш мақсадга эришилиши билан мос келган заҳотиёқ, у сақланиб ва мустақамланиб қолади» (И. П. Павлов). Бу боғланишнинг жами таърифлари ва, энг аввало унинг мустақамлик даражаси, мустақамлашнинг мазкур ҳаракатнинг ҳаётий (биологик) жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги мезони сифатидаги хусусияти билан боғлиқ бўлади. Ҳаракатни амалга оширишда мустақамлашнинг тўғриловчилик функцияси субъектнинг фаоллигини йўналтириб туришда, рефлектор ҳалқасини туташтиришда мустақамлашнинг ролини кўрсатиб берган П. К. Анохиннинг илмий ишларида айниқса тўла-тўқис очиб берилгандир.

Шундай қилиб, ҳаракат мақсадининг психологик тушунчасига нисбатан олинган мустақамлашнинг физиологик тушунчаси эсда олиб қолиш жараёни механизмлари таҳлилининг физиологик ва психологик жиҳатлари бирга қўшилиб кетишини англатади. Тушунчаларни шу тарзда қўшиш (синтез қилиш) уларнинг ҳар бирини бойитган ҳолда хотира ўзининг асосий ҳаётий функциясига кўра ўтмишга эмас, балки келажакка қаратилгани ҳақида фикр юритиш имконини беради: ўтмишда «бўлган» нарсаларни эсда олиб қолишни келажакда «бўладиган» нарсалар учун қўлланиб бўлмаган тақдирда уларни эсда олиб қолишдан бирон-бир маъно чиқмаган бўларди. Муваффақиятли ҳаракатларнинг натижаларини мустақамлаш *келажакдаги* мақсадларга эришишда уларнинг фойдалилигини тахминий тарзда олдиндан айтиб бериш демакдир.

Физиологик назарияларга *хотиранинг физик назарияси* деб аталмиш назария ҳам озми-кўми бевосита қўшилади. Бу назариянинг физик деб аталишига сабаб шуки, унинг муаллифлари тасавурида ҳар қандай нерв импульси муайян гуруҳга тааллуқли нейронлар орқали ўтганда, сўзнинг ўз маъноси билан айтганда, ўздан кейин физик из қолдиради. Изнинг физик жиҳатдан моддийлашуви *синапслар* (нерв ҳужайраларининг тегиб турган жойлари)нинг электр таъсирида ва механик тарздаги ўзгаришида ўз ифодасини топади. Бу ўзгаришлар импульснинг таниш йўлдан иккинчи бор ўтишини осонлаштиради.

Олимларнинг тахминига кўра, объектнинг акс эттирилиши, масалан, бирон нарсани кўриш орқали идрок этиш жараёнида унинг шакли бўйлаб кўз билан «пайпаслаб чиқиш» импульснинг нерв ҳужайраларининг тегишли гуруҳи бўйлаб идрок қилинаётган объектни бамисоли барқарор макон ва замондаги нейронлар тузилиши тарзида андазалайдиган ҳаракати билан биргаликда юз беради. Шунинг учун тадқиқ қилинаётган назария *нейронлар модели назарияси* деб ҳам аталади. Нейронлар моделининг юзага келиши ва шундан кейинги фаоллашуви жараёни, бу назария тарафдорларининг нуқтани назарларига кўра, идрок этилган нарсани эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва яна қайта эсга тушириш механизмини ташкил этади.

Ҳозирги замон нейрофизиологик тадқиқотлар изларнинг нейронлар ва молекуляр даражада ўрнашиб ва сақланиб қолиши механизмларига тобора чуқурроқ кириб бораётгани билан ажралиб туради. Масалан, шу нарса исботланганки, нерв хужайраларидан чиқадиган аксонлар (нерв толалари) ё бошқа хужайраларнинг дендритлари билан туташади, ёхуд ўз хужайраси танасига қайтиб келади. Нервлар боғланиши бундай тарзда тузилганлиги туфайли ҳар хил мураккабликдаги қўзғалишнинг реверберлаштирувчи (акс эттирувчи) доираларини такрорлаб туриш имконияти юзага келади. Натижада хужайранинг ўзини-ўзи тўйинтириши рўй беради, негаки, унда пайдо бўлган қувват ё бевосита шу хужайранинг ўзига қайтиб келиб, қўзғалишни мустаҳкамлайди, ёхуд бошқа нейронлар занжири орқали қайтиб келади. Айрим тадқиқотчилар муайян система ҳудудидан ташқари чиқмайдиган реверберлаштирувчи қўзғатишнинг ушбу чидамли доирасини изларнинг сақланиш жараёнининг физиологик субстрати деб ҳисоблайдилар. Бу ўринда изларнинг қисқа муддатли деб аталмиш хотирадан узоқ муддатли хотирага кўчиши содир бўлади. Бир хил тадқиқотчилар хотиранинг ушбу турлари ягона механизмга таянади, деб ҳисоблашса, бошқалари бу ўринда турли хилдаги хусусиятларга эга бўлган иккита механизм амал қилади, деб фараз қилишади. Афтидан, бу муаммонинг узил-кесил ҳал қилинишига биохимик тадқиқотлар ёрдам бериши керак.

Хотиранинг биохимик назариялари Шундай қилиб, ҳозирги босқичда хотиранинг механизмларини ўрганишнинг нейрофизиологик даражаси биохимик тадқиқотлар даражасига тобора яқинлашиб ва кўпинча тўғридан-тўғри қўшилиб кетмоқда. Бу ҳол ушбу даражаларнинг туташган жойида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларда ўз тасдиғини топди. Ана шу тадқиқотлар асосида, жумладан, эсда олиб қолиш жараёнининг икки босқичли характерга эгаллиги ҳақида гипотеза пайдо бўлди. Бу гипотезанинг моҳияти қуйидагилардан иборатдир. Биринчи босқичда (қўзғатувчининг бевосита таъсирдан сўнг) мияда хужайраларда асл ҳолига қайтувчи физиологик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган қисқа муддатли электрохимик реакция юз беради. Иккинчи босқич биринчи босқич негизида юзага келиб, аслида у янги оқсил моддалар (протеинлар) нинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган биохимик реакциядан иборатдир. Биринчи босқич секундлар ёки минутлар мобайнида давом этади ва уни қисқа муддатли эсда олиб қолишнинг физиологик механизми деб ҳисоблайдилар. Хужайраларда қайтарилмайдиган ўзгаришларга олиб келадиган иккинчи босқич узоқ муддатли хотиранинг механизми ҳисобланади.

Агар тажриба ўтказилаётган ҳайвонга бирон янги нарсани ўргатилган бўлса, ундан кейин қисқа муддатли электрохимик реакцияни у биохимик реакцияга айлана бошлаганига қадар бирданига тўхтатиб қўйилса, ҳайвон нимани ўргатилганини эсига тушира олмайди.

Бир тажрибада каламушни полдан салгина баланд супачага чиқариб қўйилди. Жонивор шу заҳотиёқ полга сакраб тушаверди. Бироқ бир гал сакраётган чогида электр разряди таъсиридан оғриқ сезгач, каламуш тажрибадан ҳатто 24 соат ўтгандан кейин ҳам сакраб тушмаган ва уни супачадан олиб қўйишларини кутиб ўтираверган. Бошқа бир каламушда оғриқ сезиш биланоқ дарҳол қисқа муддатли эсда олиб қолиш реакцияси тўхтатиб қўйилган эди. Бу каламуш эртасигаёқ ўзини гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек тўтаверди.

Маълумки, вақтинча ҳушдан кетиб қолиш одамларда ҳам бевосита ҳодиса юз бергунга қадар содир бўлган нарсаларнинг унутиб қўйилишига олиб келади.

Ҳали тегишли биохимик ўзгаришлар бошлангунга қадар қисқа муддатли электрохимик реакция оқибатида мустаҳкамланиб улгурмаган таъсиротнинг излари ўчиб кетади, деб ўйлаш мумкин.

Хотиранинг кимёвий назарияси тарафдорлари ташқи қўзғатувчилар таъсири остида нерв ҳужайраларида рўй берадиган ўзига хос кимёвий ўзгаришларнинг изларини мустаҳкамлаш, эсда сақлаб қолиш ва яна қайта эсга тушириш жараёнлари механизмларининг негизини ташкил этади. Бу ўринда нейронларнинг оқсил молекулаларини ва, энг аввало, нуклеин кислотаси деб аталадиган кислоталарнинг молекулаларини ҳар хил тарзда қайта гуруҳлаш назарда тутилади. Дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) *генетик, ирсий хотиранинг, рибонуклеин кислота (РНК) эса онтогенетик, индивидуал хотиранинг* асоси ҳисобланади. Швециялик биохимик Хиден ўтказган тажрибаларда шу нарса аён бўлдики, нерв ҳужайрасининг қўзғатилиши унинг таркибида РНК кўпайишига олиб келади ва унга таниш қўзғатувчиларнинг такрорий таъсир кўрсатишидан *тебраниш* қобилияти борлиги ҳақида хабар қилувчи узоқ давом этадиган биохимик излар қолдиради.

РНК жуда ўзгарувчан бўлади; унинг эҳтимолдаги ўзига хос ўзгаришлари миқдори 10^{15} — 10^{20} сони билан ўлчанади; уларнинг компонентлари шакли, фазода жойлашиши, бўлиниб кетиш тезлиги ва бошқалар ўзгариб туради. Бу эса РНК бениҳоя катта миқдордаги ахборотларнинг калитини ўзида мужассамлаштира олади деганидир. РНКнинг бошқа таъсиротларга жавоб қайтармаган ҳолда таниш қўзғатувчиларнинг ўзига хос тузилиши таъсирида тебраниш қобилиятига эгаллиги хотиранинг сирли биохимик механизми негизини ташкил этиши эҳтимолдан холи эмас.

Энг янги, шу жумладан, биохимик тадқиқотларда эришилган ютуқлар келажакда инсон хотирасини бошқариш имкониётлари ҳусусида оптимистик прогнозлар қилиш учун асос беради. Лекин ана шундай прогнозлар билан бирга баъзи асоссиз, айрим ҳолларда хаёлий ғоялар, масалан, одамларга уларнинг нерв системасига тўғридан-тўғри кимёвий таъсир кўрсатиш йўли билан таълим бериш мумкинлиги ҳақидаги, билимларнинг махсус хотира дориси (таблеткаси) ёрдамида етказилиши ҳақидаги ва шу каби ғоялар расм бўлиб қолди.

Шу муносабат билан инсон хотираси жараёнлари гарчанд барча босқичларида ўзаро биргаликда жуда мураккаб ҳаракат қилиш билан ажралиб турса ҳам, *уларнинг сабабий боғлиқлиги (детерминация) ҳодисаси юқоридан, кишининг фаолияти асосида* рўй беради. Бу ўринда бутундан унинг қисмлари сари бориш принципи амал қилади. Шунга мувофиқ ташқи таъсирларнинг излари моддийлашуви ҳам бошқа йўналишда эмас, аксинча *организм — аъзо (орган) — ҳужайра* йўналишида амалга ошади. Хотиранинг фармакологик катализаторларидан фойдаланиш ишнинг моҳиятини ўзгартира олмайди.

Бу ҳол ҳайвон ҳаётининг турли хилдаги шарт-шароитлари унинг миясининг морфологик ва кимёвий тузилишидаги ўзгаришларга таъсири ўрганилган махсус тадқиқотларда олинган маълумотлар билан тасдиқланди. Масалан, таассуротларга бой ҳамда жониворларнинг ҳар хил ҳаракатларини фаоллаштириб юборган вазиятда сақланган каламушлар миясининг қобиғи психологик жиҳатдан қашшоқлашган шароитларда бемаъни ҳаёт кечирган ҳайвонларга қараганда йирикроқ, йўғонроқ ва оғирроқ бўлиши аниқланди. Ривожланган каламуш миясининг кимёвий таркибида ҳам ўзига хос ўзгаришлар рўй беради: масалан, нерв импульсларини етказишда иштирок этадиган фермент — ацетилхолиннинг миқдори ортди. Шундай қилиб, психологик даража, индивид фаолияти даражаси қуйи даражаларнинг ишига нисбатан белгиловчи ҳисобланади.

Албатта, мия ҳужайраларида юқорида қайд этилган структуравий ва кимёвий ўзгаришлар *олдинги* фаолият маҳсули бўлиб, *сўнгра кейинги*, янада мураккаброқ ҳаракатларни бажариш механизмига қўшилган ҳолда ушбу ҳаракатларнинг зарур *шартига* айланади. Бинобарин сўз кимёвий механизмларнинг иккиламчи роль ўйнаши хусусида эмас, балки уларни қуйидан, масалан, тегишли кимёвий моддаларни тайёр ҳолида тўғридан-тўғри мияга киритиш йўли билан таркиб топтириш бўлмаслиги ҳақида боряпти. Хотира жараёнларининг вазифаларини қуйи босқичдаги аъзолар бошқаришига нисбатан юқори босқичдаги, яъни мия бошқариши ҳақидаги детерминистик қондани ҳам ана шу маънода тушуниш керак.

Хотира механизмларини турли даражаларида тадқиқ қилиш, шубҳасиз, бир-бирини ўзаро бойитади.

III. 11.2. Хотиранинг турлари

Хотира киши ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этиши сабабли унинг намоён бўлиши шакллари ҳам бениҳоя ранг-барангдир. Хотиранинг турларга бўлиниши, энг аввало, эсда олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш жараёнлари ўрин олган фаолиятнинг айнан ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқ бўлиши керак. Бу хотиранинг у ёки бу тури (масалан, кўриш ёки эшитиш хотираси) кишида унинг психик тузилишига хос хусусият сифатида гавдаланган ҳоллар учун ҳам

тўғридир. Муайян психик хусусият фаолиятда гавдаланмасидан олдин унда шаклланади-ку, ахир.

Хотира таърифларининг эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар хил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат қилади. Бунда хотиранинг айрим турлари учта асосий мезонга мувофиқ тарзда бўлинади: 1) фаолиятда кўпроқ сезилиб турадиган *психик фаолликнинг хусусиятига қараб* хотира *ҳаракат, эмоционал, образли ва сўз-мантиқли* турларга бўлинади; 2) фаолиятнинг мақсадлари (хусусиятига кўра *ихтиёрсиз ва ихтиёрий* хотира турларига бўлинади; 3) *материални қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кўра* (унинг фаолиятдаги роли ва тутган ўрнига боғлиқ равишда) *қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира* турларига бўлинади.

Ҳаракат, эмоционал, образли ва сўз-мантиқий хотира турлари

Фаолиятнинг ҳар хил турларида психик фаолликнинг турли хил кўринишлари: ҳаракат, эмоционал, сенсор, ақлий кўринишлари устунлик қилиши мумкин. Фаолликнинг ушбу кўринишларидан ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулида: иш ҳаракатларида, туйғуларда, образларда, ўй-фикрларда ўз ифодасини топади. Хотиранинг уларга хизмат қилувчи ўзига хос турларига психологияда тегишли номлар: *ҳаракат, эмоционал образли ва сўз-мантиқли хотира* номлари берилгандир.

Ҳаракат хотираси — турли хилдаги иш ҳаракатлари ва уларнинг системасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва яна қайта эсга туширишдан иборатдир. Хотиранинг бошқа турларига қараганда унинг бу тури устунлиги аниқ намоён бўладиган одамлар учраб туради. Психологлардан бири мусиқий асарни хотирасида мутлақо қайта тиклай олмаслигига, қчиндагина эшитган операни эса бор-йўғи пантомима тарзидагина қайта тиклай олишига иқрор бўлган эди. Бошқа одамлар эса, аксинча, ўзларида ҳаракат хотираси борлигини умуман пайқамайдилар. Хотиранинг бу тури бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигининг боиси шундаки, у худди юриш, ёзиш ва шу каби малакалар билан баб-баравар тарзда турли хил амалий ва меҳнат малакалари шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳаракатлар хотирада сақланиб қолмаган тақдирда биз ҳар гал дастлаб тегишли ҳаракатларни бажаришни ўрганишга мажбур бўлардик. Кишининг жисмоний жиҳатдан абжрлиги меҳнатдаги маҳорати, «олтин қўллиги» одатда унинг яхши ҳаракат хотирасига эга эканлигининг аломати ҳисобланади.

Эмоционал хотира — ҳис-туйғуга хос хотирадир. Ҳис-туйғулар ҳаминиша бизга эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётгани, бизнинг теварак-атрофдаги оламга муносабатимиз қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида хабар бериб туради. Шунинг учун ҳам ҳиссий хотира ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳис этилган ва хотирада сақлаб қолинган туйғулар ёҳуд ҳаракатга чорловчи,

ёки ўтмишда салбий кечинмаларга сабаб бўлган ҳаракатлардан тийилишга ундовчи сигналлар тарзида амал қилади. Бошқа бир кишига ҳамдард бўлиш, китоб қаҳрамони кечинмалари билан яшай билиш қобилияти ҳиссий хотирага асосланади. «Агар сиз бошингиздан кечирганларингиз бир лаҳза эсга келганда рангингиз оқариб, ё қизариб кетиш қобилиятига эга бўлсангиз, агар сиз бир вақтлар бошингизга тушган мусибат ҳақида ўйлашдан қўрқсангиз, у ҳолда сизда ҳис-туйғуни хотиралаш ёхуд ҳиссий хотира мавжуддир»¹.

Ҳиссий хотира маълум бир маънода хотиранинг бошқа турларига қараганда кучлироқ бўлиши мумкин. Қачонлардир бўлиб ўтган ва батамом эсан чиқиб кетган воқеалардан, ўқилган китоблардан, кўрилган кинофильмлардан баъзан таассурот, ҳис-туйғугина қолишини ҳар ким ўз тажрибасидан билади. Лекин бу ҳилдаги туйғу ҳам қуп-қуруқ нарса эмас. Айнан шунинг учун ҳам у боғланишлар занжирини кенгайтиришдаги илк тугун сифатида хизмат қилиши мумкин.

Образ хотираси тасаввурларни, табиат ва ҳаёт манзараларини, шунингдек, товушларни, ҳидларни, таъмларни эса олиб қолишдан иборат хотира ҳисобланади. У кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билишга оид хотирадир. Агар соғлом ривожланган барча одамларнинг ҳаётда мўлжал олишида кўриш ва эшитиш хотираси одатда яхши ривожланган ва етакчи роль ўйнайдиган бўлса, у ҳолда тери туйиши, ҳид билиш ва таъм билишга оид хотираларни маълум бир маънода профессионал хотира турлари деб аташ мумкин: хотиранинг бу турлари худди тегишли сезгилар каби фаолиятнинг ўзига хос шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда алоҳида тарзда ривожланади. Улар хотиранинг етишмайдиган турлари ўрнини босиши ёки унинг вазифасини бажариши тўғри келган шароитларда, масалан, кўзи ожизлар, карлар ва шу каби ногирон одамларда ҳайрон қоларли даражада ривожланган бўлиши мумкин.

«Бадний» касб билан шуғулланадиган одамларда образ хотираси айниқса ривожланган бўлади.

Баъзан *эйдетик хотира* деб аталмиш хотирага эга бўлган одамлар ҳам учрайди. Хотиранинг эйдетик, яъни кўргазмали образлари — ташқи қўзғатувчи билан ҳис-туйғу аъзоларининг қўзғатилиши натижасидир. Эйдетик образлар шу жиҳатдан ҳам тасаввурларга ўхшайдики, улар бирон таъсир ўтказадиган нарсалар йўқлигида ҳам ҳосил бўлиб, оддий тасаввурга мутлақо сиғмайдиган даражадаги деталлаштирилган кўргазмалилиги билан ажралиб туради. Киши, масалан, кўз ўнгида йўқ бўлган нарсани одатда идрок этиш чоғида амалга ошириш мумкин бўлгани каби нигоҳини у қисмдан бу қисмга «кўчирган» ҳолда барча икир-чикирларга қадар «кўради». Худди эйдетик кўриш хотирасига ўхшаш ҳолдаги яққол эйдетик эшитиш ва

¹ Станиславский С. К. Работа над собой в творческом процессе переживания.— Собр. соч. в 8-ми т. М., Искусство, 1954, 2-том, 217-бет.

эҳтимол ҳатто эйдетик туйиш хотираси ҳам учраб туради, деб тахмин қилиш мумкин.

Бизнинг ўй-фикрларимиз *сўз-мантиқ хотиранинг* мазмунини ташкил этади. Ўй-фикрлар нутқсиз мавжуд бўла олмайди, шунинг учун ҳам уларга оид хотира ҳам шунчаки мантиқий деб эмас, балки *сўз-мантиқ хотира* деб аталади. Ўй-фикрлар турли хилдаги тил шаклларида мужассамлашган бўлиши мумкинлиги важдан уларнинг акс эттирилиши материалнинг ё фақат асосий моҳиятини етказишга, ёхуд унинг айнан *сўз билан* ифода этилишига қаратилган бўлиши мумкин. Агар кейинги ҳолатда материални умуман *сўзлар ёрдамида* ифодалашнинг иложи бўлмаса, уни айнан *сўз-сўз ёдлаб* олиш мантиқий эмас, аксинча механик тарзда эса олиб қолиш бўлур эди.

Сўз-мантиқ хотирада иккинчи сигналлар системаси асосий роль ўйнайди. *Сўз-мантиқ хотира* бошқа турдаги хотираларнинг ривожига таянган ҳолда уларга нисбатан етакчи бўлиб юзага чиқади ва хотиранинг бошқа барча турлари ривожининг ривожига боғлиқ бўлиб қолади. Таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириб олишларида *сўз-мантиқ хотира* етакчи роль ўйнайди.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотира Хотиранинг юқорида кўриб чиқилган турларида, шунингдек, унинг фаолият замирида шаклланиб, сўнгра фаолиятнинг бамисоли қонуний хусусиятлари бўлиб қоладиган таърифлари акс этгандир. Киши хотирасининг у ёки бу хилдаги тузилиши эндиликда фаолиятнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига: мотивларига, мақсадларига, усулларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам гавдаланиши мумкин.

Аммо хотирани фаоллик билан олиб борилаётган фаолиятнинг ўз хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқ турларига бўлиниши ҳам мавжуддир. Жумладан, фаолият мақсадларига қараб хотира *ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотира* турларига ажратилади.

Бирон нарсани эса олиб қолиш ёки эслаш учун махсус мақсад бўлмаган ҳолда эса олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш ихтиёрсиз хотира деб аталади. Олдимизга биронта мақсад қўйиб эса олиб қолганимизда *ихтиёрий хотира* ҳақида гап боради. Сўнги ҳолатда эса олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш жараёнлари ўзига хос тарздаги *мнемик* ҳаракатлар сифатида юзага чиқади.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотира шу билан биргаликда хотиранинг ривожланишидаги иккита изчил босқични ҳам ўзида акс эттиради. Ҳаётимизда ихтиёрсиз хотира нақадар катта ўрин эгаллашини ҳар бир киши ўз тажрибасидан билади. Ихтиёрсиз хотира асосида тажрибамизнинг ҳажми жиҳатидан ҳам, ҳаётий аҳамияти жиҳатидан ҳам асосий қисми махсус мнемик ният-мақсадлар қўйилмасдан ва куч-ғайратлар сарфланмасданоқ таркиб топади. Аммо киши фаолиятида кўпинча ўз хотирасини бошқариш зарурати туғилиб қолади. Ана шундай шароитларда зарур нарсаларни атайлаб ёд олиш

ёки эслаб қолиш имконини берадиган ихтиёрий хотира муҳим роль ўйнайди.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотира. Оператив хотира.

Эсда олиб қолишнинг энг дастлабки, ҳали ташқи таъсирларнинг излари мустаҳкамлангунига қадар ва шунингдек улар айни ҳосил бўлаётган пайтида юз берадиган жараёнлар кейинги вақтларда тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. У ёки бу материал хотирада сақланиб қолиши учун у субъект томонидан тегишли равишда мушоҳада қилинган бўлиши керак. Бундай мушоҳада учун муайян вақт талаб қилинади, унга *изларни консолидациялаш (бирлаштириш) вақти* деб айтилади. Субъект томонидан бу жараён гўё ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг акс-садоси тарзида кечирилади: бевосита идрок этмаётган нарсани биз бирон дақиқа мобайнида гўё ҳали ҳам кўраётгандай, эшитаётгандай бўламыз ва ҳоказо (у кўз ўнгимизда тургандай, қулоғимизга эшитилаётгандай бўлаверадиган ва ҳоказо). Бу жараёнлар беқарор ва асли ҳолига қайтувчандир, лекин улар шу қадар ўзига хосликка эга ва тажриба орттириш механизмлари амал қилишидаги роли шу қадар аҳамиятлидирки, уларни ахборотни эслаб қолиш, эсда сақлаш ва яна қайта эсга туширишнинг алоҳида бир тури ҳисобланади. Бу жараён *қисқа муддатли хотира* деган ном олди.

Хотиранинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотирага бўлиниши янгилик ҳисобланади. Илгари бунга маълум даражада бевосита ва бавосита деб аталмиш бўлиниш тўғри келарди. «Бевосита эсда олиб қолиш» деган атама орқали субъектнинг гўё бирон-бир даражадаги фаоллигисиз юз берадиган эсда олиб қолишнинг бамисоли автоматик хусусияти таъкидланар эди. Бевосита эсда олиб қолиш озми-кўпми даражада тарқалган муайян усуллар ва воситаларнинг қўлланилишини тақозо этарди. Ҳозирги пайтда хотирани бевосита ва бавосита турларга ажратиш, афтидан, батамом барҳам толган бўлиши керак. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, ҳатто қисқа муддатли эсда олиб қолиш ҳам, маълум бўлишича, объектнинг муайян даражадаги фаоллигини ва тегишли усуллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бошқача сўзлар билан айтганда қисқа муддатли эсда олиб қолиш ҳам бевоситалик билан бир хилдадир. Унинг усулларини ўзини-ўзи кузатиш орқали намоён қилиб бўлмайди, негаки у юксак даражада автоматлашган ички ҳаракатлардан иборатдир.

Қисқа муддатли хотира материалнинг кўп марталаб такрорлаш ва қайта эсга туширишлар орқали узоқ вақт эсда олиб қолиниши билан ажралиб турадиган *узоқ муддатли хотирадан* фарқли ўлароқ, бир мартагина жуда қисқа вақт оралиғида идрок қилиш ва шу заҳотиёқ қайтадан хотирлашдан (материал идрок этилган кейинги дастлабки секундлар мобайнидаёқ қайта эсга туширилишдан) сўнг жуда ҳам қисқа вақт мобайнида эслаб қолиш билан белгиланади.

«Қисқа муддатли хотира» атамасининг ўзида ҳодисаларнинг индивид фаолияти билан, ушбу фаолият мақсадлари ва сабаблари билан қай тарзда боғлиқлигидан қатъи назар, ташқи вақт билан белгиланадиган ўлчови мужассамлашгандир. Би-

роқ бу ўринда ҳам воқеаларнинг вақт билан белгиланадиган ўлчовининг организм учун унинг аҳамияти ўртасидаги боғланишни эътиборга олиш керак. Воқеанинг узоқ вақт давом этиши ҳам хотира учун ўз ҳолича аҳамиятлидир. Негаки, узоқ давом этадиган (такрорланиб турадиган) таъсир ўтказилишининг ўзидаёқ унинг келгусида такрорланиш эҳтимоли мужассамлашган бўлиб, бу унга яхши тайёрликни талаб қилади. Ана шу маънода изларнинг мустаҳкамлашувини муайян материалнинг келажакдаги ҳаётий муҳим мақсадларни рўёбга чиқаришдаги аҳамиятига бериладиган ўзига хос баҳо деб қараш мумкин. Лекин ўз ҳолича вақт омилининг таъсирига чексиз деб қараш ярамайди: қўзғатувчининг бирон маънога эга бўлмаган ҳолда узоқ вақт давомида қайта-қайта таъсир этиши фақат муҳофаза тормозланишини юзага келтиради, аммо у ҳеч вақт узоқ муддатли хотирага ўтмайди.

Адабиётларда «Қисқа муддатли» хотира атамаси ўрнида кўпинча унинг турли хилдаги синонимлари: «бир лаҳзалик», «бошланғич», «зудлик билан», «қисқа фурсатли хотира» ва шу кабилар ҳам ишлатилади. Лекин баъзи муаллифлар ана шундай синонимлардан бири сифатида унга ўша қисқа муддатли хотиранинг вақтга оид жиҳатини эмас, балки «амалий» тусда эканлигини таъкидлашга интилиб, «оператив хотира» атамасини ҳам қўллайдилар. Ваҳоланки, совет психологиясида бу атаманинг замирида бошқача мазмун мужассамлашгандир. *Оператив хотира* тушунчаси киши томонидан бевосита амалга оширилаётган долзарб ҳаракатлар, ишларга хизмат қиладиган мнемик жараёнларни англатади. Қачонки, биз бирон бир мураккаб ҳаракатни, мисол учун арифметик амални бажараётган бўлсак, у ҳолда уни қисмларга, бўлақларга ажратган ҳолда бажарамиз. Бундай ҳолда ишни бажариш давомида айрим орилиқ натижаларни «ёдимизда» сақлаб борамиз. Пировард натижага яқинлашганимиз сари «ишлаб чиқилган» конкрет материал унутилиб қолиши мумкин. Айнан шунга ўхшаш ҳодисаларни ўқиш, кўчириб ёзиш ва умуман исталган биронта мураккаб ҳаракатни бажараётганимизда кузатамиз. Киши иш бажараётиб қўллайдиган материалнинг бўлақлари ҳар хил бўлиши мумкин (болаларда ўқиш жараёни алоҳида ҳарфларни бирга қўшишдан бошланади). *Хотиранинг оператив бирликлари* деб аталмиш ушбу бўлақларнинг ҳажми у ёки бу фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишига жиддий таъсир кўрсатади. Энг мақбул оператив бирликларни ҳосил қилишнинг аҳамияти ана шу ҳол билан белгиланади.

Оператив хотиранинг бу тарзда тушунилиши гарчанд узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотираларни бир-бирига яқинлаштирувчи нуқталарни белгилаб беришига қарамай, уни узоқ муддатли хотирадан ҳам, қисқа муддатли хотирадан ҳам ажратиб туради. Оператив хотирада қисқа муддатли хотирадан ҳам, узоқ муддатли хотирадан ҳам келиб турадиган материаллардан иборат «ишчи қотишма» ҳосил бўлади. Ушбу ишчи

материал амал қилиб турган даври мобайнида оператив хотира тасарруфида бўлади.

Хар хил хотира турларининг ўзаро боғлиқлиги Бу ўринда хотирани турларга бўлиш учун асос қилиб олинган мезонлар инсон фаолиятининг унда тарқоқ ҳолда эмас, аксинча таркибан бир-бирида намоён бўладиган турли хил жиҳатлари билан боғлиқдир. Хотиранинг тегишли турлари ҳам худди ана шундай бирликни ифодалайди. Жумладан, тушунча ҳақидаги фикр хотираси сўз-мантиқ хотира бўлиш билан бирга ҳар бир алоҳида ҳолда, шунингдек, ё ихтиёрсиз, ёхуд ихтиёрий хотира бўлиб ҳисобланади; айна чоғда у албатта ё қисқа муддатли, ёхуд узоқ муддатли хотира тарзида намоён бўлади.

Бошқа жиҳатдан қараганда, хотиранинг айнан бир хилдаги мезонига кўра ажратилган ҳар хил турлари ҳам ўзаро боғланган бўлади. Жумладан, ҳаракат, образли, сўз-мантиқ хотира шунинг учун ҳам бир-биридан алоҳида амал қила олмайди, негаки энг аввало ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг тегишли жиҳатлари ва бинобарин, уларнинг акс этирилиши шакллари ҳам ўзаро боғлангандир. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотира ўртасида ҳам мураккаб изчил боғланиш мавжуд (бу боғланишларнинг моҳияти эсда олиб қолиш жараёнига таъриф берилаётганда баён этилади). Қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотира турига келганда шунини айтиш керакки, улар ўз моҳияти жиҳатидан битта жараённинг иккита босқичи ҳисобланади. Қисқа муддатли хотира — шундай бир ўтказувчидирки, бирон-бир нарса бу ўтказувчини четлаб узоқ муддатли хотирага ўта олмайди. Унинг барча жараёнлари ҳаминша қисқа муддатли хотирадан бошланади.

III. 11.3. Хотира жараёнларининг умумий таърифи

Хотирани ҳар хил турларга ажратишда фаолиятда конкрет қайси бир функцияни — материални эсда олиб қолишними, эсда сақлашними, ёхуд унга муҳимлик бағишлашними бажаришидан қатъи назар, фаолиятни белгилайдиган баъзи барқарор хусусиятлари ва жиҳатлари назарда тутилади. Масалан, хотирани ҳаракат, эмоционал, образли ва сўз-мантиқ турларга ажратишда унинг объектни ҳам эсда олиб қолиш, ҳам эсда сақлаш, ҳам уни яна қайта эсга тушириш амалга ошириладиган *шакл каби* (образ, сўз ва ҳоказо) жиҳати ҳам акс этгандир.

Лекин хотиранинг турларидан ташқари унинг жараёнлари ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бунда хотиранинг ҳаётда ва фаолиятда бажарадиган айнан ўша турли хилдаги *функциялари* асос қилиб олинади. Материални *эсда олиб қолиш* (мустаҳкамлаш), *яна қайта эсга тушириш* (муҳимлик бағишлаш, қайта тиклаш), шунингдек, *уни эсда сақлаб қолиш* ва *унутишни* хотира жараёнларига киритишади. Кўрсатиб ўтилган жараёнларда хотиранинг фаолият билан алоқаси, шунингдек, унинг

ҳодисалари алоҳида мустақил (мнемик) ҳаракатлар тарзида кечиши айниқса яққол гавдаланади.

Гарчанд хотира жараёнларини бир-бирига таққослаганда уларнинг бажарадиган вазифалари йўналишида гўё зиддиятлар борлиги кўзга ташлангандай бўлса ҳам, бу жараёнларни яхлит бирликдан иборат деб ҳисоблаш керак. Бу бирлик уларнинг фақат ташқи боғланишида ва ўзаро бир-бирига боғлиқлигида (материални яна қайта эсга тушириш таърифлари кўп жиҳатдан, масалан, уни эсда олиб қолиш, шунингдек, эсда сақлаш ва унутиш хусусиятлари билан белгиланади) эмас, балки уларнинг ўзаро бир-бирига ўтишдаги ва бир жараённинг иккинчи жараёнга диалектик тарзда ўтишларидаги янада яқинроқ муносабатларга ўз таъсирини ўтказади.

Модомики, материалнинг қайта эсга туширилиши унинг автоматик тарзда қайта ўқиб чиқилишидангина эмас, балки унинг онгли равишда лойиҳаланишидан ва ҳатто қайта лойиҳаланишидан иборат экан, бу ҳолда қайта эсга туширишга қисқа муддатли эсда олиб қолиш ва эслаш жараёнлари ҳам албатта киритилади. Бунинг устига қайта эсга тушириш жараёнида доимо узоқ муддатли эсда олиб қолиш ҳам рўй беради. Материални такрорлаш деб аталмиш ҳодисанинг ўзи уни яна қайта эсга туширишдан бўлак нарса бўлмасдан, айна чогда у, шунингдек, ёд олиш жараёни ҳамдир.

Эсда сақлаб қолиш — унутиш жараёнлари ҳам худди шундай тарзда таҳлил қилиниши мумкин. Лекин бунинг учун улар энг аввало айнан *жараёнлар* сифатида англанган бўлиши керак. Жумладан, эсда сақлаб қолиш индивид фаолиятида хотира материалнинг *иштирок этиш* функцияси сифатида тушунилиши мумкин. Бундай иштирок этиш англаб етилмаган ҳолда юз бериши ҳам мумкин. Лекин кишининг ҳар қандай ҳаракати-га унинг шахсига оид жамики тажрибаси таъсир қилади. Шу маънода у ёки бу материалнинг хотирадан кўтарилиши (унутилиши) унинг фаолият доирасидан чиқиб қолишини англатади, холос. Бошқача сўзлар билан айтганда, бутунлай унутиш бўлмайди. Психологик жиҳатдан бу психиканинг муайян мазмунини қисқа муддатли хотирага, англаб етилган доирага кўчиришда қийинчилик туғилганлигини (ёки кўчириб бўлмаслигини) англатади, холос. Бу тушунча одатда айнан ана шундай маънода (кўпроқ ёки озроқ даражада батамом унутиб қўйиш маъносиде) ишлатилади. Бироқ жараён сифатидаги унутиш генетик жиҳатдан олганда диққатнинг объектдан чалғитилишдан бошланади. Диққатнинг А объектдан Б объектига ҳар қандай таҳлитдаги кўчирилиши А нинг ўзига хос тарзда унутилишини англатади. Шунинг учун ҳам фақат қайта эсга туширишдаги қийинчилик (ёки эсга тушириб бўлмаслиги) билан боғлиқ нарсаларгина эмас, балки муайян пайтда тажрибанинг муҳимлиги англанилмаётган, онгда иштирок этмаётган жамики мазмуни ҳам унутилган бўлади. Шундай қилиб, унутиш ҳар қандай психик жараённинг, шу жумладан, ҳар қандай хотира

жараёнининг ҳам бир жиҳати ҳисобланади. Онгининг объект бўйлаб кўчиб юришини тақозо этувчи жараён сифатидаги эсда олиб қолишнинг ўзи ҳам материалнинг вақтинча унутилишини муқаррар ўзида мужассамлаштирган бўлади. Шунинг ўзи ҳам хотирадаги қарама-қарши жараёнлар бирлигининг конкрет намоён бўлиши демакдир.

Шу тариқа жамики хотира бениҳоя мураккаб, аммо яхлит ва узлуксиз жараёндан иборат, деб айтиш мумкин. Онгининг хотира хизматига таянмаган бирон-бир ҳолатини тасаввур қилиш қийин.

Хотира жараёнларининг кечиши шахс фаолияти билан, унинг келгусида мақсадларга эришиш учун йўналтирилганлиги билан боғлиқдир.

Хотиранинг баъзи бир жараёнларини оддий таҳлил қилишда мураккаб диалектик боғланишлардан мавҳумлашган ҳолда биз унинг устунлик қиладиган таърифларига мувофиқ тарзда у ёки бу жараённи славимиз.

III. 11.4. Эсда олиб қолиш

Эсда олиб қолишни хотиранинг янги материални илгари ўзлаштирилган материал билан боғлаш орқали эсда сақлаб қолинишига олиб келадиган жараён сифатида таърифлаш мумкин. Бу индивид тажрибасини янги билимлар ва хулқ-атвор шакллари билан бойитишнинг зарур шартидир. Эсда олиб қолиш ҳамини таърифлаш бўлади: сезги абзорларимизга таъсир қиладиган барча нарсалар ҳам хотирамизда сақланиб қолавермайди.

Эсда олиб қолиш ва ҳаракат

Экспериментларда шу нарсани исботланганки, ҳар қандай эсда олиб қолиш, шу жумладан, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ҳам, субъектнинг объект билан ҳаракатининг қонуний маҳсулидир.

Бир тажрибада синалувчиларга карточкаларда тасвирланган нарсаларни таснифлаш таклиф қилинди. Ҳар бир карточкада нарсалардан ташқари сонлар ҳам тасвирланган эди. Тажриба ўтказилиб бўлгач, синалувчилардан карточкаларда нималарни кўрганликларини эсга туширишларини сўрашди. Бу ҳолда нарсаларнинг эсда сақланиб қолганлиги аён бўлди. Сонларга келганда эса баъзи синалувчилар уларни умуман кўрмаганликларини тасдиқлашди. Бошқа бир тажрибада карточкаларни уларда тасвирланган сонлар тартибига кўра ёйиб қўйиш керак эди. Бу ҳолда ҳаммаси аксинча бўлди: сонлар яхши эслаб қолинди ва расмлар қарийб пайқалмади.

Шундай қилиб, киши нима билан ҳаракат қилган бўлса, шу нарсани эсда сақлаб қолинади. Амалий иш ҳаракатларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилган тажрибаларда ҳам ана шу қонуният аниқланади.

Баён этилган фактлар шуни ишонарли тарзда исботлайдики, воқеалар (расм ва сонлар) нинг шунчаки оддий ёндошлиги эсда олиб қолишнинг бир хил аҳамиятга эга натижаларини

Ўзича таъмин эта олмайди. Ҳамма гап кишининг материални нима қилишига боғлиқдир. Ўз-ўзидан равшанки, фаолиятнинг айнан бир хил ташқи шарт-шароитлари ҳар хил одамларда эсда олиб қолишнинг мутлақ бир хилдаги натижаларига олиб келмайди, негаки, бу шарт-шароитлар ҳамиша кишининг ўтмишдаги тажрибаси, унинг индивидуал хусусиятлари орқали янгида акс этади. Аммо бу, эсда олиб қолишнинг фаолиятга боғлиқлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, кишининг ҳар қандай ҳаракатини умуман унинг шахсиятидан ажратилмаган тарзда, яъни шахснинг майллари, мақсадлари ва уларга эришиш усуллари хусусиятларига боғлиқ деб ҳисоблаш кераклигини англаатади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, у ёки бу материалнинг эсда олиб қолиниши *шахс фаолиятининг сабаблари, мақсадлари ва усуллари* билан белгиланади. Совет психологияси фанида хотира масалаларини ўрганиш жараёнининг асосий йўналишини белгилайдиган хотиранинг амалиётга боғлиқлиги концепциясининг моҳияти айнан шундан иборатдир. Эсда олиб қолиш жараёнининг таърифига унинг барча даражалари ва шаклланишининг барча босқичларида, шу жумладан, энг бошланғич босқичида, яъни *қисқа муддатли эсда олиб қолиш* даражасида ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндашилиши керак.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли эсда олиб қолиш Қисқа муддатли эсда олиб қолиш дегани нима? Агар бизга бир нечта тасодифий рақамлар, ҳарфлар ёки сўзларни ўқиб бериб, уларни дарҳол такрорлашимизни сўрашса, буни сира ҳам қийналмасдан бажарган бўлардик. Ҳатто бир қатор маъносиз бўғинларни яна қайта эсга тушириш ҳам (қаторларнинг ҳар бирида беш-еттитадан зиёд бўғин бўлмаган тақдирда) бизда унчалик қийинчилик туғдирмасди. Масалан, биз «*бо-бом ов-чи*» қабилидаги бўғинлар қаторини фақат у талаффуз этилиши биланоқ дарҳол такрорлай олган бўлардик. Талаффуз этилгандан кейин бирмунча вақт ўтгач, биз бу ишнинг уддасидан чиқа олмасдик. Бу қисқа муддатли эсда олиб қолиш демакдир. Маскур қаторни ҳатто узоқ вақт мобайнида эсда сақлаб қолиш учун ҳам уни бир неча марта такрорлашимизга эҳтимол, ҳатто эсда олиб қолишнинг аллақандай махсус (мнемотехник) усулларидан фойдаланишимизга тўғри келган бўларди (масалан, бўғинларни сўзга бириктириб, улардан «бобом—ов—чи» тарзида сунъий гап тузилган бўларди). Бундай йўсиндаги эсда олиб қолиш узоқ муддатли эсда олиб қолиш бўлур эди.

Қисқа муддатли эсда олиб қолишнинг аввало инженерлик психологияси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилаётганлиги бугунги кунда умумназарий жиҳатдан катта аҳамият касб этмоқда. Айтиш мумкинки, ҳозирги замон хотира психологиясининг бутун масалалари барибир унинг қисқа муддатли жараёнлари қонуниятларини тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Бу ўринда хотирани ва унинг механизмларини тадқиқотнинг барча даражаларида — психологик, нейрофизик, биохимик

жиҳатдан ўрганиш натижасида туб муаммонинг ҳал этилишига эришилиши керак.

«Қисқа муддатли эсда олиб қолиш» деган номнинг ўзиёқ тегишли таснифлашга, аввало, вақтга оид белги асос қилиб олинганлигини кўрсатади. Бироқ вақт ўлчови хотира ҳодисаларини англаб етишда ҳар қанча муҳимлигига қарамай ўзича қисқа муддатли эсда олиб қолишга тугал бир таъриф берилишини таъминлай олмайди. Хотира жараёнларини ўрганишда унинг турли хил вақт шароитларида ахборотни ўзлаштириш борасида киши *фаолияти хусусиятига* боғлиқлигини аниқлаши керак. Шу нарса аниқланганки, эсда олиб қолиш юқоридан берилган программага кўра бошқарилади, яъни кишининг эсда олиб қоладиган материал иштирокида амалга оширадиган *фаолияти хусусияти* билан белгиланади.

Ҳозирги пайтда қисқа муддатли эсда олиб қолишнинг киши томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг характерига, у бажараётган вазифанинг хусусиятларига боғлиқлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қисқа муддатли эсда олиб қолишни тадқиқ қилишда ҳозирга қадар асосан иккита омил: экспозиция вақти ва тақдим этиладиган материал вариацияланади. Синалувчи ўз фаолияти давомида бажарадиган вазифа эса ўзгармасдан қолаверади, чунки у доимо мнемик вазифадан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам материални муайян вақт тартибига кўра тақдим этишда эсда олиб қолиш ҳажми ўзгармасдан қолаверганлиги табиийдир. Ҳозирги пайтда турли хилдаги билиш ва мнемик вазифалар қисқа муддатли эсда олиб қолишнинг маҳсулдорлигига турлича таъсир кўрсатишдан далолат берадиган маълумотлар олинган. Бу маълумотлар қисқа муддатли эсда олиб қолиш одатда у ўрганилган ўша вақт оралиғида ақалли бевосита эсда олиб қолиш ҳам бўла олмаслигини кўрсатади.

Қисқа муддатли эсда олиб қолиш шароитларида ҳал этилиши учун *автоматлаштирилган ҳаракат усуллари* қўлланиладиган вазифаларгина маҳсулдор бўлиши аниқланди. Материални ўзлаштиришнинг кенгайтирилган усуллари қўлланишни тақозо этадиган вазифалар қисқа муддат мобайнида тақдим қилинган шароитда эсда олиб қолишнинг самарадорлигини пасайтириб юборади. Шунга асосланиб *қисқа муддатли эсда олиб қолишни маълум вақт оралиғида кишининг материал билан ишлаш фаолиятида фақат автоматлаштирилган усулларни қўлланиб ишлаш имконини берувчи* эсда олиб қолиш деб таърифлаш мумкин.

Оператив эсда олиб қолиш деб аталадиган эслаб қолишни қисқа ва узоқ муддатли эсда олиб қолиш ўртасидаги оралиқ даражаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. *Оператив эсда олиб қолишни кишининг одатдаги ҳаракатларига хизмат қилувчи хотира жараёни* деб таърифлаш мумкин. У киши бажараётган ҳаракатнинг ҳар бир конкрет жараёнида бирон натижага эришиш шароитларидан бири сифатида юз беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оператив хотиранинг хусу-сиятлари (ҳажми, аниқлиги, лабиллиги ва бошқалар), бир томондан, хизмат кўрсатилаётган фаолиятнинг мазмуни ва тузилишига боғлиқ бўлса, иккинчидан унинг шаклланганлик даражасига боғлиқдир.

Оператив хотиранинг унумлилигини ва, демак, у хизмат кўрсатаётган фаолиятнинг муваффақиятлилигини таърифлашда хотиранинг бизга ҳозиргача маълум бўлган оператив бирликлари, яъни унда ҳаракат мақсадларига эришиш жараёнида сақланиб турадиган муайян ҳажмдаги материал марказий ўринни эгаллайди. Хотиранинг оператив бирликлари ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Мақбул даражадаги оператив бирликни шакллантириш — оператив хотиранинг ва у хизмат кўрсатадиган фаолиятнинг унумлилигини оширишда асосий воситадир.

Оператив эсда олиб қолиш даражасида ахборотнинг қисқа муддатли хотирадан узоқ муддатли хотирага ўтиш жараёнини кузатиш мумкин. Масалан, бир-бирига боғланиб келадиган матнни ўқиётганимизда ҳарфларнинг моҳиятини улар сўзларга бирлаштирилганига қадар, сўзларнинг моҳиятини улар гапларга бирлаштирилганига қадар хотирамизда сақлаб туришимиз керак ва ҳоказо. Бу жараёнлардан ҳар бири амалга оширилиб бўлгандан кейин уларга тегишли конкрет моҳият унутилади (олдинги саҳифанинг учинчи абзацидаги иккинчи гап қандай сўзлар билан бошланганини эслай олмаймиз). Бироқ борди-ю, оралик жараёнларда «ишлатилган» материал тамомила унутилиб кетадиган бўлса, у ҳолда ҳар бир жараёндан кейин ҳаракатни давом эттириш амри маҳол бўлиб қоларди. Ҳар бир юқорироқ даражага тегишли маъно филътри системасидан ўтказилган жузъий маъноларни ўзида бирлаштирадиган янада умумийроқ маънолар ўтказилиб туради.

Узоқ муддатли хотирага шахс фаолиятининг ҳаётий муҳим мақсадларига эришишда тактик жиҳатдангина эмас, балки стратегик жиҳатдан аҳамият касб этган ахборот келиб туради. Узоқ муддатли эсда олиб қолиш киши фаолиятининг қонуний маҳсули бўлиб, ҳаракатлар билан шунчаки қўшилиб келадиган «из қолдирувчи» самара ҳисобланмасдан, балки энг аввало унинг кечиши учун ички зарурий шарт сифатида шаклланади. Бошқача сўзлар билан айтганда, ҳар қандай материалнинг эсда олиб қолиниши — бундан олдинги ҳаракатнинг маҳсули ва шу билан бирга келгуси ҳаракатни амалга ошириш воситаси ҳамдир.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолиш

Эсда олиб қолиш жараёнларини ўзига жалб этган фаолиятнинг мақсадларига мувофиқ эсда олиб қолишнинг иккита асосий тури: ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолиш фарқ қилинади.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш — билиш ва амалий ҳаракатларни амалга оширишнинг маҳсули ва шартидир. Бунда эсда олиб қолиш ўз ҳолича бизнинг мақсадимиз сифатида юзага

чиқмаганлиги сабабли беихтиёр эсимизда олиб қолинган жамик нарсалар хусусида одагда «Ўзидан-ўзи эсда сақланиб қолган экан» деймиз. Аслида эса бу фаолиятимизга хос хусусиятлар билан боғлиқ ҳолдаги қатъиян қонуний жараёндир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш унумли бўлиши учун муайян материалнинг фаолиятда тутган ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. *Агар материал фаолиятнинг асосий мақсади мазмунига кирган бўлса, у ўша мақсадга эришиш шартларига ва усулларига жалб этилган ҳолдагига нисбатан яхшироқ эсда олиб қолинади.*

Тажрибаларда I синф ўқувчиларига ва студентларга арифметикадан битта оддий масалани ечиш вазифаси берилди. Ҳар иккала ҳолда ҳам сингувчилар учун кутилмаганда масалаларнинг шартлари ва сонларини эсга тушириш тавсия этилди. I синф ўқувчилари студентларга қараганда қарийб уч барабар кўп сонларни эсда олиб қолишди. Бу ҳол биринчи синф ўқувчиларида қўшиш ва айириш кўникмаси ҳали малакага айланмаганлиги билан изохланади. I синф ўқувчилари учун у бирор мақсадга қаратилган мазмунга эга бўлган иш ҳисобланади.

Сонлар билан ишлаш бу иш-ҳаракат мақсадининг мазмунини ташкил этган бир ҳолда студентларда у иш-ҳаракат мақсадининг эмас, балки *усулининг* мазмунига қаратилган эди.

Фаолиятда турли хил мавқени эгаллайдиган материал турли хилдаги аҳамият касб этади. Шу сабабли у турлича мўлжал олишни талаб қилади ва ҳар хил даражада мустаҳкамланади. Асосий мақсад мазмуни янада фаолроқ мўлжал олишни тақозо этади ҳамда фаолиятнинг эришилган натижаси сифатида амалий мададга эга бўлади ва шунинг учун ҳам мақсадга эришиш шартларига қараганда яхшироқ эслаб қолинади.

Махсус тадқиқотлар ўтказилганда олинган фактлар шуни кўрсатадики, *фаолиятнинг асосий мақсадидан ўрин олган материал унда қанчалик мазмунли боғланишлар ҳосил бўлса, шунчалик тез эсда олиб қолинади.*

Ўқувчиларнинг матни ихтиёрсиз эсда олиб қолиши ўрганилган бир тадқиқот жараёнида уларнинг матни англаб етишлари талаб қилинган эди. Шунда жуда ҳам осон матни эсда олиб қолиш ўртача қийин матнга қараганда огирроқ кечиши маълум бўлди. Қийин матн эса унинг устида иш олиб борилишининг ушбу матннинг тайёр ҳолидаги планидан фойдаланишга қараганда анча фаол усули қўлланилган тақдирда яхшироқ эсда олиб қолинган.

Шундай экан, *фаол ақлий иш олиб боришга ундайдиган материал ихтиёрсиз равишда яхшироқ эслаб қолинади.*

Маълумки, биз ўзимиз учун айниқса муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, бизда қизиқиш ва ҳис-ҳаяжон уйғотган нарсаларни ихтиёрсиз равишда тўлалигича ва мустаҳкам, баъзан эса умрбод эсда олиб қоламиз. *Бажараётган вазифамиз мазмунига қанчалик манфаатдорлик билан муносабатда бўлсак, ихтиёрсиз эсда олиб қолишимиз ҳам шунчалик унумлироқ бўлади.* Жумладан, агар ўқувчини дарс қизиқтирадиган бўлса, у дарс мазмунини шунчаки «тартиб-интизомга риюя қилиб» тинглаган

ўқувчига қараганда яхшироқ эсда олиб қолади. Таълим беришда билимларни ихтиёрсиз эсда олиб қолишнинг юксак унумлиги шарт-шароитларини махсус ўрганиш шуни кўрсатадики, бундай муҳим шарт-шароитлардан бири ўқув фаолиятининг ички, хусусан билиш мотивларини вужудга келтиришдан иборатдир. Бунга *ўқув вазифалари системаси*ни махсус равишда ташкил этиш ҳисобига эришилади. Бунда эришилган ҳар бир натижа бундан кейинги ҳар бир натижага эришиш учун *зарур восита* бўлиб чиқади.

Ихтиёрий эсда олиб қолиш — махсус *мнемик ҳаракатлар*, яъни асосий мақсади эсда олиб қолишдан иборат бўлган ҳаракатлар маҳсулидир. Бундай тарздаги ҳаракатнинг маҳсулдорлиги ҳам унинг мақсадлари, сабаблари ва уни амалга ошириш усулларининг хусусиятлари билан боғлиқдир. Бунда махсус ўтказилган тадқиқотлар материални айнан, тўла ва изчил эслаб қолиш вазифасининг аниқ қилиб қўйилиши ихтиёрий эсда олиб қолишнинг асосий шартларидан бири эканлигини кўрсатди. Турли хилдаги мнемик мақсадлар эсда олиб қолиш жараёнининг характериға, унинг ҳар хил усулларини танлашга таъсир қилади ва шунга боғлиқ ҳолда унинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатади.

Тадқиқотлардан бирида ўқувчиларға иккита ҳикояни эслаб қолиш таклиф этилди. Биринчи ҳикоянинг қанчалик эсда олиб қолингани эртасиғаёқ текшириб кўриладиган бўлди, иккинчи ҳикояға келганда, узоқ вақт эсда олиб қолиш кераклиги айтилди. Аслида эса ҳар иккала ҳикоянинг қандай эсда олиб қолингани орадан тўрт ҳафта ўтгандан кейин текширилди. Шунда иккинчи ҳикоянинг биринчисига нисбатан анча яхши эсда қолгани аниқланди. Фақат имтиҳондан ўтиш учун пухта ва узоқ сақланиб қолишини ўйламай эсда олиб қолинадиган материалнинг қанчалик тез эсдан чиқиб кетиши ҳаммага маълум.

Шундай қилиб, мнемик вазифанинг ролини эсда олиб қолиш мақсадининг таъсири билангина чеклаб қўймаслик керак. Ҳар хил мнемик вазифалар эсда олиб қолишнинг тегишли усуллари танланишини шарт қилиб қўйган ҳолда материалда, унинг мазмунида, тузилишида, унинг ифодаланиш тили, шакли ва шу кабиларда турлича мўлжал олишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўқув-тарбия ишида ўқувчиларға вазифа табақалаштирилиб, айнан *нимани ва қандай қилиб эсда олиб қолиш керак* деган тарзда берилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ихтиёрий эсда олиб қолишда эсда олиб қолишга ундовчи сабаблар катта роль ўйнайди. Хабар қилинаётган ахборот тушунилиши ва ёд бўлиб қолиши мумкин, лекин ўқувчи учун барқарор аҳамият касб этмасданоқ тезда унутилиб кетиши ҳам мумкин. Бурч ва масъулият ҳисси етарли даражада оширилмаган одамлар эсда олиб қолишлари лозим бўлган нарсаларнинг кўпини аксарият ҳолларда унутиб қўядилар.

Эсда олиб қолишнинг рационал усулларидан фойдаланиш ихтиёрий эсда олиб қолиш маҳсулдорлигини таъминлайдиган

шарт-шароитлар орасида асосий ўринда туради. Билимлар фактлар, тушунчалар, фикр-мулоҳазаларнинг муайян системасидан иборат бўлади. Уларни эсда олиб қолиш учун маълум бир мазмундаги бирликларни ажратиб олиш, улар ўртасида боғланишлар ўрнатиш, тафаккурнинг озми-кўпми даражада ривожланган жараёнлари билан боғлиқ мантиқий усулларни қўллаш лозим. *Тушуниш мантиқий, англашилган эсда олиб қолишнинг зарур шартидир.* Тушуниб етилган нарса кишининг илгари ўзлаштириб олган билимлари билан, унинг ўтмишдаги тажрибаси билан мазмунан боғлиқлиги учун ҳам эсда тезроқ ва пухтароқ олиб қолинади. Тушуниб етилмаган, ёхуд ёмонроқ тушунилган нарсалар, аксинча, киши онгида доимо унинг ўтмишдаги тажрибаси билан мазмунан боғланмаган қандайдир алоҳида бир нарса сифатида гавдаланади. Тушунилмаган материал одатда ўзига нисбатан қизиқиш уйғотмайди.

Ёд олинаётган материалнинг планини тузиш — мантиқий жиҳатдан эсда олиб қолишнинг энг муҳим усулларида бири-дир. У қуйидаги уч ҳолатни ўз ичига олади: 1) материалнинг таркибий қисмларга бўлиниши; 2) уларга сарлавҳа ўйлаб топиш ёки материалдаги ушбу қисмнинг бутун мазмуни билан осонгина боғланадиган бирон бир таянч нуқтасини ажратиб кўрсатиш; 3) қисмларни уларнинг сарлавҳаларига ёки ажратиб кўрсатилган таянч нуқталарига биноан боғланишларнинг ягона занжирига боғлаш. Алоҳида фикрларни ва гапларни мазмунли қисмларга бирлаштириш эсда олиб қолинадиган материалнинг ҳажмини камайтирмаган ҳолда эсда олиб қолиниши лозим бўлган бирликлар сонини қисқартиради. Эсда олиб қолиш яна шунинг учун ҳам осонлашадик, план тузилиши натижасида материал аниқ-равшан, бўлакларга ажратилган ва тартибга солинган шаклга эга бўлади. Шу туфайли ўқиш жараёнининг ўзидаёқ у фикрда осонгина ўрнашиб қолади.

Материални тушуниб етиш учун тузилган пландан фарқли ўлароқ, уни эсда олиб қолишга мўлжалланган планда материал яна ҳам майда бўлакларга ажратилади, бунинг устига нималар қайта эсга туширилиши кераклигини сарлавҳаларнинг ўзи кўрсатиб ва эслатиб туради, шунинг учун ҳам улар ўз шаклига кўра кўпинча чала-ярим, узук-юлуқ бўлади.

Мантиқий эсда олиб қолиш усули сифатидаги *қиёслаш* катта аҳамиятга эгадир. Объектлардаги фарқларнинг таъкидланиши айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол эсда олиб қолишнинг ихтисослашувини таъмин этади ва объектларнинг тимсолларини қайта эсга туширилишини қайси йўл билан амалга ошириш кераклигини кўрсатади. Объектлар ўртасида фақат умумий ва айниқса кенг миқёсдаги боғланишлар ҳосил қилиш уларнинг яна қайта эсга туширилишини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Қайта эсга туширишдаги қийинчилик туғилиши кўп жиҳатдан ана шу ҳол билан изоҳланади (масалан, Чеховнинг «Йилқи сифат фамилия» ҳикоясидаги Овсовнинг фамилияси).

Объектлар ўртасидаги фарқлар қанчалик яққол билиниб турган бўлса, уларнинг эсда олиб қолиниши ҳам шунчалик тез ва пухта бўлади. Шу сабабли объектларни қиёслашни яққол билиниб турган фарқларидан бошлаш керак ва фақат шундан кейингина камроқ сезиладиган фарқларга ўтиш мумкин. *И. П. Павлов* тажрибалар ўтказиш натижасида муайян қўзғатувчи таъсирга нисбатан нерв боғланишлари қўзғатувчи ўзинча кўп марталаб таъсир қилганида эмас, балки у дам-бадам таъсир қилиб, биринчи қўзғатувчи билан ўхшаш ва қайта-қайта таъсир қилмаётган бошқа бир қўзғатувчига қарама-қарши қилиб қўйилганда тез ҳосил бўлиши ва бундай боғланишларнинг анча мустаҳкам бўлиши ҳақидаги хулосага келган эди.

Ихтиёрий эсда олиб қолишнинг материални *таснифлаш, системалаштириш* каби анча мураккаб усуллари ҳам объектларнинг ўхшашлиги ва фарқланишига кўра ҳосил бўладиган боғланишларга асосланади.

Материал устида тимсолий боғланишларга кенг таянилган ҳолда мантиқий иш олиб бориладиган бўлса, бу эсда олиб қолишнинг англаб етилганлигини ва мустаҳкамлигини оширади. Шунинг учун ҳам мумкин бўлган жойда ўзимизда эсда олиб қолинаётган материалнинг тегишли тимсолларини ҳосил қилишимиз, уларни материалнинг мазмуни билан боғлашимиз керак.

Эсда олиб қолиниши зарур бўлган мазмунни киши ўзига ўзи қайта айтиб бериш шаклидаги *қайта эсга тушириш* эсда олиб қолишнинг муҳим воситаларидан биридир. Лекин бу усулга, айниқса материал мураккаб, тушунилиши қийин бўлган ҳолларда, материал олдин тушуниб англаб олингандан кейин мурожаат қилингандагина фойда беради. Материални ўз сўзингиз билан қайтариш унинг тушуниб етилишини осонлаштиради. Яхши тушуниб етилмаган материал одатда «бегона» тил шакллари билан боғланган бўлади, яхши тушуниб етилган материал «ўз тилимизга» осонгина «кўчади».

Қайта эсга тушириш, айниқса материални ёд олиш жараёнида эсда олиб қолишни тезлаштиради, уни мақсадга мувофиқлаштиради, негаки, қайтариб айтиш давомида ўзимизнинг заиф томонларимизни аниқлаб оламиз, ўзимизни-ўзимиз назорат қилиб борамиз. Муҳими, қайта эсга тушириш танишиб чиқиш билан алмаштириб қўйилмаслиги керак. Танишиб чиқиш эсга туширишдан кўра осонроқ. Лекин фақат *яна қайта такрорлай олишимиз, эсга тушира олишимиз мумкинлиги ўз билимларимизга муқаррар ишонч тугдиради.*

Ўз ҳажмига кўра кўп марталаб такрорлашни талаб қиладиган ўқув материали уч хил усул билан ё қисмларга бўлиниб, яъни *қисман* эсда олиб қолиш, ёхуд бутунлайича барчасини, яъни *яхлит ҳолида* эсда олиб қолиш, ёки ҳаммасини ва қисмларга ажратиб, *аралаштирилган ҳолда* эсда олиб қолиш усуллари билан эсда олиб қолиниши мумкин. Мақсадга энг мувофиқ усул бирлаштирилган ҳолда эсда олиб қолиш бўлиб, қисмларга

ажратилган ҳолда эсда олиб қолиш камроқ даражада тўғри келади. Қисман эсда олиб қолишда яхлит бир материалнинг умумий мазмунини эсда олиб қолиш мўлжалланмаган бўлади ва шунинг учун ҳам алоҳида қисмлар бир-биридан ажралган ҳолда ёд олинади. Бу эса ёд олинган нарсанинг тезда эсдан чиқиб кетишига олиб келади. Яхлит ҳолда эсда олиб қолиш усули анча унумлироқдир. Бу усулга биноан материалнинг умумий мазмунидан фойдаланиладики, у материалнинг алоҳида қисмлари ўзаро боғланган ҳолда тушунилишини ва эсда олиб қолинишини енгиллаштиради. Лекин бу қисмлар эсда олиб қолиш қийинлиги билан бир-бирдан фарқ қилиши мумкин, бунинг устига материалнинг ўрта қисми, айниқса ҳажми катта бўлганда, унинг бош қисмига ва охириги қисмига қараганда ҳамиша яхши эслаб қолинмайди. Бу ўринда ёд олишнинг ара-лаш ҳолдаги усули қўлланилиши мумкин. Бунда бутун мате-риал олдинга яхлит ҳолида тушуниб ва англаб олинади, ушбу жараён давомида у алоҳида қисмларга ҳам ажратиб чиқила-ди, сўнгра алоҳида қисмлар, айниқса бирмунча қийин қисмлар ёд олинади, охирида эса материал яхлит ҳолида яна бир бор такрорланади.

Ёд олишнинг бундай усули материалнинг бутун мазмунини билиб олиш, унинг қисмларини группаларга ажратиш, группа-лар ичидаги муносабатларни, группалараро боғланишларни аниқлаш каби жараёнларни ўз таркибига оладиган мнемик ҳа-ракатнинг тузилиш хусусиятларига кўпроқ даражада мос кела-ди.

Қайта эсга тушириш мумкинлиги эсда олиб қолишнинг мус-таҳкамлиги бел.иси бўлиши шарт эмас. Шу сабабли ўқитувчи ўқувчилар такрорлаш йўли билан билимларни эсда тобора мустаҳкамроқ сақлаб қолишга эришишлари ҳақида ҳамиша қайғуриши керак. К. Д. Ушинскийнинг сўзлари билан айтганда, билимларнинг такрорланиши тўғрисида уларнинг мустаҳкам эгалланиши ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган ўқитувчини юкни чала-чулпа боғлаб кетаётган ширакайф аравакашга ўхшатиш мумкин: у орқасига ўгирилиб қарамасдан, аравазини ҳадеб олға чоптиргани ва олис йўлни босиб ўтгани ҳақида мақтан-гани билан манзилга қўп-қуруқ аравада келади.

Лекин материал англаб ва тушуниб етилган ҳолда, фаол такрорланган тақдирдагина самарали бўлади. Акс ҳолда бу механик тарздаги эсда олиб қолиш бўлади. Шунинг учун такрорлашнинг энг яхши тури — ўзлаштирилган материални кейинги фаолиятга жалб этишдан иборатдир. Экспериментал таълим тажрибаси шуни кўрсатдики, программадаги материал махсус қатъий вазибалар системасига уюштирилганда (бундан олдинги ҳар бир босқич кейингисини ўзлаштириш учун зарур қилиб қўйилса) материалнинг муҳим қисми ўқувчининг фао-лиятида ҳар гал янги даражада ва янгича боғланишларда му-қаррар равишда такрорланиб туради. Бундай шаронтда керак-ли билимлар ҳатто ёд олинмасдан ҳам, яъни ихтиёрсиз равиш-

да мустаҳкам эсда олиб қолинаверади. Илгари ўзлаштирилган билимлар янги билимлар мазмунига жалб этила бориб, фақат янгиланиб қолмасдан, балки сифат жиҳатидан ўзгаради, бош-қача тарзда англанади.

Билимларнинг ўзлаштирилишида ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолишнинг ўрни

Таълим беришда фақат ихтиёрий эсда олиб қолишга эмас, балки ихтиёрсиз эсда олиб қолишга ҳам таяниш керак. Уларни қиёслаб ўрганиш ҳар бири ҳам ғоят катта фойда келтирадиган муҳим шарт-шароитларни кўрсатиб берди. Бу хилдаги ўрганиш натижалари ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришларида ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолишнинг тутган ўрнини аниқлаш имконини беради.

Объектларни (карточкаларда тасвирланган нарсаларни) таснифлаш жараёнида, яъни фаол ақлий фаолият жараёнида уларнинг ихтиёрсиз эсда олиб қолиниши материални фақат ид-рок этишга асосланган ҳолда амалга ошириладиган ихтиёрий эсда олиб қолишга нисбатан яхшироқ натижаларга олиб келди. Худди шунингдек, ўқувчилар нисбатан мураккаб матннинг мазмунини тушуниб етиш учун план тузиб олганларида уни матнни оддий ўқиб чиқишгагина таянган ҳолда ихтиёрий эсда олиб қолишга қараганда яхшироқ эсда олиб қолишди. Бинобарин, *ихтиёрий эсда олиб қолиш материал устида иш олиб боришнинг мазмунлироқ ва фаолроқ усуллари таянган тақдирда у бундай усуллардан фойдаланмасдан ихтиёрий эсда олиб қолишга нисбатан бир мунча унумлироқ бўлади.*

Материал устида бир хил усулда иш олиб борилаётган шароитларда (масалан, объектларни таснифлашда) мактабгача тарбия ёшидаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларда ихтиёрсиз эсда олиб қолиш анча унумли бўлиб қолгани ҳолда, ўрта синф ўқувчилари ва катта ёшли кишиларда бу аста-секин ўз устунлигини йўқотади, уларда ихтиёрий эсда олиб қолиш тора унумлироқ бўла боради. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолишнинг унумлилиги нисбатида юз берган бу ўзгаришлар билиш ва мнемик ҳаракатлар ўртасида уларнинг шаклланиш жараёнида ҳосил бўладиган мураккаб боғланишлар билан изоҳланади. Мнемик ҳаракатлар билиш ҳаракатлари замирида шаклланиб, улардан орқароқда туради. Таснифлаш билиш ҳаракати сифатида шаклланишнинг муайян даражасига кўтарилган тақдирда эсда олиб қолиш усули родини ўйнаши мумкин. Таснифлашни ўрганиб олгандан кейингина бу ақлий ҳаракатни ихтиёрий эсда олиб қолиш усули сифатида қўлланса бўлади. Бу қонуният тайёр пландан фойдаланилган ёки мустақил план тузиб олган ҳолда ишлаш усуллари билан матнни ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолиш юзасидан ўтказилган тажрибаларда ҳам намоён бўлди.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш материал фаол тушуниб етилишини тақозо қиладиган пайтларда ўқувчилар томонидан *билиш* жараёни билан боғлиқ вазифани бажариш чоғида энг юқори унумдорлигига эришилган бўлади. Бундай ҳолларда ихтиёрий

эсда олиб қолишдан кўра ихтиёрсиз эсда олиб қолиш бир мунча унумли бўлиб чиқади, негаки, тушуниб етиш жараёнини мнемик вазифани бажариш билан бирга қўшиб олиб бориш қийин ёки мутлақо мумкин эмас. Ихтиёрий эсда олиб қолиш материалнинг тушуниб етилиши мнемик вазифани бажаришга тамомила бўйсундирилиши мумкин бўлган пайтларда энг юксак унумдорлик даражасига кўтарилади. Янги материал ўрганилаётган пайтда ихтиёрсиз эсда олиб қолишга таянган ҳолда ишлаш керак, материални мустаҳкамлашга келганда эса мнемик вазифа қўйилиши лозим. Шундай қилиб, *билиш ва мнемик вазифаларни ажратиб олиш ва фарқлаш* билимларнинг эсда олиб қолинишига раҳбарлик қилишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

III. 11.5. Қайта эсга тушириш

Қайта эсга туширишни психиканинг илгари мустаҳкамланган мазмунини узоқ муддатли хотирадан чиқариб олиш ва уни амалий хотирага ўтказиш йўли билан актуаллаштирилиши содир бўладиган хотирлаш жараёни сифатида таърифлаш мумкин.

Актуаллаштириш жараёни (илгари ўзлаштирилган материални қайта тиклаш) содир бўлишининг турлича қийинлик ёки осонлик даражаси билан: бизни қуршаб турган нарсаларни «автоматик» равишда танишдан то эсдан чиқариб юборилган нарсаларни қаттиқ қийналиб эсга туширишга қадар даражаси билан таърифланиши мумкин. Шунга кўра қайта эсга тушириш жараёнининг ичида унинг ҳар хил турларини алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда уларни қўйидагича тартибда жойлаштириш мумкин: *таниш, хусусан қайта эсга тушириш* (у ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлиши мумкин) ва *эслаш*. Бунда шахснинг тарихий хотираси бўлмиш хотирлаш алоҳида ўрин эгаллайди.

Таниш

Таниш бирон бир объектни такроран идрок қилиш шароитида қайта эсга тушириш демакдир.

Таниш катта ҳаётий аҳамиятга эга. Таниш бўлмаганда биз ҳар гал нарсаларни аввалдан таниш бўлган нарсалар деб эмас, балки янги нарсалар деб идрок қилган бўлув эдик. Таниш ҳамиша бизнинг тажрибамизни теварак-атрофимиздаги объектларни идрок қилишимиз билан боғлайди ва бу билан бизга атрофимиздаги воқеликда тўғри мўлжал олиш имконини беради.

Таниш ўзининг *аниқлиги, яққоллиги ва тўлаллигига* кўра ҳар хил бўлади. У *ихтиёрсиз ёки ихтиёрий* жараён тарзида амалга оширилиши мумкин. Одатда таниш тўлақонли, яққол ва муайян тарзда юз берса, у бир лаҳзалик ихтиёрсиз ҳодиса тариқасида амалга оширилади. Идрок этиш жараёнида илгари биз идрок қилган нарсани ихтиёрсиз равишда, бирон бир куч-ғайрат ишлатмасдан, ўзимиз сезмаган ҳолда таниб оламиз. Ихтиёрсиз таниш кишининг ҳар кунги фаолияти билан қўши-

либ кетади. Бироқ таниш жуда ҳам чала-ярим ва шунинг учун ноаниқ бўлиши мумкин. Жумладан, бирон кишини кўрганимизда уни ўзимизга «танишдек ҳис қиламиз», лекин уни биз илгари билган кишига айнан ўхшатишга ожизлик қиламиз. Шундай ҳолатлар бўладик, биз кўриб турган кишимизни таниймиз, лекин илгари уни қандай шарт-шаронтларда идрок этганимизни эслай олмаймиз. Гоят чала-ярим ёки етарли даражада тўла бўлмаган таниш ҳолларда бу жараён мураккаб ихтиёрий тус олиши мумкин. Объектни идрок қилишга таянган ҳолда уни билишимизни аниқлаб олиш мақсадида атайлаб турли хилдаги ҳолатларни эсга туширамиз. Бундай ҳолда билиш қайта эсга тушириш жараёнига айланиб қолади.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий қайта эсга тушириш Аслида қайта эсга тушириш, танишдан фарқли ўлароқ, *қайта эсга тушириладиган объектни қайта идрок қилинмаган ҳолда амалга оширилади*. Қайта эсга тушириш, гарчи бу фаолият қайта эсга туширишга атайлаб йўналтирилган бўлмаса ҳам, одатда киши муайян пайтда амалга ошираётган фаолиятининг мазмунидан келиб чиқади. Бундай тарзда қайта эсга тушириш *ихтиёрсиз* эсга тушириш бўлади. Бироқ у ўз-ўзидан бирон бир турткисиз юз бермайди. Нарсаларнинг идрок этилиши ўз навбатида, муайян ташқи таъсирлар остида ҳосил бўлган тасаввурлар, ўй-фикрлар ихтиёрсиз эсга туширишга туртки бўлади. Ихтиёрсиз қайта эсга тушириш ҳатто тасодифий идрок қилинган объектлар туфайли содир бўлган тақдирда ҳам, алғов-далғов бўлмасдан, балки йўналтирилган тусда бўлади. Бунда қайта эсга туширилган тимсооллар ва ўй-фикрларнинг йўналиши ҳамда мазмуни бизнинг ўтмишдаги тажрибамизда таркиб топган боғланишлар билан белгиланади.

«Бизнинг болалигимиз ўтган эски уйда,— деб ёзган эди *И. М. Сеченов*,— унинг ҳар бир бурчаги ўтмиш манзаралари билан тўлиб тошган... воқеалар ва қиёфалар уларни қуршаб турган ташқи вазият билан қўшилиб, хотирада ўрнашиб қолган ҳолда худди ёд олинган шеър каби чамбарчас боғланган гуруҳ ёки уюшмани ташкил қилади ва бундай гуруҳлар уларнинг исталган бир бўғинига ишора қилиниши биланоқ қайта эсга туширилиши мумкин...»¹. Баъзида қайта эсга туширишга сабаб бўлган турткини биз пайқамай қоламиз ва шундай пайтда қайта эсга тушириш бизга гўё ўз-ўзидан содир бўлгандек туюлади.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш объектларни тасодифий идрок қилиш билан юзага келмай, балки у муайян пайтда киши бажараётган маълум бир фаолиятнинг мазмуни билан юзага келса йўналтирилган ва уюшган бўлиши мумкин. Жумладан, кишида ўқиган китобнинг мазмуни таъсири остида унинг ўтмишдаги тажрибасини ихтиёрсиз тарзда қайта эсга тушириши

¹ *Сеченов И. М.* Элементы мысли — Избранные философские произведения. М., Госполитиздат, 1947, 449-бет.

анча йўналтирилган ва уюшган бўлади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ихтиёрсиз эсга туширишни худди ихтиёрсиз эсда олиб қолиш каби бошқариш мумкин ва лозим. Уқитувчи дарсни қанчалик системали ва мантиқий қилиб ташкил этса, ўқувчиларнинг дарс пайтида ўтмишдаги тажриба мазмунини ихтиёрсиз эсга туширишлари ҳам шунчалик кўп даражада уюшган бўлади.

Ихтиёрий қайта эсга тушириш киши қайта эслаш юзасидан ўз олдига қўядиган вазифага кўра содир бўлади. Материал яхши мустаҳкамланган ҳолларда у осонгина қайта эсга тушади. Бироқ баъзан керакли нарсаларни эслай олмаймиз ва бунда муайян қийинчиликларни енгиб фаол қидирув ишларини олиб боришимизга тўғри келади.

Бундай қайта эсга тушириш *эслаш деб* аталади,

Эслаш ҳам худди ихтиёрсиз эсда олиб қолиш каби жуда мураккаб ақлий иш бўлиши мумкин. Яхши эслай олишга ўрганиш лозим бўлади. Ўз билимларидан самарали фойдалана олишга тайёрлик ана шунга боғлиқдир. Одатда, яхши эсда олиб қолиниши яхши қайта эсга туширилишини таъминлайди. Лекин эслашнинг муваффақиятли бўлиши, кўп жиҳатдан, эслаш қандай шароитларда ва қандай амалга оширилганига боғлиқ бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, *эслашнинг муваффақиятлилиги қайта эслаш юзасидан қўйилган вазифанинг мазмунини қанчалик яққол ва аниқ англаб олинишига боғлиқдир*. Эслашда қийинчилик туғилгандай бўлса, қайта эслаш юзасидан қўйилган вазифа тўғрисидаги кенг билимлар доирасидан тобора торроқ билимлар доираси сари, хусусан, қайта эслаш вазифаси сари ҳаракат қилиш зарур. Бунда қайта эсга туширилган нарсаларни қайта эсга тушириш лозим бўлган нарсалар билан солиштириб, боғланишларни таққослаб кўришдан кенг фойдаланиш керак. *Эслаш ҳам эсда олиб қолиш каби* танлаш характериغا эга. Яхши англанилган ва нутқда аниқ ифодаланган қайта эслаш вазифаси эслашнинг бундан кейинги йўналишини бошқаради, хотирамиздан керакли материални танлаб олишга ва ёрдамчи боғловчиларни тўсишга ёрдам беради.

Эслашнинг муваффақиятлилиги эслашнинг қандай усуллари билан фойдаланилганига боғлиқдир. Эслаш усуллари орасида энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: эсланиши лозим бўлган материалнинг планини тузиш; ўзида тегишли объектларнинг образларини фаол намоён қилишга интилиш, керакли нарсани қайта эсга туширишга бошқа йўллар билан олиб келувчи билвосита боғланишларни атайлаб ҳосил қилиш.

Эслашнинг муваффақиятлилиги эслаш вазифасини бажа-ришнинг қанчалик асослаб берилганига жиддий равишда боғлиқдир.

Эслаш ўтмишдаги таъсиротларни оддий қайта эсга туширишдан иборат эмас. Илгари ўзлаштирилган билимлар қайта эсга туширилганида янги билимлар билан боғланади, янгича

тартибга солинади, чуқур англаб олинади. Қайта эсга тушириш ҳодисасига эслаш имкониятига ишонч катта таъсир кўрсатади.

Хотирлаш

Хотирлаш ўтмишимизнинг вақт ва фазодан муайян ўрин олган тимсолларини қайта эсга туширишдан иборатдир. Хотирлашда биз ўтмиш объектларини фақат қайта эсга туширибгина қолмай, балки уларни муайян вақт ва жойга мансуб ҳисоблаймиз, яъни биз уларни қаерда, қачон ва қандай шароитларда идрок қилганимизни эслаймиз, уларни ҳаётимизнинг муайян даври билан боғлаймиз, бу объектларнинг даврий изчиллигини англаймиз.

Ҳар бир кишининг ҳаёт тарихи ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари эса киши хотираларининг мазмунини вақтда жойлаштириш учун таянч пунктлари бўлиб хизмат қилади. Бирон нарсани хотирлар эканмиз, бу ҳодиса Октябрь 50 йиллиги арафасида бўлган эди, бу Улуғ Ватан урушидан сўнг бўлган эди ва шунинг кабилар деймиз. Хотирлаш, шунингдек қайта эсга туширилаётган ҳодисаларнинг мазмунини, уларнинг изчиллигини ва улар ўртасидаги сабабий боғланишларни англаш учун зарур бўлган мураккаб ақлий фаолият билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам хотираларимизнинг мазмуни ўзгармасдан қолмайди. У шахс йўналишининг эволюцияси билан боғлиқ равишда қайта қурилиб ва қайта англанилиб боради.

Хотирлаш кишининг шахсий ҳаётига у ёки бу тарзда боғлиқ бўлганлиги учун ҳам доимо бир қатор ҳиссиётлар билан бирга юз беради.

III. 11.6. Унутиш ва эсда сақлаш

Унутиш

Унутиш процесси озми ёки кўпми даражада чуқур бўлиши мумкин. Унутилган образлар ёки фикрларнинг актуаллаштирилиши шунга кўра маълум даражада қийинлашади ёки умуман мумкин бўлмай қолади. Маълум материал шахс фаолиятига қанчалик кам қўшилса, актуал ҳаётий мақсадларга эришишда қанчалик аҳамияти камайиб борса, уни унутиш шунчалик чуқур бўлади. Бунда бирон материални эслай олиш мумкин эмас, бу материал батамом йўқолиб кетган, шахснинг тажрибасидан мутлақо чиқиб кетган, деган маъно чиқмайди. Материалнинг конкрет «фактик» формаси унутилади, лекин материалнинг муҳим, барқарор аҳамиятли мазмуни тегишли билимлар ва иш-ҳаракат формаларига қўшилиб кетади ва ана шу иш-ҳаракат формаларида умумлашган ҳолда қайта тикланади. *И. П. Павлов*нинг тажрибаларида исботланганидек, сўниб қолган рефлекслар ўзларининг қайта тикланишлари учун аввал бошда ҳосил қилинган рефлексларига қараганда камроқ такрорлашни талаб қилади. Бундан ташқари, сўниб қолган рефлекслар маълум шароитларда тормозланиш ҳолатидан халос бўлиши мумкин. Эсимиздан аллақачонлар чи-

қиб кетгандек бўлиб кўринган нарсаларнинг айрим ҳолларда тўсатдан, кутилмаганда қайта эсимизга тушиб қолиш ҳодисаларининг сабаби ана шунда. Масалан, бир одам жуда кўп йиллар илгари ўрганган ва ундан сўнг кўп йиллар фойдаланмаслик натижасида эсидан чиқиб кетгандек бўлиб туюлган немис тилида касаллик ҳолатида гапира бошлаган.

Принципиал жиҳатдан олганда унутиш мақсадга мувофиқ ҳодисадир. Шахснинг фаолияти таркибига қўшилиб, унинг учун аҳамиятли бўлиб қолган нарсалар унутилмайди. Фаолият таркибига қўшилиш материални инсон эҳтиёжи билан боғлашнинг ва шундай экан, унутмаслик учун курашнинг ҳам ишончли воситасидир. Фаолият таркибига қўшилишнинг ана шундай усулларидан бири эсда сақланиши лозим бўлган нарсанинг мунтазам суръатда такрорланишидан иборатдир.

Бирмунча беқарор ва шу билан бирга вақтинчалик унутиш манфий индукциянинг таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Жумладан, материални ёд олиш пайтида, бегона ёт кучли қўзғатувчилар эсда олиб қолиш самаралилигини пасайтириб, янги муваққат боғланишларнинг ҳосил қилинишини ё қийинлаштириши, ёки илгари ҳосил қилинган боғланишларнинг изларини кучсизлантириши ва бу билан унутишни юзага келтириши мумкин. Бундай унутиш олдинги фаолият (*проактив*, яъни «олдидан таъсир қилувчи» *тормозланиш*, яъни кейинги фаолиятдан ишлаб чиқилган *ретроактив*, яъни «орқага қараб ҳаракат қилувчи» *тормозланиш*) таъсири билан боғланганига салбий таъсири ёрдамида ёки аксинча таъсири остида пайдо бўлади. Агар олдинги ёки кейинги фаолият мураккаб ёки мазмун жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлса, тормозланиш айниқса яққол намоён бўлади.

Бундан муҳим педагогик хулосалар келиб чиқади. Биринчидан, бир материалдан бошқа материалга ўтишда кичкина танаффус қилиб, ақлий меҳнатдан дам олиш зарур. Иккинчидан, уй вазифаларни тайёрлашда имконият борича мазмун жиҳатидан ўзаро камроқ ўхшашларини тайёрлаш лозим: масалан, адабиётдан сўнг тарихни эмас, балки алгебрани тайёрлаш керак. Дарс жадвалини тузишда ҳам ана шу қоидага риоя қилиш керак.

Проактив ва ретроактив тормозланиш қандайдир бир фаолият доирасида ҳам, жумладан, берилган материални ўрганиш жараёнида намоён бўлиши мумкин. Маълумки, материалнинг ўрта қисми олдинги ва охириги қисмларига қараганда ёмон эсда сақланиб қолади, материалнинг ўрта қисми, агар материал ҳамми жиҳатидан катта бўлса, проактив ва ретроактив тормозланишнинг салбий таъсирига учрайди. Шунинг учун материалнинг ўрта қисми кўп марта такрорлашни талаб қилади. Бир меъёрда, секинроқ суръат билан ишлашга риоя қилиш зарур: диққатни предмет устида узоқроқ тутиб туриш керак; фақат шундагина қўзғатишлар мияда мустаҳкамланади.

Вақтинча унутиш тегишли мия пўстлоғи ҳужайраларининг зўриқиши натижасида пайдо бўладиган ҳаддан ортиқ тормозланиш сабабли ҳам юзага келиши мумкин. Толиққан пайтда эсда олиб қолишнинг кескин пасайиб кетиш сабаби ҳам шунда. Эсдан чиққан нарсалар ҳам нерв ҳужайралари нормал ишлай бошлаганидан сўнг қайта эсга туширилиши мумкин.

Манфий индукция ва ҳаддан ортиқ тормозланиш туфайли юзага келиши мумкин бўлган вақтинча унутиш билан *реминисценция* ҳодисаси боғлиқ бўлади. Бу нарса шунда ҳам намоён бўладики, хотирлаш кейинроқ амалга оширилганига қараганда янада тўлароқ амалга оширилган қайта эсга тушириш бирмунча тўлароқ бўлади. Бу нарса кўпинча ҳажм жиҳатдан каттароқ материални эсда олиб қолишда содир бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, реминисценция катта ёшли одамларга қараганда болаларда кўпроқ учрайди. Ўқув ишларида реминисценциянинг пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Материални эслаш учун бўлган ҳаддан ташқари кучли хоҳиш натижасида тормозланиш юзага келади. Вақт ўтгач, одам қандайдир бошқа иш билан бўлиб ва тормозланиш тарқалиб кетади, ана шундай пайтда эсга туширилиши лозим бўлган нарса баъзан хотирага келиб қолади.

Бинобарин, қайта эсга тушириш ва ҳатто таниш имкониятининг йўқлиги тўла унутиш кўрсаткичи эмас. Ўқишда вақтинча унутишни такрорлаш воситасида бартараф қилиш мумкин бўлган узоқ муддатли унутишдан ажратиш муҳим эканлигини фарқлаш керак. Баъзан ўқувчи билимларини баҳолашдаги тушунмовчилик шарт-шароитларни ҳисобга олмай, балки вақтинча унутишни узоқ муддатли унутиш деб ҳисоблаш билан боғлиқ бўлади. Бунда балки ўқитувчининг ўзи айбдор бўлиши мумкин.

Муваққат нерв боғланишларининг узоқ муддат сақланиб қолиши учун аввало уларнинг *мустаҳкамлик даражаси* аҳамиятлидир. Муваққат нерв боғланишлари қанчалик кам мустаҳкамланган бўлса, улар шунчалик тез сўниб қолади ва аксинча. Демак, материални аввал бошданоқ пухта ўрганмоқ лозим. Пухта мустаҳкамланган нарса узоқ вақт эсда сақланиб қолади ва кам унутилади.

Мустаҳкамланаётган материалга *қизиқиш*нинг бўлиши материални узоқроқ эсда сақлашга олиб келади.

Унутиш суръатлари Унутиш вақтга боғлиқ бўлади. Бунинг биринчи марта экспериментал равишда немис психологи *Эббингауз* (1850—1909) аниқлаган. Унинг кўрсатишича, *унутиш материал ёд олингандан сўнг айниқса тез рўй беради, ундан кейин эса унутиш анча секинлашади*. Эббингауз бу қонуниятни айрим маъносиз бўғинларни унутиш устида олиб борган ишларида тасдиқлади. Ундан кейин ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар унутиш суръати материалнинг мазмунига, унинг қанчалик англанганлигига боғлиқлигини кўрсатади.

Материал қанчалик яхши англанган бўлса, у шунчалик секин унутилади. Ўқув ишларида бу қонуниятни ҳисобга олиш муҳимдир. Унутишнинг олдини олиш лозим. К. Д. Ушинский айтганидек, «хотиранинг табиатини тушунувчи тарбиячи емирилаётган иморатни тузатишга эмас, балки бинони мустаҳкамлаш ва унинг устига янги бир қават қўйиш учун такрорлашга сўзсиз мурожаат қилади»¹.

Эсда сақлаш шартлари Унутиш фақат вақтнинг функцияси эмас. Худди эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш каби у ҳам танлаб унутиш характериға эгадир. Ўз мазмуни билан инсон эҳтиёжлари, инсоннинг чуқур қизиқишлари, инсон фаолиятининг мақсадлари билан боғлиқ бўлган барқарор аҳамиятли материал секинроқ унутилади. Одам учун айниқса катта ҳаётий аҳамиятга эга бўлган нарсаларнинг кўплари мутлақо эсдан чиқмайди. *Материалнинг эсда сақланиши шахс фаолиятида унинг қатнашиши даражаси билан белгиланади.*

Унутиш эсда олиб қолинадиган материалнинг ҳажмига боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миқдор ва сифат жиҳатдан бир хилда иш олиб борилган бўлса, ёд олинган материалнинг эсда сақланиш проценти маълум вақт оралиғидан сўнг шу материалнинг ҳажмига нисбатан тескари пропорционал муносабатда бўлади. Шу сабабли, ўқувчиларга эсда олиб қолиш учун бериладиган материални дозаларга бўлиб бериш жуда муҳимдир.

Бироқ унутиш илгари идрок қилинган материал ҳажминини соф миқдорий камайишидангина иборат эмас. Эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш жараёнида хотирада мустаҳкамланган материал маълум сифат ўзгаришларига учрайди. Шу муносабат билан материалнинг турли қисмлари бир хилда унутилмайди. Утказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, материалнинг асосий қоидалари эсда яхшироқ сақланиб қолади. Айрим маъно бирликлари чалароқ эсланиб қолади, материалнинг текстуал мазмуни эсда жуда кам сақланади. Шу сабабдан хотирада сақланиб қоладиган материал тобора умумлашган характерга эга бўла боради.

Шундай қилиб билимларни унутишга қарши курашишнинг асосий воситаси бундан кейинги фаолиятларда билимлардан фойдаланиш, уларни амалда қўлланишдан иборатдир. Бу эса ўтмишдаги билимларни фақат эсда сақлашга эмас, балки чуқурроқ ўзлаштиришга олиб келади.

III. 11.7. Хотирадаги индивидуал фарқлар

Хотира жараёнларидаги индивидуал фарқлар

Одамлар хотирасидаги индивидуал фарқлар хотира жараёнларининг хусусиятларида, яъни бошқача қилиб айтганда, ҳар турли одамларда

¹ Ушинский К. Д. Материалы к 3-му тому «Педагогической антропологии». — Собр. соч., РСФСР Педагогика фанлари академияси нашриёти. М. — Л., 1950. 10- том. 425- бет.

эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш қандай қилиб амалга оширилишида ва хотира мазмунининг хусусиятларида, яъни нималар эсда олиб қолинишида намоён бўлади. Бу иккиёқлама ўзгаришлар ҳар бир одам хотирасининг самарадорлигини турли томондан белгилайди.

Хотира жараёнларида индивидуал фарқлар эсда олиб қолишнинг тезлигида, аниқлигида, мустаҳкамлигида ва қайта эсга туширишга тайёрлигида ифодаланади. Эсда олиб қолиш тезлиги у ёки бу киши учун маълум ҳажмдаги материални эсда олиб қолишга талаб қилинадиган такрорлаш миқдори билан белгиланади. Эсда олиб қолишнинг мустаҳкамлиги ёд олинган материалнинг қанча вақт эсда сақланиши ва унутиш тезлиги даражаси билан ифодаланади. Ниҳоят, хотиранинг тайёрлиги одам ўзига зарур бўлган нарсаларни керак бўлган пайтда қанчалик осон ва тезлик билан эслай олишида ифодаланади. Бу фарқлар маълум даражада юксак нерв фаолияти типларининг хусусиятлари билан, қўзғатиш ва тормозланиш жараёнларининг кучли ҳамда ҳаракатчанлиги билан боғлиқдир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган хотира жараёнларидаги индивидуал фарқлар ҳаёт ва тарбия шароитларининг таъсири билан ўзгаради. Шунинг учун хотиранинг юқорида кўрсатилган хусусиятлари хотирани тарбиялаш шароитлари билан белгиланади ва биринчи навбатда ҳар бир кишида эсда олиб қолишнинг рационал усуллари қанчалик таркиб топганлигига боғлиқдир. Улар ишда аниқлик ва батартиблик бўлиши билан, ўз вазифаларига жавобгарлик сезиши билан, уларни бажаришда жонбозлик кўрсатиши ва бошқа шу кабиларга одатланиши билан боғлиқдир. Хотиранинг тайёрлиги, бундан ташқари, билим олиш ва уларни мустаҳкамлашнинг мунтазамлиги билан боғлиқдир.

Хотира турлари Хотирадаги индивидуал фарқлар ана шундай ҳолларда намоён бўладики, бир хил одамлар образли материалларни (нарсаларни, тасвирларни, товушларни, рангларни ва шу кабиларни) бирмунча самарали эсда олиб қоладилар, бошқа бировлари эса сўз материалларни (тушунчалар, фикрлар, сонлар ва ҳоказоларни) яхши эсда сақлаб қоладилар, учинчи бир тоифа одамларда эса муайян материални эсда олиб қолишда яққол устунлик сезилмайди. Шунга мувофиқ равишда, психологияда *хотиранинг кўрғазмали-образли, сўз-абстракт ва оралиқ турлари фарқланади*. Хотиранинг бу турлари маълум даражада одамларнинг олий нерв фаолиятларидаги биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро муносабатига боғлиқдир. Ҳаёт фактларининг тасдиқлашича, эсда олиб қолишда образлар ёки фикрларнинг устунлик қилиши, биринчи навбатда одамларнинг ҳаёт шароитлари ва фаолияти билан белгиланади. Ҳаёт, касбий фаолият талаблари у ёки бу турдаги хотиранинг озми-кўпми даражада ёрқинроқ намоён бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, хотиранинг кўрғазмали-образли тури кўпроқ рассомларда, сўз-абстракт тури

кўпроқ назариячи олимларда учрайди. Лекин одатда хотиранинг у ёки бу турининг устунлиги кузатилмайди.

Турли таассуротларни эсда олиб қолаётганда қайси анализаторнинг энг маҳсулдор бўлишига қараб, *хотиранинг кўргазмали-образли тури* дифференциаллашади. Шунга мувофиқ *хотиранинг ҳаракат, кўриш ва эшитиш турлари* фарқ қилинади. Лекин хотиранинг бу турлари соф ҳолда кам учрайди. Кўпинча хотиранинг: *кўриш-ҳаракат, кўриш-эшитиш, эшитиш-ҳаракат* каби *аралаш* турлари кўпроқ учраб туради. Киши ўз хотирасининг тегишли хусусиятларидан хотира маҳсулдорлигини ошириш усули сифатида фойдаланади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг хотирасидаги индивидуал фарқларни ҳисобга олиши зарур. Шунинг билан бирга у ўқувчиларнинг хотирасини (ҳам кўриш, ҳам эшитиш, ҳам ҳаракат) ҳар томонлама ривожлантириши керак. Ўқув материали хилма-хиллигининг ўзи ҳам шунга талаб қилади: ўқув материалнинг хилма-хиллиги ўқувчилар хотирасини ҳар томонлама ривожлантириш учун максимал қулай шароит яратади.

Ўспиринлик ёшидаёқ хотира фақат тарбия объекти эмас, балки ўз-ўзини тарбиялаш объекти ҳам бўлиши керак. Хотирани шакллантириш қонуниятларини билишга асосланган тақдирдагина хотиранинг ўз-ўзини тарбиялашида анчагина ютуқларга эришилади. Шу муносабат билан хотирада материалнинг сунъий мустаҳкамланишини таъмин этадиган расмий усуллар биргаликда келишини билдирадиган *мнемониканинг* фойдаси тўғрисида гапириш керак. Лекин мнемоника фақат мантиқий мазмунни алмаштиради ва ҳеч қачон унинг ўрнини босмайди. Шахснинг мазмунли билиш фаоллиги маъноли хотиранинг ривожлантириш асосидир.

Адабиётлар

Зинченко П. И. Непроизвольное запоминание. М., РСФСР, ПФА нашриёти, 1961.

Забродин Ю. М., Лебедев А. Н. Психофизиология и психофизика, М., Наука, 1977.

Лурия А. Р. Нейропсихология памяти. М., Педагогика, 1974.

Смирнов А. А. Проблемы психологии памяти. М., Просвещение. 1966.

Соколов Е. Н. Механизмы памяти. М., МДУ нашриёти, 1969.

Фресс П., Пиаже Ж. Экспериментальная психология. Вып. IV, М., Прогресс, 1973.

Хрестоматия по общей психологии. М., МДУ нашриёти, 1981, «Хотира» боби.

Иванов С. М. Отпечаток перстня. М., Знание, 1973.

Лурия А. Р. Маленькая книжка о большой памяти. М., МДУ нашриёти. 1968.

Лурия А. Р. Потерянный и возвращённый мир. М., Педагогика, 1971.

III. 12.1. Тафаккурнинг умумий характеристикаси

Кишининг бутун ҳаёти унинг олдига ҳамиша жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ва муаммоларни қўяди. Бундай муаммоларнинг, қийинчиликларнинг, тасодифларнинг юзага келиши атрофимиздаги воқеликда ҳали жуда кўп номаълум, тушуниб бўлмайдиган, кутилмаган, яширин нарсалар борлигидан далолат беради. Демак, оламни борган сари чуқурроқ ўрганиб бориш, унда одамлар ва нарсаларнинг тобора янги-янги жараёнларини, хусусиятларини ва ўзаро муносабатларини очиш лозим. Тафаккур шунинг учун ҳам зарурки, ҳаёт ва фаолият давомида ҳар бир индивид нарсаларнинг қандайдир янги, илгари маълум бўлмаган хусусиятларига дуч келади. Утмишдаги билимларимизнинг камлиги билиниб қолади. Кoinот чексиз бўлганидек, уни билиш жараёни ҳам чексиздир. Тафаккур ҳамиша ҳали билиб олинмаган, янгиликнинг ана шундай чексиз чуқур жиҳатларига қаратилган бўлади. Ҳар бир одам тафаккур қиларкан, бунинг билан шу пайтгача қандайдир янгиликни, номаълум нарсани мустақил равишда кашф қилади (бу инсоният учун эмас, балки фақат «ўзи учун», арзимас бўлса ҳам, ҳар ҳолда янгилик кашф этади). Масалан, ҳар бир ўқувчи бирон ўқув вазифасини ҳал қилар экан, ўзи учун албатта қандайдир янгилик очади.

Тафаккур — жиддий равишда янгиликни қидириш ва очишга социал жиҳатдан боғлиқ, алоқадор психик жараёндир, унинг таҳлили ва синтези жараёнида воқеликни бавосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир. Тафаккур амалий фаолият асосида ҳиссий билишлардан пайдо бўлади ва ҳиссий билиш чегарасидан анча ташқарига чиқиб кетади.

Ҳиссий билиш ва тафаккур Билиш фаолияти сезиш ва идрок қилишдан бошланади ва кейин тафаккурга ўтиб кетиши мумкин. Бироқ истаган тафаккур, ҳатто энг ривожланган тафаккур ҳам ҳамиша ҳиссий билиш билан, яъни сезги, идрок ва тасаввурлар билан боғланган бўлади. Тафаккур фаолияти ўзининг бутун «материалини» фақат битта манбадан, яъни ҳиссий билишдан олади. Тафаккур сезгилар ва

идрок қилиш жараёнлари орқали ташқи олам билан бевосита боғланади ҳамда шу тариқа оламни акс эттиради. Бу акс эттиришнинг тўғрилиги (адекватлиги) амалий фаолият орқали табиат ва жамиятни амалий ўзгартириш жараёнида узлуксиз текширилиб турилади.

Оламнинг сезгиларимиз ва идрокларимиз орқали бизга ҳар кунни берилаётган ҳиссий тасвири жуда зарур, лекин олам тасвирини чуқур, ҳар томонлама билиш учун етарли эмас. Биз бевосита кузатаётган воқеликнинг бу ҳиссий тасвирида турли нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва бошқа шу кабиларнинг мураккаб ўзаро таъсирлари, уларнинг ҳали мутлақо етарли равишда ажратилган эмас. Бизнинг идрокимизда ўзининг хилма-хиллиги ва бевоситалиги билан намоён бўладиган бу ҳамма ўзаро муносабатлар ва алоқалар чигалини фақат биргина ҳиссий билиш ёрдами билан «ечиб» бўлмайди. Масалан, аллақандай бир танага тегиб турган қўлдан келаётган ҳаракат сезгиси ана шу тананинг ҳарорат ҳолатини бир хилда характерлаб бера олмайди. Мана шу ҳарорат сезгиси, биринчидан, мазкур нарсанинг иссиқлик ҳолати билан, иккинчидан, кишининг ҳолати билан (иккинчи ҳолда ҳамма гап қандай танага — иссиқроқ нарсагами ёки совуқроқ нарсагами қўлини тегизиб турганлигига боғлиқ) белгиланади. Мана шу содда мисолнинг ўзидаёқ ҳиссий билиш учун юқорида кўрсатилган боғлиқликнинг ҳар иккиси бўлинмаган бир бутун ҳолатда намоён бўлади. Идрок қилиш жараёнида субъект (одам) билан билинаётган объект ўртасидаги ўзаро таъсирнинг умумий мажмуи натижаларигина берилган бўлади. Лекин яшаш ва ҳаракат қилиш учун аввало ташқи оламдаги нарсаларнинг ўзи қандай эканлигини, одамга қандай бўлиб кўринишидан қатъи назар ва умуман уларни билиб бўлиш ёки билиб бўлмаслигидан қатъи назар, объектив суръатда билиш керак.

Модомики, субъектнинг билиш лозим бўлган объект билан ўзаро таъсири натижасини фақат ҳиссий билиш доирасидагина ана шундай умумий, мажмуи, бевосита ўзаро ҳаракат самарасига тўла ажратиш мумкин эмас экан, демак, сезги ва идроклардан тафаккурга ўтиш лозим бўлади. Тафаккур қилиш давомида ташқи оламни бундан кейинги, янада чуқурроқ билиш амалга оширилади. Бунинг натижасида нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ўртасидаги мураккаб ўзаро боғланишларни ажратиш, ечиш мумкин бўлади. Таннинг ҳарорат ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ бўлган юқоридаги оддий мисолнинг узидан яна фойдаланамиз. Тафаккур туфайли юқорида кўрсатилган ҳар икки ўзаро боғланиш ҳолатини бир-биридан қандайдир ажратиш, абстракциялаштириш имконияти туғилади. Бунга бавосита билиш йўли билан эришилади. Нарсанинг иссиқлик ҳолатини бевосита шу нарсага тегиб турган қўлнинг иссиқлик сезгиси орқали эмас, балки *бавосита*, яъни термометр ёрдами билан ўлчаш мумкинлиги туфайли, шу нарсанинг иссиқлик

ҳолатини аниқлаётган одамнинг ҳолатига боғлиқлигига ўрин қолмайди. Натижада нарсанинг ҳиссий образи фақат шу нарсанинг ўзи орқали, яъни объектив суратда, бир хилда аниқланади. Абстракт, мавҳум бавосита тафаккур ана шундай ҳаракат қилади, бундай тафаккур нарсанинг бошқа хусусиятларини чуқурроқ билиш учун (мазкур нарсанинг ҳақиқий ҳароратини — температурасини ва шунинг кабиларни) унинг айрим хусусиятларидан (масалан, қўлнинг ташқи буюм билан бўладиган ўзаро таъсиридан) четлашади.

Киши тафаккур жараёнида сезги, идрок ва тасаввур маълумотларидан фойдаланаркан, шу билан бирга, *ҳиссий билиш чегарасидан* четга чиқади, яъни ташқи оламдаги шундай ҳодисаларни, уларнинг хусусиятлари ва ўзаро муносабатларини била бошлайдики, улар сезгиларимизда *бевосита* мутлақо берилмаган бўлади ҳамда шунинг учун умуман бевосита кузатиш мумкин бўлмайди. Масалан, ҳозирги замон физика фанининг энг мураккаб муаммоларидан бири элементар заррачалар назариясини яратишдир. Бироқ бу ғоят майда заррачаларни, ҳатто ҳозирги замондаги энг қудратли микроскоп ёрдами билан ҳам кўриб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, уларни бевосита идрок қилиб бўлмайди; уларни кўриш мумкин эмас — улар ҳақида фақат тафаккур қилиш мумкин. Абстракт, мавҳум бавосита тафаккур туфайли, бундай кўзга кўринмайдиган элементар заррачаларнинг воқеликда ҳақиқатан борлиги ва муайян хусусиятларга эга эканлигини исботлаш мумкин бўлди. Бевосита кузатиб бўлмайдиган заррачаларнинг бу хусусиятларини ҳам тафаккур жараёнида тўғридан-тўғри йўл билан эмас, балки бошқача йўл билан, яъни бавосита йўл билан билинади.

Шундай қилиб, тафаккур ҳиссий билиш энди етарли бўлмай қолган ёки ҳатто ожизлик қилиб қолган жойда бошланади. Тафаккур сезги, идрок ва тасаввурларнинг билиш билан боғлиқ бўлган ишларини давом эттиради ва ривожлантиради ҳамда уларнинг чегараларидан ташқарига ҳам чиқиб кетади. Тасаввур ҳаракатни бутунисича қамраб ололмайди, масалан, ҳар секундига 300 000 км тезликдаги ҳаракатни қамраб ололмайди, *тафаккур* бўлса, уни қамраб олади ва олмоғи лозим. Биз, масалан, қитъалараро учадиган кема секундига 50 000 км тезлик билан ҳаракат қилиб, узоқ бир юлдузга ёруғлик нурига қараганда олти баравар секинлик билан етиб боришини осонгина тушуна оламиз, аммо 1 секундда 300 000 км тезлик билан ҳаракат қилаётган ва 1 секундда 50 000 км тезлик билан ҳаракат қилаётган нарсалар тезлиги ўртасидаги фарқни бевосита идрок ёки тасаввур ҳам қила олмаймиз. Ҳар бир одамнинг реал билиш фаолиятида ҳиссий билиш ва тафаккур жараёнлари тўхтовсиз равишда бир-бирига ўтиб туради ҳамда бир-бирига ўзаро боғланиб келади.

**Тафаккур
ва нутқ**

Кишининг тафаккур фаолияти учун унинг фақат ҳиссий билиши билан ўзаро боғлиқлигининга муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки *тил*

билан, нутқ билан узаро боғлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда инсон психикаси билан ҳайвонлар психикаси ўртасидаги принципиал фарқлардан бири намоён бўлади. Ҳайвонларнинг элементар, жуда содда тафаккури ҳамма вақт фақат аёний ҳаракат тафаккурилигича қолади; улар ҳеч вақт мавҳум, бавосита билиш даражасига етмайди. Уларнинг, яъни ҳайвонларнинг тафаккури айна чоқда гўё кўз ўнгиларида турган нарсаларни бевосита идрок қилиш билан иш кўради. Ана шундай примитив тафаккур аёний ҳаракат тарзидаги нарсалар билан муносабатда бўлади ва бундай аёний ҳаракат доирасидан четга чиқмайди.

Фақат нутқ пайдо бўлгач, билинаётган объектдан маълум бир хусусиятни ажратиб олиб, уни махсус сўз ёрдамида тасаввурда ёки тушунчада мустаҳкамлаш, қайд қилиш имконияти туғилди. Тафаккур сўзда ўзининг зарурий моддий қобилигига эга бўлади, тафаккур фақат сўз орқали бошқалар учун ва ўзимиз учун ҳам бевосита реалликка айланади. *Инсон тафаккурини, у қандай шаклда амалга оширилмасин, тилсиз амалга ошириб бўлмайди.* Ҳар қандай фикр нутқ билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. У ёки бу фикр қанчалик чуқур ва асосли суратда ўйланган бўлса, у сўзларда, оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ҳамда яққол ифодаланган бўлади. Ва, аксинча, қандайдир фикрнинг сўз орқали ифодаланиши қанчалик кўп такомиллаштирилган, сайқалланган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик яққол ва тушунарли бўлади.

Психологик экспериментлар давомида ўтказилган махсус кузатишлардан маълум бўлишича, айрим ўқувчилар ва ҳатто катта ёшдаги одамлар ҳам кўпинча бирон масалани ечиш жараёнида, ўз мулоҳазаларини овоз чиқариб қаттиқ товуш билан ифодалай олмагунларича жуда қийналадилар. Қачонки, ҳал қилувчилар махсус равишда тобора аниқ ифода қила бошласалар, барча асосий мулоҳазаларини бирин-кетин айта бошласалар (бошлаб, ҳатто жуда янглиш ифодаласалар) ҳам, бундай овоз чиқариб ўйлаш, одатда масалани ечишни енгиллаштиради. Киши ўзининг фикр-мулоҳазаларини бошқалар учун овоз чиқариб ифодалаб берар экан, бунинг билан у шу мулоҳазаларни ўзи учун ҳам ифодалайди. Фикрни ана шу тариха сўзлар орқали ифодалаш, мустаҳкамлаш, фикрни сўзларда қайд қилиш фикрни бўлишни англатади, диққатни мазкур фикрнинг турли моментларида ва қисмларида тутиб туришга ёрдам беради ҳамда фикрнинг қисмларини янада чуқурроқ тушунишга имкон туғдиради. Шу туфайли кенг, изчил, системали мулоҳаза юритиш, яъни тафаккур жараёнида туғилган ҳамма асосий фикрларни бир-бири билан аниқ ва тўғри солиштириб кўриш мумкин бўлади. Шундай қилиб, сўзда, фикрни ифодалашда тафаккурнинг энг муҳим зарурий, *дискурсив*, яъни мулоҳазали, мантикий бўлакларга ажратилган ва англашилган томонлари берилган бўлади. Фикрни сўзда ифодалаш

ва мустаҳкамлаш туфайли, у йўқолмайди ҳамда пайдо бўлиши биланоқ ўчиб қолмайди. Фикр сўз ибораларида — оғзаки ёки ҳатто ёзма сўз ибораларида мустаҳкам қайд қилинади. Шунинг учун, керак бўлиб қолган пайтда, мазкур фикрга яна қайтиш, уни янада чуқурроқ ўйлаб, текшириб кўриш ва қайта ўйлаш давомида бошқа фикрлар билан солиштириб кўриш имконияти сақланиб қолади. Фикрнинг нутқ жараёнида ифодаланиши унинг таркиб топишидаги муҳим шартлардандир. Бу жараёнда *ички нутқ* аталмиш нарса ҳам катта роль ўйнаши мумкин: киши вазифани ҳал этаркан, овоз чиқариб эмас, балки ўзича, гўё ўзи билан ўзи гапиргандай мулоҳаза қилади.

Шундай қилиб, *инсон тафаккури тил билан, нутқ билан чамбарчас боғлиқдир*. Тафаккур зарурий тарзда моддий сўз қобиғида мавжуддир.

Тафаккурнинг социал табиати

Тафаккурнинг тил билан узвий, чамбарчас боғлиқлиги *инсон тафаккурининг социал, ижтимоий-тарихий моҳиятини очиқ-ойдин* намоён қилиб беради. Билиш инсоният тарихи давомида эгалланган барча билимларнинг изчиллигини зарурий тарзда тақозо қилади. Билимларнинг бу тарихий ворислиги уларни қайд қилиш, мустаҳкамлаш ва эса сақлашда бир кишидан бошқасига, авлоддан-авлодга ўтказиш йўли билангина содир бўлиши мумкин. Билишнинг бундай барча асосий натижаларининг ана шундай қайд қилиниши тил ёрдами билан китобларда, журналларда ва бошқа шу кабиларда амалга оширилади. Буларнинг ҳаммасида инсон тафаккурининг социал табиати жуда намунали суратда намоён бўлади. Кишининг ақлий тараққиёти инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида ҳосил қилган *билимларни ўзлаштириши* жараёнида муқаррар равишда амалга оширилади. Индивидунинг оламни билиш жараёни илмий билимларнинг тарихий тараққиёти билан юзага келган, бевосита ифодаланган, бунинг натижаларини ҳар бир индивид таълим олиш давомида ўзлаштиради; бу эса кишининг инсоният билан муносабатининг айнан ўзидир.

Мактаб таълими давомида бола кўз ўнгида бундан олдинги ўтган бутун тарих давомида инсоният томонидан кашф этилган ва ишлаб чиқилган аллақачон *тайёр*, таркиб топган, маълум билимлар системаси тушунчалар ва бошқалар сифатида намоён бўлади. Лекин инсоният учун маълум бўлган ва унинг учун янгилик бўлмаган нарсалар аввал бошда ҳар бир бола учун албатта номаълум ва янгиликдек туюлади. Шунинг учун тарих давомида тўпланган барча билимлар бойлигини ўзлаштириш, гарчи тайёр тушунчалар системаси тариқасида катталар раҳбарлигида ўзлаштирилаётган бўлишига қарамай, боладан *тафаккурнинг* зўр бериб, жиддий ижодий ишлашни талаб қилади. Демак, болаларнинг инсониятга илгаридан маълум бўлган билимларни катталарнинг ёрдами билан ўзлаштиришлари болаларда мустақил тафаккур қилиш заруратини инкор қилмайди, балки, аксинча, тақозо қилади. Акс

ҳолда, билимларни ўзлаштириш соф расмий, юзаки, ўйланмаган ва механистик бўлиб қолади. Шундай қилиб, тафаккур фаолияти инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида билимларни ўзлаштириш учун ҳам (масалан, болалар томонидан ўзлаштирилиши) ва мутлақо янги билимларни эгаллаш (даст-аввал олимлар томонидан кашф этилиши) учун ҳам зарурий асос бўлиб қолади.

Логика ва тафаккур психологияси

Табиат ва жамиятни билиш ҳамда ўзгартиришнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида илмий билимлар ҳосил қилинади, ривожлантирилади ва системага солинади. Бошқача айтганда, билишнинг тил ёрдами билан қайд қилинган асосий ютуқ ва натижаларининг мажмуи сифатида таркиб топган *фан* системаси — физика, кимё, биология, социология, психология ва бошқа шу кабилар ҳосил бўлади ҳамда тўхтовсиз кўпайиб боради. Билишнинг мазкур тарихий тараққиёти ва бунинг натижасида ҳосил бўладиган билимлар системаси *билиш назарияси*, яъни фалсафанинг бир қисми бўлган *гносеология* ва *логика* предметини ташкил қилади. Билиш назарияси фалсафий предмет бўлиб, бутун билиш фаолиятининг *энг умумий қонуниятларини* ўрганади, масалан, билиш назарияси инсоният тарихи давомида юзага келган «борлиқ», «материя», «онг», «сифат», «миқдор» каби категорияларнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиётини ўрганади. Билиш назариясининг фалсафий, ниҳоят даражада умумий принциплари асосида инсон тафаккури бир-бирини ўзаро тўлдирувчи иккита конкрет алоҳида фанлар томонидан, расман логика ва психология томонидан ўрганилади.

Логика тафаккурнинг мантиқий шаклларини — *тушунчаларни*, *ҳукмларни* ва *хулосаларни* ўрганади.

Тушунча шундай бир фикрки, унда воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим, фарқ қиладиган (*специфик*) белгилари акс эттирилади. Масалан, «одам» тушунчасининг таркибига меҳнат фаолияти, меҳнат қуроолларини ишлаб чиқариш, нутқ каби ниҳоятда муҳим белгилар киради. Ана шу барча зарурий муҳим хусусиятлар одамларни ҳайвонлардан фарқлайди.

Тушунчаларнинг мазмуни *ҳукмларда* очилади, ҳукмлар ҳамisha сўз шаклида, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, овоз чиқариб ёки ўз ичида ифодаланади. *Ҳукм* — воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ёки уларнинг хусусиятлари ва белгилари ўртасидаги боғланишларнинг акс эттирилиши *демакдир*. Масалан, «Металл қизитилганда кенгаяди» деган ҳукм ҳарорат ўзгариши билан металллар ҳажми ўртасидаги боғланишни ифодалайди. Тушунчалар ўртасидаги ҳар турли боғланишларни ва муносабатларни мана шундай йўл билан аниқлар экан, ҳукмлар нималар ҳақида нималарнидир баён қилувчи фикрлардир. Ҳукмлар воқеликдаги нарсалар, воқеалар ва ҳодисалар ўртасидаги қандайдир муносабатларни *тасдиқлайди* ёки *инкор қи-*

лади. Масалан, биз «Ер Қуёш атрофида айланади» дер экан-миз, бунинг билан коинотдаги иккита жисм ўртасидаги маълум бир объектив маконий алоқа борлигини тасдиқлаймиз.

Ҳукмлар *умумий*, *жузъий* ва *якка-ёлғиз* бўлади. *Умумий* ҳукмларда мазкур гуруҳдаги, мазкур синфдаги *ҳамма* нарсалар тўғрисида нимадир тасдиқланади (ёки инкор қилинади). Масалан, «*Ҳамма* балиқлар ойқулоқлари (жабраси) билан нафас олади». *Жузъий* ҳукмларда тасдиқлаш ёки инкор қилиш *ҳамма* нарсага тааллуқли бўлмайди, балки айрим нарсаларга тааллуқли бўлади. Масалан, «Баъзи студентлар — аълочилардир». *Якка-ёлғиз* ҳукмларда тасдиқлаш ёки инкор қилиш фақат *битта* нарсага тегишли бўлади. Масалан, «Бу ўқувчи дарсни ёмон тайёрлаган».

Ҳукмлар иккита асосий усул билан ҳосил қилинади: 1) бевосита усул билан, бунда идрок қилаётган нарсалар ифодаланади; 2) бавосита усул билан, яъни хулоса чиқариш ёки мулоҳаза юритиш йўли билан. Биринчи ҳолда кўз ўнгимизда жигарранг столни кўрадиган бўлсак, масалан, «Бу жигаррангли стол» деб оддийгина ҳукм чиқарамиз. Иккинчи ҳолда мулоҳаза юритиш ёрдами билан бир хил ҳукмдан бошқа ҳукм *келтириб чиқарилади*, ҳосил қилинади. Масалан, Д. И. Менделеев ўзи кашф қилган элементларнинг даврий қонунига асосланиб, *соф назарий равишда*, фақат *хулоса чиқариш* ёрдами билан, унинг даврида ҳали маълум бўлмаган химиявий элементларнинг айрим хусусиятларини келтириб чиқарган ҳамда олдиндан айтиб берган.

Тафаккурнинг ана шундай хулоса чиқарувчилик, муҳокама юритувчилик (ва, жумладан, олдиндан айтиб берувчилик) нишида унинг *бавоситалик* характери ниҳоятда аниқ намоён бўлади. Хулоса чиқариш, мулоҳаза юритиш — буларнинг ҳаммаси воқеликни бавосита билишнинг асосий шаклидир. Масалан, «ҳамма сланецлар ёқилғидир» деган ҳукм (биринчи ҳукм) бизга маълум бўлса, «мазкур жисм сланецдир» деган ҳукм (иккинчи ҳукм)ни чиқариш мумкин, у ҳолда дарҳол хулоса қилиб, яъни «мазкур жисм ёқилғидир» деган ҳукм чиқарилади (бу олдинги икки ҳукмдан келтириб чиқарилган учинчи ҳукм бўлади); аммо бу хулосани бевосита тажриба ўтказиб, махсус равишда синаб кўришга ҳеч қандай ўрни ҳам қолмайди. Демак, *хулоса чиқариш фикрлар* (тушунчалар, ҳукмлар) *ўртасидаги шундай боғланишки, бундай боғланиш натижасида битта ёки бир неча ҳукмлардан биз бошқа ҳукмни келтириб чиқарамиз, бунда янги ҳукмни асосий ҳукм мазмунидан келтириб чиқарамиз*. Бошқа ҳукмларни келтириб чиқарадиган асосий ҳукмлар хулоса чиқаришнинг *асослари* деб аталади. Юқорида келтирилган мисолда қуйидаги ҳукмлар асос бўлиб хизмат қилади: «*Ҳамма* сланецлар ёқилғидир» (умумий ёки катта асос), «*Мазкур жисм* сланецдир» (жузъий ёки кичик асос). *Жузъий* ва *умумий* хулосалар асосида чиқариладиган хулосанинг содда ва типик шакли *силлогизм* деб аталади.

Қўйидаги мулоҳазалар силлогизмга мисол бўлиши мумкин: «Барча металллар — электр ўтказувчидир. Қалай — металлдир. Демак, қалай электр токини ўтказида».

Ана шунга ўхшаш фикр юритиш усуллари ва формулалари асосида киши ўзининг тафаккур фаолияти давомида фойдаланадиган у ёки бу тушунчалар ва ҳукмларни бир-бири билан солиштириб кўриши мумкин. Масалани секин-аста ўйлаб ҳал қилиш жараёнида юзага келган барча асосий фикрларни мана шундай солиштириш йўли билан текшириб кўриш мумкин бўлади. Ҳар бир фикрнинг ҳаққонийлиги, тўғрилиги ўшанда қатъий асосланган ва исботланган бўлади. Аслини айтганда, барча исботлаш жараёни (масалан, математика теоремасини исботлаш) оқибат натижада ҳар турли ҳукмларни, тушунчаларни ва бошқа шунинг кабиларни бир-бири билан солиштирувчи силлогизм занжири сифатида қурилган бўлади.

Шундай қилиб, фикрлаш фаолиятининг нормал давом этиши учун силлогизм ва барча мантиқий формалар ниҳоятда зарурдир. Улар туфайли ҳар қандай тафаккур исботли, ишончли, қарама-қаршиликсиз бўлади ва демак, объектив воқеликни тўғри акс эттиради. Шунинг учун тафаккурнинг тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш каби формаларини махсус равишда ўрганивчи формал мантиқ, шунинг билан бирга, фикрлаш фаолиятининг ғоят муҳим қонуниятларини ҳам ўрганади.

Формал логика томонидан ўрганиладиган қонуниятлар, гарчи зарур бўлса ҳам, лекин инсон тафаккурини тўла, чуқур, ҳар томонлама тушунтириб бериш учун мутлақо *етарли эмасдир*.

Формал логика предмети — тафаккурнинг ҳамма томонларини ўз ичига олмайди, балки унинг фақат бир томонини ўз ичига олади, у, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, тафаккурнинг ниҳоятда муҳим томонидир (тафаккурнинг мантиқий формалари). Формал логика фикрнинг аллақачон юзага келган, гўё *тайёр* томонларини — тушунчаларни, ҳукмларни ва бошқа шу кабиларни текширади ҳамда улар ўртасидаги маълум муносабатларни (формулаларни) ўрнатади. Силлогизм ана шундай муносабатлар ёки ана шундай формулалар мисолларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга формал логика бу фикрларнинг — тушунчалар, ҳукмлар, хулосаларнинг бевосита пайдо бўлиш ва ривожланиш шароитларидан четлашади, абстрактлашади.

Силлогизм шакли, формал логиканинг бошқа ҳар қандай шакли каби, тафаккур *жараёнининг* қандай боришини ифодалаб бермайди, мазкур фикрнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнининг конкрет суратда қандай содир бўлишини кўрсатиб бермайди. Масалан, силлогизмда одат бўйича, олдин катта, яъни умумий асос, *ундан сўнг* кичик, яъни жузъий асос туради, фақат ана шундан кейингина ҳар икки асосдан хулоса чиқарилади. Аммо бундан ҳаётий, ҳақиқий, реал тафаккур жараёнида олдин фақат умумий қоида (умумий ҳукм) ва кейинчалик қандайдир жузъий ҳукм келиб чиқади, деган маъ-

но англашилмайди, албатта. Умумий ва жузъий ҳукмлар ҳамма вақт ажралмас ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Бундан ташқари, реал тафаккурда силлогизм асослари ёки истаган бошқа хулоса чиқариш асослари ҳеч қачон бирданига *тайёр ҳолда берилган бўлмайди*. Бу асосларни тафаккур ёрдами билан намоён қилиш, қандайдир йўл билан унга эга бўлиш, қисмларга ажратиш керак бўлади.

Формал логика у ёки бу фикрлар пайдо бўлиши ва тараққиётининг бевосита шароитларидан четлашади ва абстрактлашади. У, чунончи, тафаккурнинг *ҳиссий* билиш билан ўзаро боғланишидан тўла суратда четлашади. Бошқача қилиб айтганда, у психологиядан фарқли ўлароқ, бизнинг тафаккуримиз сезгилар, идрок ва тасаввурлар асосида конкрет қандай пайдо бўлишини ҳамда мазмунан бойишини асло тадқиқ қилмайди. Мантиқий формулаларда, масалан, силлогизмда *гўё* аллақачонлар қотиб қолган, бутунлай тугалланган, тўла, аниқ ва охиригача ифодаланган фикрлар, яъни тафаккурнинг тайёр маҳсулотлари, *натижалари* бир-бири билан солиштириб кўрилади.

Бироқ фикрлаш фаолиятининг ўз аҳамияти жиҳатидан бундан камлик қилмайдиган бошқа томони ҳам борки, у *фикрлаш жараёнининг* ўзидир, фикрлаш давомида ва унинг натижасида у ёки бу кишида фикр маҳсулоти тарзидаги тушунчалар, ҳукмлар ва бошқа шу кабилар юзага келади. Тафаккурнинг мана бу иккинчи, жуда муҳим томони ҳам борки, уни формал логика ўрганмайди, балки психология ўрганади. Ҳар бир индивид ўйлар, фикр юритар экан (яъни, унинг билим олиши ва уни ўзлаштиришида, меҳнат ёки ўйин фаолияти давомида, бирон масала устида ёки ўқиган китоби ҳақида фикр юритаётган пайтда, адабий ва илмий ижод жараёнида ва бошқа шу кабиларда), янги фикрлар, тахминлар, фаразлар, режалар юзага келади.

Психология *индивиднинг тафаккур жараёнини* ўрганади, яъни у ёки бу фикрнинг қандай пайдо бўлиши ва ривожланишини тадқиқ қилади.

Шундай қилиб, *логиканинг предмети* — тафаккур жараёнида пайдо бўладиган билиш маҳсулотлари, *билиш натижаларининг ўзаро нисбатидан иборатдир*. Психология эса логика талабларини қондирадиган билиш натижаларига олиб келувчи *фикрлаш жараёнининг қонуниятларини ўрганади*. Логика ҳам, психология ҳам бир хил билиш фаолиятининг ўзини ўрганади, лекин улар фикрлаш фаолиятини ҳар хил томондан, ҳар хил сифат жиҳатидан ўрганади: логика кўпроқ фикрлаш фаолиятининг натижаларини (тафаккур маҳсулотлари бўлмиш тушунчаларни, ҳукмларни ва хулосаларни ўрганади), психология эса фикрлаш фаолиятини жараён сифатида ўрганади. Модомики, тафаккур жараёни ва унинг натижалари (тушунчалар, билимлар ва бошқа кабилар) ўзаро чамбарчас боғлиқ ва бири иккинчисисиз яшай олмас экан, демак, психология логика би-

лан ўзаро маҳкам боғланган ҳамда тафаккурни ўрганишда бири иккинчисини тўлдириб боради.

Тафаккур жа-
раён сифатида

Тафаккурни жараён сифатида психологик жи-
хатидан тадқиқ қилиш ундай ё бундай билиш
натижаларининг ҳосил бўлишига олиб келади-
ган ички, яширин сабабларини ўрганиш демакдир. Тафаккур-
нинг бундай натижалари, маҳсулотлари, масалан, қуйидаги
омиллардир: мазкур ўқувчи масалани ечдими ёки ечмадими;
ўқувчида масалани ечиш ғояси, режаси, тахмини юзага келди-
ми ёки келмадими; ўқувчи маълум билимларни, амал усулла-
рини ўзлаштирдими ёки ўзлаштирмадими; ўқувчида янги тушун-
чалар ва бошқа шу кабилар таркиб топдими ёки таркиб топ-
мадими. Психология ташқи жиҳатдан майдонга чиқадиган ана
шу фактларнинг ҳаммасини ички, яъни фикрлаш жараёни жи-
хатидан очишга ҳаракат қилади. Бунинг билан психология пси-
хик ҳодиса ва воқеаларнинг ички, специфик сабабларини ўрга-
нади, бу ички, специфик сабаблар психик ҳодиса ва воқеалар-
ни фақат тасвирлаб ва ифодалаб бериш билан чекланмай,
балки уларнинг қонуниятларини уқтириб беради. Бунда психоло-
гия фани диалектик материализмнинг детерминизм принци-
пига (яъни сабабий боғланиш принципи) асосланади: ташқи
сабаблар ички шароитлар орқали амал қилади. Бошқача қи-
либ айтганда, масалан, истаган педагогик таъсир одамга тўғ-
ридан-тўғри ва бевосита эмас, балки бавосита равишда, ғўё
ўзича мазкур одамнинг психик ҳолати орқали, яъни одамнинг
ҳиссиётлари, фикрлари ва бошқа шу каби ҳолатлари билан
боғлиқ равишда таъсир қилади.

Тасаввур қилайлик, бир хил масалани бир неча ўқувчининг
ҳар бири мустақил равишда ҳал қилаяпти; масала ечишдан
иборат бўлган бу тафаккур процессининг маълум босқичида
ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бирига айрим равишда мутлақо
бир хилда ёрдам беради; ўқувчиларга масаланинг ечилиши
асосланган теоремалардан бирини айтиб беради. *Ташқаридан*
бўлган бундай ёрдам ҳар бир ўқувчига бир хилда эмас, балки
ҳар хил таъсир қилади — ўқувчининг ўзи масалани ўйлаб ҳал
қилишда қанчалик олдинга қараб кетганлиги билан, яъни ўқув-
чи тафаккурининг ички шароитлари билан боғлиқ бўлади.
Ўқувчи масалани ечишда қанчалик илгарилаб ва қанчалик тез
олдинга қараб кетган, уни қанчалик чуқур ўйлаб улгурган
бўлса, ташқаридан берилган ёрдамдан фойдаланишга шунча-
лик замин ҳозирланган бўлади, ташқаридан ёрдам олиш учун
ички шароит шунчалик ортиқ даражада таркиб топган бўлади.
Ва, аксинча, ўқувчининг ўзи масаланинг ечилиши устида қан-
чалик кам ўйлаган бўлса, ташқаридан айтиб берилган ёрдам-
дан фойдаланиши шунчалик қийин бўлади ва масалани охи-
ригача ечишда ҳам қийналади. У ташқаридан айтиб берил-
ган теореманинг — ишга, яъни масалани ечишга аввал бошда
умуман ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ўйлаши мумкин, унда
ўқувчи ташқаридан бўлган ёрдамни олмайди, аниқроғи, ёрдам-

дан фойдалана олмайди. Мана шуларнинг ҳаммаси ташқи (педагогик ва бошқа) таъсирлар фақат ички шароитлар орқалигина ижобий ёки салбий психологик натижа бериши мумкин деган маънони англатади. Ташқаридан айтиб берилган ёрдамдан фойдаланмаслик факти (бундай ёрдам, эҳтимол, масалани ечиш йўлини тўғридан-тўғри кўрсатиб турарди) ана шундай ўзига хос ички шароитларнинг ва фикрлаш жараёни қонуниятларининг мавжуд эканлигини аниқ кўрсатиб турибди.

Анализ ва синтез

Тафаккур жараёни аввало анализ, синтез ва умумлаштиришдир. *Анализ — объектнинг у ёки бу томонларини, элементларини, хоссаларини, боғланишларини, муносабатларини* ва бошқа шу кабиларни ажратиб олиб, ўрганилаётган объектни ҳар хил компонентларга (таркибий қисмларга) бўлиш демакдир. Масалан, ўқувчи ёш техниклар тўғараги машғулотларида қандайдир механизм ёки машинанинг ҳаракат қилиш услубини тушунишга уриниб, даставвал бу механизмнинг ҳар хил элементларини, бўлақларини ажратади ва уни алоҳида қисмларга бўлиб ташлайди. Бошқача қилиб айтганда, мана шу оддий ҳодисалар ўқувчи ўрганаётган объектни бўлақларга ажратиб, таҳлил қилади.

Бирон-бир нарсани анализ қилиш давомида бу нарсанинг ғоят муҳим, аҳамиятли, қизиқарли ва бошқа шу каби муайян бир хусусиятлари жуда кучли қўзғатувчи бўлади ва шунинг учун бундай хусусиятлар олдинги қаторга чиқиб оладилар. Бундай қўзғатувчилар кучли қўзғалиш жараёнини (даставвал бош миянинг пўстлоқ қисмида) юзага келтиради ва индукциянинг физиологик қонунига кўра шу нарсанинг кучсиз қўзғатувчи ҳисобланган бошқа хусусиятлари табақалаштирилувини тормозлаштиради. Шундай қилиб, анализ психик жараённинг физиологик асосини бош миянинг юқори қаватларидаги қўзғалиш билан тормозланиш ҳодисалари ўртасида маълум муносабат ўрнатиш ташкил этади.

Бир бутун нарсани анализ қилиш натижасида ажратилган компонентларни бирлаштириш синтездир. Синтез жараёнида билинаётган объектнинг ажратиб олинган элементларини бирлаштириш, жой-жойига қўйиш юзага келади. Масалан, ўқувчи механизмнинг ажратиб олинган қисмларини бир-бири билан таққослайди, улар ўртасида алоқа ўрнатади ва бир қисмнинг бошқа қисмларга қандай таъсир қилишини тушуна бошлайди. Натижада синтез амалга оширилади, яъни ҳар турли элементлар ўртасида алоқа ва ўзаро муносабат ўрнатилади. Бош миянинг пўстлоқ қисмида муваққат нерв боғланишларининг ҳосил қилиниши синтезнинг физиологик асосини ташкил этади.

Анализ билан синтез ҳамма вақт ўзаро боғлиқдир. Улар ўртасидаги ажралмас бирлик таққослаш билан боғлиқ бўлган билиш жараёнининг ўзидаёқ яққол намоён бўлади. Теварак-атрофдаги олам билан танишишнинг дастлабки босқичларида турли объектлар аввало таққослаш йўли билан билиб олинади. Иккита ёки бир неча нарсаларни ҳар қандай таққослаш улар-

ни бир-бири билан солиштириб кўришдан ёки муносибни топишдан, яъни синтездан бошланади. Ана шундай синтез қилиш акти давомида таққосланаётган ҳодисалар, нарсалар, воқеалар ва бошқа шу кабилар анализ қилинади, уларнинг умумий ва фарқланувчи томонлари ажратилади. Масалан, бола сут эмизувчилар синфининг турли намояндаларини ўзаро таққослайди ва ўқитувчининг ёрдами билан секин-аста бу ҳайвонларнинг энг умумий белгиларини ажратади. Мана шундай қилиб, таққослаш умумлаштиришга олиб келади.

Таққосланаётган нарсаларни *умумлаштиришда* — уларни анализ қилиш натижасида — қандайдир умумийлик бўлади. Турли объектлар учун умумий бўлган бу хусусиятлар икки хил бўлади: 1) *ўхшаш тарздаги* умумийлик ва 2) *муҳим белги тарзидаги* умумийлик. Масалан, ниҳоят даражада ҳар хил нарсалар ўртасида ҳам қандайдир ўхшашликни топиш мумкин; чулончи, рангининг умумийлигига қараб олчани, пионгулни, қонни, хом гўшти, пиширилган қисқичбақани ва бошқа шу кабиларни бир группага, бир синфга бирлаштириш мумкин. Бироқ улар ўртасидаги бу ўхшашлик (умумийлик) юқорида кўрсатилган нарсаларнинг ҳақиқий муҳим хусусиятларини мутлақо ифодаламайди. Бу ҳолда ўхшашлик нарсаларнинг фақат ташқи, жуда юзаки, муҳим бўлмаган белгиларига асослангандир. Объектларнинг ана шундай юзаки, чуқур бўлмаган таҳлили натижасида қилинадиган умумлаштириш катта қимматга эга бўлмайди ва шунинг билан бирга, ҳамшиша янглишмовчиликларга олиб келади. Юзаки, фақат ташқи хусусиятлар анализига асосланган умумлаштириш кит ҳақида, масалан чуқур хато хулоса чиқаришга, яъни кит сут эмизувчи ҳайвон эмас, балки балиқдир деб хулоса чиқаришга олиб келади. Мазкур ҳолда бу объектларни таққослаш уларнинг умумий белгилари орасидан фақат ўхшаш томонларини ажратади, аммо муҳим томонларини ажратмайди (ташқи кўриниши, танасининг балиққа ўхшаш шакли ва шу кабилар). Аксинча, таҳлил натижасида муҳим томонлари сифатида умумий хусусиятлари ажратилса, ундай пайтда китнинг балиқларга эмас, балки сут эмизувчи ҳайвонларга мансублиги ўз-ўзидан равшан бўлади.

Демак, *ҳар қандай муҳим хусусият шунинг билан бирга бир хил нарсаларнинг мазкур группаси учун умумий хусусият ҳам ҳисобланади, аммо аксинча эмас: ҳар қандай умумий (ўхшаш) хусусият мазкур группадаги объектлар учун муҳим хусусият бўлмайди.* Бу умумий муҳим белгилар чуқур анализ ва синтез давомида ажратилади.

Анализ, синтез ва умумлаштириш қонуниятлари тафаккурнинг *асосий* ички ва ўзига хос қонуниятларидир. Тафаккур фаолиятининг барча ташқи жиҳатдан намоён бўлиши фақат ана шулар асосида тушунтириб берилиши мумкин. Жумладан, ўқитувчи мазкур масалани ҳал қилган ёки маълум бир теоремани ўзлаштирган ўқувчининг ўз билимларини «кўчира олмас-

лигини», яъни айти шу билимларни бошқа шароитларда қўллана олмаслигини, агар мазмуни, чизмаси бир оз ўзгартирилган бўлса, бир типдаги масалаларни ҳал қилишда ўша ўзлаштирган теоремасидан фойдалана олмаслигини кўп марталаб кузатган. Масалан, ҳозиргина ўткир бурчакли учбурчак чизмасида учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси ҳақидаги теоремани исботлаган ўқувчи, агар унга таниш бўлган чизмани 90 градусга айлантириб ўзгартирсак ёки унга ўтмас бурчакли учбурчак чизмасини берсак, кўпчилик ҳолларда юқоридаги исботланган теоремасини исботлай олмай қолади. Кўпинча ана шу тариқа тасвирланган ва амалий жиҳатдан муҳим бўлган бундай фактлар психологик жиҳатдан тушунтириб берилишини талаб қилади. Бундай кўчиришнинг ёки билимларни мазкур шароитдан бошқа шароитга кўчиришнинг сабабларидан бири, даставвал, масалани тавсия этишда унинг шартини ўзгартиришидир. Ечилиши айти бир теореманинг ўзига асосланган масалаларнинг шартини жуда ўзгартириб юборилса, ундай пайтда бир масалани ҳал қилиш ечимидан иккинчи масалага кўчириш мумкин бўлади. Аксинча, масаланинг шартини бундай ўзгартиришсиз унинг ечиш йўлини кўчириш мумкин бўлмай қолади. Масаланинг ечиш йўлини кўчириш бевосита масала шартини ўзгартиришга боғлиқ деган тасаввур туғилади. Бироқ бу ташқаридан кузатилаётган фактнинг (яъни кўчиришнинг) ҳали етарли бўлмаган, жуда юзаки ва психологик бўлмаган тушунтирилишидир.

Аслини олганда, ўқувчига масаланинг шартларини (чизманинг ва ҳоказоларнинг) ўзгартириб тавсия қилиш ўқувчининг иши бўлмай, балки фақат ўқитувчининг ишидир. Ўзлаштирилган билимларни кўчиришни тўғридан-тўғри шарт-шароитни ўзгартириш билан боғлаш — ташқи педагогик таъсирни (ўқитувчи томонидан масала шартини ўзгартиришни) ўқувчилар фикрлаш фаолиятларининг *натижаси* билангина, яъни кўчириш ёки кўчирмасликнинг ташқи факти билан боғлаш, муносабат ўрнатиш деган маънони билдиради. Бу ерда ҳали ўқувчига тафаккур жараёнининг ўзи ҳақида, мана шу ташқи натижага олиб келувчи фаолиятнинг ички, ўзига хос қонуниятлари ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ўқувчи тафаккурининг ички шароитлари қандай қилиб ташқи педагогик таъсирга воситачилик қилиши номаълумлигича қола беради. Бунда болани мақсадга мувофиқ ўқитиш ҳам, унинг тафаккурини таркиб топтириш ҳам мумкин бўлмай қолди.

Ҳақиқатда масала шартларини ўзгартириш психологик жиҳатдан ўқувчининг фикрлаш фаолияти учун қулай шароит яратилди, деган маънони англатади. Масала шартларини ўзгартириш ўқувчига тавсия қилинган масалани *таҳлил* қилиши, масаланинг *энг муҳим* моментларини ажратиши ва уларни *умумлаштириши* учун ёрдам беради. Ўқувчи ҳар турли масалаларнинг муҳим шартларини ажратиб умумлаштириш давомида бир масаланинг ечиш усулини иккинчи шунга ўхшаш

масалага кўчиради. Ана шундай йўл билан ўзгартиришнинг ташқи боғлиқлигидан сўнг кўчириш психологик жиҳатдан очилган, ички боғлиқлик, яъни таҳлил ва умумлаштириш тарзида намоён бўлади. Ташқаридан кузатилган *натижа* (кўчириш) ўқувчилар тафаккури *жараёнининг* қонуний ички натижаси ҳисобланади. Бир масалани ечиш усулини бошқа масалага кўчириш учун бу масалалар ўртасидаги энг муҳим умумий томонларни очиш керак бўлади. Ҳар икки масалани таҳлил қилиш натижасида масалани ечишнинг умумий принципларини очиш кўчиришнинг ички, психологик шартидир.

Тафаккур мотивацияси

Анализ ва синтез, умуман тафаккур фаолияти бошқа ҳар қандай фаолият каби ҳамма вақт шахснинг қандайдир *эҳтиёжларига* асосланади. Агар эҳтиёжлар бўлмаса, ҳеч қандай фаолият ҳам бўлмайди.

Бошқа ҳамма психология жараёнларидаги каби, тафаккурни тадқиқот қилишда психология фани мазкур кишини билиш фаолиятига киришишга қандай *эҳтиёжлар* ва *мотивлар* мажбур қилганлигини ҳамда қандай конкрет шароитларда анализ, синтез ва шу кабиларга эҳтиёж туғилганлигини ҳисобга олади ва маълум даражада махсус текшириб кўради. (Психологияга қарама-қарши формал логика тафаккур билан ҳиссий билиш ўртасидаги ўзаро муносабатдан эмас, балки фикр юритиш фаолиятининг эҳтиёжлар, мотивлар, ҳиссиётлар ва шу кабилар билан бўлган ўзаро алоқаларидан ҳам мавҳумлашади.) «Соф» тафаккурнинг ўзи, фикр юритиш жараёни ўз-ўзича фикр юритмайди, ўйламайди, балки маълум қобилият, ҳис-туйғу ва эҳтиёжларга эга бўлган *киши*, индивид, шахс фикр юритади. Фикр юритиш фаолиятининг эҳтиёжлар билан чамбарчас боғлиқлигида шундай муҳим бир факт намоён бўладики, ҳар қандай *тафаккур* ҳар доим *шахснинг* табиат, жамият ва бошқа одамлар билан бўлган ўзаро муносабатларини ҳар томонлама тўла акс эттирувчи *тафаккуридир*.

Психологияда тадқиқот қилинаётган тафаккур мотивлари икки турли бўлади: 1) *Ўзига хос билиш мотивлари* ва 2) *Ўзига хос бўлмаган мотивлар*. Биринчи ҳолда тафаккур фаолиятига ундовчи ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар билиш эҳтиёжлари намоён бўладиган қизиқиш ва мотивлар (қизиқувчанлик ва шу кабилар). Иккинчи ҳолда тафаккур соф билиш билан боғлиқ бўлган қизиқишлар таъсирида эмас, балки озми-кўпми ташқи сабаблар таъсирида бошланади. Масалан, мактаб ўқувчиси ўзи учун бирон янгиллик очиш ёки бирор нарсани билиб олиш иштиёқида эмас, балки катталарнинг талабларини бажариш мажбурияти орқасида ёки ўртоқларидан орқада қолиб кетишдан қўрққани учун дарс тайёрлай бошлайди ва ҳоказо. Бироқ тафаккур даставвал қандай мотивда бўлмасин, тафаккур жараёни давомида хусусий билиш мотивлари таъсир қила бошлайди. Кўпинча шундай бўлади: ўқувчи катталарнинг мажбур қилиши натижасида дарс тайёрлашга ўтиради, лекин ўқув ишлари жараёнида бажараётган, ўқиётган, ҳал қилаётган нар-

саларини яхши билиш билан боғлиқ бўлган қизиқишлар юзага келади.

Шундай қилиб, киши у ёки бу эҳтиёжлар таъсири билан фикр юрита бошлайди ва унинг фикр юритиш фаолияти давомида тобора чуқур ҳамда кучли билиш эҳтиёжлари пайдо бўлади ва тараққий этади.

III. 12.2. Тафаккур ва масала ечиш

**Муаммоли
вазият ва
масала**

Тафаккур *мақсадга йўналтирилганлик* характериغا эгадир. Қачонки ҳаёт ва амалиёт жараёнида киши олдида янги *мақсад*, янги муаммо, янгича вазият ва янги фаолият шароитлари пайдо бўлса, унда даставвал тафаккур қилишга зарурат туғилади. Масалан, врач қандайдир янги, шу пайтгача маълум бўлмаган касалликка дуч келиб, даволашнинг янги методларини топиб, ундан фойдаланишга интилганда ана шундай бўлади. Ўз моҳияти жиҳатидан олганда, тафаккур фақат шундай шароитларда зарур бўладики, янги мақсадлар туғилиб, бу мақсадларга эришиш учун фаолиятнинг эски, аввалги *восита* ва *усуллари* (гарчи улар зарур бўлса ҳам) *етишмай қолади*. Бундай вазиятлар *муаммоли* вазият деб юритилади. Муаммоли вазиятлардан бошланадиган ақлий фаолият ёрдами билан мақсадга эришиш ва эҳтиёжларни қондиришнинг янги усуллари ҳамда воситаларини яратиш, очиш, топиш, кашф этиш мумкин бўлади.

Тафаккур *янгиликни* излаш ва очиш демакдир. Ҳаракатнинг илгаридан маълум бўлган эски усуллари, эски билимлар ва малакалар билан чекланиш мумкин бўлган ҳолларда муаммоли вазият юзага келмайди ва шунинг учун тафаккур ҳам мутлақо талаб қилинмайди. Масалан, II синф ўқувчисини «2×2 қанча бўлади?» типдаги савол фикр юритишга мажбур қилмайди. Бундай саволларга жавоб қайтариш учун бу ўқувчиларда бор бўлган эски билимларнинг ўзиёқ кифоя қилади. Бу ерда тафаккур ортиқчадир. Агар ўқувчи маълум масала ёки мисолларнинг янгича ечиш усулини яхши ўзлаштирган бўлса, лекин ўзига маълум бўлиб қолган бу бир хил типдаги масала ва мисолларни қайта ва қайта ечишга мажбур бўлган ҳолларда тафаккур фаолиятига эҳтиёж бўлмайди. Бинобарин, ҳаётдаги ҳар қандай вазият ҳам муаммоли вазият, яъни тафаккурни уйғотувчи вазият бўла бермайди.

Муаммоли вазият билан *масалани* фарқ қилиш зарурдир. *Муаммоли вазиятда* киши фаолият давомида кўпинча кутилмаганда, қандайдир, тушуниб бўлмайдиган нарсага, номаълум, ташвишли нарсаларга дуч келиб қолади. Масалан, учувчи самолётни бошқариб кетаётганда тўсатдан моторда қандайдир ўзгача, ноаниқ шовқинни пайқай бошлайди. Дарҳол учувчи фаолиятига содир бўлган ҳодиса маъносини очиш учун зарур

бўлган тафаккур қўшилади. Шу тариқа юзага келган муаммоли вазият киши *англаши мумкин бўлган масалага* айланади. Масала муаммоли вазиятдан келиб чиқади, вазият билан маҳкам боғлиқ бўлади, лекин вазиятдан фарқ қилади. Муаммоли вазият — анча хира, ҳали кўп жиҳатдан аниқ бўлмаган ва кам англанилган таассуротлардир. Муаммоли вазият бамисоли «нималардир кўнгилдагидек эмаслиги»дан, «нималардир кўнгилни хира қилиб турганлиги»дан гўё сигнал беради. Масалан, учувчи моторда қандайдир тушуниб бўлмайдиган ҳодиса рўй бераётганлигини пайқай бошлайди, лекин у моторнинг қайси қисмида, нима сабабдан, қандай ҳодиса рўй бераётганини ҳали аниқлай олмаган, бундан ташқари, у юз бериши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш учун қандай ҳаракат қилиш кераклигини ҳали билмайди. Мана шундай тарздаги муаммоли вазиятдан тафаккур жараёни бошланиб кетади. Тафаккур ана шу муаммоли вазиятнинг ўзини таҳлил қилишдан бошланади. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш натижасида соф маънодаги *масала*, соф маънодаги муаммо пайдо бўлади.

Масаланинг юзага келиши, муаммоли вазиятдан фарқ қилиб, гарчи олдиндан бўлса ҳам берилган (маълум) ва номаълум (қидирилаётган) нарсани тахминан бўлакларга бўлишга улгурилди деган маънони англатади. Бу бўлакларга бўлиш масаланинг сўз билан ифодаланган қисмида намоён бўлади. Масалан, ўқув масаласида унинг асосий *шартлари* озми-кўпми яққол қайд қилинган (нима берилган, нима маълум) ҳамда *талаблар*, саволлар берилган (нимани исботлаш, топиш, аниқлаш, ҳисоблаш талаб қилинади). Бу билан дастлабки яқинлашиш тарзида ва мутлақо *тахминий* равишда қидирилаётган нарса (номаълум нарса) белгиланади. Ана шу номаълумни қидириш ва топиш масалани ечиш натижасида қўлга киритилади. Бинобарин, масаланинг асосий, даставвалги ифодаланиши фақат минимал даражада ва жуда тахминий равишда қидирилаётган нарсани аниқлайди. Масалани ечиш давомида, унинг тобора янги ва тобора муҳим шартлари ҳамда талабларини намоён қилиш жараёнида қидирилаётган (номаълум) томонлари ортиқроқ даражада аниқланади. Масаланинг характеристикаси борган сари мазмунли ва аниқ бўла боради. Масаланинг батамом ечилиши қидирилаётган нарсанинг топилганлигини, тула равишда аниқланганини билдиради. Агар қидирилаётган нарса (номаълум нарса) масаланинг бошланғич ифодасидаёқ бутунлай ва *тула равишда* аниқланган бўлса, яъни унинг асосий шартлари ва талабларининг ифодаланишида аниқланган бўлса, унда бу номаълумни қидиришга ҳеч қандай зарурат бўлмас эди. Номаълум нарса дарҳол маълум бўлиб қолар, яъни ечилиши учун тафаккур қилишни талаб этадиган ҳеч қандай масала юзага келмас эди. Аксинча, агар номаълумни қайси бир соҳада излаш кераклигини тахминан белгиловчи масаланинг дастлабки ифодаси бўлмаганида, яъни

қидирилаётган нарсани минимал даражада олдиндан кўра билиш бўлмаганда, номаълумни топиш мумкин бўлмас эди. Номаълумни қидириш учун ҳеч қандай тахминий маълумот, бирор таянч, бирор мўлжал қолмаган бўлар эди, муаммоли вазият (худди халқ эртақларида айтилганидек: «У ёққа борай десам, қаёққа боришимни билмайман, бирор нарсани топай десам, нимани топишимни билмайман») каби азобли эсанкираш ва саросималик хиссидан ташқари ҳеч нарсани юзага келтирмас эди.

Тафаккур детерминацияси жараён сифатида

Масалани ечиш давомида тафаккур жараён сифатида айниқса яққол намоён бўлади. Тафаккурни жараён сифатида талқин қилиш, энг аввало фикр юритиш фаолияти *детерминацияси*

(сабабий боғланиш)нинг ўзи *жараён сифатида* амалга оширилишини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, киши масалани ечиш давомида ўзига шу чоққача номаълум бўлган янги-янги шартларни ва талабларни намоён қилади. Булар тафаккур бундан кейин давом этишини сабабий жиҳатдан боғлаб тушунтириб беради. Бинобарин, тафаккур детерминацияси қандайдир абсолют тайёр ва аввалданоқ тугал бир нарса сифатида азалдан берилган бўлмайди. Тафаккур детерминацияси масала ечиш давомида *ҳосил қилинади*, аста-секин *таркиб топтирилади* ва *ривожлантирилади*, яъни жараён тарзида намоён бўлади. Жараённинг дастлабки пайтларида унинг бундан кейин содир бўлиш йўли илгаридан бутунлай ва тўла равишда программалаштирилмаган бўлади; масалани ечиш давомида уни амалга оширишнинг *янги* шартлари узлуксиз пайдо бўлиб ва тараққий этиб туради. Ваҳоланки, олдиндан ҳамма нарсани тўла программалаштириб бўлмас экан, фикр юритиш жараёни давомида (илгаридан тўла ҳисобга олиб бўлмайдиган янги шартларга жавоб тариқасида) доим тўғрилаб бориш, аниқлаб туриш лозим бўлади.

Масаланинг ечиш йўлини топиш кўпинча кутилмаганда, тўсатдан, бир ондаёқ кашф этиш, бирдан ёришиб кетиш ва шу кабилар сифатида тасвирланади. Бу факт фараз қилинаётган нарсани, эвристика ва шу кабиларни топишни билдиради. Тафаккурнинг *натижаси*, самараси ана шундай қайд қилинади. Лекин психологиянинг вазифаси ана шу натижага олиб келувчи *фикр юритиш жараёнининг* ички томонларини очишдан иборатдир. Ана шу гўё тўсатдан пайдо бўлиб қоладиган «*инсайт*»нинг номаълумни (қидирилаётган нарсани) бир онда топишнинг сабабий боғланишини очиш учун даставвал, масалани ечиш давомида бошлаб тахминан, жуда оз ва гарчи минимал даражада бўлса ҳам, номаълумни фикран олдиндан кўришини ҳамма вақт ҳисобга олиш керак. Мана шундай фикран олдиндан кўра билиш туфайли маълум билан номаълум ўртасига кўприк қуриш ва улар орасидаги бўшлиқни тўлдириш мумкин бўлади.

Фикр юритишнинг асосий механизмларини яхши аниқлаш

учун, номаълумни фикран олдиндан кўра билишга қаратилган ва психологияда айтилган қуйидаги учта ўзаро қарама-қарши фикрни кўра билишига қаратилганини кўриб чиқамиз. Психологияда тафаккур жараёнига ҳар хил қарашларга боғлиқ ҳолда масалани ечиш давомида ўқувчиларда тафаккурни шакллантиришнинг турли йўллари белгилаб беради.

Биринчи нуқтаи назар билиш жараёнининг ҳар бир олдинги босқичи («қадами») ўзидан бевосита кейин келаётган босқични бошлаб беришига асослангандир. Бундай тезис тўғри, лекин етарли эмасдир. Ҳақиқатда тафаккур давомида номаълумни минимал даражада олдиндан кўриш «бир қадамдан» кўра кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳамма нарсани олдинги босқич билан бевосита ундан кейинги босқич ўртасидаги ўзаро алоқа билан тушунтириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, масала ечиш давомида фикран олдиндан кўра билиш ҳажмини ва даражасини камайтиришни баҳоламаслик мумкин эмас.

Иккинчи қарама-қарши фикр, аксинча, тафаккур жараёнида ҳали қўлга киритилмаган, намоен қилинмаган натижани (маҳсулотни), яъни ҳали номаълум қарорни олдиндан кўра билиш моментини *орттириб*, абсолютлаштириб ва ортиқ баҳолаб юборади. Олдиндан кўриш ҳаммаша фақат қисман ва тахминан бўлади. Ундан сўнг дарҳол натижанинг (ечимнинг) тайёр ва тўла таърифига айланади. Бу фикрнинг хато эканлигини қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Ўқувчи қийин масалани зўр бериб ечишга уринади, лекин, табиийки, қандай қилиб ечишни *у ҳали билмайди*; ўқувчи масаланинг ечимини ўзининг тафаккур қилиш жараёни охирида, натижасида ёки хулосасида топа олади. Масаланинг ечимини *аллақачон билган* ўқитувчи ўқувчига ёрдам бера бошлайди. Тажрибали педагог ҳеч қачон масаланинг бутун ечилиш йўлини бирданига айтиб бермайди, ўқувчисига аста-секинлик билан ва керак бўлган пайтда озгина маслаҳат бериб, ишнинг асосий қисмини ўқувчининг ўзи бажариши учун имконият яратади. Фақат мана шундай йўл билан ўқувчининг мустақил тафаккурини таркиб топтириш ва ривожлантириш мумкин. Агар масала ечишнинг асосий йўлини ўқувчига дарҳол айтиб берсак, тафаккурнинг бўлажак натижасини маълум қилсак, ва шу тарзда ўқувчига «ёрдам» берадиган бўлсак, бу фақат фикр юритиш фаолияти тараққиётини тормозлаштириши мумкин. Агар ўқувчи масалани ечишнинг ҳамма йўлини бошидан охирги босқичигача билса, унинг тафаккури умуман ишламайди ёки жуда пассив, минимал даражада ишлайди. Ўқувчилар ҳамма вақт ўқитувчининг малакали ёрдамига муҳтож бўлади, лекин бундай фикр юритиш жараёнларини маълумотлар, олдиндан тайёр бўлган натижалар билан алмаштириб, уларнинг тафаккурини мутлақо четга суриб қўймаслиги керак.

Шундай қилиб, биз кўриб чиққан ана ўша нуқтаи назарлар гарчи улардан биринчиси фикран олдиндан кўришга етарли баҳо бермаса ҳам, иккинчисининг эса унинг ролини ошириб

юборишига қарамай, номаълумни қидириш жараёнида фикран олдиндан кўришнинг борлигини *тан олади*. Учинчи нуқтаи назар бўлса, аксинча, масалани ечиш давомида олдиндан кўришни умуман *инкор қилади*.

Учинчи нуқтаи назар тафаккурга кибернетик муносабатнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда жуда кенг тарқалгандир. Унинг маъноси қуйидагидан иборат: тафаккур жараёнида тегишли объектнинг унинг билан боғлиқ бўлган умумий қондалари, теоремалари, ечиш вариантлари ва шу каби белгиларнинг ҳаммасини, жуда кўпини ёки айримларини бирин-кетин қаторасига *саралаб қараб чиқиш* (эслаб кўриш, ҳисобга олиш, фойдаланишга уриниб кўриш) лозим. Бунинг натижасида улардан фақат масалани ечиш учун заруринигина танлаб олиш лозим бўлади. Масалан, агар масаланинг асосий шартларида параллелограмм кўрсатилган бўлса, ундай пайтда масалани ўйлаш жараёнида мазкур объектнинг ҳамма хусусиятларини қаторасига эсга тушириб қараб чиқиш ва масалани ечиш унинг ҳар бир хусусиятидан навбатма-навбат фойдаланишга уриниб кўриш керак. Оқибат натижада бу хусусиятлардан қандайдир бирортаси, эҳтимол, мазкур ҳолат учун муносиб келиб қолар.

Аслини олганда, махсус ўтказилган психологик экспериментларнинг кўрсатишича, тафаккур ҳеч қачон масала ечишнинг барча ёки айрим тахминий вариантларини кўр-кўрона, тасодифий, механик равишда саралаб, қараб чиқиш усули билан ишламайди. Тафаккур қилиш давомида қараб чиқиладиган объектнинг хусусан *қайси* белгилари ажратилиши, анализ қилиниши ва умумлаштирилиши, гарчи минимал даражада бўлса ҳам, олдиндан кўрилади. Объектнинг қандай бўлишидан қатъи назар, *исталган* хусусият эмас, балки фақат *маълум хусусияти* олдинга ўтади ва ундан масалани ечишда фойдаланилади. Объектнинг бошқа хусусиятлари бўлса, гўё йўқдек кўринади, умуман пайқалмайди ва одамнинг назар доирасидан йўқолиб кетади. Тафаккурнинг бирор нарсага йўналганлиги, танланганлиги ва детерминацияси ана шунда намоён бўлади. Бинобарин, номаълумни қидириш жараёнида гарчи минимал, жуда тахминий тарзда ва умуман олдиндан кўра билиш қараб чиқиладиган объектнинг барча ёки айрим хусусиятларини кўр-кўрона, механик тарзда қаторасига саралаб қараб чиқишни ортиқча иш қилиб қўяди.

Мана шунинг учун ҳам киши ўзининг билиш фаолиятида номаълумни фикран олдиндан кўра билишни қандай қилиб амалга оширишни аниқлаши муҳимдир. Бу тафаккур психологиясининг марказий вазифаларидан биридир. Уни рўёбга чиқаришда психология фани номаълумни фикран олдиндан кўра билиш ҳақидаги юқорида қараб чиқилган учта хато нуқтаи назарни бартараф қилади. Бу вазифани хал қилиш — тафаккурнинг асосий механизмини очиб бериш демакдир.

Номаълум (қидириладиган нарса) унинг билан умуман бирор иш қилиб бўлмайдиган қандайдир «абсолют бўшлиқ»

эмас. Номаълум ҳамиша бирор бир равишда қандайдир маълум фактлар билан боғлиқ бўлади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, исталган масалада ҳамма вақт (масаланинг асосий шартлари, талаблари, саволлари) нимадир маълум бўлади. Маълум ва номаълум ўртасидаги *боғланиш* ва *муносабатларга* асосланиб, шу пайтгача яширин, номаълум бўлган қандайдир янгиликни қидириш ва топиш мумкин бўлади. Масалан, мазкур кимёвий модданинг номаълум хусусиятларини аниқлаш учун бу модданинг ҳеч бўлмаганда илгаридан маълум айрим кимёвий реактивлар билан ўзаро таъсирини ва ўзаро боғланишини таъминлаш керак. Худди мана шундай ўзаро муносабатларда бу модда ўзининг ҳақиқий хусусиятларини аниқлайди, билиб бўладиган даражада намоён қилади. Ҳар қандай нарса ўзига хос белги, хусусият, сифат ва шунинг кабиларни бошқа предметлар, нарсалар, процесслар ва ҳоказолар билан бўлган ўзаро муносабатларда аниқлайди.

Бу ҳам шиша цилиндр, ҳам сув ичадиган шиша, ҳам бадий нақшли предмет ёки расм солинган нарса ҳам ва ҳоказо. Объект (нарса) даги бирор янгиликни уни бошқа объектлар (нарсалар) билан янги алоқаларга киритмасдан туриб очиш ва билиш мумкин бўлмас эди. Демак, нарсани янги, ҳали бизга маълум бўлмаган хусусиятларини билиш, энг аввало, бу хусусиятлар намоён бўладиган ўзаро боғланиш ва муносабатларни билиш орқали бўлади.

Шунинг учун фикрлаш жараёнининг муҳим механизми қуйидагидан иборат. *Тафаккур жараёнида объект тобора янгидан-янги алоқаларга киришади ва ана шу туфайли янги тушунчаларда қайд қилинадиган ўзининг янгидан-янги хусусиятлари ва сифатлари билан намоён бўлади; шундай қилиб, объектдан гўё барча янги мазмун олинади; объект гўё ҳар гал ўзининг бошқа томони билан ўгирилади, унда янгидан-янги хусусиятлар намоён бўлади.* Масалан, масаланинг асос қилиб олинган шартларида мазкур бурчакнинг биссектрисаси сифатида берилган тўғри чизиқ, ундан сўнг, масалани ечиш давомида медиана ва баландлик сифатида намоён бўлади, ундан кейин икки параллелни кесиб ўтувчи тўғри чизиқ сифатида ва ҳоказо, яъни тобора янгидан-янги хусусият ва сифатларда намоён бўлади.

Ана шу кўрсатилган тафаккур механизми *синтез орқали таҳлил* деб аталади, чунки объектнинг янги хусусиятларини ажратиш (таҳлил қилиш) текшириляётган объектни бошқа нарсалар билан ўзаро нисбатга кириши (синтез қилиниши) орқали, яъни объектни бошқа нарсалар билан янги алоқаларга киритиш орқали амалга оширилади.


Таҳлил қилинаётган объект киришган алоқа ва муносабатлар системасини очиш давомидагина одам бу объектнинг ҳали маълум бўлмаган янги белгиларини кашф қила бошлайди, таҳлил қилиб, уларни пайқай бошлайди. Аксинча, бундай алоқалар системасини кишининг ўзи оча бошламагунча, у маса-

лани ечиш учун янги ва керакли хусусиятга, хатто унга тўғридан-тўғри айтиб берилса ҳам ҳеч қандай эътибор бермайди.


Тасодифий айтиб бериш кўпинча бирор янгиликни кашф ва ихтиро қилишга ёрдам беради. Бироқ ана шундай айтиб беришдан фойдаланишда, тафаккур жараёнининг юқорида кўрсатиб ўтилган қонуниятини намоён бўлади. Масалани ечиш устида зўр бериб ўйлайдиган кишигина «бахтли» фурсатни пайқаш ва ундан фойдаланиши мумкин. Ҳамма гап у ёки бу ташқаридан айтиб бериш бориб тушадиган замин, умуман ички шароит системаси қанчалик тайёрланганлигидадир. Бу ерда ҳам бошқа ҳамма ердаги каби, ташқи сабаблар фақат ички шароит орқали таъсир қилади.

Ана шундай ташқаридан айтиб беришдан фойдаланишнинг бир қатор психологик, ички шароитлари махсус экспериментлар орқали очилади. Қуйидаги тарзда тажрибалар ўтказилади. Биринчи ҳолда текширувчи текширилувчига бир хил тарздаги айтиб беришни масала ечишнинг турли босқичларида (бошда ва кейинроқ) тавсия қилган; иккинчи ҳолда эса, аксинча, фикр юритиш жараёнининг битта босқичининг ўзида ҳар хил даражадаги айтиб бериш (масала ечиш қисмларининг кўпроқ ёки озроқ ҳажмини айтиб бериш керак) тавсия этилган. Бунда *асосий* экспериментал масалани ечиш учун иккинчи луқмани, қўшимча, *ёрдамчи*, биринчи масалани ечиш принципада ҳал қилинадиган, унчалик қийин бўлмаган иккинчи масала берилган. Масалани ечишнинг бу принципини текширилувчи ўқувчи умумлаштириши ва бир масаладан иккинчи масалага кўчириши мумкин бўлиши керак.

Масалан, *асосий* масала сифатида ушбу масала тавсия этилган: «Трапециянинг диагоналлари орасида тузилган ABO ва OSD учбурчакларининг тенгдошлиги исботлансин». *Ёрдамчи* масалада ABC тўғри бурчакли тўртбурчак диагоналлариининг тенглигини исботлаш талаб қилинган эди (25-расм). Бу диагоналлар тенгдир, чунки умумий AD асосга, AB ва CD тенг томонларга ва мос тенг томонлар орасидаги тўғри бурчакларга эга бўлган ABD ҳамда ACD учбурчаклар тенгдир. Асосий масала ёрдамчи масала кўмаги билан ечилади, яъни асосий масаланинг ечилишига ёрдамчи масаланинг ечилишини кўчириш воситаси билан эришилади. Ҳар иккала масалани ечишнинг умумий бўлаги (ва принципи) қилиб ABD ва ACD учбурчакларининг



Асосий масала



Ёрдамчи масала

25- расм.

умумий асоси АД дан фойдаланилади. Мана шу умумий асос АД дан биринчи ҳолда тенгдош учбурчакларнинг умумий асоси сифатида, иккинчи ҳолда эса АВД ва АСД тенг учбурчакларнинг умумий асоси сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб асосий масалани ечиш учун тенгдош АВД ва АСД (АВО ва ОСД учбурчаклари билан боғланган) фигураларини топиш керак. Масала ечишининг мана шу бўлагини ҳар иккала масала учун муҳим умумийлик сифатида ажратиш керак. Бошқача қилиб айтганда, умумлаштириш лозим.

Кўриниб турибдики, умумлаштириш ва унинг натижаси бўлиши кўчириш даставвал ҳар икки масалани фаолиятнинг яхлит битта таҳлил қилиш синтез жараёнига қўшишга боғлиқдир. Умумлаштиришнинг бориши (кўчиришнинг ҳам) масала ва айтиб бериш ўртасидаги алоқанинг таҳлили қайси босқичида (олдинги ёки охириги босқичида) амалга оширилишига боғлиқ бўлади.

Жараён натижасида (кўчириш ва айтиб беришдан фойдаланиш) масаланинг таҳлили юзасидан текширилувчининг ўзи қилган ишга боғлиқдир. Кишининг ўзи масаланинг айтиб бериладиган қисмига яқинлашиб қолганда, ташқаридан (ўқитувчидан, раҳбардан ва бошқалардан) ёрдам ола билади. Акс ҳолда у айтиб берилган нарсани тушунмайди ва шунинг учун бундай ёрдамни олмайди ёки бундай ёрдамдан формал равишда, механик ва ишнинг моҳиятига тушунмаган ҳолда фойдаланади; тафаккурнинг тараққиёти ўрнини чала ўқитиш эгаллаб олади. Айни чоғда ўқитувчининг ўзи томонидан етарли таҳлил қилинган, табиий равишда тегишли алоқа ва муносабатлар системасига гўё қўшилиб, сингиб кетган бировнинг гапигина ўқувчига ҳақиқий ёрдам бера олади. Мана шунда бировнинг гапи ўқувчининг тафаккурига, унинг ўзи зўр бериб ўйлаётган саволига қисман жавоб бўлиб қўшилади. Агар бировнинг гапини ўқувчи масаланинг ечилишини тезлаштириш учун шу тариқа қабул қилса ва ундан фойдаланса, бу унинг тафаккури анча юксак босқичга кўтарилганлигининг объектив, ишонарли исботи бўлиб ҳисобланади. Аксинча, бировнинг гапини қабул қилмаслик, ундан фойдаланишни билмаслик фикр юритиш жараёни анча паст даражада эканлигини англатади. Шундай қабул қилинадиган ёки инкор этиладиган бировнинг гапи тафаккур ички жараёнининг объектив кўрсаткичи бўлиб ҳизмат қилади. Уқувчининг ташқаридан берилган ёрдамни қандай қабул қилишига қараб, психик жараённинг ўтиши ҳақида фикр юритиш мумкин. Ташқаридан айтиб беришнинг экспериментал методикаси фикр юритиш фаолиятининг ички, ўзига хос қонуниятларини текшириш имкониятини беради.

Масала ечишда тафаккур жараёни Тафаккур ва масала ечиш ўзаро бир-бири билан маҳкам боғлангандир. Лекин тафаккурни масала ечиш воситасига айлантириб, уларни бир-бирига тенглаштириш мумкин эмас. Масалани ечиш фақат тафаккур ёрдами билан амалга оширилади, бошқача йўли йўқ.

Лекин тафаккур фақат масала ечишдагина намоён бўлмайди. Юқорида қайд этилганидек, фикрлаш фаолияти ҳозирдаёқ илгари сурилган, таркиб топган, (масалан, мактаб масаласи тилидаги) вазифаларни ҳал қилиш учунгина зарур эмас. У вазифанинг қўйилиши учун ҳам, янги муаммоларни намоён қилиш ва англаш учун ҳам зарурдир. Муаммони топиш ва қўя билиш кўпинча унинг бундан кейинги хал қилинишига қараганда катта ақлий зўр беришни талаб қилади. Тафаккур масала ечиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда эмас, балки шунинг билан бирга билимларни ўзлаштириш, ўқиш жараёнида текстни тушуниш ва бошқа кўп ҳолларда ҳам керакдир.

Гарчи тафаккур масала (муаммо) ечиш воситасига айлан-тирилмаса ҳам, лекин уни айнан масала ечиш давомида, яъни ўқувчининг ўзи ўз кучига яраша муаммо ва саволларга ёндашиб, уларни ифодалаб ечиш давомида таркиб топтириш ҳаммадан кўра яхшироқдир. Сўнгги йилларда муаммоли вазиятни ва масала ечишни психологик тадқиқот қилиш асосида ўқувчиларга бериладиган муаммоли таълимнинг методлари ишланмоқда. Бундай таълим методлари ўқувчиларни ўзлари ҳал қила оладиган айрим муаммоларни биринчи очувчилар, тадқиқотчилар қилиб қўйишга қаратилгандир. Масалан, ўқувчи бир қатор масалаларни ечади ва бунинг натижасида мана шу барча масалалар ечимининг асосида ётган ўзи учун янги теоремани (албатта, инсоният учун эмас) очади. Мана шундай шароитларда боланинг тафаккурини, ҳар доим қандайдир янгилик очувчи, қийинчиликларни енгишга қобил ҳақиқий, мустақил тафаккурни тарбиялаш жуда яхшидир. Психология фани ўқувчининг йўлидаги ҳамма қийинчиликларни бартараф этиш керак эмас, деган хулосага келмоқда. Ўқувчи ана шу қийинчиликларни бартараф қилиш жараёнидагина ўзининг ақлий қобилиятини ривожлантира олади.

Педагог томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва раҳбарлик бу қийинчиликларни йўқотишдан эмас, балки ўқувчиларнинг ўзларини уларни енгишга ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим.

III. 12.3. Тафаккур турлари

Психологияда тафаккур турларининг қуйидаги содда ва бирмунча шартли классификацияси тарқалгандир: 1) кўргазмали ҳаракат; 2) кўргазмали-образли ва 3) мавҳум (назарий) тафаккур.

**Кўргазмали
ҳаракат
тафаккури**

Тарихий тараққиёт давомида одамлар ўз олдиларида турган масалаларни дастлаб амалий фаолият нуқтаи назаридан ечганлар; кейинчалик ундан назарий фаолият ажралиб чиққан. Масалан, бизнинг узоқ авлодимиз ерни даставвал амалий (қадамлаб ва ҳоказо) равишда ўлчашга ўрганган ва шундан кейингина мана шундай амалий фаолият давомида тўпланган билимлар асосида, аста-секин махсус назарий фан сифатида геометрия фани

юзага келган ва ривожланган. Амалий ва назарий фаолият ўзаро чамбарчас боғлангандир. «Гоялар, тасаввурлар ва онг ишлаб чиқариши даставвал бевосита моддий фаолиятга қўшилиб кетган бўлади...»¹. Бу шуни англатадики, *соф назарий фаолият бирламчи эмас, балки амалий фаолиятнинг ўзи бирламчидир*. Амалий фаолиятнинг тараққиёти давомида ундан нисбатан мустақил назарий фикр юритиш фаолияти ажралиб чиқади.

Фақат бутун инсониятнинг тарихий тараққиётида эмас, балки ҳар бир боланинг психик тараққиёти жараёнида ҳам асос соф назарий фаолият эмас, балки амалий фаолият асос қилиб олинади. Сунгги фаолият ичида аввал бола тафаккури ривожланади. *Боғчагача ёш даврида* (уч ёшигача) *асосан кўргазмали ҳаракат тафаккури бўлади*. Бола билаётган объектларини ўз қўллари билан амалий равишда ва гўё табиий равишда ажратади, бўлақларга бўлади ҳамда, айни чоқда, идрок қилаётган нарсаларни бирлаштиради, солиштириб кўради, нарсаларни бир-бири билан боғлаб, анализ ва синтез қилади. Қизиқувчан болалар кўпинча «ичида нима борлигини» билиш мақсадида ўз ўйинчоқларини бузиб, синдириб кўрадилар.

Кўргазмали-образли тафаккур *Кўргазмали-образли тафаккур* содда формада кўпинча *боғча ёшидаги болаларда*, яъни тўрт-етти ёшгача бўлган болаларда пайдо бўлади.

Бу ёшдаги болаларда тафаккурнинг амалий ҳаракатлар билан алоқаси гарчи сақланиб қолса ҳам, лекин бу алоқа аввалгидек мустахкам, тўғри ва бевосита бўлмайди. Бола билаётган объектини анализ ва синтез қилиши давомида қизиқтираётган нарасини қўллари билан албатта ва ҳамма вақт ҳам ушлаб кўриши шарт эмас. Жуда кўп ҳолларда системали равишда объектни амалий тимирскилаб кўриш талаб қилинмайди. Лекин барча ҳолларда мазкур объектни аниқ идрок қилиш ва яққол тасаввур этиш шартдир. Бошқача қилиб айтганда, боғча ёшидаги болалар фақат кўргазмали образлар билан фикр юритадилар ва ҳали тушунчаларга эга бўлмайдилар.

Мактабгача ёшдаги болаларда тушунчаларнинг йўқлиги швейцариялик психолог Ж. Пиаженинг қўйидаги экспериментларида жуда яққол намоён бўлган.

Етти ёшга яқин болаларга хамирдан қилинган мутлақо бир хил ва ҳажм жиҳатидан баб-баравар соққалар кўрсатилади. Ҳар бир бола кўрсатилган нарсаларга диққат билан қарайди ва улар ўзаро бир-бирига тенг деб айтади. Шундан сўнг болаларнинг кўзлари олдида соққанинг биттаси эзиб нон шаклига келтирилади. Болалар яссилантириб нон шаклига келтирилган соққага озгина бўлса ҳам хамир *қўшилмаганини*, фақат унинг шакли ўзгартирилганини кўриб турадилар. Шунга қарамай, текширилаётган болалар, нон шаклига келтирилган соққада хамирнинг миқдори ортган деб ҳисоблайдилар.

¹ Маркс К. и Энгельс Ф. *Немецкая идеология* — Соч., 3-том, 24-бет.

Бу ерда гап шундаки, болаларнинг *кўргазмали-образли тафаккурлари* ҳали уларнинг *идрокларига* бевосита ва тўла бўйсунган бўлади. Шунинг учун улар кўраётган нарсаларнинг кўзга равшанроқ ташланиб турган айрим хусусиятларидан тушунчалар ёрдами билан ҳозирча четлаша, мавҳумлаша олмайдилар. Улар ана шу нон шаклига айлантирилган соққа ҳақида уйлаб, унга қарайдилар ва нон шаклидаги хамир стол устида *кўпроқ* жойни эгаллаб турганини (фазодан ортиқроқ урин эгаллаганини) дарҳол кўрадилар. Уларнинг кўргазмали образлар шаклида ўтадиган тафаккурлари (идрокнинг кетидан) болаларни соққага қараганда нондаги хамир кўпроқ деган хулосага олиб келади.

Мавҳум тафаккур Болалар амалий ва кўргазмали-ҳиссий тажрибалари асосида уларнинг *мактаб ёшидаги даврларида* аввал содда шаклдаги *мавҳум* тафаккур, яъни мавҳум тушунчалар шаклидаги тафаккур ривожланади. Тафаккур бу ерда фақат амалий ҳаракатлар тарзида ва кўргазмали образ шаклида эмас (идрок ва тасаввурлар каби), балки аввал мавҳум тушунчалар ва муҳокамалар шаклида намоён бўлади.

Мактаб ўқувчиларининг турли фанлар — математика, физика, тарих асосларини ўзлаштиришлари давомида тушунчаларни эгаллашлари уларнинг ақлий тараққиётлари учун катта аҳамиятга эгадир. Математика, география, физика, биология ва бошқа кўплаб тушунчаларни мактаб таълими давомида таркиб топтириш ва ўзлаштириш жуда кўп тадқиқотларнинг предметини ташкил этади (*П. Я. Гальперин, В. В. Давидов, Г. С. Костюк, Н. А. Менчинская, Р. Г. Катадзе, Д. Б. Эльконин ва бошқалар*). Бу ишларда тушунчаларнинг хусусан қайси белгилари, қандай изчилликда, қандай шароитларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши батафсил қараб чиқилган. Мактаб таълимининг охирига келиб, болаларда маълум даражада *тушунчалар системаси таркиб* топади. Ўқувчилар фақат айрим (масалан, «солиштирма оғирлик», «сут эмизувчи», «танқидий реализм») тушунчаларни эмас, балки тушунчаларнинг бутун бир синфлари ёки системаларини ҳам (масалан, геометрик тушунчалар системаси) муваффақиятли равишда ишлата бошлайдилар.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳатто энг мавҳум тафаккурнинг ҳам ҳиссий билиш чегарасидан анча чиқиб кетишига қарамай, ҳеч қачон сезги, идрок ва тасаввурлардан тўла-тўқис ажралиб кетмайди. Фикр юритиш фаолиятининг кўргазмали-ҳиссий тажриба билан бундай чамбарчас боғлиқ бўлиши ўқувчиларда тушунчаларни таркиб топтириш давомида яна ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларда тушунчаларнинг тараққий этиши жараёнида кўргазмалилик икки томонлама роль ўйнайди. Бир томондан, кўргазмалилик тушунчаларнинг тараққий этишини енгиллаштиради. Бола тафаккури тараққиётининг дастлабки босқичларида ҳиссий-кўргазмали конкрет материал билан ишлаш енгил

булади. Масалан, кўпгина тарихий тушунчалар («бойр», «смерд») тегишли кўргазмали тасвирлар, картиналар, расмлар, бадний адабиётдан олинган иллюстрациялар ва бошқа шу кабилар асосида анча мустаҳкам ўзлаштирилади.

Лекин бошқа томондан, ҳар қандай кўргазмалилик ҳам ва ҳар қандай шароитда ҳам мактаб ўқувчиларида мавҳум тафаккурнинг таркиб топиши учун қулай шароит ярата бермайди. Кўргазмали қуролларда ва иллюстрацияларда ёрқин, конкрет-ҳиссий тафсилотларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши билиб олинаётган объектнинг асосий, муҳим хусусиятларидан ўқувчининг диққатини чалғитиб юбориши мумкин. Шунинг билан бирга, ана шу ниҳоятда муҳим белгиларини анализ қилиш ва умумлаштириш қийинлашади.

Чунончи, VI синфнинг кўпчилики ўқувчилари физикадан «Босим» мавзусига оид «мавҳум» маънодаги текстли масалаларни худди мана шу темага оид, лекин жуда кўп конкрет-ҳиссий деталлар бўлган масалага қараганда енгиллик билан ечадилар. Физик ва бошқа ҳодисалар ўртасидаги асосий, муҳим боғланишлар нарсаларнинг кўргазмали-ҳиссий хусусиятлари орқасида гўё ниқобланиб, қолиб кетади (жумладан, экскаваторнинг конкрет-ҳиссий моделида ричаг принципини дарҳол ажратиш ва мавҳумлаштириш осон эмас. Шунинг учун ҳар бир айрим ҳолда кўргазмали қуролдан — иллюстрация, суратлар, схемалардан фойдаланишда ҳиссий-конкрет компонентлар билан мавҳум компонентлар ўртасидаги маълум муносабатларни сақлаб қолиш зарур.

Ўқувчиларнинг тушунчаларни ўзлаштиришлари давомида мавҳум тафаккурларнинг ривожланиши уларда кўргазмали ҳаракат ва кўргазмали-образли тафаккур бундан кейин тараққий этмай қўйишини ёки умуман йўқолиб кетишини аниқламайди. Аксинча, ҳар қандай фикр юритиш фаолиятининг бу бошланғич ва дастлабки шакллари мавҳум тафаккур билан бирга ҳамда унинг таъсири остида ривожланиб, илгаригидек ўзгариб ва такомиллашиб бора беради. Болалардагина эмас, балки катта ёшли одамларда ҳам фикр юритиш фаолиятининг ҳамма турлари ва шакллари доим ривожланиб боради. Масалан, техник, инженер ва конструкторларда тафаккурнинг кўргазмали ҳаракат тури, ёзувчиларда бўлса кўргазмали-образли (конкрет-ҳиссий) тафаккур юксак ривожланган булади ва ҳоказо.

**Тафаккурнинг
индивидуал
хусусиятлари**

Ҳар хил одамларда тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари энг аввало уларда фикрлаш фаолиятининг ҳар хил ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи турлари ҳамда шакллари турлича (кўргазмали-қиёфали, кўргазмали-таъсирчан ва мавҳум тафаккур) нисбатда таркиб топгани учун юзага келади. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига билиш фаолиятининг мустақиллик, эпчиллик, фикрнинг тезлиги каби бошқа сифатлари ҳам киради.

Тафаккурнинг *мустақиллиги* даставвал янги масала, янги

муаммони кўра билиш ва қўя билишда, ундан сўнг эса уларни ўз кучи билан еча билишда намоён бўлади. Тафаккурнинг ижодий характери худди мана шундай мустақилликда ёрқин ифодаланади.

Тафаккурнинг *ўзгарувчанлиги* шундан иборатки, масалани ечишнинг бошда белгиланган йўли (плани) аста-секин юзага чиқадиган ва аввалдан ҳисобга олиб бўлмаган муаммо шартларини қаноатлантирмаса, ана шу йўлни ўзгартира олишдан иборатдир.

Фикрнинг *тезлиги* хусусан шундай ҳолларда керак бўладики, баъзан (масалан, жанг пайтида, авария пайтида) кишидан бирор қарорни жуда қисқа муддат ичида қабул қилиш талаб қилинади. Фикрнинг тезлиги мактаб ўқувчиларига ҳам керакдир. Масалан, айрим яхши ўқувчиларни, ҳатто юқори синф ўқувчиларини *доскага* чақириб, улардан янги масалани ечиш талаб қилинганда, ҳаяжонланиб, бутун синф олдида ўзларини йўқотиб қўядилар. Бу салбий эмоциялар гўё уларнинг тафаккурини тормозлаб қўяди. Фикр жуда *секин* ва тез-тез муваффақиятсиз ишлай бошлайди. Гарчи ўзлари учун тинч шароитда (досканинг олдида эмас, уйда ёки партада ўтирганда), ўша ўқувчилар, ўша масаланинг ўзини ҳатто ундан қийинроқ масалаларни ҳам тез ва яхши ечадилар. Фикрнинг тормозлаштирувчи ҳис ва туйғулар таъсирида жиддий секинлашуви кўпинча имтиҳонларда ҳам намоён бўлади. Бошқа бир ўқувчилар, аксинча, имтиҳон пайтида ҳаяжонлансалар, уларнинг тафаккур секинлашмайди, балки тезлашади. Ана шундай шароитда улар одатдагидек тинч шароитдагига қараганда анча юксакроқ натижаларга эришадилар.

Айрим ўқувчиларнинг ана шу индивидуал хусусиятларини, уларнинг ақлий қобилиятларини тўғри баҳолаш билан махсус ҳисобга олиш зарурдир.

Тафаккурнинг юқорида кўрсатилган барча ва бошқа жуда кўп сифатлари унинг асосий сифати ёки белгиси билан чамбарчас боғлиқдир. *Ҳар қандай тафаккурнинг энг муҳим белгиси*, унинг айрим индивидуал хусусиятларидан қатъи назар, *муҳим томонларни ажратиб, мустақил равишда тобора янги умумлаштиришларга кела билишдан иборатдир*. Киши ўйлаётган пайтда, бу ўйнинг ҳатто жуда ёрқин, қизиқ, янги ва фавқулодда бўлишига қарамай, бирор нарса ёки ҳодисаларни шарҳлаш билан чекланмайди. Тафаккур мазкур ҳодисанинг моҳиятига чуқур кирган ва ташқи жиҳатдан бир-биридан қанчалик фарқ қилишидан қатъи назар, озми ёки кўпми бир хил ҳодисаларни барчасининг *умумий тараққиёт қонунини* кашф этган ҳолда зарур равишда олдинга қараб боради.

Юқори синф ўқувчиларига эмас, балки қўйи синф ўқувчилари ҳам ўзларининг кучлари етадиган материалда ҳодисалар ва айрим фактларнинг муҳим томонларини ажратиш ҳамда бунинг натижасида янгича умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эгадирлар. В. В. Давидов, Д. Б. Эльконин,

Л. В. Занков ва бошқа совет психологлари ўтказган кўп йиллик психологик-педагогик экспериментлар ишончли равишда шуни исботлайдики, ҳатто кичик ёшдаги ўқувчилар олдинги вақтлардагига қараганда анча мураккаб материални умумлашган шаклда ўзлаштира оладилар. Шубҳасизки, ўқувчиларнинг тафаккури ҳали жуда катта ва етарли фойдаланилмаётган резервлар ҳамда имкониятларга эгадир. Психология ва педагогиканинг асосий вазифаларидан бири ана шу резервларни тўла очиш ва улар асосида таълимни янада самарали ҳамда ижодий қилишдан иборатдир.

Адабиётлар

Выготский Л. С. Мышление и речь, Собр. соч., т. 2, М., Педагогика, 1982, 6—361-бетлар.

Давыдов В. В. Виды обобщения в обучении. М., Педагогика, 1972.

Исследования мышления в советской психологии (Под ред. Е. В. Шороховой). М., Наука, 1966.

Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. М., Педагогика, 1972.

Мышление: процесс, деятельность, общение (Под ред. А. В. Брушлинского). М., Наука, 1982.

Основные направления исследования психологии мышления в капиталистических странах (Под ред. Е. В. Шороховой). М., Наука, 1966.

Пономарёв Я. А. Психология творчества и педагогика. М., Педагогика, 1976.

Рубинштейн С. Л. О мышлении и путях его исследования. М., СССР ФА нашриёти, 1958.

Тихомиров О. К. Психология мышления. М., МДУ нашриёти, 1984.

Управление познавательной деятельностью учащихся (Под ред. П. Я. Гальперина и Н. Ф. Талызиной). М., МДУ нашриёти, 1972.

Хрестоматия по общей психологии Психология мышления. М., МДУ нашриёти, 1981.

Брушлинский А. В. Психология мышления и проблемное обучение. М., Знание, 1983.

Лук. А. Н. Мышление и творчество. М., Политиздат, 1976.

Талызина Н. Ф. Формирование познавательной деятельности учащихся. М., Знание, 1983.

13-БОБ

ХАЁЛ

III. 13. 1. Хаёл, унинг асосий турлари ва жараёнлари ҳақида тушунча

Хаёл ва
муаммоли
вазият

Хаёл ёки фантазия¹, тафаккур каби, юксак билиш жараёнлари қаторига кириб, кишининг ўзига хос инсоний характерга эга бўлган фаолиятларида намоён бўлади. Меҳнатнинг тайёр натижасини хаёлга келтирмай туриб, ишга киришиб бўлмайди. Фантазия ёрдами билан *кутилаётган натижани тасаввур қилиш* — инсон меҳнатининг *хайвонлар инстинктив фаолиятдан туб фарқидир*. Исталган меҳнат жараёни зарур тарзда хаёлни ўз ичига қамраб олади. Хаёл бадиий, конструкторлик, илмий адабий, музикавий ва умуман ижодий фаолиятнинг зарур томони сифатида намоён бўлади. Қисқа қилиб айтганда, қўлда оддий бир стол ясаш учун опера арияси ёки бирор қисса ёзишга қараганда оз ҳаёл талаб қилинмайди, столнинг қандай шаклда бўлишини, унинг баландлигини, кенглигини, оёқлари қандай маҳкамланишини, овқатланиш столи, лаборатория столи ёки ёзиш столи сифатида ўзининг белгиланган хизматига қанчалик жавоб беришини олдиндан тасаввур қилиш лозим. Бир сўз билан айтганда, ишни бошлашдан олдин бу столи тайёр ҳолда кўра билиш талаб қилинади.

Хаёл инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи бўлиб, меҳнатнинг охириги ва оралиқ маҳсулотларида ўз ифодасини топади, шунингдек *проблемали вазият ноаниқлик кўрсатган ҳолларда хулқ-атвор программасини тузишни таъминлайди*. Шунинг билан бирга хаёл актив фаолиятни программалаштирувчи эмас, балки унинг ўрнини алмаштирувчи тимсоллар ҳосил қилиш воситаси сифатида юзага чиқади.

Хаёлнинг психик жараён сифатидаги биринчи ва муҳим вазифаси шундан иборатки, у меҳнатни бошламасдан олдин *унинг натижасини тасаввур қилиш имкониятини беради*. Хаёл меҳнатнинг фақат сўнгги натижасинигина эмас (масалан, битказилган тайёр маҳсулот сифатидаги стол), балки меҳнатнинг *оралиқ маҳсулотларини* (мазкур ҳолда столи ясаб битказиш

¹ «Хаёл» ва «Фантазия» тушунчалари синонимлар ҳисобланади.

учун тайёрланадиган деталларни ҳам) тасаввур қилиш имкониятини беради. Бинобарин, хаёл одамга фаолият жараёнида меҳнат маҳсулотларининг охириги ёки оралиқ психик моделларини ҳосил қилиш йўли билан йўл-йўриқ кўрсатади. Бу эса меҳнат маҳсулотларини нарсалар сифатида гавдалантиришга ёрдам беради.

Хаёл тафаккур билан маҳкам боғлангандир. Хаёл ҳам тафаккур сингари, келажакни олдиндан кўриш имкониятини беради.

Тафаккур билан хаёл ўртасидаги умумийлик ҳамда улар ўртасидаги фарқлар нималардан иборат? Хаёл тафаккур сингари, муаммоли вазиятда, яъни масала ечишнинг янги усулларини қидириб топишда юзага келади. Тафаккур сингари, хаёл шахснинг эҳтиёжларига асосланади. Эҳтиёжларни қондиришнинг реал жараёнидан олдин эҳтиёжларни қондиришнинг сохта, хаёлий жараёни содир бўлади, яъни бу эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин бўлган вазиятни жонли, ёрқин тасаввур қилиш мумкин. Хаёл жараёнларида амалга ошириладиган воқеликни олдиндан акс эттириш ёрқин *тасаввурлар* тарзида *ва конкрет-образ шаклида* содир бўлади. Шунинг билан бир пайтда тафаккур жараёнларида олдиндан акс эттириш оламни умумлаштириб, воситали тарзда билиш имконини берувчи *тушунчалар* билан ишлашда содир бўлади.

Шундай қилиб, фаолият бошланадиган муаммоли вазиятда *ана шу фаолиятнинг натижаларини онг билан кўра билишнинг иккита системаси: ташкил қилинган образлар (тасаввурлар) системаси ва ташкил қилинган тушунчалар системаси* бордир. Образларни танлаш имконияти хаёлни асосида, тушунчаларни янгича қўшиб уйғунлаштириш эса тафаккурнинг асосида бўлади. Кўпинча мана шундай иш бирданига «икки қават» да амалга ошади, чунки образлар ва тушунчалар системаси ўзаро маҳкам боғлиқдир. Масалан, ҳаракат усули ҳаракатнинг қандай амалга оширилиши ҳақидаги ёрқин тасаввурлар билан органик равишда қўшилиб кетган мантиқий муҳокама юритиш орқали амалга оширилади.

Тафаккур ва хаёлни ўхшаш ҳамда фарқланувчи томонларини қараб чиқар эканмиз, муаммоли вазият оз ёки кўп ноаниқлик билан характерланиши мумкинлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Масаланинг дастлабки маълумотлари, чунончи, илмий проблеманинг дастлабки маълумотлари аниқ бўлса, масалани ечиш йўлининг моҳияти олдинги бобда ёритилган тафаккур қонунларига кўпроқ тобе бўлади. Агар проблемали вазият кўп жиҳатдан ўзининг ноаниқлиги билан ажралиб турса, дастлабки маълумотларни аниқ таҳлил қилиш жуда қийин бўлса, бошқача бир ҳолни кўрамиз. Бундай ҳолда хаёл механизмлари ишга тушади. Масалан, дастлабки маълумотларнинг бирмунча ноаниқлиги ёзувчининг ишига таъсир қилади. Адабий ижодда фантазиянинг роли шу қадар катталиги бежиз эмас. Ёзувчи хаёлида ўз қаҳрамонларининг тақдирларини кузатади. Ёзув-

чига конструктор ёки инженерларга қараганда ниҳоят даражада катта ноаниқлик билан иш олиб боришга тўғри келади, чунки инсон психикаси ва хатти-ҳаракатларининг қонуниятлари физика қонуниятларига қараганда кўп жиҳатдан мураккаб ҳамда анча камроқ маълумдир.

Муаммоли вазият характерланадиган турли шароитларга боғлиқ равишда айнан бир масаланинг ўзи ҳам хаёлнинг ёрдами билан, ҳам қатъий тафаккур билан ечилиши мумкин. *Вазиятнинг ноаниқлиги ниҳоятда катта бўлганда, яъни билиш шу даражага келганда хаёл ишлай бошлайди*, деб хулоса чиқаришга асос бордир. Вазият қанчалик одатдагидек, аниқ ва маълум бўлса, фантазия учун шунчалик кам ўрин қолдиради. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, асосий қонунлари маълум бўлган соҳадаги ҳодисалар учун ҳаёлдан фойдаланишга ҳеч қандай ҳожат йўқдир. Бироқ вазият ҳақида жуда тахминий маълумот бўлса, аксинча, тафаккур ёрдами билан жавоб топиш қийин бўлади. Бу ерда фантазия ўз ўрнини эгаллайди.

Хаёлнинг қиммати шундан иборатки, у ҳатто тафаккур учун керак бўлган тўла ва зарур билимлар бўлмаган жойда ҳам бирор қарорга келиш ҳамда муаммоли вазиятдан чиқиш имконини беради. Фантазия тафаккурнинг қандайдир босқичларидан «сакраб ўтиш» ва ҳар ҳолда сўнгги натижани тасаввур қилиш имконини беради. Аммо муаммони ечиш йўлининг кучсиз томони ҳам худди мана шундадир. Масала ечишнинг фантазия томонидан белгиланган йўли кўпинча етарли даражада аниқ ва қатъий бўлмайди. Бироқ *муҳитда етарли бўлмаган маълумотлар билан яшаш ва ҳаракат қилиш зарурати кишида хаёл аппаратининг пайдо бўлишига олиб келди*. Ваҳоланки, атрофимизни ўраб олган оламда ўрганилмаган соҳалар ҳаммиша қолар экан, бу хаёл аппарати ҳамма вақт фойдали бўлади.

Хаёл турлари

Хаёл ўзининг активлиги ва фаоллиги билан характерланади. Шунинг билан бирга хаёл аппарати фақат атрофдаги оламини ўзгартиришга қаратилган шахс ижодий фаолиятининг шарти сифатида фойдаланилиши мумкин ва фойдаланилади. Айрим ҳолларда хаёл *фаолиятнинг ўрнида*, унинг сунъий аралашмаси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Мана шу ҳолларда одам ўзига ҳал қилиб бўлмайдигандек кўринадиган масалалардан, турмушнинг оғир шароитларидан, ўз хатоларининг таъқибидан ва шу кабилардан яшириниш учун реал тасаввурлардан узоқ бўлган фантастика оламига вақтинча кириб кетади. Н. В. Гоголь Манилов образини яратиб, фойдасиз орзуларда фаолиятдан қочишнинг қулай имкониятини топган одамлар типининг умумлаштирилган образини ифода-лаб беради. Бу ерда фантазия ҳаётда гавдаланмайдиган образларни яратади, амалга ошмайдиган ва кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракат программаларини белгилайди. Хаёлнинг бундай формаси *пассив хаёл* деб аталади.

Киши пассив хаёлни олдиндан ўйлаб юзага келтириши мумкин: *журттага юзага келтирилган ирода билан боғлиқ бўлмаган, лекин ҳаётда гавдалантиришга қаратилган хаёлни* мана шундай образлари *ширин хаёл деб аталади*. Қандайдир қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида *ширин хаёл* суриш ҳамма одамларга хосдир. Мана шундай *ширин хаёлларда* фантазия маҳсулотлари билан эҳтиёжлар ўртасидаги алоқа энгил намоён бўлади. Аммо инсон хаёлий жараёнларида *ширин хаёл* кечириш ҳоллари кўпроқ бўлса, бу шахснинг пассивлигидан далолат берувчи нуқсон ҳисобланади. Агар киши пассив бўлса, у келажакда яхши ҳаёт учун курашмаса, унинг ҳозирги ҳаёти эса қийин, кўнгилсиз бўлса, бундай ҳолда у ўзининг эҳтиёжлари тўла қондириладиган, истаган нарсасини қўлга кирита оладиган, ҳозирги пайтда умид қила олмайдиган бирон мансабни эгаллайдиган сохта ҳаётни кўп вақт хаёл қилади.

Пассив хаёл ўйлаб қўйилмаган тарзда ҳам юзага келиши мумкин. Бу асосан онг фаолиятининг, иккинчи сигнал системасининг сусайишида, кишининг вақтинча ҳаракатсизлик ҳолатида, уйқусираш ҳолатида, аффект ҳолатида, уйқуда (туш кўришда), онгнинг касалликка учраб бузилишида (галлюцинацияда) ва шу кабиларда содир бўлади.

Агар *пассив хаёлни олдиндан ўйлаб ва ўйламасдан қилинган* турларга бўлиш мумкин бўлса, *актив хаёлни ижодий ва қайта тикловчи хаёл турларига бўлиш* мумкин бўлади.

Ўз асосида *тасвирига мувофиқ келадиган образлар системасини яратувчи хаёл қайта тикловчи хаёл* деб аталади. Хоҳ дарсликларни хоҳ бадий адабиётни ўқишда, географик картани ва тарихий тасвирларни ўрганишда хаёл ёрдами билан бу китобларда, хариталар ва ҳикояларда акс эттирилган нарсаларни қайта тиклашга тўғри келади.

Кўп мактаб ўқувчилари китоблардаги табиат манзараларини тасвирлашни, иморатларнинг ички кўринишини ёки шахар манзарасининг тасвирини ҳамда сўзлар орқали персонажларга берилган портретларни ташлаб кетиш ёки тез кўз югуртириб чиқишга одатланиб қолганлар. Натижада бундай ўқиш қайта тикловчи хаёлга озуқа бера олмайди ва бадий идрокни ҳамда шахснинг эмоционал ўсишини ниҳоятда сусайтириб юборади. Фантазия ўқувчилар олдида ёрқин ва чиройли манзараларни кенг тарзда кўрсатишга улгура олмайди. Географик карталарни ўрганиш қайта тикловчи хаёл тараққиётининг ўзига хос мактаби хизматини ўтайди. Қарта бўйлаб саёҳат қилиш ва турли жойларни ўз ҳаёлида тасаввур қилиш одати уларни ўша жойларни ҳақиқатда тўғри кўра билишга ёрдам беради. Стереометрияни ўрганишда керак бўладиган фазовий хаёл чизмалар ва ҳар хил масофадан натура ҳажмли жисмларни диққат билан қараб чиқиш жараёнида ривожланади.

Ижодий хаёл, қайта тикловчи хаёлдан фарқ қилган ҳолда, *оригинал ва қимматли моддий маҳсулотларда амалга ошири-*

ладиган янги образларнинг яратилишини тақозо қилади. Меҳнатда пайдо бўлган ижодий хаёл эҳтиёжларини қондириш йулини излашда яққол тасаввурлар билан актив ва мақсадга мувофиқ иш тутадиган техник, бадний ва исталган бошқа ижодиётнинг ажралмас томони бўлиб қолади.

Инсон шахсининг қиммати кўп жиҳатдан унинг структура-сида хаёлни қайси тури устунлигига боғлиқдир. Агар усмирлар ва ёшларда конкрет фаолиятларда амалга ошириладиган ижодий хаёллари пассив, қуруқ хаёлпарастликдан устунлик қилса, бу шахснинг тараққиёт даражаси юксакроқ эканлигидан далолат беради.

Хаёл жараёнларининг аналитик ва синтетик ҳарактери фаолиятида хаёлни бажарадиган вазифаси аниқлаб олинган, фантазия тарзининг яратилишини амалга оширадиган жараёнлар қараб чиқилиши ва уларнинг структуралари аниқланиши лозим.

Одамга амалий ва ижодий фаолиятларда йўл курсатувчи фантазия тарзлари қандай пайдо бўлади ҳамда уларнинг тузилиши қандай? Хаёл жараёнлари, идрок, хотира ва тафаккур жараёнлари каби *аналитик-синтетик характерга* эгадир. Таҳлил идрок ва хотирадаёқ объектнинг айрим умумий, муҳим белгиларини ажратиш ва сақлаш ҳамда муҳим бўлмаган белгиларидан четлашиш имкониятини беради. Бу таҳлил синтез билан, яъни ўзига яраша эталон ҳосил қилиш билан тугалланади. Ана шундай эталон ёрдами билан бутунлай узгартириб юборилганда ҳам маълум ухшашлик доирасидан четга чиқмайдиган объектларни билиш амалга оширилади. Таҳлил ва синтез хаёлда бошқача йуналишга эга бўлиб, образлар билан қилинадиган фаол жараёнларда бошқа тенденцияларни топиб, очиб беради.

Хотиранинг асосий тенденцияси образларни қайта тиклаб, эталонга максимал яқинлаштиришда, яъни илгари ҳаётда бўлган, идрок қилинган, тушунилган, анланган иш-ҳаракат ёки объектни оқибат натижада аниқ нухасига яқинлаштиришдан иборатдир. *Хаёлни асосий тенденцияси* оқибат натижада мутлақо янги, шу пайтгача ҳосил қилинмаган вазият моделини ҳосил қилишни таъминлайдиган тасаввурларни (тимсолларни) қайта тузишдан иборатдир. Ҳар иккала тенденция ҳам нисбий характерга эгадир: биз ўз танишимизни, гарчи унинг белгилари, кийимлари, ҳатто овози сезиларли даражада узгариб кетган бўлшига қарамай, жуда кўп йиллардан сўнг ҳам таний оламиз. Фантазия яратган ҳар қандай янги образда эскилик, илгаридан маълум бўлган белгилар кўриниб туради.

Хаёлни унинг механизмлари жиҳатидан таърифларканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хаёлни моҳияти *тасаввурларни қайта тузиш жараёнидан ва ўзимиздаги мавжуд образлар асосида янги образлар яратишдан иборатдир. Хаёл, фантазия реал воқеликни янги, қутилмаган ҳамда одатдан ўзгача қушилиши ва боғланишларда акс эттиришдан иборатдир.* Агар



26- расм.

ҳатто қандайдир мутлақо ғаройиб нарсани ўйлаб чиқариб, унга синчиклаб қараганимизда у нарсанинг барча элементлари — ҳаётдан, ўтмиш тажрибадан олинганлиги, булар ижодий фантазиянинг бирон босқичидаги каби, беҳисоб фактларнинг олдиндан ўйлаб ёки уйланмасдан қилинган таҳлилнинг натижалари бўлиб чиқади. Бу ҳолат бадий ижодда қатнашадиган ҳаёлга нисбатан К. Паустовскийнинг айтган қуйидаги гаплари билан ифода қилиниши мумкин: «Ҳар бир минут, бехосдан ташланган ҳар бир суз ва нигоҳ, ҳар бир чуқур маъноли ёки ҳазиломуз фикр, киши қалбини учиб тушган терак момиғи ёки тунги юлдуз шуъласи сингари, билинар-билимас ҳар бир ҳаракати — буларнинг ҳаммаси олтин чанги заррачаларидир.



27- расм.

Биз адабиётчилар, бу миллионлар заррачаларни ўн йиллар давомида тўплаб оламиз, ўзимиз сезмаган ҳолда йиғиб, қотишмага айлантирамиз ва ундан сўнг ана шу қотишмадан ўзимизнинг «олтин гулимиз» бўлмиш — қисса, роман ёки поэмаларни тайёрлаймиз»¹.

Хаёл жараёнларида тасаввурлар синтези турли шаклларда амалга оширилади (26- расм).

Тимсолларни синтезлашнинг энг содда формаси *агглютинация* бўлиб, бу кундалик ҳаётимизда бирлаштириб бўлмайдиган турли сифатлар, хусусиятлар ва қисмларни «ёпиштириб» бирлаштиришдан иборатдир. Агглютинация йўли билан эرتак образлари яратилади (сув париси — Русалка, товуқ оёғида турган уйча, Пегас, кентавр ва бошқалар). Агглютинациядан техника билан боғлиқ бўлган ижодиётда ҳам фойдаланилади (масалан, танк билан қайиқнинг сифатларини ўзида бирлаштирадиган танк-амфибия, фортепьяно билан баян бирлашмаси бўлган аккордеон).

Тасаввур формаларини ўзлаштириш жиҳатидан агглютинацияга яқин турувчи — *гиперболизация*дир. Гиперболизация нарсаларни фақат катталаштириш ёки кичиклаштириш (тоғдек катта одам ва бош бармоқдек кичик бола) билан эмас, балки нарсалар қисмининг миқдорини ва уларнинг ўрнини алмаштириш билан ҳам *характерланади*: ҳинд афсонасидаги кўп қўлли худодлар, етти бошли аждарлар ва шу қабилар.

Фантазия тимсолларини яратиш мумкин бўлган йўллардан бири нарсаларнинг қандайдир сифатларини, белгиларини *қайд*

¹ Паустовский К. Золотая роза.— Собр. соч. в 6-ти т. М., Госполитиздат, 1957, 2-том, 498-бет.

қилиш, уларга диққатни жалб этишдан иборатдир. Ана шу усул ёрдами билан ўртоқлик ҳазиллари ва аччиқ карикатуралар яратилади (27-расм). Бундай ҳолда фантазия образлари яратиладиган тасаввурлар қушилиб кетса, фарқлар йўқолиб кетади, ўхшаш томонлар эса биринчи қаторга ўтиб олади, бу *схематизациялашни* амалга оширишга ёрдам беради. Схематизациялашга рассомнинг ўсимликлар дунёсидан андаза олиб, нақш яратиши яхши мисол бўлади. Ниҳоят, ҳаёлда тасаввурлар синтези *типиклаштириш* ёрдами билан амалга оширилиши мумкин. Типиклаштиришдан бадий адабиётда кенг қўлланилади, у орқали бирор жиҳатдан бир хил бўлган фактларда такрорланадиган муҳим томонлар ажратилади ва улар конкрет образда гавдалантирилади.

Ижодий жараённинг бориши жуда кўп ўхшатишларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади (бироқ уларнинг актуаллашуви хотира жараёнларидаги қайта тикланишдан фарқ қилади). Ўхшатишнинг боришида эгаллаб олинган йўналиш ижодиётга сабаб бўлаётган эҳтиёжлар ва мотивларга тобе бўлади. С. А. Толстойнинг кундалик хотира дафтаринда Лев Толстойнинг ижодий ҳаёл жараёнида ўхшатишларни танлаб олишнинг ўзига хослигини ёритиб берувчи ёзувлар бор: «Ҳозир менга Л. Т. Толстой роман ёзиш учун унга фикрлар қандай қилиб келишини айтиб берди: «Мен пастда, ўз кабинетимда ўтирибман ва халат енгидаги оқ ипак тикувга разм соламан, у жуда чиройли. Одамларнинг миясига барча нақшлар, безаклар, кашталар қандай қилиб келиб қолганлиги ҳақида, хотинлар маҳлиё бўлиб яшайдиган бутун бир олам аёллар иши, модалар, мулоҳазалар борлиги ҳақида ўйлаяпман. Бу иш жуда мароқли бўлиши керак, минбарин, тушунаман, аёллар бу ишни жуда ёқтирадилар ва бу иш билан бажонидил шуғуллана оладилар. Шу ондаёқ албатта, менинг фикрларим (яъни романга бўлган ўйларим) Аннага қараб кетади... Ана шу ипак тикув менга тўсатдан бутун бир бобни ҳадя қилди. Анна аёллар ҳаётининг ана шу мароқли томони билан шуғулланишдан маҳрум, чунки у ёлғиздир, ҳамма аёллар ундан юз ўгиришган ва у кундалик соф аёллар машғулоти бўлмиш ана шу ишлар ҳақида ҳеч ким билан гаплаша олмайди»¹.

Ижодий ҳаёлнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўхшатишларнинг одатдаги йўлини инкор этиб, уларни айни чоғда санъаткор психикасида ҳукмрон бўлган ҳис-туйғулар, фикрлар, интилишларга бўйсундиради. Гарчи ўхшатиш механизмлари узгармай қолса ҳам, яъни ўхшашлик, изчиллик ёки контраст қарама-қаршилик ўхшатишлигича қолса-да, тасаввурларни танлаш ана шу сабабий боғланиш тенденцияси билан белгиланади. Масалан, «Соат тузатиш» деб ёзиб қўйилган вивеска қандай ўхшатишларни юзага келтиради? Бу тўғрида қуйидаги мулоҳазалар қайд қилинган: «Соат тузатиш... Менинг

¹ Дневники Софьи Андреевны Толстой (1860—1891), М., 1928, 36 ет.

соатимни аллақачонлар тозалаш керак эди, орқада қоляпти... Бизнинг микрорайонимизда соат тузатадиган устакхона бор, аммо пойабзал устакхонаси ҳалигача очилмаяпти» ва шу кабилар. Бироқ ана шу вивесканинг ўзига шоир нигоҳи тушиб қолади-да, натижада унинг шеърисида ўхшатишлар занжири чизила бошлайди. Ана шундай ўхшатишларнинг пайдо бўлишига ташқи таассурот, айни чоғда, вивеска сабаб бўлади. Бу вивеска шоирнинг айни чоғдаги тегишли ҳиссий ҳолатидан сизилиб ўтиб, қуйидаги тусга киради: шоир «соат ремонт, минутлар ремонт, ҳафталар, ойлар ремонт» деб ўхшатиш қилади ва шундай деб сўрайди: «Бузуқ ўтган бир йилнинг ремонт қилиб берсангиз». Ўхшатишларнинг сабабий боғланишларнинг актуаллашувини бузувчи ўзгача йўли ижодий фантазиянинг ғоят муҳим томони ҳисобланади.

III. 13.2. Хаёл жараёнининг физиологик асослари

Фантазия мия функцияси сифатида

Фантазия тимсолларининг пайдо бўлиши киши мияси фаолиятининг натижасидир. Хаёл бошқа ҳамма психик жараёнлар каби катта ярим шарлар пўстлоқ қисмининг функцияси ҳисобланади.

Хотиранинг физиологик асоси *муваққат нерв боғланишларининг туташishi ва уларнинг кейинчалик актуаллашишидан* (қайта тикланиши, тормозланмай қўйишидан) иборатдир. Агар хотира жараёнларида пайдо булган боғланишлар кейинчалик яна тикланса, хаёл жараёнида кишининг ҳаёти давомида ҳосил қилинган боғланишлар системаси *гўё емирилади (бузилиб кетади) ва янги системага бирлашади.*

Бундай бирлашиш эҳтиёж ёки қандайдир бевосита таассурот орқали мия пўстида етарли даражада кучли қўзғалиш манбаини ҳосил қилиш натижасида мумкин бўлади. Шундай қилиб, хаёл қиладиган кишида нерв хужайраларининг гуруҳлари, содда қилиб айтганда, янгича боғланади. Фантазия тимсолларининг хотира тимсолларига нисбатан характерли янгилиги ва қисман ўхшашлиги ана шунга, яъни нерв хужайраларининг янгича боғланишига боғлиқдир.

Хаёл, айтиб ўтилганидек, катта мия ярим шарлари пўстлоғининг функцияси ҳисобланади. Шунинг билан бирга хаёл тузилишининг мураккаблиги ва унинг хиссийетлар билан боғлиқлиги хаёлнинг физиологик механизмлари фақат мия пўстлоғи билан эмас, балки миянинг чуқурроқ қисмлари билан боғлиқ деб тахмин қилишга асос беради. Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар бу тахминнинг тўғрилигини исботлайди. Фантазия тимсолларининг таркиб топиши ва уларни фаолият жараёнларига қўшишга мия ярим шарлари пўстлоғи билан бирга қатнашувчи миянинг ана шундай чуқур қисмлари *гипоталам-лимбик системасидир.* (Гипоталамус унинг қадимги пўстлоқ ва пўстлоқ ости қисмлари билан боғланиши мия ство-

лининг ярим шарларга чиқаверишида, олдинги қисми атрофида «лимб» ёки чегара ҳосил қилади).

Экспериментлар билан шулар аниқланганки, гипоталам-лимбик система зарарланганда, киши психикасида ўзига хос бузилиш содир бўлади: одамнинг хатти-ҳаракатлари гуё маълум программа билан бошқарилмаётган ва бир-бири билан боғланмаган, алоҳида-алоҳида, шу билан бирга ўз-ўзича етарли даражада мураккаб ва бир бутун ҳаракатлардан иборатлек тасаввур туғилади.

Агар ана шундай беморни магазинга юбориб, қўлга нималар олиши ҳақида рўйхат берилса, у бу вазифани етарли даражада пухта бажаради. Лекин харид қилиб бўлгач, сотиб олган нарсалари билан нима қилиши кераклигини тушуна олмайди ва зарур ҳаракатлар ҳақида янги кўрсатма олмагунча ёки унда одатдаги реакцияни у вужудга келтирадиган қандайдир бир нарсага, светофорнинг яшил рангига тўқнаш келиб қолмагунча, ҳеч қандай мақсадсиз дайдиб юра беради. Бундай беморлар уларга ўқиб берилган бир қатор рақамларни ёки китобдан ўқиб берилган парчани қайтариб гапириб бера оладилар, лекин улар ҳатто оддий ҳаракат планини ҳам белгилай олмайдилар ва ҳаракатдан келиб чиқадиган натижани ҳам олдиндан кўра олмайдилар.

Шундай қилиб, мазкур ҳолда хатти-ҳаракатни планлаштиришга, келажакдаги ҳаракатларнинг программасини тузишга жавобгар бўлган мианинг структураси зарарланган деб тахмин қилиш мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, хаёлнинг энг оддий, кундалиқ, лекин эҳтимол, шунинг билан бирга энг муҳим роли айни шу хатти-ҳаракат планини, программасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Хаёл ва органик процесслар

Инсон миёси фантазия ишлаб чиқарган тимсолларга ва организмнинг периферик қисмларига бошқарувчи таъсир кўрсатиб, уларнинг ишлаш жараёнини ўзгартириб юборади. Ҳали ўрта асрлардаёқ кишини ҳайратда қолдирадиган факт маълум эди; айрим одамларда, кўпроқ асаб бузилиши (истерия) ни бошдан кечирган одамларда (инжилдаги афсонага кўра, Исо пайғамбар крестда бошидан кечирган азоб-уқубатлар ҳақидаги фикрлардан сунг) қўл ва оёқларнинг қафтида қон талаб кўкарган ва ҳатто яра пайдо бўлган. Бундай белгилар «стигматлар» деб ном олган (грекча «стигма» деган сўз «чандиқ», «белги» деган маънони англатади).

Таъсирчанлиги ва хаёлга бойлиги билан ажралиб турадиган айрим одамларни кузатиш ҳам хаёлнинг физиологик жараёни кечишига таъсири ҳақида қизиқ маълумотлар беради. Флобер «Бовари хоним» романи қаҳрамони Эмма Бовари хонимнинг заҳар ичиши воқеасини ёзганда, у оғзида маргимуш таъмини яққол сезган. Вольтер ҳар йили Варфоломеев кечасини нишонлашда оғриб қолган. Минг-минглаб гуноҳсиз кишилар диний фанатизм қурбони қилиб ўлдирилган кун ҳақидаги фикр унинг безгагини қўзғотган: ҳарорати кўтарилиб, томирлари тез ура бошлаган.

Москвадаги СССР ПФАнинг умумий ва педагогик психология институтида бир қанча йиллар давомида феноменал (ғайри-табiiй) даражада яққол хаёл ва хотира тимсолларига эга бўлган С. Ш. ўрганилган.

«Ш. бирор нарсани ўзича тасаввур этмоқчи ёки, ўзининг айтишича, «кўрмоқчи» бўлса, биз унинг баданида ажойиб ўзгаришларнинг пайдо бўлганини кўрар эдик. Махсус тажрибаларда... биз унинг қандай қилиб унг қўлининг ҳароратини 2 даражага ошира олганини ва чап қўлининг ҳароратини 1,5 даражага пасайтира олганини кузатишга муваффақ бўлдик; бунинг учун унга ўнг қўли плитанинг чеккасида, чап қўлида бир парча муз ушлаб турганини «кўриш» етарли эди. Унчалик кўп қийналмай юрак ишининг ритмининг тезлаштирар (ўзини трамвайнинг кетидан чолиб кетаётган қилиб ҳис этиш орқали) ёки юрак ишининг ритмининг секинлаштирар (ўзини ўринда осойишта ётган деб тасаввур қилиш орқали) эди; у қоронғи камерада (эксперимент камерасида) ўтириб, ёрқин нур парчасини «кўра бошлаганида» электроэнцефалограммада альфаритм депрессияси ҳодисаси рўй берар эди. У тишини наркозсиз суғириб олиб ташлашга тоқат қила олар эди; бунинг учун у тиш доктори стулида бошқа одам ўтирибди деб тасаввур қилар ва умуман унинг эмас, балки ўша ўтирган бошқа одамнинг тишини олишяпти деб тасаввур қилар эди¹.

Психик фаолиятнинг айрим бузилишлари ҳам ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳаддан ташқари таъсирланувчан ва тетик хаёлга боғлиқдир. Баъзан ана шундай касалликка обрўли кишининг айтган сўзини нотўғри тушуниш ҳам бевосита сабаб бўлади. Шундай ҳоллар маълумки, врачнинг эҳтиётсизлик билан айтган сўзининг таъсирида даволанишга келган киши оғир касаллик билан оғриб қолган бўлсам керак, деб ҳаёлдан ўтказадилар ва унда бу касалликнинг тегишли аломатлари ривожлана бошлайди. *Ятроген* деб аталадиган *касалликлар* юзага келади. Ўқитувчининг педагогик жиҳатдан ноҳўя хатти-ҳаракатлари ва унинг эҳтиётсизлик билан айтган сўзи ҳам ўқувчини жароҳатлантириши ва унда фантастик қўрқув ҳиссини юзага келтириши мумкин. Баъзан *дидактоген* деб аталадиган нерв касалликлари ана шундай юзага келади.

Илмий адабиётда қуйидаги ҳодиса тасвирланган: «Людмила В., 16 ёшда, ўрта мактабнинг IX синф ўқувчиси, соғлом, меҳнатсевар, қаноатли (онасининг сўзлари бўйича), бир неча вақтлардан бери синфдаги ёзма ишлар олдидан унинг бутун вужудини «даҳшатли қўрқинч» қоплаб олиши ҳақида шикоят қилган: бу қизда ёзма иш бошлангандан анча олдин «қандайдир қайтариб бўлмайдиган қўрқинч», ниҳоят зўриқиб кутиш билан боғлиқ бўлган ичдан ташвишланиш ҳолати ривожлана бошлайди. Шу билан бирга ана шундай қўрқинчларни иштахаси кескин бўғилиб қолади, уйқуси бузилиб, ёмон ухлайди ва диққатини бир жойга тўплай олмайди, нима ёзганини ўзи билмайди, жуда шошқалоқлаб қолади, аммо буларнинг ҳаммаси гўё бир туман ичида туюлади. Мана шунинг натижасида ўзи учун хос бўлмаган кўп хатоларга йўл қўйиб юборади ва ўзи яхши билладиган грамматик қондалар юзасидан қўпол хатолар қилади. Одатда, тинчлик ҳолатида у бундай хатоларга мутлақо йўл қўймайди. Шу асосда ўқитувчи билан можароли муносабат пайдо бўлди. Натижада ўқининг «истикболсизлиги» тўғрисидаги фикрлар билан оғир нар-

¹ Қаранг: Лурия А. Р. Маленькая книжка о большой памяти. М., МДУ нашриёти, 1968.

кстик ҳолат юзага келди. Айни чоғда уй шаронтида ёзма ишларни бинойидай бажаради, оёйишта ва хатосиз ёзади.

Ўтказилган ... суҳбат руҳий жароҳатнинг сабабини очиб беради: бу қиз IV синфдалик пайтнда ўзи уқиб турган мактабдан бошқа бир мактабга кўчирилган экан. Лекин янги мактабда рус тили ўқитувчиси бу қизни ғаразлик билан кўтиб олган ва доска ёнида оғзаки жавоб бераётган пайтнда унга ғоят қийин вазифа берган. Аммо қизча оғзаки жавобнинг уддасидан чиққан. Бироқ дастлабки ёзма иш пайтндаёқ ўқитувчи бу қизнинг олдига келиб: «Тилнинг билан бидиллашга жуда уста экансан, қани кўрайлик-чи, қандай ёзиб бера экансан!»— деб кескин луқма ташлаган. Қизча бирдан кучли ҳаяжонланади: «Агар хато қилиб қўйсам унда нима бўлади». Ўзини бутун аъзон баданидан ўт чиқиб ёниб кетаётганидек ҳис қилади, қўллари, юзи ва бутун бадани терлаб кетади, боши хиралашиб ишламай қолади, ҳамма ишини гўё бир туман ичида ўтиргандек ёзиб ташлайди. «Нима ёзганимни билмайман», дейди қиз. Бу ишга қўйилган ёмон баҳо ҳақидаги хабарни эшитгач (ўқитувчи қизчага ёзма ишни қайтарар экан, «Шундай бўлишини билган эдим ҳам!» деб қўяди), қизда қандайдир бир ҳодиса рўй беради. «Ичида қандайдир ҳамма нарса чўкиб кетгандек бўлади ва бошини яна туман қоплаб олади». Шу кундан бошлаб, синфда ёзма ишлар бошланиши олдидан ваҳима туғиладиган бўлиб қолади»¹.

Ана шу фактларнинг ҳаммаси диний фанатикларнинг стигматларига ўхшаш эканлигини пайқаш осондир. Бундаги ўхшашлик шундан иборатки, фанатикларда ҳам, бошқаларда ҳам хаёл тасаввурлари одамнинг хатти-ҳаракатларини идора қилибгина қолмай, балки физиологик жараёнини ўзгартиради. Бунда фантазия тимсоллари мия пўстлогининг функцияси бўлиб, киши танаси аъзоларига ўз-ўзида таъсир қила олмайди.

Идеомотор деб аталадиган актлар (ҳаракатлар) ҳаммага маълум. Киши бирор ҳаракатни тасаввур қилиши билан ана шу ҳаракат пайдо бўлади.

Қуйидаги тажрибани қилиб кўриш мумкин. Одам қўлида маятник ушлаб турибди, дейлик. Маятникнинг ипагига эркин осилиб турган юк боғлаб қўйилган. Синувчига юкнинг концентрик доира бўйлаб ҳаракат қилаётганини яққол тасаввур қилиш тавсия этилади. Бир оз вақт ўтгандан сўнг ҳақиқатан ҳам шундай ҳаракат қила бошлайди. Ҳаракатни яққол ва ёрқин тасаввур қилиш онг қайд қила олмайдиган мускулар зўр беришини юзага келтиради, булар маятникни айланма ҳаракатга солади. Мамлакатимизда кенг миқёсда маълум бўлган артист Вольф Мессинг тажрибаларининг натижалари идеомотор актларнинг маъносини очиш принципига асослангандир. Вольф Мессинг ниҳоятда нозик сезгирликка эга бўлиб, ўзига тегиб турган одамдан идеомотор акт туфайли чиқараётган билинар-билинимас сигналларни қабул қилади, унинг ҳаракатлари йўналишини топиб беради ва шундай йул билан бекитиб қўйилган нарсани топиб беради, китобдан уйланган сатрни топиб курсатади ва ҳоказо.

Томирлар системасининг реактивлиги идеомотор актларга таъсир қилади.

Масалан, киши қўлини букаман деб турганда, хатто уйланган ҳаракат амалга оширилмаса ҳам, билагининг ҳажми катталашади. Билак ҳажмининг бутунлай катталашуви қўл мускуллари қон томирларининг кенгайиши билан боғлиқдир. Қон юришининг кўпайиши, албатта, реал ҳаракат пайтнда фойда-

¹ Платонов К. И. Слово как физиологический и лечебный фактор. М., Медгиз, 1957, 255-бет.

лидир, чунки мускулларни кислород ва глюкоза билан яхшилаб гаъминлайди ҳамда, шунинг билан бирга, модда алмашинишида маҳсулотларни чақириб ташлашга ёрдам беради. Агар кишига ўзининг оғир юк кутараётганини тасаввур қилиш тавсия этилса, тасаввур қилаётган кишининг мускуллари кучсиз таранглашади ва электр активлиги пайдо бўлиб, мускулларнинг биотоклари ёзиб олинади. Киши канчалик кўп юк кутараётганини тасаввур қилса, мускуллари шунчалик таранглашиб, электр активлигининг интенсивлиги шунчалик ортган бўлар эди. Киши юқорига, ластга ёки бирор томонга қараялман деб тасаввур қилган пайтда худди юқоридаги каби кўз мускулларида активлик пайдо бўлади. Сўнгги йилларда биотоклар билан бошқариладиган бир қатор асбоблар пайдо бўлди. Биоток билан бошқариладиган қўл протези кенг равишда ҳаммага маълум бўлди.

Фантазия тимсолини етказиб берувчи мия — якка-ёлғиз системадир: унинг бирон-бир қисмида юз берган ўзгариш унинг бошқа бўлимлари ишига таъсир қилади. Яхлит нарса сифатидаги мия инсон танасининг барча аъзоларига тўғриловчи таъсир кўрсатади. Негаки психик жараён организмнинг ҳаёти фаолиятида у ёки бу ўзгаришга олиб келмоқда. Ўз навбатида ҳаёл бошқа психик жараёнлар каби киши организмнинг кўплаб системалари ишига анчагина таъсир кўрсатади.

III. 13.3. Болаларнинг ўйини ва катталарнинг ижодидида фантазиянинг роли

Фантазия ва ўйин

Боланинг етакчи фаолияти ўйин бўлиб қоладиган боғча ёшидаги даври ва мактабда таълим олишнинг дастлабки йиллари ҳаёл жараёнларининг барқ уриб ривожланиши билан характерланади.

«Гўё» деган суз ёрдами билан ўйинга олиб кирилган ҳаёлий вазият ўйиннинг зарур элементи бўлиб, эркин, мантқиқ қондалари ва ҳақиқийлиги талабларидан тортинмайдиган боланинг шу пайтгача тўплаган тасавурини ўзгартиришдан иборатдир. Фантазия тимсоли бу ерда ўйин фаолиятининг программаси сифатида намоён бўлади. Кичик ёшдаги бола ўзини космонавт деб ҳис қилиб, шунга тегишли равишда ўз хатти-ҳаракатларини ва бирга ўйнаётган тенгқурларининг хатти-ҳаракатларини ташкил қилади: «яқин кишиларни» билан видолашади, «бош конструкторга рапорт беради, ракетани стартда ва айни пайтда ўзини ракетада деб ифодалайди» ва шу кабилар. Ҳаёлга бой озуқа берувчи ролли ўйинлар болага шахснинг қимматли сифатларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш имконини беради (дадиллик, қатъийлик, уюшқоқлик, топқирлик ва шу кабилар); ҳаёлий вазиятда ўзининг ва ўзгаларнинг тасаввурларидаги хатти-ҳаракатни персонажнинг хатти-ҳаракати билан таққослаб, бола зарур баҳолаш ва солиштиришлари амалга оширишни ўрганади.

Фаолиятни амалга ошириш ва ташкил қилиш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган *ҳаёлнинг ўзи фаолиятнинг ҳар хил турларида таркиб топади* ва бола ҳаракат қилмай қўйган-

дан сўнг йўқолиб кетади. Боғча ёшидаги даврда бола хаёли аста-секин ташқи таянчга (даставвал ўйинчоқларга) суянадиган фаолиятдан сўзлар билан содда (чўпчаклар тўқиш, тарихий воқеаларни айтиш, шеър тўқиш) ва бадний (расм чизишни) ижодиётни амалга оширишга имкон берадиган мустақил, ички фаолиятга айлана боради. Боланинг хаёли нутқни ўзлаштириш муносабати билан, бинобарин, катта одамлар билан қиладиган мулоқоти жараёнида ривожланади. Нутқ болаларга шу пайтгача ҳеч қачон кўрмаган нарсаларини тасаввур қилиш имконини беради. Шу нарса аёнки, нутқ тараққиётидан орқада қолиш хаёлнинг тараққиётига ва хаёлнинг орқада қолишига, камбағалланишига ҳам таъсир қилади.

Фантазия бола шахси нормал тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Фантазия болага органик жиҳатдан хос бўлиб, унинг ижодий имкониятларини эркин намоён қилиш учун зарурдир. К. И. Чуковский ўзининг жуда озник ва чуқур психологик кузатишлар ҳамда хулосаларга эга бўлган «Иккидан бешгача» китобида фантазия ва эртақларга қарши бўлган бир она ҳақида гапиради. Бу аёлнинг ўғли ўқиб турган эртақни онаси олиб қўйгани учун қасд олмоқчи бўлиб, эрталабдан кечгача жўшқин хаёлга берилиб кетади: «Гоҳ унинг хонасига қизил фил меҳмон бўлиб келганини ўйлаб чиқаради, гоҳ унинг Қора деган айиқча онаси борлигини ўйлаб чиқаради; унинг ёнидаги стулга ўтирманг, сиз кўряписми ахир? Бу стулда айиқ ўтирибди-ку. Ойи қаёққа қараб кетаяписиз? Бўриларгами? Бўрилар ахир бу ерда турибди-ку!»¹. Шундай қилиб, бола хаёлан ўз эҳтиёжларини қондирган ва ҳимоя қилган ҳолда, шахснинг тўлақонли ривожланишини амалга ошириш учун ҳаётда зарур бўлган нарсаларга қаршилик қилувчи сабабларни барта раф қилиш усулларини топади. Бирор сабабга кўра, асосан педагогик фаолиятдаги жиддий камчиликлар муносабати билан болаларнинг хаёли етарли даражада ривожланмай қолади. Ана шундай ҳолларда болалар одатда бўлмаган, лекин ниҳоятда реал нарсаларнинг борлигига шубҳа билан қарай бошлайдилар. Масалан, ўша К. И. Чуковскийнинг ўзи шундай деб ёзган эди, мактаблардан бирида ўқувчилар билан акулалар ҳақида гап борган пайтда, улардан бири «Акулаларнинг ўзи йўқ нарса» деб бақирган².

Мактабгача ёшдаги болаларда *фантазия ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида юзага чиқади*. Ташқи олам ҳақидаги тўғри, ўхшаш тасаввурлар бола онгида хаёл призмасидан ўтиб тасдиқланади. Бу жиҳатдан «тескари кўрсаткич» жуда ибратлидир. «Тескари кўрсаткич» ни ҳамма болалар яхши кўрадилар (тўрт ёшли қизча шундай деб ашула айтади: «Бир бурда сут ва бир хурмача пи-

¹ Чуковский К. И. От двух до пяти. М., Детская литература, 1968, 277-бет.

² Ўша жойда, 286-бет.

рог бераман»). Тескари кўрсаткичлар болалар хаёлининг маҳсули бўлиб, фантазиянинг бошқа тимсоллари каби, одатдаги тимсол ҳосил қилинадиган элементларнинг ўрнини алмаштириш ёрдами билан ҳамда эмоционал кулгил қолларга бўлган эҳтиёжларнинг таъсири остида ясалади. Шу нарса муҳимки, воқеликни атайлаб бузиб кўрсатадиган бу тескари кўрсаткич унинг ёнида, бу бўлмағур нарсаларни инкор қилувчи эталон сифатида, оламни тўғри тасаввурлаш мавжуддир. Акс ҳолда улар янада чуқурроқ ўрнашиб қолган бўлар эди. Нарсаларни нотўғри, фантастик бошқариш («Қизил қалпоқча бўрини еб қўйди») нарсалар ўртасидаги қонуний боғланишларни англашга ёрдам беради ва боланинг билиш фаолиятида ишончли таянч бўлади.

Фантастик образ бола учун ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва билишнинг воситаси эканлигини жуда кўп психологик маълумотлар исбот қилади. А. П. Чехов ўзининг «Уйда» деган ҳикоясида етти ёшли болага чекишнинг зарари ҳақидаги насиҳатомуз гапларнинг қанчалик кам таъсир қилганлигини ва кутилмаганда чекиш одати бўлган шахзоданинг ўлими ҳақидаги оддий бир ҳикоя қанчалик натижа берганлигини кўрсатади. Ҳис-туйғуларга бой бўлган фантазия образи болага кучли таъсир қилади: «... у қоронғи ойнага қараб бир минутча ўйланиб қолади, кейин сесканиб кетади-да, овозини пасайтириб: «Мен бошқа чекмайман...», дейди»¹. Хаёл болага атрофимиздаги ташқи оламни ўйинда ўзлаштириш имконини беради. Катта одамлар ташқи оламни актив ижодий фаолият билан ўзгартиради.

Орзу Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижодий фаолиятга ҳамма вақт фантазия қўшилган бўлади. Бироқ ҳамма вақт ҳам одамнинг амалий ҳаракатларида хаёл жараёнлари дарҳол амалга оша бермайди. Кўпинча хаёл жараёнлари одам амалга оширишни истайдиган тимсоллар шаклига, яъни алоҳида ички фаолият шаклига кириб олади. Ана шундай одам *келгусида хоҳлайдиган тимсолларни орзу деб аталади.*

Орзу одамнинг воқеликни ўзгартиришга қаратилган ижодий кучларини ҳаётга татбиқ қилишнинг зарур шартларидандир. Орзу ҳаётни илмий кўра билишнинг элементидир. Ҳаётни олдиндан илмий кўра билиш, хусусан халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат планлари ғоят катта роль ўйнайдиган бизнинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга.

Инглиз ёзувчиси Серберт Уэллс, большевиклар мўлжаллаган ғоят катта режаларнинг амалга оширилишини тасаввур қила олмай, В. И. Ленинни «Кремль хаёлпарастини» деб атаган эди. В. И. Лениннинг орзулари ҳақиқатга айланган ва мамлакатимизда социализм қурилган ҳозирги вақтда, ҳатто

¹ Чехов А. П. Дома — Собр. соч. в 12-ти т. М., Госполитиздат, 1955, 5-том, 112-бет.

коммунизм душманлари ҳам Октябрь революцияси дохийси режаларининг нақадар узоқни кўзлаганини ва тўғрилигини тан олмақдалар.

В. И. Ленин «Нима қилмоқ керак» деган китобда Д. И. Писаревнинг айтганларини маъқуллаб, «ишга туртки бўлувчи фойдали хаёл» ҳақидаги фикрларини унга қўшилган ҳолда келтиради:

«Агар кишида бу хил хаёл қилиш қобилияти ҳеч бўлмай, баъзи-баъзида хаёли югуриб олдинга ўтиб кета олмаса ва ўз қўли билан эндигина ижод этилаётган ишнинг бутун манзарасини ўз хаёлида тўла ва тўқис тасаввур қила олмаса, у ҳолда одамни санъат, фан ва тирикчилик соҳасида ғоят катта ва азоб ишларни бошламоққа ва охирига етказмоққа ҳаракат қилишга нима мажбур этганини мен асло тушуна олмайман...» Орзу шунинг билан бирга батамом тугалланиши бирор сабабга кўра кечиктирилган *фаолиятга ундовчи сабаб ёки мотив сифатида* намоён бўлади. Мана шунинг учун ҳам инсон қўли билан қилинган ҳар қандай нарса ўзининг тарихий моҳияти жиҳатидан *моддийлаштирилган, амалга оширилган инсон орзусидир*.

Одамнинг амалий ишлаб чиқариш фаолиятида фантазиянинг роли катта, лекин ҳамма вақт ҳам сезиларли бўлавермайди. Исталган, ҳатто энг оддий нарсалар (электр чироғи, авторучка, елим шишаси, устара тиги, циркуль ва ҳоказолар) да ҳам шу нарсаларга нисбатан кучли эҳтиёж сезган жуда кўп авлодларимизнинг орзулари маълум даражада гавдаланганини кўрамиз. Нарсанинг тарихи қанча узун бўлса, у қанча кўп ўзгарган бўлса, бу нарсада одамларнинг шунча кўп орзулари қайд қилинган бўлади. Амалга оширилган орзу янги эҳтиёжни юзага келтиради, янги эҳтиёж эса янги орзуни туғдиради. Даст-аввал ишлаб чиқариш фаолиятида қўлга киритилган ҳар бир янгилик, янги нарса такомиллашгандек бўлиб кўринади, лекин уни ўзлаштира борган сари камчиликлари кўриниб қолади ва одамлар янада яхшироқ нарса ҳақида орзу қила бошлайдилар. Бунинг билан одамлар янада яхши нарсаларнинг юзага келиши жараёнига туртки берадилар. Бундан тўрт аср муқаддам оддий дераза ойнаси амалга ошириб бўлмайдиган орзу эди; деразаларга бука пуфагидан қилинган нарса тортиб қўйилар ва у ёруғликни сал-пал ўтказар эди. Уша даврларда худди сув ва ҳаво каби ёруғликни ўтказадиган тиниқ материал ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди. Ойна тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш орқали мана шундай тиниқ материал олишга муяссар бўлинди. Бироқ вақт ўтиши билан ойнанинг ҳам камчиликлари аниқланади. Жумладан, оддий ойна ультрабинафша нурларни ўтказмайди: ана шундай ойналар билан ёритилган хоналардаги болаларнинг суяклари мустаҳкамланмайди, ойнадан филтрланиб ўтаётган қуёш нурлари зарарли микроблар учун деярли хавфсиздир. Ойнанинг ун-

¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 6- том, 199- бет.

чалик мустаҳкам бўлмаслиги хусусан автомобиллар ҳалокати пайтида, айниқса хавфлидир. Ойна ишлаб чиқаришдан янги ютуқлар янги эҳтиёжларни туғдиради. Бу янги эҳтиёжлар ультрабинафша нурларни ўтказадиган пўлатдек мустаҳкам ойна ҳақидаги орзуга айланмоқда. Бу орзуларга йўл бериб, амалга ошмоқда.

Бадий ва илмий ижодиётда фантазия

Фантазия энг кўп қўлланиладиган соҳа бўлмиш санъат ва адабиётнинг ижодий фаолиятида зарурий элемент бўлиб хизмат қилади.

Рассом ёки ёзувчининг ижодий фаолиятида қатнашадиган ҳаёлнинг муҳим хусусияти унинг эмоционаллигидир. Ёзувчининг миёсида ҳосил бўлган тинсол, вазият, сюжетнинг тўсатдан ўзгариши ижодий шахснинг эмоционал соҳаси учун хизмат қиладиган ўзига хос «бойитувчи асбоб» дан ўтказилган бўлади. Ёзувчи, рассом ва музикачи турли туйғуларни бошидан кечирир ва уларни бадий образларда гавдалантирар экан, ўз навбатида, китобхон, томошабинларни, эшитувчиларни ҳиссий кечинмаларни кечиришга, азобланишга ва хурсанд бўлишга мажбур этади. Гениал Бетховеннинг симфониялари ва сонаталарида музикали-образли ифодаланган жўшқин ҳиссиётлари жуда кўп музикачилар авлоди ва тингловчиларда худди шундай ҳиссиётларни уйғотмоқда.

Айрим авторлар ҳаёлан юзага келтирган вазиятлардан ниҳоятда зўр таъсириланиб, ўз руҳий оламларини бошдан кечирганлар. Масалан, Г. Флобернинг хатлари бунга дадил бўла олади. «Кундузи соат иккидан бошлаб (овқатланиш учун кетган йигирма беш минут вақтни ҳисобга олмаганда) мен «Бовари» ни ёзиб ўтирибман. От миниб сайр қилишни тасвирламоқдаман, ҳозир мен жуда киришиб кетганман, ярминсигача келдим; маржон-маржон тер оқмоқда, ҳалқумимга гўё бир нарса тикилиб қолган. Мен ўз ҳаётимда бошдан охиригача иллюзиялар билан ўтказган нодир кунларимдан бирини кечирдим»¹. Ч. Диккенс «Қадимги буюмлар дўкони» романини бош қаҳрамоннинг ўлими билан тамомлашга қарор қилишдан олдин, анча вақт иккиланган. У хатларидан бирида шундай деб ёзган: «Нелнинг ўлими илоҳий тақдирнинг иши эди, ammo ҳозир менинг ўзим боламнинг ўлдирилишидан деярли мурдаман»². Ўз-ўзидан маълумки, адабий жараённи ички дунёда кечиришдаги бундай бевоситалик қоида тусига кирган эмас, лекин умуман бадий ижодиётда фантазия ҳамда одамнинг зўр ҳиссиётларини бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

Илмий кашфиётлар тарихи ҳаёл илмий фаолиятнинг муҳим элементларидан бири сифатида намоён бўлганлигига доир кўплаб мисолларни билади. Масалан, XVIII аср охиридаги

¹ Флобер Г. Письмо к Луизе Коле. Собр. соч. М., «Правда», 1956, 5-том, 134-бет.

² Цитаты по кн.: Ивашев В. В. Творчество Диккенса, М., Изд-во, МГУ, 1954, 122-бет.

физикларнинг қарашларида иссиқлик ҳодисасининг афсонавий модели сифатида намоён бўлган алоҳида гипотетик иссиқ-совуқлик, яъни теплороднинг роли шундай эди. «Иссиқлик субстанцияси»нинг бу модели муваффақиятсиз ва содда бўлиб чиққан, чунки иссиқлик ҳодисасининг моҳияти умуман суюқликни бир жойдан бошқа жойга қўйишдан иборат эмас. Бироқ ана шу модел ёрдами билан айрим физик факторларни тасвирлаш ва тушунтириш мумкин бўлди ҳамда термодинамика (иссиқлик динамикаси) соҳасида янги натижалар олинди. «Иссиқлик субстанция» си моделидан фойдаланиш ҳозирги замон физик тасаввурларида ниҳоятда муҳим роль ўйнавчи термодинамиканинг иккиламчи бошланишини очишга асос бўлди. Гуё бутун кинотни тўлдириб турган алоҳида муҳит бўлмиш дунёвий эфирнинг мавжудлиги ҳақидаги фантастик тахмин тарихи бунга далил бўла олади. Кейинчалик нисбийлик назарияси томонидан инкор қилинган бу модел ёруғлик тўлқини назариясини яратиш имконини берди.

Шундай қилиб, хаёл *илмий проблемани ўрганишнинг дастлабки босқичларида* муҳим роль ўйнайди ва баъзан ажойиб фаразлар қилишга олиб келади. Бироқ айрим қонуниятлар аниқланиб топилгандан ва экспериментал ўрганилгандан сўнг қонун аниқланиб ва амалиётда текширилиб, илгари очилган ҳолатлар билан боғлангандан кейин билиш батамом қатъий илмий тафаккурдан иборат бўлган назария даражасига ўтиб кетади. Масалани ана шундай тадқиқ қилиш босқичида фантазия қилишга уриниш хатога йўл қўйишдан бошқа ҳеч нарсага олиб келмайди.

Ҳозирги вақтда ҳозирги замон психологиясининг энг истиқболли соҳаларидан бири *илмий ижодиёт психологияси*дир. Мутахассислар томонидан бу соҳа бўйича амалга оширилган жуда кўп тадқиқотлар илмий ва техника ижодиёти жараёнларида хаёлнинг ролини аниқлашга бағишланган. Бу билим соҳаси иш олиб борадиган йўллاردан бири илмий кашфиётлар тарихидир. Агар зарур даражада юксак тараққий этган бирор фаннинг тарихига қарайдиган бўлсак, назарий концепциянинг етарли ривожланганлигини, математиканинг кенг қўлланилишини ва шунинг кабиларни кўрамыз. Ишонч билан айтиш мумкинки, фаннинг дастлабки тараққиёт босқичларида у бошдан охиригача фантастик фаразлар билан тўлиб-тошган эди, чунки ўша пайтларда ҳали жуда кўп нарсалар равшан эмас эди ва фаразлар, тахминлар билан тўлдирилар эди. Билимлар соҳаси ривожланиши билан унда жуда кўп нарсалар барқарорлашадди ва хаёлга зарурат қолмайди. Лекин нарсаларнинг бундай ҳолати узоқ давом этмайди. Илмий билимларнинг тўпланиши ва тадқиқот методларининг такомиллашиши туфайли ҳатто энг барқарор фан соҳаси ҳам ўз тараққиёти йўлида кўпчилик томонидан қабул қилинган схемаларга сиғмайдиган ва бу схемалар билан тушунтириб бўлмайдиган фактларга дуч келади. Ана шунда яна янги фантазияга ва фанда революция ясашни

амалга ошира оладиган анча дадил фантазияга эҳтиёж пайдо бўлади. Шундай қилиб, фантазия ҳамisha фаннинг янгиликлар очиладиган олдинги сафларида ишлашни давом эттиради.

Мана шуларнинг ҳаммаси одамлар ҳаётида фантазиянинг роли ниҳоятда катталигини ишончли равишда курсатади.

Адабиётлар

Выготский Л. С. Воображение и его развитие в детском возрасте.— Собр. соч., Т. 2. М., Педагогика, 1982, 436—454-бетлар.

Натадзе Р. Г. Воображение как фактор поведения. Тбилиси, Мецниереба, 1972.

Миллер Д., Галантер Ю., Приборам К. Планы и структура поведения (Инглизчадан таржима). М., Прогресс, 1965.

Беркинблит М., Петровский А. Фантазия и реальность М., Политиздат, 1968.

Чуковский К. Н. От двух до пяти. Детская литература, 1968.

14-БОБ

ҲИС-ТҮЙГУЛАР

IV. 14.1. Ҳис-туйғу тушунчаси ва унинг физиологик асослари

Ҳис-туйғулар
хақида тушунча

Киши идрок этиш, хотирлаш, хаёл суриш ва фикрлаш жараёнларида фақат воқеликни билиб қолмай, балки шу билан бирга ҳаётдаги у ёки бу нарсаларга, қандай бўлмасин, муносабат билдиради, унда уларга нисбатан у ёки бу тарзда ҳис-туйғу пайдо бўлади. Бундай ички шахсий муносабатнинг манбаи фаолият ва муносабат жараёнлари бўлиб, у ана шу жараёнларда рўй беради, ўзгаради, барқарор тус олади ёки йўқолади. Кишининг ҳаётий йўлини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган совет ватанпарварлигини ҳам ҳис-туйғу деб аташади. Арзимаган илинж билан бировни алдаган ёлгончига нисбатан кишида пайдо бўладиган нафратланиш ҳам ҳис-туйғу қаторига киради. Узоқ давом этган ёмғирдан сўнг қуёш чарақлаб кетганлиги туфайли ҳосил бўлган бир лаҳзалик мамнунлик ҳам ана шундай тушунча билан ифода этилади.

Ҳис-туйғулар — кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатидир.

Ҳис-туйғуларнинг кечиш субъект алоҳида ҳис этаётган психик ҳолат сифатида гавдаланади. Бунда бирон-бир нарсани идрок этиш ва тушуниб етиш, бирон-бир нарса тўғрисида билиб олиш идрок этилаётган, тушуниб олинаётган, маълум ёки номаълум нарсаларга нисбатан шахсий муносабат билан бирикда рўй беради. Ана шу ҳолларнинг барчасида ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши хусусида, кишининг алоҳида *ҳиссий ҳолати* хусусида гапирилади. Шу билан бирга ҳис-туйғуларнинг кечиши ўз ривожланишига эга бўлган, жорий ва ўзгариб турадиган *психик жараёндир*. Мисол учун, яқин кишидан ажралиб қолишнинг оғирлигини бошдан кечириш, жумладан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган жудоликдан сўнг ўзининг ҳаёт-

¹ Бобда илгари Г. А. *Фортунатов* билан биргаликда эълон қилинган ва сўнгра у «Умумий психология» дарслиги (1 ва 2-нашрлари)нинг «Ҳис-туйғулар» боби матнига киритилган материаллардан фойдаланилди — А. П.

даги ўрнининг ўзгариб қолганини фаол англаб олинишини, ҳаётий қадриятларнинг қайта баҳоланишини, танглик вазиятини бартараф этиш учун ўзингда куч топа билишни ва шу кабиларни англатади. Шу тарздаги жушқинлик билан кечаётган ҳиссий жараён ўз якунида жудолик вазиятининг ўзига ва шу вазиятда киши ўзлигига берадиган ижобий ва салбий баҳоларнинг маълум даражада мувозанатлашуви рўй беради. Демак, кечинма кескинлашиб қолган вазиятни бошдан кечириш, унга бардош бериш, уни бартараф этишдан иборат объектив зарурат билан боғлиқдир. Шунинг ўзи бирон-бир нарсанинг ҳиссий кечинма орқали ўтиши демакдир. Шундай экан, кечинма шахснинг ички дунёси қайта қурилишига ва кераклича мувозанатга эга бўлишига ёрдам берадиган каттагина зўриқиш билан кечиладиган ва аксарият ҳолларда ўта самарали алоҳида ҳиссий фаолият сифатида намоён бўлади.

Ҳис-туйғуни бошдан кечиришнинг турли формалари —эмоция, эффе́кт, кайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс ҳолати). Эҳтирос ва, ниҳоят, тор маънодаги сўз билан айтганда, ҳис-туйғулар — шахснинг эмоционал соҳасини ташкил этадики, улар киши ҳулқ-атворини тартибга солиб туради, билишнинг жонли манба, одамлар ўртасидаги мураккаб ва кўп қиррали муносабатларнинг ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳис-туйғулар ва кишининг эҳтиёжлари Ҳис-туйғулар шахс эҳтиёжларига жавоб берадиган нарсаларни аниқлаб олишга ёрдам беради ва уларнинг қондирилишига қаратилган фаолиятга омил бахш этади. Илмий кашфиёт қилинган пайтдаги қувончли кечинмалар олимнинг изланувчанлик фаолиятини рағбатлантиради, билиш эҳтиёжини, қондириш жараёнини жадал тарзда сақлайди. Эҳтиёж намоён бўлишининг алоҳида шакли сифатидаги қизиқиш доимо ёрқин ҳиссий тусга эга бўлади.

Киши учун субъектив ҳисобланган ҳис-туйғулар *унинг эҳтиёжлари қондирилиш жараёни қандай кечаётганлигининг* белгиси сифатида намоён бўлади. Муносабат ва фаолият жараёнида пайдо бўлган ижобий ҳиссий ҳолатлар (завқланиш, мамнунлик ва шу кабилар) эҳтиёжларни қондириш жараёнининг хуш келадиган тарзда кечганлигидан далолат беради. Эҳтиёжларнинг қондирилмасдан қолиши салбий ҳиссий кечинмаларга (уялиш, ўкиниш, ҳасрат ва шу кабиларга) олиб келади.

Совет психологиясида ҳиссий ҳолатлар индивиднинг кечиктирилмайдиган эҳтиёжининг сифати ва жадаллиги ҳамда бу эҳтиёжнинг қондирилиши мумкинлигига унинг ўзи берадиган баҳо билан белгиланиши ҳақидаги тасаввур таркиб топгандир. Ҳиссийларнинг табиати ва пайдо бўлишига бундай караш *ҳиссийларнинг ахборот концепцияси* (П. В. Симонов) деб аталади. Киши эҳтиёжларнинг қондирилиши талаб қилинадиган нарсалар ҳақидаги ахборотни, у англаб, ёки англамай, шу эҳтиёж пайдо бўлган пайтда ўз ихтиёрида мавжуд ахборот билан таққослайди. Агар эҳтиёжларнинг қондирилиши эҳтимоли субъектив жиҳатдан қараганда катта бўлиб туюлса, ижобий ҳис-

туйғулар пайдо бўлади. Салбий ҳиссиётлар эҳтиёжлар қондирилишининг реал ёки тасаввурда мумкин эмаслиги субъект томонидан оз ё кўп даражада англаниши оқибатида ёхуд эҳтиёжларнинг қондирилиш эҳтимоли ҳақида субъект томонидан олдинроқ қилинган мўлжалга қараганда йўқола бориш натижасида пайдо бўлади. Гарчанд, ҳиссиётларнинг ахборот концепцияси, шахснинг бутун кўпқиррали ва бой ҳиссий жиҳатларини тушунтириб беришдан кўра тушунтириб бера олмаслиги аниқроқ бўлса ҳам, шубҳасиз, далил-исботлилиги билан ажралиб туради. Эмоцияларнинг барча турлари ҳам келиб чиқишига кўра шу схемага жо бўлмайди. Жумладан, ажабланиш эмоцияси на ижобий ва на салбий эмоционал ҳолатга киритилиши мумкин эмас.

Эмоционал ҳолатларнинг *регулятив* (бир хил тарзда тартибга солиб турадиган) *функцияси* уларнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Кишида пайдо бўладиган кечинмалар унга эҳтиёжларининг қондирилиш жараёни қай тарзда бораётгани, у қандай тўсиқларга дуч келаётгани, нималарга эътиборни қаратиш лозимлиги, нималар ҳақида мулоҳаза қилиши кераклиги, нималарни ўзгартириш зарурлиги ҳақида ахборот берувчи сигналлар родини бажаради. Чиндан ҳам айбдор бўлган, лекин бу билан ўқитувчининг агар чарчаганлиги ва мактаб директори билан ўрталаридаги нохушроқ суҳбатдан жаҳл чиққанлиги бўлмаганда, эҳтимол, педагогни дарғазаб қилмаган ўқувчига ноўрин бақирган ўқитувчи ўзини сал босиб олгандан кейин ўзини тута билмаганидан балки ранжиш ҳиссини, афсусланиш, уялиш ҳиссини бошдан кечириши мумкин. Бу эмоционал ҳолатларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўз хатосини қандайдир йўл билан тuzатишга, болага ўзининг қўполлигидан афсусланаётганини кўрсатишга, умуман ўз хатти-ҳаракатини ва у билан ўзаро муносабатларини ўрталаридаги можарога сабабчи бўлган вазиятти объектив тарзда баҳолаш асосида куриш услини топишга ундайди.

Эмоциялар воқеаларнинг кўнгилдагидек ёки нохуш юз бераётгани, субъектнинг конкрет ва шахслараро муносабатлар системасидаги ҳолатининг кўп ё оз даражада аниқлиги ҳақида ахборот беради ва бу билан унинг муносабат ва фаолият шаронтидаги хатти-ҳаракати бошқариб, тўғрилаб турилишини таъминлайди.

Ҳис-туйғулар — воқеликни акс эттиришининг ўзига хос шаклларидан биридир. Агар билиш жараёнларида нарсалар ва воқеликкаги ҳодисалар акс этса, *ҳис-туйғуларда эса субъектнинг ўзига хос эҳтиёжлари билан қўшилиб, ўзи билиб олаётган ва ўзгартираётган нарсаларга ва воқелик ҳодисаларига нисбатан унинг муносабати акс этади.*

Оддий бир мисол келтирамиз. Агар тарих ўқитувчисига чет мамлакатлардан брида унинг ўқитишига ажратиладиган ўқув вақти кескин қисқартирилганлиги маълум қалинадиган бўлса, у ҳолда бу факт бирозгина эмоционал кизикиш уйғотиб, уни англаб олишга, тушунишга уринишдан нарига ўтилмайди. Шу билан бирга, борди-ю, ўқитувчига тарихдан биронта мавзунинг конкрет ўтиш бўйича аллақандай янги кўрсатмага биноан дарс соати хатто

салгина қисқартirilгани хабар қилинадиган бўлса, бу унда кучли эмоционал реакция уйғотади. Унинг эҳтиёжлари (тарихий фактларни анча тўла ва тушунарли қилиб баён этиш истиғи) билан унинг предмети (программадги материал) ўртасидаги нисбат ўзгариб қолади ва эмоционал реакция тугдирлади.

Ҳис-туйғуларнинг физиологик асослари

Барча психик жараёнлар каби эмоционал ҳолатлар, ҳис-туйғуларнинг кечиниши ҳам мия фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Эмоцияларнинг пайдо бўлиши ташқи оламда рўй берадиган ўзгаришлардан бошланади. Бу ўзгаришлар киши ҳаёти ва фаолиятининг жонланишига ёки пасайишига, бир хил эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига ёки бошқаларнинг йўқолишига, киши организми ичида юз берадиган жараёнлардаги ўзгаришларга олиб боради. Ҳис-туйғулар кечинишига хос физиологик жараёнлар ҳам мураккаб шартсиз ва шартли рефлекслар билан боғлиқдир. Маълумки, шартли рефлекслар системаси катта ярим шарлар қобиғида туташган ва мустақкамланган бўлади, мураккаб шартсиз рефлекслар эса ярим шарларнинг қобиқ ости бўлмалари, мия ўқиға тааллуқли кўриш тепаликлари ва нерв қўзғалишини миянинг олий бўлмаларидан вегетатив нерв системасига етказиб турадиган бошқа марказлар орқали амалга оширилади. Ҳис-туйғуларнинг кечирилиши мия қобиғи ва қобиқ ости марказларининг биргаликдаги фаолияти натижаси ҳисобланади.

Кишининг теварак-атрофида ва унинг ўзида юз бераётган ўзгаришлар киши учун қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, ҳис-туйғу кечинмалари ҳам шу қадар чуқур бўлади. Шунга кўра рўй берадиган муваққат боғланишлар системасининг жиддий қайта қурилиши катта ярим шарлар қобиғи бўйлаб тарқалган ҳолда қобиқ ости марказларига таъсир қиладиган қўзғалиш жараёнларини юзага келтиради. Миянинг катта ярим шарлар қобиғининг пастроқдаги бўлмаларида организм физиологик фаолиятининг ҳар хил марказлари: нафас олиш, юрак-қон томирлари, овқатни ҳазм қилиш, ички секреция безларини ишлатиш ва бошқа марказлар жойлашгандир. Шунинг учун қобиқ ости марказларининг қўзғатилиши бир қанча аъзолар фаолиятининг кучайиб кетишига олиб келади. Шу билан ҳам ҳис-туйғуларнинг кечирилиши нафас олиш маромининг (киши ҳаяжонланганидан бир лаҳза нафаси чиқмай қолади, оғир ва ўхтин-ўхтин нафас олади) ва юрак иш фаолиятининг ўзгариши (юрак уришдан тўхтаб қолади ёки тез-тез ура бошлайди) бир вақтда содир бўлади, организмнинг айрим қисмларига қон келиши ўзгариб (уялганидан ранги қизариб, қўрққанидан оқариб кетади), секреция безларининг иши бузилади (ғам-ғусса кўз ёши тўкилишига сабабчи бўлса, ҳаяжонланиб кетганда оғиз қурийдими, қўрққанида баданда «совуқ» тер чиқади) ва ҳоказо. Тананинг ички аъзоларида юз берадиган жараёнларнинг қайд қилиниши ва кишининг ўзи томонидан кузатиб борилиши нисбатан осон. Шу сабабдан ҳам қадимги замонлардан буён уларни кўп ҳолларда ҳис-туйғуларнинг сабабчиси деб ҳисоблаб келинган. Халқ орасида ҳалиға қадар ҳам «юрагим сезиб турибди», «юрагим ғаш» ва шу каби иборалар сақланиб қолгандир. Ҳозирги замон фи-

зиологияси ва психологияси мезонлари билан ёндашиладиган бўлса, бундай нуқтан назарнинг соддалиги аниқ-равшан бўлиб қолади. Ҳис-туйғуларга сабабчи деб қаралган ҳолатлар киши миёсида рўй бераётган бошқа жараёнларнинг оқибати ҳисобланади, холос.

Катта ярим шарларнинг қобиғи табиий шароитларда қобиқ ости марказларига тормозлантирувчи таъсир кўрсатади ва шу таҳлитда ҳис-туйғуларнинг ташқи ифодалари юзага чиқарилмастан, ичда сақланиб қолади. Агар миё қобиғи ғоят кучли қўзғатувчилар таъсири остида, ортиқча чарчаш ва маст бўлиш оқибатида меъеридан ортиқча қўзғатилган бўлса, бу ҳолда иррадиация натижасида қобиқдан пастдаги марказлар ҳам қайта қўзғалади, оқибатда одатдаги вазминлик йўқолади. Агар тескари индукция юз берган тақдирда ярим шарларнинг қобиқ ости йўлларида ва оралиқ миёда кенг тормозланиш жараёни ёйиладиган бўлса, руҳан эзлиш, мушаклар ҳаракатида сусайиш ёки қисилиш, юрак-қон томир фаолияти ва нафас олишда заифлашиш ва ҳоказолар кузатилади. Шундай қилиб, ҳис-туйғулар бошдан кечирилаётганда, эмоционал ҳолатларга тушиб қолганда киши ҳаёти ва фаолиятининг турли жиҳатлари жадаллиги ҳам ошиб, ҳам сусайиб туриши кузатилади.

Кейинги вақтларда физиологик тадқиқотлар айрим-бир ихтисослашган миё тузилмаларининг эмоционал ҳолатлар пайдо бўлишида қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаб берди. Тажрибалар ҳайвонларда ўтказилиб, уларга гипоталамуснинг маълум бир қисмларига электродлар киритилиб қўйилган эди. (Д. Олдснинг тажрибалари назарда тутилмоқда).

Тажриба ўтказилаётган ҳайвонлар танасининг бир хил қисмларини қўзғатишганда, уларда очикдан-очик ёқимли, эмоционал жиҳатдан ижобий сезгилар пайдо бўладик, бундай сезгилар ҳосил бўлишига улар фаоллик билан интилишарди. Бу қисмлар «*мажнуният марказлари*» деб атала бошлади. Электр токи билан миёнинг бошқа тузилмалари қўзғатилганда эса ҳайвонлар салбий эмоция берилиши ва танасининг ана шу қисмига таъсир ўтказилиши мумкин бўлган вазиятларга тушиб қолмасликка ҳар қандай йўл билан ҳаркат қилиши кузатилган эди. Ҳайвон танасидаги бундай қисмларни шунинг учун ҳам «*азоб марказлари*» деб аталган эди. Салбий ҳиссийларнинг пайдо бўлиши учун маъсул бўлган турли қисмлар ўртасида боғланиш борлиги аниқланди — миёнинг турли бўлимларида жойлашган «азоб марказлари» ягона системани ташкил этади. Шу муносабат билан салбий эмоциялар организмнинг ўзини ялпи ноҳуш сезаётганлиги ҳақида хабар қилган ҳолда деярли бир хил кечирилади. Айни чоғда ижобий эмоцияларни ҳосил қилишга ихтисослашган марказлар бир-бирлари билан камроқ даражада боғланган бўлиб, бу ижобий эмоциялар жуда ҳам ранг-баранглигининг, кенг табақалаштирилган манзарага эга эканлигининг негиз ҳисобланади.

Шубҳасиз, киши миёсининг ишлаш хусусиятларида ҳайвонлардаги каби ҳиссий ҳолатлар физиологияси билан айнан ўхшашлик бор деб ҳисоблаш керак эмас, лекин, афтидан, келтирилган фактларга таяниб инсоний эмоциялар пайдо бўлишининг физиологик шарт-шароитлари тўғрисида асосланган гипотезаларни илгари суриш имконияти ҳам мавжуддир.

Шунингдек, *миёнинг функционал асимметриясини* ўрганиш жараёнида ҳам эмоцияларнинг табиатини тушуниб етиш учун

муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар олинди. Жумладан, чап ярим шар кўпроқ даражада ижобий ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши ва сақлаб турилиши билан, ўнг ярим шар эса салбий эмоциялар билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

Эмоцияларнинг физиологик асосларига оид барча тадқиқотлар уларнинг бир-бирига қарама-қарши эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб берди: мамнуният — азоб, қониқиш — норозилик, лаззатланиш — азобланиш, ёқимли — ёқимсиз ва ҳоказо. Ҳиссий ҳолатларнинг бундай қарама-қаршилигига далил-исботи миянинг тузилмалари ихтисослашуви ва физиологик жараёнлар кечишининг қонуниятлари замирида мужассамлашгандир.

IV. 14.2. Ҳис-туйғуларни бошдан кечириш шакллари

Ҳис-туйғулар баъзан ҳар қандай психик жараённинг фақат ёқимли, ёқимсиз ёки аралаш асорати тарзида бошдан кечирилади. Бу ўринда улар ўз ҳолича англанилавермайди, аксинча, нарсалар ва ҳаракатларнинг хусусияти тарзида англанилади ва биз ёқимли киши, ёқимсиз таъм, баҳайбат ҳукиз, кулгили ифода, нафис баргллар, қувноқ сайр ва ҳоказолар деб гапирамиз. Кўпинча бундай ҳиссий тус олдинги кучли кечинмаларнинг оқибати, ўтмиш тажрибанинг акс-садоси бўлиб чиқади. Баъзан у нарсанинг кишини қаноатлантириши ёки қаноатлантирмаслиги, унинг фаолияти муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ўтаётганлиги белгиси сифатида хизмат қилади. Масалан, геометриядан айнан битта топшириқ унга ҳал этишининг муваффақиятлигига боғлиқ ҳолда турли хилдаги ҳис-туйғуларни ҳосил қилиши мумкин.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги кишида турли хил шаклни касб этадиган ўзига хос кечинмаларни: *эмоцияларни, аффектлар (ҳиссий бўронлар) ни, кайфиятларни, кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолатларини* ва хусусан ҳис-туйғулар (тор маънодаги сўз билан айтганда) ни ҳосил қилади.

«Ҳиссиёт» («эмоция») ва «ҳис-туйғу» деган сўзлар кўпинча синонимлар сифатида қўлланилади. Торроқ маънода олганда, ҳиссиёт бу қандайдир бир оз доимийроқ ҳис-туйғуларнинг бевосита ва вақтинча бошдан кечирилишидан иборатдир. «Эмоция» сўзини ўзбек тилига аниқ таржима қилинганда у руҳий ҳаяжонланиш, руҳий ҳаракатланиш деган маънони англатади. Ҳиссиёт деб, масалан, кишининг мусиқавий асарга нисбатан ўрнашиб қолган хусусияти сифатидаги муҳаббат туйғусининг ўзини эмас, балки концерт пайтида яхши мусиқий асарни эшитаётиб, бошидан кечирган лаззатланиш, завқланиш ҳолатига айтилади. Мусиқий асарнинг ёмон ижро этилганини эшитганда ҳосил бўладиган худди шундай ҳис-туйғу нафратланиш каби салбий ҳиссиёт сифатида бошдан кечирилади. Бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Ҳис-туйғу сифатидаги кўрқув ёки ваҳима, яъни муайян объектларга, уларнинг бирикмаларига ёки ҳаётдаги мавқега нисбатан таркиб топган ўзига

хос муносабати бир-биридан фарқ қиладиган ҳиссий жараёнларда кечирилиши мумкин: баъзан киши ваҳимали нарсдан қочади, баъзан эса қўрққанидан серрайганича қотиб қолади ва титрай бошлайди, ниҳоят, ваҳима босиб, ноиложликдан хавфхатарга қарши ҳаракат қилиши мумкин.

Бир хил ҳолатларда эмоциялар таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Улар хатти-ҳаракатларга, фикр-мулоҳазалар билдиришга туртки берадиган куч бўлиб чиқади, куч-ғайратларни ошириб юборади ва *стеник* деб аталади. Қувонганидан киши «тоғни талқон қилиш» га ҳам тайёр бўлади. Уртоғинга ҳамдардлик ҳиссини кечираркан, унга ёрдам бериш усулини излайди. Таъсирчан ҳиссиётга берилган кишининг гапирмай жим туриши қийин, у фаол ҳаракат қилмай тура олмайди. Бошқа бир ҳолларда эмоциялар (*астеник* деб аталмиш эмоциялар) сустигли ёки лоқайдлиги билан ажралиб туради, ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши кишини бўшаштириб юборди. Қўрққанидан унинг «оёқлари қалтираб қолиши» мумкин. Айрим ҳолларда киши кучли ҳис-туйғуга берилиб кетиб, хаёлга чўмиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Бундай пайтда ҳамдардлик яхши, лекин бефойда ҳиссий кечинма бўлиб қолади, уялиш сирли виждон азобига айланиб қолади.

Аффектлар Кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан (*ҳиссий портлашлар*) ўтиб кетадиган жараёнлар аффектлар (ҳиссий портлашлар) деб аталади. Улар *онгнинг* анчагина даражада *ўзгарганлиги*, *хатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бузилганлиги*, одамнинг ўзини ўзи идрок қила олмаслиги, шунингдек унинг бутун ҳаёти ва фаолияти ўзгариб қолганлиги билан ажралиб туради. Аффектлар бирданига катта куч сарф қилинишига сабаб бўлгани учун ҳам қисқа муддатли бўлади: улар ҳис-туйғуларнинг бамисоли бирдан лов этиб ёниб кетишига, портлашига, бир зумда ҳамма ёқни тўс-тўполон қилган шамолга йўхшайди. Агар оддий ҳиссиёт фақат рўхий ҳаяжонланишини ифода этса, у ҳолда аффект бўрондир.

Аффектнинг ривожланиши бирин-кетин алмашиб турадиган турли босқичларга эгадир. Ҳаддан ташқари дарғазаб бўлган, ваҳима босган, ўзини йўқотиб қўйган, ғаройиб даражада завқшавққа тўлган, умидсизликка берилган киши ҳар хил пайтларда олами ҳар хил акс эттиради, ўз кечинмаларини турлича ифодалайди, ўзини турлича идора қилади ва ўз ҳаракатларини турлича бошқаради.

Киши аффектив ҳолатининг бошланғида барча бегона, ҳатто амалий жиҳатдан муҳим нарсаларни истаса-истамаса ҳам бир четга суриб қўйган ҳолда ўз ҳис-туйғусига сабаб бўлган ва у билан боғлиқ нарсалар ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас. Ифодали саъи-ҳаракатлар тобора бемулоҳазали тус ола бошлайди. Қўз ёши тўкиш ва ўкириб йиғлаш, қаҳ-қаҳа отиб кулиш ва бақириб-чақириб гапириш, ажралиб турадиган турқи-таровот ва юздаги имо-ишора, тез-тез ёки қийналиб нафас олиш етилиб келаётган аффектнинг одатдаги манзарасини ҳосил қилади. Кучли зуриқиш натижасида майда саъи-ҳаракатлар бар-

бод бўлади. Индуктив тормозланиш ярим шарлар қобигини тобора кўпроқ даражада эгаллай бошлайди, бу тафаккурнинг издан чиқишига олиб келади; қобик ости йўлларида қўзғалиш кучая бошлайди. Киши кечириладиган ҳис-туйғуларга — ваҳимага, ғазабланишга, умидсизликка ва шу кабиларга берилишга кучли истак сеза бошлайди. Бундай босқинда ҳар қандай ақли расо киши ўзини тийиши, ўзини ўзи идора қила олиши мумкин. Бу ўринда аффектнинг хуружини орқага сурш, унинг авж олишига йўл қўймаслик муҳимдир. Бу ўринда агар ўзингни босиб қолай десанг, ўзингча ақалли ўнтагача санашга ҳаракат қилиб кўр, деган машҳур халқ ҳикмати ҳам бор.

Ҳиссий портлаш рўй берган тақдирда, унинг кейинги босқичларида киши ўзини тута олмасдан қолади, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-ҳушини йўқотиб қўяди, сўнгра бу ҳақда эсласа уялиб юрадиган бўлади ва нималар содир бўлганини баъзан худди тушида юз бергани каби эсга олади. Тормозланиш миянинг қобигини эгаллаб олади ва кишининг тажрибаси, унинг маданий ва маънавий негизлари мустаҳкамланган муваққат боғланишларнинг таркиб топган системасини ишлатмай қўяди. Аффектив портлашдан кейин ҳолдан тойиш, мажолсизлик, барча нарсаларга бефарқлик билан муносабатда бўлиш, ҳаракатсизлик, баъзан эса мудроқ босиш бошланади.

Шунинг қайд қилиш керакки, ҳар қандай ҳис-туйғу айрим вақтларда аффектив ҳолат тарзида кечирилиши мумкин. Масалан, стадионларда ёки томоша залида бирон-бир вокал-чолғу ансамблининг чиқиши пайтида аффектив завқланиш ҳоллари кузатилади. Чет элларда бундай вазиятларда фожиали оқибатларга олиб келадиган ғоят кучли ҳиссий ҳолатлар (асабий тутқаноқ, муштлашув ва ҳоказолар) тез-тез юз бериб туради. Психологияда «телбаларча» ишқ-муҳаббат ҳиссининг аффектив тарзда кечирилиши яхши ўрганилган ва бадний адабиётда яна ҳам яхшироқ тасвирлаб берилган. Ҳатто илмий кашфиётлар ҳам кўп йиллик қатъий изланишлардан сўнг баъзан бениҳоя зўр тантана ва шодликка айланиб кетади. Айтиш мумкинки, ҳиссий портлаш киши ичнда қандай ҳиссий-туйғуни кечираётганига ва аффектив ҳолатда ўзини қанчалик тута билишига боғлиқ ҳолда ёмон ёки яхши бўлади.

Кайфиятлар Кайфиятлар анча вақт давомида кишининг бутун хатти-ҳаракатига тус бериб турадиган умумий ҳиссий ҳолатини ифода этади. Кайфият шоду хуррамлик ёки қайғули, тетиклик ёки ланжлик, ҳаяжонли ёки маъюслик, жиддий ёки енгилтаклик, жиззакилик ёки мулойимлик ва ҳоказо тарзда бўлади. Кайфияти ёмон киши ўртоғининг ҳазилига ёки танбеҳига кайфияти чоғ вақтидагига қараганда тамомла бошқача муносабат билдиради.

Кайфиятлар одатда ўзига ўзи ҳисоб бермаслиги ва суст намоён бўлиши билан белгиланади. Киши ҳатто уларни пайқамайди ҳам. Лекин баъзан кайфият, масалан, қувноқлик ва тетиклик, ёхуд, аксинча, ғамгинлик кайфияти анча жадаллик касб

этади. Бундай пайтда у кишининг ақлий фаолиятида ҳам (ўй-фикрларнинг кечишига, зеҳнининг ўткирлигига), саъй-ҳаракатлари ва ишларининг хусусиятларида ҳам ўз изини қолдиради, ҳатто бажарилаётган ишнинг унумдорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Кайфият жуда хилма-хил, яқин ва анча узоқ турувчи манбаларга эга бўлиши мумкин. Турмушнинг бутун боришидан, жумладан, ишда, оилада, мактабда муносабатларнинг қандай йўлга қўйилганлигидан, кишининг ҳаёт кечириш йўлида пайдо бўлаётган ҳар қанақа эндииятлар қай тарзда бартараф этилишидан қаноат ҳосил қилиш ёки қаноатланмаслик кайфиятларнинг асосий манбалари ҳисобланади. Кишининг узоқ вақт ёмон ёки ланж кайфият билан юриши унинг ҳаётида бирон нарсанинг кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади.

Кайфиятлар кўпроқ киши саломатлигининг умумий ҳолатига, айниқса нерв системаси ва модда алмашинувни тўғрилаб турувчи ички секреция безларининг ҳолатига боғлиқдир.

Шунингдек, кишининг умумий кайфиятига баъзи бир хасталиклар ҳам кучли таъсир қилиши мумкин. Кайфиятни яхшилаш учун жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш жуда фойдали, лекин фаолиятнинг сермазмунлиги, ундан қаноат ҳосил қилиниши ва коллективнинг ёки яқин кишининг маънавий мадани алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

Кайфиятнинг манбалари уни бошидан кечириётган кишига ҳаммаша аниқ бўлавермайди. Лекин кайфиятга доимо бирон-бир нарса сабаб бўлади ва буни аниқлаб ола билиш керак. Жумладан, ваъданинг урдасидан чиқилганлиги, гарчи ваъда берилса ҳам, мактуб ёзилмаганлиги, ишнинг тугалланмаганлиги ноҳуш кайфият юз беришга сабаб бўлиши мумкин. Гарчанд киши ҳаргал ҳаммаси «жойнда», кайфиятим «нима учун ёмонлигини билмайман» деб гапирса ҳам, буларнинг ҳаммаси уни ич-ичидан қийнайди. Бу ҳолда шў хилдаги кайфиятни келтириб чиқарадиган объектив сабабларини аниқлаб олиш ва иложи борича бартараф этиш (сўзнинг устидан чиқиш, мактуб ёзиш, бошлаб қўйилган ишни тугаллаш ва ҳоказолар) зарур.

Кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолатлари Психологик таърифига кўра аффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин бошдан кечирилишининг давомлилигига кўра кайфиятларга яқин бўлган ҳис-туйғулар бошдан кечирилишининг алоҳида шакли *кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолати* (инглизча stress — таъинқ кўрсатиш, зўриқиш деган сўздан олинган) дан, ёхуд *ҳиссий зўриқиш* дан иборатдир. Ҳиссий зўриқиш хавф-хатар тўғилган, киши хафа бўлган, вялган, таҳлика остида қолиб кетган ва шу каби вазиятларда рўй беради. Ҳиссий бўроннинг жадаллигига ҳаммаша ҳам эришилавермайди, кишининг кучли ҳаяжонланиш вақтидаги ҳолати хатти-ҳаракат ва нуқтнинг бир хил вазиятларда бетартиб тарздаги фаоллиги намоён бўладиган, бошқа бир пайтда эса қатъият билан ҳаракат қилиниши керак булган ҳолатларда сусткашликка, фаолиятсизликка эрк бериладиган да-

ражада издан чиқиши билан белгиланади. Шу билан бирга ҳиссий зўриқиш унчалнк кучли бўлмаган пайтларда куч-ғайратларнинг сафарбар этилишига, фаолиятнинг кучайтирилишига ёрдам бериши мумкин. Хавф-хатар кишини бамисоли хушёр торттиради, уни дадил ва мардона ҳаракат қилишга мажбур этади. Ҳиссий зўриқиш ҳолатида индивиднинг хатти-ҳаракати киши нерв системасининг типига, нерв жараёнларининг кучли-лиги ёки ожизлигига жиддий равишда боғлиқдир. Имтиҳондан ўтиш вазияти одатда кишининг қаттиқ ҳаяжонга соладиган (яъни ҳиссий зўриқишга сабабчи бўладиган) таъсирларга нисбатан бардошлигини аниқлайди. Имтиҳон топширувчиларнинг баъзи бирлари ўзини йўқотиб қўяди, «хотирасининг сусайгани» ни намойиш қилади, берилган саволнинг мазмунига диққатини жамлай олмайди, бошқалари эса имтиҳонда одатдаги ҳолатлардагига қараганда фикри-ҳаёлини бир ерга туплаган ва фаолроқ бўладилар.

Асосий ҳиссий ҳолатлар ва уларнинг ташқи ифодаси

Ҳис-туйғуларнинг ҳиссиёт (эмоция)лар, кайфиятлар, кучли ҳаяжонланиш тарзида бошдан кечирилиши чоғида маълум даражада сезиладиган ташқи белгиларга ҳам эга бўлади. Юзларнинг ифодали ҳаракатлари (мимика), қўл ва гавданинг маъноли ҳаракатлари, турқи-тароват, оҳанг, кўз қорачиғларининг кенгайиши ёки торайиши кабилар шулар жумласига киради. Бу ифодали ҳаракатлар бир хил ҳолатда ўзига ўзи ҳисоб бермаган тарзда юз берса, бошқа бир ҳолатда онгнинг назорати остида содир бўлади. Кейинги ҳолатда улар оғзаки бўлмаган алоқа воситалари сифатида хизмат қила бориб, муносабат жараёнида атайлаб қўлланилиши мумкин. Киши ўзининг қаҳр-ғазабини те-варак-атрофдагиларга қўлларини мушт қилиш, кўзларини чи-мириб қараш, дўқ-пўписали оҳанг билан намойиш қилади.

Ҳар бири ўзининг психологик таърифлари ва ташқи кўри-нишларига эга бўлган қуйидагича асосий ҳиссий ҳолатлар (К. Изард¹нинг фикрига қараганда, «асосий ҳиссиётлар») ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қизиқиш (эмоция тарзида) — малака ва кўникмаларнинг ривожланишига, таълим олишга мойиллик туғдирадиган билимларни эгаллашга ёрдам берадиган ижобий ҳиссий ҳолатдир.

Қувонч — ҳали-вери қондирилиши мумкин бўлмаган ёки ҳар ҳолда кон-дирилиши ноаниқ бўлган долзарб эҳтиёжнинг етарли даражада тўла қонди-рилган бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ ижобий ҳиссий ҳолатдир.

Ҳайратланиш — тўсатдан рўй берган ҳолатлардан ҳиссий жиҳатдан таъ-сирланишнинг ижобий ёки салбий жиҳатдан аниқ-равшан ифода этилмаган белгисидир. Ҳайратланиш диққат-эътиборни ўзига тортган объектга қара-тилган ҳолда барча олдинги ҳиссиётларни тормозлантириб кизикни тусени олиши мумкин.

Изтироб чекиш — ҳозирга қадар қондирилиш эҳтимоли озми-кўпми дара-жада мавжуд деб тасаввур қилиб келинган ҳаётний муҳим эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин эмаслиги ҳақида аниқ ёки шундай туюлган ахборот олинishi билан боғлиқ салбий ҳиссий ҳолатдир. У кўпинча ҳиссий зўриқиш

¹ Қаранг: К. Изард. Эмоции человека. М., МДУ нашриёти, 1980.

(стрессе) шаклида бошдан кечирилади. Изтироб чекиш астенник хиссиётлар (кишини бўшаштирадиган) тусида бўлади.

Ғазабланиш — одатда аффект тарзида кечадиган ва субъект учун ғоят муҳим эҳтиёжни қондириш борасида жиддий тўсиқ пайдо бўлгани оқибатида келиб чиқадиган, ифодаланмишига кўра салбий тарздаги хиссий ҳолатдир. Изтироб чекишдан фарқли ўлароқ, ғазабланиш астенник тусда бўлади (яъни, гарчанд қисқа муддатли бўлса ҳам, ҳаётий куч-ғайратларни ошириб юборади).

Нафратланиш — объектлар (нарсалар, одамлар, ҳолатлар ва бошқалар)га яқинлашиш (жисмонан биргаликда ҳаракат қилиш, муносабат жараёнида алоқа боғлаш ва шу қабилар) субъектнинг мафкуравий, маънавий ёки эстетик принциплари ва йўл-йўриқларига кескин зид келиб қолиши оқибатида рўй берадиган салбий хиссий ҳолатдир. Нафратланиш, агар у ғазабланиш билан қўшилиб кетадиган бўлса, шахсларо муносабатларда ҳужумга ғазабланишни сабаб қилиб, нафратланишга эса «бирон кишидан ёки бирон нарсадан қутилиш» нтагини баҳона қилиб кўрсатиладиган тажовузкор хулқ-атворга сабаб бўлиши мумкин.

Жирканиш — шахсларо муносабатларда рўй берадиган ва субъектнинг ҳаётий нуқтан назарлари, қарашлари ва хулқ-атворига номутаносиблиги оқибатида ҳосил бўладиган салбий хиссий ҳолатдир. Кейингилари субъектнинг назарида ярамас, таомилдаги маънавий қондаларга ва эстетик мезонларга мос келмайдиган бўлиб туюлади. Индивиднинг ёки у мансуб бўлган гуруҳнинг персонажлашмаганлиги жирканиш оқибатларидан биридир.

Қўрқув — субъект ўзининг хотиржам ҳаёт кечиршига зиён етиши мумкинлиги ҳақида, унга реал тарзда таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатар ҳақидаги хабарни олиши билан пайдо бўладиган салбий хиссий ҳолатдир. Энг муҳим эҳтиёжлари бевосита блокада (муҳосара) қилиниши натижасида рўй берадиган изтироб чекиш хиссиётидан фарқли ўлароқ, киши қўрқув хиссиётига берилганда муваффақиятсизликка учраши мумкинлигини фақат эҳтимолий тарзда билади ва ушбу (қўпинча етарлича ишонарли бўлмаган ёки бўрттириб юборилган) прогнозга биноан ҳаракат қилади. Шу ўринда «Қўрқанга қўша кўрниди» деган халқ мақолини эслатиш мумкин. Қўрқув хиссиётни астенник тусда ҳам, астенник тусда ҳам бўлиши («Қўрқанидан оёқлари қалтирарди»), ёхуд хиссий зуриқишлар тарзида, ёхуд руҳан астойдил тушқувликка берилган ва ҳавотирланган тарзда, ёхуд аффектив ҳолатга тушган тарзда (даҳшатли қўрқув хиссиётнинг энг сўнгги туриди) кечиши мумкин.

Уялиш — ўзининг ният-мақсадлари, хатти-ҳаракатлари ва ташқи қиёфаси фақат теварак-атрофдагилар томонидан қутилганича мос келмаганлигини эмас, балки ўзига лойиқ хулқ-атвор ва ташқи қиёфа ҳақидаги шахсий тасаввурларга ҳам мос келмаётганини англаб етишида ифодаланадиган салбий ҳолатдир.

Асосий хиссий ҳолатларнинг юқорида келтирилган турлари (хиссиётларнинг луғатларда қайд этиладиган умумий сони жуда кўп) бирон бир таснифлаш схемасига бўйсундирилган эмас. Айтиб ўтилган хиссиётларнинг ҳар бири ифодаланиш даражасига кўра тобора кучайиб борадиган ҳолатлар тарзида: хотиржамлик билан қониқиш, шодланиш, завқланиш, шод-хуррамлик, ўзини тута олмайдиган даражада завқланиш ва ҳоказо, ёхуд тортинчоқлик, ийманиш, уялиш, ўзини айблаш ва ҳоказо, ёки

¹ М. Ю. Лермонтовда шундай сатрлар бор:

Гурун эди ландан учқурроқ,
Кўён ҳам ошган мисол бургутдан
Қўрқув ичра қочди у этиб тарк.
Чуркеслар қонига тўла майдондан!

норозилик, ачиниш, изтироб чекиш, қайғуриш тарзида бўлиши мумкин. Тўққизта асосий ҳиссий ҳолатдан олтитаси салбий хусусиятга эга бўлса, демак ижобий ҳиссий ҳолатлар киши ҳиссиётларнинг умумий рўйхатидаги улуши кам бўлади, деб ҳисоблаш ярамайди. Афтидан салбий ҳиссиётларнинг ғоят даражада ранг-баранглиги хусусиятлар ҳақида салбий ҳиссий ҳолатлар муваффақият билан ва жуда ҳам яхши хабар етказувчи ноқулай вазиятларга мослашувни янада муваффақиятлироқ тарзда амалга ошириш имконини беради. Уларнинг хусусиятлари ҳақида салбий ҳиссий ҳолатлар муваффақият билан ва жуда яхши хабар беради.

Ҳис-туйғу кечинмалари ҳар доим ҳам бир хил тусда бўлавермайди. Ҳиссий ҳолатда, иккита бир-бирига зид ҳис-туйғуларнинг ўзига хос бирикмасини мужассамлаштириш мумкин; масалан ишқ-муҳаббат ва нафрат рашк ҳиссининг кечирилиши жараёнида бирга қўшилиб кетади (*ҳис-туйғуларнинг амбивалентлиги* ходисаси).

Буюк инглиз табиатшуноси *Чарльз Дарвин* кишининг ҳис-туйғулари билан бир вақтда рўй берадиган ифодали ҳаракатлар унинг ҳайвонот оламига мансуб ажлодларидаги инстинктив ҳаракатлардан келиб чиққан бўлиши мумкин деган фикрни айтган эди. Ибтидоий одамсимон маймунларнинг ғазабланган пайтларида қўлларини мушт қилиб ва тишларини ғижирлатиши душманни маълум бир масофада туришга мажбур қиладиган ҳимоя тариқасидаги шартсиз-рефлектор реакцияси эди.

Кишининг ҳис-туйғулари рўй беришига кўра мураккаб шартсиз рефлексларга боғлиқ бўлгани ҳолда ижтимоий хусусиятга эгадир. Одамнинг ҳис-туйғулари билан ҳайвонлар ҳис-туйғуларининг тубдан фарқи, биринчидан, гап ҳатто айнан бир хил ҳис-туйғулар ҳақида кетган ҳолларда ҳам одамларнинг ҳис-туйғулари ҳайвонларникига қараганда бениҳоя мураккаб эканлигида кўринади: бу одамларда ҳам, ҳайвонларда ҳам, ғазабланиши, қўрқувни, қизиқувчанликни, шодланиш ва руҳан тушкунлик ҳолатини уларнинг келиб чиқиши сабаблари жиҳатидан ҳам, шунингдек уларнинг намоён бўлиши хусусиятлари жиҳатидан ҳам таққосланганда аниқ-равшан бўлади.

Иккинчидан, одамлар ҳайвонларда мавжуд бўлмаган жуда кўплаб ҳис-туйғуларга эгадир. Одамлар орасида меҳнат жараёнида, сиёсий, маданий, оилавий ҳаётда рўй берадиган ўзаро муносабатларнинг бойлиги кўплаб соф инсоний ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишига олиб келиди. Жўмладан, жирканиш, фахрланиш, ҳасад қилиш, шоду хуррамлик, зерикиш, ҳурмат қилиш, бурчни ҳис этиш ва ҳоказолар пайдо бўлди. Бу ҳис-туйғуларнинг ҳар бири ўзига хос йўллар билан (нутқ оҳангида, имо-ишорада, тўрқи-тароватда, кўлгида, кўз ёши ва шу кабиларда) ифодаланди.

Учинчидан, киши ўз ҳис-туйғуларини ноўрин ифода этилишидан сақлаган ҳолда уларни «жиловлаб» боради. Одамлар кучли ва аниқ-равшан сезиладиган ҳис-туйғуларни бошидан ке-

чираётиб, ташқи кўринишда кўпича осойишталикни сақлаб қоладилар, баъзида эса ҳис-туйғуларини сездирмаслик учун ўзини бепарво қилиб кўрсатиш керак, деб ҳисоблайдилар. Киши баъзан ҳақиқий ҳис-туйғуларини «жиловлаш» ёки яшириш мақсадида ўзини ҳатто бошқача, қарама-қарши ҳис-туйғуларни бошдан кечираётгандек қилиб кўрсатади: ранжиган ёки қаттиқ оғриқ азоб бераётган маҳалда кулади, кулгуси қистаб турганда ўзини жиддий тутлади.

IV. 14.3. Ҳис-туйғулар ва шахс

Ҳис-туйғулар — киши шахсининг анча ёрқин кўринишларидан бири бўлиб, у билиш жараёнлари ва хулқ-атвор ҳамда фаолиятни продавий бошқариш билан биргаликда намоён бўлади. *Шахс ўзи билиб олаётган ва бажараётган нарсага унинг барқарор муносабати ҳис-туйғуларнинг мазмунини ташкил этади.* Шахсни таърифлаш дегани кўп жиҳатдан муайян конкрет киши умуман нимани севади, нимани ёмон кўради, нимадан нафратланади, нима билан фахрланади, нимадан хурсанд бўлади, нега уялади, нимага ҳавас қилади ва ҳоказолар деган маънони англатади. Индивидуалнинг барқарор ҳис-туйғулари предмети, уларнинг жадаллиги, кечинмаларнинг хусусияти ва ҳиссиётлари, аффектлар, кучли ҳаяжонланиш ҳолатлари ва кайфиятлари шаклида тез-тез намоён бўлиши кузатувчи кўз ўнгида кишининг ҳиссий дунёсини, унинг ҳис-туйғуларини ва шу аснода унинг индивидуаллигини намоён этади. Айнан шунинг учун ҳам ҳиссий жараёнларни таҳлил қилиш вақтида ўткинчи ҳолатларни урганишдан киши шахсини белгилайдиган барқарор ҳис-туйғуларга ўтиш лозим.

Ҳис-туйғулар (тор маънода олганда) Вазият билан боғлиқ хусусиятга эга бўлган ва индивидуалнинг муайян пайтда объектга нисбатан муносабатини акс эттирадиган ҳиссиётлардан, аффектлардан, кайфиятлардан ва ҳиссий зўриқишлардан фарқли ўлароқ, улар пайдо бўлиши пайтига келиб таркиб топган конкрет ҳолатларда *ҳис-туйғулар (тор маънода олганда)* киши шахсининг йўналтирилганлигида мужассамлашган барқарор эҳтиёжлари объектга нисбатан унинг муносабатини акс эттиради. Шу сабабли ҳис-туйғулар барқарорлиги билан, улар субъектнинг ҳаёти соатлар ва кунлар эмас, балки ойлар ва йиллар воситасида ўлчанадиган даражада давомийлиги билан белгиланади. Ҳис-туйғулар конкрет характерга эга бўлади, улар субъектнинг барқарор ижобий ёки салбий муносабат билдиришига сабаб бўлган фактлар, воқеалар, одамлар ва ҳолатлар туйфайли рўй беради. Барқарор сабаблар фақат барқарор ҳис-туйғуларга асос бўлган тақдирдагина кишида мунтазам равишда фаолликни ҳосил қилади, фаолият кўрсатиш учун ундовчи доимий майлга айланади.

Ташқаридан кузатувчи (бу тадқиқотчи-психолог бўлиши ҳам мумкин) кишининг ҳаракатларида унинг сабабларини аниқлай олинши, уларни келиб чиқиш сабаби нуқтан назаридан *каузал*

атрибуция) изоҳлаб бериши мумкин, лекин кишининг ўзи ўз хатти-ҳаракати ва фаолиятининг сабабларини ҳис-туйғулар тарзида бошидан кечиради. Совет психологи С. Л. Рубинштейн таъкидлаганидек, ҳис-туйғулар кишининг ўзи учун *эҳтиёжларнинг* субъектив равишда *мавжуд бўлиши сифатида* гавдаланади. Бу мойилликнинг субъект учун ҳис-туйғулар тарзида рўй беришини билдирадими, бу мойилликлар унинг эҳтиёжларини қондириш учун объектларнинг қандай ва қанчалик аҳамиятга эга эканлиги ҳақида хабар бериб туради. Барчаси жамланган ҳолда киши шахсининг йўналганлигини ташкил этувчи мотивлар қанчалик кўпроқ даражада барқарор бўлса, киши ўзининг юксак даражадаги сабабий фаолиятига, хулқ-атвориغا ёрдам берадиган ёки тўсқинлик қиладиган барча нарсаларни эҳтиёжларнинг қондирилиш жараёни қандай (муваффақиятли ёки муваффақиятсиз) бораётганини баҳолайдиган туйғу шаклида бошдан кечиради.

Ҳиссий тажрибанинг умумлашуви натижаси сифатида таркиб топган ҳис-туйғулар вазиятга оид ҳиссиётлар, кайфиятлар ва аффектларнинг жадаллиги ва мазмунини белгилаган ҳолда киши шахсининг ҳиссиёти соҳасидаги етакчи ҳосилаларга айланади.

Ҳис-туйғу, юқорида қайд этиб ўтилганидек, вазиятга оид характердаги ҳиссиётлар жадаллиги ва мазмунини белгилайди. Мисол учун, яқин кишига нисбатан муҳаббат туйғуси вазиятга қараб турлича намоён бўлиши, жумладан, унинг муваффақияти муносабати билан шодланиш орқали, муваффақиятсизликка учраганида хафа бўлиш орқали, ундан фахрланиш ёки унинг хулқ-атвори субъектнинг кутганига тўғри келмай қолган тақдирда эса унинг норозилиги орқали ифодаланиши мумкин. Ҳис-туйғу қанчалик кучли бўлса, унинг бир лаҳзалик ҳиссиёт билан хиралашиб қолиши ёки йўқолиб кетиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади.

Қизининг қилмишидан жаҳли чиққан она ғазабланиш ҳиссига берилиши мумкин. Лекин орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин қизига бўлган муҳаббат устун келиб, унинг ҳалиги қилмиши нутилиб, қизи эса авф этилади. Бунда ҳис-туйғунинг ҳам кучи, ҳам унинг ожизлиги намоён бўлади. Салбий ҳиссиётлар йиғилиб, ҳис-туйғуларнинг кўпроқ ё озроқ даражада сезиладиган қайта ўзгариши юз бериши учун, бунинг устига унинг бутунлай қарама-қарши тусга кириши учун кўплаб ишлар қилиниши тақозо этилган бўлур эди. Айни пайтда бошқа бир кишига нисбатан яхши ифода этилмаган ҳиссий муносабат билдирилганда унга нисбатан ижобий ёки салбий ҳис-туйғу шаклланиб етилиши учун баъзан субъект ўша киши тўғрисида ҳосил бўлган биттагина ижобий ёки салбий ҳиссиётни бошдан кечиршининг ўзи ҳам етарли бўлади. Педагогик тажрибада бу қалтис йўللардан бири бўлиб, ўқитувчида у ёки бу ўқувчи ҳақида нотўғри тушунча тўғилишига олиб келиши мумкин.

Эҳтирослар кишидаги барқарор ҳис-туйғуларнинг алоҳида турини ташкил этади. Одамларнинг бажараётган ишга ва ҳаётида юз бераётган нарсаларга нисбатан ички муносабати бошдан охиригача барқарор тус касб этади, доимий ҳаракат қилувчи кучга айланади. Бу куч киши томонидан уни ҳаяжонлантирган нарса қандай этилиши, тасаввур қилиниши ва хаёлга келтирилиши, унинг бир-бири билан алмашиб турадиган хиссиётларни, аффектларни, кайфиятларни қандай бошдан кечириши хусусиятларини белгилайди. Бу куч муайян ҳаракатларга даъват этувчи ва қарор топган ҳис-туйғуга мос келмайдиган хатти-ҳаракатларга қарши қудратли тўсиқ сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳис-туйғу кишининг тафаккур ва фаол фаолият кўрсатиши жараёнига жалб этилган бўлади. **Кишининг фикрлари ва хатти-ҳаракатлари йўналишини белгилайдиган барқарор, чуқур ва кучли ҳис-туйғу эҳтирос деб аталади.**

Эҳтирос кишини ҳис-туйғулар предмети ҳақида астойдил фикрлашга, уларнинг негизини ташкил қиладиган эҳтиёжларни жонли ва ёрқин тасаввур этишга, бу эҳтиёжларни қондириш йўлида учрайдиган ҳақиқий ёки фақат учраши мумкин бўлган тўсиқ ва қийинчиликлар тўғрисида ўйлашга ва ҳар томонлама мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Жумладан, миллий озодлик учун курашчида ватанга муҳаббат туйғуси бир қанча эзгу зиддиятлар билан боғланган бўлиб, уни ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, пировардида ғалабага олиб бориши мумкин бўлган йўлни қатъият билан излашга мажбур этадиган энгилмас кучга айланади.

Ҳукмрон эҳтирос билан боғлиқ бўлмаганлари иккинчи даражали аҳамиятга эгадек бўлиб туюлади, орқа ўринга суриб қўйилади, кишини ҳаяжонлантирмай ва қизиқтирмай қўяди, баъзан умуман унутилиб кетади. Боғлиқ бўлганлари эса кишини ўзига ром этади, ҳаяжонлантиради, диққатини жалб этади, эса (бир хил пайтларда икки-чирлар билан қўшилиб) сақланиб қолади. Қониқтирилмай қолган эҳтирос одатда кучли ҳиссиётларни ва ҳатто аффектив портлашларни (ғазабланиш, норозилик, умидсизлик, ранжиш ва ҳоказоларни) келтириб чиқаради.

Энг олижаноб, юксак ҳис-туйғу, масалан, Ватанга муҳаббат, техника ижодкорлиги ёки ҳақиқатни қидириб топиш ва халққа хизмат қилиш сифатида фанга меҳр-муҳаббат ҳам баъзи ҳолларда эҳтиросга айланиши мумкин. Бунда эҳтирос жасоратларнинг, кўп йиллик тинимсиз меҳнатнинг, кашфиётларнинг, ижодий ютуқларнинг манбаига айланади. Лекин эҳтирос шахсининг ривожланиш шартларида ва индивидуал хусусиятларида агар ўзига замин топа олса, бошқа ҳар қандай ҳис-туйғуга айланиб қолиши ҳам мумкин. Агар эҳтирос маънавий жиҳатдан қораланиши лозим бўлса, биз тубан эҳтирослар ҳақида, кишининг эҳтирос таъсири остида тубанлашиб кетгани, ахлоқий жиҳатдан ўзгариб қолгани ҳақида сўз юритамиз.

Шахснинг бутун ўй-фикрини ва интилишларини ўзига тортиб оладиган ҳамда унинг ҳиссий жиҳатларини аниқ-равшан белгилайдиган кўплаб барқарор ҳис-туйғулар (эҳтирос тусини оладиган ёки олмайдиган) мавжуддир. Улар орасида, айниқса ёшлик чоғида, севги-муҳаббат туйғуси сезиларли ўрин эгаллайди. У барқарор ҳис-туйғу намунаси сифатида баҳоланиши мумкин. Муҳаббат — инсонга хос энг муҳим барқарор ҳис-туйғулардан биридир. «Муҳаббат» тушунчаси психологияда икки хил маънода ишлатилади. Кенг маънодаги (бир қанча тушунчаларнинг умумий белгиси жинс маъноси сифатидаги) муҳаббат ҳиссий-ижобий муносабатнинг объектини бошқаларга қараганда ажратиб кўрсатадиган ҳамда уни субъектнинг барқарор ҳаётий эҳтиёжлари ва қизиқишлари марказига қўядиган юксак даражаси демакдир. Ватанга бўлган муҳаббат, онага, болаларга, мусиқага ва ҳоказоларга муҳаббат ана шундай ҳис-туйғудир.

Анча торроқ маънодаги (тур маъноси тушунчасидаги) муҳаббат субъектнинг шахвоний эҳтиёжлари билан физиологик жиҳатдан боғлиқ бўлган ҳамда бошқа бировнинг ҳаёти ва фаолиятида ҳам ўзидаги сингарни жадалликка, кескинликка ва барқарорликка даъват этадиган жавоб ҳис-туйғусига эҳтиёж уйғотувчи шахсий-аҳамиятлилик хусусиятларини янада тулароқ гавдалантиришида ифодасини топадиган жадал, жиддий ва нисбатан барқарор ҳис-туйғусидир. Ғоят даражада сирли тусга эга бўлган муҳаббат туйғуси вазиятга қараб пайдо бўладиган ва ўзгарувчан мулоимлик (ўта нозиклик, адо), шодланиш, умидсизланиш ва шу каби бошқа ҳиссиётлар билан, кўтаринки ёки маъюсона кайфият билан, баъзан ҳаддан зиёд қувонч ёки ғам-алам билан бирга содир бўлади. Индивиднинг пировард натижасида наслининг давом этишини таъминлайдиган шахвоний эҳтиёжи ва индивиднинг тулақонли тарзда персонажлашувини таъминлайдиган, яъни шахсга бошқа *аҳамиятлороқ бировда* (севгили эркак ёки аёл кишида) *давом эттирилиши, кўнгилдагидек мужассамлашиши* учун энг мақбул имконият туғдирадиган олий ҳис-туйғу тарзидаги севги-муҳаббатнинг бирлиги амалда фикран бирини иккинчисидан ажратишга имкон бермайди.

Бу ҳол ҳар хил фалсафий ва психологик йўналишлар томонидан ушбу манбалардан бирининг мутлақ даражага кўтаришга йўл қўйиши сабабларидан бири бўлди. Муҳаббат ёхуд биологик асосдан, жинсий инстинктдан иборат деб ҳисобланади (муҳаббатни «шахвоният» сифатида талқин этиш ҳозирги ғарб психологиясидаги кўпгина таълимотларгагина эмас, балки умуман буржуа маданиятига хос бўлган хусусиятдир), ёхуд муҳаббатнинг физиологик жиҳати инкор этилиб ва камситилиб ҳамда у соф-«маънавий» ҳис-туйғу сифатида талқин қилиниб келди (христиан динида «руҳий» ишқ-муҳаббатнинг мадҳ этилиши, бу ҳис-туйғунинг физиологик жиҳатлари намоеън бўлишини қандайдир тубанлик, ифлослик, гуноҳ сифатида тасаввур қилиниши). Ҳолбуки, физиологик эҳтиёжлар эркак билан аёл

ўртасидаги муҳаббат туйғусининг пайдо бўлиши ва сақланиб туриши учун шарт-шароит ҳисобланса ҳам, лекин киши шахсида биологик жиҳат йўқола бориши ва ўзгарган тарзда, социал жиҳатга айланган ҳолда юзага чиқиши муносабати билан муҳаббат ўзининг нафис психологик таърифига кўра ижтимоий жиҳатдан тақозо этилган ҳис-туйғу ҳисобланади.

Севги-муҳаббат туйғуси илк ёшлик йилларида ўзига хос аҳамият касб этади. Айрим педагогларнинг бу туйғуга, агар у юқори синф ўқувчиларининг ўзаро муносабатларига кириб борадиган бўлса, айниқса ҳушёр тортиб қолишлари ҳаммага аён. Ўз-ўзидан равшанки, худди катта ёшдаги одамлардаги сеvgи-муҳаббат каби ёшлик муҳаббатининг ҳам физиологик негизида жинсий эҳтиёж мавжуддир. Лекин илк ёшлик чоғида ва айниқса ўспиринлик ёшдаги сеvgи-муҳаббат катта ёшдаги киши учун зарур бўлган иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган жиҳатларидан кўпинча йироқ булади. Унинг негизини ташкил этадиган эҳтиёжлар, одатда етарли даражада табақалашмайди ва англаб этилмайди, уни қондириш воситлари онгда бирон-бир даражада аниқ-равшан акс этмайди. Баъзан катта ёшдаги кишилар — педагоглар, ота-оналар, таниш-билишлар сеvишганларнинг ўзаро муносабатларини кузата бориб, беихтиёр уларга ўзларининг жинсий тажрибаларини ўтказишга уринадилар. Аммо лекин сеvишганлар кўпинча бекорга катта ёшдагилар уларнинг ҳис-туйғуларига ўзгача тарзда, бошқача нуқтаи назардан ёндашадилар деб ўйлайдилар ва шунинг учун ҳам сўраб-суриштиришлар ва насиҳатгўйликлардан бировлари қовоғини солган, бошқалари кулимсираган ҳолда ўзларини четга олиб қочадилар: Объектив жиҳатдан олганда бу ёшдаги муҳаббатнинг негизида жинсий майл ётади, субъектив жиҳатдан (ёш сеvишганлар учун) бу майл кўпинча улар хулқ-атворининг бутун характери билан инкор этилади. Бир хил педагог ёшлар муҳаббатини «тақиқлаб», танбеҳ бериб ва масхаралаб, бир-бирларини сеvиб қолган ёш йигит-қизларнинг ишончсизлик, шубҳаланиш ва масхаралаш девори орқали коллективдан яширинишларига ва пинҳоний муносабат доирасида янада маҳкамроқ ўралиб қолишларига эришади. Ўз-ўзидан равшанки, мактабнинг юқори синфларида сеvgи-муҳаббатни «тақиқлаш» ва маълум тартиб-қоидага бўйсундириш учун уринишларга қарши психологик жиҳатдан уринли норозилик — бу суст сабрбардошлик кўрсатиш эмас, балки ўқувчи шахсини юксак ахлоқ руҳида тарбиялаш, унинг маънавий дунёси бойлигини таркиб топтириш учун зарур шарт шароитдир. Бу борада муҳаббат ҳиссининг қўшаётган улуши ҳам озмунча эмас.

Ҳис-туйғуларнинг турлари ва уларнинг шакллантирилиши¹

Психологияда ҳис-туйғулар турларининг ҳамма учун маъқул бўлган таснифи йўқ. Қуйидаги турларни алоҳида ажратиб кўрсатиш удум булган: *маънавий, интеллектуал (ақлий) ва эстетик*

(нафосат) ҳис-туйғулар.

Маънавий (ахлоқий) ҳис-туйғулар ўз мазмунига кўра, ки-

шининг кишига ва, кенгроқ маънода олганда, жамиятга муносабатини билдиради. Шахс ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида унинг хулқ-атворини бошқариб турадиган ахлоқ нормалари шу ҳис-туйғуларнинг теварак-атрофдагилардан объектив равишда олиб турадиган баҳолашнинг асоси ҳисобланади. Маънавий ҳис-туйғуларга муҳаббат (кенг ва тор маънодаги), ҳамдардлик, хайрихоҳлик, инсонпарварлик, содиқлик ва ҳоказолар киреди.

Ҳис-туйғуларни, айниқса маънавий ҳис-туйғуларни тарбиялаш масаласи педагог ишида энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб қолади. Вояга етиб келаётган авлоднинг маънавий ҳис-туйғуларини шакллантириш социалистик жамият кишиси юксак гражданлигининг асосий негизини таъминлайди.

Интеллектуал ҳис-туйғулар шахснинг билиш жараёнига, унинг муваффақиятлилиги ва муваффақиятсизлигига муносабатини ифодалайди ва акс эттиради. Психологияда яхлит бирликда ривожланаётган фикрлаш жараёнлари ва ҳиссий жараёнлар ўртасидаги чуқур боғланишлар аниқланди. Бу жараёнларнинг ўзаро бирликдаги ҳаракатида ҳис-туйғуларнинг роли шундан иборатки, улар ақлий фаолиятни ўзига хос равишда бошқариб турувчи куч сифатида намоён бўлади. Филогенезида бўлгани сингари онтогенезида ҳам ҳис-туйғуларнинг ривожланиши кишида ҳиссий жавоб, кечинмалар туғдирадиган, билиш жараёни ва унинг натижаларини баҳолаш бўлган билиш фаолияти билан биргаликда юз беради.

Қизиқиш (ҳиссиёт тарзидаги), ажабланиш, қизиқувчанлик, шубҳаланиш, кашф этганидан шодланиш, ҳақиқатга иштиёқмандлик ва ҳоказолар интеллектуал ҳис-туйғулар қаторига киреди. Жумладан, ажабланиш ҳисси тўфайли киши янги вазиятни диққат билан таҳлил қилади ва баҳолай бошлайди, уни чамалай бошлайди, вужудга келган зиддиятларни бартараф этишга интилади.

В. А. Сухомлинский «Ақл-идрокнинг» ҳиссий «уйғониши» методини жорий эта бориб, болаларда табиат ҳодисаларидан, шунчаки маълум нарса бўлиб туюлган, лекин янгиликка тўла, сирли нарсалар — кўҳна қўрғонтепалардан, турналарнинг қичқирғидан, тунги осмондан ва ҳоказолардан ажабланиш ҳиссини тарбияларди. Бунда у болада ажабланиш ҳиссининг йўқлиги ёки йўқолиб қолиши борлиқнинг сир-асрорларини билиб олишга омил бахш эта олмайди, унинг ички дунёсини қашшоқлаштириб қўяди, деб уқдиради. «Биз ўз бошимиздан кечиришимиз мумкин бўлган энг ажойиб ва энг кучли ҳиссиёт сир-асрорларни ҳис этишдан иборат. Ҳар қандай ҳақиқий билимнинг манбаи ана шунда мужассамлашгандир», — деб ёзган эди А. Эйнштейн.

Киши билиш жараёнида доимо гипотезаларни илгари суради, уларни инкор этган ёки маъқуллаган ҳолда муаммони ҳал этишнинг энг тўғри йўлларини қидиради, баъзан эса адашади ва яна тўғри йўлга чиқиб олади. Ҳақиқатни излаш шубҳаланиш ҳисси билан — муаммони («шубҳани») ҳал этишнинг

эҳтимол тутилган усуллари ҳақида субъект онгида рақобат қилаётган иккита ёки бир неча фикрларнинг бирга мавжуд бўлиб турганлигини ҳиссий жиҳатдан бошдан кечириш билан айна бир вақтда юз бериши мумкин. Пировардида, масалани ҳал этишнинг ўзи, ҳақиқатнинг топилиши (ёки унинг ўзлаштирилиши) ишонч туйғуси билан биргаликда юзага келиши мумкин. Ғоянинг адолатлилигига, киши билиб олган нарсанинг ҳаққонийлигига ишонч туйғуси фаол билиш фаолияти орқали кишида ҳосил бўлган маслакни ҳаётга татбиқ этиш учун курашнинг қийин дақиқаларида унга мадад ҳисобланади.

Интеллектуал кечинмалар асосида кишига билиш жараёнида катта қийинчиликларни енгиш, унинг азоблари ва қувончларини бошдан кечириш, чинакам бахтиёр бўлиш, кашфиёт қилиш имконини берадиган ҳақиқатга нисбатан умумлашган иштиёқ туйғуси пайдо бўлади. Ҳақиқатни қидириш, унга бўлган иштиёқ пировард натижада оламда юз бераётган барча нарсаларга чуқур ҳиссий муносабат туғдирган ҳолда унинг эътиқодлари билан қушилиб кетади, инсон ақл-идрокининг чинакам қудратини қарор топтиради.

Таълим бериш жараёнида ўқувчиларда интеллектуал туйғуларни шакллантириш, билишга қизиқиш ва иштиёқ уйғотиш масаласи педагог учун ҳамisha долзарб ҳисобланади. Шу нарса аниқ-равшанки, агар ўқувчининг таълим олиши сабабларида билимга иштиёқ устунлик қилмаса, агар у доимо янги нарсани билиб олаётганидан шодлик ва бахтиёрликни ҳис этиб турмаса, у ҳолда талаба ўқишда ва меҳнатда бирон-бир даражада юксак натижага эриша олмайди.

Эстетик ҳис-туйғулар субъектнинг ҳаётида юз берадиган турли хилдаги нарсаларга ва уларнинг санъатда акс эттирилишига нисбатан аллақандай ажойиб ёки бемаъни, фожиавий ёки кулгили, олижаноб ёки жирканчли, нафосатли ёки хунук нарса сифатида муносабатини акс эттиради ва ифодалайди. Бу ҳис-туйғулар тегишли баҳоларда, бадий дидларда гавдаланади ва эстетик завқланиш ва шод-хуррамлик ҳисси сифатида ёки улар объекти билан шахснинг эстетик мезонлари бир-бирига мос келмай қолган тақдирда жирканиш, нафратланиш ва шу каби ҳиссиётларида намоён бўлади. Эстетик ҳис-туйғулар кишининг маданий жиҳатдан ривожланганлиги, унинг онги шаклланиши маҳсули ҳисобланади. Эстетик ҳис-туйғуларнинг ривожланганлиги ва мазмундорлиги даражаси (қолаверса, маънавий ва интеллектуал ҳис-туйғуларда ҳам шундай) шахснинг собитқадамлиги, унинг ижтимоий етуклигини кўрсатадиган жиддий мезон сифатида намоён бўлади.

Кишининг ҳодисалардан ҳиссий таъсирланиб, уларнинг кулгили жиҳатларини сезиш қобилиятига асосланган ҳазил-мутойба (юмор) туйғуси ўзига хос эстетик ҳис-туйғу намунаси сифатида талқин этилиши мумкин. Ҳазил-мутойба туйғуси субъектнинг бирон-бир кишида ижобий ва салбий белгиларнинг

қарама-қаршилигини, уларнинг бирга қўшилишига ақл бовар қилмаслигини, бирон-бир кишининг аҳамиятли бўлиб кўринишини ва бунга хулқ-атворининг мос келмаслигини ҳамда шу каби бошқа ҳолларни пайқаш, баъзан эса уларни бўрттириб юбориш малакаси билан боғлиқдир. Ҳазил-мутойиба туйғуси унинг субъектида ижобий намуна мавжуд бўлишини тақозо этади. Бунингсиз ҳазил-мутойиба салбий ҳодисаларга — фисқу фасодга, беҳаёликка, қаҳр-ғазабга ва шу кабиларга айланиб қолади. Юмор туйғусининг бор ёки йўқлиги ҳақида кишининг ҳазил-мутойибани, аскияларни, ўртоқлик пичингларини, ҳажвий расмларни қандай тушунишига, вазиятнинг кулгили эканлигини илғаб олишга, унинг фақат бошқалар устидан эмас, балки ўзи ҳазилбоп ҳолатга тушиб қолган пайтларда ўзининг устидан кула олишига қараб хулоса чиқариш мумкин. Ҳазил-мутойиба туйғусининг йўқлиги ёки унинг етарли даражада ифодаланмаганлиги киши ҳиссиётининг даражаси пастлиги ва шахсининг яхши ривожланмаганлигидан далолат беради. Успиринларда ва ёшларда баъзида ҳазил-мутойиба туйғусининг суст ривожланганлиги учраб туриши, шунингдек, унинг беҳаёликка ва фисқу фасодга айланиб қолиши педагоглар ва ота-оналар учун ташвишли сигнал ҳисобланади.

Киши маънавий, интеллектуал ва эстетик туйғуларни фаолият ва муомала жараёнида бошдан кечиради, баъзан уларда кишининг социал воқеликка нисбатан бутун ҳиссий муносабатлари бойлигини мужассамлашганлиги учун улар *юксак ҳис-туйғулар* деб ҳам аталади. Ҳис-туйғуларнинг «юксак» деб аталишида уларнинг умумлашганлиги, барқарорлиги ва бир лаҳзалик ҳиссий кечинмаларга айланиб қолмаслиги, уларнинг алоҳида инсоний характерда эканлиги (ҳайвонларда ҳатто узоқроқ бўлса ҳам олий ҳис-туйғуларга ўхшайдиган туйғу йўқ, ахир) таъкидлангандир.

Айни чоғда «юксак ҳис-туйғулар» тушунчасининг шартли эканлигини таъкидлаш лозим. Негаки, унга, жумладан, маънавий ҳис-туйғуларнигина эмас, балки маънавийтсиз ҳис-туйғулар (иззатталаблик, хасислик, ҳасадгўйлик ва бошқалар) ни ҳам, яъни амалда шахснинг ярамас ҳиссиётларини ҳам киритишга тўғри келади. Ниҳоят, аниқ-равшан таснифлаш мезонининг йўқлиги сабабли маънавий, интеллектуал ва эстетик ҳис-туйғуларни психологик таҳлил жараёнида қийинчилик билан бир-биридан фарқлаш мумкин, ҳазил-мутойиба эстетик ҳис-туйғу бўла туриб, шу билан бирга интеллектуал ҳис-туйғу сифатида (агар у теварак-атрофдаги воқеликдаги зиддиятларни пайқай билиш малакаси билан боғланган бўлса) баҳоланиши ва айни чоғда маънавий ҳис-туйғу деб ҳисобланиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси кишининг ҳиссий жиҳатлари бирлигини таъкидлайди. Педагог ўз олдига маънавий, эстетик ёки интеллектуал ҳис-туйғуларни алоҳида-алоҳида шакллантиришни мақсад қилиб қўя олмайди. Вазифа ишга фақат комплекс ёндашилган тақдирда — ёш йигит ва қизнинг шахси коммунистик

тарбия жараёнида бир бутун ҳолда шакллантирилган тақдир-
дагина муваффақиятли ҳал этилади.

Адабиётлар

- Выготский Л. С. Эмоции и их развитие в детском возрасте.— Собр. соч.,
Т. 2 М., Педагогика, 1982. 416—436-бетлар.
- Вилюнас В. К. Психология эмоциональных явлений. М., 1976.
- Симонов П. В. Эмоциональный мозг. М., 1981.
- Якобсон П. М. Эмоциональная жизнь школьника. М., Просвещение, 1966.
- Изард К. Е. Эмоции человека. М., МДУ нашриёти, 1980.
- Психология эмоций. Тексты. М., МДУ нашриёти, 1984.
- Хрестоматия по психологии. М., Просвещение, 1977, 287—298, 305—311-
бетлар.
- Лук А. Н. О чувстве юмора и остроумии. М., Искусство, 1968.
- Ольшанникова А. Е. Эмоции и воспитание. М., Знание, 1983.

15-БОБ

ИРОДА

IV. 15.1. Ирода ҳақида тушунча

Одамлар теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларни билиб оладилар ҳамда ўзларининг шахсий эҳтиёжларини ва улар мансуб бўлган жамият эҳтиёжларини қондирш жараёнида уни қайта ўзгартиришга қаратилган фаолиятда уларга нисбатан ҳис-туйғуни бошдан кечирадилар.

Олдиндан мўлжаллаб қилинган иродавий ҳаракатлар

Кишининг фаолияти — хусусий вазифалар ҳал этилаётган бошқа бир амалдан келиб чиқадиган битта ва биргаликда боғланган системадир.

Ҳаракатлар исталган, киши қилаётганига ўхшаш мақсад каби тафаккур этиладиган ёки ифодаланадиган натижани олишга қаратилган бўлади. Жумладан, ёш олма дарахти ўтқазилаётганда муайян чуқурлик ковлаб, ўғит солиб, чуқурнинг ўртасига қозиқ қоқилиб, у ерга ўтқазилаётган дарахтнинг илдизларини тўғрилаб ва уни бойлаб қўяётган одам ўз мақсадини амалга ошираётиб, маълум режа бўйича ҳаракат қилади. Бу режа иш жараёнида бир қатор *тафаккур* ва *тасаввурлар* тарзида кенгайди ҳамда кучи, тезлиги, кўлами, мувофиқлиги, аниқлиги бўйича белгиланган *ҳаракатлар* ёрдамида амалга оширилади, ҳаётга татбиқ этилади. Алоҳида ҳаракатларни ташкил этадиган ҳаракатларни бажариш ва нимани, қандай ва қай тарзда қилиш кераклигини кўрсатадиган фикрий операциялар амалга оширилаётган пайтда предметга ҳам, қуролларга ҳам, меҳнат жараёнининг ўзига ҳам диққат жамланади, кучайтирилади. Шу билан бирга ҳаракат жараёнида у ёки бу *ҳис-туйғулар* бошдан кечирилади: тўсқинлик ва қийинчиликдан қониқмаслик ва ташвиш тортиш ҳамда сезилаётган камчиликларни муваффақиятли бартараф этишдан қаноат ҳосил қилиш, меҳнат кўтаринкилиги ва чарчаганлиги, шунингдек меҳнатнинг ўзидан қувонч туйғуси.

«Майдон»да бўлган қўзғатувчи билан бевосита белгиланадиган ихтиёрсиз ҳаракатдан фарқли ўлароқ, олдиндан мўлжалланган ҳаракат бунинг учун керакли воситалар (белгилар, норматив баҳолар ва бошқалар) ёрдамида, яъни билвосита амалга оширилади. Уқувчи чизмани ўқийди, инструкцияларни бажара

олади, ишлаб чиқариш таълими мастерининг кўрсатмаларини эслайди ва ҳоказо, шундай қилиб фаолият амалга оширилгунга қадар унинг ўз онгида тузилишини таъминлайди ва шундан кейингина ишга киришилади.

Олдиндан мўлжалланган ҳаракат *ўз-ўзини бошқариш* орқали амалга оширилади. Унинг структураси киши эришишни истаган мақсадни; унга эришиш учун амалга оширилмоқчи бўлган ҳаракатлар ва жараёнлар программасини; ҳаракатлар муваффақиятлилигининг мезонларини аниқлаш ва ҳаракатларнинг олинган реал натижаларини у билан солиштириб чиқиш; пировардида амални тугаллаган ҳисоблаб, қарор қабул қилиш керак ёки унинг бажарилишига зарур тузатишлар киритиб, уни давом эттириш лозим. Шундай қилиб, олдиндан мўлжалланган ҳаракат *ўз-ўзини бошқариш*, уни планлаштириш ва ижро этиш устидан *ихтиёрий назорат* қилишни назарда тутати. Онтогенез жараёнида катталар томонидан бошқариш ва назорат функцияси олдинига бола билан биргаликдаги фаолият ва мулоқот жараёнида амалга оширилади, сўнгра эса намуналар интериоризацияси ва ҳаракатларни бажариш схемаси юз бераётганлиги сабабли боланинг ўзи ана шу схема ва намуналарга биноан ҳаракатларни назорат қилишни ўрганиб олади.

Ҳаракатнинг олдиндан мўлжалланганлиги кишининг бўлғуси ҳаракати натижаси унинг фаолияти мотивига (яъни у нимани деб ҳаракат қилишига) жавоб бериши ҳақида қарор қабул қилишни назарда тутати, шунда ҳаракат *шахсий маъно* касб этади ва субъект учун фаолият *мақсади* сифатида намоён бўлади.

Фаолият структурасида олдиндан мўлжалланган ҳаракат унинг юксак даражасини ташкил этади, онгли тарзда қўйилган мақсад ва бу мақсадга эришиш учун зарур воситаларни танлаш унга хосдир. «Одамлар ҳайвонлардан қанчалик кўп узоқлашганлари сари,— деб ёзган эди. Ф. Энгельс,— уларнинг табиатга таъсири муайян, олдиндан мўлжалланган мақсадларга эришишга қаратилган, атайлаб қилинадиган, планли ҳаракатлар характерини аста-секин қабул қилади». Улар юз беравериши ва ташқи дунё томонидан сезилмаслиги мумкин: ўқувчи иншо планини ўйлаётганида, материални ўз ичида такрорлаётганида ва ҳоказоларда шундай бўлади.

Иродавий ҳаракатлар олдиндан мўлжалланган ҳаракатларнинг алоҳида турини ташкил этади. Иродавий ҳаракатлар олдиндан мўлжалланган ҳаракатнинг барча энг муҳим белгиларини сақлаб қолган ҳолда, қийинчиликларни бартараф этишни зарур шарт сифатида ўз ичига олади. У ёки бу атайлаб қилинган ҳаракат қийинчиликни енгишда қатнашдими ёки йўқми эканлигига қараб, иродавий ҳаракатлар бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Иродавий ҳаракатлар мураккаблиги бўйича фарқланиши мумкин. Масалан, ўқувчи жисмоний тарбия дарсида биринчи марта таяниб сакрашга уринаётиб, йиқилиши ва лат ейиши

мумкинлиги билан боғлиқ бўлган баъзи бир хавфсирашларни енгиб ўтади. Бундай иродавий ҳаракатлар *оддий* деб аталади. *Мураккаб* иродавий ҳаракатлар бир қанча оддий ҳаракатларни ўз ичига олади. Мураккаб ишлаб чиқариш фаолиятини бажариш тўғрисида қарор қабул қиларкан, ёш йигит қатор ички ва ташқи тўсиқлар ва қийинчиликларни бартараф этади ҳамда ўз ниятини амалга оширади. Ўз навбатида, мураккаб ҳаракатлар кишининг онгли равишда қўйилган яқин ва узоқ мақсадларга эришишга қаратилган, уюшган иродавий фаолияти системасига киради. Унда кишининг у ёки бу *иродавий фазилатлари* намоён бўлади, иродаси кўринади.

Ирода шахс фаолигининг шаклидир *Ирода — бу кишининг олдига қўйилган мақсадларга эришишда қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолияти ва хулқ-атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз-ўзини бошқариши демакдир.* Ирода — бу шахс фаоллигининг алоҳида шакли, унинг хулқ-атворини ташкил этишнинг у томонидан қўйилган мақсад билан белгиланадиган алоҳида туридир.

Ирода табиат қонунларини эгаллаб оладиган ва шу тариқа уни ўз эҳтиёжларига кўра ўзгартириш имкониятига эга бўладиган кишининг меҳнат фаолиятида пайдо бўлди. К. Маркс шундай деб ёзган эди: «Меҳнатни бажарадиган аъзоларнинг ишлашидан ташқари, меҳнат қилинган бутун вақт ичида маълум бир мақсадни кўзда тутувчи ирода ҳам бўлиши зарур, бу ирода эса ишга диққат қилишдан иборатдир»¹...

Ирода ўзаро боғлиқ иккита вазифанинг — ундовчи ва тор-мозлаш (тўхтатувчи) вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди ва уларда ўзини намоён қилади.

Ундовчи вазифаси кишининг *фаоллиги* билан таъминланади. Ҳаракат олдинги вазият (чақириққа нисбатан киши айланиб қарайди, ўйинда ташланган тўпни қайтаради, қўпол сўздан хафа бўлади ва ҳоказо) билан боғлиқ бўлган пайтдаги *реактивликдан* фарқли ўлароқ фаоллик ҳаракатнинг айни ўзида намоён бўладиган ички ҳолатига нисбатан субъектнинг ўзига хос хусусиятини кучга киритиш ҳаракатини чиқаради (зарур ахборотни олишга эҳтиёж сезаётган киши ўртоғини чақиради, жаҳли чиққан ҳолатда ён-веригагиларга қўполлик қилишга йўл қўяди ва ҳоказо).

Олдиндан мўлжалланмаганлиги билан фарқ қиладиган табиий хулқ-атвордан фарқли ўлароқ, фаоллик ихтиёрийлиги билан, яъни онгли равишдаги мақсадга мувофиқ ҳаракатнинг шартлилиги билан фарқ қилади. Фаоллик бир дақиқалик вазият талаби билан, унга мослашув, берилган чегараларда ҳаракат қилиш истаги билан юзага келтириш мумкин ва мумкин эмас, у вазиятдан устунлиги билан, яъни асос қилиб олинган маълумотларнинг, кишининг вазият талаблари даражасига кўтарила олиш, асосий вазифага нисбатан зиёд

¹ Маркс К. Капитал, I- том, «Ўзбекистон», 1983 йил, 181- бет.

мақсадларни қўя билиш қобилияти (қалтис иш учун таваккал қилиш»¹, ижодий жўшқинлик ва бошқалар) билан юзага келтириш мумкин ва мумкин эмас.

Совет кишисининг фаол гражданлик позицияси деб аталиши мумкин бўлган ижтимоий кўринишларидан бири унинг «устама-норматив активлиги», яъни унинг бажарилиши арбоб учун қатъий мажбурий ҳисобланмаган (агар у буни бажармаса, унга ҳеч ким буни таъна қилолмайди), лекин амалга оширилиши социал орзусига жавоб берадиган фаолияти ҳисобланади.

Иродавий жараёнларнинг яна бир хусусиятини, унинг ундовчи функцияси кўринишлари сифатида намоён бўладиган турини ҳам кўрсатиш мумкин. Агар кишида унинг объектив зарурлигини англаган ҳолда ҳаракатни амалга оширишга фаол («бу ўринда ва эндиликда») эҳтиёжи мавжуд бўлмаса, ирода ҳаракатларнинг моҳиятини ўзгартириб юборувчи, уни янада аҳамиятлироқ қилиб қўядиган ва бу билан ҳаракатларнинг ҳаққоний асоратлари билан боғлиқ кечинмаларни вужудга келтирган ҳолда қўшимча майлларни вужудга келтиради. Уқувчи чарчаган ҳолатида шаҳарнинг бир чеккасидаги спорт залига тренировкага бориш учун куч тўплаши қийин бўлиши мумкин, лекин команданинг умумий муваффақиятида қандай бўлиши ва мактаб спорт шарафининг сақланиши капитан сифатида унинг қандай тайёргарлик кўришига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикри ҳаракатни амалга ошириш учун қўшимча туртки яратган ҳолда унинг иродасини сафарбар этади.

Ироданинг ундовчи вазифаси билан биргаликда ҳаракат қилувчи тўхтатиш вазифаси фаолликнинг ёқимсиз кўринишларини жиловлашда намоён бўлади. Шахс унинг дунёқарashiда, энг юксак мақсадлари ва маслакларига жавоб бермайдиган мотивларнинг уйғонишини ва ҳаракатларнинг бажарилишини тахтатишга қодирдир. Тўхтатиш бўлмаса, хулқ-атвори бошқариш бўлмас эди.

А. С. Макаренко коллективдаги ўзаро муносабатлар услуби ва оҳанги ҳақида гапираркан, «тўхтатиш одатини» ҳосил қилиш вазифасини алоҳида таъкидлаган эди. У шундай деб ёзган эди: «Болалар муассасасининг маъмурияти тарбияланувчиларда ҳаракатда, сўзлашда, бақириб-чақиринишда доимо вазмин бўла билиш малакасини ривожлантириши керак... Бу тўхтатиш зўрма-зўраки характерга эга бўлмаслиги керак, у мантиқан ўз тарбиячинининг организми учун тўғридан-тўғри фойдали, бутун коллектив учун эстетик тасаввурлар ва қулайликлар билан оқланган бўлиши керак. Тўхтатишнинг алоҳида шакли ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бўлиб, уни ҳар бир қулай вазиятда қатъий билиш билан тавсия қилиш ва унга амал қилишни талаб этиш керак²».

¹ А. С. Пушкинда шундай бир сатр бор: «Жангда завқланиш муҳайё ва у тубсиз кувончдир гўё».

² Макаренко А. С. Методика организации воспитательного процесса.— Соч., М., РСФСР ПФА нашриёти, 1958, V том, 85-бет.

Кишининг ҳаракатга ундовчи майллари маълум бир йўлга солинган системани — озиқ-овқатга, кийим-кечакка, иссиқ ва совуқдан яшириниш эҳтиёждан тортиб то маънавий, эстетик ва интеллектуал ҳис-туйғуларни бошидан кечириш билан боғлиқ юксак ниятларга бориб тақаладиган *мотивлар иерархиясини* ташкил этади. Агар юксак мотивлар деб қўйилари, шу жумладан, ҳаётий, муҳим мотивлар тўсилиши ва тутиб турилиши юз берса, бу ироданинг намоён бўлиши ҳисобига бўлади. Совет халқи фашист босқинчилари билан бўлган Улуғ Ватан уруши фронтларида ва фронт орқасида сон-саноксиз қаҳрамонлик намуналарини яратди. Душманга асир бўлиб тушган жангчилар ва партизанлар душманларнинг қуруқ ваъдаларидан нафратланиб аёвсиз азоб-уқубатларга бардош беришарди, улардан билиб олмоқчи бўлган сирни асло айтишмасди. Кундалик ҳаётида ҳам ўз туйғуларининг кўринишларини сақлаб қолишга, ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан бошланган ишни давом эттиришга, ҳаммасини ташлаш ва бирон-бир ёқимли иш билан шуғулланиш истагига қарши курашиш — етарли даражада кучли ирода бўлган жойдагина мумкинدير.

Ироданинг ундовчи ва тормоз қилувчи функциялари яхлит бирлигидагина шахснинг мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишни таъминлайди.

Детерминизм ва «ирода эркинлиги» Философия ва психологияда идеализм киши иродасини алоҳида, ҳеч нарса билан белгиланмайдиган ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган (яъни *индетерминистик*), кишига у ёки бу ҳаракатни танлаш ва амалга ошириш имконини берадиган куч деб қарайди. Бунда бутун психик фаолият ҳеч нарса билан белгиланмайдиган, онгсиз равишда бўладиган энг дастлабки фаолликка бўйсунган бўлади. Америка психологи *У. Жемс* ҳаракатда ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган иродавий ҳукмга етакчи роль беради. Образли тарзда бу қуйидагича тасаввур қилинарди: киши ўз-ўзига «*Fiat!*» (лотинча «*Ҳа бўлақолсин!*» деган маънога эга бўлган сўзни билдиради) дейди ва гўё ана шу биринчи галги мистик туртки билан белгиланмаган ҳолда иш амалга оширилади.

Амалда кишининг ишлари ва ҳаракатлари объектив равишда белгилангандир. Иродавий ҳаракатни ўз ичига оладиган мотивлар ҳозир ва ўтмишда ўрин олган ташқи таъсирлар натижаси тариқасида, кишининг психик ривожланиши ҳаётида унинг ҳаёт ва фаолият ҳодисалари билан фаол муносабати натижасида таркиб топади ва юзага чиқади. Иродавий ҳаракатларнинг детерминизмлашганлиги факти (сабабий боғланганлиги) у ёки бу фаолият усули кишига зўрма-зўраки берилганини, у ўз қилмишлари учун жавобгар эмаслигини ва уларнинг пешонасига ёзилганлигини дадил қилиб кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлигини билдирмайди. «Детерминизм идеяси инсон хатти-ҳаракатларнинг зарурлигини таъкидлаб ўтиб, ирода эркинлиги тўғрисидаги бемаъни эртакни рад қилар экан, инсоннинг ақлини ҳам, виждонини ҳам, унинг ҳаракатларининг

қадр-қимматини ҳам заррача йўқ қилмайди. Тамоман аксинча, фақат детерминизм нуқтаи назаридан қарагандагина эркин ирода устига ҳамма нарсани ағдаравермасдан, жиддий ва тўғри баҳо бериш мумкин»¹.

Иродавий ишни киши унинг барча оқибатлари учун жавобгар шахс сифатида амалга оширади. Марксизм иродавий хулқ-атворни шахс фаоллигини ижтимоий муносабатлар системасига боғлиқ равишда, «ишнинг кўзини билиб қарор қабул қилиш қобилияти»ни мўлжаллайдиган юксак даражаси деб қарайди. Киши фаоллигининг ва айниқса унинг иродасининг намоён бўлиши шакли унинг ишлари — фаолиятининг социал ҳаётдан аҳамиятли натижаси сифатида намоён бўлади. Бу ишлар учун объектни ўзи масъул бўлади, гарчи олинган натижа унинг дастлабки мақсади доирасидан четга чиққан тақдирда ҳам. Субъект бошқача ёрдам бераркан, унинг проблемаларини ҳал қилишга кўмаклашаркан, мурувват кўрсатади. Бунда у ана шу бошқа бировнинг ҳаётида қандай роль ўйнаганини хаёлига келтира олмаслиги мумкин. Лекин ана шу бировнинг ижобий равишда ўзгариши учун айнан ўзи масъулдир. Бошқа бир кишига нисбатан ноўрин номаъқулчилик қилиб, унинг эҳтиёжларини қондиришни орқага суриб қўйиб, субъект ёвузлик қилади. Агар у бунинг оқибатларини кўра олиши мумкин ва зарур бўлган тақдирда булар учун жавобгар бўлган бўлур эди. Киши яхши ишларни амалга ошира бориб, ҳаётда, хулқ-атворда, бошқа одамларнинг онгида ўзгаришлар ясаб, яхшилик ёки ёмонлик сифатида намоён бўлади ва бу биланижобий ёки салбий хусусиятли шахс сифатида таърифланади.

Одамлар ўзларининг қилган ишлари учун масъулиятни кимга юклашга мойил бўлишига қараб сезиларли равишда фарқланадилар. *Кишининг ўз фаолияти натижалари учун масъулиятни ташқи кучларга ва шароитларга қайд қилиб қўйиш, ёки аксинча, уларни шахсий куч-ғайратларига ва қобилиятларига мойиллигини белгилайдиган сифатлар* назоратни локаллаштириш дейилади (психологик адабиётда «назорат локуси» деган термин қўлланилади, лотинчада lotus — ўрнашган жой ва французчада conrole — текшириш дейилади). Ўз хулқ-атвори ва ўз ишлари сабабларини ташқи омиллар (тақдир, ҳолатлар, тасодифлар ва бошқалар)дан деб билишга мойил бўладиган одамлар бор. Шунақа пайтда *назоратнинг ташқи (экстернал) локаллаштирилиши* тўғрисида гапирилади. Бу тоифага мансуб ўқувчилар олинган қониқарсиз баҳоларини истаган ваз-баҳона билан тушунтиришади («Топшириқ доскага нотўғри ёзилган экан», «Менга нотўғри айтиб беришди ва мени йўлдан адаштиришди», «Ўйимизга меҳмон келиб, дарс қилишимга ҳалақит беришди», «Бу қондани биз ўтганимиз йўқ» ва ҳоказо). Тадқиқотлар назоратнинг экстернал локалликка мойиллиги масъулиятсизлик, ўз имкониятларига ишонмаслик, хавфсираш, ўз ниятларини рўёбга чиқаришни яна ва яна кечиктиришга интилиш каби шахсий фазилатлар билан боғлиқ

эканлигини кўрсатди. Агар индивид, одатда, ўз қилмишлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олса ва унинг сабабларини ўз қобилияти, характери ва шу кабиларда деб билса, унда *контролнинг ички (интернал) локаллашуви* устун деб ҳисоблаш учун асос бор.

Назоратнинг ички локаллаштирилиши хос бўлган ўқувчи «икки» олганда бунини топшириқ ёхуд унга қизиқарли эмаслиги билан, ёхуд фаромушхотирлиги билан, ёхуд диққатини бўлиб қўйганликлари билан ва шу кабилар билан тушунтиради. Назоратнинг ички локаллаштирилиши хос бўлган одамлар мақсадга эришишда анча масъулиятли, изчил ўз-ўзини таҳлил қилишга мойил, киришимли ва мустақил бўлиши аниқланган. *Ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга эга бўлган иродавий ҳаракатнинг интернал ёки экстернал локаллаштирилиши шахснинг тарбия жараёнида шаклланадиган барқарор фазилатидир.*

Ирода ва таваккал

Кишининг таваккалчилик шароитидаги хатти-ҳаракати ироданинг характерли кўринишларидан бири сифатида намоён бўлади.

Таваккалчилик — бу субъект учун унинг чеки номаълум ва муваффақиятсизликка дуч келганда мумкин бўладиган ноқулай оқибатлар (жазолаш, оғриқ таъсирини ўтказиш, травма, обрўни йўқотиш ва шу каби) ҳақидаги тахминлар мавжудлиги шароитидаги фаолиятнинг характеристикасидир. Таваккалчилик пайтида кутилаётган нохушлик бундай ҳолатдаги муваффақиятсизлик эҳтимоли ва ноқулай оқибатлар даражасининг уйғунлаштирилиши билан белгиланади. Шундай савол туғилади: агар мағлубият эҳтимоли кўп бўлса, мағлубият учун эса жазо анча кучли бўлса, киши нимани деб таваккал қилади? Психология таваккал қилиш учун зарур шарт сифатида ироданинг қўшилишини назарда тутувчи таваккал қилиш хатти-ҳаракатнинг иккита ўзаро боғланган сабабини ажратиб кўрсатади.

Таваккалчиликнинг биринчи сабаби ва тегншли равишда таваккалчиликнинг биринчи тури бу ютуққа умид боғлаш, муваффақият қозонилганда кутилаётган катталикининг муваффақиятсизликлар оқибати даражасидан ортишидир (ситуатив таваккалчилик). Бу ўринда муваффақият мотивацияси муваффақиятсизликдан қутилиб қолиш мотивациясидан кучлироқдир. Агар кундалик хулқ-атвор ишлар учун қарама-қарши боғлаишлиги эътиборга олинадиган бўлса — муваффақиятсизликдан қутулиш мотивацияси муваффақият мотивациясидан каттароқ кучга эга бўлади, бунда шу нарса равшан бўладики, таваккалчилик — қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Лекин бундай хулқ-атвор, гарчи кишидан иродавий қарорни талаб қиладиган бўлса-да, унчалик ноёб нарса эмас. Отрядга бошчилик қилган ва кичик кучлар билан чап берадиган маневрлар ишлатган командир ўзининг охириги резервини йўқотиш ва бунда ўзи ҳам ўлиб кетиши мумкин бўлган таваккалчилик қилади, лекин стратегик жиҳатдан аҳамиятли баландликни эгаллаб, тўсатдан душманнинг орқа томони-

га чиқиб олишнинг муҳимлиги мазкур қарорни оқлайди. Офицернинг таваккалчилик вазиятидаги иродавий қарор қабул қилишига имкон берган мардлиги, ташаббускорлиги ва қатъийлиги жангда ютуқни ҳам, душман устидан ғалабани ҳам таъминлайди.

Оқланган ва *оқланмаган* таваккалчилик фарқ қилинади. Оқланган таваккалчилик якуннинг ҳар қандай ноаниқлиги ва муваффақиятсизлик келтириши мумкинлигига қарамай оқланмаган таваккалчиликдан фарқ қилиб, иродавий қарорга келадиган пайтда барча «ёқловчи» ва «қаршиларни», таваккалчилик хатти-ҳаракатини белгилловчи мотивларнинг гоёвий ва ахлоқий юксаклиги, оқилона равишда ўйлаб кўришни ва шундай қилиб, ҳаракатнинг хавфсиз вариантга нисбатан хавфли вариантини афзал кўришни назарда тутати. Бунда ҳаракат (иш)нинг якуни тасодифга (омад келади ё келмайди) боғлиқ бўладиган ёки, аксинча, муваффақият таваккал қилаётган кишининг шахсий сифатлари (унинг қобилиятлари, қатъийлиги, малакалари ва ҳоказолар) билан белгиланадиган вазиятлар бўлиши мумкин.

«Ўз-ўзидан бўлиб қолса-я!» эмас, балки ўз имкониятлари, малакалари ва кўникмаларини ақли расолик билан ҳисоб-китоб қилиш чоғида, яъни қандай бўлмасин (ҳар қандай эҳтимоллик бўлишига қарамай) шахс сифатида унинг ўзига боғлиқ деб ҳисобланган пайтда ҳам анча тез ва кўп нарсани таваккал қилади.

Хатти-ҳаракатнинг хавфли вариантини афзал биладиган хулқ-атвор ёки таваккалчиликнинг иккинчи тури учун иккинчи сабаб — *шахснинг вазият усти активлиги*, кишининг вазият талаблари устидан кўтарила билиш, дастлабки вазиятдан устун келадиган мақсадни қўйиш қобилияти тўғри келади. Таваккалчиликнинг иккинчи тури «вазият усти» ёки «холис ниятли» таваккалчилик деб, ёки бўлмаса «таваккалчиликни деб таваккалчилик» қилиш демакдир. Беғараз таваккалчиликнинг мавжуд бўлиш факти *рискометр* деган махсус асбобда синаб кўриш вақтида аниқланди.

Синалаётганлар олдига тез ва беҳато, мустақил равишда мўлжални излаш ва адашмасдан унга тўғри бориш вазифаси қўйилган эди. Бунда уларга мўлжални тилга олинган экспериментдаги бўшлиқнинг исталган чегарасида танлаш мумкинлиги хабар берилган эди, лекин айни чоғда унда хавфли зонанинг мавжудлиги, унга тасодифан тушиб қолиш жазога олиб борадиганлиги кўрсатилган эди. Айрим синалувчилар, гарчи ҳеч ким уларни бунга мажбур қилмаса ҳам, даъват қилгандай бўлиб кўринмаса ҳам хавфли зонанинг шундоққина ёнгинасида, истаган тасодифий муваффақиятсизликнинг ноқулай оқибатлари хавфи остида ишлашга интилишгани тушунарли. Бошқалари эса бундай вазиятда хавф-хатар зонасидан анча узоқлашган мўлжалларни танлаб, ўзларига бу хилдаги хавф-хатарни йўл қўймайдилар. Экспериментни кўп марта талаб такрорлаш ва ўзгартириш холис ниятли таваккалчиликка кўйилликнинг биринчи группасида ифодаланганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.

Сўнгги экспериментларда «таваккалчиликни деб таваккалчилик» қилишга лаёқатли одамлар бошқа касб эгаларидан кўра баландликда ишлайдиган

монтажчилар, мотоциклчи спортчилар, юқори вольтли линияларнинг монтерлари ва бошқаларда кўпроқ учраши аниқланди.

Шунингдек, вазиятга қараб, таваккалчилик қилаётганини кўрсатадиган кишилар «таваккалчиликка қараб» таваккалчилик қилишга мойил эканлиги экспериментал жиҳатдан кўрсатиб берилган. Аммо тадқиқотда ҳолис ниятли таваккалчиликни намойиш қилмаган синалувчилар, қонда тариқасида, кутилаётган ютуқ қўйилган муваффақиятсизликдан ортиқ бўлмаган вазиятда таваккалчилик қилмайди. Психологик экспериментда, яъни қисқа синов пайтидагина муваффақ бўлиш мумкин бўлган ҳолис ниятли таваккалчиликка мойиллик, шундай қилиб, одамларнинг ҳақиқий хавф остида иродавий ҳаракатларини олдиндан айтиб бериш имконини туғдиради. Рискметр ёрдамида ўт ўчириш командасида одамларнинг энг қулай жойлаштирилишига эришиш, таваккалчиликка бечўнақай кишиларни, бу ишга лаёқати йўқларни олов зонасида ишлаш учун эмас, балки хавфли зонадан ташқарида ёнгини ўчириш учун воситалар билан таъминлаш керак.

Кучли иродага фақат ҳолис ниятли таваккалчиликкина сазовордир, деб ҳисоблайдиганлар хато қиладилар. Агар ўт ўчириш ҳисобида «таваккалчилар» ва «таваккал қилмайдиганлар» ўрнини алмаштирилса, тажрибада кўрилганидек, таваккалга мойил ўт ўчирувчилар «таваккал қилмайдиган»ларига қараганда ёнгинга қарши воситалар билан таъминлаш вазифаларини ёмон бажардилар. Гарчанд хавфли вазият билан бевосита аралашув учун зарур бўлганларидан ва социал жиҳатдан кам баҳога эга бўлмаганларидан фарқ қилса ҳам, кундалик, баъзан эса мутассиб, қизиғи йўқ иш иродавий қизиқишни ва иродавий фазилатлар йиғиндисини (қонда ва кўрсатмаларни бажаришда қатъият, чидам, синчковлик кўрсатишни ва бошқаларни) талаб қилади.

IV. 15.2. Иродавий акт структураси

Ироданинг асосини, худди умуман субъектнинг фаоллиги каби, унинг хатти-ҳаракатлари ва ишларининг кўп тармоқли ва хилма-хил мотивлаштирилишига сабаб бўлувчи эҳтиёжлари ташкил этади.

Иродавий хатти-ҳаракат мотивацияси Психологияда мотивлаштириш деганда психологик ҳодисаларнинг ўзаро мустақкам боғланган, лекин бир-бирига тула мос келмайдиган нисбатан мустақил учта тури тушунилади. Бу, биринчидан, индивиднинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи сифатида намоён бўлувчи мотив сифатидаги мотивлаштиришдир. Бу ҳолда мотивлаштириш фаоллик ҳолати умуман нима учун пайдо бўлишини, субъектни фаолият кўрсатишга қандай эҳтиёжлар ундаётганини изоҳлаб беради.

Иккинчидан, мотивлаштириш фаоллик нимага қаратилганлигини, нима учун қандайдир бошқа хулқ-атвор эмас, балки худди шунақаси танланганлигини изоҳлаб беради. Бу ерда мотивлар хулқ-атвор йўналишини танлашни белгилай-

диган сабаблардир. Булар биргаликда киши *шахсининг йўналишини* ташкил этади.

Ниҳоят, учинчидан, мотивлаштириш киши ахлоқи ва фаолиятни ўзи бошқарадиган восита ҳисобланади. Бу воситаларга эмоциялар, истаклар, қизиқишлар ва бошқалар киради. Жумладан, эмоцияда у ёки бу ахлоқ актининг шахсий моҳияти баҳоланади ҳамда унинг пировард мақсади фаолиятга мос келмай қолган тақдирда эмоциялар унинг умумий йўналишини ўзгартириб юборади, ахлоқни қайта қуради, дастлабки ҳаракатни кучайтирувчи қўшимча истаклар уйғотади ва ҳоказо.

Иродавий актда (иродавий ҳаракатда) уни мотивлаштиришнинг барча учта томони — фаоллик манбаи, унинг йўналганлиги ва ўз-ўзини бошқариш воситалари намоиш қилингандир.

Иродавий актнинг бўғинлари

Шундай қилиб, эҳтиёжлар бир хил ҳаракатларнинг бажарилишини белгилайдиган ва **бошқаларининг** бажарилишига ҳалақит берадиган ҳар хил мотив (сабаб) ларга айланади. Иродавий ҳаракатларнинг сабаблари ҳаммаша озми-кўпми даражада англанилган характерда бўлади. «Кишини фаолиятга ундаган ҳамма нарса,— деб ёзган эди Ф. Энгельс,— унинг иродасига таъсир кўрсатган ҳолда бошидан ўтиши керак».

У ёки бу эҳтиёжнинг қанчалик англанилганига боғлиқ ҳолда интилиш ва истакни ҳам фарқ қилса бўлади.

Интилиш — ҳали дифференциялашмаган, *етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан* иборат фаолият мотивидир. Масалан, киши кимгадир интилишни бошдан кечираётиб, ўз интилишининг объектини кўрганда, у билан гаплашганда мамнун бўлади ва шу сабабли беихтиёр бу учрашувга интилади. Лекин баъзида ҳузур-ҳаловатга сабаб бўлган нарсани у англамайди. Интилиш сал-пал, ноаниқдир.

Истак — фаолиятнинг мотиви сифатида *эҳтиёжнинг етарли даражада тушуниб етилганлиги* билан характерланади. Бунда фақат эҳтиёж объекти эмас, балки уни қондиришнинг мумкин бўлган йўллари ҳам тушуниб етилади. Масалан, новатор ишчи меҳнат унумдорлигини анча ошириш истагини билдириб ва бу ҳақиқий ижтимоий эҳтиёж сифатида ташвиш тортиб, ўз станогини янада такомиллаштириш тўғрисида ўйлайди, ўз иш графигини яна қайта кўриб чиқади, ҳар бир ҳаракатини ҳисобга олади ва ҳоказо.

Фаолиятнинг бутун сабаблари кишининг яшаш шароитларини акс эттириш ва унинг эҳтиёжларини фаҳмлаш натижаси ҳисобланади. Ана шу сабаблар орасида ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида бир хиллари кўпроқ, бошқалари камроқ аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ўқувчи қизнинг кечаги сбор пайтида йўқолган белбоғини топишдек нисбатан иккинчи даражали эҳтиёжи анча зарур ишини — кечки овқатланишини қандайдир бир вақт мобайнида тўсиб туриши мумкин. Кишида турли эҳтиёжлар аҳамиятининг ўзгариши муносабати билан бир қатор ҳолларда

мотивлар кураши пайдо бўлади: бир истак бошқа истакка қарама-қарши қўйилади, у билан тўқнаштирилади. Даражасига кўра анча юксакроқ мотивлар, масалан, ижтимоий манфаатлар, анча қуйи мотивлари билан, масалан, ғаразли манфаатлар билан тўқнашуви мумкин. Бу мотивлар кураши баъзан оғир кечинмаларга олиб келяпти, баъзан беозор ҳолда, мотивларни шунчаки оддий муҳокама қилиш билан, ҳамма «тарafdор» ва «қарши» ларни оқилона танлаш билан ўтиб кетяпти. Жумладан, ўқувчи бугун кечқурун нима билан шуғулланишини ўйлаб (алгебрадан контрол ишга тайёргарлик кўриш ёки коньки учинг учун яхлатилган жойга бориш), иккиланиб туриши ва ўртоғига унинг ноинсофлик билан қилган иши илгаридан яқинлигига раҳна солишини айтишга журъат этиб, бурч ва дўстона кўнгил қўйганлик туйғулари ўртасидаги чинакам конфликтни кўриши мумкин. Бу курашда бурч ҳисси, оқилона дунёқараш, ватанпарварлик, нима учун бошқача эмас, айнан шундай йўл тутиш ижтимоий жиҳатдан зарурлигини тушуниш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Муҳокама ёки мотивлар кураши натижасида қарор қабул қилинади, яъни муайян мақсад ва унга эришиш усули танланади. Бу қарор дарҳол ҳаётга татбиқ этилиши ёки қарор натижаси ҳисобланмиш ҳаракатга айлантирилиши мумкин, бироқ кечиктирилиши ҳам мумкин. Сўнгги ҳолатда узоқ муддатдан кейин амалга ошадиган ният пайдо бўлади. Масалан, ёш йигитчада имтиҳонлар тамом бўлганидан кейин Тоғли Олтой бўйлаб туристик юришга жўнаш нияти пайдо бўлиши мумкин. Пайдо бўлган ният қарорни унинг ижросидан ажратадиган даврда фаолиятни маълум даражада ташкил этади. Бўлгуси сайёҳ саёҳатдан анча олдин мошқ (тренировка) қила бошлайди, поход трассаси ўтадиган жойнинг географиясини ўрганган, йўл анжомларини йиғади ва текшириб кўради. Баъзида нияти амалга ошмай қолиши, қабул қилинган қарор бузилиши, бошланган иш охирига етказилмай қолиши мумкин. Қабул қилинган қарорларнинг мунтазам равишда бажарилмаслиги кишининг иродаси кучсизлигини кўрсатади.

Иродавий хатти-ҳаракатнинг сўнгги жиҳати *ижродир*. Унда қарор ҳаракатга айланади. Ижрода, иродавий хатти-ҳаракатда ёки ишларда киши иродаси намоён бўлади. Кишининг иродаси ҳақида атиги биргина юксак ғоявий мотивларга ва қаҳрамонона қарор ва ниятларга қараб эмас, балки ишларга қараб ҳукм чиқариш керак. Ўз навбатида ишлар таҳлилига қараб, у таянган мотивлар тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Мотивларни билгандан кейин бундай ҳолларда киши ўзини қандай тутиши мумкинлиги ҳақида олдиндан айтиб бериш мумкин.

Иродавий зўр бериш

Иродавий актнинг энг муҳим бўғинлари — қарор қабул қилиш ва уни ижро этиш — кўпинча алоҳида хиссий ҳолатнинг *иродавий зўр бериш сифатида тавсифланадиган ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иродавий зўр бериш бу ҳиссий ҳаяжон шакли бўлиб,*

кишининг ҳаракатга қўшимча мотивларни вужудга келтирувчи, гоҳида йўқ бўлувчи ёки етарли бўлмовчи ички ресурсларини (хотираси, тафаккури, хаёли ва бошқаларни) сафарбар этувчи ва анча зўрайиш ҳолати каби бошдан кечириладиган сабаблардир.

Иродавий зўр бериш натижасида бир хил мотивларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиб, бошқаларининг ҳаракатини ҳаддан зиёд кучайтириш мумкин бўлади. Бурч ҳисси билан туғилган иродавий куч-ғайрат ташқи тўсиқларни бартараф этишга (оғир вазифани ҳал этишда, дала ишларида ёки ишлаб чиқаришда чарчоқни босишда ва ҳоказоларда) ва уларни психикада ички қийинчиликлар қабалида акс эттиришга (қизиқарли китобдан чалғиб кетишни истамаслик, режимни сақлаш тўғрисида ғам-хўрлик ва бошқалар) ҳаракат қилишга сафарбар этади. Иродавий куч-ғайрат ишлатиш натижасида денгасалик, қўрқув, чарчаш кабилар устидан қозонилган ғалаба анчагина ҳиссий завқ беради, ўз устингдан эришилган ғалаба каби бошдан кечирилади.

Ташқи тўсиқ энгиб ўтиш лозим бўлган ички қийинчилик, ички қаршилик каби бошдан кечириладиган бўлса у иродавий зўр беришни талаб қилади.

Оддий мисол келтирамиз. Агар полда бир метр жойни ўлчаб, бу тўсиқдан хатлаб ўтишга ҳаракат қилинса, бу топшириқ ҳеч қандай қийинчилик келтириб чиқармайди, ҳеч қандай иродавий куч-ғайрат талаб қилинмайди. Лекин альпинистик кўтарилги шароитларида ана шундай кенгликдаги муз ёруғи энди жиддий тўсиқ сифатида намоён бўлади ва куч-ғайрат ишлатмай бартараф этилмайди. Иккала ҳолатда ҳам, афтидан, ўхшаш ҳаракат — фақат кенг қадам ташлаш керак эди. Қийинчилик шундаки, тоғда бу қадам олдидан мотивлар кураши бўлиши керак — ўзини-ўзи сақлаш туйғуси ўртоғига ёрдам кўрсатиш билан, ўзига олган мажбуриятни бажариш истаги билан кураш олиб боради. Биринчиси ғолиб келса — киши қўрқинч билан ёриқдан четлашшига уринади, иккинчиси ғолиб келса, тўсиқ энгиб ўтилади, гарчанд бунинг учун анчагина иродавий зўр бериш керак бўлса ҳам.

Иродавий куч-ғайрат одамларнинг барча қаҳрамонлик ишларига зарур қисм бўлиб киради. Иродавий куч-ғайрат сарфлаш одати матонатли феъл-атворни шакллантиришнинг мажбурий шarti бўлиб бормоқда. Улуғ Ватан уруши тарихи қаҳрамонларимизнинг сон-саноксиз мардона жасоратларга бой, уларнинг ҳар бири иродавий хатти-ҳаракат намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

IV. 5.3. Кишининг иродавий фазилатлари ва уларни шакллантириши

Ироданинг индивидуал хусусиятлари

Ирода фаолиятнинг ички қийинчиликларини энгишга қаратилган онгли тузилма ва ўз-ўзини бошқариш сифатида энг аввало ўзига, ўз ҳиссиётларига, хатти-ҳаракатларига ҳукмронлик қилишдир. Бу ҳукмронлик ҳар хил одамларда ҳар хил даражада ифодалани-

ши ҳаммага маълумдир. Оддий онг ўзининг намоён бўлиши тезлигига қараб фарқланадиган, бир қутбда ироданинг кучи, бошқа бирида эса кучсизлигини ифодалайдиган ироданинг индивидуал хусусиятларининг спектрини қайд қилади. Кучли иродага эга бўлган киши қўйилган мақсадларга эришиш йўлида учрайдиган истаган қийинчиликларни бартараф эта олади, айни чоғда қатъийлик, мардлик, жасурлик, чидамлилик каби иродавий фазилатларни намоён қилади. Иродаси суст кишилар қийинчиликлар олдида ожизлик қиладилар, қатъиятлик, сабот-матонат кўрсатмайдилар, хулқ-атвор ва фаолиятнинг анча юксак, маънавий жиҳатдан оқланган мотивлари учун ўзларини тута билмайдилар, бир дақиқалик майлни йўқота олмайдилар.

Иродаси сустликнинг намоён бўлиш доираси худди кучли ироданинг характерли сифатлари каби ранг-барангдир. Иродаси сустликнинг энг чекка даражаси психика нормаси чегарасидан ташқарида бўлади. *Абулия* ва *апраксия*, масалан, шунга киради.

Абулия — бу мия патологияси заминида юзага келадиган фаолиятга интилишнинг йўқлиги, ҳаракат қилиш ёки уни бажариш учун қарор қабул қилиш зарурлигини тушунган ҳолда шундай қилолмасликдир.

Врачнинг айтганини бажариш зарурлигини аниқ фаҳмлаган абулияга мубтало бўлган бемор бунинг учун бирон нарсани қилишга ўзини мажбур қила олмайди. Табиий хулқ-атвор унинг учун энг характерлидир.

Апраксия — мия тузилишининг шикастланиши натижасида келиб чиқадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигининг мураккаб бузилишидир. Агар нерв тўқималарининг бузилиши миянинг пешана қисмларида тўхтаб қолса, хатти-ҳаракатларни эркин тўғрилашни бузилишида намоён бўладиган апраксия бошланади. Бу ҳаракатлар берилган программа ва, бинобарин, иродавий актининг бажарилишини қийинлаштириб қўяди.

Абулия ва *апраксия* — психикаси оғир касалланган одамларга хос, нисбатан камёб ҳодисалардир. Педагог кундалик ишда дуч келадиган ироданинг сустлиги, одатда, мия патологияси билан эмас, балки нотўғри тарбия билан белгиланади, шу сабабли болалар ва ўсмирлар шахсини мақсадга мувофиқ шакллантириш натижасида тўла бартараф этилиши мумкин. *Ялқовлик* — кишининг қийинчиликларни энгишдан бош тортишга интилиши, иродавий куч-ғайрат кўрсатишни қатъий равишда истамаслиги ирода сустлигининг энг типик кўринишидир. Шуниси диққатга лойиқки, бошқа барча ҳолларда қандайдир камчиликларни тан олишга унчалик мойил бўлсалар ҳам, бу деффектни жуда осон тан оладилар. «Иш ёқмасман бу тўғри», — ёш йигитча ўртоғи билан суҳбатда ўзининг заифлигига мулойим такаббурлик билан иқрор бўлади. Афтидан, бунинг орқасида фақат ялқовлик сабабли кўринмай қоладиган шахсий қиммати тўғрисидаги номаълум тасаввур яшириниб ётгани тан

олинади. Бундай ёритилганда ялқовлик шунчаки камчилик эмас, балки кишининг ҳеч кимга маълум бўлмаган фазилатларини яширган парда сифатида намоён бўлади.

Ҳақиқатда эса бу хомхаёлдир. Ялқовлик — киши ожизлиги ва сустлигининг, унинг ҳаётга лаёқатсизлигининг, умумий ишга бефарқлигининг далилидир. Ялқов киши одатда назоратнинг ташқи томонларига эътибор бермайди ва шу сабабли бепарводир. Ялқовлик — кишининг қиёфасидир, шунинг учун ҳам уни бутун чоралар билан йўқотиш зарур. Ялқовлик, шунингдек, ожизликнинг бошқа кўринишлари — қўрқоқлик, журъатсизлик, ўзини тута билмаслик ва бошқалар шахснинг ривожланишидаги жиддий камчиликлардир, уларни бартараф этиш жиддий тарбиявий ишни ва аввало ўз-ўзини тарбиялашни ташкил этишни талаб қилади.

Ироданинг ижобий фазилатлари, унинг кучининг намойиш қилиниши фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди, киши шахсини энг яхши томондан кўрсатади. Бу каби иродавий фазилатларнинг рўйхати жуда катта: қаҳрамонлик, саботлилик, қатъийлик, мустақиллик, ўзини тута билиш ва кўпгина бошқалар. *Хусусан қатъиятчилик* — ироданинг индивидуал фазилати бўлиб, мустақил равишда масъулиятли қарор қабул қилиш ҳамда уни фаолиятда сўзсиз амалга ошириш қобилияти ва малакаси билан боғлиқдир. Қатъий одамда бошланган мотивлар кураши тезда қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш билан тугалланади. Қатъийликнинг кўриниши — бу ҳамшиша бир лаҳзалик эмас, лекин ҳамшиша ўз вақтида бўладиган, ишнинг кўзини билиб, ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қилинадиган қарордир. Шошқалоқлик билан қабул қилинган қарорлар кўпинча қатъийлик ҳақида эмас, балки кишини ички диққат-эътиборни ва мотивларни муҳокама қилиш истагидан далолат беради, яъни ироданинг кучи тўғрисида эмас, балки кучсизлигини кўрсатади. Бошқа томондан, қарор қабул қилиш ёки қарорни доим орқага қўйиш, бу ишни «узоқ яшикка солиб» бекитиб қўйиш, ўз навбатида ироданинг ривожланмаганлигидан далолат беради. Ироданинг мустақиллиги бошқа кишиларнинг фикрларини, уларнинг маслаҳатларини ҳисобга олишда ушбу фикрлар ва маслаҳатларга нисбатан маълум танқидийликни назарда тутаяди. Қатъийлик каби мустақиллик асосан, иродавий ҳаракатни назорат қилишнинг ички тўхтаб қолишини аниқлайди. Ироданинг мустақиллиги, бир томондан, ўжарликка, иккинчи томондан эса танбеҳ беришга қарама-қарши қўйилган бўлиши мумкин. Танбеҳ берилаётган субъект ўз фикрига эга бўлмайди ва бошқа кишилар томонидан ҳолатлар ва таъйиқлар таъсирига тушиб қолади, конформлик кўрсатади. Ақли расолик кўринишларига ва товарак-атрофдагиларнинг далил-исботларига тескари чиқишга ундайдиган ўжарлик ҳам қатъиятсизлик оқибати ҳисобланади. Ўжар одамнинг қатъийлиги баъманилик характериға эга бўлиб, фаолиятни ва ахлоқни онгли ташкил этиш ва ўз-ўзини бошқариш бўла олмайди. Шахслараро му-

носабат шароитида ирода мустақиллиги шахсининг, коллективнинг ўзини ўзи белгилаш тўлароқ ирода этиладиган фазилати сифатида намоён бўлади.

Иродавий фазилатни баҳолаш атиги биргина «кучли-кучсиз» ўлчови билан ифодаланмаслиги керак. *Ироданинг ахлоқий тарбияланганлиги*, агар ҳал қилувчи бўлмаса ҳам, муҳим аҳамиятга эгадир. Иродавий кўринишлар характеристикаси, уларнинг маънавий баҳоси иродавий акт амалга оширилишининг асосига қўйилган мотивларнинг социал аҳамиятига боғлиқдир. Маънавий жиҳатдан тарбияланган иродали киши энг аввало ўзининг индивидуал интилишларини иродага ва коллектив обрў-этиборига, социалистик жамият манфаатларига бўйсундирадиган жамоачидир.

Иродани тарбиялаш ва унинг ўзини-ўзи тарбиялаши

Ўқувчилар, ўспиринлар ва ёшлар билан иш олиб боровчи педагог уларга иродавий фазилатларнинг, кучли ирода мавжудлигининг, иродасизлик хавфининг аҳамиятини исботлаб ўтиришга ҳожат қолмайди. Улар учун бу аксиома бўлиб қолган. Революция, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари тўғрисида, илғор кишиларнинг меҳнат қаҳрамонликлари тўғрисида ҳикоя қилувчи кинофильмлар ва китобларда жасурлик, саботлилик, мардлик, қатъийликнинг аниқ намуналари берилгандир. Лекин бадий адабиётда ва айниқса кинофильмларда жараённинг ўзидан кўра кўпроқ ироданинг шакллантириш натижаси кўпроқ акс эттирилган. Педагогнинг вазифаси — фақат иродавий фазилатлар доирасини кўрсатиб беришдан, уларнинг муҳим ахлоқий принциплари билан ички алоқасини очиб беришдан ташқари ўз иродасини ўзи тарбиялашга интилувчи ўқувчига ёрдам бериш, иродавий фазилатларни ривожлантиришнинг қандай усуллари кам самарадор ва қайси бирлари жиддий ёрдам бермаслигини кўрсатишдан иборатдир. Агар педагогик адабиётда таъриф-тасвирланган иродани ўзлари тарбиялаш билан шуғулланаётган ёшлар қўллаётган содда ва ясама усулларга эътибор берадиган бўлсак, яна ҳам муҳимдир. Ўқувчилардан бири «сабр-тоқатини ривожлантириш» учун кинокомедия кўрсатилаётганда кулмасликка ҳаракат қилди, кимдир қўлини пичоқ билан кесди ёки карниз бўйлаб саёҳат қилди ва ҳоказо. Иродани мустақил тарбиялашнинг ана шу усуллари самарасизлиги энг аввало шундаки, ўспирин бир лаҳзалик «иродавий хатти-ҳаракат» ни амалга ошириб, ўзининг иродаси кучли эканлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлаб олади. Аслида эса иродани мустақил тарбиялашдек асосий проблемани кундалик ҳаётда, ўқишда ва биринчи навбатда учрайдиган қийинчиликларни мунтазам равишда бартараф этиш ташкил этади. Бунинг устига меҳнат, ўқиш, спорт фаолиятининг ҳар бир дақиқаси иродани чиниқтириш учун ўқув, меҳнат ва бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳалақит берадиган бир минутлик истакларни бартараф этиш учун шароит яратади.

Иродани мустақил тарбиялаш усуллари жуда ҳам ҳар хил

булиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси қуйидаги шартларга амал қилишни ўз ичига олади.

1. *Иродани тарбиялашни нисбатан арзimas қийинчиликларни бартараф этишни* одат қилишдан бошлаш керак. Олдинига унчалик катта бўлмаган қийинчиликни, вақт ўтиши билан эса анча катта қийинчиликларни мунтазам равишда енга бориб, киши ўзининг иродасини машқ қилдиради ва чиниқтиради. Ҳар бир қаршилиқни «бўйсундирилмаган қалъа» сифатида баҳолаш лозим ва уни, бу «қалъани олиш» учун барча имкониётни ишга солиш керак. Букилмас иродали кишилар ўзларини кундалик ҳаётда доимо иродавий хатти-ҳаракатлар қилишга ўргатиб келдилар ва шунинг учун ҳам жанговор ва меҳнат фаолиятида ажойиб ютуқлар қиладиган ҳолатда бўлдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Зоя Космодемьянская, Олег Кошевой, Сергей Тюленин, Ульяна Громова ва кўпгина бошқалар урушгача оддий ўқувчи бўлганлигини ва уларнинг иродавий фазилатлари мактаб, меҳнат ва ижтимоий фаолият шароитида таркиб топганлигини ўсмирларга эслатиб ўтиш лозим.

2. Қийинчиликларни ва тўсиқларни бартараф этиш *маълум мақсадларга эришиш* учун амалга оширилади. Мақсад қанчалик аҳамиятли бўлса, иродавий мотивлар даражаси қанчалик юқори бўлса, киши шунчалик катта қийинчиликларни бартараф этишга қодирдир. Муҳими, киши кундалик ишлари орасида узоқ келажакни ҳеч қачон унутмаслиги, фаолиятнинг сўнгги мақсадларини ҳеч вақт эсдан чиқармаслиги керак. Шунинг учун ҳам иродани тарбиялашнинг зарур шarti фаолиятнинг олий мотивларини — илмий дунёқарашга асосланган ахлоқий принципларини ва эътиқодларини шакллантиришдир. Шу муносабат билан ижтимоий эҳтиёжларни, онглиликни ва бурч ҳиссини тарбиялаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

3. *Қабул қилинган қарор ба ж а р и л и ш и к е р а к.* Ҳар гал, қачонки, қарор қабул қилиниб, унинг бажарилиши яна ва яна кечиктирилалверса, кишининг иродаси издан чиқади. Қабул қилинган қарорларнинг мунтазам равишда бажарилмаслиги киши иродасини интизомсиз қилиб қўяди. Аммо қарор қабул қилаётиб, унинг ҳам мақсадга мувофиқлигини, ҳам бажарилишини ҳисоб-китобга олишимиз керак. Шундай қилиб, ҳар қандай қарор обдон ўйлаб қабул қилиниши, аммо, қарор қабул қилингач, бажарилиши керак.

4. Агар киши узоққа мўлжалланган мақсадни олдига қўйган тақдирда узоқ истиқболни назарда тутиши, бу мақсадга эришиш босқичларини кўриши, яқин келажакка мўлжалланган истиқболни кўра олиши жуда муҳимдир. Пировардида пировард мақсадга эришиш учун шaroитлар яратилади.

Кишининг кундалик режимга бутун ҳаётининг тўғри тартибда олиб борилишига қатъий амал қилиниши, киши иродасининг шаклланиши учун энг муҳим шартлар қаторига киради. Иродаси бўш одамлар устидан олиб борилган кузатишлар шу-

ни кўрсатадики, одатда, улар на ўз ишларини, на дам олишни ташкил қила олмайдилар. Гоҳ бирининг, гоҳ иккинчисининг кетидан қувиб, улар ҳеч нарсани охиригача етказмайдилар. Иродали киши — ўз вақтининг хўжайини. Ўз фаолиятини оқилонга ташкил қилар экан, у белгиланган нарсани шошилмасдан бажаради, унинг хулқ-атвори йиғноқлиги ва мақсадга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ўз иродасини чиниқтириш учун ишда ва турмушда тарқоқлик ва пала-партишликка қарши кун сайин кураш олиб бориш керак.

Спорт билан мунтазам равишда шуғулланиш киши иродасини чиниқтиришнинг муҳим шартларидан биридир. Жисмоний тарбия билан шуғулланишда қийинчиликларни бартараф этиш кишининг фақат мушакларини эмас, балки унинг иродасини чинакам машқ қилдириш ҳисобланади.

Иродани тарбиялаш тўғрисида гапириларкан, фаолиятнинг муваффақиятли бажарилиши фақат у ёки бу иродавий фазилатлар шаклланишига эмас, балки белгиланадиган нарсанинг реал бажарилиш шarti сифатидаги тегишли кўникмаларнинг борлигига, қўйилган мақсадларга эришилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Фақат бирон-бир нарсани самимий исташ, масалан, оталиқдаги колхозга ем-хашак тайёрлашда отлиқ ёрдами кўрсатиш етарли эмас, балки бу ишни уддалаш ҳам керакдир. Шундай қилиб, фойдали кўникмаларни ва биринчи навбатда меҳнат кўникмаларини шакллантириш қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришишнинг муҳим шартларидан бири сифатида намоён бўлади.

Пировардида, шуни айтиш керакки, асосий иродавий фазилатларнинг ривожланиши кишининг бошқа одамлар билан доимий мулоқоти жараёнида, у билан биргаликда ишлаши давомида юз беради. Жамиятдан ташқарида, коллективдан ташқарида кишининг иродаси нормал ривожлана олмайди.

Ҳар бир ўқувчида иродани ривожлантириш ва уни мустақил равишда тарбиялаш учун барча имкониятлар мавжуд. Иродани онгли равишда тарбиялаш жараёни қанчалик тез бошланса, шунчалик кўп муваффақиятларга эришиш мумкин.

Адабиётлар

- Выготский Л. Г. Проблема воли и ее развитие в детском возрасте.— Собр. соч., 2-том. М., Педагогика, 1982, 454—465-бетлар.
- Веденов А. В. Воспитание воли в процессе учебной деятельности. М., РСФСР, ПФА нашриёти, 1957.
- Гуревич К. М. Воспитание воли в процессе производственного обучения. М., Высшая школа, 1966.
- Муздибаев К. Психология ответственности. Л., Наука, 1983.
- Хрестоматия по психологии. М., Просвещение, 1977, 311—375-бетлар.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

16-Б О Б

ТЕМПЕРАМЕНТ

V. 16.1. Темперамент ҳақида умумий тушунча

Темперамент-нинг таърифи

Одамлар ўртасидаги индивидуал-психологик тафовутларда психиканинг *динамик* деб аталмиш хусусиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало психик жараёнлар ва ҳолатлар интенсивлиги даражаси, шунингдек, уларнинг у ёки бу тезликда кечиши назарда тутилади. Маълумки, одамлар хулқ-атвор ва фаолият мотивлари нисбатан тенг бўлганда, бир хил ташқи таъсир этганда, бир-бирдан таъсирчанлигига ва кўрсатаётган энергиясига кўра сезиларли даражада фарқ қиладилар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилишни ёқтиради, бир хил одамларга ҳиссиётларнинг тез уйғониши хос бўлса, бошқасига эса совуққонлик хосдир, бошқа бировни кескин имо-ишоралар, маъноли мимика, бошқасини ҳаракатларда оғир-босиқлик, юзининг жуда ҳам кам ҳаракат қилиши ажратиб туради. Ҳаракатланиш хусусиятларига қараб фарқланишлар ҳар қандай тенг шароитларда индивиднинг умумий фаоллиги, унинг ҳаракатчанлиги ва унинг эмоционаллигига биноан юз беради.

Кишининг ҳаракатлардаги ўзгариши табиий равишда кўпинча тарбияланган установакалар (курсамаълумлар) ва одатларга, вазиятнинг талабига ва шу қабиларга боғлиқ бўлади. Аммо сўз юритилаётган индивидуал фарқлар ўзларининг туғма асосига эга бўлиши шубҳасиздир. Бу шу нарса билан тасдиқланадики, бундай фарқлар болалигидаёқ маълум бўла бошлайди, хулқ-атворнинг ва фаолиятнинг турли соҳаларида кўринади ва алоҳида барқарорлиги билан ажралиб туради.

Индивидга хос динамик фазилатлар ўзаро ички боғланишга эга бўлиб, ўзига хос тузилишни ташкил этади. *Психиканинг индивидуал жиҳатдан ўзига хос, табиий жиҳатдан шартлашган динамик кўринишлари мажмуи кишининг темпераменти деб аталади.*

Темперамент туғрисидаги тасаввурлар тарихи

«Темперамент» термини антик фаннинг индивидуал-психологик фарқлари табиатига бўлган қарашларига бориб тақалади. Қадимги юнон медицинаси унинг йирик вакили *Гиппократ* (эра-миздан олдинги V аср) сиймосида организмнинг ҳолати асосан

«шарбат»ларнинг, яъни, организмда мавжуд суюқликларнинг (қон, лимфа, ўт) миқдорий нисбатига боғлиқдир, деб ҳисоблади. Бу шарбатларнинг аралаштирилгандаги нисбати грекчасига «красис» («гўзал» маъносида) сўзи билан аталган. Бир неча аср кейинроқ ишлаган римлик врачлар бу тушунчани лотинча *temperamentum* сўзи билан атаганлар, бу «қисмларнинг тегишли нисбати» деган маънони билдиради. Бундан «темперамент» деган термин келиб чиққан. Аста-секин антик фанда одамларнинг руҳий хусусияти красисга ёки темпераментга, яъни организмда асосий «шарбат»лар аралашиб кетган нисбатга боғлиқ деган фикр қарор топди. Эрамаздан илгари II асрда яшаган римлик анатом ва врач *Гален* биринчи бўлиб темпераментларнинг кенгайтирилган таснифини берди: у 13 та турни ўз ичига қамраб олади. Темперамент турлари сони қадимги медицина вакиллари томонидан кейинчалик тўрттага қадар камайтирилди. Уларнинг ҳар бири қандайдир суюқликнинг бошқалардан кўплиги билан ажралиб туради.

Организмда суюқликларнинг аралашуви (у қоннинг кўплиги билан характерланади) *сангвиник* темперамент деб аталди (лотин тилидаги «сангвис» — қон сўзидан); лимфа кўп бўлганда *флегматик* темперамент (грекча «флегма» — шилимшиқ парда дегани); сариқ ўтнинг кўпайганини холерик темперамент (грек тилидаги «холэ» — ўт сўзидан) ва, ниҳоят, қора ўт кўп бўлган *меланхолик* темперамент деб (грекча «мелойна холэ» — қора ўт) аталади.

Антик фан яратган темпераментнинг органик асоси тўғрисидаги таълимот ҳозир фақат тарихий жиҳатдан қизиқиш уйғотади, холос. Лекин психиканинг динамик намоён бўлишидаги индивидуал тузилишларнинг ранг-баранглигида типик вариантларни аниқлаш мумкинлиги ҳақидаги фикр тўла тасдиқланди. Фанда «темперамент» термини муқим ўрин олди ва ҳозирги кунга қадар кишиларни темпераментига мувофиқ тўрт гурппага ажратиш ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Антик фан давридан бери ўтган кўплаб юз йилликлар мобайнида психиканинг динамик кўрунишлари бўйича фарқларнинг сабабларини аниқлашни мақсад қилиб қўйган турли хил янги гипотезалар илгари сурилди. Қадимги врачларнинг таълимоти кўрсатган таъсир тўғрисида организмнинг *гумораль* (лотинча *humor*, нам, шарбат сўзидан) системасига бундан кейин ҳам қандай аҳамият берилгани тўғрисида ҳукм чиқариш мумкин. Жумладан, немис файласуфи *И. Кант* (XVIII аср охири) қоннинг индивидуал хусусиятлари темпераментнинг табиий асоси ҳисобланади, деган эди. Рус педагоги, анатоми ва врач *П. Ф. Лесгафт*нинг ғояси ҳам шу нуқтаи назарга яқин эди. Бу олим темпераментнинг асосида қон айланиши (жумладан, қон томирлари кенглиги ва таранглиги, уларнинг бўш жойи диаметри, юракнинг шакли ва ҳоказолар) хусусияти ётади деб ёзган эди (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида). Бу фикр-

га биноан организмнинг қўзғалувчанлиги индивидуал характеристикаси ва турли хил омилларга жавоб реакцияларнинг давомийлиги қон айланиши тезлигига ва кучига боғлиқ бўлади. Немис психиатри Э. Кречмер (асримизнинг 20-йилларидан бошлаб) индивиднинг психик тузилиши тана тузилишига, тананинг умумий конструкциясига тўғри келади, деган тасавурларни асослади. Тананинг тузилиш типни ва айрим психик хусусиятлар ўртасидаги алоқани Э. Кречмер бўйича, тананинг тузилиши типни ҳам, психик хусусиятлар ҳам қоннинг кимёвий таркиби ва ички секреция безлари ажатиб чиқарадиган гармонлар билан тушунтириш керак. Америкалик олим У. Шелдон (асримизнинг 40-йиллари) ҳам индивидуал-психологик хусусиятлар билан гармонал система билан бошқариладиган тана хусусиятларини (организмнинг ҳар хил тўқималари нисбати) тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўйди.

Бундай тасавурларга ҳеч қандай асос йўқ, деб айтиш мумкин эмас, аммо улар ишнинг энг асосийсини эмас, балки фақат битта томонини кўрсатади, холос. Барча психик кўринишларнинг бевосита асосини бош миянинг, психика органларининг хусусиятлари ташкил қилишини тўла ҳисобга олиш зарур. Суюқликлар ёки шарбатларнинг, организмнинг аҳамияти тўғрисидаги бошланғич гоё гарчи гуморал омилларнинг роли ҳақидаги кейинги тасавурлар билан бир-бирига яқинлашса ҳам темпераментнинг табиий асосини янги тадқиқ қилиш учун бошқаси *хулқ-атвор динамикасига таъсир этадиган барча ички шароитлар* (худди ташқи шароитлар каби) *албатта мия орқали таъсир қилишини тан олиш муҳимдир.* Ҳозирги замон фани темпераментга оид индивидуал фарқларнинг сабабларини айнан миянинг, унинг қобиғи ва пўстлоқ ости функционал хусусиятларида, олий нерв фаолияти хусусиятларида деб билади.

Темпераментларнинг типлари

Кишининг темпераменти қанақалиги ҳақидаги тасавур одатда шу шахс учун характерли бўлган айрим психологик хусусиятлар асосида вужудга келади. Сезиларли психик активликка эга бўлган, атрофда бўлаётган воқеаларга тез муносабатини билдирувчи, таассуротларини ҳадеб ўзгартиришга интилувчи, муваффақиятсизликлар ва кўнгилсизликларни нисбатан енгил ўтказиб юбуровчи, жонли, ҳаракатчан, ифодали мимикаси ва ҳаракатлари бўлган киши *сангвиник* деб аталади. Юраги кенг, барқарор интилишларга ва кайфиятларга, доимий ва чуқур ҳис-туйғуларга, ҳаракатлари ва нутқи бир хил маромда бўлган, руҳий ҳолати ташқи томонда ифода этиладиган киши *флегматик* деб аталади. Жуда ғайратли, ишга жуда эҳтирос билан берилиш қобилиятига эга бўлган, тез ва шиддатли, қизғин эмоционал «портлаш» ва кайфиятнинг кескин ўзгаришларига мойил, илдам ҳаракатлар қиладиган киши *холерик* деб аталади. Таъсирчан, чуқур кечинмали, гап кўтара олмайдиган, аммо атрофдаги воқеаларга унчалик эътибор бермайдиган, ўзини тўхтата

оладиган ҳаракатлар қиладиган ва секин овоз чиқарадиган кишилар *меланхоликлар* деб аталади. Темпераментнинг ҳар бир типига психик хоссаларнинг ўз нисбати, аввало, ҳар хил даражадаги фаоллик ва эмоционаллик, шунингдек моториканинг у ёки бу хусусиятлари хосдир. Динамик кўринишларнинг муайян структураси темперамент типини белгилайди.

Барча одамларни тўртта тип бўйича тақсимлаш мумкин эмаслиги тушунарли. Темпераментларнинг турли-туманлиги тўғрисидаги масала фанда ҳали батафсил ҳал қилинган эмас. Аммо айтилган типларни асосий деб ҳисоблаш мумкин. Ҳаётда кўплаб одамлар учрайдикки, уларни бу типлардан униси ёки бунисига киритса бўлади.

Мана, масалан, ўспиринлик ёшидаги асосий темперамент типларининг характерли вакиллари, олтинчи синф ўқувчилари, 12—13 ёшда (дастлабки учтасининг тавсифи *В. С. Мерлин* ва *Б. А. Вяткин*нинг асарларидан олинган).

Сангвиник (*Серёжа Т.*). Жуда жонли, тиниб-тинчимас ўспирин. Синфда бир дақиқа ҳам жим ўтирмайди, ҳамisha афт-ангорини ўзгартиради, қўлида уни-буни айлантиради, қўзини узатади, қўшнисин билан гаплашади. Сакраб-сакраб тез юради, нутқининг суръати ҳам жуда тез. Жуда таъбирчан ва тез қизиқади. Кўрилган фильм, ўқиган китоб тўғрисида қизиқиш ва илҳом билан гапиради. Дарсларда ҳар бир янги факт ёки янги вазифага қизиқиш билан ёндашади. Шу билан бирга унинг қизиқишлари жуда ҳам турғун ва барқарор эмас: янги ишга қизиқиб киришса-да, унга нисбатан ихлоси дарров сўнади. Унинг юзлари жонли, ҳаракатчан, ифодалидир. Унинг юзларидан кайфияти қандайлигини, предметга ёки кишига нисбатан муносабатини осонгина сезиб оلسа бўлади. Унинг учун қизиқарли дарсларда зўр иш қобилиятга эга эканлигини кўрсатади. «Қизиқарли бўлмаган» дарсларда эса у ўқитувчинини деярли эшитмайди, қўшнилари билан гапиришади, эснаб ўтиради. Унинг ҳиссиётлари ва кайфиятлари жуда ҳам ўзгарувчандир. «Икки» олма йиғлаб юборишга ҳам тайёр, лекин ўзини зўр-базўр тўхтатиб туради. Аммо ярим соат ҳам ўтмайдики, у ёмон баҳо олганини мутлақо унутиб, коридорда қизгин ва хушчақчақ ҳолда елиб-югуради. Унинг тиниб-тинчимаслиги ва жонсараклигига қарамай, уни осонгина тартибга чақириб мумкин: тажрибали ўқитувчиларда у дарсларда яхши ўтиради ва ҳеч қачон синф ишига ҳалақат бермайди. Янги вазиятга ва янги талабга тезда кўникади. Мазкур мактабда у биринчи йил ўқияпти, шундай бўлса ҳам у янги ўқитувчиларга аллақачон кўникаб қолган, болалар билан тил топди, кўплари билан дўстлашди, синф активига қўшилди.

Холерик (*Саша П.*). Синфдошлари орасида ўзининг жўшқинлиги билан ажралиб туради. Ўқитувчининг ҳикоясига қизиқиб кетиб, осонгина кўзгалиш ҳолатига киради ва ўқитувчи ҳикоясини турли хил ҳаяжонланиш билан бўлиб туради. Ўқитувчининг истаган саволига ўйланмасдан жавоб қайтаришга тайёр ва шунинг учун кўпинча пойинтар-сойинтар жавоб беради. Аламиндан ва газаби кўзгаганидан осонгина жаҳли чиқади ва урушишга отланади. Ўқитувчининг тушунтиришларини жуда диққат билан, ҳеч нарсага қалбимасдан эшитади. Синф ва уй ишларини ҳам худди шундай диққат билан бажаради. Танаффус пайтларида ҳеч қачон жойида ўтирмайди, коридор бўйлаб югуриб юради ёки ким биландир олишгаётган бўлади. Каттик, тез гапиради. Тез, катта-катта қилиб ёзади, дастхати бир текис эмас. Юзи жуда ифодали. Ижтимоий топшириқларни бажаришда, шунингдек спорт машғулотларида қизиқиш ва қатъийлик кўрсатади. Унинг қизиқишлари анча донмий ва барқарор. Пайдо бўлаётган қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди, аксинча уларни зўр ҳафсала билан бартараф этади.

Меланхолик (*Коля М.*). Дарсларда хотиржам, ҳамisha битта ҳолатда ўтиради, қўлида бирон нарсани айлантираётган бўлади, кайфияти жуда ҳам

арзимас сабабларга кўра ўзгаради. У ўтакетган даражада ҳиссиётли. Уқитувчи уни бир партадан иккинчисига ўтказганда, у хафа бўлди, нима учун уни кўчирганлари сабабини узоқ мулоҳаза қилди ва ўша куни барча дарсларда кўнгли ғаш ва ғамгин ўтирди. Шу билан бирга унинг ҳис-туйғулари ҳам секин уйғонади. Циркдаги томошаларга кирганида у узоқ вақт индамай, юзлари ҳаракатсиз ўтиради, сўнг аста-секин «эрий бошлайди» — жилмаяди, кула бошлайди, қўшилари билан суҳбага аралашади. Тезда ўзини йўқотиб қўяди. Уқитувчи унга энг кичик танбеҳ берди дегунча, бола уялиб кетади, унинг овози бўғиқ ва секин бўлиб қолади. Туйғуларини ифода этишда жуда ҳам вазмин. «Икки» олса ҳам, юзи бирон даражада ўзгармасдан жойига бориб ўтиради, лекин уйда, ота-оналарининг сўзлари бўйича, узоқ вақт ўзини боса олмайди, ишга киришадиган ҳолатда эмас. Дарсда ишончсизлик билан, ҳатто дарсга астойдил тайёрланган бўлса ҳам, тутилиб-тутилиб жавоб беради. Ўз қобилиятлари ва билимлари ҳақиқатда ўртача даражадан бир неча баравар юқори бўлгани ҳолда уларни паст баҳолайди. Агар бирон-бир ўқув топширигини бажаришда қийинчиликларга дуч келса, у ўзини йўқотиб қўяди ва ишни охиригача етказмайди. Ҳаракатлари бўшашган, суст, секин, бироз чўзиброқ гапирлади.

Флегматик (Виктор М.). Уни шонилмаслиги ва хотиржамлигидан фарқ қилиш мумкин. У материални қанчалик яхши билишига қарамай, саволларга дарҳол, жонли қилиб жавоб бермайди. Унга чарчамаслик хос: қўшимча ақлий иш бажаришдан қочмайди ва қанча шуғулланишга тўғри келмасин, унинг чарчаганини кўра олмайсиз. У мантиқан кенг, узундан-узоқ фикрларга интилади: гўё узундан-узоқ гапнинг бошида бошланган фикр қачон ва қай тарафда тугашини билган ҳолда сўзларни бир маромда, тутилиб қолишдан қўрқмай баён қилади. Ташқаридан қараганда, у тўлқинланмайди ва синфда нима юз берса ҳам дарсда ҳеч нарсдан ҳайратланмайди. Қуйи синфларданок у математика ва физкультура билан шуғулланишни яхши кўради ва бу одатини ҳамон сақлаб қолган. У кўпчилик иштирокчилардан фарқли ўлароқ, бирор-бир қизиқиш ёки ҳаяжонланиш сезмаган ҳолда спорт мусобақаларида (гимнастика) иштирок этади. У на беҳоловат, на хурсанд бўлмайди, уни кайфияти бузуқ ҳолида ҳам кўриш мумкин эмас.

V. 16.2. Олий нерв фаолиятининг тип ва темперамент

И. П. Павловнинг нерв системаси турлари тўғрисидаги таълимоти ёки худди шунинг ўзи каби олий нерв фаолиятининг турлари (инсон ва олий сут эмизувчи ҳайвонлар учун умумий) темпераментларни табиий-илмий ўрганиш тарихида чинакамига кескин ўзгариш ясади. Бу таълимотни буюк физиолог илмий фаолиятининг яқунловчи босқичида (20—30- йиллар) ифода-лаб берган эди.

**Олий нерв
фаолиятининг
хусусиятлари**

И. П. Павловнинг лабораторияларида бош мия катта ярим шарлари қобиғининг иши умумий хусусиятлари (итларда тажриба ўтказилди) билан бирга нерв фаолиятида ҳайвоннинг индивидуаллиги билан боғлиқ бўлган нерв фаолиятидаги фарқлар кашф этилди ва ўрганилди. Ит ҳатти-ҳаракатининг ўзига хослиги (масалан, тийраклик ва сустлик, дадиллик ёки қўрқоқлик) асосий нерв жараёнларининг айрим хусусиятлари — ҳаяжонланиш ва тор-мозланишга қонуний равишда мос келганлиги кузатилди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ўрганилган индивидуал фарқлар асосида қуйидаги физиологик хусусиятлар: ҳаяжонланиш

ва тормозланиш кучи, уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни бир-бирини тезда алмаштириш қобилияти, ҳаяжонланиш билан тормозланиш ўртасидаги вазминлик ётиши аниқланди. Ушбу хусусиятларнинг у ёки бу тарздаги бирикуви олий нерв фаолиятининг турини ташкил этади.

Нерв жараёнларининг кучи типнинг энг кўп ҳаётий аҳамиятга эга бўлган жуда муҳим кўрсаткичдир. Қобиқ ҳужайраларининг иш қобилияти, уларнинг чидамлилиги кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучига боғлиқ бўлади. Маълумки, теваарак-атрофдаги олам нерв системасига кўплаб турли-туман таъсиротлар ёғдириб туради; баъзан узоқ вақт давомида оғир ишни бажариш талаб қилинади; ҳаётда анча нерв зўриқишини талаб қиладиган фавқулодда воқеалар, катта кучли кўзғатувчилар учраб туради; кўпинча бошқа, янада кўпроқ аҳамиятли кўзғатувчилар таъсири остида кўзғатувчилардан бирининг ҳаракатига таъсирини камайтириш, тўхтатиш зарурати пайдо бўлади. Нерв системаси қанчалик кучга бардош бериши мумкинлиги кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучига боғлиқ бўлади.

Бошқа бир кўрсаткич — бош мия қобиғидаги *нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги* ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Атрофдаги муҳит доимо ўзгариб туради ва бу ўзгаришлар кўпинча кескин ва кутилмаган бўлади. Нерв жараёнлари уларнинг орқасидан «улгуриши» керак. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир хил ҳайвонларда ҳаяжонланиш ва тормозланиш жараёнлари бир-бирининг ўрнини тезда алмаштиради, бошқаларида қарама-қарши жараёнлар нисбатан секин алмашинади.

Нерв системаси турининг навбатдаги кўрсаткичи — *кўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги вазминлик* ҳам жуда аҳамиятлидир. Кўзғатувчи куч билан тормозланиш жараёнининг кучи ҳамisha ҳам бир-бирига тўғри келармайди, айрим вақтларда тормозланиш жараёни кучи жиҳатидан кўзғалиш жараёнидан орқада қолади ва катта куч билан кўзғалиш тормозланиш билан тўла мувофиқлаша олмайди. Вазминлик даражаси турлича бўлади.

Олий нерв фаолиятининг типлари Олий нерв фаолиятининг индивидуал хусусиятлари, тадқиқотлар кўрсатганидек, қараб чиқилган бирон-бир хусусияти билан эмас, балки, доимо уларнинг мажмуи билан белгиланади. Нерв фаолиятининг типини ташкил этувчи учта хоссаси улардан ҳар бирининг у ёки бу даражада ифодаланганлиги) турли бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин. Кўп сонли лаборатория тажрибалари кўрсатадики, шундай бирикмалар орасида айримлари бошқаларига қараганда кўпроқ учрайди ёки бўлмаса анча аниқ-равшан, яққол кўринади. Натижада И. П. Павлов олий нерв фаолиятининг асосий турлари таснифини яратди.

Нерв жараёнларининг кучига боғлиқ ҳолда итлар *кучли* ва *кучсизларга* бўлинди.

Кучсиз жониворлар бир хил типни ташкил этади. Бу типнинг вакилларида иккала нерв жараёни (айниқса тормозланиш жараёни кўпинча ожиз бўлиб чиқади) ожиз ҳисобланади. Бундай итлар бесаранжом бўлишади, тўхтовсиз аланглайверади ёки, аксинча, доимо тўхтайверади, бамисоли қандайдир бир хил ҳолатда тураверади. Бу шу нарса билан изоҳланадиги, ташқи таъсирлар, ҳатто баъзан жуда арзимаган таъсирлар ҳам, уларга ортиқча таъсир кўрсатади. Узоқ давом этган ёки кучли қўзғатувчилар уларда нерв системасининг тез ишдан чиқшини келтириб чиқаради. Кучсиз турдаги ҳайвонлар бир-бирларидан бошқа хусусиятлари бўйича (нerv жараёнлари кучидан ташқари) ҳам фарқ қиладилар, аммо нерв системасининг умумий ожизлигида бу фарқлар жиддий аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун нерв системаси ожиз бўлган барча ҳайвонлар И. П. Павлов томонидан бир хил типга киритилган.

Кучли ҳайвонлар мувозанатли ва мувозанатсизларга ажралади. Кучли мувозанатсизлар алоҳида типни ташкил этади. Мувозанатсизлик кучли итлар ўртасида одатда бир шаклда кучли қўзғолиш жараёни билан нисбатан кучсиз тормозланиш шаклида учрайди. Қўзғолиш жараёни тормозланиш жараёни билан мувозанатлаштирилмаслиги сабабли бу ҳайвонларда фаолияти жуда зўриққанда кўпинча нерв фаолиятида бузилиш рўй беради. Кўп ҳолларда бу урушқоқ, агрессив, ҳаддан ташқари қўзғалувчан (И. П. Павловнинг ибораси билан айтганда, тўхтатиб бўлмайдиган) ҳайвонлардир.

Кучли мувозанатчилар, ўз навбатида, нерв жараёнларининг алмашинувиغا қараб, ҳаракатчанлигига кўра жонли ва босиқ типларга бўлинади. Ҳатти-ҳаракатининг ташқи хусусиятларига қарабоқ бу типларнинг вакиллари бир-биридан кескин фарқ қилади. Бир хиллари тез қўзғалувчан ва ҳаракатчан, бошқалари, аксинча, қийинчилик билан қўзғалади, суст бўлади.

Шундай қилиб, олий нерв фаолиятининг тўрт асосий типни ажратилгандир; 1) кучли мувозанатли ва тез (жонли), 2) кучли мувозанатли ва секин (осойишта), 3) кучли мувозанатсиз (беҳаловат) ва 4) кучсиз тип.

Нerv фаолиятининг типни — организмнинг табиий хусусиятидир. У наслий жиҳатдан боғлиқдир, лекин бирон-бир даражада ўзгармас ҳисобланмайди, у ривожланади ва маълум даражада атрофдаги шароитлар таъсири остида ўзгаради. Масалан, экспериментларда аниқландиги, қўзғолиш устун турган кучли типда машқ қилиш йўли билан қолақ тормозланиш жараёнини мустаҳкамлаш мумкин. Яна шу нарса маълумки, нерв жараёнлари хусусиятларининг ёшга қараб ўзгариши ҳам мавжуддир.

Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда аниқланган олий нерв фаолиятининг типлари одамларга ҳам татбиқ этилади. «Биз,— деб ёзган эди И. П. Павлов,— итда аниқланган нерв системаси типини... одамга ҳам татбиқ қилишга тўла ҳақлимиз».

Олий нерв фаолияти типи билан температура типлари ўртасидаги боғлиқлик

Кишиларнинг олий нерв фаолияти типларини характерловчи нерв жараёнлари кучи, мувозанати, ва ҳаракатчанлигининг ундай ёки бундай нисбатлари улар темпераментининг физиологик асосидир. Нерв фаолияти кучли мувозанатли чаққон типга сангвиник температура типга келади, кучли, вазмин, секин типга флегматик температура типга, мувозанатсиз типга холерик температура типга эса меланхолик температура типга келади.

Психиканинг динамик жиҳатидаги индивидуал фарқларнинг физиологик асосини олий нерв фаолияти типининг хусусиятлари ташкил этади, деб белгиланиши температура типининг табиий асослари қадимий проблемасининг бундан кейин ўрганилишини мустақкам илмий асосга қўйди.

Нерв системаси хусусиятларининг ҳозирги замон тадқиқотлари

Психологлардан *Б. М. Теплов, В. Д. Небилициннинг* асарларида кишининг олий нерв фаолияти типининг хусусиятлари туғрисидаги тасавурлар аниқланди ва бойитилди. Нерв системасининг янги хусусиятлари кашф этилди.

Улардан бири — *динамикликдир* (мия қобиғида муваққат алоқалар пайдо бўлишининг осонлиги, тезлиги бу хусусиятга боғлиқдир). Бошқаси *лабилликдир* (нерв жараёнининг пайдо бўлиши ва туғаш тезлиги бир жараённинг бошқаси билан алмаштирилиши тезлигини характерлайдиган *қўзғалувчанликдан фарқли* ўлароқ, ана шу хусусиятга боғлиқдир). Олий нерв фаолияти типининг хусусиятлари анча умумий психиканинг динамик жиҳатларида кенгроқ учрайдиган бўлиши ва анча тез-тез, ҳаракат доираси анча чекланган бўлиши мумкинлиги аниқланди. Температуранинг хусусияти сифатида психик фаоллик нерв системаси типининг алоҳида хусусияти *фаоллашганликка* бевосита боғлиқ эканлиги кўрсатилди (*Э. А. Голубева* маълумотлари).

Нерв системаси қатор хусусиятларининг ирсий боғланганлиги «эгизаклик методи» деб аталмиш методни қўлланиш натижасида аниқланди. Эгизакларда психофизиологик хусусиятларнинг ўхшашлиги ўз-ўзича бу хусусиятларнинг ирсий келиб чиқиши исботи бўла олмайди — ахир эгизаклар ўртасидаги ўхшашлик ривожланиш шартларининг бир хиллиги билан тушунтирилиши мумкин. Аммо эгизакларнинг икки типни мавжуддир: битта тухумлилар (мутлақо бир хил ирсият билан) ва ҳар хил тухумлилар (уларнинг ирсияти оддий ака ва сингилга ўхшаб фарқ қилади). Нисбатан муҳитнинг таъсирига боғлиқ бўлган белгиларга кўра эгизаклар ўртасида жуфтлар орасида ўхшашлик даражаси битта тухумлими ёки турли хилдаги тухумлими эканлигига боғлиқ бўлмаслиги тушунарли, айнан ирсий жиҳатдан боғлиқ бўлган белгилар бўйича эса ҳар хил тухумлиларга қараганда бир хил тухумли эгизакларда ўхшашлик кўпроқ бўлиши аён бўлаётир. Бир хил тухумли ва ҳар хил тухумли эгизакларда нерв системаси типининг (жуфтлар орасида) хусусиятлар ўхшашлигини махсус солиштириш ирсият-

нинг жиддий ролини исботлашга имкон берди (И. В. Равич-Шчербо маълумотлари).

Шунингдек, нерв системасининг хусусиятларидан ҳар бири темпераментнинг турли томонларига таъсир кўрсатиши аниқланди, фаолликнинг, эмоционалликнинг ва моториканинг динамик хусусиятларидан ҳар бири эса нерв системасининг шунчаки у ёки бу хусусиятига эмас, балки умуман нерв системасининг типига ҳам боғлиқдир. (В. С. Мерлин тадқиқоти.)

Киши темпераментининг бундай намоён бўлиши ўзида социал таъсирлар, ижтимоий норма ва талаблар таъсирини акс эттиради (бу ҳақда қуйроқда сўз юритилади.) Лекин ҳар бир кишида темпераментнинг ўз тип, унинг асосида ётган нерв системаси хусусиятлари эса жуда барқарор бўлади. Психиканинг динамик хислатларига кўра тафовутларнинг табиий боғлиқлиги билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

V. 16.3. Меҳнат ва ўқув фаолиятида темпераментнинг роли

Динамик хислатлар хулқ-атворнинг фақат ташқи услубида, фақат ҳаракатларда намоён бўлмайди — улар ақлий соҳада, истак-майл соҳасида, умумий иш қобилияти соҳасида ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Табиийки, темпераментнинг ўзига хос хусусияти ўқув машғулотларида ва меҳнатда сезилади.

Мухими, *темпераментлар бўйича фарқлар* — булар психиканинг имкониятлари даражаси бўйича эмас, балки унинг кўри-нишлари ўзига хослиги бўйича фарқларни билдиришини назарда тутиш керак. Ҳар бир темперамент ижобий ва салбий жиҳатларга эгадир. Нерв системаси типларининг айрим хусусиятлари ва уларга тегишли темперамент хусусиятларининг фаолияти учун аҳамиятини ўрганиш натижалари бу ҳақда конкрет тасаввурлар беради.

Фаолиятда кучли ва кучсиз типлар Махсус тадқиқотлар тасдиқладик, типнинг кучли ва кучсизлиги фақат қўзғолиш ва тормозланиш жараёнининг кучи етишмаслигини эмас, балки у билан боғлиқ юксак сезувчанликни, ташқи таъсирларга жавоб беришни (реактивликни) ифодалаш жуда намуналидир. Бу нерв системасининг кучсиз тип ўзининг алоҳида афзалликларига эга бўлишни билдиради. Мазкур типнинг кўри-нишлари ўзига хослиги тўғрисида, унинг имкониятлари ҳақида кўплаб экспериментал маълумотлар ва ҳаётий кузатишларга асосланиб фикр юритиш мумкин.

Масалан, шундай тажрибалар ўтказилди: ўқувчилар группасига (улар нерв системасининг кучи олдиндан аниқланди) бутун дарс мобайнида оддий арифметик мисолларни ечиш таклиф қилинди. Бу топшириқни бажариш жараёнида шундай тафовутлар намоён бўлди: кучсиз типдаги ўқувчилар кучли

типтаги ўқувчилардан фарқли ўлароқ, бошланғич босқичда кўплаб мисолларни ечдилар (теварак-атрофдагиларга нисбатан ўта ҳозиржавоблик, ташқи таъсирларга тез жавоб бериш ўз таъсирини кўрсатди), лекин улар тезроқ чарчаб қолишарди: кучли нерв системаси билан боғланган темперамент белгиларига эга бўлган ўқувчиларга ишга киришиб кетиш учун тараддудланиш талаб қилинди, аммо улар унумдорликни пасайтирмаган ҳолда топшириқни узоқроқ бажаришга муваффақ бўлдилар.

Битта тадқиқотда анча муваффақиятли ўқийдиган юқори синф ўқувчиларининг ўқув иши кузатиб борилди (уларда лаборатория тажрибаларида нерв системасининг кучи аниқланди). Маълум бўлишича, бу ўқувчилар орасида ҳам кучли, ҳам кучсиз нерв системаси типларининг вакиллари бор эди. Лекин уларда ўқув машғулотлари жараёни уларнинг темпераментига боғлиқ ҳолда турлича ўтганлиги аниқланди. Жумладан, агар ўқувчининг мустақил машғулотларида уч босқични — тайёрлов, ижро ва назорат босқичлари ажратиладиган бўлса, шу нарса аён бўладики, кучсизларни тайёргарлик ва назорат ҳаракатлари учун узоқ вақт ажратиб келган бир пайтда (жумладан, баёнлардаги тузатишлар ва қўшимчаларнинг кўпчилигини улар қўшимча вақт мобайнида, ўз-ўзини текшириш чоғида кириштиди), кучлилар тайёргарлик ва назорат ҳаракатларига оз вақт қолдирдилар (масалан, баёнлардаги тузатишлар ва қўшимчаларни улар кўпинча иш давомида қилганлар). Бошқа бир фарқ: кучсизлар аввалги ишни фақат тўла тугаллагандан кейингина янги ишга киришишга жазм қилган, узоқ муддатга олинган топшириқ учун эса кунга, ҳафтага мўлжалланган календарь планини ва ҳоказоларни олдиндан тузиб чиқишга ҳаракат қилишган, кучлилар қатор вазифа ва топшириқларни махсус планлаштиришсиз ва вақтга кўра тақсимлашсиз етарлича узоқ вақт бажаришлари мумкин бўлди. Ишнинг самарадорлиги бўйича, умумий ижрочилик бўйича у ёки бу даражадаги темпераментли ўқувчиларни афзал кўриши мумкин эмас эди.

Нерв системаси нисбатан кучсиз бўлган кишиларда ҳамиша бир хилдаги ишнинг айрим турларида муайян афзалликлар борлиги аниқланди: *уларнинг юқори сезgirлиги таъсирланувчанликнинг пасайишидан, бунақа пайтларда осон пайдо бўлиши мумкин бўлган уйқучиликнинг ривожланишидан сақлайди.* Лекин ишнинг айниқса кучли, кутилмаган ёки қўрқитадиган қўзғалувчилари билан ишлашга тўғри келадиган турларида кучсиз типдаги кишилар, айнан ўзларининг физиологик хусусиятларига кўра, ишни уддалай олмай қолишлари мумкин.

Спорт соҳасидаги психологик кузатишларнинг маълумотлари диққатга сазовардир. Ўқувчиларнинг дарслардаги тренировка шароитида ва сўнгра оммавий чиқишлари шароитида эришадиган ютуқларининг индивидуал фарқлари ўрганилди. Маълум бўлдики, нерв системаси кучли типга кирувчи ўқувчилар

масъулиятли мусобақалар даврида тренировкадагидан анча юқори натижалар кўрсатиши маълум бўлди, кучсиз типдаги болалар эса тренировка пайтида яхши натижалар кўрсатиб, мусобақалар вақтида эса уларнинг натижалари ёмонлашиб, ўзларининг стабиллигини йўқотиб қўядилар. Бу қўзғалиш бўйича, нерв чидамлилиги бўйича темпераментлар ўртасидаги фарқлар билан, юқори жавобгарлик, хавф-хатар туфайли пайдо бўладиган ҳолат билан изоҳланади.

Шундай қилиб, нерв системаси типи анча кучли бўлган кишилар бир хил, анча суст типдаги кишилар эса бошқа хил вазифаларни бирмунча осон ҳал қиладилар. Нерв системасининг кучи бўйича фарқланадиган кишилар бир хилдаги вазифани ҳал этишга кўпинча ҳар хил йўллار билан бо-риши керак.

Фаолиятда ҳаракатчан ва суст типлар Аслида ҳаракатчанликнинг бўш ифодалиги (қарама-қарши жараёнларнинг секин алмашинуви) лабилликнинг бўш ифодаланиши (қўзғолиш ва тормозланишнинг содир бўлиш ва сўниш тезлигининг секинлиги), яъни нерв жараёнларининг сустлиги ҳам салбий, ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Сусликнинг салбийлик томони нерв жараёнларининг секин кечишида ифодаланса, ижобийлиги эса психик жараёнларнинг узоқ сақланиши, барқарорлигидир. Тегинли психологик тафовутлар фаолиятнинг самарадорлигини эмас, аксинча, энг аввало фаолиятнинг давом этиш хусусиятлари билан боғлиқдир.

Ҳаракатчан ва анча суст темпераментли ўқувчилар (VII синфда) ўртасида бошланғич меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришдаги фарқларни ўрганишда аниқланган фактлар бу жиҳатдан характерлидир. Маълум бўлишича, агар турли топшириқларни бажаришнинг тез суръати ҳаракатчан темпераментли ўқувчиларнинг қимматли сифати бўлса, салбий сифати эса баъзи бир ишончсизликдир (топшириқни бажаришнинг ортиқча тезкорлиги сабабли унинг элементлари тушириб қолдирилади). Секин ҳаракатларни талаб қиладиган топшириқлар суст ўқувчилар томонидан анча муваффақиятли, бир меъёрда ва силлиққина бажарилди. Тўғри, уларда топшириқларни бажаришда нохуш тўхтаб қолишлар юз бериб турар, лекин топшириқни бажаришдаги аниқлик уларнинг фазилати эди. Уларнинг анчагина қисми ўзларининг нисбатан чекланган тезкорлик имкониятлари ўрнини педагогнинг изохларига ва чизмаларига катта эътибор бериш билан тўлдирди.

Ақлий қобилиятлар, фаолият ус-луби ва темперамент Интеллектуал қобилият даражаси билан темперамент типи ўртасида боғлиқлик мавжудми, деган саволга жавоб бериш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ақлий қобилияти юксак даражада бўлган кишилар ҳар хил темпераментга эга бўлишини, бир хил темпераментга эга шахслар эса ақлий қобилиятларнинг турли даражаларига эга эканлигини кўрсатди. Темпераментнинг хусусиятлари, албатта ақлий меҳнатга

ҳам таъсир этиши; ақлий операцияларнинг тезлиги; диққатнинг барқарорлиги ва кучиши, ишга «жалб қилиш» динамикаси, иш давомида эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини тартибга солиш, нервнинг маълум даражада зўриқиши ва чарчашига таъсир этиши мумкин. Бироқ темперамент хусусиятлари фаоллият у с л у б и г а ўзига хослик бағишлаган ҳолда кишининг ақлий имкониятларини олдиндан белгилаб бермайди. *Темперамент хусусиятлари муваффақиятлар даражасини эмас, балки иш йўллари ва усуллари белгилайди. Ўз навбатида, кишининг ақлий имкониятлари темпераментнинг камчиликлари ўрнини тўлдириш учун шароит яратди.*

Фикримизни тасдиқлаш учун мактабни медаль билан тамомлаган юқори синф ўқувчиларининг қиёсий характеристикасини келтирамиз.

Арсений — донмо серғайратли, фаол. У одатда атрофдагиларни унутиб қўйиб, ишга қизиқиб қолади. У бир неча ишни бараварига осонгина бажаради; аҳволнинг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги унинг ғайратини сўндира олмайди. Павелнинг ақлий фаолияти бошқача тарзда кечади. Дарсларни тайёрлаш узоқ давом этади; ҳар қандай тошпириқ ундан тайёргарлик кўриш, ўйлашни талаб қилади. Ҳар бир кичик тўсиқ, кутилмаган ҳолат унинг диққат-эътиборини ўзида узоқ вақт сақлаб қолади. Павелдан фарқли ўлароқ ҳамisha даяил ҳаракат қиладиган Арсений қисқа вақтдаёқ дам олишга қодир. Мактабдан уйгача келиш, бошқа мавзуда қисқагина суҳбатлашиш, энг асосий, машғулотларнинг алмашишини унинг кучини қайта тиклаш учун кифоя қилади. Павел эса мактабда ўқув кунининг охирига бориб чарчаб қолади ва ақлий иш учун куч тўплашга у икки соатча ором олиши даркор.

Успиринлар ўртасидаги характерли фарқлар уларнинг янги материални ўзлаштиришга ва ўтилган дарсни такрорлашга бўлган муносабатида кўринади. Ана шунга тўхтаб ўтамиз: бу уридан улардан ҳар бирнинг ақлий ўзига хослиги намоён бўлади. Арсений янги материални катта қизиқиш билан тинглайди. У китобни биринчи марта ўқийётганда ўқув китобини ўқишдан у энг кўп қониқиш ҳосил қилади; янгиликни ўзлаштириш қийинчилигининг ўзи унда қаноатланиш ҳосил қилади; янги нарса уни тетиклик ҳолатига ва ҳатто ҳаяжонли ҳолатга олиб келади. Аксинча, ўтилганларни такрорлаш (мавзу охирида, чорак охирида ёки йил охирида) унда ҳеч қандай ижобий муносабат уйғотмайди; такрорлаш дарсларида у бошқа ишлар билан шуғулланишга мойил. Павелда тамомила қарама-қарши манзарани кўриш мумкин: унга айниқса такрорлаш ёқади. Янги нарсага қизиқиш билан муносабатда бўлади, у сермулоҳазали ва қизиқувчан ўқувчилардан бири, лекин тушунтиришларни узоқ вақт кузатиб бориш уни чарчатиб қўяди, унга вақти-вақти билан диққатни бўшаштириб, бирор нарса билан чалғиш керак; бундан ташқари, унга дарҳол қандайдир бир хулосага келиш қийин — у олдин материални ўзлаштириб олиши керак. Шунинг учун ҳам янги материални тушунтиришда у анча ташвишли, сал ўзини пўқотган ҳолатда бўлади. Такрорлаш вақтида у бошқача бўлиб қолади. Аввалги материалга у кўникиб қолган, уни ўзлаштириб олган, асосий фактларни ва фикрнинг муайян ҳаракатини эгаллаб олган ҳолда, мулоҳазаларининг ишонарлилиги, аниқлиги, онглилиги билан ҳайратда қолдириши мумкин.

Арсений билан Павел ўзларининг эмоционал хусусиятлари билан ҳам бир-бирларидан жуда сезиларли даражада фарқ қиладилар: биринчисда ғазабланиш ҳисси нисбатан осон пайдо бўлади, иккинчиси завқланиш, меҳри товланб кетиш ҳолатига осонгина киради.

Успиринларнинг биографиялари билан танишув, кузатиш материаллари уларнинг темпераментлари тўғрисида маълум хулоса чиқариш имконини берди. Арсений, афтидан, нерв фао-

лняти мувозанатсиз типга яқин бўлиб, унда холерик темпераментнинг белгилари қайд қилинарди. Павел эса кучсиз типга яқин, унда меланхолик темпераментнинг белгилари сезилиб туради. Нерв фаолияти типининг кучсизлиги унга энг яхши ўқувчилардан бири бўлиб етишишга, ақлий қобилиятларини анча ривожлантиришга ҳалақит бермаганлиги диққатга сазовардир. Пировард натижада Арсенийнинг Павелдан устунлиги нисбийдир. Таъсирланиш тезлиги ва янги ақлий ишга ўтишнинг осонлиги қимматли хусусият бўлиб ҳисобланади. Лекин Арсений ўз имкониятларини имкони борича дарҳол намоён қилади. Павел эса олдида пайдо бўладиган вазифаларни ҳал этишга секин ва ишончсизлик билан киришаркан, баъзан бир хилдаги масалалар устида тўхтаб, аста-секин ҳаммасини аниқроқ ва нафисроқ, тобора тўлароқ ва тўғрироқ тушуниб олишга қодирдир. Павелнинг ақлий меҳнати миқдор жиҳатдан кам унумли, лекин унинг муваффақиятлари сифат жиҳатдан Арсенийнинг муваффақиятларидан қолишмайди. Бу ҳолда нерв фаолияти типининг хусусиятлари билан боғлиқ фикрни шакллантириш қийинчилигининг ўзи тафаккурнинг жиддий ва астойдил ишлаши учун сабаб бўлади.

Темпераментнинг фаоллик даражаси ва ҳаракатчанлик даражаси каби хусусиятлари таълимнинг муваффақиятига қарама-қарши таъсир кўрсатади. Ҳаммаси у ёки бу динамик белгиларидан қандай фойдаланаётганига боғлиқ. Масалан, психик фаолликнинг камлиги кўпинча ишнинг ўта пухталиги билан тўлдирилади. Одатда темпераментнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўқув машғулотларининг усули, уларнинг режими ўзгаради. Темпераментнинг истаган типига юқори ўқув муваффақиятларига эришишнинг ўз йўли бўлиши шубҳасиздир.

Шундай қилиб, фаолиятни бажариш имкониятлари нуқтан назаридан темперамент хусусиятлари асосан иш жараёнининг ўзига хослигида кўринади.

Шу билан бирга фаолиятнинг баъзи турларида **Касб талаблари ва темперамент** темпераментнинг хусусиятларидан фақат уларнинг бажарилишининг бориши эмас, балки маълум даражада натижаси ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимол. Фаолиятнинг бу турларига нисбатан психиканинг анча мақбулроқ ва камроқ даражада мақбул динамик белгилари тўғрисида гапирish мумкин. Қайсики, ҳаракатлар суръати ёки интенсивлигига анча қатъий талаблар қўйиладиган меҳнат соҳаларида, машғулотларнинг турларида психиканинг динамик кўришилари индивидуал хусусиятлари фаолиятнинг ишга қобилиятлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши мумкин. Айрим касбларда динамик хусусиятларга талаблар шунчалик юқорикки, бундай фазилатларга эга бўлган кишиларни олдиндан танлаб олиш зарурати пайдо бўлади. Масалан, синовчи-учувчи бўлишни ёки айрим ишлаб чиқаришларда диспетчер бўлишни истаган, ёки цирк санъатининг айрим турларини эгаллашни хоҳлаган киши нерв системасининг ҳаракатчан ва кучли типига эга бўли-

ши ксрак. Темпераментнинг жиҳати сифатида эмоционал қўзғалувчанлик актёр билан музикачи фаолияти учун зарурдир.

Аммо касбларнинг купчилигида темпераментнинг хусусиятлари, фаолият жараёнининг динамикасига таъсир этиб, унинг пировард маҳсулдорлигига таъсир этмайди. Темпераментнинг камчилиги ишқивозлик, тайёргарлик, иродавий зўр беришлар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир соҳадаги — фан, техника, санъат соҳа-сидаги ҳар хил меҳнат турларидаги буюк кишилар орасида темпераментнинг ҳар хил типлари вакиллари учратиш мумкин. Бунда ижодкор шахс учун ҳамisha иш усуллари инди-видуаллаштириш хос бўлади. Бунда фаолиятни бажаришда онгли, баъзан эса беихтиёр индивидуал темпераментга мос келадиган айнан шундай режим ва шунақа индивидуал воситалар қўлланилади.

Фаолиятнинг индивидуал услуби

Темпераментнинг хусусияти фаолиятнинг самардорлигида эмас, балки аввало усулларнинг ўзига хослигида намоён бўлади. Шу маънода куп станокчи тўқувчиларнинг ишини кузатиш натижалари диққатга сазовордир (*Е. А. Климов* тадқиқоти). Маълум бўлдики, бир неча станокда ишлашда нерв системаси ҳаракатчан типдаги ҳам, ҳаракатсиз типдаги ходимлар ҳам юксак ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришиши аниқланди (уларнинг нерв жараёнларининг хусусиятлари лаборатория экспериментларида аниқланди). Темпераментни ҳаракатчанлигига кура қарама-қарши хусусиятли кишилар бир хил меҳнат вазиятида турлича ҳаракат тактикасига мурожаат қилишлари аниқланди. Чунончи, ҳ а р а к а т ч а н л а р и шошилич жараёнлар (масалан, ипнинг узилишига барҳам бериш)ни тезроқ бажаради (бунга фақат зарурат туғилган пайтдагина), темпераментнинг суст типдаги кишилар эса шошилич ҳаракатларнинг зарурлигини билдирадиган тайёрлов ишларига янада зўр эътибор бериши билан ажралиб туради. Иш усуллари, услуби уларнинг индивидуал хусусиятларига туғри келадиган ходималарда юксак ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришилади. Шундай қилиб, темперамент *фаолиятнинг индивидуал услубини* белгилайди.

Фаолиятнинг индивидуал услубини ҳар томонлама ўрганган психологлар (*В. С. Мерлин, Е. А. Климов*) унинг кишида дарров пайдо бўлмаслиги ва фақат стихияли тарзда пайдо бўлишини кўрсатишди. Агар киши ўз темпераментига мувофиқ ўзининг яхши натижаларга эришишига ёрдам берадиган йўллари ва усуллари фаол изланса, индивидуал услублари ишлаб чиқилади ва такомиллашади. Фаолиятининг индивидуал услуби ишлаб чиқариш илғорларида, мастер спортчиларда, энг яхши ўқувчиларда анча аниқроқ намоён бўлади.

Қизиқ, одамларнинг биргаликдаги фаолияти шароитларида (агар улар биргаликда, масалан, иккита бўлиб ишлаётган бўлса), улар темпераментининг динамик фазилатлари улар фао-

лятининг пировард натижасига ҳар бири индивидуал ишлаган ҳоллардагига қараганда анча жиддий таъсир кўрсатар экан. Бунда мазкур фаолиятни бажариш учун анча қулай ва камроқ қулай бўлган темпераментнинг ҳар хил типларининг бирга қўшилиб келиши аниқ бўлди. Чунончи, холерик темпераментли кишининг фаолияти сангвирик ёки холерик темпераментли киши билан шерик бўлиб ишлаганга қараганда флегматик ёки меланхолик билан биргаликда ишлаган ҳолларда анча самарали бўлади (*В. М. Русаловнинг тадқиқотлари*). Бундай фактлар шуни кўрсатадики, темпераментнинг у ёки бу хусусиятлари аҳамиятини кўпгина фаолият турларининг биргаликдаги харақтерини ҳисобга олмасдан баҳолаб бўлмайди.

Ўз темпераментининг хусусиятларини эгаллаш ва уларнинг ўрнини тўлдириш, фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш болалик йилларида бошланади, таълим ва тарбия остида рўй беради.

V. 16.4. Темперамент ва тарбия муаммолари

Темперамент таркибида фаоллик, эмоционаллик ва моторика

Болаларга индивидуал, психологик жиҳатдан асосланган ёндашувни амалга оширмақ учун, жумладан, ўзингиз уларнинг темперамент хусусиятларини тўғри тасаввур қилишингиз керак.

Бола билан қисқагина танишув чоғида психиканинг динамик таърифи тўғрисида фақат айрим, оз ё кўп даражада ёрқин таассуротларгина олиш мумкин. Лекин улар темпераментнинг хусусиятлари тўғрисида, шубҳасиз, тўғри мулоҳазалар учун етарли эмас. Ўқувчининг ривожланиш шароитларини билган, унинг ҳар хил ҳолатлардаги хулқи ва фаолияти тўғрисидаги маълумотларни солиштирган ҳолда тасодифий хулқ-атвори, одатлари, темпераментнинг асосий белгиларидан ажратиш мумкин. Динамик кўринишнинг ўзига хослигини ўрганишнинг муҳим услуби ўқувчиларни, имкони борича, бир-бири билан тенг шароитларда солиштириб кўришдир.

Ўқувчини темпераментнинг маълум бир типига киритиш учун унда, аввало, қўйидаги фазилатларнинг у ёки бу тарзда ифодаланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак:

1. **Фаоллик.** Бу ҳақда бола янгиликка қандай даражадаги ғайрат (қатъийлик) билан интилиши, атрофдагиларга таъсир кўрсатишга ва уни ўзгартиришга, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга ҳаракат қилиши ҳақида хулоса қилинади.

2. **Эмоционаллик.** У ҳақда эмоциоген таъсирларни сезиши бўйича, эмоционал таъсирот учун сабаб топиш майли бўйича хулоса қилинади. Эмоциянинг бирор хатти-ҳаракатга ундовчи куч сифатида намоён бўлиши, шунингдек бир эмоционал ҳолатнинг бошқаси билан қанчалик тез алмашиши бу жиҳатдан диққатга сазовордир.

3. *Моториканинг ўзига хос хусусиятлари.* Улар мушаклар ҳаракатининг тезлиги, кескинлиги, ритми, амплитудаси ва бошқа қатор белгиларида (уларнинг бир қисми нутқ моторикасини ҳам белгилайди) намоён бўлади. Темперамент кўринишларининг бу жиҳатини кузатиш ва баҳолаш ҳаммадан кўра осонроқдир.

Темпераментнинг ёшга оид хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак: ҳар бир болалик ёшида фаолликнинг, эмоционаллик ва моториканинг ўзига хос хусусияти бор. Жумладан, кичик мактаб ёши учун фаолликнинг характерли белгилари — қизиқиш уйғотишнинг осонлиги, ҳар қандай ташқи қўзғатувчига эътибор беришга тайёрлик ва диққат-эътибор беришнинг етарлича узоқ давом этмаслиги, болалар нерв системасининг нисбатан сустилиги, сезгирлиги билан боғлиқдир. Ҳаётнинг ана шу давридаги эмоционаллик ва моторика, албатта, айтайлик, ўсмирлик, айниқса ўспиринлик давридагидан бошқачароқ бўлади. Болада темпераментнинг у ёки бу типининг белгилари унинг ёшидан ажратилган ҳолда қараб чиқиши мумкин эмас, улар ҳаминша тегишли «ёш давр фондида» намоён бўлади.

Темперамент хоссалари ва тарбия хусусиятлари

Темпераментнинг ҳар бир типи ҳам ижобий, ҳам салбий психологик хусусиятларда ўзини намоён қилиши мумкин. Агар холерикнинг куч-қуввати, эҳтирослилиги муносиб мақсадларга йўналтирилган бўлса, қимматли фазилатлар бўлиши мумкин, лекин етарлича бўлмаган мувозанатлик, эмоционаллик ва ҳаракатсизлик зарур тарбия бўлмаганда ўзини тута олмасликда, кескинликда, доимо қизишиб кетишга мойилликда ифодаланиши турган гап. Сангвиникнинг жонлилиги ва ҳозиржавоблиги қимматли хусусиятлардир, лекин тарбия етарли бўлмаган тақдирда уларни тегишлича диққатни тўпланишининг йўқлигига, юзакичиликка, бир йўла бир неча ишга қўл уришга мойилликка олиб келиши мумкин. Флегматикнинг вазминлиги, сабр-тоқатлилиги, шошқалоқликнинг йўқлиги қимматли хусусиятлардир. Лекин тарбиянинг ноқулай шароитларида улар кишини бўшаштириб, ҳаётнинг кўпгина таассуротларига бефарқ қилиб қўйиш эҳтимоли мавжуд. Ҳиссиётнинг чуқурлиги ва барқарорлиги, эмоционал жиҳатдан сезгирлик меланхоликнинг қимматли фазилатлари ҳисобланади. Бироқ бу тип вакилларида тегишли тарбиявий таъсирлар етишмаган тақдирда ўзларининг шахсий кечинмаларига бутунлай берилиб кетиш, ортиқча уятчанлик ривожланиши мумкин.

Шундай қилиб, темпераментнинг айнан бир хил бошланғич хусусиятлари уларнинг қандай — ижобий ёки салбий томонга ривожланишини олдиндан белгилаб бермайди. Шунинг учун тарбиячининг вазифаси бир хилдаги темпераментни бошқасига ўзгартиришга уриниб кўришдан иборат бўлмаслиги керак (бу мумкин ҳам эмас), балки мунтазам иш олиб бориш йўли билан ҳар бир темпераментнинг ижобий томонлари ри-

вожланишига кўмаклашиш ва айни пайтда ушбу темперамент билан боғлиқ бўлиши мумкин салбий жиҳатлардан ҳоли бўлишга ёрдам беришдан иборатдир.

Фақат тарбияланмаганлик натижаси ҳисобланган нарсани темперамент ҳисобига ўтказмаслик керак. Масалан, хулқ-атворда сабр-тоқат ва ўзини тута билмасликнинг йўқлиги холерик темпераментни билдирмайди албатта, у ҳар қандай темпераментда ҳам айнан тарбияда йўл қўйиладиган камчиликнинг оқибати бўлиши мумкин. Қизиқиш ва майлларнинг ҳаддан ташқари осон алмашиниши, ўзини тута билмаслик, атрофдагиларга бепарқлик, қўрқоқлик ва боланинг (худди катталардагидек) бошқа салбий иллатлари темпераментнинг хусусиятлари бўлмай, балки теварак-атрофдаги кишиларнинг таъсири натижасидан — бир хил ҳолларда болани эркалатиб талтайтириб юбориш ва инжиқликларини рағбатлантириш, бошқа ҳолларда ортиқча қаттиққўллик ва мустақилликни бўғиб қўйиш, эзилишдан иборат бўлиши мумкин. Мактабда ўқувчи журъатсиз, деярлик ўзини эплай олмайдиган бўлиб кўриниши, ўта меланхолик типдаги одамнинг тасаввурини бериши, лекин амалда ундай бўлмаслиги мумкин. Масалан, унинг хулқ-атворига ўқув предметларидан орқада қолиб кетгани таъсир этгандир ёки у билан синф жамоаси ўртасида нотўғри муносабатлар таркиб топгандир.

**Индивидуал
ёндашув ва
темперамент
типи**

Айтилганлар темперамент бўйича ҳақиқий фарқларни етарлича баҳоламасликка олиб келмаслиги керак. Болалар темпераментининг хусусиятларини билиш улар хулқ-атворининг айрим хусусиятларини тўғри тушуниш, тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларини керакли бир тарзда ўзгартириш имконини беради.

Ўқишга қизиқиши бир хил бўлган, лекин темпераменти ҳар хил болаларга педагогнинг салбий баҳоси қандай қилиб ҳар хил таъсир қилиши махсус ўрганилди. Маълум бўлишича, агар нерв системаси кучли ўқувчида салбий баҳонинг рағбатлантирувчи таъсири аниқланса, нерв системасининг типини сусти бўлган ўқувчида ана шундай баҳодан кейин тушкунлик, саросималик, ўз кучларига ишончининг йўқолиши аниқланди. Ўқувчиларнинг турли хил таъсирланишлари ҳар хил педагогик тактикани талаб қилиши тушунарли.

Ўқитувчилар мактабда дарс жадвалининг ўзгариши, битта дарсининг иккинчиси билан алмаштирилиши синфнинг нормал ишлашини бузишини билладилар. Баъзи ўқувчилар бу хилдаги ўзгаришларни осон ва тез, бошқалари эса секинлик билан ўзлаштириб оладилар. Бу хилдаги фактларни тушунтиришда темперамент бўйича фарқларни ҳисобга олиш лозим. Бироз сусти болалар янги фаолиятга дарҳол қўшилиб кета олмайдилар, улар ҳатто битта фан бўйича ўтказилаётган дарсда бир машғулотдан иккинчисига ўтишда қийналадилар (масалан, ўқитувчининг тушунтиришларини тинглашдан ёзувга ўтишда ва ҳока-

зо). Айни пайтда юксак ҳаракатчан болаларда фаолиятнинг тез-тез ўзгариб туриши кўпинча дарсларда ишчанлик ҳолатини сақлаб қолади.

Кўпинча холерик ва меланхолик темпераментли болалар ўқитувчиларнинг алоҳида ғамхўрлигини талаб этади. Биринчиларини таъсирланишлари зўр бўлишидан мунтазам равишда сақлаш, ўзини тутишга, чидамли бўлишга ўргатиш, уларда анча осойишта ва бир меъёрда ишлаш одатини тарбиялаш керак. Иккинчиларида ўз кучларига ишончни ривожлантириш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш, қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни талаб қилиш лозим. Нерв системаси кучсиз болалар аниқ режимга ва маълум бир маромда ишлашга муҳтож бўладилар.

Тегишли тарбия шароитларида ва нерв системасининг кучсиз типда кучли ирода ривожланиши мумкин ва, аксинча, нерв системаси кучсиз типда бўлса, «алоҳида» шароитларда тарбиялашда куч-ғайрат етишмаслиги, чор-ночорлик аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай холерик ҳам қатъий ва ҳар қандай сангвиник ҳам юмшоқ кўнгил бўлавермайди. Бу ҳислатлар шакллантирилмоғи керак. Бу муайян даражада ўзини-ўзи бошқаришни, ўзини-ўзи тарбиялашни талаб қилади.

Ўсиб бораётган кишига ўз хулқ-атвори ва фаолиятини аста-секин онгли равишда бошқаришни ўргатиш зарур. Бу нарса темпераментни ҳар хил типдаги кишиларда ҳар хил юз беради. Жумладан, агар холерикка ўзида хатти-ҳаракатлар тезлиги ва қатъийлигини шакллантириш флегматикка нисбатан осон бўлса, флегматикда ўзини вазмин тута билиш ва совуққонлик кўрсатиш одатини тарбиялаш холерикка нисбатан осондир. Темперамент бир ўқувчи учун у ёки бу психик фазилатларни шакллантиришнинг бир хил усуллари, бошқалари учун бошқа усуллари зарурлигида билинади.

Темпераментнинг хусусиятлари ҳаётнинг турли жабҳаларида (масалан, мактаб ва уй шароитларида) турли даражада намоён бўлиши мумкинлиги намуналидир; темпераментнинг маълум бир кўринишлари ишлаб чиқиладиган йўл-йўриқлар ва одатлар таъсири остида чекланиши, у ёки бу йўналишга буриб юборилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, темперамент хулқ-атвор хусусиятларига таъсир этади, лекин уларни олдиндан белгиламайди: тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўсиб бораётган кишининг теvarак-атрофдаги оламга бўлган муносабатлари системаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Темпераментнинг хусусияти, яъни психиканинг динамик томони хусусиятлари киши характери ни ташкил этадиган психиканинг муҳим хусусиятларини ривожлантириш шартларидан биридир, холос.

Адабиётлар

Павлов И. П. Общие типы высшей нервной деятельности животных и человека.— Полн. собр. соч., III том. 2- китоб, М.—Л., СССР ФА нашриёти, 1951.

Климов Е. А. Индивидуальный стиль деятельности в зависимости от типологических свойств нервной системы. Козон университети нашриёти, 1969.

Мерлин В. С. Очерки теории темперамента. М., Просвещение, 1964.

Небылицын В. Д. Основные свойства нервной системы человека. М., Просвещение, 1966.

Теплов Б. М. Исследование свойств нервной системы как путь к изучению индивидуально-психологических различий.— Теплов Б. М. Избр. труды, М., Педагогика, 1985, II том, 137—168-бетлар.

Стреляу Я. Роль темперамента в психологическом развитии. М., Прогресс, 1982.

Психология индивидуальных различий. Тексты. М., МДУ нашриёти, 1982, 21—58-бетлар.

Хрестоматия по психологии. М., «Просвещение», 1977, 320—338-бетлар.

ХАРАКТЕР

V. 17.1. Характер ҳақида тушунча

Характернинг таърифи

Грекчадан таржима қилганда «характер» — бу «зарб қилиш», «белги» демакдир. Ҳақиқатан ҳам характер — кишининг жамиятда яшаб эгаллайдиган алоҳида белгиларидир. Шахснинг индивидуаллиги психик жараёнларнинг ўтиш хусусиятларида (яхши хотира, ҳаёл, зеҳни ўткирлик ва бошқалар) ва темперамент хусусиятларида намоён бўлишига ўхшаб, характернинг хислатларида ҳам кўринади.

Характер — шахснинг фаолият ва муомалада таркиб топандиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради.

Кишининг шахси у нима қилаётгани билан эмас, балки уни қандай бажараётгани билан характерланади. Умумий манфаатлар ва эътиқодлар асосида ҳаракат қила бориб, ҳаётда умумий мақсадларга интила бориб, одамлар ўз ижтимоий хулқ-атворида, ўз ҳатти-ҳаракатларида ва ишларида ҳар хил, баъзан эса қарама-қарши индивидуал хусусиятларни намоён қилишлари мумкин. Бошқа одамлар билан биргаликда ўшандай қийинчиликларни бошдан кечириш, ўз мажбуриятларини муваффақият билан бажариш, бир нарсани севиш ёки севмаслик, лекин айни пайтда юмшоқ, гапга кўнадиган ёки шафқатсиз, муросасиз, қувноқ ёки ғамгин, қатъий ёки журъатсиз, чиқишимли ёки чиқиша олмайдиган бўлиш мумкин. Ўқувчиларга қаратилган маъносига кўра бир хил танқидий мулоҳазалар бир хил педагоглар томонидан ҳамиша юмшоқ, боадаб, хайрихоҳ шаклда, бошқаларни томонидан эса қўпол ва беандишалик билан баён қилинади. Ҳаётга қарама-қарши нуқтан назарларда бўлган, ҳар хил манфаатларга эга, турли маданий даражада бўлган, ҳар хил ахлоқий принципларга эга бўлган одамларда ўрнашиб қолган ана шу индивидуал хусусиятлар, одатда янада кўпроқ даражада кескин ифодаланган бўлади.

Кишининг характерини ташкил этувчи бу индивидуал хусусиятлар биринчи навбатда *уродага* (масалан, дадиллик ёки

ишончсизлик, қўрқоқлик) ва ҳис-туйғуларга (масалан, хушчақчақлик ёки руҳан сиқилганлик) тааллуқли бўлади, лекин маълум даражада ақлга ҳам (масалан, енгилтаклик ёки ўйчанлик) тааллуқлидир. Қолаверса, характернинг намоён бўлиши комплекс яратилган нарса ҳисобланади ва бир қатор ҳолларда амалда иродавий, эмоционал ёки интеллектуал жараёнлар қаторига (масалан, шубҳалилик, олийҳимматлилик, саҳоватлилик, кек сақлаш ва бошқалар) киритишга йўл қўймайди.

**Характер,
ижтимоий
муносабатлар ва
социал гуруҳлар**

Характер киши шахсининг йўналишини белгилайдиган ижтимоий муносабатларга боғлиқ бўлади. Жумладан, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига асосланадиган жамиятда, масалан, ҳукмрон синфлар вакилларининг социал позицияси улар характерида такаббурлик, кеккайганлик, риёкорлик, таъмагирлик, мунофиқлик ва ҳоказоларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Буржуа психология фани ўз назарий ва амалий ишларида капитализмнинг киши характерида намоён бўладиган ана шу «туғма доғлари»ни муҳокама қилишни пухта ва усталик билан четлаб ўтади. Лекин XIX ва XX асрларнинг буюк ёзувчилари томонидан (Л. Н. Толстой, Ф. Д. Достоевский, О. Бальзак, Ч. Диккенс ва бошқалар) ёзилган китобларда мужассам бўлган чуқур психологик таҳлил бу ҳақда аниқ белгиланган фактлар жамият қатъий гувоҳлик беради.

Социалистик жамиятга характерни детерминлашнинг бошқача манзараси хосдир. Тинч меҳнат йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам кишилар характерининг ўзига хос сифатлари яққол кўринди: фидокорлик, мақсадга қаратилганлик, жасурлик, камтарлик, меҳнатсеварлик янги жамият қураётган ва уни ҳимоя қилаётган одамлар характерининг асосий хусусияти сифатида намоён бўлди.

Характернинг шаклланиши шахснинг ривожланиш даражасига кўра хилма-хил гуруҳларга мансуб турли хилдаги шароитлар билан қўшилган ҳолда (онлада, дўстлар даврасида, меҳнат ёки ўқув жамоасида, асоциал уюшмада ва шу кабиларда) юз беради. Унинг учун референт бўлган гуруҳда шахснинг индивидуаллашуви қандай амалга ошаётгани ва унда шахсларро муносабатларнинг ривожланганлик даражаси қандайлигига боғлиқ ҳолда, масалан, ўспиринда бир хил ҳолатда характерида очиқлик, тўғрилиқ, жасурлик, принципиаллик, қаттиққўллик, бошқа бир ҳолатда эса пинҳонийлик, ёлғонлик, қўрқоқлик, конформлилик, характернинг бўшлиғи шаклланиши мумкин. Ривожланиш даражаси юксак бўлган гуруҳдаги каби коллективда характернинг энг яхши хислатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қулай имкониятлар яратилади. Бу жараён шахснинг коллективда оптимал интеграциясига ва коллективнинг ўзи янада ривожланишига ёрдам беради.

Кишининг характерини била туриб, унинг у ёки бу ҳолатларда ўзини қандай тутишини ва демак, киши ўз хулқ-атворини қандай изга солишини олдиндан кўра билиш мумкин. Жум-

ладан, ўқувчиларга жамоат топшириқларини тақсимлаётиб, уларнинг нафақат билимлари ва малакаларини, балки характериини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, бири сабот-матонатли, меҳнатсевар, лекин бироз сусткаш ва ҳаддан ташқари эҳтиёткор. Бошқа бири қизиққон, ишнинг манфаатини юрагига яқин олади, лекин унинг ўз фикридан озгина бўлса ҳам фарқ қиладиган фикрларга тоқат қила олмайди ва шу сабабдан ортиқча кескин ва ҳатто қупол бўлиши мумкин. Педагог тарбияланаётган ўқувчи характеридаги қимматли хусусиятларга таяниб, уларни мустақамлашга ва ривожлантиришга ҳаракат қилади, салбийларини эса кучсизлантириш ёки ҳеч бўлмаганда бошқа социал жиҳатдан аҳамиятли сифатга эга булганлари билан алмаштириб, ўрнини тўлдиришга интилади.

Ўқувчининг темпераменти каби характериини ҳам билиш педагогнинг ўқув-тарбия ишида индивидуал ёндашувининг самарадорлиги шартларидан ҳисобланади.

V. 17.2. Характернинг структураси

Характер хусусиятларининг боғлиқлиги

Инсон шахснинг характери ҳамisha кўпқирралидир. Унда алоҳида *хусусиятлар* ёки *томонлар* ажратиб кўрсатилиши мумкин, лекин улар бир-бирларидан ажратилган, алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди, балки маълум даражада *характернинг барқарор тузилишини* ташкил этган ҳолда ўзаро боғлиқ бўлади.

Характернинг структуралилиги унинг айрим хусусиятлари ўртасидаги қонуний боғлиқликда намоён бўлади. Агар киши кўрқоқ бўлса, у ташаббускорлик (ўзи айтган таклиф ёки хатти-ҳаракатнинг ноқулай томонларидан ҳадиксираб), қатъийлик ва мустақиллик (қарор қабул қилиш шахсий жавобгарликни тақозо этади), фидокорлик ва олийҳимматлилик (бошқа кишига кўрсатилган ёрдам нимададир унинг шахсий манфаатига зиён етказиши, унинг учун хавфли бўлиши мумкин) фазилатларига эга бўлмайди, деб айтиш учун асослар бор. Шу билан бирга характери бўйича кўрқоқ кишидан итоткорлик ва хушомадгўйлнкни, кучли кишига нисбатан конформлиликни («кодамови» бўлиб қолмаслик учун), қизганчиқликни (қондлик жиҳатдан келгусига омонат қилиб қўйиш учун), сотқинликка тайёрликни (ҳар ҳолда унинг хавфсизлигига хавф туғдирадиган энг кескин вазиятларда), ишончсизлик ва эҳтиёткорликни (А. П. Чехов бўйича «беликовчасига» «бирон нарса юз бермаса бўлди») ва шу кабиларни кутиш мумкин. Характерида кўрқоқлик устунлик қиладиган ҳар қандай одам ҳам юқорида тасвирлаб берилганига ухшайдиган характер структурасини айтиб утилган барча хусусиятларини қўшган ҳолда намоён қилмайди, албатта. Турли ҳаётий ҳолатларда у жиддий ўзгартирилиши ва ҳатто устунлик қилувчи хусусиятга қарама-қарши сифатларни ҳам ўз ичига олиши мумкин (масалан, кўрқоқ беҳаё бўлиши мумкин). Бироқ айнан бундай характер сифати

комплексини намоён қиладиган умумий тенденция қўрқоқ киши учун устунлик қилади.

Характернинг хусусиятлари орасида айримлари асосий, етакчи бўлиб, унинг намоён бўлишининг бутун комплексини ривожлантиришининг умумий йўналишини белгилаб беради. Улар билан бир қаторда иккинчи даражали хусусиятлар ҳам борки, айрим ҳолларда улар асосий деб белгиланиши, бошқаларида эса улар билан уйғунлашмаслиги ҳам мумкин. Турмушда анча *барқарор* ва анча *зиддиятли* характерлар учрайди. Барқарор характерларнинг мавжудлиги характерларнинг улкан ранг-баранглиги ичида уларнинг умумий хусусиятлар бўлган маълум типларини ажратиш имкониятини юзага келтиради.

Характернинг барқарорлиги унинг зиддиятлилигини тула инкор этмайди: бир хил вақтда меҳрибонлик принципиаллик билан, юмор ҳисси масъулият билан келишмай қолади. А. Н. Толстой «Одамлар мана бундай намуна бўйича шаклланишлари керак» мақоласида Алексей Максимович Горький ҳақида ёзган эди:

«У кулгини ҳам, ҳазилни ҳам яхши куради, лекин ёзувчининг, рассомнинг, ижодкорнинг қизиқишига у муросасиз, шафқатсиз, астойдил муносабатда бўлар эди.

Биронта бошловчи истеъдодли ёзувчини тингларкан, у йиғлаб юбориши, стол атрофидан туриб кетиши, кўзларини рўмолча билан арта туриб, «Оббо шайтонлар-е, яхши ёзишбдимми-а» деб жавраши мумкин.

Аммо борди-ю сен мунофиқлик, муғомбирлик қилмоқчи бўлсанг.— буни эса у олтинчи сезгиси билан ҳис қилади,— виждонспазларча узингни ерга урсанг бармоқлари билан столни черта бошлайди, у оқиш-ҳаворанг кўзларини бир четга олиб қочади... Унда бутун борлигини эгаллаб олган катта эзгулик курашарди, бу эзгулик бошланаётган ғазабланиш билан курашарди. Эзгулик ниҳоят йўқолгач, у бўғиқ овоз билан кўзга тўғри қараган ҳолда шундай аёвсиз сўзларни айтардики!»¹.

Характернинг хусусиятлари эътиқод, ҳаётга бўлган қарашлар ва шахс йўналишининг бошқа хусусиятлари айнан бир хил деб қаралиши мумкин эмас. Бир хушмуомала ва хушчақчақ киши юксақ маънавий ва инсофли бўлиши мумкин, бошқаси эса — у ҳам хушмуомалали ва хушчақчақ — фақат шахсий фаровонлик ва ўз оиласининг ҳузур-ҳаловати тўғрисида ғамхўрлик қилувчи майда корчалон, шу жумладан, ўз мақсадларига эришиш учун ярамас қилиқлардан ҳам жирканмайдиган бўлиб чиқади.

Шу билан биргаликда характернинг баъзи хусусиятлари шахснинг йўналганлиги билан белгиланади. Чунончи, характернинг айрим хусусиятлари муайян ахлоқий принциплар ва эътиқодлар билан мос келиши, баъзан эса ҳатто улар билан албатта бир вақтда юз бериши мумкин. Бошқа ҳолларда эса мазкур социал муҳитда ҳукмрон бўлган қарашларга, урф-одатлар

¹ Толстой А. Н. Собр. соч. в 10-ти т., М., Художественная литература, 1961, 10- том, 373—374- бетлар.

ва принципларга мос келмаслиги мумкин. Мисол учун *виждонлилик* каби муҳим, амалда етакчи хусусият уларга мос бўлмаслиги мумкин.

Газеталар кўпинча у ёки бу кишининг ҳаддан зиёд ҳалоллигини кўрсатдиган диққатга сазовор воқеалар тўғрисида хабар қилади: такси шофери уриндикда кўп пули бўлган сумкани топиб олди — унутиб қолдирган пассажир аёлни қидириб топди ва сумкани қайтариб берди; фаррош полда пул уралган тугунча топиб олди — милицияга элитиб берди ва ҳоказо. Бу виждонлилик кўринишлари ўзича газета ўқувчиларида ҳурмат ҳиссини уйғотади, аммо ҳайратда қолдирмайди ва айниқса негатив ҳиссиётларни туғдирмайди. Шу билан бирга бир ишсиз, касбига кўра дераза ювувчи, америкалик негр йўлда бир банкдан иккинчисига ташни пайтида йўқолган парусинадан тикилган қопни топиб олди. Унда ҳар хил купюрада 240 минг доллар пул бор эди. У бу пуллارни федерал банкка топширди. Бу ҳақда газеталарда ҳикоя қилингандан кейин пулни топган кишига хатлар ёғилиб кетди, уларнинг купчилигида унинг устидан кулишарди, унинг мактабда ўқийдиган ўғли ҳам таҳқирланди ва мазах қилинди, бунга чндай олмай у уйдан қочиб кетди.

Бир хил ижтимоий шароитларда характернинг айнан бир хил сифати бутун турмуш тарзи билан шаклланади, бошқаларида эса унинг қарор топиши учун социал-иқтисодий асос йўқлиги тўғрисидаги фикрни кўрсатиш учун юқоридаги факт етарли даражада намуналидир. Буржуа жамиятида ҳам кўплаб софдил одамлар бор, аммо характернинг бу хусусиятини шакллантириш кўпроқ унда ҳукмрон бўлган ахлоқий негизлар туфайли эмас, балки тўғрироғи, унга хилоф равишда юз бериши шубҳасиздир.

Характернинг хусусиятлари ва шахснинг муносабатлари Характер субъектнинг биргаликдаги фаолиятга қай тарзда фаол жалб қилинишига қараб хати-ҳаракатларда ва ишларда намоён бўларкан, ҳам фаолият мазмунига, ҳам қийинчиликларнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бартараф этилишига, ҳам асосий ҳаётий мақсадларга эришишда узоқ ва яқин истиқболларга боғлиқ бўлиб қолади.

Бунда характер кишининг ўз муваффақиятсизликлари ва муваффақиятларига, ижтимоий фикрга ва қатор бошқа ҳолатларга қандай муносабатда бўлишига (унинг илгари таркиб топган хусусиятлари асосида) боғлиқ бўлади. Жумладан, мактабнинг ўша битта синфида ўқиётган ёки ўқув-ишлаб чиқариш комбинати шароитларида ўша битта бригадада тенг ҳолатда ишлаётган одамлар ишнинг уддасидан чиқиш ёки чиқмаётгани муносабати билан турли характер хусусиятларига эга бўладилар. Ютуқ баъзи бирларини янада яхшироқ ишлаш ёки ўқишга илҳомлантирса ва ундаса, бошқалари «эришилган ютуқлардан мағрурланишга» мойил; муваффақиятсизлик бировларни эса, бошқаларда жанговарлик руҳини пайдо қилади.

Шундай қилиб, характернинг таркиб топишида *кишининг теварак-атрофдаги муҳитга ва ўз-ўзига* — бошқа кишига қандай муносабатда бўлиши муҳим момент ҳисобланади. Шу билан бирга бу муносабатлар характернинг энг муҳим хусусиятларини таснифлаш учун асос бўлади.

Кишининг характери, биринчидан, у бошқа одамларга: қариндош-уруғларига ва яқинларига, ишдаги ва ўқишдаги ўртоқларига, танишларига ва яхши танимайдиган кишиларга ва бошқаларга қандай муносабат билдираётганлигида намоён бўлади. Барқарор ва беқарор боғланганлик, принципааллик ва принципсизлик, дилкашлик ва маҳдудлик, ростгўйлик ва ёлғончилик, одоблилик ва қўполлик кишининг бошқа одамларга муносабатини белгилайди. Кишининг характерини жамоадан ташқарида намоён қилиб ва тушуниб бўлмайди. Жамоада, бошқа одамлар билан жонли мулоқотда характернинг кенглиги ёки бачканалиги, муроса қила олмаслиги ёки кўнгилчанлиги, тинчликсеварлиги ёки жанжални яхши кўриши каби хислатлари аниқ-равшан кўринади.

Иккинчидан, кишининг ўзига бўлган муносабати: обрўталаблик ва ўз қадрини ҳис қилиш ёки ўз кучини камайтириб кўрсатиш ва ишонмаслик характер учун хосдир. Бир хил одамларда иззатталаблик ва эгоцентризм (ўзлигини барча воқеалар марказига қўйиш), бошқаларида эса ўз шахсий манфаатларини жамоат манфаатларига бўйсундириш, умумий иш учун курашда фидокорлик биринчи планга чиқади.

Учинчидан, характер кишининг ишга муносабатида намоён бўлади. Жумладан, киши характерининг энг қимматбаҳо белгилари қаторига виждонлилик ва ишчанликни, жиддийликни, ташаббускорликни, топширилган иш учун масъулиятни ва унинг натижалари учун ташвишланишни киритиш мумкин. Лекин айрим одамларнинг характерида амалпарастлик, енгилтаклик каби хислатлар, ишга расман муносабатда бўлиш одатлари ҳали ҳам сақланиб қолгандир.

Тўртинчидан, характер кишининг нарсаларга муносабатида намоён бўлади: фақат ижтимоий мулкка нисбатан эмас, балки ўз буюмларига, кийимлари ва пойабзалига, китобларига ва ўқув қуроолларига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёки эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Характер «кишининг хулқ-атвор программа-си»дир Кишининг фаолияти, унинг хулқ-атвори энг аввало унинг ўз олдига қўйган мақсадлари билан белгиланади ва унинг шахсининг ўн алаанлиги — қизиқишлари, идеаллари ва эhtiқодининг мажмуи доимо унинг хулқ-атвори ва фаолиятининг асосий детерминанти бўлиб қолади. Бироқ шахс йўналишида кўплаб умумийлик бўлган ва мақсадлари бир-бирига тўғри келадиган икки кишида ана шу мақсадларга эришиш учун улар фойдаланаётган усулларда жиддий фарқлар бўлиши мумкин. Ана шу фарқлар ортида шахс характеридаги хусусиятлар туради. Кишининг характерида типик ҳолатларда гўё унинг хулқ-атвори учун типик программанинг пойдевори қўйилган бўлади. «Т. нинг характерини билганим учун, — дейди педагог ўз ўқувчиси ҳақида, — мен ишонаманки, у ўзини тия олмайди, кўп ошиқча гапириб қўяди, балки қўпол ҳам бўлар, адолатсизлик

қилар, сўнгра эса юз берган воқеадан афсусланиб, уч кунгача тавбасига таяниб юради ва ниҳоят ўз айбини ювиб юбориш учун ҳамма ишни қилади». Шундай қилиб, характернинг хусусиятлари муайян ундовчи, ваз-сабаб билдирувчи кучга эга бўлади, бу куч кўпинча, хатти-ҳаракат услубини танлаш, муайян қийинчиликларни енгиш зарур бўлган вақтлардаги стресс ҳолатларда энг кўп даражада намоён бўлади.

Характерига кўра қатъий киши мотивлар курашига узоқ берилмай, ниятлардан амалий ишга киришади. Индивид характернинг хусусияти сифатида одоблилик фикр-мулоҳаза билдиришда эҳтиёткорликнинг намоён бўлишига ёрдам беради. Бу эса муомалага киришаётган одамлар учун муҳим бўлган қатор вазиятлар ва муаммоларни ҳисобга олишни назарда тутати.

Чунончи индивидда *ютуқни, муваффақиятни мотивлаштиришнинг* ифодаланганлик даражаси — унинг исталган фаолиятда, қанчалик банд бўлишига қарамай, айниқса бошқа одамлар билан мусобақалашув шароитида албатта ютуққа эришиш эҳтиёжи характерининг хусусияти деб қаралиши мумкин. Индивидуалликнинг хусусияти сифатида ютуқни мотивлаштириш кишининг ютуқлар учун мунтазам равишда ва шахсан аҳамиятли рағбатлари ва муваффақиятсизлик учун жазо олиши натижасида шаклланади.

Бу характерологик хусусиятнинг дастлабки тадқиқотчиларидан бири *Д. Макклеланд* ютуқни мотивлаштиришнинг шаклланишини тугалланишини мактабгача тарбия ёшга келиб тугалланади деб айтади, лекин бу таъкид ишончли эмас, чунки ютуқни мотивлаштиришнинг қарор топиши индивидуалликнинг бошқа фазилатлари каби болалик билан чекланмайди. Мазкур конкрет шахсни ривожлантириш тарихига боғлиқ ҳолда унда *ёҳуд м у в а ф ф а қ и я т т а э р и ш и ш* истаги устунлик қилиши (киши таваккалчилик қилади, ҳар қандай қулай вазият келганда ташаббус, мусобақалашуш фаоллигини кўрсатади ва ҳоказо), *ёҳуд м у в а ф ф а қ и я т с и з л и к д а н қ о ч и ш г а* интилиш (у таваккалчиликдан ва жавобгарликдан ўзини олиб қочади, ўз шахсий ташаббускорлиги кўринишларидан қочади, натижаси номаълум бўлган вазиятларга аралашмаслик позициясини эгалламоқчи бўлади ва ҳоказо) истаги устунлик қилиши мумкин. Ютуқни мотивлаштиришнинг махсус методика ёрдамида аниқланган характери киши хулқ-атворининг типик ҳолатларда мумкин бўлган программасини айтиб беришга имконият туғдиради.

Характер хусусиятларининг акцентуацияси

Характернинг кишилик тажрибасида қайд этилган ва тилда ўз ифодасини топган хусусиятлари сони беҳад кўп ва ҳар ҳолда мингтадан ортиқроқни ташкил этади. Шу сабабли характернинг

ўзгариб турадиган хусусиятларини санаб ва тавсифлаб ўтириш мақсадга мувофиқ эмас, бунинг устига психологияда аниқ бир таснифлаш схемаси (уларни шахс муносабатларининг юқорида кўрсатиб ўтилганларидан бирига умумий мансублигидан таш-

қари) йўқ. Характер хусусиятларининг вариантлилиги уларнинг фақат сифат жиҳатидан ранг-баранглиги ва ўзига хослигида эмас, балки миқдор жиҳатидан ифодаланганида намоён бўлади. Бирмунча шубҳали, маълум даражада саховатли, бирмунча зиждонли ва самимий кишилар бор. Характернинг у ёки бу хусусияти миқдорий ифодалилиги охирги маррага етиб ва норманинг энг охирги чегарасига бориб қолганда *характернинг акцентуацияси (ортиқча урғу берилиши)* деб аталмиш вазият туғилади.

Характерга ортиқча урғу берилиши — *айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охирги вариантларидир*. Бунда индивидда бошқаларига нисбатан барқарорлик бўлгани ҳолда бир хил стрессоген (қаттиқ ҳаяжонланувчи) омилларга заифлик ортиши кузатилади. Киши характеридаги буш бўғин кўпинча ана шу бўғиннинг фаол ишлашини талаб қиладиган оғир вазиятларда намоён бўлади. Мазкур индивид характерининг заиф жойларига тегмайдиган барча бошқа қийинчиликларни у ортиқча зўриқмай, на теварак-атрофдагиларга ва на ўзига ҳеч қандай кўнгилсизлик келтирмай бошидан кечириши мумкин. Характернинг акцентуацияси ўта ноқулай вазиятларда патологик бузилишларга ва шахс хулқ-атворининг ўзгаришларига, *психопатияга* олиб бориши (характерининг шахснинг адекват социал адаптациясига тўқинлик қилувчи ва амалда такрорланмайдиган патологияси, гарчи тўғри даволаш шароитларида баъзи тузатишларга берилса ҳам) мумкин, лекин уни патологияга онд деб ҳисоблаш ноўриндир.

Характернинг акцентуацияси (ортиқча урғу берилиши) турларини таснифлаш анча мураккаблик туғдиради ва ҳар хил авторларда номларнинг номенклатураси бўйича бир-бирига мос келмайди (*К. Леонгард, А. Личко*). Лекин акцентуациялашган хусусиятларнинг тавсифи маълум даражада бир хил бўлиб қолади. Бу ҳар иккала тасниф схемаларидан муваффақиятли терминларни олиб ва бунда психиатрик терминология («шизофрения» хусусиятлари, «эпилепсия» хусусиятлари ва ҳоказо) билан тўғридан-тўғри ўхшашлик бўлишидан қочган ҳолда ортиқча урғу бериладиган хусусиятлар рўйхатини келтириш имкониятини беради. Характерни ортиқча урғу берилган ҳолда баҳолаш психиатрнинг эмас, балки педагогнинг диққатини жалб қилишни тақозо этади, гарчи акцентуация муаммосининг ўртага қўйилиши тарихи психиатрия ва психоневрологияга бориб тақалса ҳам.

Характерга урғу беришнинг (акцентуация) қуйидаги энг муҳим турлари алоҳида ажратиб кўрсатилади: характернинг *интроверт* типи; унинг учун одамовилик, муомалада ва атрофдагилар билан алоқа ўрнатишда қийналиш, ўзи билан ўзи бўлиб қолиш хос; *экстрроверт* тип — бунга ҳис-ҳаяжонга тамомила берилганлик, баъзан муомала ва фаолиятнинг зарурлиги ва қимматидан қатъи назар унга интилиш, кўп гапириш, қизи-

кишларнинг доимий эмаслиги, баъзан мактанчоқлик, юзакчилик, конформлилик хос: *бошқариб бўлмайдиган* тип бунга—гайритабнийлик, мунозаралилик, эътирозларга мурасасизлик, баъзан эса шубҳаланиб қараш хосдир.

Ўсмирнинг характеридаги неврастеник акцентуациянинг (ортиқча ургу берилишининг) асосий хусусиятлари — ўзини ҳаддан зиёд ёмон ҳис қилиш, жиззакилик, ортиқча чарчаш, гумонсираш. Атрофдагиларга қарши дарҳол аччиқланиш ва ўзига нисбатан раҳмдиллик қисқа муддатли ғазаб уйғотиши ҳам мумкин, лекин нерв системасининг тезда тамоман ишдан чиқиши қаҳр-ғазабни дарҳол сўндиради ва тинчлик, афеусланиш, йиғлаш ҳолатлари пайдо бўлишига ёрдам беради.

Сензитив тип учун қўрқоқлик, одамовчилик, тортинчоқлик хосдир. Сензитив ўсмирлар катта ва бунинг устига янги улфатларга қўшилишдан қочишади, тенгқурларининг шўхликларига ва қалтис ишларида қатнашмайдилар, ёш болалар билан ўйнашни афзал кўрадилар. Улар контроль ишдан қўришади, айрим вақтларда хато қилиб синфдошларининг кулгусига сабаб бўлиш ёки ҳаддан зиёд яхши жавоб билан ҳавасини келтиришдан хавфсираб, синф олдида жавоб беришдан ийманишади. «Сензитив ўсмирларнинг ўзларининг норасоликларини ҳис қилиши гиперкомпенсация реакциясини айниқса ифодали қилад¹. Улар ўзлигини тасдиқлашни ўз хулқ-атворининг бўш жойида, уларнинг қобилиятлари яхшироқ намоён бўладиган соҳаларда изламайдилар, балки ўзларининг жуда ҳам норасоликларини айниқса сезадиган жойларда излайдилар. Қизлар ўзларининг қувноқликларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Журъатсиз ва уятчан болалар бетакаллуфлик ёки ҳатто атайлаб такаббурлик ниқобига кириб олишади, ўз куч-қуввати ваPRODASINI кўрсатишга интилишади. Қачонки вазият улардан дадил қатъийлик кўрсатишни талаб қиларкан, улар шу заҳотиёқ ожизлик қиладилар. Агар улар билан ваколат берувчи муносабат ўрнатиш иложи бўлса ва ҳамсуҳбатининг хайрихошлиги ва мададини ҳис қилса, у ҳолда ниқоб билан ухлаш ҳам «сув текин» ҳаёт бўлиб чиқади, гоҳ гина-кудуратга тўлиб-тошиш ва виждон азоби, нозик туйғу ва ўзига нисбатан ҳаддан зиёд юксак талаблар қўяди. Қутилмаганда иштирок этиш ва ҳамдардлик билдириш манманликнинг ўрнига ўтиши ва шариллаб оқаётган кўз ёшини шунчаки қуруқ нарса қилиб кўрсатиши мумкин эди» (А. Личко).

Характер акцентуациясининг *намойишкорона* типига ўтакетган худбинлик, ўзига нисбатан доний эътибор, таҳсинлар айтиш ва ҳамдардлик билдириш хосдир. Ёлғончилик, қуруқ савлат ва ўзини кўз-кўз қилишга, хулқ-атвори намойиш қилишга иштиёқ (ўзини-ўзи ўлдираётган қилиб кўрсатишга қадар) —

¹ Яъни *сверхкомпенсация* — ўз камчиликларини бартараф этиш учун зўр интилиш.

буларнинг ҳаммаси исталган воситалар билан тенгдошлари ора-сида ажралиб туришга интилишда намоён бўлади. Жумладан, юқори синф ўқувчиси З. олдинга, масалан, дуқ-пўписаларга ва ҳақоратларга тўла аноним хатлар ола бошлайди. Бу хатларни у йиғи аралаш ўқитувчиларига ва дугоналарига кўрсатиб, улардан ёрдам беришларини ва ҳимоя қилишларини илтимос қилди. Текшириш тездаёқ шуни кўрсатдики, бу хатларни З. нинг ўзи ўзига юбораркан ва шунинг ҳисобига характернинг типик намойишкорлик хусусиятларини намойиш этиб, ўз шахсига амалда бутун мактабнинг эътиборини жалб қилган.

Тарбиявий иш тўғри йўлга қўйилганда характер акцентуациясининг кўринишига чек қўйиш мумкин. Педагоглар ва ота-оналар боланинг ёки ўсмирнинг характеригаги «кам қаршилиқ кўрсатиш нуқталарини» билган ҳолда стрессоген вазиятларни унинг характеригаги заиф жойларга оғир ботмаслиги учун ҳаракат қиладилар. Жумладан, сензитив ўсмирлар ноҳўя хатти-ҳаракатларда шубҳаланишни, уларнинг ўзлари берган баҳога қарама-қарши бўлган, одатда анча ошириб кўрсатилмаган ва умуман объектив бўлган айбларни жуда қийинлик билан бошдан кечирадилар. Шу билан бирга сензитив ўсмирларнинг тортинчоқлигини қоплашга олиб келадиган тарбиявий таъсирлар: уларни ижтимоий ишга жалб этиш, улар номзодини синфдаги фаоллар сафига таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда улар биргаликдаги фаолият дазомида хафагарчилик ва уятчанликни осонгина енгиб ўтадилар.

V. 17.3. Характернинг табиати ва намоён бўлиши

Характер ва темперамент

Худди темперамент каби характер ҳам кишининг физиологик хусусиятларига ва, аввало, *нерв системаси* типига боғлиқдир. Темпераментнинг хусусиятлари характернинг кўринишларига ўз таъсирини кўрсатади, уларнинг пайдо бўлиши ва кечишининг динамика хусусиятларини белгилаб беради. Пировард натижада темперамент ва характернинг хусусиятлари кишининг умумий қиёфасини белгилайдиган амалда ажралмайдиган қотишмасини, унинг шахсининг *интеграл характеристикасини* ташкил этади. Инсон психологиясининг буюк билимдони бўлган француз ёзувчиси Стендаль холерик темпераментли одамнинг қалб хусусиятларини ёзarkan, шундай қайд қилган эди:

«Юқори таъсирчанлик, ҳаракатлари кескин ва шиддатли, таассуротлар сангвиникларники каби ҳам тез ва ҳам ўзгарувчан, лекин ҳар бир таассурот бир-бирдан катта куч билан ажралиб турадиганлиги учун у энди кўпроқ ҳукмронлик қилувчи характерга эгадир. Кишига азоб берадиган серзарда темперамент юракни янада сиқадиган, янада зўр, янада беқарор фикрларни ва қизиқишларни тугдиради. У унга деярли доимий равишда ташвиш туйғусини беради. Сангвиник типдаги одамга ҳеч қийинчиликсиз бериладиган маънавий фаровонлик ҳисси унга мутлақо ётди; у фақат қизғин фаолиятда ҳузур-ҳаловатга эришади. Қачонки, хавф ёки қийинчилик ундан барча кучла-

рини талаб қилган пайтлардаги буюк ҳаракатлардагина, қачонки у ҳар бир дақиқада бу хавф ва қийинчилиқни тўла ва бутунлай англаб етган ҳолдагина бундай киши мавжудлигидан завқланиши мумкин»¹.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг муайян томонлари ривожланишига қ а р ш и л и к к ў р с а т и ш и ёки ё р д а м б е р и ш и мумкин. Холерик ёки сангвиник типдаги одамга қараганда флегматик типдаги одам ўзида ташаббускорлик ва қатъийликни таркиб топтириши қийинроқдир. Журъатсизлик ва ваҳималиликни бартараф этиш мелонхолик учун жиддий муаммо ҳисобланади. Характернинг коллективда амалга ошириладиган шакллантирилиши холерик типдаги кишиларда ўзини тута билишни ва ўзига танқидий кўз билан қарашни, сангвиникларда саботлиликни, флегматикларда фаолликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади.

Характернинг табиий ва социал шарт-шароитлари

Характер хусусиятларининг пайдо бўлиши, унинг табиати, ўзгариши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги психологларнинг узоқ давом этиб келаётган мунозаралар мавзуи ҳисобланади ва кўпинча одатдаги онгга хос бўлган мутлақ мулоҳазаларга сабаб бўлади.

Индивид характернинг таркиб топган хусусиятлари системага эга бўлгандагина социал етукликка эришади. Бу жараён билинмасдан рўй беради ва кишига ҳозир қандай бўлса домно шундай бўлганига ўхшаб кўринади. Шу тариқа инсон характерининг хусусиятлари унга табиатдан берилган, у туғма ҳисобланади, деган фикр туғилади. Бундай таъкид жуда ҳам кенг тарқалган бўлади: «табиатан қўрқоқ ва аблаҳ эди» ёки «алдамчиликка мойиллик — унинг туғма хусусияти», ёки ҳатто «уруг-аймоғи билан шунақа ўзи — тоғасига тортди». Асли шундай — икки ака-ука бир онлада, гўё бир хил шароитларда тарбияланмоқда. Уларнинг фарқи бир-икки ёшдангина иборат, иккаласи бир мактабда ўқийди, ота-оналари ҳам умуман уларга бир хил қарашади, болалар эса ҳамма соҳада ҳар хил, характерлари бир-бирига сал-пал ҳам ўхшаб кетмайди. Кишига характер туғилиши билан берилади, деган хулоса ҳам бу гапдан унча узоқ эмас.

Ҳаёт киши шахсини ҳатто ўхшаш шароитларда ҳам турли нусхаларга қараб «ўлчайди» деган гапни қандай тушунтириб бериш мумкин? Энг аввало, шу нарсани тан олиш керакки, ҳар хил одамларда ҳақиқатан ҳам «асос қилиб олинган материал» бир хил эмас.

Киши бош мия ишлашининг турли хил хусусиятлари билан туғилади, олий нерв фаолиятининг у ёки бу типини тасарруф қилади. Бу психологик хусусиятлар эмас, балки физиологик хусусиятлардир, лекин улар бир хилдаги таъсирлар болаларда ҳар хил психологик самара келтирувчи дастлабки сабаб бўлиши мумкин. Улар психика ва онг ривожланадиган шароитларни

¹ Стендаль. Собр. соч. в 15-ти т. М., «Правда» нашриёти, 1959, 6-том, 220—221-бетлар.

белгилайди Физиологик шароитлардаги бу фарқлар одамлар характеридаги ҳар хилликнинг атиги биринчи сабабидир.

«Ҳаётнинг ўхшаш шароитлари» (ҳатто бир оилада ҳам)нинг жуда ва жуда ҳам нисбий тушунча эканлигини назарда тутиш керак. Ақанинг ўзини катта деб ва унга юқорига қарагандай қилиб қарайдиган ҳамда ундан ҳамда ҳимоя қилишни кутаётгандай ёки тўнғичнинг муштумзўрлигига қарши исёнкорлигини кўрсатаётгандай бўлаётган кичик укадан нимагадир устунман деб ҳисоблашга одатланиб қолгани фактининг битта ўзи унда характернинг такаббурлик ёки ғамхўрлик, жавобгарлик ёки бифарқлик, фидокорлик ёки ҳасад қилиш каби хусусиятларини шакллантиришга имкон берувчи ёки қаршилиқ қилувчи бир-бирига ўхшамайдиган ҳолатларни вужудга келтиради.

Лекин шу билан бирга айнан ўхшаш бўлмаган кўплаб бошқа шарт-шароитлар мавжуддир. Икки-уч йил ичида, биринчи ва иккинчи бола туғилиши орасида оилада моддий аҳволнинг ўзгариб қолиши (кўпинча кичигини кўпроқ эркалатишади) ва оила ичидаги муносабатлардаги ўзгаришлар, ака-укалардан бирига дуч келган ва иккинчисига учрамаган яхши дўстлар ва ўз педагогик истеъдодига кўра ҳар хил ўқитувчилар — буларнинг ҳаммаси шахсда ҳар хил фазилатлар ва ўзига хос хусусиятларнинг пайдо бўлишига имкон беради.

Агар космик кема учун учиш траекториясини белгилаётганда асос қилиб олинган маълумотлар (йўналиш, бошланғич тезлиги ва ҳоказо)ни аниқлашда салгина чекланишга йўл қўйилса бас — арзимаган хато қалтис оқибатларга — кеманинг юборилган томондан мутлақо қарама-қарши томонга учиб келишига олиб келади. Одам билан ҳам шундай бўлади. Болалик даврида тарбиялашнинг бирон жабҳасида нисбатан арзимаган хатога йўл қўйилса борми, ҳаётининг бурилиши нуқтасига етганда катта ёшдаги киши характерининг унга ва унинг яқинларига яшашга ҳалақит берадиган, боши берк кўчага киритиб қўядиган белгилари пайдо бўла бошлайди.

Характер — кўп жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш натижасидир. Характерда кишининг одатлари жамланади. Характер одамлар фаолиятида намоён бўлади, аммо у шу фаолиятда шаклланади. Агар йигит ёки қиз ўзини ўзи танқид қилишни характерининг хусусияти сифатида тарбиялашга уринаётган бўлса, улар ўзларига танқидий нуқтаи назардан ёндашишлари керак. Бу улар нафақат бошқаларнинг хатосига эмас, балки ўз хатоларига ҳам муросасиз муносабатда бўлиши керак, уларни «хаспўшлашга», улардан кўз юмишга уринмаслик керак деган маънони билдиради. Совет психологи *П. П. Блонский* ёзганидек, «фақат мувофиқ тарзда яшаган ҳолдагина яшашга ўрганиш мумкин».

Меҳнат ва ўқиш тўғрисида гапирмаган тақдирда ҳам кундалик турмуш, оиладаги ҳаёт шароитлари инсоний характерлар мактабидир. Педагоглар ва ота-оналар олдида мунтазам равишда масъулиятли вазифа: болалар характерида сезила

бошлаган ўзгаришларни ўз вақтида сезиш ва уларни инobatга олган ҳолда хулқ-атвор ва тарбия соҳасида ўз йўлини амалга ошириш вазифаси туради. Афтидан, тарбиявий ишда педагогик усул сифатида қўлланиладиган тақлид — (андаза) дан катгароқ хавф йўқ. Бу айниқса болага индивидуал ёндашув амалга ошириладиган ҳолларда чидаб бўлмайдиган нарсадир.

... Инженер З. нинг oilасида иккинчи фарзанд, ўғил бола, унинг опаси 12 ёшга кирганда туғилди. Қизча ота-онасига сўзсиз бўйсунган ҳолда тарбияланди, ҳеч қачон бирон нарсада қарши туришга ва қарши гапиришга уриниб кўрмади. Афтидан, бунга бирон-бир сабаб ҳам йўқдай эди — ота-оналарнинг талаблари мутлақо бамаъни эди. Бироқ, бу талабларни бола oldнга қўйилишида улар шафқатсизлиги, қуруқлиги, хиёл эътирозларга муросасизлиги билан ажралиб турарди. Ота-оналар ўғилни тарбиялашга ҳам худди ана шу муомала услубини танлаб олишди. Лекин кўп ўтмай, қизчада итоаткорликка ундаган нарса ўғилда индамасдан, лекин шиддатли қаршилиқ билан кутиб олинди. Бунинг қачон бошланганини айтиш қийин, лекин ота-оналарнинг ўзлари буни бола бувисиникида меҳмон бўлган давр билан боғлашди. Аммо бу оғир ва иккала томонни ҳам ҳолдан тойдирган кураш мактабнинг ҳали биринчи синфларидаёқ бошланган эди. Бола одамови, кўпол ва шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди. Олтинчи синфда у биринчи марта уйидан қочиб кетди. Саккизинчида иккинчи марта қочиб кетиб, бу гал уйига умуман қайтиб келмади. Психолог боланинг ота-оналари билан суҳбатлашди. Улар ҳайрон бўлишарди: «Мана олдингизда унинг опаси ўтирибди, ундан сўраб кўринг. Ахир, биз уни бошқача тарбиялаганмизми? Бир хил тарбияладик, қаранг, қандай одам бўлди. Мана, ҳозир невараларни тарбиялаяпмиз. Учи, бизни қандай шарманда қилди!».

«Бир хил тарбияладик!» Бу, агар тарбияда қандай мақсадни ўз олдингизга қўйган бўлсангиз, маъмуни қандай бўлганига қараб мўлжал олинса, бўлгани. Шу маънода ота-оналарнинг ошиғи олчи эди. Бироқ қизнинг характери хусусиятларига, характери бутунлай бошқача бўлган ўғил тарбиясига нима биландир жавоб берадиган тарбиялаш усулларини ўйламасдан кўчириш қонуний равишда можарога олиб келади. Борди-ю агар ота-она улар ўғлининг характери нимага олиб бориши тўғрисида ўйлаб ва унинг қалбига оқилона йўл топиш тўғрисида уриниб кўргандами, бундай онлавий драма содир бўлмасди. «У ҳам опаси нимага эга бўлса, худди шунга эришарди» — дейди ота-оналар.

Агар бир хил педагогик таъсирлар турли хил индивидуал хусусиятларга эга одамларга нисбатан қўлланилса, қарама-қарши натижаларга олиб бориши мумкин. Бу тарбиявий иш методикаси аксиомасидир.

Бола шахсини тарбиялашда андазадан қочиш характерни шакллантириш масалаларига ижодий ёндашувни назарда тутати. Майли бу йўлда хатоларга йўл қўйилиши мумкин, лекин жиддий, ўйлаб қилинган, сийқаси чиқмаган қарор, агар айрим ҳаракатлар натижаси бўйича («боладан фалон нарсага эришдик») эмас, балки характерни шакллантириш бутун жараёнинг пировард натижаси бўйича хулоса қилинадиган бўлса, педагогик андазага кўра самаралироқ бўлади.

Шундай қилиб, кишига характер табиатдан берилмаган. Ўзгартириб ва қайтадан шакллантириб бўлмайдиган характер бўлмайди. «Менинг характерим шунақа ва мен ўзимни ҳеч нарса қила олмайман» деб баҳона қилиш психологик жиҳатдан мутлақо асоссиздир. Ҳар қандай киши ҳам ўз характерининг барча кўринишлари учун жавобгардир, ҳар бир киши ўзини-ўзи тарбиялаш билан шуғулланиш имконига эгадир.

Буни уддалаш мумкинлигини масалан, А. С. Макаренконинг улкан тажрибаси ҳам кўрсатади. У «ахлоқ-одобда машқ қилиш — бизнинг яққа-ёлғизимиз»,— деб ёзган эди. Унинг шахсан ўз сўзларига қараганда, у раҳбарлик қилган жамоа «бу гимнастика учун ажойиб гимнастика зали бўлди». Колонияга дайдилар, жиноятчилар, ўтакетган ишёқмаслар келишарди, у ердан эса ишчилар, студентлар, қизил армиячилар бўлиб чиқишарди. Бу уларнинг характери ўзига хосликдан маҳрум эди, дегани эмасди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун А. С. Макаренко ўз битирувчиларига ёзган ўнтача характеристика билан танишиб чиқиш кифоядир. Мана, улардан баъзилари:

«32. Козирь. Коммунада очилган кунидан буён. Қобилияти ўртача бўлгани билан коммунага содиқ ва унинг ишида тўла садоқат билан қатнашаётган жонкуяр одамлардан биридир. Характерида ҳали ҳам қаровсизликнинг кўпгина қолдиқлари: кўполлик, ишонмаслик аломатлари сақланиб қолган. Энг яхши ишлаб чиқарувчилардан бири. Тасавури бой киши, кўп кўриш, кўп юриш учун кўпдан буён денгизчи касби тўғрисида орзу қилади...

36. Черний. Қобилиятлари катта, маданиятли, мутлақо софдил, қаровсизликнинг ҳеч қандай асорати қолмаган. Ташқи кўринишда жуда бесўнақай ва кўрimsиз, қизиқарли тип: катта куч-ғайрат сарфлашга қодир ва ич-ичидан жуда жонли ва бир таҳдидга турадиган киши. Разведка иши билан қизикади, бутун Иттифоқни айланиб чиқишни орзу қилади.

43. Семенов. Коммунада безориликка, ишёқмасликка мойил деб ҳисоблашарди. Мактабда яхши ўқирди. Командирлар кенгашида ишлаб чиқаришдан олниниб, ҳужалик қисмига тайинланди. Бу ерда ўзини ажойиб ходим қилиб кўрсатди ва характерини тамомла углади. Ҳозир коммуначиларнинг ҳаммаси уни яхши кўради. Софдил, ҳушмуомала, боодоб ва табиатан жуда меҳрибон... Ғайратчан, тиришқоқ ва ҳар қандай ишнинг тамом бўлишини яхши кўради»¹.

Агар характер хусусиятларини уларнинг пайдо бўлишининг физиологик, табиий асосларидан (гарчи характернинг пайдо бўлиши табиий асослари, шу жумладан, темпераментда намоён бўладиган олий нерв фаолияти типи эътиборга олинмиши керак бўлса ҳам) чиқаришга асос йўқ экан, у ҳолда унинг ирсий келиб чиқишини тасдиқлаш имкониятлари шунчалик кам бўлади.

Ирсий фонди анатомио-физиологик хусусиятлари ўхшаш бўлган бир тухумли эгизакларни ўрганиш эгизакларнинг характери эмас, балки уларнинг темпераменти ёрқин ифодаланган ўхшашлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Ҳар хил оилаларда бир тухумли эгизакларни тарбиялаш ҳоллари улар характерлари-

¹ Макаренко А. С. Характеристики выпускников.— Соч. М., Изд-во АПН, РСФСР, 1957, II том, 440—442-бетлар.

нинг айнан бир хилда эмаслиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Ҳаёти давомида таркиб топадиган, исталган ва бир-бирдан жиддий фарқ қиладиган бир тузумли эгизакларда гуё олдиндан бир хил ҳаваслар, майллар ва характер хусусиятлари ҳақида фикр пайдо бўлаётганлиги муносабати билан оммавий матбуотга силжиб ўтган маълумотлар айрим реакцияларга психологларнинг ва, жумладан, киши шахсининг биологик жиҳатдан боғлиқлигини исботлашга интилаётган инглиз олими С. Бертнинг жўртгага қалбакилаштиришининг натижасидир. Турли хил шароитларда ва ҳолатларда бир хилдаги бошланғич прсий шарт-шароитларда характернинг фақат турли хил эмас, балки қарама-қарши хусусиятлари таркиб топиши мумкин.

Шундай қилиб, *характер — шахснинг ижтимоий муносабатлар системасига, ҳамкорликдаги фаолиятига ва бошқа одамлар билан муомаласига жалб этиладиган ҳамда шу билан ўз индивидуаллигига эга бўлаётган тириклик пайтида эришган нарса-сидир.*

Характер ва кишининг ташқи кўриниши. Характерологик таълимотлар тарихидан

Психология тарихида характерни бош суягининг шаклига, юз тузилишига, қадди-қоматига (танасининг тузилиши структурасига ва ҳоказоларга) боғлиқ қилиб қўядиган ва шу йўл билан характер хусусиятларининг сирини очиш йўлини аниқлаш, яъни айрим ташқи аломатларига қараб киши характерни очиш назариялари озмунча мавжуд эмасди. Характерни аниқлашнинг турли хил системалари амалий эҳтиёжлардан келиб чиқар ва жамиятнинг амалда антик дунёдан буён эҳтиёжларини акс эттирар эди.

Мана, масала, қулдор бозорда қул сотиб олаётиб, унинг жисмоний кучи тўғрисида унинг пайларини пайпаслаб кўриб, ёши ҳақида тишларига назар солиб, элчиллиги тўғрисида югуриб ёки сакраб кўрсатишга кўндириб жуда аниқ хулоса қила оларди. Лекин у ўзининг бўлажак қулнинг характери ҳақида нима дея оларди? У итоатқорми ёки бўйсунмайдиганми, соддадилми ёки айёрми, ишчанми, ишёқмасми? У хўжайинга содиқ бўлиб қоладими ёки, аксинча, бошқаларни исенга келтириб, бир ҳафтадан сўнг қочиб кетадими? Буларнинг ҳаммаси қулдорлик жамияти шароитларида харидор учун озмунча аҳамиятга эга муаммо эмасди.

Арасту ва *Афлотун* киши характерини башарасига қараб аниқлашни таклиф қилган эдилар. Уларнинг характерологияси асосида қанчалик содда бўлса, шунчалик ғаройиб фараз ётарди. Кишининг ташқи кўринишида қандайдир ҳайвон билан ўхшашлик белгисини топш тавсия қилинарди, сўнгра эса унинг характерини ана шу ҳайвоннинг характерни билан айнан бир хил деб қараш керак эди. Жумладан, *Арастунинг* айтиши бўйича, буқаники сингари йўғон бурун ишёқмасликни билдирадди, чўчқаникига ўхшаш тешиклари катта-катта кенг бурун аҳмоқ-

ликни, арслонники каби бурун мағрурликни, эчкилар, қўйлар ва қўёнларники сингари жунининг майинлиги қўрқоқликни, шерлар ва ёввойи чўчқаларники каби жунининг дағаллиги ботирликни англади.

Характерни аниқлашнинг бу ва шунга ўхшаш физиологик системаси акс-садосини биз, масалан, ўрта асрлик сурнялик ёзувчи Абул-Фараж Бар Эбрейда кўрамыз. Унинг китобида шундай кўрсатма мужассамлашгандир: «Иўғон ва калта бўйинли киши бўйвол сингари қаҳр-ғазабга келадиган майлга эга... Узун ва ингичка бўйин қўрқоқлик аломати. Бундай киши бугу сингари ҳуркадиган бўладики... Қайси бирининг бўйни жуда кичик бўлса, бўри сингари маккор бўлади»¹.

XVIII асрда *Иоганн Каспар Лафатер*нинг физиологик системаси машҳур бўлиб кетди. У инсон боши «қалбини кўрсатадиган ойна» бўлиб саналади ва унинг тузилишини, бош суягининг конфигурациясини, имо-ишорасини ўрганиш киши характерини ўрганишнинг асосий йўли деб ҳисоблади. Лафатер таниқли одамлар шахси устидан бир қатор оқилона кузатишлар қолдирди. Улар унинг илмий жиҳатдан мутлақо аҳамиятсиз, лекин жуда қизиқарли «физиогномика» китобида йиғилгандир. Жумладан, олдинга солдат бўлган, сўнгра иезуитларнинг диний ордени асосчисига айланган Игнатий Лойолуни таърифларкан, Лафатер унинг юзи ва лабларининг ўткир контурида жанговарликни кўра олган, «ҳамма нарсани ҳидлаб турадиган» бурнида ва мунофиқона пастга туширилган кўз қовоқларида иезуитчиликни назарда тутган эди. Лафатернинг фикрига кўра, Гётеннинг генийлиги ҳақида энг кўп даражада унинг ...бурни далолат берадики, у «маҳсулдорлигини, таъмини ва муҳаббатини — айтиш мумкинки, поэзиясини қайд этади». Лафатер кузатишнинг бирон-бир илмий методини таклиф қила олгани йўқ ва унинг физиогномикаси ўқилиши осонгина нарса бўлиб қолаверди. (Пастер Лафатерга унинг физиогномик заковати ўзининг тасодифий ҳамсуҳбати, кафандўз-солдатда қотилни кўра олишга ёрдам бермаганлиги диққатга сазовордир. Кафандўз суҳбат чоғида машҳур физиогномистни отиб ўлдирди.)

Лафатернинг ўлимидан кейин кўп ўтмай пайдо бўлган янги характереологик таълимот *френология*² деган ном олди

Френология немис врач *Франц Галл*нинг номи билан боғлангандир. Галл таълимотининг асосида характернинг барча хусусиятлари бош миёя ярим шарларида ўзларининг қатъий ихтиссслашган марказларга эга деган тасдиқ ётади. Бу фазилатларнинг ривожланиш даражаси миёянинг тегишли қисмлари катталигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Галлнинг маслағига кўра, бош суяклари миёянинг қавариқ ва чуқурча жойларига аниқ мос келганлиги учун ҳам, унинг руҳий белгиларини аниқ

¹ Абул-Фараж, Книга занимательных историй. М., 1957, 223-бет.

² Юнонча «Френ» ақл сузидан олинган.

айтиб бериш учун кишининг бош суягига бир назар ташлаш ёки шунчаки бошнинг «бўртиқ жойларини» ушлаб кўриш афтидан етарли бўлса керак.

Бу таълимотда умуман мия ярим шарининг тузилиши шахс хусусиятларига боғлиқ бўлади, деган тўғри бошланғич фикрдан ташқари барчаси ниҳоят даражада нотўғридир.

Галл махсус френологик хариталар тузиб чиқди. Уларда бош суяги юзаси 27 қисмга тақсимланиб, бу участкалардан ҳар бирига маълум бир руҳий сифат, масалан, эҳтиёткорлик ва узоқни ўйлаб иш қилиш, ашаддийлик ва қотилликка мойиллик, айёрлик, доимийлик, қатъийлик ва қайсарлик ва шу кабилар мос келади.

Айни пайтда ҳатто айрим руҳий фазилатлар ва белгилар миянинг эгри-бугри жойларида яшириниб қолган бўлса (бунга асос йўқ) ҳам, уларни бош суягидаги қавариқларда бўлганига қараб аниқлаш амримаҳол бўлур эди. Кўп ўтмай анатомик очишлар миянинг дўнгликларига бош суягининг қавариқлиги бутунлай тўғри келмаслигини ишонарли қилиб кўрсатди. Бош суяги, френологлар ўйлаганидек, миянинг шаклига қараб қуйилмагандир.

Френологик харитани тузишга асос бўлган метод ҳам шу қадар ноилмий бўлиб чиқди. Бунинг учун таниқли одамларнинг скульптура ёки живопись портретлари ўрганилиб, бир томондан, унинг энг буюк қобилиятлари ва характерининг сифатлари ўртасида, иккинчи томондан, бош суякнинг энг катта дўнгликлари ўртасида алоқа ўрнатилди. Бироқ эталон сифатида бошдан охиригача библиядаги Моисей (Мусо пайғамбар), авлиё Антоний, Гомер сингари ишончли тасвири сақланиб қолмаган ва бошқа кўплаб ана шундай афсонавий ва ақл бовар қилмайдиган кишиларнинг портретларидан фойдаланилди. Бунинг натижасида Рафаэлнинг гениаллиги, масалан, буюк расмоннинг бош суяги ўрнида хато тарзда қабул қилинган бир руҳонийнинг бош суяги билан исботланарди. Френология тарихида бундай хатолар тез-тез кўзга ташланиб туради.

Бироқ асосийси барибир бунда эмас. Характер хусусиятлари каби мураккаб психологик хусусиятлар миянинг маълум бир жойларида аниқ жойлашиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввур миянинг катта ярим шарлари иши тўғрисидаги билимларнинг дастлабки босқичини акс эттиради ва сўнги физиологик ҳамда психологик тадқиқотлар билан инкор қилинди.

Психик қобилиятларнинг марказлари тўғрисида Галлнинг афсонавий хомхаёллари ноилмийдир. Лекин унинг миянинг турли хил участкалари психологик хусусиятлар ва процесслар учун жавобгардир, деган ғояси маънодан холи эмасди. Френологиянинг хатолиги очиқ-ойдин кўриниб турганлигидан қатъи назар, унинг умумий материалистик йўналиши муҳим эди. Лекин XIX асрда ва ундан илгарироқ таркиб топган барча ноилмий назариялар ҳозир фақат тарихий қизиқиш туғдиради, холос. Уларга қайтиш учун ҳар қанча уринишлар ва улар билан

киши психологиясида бирон нарсани асослаб бериш реакцияга эга эди.

Ирқчиликнинг ҳозирги вақтдаги идеологлари эскириб қолган физиогномик ва шунга ўхшаш бошқа психологик «назариялар»ни реставрация қилмоқдалар ва киши характерининг хусусиятларини терисининг рангига, сочининг қаттиқлигига ва шу кабиларга боғлиқ қилиб кўйarkan, улар учун «норасо» ва «маънавий жиҳатдан айниётган» деб эълон қилиш фойдали бўлган ирқлар ва халқларнинг вакиллари «норасо» лигини исботлашга ҳаракат қилмоқдалар. Немис фашистлари ҳам маълумки, худди ана шу позицияда туришган эди.

Ҳозирги вақтда на антропология, на анатомия, на психология киши характери гавданинг тузилишига, бош суягининг шаклига, юзининг конфигурациясига, сочлари ва терисининг рангига, оёқ-қўллари ва бармоқларининг узунлигига ва шу кабиларга боғлиқлиги тўғрисида бирон-бир ҳеч қандай ишонарли маълумотларга эга эмасдир.

Киши характерини унинг ташқи кўринишини ўрганиш асосида белгилаш мумкинлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқадими—бу мутлақо ортиқча иш эмасми? Бундан характерни гавданинг тузилиши билан боғламаслик керак деган хулоса қилиш мумкин. Бу ҳақда юқорида гапирилган эди. Балки характер тўғрисида яна аллақандай бошқа ташқи белгилар асосида хулоса чиқариш мумкиндир?

Чарльз Дарвин ўзининг «Одамда ва ҳайвонларда ҳис-туйғуларнинг ифодаланиши тўғрисида» деган китобида ёзган эдики, физиологномист «ҳар бир индивиднинг ўз шахсий қизиқишларига эргшиб, фақат юзларидаги, асосан маълум бир мускулларни қисқартириши, бу мускуллар кучлироқ ривожланган бўлиши мумкинлиги ва шунинг учун бу линиялар ва уларнинг одатдаги қисқаришидан пайдо бўладиган юз қисқариши анча чуқур ва кўзга кўринарли бўлиши мумкинлигини жиддий равишда билиши керак.

Дарвиннинг бу ғоялари кўпгина психологларнинг изланишлари учун асос бўлди. Улар ўзларининг физиогномик таълимотларини юз ифодасининг тавсифланиши ва тушунтирилиши ҳамда унинг юмшоқ тўқималари ҳолати асосига қура бошладилар. Мимикани психологик жиҳатдан тушунтириб берадиган ўзига хос физиогномик маълумотлар тузилди.

Масалан, кўтарилган ва натижада ташқарига қараб очилган юқори лаб, бунинг натижасида бурундан лабларга қараб борадиган ариқча чуқурроқ тус олади, буруннинг қирралари эса юқори кўтарилиб, юзга мотамсаро ифода беради. Бундай юз тузилиш ғамгин, норози ва тез аччиқланадиган характерли одамларга хосдир. Агар устки лаб фақат бир томондан юқорига кўтарилиб турган ва шу пайтда тишларни очиб турган бўлса, бундай ҳолда юзга ғазабни ифодалайдиган шафқатсиз ёки кишининг жигига тегадиган кулги пайдо бўлади. Тез-тез бундай кулги кузатиладиган юз шафқатсизлик ва ёввойлик ифодасини қабул қилади. Лабларининг бурчаклари осилиб кетishi юзга ғамгинлик ифодасини беради, агар кучлироқ тарзда ифодаланса ёмон кўришни бидиради, деб таъкидланар эди. Бунда бурундан лабларнинг бурчагига қараб

кетадиган ариқча узаяди ва тегишли бурчакни эгаллаб, унинг атрофида ажин ҳосил қилади. Бу ёмон кўриш белгиси такабур, гердайган, хусусий фазилатларини тўла ҳис қилган ва бошқалар устидан устунлигини сезган одамларда учрайди, деб ҳисобланади.

Бу кузатишлар маълум маънода Лафатер, Галл ва бошқаларнинг турли хил гаройиб фикр-мулоҳазаларидан фарқ қилади. Афтидан, киши юзидаги оддий ифода билан унинг характери тузилиши ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд. Жумладан, Рокотов, Боровиков, Суриков, Крамской, Репин, Серовнинг мўйқаламига мансуб портретлар, масалан, юз ифодасида киши характерининг қиёфаси ва қиёfachаларини аниқ ифодалаб беради. Репиннинг картинасида малика Софья тошдай қотиб турибди. Териси осилган юз, оғир қараш, оғзи ёнида кучли мускуллар, аччиқ ва шу билан бирга нолигандек кўриниш—ҳаммаси собиқ бутун Руснинг ҳукмрони, сунгра эса Новодевичье монастыри тутқунининг ҳукмрон, қақшатқич ва кучли характери кўрсатади.

Бироқ киши шахсининг одатдаги ифодаси билан унинг характери тузилиши ўртасидаги боғлиқлик қонуний ҳисобланмайди. Юзларнинг у ёки бу хилдаги ифодаси, бурушқлар ва ажиннинг пайдо бўлишига бир эмас, кўплаб сабаблар бўлиши мумкин. Жумладан, физиогномистлар одатда, масалан, бироз туширилган жағда оғизнинг сал очиқлиги аҳмоқлик белгиси деб қайд қилишади. Лекин димоғнинг касаллиги ҳам, карлик ҳам, жиддий эътибор ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Характерни аниқлашда ташқи кўринишни, шу жумладан, киши юзларининг одатдаги ифодасини диққат билан ўрганиш муайян роль ўйнайди. Лекин кишининг ташқи қиёфаси ўзича унинг характери тўғрисида батафсил маълумотлар манбаи бўла олмайди.

Хатти-ҳаракат Характер кишининг ташқи кўринишига таъсир
ва характернинг қиларкан, унинг хатти-ҳаракатларида, хулқ-ат-
шаклланиши ворида, фаолиятида ёрқин ифодасини топади.

Характер тўғрисида аввало одамларнинг хатти-ҳаракатлари асосида ҳукм чиқариш керак. Уларнинг моҳияти ана шу хатти-ҳаракатларда анчи тўлароқ акс этади.

Шарқ мақолида ҳикмат кўп: «Қилиқ эксанг — одат ўрасан, одат эксанг — характер ўрасан, характер эксанг — тақдир ўрасан». Унда инсоний хатти-ҳаракатларга урғу қўйилиши тўғри. Улар такрорланавериб, одатдаги нарса бўлиб қолади, характер хусусиятларида мустаҳкамланади, бу билан унинг моҳиятини ташкил этади, кишининг ижтимоий ҳаётдаги аҳволига ва бошқа одамлар томонидан унга нисбатан муносабатга таъсир қилади. *Одатдаги иш, фаолият за хатти-ҳаракатлар системаси — киши характерининг пойдеворидир.*

Киши ўз моҳиятига кўра фаолдир. Кишилиқ фаолиятнинг структурасига турли хил ихтиёрсиз, автоматлашган ҳаракатлар (мимика, пантомимика, оёқ олиш ва шу кабилар) ҳам, мураккаблиқ даражаси катта ёки кичик бўлган ўйлаб қилинган ҳа-

ракатлар ҳам киради. Маълум бир шароитларда бажарилиши одам учун эҳтиёжга айланадиган иш-ҳаракатлари ва ҳаракатлар, маълумки, *одат* деб айтилади. Энг муваффақиятли портрет ҳам киши характери тўғрисида унинг одатдаги иш-ҳаракатлари ва ҳаракатларидан тўла маълумот бера олмайди.

Бари бир кишининг характери тўғрисида унинг ушбу ихтиёрсиз хатти-ҳаракатлари, шунингдек унинг ташқи қиёфаси хусусиятлари эмас, балки унинг онгли ва атайлаб қилинган хатти-ҳаракатлари ва ишлари ҳал қилувчи, объектив ва шах-шубҳасиз маълумотлар беради. Айнан хатти-ҳаракатларга қараб биз кишининг ўзи нимани англатиши ҳақида ҳукм чиқарамиз.

Чеховнинг Беликовини («Ғилсф бандаси») бир эслайлик.

Агар Чехов Беликовнинг ташқи қиёфасини таърифлаш билан чекланиб ва Беликов ўз фикрини ҳам «шунингдек ғилофга яширишга уринганини» кўрсатмаганидами, агар у ҳаммани ўзининг эҳтиёткорлиги ва худди «ғилофдагидек» мулоҳазалари билан «эҳ, яна бир ҳангома чиқмаса бўлгани» қабилидаги ишлари билан эзиб юборганини кўрсатмаганидами, пировардида, агар у Беликовнинг иши ўнгидан келмагани тўғрисида хабар топмаганида бормиди», у ҳолда Беликовнинг яхши ёки ёмон одам эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмасди: фақатгина пассив-эҳтиёткорлик фаол разилликнинг иккинчи томони ҳисобланади, холос.

Шундай қилиб, характер социал табиатга эга, яъни кишининг дунёқарашига, унинг фаолияти мазмуни ва характерига, у яшаётган ва ишлаётган жамоага, бошқа одамлар билан фаол муносабатларига боғлиқдир.

Характер ва ҳолат¹

Характер — шахснинг атиги бир томони, лекин бу шахс дегани эмас. *Экстремал вазиятда ёки шунчаки танлаш вазиятида қолдирилган киши ҳолатлардан устун бўлишга, шу жумладан, хусусан ўз характерида ҳам юқори кўтарилишга қодирдир.*

Кишининг исталган, шу жумладан, ички, психологик ҳолатларга қаршилик қилиш қобилияти унинг ўзини ўзгартирадиган қудратли кучи борлигини, уни шахс сифатида ривожлантириш негизини намойиш қилади. Шунинг учун кишини пировард тушунтиришга, унинг ҳулқ-атворини олдиндан айтиб беришга ҳар қанча уринишлар принцип жиҳатидан узил-кесил бўлиши мумкин эмас, чунки шахс бундай тушунтиришларни қадрсизлантиришга, уларга қарши ҳаракат қилиши ва бошқача бўлиб қолиши мумкин, яъни фақат ташқи ва ички ҳолатларга мувофиқлиги фойдасигагина эмас, балки ўзи ижтимоий ва умуминсоний жиҳатдан қўлланилиши (ва бу билан шахсий камолоти) фойдасига танлаш ўтказилади.

Шахс бунга қай даражада қодирлигига қараб, унда биринчи

¹ Ушбу кичик параграф А. И. Луньков билан биргаликда ёзилган.

планда конкрет-характерологик эмас, балки ижтимоий ва умуминсоний қадриятлари чиқади ва бунга у қай даражада қодир бўлмаса, шахс одатдаги вазиятларда бошқалардан ажралиб турадиган индивидуал характеристикалари бўлган ўз характери билан чиндан ҳам тамом бўлади.

Бунинг устига одамлар айнан бир хил ҳолатларни ҳар доим ҳам бир хил акс эттирмайдилар. «Қимки, бажаришни истаса — восита излайди, ким истамаса — сабаб излайди». Киши ҳолатлар орасидан ўзи учун аҳамиятли деб ажратганлари ташқи ҳолатлар (вазият даражасида ҳулқ-атвор) билан, шунингдек шахснинг таркиб топган индивидуал хусусиятлари (шу жумладан, унинг характери ҳам) билан белгиланиши мумкин, яъни ички ҳолатлар билан ва, ниҳоят, ҳам ташқи (вазиятга оид), ҳам ички (индивидуал-психологик) ҳолатдан ажралган юксак ижтимоий ва умуминсоний идеалларни ифодалайдиган ва унга таъсир кўрсатадиган ҳаракат субъекти сифатида ўзини англаган ҳолда белгилаши мумкин.

Ташқи ва ички вазиятлар ўзаро биргаликда ҳаракати давомида шахснинг, шу жумладан, унинг характерининг бу ўзгариш жараёни машҳур итальян фильми «Генерал Делла Ровера»да катта бадний куч билан кўрсатилгандир.

«Генуя, 1944 йил. Фашистлар режимининг қайғули вақтлари. Угри ва муттаҳам Бертоне гестапо қўлига тушади. У ватандошларининг бахти қаролигида бойлик орттирарди: қамалганларнинг қариндош-уруғларидан жазони енгиллатиш, қутқариб олиб чиқишга эришиш, гўё ўз дўстлари ва гитлерчи солдат ва офицерлардан иборат шериклари ёрдами билан қаролик ва хатлар ўтказишни ваъда қилиб улардан пул олади. Урушгача у саккиз марта фиррибгарлик, алдамчилик, наркотик модда билан савдо қилгани ва ҳатто қўш-хотинлик учун ҳукм қилинган эди.

Эъзасчи полковник Мюллер турмада Италия территориясида қўниш чоғида ўлдирилган Қаршилик ҳаракатининг йирик арбоби генерал Делла Ровернинг родини ўйнаса Бертоненинг ҳаётини сақлаб қолиши ва бир миллион тилла пул ваъда қилади. Полковник кейинчалик сохта генерални «чақирувчи ўрдак» сифатида фойдаланишни ва унинг ёрдами билан турмага тушиб қолган Қаршилик раҳбарининг шахсини аниқлашни мақсад қилган эди. Унинг юзини ҳеч ким кўрмаган эди.

Бертоне тезлик билан ўз ролининг ташқи киёфасини ўзлаштириб олади. Турма камераларида генералнинг пайдо бўлгани тўғрисида миш-миш тарқалади. Сиёсий маҳбуслар ҳам, назоратчилар ҳам Бертонегга худди генералга, озодлик учун жасур курашчига нисбатан муносабат қилгандек муносабатда бўлишади. Унинг кўз ўнгига маҳбуслардан бири қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Бертоне ватанпарвар ролнга борган сари чуқурроқ кириб боради: аста-секин шахснинг чинакам қайта туғилиши юз берди. Собиқ фиррибгар ва осон бойлик изловчи энди атрофдагилар ўйлаганидек, фашистларни ёмон кўрадиган Италия генерали ўзини қандай тутса, айна шунақа тутади, аммо энди ўзига таниш бўлиб қолган Қаршилик раҳбарини сотмасдан, қаҳрамонларча ҳалок бўлди...» (Коломински) Я. Л. Человек: психология. М., Провсвещение, 1980, 183-бет).

Бу «киномоделда» кишининг ўз тақдирининг жиҳатларини «оқлаш» учун тегишли энг «қулай» индивид даражасидан ўзининг бошқаларга тегишли даражада мувофиқлиги ҳақида онгли равишда қарор қабул қиладиган, анча юксак «жиҳатлари-

га» ва, ўз навбатида, аввалги жиҳатларига тўғри келмайдиган (гарчи ўз ҳаракатини ҳали ҳам давом эттираётган бўлса-да) ва ўзини шу сифатда ҳатто физик ўлими баҳосида тасдиқлайдиган шахс даражасига ички ўтиши кўрсатилган... Шундай қилиб, фақат шаклланаётган хусусиятлар эмас, балки шаклланиб бўлган хусусиятлар ҳам пешонага енгиб бўлмайдиган қилиб битилмаган.

Адабиётлар

- Ковалев А. Г., Мясисhev В. Н. Психологические особенности человека
Т. I. Характер. Л., ЛДУ нашриёти, 1958.
Левитов Н. Д. Психология характера. 3-е изд. М., Просвещение, 1964.
Леонгард К. Акцентуированные личности. Киев, Вища школа, 1981.
Психология индивидуальных различий. Тезисы. МДУ нашриёти, 1982,
172—318-бетлар.

ҚОБИЛИЯТЛАР

V. 18. 1 Қобилиятлар ҳақида тушунча

Икки ўқувчи дарсда тахминан бир хил жавоб беришди. Лекин педагог уларнинг жавобига ҳар хил муносабат билдиради; бирини мақтайди, бошқасининг жавобидан қаноатланмайди. «Уларнинг қобилиятлари ҳар хил,— деб тушунтирди у.— Иккинчи ўқувчи жуда яхши жавоб бериши мумкин эди». Иккитаси институтга қирапти. Бирови имтиҳонлардан ўтди, бошқаси муваффақиятсизликка учради. Бу улардан бирининг қобилиятлари қўлигидан далолат берадими? Абитурientларнинг ҳар бири тайёрланишга қанчадан вақт сарфлагани аниқланмагунча бу саволга жавоб бериб бўлмайди. Билим олишдаги муваффақият фактининг биргина ўзи билан қобилиятни аниқлаб бўлмайди.

Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, кўникма ва малакаларга тааллуқли бўлмайди. Акс ҳолда имтиҳонда қўйилган баҳо, доска олдидаги жавоб, муваффақиятли ва муваффақиятсиз бажарилган контроль ишлар киши қобилиятлари туғрисида қатъий хулоса чиқариш имконини берган бўлур эди. Шу билан бирга психологик тадқиқотлар ва педагогик тажриба маълумотлари гувоҳлик беришича, баъзан дастлаб нималарнидир бажара олмаган ва бу билан теврак-атрофдагилардан унғайсиз ажралиб турган киши таълим олиш натижасида фавқулодда кўникма ва малакаларни тез ўзлаштириб олади ва тездаёқ маҳорат йўлида ҳаммани қувиб ўтади. Унда бошқаларга қараганда зўр қобилиятлар намоён бўлади. Қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда намоён бўлса ҳам, билимлар ва кўникмаларни эгаллаш билан боғлиқ қолмайди. Қобилиятлар ва билимлар, қобилиятлар ва малакалар, қобилиятлар ва кўникмалар айнан бир-бирга ўхшаш эмас.

Малакалар, кўникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Тупроққа ташланган дон ана шу дондан униб чиқиши мумкин

булган бошоққа нисбатан атиги имконият бўлиб ҳисоблангани сингари (лекин уруф тупроқнинг тузилиши, таркиби ва намлиги, об-ҳаво ва бошқалар қулай шароит яратсагина униб чиқади) кишининг қобилияти бу билимлар ва кўникмаларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади, холос. Бу билим ва кўникмалар эгалланадими ёки эгалланмайдими, имконият ҳақиқатга айланадими ёки йўқми, буларнинг ҳаммаси кўплаб шароитларга боғлиқ бўлади. Шарт-шароитлар жумласига, масалан, қўйидагилар кириди: теварак-атрофдаги одамлар (онлада, мактабда, меҳнат коллективда) кишининг бу билим ва малакаларни эгаллаб олишдан манфаатдор бўладими ё йўқми; унга қандай таълим берадилар, ана шу малака ва кўникмалар керак бўладиган ва мустақкамланадиган меҳнат фаолияти қандай ташкил этилади ва ҳоказо.

Қобилиятлар — бу имконият, у ёки бу ишда маҳоратнинг зарур даражаси эса *воқеликдир*. Болада намоён бўлган мусиқий қобилият унинг мусиқачи бўлиши учун бирон бир даражада гаров бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга махсус таълим берилиши, педагог ва бола намоёиш қилган қатъийлик, саломатликнинг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўплаб шарт-шароитлар бўлиши зарур. Буларсиз қобилиятлар ривожланмай турибоқ сўниб кетиши мумкин.

Психология қобилиятлар ва фаолиятнинг муҳим компонентлари бўлмиш билимлар, малакалар ва кўникмаларнинг айнан *бир хиллигини инкор қилар экан*, уларнинг *бирлигини* таъкидлайди. *Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён бўлади*. Агар кишини расм чизишга ўргатишга ҳали уринилмаган бўлса, агар у тасвирий фаолият учун зарур бўлган ҳеч қандай кўникмани эгалламаган бўлса, унинг расм солиш қобилиятлари тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Фақат расм чизишга ва тасвирий санъатга махсус ўқитиш жараёнида ўқувчида қобилиятнинг бор ё йўқлиги аниқланиши мумкин. Бу унинг иш усулларини, ранг муносабатларини қанчалик тез ва осон ўзлаштириб олишида, теварак-атрофимиздаги оламда гўзалликни қўришга ўрганишида намоён бўлади.

Болада ҳали зарур кўникма ва малакалар системаси, мустақкам билимлар, таркиб топган иш усуллари йўқлигига асосланиб, жиддий текшириб кўрмай, *шошилиш* равишда мазкур ўқувчида қобилиятлар йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш педагогнинг жиддий психологик хатоси ҳисобланади. Болалик пайтида кишидаги муайян қобилиятларнинг атрофдагилар томонидан тан олинмаганлиги, кейинчалик уларни янада ривожлантириш муносиб шон-шухрат келтирганлиги ҳоллари кўплаб учрайди. Альберт Эйнштейн ўрта мактабда унча яхши ўқимаган ўқувчи ҳисобланар ва унинг келажакда гениаллигидан, афтидан, ҳеч нарса далолат бермас эди.

Бир томондан, қобилиятларнинг ва, иккинчи томондан, кўникма, билим ва малакаларнинг бирлиги нимада ифодаланади? Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади, яъни, бошқача қилиб айтганда, мазкур фаолият учун муҳим бўлган билимлар ва кўникмаларни эгаллаш жараёни турли тенг шароитларда қанчалик тез, чуқур, осон ва мустақкам амалга оширилишида намоён бўлади.

Худди ана шу ўринда юзага чиқадиган фарқлар бизга қобилиятлар ҳақида гапириш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир. Агар шахснинг маълум сифатлар йиғиндиси одамнинг педагогик жиҳатидан асосланиб берилган вақт ичида эгалланган фаолияти талабларига жавоб берса, бу нарса бизга унда мазкур фаолиятга қобилият борлиги тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлади. Агарда бошқа киши худди шунақа бошқа шароитларда унинг олдига фаолият рўбарў қилаётган талабаларнинг уддасидан чиқа олмаса, унда тегишли психологик сифатлар, бошқача сўзлар билан айтганда, қобилиятлар йўқ деб тахмин қилишга асос бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай одам зарур кўникма ва билимларни умуман эгаллай олмайди, деган маъно келиб чиқмайди. Бу кўникма ва билимларни эгаллаш чўзилиб кетади, педагоглардан анча зўр бериш ва вақт сарфлашни талаб қилади, натижаси нисбатан оз бўлса ҳам фавқулодда кўп куч-ғайрат сарфлашни ва шу кабиларни талаб қилишини билдиради. Бу ҳол бироз вақт ўтгач, шунингдек, қобилиятларнинг ривожланиши мумкинлигини ҳам инкор этмайди.

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар бўлиш билан бирга уларни шахснинг бизга маълум бошқа хусусиятлари ва хислатларига — ақл-идрок фазилатларига, хотира, характернинг ўзига хос хусусиятларига, эмоционал хусусиятларга ва шу кабиларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди, лекин улар билан бир қаторга қўйилиши мумкин. Агар у фазилатлардан биронтаси ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб бермаса ёки ана шу талаблар таъсири остида шаклланса, ундай пайтда бу шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини қобилиятлар деб ҳисоблаш учун ҳам асос бўлади.

V. 18.2. Қобилиятларнинг сифат ва миқдор характеристикаси

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиладиган белгилари сифатида таърифланади.

«Ҳар кимдан қобилиятига яраша...» — мамлакатнинг социалистик жамиятда ҳам, коммунистик жамиятда ҳам ҳар бир гражданидан нимани кутаётганлиги ана шу формула билан белгиланади. Шу билан бирга худди ана шу формула ҳар кимдан бир хил натижалар кутиш мумкин эмаслигини, одамлар ўз хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишини ҳам билдиради.

Тажриба ва ақл-идрок кишиларнинг тенг эмаслигини кўрсатади деганларида, кишилардаги қобилиятларнинг тенг бўлишини ёки жисмоний ва руҳий хислатларининг бир хил бўлишини тенглик деб тушунадилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бу жиҳатдан кишилар тенг эмас. Ана шунинг учун ҳам қобилиятлар ҳақида гап кетганда, бу фарқларни характерлаб ўтмоқ керак. Улар сифатли ва миқдорий бўлишлари мумкин. Педагог учун ўқувчининг қобилиятлари нимага нисбатан намоён бўлишини ва, бинобарин, ўқувчи шахсининг қандай индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият жараёнига муваффақиятнинг мажбурий шарти сифатида кiritилишини (қобилиятларнинг сифат характеристикаси) ҳамда ўқувчи фаолият томонидан қўйилган талабларни қай даражада бажариш қобилиятига эгаллигини, бошқаларга нисбатан малака, кўникма ва билимларни қанчалик тез, осон ва мустаҳкам эгаллай олишини (қобилиятларнинг миқдорий характеристикаси) билиш ҳам муҳимдир.

**Қобилиятларнинг сифат хара-
ктеристикаси** Қобилият хусусиятларининг сифат томонидан қаралиши мақсадга турли йўللار билан боришга имкон берадиган «ўзгарувчан миқдор» тўплами каби фаолият муваффақиятини таъминловчи инсон психологик хусусиятларининг мураккаб комплекси сифатида намоён бўлади. Буни ташкилотчилик қобилиятларини намоён бўлишининг конкрет мисолида кўрсатамиз.

Ўқитувчилар ҳаддан ташқари ташкилотчилик қобилиятларига эга киши сифатида таърифлашган IX синф комсорги Николай В. да қуйидаги психологик фазилатлар комплексини — ташаббускорлик, талабчанлик билан оқилона қўшиб олиб бориладиган одамларга нисбатан меҳрибонлик ва диққат-эътибор, кузатувчанлик, болаларнинг характерлари, қизиқишлари ва имкониятларини аниқлаб олиши ва бу ишни қилиш истаги, ихтирочилиги, жамоа олдида масъулиятни чуқур ҳис қила билиши, яъни «тирсак ҳисси» деб аталадиган яқинлик ҳисси, шахсий жозоба ва шу каби хусусиятларни кўриш мумкин. Николай В. нинг қобилиятлари бошқа ташкилотчиларнинг қобилиятларига қараганда фақат яхши, катта бўлибгина қолмай, балки айрим бошқа ёшлар етакчиларининг қобилиятларидан сифат жиҳатидан ажралиб туради. Уша мактабнинг VIII синфида жуда кўп фоят шубҳали ишларнинг ташаббускори Виктор Д. ҳам бор. У ҳам ажойиб ташкилотчи, аммо бутунлай бошқа типдаги ташкилотчилардан. Унинг ташкилотчилик қобилиятлари бошқача психологик фазилатлар комплексини ташкил қилади: шафқатсизлик, ўз компаниясидаги ҳар бир аъзонинг заиф томонларига тега билишга тайёрлик, уддабуронлик, амалпарастлик, доимий ғурурлик билан қўшилиб кетган бебош дадиллик ва бошқалар.

Шундай қилиб, қандайдир фаолиятни бажаришдаги бир хил ёки нимаси биландир ўхшаш ютуқлар асосида жуда хилма-хил қобилиятлар бирикмаси ётиши мумкин. Бу бизнинг кўз ўнгимизда шахс қобилиятларининг муҳим жиҳатини очиб беради: киши сабот ва қатъият билан меҳнат қилиб, ўзида кенг ривожлантирадиган бир хусусиятнинг ўрнини иккинчи хусусият билан тўлдириш, яъни *компенсация қилиш* имкониятларини очиб беради.

Кишининг қобилиятларида мавжуд компенсаторлик имкониятлари масалан, кўриш ва эшитишдан маҳрум бўлган одамларни махсус тарбиялашда ёрқин намоён бўлади.

Совет педагоги ва психологи *И. А. Соколянский* илк ёшида куриш ва эшитишдан маҳрум бўлган кўр-кар Ольга Ивановна Скороходовага таълим берган. Натижада Скороходовада фақат илмий ходимлик қобилиятигина¹ эмас, балки адабий қобилият ҳам намоён бўлган ва ривожланган. А. М. Горький унда қобилиятларнинг борлигини тан олган, О. Скороходова билан хат ёзишиб ва унинг тақдирини ҳал этишда иштирок этиб турган. Уқитишнинг тўғри системаси ва О. И. Скороходованинг беқиёс меҳнати унда анализаторларнинг туйиш, хидлаш, тебранишни сезиш аъзоларини юксак даражада сезишни таъминлайдиган сезгирлигини ривожлантиришга ва бу билан маълум даражада етишмайдиган қобилиятларнинг ўрнини босиш имконини берди.

Бир қатор бошқа мисоллар ҳам худди ана шунинг ўзидан далолат беради. Совет психологи *Б. М. Теплов*нинг кўрсатишича, абсолют эшитишдек муҳим музика тинглаш қобилияти йўқлиги профессионал музика қобилиятини ривожлантириш йўлида ғов бўла олмайди. Абсолют эшитишга эга бўлмаган текширувчиларда оҳанглارни фарқ қилиш, музика товуши оралиқларини эсда сақлаб қолиш ва шу қабиларни ўз таркибига олган сифатлар комплексини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган, яъни бошқа одамларда товушларнинг паст-баландлигини фарқ қилишни бажарадиган абсолют эшитиш вазифасини ўз зиммасига олган.

Бир қобилиятни бошқа бир қобилиятни ривожлантириш ёрдами билан компенсация қилиш хусусияти ҳар бир одам олдида касб танлаш ва унда такомиллаштириш чегараларини кенгайтирган ҳолда битмас-туганмас имкониятлар очиб беради.

Умуман олганда, қобилиятларнинг сифат жиҳатидан характеристикаси инсонга меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (конструкторлик, педагоглик, иқтисодчилик, спорт ва бошқаларда) осонлик билан ўзини топа олади, катта ютуқларга ва муваффақиятларга эришади деган саволга жавоб топиш имкониятини беради. Бу билан қобилиятларнинг сифат характеристикаси уларнинг миқдорий характеристикасига узвий боғлиқдир. Қандай конкрет психологик фазилатлар мазкур фаолият талабларига жавоб беришини аниқлагандан кейин, қайси психологик фазилатлар кишида қай даражада ривожлангани у

¹ Скороходова О. И. Как я воспринимаю, представляю и понимаю окружающий мир. М., Педагогика, 1972.

билан бирга ишлаётган ва ўқийётган ўртоқларига нисбатан кўп ёки оз даражада ривожлангани тўғрисидаги саволга жавоб бериши мумкин.

Қобилиятларнинг миқдор характери-каси

Психологияда қобилиятларни миқдор жиҳатдан ўлчаш муаммоси катта тарихга эгадир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қатор буржуа психологлари (*Кеттел, Термен, Спирмен* ва бошқалар) оммавий ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлган талаблар таъсири остида таълим олаётганларнинг қобилият даражасини аниқлашни таклиф қилиб чиқдилар. Бу билан шахснинг мартабалик даражасида тугган ўрнини ва унинг у ёки бу меҳнат фаолиятида, олий ўқув юртларида таълим олишида, ишлаб чиқаришда, армияда ва ижтимоий ҳаётда раҳбарлик лавозимларини олишга лаёқатларини аниқлаш таҳмин қилинган эди.

Бироқ қобилиятларни миқдор жиҳатдан баҳолаш проблемаси буржуазия жамияти шароитларида пайдо бўлиш давридан эътиборан икки хил характер касб этди. Бир томондан, у меҳнаткаш кишининг реал имкониятларини ва унинг амалда конкрет меҳнат фаолиятига лаёқатлилигини объектив равишда аниқлашга ваъда бердики, бунингсиз амалда иш (*касб танлашга йўллаш*) учун лаёқатли кишини топиш ва бу ишга лаёқатли кишиларни танлаш (профотбор) қийин бўлур эди. Меҳнат фаолиятида инсон омили (яъни реал инсон ва унинг қобилиятлари) эътиборга олинмайдиган олдинги даврга нисбатан қобилиятлар психологиясида миқдорий тадқиқотлар ғоясининг илғорлиги ана шундадир. Бошқа бир томондан, капиталистик тузум шароитларида пайдо бўлган бу ғоя буржуа олимлари томонидан махсус усуллар ёрдамида қобилиятларнинг бир мунча юқори даражасини «аниқлаган» ҳукмрон синф намояндаларининг имтиёзли аҳволини психологик жиҳатдан асослаш учун фойдаланилди. Буржуа жамияти шароитларида социал зулм ва камситиш қуролига айланган қобилиятларни миқдор жиҳатидан ўлчаш принципининг конкрет татбиқ қилинишининг реакционалиги мана шунда ифодаланади.

Уша пайтларда қобилиятларни ўлчаш усули сифатида *ақлий истеъдод тестлари*дан фойдаланилди. Улар ёрдамида қатор мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия ва бошқаларда) қобилиятларни аниқлаш ва мактабларда ўқувчиларни саралаш, армияда офицерлик вазифасини, саноатда раҳбарлик лавозимини эгаллаш ва бошқалар амалга оширилади. Масалан, Буюк Британияда университетга кириш ҳуқуқини берадиган грамматика мактаблари деб аталган мактабларга қабул қилиш тест синови натижаларига кўра амалга оширилади.

Ақлий истеъдод тестлари мазмун жиҳатидан қатор саволлар ва масалалардан ташкил топгандир. Уларни ечиш муваффақияти (сарфланган вақтни ҳисобга олиб) балл ёки очколар йиғиндиси билан ҳисобланади. Мана, масалан, ўн бир ёшлик болаларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаш учун инглиз мактаб-

ларида қўлланилган тест. Синалувчига қуйидаги саволни беришади: «Петр Жеймсга қараганда баландроқ, Эдвирд Петрдан пастроқ. Ҳаммадан кўра ким баланд?» ва қуйидаги керакли жавобнинг тагини чизиб қўйиш талаб қилинади: «1) Петр; 2) Эдвард; 3) Жеймс; 4) Айта олмайман». Бошқача тест: синалувчи берилган бешта сўздан бошқаларига камроқ ўхшайдиган биттасини танлаб олиши керак: «қизил, яшил, кўк, ҳўл, сариқ»; «ёки, аммо, агар, ҳозир, гарчи» ва шу кабилар. Одатда тестлар мураккаблигига кўра ортиб борадиган тестлар тўпламига жамланади. Тестлар орасида фақат сўзлар орқали ўтказиладиган (вербал) синовлар бўлмай, балки ҳар турли «лабиринтлар», «бош қотирмалар» ва шу каби синовлар бўлиши мумкин.

Болалар тестлар тўпلامي бажариб бўлганларидан кейин уларнинг натижаларини стандартлаштирилган йўл билан, яъни ҳар бир синалувчи олган очколар миқдорини ҳисоблаш билан шуғулланишади. Бу ақлий истеъдод коэффициентини (IQ) деб аталмиш нарсани аниқлаш имконини беради. Аниқлаш чоғида, масалан, ўн бир ярим яшар болалар учун олинган ўртача очколар йиғиндиси 120 га яқин келиши керак. Бундан шундай бир «оддий» хулоса чиқарилади, 120 очко тўплаган ҳар қандай бола ўн бир ярим ёшли ақл ёшига эга бўлади. Ана шу асосда ақлий истеъдод коэффициентини ҳисоблаб чиқилади:

$$IQ = \frac{\text{ақл ёши} \times 100}{\text{боланинг ҳақиқий ёши}}$$

Агар, масалан, тест синовлари ўтказиш натижасида иккита бола (ўн ярим ва ўн тўрт яшар) бир хил (120) очколар йиғиндиси тўпласа ва шундай қилиб уларнинг ҳар бири ўн бир ярим ёшга тенг ақл ёшига барабар бўлса бундай пайтда болаларнинг ақлий истеъдоди коэффициентини қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$\text{биринчи боланинг } IQ = \frac{11,5 \times 100}{10,5} \approx 109,5$$

$$\text{иккинчи боланинг } IQ = \frac{11,5 \times 100}{14} \approx 82,1.$$

Буржуа психологлари таъкидлаганларидек, ақлий истеъдод коэффициентини қобилиятларнинг миқдорий характеристикасини аниқлар эмиш, тўғрироғи қандайдир, ўзгармас, ҳар томонлама ақлий истеъдодини ёки умумий интеллектини (general intelligence) намоён қилар эмиш.

Лекин илмий психологик таҳлил шуни кўрсатадики, ақлий истеъдоднинг бу коэффициентини функция ҳисобланади. Ҳақиқатда эса, юқорида тасвирланган усуллар йиғиндиси кишининг интеллектуал қобилиятларини аниқлайдигина эмас, балки юқо-

рида таъкидлаб ўтилганидек, унда у ёки бу маълумотларнинг, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги билан қобилиятларни аралаштириб юбормаслик керак. Қобилиятларнинг моҳиятини ташкил этадиган билимлар ва малакаларни эгаллаш динамикаси бунда аниқланмай қолаверади. Бунинг устига, равшанки, ўқитувчилар, репетиторлар ёки ота-оналар томонидан махсус тайёрланган ўқувчилар энг яхши натижаларга эришади. Бу эса оиланинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади. Шу тариқа ақлий истеъдоднинг психологик жиҳатдан асосланмаган текстлари капиталистик жамият ҳукмрон синфларининг қўлида ижтимоий камситиш воситасига айланади (инглиз грамматика мактабларининг асосини аҳолининг мулкдор қатлами болалари ташкил этиши диққатга сазавордир).

Айтилганларнинг ҳаммасидан қобилиятларнинг миқдорий характеристикаси ва ўлчаниши мумкин эмаслиги, турли диагностика усуллардан, тестлар ва текширишлардан фойдаланиш атайлаб қилинаётган ноўрин нарсадир деган маъно келиб чиқмайди. Ақлий қобилиятлардаги туғма нуқсонлар туфайли миянинг тараққиёти одатдаги мактабда ўқиш имконини бермайдиган болаларни танлаб олишда ҳам, математикага қобилияти зўр болаларни ихтисослаштирилган мактабда ўқиш учун танлашда ҳам, учувчи ва комонавтларни танлаб олишда ҳам ва шу кабиларда қобилиятлар даражасини аниқлаш долзарб масала бўлиб қолаверади. Мана шу маънода на қисқача синовлар, на уларнинг натижаларини миқдор ҳисобида ифодалашга уринишлар эътироз келтириб чиқармаслиги мумкин эмас. Қобилиятларни ўлчашда ёрдами тегадиган тестлар яшаш ҳуқуқига фақат шу тақдирдагина эга бўладиларки, агарда улар илмий характерга эга бўлиб, ва энг аввало, тадқиқотчига унинг ўзи айнан қобилиятни ўрганаётганлиги аниқ маълум бўлганда, балки билимлар, малакалар ва кўникмалар эмас, айнан қобилиятларни ўрганаётганлиги аниқ бўлган тақдирдагина эга бўлади.

Атоқли совет психологи Л. С. Виготский асосланмаган ақлий истеъдод тестларидан фойдаланишни танқид қилиб бундай деб кўрсатиб ўтган эди. Агар бола унга тавсия этилган масалани еча олмаса, ундай пайтда бу фактнинг ўзи ҳали боланинг қобилиятлари туғрисида ҳеч нарса билдирмайди. Бу, масалан, шу нарсадан далолат берадики, бола тегишли билим ва қобилиятларга эга эмаслиги ва шунинг учун ҳам мустақил равишда керакли ечиш йўлини топа олмаслиги мумкин. Бироқ боланинг ақлий тараққиёти ўз-ўзича амалга ошмайди, балки таълим-тарбия жараёнида, яъни катталар билан доимий мулоқотда юз беради. Шунинг учун ҳам бола ҳали ўзи қила олмайдиган ишни катталар ёрдами билан бажариши мумкин. Демак, у эртага мустақил ишлашни ўрганиб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда Л. С. Виготский шунчаки бир марталик тадқиқот ўтказиш билан чекланмасликни, балки икки марта тадқиқот ўтказишни таклиф қилди. Биринчи галда масалани бола мустақил равиш-

да қандай ҳал қилишини аниқлаган ҳолда, иккинчи марта эса катталар ёрдамида қандай ҳал қилишини аниқлади. Масаланинг мустақил ҳал қилинишига қўйилган баҳо эмас, балки мустақил ҳал қилиш билан катталар ёрдамида ҳал қилиш натижалари ўртасида фарқ боланинг қобилиятларини умумий баҳолашнинг муҳим таркибий қисмига айланади. Агар бола ўз тенгдошлари учун осон бўлган масалани на мустақил равишда, на катталар ёрдамида еча олмаса, ундай ҳолда унинг қобилиятлари етарли даражада юксак даражада эмаслиги ҳақида гапирish учун асос бўлади. Қобилиятлар даражасини аниқлашнинг юқорида тасвирланган йўли Л. С. Виготский томонидан яқин келажак тараққиёт зонасини аниқлаш методи деб белгиланди.

Қобилиятлар кишининг конкрет фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди, балки уларнинг таркиб топиши таълим ва тарбия жараёнида содир бўлади. Демак, қобилиятларни аниқлашнинг энг ишончли йўли — бу таълим жараёнида боланинг ютуқлари динамикасини аниқлашдан иборатдир. Боланинг қандай қилиб катталар ёрдами билан билим ва кўникмаларни эгаллашларига, бундай ёрдамни қандай қилиб ҳар хил қабул қилишларига қараб (бир хил болалар бундай ёрдамни олишларига қарамай жуда секинлик билан олға силжийдилар, бошқалар эса худди шундай шароитларда сезиларли ютуқларга эришганликларини кўрсатадилар) қобилиятларнинг катталиги, кучи ва заифлиги ҳақида асосланган хулосалар чиқариш мумкин. Агар қатъий илмий талабларга мос равишда тузилган психологик тестларда киши тараққиётининг муҳим шароитларини моделлаштиришга эришилса ва билим ҳамда кўникмалар эгаллаш динамикаси пайқаб олинса, бундай синашлар киши қобилиятларини етарли даражада тезлик билан ўлчаш ва миқдор даражасини ифодалаш ва бу билан амалиётга ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бироқ тестлардан ҳаминша шахсни ўрганишнинг бошқа методлари билан қўшиб фойдаланиш лозим.

V. 18.3. Қобилиятлар структураси

Киши эгаллаб оладиган фаолият (меҳнат, ўқиш, спорт ва шу каби фаолиятлар) унинг психологик фазилатларига (ақлий хусусиятларига, эмоционал-иродавий соҳаларига, сенсомоторикасига) юксак талаблар қўяди. Бу талабларни қандайдир битта сифат, ҳатто у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган бўлса ҳам, қондира олмайди. Алоҳида олинган битта психик хусусият фаолиятнинг юксак маҳсулдорлигини таъминлай олади, бутун қобилиятларнинг эквиваленти сифатида намоён бўлади деган фикр илмий ҳақиқатга тўғри келмайдиган фикрдир. Қобилиятлар мураккаб структурага эга бўлган психик фазилатлар йиғиндисидан иборатдир.

Қобилиятлар ва фаолият

Қобилият сифатида намоён бўладиган фазилатлар йиғиндисининг тузилиши оқибат натижада конкрет фаолият талаблари билан белгиланади ва фаолиятнинг ҳар хил турлари учун турлича булади.

Масалан, мавжуд маълумотларга кўра, математикага бўлган қобилиятларнинг тузилиши бир қатор хусусий қобилиятларни ўз ичига олади: математик материалларни умумлаштириш қобилияти, математик мулоҳаза юритиш жараёнини ва тегишли математик ҳаракатларни қисқартириш қобилияти (изчил кўп табақали мулоҳазалар қисқача алоқалар билан алмаштирилади, масалани идрок қилиш ва унинг натижалари ўртасидаги бевосита алоқа ўрнатишга қадар иш олиб борилади), фикр юритиш жараёнининг қайтарилиш қобилияти (яъни тўғри фикр юритишдан тескари фикр юритишга осонлик билан ўта олиш қобилияти), математик масалаларни ҳал қилиш чоғида фикрлаш жараёнининг эпчиллиги ва шу кабилар. Адабий қобилиятларнинг тузилиши эстетик туйғуларнинг юксак тараққий этган даражасини хотирада ёрқин кўргазмали образлар мавжудлигини, тил ҳиссини, бой фантазияни, одамлар психологиясига нисбатан зўр қизиқишни, ўз-ўзини ифодалаш эҳтиёжини ва шу кабиларни тақозо қилади. Муסיқий, педагогик, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва жуда кўп қобилиятлар тузилиши ўзига хос характерга эгадир. Ҳатто бир хил компонентларни бошқалари билан компенсация қилиш ва алмаштириш борасида кенг имкониятлар мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, таълим жараёнида қобилиятларни ҳисобга олишга даъват этилган ва агарда улар йўқ бўлиб қолганда ёки етарли даражада ифодаланмаган тақдирда зарурий сифатларни таркиб топтирадиган педагог учун профессионал ёки махсус қобилиятларнинг узига хос тузилишини билиш жуда ҳам муҳимдир.

Конкрет қобилиятлар структурасини ташкил этадиган шахс ҳислатлари ва хусусиятлари орасида баъзи бирлари етакчи ўринни эгалласа, баъзи бирлари ёрдамчилик ролини ўйнайдилар. Жумладан, педагогик қобилиятлар тузилишида педагогик одоби, кузатувчанлик, болаларга муҳаббат, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бориладиган билим беришга эҳтиёж, ёрдамчилик тарзида шулар жумласига кирадиган бир қатор ташкилотчилик қобилиятлари комплекси ва бошқалар етакчи фазилатлар ҳисобланади. Ёрдамчи фазилатларга қўйидагилар қиради: артистлик, нотиқлик маълумотлари ва бошқалар. Мутлақо равшанки, педагогик қобилиятларнинг ҳам етакчи, ҳам ёрдамчи компонентлари таълим ва тарбиянинг муваффақиятини таъминлайдиган бирликни ҳосил қилади ва шу билан бирга педагог шахси ва унинг хусусиятлари билан боғланган индивидуаллаштиришни ташкил қилади.

Умумий ва махсус қобилиятлар

Ҳар турли қобилиятларнинг конкрет психологик характеристикасини ўрганар эканмиз, биз бу қобилиятларда биргина эмас, балки жуда кўп турдаги фаолият талабларига жавоб берадиган умумийроқ фазилатларни ва бундан ташқари ушбу фаолиятнинг бир мунча торроқ доиралари талабларига жавоб берадиган махсус фазилатларни ажратишимиз мумкин. Айрим индивидлар қобилиятларининг тузилишида бу умумий фазилатлар ғоят ёрқин ифода-

ланган бўлиши мумкин, бу эса ҳар томонлама қобилиятлар борлиги тўғрисида, турли хил фаолиятлар, касблар ва машғулотларнинг кенг соҳаларига доир умумий қобилиятлар борлиги тўғрисида гапириш имконини беради. Айрим буржуа психологлари томонидан фақат ақлий истеъдод тестларини қўллаш натижасида очиладиган хаёлий омил сифатидаги қандайдир, *general intelligence*, яъни умуман истеъдод, улар ажратганлари каби бу умумий қобилиятлар ва фазилатлар махсус қобилиятлар ёки сифатларга зид қилиб қўйилмаслиги керак.

Қобилиятлар ва одамларнинг типологияси Шахснинг умумий қобилиятлари ёки умумий фазилатлари уларнинг тўлақонли конкрет психологик қўринишлари бўлиб, уларни тадқиқ қилишга психологлар аллақачон киришган. Конкрет фаолият шароитларида қобилият сифатида намоён бўладиган шахснинг бундай умумий фазилатлари жумласига одамларнинг уч типидан биттасига мансублигини кўрсатадиган индивидуал-психологик фазилатлар киради. И. П. Павлов асарларида улар «бадий», «фикрловчи» ва «ўрта» типлар деб қайд қилинган эди. Мазкур типология кишининг олий нерв фаолияти унда *иккита сигнал системаси* борлиги билан белгиланишига мувофиқ таълимот билан боғлангандир: биринчи сигналлар системаси образли, эмоционал ва иккинчиси ана шу образлар ҳақида сўзлар орқали сигнал бериш билан боғлиқ, яъни сигналларнинг сигнали билан боғлиқ.

Киши психик фаолиятида биринчи сигналлар системаси сигналларининг нисбатан устунлиги унинг бадий типга, сигналлар сигналининг нисбатан устунлиги фикрловчи типга, сигналлар ваколатининг тенглиги одамларнинг ўрта типга мансублигини белгилайди.

Бадий тип учун бевосита таъсирот, жонли тасаввур, эмоциялар натижасида ҳосил бўладиган образлар ёрқинлиги хосдир. Фикрловчи тип учун мавҳумлик, мантиқий тузилмалар, назарий мулоҳазалар устунлиги хосдир. Кишининг бадий типга мансублиги ҳеч маҳал унинг азалдан санъаткорлик фаолиятига мансублигидан далолат бера олмайди. Бу ўринда бошқа бир нарса равшан: бу тип вакили учун таъсиранувчанлик, ҳодисаларга эмоционал муносабатда бўлиш, фантазияда образлилик, тетиклик талаб қиладиган фаолиятни бошқаларга нисбатан осонроқ ўзлаштириш хосдир. Кўпчилик санъаткорлар (тасвирий санъат намоёндалари, ҳайкалтарошлар, музикачилар, актёрлар ва бошқалар) ана шу типнинг озми ёки кўпми ифодаланган хислатларига эга эканликлари тасодифий эмас. Фикрловчи тип фазилати абстракт материал, тушунчалар, математик ифодалар ва бошқалар билан ишлашга боғлиқ бўлган фаолиятнинг анча яхшироқ ривожланиши учун шароит яратади. Бир қатор конкрет машғулотлар (математика, философия, физика, тилшунослик ва шу кабилар) айнан шу фаолиятни муваффақиятли эгаллашнинг дастлабки асоси сифатида худ-

ди шу фазилатларни талаб қилиши мумкинлигини тушуниш қийин эмас.

Кишининг бадий типга мансублиги унинг интеллектуал фаолияти заифлигини, ақли камлигини билдирмаслигини қайд қилиб ўтиш зарур. Бу ўринда гап психиканинг образли компонентлари фикрловчи компонентлар устидан *нисбатан устунлиги* ҳақида борапти.

Умуман кишида иккинчи сигналлар системаси биринчи сигналлар системасидан устунлик қилади ва бу устунлик абсолют характерга эгадир. Чунки одамларнинг меҳнат фаолиятида тил ва тафаккурнинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга ва кишининг оламни акс эттириш жараёни унинг сўзлар билан ифодаланган фикрлари воситасида амалга оширилади.

Биобарин, биринчи сигналлар системаси абсолют устунлигига худди ҳеч қандай тафаккур ёрдамида тартибга солиб бўлмайдиган ва бошқариб ҳам бўлмайдиган тушларимизда уларнинг жушқин эмоционаллиги ва батартиб ифодалилиги билан учрашамиз.

Сигналлар системасидан биттасининг *нисбий устунлиги* нимани англатади? Агар иккинчи сигналлар системаси абсолют устунлигини математик тарзда, иккинчи сигналлар системасини C_2 , биринчи сигналлар системасини C_1 билан белгиласак, унда улар ўртасидаги нисбат қуйидагича кўринишга эга бўларди: $C_2 > C_1$. Биринчи сигналлар системасининг иккинчи сигналлар системасидан (бадий типдан) *нисбий устунлигини* шундай ифодалаш мумкин: $C_2 > C_1 + m$ (бу ерда m — мазкур тип намоёндаларининг дунёни эмоционал ва образли қилиб билиш структуравий хусусиятлари жиҳатидан ажралиб турадиган белгисидир). Ўз навбатида кишининг фикрловчи типи мана бундай ифодаланиши мумкин: $C_2 + n > C_1$ (бу ерда n — мазкур тип намоёндаларининг бошқа ҳамма типларидан ажратиб турадиган дунёга мавҳум муносабатда бўлишнинг структуравий хусусиятидир).

Математик боғлиқлик маълумотлари бир сигнал системасининг бошқа сигнал системаси устидан нисбатан устунлигини абсолют устунлик билан аралаштириб юбормаслигини кўра олиш имконини беради.

Бундан, масалан, шу нарса аниқ равшан бўладики, «бадий тип» вакиллари, гарчи айрим специфик хусусиятлари билан фарқ қилса ҳам, бошқа иккита типга мансуб одамлардан кам ривожланган интеллектга эга эмас.

Демак, шахснинг мазкур фаолиятга тайёрлиги сифатидаги ҳар бир конкрет қобилиятлар структураси ўзининг анча мураккаблиги билан ажралиб туради ва таркибига шундай фазилатлар комплексини мужассамлаштирадидики, улар орасида етакчи ва ёрдамчи, умумий ва махсус фазилатлар бўлади.

V. 18.4. Истеъдод, унинг пайдо бўлиши

**Истеъдоднинг
ижтимоий-тари-
хий табиати**

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб аталади. Истеъдод бу кишига қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасидир.

Қобилиятлар каби истеъдод ҳам фақат ижодиётда юксак маҳоратга ва анчагина муваффақиятларга эришиш имкониятидан иборатдир. Оқибат натижада ижодий ютуқлар одамларнинг ижтимоий-тарихий ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Агар жамият истеъдодли одамларга муҳтож бўлса, агар бундай кишиларнинг ривожланиши учун шароит яратилган бўлса, бу ҳолда бундай одамларнинг пайдо бўлиш имконияти туғилади.

Мана шунинг учун фан, санъат ва ижтимоий ҳаётда анчагина қадриятларни яратишнинг потенциал имконияти билан бу имкониятларни жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти маҳсулоти сифатида амалга ошириш ўртасида тенглик аломатини қўйиш мумкин эмас. Кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига асосланган ижтимоий формациялар тарихи шундан далолат берадики, кўп сонли истеъдодлар таркиб топиши учун зарур бўлган социал-иқтисодий шарт-шароитларнинг йўқлиги сабабли ривожланмай қолиб кетди. Капиталистик жамият (худди ўзидан олдинги феодал ва қулдорлик жамиятлари каби) эзилган синфларнинг кўпчилик намоёндаларида истеъдоднинг ривожланиш йўлини бекитиб қўяди.

Истеъдодларнинг уйғониши ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқдир. Маълум қобилиятларнинг тўла-тўқис ривожланиши учун нақадар қулай шароитларнинг мавжуд бўлиши давлат олдида турган конкрет вазифаларнинг хусусиятларига ва давр эҳтиёжларига боғлиқ. Уруш йилларида саркардалик истеъдодлари юшқин ривожланади, тинчлик даврида инженерлик, конструкторлик ва шу каби истеъдодлар ривожланади.

Ўзидан олдинги барча ижтимоий формацияларга қарама-қарши ўлароқ, социалистик жамият ҳар бир граждан учун унинг қобилиятлари ва истеъдодлари ҳар томонлама ривожланишига тўла имконият яратиб беради. Бу имконият халқ маорифи системаси билан, фан ва маданият тараққиётининг юксак даражаси билан, халқнинг бутун ижтимоий ҳаёти тартиби билан таъминланади. Кишиларнинг фан ва техника тараққиёти соҳасидаги гоят катта ютуқлари, маданият соҳасидаги зўр муваффақиятлари ва спорт соҳасидаги галабалари — буларнинг ҳаммаси бизда истеъдодлар жуда кўплигидан далолат беради.

**Истеъдоднинг
структураси**

Истеъдод — бу қобилиятлар йиғиндисидан, уларнинг мажмуидан иборатдир. *Алоҳида олинган, якка қобилиятни, гарчи у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёрқин ифодаланган бўлса ҳам, истеъдод билан тенглаштириб бўлмайди.* Бу ҳақда, жумладан,

хотираси ғоят ўткир кишиларни тадқиқ қилиш далолат беради. Ҳақиқатда, кўпчилик айни хотирасида, унинг мустақкамлиги ва кўп нарса сиғдиришида истеъдоднинг айнан ўзига тенг нарсани кўришга тайёрдир. 20-йилларнинг ўрталаридан 50-йилларнинг охирларигача бир гуруҳ психологлар юқорида эслатиб ўтилган ғоят кам учрайдиган хотирага эга бўлган текширилувчилар С. Ш. (XI-бобга қаранг) устида илмий тажриба олиб боришди. С. Ш. нинг ғоят ҳайрон қоларли қобилиятлари ҳеч кимда шубҳа туғдирган эмас. Бироқ, улар оқибат-натижада (эстрада саҳнасида намойиш қилишдан ташқари) ҳеч қаерда қўлланилмади. Кишининг бунёдкорлик фаолиятида хотира ижодиётининг муваффақияти ва маҳсулдорлиги боғлиқ бўлган омиллардан биттаси, холос. Бироқ, улар ақлнинг эпчиллиги, бой фантазиянинг мавжудлиги, ироданинг кучлилиги, чуқур қизиқишлар ва бошқа психологик фазилатларга жуда кам даражада боғлиқ бўлади. С. Ш. ўзида эса олиб қолиш қобилиятидан ташқари бошқа қобилиятларни ривожлантирмади ва шунинг учун ҳам у ўзининг ажойиб қобилиятига мос келадиган ижодий муваффақиятга эришмади.

Албатта, яхши ривожланган хотира жуда кўп турдаги фаолият талабларига жавоб берадиган муҳим қобилиятдир. Камдан-кам учрайдиган хотирага эга бўлган ажойиб ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, сиёсий арбоблар сони жуда кўпдир: А. С. Пушкин, А. Н. Толстой, И. И. Левитан, Н. Н. Ге, С. В. Раҳманинов, М. А. Балакирев, А. В. Суворов, Г. Доре, В. Моцарт ва бошқалар. Бироқ, машҳурлиги ва истеъдоди бошқалардан сира кам бўлмаган жуда кўп кишиларни айтиб ўтиш мумкин. Бирорта ижтимоий-фойдали фаолиятни ижодий, муваффақиятли ва ажойиб тарзда (яъни моҳирона) бажариш учун одатдагидек ҳажмга ва пишиқликка эга бўлган хотира етарлидир.

Шундай қилиб, истеъдод шахс психик фазилатларининг шу қадар мураккаб бирикмасики, уни қандайдир бирорта ягона қобилият билан, ҳатто бу қобилият хотиранинг юксак маҳсулдорлиги каби жуда қимматли қобилият бўлишига қарамасдан, белгилаб бўлмайди. Бундан кўра, аксинча, психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бирорта муҳим қобилиятнинг йўқлиги ёки етарлича тараққий этмаганлиги истеъдод фазилатларининг мураккаб ансамблига кирадиган бошқа қобилиятларнинг интенсив ривожланиши йўли билан муваффақиятли равишда ўрни босиб юборилиши мумкин.

Истеъдод структураси оқибат натижада мазкур фаолият шахс олдига қўйган талаблар (сиёсий, илмий, бадий, ишлаб чиқариш, спорт, ҳарбий ва шу кабилар) характери билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, агар мисол тариқасида истеъдодли композитор билан истеъдодли авиаконструктор ўзаро таққослаб кўриладиган бўлса, у ҳолда истеъдодни ташкил этадиган қобилиятлар бир хил бўлиб чиқмайди. Маълумки, психологик таҳлил қобилиятларда бирмунча умумий ва бирмун-

ча махсус фазилатлар борлигини билдиради. Уз навбатида, истеъдоднинг психологик таҳлили қобилиятларнинг умумий тузилишини ажратишга имкон беради. Улар психик фазилатларнинг энг характерли гуруҳи тарзида намоён бўларкан, фаолиятнинг кўпгина турларини энг юксак даражада амалга ошириш имконини беради. Бу таҳлил СССР Педагогика фанлар академиясининг Умумий ва педагогик психология илмий-тадқиқот институтида турли хилдаги ақлий фаолиятга нисбатан ёрқин ифодаланган истеъдодли болаларни ўрганишда амалга оширилди. (Бу ўринда «қобилиятлилиқ» тушунчаси моҳият жиҳатидан «истеъдод» тушунчасига айнан ўхшаш тарзда, лекин болаларни таърифлашда айнан анча қулайлик туғдириш учун қўлланилди. Боланинг ёшини эътиборга оладиган бўлсак, унинг фаолияти ғоят даражада нисбий, мустақил ва ўзига хослик билан ажралиб туради.) Ўрганилаётган бошқа объектлар орасида V синф ўқувчиси Саша К. ҳам бор эди. У IV синфга етти ёшида ўқишга кирган, бу ерда фақат муваффақиятли ўқибгина қолмай, балки СССР да яшайдиган қушларнинг систематик изоҳини ўз ичига олган иш ҳам ёзди; унинг ёзган иши 314 саҳифадан иборат бўлиб, унда жуда кўп миқдорда суратлар ҳам бор эди (Н. С. Лейтес тадқиқоти).

Бир қатор истеъдодли болаларни ўрганиш натижасида баъзи бир жуда муҳим қобилиятларни аниқлашга эришилди. Бундай қобилиятлар йиғиндиси ақлий истеъдод тузилмасини ташкил этади. Ана шундай йўл билан ажратилиши мумкин бўлган шахснинг биринчи хусусияти зийраклик, йиғноқлик, доимо жиддий тайёрликдир. Дарсда ўқувчи чалғимаёйди, ҳеч нарса ни эътибордан четда қолдирмайди, жавоб беришга ҳамини тайёр туради. У ўзини қизиқтирган нарсага бутун вужуди билан берилиб кетади. Юксак истеъдодли бола шахсининг иккинчи ўзига хос хусусияти унинг биринчи хусусияти билан боғланган, боланинг меҳнатга тайёрлиги меҳнатга мойилликка, меҳнатсеварликка, меҳнат қилишга нисбатан зўр эҳтиёжга айланади. Хусусиятларнинг учинчи группаси интеллектуал фаолият билан бевосита боғлиқдир: *бу тафаккурнинг хусусиятлари, фикрлаш жараёнларининг тезлиги, ақлнинг системалилиги, таҳлил ва умумлаштириш имкониятларининг кўплиги, ақлий фаолиятнинг юксак маҳсулдорлигидир.*

Умуман ақлий истеъдод структурасини ҳосил қилувчи бу қобилиятлар, истеъдодли болалар устида олиб борилган кўплаб психологик кузатишларнинг гувоҳлик беришича, бундай болаларнинг кўпчилигида намоён бўлади ва алоҳида олинган ҳар бир қобилиятнинг ифодаланганлик даражаси жиҳатидан ажралиб туради. Агар истеъдоднинг ўзига хос фарқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар асосан *қизиқишларнинг йўналишларида* намоён бўлади. Бир бола қандайдир изланишлар давридан кейин математикага, бошқаси биологияга қизиқиб қолади, учинчиси бадиий-адабий ижод билан, тўртинчиси тарих ва археология билан қизиқади ва ҳоказо. Бу болалардан ҳар бири-

даги қобилиятларнинг бундан кейинги тараққиёти мазкур қобилиятларсиз амалга ошириб бўлмайдиган конкрет фаолиятларда содир бўлади.

Шунинг учун ҳам *махсус истеъдод* структураси шахснинг юқорида келтирилган фазилатларининг уйғун бирлигини ўз таркибига олади ва *конкрет фаолият талабларига жавоб берадиган* бир қатор қобилиятлар билан тўлдирилади. Жумладан, математик истеъдод махсус қобилиятларнинг мавжудлиги билан изоҳланиши аниқланди. Бу махсус қобилиятлар орасида математик материални берилган мазкур масалани шартлари ва унинг формал структурасининг ифодаланишини тез тушуниб олиш характерида, яъни махсус шаклда идрок қилиш (бунда топшириқнинг конкрет мазмуни гўёки тушиб қолади ва ўзига хос барча конкрет моҳиятлардан тозаланган қуруқ математик нисбатан «скелет»и қолади); математик объектлар, муносабатлар ва ҳаракатларни умумлаштириш, ҳар турли хусусий деталлардан умумий принципларни топа билиш, масаланинг моҳиятини белгилаш қобилияти; мунтазам мулоҳазалар ва ҳаракатларни қисқартириш қобилияти, бунда масала ечишдаги ҳар турли мулоҳазалар тузилишининг ҳаммаси математик ҳаракатлар изчиллигига қисқача ҳавола қилиш билан алмаштирилади (В. А. Крутецкий тадқиқоти).

Истеъдод ва маҳорат

Истеъдод ўзининг умумий ва махсус фазилатлари йиғиндиси билан, юқорида айтиб ўтилганидек, ижодий ютуқлар имкониятидан бўлак нарса эмас, у *маҳоратнинг дастлабки шarti* бўлиб, аммо маҳоратнинг асло ўзи эмас. Уста бўлиб етишиш учун (яъни конкрет фаолиятни, бирон касбни педагог, врач, лайвандчи, учувчи, ёзувчи, гимнастикачи, шахматчи ва шу кабиларни амалга оширишда камолотга эришиш учун) кўп меҳнат қилиш керак. Истеъдод меҳнатдан озод қилмайди, балки жуда катта ижодий, зўр меҳнатни талаб қилади. Бутун инсоният кўз ўнгида шубҳасиз истеъдодли бўлиб кўринган кишилар ҳамиша — истисносиз меҳнат арбоблари бўлиб кўринган. Меҳнат туфайлигина улар оламга таниқли бўлганлар, машҳур маҳорат даражасига эришганлар.

Меҳнат жараёнида ҳаётий тажриба, малака ва кўникмаларнинг зарурий комплекси орттирилади. Бунингсиз ҳеч қандай ижодиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Ижодий фаолият жараёнида кучларнинг алоҳида кўтаринкилик пайтлари, *илҳомланиш*нинг психик ҳолати муҳим роль ўйнайди. У азалдан истеъдоднинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ижодий фаолиятда меҳнатга унинг асосини ташкил қилувчи илҳомланишни қарама-қарши қўйиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Илҳомланиш бу оллоҳдан берилган куч, кашфиёт эмас, балки меҳнат билан тайёрланган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин бўлган ижодий моментдир. Илҳомланиш диққатнинг гоят кучли барқарорлигини, илмий, бадий ёки техник ижод-

корликда қайси бир капитал муаммони ҳал этишда хотирани, тасаввурни ва тафаккурни сафарбар этишни тақозо қилади.

Агар истедод имконият бўлса, у ҳолда маҳорат ҳақиқатга айланган имконият, демакдир. Ҳақиқий маҳорат киши маҳоратининг фаолиятдаги кўринишидир. Маҳорат фақат тегишли малака ва кўникмалар йиғиндисидегагина очилиб қолмасдан, балки *пайдо бўлган вазифани ижодий тарзда ҳал этиш учун зарур бўлган истаган меҳнат жараёнини малакали ҳал этишга психологик жиҳатдан тайёргарликда ҳам* очилади. Адолатли равишда шундай деб айтишади: «Маҳорат — бу шундай бир ҳолки унда *нима ва қандай қилиш керак* деган муаммо бир вақтда келади». Бу билан ижодий вазифанинг моҳиятини тушуниш ва уни ҳал этиш усулларини топиш ўртасидаги тафовутни йўқотиш маҳорати таъкидланади.

Ўз ишининг маҳоратли устаси бўлишга интилиш жамиятимиз кишисининг меҳнат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган мотив ҳисобланади.

V. 18.5. Қобилиятлар ва истедоднинг табиий шарт-шароитлари

**Қобилиятларга
фаталистик
қарашларнинг
хатоликлари**

Инсон қобилиятларининг моҳиятини тўғри тушуниш уларнинг *мияга* муносабати — барча психик жараёнлар, ҳолатлар, фазилатлар ва хусусиятларнинг умумий бўлган жиҳати ҳақидаги масалани аниқлашни тақозо қилади. Шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби *қобилиятлар* унга қандайдир табиат томонидан туғма равишда, *тайёр ҳолда берилмайди*, балки ҳаёт ва фаолият жараёнида *таркиб топади*. Киши дунёга ҳеч қандай психик хусусиятларсиз, фақат уларни орттиришга қаратилган умумий имкониятлар билан келади, холос. Киши мияси фақат воқелик билан ўзаро муносабат ва актив фаолият натижасида ўзининг илгариги индивидуал психологик фазилатлари ва хусусиятларини (шу жумладан, қобилиятларини ҳам) намоён қилган ҳолда теварак-атрофимиздаги оламни акс эттира бошлайди. Илмий психологияда қабул қилинган *қобилиятлар туғма бўлмайди* деган қондани ҳам ана шу маънода тушунмоқ керак.

Ана шу нуқтаи назарни ҳимоя қилиш инсон шахси ва унинг идеализм кўринишларига қарши қобилиятларини илмий тушуниш учун курашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ўз замонасида Афлотун тасдиқлаган эдики, қобилиятлар одамга туғма равишда берилган бўлади ва одам фойдаланадиган барча билимлар унинг «абсолют билимлар» идеал оламида бўлиши ҳақидаги таассуротларидан иборатдир. Қобилиятларнинг туғмалиги тўғрисидаги таълимот илоҳий догмаларга ҳам кириб боради. XVII асрда француз файласуфи Декартнинг асарларида бундай

ёндошиш «туғма гоёлар» туғрисидаги маълумотлар сифатида гавдалантирилди. Қобилиятларга черков обрўси билан ёритилган ана шу фикрлар ёрдамида қараш орқали одамларнинг ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий тенгсизлиги қарор топган ҳамда паст табақалар намояндаларини ўқитишнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги фаталистик қарашлар ўрнашиб қолган. Бу ўзига хос барча тайёр фазилатлар ва хусусиятларга киши гуё туғилишида-ноқ эга бўладиганлиги ҳақидаги, танасиз ва абадий жон туғрисидаги идеалистик нуқтаи-назарлар билан маҳкам боғланган қобилиятларнинг туғмалигига нисбатан реакцион ва илмий асосланмаган қараш илмий психология томонидан қатъиян рад этилади.

Шуни назарда тутиш керакки, қобилиятлар кишига туғилишидан тайёр ҳолида берилган бўлади деган янглиш фикр бизда ҳам айрим ота-оналар ўртасида ва ҳатто педагоглар орасида ҳам тарқалгандир. Бу фикр шунчаки реакцион психологик ва педагогик назариялар туфайли эмас, балки психологик ва педагогик чаласаводлилик натижаси сифатида туғилгандир. Баъзан у айрим пассив ва ожиз тарбиячилар учун ўзига хос педагогик ниқобга айланади. Аслини олганда, бу қулай «психологик гипотеза» (қобилиятлар табиатнинг тайёр инъомидир) у ёки бу ўқувчининг ўзлаштирмаслиги сабаблари устида бош қотириш ва уларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш зарурлигидан озод қилади.

Шундай қилиб, илмий психология қобилиятларнинг туғмалиги концепциясини инкор қилар экан, аввало, фатализмга — киши қобилиятларининг қандайдир номаълум табиий омиллар томонидан азалдан белгилаб қўйилганлиги ҳақидаги тасаввурларга қарши чиқади.

Истеъдод нишоналари қобилиятларнинг табиий шарт-шароитларидир

Қобилиятларнинг туғмалигини инкор қилиш *абсолют характерга* эга эмас. Психология қобилиятнинг туғма эканлигини тан олмас экан, бу билан миянинг тузилишига боғлиқ бўлган дифференциал хусусиятлари туғмалигини инкор қилмайди. Бу хусусиятлар қандайдир фаолиятни муваффақиятли бажаришнинг шарт-шароити (кўпинча бир гурӯҳда, бир қанча касблар, ихтисослар, меҳнат активлиги кўринишлари ва бошқаларда) бўлиши мумкин. Бу қобилият *ривожланишининг дастлабки табиий шарт-шароитлари сифатида* намоён бўладиган мия тузилишининг, сезги органлари ва ҳаракатларининг *морфологик ва функционал хусусиятлари бўлиб, улар истеъдод нишоналари деб аталади.*

Қобилиятлар ва истеъдод нишоналар ўртасидаги нисбатни конкрет мисолда кўриб чиқайлик. Жумладан, туғма нишоналар жумласига ҳаддан ташқари нозик ҳид билиш — анализаторининг одатдан ташқари юксак сезгирлиги мансубдир. У бирон-бир қобилият ҳисобланадими? Йўқ, ахир ҳар қандай қобилият — у *нимагадир, қандайдир конкрет инсоният фаолиятга ёки бир қатор фаолиятларга қаратилган* бўлади. Акс ҳолда «қоби-

лият» сўзининг ўзи маъносиз бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам киши нерв-психик тузилишининг бундай хусусияти номсиз жумбоққа яқин бўлиб қолади. Кишилиқ жамиятида нозик ҳид билиш сезгилари тарихан қандай касблар ва ихтисослар билан боғлиқ бўлиши миянинг тузилиши билан назарга олинмаган. Киши ўзи учун фаолиятнинг қайси соҳасини танлаб олиши ва ана шу фаолият шариоитида ўз истеъдод нишоналарини ривожлантириш учун имкониятга эга бўлиши ҳам ҳисобга олинмаган. Бироқ, агар жамиятда худди шундай алоҳида нозик ҳид билиш сезгилари билан боғлиқ бўлган касбларга эҳтиёж пайдо бўлгани тақдирда ва агар ушбу конкрет киши тегишли табиий истеъдод нишоналарига эга бўлса, у ҳолда у ўзида бошқаларга нисбатан тегишли қобилиятларни ривожлантириши осонроқ бўлур эди. Масалан, «хушбўй ҳидлар композитори» деб аталиши мумкин бўлган атторлардек нодир ва қимматбаҳо касб ҳам бор. Мамлакатда улар кўп эмас, ҳаммаси бўлиб ўттизтага яқин. Уларнинг асосий вазифаси бир қанча серияли янги атирлар тайёрлаб, оригинал ҳидлар яратишдан иборатдир. Ўз-ўзидан равшанки, атторларнинг профессионал қобилияти улардаги истеъдод нишоналарининг ривожланиш натижасини намойиш қилади. Бу ҳид билиш анализаторининг тузилиши ҳамда функционал хусусиятларидан иборатдир. Аммо бу касб намояндларидан бири ҳақида гапирганда, мажозан айтсак, уни «У туғма аттор», деб ифодалаш мумкин, чунки унинг мияси олдиндан белгиланган ҳаёт йўлига, олдиндан белгиланган касбга, қобилиятларга эга эмас.

Истеъдод нишоналари кўпқирралидир. Фаолият томонидан қўйилган талабларнинг характерига боғлиқ равишда айнан бир хил истеъдод нишоналар асосида ҳар хил қобилиятлар ривожланиши мумкин.

Истеъдод нишоналарининг табиати ва моҳиятини ўрганиш соҳасида фан дастлабки қадамларни ташламоқда. Тилга олинган муаммога тааллуқли салбий материал ҳозирча ижобий материалга қараганда ортиқроқдир — истеъдод нишоналарининг маҳсулдор кўринишлари структурасидан кўра нуқсонлар ҳақидаги илмий маълумотлар анча кўпдир. Масалан, бир қатор оғир туғма ёки илк ёшлиқ пайтида орттирилган наслий мия нуқсонлари (олигофрения) қобилиятларнинг ривожланишига туғаноқ бўладиган, тузатиб бўлмайдиган нуқсонлар сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда қобилият тараққиётидаги табиий шарт-шароитларнинг моҳияти ҳақидаги гипотезанинг озми ёки кўпми маҳсулдорлиги ҳақида гапириш мумкин. *Ф. Галлнинг* илгари сурган миянинг айрим анатомик хусусиятлари билан айрим қобилиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борлиги ҳақидаги гипотезаси тасдиқланмай қолди. Гарчи *Ф. Галлнинг* ақл, истеъдод ва қобилият сифатлари ҳақидаги фикри мия катта ярим шарларарида қатъий локаллаштирилганлиги ҳақидаги фикрини фан аллақачон инкор этган ва у тарих мулкига айланган бўлса ҳам

ҳозирга қадар миянинг катталиги билан кишининг қобилияти ўртасида одатда мавжуд бўладиган қонуний алоқа тўғрисидаги тасаввур сақланиб қолган. Шахслараро идрок этиш шароитларида пешонаси катта индивидни ақли деб ҳисоблашиб, ундан оқилона хулосалар ва ечимларни кутишади. Агар кутилган нарса чиқмаса, ҳаддан зиёд афсусланишга сабаб бўлади. Аксинча, пешонаси пастроқ бўлган индивиднинг ақлий қобилиятларига нисбатан олдиндан яхши фикр билдирмайди, гарчи бу фикрлар унинг интеллекти кўринишлари устидан олиб борилган кузатишлар билан тасдиқланмаса ҳам.

Қобилиятлар каби мураккаб психологик хусусиятлар ҳам миянинг маълум бир бўлақларида локал (маҳаллий) тарзда жойлашган бўлиши мумкин, деган тасаввур физиологик ва психологик билимларнинг дастлабки босқичларини акс эттиради ва кейинчалик батамом инкор қилинади. Ҳозирги замон физиологияси мия пўстлоғида жуда кўп психик функциялар тўпланганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Масалан, нутқ ҳаракатлари маркази чап ярим шарнинг учинчи пешона бурмаларининг орқа қисмида жойлашган деб тахмин қилинади. Бунда нутқни тушуниш маркази бошқа жойда — худди ўша чап ярим шарнинг устки бурмаларининг орқадаги учинчи қисмида жойлашгандир. Киши нутқи бир қатор мия қисмларининг ўзаро мураккаб ҳаракатлари натижасида юзага келишини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда кишининг нутқ қобилияти билан боғлиқ қобилиятлари миянинг қандайдир бир жойида тўпланган бўлиши мумкин деб тахмин қилишга ҳеч қандай асос йўқ.

Истеъдод нишонларининг мия миқдори, унинг ҳажмларига қараб белгиланиши ҳақидаги гипотеза асоссиз бўлиб чиқди. Катта ёшдаги одамнинг мияси ўртача 1400 граммга яқин бўлади. И. С. Тургенев миясининг оғирлиги 2012 грамм, Н. Байрон миясининг оғирлиги бироз камроқ — 1800 грамм бўлган; бир қатор машҳур одамларнинг миясини тортиб кўриш худди шундай натижалар берди. Бироқ, машҳур химик Ю. Либих мияси 1362 грамм, ёзувчи А. Франс мияси ҳаммаси бўлиб 1017 грамм бўлган. Кўп ўтмай энг катта ва энг оғир мия бирор жиҳати билан машҳур бўлган эмас, балки ақлий жиҳатдан нуқсонли бўлган одамга тааллуқли эканлиги аниқланди. Кишининг истеъдод нишонлари миясидаги бурмалар сони билан белгиланади, деган тахмин ҳам тасдиқланмади.

Ҳозирги пайтда истеъдод нишонларини миянинг ва сезги органларининг микроструктураси билан боғлайдиган гипотезалар энг маҳсулдор ҳисобланади. Мия ҳужайраларини чуқур ўрганиш истеъдодли кишининг нерв тўқималарини кўрсатадиган морфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш имкониятидадир деб тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, истеъдод нишонларини нерв жараёнларининг айрим дифференциал хусусиятлари билан (нерв жараёнларининг кучи, мувозанатлашуви ва ҳаракатчанлиги ўртасидаги фарқларга

қараб) ва шу билан олий нерв фаолияти турлари билан боғловчи гипотеза ҳам анча ҳақиқатга тўғри келади.

Б. М. Теплов олий нерв фаолияти типларининг хусусиятлари қобилиятлар структурасининг сифат хусусиятларига қандай таъсир қилишини аниқлашга уриниб кўрди. Нерв жараёнларининг кучсизлиги, одатда тахмин қилинганидек, бу фақат нерв фаолиятининг салбий сифати бўлмай, балки баб-баравар равишда ижобий сифати ҳамдир, чунки нерв жараёнларининг кучсизлиги унинг юксак реактивлиги оқибатидир деб кўрсатди олим. «Кучсиз нерв системасини,— деб ёзган эди Б. М. Теплов,— агар шундай ўхшатишга йўл қўйиш мумкин бўлса, жуда ҳам сезгир фотопластинкага ўхшатиш мумкин. Бундай фотопластинка алоҳида хушёрлик билан муомала қилишни талаб қилади: у бошқа ҳар қандай пластинкаларга қараганда «ёритилишдан» ёки «узоқ вақт ушлаб қолишдан қўрқади» (одатдан ташқари кучли қўзғатувчи! шартли қўзғатувчининг давомли таъсири!). Бу албатта салбий хусусиятдир. Аммо у юксак даражадаги ижобий хусусият — зўр сезгирлик оқибати ҳисобланади¹.

Нерв системасининг алоҳида сезгирлиги (яъни, унинг кучсизлиги) маълум бир истеъдод нишонаси сифатида юзага чиқиши мумкин. Унинг асосида юксак реактивлик, таъсирланувчанлик, руҳий тузилишдаги ўзига хос нозикликни талаб қиладиган меҳнат фаолияти турлари билан боғлиқ қобилиятлар ривожланади.

Бу ерда киши шахсининг спецификаси рўй-рост кўриниб турибди. Агар нерв системаси кучи ожиз бўлган типга мансуб ҳайвон биология қонунлари билан бошқариладиган муҳитга характерли бўлган яшаш шарт-шароитида ўзининг шароитига мослаша олмаслигини ва яроқсизлигини ҳис қилса, кучсиз типга мансуб киши ижтимоий тарихий яшаш шароитида, одатдаги ҳаётий шароитларда «инвалид» бўлиб қолмайди. Бундан ташқари ана шундай физиологик асосда ривожланаётган қобилиятлар унинг учун яшаш ва тараққий этишга алоҳида қулай имконият яратиб бериши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлар олий нерв фаолияти умумий типи кўринишларига ва фазилатларига ҳам тааллуқлидир. Бироқ, қобилиятларнинг табиий асосларини *нерв системасининг парциал (хусусий) хусусиятлари* деб аталмиш хусусиятлар билан боғлайдиган, яъни айрим одамларда кўриш, бошқа бировларида эшитиш, учинчи бир хилида эса ҳаракат жабҳасида намоён бўладиган ўзига хос типологик хусусиятлар билан боғлайдиган гипотезалар янада кўпроқ эҳтимолга эгадир. Масалан, ҳаракат соҳасида намоён бўладиган нерв жараёнларининг кучи, мувозанатлашганлиги ва ҳаракатчанлиги жиҳатидан

¹ Теплов Б. М. Проблемы индивидуальных различий. М. РСФСР, ПФА нашриёти, 1961, 419- бет.

типологик фарқлари турли даражада у ёки бу спорт талабларига жавоб бериши мумкинлигини ҳамда тегишли спорт қобилиятларининг ривожланишига дастлабки шарт-шароитлари сифатида чиқиши мумкинлигини тушуниш осон.

Кобилиятлар ва ирсият Қобилиятларнинг табиий шарт-шароитлари—истеъдод нишоналари нерв системасининг тузилиши ва ишлаши хусусиятларига жамланганлиги факти уларнинг бошқа барча морфологик ва физиологик фазилатлар каби умумий генетик қонунларга бўйсунганлиги ҳақидаги тахминнинг тўғрилигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда истеъдод нишоналарининг ирсият йўли билан ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги гипотеза қобилиятларни ирсиятга боғлиқлиги ғояси билан тенглаштирмаслиги керак.

Кўрсатиб ўтилган муаммо катта тарихга эга. 1875 йилдаёқ инглиз антропологи ва психологи Ф. Гальтоннинг «Истеъдоднинг ирсиятга боғлиқлиги, унинг қонунлари ва оқибатлари» деган китоби нашр қилиниб, унда муаллиф бир неча юзлаб машҳур одамларнинг қариндошлик алоқаларини ўрганиб истеъдодлар ё ота йўли билан, ё она йўли билан ирсият орқали ўтади деган хулосага келган эди. Бироқ, Гальтон хулосалари илмий жиҳатдан тўғри эмас эди. У судьяларнинг, сиёсий арбобларнинг, саркардаларнинг истеъдодлари ирсият йўли билан ўтганлиги ҳақида ҳеч қандай ишонарли далил келтира олмаган эди. Гальтон материаллари бўйича қилиниши мумкин бўлган ягона хулоса шундан иборат эдики, бой-бадавлат, машҳур ва илмли одамлар оиласида интеллектуал меҳнат машғулоти учун зарур бўлган фазилатларни ривожлантириш мумкин бўлган қулай шароит бўлишидан иборатдир. Гальтон маълумотлари асосида бирон касбга нисбатан ирсий мойиллик борлиги ҳақида бирорта виждонли тадқиқотчи хулоса чиқаришга журъат эта олмади.

Гальтон материалларини муҳокама қилаётиб, битта изоҳ беришга тўғри келади. Судьялар, ёзувчилар, саркардалар ва бошқаларнинг истеъдодлилиги ҳақидаги шубҳали далиллар қаторида у маълум даражада ишонч таассуроти туғдирмаслиги мумкин бўлмаган маълумотларни ҳам келтиради. Бахлар оиласида, масалан, музыкага бўлган истеъдод биринчи марта 1550 йилда маълум бўлди ва беш авлоддан сўнг у буюк композитор И. С. Бахта алоҳида куч билан намоён бўлди. Бу истеъдод 1800 йилларда яшаган Регина Сусанна деган кимсадан кейин тугади. Бахлар оиласида яшаган олтмишга яқин музикачидан йигирматаси машҳур бўлган. Гальтон бошқа фактларни ҳам келтиради: Бенд деган скрипкачилар оиласида тўққиз таниқли музикачи, Моцарт оиласида — бешта ва Гайдн оиласида иккита машҳур музикачи бўлган.

Буларнинг ҳаммаси айрим умумий хулосалар чиқариш имконини беради. Қўпчилик ҳолларда машҳур одамларнинг насл-насабларини ўрганиш (агар гап ҳақиқатан ҳам машҳур одамлар устида бораётган бўлса) биологик ирсиятдан эмас, балки

турмуш шароитлари наслдан-наслга ўтиши тўғрисида, яъни қобилиятларнинг ривожланишига ёрдам берадиган ўша социал шарт-шароитлар тўғрисида далолат беради. Афтидан, оиладагиларнинг ҳаммаси музика билан шуғулланса, агар бутун турмуш тарзи болани музика билан шуғулланишга зарурий тарзда йўлласса, агар ҳар кимсанинг юксак қадр-қиммати музикани қанчалик тушуниши билан белгиланса, ундай пайтда бундай оилада музикага нисбатан қобилиятларнинг пайдо бўлишига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Ҳар ҳолда, Бахлар мисоли бу ерда музикага бўлган туғма қобилият борлиги ҳақида тахмин қилишга баъзи бир асосларни беради. Эҳтимол, эшитиш анализатори тузилишининг ва функциясининг баъзи бир хусусиятлари, (яъни, *парциал типологик хусусиятлари*) бу оилада авлоддан-авлодга ирсият йўли билан берилган бўлса керак. Дарвоқе, Гальтон кўрсатиб ўтганидек, Бахлар оиласида музикага нисбатан бўлган қобилият тамомила эркаклардан ирсият орқали ўтган.

Тегишли қобилиятларни аниқлашга ёрдам берадиган авлодлар касби ва машғулоти ҳақида гапириш мумкин. Масалан, театр артистлари династияси (масалан, Садовскийлар), цирк артистлари (Дуровлар), олимлар (Якушкинлар, Фортунатовлар) ва шу каби династиялар машҳурдир. Денгизчилар, пўлат эритувчилар, ёғоч ўймакорлари ва бошқа жуда кўплаб ажойиб усталар авлоди маълум. Табиийки, ўғил ота ва бобонинг касбини танлаб олади ва бу соҳада улардан ўтиб кетади. Аммо шу билан бирга болалар ва невараларнинг ўз ота-оналари махсус қобилиятларини эгалламаган ва уларнинг ҳаёт йўлини танламаган сон-саноксиз машҳур одамларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жиддий статистика қобилиятлар ва истеъдодларнинг ирсият йўли билан ўтишини исботлайдиган ҳеч қандай далиллар бермайди. *Қобилиятларнинг ирсият йўли билан ўтиши ҳақидаги ғоя илмий назарияга ҳам қарама-қаршидир.* Шу нарсани илмий жиҳатдан эътироф қилиш мумкинки, ҳозирги замон типодаги киши, яъни бундан юз минг йил илгари яшаган кроманьоннинг пайдо бўлганидан бошлаб, киши тараққиётини танлаш ва унинг табиий ташкилоти ўзгаришини ирсий ўтказиб бериш йўли билан юз бермаяпти — *киши тараққиёти ва унинг қобилиятларини ривожлантириш ижтимоий-тарихий қонунлар билан бошқарилмоқда.*

V. 18.6. Қобилиятларнинг таркиб топиши

Қобилиятлар
ривожининг
таълимга
боғлиқлиги

Гарчи қобилиятларнинг ривожини ҳар турли одамларда мутлақо бир хил бўлмаган табиий шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, юқорида кўриб ўтилган истеъдод нишонлари ва қобилиятлар ўртасидаги нисбат, *қобилиятлар* шунчаки табиат инъоми эмас,

балки кишилик тарихининг маҳсули эканлигини кўрсатади. Агар ҳайвонларда олдинги авлод ютуқларининг кейинги авлодга ўтказиб берилиши асосан организмнинг ирсий морфологик ўзгаришлари орқали амалга ошса, инсонда бу ижтимоий-тарихий йўл билан, яъни меҳнат қуроли, тил, санъат асарлари ва шу кабилар ёрдами билан амалга ошади. Ҳар бир киши эстафетани қабул қилиб олиши керак — у қуролларни қўллаши, тилдан фойдаланиши, бадний ижод асарларидан баҳра олиши керак ва ҳоказо. Одамлар тарихий ютуқлар оламига эгаллаб олгач, ўз қобилиятларини таркиб топтирадилар. *Қобилиятларнинг намоён бўлиши* одамлар томонидан жамият эҳтиёжларини қондириш жараёнида тарихий жиҳатдан ишлаб чиқиладиган *тегишли билим ва кўникмалар шаклланишининг конкрет усуллари (методлари)га бевосита боғлиқдир.*

Агар масалани кишилик жамияти тарихи нуқтаи назаридан қараб чиқадиган бўлсак, юқорида келтирилган ҳолатнинг туғрилигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда, масалан, ҳар бир етти яшар нормал тараққий этган болани ўқишга ва ёзишга ўргатиш мумкинлигини тасдиқлаш ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Бироқ, бундан икки юз йиллар муқаддам ҳар қандай одамни ҳам саводга ўргатиб бўлмайди, фақат «худо доно қилиб яратган»ларнигина, яъни махсус қобилиятга эга бўлган кишиларнигина саводини чиқариш мумкин деган фикр анча кенг тарқалган эди. Қолган бошқа одамлар (тахминан болаларнинг умумий сонидан учдан икки қисми) бўлса ёзиш ва ўқишнинг сирларини тушунишга олдиндан қобилиятсиз деб тан олинарди. Қандайдир алоҳида туғма қобилиятларга бўлган бундай қараш таълимнинг ҳақиқий қийинчиликлари билан боғлиқ эди. Ҳамма ҳарфларни славянча номлари билан қўшиб ёдлашга боғлиқ бўлган мутлақо такомиллаштирилмаган метод («Алиф», «бе», «олиб юр», «фезъл», «марҳамат») бўғинлаб ўқишга ўтишни ҳаддан ташқари қийинлаштириб юборди. XIX асрнинг биринчи ярмида таълимнинг анча такомиллашган методига ўтиш амалга оширилди, бўғинлаб ўқиш методи асосига қурилган янги ўқув қўлланмалари ҳам юзага келди. Бу қўлланмаларда черков-славян ҳарфи ўрнига соддалашган гражданлик ҳарфлари фойдаланилди, славян алфавити ҳарфлари номи қисқартирилган номлар билан алмаштирилди («а», «бе», «ве»). «Туғма грамматик қобилиятлар» муаммоси шундай ҳал қилинган эди. Тажриба шубҳасиз ҳамма болалар ўқиш ва ёзишни ўрганишлари мумкинлигини кўрсатди.

Юқорида айтилганлар муносабати билан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Киши ўзида муайян фаолиятга қобилият борми ёки йўқлигини сезиш ё сезмаслигини билдирадиган омил таълим методикаси ҳисобланади, деб айтишга асос борми? Одатдагидек, таълим методикаси ўзининг асоссизлиги ва ожизлигини пайқаган пайтда ҳар доим қобилиятларнинг туғма эканлиги ҳақидаги гап пайдо бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, методика доим такомиллашиб боради ва шунинг учун ҳам «туғма» қоби-

лиятлар доираси борган сари тораиёб боради. Оқибат-натижада шоирлик, музикачилик, артистлик, конструкторлик, педагоглик, ташкилотчилик ва бошқа тарздаги алоҳида «олий» қобилиятларнинг тақдири «грамматик» ва «арифметик» қобилиятлар тақдиридек бўлади, деб тахмин қилиш мумкин. Бу соҳада кўплаб психологлар тажриба олиб бормоқдалар.

Масалан, гўё мутлақо мусиқага ишқивоз бўлмаган болаларда, яъни муסיқий қобилият нишонлари йўқ деб топилган ўқувчиларда муסיқий товушларни фарқлаш ва ёдда сақлаш кўникмасини ҳосил қилишга экспериментал жиҳатдан муваффақ бўлинди. Индивидуал машқлар системасини қўлланиб, (музиқани тинглаш ва айни пайтда товушларни солиштириш ва қайта такрорлаш — жўр бўлиш) тадқиқотчи музиқа эшитиш дидини шакллантиришга — истеъдод нишонларнинг туғмалиги ҳақидаги ажойиб мисол ҳисобланган қобилиятни шакллантиришга ўрганди.

Москвадаги мактаблардан бирида олиб борилган тажриба ишларни бир гуруҳ психологлар ва педагогларнинг бир неча йил мобайнида барча ўқувчиларда математик қобилиятларни шакллантиришнинг кўрсатадиган иши ҳақида ҳикоя қилади; бу болаларга биринчи синфлардаёқ мавҳум ифодаларни ўзлаштириш имконини берди, ваҳоланки авваллари алгебра асосларини V—VII синф ўқувчилари ўзлаштириши мумкин деб ҳисобланарди.

Қобилиятлар ва истеъдодларни шакллантириш муаммоси катта социал ва давлат аҳамиятига эга бўлган муаммодир. Бунда ҳамма болаларда қобилиятларни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси айрим алоҳида истеъдодли болаларда махсус истеъдодларни ривожлантириш вазифасига қарама-қарши қўйилмайди. Шу жиҳатдан қозонлик педагог Г. Ю. Гусарскаянинг тажрибаси жуда характерлидир.

Унинг ўқувчилари орасидан жуда кўплаб истеъдодли математиклар етишиб чиқди. Унинг ҳамма ўқувчилари ўз қобилиятлари ва билимларига мос бўлган ва уларнинг илгарилаб боришларига қараб ортиб борувчи топшириқ олиш билан бирга мактабдаги математика курсини жуда ажойиб тарзда ўзлаштирдилар. Мана шундай йўл билан математикага жуда ҳам ноқобил болалар бор деган фикр асосан инкор қилинди. Г. Ю. Гусарская ўқувчиларининг аксарият кўпчилиги техника олий ўқув юртларига ва университетларнинг физика-математика факультетларига кирдилар. Улар орасида ҳозир Қозон университетига ишлаётган ўн математик ва назариячи физик бор. Унта кишининг ҳаммаси математика соҳасидаги истеъдодли одамлар бўлиб, уларнинг истеъдодлари моҳир педагог томонидан очилган, намён қилинган, шакллантирилган ва мукамаллик даражасига етказилган.

Москва, Новосибирск ва бошқа шаҳарлардаги қатор махсус мактабларнинг иши математик қобилиятларни фаол ривожлантиришга бўйсундирилган.

Инсон қобилиятларини ривожлантиришнинг қизиқишлар жиддий муҳим омиллари — барқарор махсус қизиқишлардан иборатдир. Махсус қизиқиш-

лар— бу инсоният фаолиятининг қандайдир соҳа мазмунига бўлган қизиқишлари бўлиб, бу қизиқишлар ана шу турдаги фаолият билан касб тариқасида шуғулланиш мойиллигига ўсиб кўтарилади. Билишга доир қизиқиш бу ўринда фаолият усуллари ва услубларини амалий равишда эгаллаб олишни рағбатлантиради.

Бирор меҳнат ёки ўқув фаолиятида қизиқишнинг пайдо бўлиши бу фаолиятга нисбатан қобилиятларнинг уйғониши билан чамбарчас боғлиқлиги ва қобилиятларнинг ривожланиши учун дастлабки замин сифатида хизмат қилиши қайд қилинган. «Бизнинг ниятларимиз,— Гёте сўзлари билан айтганда,— биздаги яширин қобилиятларнинг олдиндан сезилиши, биз амалга оширишимиз мумкин бўлган ишларнинг жарчисидир». Боланинг мустаҳкамланган қизиқишлари унинг қобилиятларини акс эттирувчи «лакмус қоғози»дир, уйғонаётган қобилият ўзидан дарак бермаяптимикин, деб атрофдагиларни ўйлатадиган сигналдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўсмирларда бу қизиқишлар, гарчи эҳтиросли бўлса ҳам, қисқа муддатли завқ характериға эгадир. Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида ҳар турли ва кўпинча сўниб бораётган қизиқишлар ривожланаётган шахсда қобилиятларни намоён қилишда муҳим роль ўйнайди. Тарбиячиларнинг ўсмирлар ёки ўспиринлар қизиқишлари соҳасига шундай муносабатда бўлишлари педагогик жиҳатдан муҳимдир. Бу эса уларнинг билишга бўлган эҳтиёжларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришни назарда тутаяди.

Албатта бу жиҳатдан шундай ҳолат оптимал ҳисобланадики, бунда ўқувчи (катталарнинг ёрдами ва воситаси билан) барқарор ва махсус қизиқишларини жуда эрта намоён қилади ва ўз қизиқишини тўғри белгилашга имкон берадиган турли қобилиятларни ривожлантиради. Маълумки, бу нарсага ҳамма ҳам муаяссар бўлавермайди. Лекин мактабни тугатаётган ўқувчи мактабдан ҳатто қандайдир касбга аниқ ифодаланган қизиқишсиз чиқиб кетса (бу ерда гап ҳаётга қадам қўйиш учун зарур бўлган билимлар ва меҳнатга психологик тайёргарлик ҳақида эмас, балки қизиқиш ҳақида бормоқда), бу нарса ўқувчининг, масалан, артистлик, дипломатик, журналистлик каби ва бошқа «завқли» касбларнинг соф ташқи белгиларига асосланиб шошма-шошарлик билан ҳамда янглиш касб танлашидан кўра яхшироқ бўлади.

Адабиётлар

Ковалев А. Г., Мясичев В. Н. Психологические особенности человека, т. 2. Способности. Л., ЛДУ нашриёти, 1950.

Крутецкий В. А. Психология математических способностей школьников. М., Просвещение, 1968.

Кузьмина Н. В. Формирование педагогических способностей. Л., ЛДУ нашриёти, 1959.

Лейтес Л. С. Умственные способности и возраст. М., Педагогика, 1971.
Теплов Б. М. Проблемы индивидуальных различий. М., РСФСР ПФА
нашриёти, 1961, 9—347-бетлар.
Хрестоматия по психологии. М., Просвещение, 1977, 338—345-бетлар.

МУНДАРИЖА

Муҳаррирдан	3
Биринчи қисм. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ	
1-боб. Психологиянинг предмети	5
I.1.1. Психология ҳақида тушунча	5
I.1.2. Мия ва психика	22
I.1.3. Онг ҳақида тушунча	28
2-боб. Ҳозирги замон психологиясининг аҳволи, тузилиши ва методлари	33
1.2.1. Фалсафа илмий психологиянинг илмий негизидир	33
1.2.2. Ҳозирги замон психологияси ва унинг фанлар системасидаги ўрни	41
1.2.3. Ҳозирги замон психологиясининг принциплари ва тузилиши	48
1.2.4. Ҳозирги замон психологиясида тадқиқот методлари	59
3-боб. Психика ва онгнинг ривожланиши	69
1.3.1. Психиканинг филогенезда ривожланиши	69
1.3.2. Психиканинг муҳитга ва аъзоларнинг тузилишига боғлиқлиги	90
1.3.3. Меҳнат фаолияти жараёнида онгнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-тарихий моҳияти	94
Иккинчи қисм. ШАҲС ФАОЛИЯТ ВА МУНОСАБАТ ЖАРАЁНИДА	
4-боб. Фаолият	103
II.4.1. Фаоллик ва фаолият	103
II.4.2. Фаолиятнинг структураси	111
II.4.3. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши. Малакалар	117
II.4.4. Фаолиятнинг асосий турлари ва одамда уларнинг ривожлантирилиши	130
5-боб. Муомала	141
II.5.1. Муомала ҳақида тушунча	141
II.5.2. Ахборот айирбошлаш тарзидаги муносабат	143
II.5.3. Муносабат шахслараро ўзаро биргаликда ҳаракат қилишдир	153
II.5.4. Муомала одамларнинг бир-бирларини тушунишидир	165
6-боб. Жамоа	175
II.6.1. Гуруҳлар ва уларнинг таснифи	175
II.6.2. Жамоа гуруҳий ривожланишининг энг юксак формасидир	177
II.6.3. Гуруҳларда ва жамоаларда табақаланиш	180
II.6.4. Гуруҳ ва жамоалардаги алоҳида гуруҳларнинг бирга қўшилиши	192
II.6.5. Тарбиявий жараёндаги жамоа ва жамоачилик	199
7-боб. Шахс	206
II.7.1. Психологияда шахс тушунчаси	206
II.7.2. Шахснинг тузилиши	212

II.7.3. Шахснинг фаоллиги ва йўналтирилганлиги	222
II.7.4. Шахснинг ўзини англаб етиши	233
II.7.5. Шахснинг шаклланиши	245

Учинчи қисм. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

8-б о б. Диққат	251
III.8.1. Диққатнинг умумий хусусияти	251
III.8.2. Диққатнинг физиологик механизмлари	258
III.8.3. Диққатнинг тузилиши	260
9-б о б. Сезгилар	269
III.9.1. Сезгилар ҳақида тушунча	269
III.9.2. Сезгиларнинг умумий қонуниятлари	278
10-б о б. Идрок	290
III.10.1. Идрокнинг таърифи ва унинг хусусиятлари	290
III.10.2. Идрок ҳаракат сифатида	299
III.10.3. Фазони идрок қилиш	302
III.10.4. Вақт ва ҳаракатнинг идрок қилиниши	312
11-б о б. Хотира	318
III.11.1. Хотира ҳақида умумий тушунча	318
III.11.2. Хотиранинг турлари	326
III.11.3. Хотира жараёнларининг умумий таърифи	332
III.11.4. Эсда олиб қолиш	334
III.11.5. Қайта эсга тушириш	344
III.11.6. Унутиш ва эсда сақлаш	347
III.11.7. Хотирадаги индивидуал фарқлар	350
12-б о б. Тафаккур	353
III.12.1. Тафаккурнинг умумий характеристикаси	353
III.12.2. Тафаккур ва масала ечиш	367
III.12.3. Тафаккур турлари	375
13-б о б. Хаёл	381
III.13.1. Хаёл, унинг асосий турлари ва жараёнлари ҳақида тушунча	381
III.13.2. Хаёл жараёнларининг физиологик асослари	389
III.13.3. Болаларнинг ўйини ва катталарнинг ижодида фантазиянинг роли	393

Тўртинчи қисм. ШАХСНИНГ ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ МУҲИТИ

14-б о б. Ҳис-туйғулар	400
IV.14.1. Ҳис-туйғу тушунчаси ва унинг физиологик асослари	400
IV.14.2. Ҳис-туйғуларни бошдан кечирish шакллари	405
IV.14.3. Ҳис-туйғулар ва шахс	412
15-б о б. Ирода	421
IV.15.1. Ирода ҳақида тушунча	421
IV.15.2. Иродавий акт структураси	429
IV.15.3. Кишининг иродавий фазилатлари ва уларни шакллантириш	432

**Бешинчи қисм. ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

16-боб. Темперамент	438
V.16.1. Темперамент ҳақида умумий тушунча	438
V.16.2. Олий нерв фаолиятининг тури ва темперамент	442
V.16.3. Меҳнат ва ўқув фаолиятида темпераментнинг роли	446
V.16.4. Темперамент ва тарбия муаммолари	452
17-боб. Характер	457
V.17.1. Характер ҳақида тушунча	457
V.17.2. Характернинг структураси	459
V.17.3. Характернинг табиати ва намоён бўлиши	466
18-боб. Қобилиятлар	479
V.18.1. Қобилиятлар ҳақида тушунча	479
V.18.2. Қобилиятларнинг сифат ва миқдор характеристикаси	481
V.18.3. Қобилиятлар структураси	487
V.18.4. Истеъдод, унинг пайдо бўлиши ва структураси	491
V.18.5. Қобилиятлар ва истеъдоднинг табиий шарт-шароитлари	495
V.18.6. Қобилиятларнинг таркиб топиши	501

На узбекском языке
ОБЩАЯ ПСИХОЛОГИЯ

Под редакцией академика
А. В. ПЕТРОВСКОГО

Учебное пособие для педагогических институтов

Перевод с издания «Просвещение», М., 1986

Ташкент «*Уқитувчи*» 1992

Муҳаррир *С.Хусниддинов*
Бадий муҳаррир *А.Лукьянов*
Тех. муҳаррир *Н.Винникова*
Мусаҳҳиҳ *А. Ибрагимов*

Теришга берилди 18.02.92. Босишга рухсат этилди 29.06.92.
Формати 60×90^{1/16}. Литературная гарнитураси. Кегли 10
шпон-из. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л.
32,0. Шартли кр.-отг. 32,19. Нашр. л. 31,99. Тиражи 15000.
Буюртма 2488.

«Ўқитувчи» нашриёти Тошкент 700 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 12-387-90.

Ўзбекистон Матбуот давлат комитетининг Ташполиграф-
комбинати

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Респуб-
лики Узбекистан по печати, Ташкент, ул. Навои 30.

Ўзин В 7 Т узгарини

У 52 Умумий психология: Пед. ин-тларининг талабалари учун дарслик (А. В. Петровский, А. В. Брушлинский В. П. Зинченко ва бошқ); А. В. Петровский таҳр. остида. —3— қайта ишланган ва тўлдирилган русча нашр. тарж.. — Т.: Ўқитувчи, 1992—512 б.

И. Петровский А. В. ва бошқ.

Общая психология: Учеб. пособие для пед. ин-тов.

«Уқитувчи» нашриёти психологияга доир қуйидаги китобларни чиқаради:

1. Тўрақулов Э.

Абу Райҳон Берунийнинг психологик-педагогик қарашлари

2. Аникеева Н. П.

Жамоадаги психологик муҳит

3. Фридман П. М.

Уқувчи шахсини ва ўқувчилар жамоасини ўрганиш.